

АННА ЗЕГЕРС



БАРҲАЁТ ЎЛИКЛАР

РОМАН

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1962

Маъхур немис адибаси Анна Зегерснинг «Барҳаёт ўликлар» романи ҳозирги замон Германия демократик адабиётининг энг йирик асарларидан биридир.

Анна Зегерс ўз романида Германиянинг тараққиёт тарихида хал қилувчи роль ўйнаган муҳим воқеалар тўғрисида ҳикоя қилади. Асарда 1918 йил революциясининг мағлубиятга учраши, меҳнаткаш халқнинг ички реакцияга қарши бош кўтариб чиқиши, Веймар республикаси даврида нацизмнинг юзага келиши, фашистлар диктатурасининг ўрнатилиши, кейинчалик унинг Совет Армиясидан қақшатғич зарба еб, тор-мор бўлиши тасвирланади.

Анна Зегерс ўз асари билан немис халқининг ўтмишдаги хатоларни яна қайтармаслиги, янги урушнинг олдини олишнинг бирдан-бир тўғри йўли — бу Германия Социалистик Бирлашган партияси раҳбарлигида бугунги кунда Германия Демократик Республикаси бораётган йўлдан бориши, қуролсизланиш, монополистик ҳокимиятни йўқотиш, немис халқининг демократик кучларини озод қилиш, буюк Совет Иттифоқи ҳамда дунёдаги бошқа тинчликсевар халқлар билан тинч-тотув яшашдан иборат эканлигини китобхонларга баён қилади.

Зегерс А.  
Барҳаёт ўликлар. Роман. Т., Уздабийнашр, 1961.  
664 бет.

Зегерс А. Мертвые остаются молодыми. Роман.

И. (Нем).

## АННА ЗЕГЕРС ВА УНИНГ «БАРҲАЁТ УЛИҚЛАР» РОМАНИ

Анна Зегерс ҳозирги замон жаҳон адабиётининг энг прогрессив, талантли намоёндаларидан бири. У тинчлик учун курашчиларнинг энг илғор сафидан жой олган бўлиб, эксплуатация, реакция, босқинчиликка қарши руҳда ёзилган асарлари бир қанча тилларга таржима этилган.

Бизнинг мамлакатимизда Зегерснинг номи ҳурмат билан тилга олинади, «Еттинчи крест», «Барҳаёт ўликлар», «Қарор» каби романларини совет китобхонлари севиб ўқийдилар. Бу асарлар мамлакатимиз халқлари тилига, шу жумладан ўзбек тилига ҳам таржима этилди.

Анна Зегерс Германия тарихининг энг мураккаб, қарама-қаршиликлар билан тўлиб-тошган даврида яшаб, ижод этаётир. Унинг асли исми Нетти Рейлинг бўлиб, 1900 йилда Рейн дарёси соҳилидаги Майнц шаҳрида буржуа интеллигенти оиласида туғилди. Ёзувчининг ёшлик чоғлари дунё тарихидаги катта ўзгаришлар даврида ўтди. Биринчи жаҳон уруши, Улуғ Октябрь революцияси, Германияда революцион ҳаракатнинг активлашиши ёш қиз дунёқарашининг шаклланишида катта роль ўйнади.

Биринчи жаҳон урушининг сўнгги йилларида, айниқса, Октябрь революциясининг таъсири остида немис ишчилар синфининг монархия ва империализмга қарши кураши активлашди ва кенг революцион курашга айланди. Аммо 1918—1923 йиллардаги революцияда демократик кучлар ғалабага эриша олмадилар, чунки В. Пик айтганидек «Ишчилар синфи мағлубиятга йўлиқшининг сабаби айрим жойлардаги революцион ҳаракат умуммамлакат миқёсига кўтарилмагани ва унга кучли коммунистик партия раҳбарлик қилмаганидadir». Социал-демократия ўнг раҳбарларининг хонлиши, АҚШ ва Англия империалистларининг немис реакционер-

ларига ёрдами натижасида революция самарасидан йирик капиталистлар манфаатдор бўдилар, Веймар буржуа республикаси ўрнатилди. Аммо Германия коммунистик партияси раҳбарлик қилган революцион ҳаракат давом этди.

Студентлик чоғларида демократик доиралар билан яқин алоқада бўлган Зегерс 1928 йили коммунистлар партияси сафига кирди, бундан кейинги ҳаёти ва ижодини партия иши билан боғлайди.

А. Зегерснинг ижодий фаолияти 20-йиллардан бошланди — биринчи ҳикоялар тўплами 1926 йилда, «Балиқчилар қўзғолони» повести эса 1928 йилда босилди. 20-йилларнинг бошида нашр қилинган бир кичик фантастик ҳикоясининг қаҳрамони Анна Зегерс исмли қиз эди, кейинчалик ёзувчи ноширнинг таклифи билан «Анна Зегерс»ни адабий таҳаллус сифатида қабул қилди, ҳозирги кунда Нетти Рейнинг бутун дунёга Анна Зегерс номи билан маълумдир.

Зегерс ижодини ярим афсонавий ҳикоялар ёзиш билан бошлади («Артемида ҳақидаги ҳикоя», «Уч дарахт» ва бошқалар.) Илк ҳикоялари баднийлик жиҳатдан ниҳоятда шилланган, фабуласи қизиқарли бўлишига қарама-қарши, уларда ҳаётийликдан кўра, сохталик кўпроқ. Ҳатто халқ ҳаётидан олинган ҳикояларида ҳам («Циглерлар», «Грубеч» ва бошқалар) икки линия — «соф» санъат билан реализм ўртасидаги кураш ва охирида («Балиқчилар қўзғолони») реализм ғалабасини кўрамиз. Буларда етук Зегерс ижодига хос бўлган хусусиятлар — оддий кишиларнинг кундалик ҳаётини бўёқсиз тасвирлаш, жонли халқ тилидан фойдаланиш каби ҳолатлар яққол кўзга ташланади.

Анна Зегерс ижодий фаолиятини бошлаганида Германияда уч адабий оқим мавжуд эди. Уларнинг бири империализмнинг апологети бўлган, зўравонлик ва босқинчилик урушларини куйловчи, ирқчилик, одамсевмасликни тарғиб қилувчи адабиёт; иккинчи группа ёзувчилар — Г. Манн, Т. Манн, Б. Келлерман, А. Цвейглар танқидий реализм традицияларини давом эттирдилар, буржуа Германиясидаги воқеликни кескин танқид қилиб, унга гуманистик идеалларни қарама-қарши қўйдилар, учинчи группа — мамлакатда кескинлашган социал қарама-қаршилик, пролетариат курашининг активланиши билан боғланган революцион санъаткорлар группаси эди. И. Бехер, Э. Вайнерт, В. Бредель, Ф. Вольф кабилар реакция, бош кўтарайётган фашизм ва умуман буржуа тузумига қарши курашга отландилар, революцион оптимизм билан сугорилган асарлар яратдилар. Бу группа вакиллариининг эстетик қарашлари ва бадний маҳоратининг шаклланишида Улуг Октябрь революциясининг сўнмас нурлари, дунёдаги энг прогрессив адабиёт бўлган Совет адабиёти, М. Горький ва В. Маяковскийлар ижоди ҳал этувчи роль ўйнади. Ижодининг илк давридан бошлаб, Зегерс ана шу ла-

герга ёндошди, кейинроқ эса, унинг кўзга кўринган вакилларидадан бирига айланди.

«Балиқчилар қўзғолони» (1928 йил) повести ёзувчининг шухратини кенг ёйди. Асарда 1927—1928 йиллардаги меҳнаткаш омманинг эксплуататорларга қарши курашининг бир қисми — балиқчилар қўзғолони тасвирланган. Балиқчилар мағлубиятга учрайдилар, бироқ уларда ирода, ишонч сўнмайди. Ёзувчи асарни мағлубият вақтинча, деган гоё билан тугатади. «Балиқчилар қўзғолони» ва «Грубеч» ҳикояси учун Зегерсга ўша даврда Клейст номидаги мукофот берилган.

1930 йилда Улуг Октябрнинг 13 йиллигини нишонлаш учун таклиф этилган хорижий адиблар қаторида А. Зегерс ҳам бор эди. Совет кишиларининг ҳаёти билан кўпдан бери қизиққан ёзувчи Совет мамлакати ва адабиёти билан танишади; Харьковда ўтказилган революцион ёзувчиларнинг халқаро конференциясида қатнашади. Бу саёҳат унинг гоёвий ўсиши ва бадний маҳоратини оширишига, социалистик реализм методига ёндошишига ёрдам берди.

Германияда реакция кучайган, фашистлар ҳокимиятни қўлга олишга уринаётган даврда Зегерс Тельман раҳбарлигидаги немис компартиясининг актив аъзоларидан бири бўлиб, революцион ёзувчи га айланди. Унинг бундан кейинги асарларидаги асосий қаҳрамон — озодлик учун курашаётган меҳнаткаш халқ вакилидир.

«Йўлдошлар» (1932 йил) китобида Зегерс халқаро пролетариатни империализмга қарши курашда ҳамкорликка чақиради. Бу асарда коммунизм гоёларининг мангулик оҳанги жаранглайди. Композиция жиҳатидан ажойиб тузилган бу роман, гоёвий чуқурлиги, сиёсий ўткирлиги, антифашистик йўналиши билан авторнинг аввалги асарларидан ажралиб туради. Бу асарда Зегерс Польша, Венгрия, Болгария, Хитой Коммунистик партияларининг фаолияти, империализм ва фашизмга қарши курашини Европа адабиётида биринчи бўлиб тасвирлайди.

1933 йилда халқ қўзғолонидан кўрққан немис империалистлари мамлакат идорасини Гитлерга топширдилар. Фашистлар «ишни» маданият арбобларини, виждонли, онгли, прогрессив немисларни кишилаш, қириш ва улар ўрнини босқинчиликка гоёвий тайёргарлик кўришда ёрдам берувчи шахслар билан алмаштиришдан бошладилар. 1933 йил 10 майда Берлинда мисли кўрилмаган варварлик юз берди — йнгирма минг китоб куйдирилди. Улар орасида К. Маркс ва Ленин, Горький ва Барбюс, Г. Манн ва Р. Роллан асарлари бор эди. Немис халқининг миллий ифтихори бўлган адабиёт, санъат ва фан арбобларининг икки юз элликтаси ўз натанларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Булар орасида А. Зегерс ҳам бор эди.

А. Зегерс Францияда бошпана топди. У Парижда ташкил этилган «Немис ёзувчиларининг ҳимояси» комитети ишида, Германиядаги халқ fronti учун китоб ва газеталар яратишда, халқ-аро конгрессларда иштирок этди.

Шу даврда «Има учун фашизм Германияда, Гёте, Шиллер, Бетховен, Маркс, Энгельс ватанида ғалаба қозонди?» деган савол халқаро матбуот томонидан майдонга ташланади. Бу масала Зегерсни ҳам чуқур ҳаяжоплантиради. У ўз фикрларини «Баҳоланган калла» повестида ифодалайди. Асарда фашизм қишлоқда, деҳқонлар ўртасида қандай қилиб ўзига замин ҳозирлагани масаласи Рейн областидаги бир қишлоқ ҳаёти орқали берилади. Повестда немис халқининг ҳаммаси фашистларга бўйсунмаган, уларни фашизмга қарши курашга отлантириш керак, деган гоё олға сурилади. Аммо китобда Германия Коммунистик партиясининг фаолияти кенг кўрсатилмаган, коммунистлар образи эса анча заиф чиққан.

Коминтерннинг VII конгресси ва умуман антифашистик лагерь кенг халқ фронтини яратиш, фашизмга қарши курашни активлаштириш масаласини қўяди. А. Зегерс икки романи — «Йўл февраль орқали» (1935 йил) ва «Қутқарилиш» (1937 йил)ни ана шу масалага бағишлади.

«Йўл февраль орқали» романида 1934 йил февралда Австрияда бўлган демократик кучларнинг фашизмга қарши қўзғолони тасвирланади ва ягона йўл — коммунистлар раҳбарлигидаги кураш эканлиги таъкидланади, социал демократик партия ўнг раҳбарларнинг хониларча сиёсати фош этилади.

«Қутқарилиш» романида юқоридаги тема кенгроқ ёритилди. Асарда буржуа республикасининг сўнгги йиллари ва немис ишчиларининг ҳаёти тасвирланди. Автор има учун революцион традицияларга эга бўлган немис пролетариати ҳокимиятини бир тўда каллакасарларга топширилишига йўл қўйди, деган саволни қўяди ва тарихий фактларга асосланиб, унга жавоб беришга уринади. Коммунистларнинг фаолиятидаги баъзи хатоларни тўғри кўрсатиб, асосий айб социал демократларда эканлини ишонarli қилиб тасвирлади. Ёзувчи бу романида коммунистлар антифашистик лагерни Бенц, Лоренц, Янауш, Катарина каби виждонли меҳнатқиллар билан кенгайтириш керак, деган гоёни беради.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиб, немис фашистлари ҳужумга ўтади, Европа мамлакатларини бири-кетин ишғол қила бошлайди. 1940 йилда фашистлар Францияни ишғол қилгач, Зегерс ниҳоятда қийинчиликлар билан Париждан Марселга келди ва бир қанча антифашистлар билан АҚШ орқали Мексикага бориб, бошпана топди. Ёзувчининг шу даврда олган таассуротлари ва Франция-

нинг бошига тушган фожиа «Транзит» (1943 йил) романида ўз ифодасини топган. Зегерс бошқа эмигрантлар қаторида Мексикада ҳам ёзувчи-жамоатчи, антифашистик фаолиятини давом эттиради.

Зегерс 1937—1939 йилларда «Еттинчи крест» романи устида ишлади. Унинг бир қисми Москвага юборилган бўлиб, «Октябрь» журналининг 1941 йилдаги 7, 8, 9, 10-сонларида босилди. Аммо Париж оккупация этилгач, автор асосий қўлёзмани куйдиришга мажбур бўлди. Асарнинг АҚШга юборилган ва йўқолган деб ҳисобланган бир нусхаси фавқулодда топилади ва 1942 йилда инглиз тилида нашр этилади. Романи прогрессив жамоатчилик мамнуният билан қарши олди, ёзувчининг номи эса жаҳонга кенг тарқалди. «Еттинчи крест» романи ёзувчининг антифашистик курашга қўшган катта ҳиссасидир.

А. Зегерс ватанидан узоқда бўлса ҳам, ҳеч вақт у билан алоқани узмади, шунинг учун ҳам бадий адабиётда биринчи бўлиб Германияда юз берган ўзгаришларни реалистик тасвирлай олди. «Еттинчи крест» романи иккинчи жаҳон уруши авж олган, гитлерчилар Москва атрофида кескин зарба еган, бутун инсоният қаҳрамон Совет армиясининг фашизмга бераётган зарбасини қувонч билан қарши олаётган даврида босилди ва бир қанча тилларга таржима этилди. Асар қизгин антифашистик йўналиши, образ ва воқеаларнинг ҳаётийлиги, бадий маҳорати билан миллионлаб китобхонларни ўзига жалб этди. Китобда ҳикоя қилинган Вестгофен концлагеридан қочган, оллитаси ҳалок бўлиб, фақат биттаси тирик қолган етти қочқин воқеаси кишиларни ҳаяжонга солади ва фашист Германиясининг мудҳиш қиёфасини аниқроқ кўришга ёрдам беради. Ёзувчи бу асарни билан социалистик реализм методини ўзлаштирганлигини кўрсатди.

1945 йил 9 майда Совет Армиясининг фашизм устидан қозонган ғалабаси немис халқи тарихида янги саҳифа очди. Ватанига қайтиб келган маданият арбобларни олдида янги, қийин ва фахрли вазифалар — нацизмнинг қабих меросини, мактаб, олий ўқув юртлари ва маданий-оқартув ишларидаги фашистик руҳни илдизи билан қуритиш, халқ онгида миллий маданиятнинг илғор гуманистик традицияларини уйғотиш, маданий меросдан халқни баҳраманд қилиш каби масалалар турар эди. Немис интеллигенцияси илғор вакилларини ана шу вазифаларни амалга оширишга жалб этиб, янги, демократик Германия куришда халқ оmmasига раҳбарлик қилишга тийёрлаш керак эди. Бу вазифаларни амалга оширишда А. Зегерс ҳам актив иштирок этди.

Урушдан сўнгги йилларда Германиянинг ҳар иккала зонасида ҳам «миллий фожиа учун кимлар айбли» деган савол энг актуал



ғоявий масала сифатида майдонга ташланади ва унинг атрофида кескин ғоявий кураш кетади. Агар Ғарбий Германия идеологлари Гитлерни қўллаб-қувватловчиларни турли йўллар билан оқлашга уринсалар, илғор ёзувчи, санъаткорлар тарихни бунчалик қўпол сохталаштиришни фош этадилар ва яқинда бўлиб ўтган воқеаларнинг асли моҳиятини очиб берадилар, профашистик ва неофашистик идеологияга қарши кескин кураш олиб борадилар. Г. Маннинг «Аср овози», Т. Маннинг «Доктор Фауст», А. Цвейгнинг «Вандесберг болтаси», Б. Келлерманнинг «Ўлим талвасаси», Г. Фалладанинг «Ҳар бир одам яккаликда ўлади» каби шу масалага доир асарлари ўртасида Анна Зегерснинг «Барҳайт ўликлар» романи алоҳида ўрни эгаллайди.

Бу романда герман воқелигининг асосий масалалари — фашизмнинг синфий моҳияти, немис халқининг тарих олдида жавобгарлиги ва немис антифашистларининг фаоллиги, мамлакат тарихининг ўтган йигирма беш йили умумлаштириб, яқунланади.

А. Зегерс романи 1944 йили Мексикада бошлаган ва 1947 йили ватанига тайёр қўлёзмани келтирган эди. Китоб бир оз таҳрирдан сўнг, 1949 йилда босилиб чиқди. Бу китоб реалист ёзувчининг санъаткорлик доираси аввалгига нисбатан анча кенгайганидан хабар беради. Асар Германиянинг икки жаҳон уруши ўртасидаги тарихий тараққиётини қамраб олган. Роман воқеаси бир неча планда ривожланади, унда бир қанча мустақил сюжет линияси бор, ammo улар ғоявий-тематик бирлик ва асосий конфликтнинг ҳал этилиши билан бирлаштирилган. Ҳаётий ҳақиқатга риоя қилган, характерларнинг энг типикларини ташлаган автор турли социал группа вакиллари — Рейн саноатчиларидан бошлаб то энг паст табақа вакиллари тақдирини бир мазмун доирасида бера олган.

Агар 1919 йил январидagi пролетариат жангларида ҳалок бўлган спартакчи<sup>1</sup> ишчи Эрвин ва унинг яқинлари халқ оmmasининг енгилмас, ўлмас революцион кучини аке эттирса, унинг қотиллари — офицерлар Клемм, Венцлов, Ливен ва солдат Надлерлар лагери реакцион, қабих кунларни ифодалайди. Роман воқеаси ана шу икки линия билан боради. Эрвиннинг севгилиси Мария ва уларнинг ўгли Ганс тақдир билан бир қаторда қотилларнинг тақдирини ҳам тасвирланади.

1919 йил воқеаларидан кейин Клемм, Венцлов, Ливен, Надлерлар Рурдаги қўзғолошни бостиришга киришадилар. Романда жаҳон-

даги ҳамма эксплуататор, империалистларнинг манфаати бир, улар космополит, деган ғоя ифодаланади. (Ливен Болтиқ бўйида оқ гвардиячи руслар учун, Венцлов эса Хитойда Чан-Кай-ши учун курашади). Клемм ва бошқа саноатчилар эса Германия устидан ғалаба қозонган давлатлар билан фойда келтирувчи битимлар тузади. Ёзувчи немис меҳнаткашларининг революцион ҳаракати Октябр революцияси ва халқро пролетариат кураши билан боғлиқ эканини ишонarli қилиб кўрсатади. Романинг асосий конфликтини синфий ва интернационал характерда эканини автор бир неча бор таъкидлайди. Агар асар охирида Берлиннинг илғор ишчилари Совет Армиясининг келишини ишонч билан кутсалар, «Рейн ва Рур эгалари» Ғарбий зонага қараб интиладилар. «Учинчи империя»нинг ҳалокатини сезган капиталистлар АҚШ ва Англия билан алоқа ўрнатадилар. Кастрициус «... инглиз ва америкаликлар қасос эмас, балки акциялар олишга ошиқадилар» дейди. Роман бир неча йил аввал яратилган бўлса-да, автор ғарб мамлакатларининг сиёсатини тўғри тасвирлай олган. Зегерснинг романи совуқ уруш сиёсатини олиб борувчи, Ғарбий Германияни қайтадан қуроллантирувчи доираларни фош этади. Шу сабабли «Барҳайт ўликлар» романининг аҳамияти ҳозирги кунларда ҳам каттадир.

Асарнинг биринчи бобларидаги воқеалар умумлаштирувчи чуқур мазмунга эга. Роман воқеаси бошидан то охиригача тарихий ҳодисалар билан чатишган ҳолда берилган. Фашизми келтириб чиқарган конкрет тарихий сабаблар, финансист, саноатчи, юнқерлар ва кайзер генераллари нима сабабдан революцион ҳаракатни бостирилганлари, охирида ҳокимиятни авантюрист Гитлер қўлига топшириб қўйганларини автор тўғри, коммунистик дунё қарачи нуқтаи назаридан ёритиб берган. Асарда реакция лагерининг вакиллари ўз сиёсатларини янги форма, «социализм» ниқоби остида ўзларига муносиб одам орқали ўтказишни орзу қилади: «Биз ўзимизга муносиб усталик билан иш олиб борувчи, ишчиларни қўлда ушлаб туришга, уларни эркинликка чиқишларига йўл қўймовчи одам топишимиз керак» — дейди Рейн фабриканти Кастрициус. Империалистлар учун ана шундай «муносиб одам» Гитлер бўлиб чиқди. Унинг сохта социалистик демагогияси ҳам капиталистлар учун қулай эди. Зегерс ўз романида Германияда фашизм ғалаба қозонишининг сабаби мамлакатни идора этишга ожиз бўлган буржуазиянинг заифлиги, деган фикрни тасдиқлайди. Ёзувчи фашизмнинг тарихий генезисини ва Гитлер диктатураси билан капиталист доираларининг яширин алоқалари илдизини адабиётда биринчи бўлиб бадий образлар орқали очиб берди.

Фашизми ўрнатишга ёрдам берган персонажлар (Клемм, Венцлов, Ливен ва бошқалар) нацистлар идеологиясини қабул ҳам

<sup>1</sup> «Спартак союзи» Биринчи жаҳон уруши даврида сўл социал-демократлар группаси К. Либкнехт, Р. Люксембург, Ф. Меринг ва К. Цеткин томонидаш ташкил этилган эди. 1918 йил 29 декабрда бу «Союз» Германия компартиясини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

қилмайдилар, фашистик пропагандага ишонмайдилар ҳам, бироқ алданган ва аҳмоқ қилинган оддий кишилар — шофер Бекер, деҳқон Надлер кабилар ишондилар, холос. А. Зегерс фашизмнинг социал мазмунини фош қилиб, нацистларнинг безориларча ҳаракати «назокатли» ҳоким синф вакилларининг (Фон Венцлов, фон Ливен ва бошқалар) гитлерчиларга қўшилшига тўсқин бўлмаганини, Кастрициус, Шлютебок каби «ҳурматли» зотлар ўз давлатларига фашист жаллодларининг бутун бир армиясини етиштирганини кўрсатди.

Романда, айниқса, Ливен образи фош этувчи катта кучга эга. Зотсиз ва авлодсиз, виждонсиз ва номуссиз, капитализмнинг одамхўрлик ахлоқи асосида тарбияланган бу шахс фақат фашизмгагина эмас, балки умуман империализм учун ҳам типик ва характерлидир.

Душманлар образини тўлиқроқ очиб бериш учун ёзувчи уларнинг жаллодлигини, оила, шахсий ҳаётдаги ҳулқ-атворини баъзида ички монологлар орқали ҳам тасвирлайди. Учала линия ҳам катта маҳорат билан берилган. Бироқ ёзувчи баъзида психологик анализ ва шахсий ҳаётни тасвирлашга кўпроқ ўрин бериб, Элизабет Ливеннинг ўлим олдидаги қайғули ҳаёллари ва бошқалар). Бу объективизмга яқинлаштиради ва китобнинг ғоявий ўткирлигини бирмунча пасайтиради. Бундан ташқари романда қадимий дворян зотидан бўлган Венцловлар оиласининг эски, олижаноб традициялари анчагина бўрттириб берилган, аммо охирида улар ҳам фош этувчи аспектда тасвирланади.

Ливен иккиланмасдан Гитлерга бўланади. Клемм, Кастрициус кабилар ўз синфий манфаатини ҳимоя қилиш учун унга қўшилади, Венцловда қатъиятлик йўқ, нацистларга шубҳа билан қарайди. Амалия эса «Империя» ҳалокати арафасида ҳаттоки уни танқид ҳам қилади. Автор немис дворянларининг «антифашизм»ни тасвирлаш билан бир томондан унинг сохталлигини, иккинчи томондан эса юнкерликни идеаллаштирувчи реакция адабиётини фош этади. Фон Венцлов иккиланишига қарамай, амалда Гитлерга содиқ хизмат қилади.

Роман охиридаги эпизодларнинг бирида совет-герман фронтда Совет Армияси томонига ўтмоқчи бўлган Сир тўда солдатларни Венцлов буйруғи билан отадилар. Уларнинг орасида Венцлов томонидан ўлдирилган Эрвиннинг ўғли Ганс ҳам бор. У ўзи ўлдирган одамнинг қилбасини танийди. Бу учрашув унда революционер халқни ўлдириб бўлмас экан, деган фикр тугдирди ва аввалдан қарор қилган иш ўзини-ўзи ўлдиринини тезлатади. Венцловни виждон азоби қийнадими? Йўқ. У Эрвинлар учун

қасос олиш вақти келганини, фашизм ва умуман эски тузумнинг ҳалокатга учрашини англаган, руҳий инқирозга йўлиққан эди. Асарда Клемм, Венцлов, Ливен, Надлерларнинг ҳалокати — фашизм ҳалокатининг ифодасидир.

Романда А. Зегерс замонанинг реалъ қарама-қаршиликларини ҳаққоний кўрсатган. Гитлерга ҳоким синф вакилларидан ташқари оддий қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашлари ҳам хизмат қилдилар (Надлер, Беккер). Асардаги Вильгельм Надлер образи ҳаётий типик образларнинг бири, чунки унга ўхшаганлар фашизмнинг қишлоқдаги таянчи бўлган. Оддий деҳқон, меҳнаткаш Надлернинг каллакесар жаллодга айланиш сабабларини автор жуда аниқ тасвирлайди.

Христиан Надлер акаси Вильгельмга ўхшамайди, у сиёсатдан узоқда, виждонли, меҳнаткаш, фашистларга ҳам, «қизиллар»га ҳам қўшилмайди, аммо унинг фаолиятини Зегерс оқламайди, чунки у фашизмга қарши курашган эмас. Лекин Христиан ва унга ўхшаганларнинг онгини ошириш коммунистларнинг вазифаси.

«Барҳаёт ўликлар» романида ишчилар масаласи алоҳида ўрин эгаллайди. Енма-ён яшовчи икки ишчи Трибель ва Гешкелар образи орқали икки партия — коммунистик ва социал демократик партияларнинг узоқ йиллар давом этган кураши акс эттирилади. Трибель — коммунист, Гешке эса социал-демократ, ҳар иккаласи ишсизлик, очлик, империалистик урушни бошидан кечирган; иккаласи ҳам кайзер, ҳам Веймар республика тузумига нафрат билан қарайди; бири иккинчисининг виждонли эканига ишонади; бироқ улар — сиёсий душманлар, икки партиянинг вакиллари. Бу икки ишчининг бир-бирига душманлиги орқали А. Зегерс немис ишчилар ҳаракатининг тарихий фожиасини ифодалаган. Ишчилар ҳаракатидаги ихтилофга ким айбли, деган саволга асар социал-демократиянинг раҳбарлари, деган жавобни беради. Уларнинг хоинона сиёсати натижасида баъзи ишчилар пассивлик, иккиланишлар билан бўлса-да, Гитлерга бўйсунди. Романда бу Гешке образи орқали кўрсатилган.

А. Зегерс Гешкеда оддий социал демократ, алданган, лекин виждонли ишчининг ҳаққоний образичи яратди. Гешкенинг онги реформистик иллюзиялар билан заҳарланган, иродаси, активлиги заифлаштирилган. Ёзувчи Гешке оиласи ҳаётининг чорак аср даврини тасвирлайди. Гешке онгидаги ўзгариш жуда кескин рўй беради: фашистларга қўшилган ўғлидан норозилик; концлагерга қамалган «душмани» Трибелнинг хотинига ёрдам бериш; ўзи ишлаётган заводда саботаж билан шуғулланиш; пировардида антифашистларнинг яширин мажлисида иштирок этиш. Бироқ, ҳали муҳимроқ бир иш кўрсатмай, бомбардимон вақтида ҳалок бўлади.

Уйда яшириб қўйилган милтиқ Гешкеда бўлган, лекин ҳали уйғонмаган сийфий онгнинг симболи сифатида берилган.

Гешке образи бир томондан яқин ўтмишдаги Германиянинг тишк вакили, иккинчидан — унда мамлакат ўтмишининг социал-тарихий моҳияти тўлиқ гавдалантирилган. Бу образнинг тараққиёти орқали автор немис ишчилар синфида рўй бераётган прогрессив ўзгаришларни ифодалаган. Ҳозирги кунда Гешкега ўхшаганлар Германия демократик республикасида янгича ҳаёт қурмоқдалар.

Романдаги энг ёрқин, ёқимли образ — Мария образидир. Бу образда меҳнатқан, продаси зўр, фидокор аёлларнинг энг яхши хусусиятлари мужассамлантирилган. У руҳан соф, яхлит, чин севги, оналик муҳаббати билан илҳомланган сиймо. Зегерс яратган бу образ М. Горький традицияси, Она образи билан боғлиқ, унинг таъсири остида яратилган. Автор содда, ўқимаган аёл онги ва фаолиятидаги ўзгаришларни ишонарли қилиб тасвирлайди. Антифашистлар лагерига келган ва жиноий тузумга қарши кураша бошлаган Мария руҳан ўзгаради, ўсади. Унинг учун фашизмга қарши кураш — урушга қарши, ўз ўғлининг ҳаёти ва умуман минглаб оналарнинг ўғиллари учун курашдир.

Совет кинофильмлари, ашулалари, пионер гулханлари таъсирида тарбия топган, ёшларнинг коммунистик ҳаракати, антифашистик курашнинг иштирокчиси Ганс совет-герман фронтда иштирок этади, фашист жосусларининг буйруғини бажаради, ўроқ ва болгани кўриб турса-да, унга ўқ узати. Нима учун шундай ҳодиса рўй берди? Ёзувчи асар давомида бу саволи ёритишга уринади; бир тарафдан немис антифашистларининг оғир кураш шароитларини кўрсатса, иккинчидан — Ганс фронтга юборилганида раҳбарлар ва маслакдошларидан узилиб қолади, фронт шароити эса буйруққа бўйсунингга мажбур этади, Совет армияси томонига ўтишга эса қулай вақт тополмайди. Охирида Венцлов қўлида ҳалок бўлади.

Ганс образидаги ахлоқий ва психологик коллизиялар муҳит учун жуда тишк. Унинг тақдирини орқали автор Германиядаги антифашистлар фаолиятининг заифлигини, Совет Армиясига ёрдам берилмаган ожизлигини ифодалайди. Роман охирида Венцлов билан учрашувда Ганс революциянинг доимо ёшлигини, унинг ҳали туғилмаган боласи эса мангулигини аке эттиради.

Ёзувчи асарида уруш нима деган нарса ва турли табақа вакилларининг унга муносабати қандайлигини реалистик тасвирлаган. Тарихда рўй берган жиноят учун уруш бошлаганларгина эмас, балки уларга бўйсунганлар ҳам жавобгардирлар. Шу маънода бу романинг аҳамияти ҳозирги давр учун каттадир.

Роман камчиликлардан ҳам холи эмас.

А. Зегерс Германияда ҳам фашизмга қарши чин жангчилар — Бергерлар оиласи, П. Штробель, Леммле, Гро, Фирль, Дипольд, Гюбнер кабилар борлигини кўрсатади. Бироқ уларнинг ҳаммаси эпизодик образлар, асарда биронта ҳам илгор, антифашист немиснинг образи йирик планда берилмаган. Ҳатто Мартин образи ҳам кенгроқ очилмаган, унинг фаолияти, кураши эса тасвирланмаган. Бундан ташқари, Германия компартияси фаолиятининг тўлмқ қарши гавдалантирилмаган, коммунистларнинг нацизмга қарши яширин фаолияти эса бир-бирига боғланмаган ҳолда тасвирланган.

Лекин бу камчиликларга қарамай, роман катта аҳамиятга эга. Унда халқ, революцион ҳаракатининг мангулик идеяси зўр пафос, ишонч билан берилгандир.

Анна Зегерс романини ўқиган китобхон Германиянинг бошига тушган фожиа ва шармандалиқнинг қайта такрорланишига йўл қўймасликнинг ягона тадбири — Бирлашган социалистик парти раҳбарлигида Германия демократик республикаси бораётган йўлдан бориш, демилитаризация, монополиялар ҳукмронлигини бекор қилиш, демократик кучларга эркинлик бериш, Германия тақдирини ҳал этишни немис халқига ҳавола қилиш йўлидир, деган яқун чиқаради.

А. Зегерс сўнгги йилларда ҳам ижодий фаолиятини актив давом эттирмоқда: «Ўлик қизлар сайри» (1948 йил) ҳикоялар тўплами «Гантита тўй» ҳикояси, «Линия», «Болалар» (1949 йил), «Тинчлик» (1950 йил) ҳикоялар тўплами, «Инсон ва унинг номи» (1952 йил) повести, «Биринчи қадам» (1952 йил) ҳикоялар серияси, «Совет кишилари» очерклар серияси, «Қарор» романи каби қатор асарларни яратди. Ёзувчи буларда Германия демократик республикасидаги ҳаётни тасвирлаб, замонавий актуаль масалаларни ҳал этишга уринади.

1960 йилда «Иностранная литература» журналида босилган «Қарор» романи Германия адабий ҳаётида катта воқеадир. Бу асар мазмун жиҳатидан «Барҳаёт ўликлар» романининг давомидир. Унда Мартин, Кастрициус каби персонажлар урушдан кейинги янги шароитда берилган.

«Қарор» немис халқи тақдирининг урушдан сўнгги йиллардаги ўзгаришига бағишланган. Бу масалага онд бир қанча асарлар яратилган, бўлса-да (Э. Клаудиус — «Биз билан бирга бўлганлар ҳақида», Э. Штирттматтер — «Тинко» ва бошқалар), бироқ бу тарихий процесснинг ҳамма қарама-қарши, мураккаб томонларини ҳеч ким Зегерсдек тўлиқ, ҳаётий тасвирлай олмаган. Автор воқеа, образларни ҳам конкрет, ҳам умумийлаштириб берган, жузъийликдан умумийликка, алоҳида шахслардан социал тарихий процесслар томон борган.

Асарда замонавий воқелик ҳар тарафлама, тўлиқ гавдалантирилган. Шунинг учун ҳам персонажлар жуда кўп. Бу янги романида ёзувчи қаҳрамонларнинг фикр-хаёллари, ҳис-туйғуларини тасвирлашга кўпроқ ўрин берган. Автор романда буржуа интеллигенциясининг иккиланишлари, эски дунёдан янги дунёга онгли равишда ўтиши ва Демократик Германия меҳнаткаш зибиллар табақаси яратилиши каби проблемаларни қўйди. Аммо қўйилган масалаларнинг ҳаммаси «Қарор» романида тўлиқ ҳал этилмаган, роман воқеаларидан мантиқий яқун ҳам чиқарилмаган. Чунки актив жамоатчи, тинчлик учун кураш жангчиси, ўз халқига хизмат қилиш ва ижодий ғайрат билан тўлган Анна Зегерс «Қарор» романининг иккинчи қисми устида ишламоқда.

Халқаро Тинчлик мукофотининг лауреати Анна Зегерснинг яқтимой ва ижодий фаолияти давримизнинг энг актуал проблемаси -- жаҳонда тинчлик ва бахт-саодат ўриштишга бағишланган. Унинг ҳамма асарлари немис халқининг қаҳрамонона эркесвар традициясини тасдиқлаш ва Германия Демократик Республикасида социализм қуришга ёрдам беришга қаратилган. Ёзувчининг ҳамма китоблари меҳнаткашларни озод келажак учун курашда интернациональ ҳамкорликка чақиради.

**Фозила Сулаймонова**

## БИРИНЧИ БОБ

### 1

— Қани, бир ёқлик қилинглар!

Капитан бу гапни димоғи билан тўнғиллаб айтган бўлса ҳам, Эрвин аниқ эшитди. У ажали етганлигини пайқади. Кеча оқ гвардиячилар манежга ҳужум қилган пайтларида ҳали куни битмагандай туюлган эди. Ҳақиқатда эса у ўлим ҳақидаги тушунчага 1914 йилда, болалик чоғида, кўнгилли бўлиб фронтга жўнаган вақтидан бери кўникиб қолган эди. Уша вақтларда армия хизмати унга ўсмирлигида етимлик, қашшоқлик билан ўтган ҳаётига нисбатан яхшироқ турмуш ваъда қилган эди. Берлинлик ахлат ташувчилар кийиб юрадиган оддий курткага қараганда ҳарбий мудир дурустроқ, албатта. Бу ярамас ишни, яъни ахлат ташувчиликни унга амакиси топиб берган эди; амакиси энди уни боқишни истамасди ва бирор ҳунарга ўргатиш учун унга пул сарфлашдан қочган эди.

«Бир ёқлик қилинглар! Бир ёқлик қилинглар!» деган гап унинг кўнглида икки марта акс садодай янгради. Балки капитан буни ғижиниб туриб гапиргандир?

У вақтларда армия Эрвин учун ҳамма нарсанинг ўрнини босарди — ҳам онаси, ҳам ватани, ҳам бошпанасидай эди. У жон-жон деб қўлига қурол олгандай, «номус», «ватан» сўзларини ҳам ана шундай дилига маҳкам жо қилиб олди; бирдан шу вақтгача одамларнинг кўзига ёмон кўриниб қолган, баъзида эса калтак сган, кўпинча ҳеч ким назар-писанд қилмай юрган мана

шу ёш бола буюк ишларни бажарадиганга ўхшаб қолди. У биринчи марта ўлимдан қўрқиб, дағ-дағ титраганидан кейин ер юзидаги бошқа одамлар қатори у ҳам ўлимни бўйинга олиб қўйган эди: гарчи ер юзидаги одамлар кунлари битганда дунёдан кўз юмишларини яхши билсалар ҳам бундай истиқбол уларнинг ҳаёт кечиришлари учун унчалик монелик қилмасди.

Эрвиннинг ҳақиқий ҳаёт кечира бошлаганига уч йилча бўлди. Бу янги ҳаёт 1916 йил декабрида, окопда ётганида қўлига биринчи варақа тушганда бошланганди,— энди эса «бир ёқлик қилинлар» сўзи балки ўлимдан дарак берарди. У ҳалигача мужмал ва бемаъни умидлардан кўнгил уза олмасди, фақат автомобиль тормозларининг гижириланганина бу умидларни батамом барбод қилди.

Уша биринчи варақа туфайли ўлим унинг учун бошқа бир маънога эга бўлиб қолди, тўғрироғи, у варақа ўлимдан кўра кўпроқ ҳаётга алоқадор эди. Шунга қадар Эрвин ўз ҳаётини ғам-ғуссадан иборат деб билар, баъзида — якшанба кечалари эса — овунчоқ деб ҳис қиларди. Варақа шахсан унга қаратилган биринчи инсоний қаҳири бўлди. У дунёда кимдир биров яшашини, кимдир уни сабрсизлик билан ахтарётганлигини, кимдир у дарров зарур эканлигини, кимдир бутун борлиғи билан усиз яшай олмаслигини биринчи марта сездди. Илгарилари Эрвин ватан учун зарур киши эканлигини ўйлаб юрарди. Лекин варақада ҳамма вақт қўмсаб юрган нарсаси аён бўлгандан кейин, Эрвин аввало бу матлуб ҳақиқатни ҳечам ўзига сингдира олмади — бу унга ноўйа заифликдек туюларди, шунинг учун у бир неча вақт ўз-ўзи билан курашди. Энди у, ундан қутулганлигига хурсанд бўлган холаси сира ҳам онасига ўхшамаганидек, ўзи хизмат қилиб юрган армиянинг ҳам на ватан ва на она билан ўхшашлик жойи борлигига тушуна бошлаган эди. Кўкларга кўтариб мақталган ватан ҳам у орзу қилган бошпанага асло ўхшамасди.

Варақани мундиришининг киссасига сола туриб, Эрвин ўзи сезмагани ҳолда шунчалик узоқ ва сабот билан ахтарган кишиси уни топиб олганлигига шубҳа қилмас эди. У ҳаёлидан худди соядай гира-шира ўтган саволларга очиқ-ойдин ёзилган жавобларни ўқиди. Нима учун урушдан олдинги турмуш бошқача бўлмай, мана

шундай бўлган? Нима сабабдан уруш бошланди? Нега уруш тўхталиши керак?

Ҳозиргина «бир ёқлик қилинлар» деб тўнғиллаган капитан яна: «Ҳой, сизларга айтяпман, тезроқ бўлинглар!»— деб ўшқирди.

Аввал бошда Эрвинга қўйилган соқчи, уни маҳкамроқ ушлади. Бу ҳол яна неча минут давом этаркин-а? Ҳар бир минут бир йилга тенг. Кейинги икки йил — ҳақиқий ҳаёт йиллари, гўё бир дақиқадек ғув этиб ўтиб кетди. Уша варақа қистирган кишининг исми Мартин эди. Варақа чиқаришнинг қанчалик қийин эканлигини Эрвин ҳаёлига ҳам келтирмасди: қалбаки паспортлар, хавф-хатар билан ўтадиган чет эл сафарлари, Швейцария ва Швециядаги конференциялар, шиддатли тортишувлар, яширин босмаҳоналар, фронтда ва фронт орқасида қамоққа олишлар, турма, ҳарбий-дала суди ва ниҳоят, унинг кўз олдида турган мана шу бир неча сатр юзага келарди. Варақада «бошқаларга узат» деган буйруқ борлиғи учун, у варақани итоаткорлик билан шошапиша бошқаларга узатди. Орадан кўп ўтмай у яна варақалар тарқатди. Эрвинни суҳбатларга, секин-секин мажлисларга ҳам тортиша бошладилар.

Ёмғирли ноябрь кечаларидан бирида, жаҳон урушининг тўртинчи йили бошланган қиш арафасида, чарчаган ва тинкаси қуриган Германияга шамол Шарқдан Қизил Октябрь япроқларини учириб келтирди. Революция ҳам худди Эрвиндай ёш эди.

«Дўстим бугун мени бекорга кутиб қолди»,— деб ўйларди Эрвин, у Мартинни ўйлаганида, гўё улар қадим замонлардан бери бирга яшаб келаётгандай туюларди. Балки Мартин ҳозир ҳам кутиб тургандир... Роппа-роса уч ой илгари улар Берлинга келишди. У ерда уларнинг йўлига кўз тутувчи киши: на оналари, на сингиллари ва на севишганлари бор эди, уларни революция кутмоқда эди. Революция улар учун шунчаки «тўнтариш», «совет давлати» ёки «Бутун ҳокимият Советларга!» деган сўзларгина эмас, балки революция улар учун янги ҳаёт эди. Нариги дунё бу дунёга ҳеч ўхшамаганидек, бу янги ҳаётнинг ҳам илгариги ҳаётлардан катта фарқи бор эди. Улар дунёнинг бўлинишини қалбларида ажойиб ҳислар пайдо бўлишидан ҳам афзалроқ кўришарди. Эрвин илгарилари слесарь-механик бўлиб олишга умид қилиб юрган бўлса, бу янги ҳаётда ҳатто чертёжчи-конструк-

тор бўламан, деб умидвор эди. Чунки янги дунё озодлик ва адолатга асосланган, битмас-туганмас кучга эга бўлган давлат томонидан идора қилинади. Мана шунини деб улар шунча кун Носке ёрдамга чақирган оқ гвардиячиларнинг кўнгилли отрядларига қарши Берлин кўчаларида жанг қилдилар. Ноябрьда дунёга келган республика эса ўтмиш асорати ва иллатлари билан занжирбанд қилиб ташланган бўлиб, эртақлардаги дунёга чол бўлиб туғилган болага ўхшарди. Мана, Эрвиннинг жони яна қил устида турибди, лекин назарида бу хавф бўлса-бўлмаса барибир шиддат билан олға интилувчи ўша умумий ҳаётда шунчаки бир тасодифдай туюларди. Оқ гвардиячилар манежни олиб, яқин орадаги тор кўчаларни ишғол қилганлари ва асирларни олиб ташлаганларидан кейингина, у тўхтовсиз тўлиб-тошаётган шу умумий ҳаётда ўша асирлардан ортиқ эмаслигини, ўз бошига ҳам ўшаларнинг қисмати тушиши мумкинлигини тушунди.

Юзма-юз қилиш учун Эрвинни Новавесдаги штабга олиб бормоқчи бўлиб, уни машинага ўтказганлари ҳамон, у ўзининг дунёга бир марта келишини тушунган киши сингари яна турли ҳаёлларга берилди. Улар Ванзее орқасидаги ўрмонга кирганларида, балки ўртоқларим яна бор кучларини тўплаб, манежни қайтадан қўлга киритгандирлар, балки мени олиб боришаётган штаб биноси ўраб олингандир, у ҳолда суд мажлиси тўхтатилар, ҳатто штабга етиб бормасимдан мени йўлдаёқ ажратиб олишар, деган ҳаёллар билан ўзини-ўзи юпата бошлади...

Улар Ванзее билан Новавес ўртасида капитан фон Клеммнинг покришкиси ёрилган машинасига дуч келдилар. Клемм манежга ҳужум қилган оқ гвардиячиларнинг кўнгилли отрядида хизмат қиларди; унинг ўнг ва чап ёнида ўтирган иккала лейтенант ҳам ўша отрядда хизмат қилардилар.

Клемм асирни олиб бораётган машина қаерга боришини суриштирди. Иккала шоферга жойларингни олмоштиринглар деб буюрди. Эрвин капитаннинг: камерани дамлаш, «опел»ни яна «Фюрстенбергергоф»га олиб бориб қўйиш, ўзининг шоферига эса асир тушган машинани мишиш ҳақида берган буйруқларига диққат билан қўлоқ соларди. Ахир уларнинг ҳаммаси бир жойга — Новавесдаги штабга боришлари керак.

Эрвин орқасида, капитаннинг икки биқинида ўтирган икки офицерни бир кўришни истарди. Лекин у ўгирилиб орқасига қараёлмасди, чунки бу нарса тақиқланган, бунинг устига калласи худди қўрғошин қуйилгандек оғир эди. Шунинг учун у фақат янги шоферга, унинг сочи олинган думалоқ калласига кўз қирини ташларди. Шофернинг ияги бурнига қараганда кўпроқ туртиб чиққанди. Бу Эрвин умрида охириги марта кўраётган ёт киши эди. Эрвин Клемм айтган сўзларнинг ҳаммасига тушунмаса ҳам, оҳангига тушунди: чўзиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, уни шу ернинг ўзидаёқ саранжомлаш керак.

«Мени машинада олишмаса керак,— деб ўйлади Эрвин,— Ҳадемай мени машинадан туширишади. Бошларига бирор ғалва орттирмаслик учун машинадан сал нарироқда олишса керак». Эрвин умрида биринчи марта астойдил ҳаракат қилиб, бемаъни умидлар ва фойдасиз эсдаликларни ҳаёлидан чиқариб ташлади; у дунёдаги энг яқин дўсти, огайниси Мартинни ўйларкан, балки ҳозир у Эрвин тўғрисида бош қотираётгандир, бефойда ўйлар,— дерди,— кераги йўқ! Кейинги вақтларда якшанба кечаларини бирга ўтказган қиз: яхши қиз, умр йўлдоши бўлишга муносиб қиз — бу ҳам бефойда ўй — кераги йўқ!.. Энди у бефойда нарсаларнинг ҳаммасини ҳаёлидан чиқариб ташлаганди. У қаддини ғоз тутуши мумкин; улар олдида худди бутун халқ олдида тургандай туриши мумкин. Унинг учун энди ҳамма нарса барбод бўлди... Лекин мана бу қайин, қарағайлар, булутлар, ўрмон орқасидаги анаву катта шаҳар қолади; бу ерда уни саранжомлайдиган мана бу беш эркак қолади. Улар Эрвинсиз кетаверишади, қайтиб шаҳарга боришади. Улар Мартин уни кутиб турган жойнинг ёнидан ўтиб кетишади. Улар Эрвин ўлди, деган хабарни олиб боришади.

Машинанинг тормози яна ғижирлади. Шофер:— «Қани, туш!»— деб тўнғиллади.

Соқчи Эрвинни итариб турғизди-да, орқасига тиззаси билан шундай тепдики, иккови ҳам машинадан юмалаб тушди. Кейин солдат яна Эрвинни итарди-да, йўлдан ўтиб сийрак қарағайзорга киришга мажбур қилди. Эрвиннинг ҳаёлида охириги марта «бир ёқлик қилинглари» сўзи акс садодай янгради. Иккала офицер худди қоньки олиб ўйнаётгандай қарағай игнабарглариди сир-

гана-сиргана унинг кетидан келар ва кулишар эди. Эрвин: улар қанақа одам экан, энди бир қарасам бўлади, деб ўйлади. У бехосдан тўхтаган эди, соқчи тойилиб кетаёзди. Эрвин учала ҳамроҳига ўгирилиб қаради, лекин уларни яхшилаб кўра олмади, чунки унинг кўз ўнгиди бутун ер юзи қоронғилашиб кетган эди. У бақирди ёки овозининг заифлигидан бақиргандай туюлди:

— Сизлар ҳозир мени ўлдиришларингиз мумкин! Лекин шошилманглар, сизларнинг ҳам навбатингиз келади!

Эрвин йиқилди. Уқ калласига текканди. Капитаннинг буйруғи билан уни ёшроқ лейтенант отган эди. Соқчи:— Сал қолди-я, қўлимдан чиқиб кетишига,— деди.

Капитан:— Тезроқ кўмиб ташланглар,— деди.

Шоферни чақирди. У дарров машинадан тушди. Уликни икки қумлоқ тепалик ўртасидаги пастликка элтишиб, ўша ерни ковлашди, сўнг яхши тупроқ йўқлигидан гўрни игнабарг, қум билан кўмишди. Шофер югуриб йўлга чиқди-да, бир неча тош олиб келди.

Учала офицер яна машинага ўтиришди. Аввалгидек Клемм ўртага, Венцлов билан Ливен унинг иккала ёнига жойлашди. Эрвинга қараб ўқ узган Венцловнинг ёноқ суяклари аста учиб қўярди. Унинг юзи таранг, тиниқ бўлиб чўзиқроқ, бурни, қўли ва оёқлари узун эди. Венцлов кадет корпусини тамомлаб фронтга келгандан буён кўп марта ўқ отиб анчагина одамнинг ёстигини қуритган эди. Лекин, бу ерда, ўзининг қадрдон тупроғида буйруқ орқасида маълум бир одамга қараб узган охириги ўқида қандайдир бир ғайри табиий нарса бор эди, аммо у буни хаёлига ҳам келтирмади, бу тўғрида бошини ҳам қотириб ўтирмади. Фақат, тиниқ ва таранг юзидаги ёноқ суяклари ҳамон аста учиб қўярди. Клеммнинг ўнг ёнида ўтирган Ливен қабр қолган томондан кўзини узмасди. У шундай деди:

— Хў-ў, қарагайзор орасидаги беш-олти туп қайинни кўряпсизми? Улар офтобда худди қорга ўхшаб кўринадди-я. Бизнинг уйимизда, Болтиқ бўйида ҳам шунга ўхшаш қайинзорлар бор.

Клемм шоферга қараб:

— Соат ўнта кам ўн бир, Бекер. Ҳар ҳолда мажлисга улгурсак керак,— деди.

Йўлнинг икки тарафида худди қишдагидай қип-яланғоч қилиб қўйилган, лекин тартибга солинган бор-

лар ўртасида айрим дилкаш ва озода уйлар кўзга чалина бошлади. Офицерлар Новавесга яқинлашгандан кейин, Клемм яқин кунларда уйга бир бориб келсам ҳам бўлар, деган фикрни кўнглидан ўтказди. Ана шунда яқинда туғилган ўглини ҳам кўради. Дўсти Ливенни ёки қайниси Венцловни, ёки бўлмаса иккаловини ҳам уйига бирга олиб борсинми? Энг яхшиси иккаласини ҳам олиб бормагани дуруст. Албатта, Бекер уни уйига олиб бориб қўяди. Бу йигит илгари уникида денщик бўлиб хизмат қиларди, кейин шофер бўлди, уруш бошлангандан бери сира ажралишгани йўқ.

## II

Мария тўшакдаги чойшапларни йиғиштириб олди. Умивальник олдида сочларини жингалак қилаётган Луиза дугонасининг қилаётган ишларини ойнадан кузатиб турарди.

— Ахир, тоза чойшап солганимизга бир ҳафта ҳам бўлгани йўқ-ку,— деди у.

Мария жавоб бермади. У кирларни йиғиштириб, каварот олдидаги михга илинган ва шу мақсадда фойдаланиладиган халтага тиқиб қўйди. Луиза ойнада жингалак қилинган сочларини ва ясан-тусанини кўздан кечира туриб:

— Нима, Эрвининг умрида бундай чойшапларни кўрмабдими? Агар чиройли қилиб кўрсатмоқчи бўлсанг, ҳаммасини ўзинг ювсанг ҳам бўлади.

Узун, сийрақроқ сочи елкасига тушиб турган Мария, озгин қўллари ва тор ички юбкаси билан ўқувчи қизларга ўхшаб кетарди. У ўқувчиларга ўхшаб жавоб берди:

— Эртага эрталаб ишга кетишдан олдин ҳаммасини ювиб қўяман. Агар, офтоб чиққундай бўлса, кечқурун дазмоллаб ҳам қўяман.

Луиза бахмал лентали фетр шляпасини тўғрилаб кийди-да, ўйинга тушиб, эшикка томон юрди:

— Мени яхшилигимни ҳам кўриб қўй, яна икковингни ёлғиз қолдириб кетяпман. Жазманинг сени бирор жойга олиб бориб меҳмон қилгиси ҳам келмайдими, дейман?

— Нима кераги бор? Уйимиз тинчгина-ку. Бунақа яхши жойни топиб бўлмайди.

— Агар бировни яхши кўриб қолсанг, аввалига доимо бирон бир бебаҳо нарсани топиб олгандай бўлиб юрасан. Жазманингга мендан самимий салом айт. Хайр, ўртоқжон.

Мария дарров ювинишга тутинди. Кейин у йўл-йўл кўйлагини кийди, бу кўйлагини у якшанбадан бу якшанбагача сақлаб юрарди. Кўйлаги ёзлик бўлганлигидан у совқотди. У сочларини тараб ўрди-да, турмаклаб қўйди. Мария ойнага қарамасди: унингча нимаики топ-тоза қилиниб, тартибга солиб қўйилган бўлса, ўз-ўзидан чиройли кўрина бсрарди. Шунинг учун ҳозир ҳамма нарса тартибга солинганлигидан хона ҳам чиройли кўринарди. Бир қалам тутантириқ темир печкага тиқиб қўйилганди. Эрвин келса уни ўзи ёқиб юборади ва брикетлар ҳам солиб қўяди. Мария одатда Луиза билан ётадиган тўшагига бўз чойшапни ёпиб қўйди.

Улар икковлари «Якорь»да хизмат қилардилар ва шу пивохона жойлашган уйдаги бир хонада туришар эдилар. Энди Луизанинг баъзи бир майда-чуйдаларини: игналар қадаб қўйиладиган ёстиқчани, совун қутисини, бир неча откритка ва фотосуратларни саранжомлаб қўйишгина қолганди. Мариянинг откритка юборадиган ҳеч кими йўқ эди. Луиза икки йилдан бери шу ерда турар ва шу пивохона хўжайининикида ишлар эди. Кейинроқ Мариянинг холаси уни ҳам шу ерга жойлаштириб қўйди. Шундан кейин Мария ҳам ҳар куни кечқурун ўлгудай чарчаб, шу юқори қаватга кўтариладиган бўлиб қолди. Ўзининг маоши ва арзимайдиган чой-чақасини Пелльвормдаги ойисига канда қилмай юбориб турарди. У ёмон тушга эътибор бермаганидай пивохонадаги жанжал ва муштлашишлар, Луизанинг хушторлари, беканинг илакишларига ҳам унчалик эътибор бермасди.

Мария гарчи бу ердан, дарахтлар ва уйлар орқасидаги кўча кўринмаслигини жуда яхши билса ҳам иложи борича деразадан бошини чиқариб, бўйини чўзди. Шаҳарча Берлинининг ёнбошига жойлашган бўлиб, кўпроқ хароба посёлкаши эслатарди. Ери чорси шаклида шудгорланган, ўрмонлари қора булут нарчасидек кўринган, кўм-кўк кўллари ҳар ер-ҳар ерда тиниқ ойнадай ярақлаб турган яланглик она юртидаги тинч-ва осойишта денгизга ўшарди. Шунинг учун Мариянинг назарида,

қадрдон Пелльвормини кўзининг хиралиги орқасида кўра олмаётгандай туюларди. Бўлмаса у пароходни ҳам, тўғондаги чорвани ҳам ва ҳар бир гиштни ҳам, кўни-қўш-ниларни, мактабга чопиб кетадиган болаларни ҳам яхшилаб кўриши мумкин эди. Пастда, қаердадир тор кўчаларнинг бирида чироқ ёнди. Мария кўзларини юмди. Фақат, мана шу ёнган чироқлардангина у соат неча бўлганлигини пайқади. Унинг соати йўқ эди. Луизада соат бор эди.

Мария деразани ёпди, лекин барибир уй исимади. У зинадан келаётган оёқ товушларига қулоқ сола бошлади: ҳозир унинг дўсти келиши керак. У ҳам қўрқарди, ҳам хурсанд бўларди. Пастда эса кўпгина чироқлар ёнди. Ҳадемай бу ерга дўсти келиши керак эди. У келишга қатъий ваъда берган. Уч марта келишга ваъда бериб, учаловида ҳам келган. Оқшомги нур унинг юзини ва сочларини ёритмоқда эди. Пастдаги кўча эшик тарақлади ва кимдир биров гурс-гурс этиб зинадан чиқа бошлади, лекин иккинчи қаватда тўхтаб қолди. Кейин яна кимдир юқорига кўтарила бошлади. Мариянинг бир оз ранги ўчди; қадам товушлари яқинлашиб, қўшни эшик олдида жимжит бўлиб қолди. Кулки эшитилди, чапак чалишди.

Қош қорая бошлади. Пастда ҳамма чироқлар ёниб бўлди, осмонда эса юлдузлар чарақларди. Мариянинг хаёлига биринчи марта дўстим кечикиб келса керак, деган фикр келди. У дўстини кутаётган хонага энди назар ташлади. Хона қуп-қуруқдай туюлди, уни оунтирадиган, интизорликни қисқартирадиган ҳеч нима йўқдай эди. Мария севганини ўйлаб, борди-ю у келиб қолса қанақа қиёфада бўлишини эмас, балки у илгарилари қанақа қиёфада бўлганлигини хаёл сурди.

Бир куни у Луиза билан бирга «Якорь»да пиво ва тузланган карам таширди. Барглари тўкила бошлаган ва сал ялтираб турган арча бир бурчакка суриб қўйилган эди. Иккита эркак киши кирди. Биринчиси ёш, бақувват, малла сочи, иккинчиси ҳам ёш, лекин бир оз унга қараганда каттароқ эди. Мариянинг эътиборини унинг ёшлиги эмас, балки ўсиқ қошлари жалб қилди. У новча ҳам, бақувват ҳам эмасди, балки кичкина ва паст бўйли эди. У бошидан шапкасини олди, сочи устара билан қирилгаң бўлиб, боши дум-думалоқ эки Эшроғининг малла сочлари тутам-тутам бўлиб тул



рарди. Мария шу иккаласи ўтирган арча тагидаги стол устидан нинабарларни қоқиб ташлади. Ёшроғи Мари-янинг билагидан ушлаб, шу ерда турсанми, деб сўра-ди. У бу саволни Мария худди шунни кутиб тургандай берди. Марианинг истаги гўё уни ўтирган жойидан қи-мирлатмай қўйгандай, пивохопадан бошқа одамлар, ҳатто Луиза ҳам чиқиб кетганидан кейин ҳам, у ўртоғи билан бу ерда ўтириб қолди. Ниҳоят, «Якорь»ни ҳам бекитишди, ёшроғи ўртоғи билан хайрлашди. Кейин Мария билан ёмғирда ивиб, пилчиллаб қолган қорда узоқ гаплашиб турди. Марианинг кўнглида улар бугун танишишган эмас, балки узоқ вақт бир-бирларини кўришмасдан, ниҳоят, энди учрашишгандек тую-ларди.

Ингит Мария билан юқорига кўтарилди. Луиза ҳа-ли ухламаган экан; Мария ундан бугунча бошқа жойда ёта турсанг, деб илтимос қилмасдан ҳам Луиза жон-ди-ли билан дугонасининг аввалги яхшиликларига яхши-лик қилди: у дарров ётган ўрнидан туриб, Шпер-штрас-седаги таниши, трамвай кондукторининг олдига чиқиб кетди. Луиза эрталаб ишга боришдан илгари кийимла-рини алмаштириш учун уйга кирганида: «— Қалай, иш-ларинг жойидами?— деб сўради. Мария унинг нима де-моқчи бўлганини тушунмади. Фақат Луизагина шундай аҳмоқона ўйларга бориши, сочларимни жингалак қилиб, пушти блузкамни кийиб олган вақтларимда қилган но-маъқулчиликларни бу ҳам қилган бўлса керак, деб ўй-лаши мумкин эди. Йўқ, Мария билан бўлиб ўтган воқеа бошқа официантларнинг ўзаро ғийбат қилишлари, пичирлашлари ва тортишишларига сабабчи бўладиган ишга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Шунинг учун Мария шундай деб жавоб берди:— Чоршанба куни у яна кела-ди. Луизанинг:— Ҳа, эсидан чиқармаса керак,— дейиши унга аччиқ ҳам, кулгилли ҳам эмас, балки шунчаки аҳ-моқона бир гапдай туюлди. Чоршанба куни у айтган вақтга етиб келди. Луиза яна ошқ кўнглилик билан икковини ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. Келгуси шанбада ҳам у ваъда қилган вақтига етиб келиб, якшанба куни ҳам қолиб, куни билан шу ерда, то Мария ишини та-момлаб чиққунча уни кутиб ўтирди. Охириги ҳафтада у яна тўппа-тўғри айтган вақтига етиб келди. Бу сафар у «Якорь»га эмас, тўғри Марианинг хонасига кириб кел-ди. Шунинг учун Мария бугун у келмаганлиги сабабли,

жазмани келиб юрган вақтлардаги воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказарди. У жилмаймаса ҳам, лекин оз-ғин юзини, хонани ҳамда деразадан тўрт бурчак бўлиб кўриниб турган кечки осмонни ёритиш учун кўзларининг ёқимли порлаб туриши кифоя эди. Шундай вақтларда унинг кўзларидан ўт чақнаб, Мариюга, ўринга, жавонга қарамасдан, бошқа тарафларга ўйчан тикиларди.

Мария деразага қаради-ю, шу замони ундан кўзини олди, чунки совуқдан гул ташлаган ойна чакалакзорга ўхшаб қолганидан ташқарини кўриб бўлмасди! Пастда пивохопада тўхтовсиз қўйилаётган граммофоннинг овози ўчди, қулоқлар шовқин-суронга қараганда тунги осо-йишталикдан кўпроқ битиб кетди. Гарчи Марианинг кўнгли тинчиган бўлса ҳам, хаёлига ҳар хил фикр кел-ди. Балки, дўсти бирор зарур иш билан тугилиб қолган-дир, балки ахтариб юрган ишидир...

Эрвин уни қучоқлаганида ҳамма нарса бир-бири би-лан тотувдай эди. Дунёда ҳамма нарса қанчалик тар-қоқланиб, чалкашиб кетганини Мария энди сизди. Улар бирга бўлганларидагина оламда тотувлик ҳукм сурар-ди. Шунинг учун ҳам у қанақа тартибсизликлар, қана-қа чалқашликлар ичида танҳо ўзи қолганлигини энди тушунди.

Осмон шунчалик ёришиб кетдики, ҳатто юлдузлар зўрға милтиллаб кўринарди. Ҳовлида биринчи ҳўроз қичқирди. Шаҳар темир йўлидаги паровознинг қичқири-ғи ҳам эшитилди. Эмилия холаси уни шу ерга жойлаш-тириб қўйгани олиб келганида, Мария ҳам поездда кел-ган эди. Қайтиб кетиш ҳам мумкин эди, лекин қарин-дошларининг аччиғи келарди. Бунинг устига йўлки-рага пул ҳам йўқ эди. Қасрда яшасанг ҳам барибир эмасми? Ҳатто юрагинг ҳар қанча толпиниб, қинидан чиқиб кетай деб турган бўлса ҳам ҳеч қаёққа борол-майсан.

Эрталаб ҳаво нам, совуқ бўлди. Марианинг тиши-ти-шига тегмасди. У кишилиқ кўйлагини ечиб, ишга кияди-ган кўйлагини кийди. Луиза одатдагидек бир неча зи-надан сакраб юргурганича чиқиб келди. Унинг шляпаси, пушти блузкаси ёғимланган, ўзи ҳам қандайдир сўл-ғин кўринарди.

— У кетдими?

— У келгани йўқ.

— Қўй, майли, хафа бўлма,— деди Луиза ва кийим-

ларини алмаштира бошлади,— бувим ҳар вақт менга: «Битгаси бўлмаса иккинчиси-да, ҳамма эркак бир эркак-да»,— дерди.

### III

Мартин, дўстининг нима бўлганлигини қизга айтмайми, айтмайми, деб узоқ ўйлади. У Эрвин билан окопларда бирга бўлганди. Эрвиннинг қўлига варақа қистириб қўйган ҳам Мартин эди. У буни Эрвинга кейинчалик ўзи айтган эди. Ҳатто ўша охириг кечаси ҳам улар ёнма-ён жанг қилгандилар. Лекин, Мартин бир амаллаб қочиб қутулди.

Мартин Эрвинни жуда яхши биларди. У Эрвиннинг беҳосдан учратган қизи туфайли полициядан яшириниб юриш учун топган бошпанасидан кўра кўпроқ қизнинг ўзи ёқиб қолганлигини пайқамай иложи йўқ эди. Эрвин яккаю ягона дўстига қиз ҳақида атайлаб ҳеч нарса демас эди. Шунинг ўзи ҳам қиз унга ёқиб қолганлигини билдирарди. Мартин унга бирор қизни мақтагундай бўлса, ҳар сафар Эрвин бошини силкитиб: «Булар менга тўғри келмайди»,— дерди. Лекин Мартин қайси қиз унга тўғри келишлигини биларди. Эрвин тайин қилинган жойга келмаганидан кейин, Мартин аввалига у яна ўша қизнинг уйида бекиниб ётгандир, деб ўйлади. Мартин дўстини бефойда кутиб тургандан кейин унинг қарда эканлигини суриштира бошлади ва ниҳоят Эрвинни ушлаб олиб кетганликларини эшитди.

Бир куни кечқурун «Жаннат бурчаги» пивохоносида у тасодифан дўсти тўғрисида баъзи бир нарсаларни билиб олди. «Жаннат бурчаги»да ишлайдиган бир дурустгина уборшица хотин бир шофернинг оғайниси билан гаплашаётганини эшитиб қолди. Асирлар тушган машинани илгарилари ҳам шу шофер ҳайдаб борганлиги маълум бўлганидан кейин, ундан бирор нарсани билиб олишга ҳаракат қилиб кўрилганди. Аниқроқ маълумотлар худди маюна шу уборшица хотин орқали олинганди. У бу ҳақда ҳамма гапни ўзининг қариндоши — пивохонона хўжайинининг хотинига айтиб берганди.

Маълум бўлишича, шофер Эрвинни Новавесгача олиб бормаган экан. Улар офицерлар тушган автомобилни қувиб етишган. Кейин офицерлар асир ва соқчи кетаётган машинага тушиб олишган. Шофер эса маши-

нанинг балонини дамлай бошлаган. Кейин у, офицерлар тушган машина нарироққа бориб тўхтаганлигини, аллақандай ўқ товуши келганлигини эшитган. Кейин уларнинг машинаси яна жўнаб кетган. Мартин бу хабарни эшитгач, аъзойи бадани қақшаб огрий бошлади. У зорланмади, сўкинмади, аввалига ҳатто ҳақиқий аламини ҳам сезмади. У фақат юраги қобирғалари орасидаги маълум нуқтада турганлигини аниқ сезди. У шуурсизлик билан одамларни кўздан кечирди: шу соатда пивохонона ҳар хил одамларга тўла эди. Ҳаёт жуда ҳувиллаб қолди-я! Эрвин қандай қилиб дўстини ташлаб кетди-кин-а? Энди Мартин ёлғиз қолди-ку! Кейин унинг кўнглидан, ҳар ҳолда ўша қизга, Эрвиннинг дўстига буни хабар бериш керак эди, деган фикр ўтди. Лекин аслини олганда, Эрвин унга қиз ҳақида бир аниқроқ гап айтгани йўқ. «Демак, у,— алам билан ўйлаб кетди Мартин,— менга ўхшаб, кўнглидаги гапларини менга айтмаган экан. Хуллас, агарда қиз ҳам чекадиган бўлса ҳам, Эрвиннинг ўзи бутун ташвишларни бир ёқлик қилиб қўйди-ку. У кишиларни доим эзадиган бу дунёнинг ҳамма ташвишларидан қутулди. У ақлини танигандан бери кимнинг манфаатини кўзлаб курашган бўлса, ўшалар учун жонини қурбон қилди. Ҳеч ким бундан ортиқ иш қила олмайди. Борди-ю, Мартиннинг ўзи юз йил яшаганда ҳам бундан улугроқ бир иш қила олмайди. Энди Эрвинга етиб бўлмайди, у дахлсиз».

### IV

Ўша капитан фон Клемм (унинг «қани бир ёқлик қиливглари» деган сўзидан кейин Эрвин куни битганига ишонган эди) ўзининг шофери Густав Бекерга уйига жўнашдан илгари «опел»ни тузатиб қўйишни тайинлади. Шофер ўшанда йўлда бўлиб ўтган ҳодиса ҳақидаги таассуротларини айтиб бермоқчи бўлган эди, Клемм уни тўхтатди. Шу вақтгача бу ҳодисани эслашга унда бирор важ йўқ эди.

Клемм гражданча кийинган эди. У зудлик билан ўзига иккита янги костюм тиктирди. Унинг ҳамма эйтирозларига қарамасдан, ҳар қалай ҳозирги вақтда унинг учун энг қулай жой — ўз уйи эканлигини тушунтирдилар. Қолган меросни тасарруф қилишга киришиш унинг

асосий вазифаси эканлигини уқтиришди. Бундай одамлар Рейн областида жуда ҳам зарур. Оккупация қилинган зонада хотин, бола-чақаси, шунингдек у раҳбарлик қилиши керак бўлган фабриканинг қолганлиги ўз жойига боришини осонлаштиради. Унинг, амакиваччам, у ерда менинг ўрнимда ишлаб турсин, мен отрядда қолай, деган гаини шериклари бемаънилик дейишди. Ватан учун катта корхоналарнинг бошида унга ўхшаш одамларнинг туришлиги муҳимроқ. Ундай жойда улар минглаб ишчиларга таъсир ўтказишлари, беҳисоб пулларни эплаб сарфлаши мумкин. Акс ҳолда бу пуллар худо билсин, кимларнинг қўлига ўтиб кетади.

Бекер «онел»ни меҳмонхона ҳовлисига ҳайдаб кирди, Клемм машинага ўтирди. Бекернинг устида ҳарбийча шим ва янги куртка бор эди, у бу кийимни бир илож қилиб топиб-тутиб кийган эди. Клемм унинг кўнглини кўтариб қўйиш учун Висбаденда ҳозир расм бўлган шоферларнинг оқ кийимидан олиб беришга ваъда қилди.

Бекерга бу ваъда анча шубҳали туюлди, лекин у чурқ этмади, чунки хўжайини бажараётган хизматининг янги хусусиятини унга худди ҳамма нарсани ҳам очиқ-ойдин тушуна олмаган одамларга ўхшаб, аниқ ва батафсил тушунтириб беришга бир неча марта уринган эди. Фронт алоқаси қанчалик муқаддас бўлмасин, у ерда, оккупация қилинган зонада: «жаноб фон Клемм ўз шофери билан» деган нарсани қайд қилдириб олишлари керак бўлади.

Аввалига бу иш Бекерга ғалати туюлди. Ахир у хўжайини билан бутун Европани айланиб чиққан-ку. Ғарбий фронтдан Галицияга ва Шарқий Пруссиядан Болқонгача борган. Улар Аргоннада пулемёт уясини сақлаб қолганларидан кейин, бир вақтда биринчи даража «Темір крест» билан мукофотланишган. Бекер Клемм қаттиқ ярадор бўлиб қолганида уни жанг майдонидан олиб чиққан. Бошқа бир сафар Фландрияда душман линиясини ёриб ўттирган. Софийада Бекер Клеммнинг хоҳиши билан машина ҳайдашни ўргатиб олди. Ушанда Клемм Болқон комиссиясининг аъзоси эди. Бу вазифада ишлагани учун деншичк ва шофер олишга ҳақи бор эди. Лекин Клемм ҳам, Бекер ҳам иккала вазифани вақтинча бўлса ҳам, Бекернинг ўзи бажариб юришини орзу қиларди. Кейин уларни Истамбулга юборишди. Вақтинча яраш аҳди тузилгандан кейин Бекер капитанни

Болқондаги босқинчиларнинг уяларидан, Австрия-Венгриядаги тўс-тўполон, серғалва жойлардан олиб ўтиб, эсон-омон Берлинга олиб келди. Улар етиб келмасданоқ бу давлат ағдарилди. Бир куни Клемм чех территориясига олиб бориб қўйишларига ишонган бир қизил венгерни ўз машинасига таклиф қилди; улар ўшанда бу венгерни оқлар Венгриясига ўтказиб қўйиш мақсадида бажону дил узоқ айланма йўл босиб ўтишди.

Кейин армия тарқалиб кетиб, ҳамма солдатлар уяларига қочишган вақтда, гувалакдай яхлаб қолиб, бўлиниб кетган қўшинлар ўрнига кўнгилли отрядлар — оқ гвардия пайдо бўлди.

Агар Бекернинг хўжайини Клемм билан бирга Берлинда юрган ҳамма йўлларини ҳисоблаб чиқилса, улар Европада санқиб юрганларидан ҳам кўпроқ чиқиши мумкин эди.

Бекер ўтган ҳафта, аҳвол танг келиб қолган кечада Клеммни жанговар участкадан штабга тўрт марта олиб бориб, олиб келди, шунда унинг хаёлига: хўжайиннинг белгилари қизилларга яхши таниш бўлиб қолган машинасини бошқа машинага, ҳеч бўлмаса Жанубий Америка консулхоналаридаги машиналардан бирига вақтинча алмаштириб олиш керак, деган ақлли бир фикр келди.

Берлиндан анча узоқлашганларидан кейин, улар таассуротларини бир-бирларига айтишди: ниҳоят, шаҳар ҳам тинчланиб қолди. Энди кўчаларда одамлар оқими кўринмайди, бирор қичқариқни эшитмайсан ёки бирор ақлдан озган кишини учратмайсан, киши. Деворларда осилиб турган йиртиқ плакатларни энди ҳеч ким ўқимай қўйди.

— Энг асосийлари тугатилди,— деди Клемм.

— Либкнехт ҳам, анаву Роза ҳам,— деди Бекер.

Капитан оёқларини юқориоққа қўйди. Аввалига Бекер капитан ухляпти, деб ўйлади, кейин ойначадан тутунни кўриб қолди, хўжайини шошилмай папирос чекаётган эди. Клемм мудраб ўтириб, агар отаси тирик бўлганда унинг қайтиб келганлигини кўриб қанчалик хурсанд бўлишини хаёлидан ўтказарди. Гарчи ўлган кишиларнинг ҳамиша ҳақ бўлишлари кейинчалик маълум бўлса ҳам, бу ғалати эмасми, ахир? Клемм ёшлигида ҳарбий мансабни орзу қиларди. У мени Кадет корпусига киритиб қўй, деб отасига ялиниб-ёлворди, лекин

отаси унамади. Атроф-чекадаги вино қилувчи помещикларнинг ўғиллари ҳамда мана бу Хенкели ва Опелига ўхшаган болалар қатори у ҳам Майнц ёки Висбадендаги бирор қадимги тиллар ўқитилмайдиган дурустроқ билим юртига кира қол, гимназия — ортиқча гап. Ўзимизга ўхшаган одамларнинг болалари ўқийдиган мактабни тамомлагин, деб оёғини тираб туриб олди. Бу орада отаси унга «фон» деган қўшимчани топиб бергундай бўлса, у вақтда ҳеч ким ундан бу унвон жанг тутунидами ёки Амнебургдаги фабрика тутунидан олинганини сўраб ўлтирмайди. Ота билан ўғил уруш бошлангандан кейин опоқ-чапоқ бўлиб кетди. Ўғил шошилини равишда битириш имтиҳонларини топришди-да, прапорщик бўлиб армияга кетди. Лекин у чол билан яна бир марта ади-бади айтишиб олди. Отасининг фикрича, ўғли дала госпиталида унга қараб турган Ленора фон Венцловга қақат сохта ҳурмат ҳисси билан уйданишга жазм гап қилган эди. Ен қўшниларида, банкир Шрёдернинг жияни ёки Класнинг қизига ўхшаш яхши қизлар озми, ахир? Чол гарчи назарида келини анча тақаббур ва зиқна бўлса ҳам лекин аста-секин унга кўникиб қолди. Чол келини билан бутунлай иноқлашиб қетгандан кейин вафот қилди. Чунки тириклигида келини унга неварга туғиб берган эди. Невара, Клемм командировка билан Фарбий фронтдан Болқонга кетаётиб уйга бир кириб ўтганидан сўнг дунёга келганди.

Клемм хотинидан ҳам ўғлини кўришга орзуманд эди. Отаси ўлди, энди аччиқ-тирзиқ қилишга сабаб бўладиган ҳеч гап йўқ эди. Шундай қилиб, энди иттифоқлик, дер эди ўз-ўзига. Демак, мен бола-чақаликман; кўрамыз, урушдан қанақа хотин топиб олган эканман.

Бекер капитан ухлаб қолганлиги сабабли, одатдагидек машинани эҳтиёткорлик билан ҳайдар эди. Улар эрталабгача демаркацион чегарага етиб олишлик учун, тун бўйи йўл юришди; вақти-вақти билан Клемм йўл ёқасидаги ресторанчалар олдида тўхташни буюрарди. Бекер уруш вақтида ҳам, тинчлик даврида ҳам хўжайини билан биргаликда дам олар экан, бу дақиқалар қутуриб машина ҳайдаган кунларидаги қийинчиликларнинг роҳатидай туюларди. Баъзан Клеммнинг оғзидан бир-бирига қовушмаган гаплар чиқиб кетиб, унинг нималарни ўйлаётганини сездириб қўярди, гўё у ёнида бо раётган шоферни ҳам пайқамагандай эди. Капитан аф-

тидан ўзига-ўзи ёки бошқа бирор иккинчи «мен»га гапирётган эди.

— Дала госпиталида, иккита операция ўртасида...

— Худди шундай, жаноб капитан,— деб жавоб берди Бекер.

— Палатанинг ичи гўё туман қоплагандай эди. Бошида катта оқ пешонабоғ бор эди, юзини ҳам таниёлмадим, лекин Ленора ҳозир менинг олдимга келишини сезиб турардим. Ҳақиқатан ҳам бу муқаддас севги! Мен шунчалик ожиз эдимки, ҳатто унга қўлимни ҳам тегишолмасдим.

— Худди шундай, жаноб капитан.

— Мени капитан дейишингни ташла энди. Ахир, биз французлар олдига кетяпмиз.

Улар йўлда кетаётганларида, Клемм ўз-ўзига: «Бу ерга битта пулемёт қўйилса, бутун атроф-чеккани ушлаб туриш мумкин»,— дер эди.

Берлин билан Франкфурт орасидаги ерлар ёниб тургандай туюларди. Бу ерлар Лейн заводларидан чиқаётган ёнғиндан шундай хаёлий тусга кирган эди. Бекер Клеммнинг сунъий азот ҳақидаги фикрларини унчалик тушунмади. Лекин унга хўжайинининг товушини эшитиш ва немисларда ихтирочилик кайфияти шунчалик зўр эканлигини англаш ёқар эди. Клеммнинг хаёли яна бошқа нарсага кетди:— Ҳар ҳолда уйга кетаётганлигимиз яхши бўлди.

Бекер яна:— Худди шундай, жаноб фон Клемм,— деди.

У ҳар сафар «биз» деб гапирганида Клемм билан капитаннинг бир одам эканлигига шаъма қилар эди. Ёнғин ўчиб бўлгунча бир соатдан ҳам кўпроқ вақт ўтди: қоронғи кеча ёнғинни худди кул босгандай қилиб кўрсатарди. Клемм мудраб ўтираркан отаси айтган бир гапни эслади «Дивизиядан кўра ҳам бизнигига ўхшаш корхонага бошлиқ зарурроқ». Йўлнинг ярмигача у ҳали атрофдаги ерлар, кишилар тўғрисида ҳарбий киши нуқтаи назаридан мулоҳаза юришиб келган бўлса, Мерзбургдан кейин йўллар ва қишлоқларни шу ерда ўрнашиб қоладиган кишидай мулоҳаза қила бошлади. Гиссенгача у қаттиқ ухлаб борди. Улар эрталаб Франкфуртдан ўтишди. Шаҳар қаҳратон январь ойи бўлишига қарамасдан, кўм-кўк, мусаффо эди. Гёхстга яқинлашишганда Клемм шоферига баъзи бир кўрсатмалар берди. Ҳозир улар

Французлар оккупация қилган зонага киришади. Шунинг учун тилни тийиш керак. Текшириб кўриш амалдорларнинг хаёлига ҳам келмаслиги учун улар ўзларини эл қатори тутишлари керак. Йил бўйи қилган ишлари ҳақида чурқ этмасликлари керак. Иложи борича тезроқ жойларига етиб олишлари керак. Чегарада одатдагидек сенегалецлар тургандир. Қорачадан келган одам паспорт талаб қилганда ўзини худди олдинда шоколаддан қилинган негр тургандай вазмин тутиш керак.

Улар илгаридан келишиб қўйганлари учун Гехст-Грисгеймдаги меҳмонхона олдида тўхташди. У ерда уларни фирманинг ишончли одами, кўзойнак таққан пакана Эрбенбек кутиб турарди: у Клеммга ва шофер билан машинага чегарадан ўтиш учун рухсатнома олиб келган эди.— Бир исмис шаҳридан иккинчисига ўтиш учун шунча дахмаза-я, тавба!— деб тўнғиллади Клемм.

— Нима қилайлик, урушда ютқизиб қўйдик-да, азизим жаноб фон Клемм.

— Биз буни нимагадир сезганимиз ҳам йўқ-а, Бекер? Масалан, Аргонна ўрмонида?

— Йўқ, сезганимиз йўқ,— деди Бекер.— Бу ерда гердайиб юрган французлар, у ерда қўсндай жуфтакларини ростлаб қолишганди.

Эрбенбек мўйловини буради. У ўзича: «Ҳа, гап бу ёқда экан-ку. Бунис ҳам яхши. Ҳозир шундан гула кўтариб иш қилиш мумкин»,— деб ўйлади.

Чегарада уларни сенегалец эмас, балки озгин малла ранг француз тўхтатди. Эрбенбек тез-тез таржима қилиб турди. Улар Рейннинг ўнг қирғогидаги бир неча қишлоқни босиб ўтишди. Нам, қоронғилашган ҳавода Таунус тепаликларининг аниқ кўриниши уларнинг яқинлашганликларидан дарак берарди. Томлардаги, миноралардаги уч рангли француз байроқлари Бекерга худди суд ижрочиси мусодара қилинган мулкка босадиган муҳрдай ғалаги кўриларди. Ахир капитан билан жонларини фидо қилиб курашган бўлсалар-у, энди бу ерда мамлакатда хўжайинлик қилаётган қаллоблар қўрқиб чет давлатлардан келган ўғри, муттаҳамларга дарвозани кенг очиб қўйишса. Лекин у Клеммнинг буйруқларини қаттиқ эса сақлаганидан чурқ этмади.

Рейннинг чап қирғогида, Майнцдаги бино тепасида уч рангли байроқлар ҳилпираб турарди. Бу бино илгарилари улуғ герцогнинг қасри эди. Шу шаҳарда

Клемм мактабга қатнаган. Мана бу кўприк олдидаги яйловда у ўртоқлари билан ўйнарди. Шу ерда тол попуғини қирқаман деб қўлини кесиб олишига сал қолганди. Илгарилари у отаси билан шу ердан ўтганида шилдираганидек, ҳозир ҳам каштан дарахтининг шохлари шилдираб турибди. Йўл қайрилишида шофернинг кўзи патрулга тушди. Мана ўша аблаҳ, қора мазанг!

Йўлнинг ярмидан ўтганларидан кейин улар Эрбенбекни чоққина виласи олдида машинадан туширишди.

Вилла рицарлар қасри услубида қурилган бўлиб, минораси, гипсдан ясалган ажиналар сурати бор эди. Эрбенбек хотинининг уст-уст берган саволларига шундай деб жавоб берди:

— Худди отасининг ўзи. Ўзиям жуда миллатчига ўхшайди.

Хотини ҳам дарров:

— Ундай бўлса, анаву французлар билан ошна-огайнигарчиликни йиғиштириб қўя қол,— деди.

Эрбенбек шу заҳотиёқ хотинининг гапини маъқуллаб унга тушунтира бошлади.

— Йўқ, алоқаларимиз фақат иш юзасидан бўлади, ишнайкейин Клеммнинг ўзи ҳам Армон фирмасига лок тайёрлаб беришга йўқ демаса керак.

Эльтвилга кирганларидан кейин, Бекер гуллаб турган буталарни ва эски, кўримсиз қишлоқ уйларини қизиқиб томоша қила бошлади. Ўз уйига қайтаётган кишиларга ўхшаб, Клемм ҳам, қадрдон жойларимни мен эмас, улар мени таниёлмаса керак, деб фараз қилди. Кема пристани ҳам, кўчиб юрувчи қамишзор оролчалар ҳам, боғнинг кенг очилган дарвозалари ҳам, у: «Мана энди, уйимдаман» демасидан олдинроқ, уни танишди. Дарвоза уч бурчак шаклидаги боғнинг этагига жойлашганди. Қинғир шаклдаги боғнинг поёни эди бу ер. Ранги ўчган гербнинг Клеммлар оиласига ҳеч қандай тааллуқли жойи йўқ эди. Қачонлардир уни бу ерга ҳамманинг эсидан чиқиб кетган шу боғнинг эгаси осиб қўйганди. Клеммлар оиласи қўрғонни сотиб олгандан кейин, ҳамма жойни ўзларининг кўнгилларидагидек қилиб ўзгартиргандилар.

Клемм кўнгироқни ипидан торта бошлади. Илгари ноқтлардагидай бу сафар ҳам кўнгироқ ипни бир неча марта тортгандан кейин чалинди.

Еш бека уй хизматчисидан олдин чопқиллаб чиқиб

уни қарши олди. Ленора эрилинг бўйнига осилиб, уни маҳкам қучоқлаб олди. Клемм ўзини йўқотиб қўйди, лекин довдираб қолганлигини хотинидан яшириб, худди безовталанган болани юпатгандек, унинг бошини оҳиста силади. Хотин аста-секин тинчланиб, индамасдан унинг ёнида турарди. Ҳа, у ҳар ҳолда хотинини кўпдан бери биледи. Урушда вақт жуда тез ўтиб кетади, шунинг учун ҳам унга сира эътибор бермайсан. Бир кунги госпиталнинг қоронғи бир бурчагида Ленора уни қучоқлаб олиб, ҳадеб юзларидан ўпа бошлади. Бу ҳол шундай кутилмаган бир пайтда бўлдики, бирдан унинг кўз ўнглари ёришиб кетди.

Кейинчалик у хотинига сарапсап солиб юраркан унинг жўшқинлиги одатда фақат кўзлари хиралашганидан ёки равшанлашганидан маълум бўлишини пайқаб қолди. Шундай ҳолларда унинг кўзлари қораяр ёки мовий тусга кирар эди. Шоферга ҳаммасидан ҳам машинадан буюмларни ташиб олган уй хизматчисининг қопқора чаросга ўхшаб ёниб турган кўзлари ёқиб қолди. Клемм Бекерга яхши бир хонани ажратишни ва унга қора пиво беришларини буюрди. Бу нарса Бекерни хурсанд қиларди; бундай буйруқдан кейин хўжайин уни нечоғлик ҳурмат қилиши уйдагиларнинг ҳаммасига даров маълум бўлади.

— Илгариги шоферингни нима қиласан, энди?— деб сўради хотини, улар болалар хонасига киришгандан кейин.

Аввалги шофер, Альфонс Клеммлар хонадонидан вошчи бўлиб хизмат қиларди. Кейинчалик иккала ошдан чиқиб қолгач, уларни раҳмлари келганидан бери қиб юришди. У отларга худди «опел»га қарагандек тиришқоқлик билан қарарди. Альфонс «опел»ни ҳайдашни қийналиб-нетиб аранг ўрганиб олган эди. Кейинги вақтларда у ёш фон Клемм хонимни жон-жон деб машинада олиб юрарди, чунки автомобилда сайр қилиш хонимга қанчалик завқ бахш этишини яхши биларди. Бағзида хоним очилиб кетиб лақиллар ва Потсдамда яшовчи қари қиз Амалия холасини машинада сайр қилдирмоқчи бўлганлигини ҳикоя қилар эди. Холаси уни ва укасига оналик қилиб келганди. Лекин Потсдамда Рейн областига келишлик учун холасида йўлқира ҳаёйўқ, жиянидан сўрашликка эса... йўқ, сиз Амалия холани яхши билмайсиз!— Лекин шофер Альфонс бу кек

мағрур хола қандай хотин эканлигини ўзича жуда яхши фараз қиларди.

— Нима қибди, боқамиз-да,— деб жавоб берди Клемм Леноранинг саволига. У бу гапни отларни эмас, балки Альфонсни кўзда тутиб гапирди. Отлар аллақачон нобуд бўлган эди. Ленора нимадан ранжиганлигини ўзи ҳам билмасди. У эрининг қўлидан шақилдоқни олиб беланчакка қўйди. Бу ёғочдан қилинган ўйма нақшли қадимий беланчак бўлиб, оппоқ болалар хонасидаги ягона ёт нарса эди. Бу ерда, юқорида, Ленора мамнулик билан халатини ва оппоқ қалпоқчасини киярди. Хотинининг бу хилда яسانيшини кўрган Клеммнинг эсига илгариги воқеалар келди. У Бекердан миннатдор эканлигини, Аргоннада Бекер қандай қилиб уни ўлимдан сақлаб қолганлигини, улар жонларини ҳовучлаб беҳисоб чегаралар орқали Болқондан уйга етиб келганликларини, кейинги вақтда Берлинда қандай ҳаёт кечирганликларини айтиб берди.

— Ияги жуда қизиқ-а,— деди у ўғилчаси тўғрисида. Хотини у қанчалик бобосига ўхшаб кетганлигини индамай қўя қолди. Бобосига офицерлар йиғилишида Қўнғизча деб ном беришганди. Кейинроқ Клемм қайинисининг ияги ҳам худди шунақа эканлигини эслади. Хотини ундан:

— Нимага Фриц сен билан келмади?— деб сўради.

— Қизиқ сен-а, Фриц ҳозирги пайтда Берлиндан кетоларканми? Ростини айтганда, у ерда республика деб аталувчи бир нарсани тузишди, лекин спартакчиларни кўчада рўй-рост отиб ташлаб бўлмайди-да, уларни ижроия комитетларига ҳам қўйиб бўлмайди. Ана шунинг учун кечагина погонларини юлиб олишган ҳарбийлар яна керак бўлиб қолди. Яна олдимизга югуриб келишди, ўзларининг эса ҳа дейишга ҳоллари йўқ. Социал-демократларнинг ҳозир тахтда ўтирган министрлари эркин одамларни сира эплашолмаяптилар. Биронта социалистни эркин кишига қарши чиқарса; бўридан тарқалган итни бўрини овлашга олиб чиқиш билан баравар. Анови қизил қаланғи-қасанғилар бутун шаҳарни остин-устун қилиб юборишди. Шоссештрасселани казармадан бирор киши қўзғолончиларга қараб ўқ узинишга журъат қилолмади, бир лейтенант револьвер билан қўрқитмоқчи бўлган эди, тоза таъзирини берди. Яқинда бизникилар манежни олишди. Шундан

кейингина муттаҳам қизилларни бир амаллаб қўлга туширдик. Аммо ўшанда муттаҳамлардан биттаси, албатта сўроқ қилинишини, суд қилишликни, қола берса бутун маросимларни ўтказишни талаб қилди. Битта спартакчини йўлда тутиб олгандик, қочиб кетмасин, деб ўша ердаёқ саранжомлаб қўя қолдик.

Ёш хоним бу гапларга индамай қулоқ солар; гўё эрининг сўзлари қаттиқ моддадан ясалиб, соя солиб тургандай вақти-вақти билан кўзларининг ранги ўзгартиб турар эди.

Пастда, ошхонада эса Бекер ҳам худди шу ҳақда ҳикоя қиларди. Унинг гапларига қулоқ солувчилар уй хизматчиси, унинг ёрдамчиси — сочи билакдай қилиб ўрилган пакана қиз, ошпаз аёл, унинг эри — боғбон эди Шофернинг олдига ветчина, тухум қўйилганди. Ҳа, бу уйда хаснлик қилишмайди, бу ерда Бекернинг қадрига етишади; Вестфалиядаги оиласи бунчалик қадрига етишган эмас. Унинг гапларига ҳаяжон билан қулоқ солишади. Умуман олганда бу ер, Рейн энди хийла осойишта.

Ошхонага паст бўйли, юзи буришган одам кириб келди. У талинкани нарироққа суриб, тухумларни газетага ўради.

— Сиз янги шофер бўлсангиз керак? — деди у, Бекерга қараб. — Мен эса эски шоферман.

Кейин у Бингенга кетишини ва у ерда синглисиникида туришини айтди. Ахир унга, эҳтимол, майда-чуйда харжлари учун қандайдир нафақа тўлашар, пул эса синглисига жуда ҳам зарур. У, хайр, яхши ётиб туринглар, деди-да, чиқиб кетди. Бундай совуқ хайрлашишдан ҳаммалари ҳайрон бўлдилар. Ахир, бу йигирма йиллик хизматдан кейинги хайрлашиш-а! Марҳум хўжайинни ёш хўжайинга таққослай бошладилар. Бекер марҳум жаноб фон Клеммни билмаслигини айтди; лекин дунёда ҳозирги хўжайинимга тенг келадиган одам борлигини хаёлимга ҳам келтиролмайман, деб қўшиб қўйди.

Ишдан бўшатишган шофер эшикдан ўтиб Рейн бўйига чиқди.

Ленора одатда шунақа вақтларда, ёзда ҳам, қишда ҳам мана шу ердаги скамсейкада ўтириб, пароход ва баржаларга қарарди. Ҳатто бугун кечқурун ҳам ҳеч бўлма-са бирпасгина ёлғиз ўтириш мақсадида уйдан қочиб чиқди. Ҳозир унинг кўзлари дарёга ўхшаш мовий эди. Альфонс ўзига ярашмаган виқор билан фуражкасини

сал кўтариб, бундан буён ҳам бахтли бўлинг, деганида Леноранинг бир оз ранги ўчди. У онасидан эсдалик бўлиб қолган ёқут крестни бўйнидан ечди. Альфонс бунинг Бингендаги синглисига бера қолсин. Ленора ўзига қарашли бирор нарсани унга тақдим қилмоқчи бўлганди. Чол уйга қуппа-қуруқ бормас эканман деб хурсанд бўлди. У дарёдан кечиб ўтадиган жойга қараб йўргалаб кетди; дарёнинг нариги қирғоғида поездга ўтирди. Ёш хоним хафа бўлишига қандайдир бир сабаб бордай, унинг кетидан ғамгин қараб қолди.

## V

Эрвинни сўроққа олиб бориш ўрнига уни ўққа рўпара қилган ва кейин кўмишга ёрдамлашган соқчи Шоссештрасседаги казарманинг дарвозаси олдида постда турарди. Унинг отряди Берлинда қолган бўлиб, ҳозир илгариги пиёдалар казармаси жойлашган ерда турарди. Яқшанба жуда зерикарли ўтаётганди. Соқчининг қаршисида одатдаги манзара — бир неча бола ўйнаб юрарди, сут дўконининг эшиги очилиб-ёпилиб турарди. Бугунги сокин шаҳарда ҳеч қандай ташвиш сезилмас, ҳеч қандай намоишлар ёки ҳеч бўлмаса, қўзғолончиларни дафн этишдан асар ҳам йўқ эди. Ҳатто мана бу Либкнехтни кўмиш маросимига ҳам кутилгандан озроқ қизиллар келишди. «Манави бандитлар ҳам, ниҳоят, думларини қисиб қолишганга ўхшайди, — деб хаёлга чўмди, Надлер. — Кўмиш маросимига борганимиз билан Карл Либкнехт тирилмайди, дейишган бўлсалар керак. Розани бўлса ҳалигача топишолгани йўқ. Айтишларича, уни сувга ташлаб юборишибди».

Шаҳарни асосий қўзғолончилардан тозалаб бўлишди. Уйларда яшириниб юрганларининг ҳам тухуми қуритилса яхши бўларди! Хотини унга хат ёзди, хатнинг мазмунидан жуда ғазаблангани маълум бўлиб турибди. Шу вақтгача уйга қайтмаганлиги учун қаттиқ койибди. Уйлари унчалик узоқ эмас, уч соатлик йўл. Уларнинг қишлоғи Швилловзее қирғоғида. Хўжаликнинг бўлса дабдаласи чиқиб кетибди. Ҳамма деҳқонлар аллақачон юртларига қайтишган, фақат Надлер ақлдан озганга ўхшайди, ўзини жангчи фараз қилиб, милтигига маҳкам ёпишиб олган. Бу хотин жуда дарғазабга ўхшайди. — Ёзган хатини қаранг-а, фронтга ёзган хатларининг ҳаммасини қўшганда ҳам бунчалик узундан-

узоқ бўлмасди. У ерини яна ижарага беришга мажбур бўлганмиш. Укам Христиан ўрнимни боса олади, деб ўйламагин эмиш. Қишлоқдаги қўни-қўшнилар орасида сонининг абжағи чиққан мана бу Христианга қараганда минг марта яхшироқ ишлайдиган ёғоч оёқли йигитлар оз эмас; ахир у оёғини силтаб босади-ку. Ижарачидан тушадиган пул эса, солиқларни тўлашга етади, холос. Агар унинг иккита сизгири бўлганда, у вақтда ижарага берган ерига ҳам беда экарди. Унга ҳозир сизгири жуда ҳам зарур.

Постда турган вақтингда, энг жонга тегадигани шуки, мияннга ҳар хил фикрлар келаверади. Ҳар ҳолда уйга қайтиш керак. Лекин ўзига қолса, ҳечам уйга қайтгиси йўқ: на нозанин хотини, на болалари кўзига кўринади, қола берса ҳаммадан кўпроқ деҳқончиликка тоби йўқ. Урушдан олдин деҳқончилик қилиб юрганларини эсласа уни ваҳима босарди. Ҳозирча Надлер Вильгельм бу ерда зарур бўлган бир пайтда, яраланган укаси қандай бўлса-да, бирор йўлини қилиб хўжаликни бошқариб тура турсин. Надлер кеча хатни ўқиганидан кейин гангиб қолиб, қандай қилиб хизматдан бўшаб олиш йўлларини ахтарганида, бошлиғи капитан Дегенхардт нима деди? «Сен Надлер, хотинингга империя унинг картошқасига қараганда муҳимроқ эканлигини ўқитиб қўйишинг керак. Сен бу ерда азамат йигит эканлигинини кўрсатдинг. Агар ҳозир мана бу Версаль сулҳи шартномаси билан ҳамма ишимиз чипакка чиқадиган бўлса, сенга ўхшаган одамлар бизга жуда ҳам зарур бўласизлар. Бу вақтда бизнинг отрядларимиз империя учун асосий куч бўлиб қолади. Ўзинг кўриб турибсан-ку, биз бўлмасак ҳамма нарса чаппасига кетяпти». Шунинг учун у, Надлер ҳам ўзини, ротанинг олдида чопгандан кейин плугга қўшиладиган отдай ҳис қилади. Бир неча вақт у, балки плугни торта олар ҳам, лекин карнай овозини эшитган замониёқ бошқа тарафга қараб ташланади.

Надлер қаддини ростлади. Капитан казармадан иккита лейтенант билан чиқиб кетди. Анаву ўнгидегисини қаерда кўрган экан-а? Мана бу шахдам қадам ташлаган, абжир, чаққон кишини қаерда кўрган экан? Унинг Дегенхардти билан жаҳонда ҳеч ким тенглаша олмайди, албатта. Надлер уни қаерда кўрганлигини эслади: ўша жанг тамом бўлган кун кечаси унга бир асирни Новавесга штабга элтишни буюришганда кўрган экан.

Бу ўша машинада кетаётган уч офицердан биттаси эди. Машинасининг шинаси синган офицер шу. Надлер кейинчалик ўз бошлиқларига, нима учун асирни тайин қилинган жойга олиб бормаганлигини айтиб берган эди. Ҳа, жуда серташвиш кунлар эди! Энди эса нима қилишингни ҳам билмайсан: қаққайиб туриб, хотинингнинг аҳмоқона ажи-бужи хатини ўйлайсан, киши. У урушда қатнашганларнинг ҳаммасига берилган ҳуқуқдан фойдаланиб, солиқдан қутулиб олар, шу билан балки хотинини ҳовридан тушириб қўяр. Ана ўшанда хотини ижарачилар билан овора бўлишдан ва ижара ҳақи-га тушган пулларни давлатга топширишдан қутулади. Капитан Дегенхардт қўл остидаги солдатларнинг илтимосини ерда қолдирмайди, унинг ошна-оғайнилари ҳам кўп бўлса керак; Надлер солиқларга доир ишни бартараф қилиш учун кимдан илтимос қилишни билди. Хотини бўлса, укаси Христиан билан бир оз яна қийналиб тура турсин. Уйга қайтиш эсингга тушганда, ваҳима босиб кетади.

## VI

Клеммнинг буйруғи билан асирни отиб ташлаган ўша офицер, яъни Венцлов, шу урушда ҳалок бўлган отасининг бева синглиси — Амалия холани бориб кўриш учун Ливен билан бирга жўнади. Амалия хола у билан опаси Ленорага, яъни Клеммнинг хотини ёшлиқларида ўлиб кетган оналари ўрнига оналик қилган эди. Хола арзимас нафақасининг ҳар бир пфеннигини болалар тарбиясига яратиш учун боғдаги, уйдаги ишларнинг ҳаммасини ўзи қиларди. Отасининг айтишича, ҳар хил иғво орқасида ҳарбий хизматдан анча эрта бўйлашга мажбур бўлган. У ваҳима касалига йўлиқишдан, буйруқ қилишга қаттиқ ўрганиб қолганидан болаларнинг ёшлигини хазон қилди. Амалия хола ҳам тозалик ва тартиб васвасаси билан уларнинг жонига теккан эди; лекин, нима учун ҳар бир кир бошмоқ, ҳар бир синдирилган талинка, ҳар бир йўқотилган рўмол холага маънавий азоб беришини, унингсиз ҳам таҳликага тушиб қолган оиланинг бисоти, обрўсига макр билан қасд қилишдек туюлганлигини, Венцлов энди тушуниб қолганди. Борди-ю, сулҳ шартномаси имзолангундай бўлса, агар армияга жавоб бериб юборсалар — менинг ҳолим не кечади, холам нима бўлади? — деб хаёл сурар-



ди Венцлов. Холам менга уч юз йилдан бери хонадонимизнинг имтиёзи бўлиб келган мансабни танлашга имконият туғдириб берди. У уйимни сақлаб қолди... Венцлов саёқ солдатлик турмушидан кейин бундан юз йил бурун қурилиб, классика ва барокко<sup>1</sup> услубида безатилган Шарнхорстштрассе кўчасидаги бир қаватли уйини ҳам эҳтиёт қилар эди. Амалия хола ҳар қанча ўлиб-тирилиб уринмасин, барибир уй вайрон бўлди. Бу вайронлик уйнинг олд томонини ва боғчани мунгли, хароб қилиб кўрсатиб турарди. Венцлов дарвоза олдига келгандан кейингина, нима учун Ливенни яқшақбани Потсдамда бирга ўтказайлик деб таклиф қилдим, деб ўз ўзига савол берди. Бошларидан кечирган ишлар туфайли улар дўстлашиб кетмаган бўлмасалар ҳам, бир оз иноқлашиб қолгандилар. Бундан ташқари, Венцлов Ливен поччасининг дўсти эканлигини, Ливен эса Венцлов дўстининг қайниси эканлигини биларди. Венцлов Клеммга қаттиқ ҳасад қиларди. Клемм қаерда бўлмасин кишиларга аралашиб, уларни мафтун этар, одамларнинг жону дилидай бўлиб кетарди. У Венцловга қараганда Ливен билан қалинроқ бўлиб, Венцловни ошиқча бир одамдай ҳис қиларди. Венцлов Ливеннинг қандай одам эканлиги ҳақида сира бош қотирмаган эди. У Ливенга «поччам Клеммнинг дўсти» деб қарарди. Шунинг учун у ички зинапоядан тушиб келаётган Амалия холанинг оёқ товушларини эшитгач, Ливен бу ерда нечоғлиқ ортиқча эканлигини тушунди. Ливен бу орада кираверининг чап ва ўнг тарафидаги сири кўчган, дарз кетган кариатидаларни<sup>2</sup> томоша қилиш билан овора эди. У ёмғирдан ҳийла шикастланган бу ҳайкалларни Амалия холага ўхшатарди. Шу пайт уни Амалия хола билан таништириб қўйишди, Ливен Амалия холанинг қўлларини ўпди. Амалия холанинг кўкраги теп-текис эди. «Кариатидлар бу ердаги хотинлар жинсининг ягона сийнадор зоти бўлса керак»,— деб ўйлади у. Амалия холанинг узун бўйинини қулогига тегиб турган ёқаси беркитиб турарди.

<sup>1</sup> Классика ва барокко—XVI—XVIII асрларда қўлланилган серҳашам архитектура услуби. (Тарж изоҳи.)

<sup>2</sup> Кариатида—устун вазифасини бажарадиган ҳайкал. (Тарж изоҳи.)

Венцлов ёшлигида кўрган холанинг шу турмакланган оч малла ранг сочи, шубҳасиз, оқариб қолганлигини таъкидлар эди. Шу пайт у бехосдан, ўз ўглидай билиб фахрланиб юрган холасининг завқланиб, кузатиб турганига кўзи тушиб қолди.

Ливен одатда дастурхон устида жуда хушчақчақ бўлиб кетарди, лекин у бу сафар овқат вақтида ўзини тийиб Амалия холанинг хушмуомалалик билан берган саволларига одоб билан жавоб қайтарарди. Ҳа, дарҳақиқат, у Рига ёнида ер-мулки бўлган Ливенлардан бири. Бу илгариги ер-мулк унинг амакиваччасига мерос бўлиб қолган. Аввалига большевиклар ҳамма нарсани тортиб олдилар, энди немислар уларни яна бошқатдан тортиб олишлари керак. Бунинг устига, у ерни қандайдир қаланғи-қасанғилар эгаллаб олишган, дейишади. Илгарилари бу қаланғи-қасанғилар ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бу ишларга аралашишдан илгари, хоним, ҳеч бўлмаса, кимнинг тарафини олаётганингни билишинг керак. Жаноб инглизлар, турган гап, большевиклар тарафини олишмайди. Биз, немислар эса, инглизларнинг душманлари бўлиб қолдик. Шу туфайли улар, мана, лилипутлар давлатини ўйлаб топишди. Унга Латвия деб ном ҳам беришди.

Ливен туздондаги бор тузни салатга сепди. Унинг бу қилиғи ҳам, кўзлари ҳам холага ёқмади. Унинг кўзлари кўм-кўк, лекин ғилай эди, иннайкейин бу қанақа ғалати, хунук овоз? У бўлса холанинг «сохта қуёни»ни вилка билан ковлаб ўтирарди. «Мен ҳамма нарсага — очликка, энг ярамас айш-ишратга ҳам чидайман-у, лекин бунақанги овқат ўлсам ҳам томоғимдан ўтмайди»,— деб ўйлади Ливен. Ливен диван устига осиб қўйилган ходовецкий гравюраларига ўхшаш эски чинни идишларини мақтаганида, Амалия холанинг чеҳраси бир оз очилди.

Ливен ўзича: «Қачонгача бунақа зерикиб ўтирамиз-а?» деб ўйлади. Аммо овқатланиб бўлгандан кейин қўшниларикига меҳмонга чиқишганда, у очилиб кетди ва бошқалардан кўра кўпроқ ўзини дадил тутиш учун гапга тушиб кетди. Ҳаммалари қишки боққа айлан-тирилган балконда, ярадор бўлиб, ҳали унчалик тузалиб кетмаган уй эгаси — жаноб фон Мальцаннинг атрофида ўтиришарди. Майорнинг хотини, бўйи етай деб қолган узун сочли қизи, ўғилчаси, Венцлов, Амалия

хола — ҳаммалари нафасларини ичларига ютиб, меҳмоннинг сўзларига қулоқ солишарди.

Венцловнинг ўзи ҳам Ливеннинг бунчалик завқ билан ҳикоя қилишини биринчи марта эшитаётган эди. Гарчи, бу уйда яшовчилар уруш тўғрисида кўп ҳикоялар эшитган бўлсалар ҳам, лекин Ливеннинг лагердан тўппа-тўғри большевиклар территорияси орқали Болтиқ денгизи бўйлаб Финляндияга қочиши (урушнинг бошларида у Петербургда ушланиб қуролсизлантирилган эди) фронтнинг бу ерда унчалик маълум бўлмаган участкасида содир бўлган эди. Энди эса, улар ўз балконларида ўтириб, газеталарнинг хабарларидан қатъий назар, ақлга тўғри келмайдиган деб билган қора халқ томонидан қилинган ҳамма мана шу ҳодисалар — ёндирилган қўрғонлар ва осиб ўлдирилган помещиклар ҳақида эшитиб ўтирардилар.

«Эртага албатта уйга кетаман,— деб ўйларди Ливен. Шунинг учун у кечки овқатдан кейин, ниҳоят, ўрнига киргач хурсанд бўлиб кетди. Мана шу бемаъни, ланжлик билан ўтган кундан кейин, кечаси деразадан яланғоч шохларнинг соясидан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Гарчи унга Ленора қизлик вақтида ётиб юрган хонага жой солиб берган бўлсалар ҳам кўрпа-тўшак қаттиқ эди. Ҳа, Ленора ҳам бу ерда диққинафас бўлиб кетган бўлса керак. У энди яхшироқ яшаётган бўлса керак.

Ливен ҳозир Ленора қанақа бўлиб кетганлигини кўз олдига келтира бошлаганида, хона эшигини шоша-пиша тақиллатиб қолишди. Хонага кириб келган Венцлов бундай бетакаллуфликка ўрганмаган Ливеннинг жаҳли чиқишига қарамасдан, дарров каравотнинг четига ўтириб олди. Венцлов ҳаяжонланиб деди:

— Мен ҳозиргина ўқидим. Газетада босилган. Жасадни ердан ковлаб олишибди. Новавесга яқин жойда, йўлни тузатишаётган вақтда.

— Хўш, нима бўпти? Крематорийга жўнатишади, кейин гўристонга-да.

— Борди-ю уни биз қилганлигимиз аниқланиб қолиб, бизни сўроқ қилишса-чи?

— Агар бирор киши биздан сўроқ қилишни хаёлига келтиргудай бўлса,— деди Ливен,— қочмоқчи бўлувди, отиб ташладик, деймиз-да. Аммо бирор кишининг ақлига шундай фикр келишини тасаввур ҳам қилолмайман.— У шундай деди-ю, ичида ўйланиб қолди: «Қара-

вотимдан тезроқ турса бўларди. Қаравотимга ҳатто хотин кишининг ўтиришини ҳам ёқтирмайман. У вақтда тепадан юзингга қараб тикилишади».

— Ахир, орқасига эмас, олдидан, яқин жойдан нақ калласига қараб отганлигимизни дарров аниқлаб олиш мумкин-ку,— деди Венцлов.

— Демак, у орқасига қараган ҳамон отиб ташлаганмиз.

— Бизми? Нима учун биз? Ахир, ҳаммадан илгари кимнинг ўқидан ўлганлигини аниқлашга ҳаракат қилишади-ку. Менимча, тергов расми-русми шунақа.

«Дарров ҳаммасини фаҳмлаб олганини-я,— масхарамоуз ўйлади Ливен,— Аслида, ким отган ўзи? Ахир, бир неча киши бор эдик шекилли-ку? Шоферми? Соқчимми? Қлемми? Менми? Венцловнинг ўзи эди шекилли. Шунинг учун бошини қотирипти бу тентак». У қўлини Венцловнинг қўлига қўйди:— Биз ҳаммамиз иштирок қилганмиз, ҳаммамиз барабар ўқ узганмиз, деб айта-миз. Тафсилотларини эса ҳеч ким эслаб ўтирмайди. Масалан, мен ўзим ҳам ҳозир эслолмайман.

— Ахир, фақат пешонасидан ўқ еган-ку. У вақтда отилган бошқа ўқларнинг ҳам ўрнини ахтаришади.

— Қизиқ экансиз, уларни дарров топишолмайди. Хотиржам бўлинг, пашшани фил қилиб кўрсатманг.

— Ахир, ҳозир ҳамма жойда ҳам янги чиққан муттаҳамлар ўтиришибди! Қайси депутат бўлмасин кўнгли тортган жойга бурнини суқяпти. Мустақилчилар бирор тўполок чиқаргундай бўлсалар, шунга хурсанд.

— Илтимос қиламан, шу ерда бас қилайлик. Улар ҳечам ўзларининг республикаларида тартиб ўрнатолмайдилар, шунинг учун бизни ёрдамга чақирашади. Биз уларга пойтахтни яхшилаб тозалашга ёрдамлашамиз-у, улар биз улоқтириб ташлаган ярамас нарсаларга кўз ёши қилиб ўтиришармиди? Қўйсангиз-чи, Венцлов, буларни сиз ўзингиз ўйлаб топибсиз. Яхшиси бориб ухланг.

Ливен ичида: «Худого шукур, уйдан чиқариб юбордим-а!» деб ўйлади. У одатдагидек ётиш олдидан гапир-рос чекиб олди. Чироқнинг хира нурида шох соялари қимирлади. «Бу Венцлов нималарни тўқиб юрибди-я? Бундай жиний ишнинг бўлиши мумкин эмас!» Бу Ливен кейинги йилларда қанча тўшакларда ётди экан-а?

Папирос учқуни зиғирдай нуқтага ўхшаб ёниб турарди — Ливеннинг бундан бошқа ўзига хос нури йўқ эди.

## ИККИНЧИ БОБ

### I

Ливенни уйғотган нарса Венцловлар уйининг дарпардасидан тушиб турган чироқнинг хира ёруғи ҳам, шамолда қимирлаётган шохлар соясининг ўйини ҳам эмас. Ростини айтганда, тушида Амалия хола унинг олдига шунчалик яқин келдики, Ливен маъюслик билан: «Бу ярамас шум кампир тагин каравотимга ўтириб олмасин» деб кўнглидан ўтказди. Бунинг устига, қандайдир бир бўлмагур газета мақоласи уйқусини бузган, бечора Венцлов эшик ёнида иккиланиб турарди. Ливен ўрнидан турди, аввало у нима учун Венцлов мен билан русча гаплашдийкин, деб ҳайрон бўлди. Кейин уни уйғотган киши капитан Кожевниковнинг деншчиги эканлигини пайқади. Балки уйғотган деншчик ҳам эмасдир, балки Ливеннинг юзига тушиб турган тўлин ойнинг нуридир. Хайриятки, у Потсдамдаги Шарнхорстштрассе кўчасидаги уйда эмас, балки Рига яқинидаги бир деҳқон уйида ётибди; бу ерда штаб жойлашган; штабда эса руслар томонидан Кожевников, немислар томонидан эса — Ливен алоқачи бўлиб ишлайди.

Ез кечаси сокин, оппоқ ойдин эди, деҳқон кулбасида пирпираб турган шам шуъласи ой нурига қўшилиб кетганидек ўтмиш хотиралари ҳам туш билан қўшилиб кетар эди. Бундай мириқиб ухлайдиган кечада Ливеннинг бутунлай уйқуси қочиб кетди. Унинг хаёлида борлиқ ўзининг бутун хилма-хиллиги ва айрим ҳал қилувчи ҳамда аҳамиятсиз хусусиятларининг тўлалиги билан гавдаланди. Мана, Амалия холанинг эркаксимон қиёфаси — у қўлига эрталабки газетани оливолиб сулҳ шартномасининг шартларини санамоқда. — Бу, албатта, жаноб Клемансога жуда ҳам қўл келадиди-да. Биз — олтмиш миллион немислар — аҳолининг аниқ сони қанча, Ливен? Биз, гарчи урушда ютқизмаган бўлсак ҳам, у туфайли ўн йил бўйнимизни эгишимиз ва афсус-надомат қилишимиз керак эмиш, — шу пайт Сергей Кожевниковнинг деншчиги русча гапириб турарди, аммо унинг товуши, туш кўрган вақтидаги

Амалия холанинг товушига қараганда бўғиқроқ, ҳийла ноаниқроқ жарангларди:

— Жаноб капитан сизни ўз ҳузурига чақиряпти; жаноб лейтенант келдилар.

«Ахир бу чироқ эмас, ойку — ниҳоят фаҳмлади Ливен. — Иннайкейин, нима қилиб бу ерга келиб қолдим? Э, ҳа бўлди, шунинг учунки, биз остзейцлар русларга советларни қувишга ёрдамлашмоқдамиз! Ой нури ҳамма ерга тушади, гира-шира бўлса ҳам, барибир туша беради. Ҳозир фон дер Гольц Бермонт билан бирга Ригага ҳужум қилмоқда. Носке бизни чақириб олди. У-ку инглизларнинг чирмандасига ўйнайди-я. Билмайманки, бундан бу ёғи қандай бўларкин. Билгим ҳам келмайди. Ишқилиб ҳар хил воқеалар тўхтовсиз рўй бериб турса, бўлгани».

— Жаноблар, сизни чақиршяпти, — деди яна деншчик.

— Жаноблар? Ҳа, Отто Ливен келган. — Эрнст Ливен оёғини каравотдан туширди. Ой нури совуқ қоттирмасди ҳам, иситмасди ҳам. У ҳатто оёқ панжалари орасига ҳам туша берарди. Деншчик дарҳол унга устибошларини олиб берди. Кожевников уни гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб қўйибди.

Қўшни хонани аллақачон қуюқ папирос тутуни босган эди: иккала офицер папирос чекишарди. Кожевниковнинг соқоли калта бўлиб, пакана, лекин чаққон киши эди. Иккала Ливен амакиваччагина бўлишларига қарамай, жудаям бир-бирларига ўшардилар. Каттаси папиросини ташлади.

— Агар дурустроқ ҳаракат қилсак, соат саккизга қайтиб келишимиз мумкин.

Улар отларга миндилар. Деншчик орқада борарди. Тонг ёришай деб қолган, атроф чуқур сукунатга чўмган эди. Вайроналар ойдинда хира кўриниб турарди. Ой сувда акс этганлиги туфайли, кўллар орқасидаги ўрмонлар осмондаги сузиб юрган булут тизмаларини эслатарди.

Кечаси бирорта ўқ товуши эшитилмади. От туёқларининг товуши шарпадек туюларди, уларнинг туёқлари худди бирор нарса билан ўраб қўйилгандай эди. Кейинчалик улар яна қайтиб ўтган бу қишлоқ ҳам, харобазордан кўра, кўпроқ хаёлидай туюларди. Харобага айланган черков деворларида ҳам нур ва соялар худди жинлардай кезиб юрарди.

— Мана шу ердан бошланади,— деди Отто Ливен. Улар тўхташди. Отто қамчини билан кенг доирани ишора қилиб кўрсатди:— У-ў пастда, толлар бор жойда. Ўрмон билан қирғоқ ўртасида бир неча уй бор, бу баликчилар қишлоғи. Қўл ҳам бизга қарайди.

У худди бор нарсани миясига сингдириб олмоқчи бўлгандай кўзини узмай пастга қарарди. Кейин у ҳамроҳларига ёки ўзига-ўзими шундай деди: «Бу шинам уйчалар, худди она товукнинг қаноти остига кириб олган жўжалардай хўжайиннинг уйига тақалиб қолган. Бу уйчалар, Литвадаги ифлос, ташландиқ, қаровсиз қишлоқларга ҳечам ўхшамайди».

Сутдек ойдин эди, пастдаги бир қисми ҳайдалиб, бир қисмида дарахтлар ўсиб ётган, баъзи жойларида кўллар ярақлаб турган ер олти юз йилдан бери Ливенлар хонадонининг ер-мулки эди. Бундан икки йил илгари ёш Совет ҳокимияти уларни бу ердан ҳайдаб чиқарди. Кейин рус оқ гвардиячилари қизилларни бу ердан сиқиб чиқаришди. Шу билан бирга, бу ишда улар ёрдам берган остзейцларга, қўлдан кетган ерларингизни қайтариб берамиз деб ваъда қилишди; шунинг учун фон дер Гольц рейсхверни назар-писанд қилмай, ўз хоҳишича кўшин ёллаб бошлади. У ўз отрядларига, сулу шартномаси тузилгандан кейин ватанидан ажраган озмунча немис ёшларини жалб қилмади. Улардан баъзилари ер-мулкларни янги чегаралар ўрнатилгандан кейин қарши томонга ўтиб қолганлиги ва кўпчилиги эса ҳақиқий ватани уруш бўлгани учун ўз ватанларидан ажраб қолиб, фон дер Гольц отрядларига кирган эди. Бу ерда, шарқда эса ҳали солдатлар жуда ҳам зарур эди. Улар Европанинг бу бир парча ерида кўпдан бери ўзига жалб қилиб келган, тиниб-тинчимайдиган бешош ҳаётни топиш мумкин бўлар, деб ўйлардилар. Бундай ҳаёт шунинг учун ҳам яхшики, уни одатда назар-писанд қилинмайди.

Отто Ливен:— У-ў пастда шамол тегирмонимиз бор. Унга тегишмабди,— деди.

Рус кишиси эса:— Мен ҳам сизларга уйимни кўрсатгим келади. Бу ердан хийла узоқ. Қозон ёнида, Волга бўйида,— деди.

Кичик Ливен ичида: «Агар бутун ер юзини айланиб чиққанимизда ҳам, мен сизларга уйимни кўрсатолмасдим» деб ўйлади. Ҳозир Отто чақнаган кўзларини

узолмай қараб турган бу уйни Эрнст ёшлигида, бу ерга меҳмонга келган пайтларида кўрган. Унинг бу ерга ҳеч келгуси келмасди. Еруғ жаҳоннинг бир бурчагида қариндошларникида бошпанаси борлиги ва уларни соғиниб қолгундай бўлса, у ерда бошпана ва осойишталик топа олишини ўйлаши унга кифоя қиларди. Лекин у қариндошларини сира соғинмасди. Унинг отаси ҳам, унга ўхшаб, умр бўйи бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрган ва ҳар кўчишида омади юришиб кетишидан умидвор бўларди. У ҳар доим бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиб юрган: Берлиндан Ригага, Ригадан Стокгольмга, Стокгольмдан консульхонада иш топилиши муносабати билан Петербургга кўчган. У ҳам, ҳеч бўлмаганда, бу еруғ дунёда бир парча ерим бор, ҳеч нимани ўйламай, бориб турсам бўлади деб ўзини ўзи овутиб, хотиржам қилар эди.

Кожевников шундай деди:

— Уйимизга бориб олсак-ку бу советларни тумта-рақай қилиб юборамиз-а!

Кичик Ливен тезроқ қайтайлик деб уларни шошилта бошлади. Улар қишлоқ четида отларидан тушдилар. Яқин орадаги уйлардан бирининг айвонидан бир неча ёш йигит, гўё бу нотаниш одамлар қудуқдан сув олиш учун эмас, балки уларнинг қонларини сўриб олиш учун келгандай, уларга қовоқларини солиб қараб қўйдилар. Стол атрофида иккита хотин ўтирар эди, улардан бири — кампир уч-тўрт яшар қизчага овқат едирарди.

Эрнст Ливен деҳқонларнинг араваларини турна қатор қилиб кечки пайт ўша қишлоқдан ўтиб кетган эди. У ярадорларни ташиш учун бу араваларни бир азобда топганди. Ўзининг отини отиб ўлдиришганди, от даланинг қаеридадир қолган эди. Амакиваччаси оғир ярадор бўлиб, темир йўл қоровулининг будкасида қолган эди. Будкагача бир соатлик йўл эди. Тун осойишталиги бехосдан қилинган ҳужумдан бузилди: латин отрядлари Ригадан ҳужум бошлаган эдилар. Ливенларнинг темир йўлгача бўлган ерлари қўлдан кетган эди. Қишлоқ ёниб, аҳолининг бир қисми ҳалок бўлиб, бир қисми қочиб кетган эди. Қишлоқда бир неча киши қолган холос; ярадорлар солинган арава-

ларни кўрганларидан кейин уларнинг бўздек оқариб кетган юзларига бир оз қон югургандай бўлди, лекин улар нафратланиб, қовоқларидан қор ёғиб турарди.

Ливен шерикларини шошилтирарди. Агар улар яқин орадаги станциягача эсон-омон етиб олишса чиндан ҳам ажойиб иш бўларди. Инглизлар шахсан рейхсвернинг уйга қайтиш ҳақидаги буйруғига қулоқ солмайдиган немислардан қутулиш мақсадида латишларнинг ҳужумини қўллаб-қувватлашибди; аҳолини қурол билан, маҳаллий ҳокимиятни эса, немисларни ҳам, русларни ҳам ҳайдаб чиқариш учун маблағ билан таъминлашибди, деган овозалар тарқалган эди.

«Агар Отто оғир ярадор бўлиб ўлса,— хаёл суради Эрнст Ливен,— йўқ хонадоннинг бошлиғи, қўлдан кетган ер-мулкнинг меросхўри бўлиб қоламан». У бундай хаёлнинг ақлга тўғри келмаслиги билан завқланарди. У бир назар ташласа кифоя эди: ён бағри далалар, балиқчилар қишлоқчаси, кўл, нариги томондаги ўрмон харитадагидек яққол намоён бўларди. Улар эрталаб ўтган айвон ёнидан секин-аста ўтиб кетдилар. Томи қулаб тушибди. Ичкаридаги девор қулаб, бир неча бўлакка бўлиб ташланган одам гавдалари ва синиб ётган мебеллар кўринарди. Ливен одатда бирорта тамоман бузиб ташланган нарсани кўрганида башараси кулгили тус оларди, ҳозир ҳам ана шунақа бўлиб хаёлга чўмди. Ахир фақат урушгина, фақат мўлжаллаб отилган ўққина, кишиларнинг ўла-ўлгунча ичларида сақлаб юрган сирларини юзага чиқариши мумкин.

Эрталаб унга нафрат билан қараб турган иккала йигит энди ўз ошхоналарида девор ва печкадан тушган кесакларга кўмилиб ётарди. Йигитлардан бири ҳануз гўдакни бағрига босгандек, милтигини маҳкам қучоқлаб ётарди. Жон бераётиб милтиқнинг қўндоғини тишлаб қолибди. Яна бири жон талвасасида лангиллаб қолган тиззасига ёпишиб олган эди, оёғининг тиззасидан пасти чўрт узилиб кетганди. Учинчиси бўлса кўчанинг қўндалангига жуда ажойиб бўлиб ётарди, ярадорларни ортиб олган арава шошилиб уни айланиб ўтиб кетди. Шулар ичида ёлғиз стол омон қолган эди. кампир стол ёнида виқор билан ўтирарди. Ростини айтганда, кампирга ҳам ўқ текканга ўхшайди: у ғалати бўлиб ёнбошлаб қолибди. Тирик қолган жондан фақат кампир эрталаб овқат едириб ўтирган жажжигина

қизча қолган эди. Қизча энди фурсатдан фойдаланиб, тўйиб овқат еярди. У оила аъзолари ўртасида одатда тартиб билан тақсимланадиган ҳамма нарсани ўз олдига тортар эди. Қизча арава ёнига югуриб келди ва бошини кўтариб, суркалган лабларини очди-да, кулиб Ливенга қаради. Ливен энгашди, қизчани кўтариб осмонга отди-да, яна ерга қўйди. Қизча қушдай енгил эди. Ливен ичида: «Унинг кўзлари жуда совуқ, худди қаҳрабодай сап-сарик, юзи жуда нозик, мулойим-а! Ҳа, худди таоло қизларга ҳусн улашишда тентакларга ўхшаб сахий бўлади».

## II

Венцлов Ангальт вокзалида кечки поездга ўтирди. У отпускасини Клеммларникида ўтказмоқчи эди. У опасини кўришдан ҳам поччаси билан юзма-юз гаплашишни истар эди. Гарчи қисқагина газета хабаридан кейин ҳеч гап бўлмаган бўлса ҳам, Груневальдда топилган жасад ҳақидаги миш-мишлар ҳамон уни бир оз ташвишлантирарди. Фақат бир марта унинг олдида кимдир, асирни Новавесга олиб бориши керак бўлган шоферни судга беришармиш, деган гапни айтди. Аммо шофер аллақачоноқ қаердадир чегара қўшинлари орасида йўқолиб кетгани сабабли, уни судга бериша олмадилар. Бунинг устига, топилган бу жасад, эҳтимол, Ливен гумон қилганича, уларга ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Иннайкейин ким ҳам бу ишни кўтариб юрарди, дерди унга Ливен.

Лекин Ливен ўзи бригадаси билан Болтиқ бўйига қочишга шошилди. Бу ердаги хизмат Венцловнинг қўлоғини боғлаб қўйган эди. У ҳам худди дўстларидек. Веймар республикасида бирон бир сабаб билан армияда қолишга журъат қилган одамларга нисбатан қаттиқ адоват сақлар эди. Версаль аҳди армияни нимжон одамга айлантириб қўйганди. Отасининг дўсти Мальцан, бундай нимжон одамга иложи борича кўпроқ тоза қон юборишнинг қанчалик аҳамияти борлигини уқтиришга уринарди. Ҳарбий хизматни ташлаб кетиш — тентаклик бўлади: бу янги давлатда ҳеч бўлмаса, орқа қиладиган бир неча кишинг бўлиши керак.

Поезд эрталаб Франкфуртга келганда Венцлов

платформада таниш кишини кўриб қолди: бу поччасининг шофери эди. Венцлов шофернинг саломига истаристамас жавоб қайтарди. Улар бир-бирини гражданча кийиниб юрганини кўрмаган эдилар. «Опасига ўхшаб, бунинг ҳам димоғи баланд экан», деб ўйлади Бекер. Ёш бека одатда унга фақат буйруқ оҳангида муомала қилар эди, чунки илгариги, ишдан бўшаб кетган шоферини жуда ҳам қўмсар эди.

— Бизнинг доимий пропускамиз бор,— деб ҳикоя қилар эди Бекер, хўжайини ва ўзини кўзда тутиб.— Гёхстда ишлар бошдан ортиб ётибди. Бугун, оккупация қилинмаган территорияда ҳарбий хизматда бўлган жаноб лейтенант бирор ишқалликка йўлиқмаслиги учун, у, Бекер, жаноб амаживаччанинг пропускасини олиб келган эди, у бўлса ҳозир қандайдир бир мажлисда ўтирибди. Лекин пропуска, албатта, ўз вақтида эгасига қайтарилади.

Бекер жон-жон деб лейтенант билан бир кружкадан пиво ичар эди, унинг хўжайини бундай ишни ҳеч ёдидан чиқармасди, аммо шоферни меҳмон қилиш Венцловнинг хаёлига ҳам келмади. Венцловнинг қовоғи солиқ эди. У уруш вақтида Рейн кўпригидан фақат бир марта ўтган эди. У ўша вақтда, одамлар билан лиқ тўла вагонда хрестоматиялар ва ашулалар орқалигина билган, бу улуг дарёга ҳамроҳларининг устидан бирров кўз ташлай олганди; дарё, у ўйлаганича мовий эмас экан, дарё кул ранг бўлиб тинчгина оқар эди.

Ҳозир боғлардан яминнинг кучли, ўткир, ёқимли ҳиди анқир эди. Венцлов кўзларини юмди. Эрталабки ҳаводан унинг баҳри дили очилиб, пешонасидаги ажинлари йўқолди. Нарироққа борганида боғлардан келган хушбўй ҳид фабрика тутунлари билан аралашиб кетган. Шофер уни Амэнсбургга олиб келди.

Венцлов фирма вивескасида «Смола ва локлар» деган сўзлар ёнида «Клемм» деган фамилияни ўқиғач, ўнғайсизланиб қолди. Унда шундай туйғу пайдо бўлдики, гўё ягона опасининг эри туфайли у ҳам мана шу ғалати ва гайри оддий сўз бирикмасида иштирок этаётгандай эди. Хизматкор уни чарм жиҳозлар билан ясатилиб, меҳмонлар ва кенгаш ўтказиш учун ажратилган хонага бошлаб кирди. Венцлов мойли бўёқ билан ишланиб диван устига осиб қўйилган портрет

кимники эканлигини ўйлаб кўргунча ҳам йўқ эдики, Клемм кириб келди ва илжайиб ундан рашк қилаётганлигини айтди: унинг хотини Ленора, укасини бетоқатлик билан кутаётганмиш. Гражданча уст-бошда у ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ кўринарди. Устидаги арзон баҳо матодан тикилиб, йўлда ғижимланиб кетган костюми Венцловнинг ғашига тегарди. Поччасининг костюми, гарчи Венцлов бунинг фарқига бормаса ҳам, инглиз жун матосидан эди. Клеммга буни, фирмасининг хизматкорларидан бири, инглизлар оккупация қилган территориядан топиб олиб берган эди. Шунинг учун Венцлов йўлда келаётганида фон Клеммни гражданча кийимда кўришни хаёлига келтирмаган бўлса, энди уни бошқача уст-бошда кўришни тасаввур ҳам қилолмас эди.

Клемм бу мағрур меҳмон билан қандай муомала қилишни яхшигина билмаса ҳам, таваккал қилиб, Венцлов яна кўз қирини ташлаб турган чол портретидан гап бошлади:— Бу менинг отам. Фирма ҳозир эришган ҳамма муваффақиятлари билан унга миннатдорчилик билдириши керак. Бобом косиб эди. Отам кенг кўламда иш олиб борадиган корчаллон эди, лекин кишилар билан қандай муомалада бўлишни ҳам яхши биларди.

Венцлов яна ўзини тутиб олди. Клемм эса, бу ерга келган дастлабки дақиқаларида шундай ўнғайсизликка тушганлигини аллақачон эсидан чиқариб юборганди. У ўтган бир йил ичида янги мансабига шунчалик кўникиб кетдики, ҳозир қайнисига сал керилиб шундай дерди:

— Бобом мастер ёрдамчиси бўлган давридаёқ бутун Германияни айланиб чиққан. Рус чегарасигача, Литвагача борди; ҳозир бу жойни Польша, дейишади шекилли. Бобом ўша ерда қайин дарахтининг смола моддаларидан қандай фойдаланишни ўрганиб келиб ўз тажрибасини ватанида қўллаган. Шахсий мастерской очган. Пўстлоқ ва илдизлардан, шунингдек арча игнабаргларида олинадиган моддаларни мўйнадўз, этикдўзларга сота бошлаганди. Кейинчалик тери ошлайдиган фабрикалар бу нарсаларни кўп миқдорда тайёрлашни буюртганлар. Отам туфайли бу иш авж олиб кетган. У дарров, нима етишмаслигини, нима қўшниш зарурлигини фаҳмлаган. Химиклар унга зарур

таркибларни топиб беришга мажбур бўлган бўлса, у ўз навбатида зарур химикларни топа билган.

Клемм нидамай қолди. У Венцлов бирор нима деб гапирар, агар маълум бир йўналиш берилса қизғин суҳбат бошланиб кетишига сабаб бўладиган одатдаги жумлалардан бирортасига жавоб берар, деб кутар эди. Аммо Венцловнинг миясига бирор фикр келмагач, Клемм меҳмоннинг олдида жим ўтириш ярашмайди, деб яна гапирди:

— Бу ишлар шу даражага бориб етдики, отам сотиш учун суюқ модда ишлаб чиқара бошлади. Ҳозир бу суюқликни ёғочларни чиришдан сақлаш учун мамлакатнинг ҳамма жойидаги симёғоч ва темир йўл шпалларига суркаётирлар. Тушуняпсанми?

Венцлов унинг бирорта ҳам сўзига тушунмади. Клеммнинг сим ёғочларни чиришдан сақлаб қолиш учун суркаладиган қандайдир бир суюқлик ҳақидаги сафсаталари унга ғалати туюлди.

— Ниҳоят темир йўллар ҳам суркаладиган суюқликни буюрта бошладилар. Ахир, биз, ёш болаларнинг ақли бунга етармиди? Буларнинг ҳаммаси мени зериктирарди, ҳатто хафа ҳам қиларди. Ешлигимизда бундай оддий ва аҳамиятсиз бўлиб кўринган ишдан ҳазар қилардик.

«Ешлигимизда,— деб ўйлади Венцлов,— бу қачон бўлган экан? Ешлик қай даврда тамом бўлади? Клеммнинг ёшлик даври қачон тамом бўлган экан? Уч йил илгарими, ёки икки йил илгарими ёки, бўлмаса ўтган йилми? Наҳотки, ёшлик ҳам поезддай ўтиб кетаверса? Ёки ўндан йигирма минут ўтганда бу ёки, нариги станцияда тўхтайдими? Шунинг учун одамлар ана шу станциядан кейин илгарилари зериктирарли, хафа қиладигандай туюлган «Смола ва локлар» фирмасига ўхшаш фирмаларнинг қадрига етишга ўрганиб қоладилармикин?»

Худди Венцловнинг фикрларини пайқаб олгандай, Клемм шошилиб деди:— Бунинг нима эканлигига, фақат кейинроқ, бутун мамлакатда сенинг фирманг ишлаб чиқарган суюқлик суркалмаган бирорта ҳам темир йўл шпалли қолмаганидан сўнг тушуна бошлар экансан. Бунда на фақат бир неча минг ишчи учун маблағ ва иш ҳақи масаласи бор, бунда ҳукмронлик, немис ихтирочилигининг тантанаси масаласи бор. Бу

майли, герман миллати меҳнатининг оддий, арзимас самараси ҳам бўла қолсин, лекин муҳими — ўз формулаларини миясида пиширадиган химикдан тортиб, берилган топшириқларга қаттиқ риоя қиладиган оддий ишчилардан иборат бўлган шу миллатнинг руҳи, ғайрати, сўзининг устидан чиқа олиши, жавобгарликни сеза олишидир... Бу, маълум маънода, армиямизни эслатади. Мана шунинг учун ҳозирда ноқ ҳали уруш тамом бўлмай туриб, душман бизнинг маҳсулотимизга интилмоқда. Манови ерда, столим устида француз ва инглиз фирмаларидан келган талабномалардан бир дастаси ётибди. Улар ўз жойларида биз қилган ишнинг ярим-ёртисини ҳам уйдалай олмаётирлар, шунинг учун муҳим кашфиётларимизнинг сирини қандай қилиб бўлмасин билиб олиш мақсадида ҳар хил ҳийла-найранглар ўйлаб топаётирлар. Гёхстликлар янги заводларини аллақачон ўрта Германияга кўчириб бўлдилар. Бу ерга жосусларнинг тумшуқларини тиқиши осон эмас, Жосусликдан ҳеч иш чиқмагандан кейин эса, улар музокаралар бошлаб, патентларимизни олишга уринадилар.

Венцлов диққат билан қулоқ сола бошлади. Энди гап, унга доир иш ҳақида борарди. У саноатга доир жосуслик ҳақида жон-дили билан сўраб билмоқчи эди-ю, лекин бунга мос келадиган сўз дарров унинг хаёлига кела бермади. Клемм эса энди бошқа нарсани гапира бошлаган эди. У нонушта, вино, стаканлар келтиришни буюрди.

Нонушта вақтида Клемм уялмасдан, гапдон кишиларга ўхшаб бошқаларнинг гапларини гапирар, ёлғоняшиқ қўшиб жаврар эди. Бирдан унинг эсига французни ёмон кўриб, аммо виносини жон-дили билан ичувчи ҳақиқий немис ҳақидаги ҳикоя тушиб қолди. Тўғри, унинг ўзи Венцловга вино эмас, балки эски коньякдан қуяётган эди. Венцловнинг ўз вақтида етиб келганлиги яхши бўлди: унинг амакиваччаси француз чеклашларига сира ўргана олмас эди. У бисквитни майдалаб қўйди. Оккупация қилинган зонадаги мана шундай қийинчиликларга чоп бериш шахсан унга лаззат бағишларди. «Бунақа ишлар сенга лаззат бағишлаши,— деб кўнглидан ўтказди Венцлов,— кўриниб турибди». Венцлов Клеммнинг ёшида ўзини қандайдир ноқулай, лапашанг сезарди, лекин, бошқа томонини олганда, у Клеммнинг ҳеч қаерда

мажлислар залида ҳам, команда пунктида ҳам шарманда қилмаслигини билар эди.

— Мен дарров — деб давом этди Клемм, — хизматчиларим, инженерларим, ҳатто ишчиларим орасидан ҳам энг ишончли кишиларни топиб олдим. Биз иттифоқ туздик. Урушга бормаган ёшлар учун спорт машғулотларини йўлга қўйиб юбордик. Оккупациячи маъмурларнинг кўз ўнгида марш қилиш ёшларга ўлгудек ёқарди.

Шу пайт, унинг эсига, бир ўзи жуда кўп гапириб юборганлиги келди. Энди, қайниси ҳам бирор нарса дейиши керак. Шунинг учун Клемм ундан Берлинда аҳвол қалай, деб сўради. Венцлов гап, ниҳоят, унга таниш бўлган мавзуга кўчганидан мамнун бўлди.

— Қизиллар, — деди у, — жим бўлишиб қолишди. Баҳорги катта ишташларлар бир зумдаёқ бостирилди, деярли ўқ ҳам отилмади. — Кейин бир оз гапнинг учини чиқарди, унинг бу ерга келишдан ҳам асосий мақсади шу эди: — Йўлни тузатишаётганда, биз ўша вақтда отиб кетган одамни топиб олишди. — Клеммнинг эсида йўқми, ахир? Машиналари аварияга учраб қолганди, ўша одамни худди уларнинг ёнидан олиб ўтишганди; кейин улар машиналарини алмаштириб олишганди. Ахир, худди Клеммнинг ўзи бу одамни бир ёқлик қилинлар, деб оёғини тираб туриб олганди-ку. Ҳақиқатда топилган мурда, ўша отилган одам эканлиги аниқлангани йўқ-ку, лекин Клемм шоферига, агарда тергов бошланиб қолгундай бўлса, ўзини қандай тутишлигини уқтириб қўйса, яхши иш қилган бўлади...

— Эй, бўлмаган гап, — деди Клемм, — ҳеч нарса бўлмайди, қола берса, бу ерда оккупация зонасида. Сен Эльтвилга бориб келсанг бўларди. Тавба, Ленора бугун нонушта вақтида ҳатто олча тортига қўл уришга ҳам қўймади. У тортни қандоқ бўлса шундоғлигича олдинга қўймоқчи.

Венцлов юрагини эзаётган ҳамма нарсани айтиб бўлгандан кейин, опаси билан бўладиган қувончли учрашишни ўйлаб кетди. Ростини айтганда, Клемм ҳам Ливенга ўхшаб унинг шубҳаларига бепарволик билан қаради. Лекин ҳар ҳолда Венцлов ўзини шунчалик енгил ва хотиржам сезар эдики, гўё ташвиши нечоғлиқ кулгили эканлигини Клеммдан ҳам яшириш учун атайлаб кечаси бу ерга келгандай эди. Клемм, уни тергов ҳақидаги фикрлар беҳуда гап эканлигига ишонтира олди, бўлиб ўтган

воқеани эса ўйлаб ўтиришнинг фойдаси ҳам йўқ. Сўнгра улар, ниҳоллар ва гуллар устига фонтан сувлари ёмғир сингари сочилиб турган боғ ўртасидаги хиебондан ўтиб бораётганларида, у шундай илиқ, нам билан ялтираб турган кўкатлар қўйнида, ўзини бутун ташвишлардан халос бўлгандай сезди. Ленора унинг бўйнига осилиб олди. «Бунга нима бўлдийкин? — деб ўйлади у. — Уйни соғинганга ўхшайди». Ленора Бекерга, буюмларни меҳмонлар турадиган хонага олиб бориб қўй деб бақирди.

Кейин Ленора, столда ўтираркан, илжайиб олча тортини кесаётган укасига қарарди. Бу орада Бекер ошхонада, оқсочга укаси ҳам худди опасига ўхшаш кеккайган экан, уни хўжайинга сира таққослаб бўлмайди, деб гап маъқуллатаётган эди. Бу гап оқсоч хотинга ёғдек ёқиб қолди.

Ленора папирос чекди. Яна янги бир қилиқ: аввало шундай жўшқин кўришиш-у, кейин папирос чекиш. Бошқа тўғриларда эса, илгарилари қандай бўлса шундай қолибди. Венцлов унинг қизлигида кийиб юрадиган кўк йўл-йўл қўйлагини таниди. Венцлов Леноранинг бошини жуда силагуси келди-ю, лекин у ўзида пайдо бўладиган ҳар қандай ҳисни босишга ўрганиб қолганди. У бундай ҳолларда бериладиган одатдаги саволларни бера бошлади. Ленора унинг саволларига, илгаригига нисбатан шошилиброқ ва қандайдир янги бир жилмайиш билан жавоб бера эди: — Сенга дўмбоғимни кейин кўрсатаман. Уттизта оғир ярадорнинг ярасини боғлаш ўрнига, дўмбоғимнинг оёқлари орасига шунчаки упа сепиш учун оқ этагимни тутиб олсам бир турли бўлиб кетаман. Бундай катта хонадонда яшашнинг ўзи ҳам ғалати, мен доимо бенхитёр, ошхона операция залига жуда боп келарди, уйнинг ёнбошидаги хона юқумли касалларга боп, деб ўзимча тақсимлаб юраман... Ҳозир мен Қизил крест ҳамшираларини тайёрлаяпман: хотин-қизларимиз агар яна уруш бошланиб қолгундай бўлса, ярадорларга қарашни ўрганиб олишсин. Курсни, Клемм бу ерга келгандан бери тўплайдиган мажлисларда иштирок қилувчи йигитларнинг қаллиғлари, сингиллари тинглашади. Иш қилиб унча-мунча фойдам тегиб турибди.

Қаердадир Рейн водийсида карнай сигнал чалиб юборди. Шиддатли «Salut aux armes» дан заррин қирмизи тонг титраб кетди. Ленора укасининг сочларини меҳрибонлик билан силаб ўйнади: — Илгарилар бу нарса



менга ҳам, худди сенга ўхшаб таъсир қиларди, энди кўникиб қолдим; французларнинг борлиги менга даярли сезилмайди ҳам: ахир, биз қўшхоналардан озод қилинганмиз-ку. Фақат, баъзида битта-яримтаси хўжа кўрсинга келиб қолади. Кетгандан кейин, солдатларнинг қўланса ҳидлари йўқолсин, деб уйларни яхшилаб тозалаймиз. Узим бўлсам сира қишлоққа бормайман; у ерда тўлиб-тошиб ётишибди.— Ленора укасига мамнуният билан қаради.— Хоҳласанг, ҳаммасини ея қол; ёшлигингдаги гапларинг ҳали ҳам эсимда: «Қани энди ҳеч бўлмаса бир мартагина ўзимга шунақа торт беришса» дердинг. Уйдагиларнинг аҳволидан гапириб бер. Амалия хола қалай? Баъзида уни соғиниб қоламан. Биласанми, илгарилари Амалия холани соғиниб қолишимга ҳечам ишонгим келмасди.— У худди рояль чалаётгандек, бармоқлари билан столни чала бошлади. Унинг қўллари ҳали ҳам ўғил болаларниқига ўхшаш узун, озгин, беузук эди.

— Ахир мен энди онаман. Уй бекасиман. Уруш вақтида ҳамшира бўлиб ишлардим — бугун бу ерда бўлсам. эртага бошқа жойда. Кейин бундоқ қарасам эрга тегиб олибман. Чиройли уйда яшайман. Мен илгарилари Амалия хола ҳам ёш бўлганлигини сира кўз олдимга келтиролмасдим. Бир кун бориб қариб қолади, деб ҳам ўйламагандим.

Венцлов:— У яраш аҳди тузилганидан кейин кексаиб қолди,— деди.— Сочлари жудаям оқариб кетган.— Опаси унга таажжубланиб қараб қўйди.

— Менимча, унинг учун энг оғир зарба, отаси билан акаси хизмат қилган полкнинг тарқатиб юборилганлиги бўлса керак.

— Хўш, сен нима қиласан?

— Менми? Менимча, холам саволингнинг туб маъносига тушунмаган бўларди. Агар бунақанги давлатда, умуман, имконият ҳақида гапириш мумкин бўладиган бўлса, доимий армияда қолишимга, баъзи бир имкониятлар бор. Мальцан дўсти Шпрангер чол орқали менга баъзи бир нарсани тўғрилаб бермоқчи бўляпти. Бошқа нима ҳам қила олардим? Чегара соқчилигига борайми? Ёки банкка ишга кирайми? Эрингдан бирор жойни сўрайми? Келаси ойда, яна ўн минг киши ҳарбий хизматдан бўшатилади.

Ленора:— Мен бўлсам, менинг ўғлим ҳам сизларнинг полкларингизда хизмат қилармикан, деб умид қилган-

дим,— деди. Венцлов совуқ жавоб берди:— Келажакда ўғлингдан бундан бошқа ҳам яхшигина имкониятлари бор. Тўғри, отаси ҳам бир вақтлар доимий армияда қолишни, фирмасини амакиваччасига топширишни хаёл қилганди. Ҳар қолда ўғлингдан ташвишланмасанг ҳам бўлади. Ўғлинг коммивояжер<sup>1</sup> ҳам бўлмайди, банкда ҳам хизмат қилмайди.

Ленора хотиржамлик билан жавоб берди.— Сен мени ўғлингнинг келажаги ҳақида жуда ташвиш тортса керак, деб чакки ўйлаяпсан. Ҳатто унга қараганда, сенинг тўғрингда кўпроқ ташвиш тортаман. Мен унчалик хаёлпараст эмасман, шунинг учун келажак мени унчалик ташвишлантормайди. Аммо ҳозирги турмушни кўпроқ ўйлашим тўғри.

Кейин улар бирга сайр қилишди. Ленора унга гуллар экилган жойни ва боғни томоша қилдирди. Улар Амалия хола чоққина чорси боғчасидаги тўрт туп қороғатнинг мевасини терганлигини эслашди. Боғбонга бутоқларни кесишга ёрдамлашаётган, камзул ва солдатча шим кийган, ёш йигит орқасига ўгирилиб жанобларга қараб қўйди. Боғбон уларга қараб «салом» деган бўлса, йигит «салом» дегандай қилиб тўнғиллаб қўя қолди. Венцловнинг назарида йигит уларга ўқрайиб қарагандай бўлди.

— У ота-онасиникига меҳмон бўлиб келди. Отаси бизда боғбон, онаси эса — уй хизматчиси. Ҳа, гапинг тўғри, мен ҳам унинг шундай боқишларига чидалмайман.

— Худо билади, у қанақа бемаъниликлар қилиб, оккупация қилинган районга қочиб келганинкин.

— Буни бу ерда билолмайсан,— деди Ленора.— Қимки гуноҳни қилиб қўйиб, оёғи куйган товукдай питирлаб қолса чегарадан ўтиб келаверади.

Венцлов қовоғини солиб:— Мен уни жуда ёмон кўриб қолдим,— деди.

— Мен Клеммдан, уни бу ердан жўнатиб юбор деб илтимос қилганман. Отам бу ерда ишлапти, мени ҳам яшириб юришади, деб ўйламай қўя қолсин. У, бу ерда тинчгина жойни топиб олдим, деб юрган бўлса керак.

Венцлов йўлкада сайр қилиб юраркан, назарида йигит қараб тургандай туюларди. У қаттиқ ташвишга тушиб, опасини қўлтиқлаб олди. «Нима учун у менга бун-

<sup>1</sup> Коммивояжер — буржуа жамиятида бирор фирманин молларидан нусха кўрсатиб шаҳарма-шаҳар заказ тўпловчи вакил.

чалик тикилиб қарайди? Кимлигини сезяпти. Аблах, қизилларнинг ҳаммасининг ҳам тили бир». Венцлов бугун, якшанба эрталабдан анови йигит таъбини тирриқ қилганидан жаҳли чиқарди. Боғбоннинг ўгли эса ўзича ўйларди: «Нима учун у менга аҳён-аҳёнда қараб қўяяпти? Бу аблахларнинг ҳаммаси ҳам бир — буларнинг оқ гвардиячилиги, марш қилиб юрганлиги, ашадий миллатчилиги юриш-туришидан кўриниб турибди». Бири «миллатчи» деган сўзни нафрат билан кўнглидан ўтказса, иккинчиси «қизиллар» сўзини нафрат билан тилга оларди. Уларни бир-бирларидан ажратиб турган ихтилоф, Венцлов зинапоянинг юқориги пағонасидан кузатиб турган Рейн дарёсидан ҳам чуқурроқ эди; ёзги осмон мусаффо бўлиб, дарё эрталабгига нисбатан мовийроқ кўринарди, лекин у аввалгидек сокин ва худди тубидан мовийлашгандек ярақламасдан оқар эди.

### III

Унтер-офицер Вильгельм Надлер отпускаи олиб уйига жўнади. Фақат шу билангина у, ҳар доим хатларида нолишини ташламайдиган хотинига ён берди. Хотини хатларида: солдатлик қилганинг етар энди, уй-жойингни ҳам тартибга солгин, деб ёзарди. Мана энди у шахсан ўзи бу аҳмоқ хотинга почта орқали ёзиш мумкин бўлмаган, келажакдаги режаларини ва бу режалар қуруқ гапгина эмаслигини тушунтириб қўяди. У хотинига, нима учун ҳозирги вақтда плуг кетидан юришнинг, мол-ҳолларни сотувчи даллолга ҳақ тўлашнинг, ерни ижарага бериш-бермасликнинг ва ерга иккинчи сигир учун беда экишнинг ҳеч қандай маъноси йўқлигини тушунтириб қўяди. Ҳозир битта нарса зарурлигини, — бўш қолган вақтларида у, хаёлида кўп нарсаларни хотинига тушунтирар эди, — у ҳам бўлса ҳукуматни йиқитиш кераклигини, то ҳукумат қулатилмагунча қашшоқликдан қутулиб бўлмаслигини тушунтириб қўяди. Янги империя унга ўхшаганларнинг қарзларини кечиб юборади — бу эса, хотини ўз хатларида ҳамон тинкасини қуритиб юрган, ёзадиган янги омбор қуришга қараганда муҳимроқ.

У охирги станцияга келиб, поезддан тушди. У Швиловзее қирғоғидаги қишлоғига етгунча, яна бир соатча ўрмон ва далалардан юриши керак. Унинг оёғида ҳарбийча этик бўлиб, устидаги эски калта камзулининг ёқа-

сига кўнгилли отряд значоги ва кўкрагига «Темир крест» тақилган эди. Рюкзагида байрамга деб олган ҳар хил эски-тускилар бор эди. Лазаретда оқсоқланиб юрган вақтида ясаб олган эски ҳассасини ҳам оливолган эди. У бу ҳассасига, турист экскурсияга борган жойларини белгилаб боргандек, ўзи қатнашган ҳамма муҳим жангларни белгилаб қўйганди.

Паст бўйли чол унга етиб олиб саломлашди. Чол улар яна учрашганларидан хурсанд бўлиб гапирди. Надлер бу чол «Эман таги» қовоқхонасининг хўжайини — Цейбель эканлигини зўрға таниб олди. Цейбель клиентлари билан бирликда, томирлари бир-бирига чирмашиб, қовоқхона полининг тагигача кириб кетган биттаю битта эски эмани билан ҳам мақтаниб юрарди. Чол Надлернинг кўпдан бери ўзининг қадрдон жойларида кўринмаганлиги, ҳозир ҳам, ҳамма кўни-қўшнилари қайтишганига қарамасдан, у ўз юртига маълум муддатга келганлигига таажжубланганлигини айтди. Надлер унга жавоб қайтариб, уни ҳали ҳарбий хизматдан бўшатишмаганлигини тушунтирди: пойтахтда ҳамма нарса остин-устун бўлиб турибди, ҳозир унга ўхшаган одамлар зарур эмиш. Агар Берлин ҳам таслим бўлса, у вақтда бутун империя ҳалок бўлади. «Эман таги»нинг хўжайини ўтган қиш ҳатто уларнинг жойларида ўқ товушлари эшитилганлигини айтди; уруш ўғилларининг ҳам жонига теғди; бу сулҳ шартномасининг аҳамияти йўқ, албатта. Лекин кунда-кунда ўлгандан, бир кунда ўлган яхшироқ.

— Бу ерда мақолнинг ҳеч ҳожати йўқ, — деб қатъий эътироз билдирди Надлер. — Агар сизлар бу ерда, фронт орқасида, қизилларнинг гапларига камроқ қулоқ солганларингда эди, у вақтда бунақанги ярамас сулҳни тузиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Душманни тупрағимизга биз киргизганимиз йўқ, бу бандитлар, биз уч йил илгари адабини берган французларга дарвозаларни очишиб берди... Энди бўлса яна пулларингни ҳам ўртага ташла эмиш! Гарчи Ротшильднинг бир ўзи ҳаммасини ўз киссасидан тўлаб қўйишга қодир бўлса ҳам, яҳудийлар бирор тийин бермасалар керак. Мана, натижада фақат биз — сен, Цейбель, сенинг ўғилларинг, мен ва ҳамма ёгини уриб синдиришиб қўйган укам Христиан тўляпмиз, бизда эса шусиз ҳам ҳеч вақо йўқ.

Чол суҳбат умумий гаплардан яхши биладиган мав-

зуга кўчганлиги сабабли хурсанд бўлиб кетди. У кулгисини босиб:— Бу Христианни суякларини майда-майда қилиб қўйишгани тўғри, лекин шуниси яхшики, у эркаклигини йўқотгани йўқ,— деди. Вилгельм Надлер эса:— Шунчалик майриқ бўлиб қолган йигит, кўнглига ёққан хотинни топа олармиди,— деб эътироз билдирди. Чол худди унинг бу гапи қулоқ солишга ҳам арзимайдигандай истеҳзо билан унга кўз қирини ташлаб қўйди. Мана, маълум бўлдики, бутун қишлоқ бу воқеалардан хабардор бўлишига қарамасдан, ҳаммадан кўпроқ бу нарсага алоқаси бор одам, одатдагидек бу тўғрида ҳеч нарса билмайди! Кейин бундай хатоларнинг олдини олиш худди унинг вазифасидай, чол яна, сен урушнинг биринчи кунидан бошлаб то тамом бўлгунча урушда бўлдинг, ҳатто сулҳ тузилишидан фойдаланиб дарров уйингга қайтиб келмадинг, деб яна қайгура бошлади. Надлер эса, яна чолга, нима учун унга ўхшаган одамлар ҳозир Берлинда жудаям зарур эканликларини тушунтиришга уринди.

— Бундай иш, хотини ҳам, боласи ҳам йўқ кишиларга ярашади,— деди Цейбель.— Бир оз бепарво бўлган жойда хўжалик ҳам бўлмайди, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади.— Надлер унга жавобан, ҳа, албатта, хотинимга қийин бўлган бўлса керак, лекин унга қарашадиган Христиан бор эди-ку, деди. Гап айланиб келиб чолнинг мақсадига тақалди, улар ўрмондан ўтиб, дала йўлига чиқишганда, чол яна қўшнисига, хўжаликни ҳам, оилани ҳам уканга топшириб қўймасанг бўларди, деб шаъма қилди. Бунга жавобан Вильгельм:— Ҳа, чиндан ҳам Христиан илгариги Христиан эмас, уни бутунлай илма-тешик қилиб ташлашган,— деди.

— Йўқ, ҳали ҳам тўнғиздай кучи бор. Фақат ўроқ ўролмайди-да. Шуниси борки болаларинг ҳали ёш. Шунинг учун ҳамма оғирлик Лизага тушяпти. Баъзи бир ишларга Христианнинг кучи етади.

Дастлабки уйлар орасидан қўл кўрина бошлади. Надлер ўйга чўмди. У қишлоқ кўчасига буриданликларини ҳам, чол у билан хайрлашганлигини ҳам, уйига кетаётганида деҳқонлар у билан саломлашиб, олкаларига қоққанларини, унга разм солаётганликларини ҳам сезмади.

У эшикни очиши билан, ҳар хил ноз-неъматнинг ҳидлари димоғига урилди. У бораяпман деб хотинига хабар берган эди. Хотини тоза этак тутиб олган эди. Бошига чамбарак қилинган сочлари далада кўп ётганлигидан

бир жойи оқариб, бир жойи қорайиб қолган, пишиб етилган жавдарига ўхшар эди. У кўпчиб етилган хамирдай судралиб келяпти-я, деди нчида Надлер. Кўкиш кўзлари, серсепкил юзи эса илгаригидек қувноқ эди. Надлер укаси Христианни диққат билан кўздан кечирди; у сонидан яраланган оёғини, шошилганиданми ёки ялқовликданми ҳар қадамда босишни истамаганлигидан, бир оёғида оқсоқланиб турарди. Христиан акасига дарров тикилиб қарамади: у аҳён-аҳёнда акасига зимдан кўз қирини ташлаб қўярди. Вильгельм шу беш-олти йил ичиде ҳар қанақа хотинларга ўрганиб кетиб, натижада ўзининг хотинини унутиб қўйган бўлса ҳам, артилган тухумдай тоза, лўппидан келган Лизаси Христиандек мункиллаб қолган киши билан дон олишиб юриши мумкинлигини ўйлаганида («Эман»нинг хўжайини шу фикрни бир илож қилиб унинг миясига сингдирган эди) дарғазаб бўлиб кетарди. Овқат вақтида Лиза чақалоғини овутди. Бу бола Вақтинча яраш аҳди тузилгач, Вильгельм уйига бир келиб кетгандан кейин туғилган эди. Вильгельм гарчи болалари ҳақида бирор дақиқа бош қотирмаган бўлса ҳам, ҳозир у қовоғини солиб, кичик ўғлига тикилиб ўтирар эди. Кичик ўғли шунчалик малла ранг эдики, ҳатто сочлари ҳам оппоқ бўлиб кўринарди, шунинг учун ҳам у отасига қараганда кўпроқ амакисига ўхшаб кетарди. Христиан трубкасини ушлаб, сувга бўккан нондай бўшашиб, букчайиб ўтирар эди. Лиза дарров дағдасини бошлади. У яна бошқатдан ҳар тўғрида: иккинчи сигир, даллол Леви, беда, ижарага қўйиш ва бошқа нарсалар ҳақида вайсай бошлади; бу гаплар Вильгельмга аллақачоноқ унинг хатларидан ёд бўлиб қолган эди, кейинроқ Вильгельм баъзи бир янгиликларини ҳам эшитди: агар Вильгельм бутунлай қайтиб келгундай бўлса, Христиан дарров этикдўзлик устахонасини очиши мумкин, ахир у этикдўзликни ўрганиб олганку; борди-ю Вильгельм қайтиб келмайдиган бўлса, у вақтда Христиан яна Лизага ёрдам бериши керак бўлади, бу иш эса қўлдан чиқиб кетиши мумкин, чунки устахонани Иозеф Винклер очади. У ҳам этикдўзликни ўрганган. Иккита этикдўзга эса бу ерда етарли иш йўқ.

Вильгельм Надлер бу гаплардан кейин Лиза Христианга кўнгил қўймаган экан, деган фикрга келди. У бир йилдан кейин бутунлай уйга қайтиб келишга ваъда берди. Қузгача уни хизматдан бўшатишмайди.

— Нимага энди? Ахир ҳамма аллақачон қайтиб келган-ку?

— Энг яхши солдатларга жавоб беришмаяпти, бўлмаса ҳамма нарсанинг кули кўкка совурилиб кетади.

Хотини:— Бу ерда ҳамма нарсанинг кули кўкка совуриляпти,— деди.

— Ҳа, мана биз ҳаммасини тартибга соламиз-да. Халқ бир оз ўзига келиб олсин, мана бу бурганларни юлиб олиб, улоқтириб ташлайлик — ана ўшанда менинг даламда ҳам тартиб ўрнатилади.— Надлер хотинига айтмоқчи бўлиб бир неча марта кўнглидан ўтказган гапларини энди очиқ-ойдин айтганида, бу гаплар унчалик ишонтирарли чиқмади, у, шу билан бирга, сир сақлаши лозим бўлган баъзи бир нарсаларга шаъма ҳам қилган эди:— Ҳақиқий кишилар ҳокимиятнинг қўлига олди дегунча биз ҳам бутунлай бошқача қонуларга эга бўламиз. Ана ўшанда бизнинг аҳволимиз ҳам бутунлай бошқача бўлиб кетади, ана ўшанда биз ҳукмронлик қила бошлаймиз.

— Халқ,— деди Лиза.— Мен кимман? Мен ҳам ахир ўзимизникиларга душман эмасман-ку. Ер масаласига келганда, даламиз ҳам шу ернинг ўзиди.

Христианнинг тамаки халтасини ковлай бошлаганлигини кўрган Лиза ўрнидан туриб, унга халтадан тамаки олиб берди. Чўлоқ трубкасини чекиб бўлиб, оқсоқлана-оқсоқлана чиқиб кетгандан кейин, Вильгельм, ниҳоят, кўнглидаги бор аламинини тўкиб солди.

— Агар яна Христианга хушомадгўйлик қилганингни кўрсам, бурнингни ерга ишқаб қўяман.— Хотини пинагини ҳам бузмади. Лиза масхараомуз эрига қараб:

— Инвалидга кўмаклашмай бўладими, ахир у уканг-ку,— деди. Унинг сепкил босган юзи учиб турарди, ажойиб мовий кўзлари эса чақнаб кетди. Вильгельм хотини уни масхара қилмасдан, жиддий гапирганлигига ишонди. У бундай нозик ишларни тушунамайди. Шунинг учун у, бутунлай ўзини йўқотиб: «Айёр бўлиб қолганини қаранг-а, асл хотин-да!»— деб ўйлади. Лиза бўлса, агар сен ижара муддати тамом бўлишигача қайтиб келсанг, Христиан унчага устахона очиб олиши мумкин, деб гапирди бошлади.

Вильгельм кўчиб кетган тахтани ўрнига қоқиб қўйиш учун молхонага чиқиб кетгандан кейин, Лиза ҳозир Христиан истиқомат қилаётган ҳужрачанинг эшигини

ланг очиб шундай деди:— Вильгельм кетгунича ўзингни тортиброқ юр, сен марҳамат қилиб, кўзига кўриनावерма. Эки ўзи сезиб қолган, ёки бўлмаса битта-яримта унга етказган. Мен, албатта, секин-аста буни билиб оламан, Ҳозирча орамизда ҳеч қанақа гап бўлиши мумкин эмас. Нима деб тўнғиллаяпсан? Энди хўжаликни тартибга солишим керак, бўлмаса болалар тиланчи бўлиб кетишади. Бу ернинг хўжайини Вильгельм, у қайтиб келиши керак. Мен уни чўчитмаслигим керак, ахир.

Христиан хотиннинг юзига кўз қирини ташламай, тик қаради. У ичиди: «Нима ҳам дея олардим? Унинг гапи тўғри. Мен билан у нима ёруғлик кўра оларди; мен бу чўлоқ оёғим билан Берлинга бориб, ҳовлима-ҳовли тиланчилик қилиб юришни эплай олмайман». Гап шу — бу хотин жуда айёр. У ҳаётни шунчалик яхши биладики, дарров йўлини топади, у ҳам аҳмоқ бўлмаса-да, кечаси билан бу ишларни ўйлаб чиқади.

Вильгельм ўз хотини кутганидан ҳам ёқимлироқ эканлигига қаноат ҳосил қилди. Бир иш ёмон бўлдики — хотини уни далага чиқиш учун, казармадагидан ҳам вақт-лироқ уйғотди. Осмон тўла юлдуз-у хотини аллақачон туриб олибди. У сигирларни соғибди, говуқларга дон берибди, кофе қайнатибди, овқат ҳам тайёрлабди. Кейин Лиза сигирни аравага қўшди. Христиан сут топшириш учун уйда қолди. Каттаси қарашсин, кичиги йиғламасин, деб болаларни ҳам аравага ўтқаздилар. Лиза сигирнинг ёнида, уни калтак билан уриб ҳайдаб келарди. Вильгельм бўлса араванинг орқасидан судралиб борарди; у бундай далага чиқишларни унутган, болалардан ҳам, сигирлардан ҳам безган эди. Баъзи бир қўни-қўшининг унга айтган сўзлари жаҳлини чиқарарди. Бундан ташқари улар буни таний олишлари, ҳамма одамлар қатори, илгариги вақтлардагидек оила ва арава кетидан бораётганлигини кўришлари, ташқи кўринишидан ҳеч ким, унинг ҳақиқатда қандай одам эканлигини, ҳалигача қурол кўтариб юришини, ҳамон ҳаёт ва ўлим устидан ҳукмрон эканлигини фаҳмлай олмаслиги жаҳлини чиқарарди.

Хотини кичик боласини эгатга ётқизиб қўйди. Лиза эрига қараганда хийла эпчил ва иккита ўроқчига бас кела олар эди. У кўзига тушиб ачиштирган терларини артди; узоқдаги эгатда, худди она оғушида ётгандай, тинч ухлаб ётган боласига шошилиб назар ташлади. Олма дарахтлари орасидан кўл ялтираб кўринар эди. Лиза

бирон нарсада эридан қолишмас эди, эри эса ҳатто ўроқ ўришни ҳам эсидан чиқариб қўйибди. Кўп ўтмай Лиза боласини эмизиш учун югурган вақтларида бекор кетган дақиқаларнинг ҳиссасини чиқармоқчи бўлгандай, эридан бир эгат ўзиб кетди. Пароход гудок чалди. Бу гудок, худди уни бошқа бир дунёдан чақириваётгандай, Вильгельмнинг гашини келтирди. Боласини эмизаётган хотиннинг оппоқ, дўппайган кўкраги ҳам унинг гашини келтирди. У ўроғини олма дарахтига осиб қўйиб, хотинининг рўпарасига келди ва:— Бу гўдагинг Христианга жудаям ўхшаб кетади-я,— деди. Лиза жавоб топиш мақсадида, болани иккинчи кўкрагига ола бошлади. Ниҳоят у:— Оилада шунақа бўлади; бобосига тортган.— Вильгельм ўроқни шохдан юлқиб олди.

Бугунги кечки овқатни кечагиси билан ҳеч таққослаб бўлмас эди. Қазармадаги овқатдан ўзга жойи йўқ. Кейин то алламаҳалгача у-буга уриниб юрди. Вильгельм то кетгунимча куним шунақа ўтаркан-да, деб ғазаб билан ўйлади.

Тўғри, худойи таоло унга атайлаб шундай ҳаёт ато этган. Лекин у янглиш ўйларди: ҳар ким ўз уйида хўжайин. «У» деганда Надлер худони, «хўжайин» деганда эса капитан Дегенхардтга ўхшаш кишини назарда тутарди. Надлер ҳатто Дегенхардтни соғиниб ҳам қолди.

Кечки овқатдан кейин у пиво ичиш учун қовоқхонага борди. Утирганлар унга стакан тутишди. Кейин яна бир стакан беришди. Одатда улар бунчалик сахий эмас эдилар. Лекин у ҳикоя қилишга тушиб, қизиқиб кетди. Полни ёриб, ўсиб чиққан эман дарахтининг илдизлари ўтирганларнинг оёқлари орасида бир-бирига чирмашиб, буралиб турар эди. Гарчи қари эманнинг бу илдизлари унга роҳат бахш этаётган бўлса ҳам, лекин ўз юртидаги ҳамма нарса Вильгельмнинг нафратини кўзғатарди. Гарчи погонсиз бўлса ҳам ҳанузгача форма кийиб юрган ёшроқ деҳқонлар, Вильгельмнинг қовоқхонага чиқишидан олдин кийиб олган янги камзулини ҳавас билан кўздан кечирар эдилар. Деҳқонлар Вильгельмдан булар қанақа значоқлар, деб сўрадилар. Бунақанги саволларга у ҳамма вақт жон-дили билан жавоб берарди. У илгари отпускага келган вақтида ҳар хил жанг лавҳаларини ҳикоя қилиб берганидай, бу сафар ҳам Берлин жангларидан ҳикоя қила кетди. Белгиядаги Мобеж деган жойга қилган ҳужумларини қачонлардир ҳикоя қилгани каби,

газета кварталига қилган ҳужумларини ҳам тасвирлай кетди. У бугун далага чиқиб ишлаб хўрлик тортган бўлса, эшитувчилар унинг ҳикоясини маъқуллаганларида кўнгли тоғдай кўтарилди.

Лизанинг ерини ижарага олган Ользен деган деҳқон ўзининг одатдаги жойида афтини буриштириб ўтирар эди. Бу ер эндиликда Лизанинг ўзига беда экиш учун зарур бўлиб қолган эди. 1916 йилда Ользен ўпкасидан яралангандан кейин уйига қайтган, сўнг қишлоқ ҳавоси туфайли бир оз соғайган эди. Ользен шундай деди:— Шунча урушганим етади. Берлинда яна урушмоқчи бўлганларига ҳайронман!

— Агар қизиллар ҳокимиятни олса,— деди Надлер,— у вақтда худди Россиядагига ўхшаб, қолган сигирингни ҳам, ерингни ҳам тортиб олишади.

— Йўғ-е, бу ерда ким ҳам бунақа қилади дейсан. Ўзинг айтдинг-ку, ахир, бизникилар уруш харажатларини тўлаб олиш учун сизларнинг охирги чақаларингизни ҳам тортиб олишади деб. Шунинг учун сизлар ҳали ҳам юқорида бойлар, пастда эса камбағаллар бўлишини истайсизлар.

Надлернинг жаҳли чиқди. У жўякдаги редискага ўхшаш сўррайиб турувчи бу Ользенни ҳеч ёқтирмас эди, бунинг солдат эмаслиги ўз-ўзидан маълум-да! Надлер жон деб столни муштраб тарақлатарди. У шу дақиқада-ёқ ўтирганларни ҳайрон қолдириб, бу аблаҳнинг адабини бериб қўйиш учун ижара шартномасини бекор қилиши мумкин эди. Лекин бундай қилиш тўғри келмас эди. У ҳали жудаям ақлдан озганича йўқ, жаҳлининг чиқиши эса, уни бутунлай ҳушёр қилиб қўйди. Борди-ю, ҳозир ижарачидан ерин тортиб олгудай бўлса у вақтда ортиқча ерин кимдир ишлаши, тўғрироғи Надлернинг ўзи қишлоқда қолиши керак. Унинг хизмат муддатини эса яқиндагина узайтириб беришган. Ҳадемай шундай ишлар бошланиб кетадики, у вақтда унга ўхшаган одамлар жуда ҳам зарур бўлиб қолади. Муҳим тўнтариш рўй бергандан кейингина, у уйига қайта олади. У бўлажак буюк тўнтаришга қаттиқ ишонар эди. Бу тўнтаришдан кейин шундай ҳаёт бошланадики, уни ҳозирги ҳаёт билан ҳечам таққослаб бўлмайди. Мавжуд ҳаёт даладаги жирканч иш, солиқларни сиқиб олувчи ҳукумат, ижара шартномаси туфайли Ользенга нисбатан бўлган алам, ҳатто Лизага бўлган ғазабдан иборат эди. Надлернинг ўзи ҳам

нима бўлишини яхши билмас эди, лекин тўнтаришдан кейин ҳамма нарса ўз-ўзидан ўзгариб кетишига қаттиқ ишонар эди. Ана ўшанда яқинига йўлаб бўлмайди.

У ҳам бошқаларга ўхшаб, уруш қон ва аланга орасидаги ваҳшатдир, бу уруш бекордан-бекорга тамом бўлмайди,— деб ўйларди. Бу ваҳшийлик бировларнинг бошига чексиз кулфат солса, бировларга ҳаддан ташқари айш-ишрат бахш этади. Уруш худди нариги дунё бу дунёга ўхшамагандек ғариб деҳқонларнинг оддий ҳаётига камдан-кам ўхшайдиган қандайдир улкан воқеаларга муқаддима бўлиб хизмат қилар эди.

Надлер анчадан бери қайғули ўйларга чўмиб жим ўтирар эди. Энди уни пиво тутиб меҳмон қилишмайди; ҳақиқатда ҳам илдас бу тунд одамга нимага ҳам пиво тутишди энди? Надлер пайпаслаб ўз уйига кирганда, унга уйнинг ичкарасидаги эшик тақиллаб ёпилгандай туюлди. У аста-секин аввал ошхона орқасидаги ҳужрага, ҳозир Христиан ётган ҳужрага кирди. Христиан, худди ҳалигача ҳам оқол ичида ётгандай, кўрпага бурканиб, шундай хуррак отар эдики, ҳатто курсилар ҳам титраётган эди. Шундан кейин Вильгельм ҳафсаласи пир бўлиб кўнгли жойига тушди-да, оёгининг учида юриб ўз хонасига кирди. У Лизанинг бўйнинигина кўрди. Лиза ҳам аллақачоқ ухлаб қолганга ўхшайди. У тошдек қотиб қолган эди.

#### IV

Пивохонанинг эшиги очилиши билан Марианин юраги гуп-гуп ура бошларди, зинапояда оёқ товушларини эшитгач, қотиб қоларди. Кейин бўшашиб, ранги оқариб кетарди. Унинг докадай оппоқ юзига сочларидан ҳам қорароқ бўлган қалин киприкларининг сояси тушиб турарди. Бир кун Луиза дугонасига озор бериш мақсадида эмас, (бунга унинг ҳечам кўнгли бормас эди) балки фойдаси йўқ кутишларга хотима бериш учун:

— Мен уни якшанба кун бошқа бир қиз билан кўрдим,— деди. Мария ҳайрон бўлиб унга қаради.— Ҳа, улар қўлтиқлашиб эмас, балки қучоқлашиб, бир-бирларининг орқасига қўлини ўтқазиб боринишарди,— дес қўшиб қўйди Луиза.

Мария эса: «Бўлмаган гап»,— деб жавоб берди. Луизанинг шундай жаҳли чиқдики, гўё у ҳақиқатда ҳам тўғ-

ри гапни айтгандай эди:— Сен ўзингни ким деб ўйла-япсан? Сен, тентак энди мени ҳеч ким ташлаб кетолмайди деб ўйласанми? Қараб тур ҳали шундай ташлаб кетсинки, оғзинг очилиб қолсин! Урушдан кейин бирорга ҳам йигитга ишониб бўлмайди. Сен, энди ўртоқжон, уни кўнглингдан чиқариб ташлаб, бошқасига кўнгли қўя бер.— Мария чурқ этмади. У нима учун кутишлари бошқача эканлигини Луизага тушунтира олмас эди. Луиза уларнинг тақдирлари, то ўлим уларни бир-биридан ажратмагунча, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам, соғлигида ҳам, касаллигида ҳам, кулфатда ҳам, шодликда ҳам бир-биринга боғлиқ бўлишини тушунмас эди. Агар севган кишининг қандайдир сабабга кўра бирдан келмай қолса, кунлардан бир кун яна тўсатдан келиб қолиши ҳам мумкин.

Дўсти Марияга қаерларда бўлишини, сира гапириб бермас эди. Марияга эса ҳақиқий ҳаёт Эрвин эшикни бекитиб уйга кириб келган вақтдан бошланар эди. Эрвин охириги марта бу ерга келганда унга, қаерларда юришини сўзлаб бермоқчи бўлганини Мария билмас эди. Эрвиннинг дўсти: энг яхши қиз ҳам барибир бирдамас-бирда кўнглидаги бор гапни бошқа бировга айтиб қўйиши мумкин, у ҳам ўз навбатида бирорга шубҳали кишига вайсаб қўяди, деб огоҳлантирар эди. Ахир ҳақиқий турмушга тааллуқли бўлган муҳаббат асосий иш ҳал бўлгандан кейингина бошланади. Унгача ҳамма нарса шубҳали камчиликка тўлиб-тошган бўлади.

Мария бахт деган нарсани, у қўлдан кетгандан кейингина очик-ойдин тушунди. У ҳатто бахт бўлган вақтда ҳам баъзи бир камчиликлар бўлишини тушунди. Эрвин билан бир-бирларини қучоқлаб турган вақтларида ҳам — энди бундай қучоқлашишлар ҳам йўқ эди — аввал бундан одамлар ўртасида турган ўша гов ҳали барбод қилинмаган эди.

Мария бошқа қизларга ўхшаб, ҳомиладор бўлиб қолишдан қўрқиб кун санагани йўқ. У шундай бўлганлигига қаноат ҳосил қилгандан кейин, Берлинга Эмилия холасиникига бориб келишга жазм қилиб, ишдан бўшадди.

— Вой ўртоқжон-эй,— деди Луиза.— Майли, холанг бир ёқлик қилишга ёрдамлашар, ахир.

Мария келганидан бери шаҳарга тушмаган эди. Ҳозир у мана шу сим ва рельслар бир-биринга ўралашиб

кетган жойга тушиб қолгандан кейин, гўё кимдир уста-лик қилиб уни алдаб кетгандай туюлди. Лекин у шунча-лик кўп чарчаган эдики, ҳайрон бўлишга ҳам ўрни қолмаган эди. Мария ахтарган кишим учраб қолмасмикин, деб ўтган-кетганларнинг юзига тикилар эди. Бу ерда одамлар шунчалик кўп эдики, у бунчалик одам бўлиши-ни ҳеч ўйламаган эди. Бу ерда, худди чакалакзордагига ўхшаб адашиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас эди. Унинг дўсти эса ҳеч қаерда кўринмасди.

Мария Бель-Альянс-Плацга келиб қолди. Холаси иш-лайдиган тикувчилик устахонасининг деразалари холаси турадиган уй ошхонаси деразалари қараган ҳовлига қа-раган эди. Штамповка устахонасининг деразалари ҳам шу ҳовлига қараган эди. Бу ерда машиналар товушидан зирилламаган бирорта ҳам девор йўқ эди. Мария хола-сини кутиб турар экан тўхтовсиз қалтирар эди, ахир у япроқдай енгил, нозик эди-да. Машиналар зарбидан Мариянинг қалтираб туриши ҳам дуруст бўлди, назари-да у бундан тасалли топаётгандай бўлди. Қандайдир бир қиз деразадан холани чақириб, уни кимдир кутиб тур-ганлигини айтди. Холаси деразадан калитни ташлади: ҳозир у устахонадан кета олмас экан. Мария бир хона ва ошхонадан иборат бўлган уйнинг эшигини очди. Бу хонада Эмилия хола ўзига тааллуқли бўлган ва урушнинг биринчи йилидаёқ ҳалок бўлган эрининг нарсаларини сақлар эди. Никоҳ тўйида кийилган либослар жавон ус-тидаги ойна тагида ётарди. Деворда, Эмилия хола ало-ҳида меҳр қўйган ҳар хил суратлар орасида, «Темир крест», эрини артеллерияга олган вақтларидаги сурати ва иккалаларининг — куёв ва келиннинг сурати осяғлиқ турарди. Гарчи унинг ишлаб топадиган пули, қувноқли-ги, тўладан келган ажойиб қомати туфайли кўпгина жазманлар чиқиб турса ҳам, иккинчи эр қилиш Эмилия холанинг хаёлига ҳам келмас эди. Лекин у фақат ўз меҳ-нати билан кун кечпришга, жазманларни ўзи танлашга ўрганиб қолган, буларнинг ҳаммасини у марҳумга бўл-ган садоқатнинг ифодаси, деб тушунарди. Оддий фариш-талиқ ишлари билан машғул бўлмай, оёғи остида ётган қизни кузатиш билан овора бўлган қанотли боланинг расми тасвирланган суратни кўздан кечири туриб, Мария ҳатто бир зум ўз қайғусини эсидан ҳам чиқарди; у ҳов-лида завод гудоги чинқиргандан кейин, беихтиёр сеска-ниб кетди. Шу замон холаси ҳам келди. Бир-бирларини

чўп-чўп ўпишдилар, чўчқа котлетлари жизиллай бошла-ди, саволлар ёғилиб кетди.

«Болалар вояга етиб қоляпти!»— деб ўйлади хола. Эмилия хола унинг гапларини бўлмай, хотиржам қулоқ солганлигидан, Мария ийманмай-нетмай бор гапни ҳикоя қила бошлади. Эмилия хола анча бамаъни кўринар эди, у бош силкитишлари, қилиқлари билан одамнинг боши-га нималар тушмайди, бу фақат сенинг бошингдагина эмас, Мария, деяётгандай эди. У шунингдек жиянига панд-насихат ҳам қилиб ўтирмади, унинг тақдирига ўқинмади ҳам, балки шу ондаёқ Мариянинг шу ерда туриб, кунингни шу ерда ўтказаверасан, деб гапнинг пўскалласини айта қолди. Бунинг эвазига тўланадиган ҳақни хола бўлиб-бўлиб Мариянинг иш ҳақидан ушлаб қола беради: Мария дарров фрау Хэнишнинг олдига бориши учун ҳозир қарз бериб турадиган ўн маркасини ҳам шу тартибда иш ҳақидан ушлаб қолади. Эмилия хола юборган мвжоздан фрау Хэниш кўп ҳақ талаб қилмай-ди. Фрау Хэниш Эмилия холанинг ҳам бир неча марта ҳожатини чиқарган. Бу инсофли, ишончли хонимнинг врачларникига ўхшаш қабулхонаси ҳам бор, у ерда дам олиш ҳам мумкин. Бу нарса бундай воқеага биринчи марта дучор бўлганлар учун айниқса жуда ҳам муҳим. Мария Эмилия хола учун худди ўз қизидай, ахир унинг ўз боласи йўқ.

Аввалига Мария холасининг нима демоқчи бўлганли-гига тушунмади. Эмилия хола эса, жияни унинг оқилона маслаҳатларига кўнишга қўрқаётганлигини сезгандан кейин, бениҳоя қизишиб кетди.— Ундай бўлса, Пелль-вормга, ойингнинг олдига жўнай қол. Ақлли қизини бир кўриб қўйсин! Ахир, ойингнинг олдига боринг йўқми! Шундайми? Ахир сени худога шукур қилишинг керак, ин-софли одамлар сени балодан қутқармоқчи!

Мария кечаси билан холасининг насихатларига ито-аткорона қулоқ солди ва эрталаб Бель-Альянс-Плацга қараб йўлга тушди. У фрау Хэнишникига жўнади, чунки Мария ёшлигидан катталарнинг гапига қулоқ солишга ўрганиб қолган эди. Йўлда кетаётганида одамларнинг юзига ҳам тикилиб қарамасди. Йўлни у осонгина топиб олди. У шаҳарни кўрганида кечагичалик тажжубланма-ди. Фрау Хэнишникига бориш керак экан, қола берса бошқа нарсалардан ҳам қўлни ювиб қўлтиққа уриш ло-зим экан, агрофингда нима борлиги — яйловми ёки азим

шаҳарми, барибир эмасми? Фрау Хэниш Мариянинг келишидан беҳабар бўлгани учун бошқа бир қизга вақт тайинлаб қўйган эди. Бу қиз дарров Хэнишни мақтаб кетди, кейин эса турмушнинг бузуқлигини тасвирай бошлади. Қиз ҳақиқатда эди, азадор шекилли. У жуда чиройли қилиб, умуман эркакларнинг масъулиятсизлигини, жумладан, бир йигитнинг масъулиятсизлигини ҳикоя қила кетди, чунки у йигит аввалига унга уйланмоқчи бўлибди-ю, кейин қочиб кетибди, бошқа бир қизга ваъдалар бера бошлабди.— Сизларники ҳам шундай бошланган бўлса керак,— деди қиз,— ҳар бир ёвузликка шайтон айбдор бўлгандай, худди бу мусибатга ҳам Мария севган йигит айбдордай. Тез орада Хэнишнинг ўзи ҳам келиб қолди. У тўладан келган, онадай меҳрибон, гўё доя хотин бўлиб, анчайин гўдакларнинг дунёга келишига ёрдам қилган хотинларга ўхшарди. Хэниш Марияга ярим соатгина кутиб туриб, деди.

Ташқарида шариллаб сув оқаётганлиги, ҳовлидаги болаларнинг шовқин-сурони, уй ёнидан ўтаётган машиналарнинг товуши Марияга эшитилиб турарди. Нотаниш қиз аввалига дам олаётган мана бу чарм диванда, балки кейинчалик унинг ҳам дам олишига руҳсат беришар. «Кейинчалик,— деб ҳикоя қилди нотаниш қиз,— ҳаммаси аввалгидай бўлиб кетди. Яна бир неча кун хафа бўлиб юрасан, кейин ишга борасан, лекин ақлли бўлиб қоласан, осонгина қўлга тушмайсан, борди-ю, қўлга тушгундай бўлсанг, лоақал бундан қандай қилиб қутулишликни билиб оласан». Мария қандай ишга журъат қилганлигини очиқ-ойдин энди тушунди. Кейинчалик ҳаммаси илгаригидай бўлиб кетади. Энди сира азоб чекмайди, энг муҳими баъзи-баъзида эслаб қўядиган дўстини ҳам эсидан чиқаради. Унинг олижаноб муҳаббати худди тутундай тарқалиб кетади. Борди-ю у бу ишни қилмаса нима бўлади? Энди сира ҳам аввалгидай бўлмайди. Ҳамма нарса бошқача бўлади. Хэниш айтган муддат ҳозир тамом бўлади. У қулоқ солди, оҳиста ўрнидан турди-да, товуш чиқармасдан эшикни очиб, чиқиб кетди. У кўчада гўё фрау Хэниш орқасидан қувлаб, қайтариб олиб кетадигандай трамвайга қараб тез чопиб кетди.

Кечқурун жиянининг ҳеч нарса бўлмагандек тетик, бардамлигини кўрган Эмилия хола жуда ҳайрон бўлиб қолди.— Сизлардақа ёш қизларга,— деди у,— бунақанги ишлар ўйинчоққа ўхшайди.— Шу пайт Мария нимага

жазм қилганини айтиши, шунингдек олган ўн маркасини қайтариб бериши лозим эди. Лекин у холасининг гапига кирмаганидек унинг айтганларини қилмаганлигини яшириши ҳам қийин эмасди. Душанба куни у устахонага ишга борди. Мария жуда хушмуомала чевар экан, лекин Эмилия холаникига тез-тез жон-жон деб кириб турадиган тикувчи хотинлар билан дўстлашиш, маслаҳатлашиш ёки бир пиёла кофе ичишга тўғри келмас эди. Бу аёллар баъзида хушторларини ҳам олиб келгундай бўлсалар Эмилия қаршилиқ қилмас эди. Унинг олдига ҳам Хедеманштрассе кўчасидаги сартарош тез-тез меҳмон бўлиб келиб турарди. Сартарош Эмилияга граммофонини бериб қўйганлиги, пирожни ва булкалар сотиб олиш учун ўз ҳиссасини бериб турганлиги туфайли Эмилия холанинг уйи тез орада устахонадагилар учун бир жаннатдай бўлиб қолди. Мария дастурхон тузатар ва «Автомат» ресторанида «ёғлиқ луқма» деб аталувчи, алоҳида бутербродлар тайёрлар эди. Уларнинг ҳаммасини у пивохонада ишлаган вақтида ўрганиб олганди. Лекин граммофонни қўйишлари билан у қочиб чиқиб кетардида Бель-Альянс Плацдаги дарахтлар тагига бориб ўтирар эди. Қоронғи тушди. Яқин орадаги метрополитен станцияси устидаги кумуш ранг «U» қоронғида худди ўроққа ўхшаб кўринарди. Ҳозир, Мария ўзи ёлғиз ўтирганида, назарида, Эрвин ёнига скамейкага келиб ўтиргандай туюлди. Мария қўй кўзларининг тикилиб турганлигини сезар, бу кўзларда равшан нуқталар чақнаб турганлигини кўриб турар эди. Мария ҳатто ундан, мени ташлаб донмо қаерга борасан деб, сўрамоқчи ҳам бўлди. Яқинда уни кўриб кетиш учун келган дугонаси Луиза Мария берган барча саволга:— Бўлди энди, уни хаёлингдан чиқариб ташла. Ҳозир туппа-тузук жойлашиб олдинг. Уша йигитни ўйламай қўя қол. Қуриб кетсин ўшанинг!— деб жавоб берди.

Луиза келиб кетгандан кейин Мария ундан бутунлай умидини узди. Лекин кишиларнинг энг охирги воз кечадиган нарсаси хаёл бўлганидан у ҳам икки хил хаёл билан яшай бошлади. Мария кутиш мутлақо бефойда эканлигини аниқ-равшан билса ҳамки, ҳар ҳолда болани сақлаб қолиш иложини ахтарарди, у шуларни ўйларкан, майдондаги метрополитендан чиқиб кетаётган одамлар орасидан ўша таниш башара кўриниб қолармикан, деб одамларга синчиклаб қарар эди.



Бир куни унинг ёнига келишгангина бир ёш йигит келиб ўтирди. Бу йигит метро поездларида контролер бўлиб хизмат қилар ва доимо уйига мана шу йўлдан қайтар эди. Мария кундан-кун унинг кўнглига ёқиб борар эди. Баъзида улар бирга пиво ёки кофе ичишарди. Ниҳоят, йигит Марияга менга тегсанг, деб таклиф қилди. Мария хушторига, бу таклифга сира қарши эмасман, лекин шуни ҳам айтиб қўяй, мен бошқа бир кишидан ҳомиладорман, деб очиқ-ойдин айтди. Контролер ҳам дарров мен пойтахт кишисиман, шунинг учун ҳам қизлар, фақат менга интизор бўлиб туришини талаб қилмайман, уйланишим учун, албатта ифбатли қиз бўлиши шарт эмас деди. Фақат тўйдан илгари болани йўқ қилиш керак; онасига бу ҳақда ҳеч нарса демагани маъқул; у эскиликка ёпишиб олган хотин. Мария бола кўргиси келаётганлигини айтди. Контролер, ҳозир болаларни боқиш учун пули йўқлигини айтди. Икки-уч йилдан кейин, қўшимча ойлик бера бошлагандаридан сўнг, — марҳамат, лекин у вақтда бола ўзиники бўлиши керак. Мария бошқа ҳеч нарса демади. Бирпасдан кейин у индамай ўрнидан туриб кетди.

Мария баъзан майдонга қўйилган яшиқдаги қумни ковлаётган болалар билан бирга ўйнашни яхши кўрар эди, айниқса булар ичидан учта болани кўз остига олиб қўйган эди. Бу учала болани одатда калта юбка кийиб юрадиган семиз, сочини калта қилиб қирқтирган хотин олиб келар эди. Тез орада маълум бўлдики, бу хотин уларнинг онаси эмас экан. Бир куни ўша хотин Мариядан болаларга қараб турсангиз, оталари ҳозир метродан чиқиб қолади, деб илтимос қилди. У иш ахтариб кетган кезларида болаларни шу хотинга ташлаб кетаркан; урушдан илгари у юк ташувчи бўлиб ишлаган, транспорт идораси ёпилиб қолибди. Хотин эса ҳамма вақт қўшниларга ёрдам беришга тайёр экан: бунинг устига, болалар ҳам ёқимтойгина эди; болаларнинг оналари бундан икки ойча илгари тумов билан оғриб, вафот қилган экан. Жаноб Гешке у вақтда армияда экан. Гарчи бу ишдан бирор яхшилик кутилмаса ҳам, қаровсиз хўжаликка кўмаклашиб туриш унинг вазифаси эмасми, ахир! Аммо ким яхшиликни ўйлади?

Хотин учала болани — иккита ўғил ва бир қизнинг бурнини артаиб қўйди. Марияга ўғил болалардан бири жуда ҳам ёқиб қолди: унинг қўй кўзлари ўйноқи эди. Баъзан, у Мария шу ердами-йўқмилигини билиш учун

бирдан скамейкага қараб югуриб кетарди. Бундай вақтларда Мария ҳам, бола ҳам кулиб юборар эди. Боланинг синглиси скамейка атрофида айланиб юрарди. Қизнинг бурни ялпоқ бўлиб, қоп-қора катаклари кўзларига ўхшаб пирпираб турарди, у бурун катаклари билан қарагандек туюлар эди. Иккинчи бола жуда озғин эди, кўкиш кўзлари ва малла сочлари унинг башарасини қандайдир тиниқ қилиб кўрсатиб турарди. Унинг ўзи эса қайсар, хушчақчақ эди. Болага унинг онаси ким бўлса ҳам барибирдай кўринар эди.

Қум солинган яшиқ ёнига, сочлари қирилган, хумкалла киши келди. Унинг эгнида пистоқи ранг камзул бўлиб, юлиб ташланган погонларнинг тўғри бурчакли излари билиниб турарди. У ҳуштак чалиб болаларини чақирди.

Қўшни хотин Мариядан болаларни кузатиб туришни тез-тез илтимос қиладиган бўлиб қолди. Бир куни у Марияга уйнинг калитини бериб, болаларни уйга элтиб қўйишни сўради. Уй бесарапжом ҳолда эди. Лекин баъзи бир нарсалар болаларнинг онаси тириклигида бу ер сарапжом-сарипшта эканлигидан дарак берарди. Марияга айниқса балкон ёқиб қолди, у сира балконга чиқмаган эди. Яшиқлардаги гуллар ҳам сўлиб қолганди; уй бекаси тирик бўлган вақтда, улар кўм-кўк девордай ўсган бўлса керак. Мария сутни иситди. Болалар сутни ичишиб бўлгунча, у гулнинг сўлиб қолган япроқларини юлиб ташлади, қуриб қолган шохларини кесди, қолган кўк новдаларини панжарага чирмаб қўйди. Қизча Мариянинг олдига келди-да, бурнини жийириб Мариянинг қилаётган ишига тикилди, кейин унга қараша бошлади. Шу пайт болаларнинг отаси ҳам келиб қолди. Шу кундан бошлаб Мария болаларни тез-тез уйларига элтиб қўядиган бўлиб қолди. У болаларга сут пишириб, шўрва қилиб берар эди. Тез орада Гешке Марияни ўз уйида кўришга ўрганиб қолди. Бундай кунларда Гешке қўл-бола таомлар еяр эди. Қўшни хотиннинг айтишича, бировга миннатдорчилик билдириш унинг учун ёт нарса эди. У худди тақдир унинг учун кимнидир юборишини ва у кимса уйдаги ҳамма ишларни бажаришни ўз бўйига олишини кутиб юргандай эди. Бу нарса, пешонам ярақлаб қулай ишга йўлиқармикинман деб, кутиб юрган Марияга ҳам яхши бўлди. Ниҳоят, Мариянинг янги табиши «Ерости иншоотлари компанияси»га ёлланма ишчи

бўлиб ишга кирди. Шундан кейин шаҳар васийлик идораси болаларга қанақа ғамхўрлик қила-олиш масаласи кўндаланг бўлди. Қўшни хотинга ишониб бўлмасди. Мариянинг қарашиб юриши эса, тасодифий бахт, холос.

Ниҳоят, болалар ҳам ётишди, Мария уларнинг отаси билан ошхонада ўтирар экан, бир умр сиз билан, болаларингиз билан бирга бўлсам деб айтди. У Гешкенинг иккинчи марта уйланишига рағбати қанақалигини билмоқчи эди. Гешке ҳайрон бўлиб унга қаради. Мария кўзларини ерга тикди. Гешке Мариянинг чеҳрасига, қуюқ киприklarининг соясига разм солди. Ҳамиша қовоғи солиқ ва аламзада бу киши қандайдир бир янги нарсага ҳис қилди. Назарида у илиқ боқаётгандан, кўнглидаги ғашлик тарқалгандай, рўпарасида ўтирган нотаниш ёш жувоннинг ҳусн ва алами, гўё кўнглини юмшатгандай бўлди.

— Азизим, агар мен сенга таклифинг менга ёқмади, деб айтсам, ёлғон гапирган бўламан; борди-ю марҳума хотиним қанот чиқариб, олдимизга учиб келгундай бўлса, рўзгорни бошқарадиган, болаларни тарбия қиладиган одам топилганини кўриб, билмадимки қанчалик хурсанд бўларди, ахир ўз одамнинг уйда ҳар қандай васийлик қилувчилардан ҳам яхши-да. Аммо, яхши қиз, мен сендан баъзи бир нарсаларни сўраб билмоқчиман. Шунинг учун ҳам менга тўғрисишни айт. Сен мени бекордан-бекорга яхши кўрмаслигини аниқ. Ахир мен ҳеч нарсага арзимаيمان-ку. Шунинг учун ҳам, нима сабабдан сен шундай ёшгина жувон бўла туриб, мендек уч болали, топиш-тутиш номаълум, ҳар бир бурдани ҳисобга олиб, қўлга тушган чақани асрайдиган, қола берса келаси ойда нима ейишини билмайдиган одамга тегмоқчи бўлганлигинга сира тушунолмаёпман. Шунинг учун сенга шуни айтиб қўяй: агар сен мени аҳмоқ қилмоқчи бўлсанг, бекор қиласан. Агар кўнглингда бошқа бирор илинжинг бўлса — уни гапир.

У Мариянинг Пелльвормдаги тўғон қурилишида ёлланма ишчи бўлиб ишлаган отасига ўхшарди. Ҳа, Гешке бир оз ёшроқ. Агар бундан ҳам бирор иш чиқмаса, унда Мария нима қилади? — Мен болаларга яхши қарайман. Қизчага янги кўйлак тикиб бераман, барибир дарлардага олган мато бекор ётибди; якшанба кунлари эса пирожка пишириб бераман; мен ҳаммаларингга ҳам яхши қарайман, — деди Мария.

Шундан кейин Гешкенинг ҳам кўнгли эриб кетди. Алам ва уруш фалокатлари туфайли унинг юраги тошдек бўлиб қолган эди. Ҳозиргача у, баъзан бу ерга келиб, қарашиб юрган бу қизга ҳеч эътибор бермаган эди. Мариянинг қанчалик нозик ва мулойим эканлигини у энди кўрди. У кескин равишда шундай деди: — Қани дарров айт-чи, сенга нима бўлди, ўзи? Бизникида яшириниб юришининг нимаси яхши? Еки бирор хунук иш қилиб қўйдингми? Қўрқмасдан ҳаммасини айта бер. Балки, бирор жойда ёмонроқ иш қилиб қўйгандирсан-у, энди сени ахтариб топишса, сир очилиб қолишидан қўрқаётгандирсан? Шунақами? Яна айтаман: мени аҳмоқ қила олмайсан! Қулоғимгача ботиб ўтирсам ҳам майли.

«Отамга ўхшаб, бу ҳам биров алдашини ёмон кўрар экан, — деб ўйлади Мария. — У мени ҳозир ҳайдаб чиқаради». Мария шундай деб жавоб берди: — Мен ҳеч қандай ёмон иш қилиб қўйганим йўқ, виждоним пок.

— Хўп, майли, — деди Гешке ундан кўзни узмай, ўйчанлик билан. — Албатта, бу ерда бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, бирор азобли сеvgи можаросига дуч келган бўлишинг ҳам мумкин, шу туфайли сенга барибир бўлиб қолгандир. Сен ўзингча: «Менга энди, Гешке бўладими, бошқаси бўладими, барибир», — деб ўйларсан. — Мариянинг қовоғи солинди. Гешке ичида деди: «Нозик жойидан тутганга ўхшайман. Эҳ, аттанг бу ярамас ҳаётда менинг бахтим ҳам бир оз кулиб боқармиди. Кечқурун уйга келсанг, сени бир нозанин кутиб туради. Бу хийла дуруст иш бўлар эди». Мария ҳам ичида ўйларди: «Отамни алдаб бўлмаганидек, буни ҳам алдаш мумкин эмас. Эмилини холамни истаганча алдаш мумкин, Луизани ҳам, қўшимиз семиз Фрау Мельцерга ҳам ёлғон гапириб ижирғаланмайсан, лекин бунга ёлғон гапиринг келмайди. Энди умуман ёлғон гапиргим келмайди: нафратимни қўзғайди». Шундан кейин Мария шартта гапни кесди: — Бўйимда бор. — У Гешкега жиддий қараб қўйди. Бўлар иш бўлди! Гешке эса, бошини қуйи солиб, жимгина унга назар солди, унинг қарашида на раҳмдиллик ва на ғазаб бор эди.

— Нега шу вақтгача уни бир ёқлик қилмадинг?

— Истамайман.

Улар кўз уриштириб олишди. Гешке шундай деди: — Шундайми, демас, мен сўрамасам, сен ҳеч нима демас

экансан-да. Кейинчалик эса, бу сенинг боланг деб, бошимни айлантирмоқчи бўлган экансан-да?

Мария секин жавоб берди:— Эҳтимол.— У Гешке-нинг енгидан тортди-да, ҳам кўрқинчдан, ҳам аламдан хириллаб деди:— Мен сизнинг болаларингизга ўзимни-кидан ҳам яхшироқ қарайман, балки, ўзимникига ёмонроқ қарарман; иннайкейин ҳеч кимга — болаларга ҳам, қўшниларга ҳам, сира оғиз очмайман. Бу нарса иккала-мизнинг орамизда қола беради.

Гешке энди мулойимроқ жавоб берди:— Одатда уч одамга етган овқат тўртинчи одамга ҳам етади, дейишди. Худди шундан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, учтанинг тирикчилиги ўтаётган жойда тўртинчининг ҳам кунни ўтади. Бошимга бир ташвиш орттирдинг, лекин шундан гап очдингми энди, юрагингда борини тўкиб сола бер. Яширмай-нетмай очиқ айт; мен бола кимдан бўлганлигини билмоқчиман — бирорта ўзимизникиларданми ёки сен хизмат қилган пивохонадаги бирорта сурбетданми?

Мария:— Йўқ!— деб бақирди.— Кейин бу гапга хотима бериш мақсадида, шошилиб қўшиб қўйди:— У ўлган.— Унинг юраги эзилиб, кўрқиб кетди. Мария шундай бир ҳолатда эдики, гўё Эрвиннинг ўлимига ўзи сабабчидай, ҳатто унинг соясини кўришдан бир умр ўзини маҳрум қилгандай эди.

Гешке ҳамон унга тикилиб ўтирар эди. Кейин қўлини чўзиб, оҳиста Мариянинг сочларини силади. Бу анча вақтлардан бери Гешкенинг кулбасига тушган илк ёғду эди.

Уларнинг келажаги мана шундай ҳал бўлди. Кейин икковлари одатдагидан бир оз кўпроқ ошхонада ўтиришди. Гешке савол берар, Мария уялиб Пелльвормдаги қариндош-уруғлари ҳақида ҳикоя қилар эди. Мария уларга ўрганиб қолган эди, лекин ўрганиб қолганлиги тўғрисида истар-истамас сўзлар эди. Мария Эмилия холани гапирганда, Гешке уни бу ерга таклиф қилиш керак деди. Тўй бўладиган бўлса, тўйга ўхшасин-да.

Уйга қайтаётиб Мария бир ўзи ўтириши келди-да, Бель-Альянц-Плацга бориб ўтирди. Умуман у бўлиб ўтган воқеадан хурсанд, аммо ғамгин, уйчан эди. У бир неча дағал таклифларга аста қўлини силтаб қўя қолди. Шаҳар темир йўли томонидан одамларнинг оёғи узилган эди.

Гешке ҳам ошхонада танҳо ўзи ўтирар эди. Мария

ҳар ҳолда ҳақиқатни айтди. Гешке ҳозирги қизларни жудаям яхши тушунавермайди; бир кун ишхонада ўртоқлари, гўё ҳозирги қизлар илгарилари оналари туққан болалардан ҳам кўпроқ бола олдиришлари ҳақида вайсаётганларини эшитган эди. Мария ўша йигитни астойдил яхши кўрганга ўхшайди. Агар бундай нисбат урушга бормаган, душман ўқлари тепасида ёғилиб турмаган одамга жониз бўлса, Мария нозик ва мулойимгина бўлмасдан, балки чидамли ва шаддот хотинга ўхшайди. Гешке ҳозир ҳам бармоқлари унинг юмшоқ соч тутамларига тегиб тургандай ҳис қилар эди. Шуниси қизиқ-ки, у энди Марияни соғина бошлаган эди.

Эмилия хола ҳайрон бўлиб қолди. Унга жиянининг бир неча боласи бор кишига тегиши сира маъқул келмади. Ахир ёш қизлар оқилона гапларга қулоқ солишмайди. Агар жиянига ҳақиқатан ҳам шу шахснинг бирон нимаси ёқиб қолган бўлса,— демак, холасининг Фрау Хэнишникига қистаб юборганлиги, унга янги ҳаёт йўлини очиб берибди-да. Бундан ташқари, Эмилияни тўйга ҳам таклиф қилишибди, у бўлса ҳар хил кўнгил очишларни ва тўй-томошани яхши кўрар эди.

Мария ўзининг бўлажак уйини йиғиштирди, кир ювди, болаларга кийим тикиб берди. Гешке болаларга, сизларга янги она келади, деб айтди. Катта ўғли Мариянинг атрофида ирғиб ўйнади, кичкинаси лом-мим демади: унга барибир эди, қизча эса Марияга қовогини солиб, қараб қўйди. Мария балконга экиш учун пича гул уруғи сотиб олди. Унинг кўнглига чироқ ёқса ёрмас эди, шунинг учун у тишларини қисиб, хамир қилар эди.

## УЧИНЧИ БОБ

### I

Мариянинг сонлари илгаригидек ингичка, кўкраги кичкинагина эди. Шунинг учун ҳам ўзи иқрор бўлмаганда, Гешке унинг ҳомиладор эканлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўларди. Мария бу ҳақда оғиз очганда Гешке бошини тебратиб қўйди. Тез орада у Марияни шунчалик қаттиқ севиб қолдики, ҳатто бунга ўзи ҳам тан олгиси келмас эди. Ахир бу бемаъни иш-ку: наҳотки ёши бир ерга етган, бадқовоқ, одамларга аралашмайдиган, уруш

ва меҳнат туфайли жафо чеккан бир киши, биринчи марта бегона бир кимсага — қуюқ, қора киприкли, пешонасидаги сочининг таги сал оқариброқ кўринадиган, сочи силлиқ, камгап, озгин хотинга мўъти бўлиб қолганини пайқай бошлаган бўлса. У умрида ҳеч қачон бунчаллик ёш ва мулоим жувонни учратмаган эди. Ҳатто ўспиринлигида ҳам бунга ўхшаш қиз етти ухлаб тушига кирмаган эди. Ҳа, у бу нарсани хаёлига ҳам келтиролмас эди.

Гешке ёрдамчи ишчи бўлиб ишлайдиган «Ер ости иншоотлари компанияси» тўрт йиллик уруш даврида қаровсиз қолган метрополитенни ремонт қилар эди. Гешке яшайдиган кўчадаги омбордан (у бу ерга пиёда борарди) шахталарга қурилиш материаллари олиб бориш керак бўларди. Худди, Мария фақат уйдагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам тартиб ўрнатиш қобилиятига эга бўлгандек, Гешке ҳатто шу иши ўнгидан келишини, ҳатто ёрдамчи ишчи бўлиб ишга кириб олганлигини ҳам Мария туфайли деб биларди.

Мария дурустига масаллиғ бўлмаса ҳам мазали таомлар пиширар эди. Кийим-кечак, мебель, ҳатто деворларга ёпиштирилган гул қоғозлар ҳам секин-аста тузатила бошланди. Мария ёшлик вақтида, бунинг бирор доғ ёки йиртиқни кўришга кўзи йўқ, деб гашига тегишар эди. Гоҳ беҳосдан қўшининг деразаларини артар, гоҳ кўчада кета туриб ўйнаб юрган қизчанинг сочини ўриб қўяр эди. У бошмоқдан узилиб тушган тугмачани худди танга ахтаргандай излар эди.

Энди у бошқаларга малол келадиган ишларни ҳам жон-дили билан қилар эди. Кишилар кўрсатилган меҳмондорчилик учун ўзларини қарздор ҳисоблагандай, Мария ҳам Гешкега хизмат қилишни ўз бурчи деб билар эди. Гешкенинг уйда ўтириш Марияга ёқар эди, у бу ерда эсон-омон боласини туғиб олиши мумкин. Шу пайтгача эса, ер юзидаги жамки нарсалар боланинг туғилишига тўсқинлик қилар эди.

Гешкенинг пазирида Мария бахтиёр эди. Баъзан унинг юзини қайгу босганида Гешке, эсон-омон кўз ёраманмикин, деб қўрқаётган бўлса керак, деб ўйларди: ахир биринчи туғиши-да. Шунинг учун ҳам у Марияни, ҳамма одамлар ҳам мана шулақа бўлиб дунёга келган, деб юпатар эди. Гешке марҳума хотинининг хотираси хиралашиб бораётганлиги учун ўз-ўзидан ўпкаланар эди. Марҳума хотини ҳам худди ўзига ўхшаб ишчан

вайсақи эди; у болалар билан ҳам қийналар эди. Мария учун ҳамма иш, худди ака-укаси билан ўйнагандай, осонгина кўчар эди. Чўпдай озгин, кўрс Франц майдондами ёки қурилишдами сандироқлаб юриш ўрнига, энди кўпинча уйда ўтирар эди: Мария уни бирор нарса билан машғул қилишни яхши биларди. Отасига қараганда тўнғич ўғил Пауль Марияга меҳрибонроқ эди. Гешке Марияга очиқ-ойдин меҳрибонлик қилишга уяларди. Ҳатто марҳума онасига ўхшаш қовоғи солиқ энг кичик қиз ҳам, ниҳоят, янги онасига суяниб қолган эди. Бу болаларда қандайдир бир қувноқлик, қандайдир тетиклик пайдо бўлган эди, худди улар янгидан дунёга келгандай эдилар.

Мария қўрқа-писа Гешкедан эски кийим-кечаклар саватини бешик ўрнида ишлатиш учун рухсат сўради. Гешке янги хотинига жуда берилиб кетган эди ва бу ерда туғиладиган тўртинчи бола ўзиники эмаслигини ҳам эсдан чиқараётган эди. Мария эса дўстининг яна қайтиб келишига аллақачоноқ ишонмай қўйган эди. Аммо ўзи танҳо қолгундай бўлса, дарров унинг хаёлига Эрвин келарди. Сўнг Мария туғилган боласини қўлига олиб унинг кетидан чопар эди. Бундай пайтларда ёш жувон худди Гешкега хиёнат қилгандай бўларди, эри ншдан қайтиб келгандан кейин ўзининг ёлғондакам хиёнатини унга пой-патак бўлиш билан ювишга ҳаракат қиларди.

Қўни-қўшнилар Гешкега кулиб боққан бахтдан ҳайрон бўлишарди. Гешкенинг биринчи хотини ўлгандан кейин, баъзида унинг болаларига қараб турган қўшни Мельцер хоним, ўзича, бу эр-хотинлиқнинг бирор лекин бор-ку-я, деган хулосага келган эди. У газабланар ва газабининг сабабларини ахтарар эди. Мария ўз бошига тушган азоб-уқубатини кулфат ва ҳатто чор-ночор бажариши керак бўлган ишларни ҳам оғир вазифа деб билмагани, Мельцер хонимнинг газабини қўзғатарди; бошқа хотинлар дод деб юборадиган ишлар Мариянинг қўлига тушса ўз-ўзидан битиб кета берарди. Бунинг устига бу эру хотин бир-бирига ҳечам мос эмас: вайсақи Гешкенинг ёши бир жойга етиб қолган, буниси эса ҳали қизчадай! Мельцер хоним эри Паулни жон-қолига қўймай Гешке оиласидаги янгиликларни сўрай берарди. Урушгача Мельцер хонимнинг эри кўнчи эди. Ҳозир у ҳам ёрдамчи ишчи эди. Илгарилари у тез-тез Гешке-

нинг уйига кириб суҳбатлашиб ўтирарди. Агар қўшниларнинг ҳар бир икир-чикири Мельцер хониннинг гашини келтирса ва у тўғридан-тўғри жанжал чиқариш учун баҳона ахтарса, эри бу оиланинг ишига аралашидан ўзини тортар эди. Уни бунақа ишлардан кўра муҳимроқ нарсалар: янги юлдузларнинг топилиши, Марсдаги каналлар, оламдаги жисмларнинг ҳаракати қизиқтирар эди. У кўпинча мана шундай масалалар билан Гешкега мурожаат қилар эди, Гешке эса унинг гапларига чурқ этмай қулоқ соларди. Пауль Гешкенинг иккинчи марта уйланганини ҳам зўрға билиб олди. Фақат кейинроқ бу бахтли никоҳ хотинидан кўра кўпроқ унинг гашига тега бошлади, чунки у суҳбатдошидан ажраб қолган эди.

Лоренцнинг пивоҳонаси Гешке яшайдиган уйнинг бурчагига жойлашганди. Гешке бу ерга кечки овқатга бир шиша пиво олиш учун кирди. Ўтирганлар уни бир оз тўхтатишга ҳаракат қилдилар: — Биз билан яна бирор марта ўтироласанми? Уйингда нима қиласан, сен қари туллак? — Аммо Гешке жавоб бермади, чунки ўзидан бир қават пастда яшовчи Трибель заҳархандалик билан унинг жавобини кутиб турганлигига кўзи тушган эди.

Уруш вақтида улар оқопларда бирга ўтиришганди. Уйда эса, уларни бир-бирларидан бори-йўғи бир қават девор ажратиб туришига қарамасдан, фақат онда-сонда гаплашиб қўйишарди. Гаплашганда ҳам ёмон гапларни гапиришарди. Бу ерда, пастда Лоренцнинг пивоҳонасида эса ҳамма билан, ҳатто Трибель билан ҳам суҳбатлашиш мумкин эди. Бу ерда, пастда ҳамма бир-бирига оқопдагидай яқин эди.

Бироқ у пивони уйга олиб келиб, шу замонидек уни овқат олдидан Мария билан бирга ичди. Мария ҳозир мулойим ва илтифотли кўринар, аммо одатдагидан кўра камсуханроқ эди. Гешке ичди: «Уларнинг гапи тўғри, яна бир марта пастга тушсам нима бўпти? Ахир қизча ҳеч қаерга қочиб кетмайди-ку. У энди хила оғирлашиб қолди, бунинг устига чарчаган». Биринчи марта Гешке ўз-ўзига шундай деди: «Ахир бунга менинг нима алоқам бор!» У яна кетмоқчи бўлиб турганда, Мария бир оз дам олиб оламан, деб хурсанд бўлди.

Трибель илгариги жойида, пивоҳона пештахтасининг рўпарасида ўтирар эди. Унинг атрофидаги столлар аллақачон банд бўлган эди. Гешке ўтирганлар орасига қи-

силибгина жойлашиб олганидан кейин, хаёлида гўё ўзи тушунмай кўпдан бери зориқиб юрган нарсасига етишгандай бўлди. Ичишни у ёмон кўрарди ва беиш юрган даврида ҳам, ишга кирган вақтида ҳам ортиқча бирор пфеннигни сарфлашдан ўзини тияр эди. Пивоҳонадаги таниш муҳит ва олаговур — қўшни столда жанжал авжга чиққан эди — ичига тушиб қолган Гешкенинг кайфи чоғ бўлиб кетди. Урушдан кейин у бошқалардан ажраган ҳолда яшарди, фақат эндигина у бегона юртда узоқ вақт юргандан кейин уйига қайтиб келгандай бўлди. У таниш башараларни кўраб, илгарилар гоҳо қулоғига чалинган номлар ҳақидаги тортишувларни эшитар эди. Худди ўша вақтда, биринчи хотинининг ўлиmidан кейинги алам ва иккинчисига уйлангандаги бахт турмушда рўй берган воқеаларни унуттириб юборгандан кейин, у ҳозир эшитиб ўтирган ишлар юз берган бўлса керак: Германия республикасининг президенти вазифасига Эбертин сайлашибди. Бу ўша, кайзерга истеъфо беришларини истамаган Эбертнинг ўзи, деди Трибель; спартакчилар эса ўзларини энди коммунистлар деб аташадиган бўлишибди. Гешке индамас, у бундай гапларга аралашмас эди. Трибель оқопларда ҳам шунақа тап тортмасдан гапираверарди. Шунинг орқасидан у тез-тез қамоққа ҳам тушиб турарди. Худо билади, агар вақтинча сулҳ тузилмаганда, унинг тақдири нима бўлардйкин. У доимо кўп нарсани талаб қилар ва талаб қилганда ҳам барчадан илгари, хийла дабдабали талаб қилар эди, масалан унинг урушни тўхтатиш ҳақидаги талабини олайлик. Ҳозир ҳам у худди ишчи ва солдат де-путатлари Советининг олдида тургандай ўрнидан ирғиб турди ва номалум мамлакат — Советлар Россиясини кўкларга кўтариб мақтай бошлади; у доимо мана шундай ишонинг келмайдиган нарсаларни ҳам жон куйдириб мақтай беради. Унинг бошида бирорта ҳам туки йўқ эди, юзи чувак бўлиб, кўзлари чақнар эди. У маҳбусларга ўхшайди, умри ҳам маҳбусликда тугаса керак, деб ўйлади Гешке. Пивоҳона хўжайини Лоренцнинг кичик ўғли худди кексалардай насиҳатомуз оҳангда Трибелнинг фикрларига эътироз билдирар эди. Лоренцнинг ўғлини Гешке бошқаларга қараганда тез-тез кўриб турарди. У вақти-вақти билан аъзолик бадалларини тўплаш учун келиб турарди. Гешке бундай вақтларда, худди кишилар бошига бирор кулфат тушганда ёки бирор

севинчдан ҳаяжонланган пайтларида бирор жойга кўн-  
ғироқ қилиш мақсадида, шошилиб автомат телефонга  
танга ташлаганларидай, унинг киссасига ҳам дарров  
пфенниглари тиқиб қўярди. Ҳозир эса бу йигитча  
одатдагича ўзига бино қўйиб Трибелга шундай дер-  
ди:

— Агар биз сенинг маслаҳатларингга қулоқ солади-  
ган бўлсак, бизда ҳам Россиядагига ўхшаш тартибсиз-  
лик рўй берган бўларди; Иттифоқчилар ҳам Рейнда  
эмас, балки Шпрееда турган бўларди, империянинг ҳам  
кўли кўкка созурилиб кетарди, аммо Эберт мамлакатни  
бундай фалокатдан сақлаб қолди.

Трибелнинг ҳам жаҳли чиқиб кетди: — Инсоф би-  
лан гапирганда, бундай империянинг кули кўкка созу-  
рилса ҳечқиси йўқ!

Гешкенинг ярим хаёли бу ерда бўлса, ярим хаёли  
уйида эди. Унинг назарида кўп нарса янгилик бўлса, яна  
бир қанчаси шунчалик эскирган эдики, одамларнинг ҳа-  
деб бир нарсани вайсайверишлари жонларига тегма-  
ганлигидан ҳайрон бўлар эди. У шунчалик ўйга ботиб  
кетдики, ҳатто ўзи ҳам сезмагани ҳолда пиво кружка-  
ларининг тагига қўйилган нарсалардан омонат уйчага  
ўхшаш нарса қила бошлади. Кейин унинг хаёлига би-  
ринчи хотини келди, уни қандай хафа қилганлигини ўй-  
лаб кетди: Гешке аллақачонлароқ уни ўйламай қўйган,  
бутун ўй-хаёли анави янги жувонда. У ичида койиниб  
ўтирганида хаёлини бўлиб юборишди: унинг қулоғига  
яна иккита таниш исм эшитилди. Илгарилари ҳам бу  
исмларни эшитавериб унинг қулоғи қоматга келган эди.  
Бутун шаҳарни тўс-тўполон қилган ўша эркак билан  
хотинининг иккаласини ҳам фақат январдагина ўлдириш-  
ганига Гешкенинг ақли бовар қилмас эди. Ҳозир эса  
ёз, ярим йил ҳам ўтгани йўқ. Ўша вақтда майдон ва кў-  
чалардаги ҳаяжонланган кишиларнинг ташвишлари, та-  
лаблари унинг хонадонига ҳам таъсир қилишига қара-  
масдан, Гешкенинг ҳар нарсага бепарво қараши нати-  
жасида ўша эркак билан хотинининг кечирган ҳаётлари  
ҳақидаги гаплар унга сира қор қилмаганидек, уларнинг  
ўлими ҳақидаги хабар ҳам у қулогидан кириб, бу қуло-  
ғидан чиқиб кетаверди. Ҳа, январь ойидагига ўхшаш  
одамларнинг яна ҳаяжонга тушинишига сабаб бор эди.  
Ахир бу хотинни эндигина каналдан ушлаб олишибди.  
Бу янгилик эди. Гешкенинг ҳам бошқаларга ўхшаб, ба-

дани жимирлашиб кетди. Ўша вақтда Либкнехтнинг  
тобути орқасидан озгина одам борган эди. Кўплаб по-  
лиция нарядлари қўйилиши, қўшинлар, калтаклашлар,  
қамоққа олишлар ва қола берса қабристонга кетишаёт-  
гандаги ҳуштак чалишлар, тупурушлар кишиларни қўр-  
қитиб қўйган эди. Одамлар шунча вақтдан бери ўлиқни  
яшириб келган Ландвер канали сувидан тортиб олиб,  
уни ерга кўмдилар. Ўша вақтда тротуарда турган киши-  
лардан кўпчилиги, деди Трибель, бошқалар билан бирга  
тобут кетидан бормаганлари учун уятга қолишган. Ахир,  
ўзлари бормаган қўрқоқлар билан тобут кетидан бор-  
ган кишиларга тупурганларнинг ўртасида унчалик кат-  
та фарқ йўқ-ку. Агар бирор киши бирон ерга боришдан  
қўрқса, у боришдан қўрқмайдиган кишиларга нафрат  
билан қарашга сабаб ахтаради. Трибель қизиқиб кетиб,  
бир неча марта айтган нарсаларини ҳикоя қила бошлади.  
Либкнехтнинг мурдасини ахтаришган вақтда — у кў-  
чада ўлдирилганлиги маълум бўлган эди — кимнидир  
ўликхонага юборишибди. Лекин у ерда ҳеч ким йўқ  
экан. Шундан кейин у одамни, қандай қилиб бўлса ҳам  
топиб келасан, деб яна юборишибди. У ўликхона дире-  
кторининг жонига тега берганидан кейин, директор ертў-  
ланинг тагида яна чуқурроқ ертўла бор, у ерда мурда-  
лар музда туради, деб айтиб қўйган. Шундан кейин  
ўша одам у ерга тушиб, Либкнехтни музхонадан ахта-  
риб топган. Бошқа одамлар қатори Гешке ҳам диққат  
билан қулоқ солар эди. У музхона ҳақидаги бундай ҳи-  
кояни биринчи марта эшитиши эди, шунинг учун ҳикоя  
унга ёқмади; у жунжикиб кетди; айниқса ўлим уни яна  
батарроқ совқоттирди; агар давлатни кузатиб турилма-  
са, ҳар қандай даҳшатли ишларни ҳам қила беради.  
Пивохона Гешкега музхонадек туюлди. У кўмиш мароси-  
мида, албатта иштирок қиламан, деб кўнглига тугиб қўй-  
ди. У энди бегона юртда эмас. Бу шаҳар ўз шаҳри; шу-  
нинг учун ўртоқларининг ҳам бундай пасткашликка ҳеч  
қандай алоқалари йўқ; шундай эканлигини у Трибелга  
исботлаб беради ҳам. Барибир, бундан Трибель ёқимли-  
роқ бўлиб қолмайди.

Гешке, қабристондан қачон қайтишимни аниқ айтол-  
майман деганида Мария ҳайрон бўлди. Агар қайтишда  
ниҳода келмасдан бирор нарсага тушиб келгундай бўлса

ҳам чоракам бир соатча вақт керак. Мария аввалига у биринчи хотиннинг қабрини зиёрат қилмоқчи шекилли, эҳтимол ўлганига бугун бир йил тўлгандир, деб ўйлади. Лекин зинапояда бўлган гаплардан, бугун қандайдир бир Роза деган кишини кўмиш маросими бўлишини англаб, Гешке билан бирга бир неча қўшниси ҳам бошқа бир кўмиш маросимига кетаётган бўлсалар керак, деб хаёл қилди; хотинининг ўлганига бир йил тўлганлигини нишонлаш учун ундан бошқа ҳеч ким қабристонга бормайди-ку, ахир. Бундан ташқари унинг исми Роза эмас, Анна эди. Одамларнинг нима учун бунчалик ҳаяжонга тушганларини, у аста-секин тушунди. У юқорида, ҳеч ким қадам босмайдиган кулбасида ўтириб, дунёда нималар бўлаётганини билмас эди. Кечқурун уларникига Лоренц кириб, қалай бўлиб маросимга борибсанми, деб Гешкедан сўради. Гешке эса ичида: «Нима қилишим кераклигини менга на сен, на Трибель ўргата оласан. Мен бунда иккалаларингдан ҳам кўпроқ аралашиб юрибман!» «Бунда» деган сўзида, у халқними, ишчилар синфиними ёки ўтказган умрини назарда тутганлигини Гешкенинг ўзи ҳам яхшигина билмас эди, шунинг учун шундай деб қўшиб қўйди:— Хотиржам бўл, нима қилиш-қилмаслигимни ўзим биламан.

Бир куни эрталаб Гешке юмушларига бир оз қарашиб юбориш учун Мельцер хонимни чақириб чиққанда, у ранжиб юрганлигига қарамасдан, бир оз ҳовридан тушди: бугун кечаси Гешкенинг хотини вақтидан илгари туғиб қўйганмиш. Мельцер хоним оёғини қўлига олиб югуриб чиқди. У шунчалик ғайрат билан чақалоқнинг йўргаклари, кофе янчадиган келичага, кувачаларига ёпишдики, гўё ҳамма нарсага шулар айбдордай эди.

— Чала туғилган бўлса ҳам чақалоқ хийла катта, — деди у.

— Шунақага ўхшайди! — деди Гешке ҳам. Мельцер хоним давом этди: — Ахир, болалар Бель-Альянс-Плацда ўйнаган вақтларида уларга биз Мария билан навбатманавбат қараб турардик-да. Сиз у вақтда бу қизчага эътибор ҳам бермас эдингиз. — Хийла мугомбирсиз-да, фрау Мельцер! — деди Гешке. Мельцер хоним эса, ичидан зил кетар экан, жуда синчковлик билан уни хурсанд қилиш учун ҳар қандай ишга тайёр кишидай, шартта шундай деди: гарчи чақалоқ муддатидан илгари туғилган бўлса ҳам, нимагадир қаравот, ҳатто бешик ҳам тоза чойшап

билан тузатиб қўйилибди, овқат олдиндан тайёрланибди, чақалоқнинг йўргакликлари ҳам тахлоглик; ахир бундай туғишлар тасодифий ҳол-ку, унинг олдини олиб бўлмайди.

— Бизнинг Берлинимизда ҳеч нарсани олдиндан билиб бўлмайди, — деди Гешке. Мария қўлини бошининг орқасига қўйиб, бу гапларга жимгина қулоқ солар ва ўзича: «Бу одам, эрим ёмон одам эмас» деб ўйлар эди. Мельцер хоним ичқоралик билан унинг кўкрак сутини, шунингдек чақалоқнинг тетиклигини, очкўзлигини мақтаганда, Мария хурсанд бўлди. Кейин чақалоқни кўриш учун қўшнилари киришди ва Мельцер хонимнинг раҳбарлигида уйдаги бор нарсани кўздан кечириб чиқишди. Мариянинг назарида кўпчилик тикилиб қарайвергани учун боланинг ҳамма ёғи қизариб кетгандай эди. Хотинхалажлар ғовур-ғувур қилиб унга тикилишиб ўтиришаркан, Мария қўлидаги тетик, соғлом боласини аллалаётиб бир вақтларда боладан ажраб қоламанми деб қўрққанларини ҳам эсидан чиқариб юборди. Ахир у шу ерда эди-ку. Албатта, у жаннатда туғилгани йўқ; лекин бу дунёда, бундан ҳам ёмонроқ жойлар ҳам бор, ўрта яшар, мулоғим, сочлари силлиқ таралган хотин Марияларникига кириб келди-да, остонадан калласини силкитиб сўрашди ва совға қилиб олиб келган бир нечта тухумини ташлаб чиқиб кетди. Бу хотин Марияга ёқиб қолди. Хотиннинг олиб келган тухумлари ва индамасдан чиқиб кетганига ғаш келган Мельцер хоним, бу аёл кексайиб қолиб, эри Трибелга ёқмагани учун эри чакана қилиб юради; эрингиз билан бунинг эри ит-мушукдай, шунинг учун бу хоним кўпинча Гешкенинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилади, деди. Бу орада Пауль Мельцер ҳам кириб келди, унинг уйи нариги майдончада эди; у Марияга юлдузлар осмонининг харитасини олиб келди ва харитадан чақалоқ қайси юлдуз тагида туғилганлиги, қайси юлдуз унга хатарли-ю, қайсиниси мушкулени осон қилишини кўрсатди. Мельцер хоним эса бунга қўшимча қилиб: — Мана кўрдингизми, Мария, бола чала туғилдими, буни билиш жуда зарур экан, — деди. Мария Мельцер хоним ҳадеб юлдузларни гапиравермасин, деб унга иккита тухум берди. У кўпроқ Эмилия холанинг танбеҳларидан чўчир эди. Эмилия хола баланд пошналарини тўқирлатиб, жуда хурсанд кириб келди; унинг устида, одатдагича, калта гулдор кўйлак бор эди.

Гул ўстирилган тувак тагида ҳалигача Эмилия хола-нинг Хэнишникига бориш учун қарз берган пуллари ётар эди. Лекин кўнглида кири йўқ Эмилия Марияни сутинг яхши экан деб, мақтади. Мельцер хоним унга кофе ичмайсизми деганида, у йўқ демади; у кофени яхши кўришини, ундан сира қайтмаслигини айтди. Иккала хотин лақиллашиб ўтираркан, Мария ухлаб қолди. Улардан бири очиқ кўнгиллик билан гапирса, иккинчиси пичинг билан гапирар эди.

Мария чақалоқ солинган саватни офтобга қўйди, офтоб нурлари уйнинг олд томонига ёпишган айвончага озгина тушиб турар эди. Қадрдон қишлоғида зўрайиб, қирғоққа урилаётган тўлқиннинг шовқин-сурони эшитилганидек, бу ердан ҳам Мариянинг қулоғига шаҳар марказидан келаётган одамларнинг яқинлашаётганлиги эшитилиб турарди. Худди қишлоқдаги дарё ирмоғи чўзилиб кетганидек, бу ерда ҳам деворлар, кўчалар чўзилиб кетган бўлиб, ботаётган қуёш нурлари ва булутларнинг сояси уларга тушиб, оҳишта сузар эди.

У қадрдон жойларини соғиниб, кўнгли бузилиб кетди: ахир у кимсасиз далалардагидек мана бу ерда, шу оёқ босиб бўлмайдиган ярамас шаҳарда йўқолиб кетиши мумкин.

Гешке ишдан қайтиб келиб чақалоқнинг йиғисини эшитгач ва йўргакнинг ҳиди димоғига ургач, ичида: «Мана энди, яна бир бола. Бир ҳафтадан кейин Мария ҳам ўзига келиб қолади», — деди. Тўғрисини айтганда, Гешке Марья илгари қанақа эканлигини аниқ айтиб беролмасди; лекин у турмуши бир оз маъмур, бир оз қийинроқ бўлишини билар эди, кейин бу бир оз маъмур, қийинроқ бўлиб қолган турмушни ҳам яна эскича деб атай берасан.

Иккала ака-ука янги укалари билан қизиқмас эди; қовоғи солиқ Елсена эса чақалоқ гашига тегмагани учун уни севиб қолди, чақалоқ ҳам тез орада худди опасини эмгандек, жон деб Еленанинг шишасидаги сутни сўра бошлади.

Кейинги кунларда Гешке Лапквицадаги ёғочларни ташир эди; бир кун у эрта азонда ишга жўнади, лекин йўлда аравани тузатишга тўғри келиб, маҳалласидаги омборга одатдагидан кечроқ келди. Кеч қолгани учун Гешке бу иш ҳам қўлдан кетмасин, деб қўрқиб жонжаҳди билан шошилар эди; у бир неча баррикадаларни

айланиб ўтди, жойимга етиб олгандан кейин бу баррикадалар нима учун пайдо бўлганлигини сўраб биларман, деди-да, ҳеч қаерда, ҳатто одамлар тўпланиб турган плакатлар олдида ҳам тўхтамади.

Ҳовлисига юк машиналари парки жойлашган омборнинг дарвозаси олдида кеча у билан ёғоч ортишган икки ўртоғи турар эди. Улар Гешкенинг олдида чопиб келишди, лекин уларнинг сўзлари ҳовлига кира беришдаги оломоннинг қулоқни қоматга келтирувчи гаплари, шовқин-суронлари ичида кўмилиб кетди. Бу одамларни худди коптокни тепгандек омбор ҳовлисида ташқарига чиқариб қўйишганга ўхшарди. Дабдурусдан қараганда сирли, ғалати туюлган бу ҳувуллаб қолган ҳовли арава шотилари, ғилдирак излари ва қум уюмлари билан жуда каттадай кўринарди. Бу ерга тўпланганларнинг кўпчилиги каппчиларнинг деворларга ёпиштирилган хитобномаларини кўриб турар эди; кишилар қандайдир зимдан берилган қатъий буйруқни бажаришга шошилгандай, бу варақаларни деворлардан юлиб олиб, уларни парча-парча қилиб йиртиб ташлардилар. Қизил озли бир йиғитча дарвоза олдидаги колонканинг кранини очиб юборди ва чанқаганларни сувга тўйғазаман деганда, худонинг иродаси билан қоядан сув томчилганини кўрганда кулимсираган авлиёдай жилмайиб қўйди; лекин бу йиғит крандан сув келмаганлиги учун жилмайган эди.

Мўъжиза юз берди — умумий иш ташлаш бошланди!

Гўё ўз хоҳиши билан сувни тўхтатиб қўйгандек, Гешке бошқалар қатори кранга жиддий қараб турарди; у лабларини қисар, кўзлари сузилар эди, гўё у «манман»лигини, ўй-хаёлларини, кучини аҳд қилиб қўйган ишида кўрсатмоқчи бўлаётгандай эди. Фақат сувгина тўхтаб қолмасдан, газ ва чироқлар ҳам ўчди, ҳамма муҳим корхоналар, шунингдек ҳозиргача Гешкенинг хаёлида ҳукм сурган ёки қола берса у муҳим деб ҳисоблаган энг зарур фикрлари ҳам барҳам еди. Унинг ҳозирги турмуши ит азобидаги турмушдир, бу аблаҳлар ёпиштирилган хитобномаларда ўзларини ҳукумат деб эълон қилишадиларми, йўқми. Агар улар ҳокимият тепасида қолгундай бўлсалар, у вақтда Гешкенинг бу турмуши ҳам бутунлай барбод бўлади, турмушнинг яхшиланиб кетишига ҳеч қандай умид қолмайди. Одатда у ким ҳақ, ким



ноҳақлигини аниқлашга қийналарди, -балки Лоренц, ёки бўлмаса Трибель ҳақлидир; аммо у бир нарсани жуда яхши билар эди; агар ҳокимият тепасида мана шу, капплар, люттвицлар қолсалар, у ҳолда порлоқ келажак учун куйиб-пишиб юришининг ҳеч кераги йўқ, у вақтда яхши турмуш ҳақидаги охириги орзу-умидлари ҳам барбод бўлади. Уларнинг ёвуз тўдалари ўз саройлари ва министрликларига қайтиб келиб, халқ қонини сўришни умид қилишяпти, халқ эса бусиз ҳам урушда озмунча қон тўкмади! Унинг кўнглида бирдан бу сурбетларга нисбатан қаттиқ нафрат уйғонди, у ҳозир уларнинг ҳаммасини шу ернинг ўзидаёқ отиб ташлашга, шундан сўнг ўзи ҳам бу йўлда қурбон бўлишга тайёр эди, чунки унинг бундан кейинги ҳаёти ҳеч кимга кераги йўқдай туюларди. Омборга йиғилган кишиларнинг ҳаммаси ҳам шундай нафрат билан тўлиб-тошган эди. Ахир бу сурбетлар эндиликда уларнинг оғизларидаги еб турган нонларини ҳам тортиб олиб, уларни нон топиш умидларидан ҳам маҳрум қилмоқчилар; энди улар бу мурдорларнинг ҳаммасини қириб ташлашга, агар керак бўлса ўзлари ҳам шу йўлда ҳалок бўлишга тайёр эдилар.

Гешкенинги ишни қўлдан бой бериб қўйишдан қўриқиб омборга шошилиб келган пайтидан то энг муҳим бўлиб туюлган нарса йўлида ўз жонини қурбон қилишга ҳам жазм этган дамгача, Мария боласини эмизиб олгунчалик вақт ўтди. У боласини саватга солиб, уй юмушларини саранжомлашга тутинди. Лекин шу пайт зинапояда қўшни хотинларнинг вайсашлари ва у ёқдан-бу ёққа югуриб юришларини эшитиб қолди. Унинг эшигини тақиллатишди ва биринчи бўлиб Мельцер хоним кириб келди; Мария нима воқеа рўй берганлигини билди. Аввало у фақат бир нарсани: боққоллик дўкони бекилганини, газ ўчириб қўйилгани сабабли арпа ёрмасини сотиб олиш мумкин эмаслигини тушунди. Сикин-аста Мариянинг ошхонаси хотинлар билан тикилиб кетди; улар очиқ эшикни кўриш биланоқ, ўзларини ўша ёққа урар эдилар. Хотинлар худди айрим хонадонларнинг ўрта деворлари йиқилиб тушгандек бўсағаларга келиб ўтиришарди. Ниҳоят, шу яқин ўртадан ўқ товушлари эшитилди: каппчилар отряди марказга ўтиб олишга ҳаракат қилар эди. Мария боласининг қаттиқ ухлаб қолганлигидан хурсанд эди. Гешке уйга одам юбориб, ка-

сал ётган қизимга айтинлар, солдат халтамни олиб, омборга етиб келсин, деганига Мария ҳайрон бўлди; Мария бир илож қилиб қизчани ўрнидан турғизди. Қизча ҳали кетгунча ҳам бўлмай, омборда ишлайдиган бир йигит келди-да, халтага тўлатиб патрон тикиб берди, қизча ҳамма нарсага дарров ақли етгандек, югуриб чиқиб кетди. Мария гарчи буйруқнинг маънисини эмас, балки оҳангинигина тушунган бўлса ҳам индамасдан қизчага ёрдамлашди. Кейин Гешкенинги олдидан яна бир одам келди — Мария бу йигитни танимас эди; у ошхона жавонини нарироқ суриб, пол тахтасини кўтарди-да, у ердан Гешке фронтдан қайтиб келгандан кейин бекитиб қўйган милтиқни олди. Мария уйда қурола бор, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Умумий иш ташлаш уни ҳам ўз талабларига бўйсундирганидек, у ломим демасдан бу ғалати буйруқларни бажарди. Қизча қайтиб келди, у иситмада куйиб-ёнаётганига қарамасдан, акаларининг топиб, отангининг олдига олиб бор, деб тайинланган эди. Учала бола патронларни қўшинларни тўхтатиш учун уларга қараб отадиган ишчиларга тарқатишда оталарига ёрдамлашишлари керак эди. Болалар кечга томон қайтиб келишди, Мария қўрқиб Гешкени сўраган эди, болалар унинг тўғрисида ҳеч нима билмасликларини айтдилар. Улар онасининг сийнасини тамшаниб-тамшаниб сўраётган укаларига ҳаваслари келиб, қараб қўяр эдилар, чунки бугун улар иссиқ овқатсиз қолган эдилар. Гешке кечаси ҳам уйга қайтмади; Мариянинг қулоғига етган хабарларга қараганда, оқларнинг қора ниятлари амалга ошмабди. У бир ишчининг яраланиб ўлганлигини ҳам эшитди. Бу ёши бир ерга етган, ювош, бола-чақалик, урушнинг биринчи кунидан то охиригача армияда бўлган киши эди. Аммо Карпатда ёки Аргопи ўрмонида эмас, балки Розенталерштрассе кўчасида ажали етиши пешонасида бор экан. У мажлисларга чопувчи кишилардан ҳам эмасди, жон деб уйда, бола-чақалари билан ўтиришни яхши кўрар эди, спартакчиларга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, унинг исми ҳеч қаерда тилга ҳам олинмасди. Шунинг учун ҳам бу кеча одамлар унинг тириклигидагига қараганда, кўпроқ ҳалок бўлганлиги ҳақида гапиришди. Агар, улар баъзида бир-бирлари билан жанжаллашган, баҳслашган, ҳатто бир-бирларини ёмон кўрган бўлсалар ҳам, бугун улар жуда хурсанд, иноқ эдилар, чунки

энди яна келажак ҳақида, шайкалар ҳайдаб чиқарилган бу мамлакат эндиликда қандай бўлиши тўғрисида жанжаллашишлари ва баҳслашишлари мумкин.

Гешке эртасига тушда қайтиб келди. Иш ташлаш тамом бўлди. Ошхона жавони ҳамон ёнламасига турарди, чунки милтиқни кеча кечқурун олиб келишди, уни яна жойига қўйиб қўйиш керак эди. Уша вақтда, урушдан кейин, Гешке узоқ ўйламасдан, уни дуч келган жойга беркитиб қўйган эди, Гешкенинг яқин дўстлари ҳам, маслаҳатгўйлари ҳам йўқ эди. У яхши қуролни топширгиси келмаганидан шундай қилган эди.

Мария ҳайрон бўлиб Гешкенинг чурқ этмасдан менадан яшириб юрган сирлари ҳам бор экан, деб кўнглидан кечирди. Энди уйда иккита муҳим жой бор эди; биттаси чақалоқ ётган, илгари кийим-кечак турадиган сават-у, яна бири ошхонадаги қурол сақланадиган ертўла. Гешке ҳам Марияга ўхшаб ўз сирлари ҳақида шилқимлик билан берилган саволларга жавоб беришдан бош тортарди.

— Сен бу тўғрида менга ҳеч нима демагандинг?— деди Мария.

— Нима кераги бор?— деб жавоб берди Гешке.

## II

Кичик Венцловнинг қўшписи майор фон Мальцан эрта эвинда у билан бирга Берлинга жўнади; отасининг дўсти бўлганим туфайли шундай қилиш менинг бурчим, деб тушунтирди у хотинига. Шаҳарга келишгандан кейин майор йигитчани шаҳар четдаги қандайдир бир ресторанга бошлаб борди, бу ерда хотиржам гаплашиш мумкин эди. Лекин ресторан берк экан: иш ташлаш муносабати билан ресторан хизматчилари ҳам, ошпазлар ҳам ишга келишмабди. Шундан кейин майор билан Венцлов трамвайлар ҳам юрмаётганлиги туфайли Момзенштрассе кўчасидаги юстиция маслаҳатчиси Шпрангерникига пиёда жўлашди. Мальцан, Шпрангер чол ва урушда ҳалок бўлган Венцловнинг отаси болалик чоғларидан дўст эди.

Юстиция маслаҳатчиси Шпрангер уларни нонушта қила олмаганликларининг ҳиссасини чиқариб юборди:

стол устида ҳар хил ароқлар, кирш, кюммель, брэнди винолари ва ҳатто қадимий француз коньяги ҳам пайдо бўлди: шишаларнинг сиртини қалин чанг босган эди.— Эскилик латофати ана шундай сақланыпти,— табассум билан тушунтирди Шпрангер.

— Сен ҳаммасидан ҳам олдин,— деди Мальцан,— мана бу ўғлимизнинг ақлини пешлаб қўйишинг керак. Биласанми, бугун эрталаб Эргарт бригадаси ҳаракат қилган вақтда Бранденбург дарвозалари олдида Людендорф билан ёнма-ён бормаганлиги уни азоблаётган эмиш.

Шпрангер ҳамон жилмайиб тураркан, жавоб берди:

— Виждон азоби — ёшлик имтиёзидир.— Сўнг Венцловнинг ғамгин навқирон чеҳрасига бирров назар ташлади-да, бошқа оҳангда гапира бошлади:— Булар биз учун унчалик оғир иш эмас: ахир, мана кўз олдимизда инсон ҳаётининг энг характерли қарама-қаршиликлари турибди. Тил бошқа-ю, дил бошқа.

Венцлов Шпрангерга диққат билан қараб қўйди. Ҳар ҳолда Шпрангер бекордан-бекорга бир неча ўн йилдан бери адвокат бўлиб ишламаган. Берлиникларнинг кўпчилиги, у ниҳоятда камгап, худди тажрибали жарроҳдай иш тутади, дейишлари бежиз эмас. Шу вақтгача унинг мижозлари амалдорларга, ҳатто сарой бюрократларига тааллуқли бўлган кишиларнинг оила аъзолари бўлган, шунинг учун ҳам Шпрангер бундай кишиларнинг энг чалкаш шахсий ва хизмат ишларини олиб борганда, шубҳасиз, юқорида айтилган сифатларга амал қилар ва ҳақиқатда ҳам бир операциядан иккинчи операцияга бепарволик билан ўтиб кета берувчи жарроҳин эслатар эди. У матбуот ва кинога алоқаси бор суд ишлари бўйича ва илгарилар энг кўпи билан номус судида кўриладиган, ҳозир эса, урушдан кейин баъзи бир шахсларнинг ҳаракати билан сиёсий ишга айланиб, жамиятнинг расмий доираларида кенг баҳо оладиган процесслар бўйича мутахассис эди.

Шпрангер меҳмонларига сигара тутди. Бундай сигараларни на пенсия олувчи Мальцан ва на лейтенантлик маошини оладиган Венцлов чекишга кучлари етар эди.

— Азизим Фриц,— деди у,— мен одатда муваффақият қозониш учун озгина бўлса ҳам бирор имконият мавжуд бўлгандагина жинойий ишни ҳимоя қилишга киришаман. Акс ҳолда ўзимнинг адвокатлик хизматла-

римни алдамчиликдан бошқа нарса эмас деб ҳисоблар эдим. Шунинг учун ҳам аллақачонлароқ баъзи бир жанобларга мен бундай фитналарга қўлимни ҳам теккизмайман, деб айтганман. Бошқа виждонли кишилар ҳам худди шундай жавоб қилганларидек, мен шу жанобларнинг ўрнида бўлганимда бундай ишлардан ўзимни на-рироқ тутардим. Балки бугун эрталаб бўлиб ўтган воқеа аралашига арзийдиган, диққатга сазовор воқеа-дир. Лекин, афсуски, бундай енгил-елпи фитнес билан Германияни ағдар-тўнтар қилиб бўлмайди; бунинг учун бошқа баъзи бир нарсаларни ҳам қилиш зарур. Буларнинг ҳаммаси эса бевақт, аҳамиятсиз уринишдир, шунинг учун бу уринишлар барбод бўлаверади.

Бу гапларга жиддий қулоқ солиб ўтирган Венцловнинг юзи лип-лип учиб турарди, унинг ҳаяжонланганини бўғиқ овозидан ҳам билиш мумкин эди. У тўсатдан шундай деди:

— Турган гап, жаноб юстиция маслаҳатчиси, ўнгидан келмаган ишнинг пачаваси чиқаверади. Шунинг учун сиз, жаноб юстиция маслаҳатчиси, етарли тайёр-гарлик кўрилмагани бундай фитнесни қўллаб-қувватламаганлар учун бир баҳона бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайсиз шекилли? Демак, ҳалокатга маҳкум бўлган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватламаслик керак экан-да? Ахир бундай ташаббуслар биз қўллаб-қувватламаганимиз туфайли ҳалокатга юз тутяпти-ку! Биз ўз вақтида ҳимоя қилмаганимиз учун у бевақт ҳисобланади!

Иккала чол бу ёш йигитчага насиҳат қилмоқчи бўлиб турган эдилар, шу пайт уй бекаси кириб келди. Меҳмонлар ирғиб ўринларидан турдилар ва уй бекаси столга патнусда бутербродлар қўйгандан кейин, унинг қўлини ўпишди. Бека ҳамма нарсани келтиргандан кейин узр сўради: эри ўз кабинетида ўтирганида уй хизматчисининг киришини ёқтирмаскан, хизматчилар гапга қулоқ солишаркан; кейин шишаларни чанг босганлиги учун ҳам узр сўради; эри замоннинг асарини сезилиб турилишини талаб қиларкан. Шундан кейин, гўё ҳамма нарсанинг озодалигига қапоат ҳосил қилмоқчи бўлгандай, хонага бир назар ташлаб қўйди. Ҳақиқатан ҳам ёзув столидаги глобус, кичкина ер шарига олтин Меркурийлик пресс-папьедан тортиб ҳамма ёзув асбобларигагина латта билан эмас, балки спирт би-

лан тозаланадиган медицина асбобларига ўхшаб ярқираб турар эди; ярқиратиб артилган паркетда ҳамма нарса сувдагидек акс этиб, эрон гилами ҳам сузиб тургандек эди; китоб жавонининг ойнаси ва никоҳ кунда кийилган либосида бор бўйича суратга тушган қизининг портрети ойнаси ҳам шундай ярақлаб турар эди. Қиз Швед элчихонасининг секретарига турмушга чиққан эди; кўпчилик швед хотинларига ўхшаш узун бўйли ва танноз Шпрангер хонимнинг ҳозирги кўриниши ўз вақтида у қизидан ҳам чиройлироқ бўлганлигидан далолат берад эди. Уй бекаси яна узр сўради. Бу сафар булқалар ўрнига нон қовурганлиги учун узр сўради. Иш ташлаш туфайли ҳамма булкахоналар ёпиқ эди.

— Мана кўрдингми, ўғлим,— деди Шпрангер,— бир неча кун олдин мана шу жойда сенинг ўртоғинг ўтирган эди; у менга, иш ҳеч қачон ялпи иш ташлашгача бориб етмайди, чунки бир неча ой илгари социалистлар билан спартакчилар ўлгуича бир-бирлари билан жанжаллашиб қолишган, деб газаб билан уқтирмоқчи бўлган эди.

Фрау Шпрангер уйдан чиқа туриб:— Қўйсанглари-чи, қарга қарганинг кўзини чўқимайди!— деб қўйди.

Мальцан ўз-ўзига мурожаат қилгандай қўшиб қўйди:— Ҳа, агар мана шу капплар, лютвицлар мурожаатномага қўл қўйишни талаб қилмаганларида, халқ ўзи танимаса ҳам унга ишонч билдирадиган бирон номаълум киши топилганда эди, у вақтида иш бутунлай бошқача бўлган бўларди!

— Агарда, агарда, агарда,— деди Шпрангер. У ҳар сўзидан кейин студентлар жамиятига оид бўлган, узук тақиб олган ўрта бармоғи билан столни уриб қўярди.— Агар халқнинг ярми биздан кўра иккинчи ярмига кўпроқ ишончсизлик билан қараганда эди... лекин бунга ҳали узоқ. Уруш тамом бўлганига икки йил ҳам бўлгани йўқ...— Бирдан у Венцловга ўгирилиб, сўзида давом этди:— Мең сени худди ўз ўғилларимдай кўрганлигим учун хотиним ҳамма вақт менга таъна қилади. Мальцаннинг, сен, бола ўз келажигинг билан ўйнашма, дегани тўғри. Биз, чоллар учун сенинг келажигинг зарур.

Мальцан табассум билан шундай деди:— Қайта тикланган ватанимиз учун сен бизга керак бўлганингда, сен яна ёш йигит бўлиб кетасан. Ростини айтганда, биз Шпрангер билан у вақтда жуда қариб қоламиз.

— Биз ҳозир ҳам қаримиз,— деди Шпрангер,— шунинг учун, марҳамат қилиб, ўғлимизни хафа қилма, оз қолди энди.— У қўлини Венцловнинг қўлига оҳишта қўйди.— Ҳалокатга маҳкум этилган нарсанинг қулаб тушишини кутиш нима эканлигини мен ҳам яхши тушунаман. Бунинг устига ниятларинг жуда яхши, шу ниятларинг учун муносиб одамлар хизмат қилиши ҳам шубҳасиз. Ҳамма бало шу ердаки, уларда чидам йўқ.

Шпрангер меҳмонларни меҳрибонлик билан кузатиб қўйишни яхши билар эди, шунинг учун шведга турмушга чиққан қизининг автомобилида элтиб қўйишни таклиф қилди:

— Машинанинг эшикларига герб ва шофернинг консуллик кийимлари сизларни умумий иш ташлашнинг кўнгилсиз ҳодисаларидан сақлайди,— деди.— Меҳмонларни машинага кузата туриб, кулиб қўшиб қўйди:— Яхшиямки, мамлакатимизда мана шу бетартибликларга қарамасдан, ҳар ҳолда ҳокимиятнинг белгиларига нисбатан туғма ҳурмат сақланиб қолган.

Кечқурун Потсдамдаги уйда бу суҳбат яна давом эттирилди. Энди фақат Мальцан гапирар, Венцлов эса жим ўтирар эди. Бир неча соат илгари Шпрангернинг уйида Венцлов ёқлаган фикрни энди учала хотин: Мальцаннинг хотини ва қизи ҳамда Амалия хола қувватлай бошлади. Улар кайзер тез орада Амэронгендан Берлинга қайтиб келади, деб ўзларини юпатар эдилар. Энди эса маълум бўлдики, бошида қўрққанидан Берлиндан қочиб кетган рейхс-президент саройга қайтиб келар эмиш. Венцлов Амалия холанинг қовоқларини солиб, лабларини буриштирганлигини кўриб, холаси ичида ундан жаҳли чиқаётганини тушунди. Венцлов холасининг башарасини нега бунақа бўлиб кетганини билмас эканми! Жияни болалик вақтида иштонини йиртиб келса ёки унга эгилиб салом беришни эсидан чиқариб қўйса, Амалия холанинг юзи ана шунақа бўлиб кетарди. Ҳозир бўлса, жияни фитначиларни қўллаб-қувватламагани учун унинг аччиғи келар эди. Венцлов ичида: «Агар бу нарса бошимга нималарни солганлигини билсанг энди!» деб ўйлар эди. Мальцаннинг қизи унинг енгидан тортиди. У секингина:— Хафа бўлманг, сиз тўғри қилган бўлишингиз керак; мен доимо сизга ишонаман,— деди.— Венцлов қизининг ҳаяжонланган юзига хурсанд бўлиб қаради. Венцлов унинг дўппайиб қолган кўкрагига қа-

раб бўй етай деб қолибди, деб кўнглидан кечирди. Лекин ҳар ҳолда қиз ўпишишга анча ёшлиқ қилар эди.

### III

Кўнгилли корпус офицерларига топширилган шошилинч чақирув, савдо-сотиққа оид телеграмма тарзида берилган эди. Клемм шоферига юкларни олиб Амэнебургга келиш ҳақида буйруқ берди. Шу куни Бекер, эрталаб ёш хоним билан Висбадендаги машиначиникига кетган эди. У биринчи кундан бошлаб хўжайкани ёқтирмай қўйди; хўжайка унга димоғдор кўринар ва умуман хотинларнинг латофати ҳақидаги тушунчаларига жавоб бера олмас эди. «Хўжайка,— деб бир неча бор ошхонада айтган эди у,— шунчалик озғинки, ҳатто суюкларининг қирсиллагани ҳам эшитилади». Шунинг учун ҳам у ҳозир мамнулик билан шундай деди:— Афсуски, хоним фон Клемм уйга таксида қайтадиган бўлиб қолдингиз; жаноб фон Клемм мени Амэнебургга чақиряпти.— Лекин Ленора бамайлихотир:— Ундай бўлса, тезроқ жўнай қолинг, Бекер,— деганида унинг ҳафсаласи пир бўлди. Ахир, Бекерни хўжайиннинг ўзи чақиргандан кейин, уни овора қилишликнинг нима ҳожати бор. Йиллар ўтиши билан жаноб капитан Бекерга хўжайин бўлиб қолган эди.

Ленора бундай чақириқни илгаридан кутган эди. У нима гаплигини биларди. Рур областида иттифоқчиларнинг тумшуги тагига келиб қолган Қизил қўшинлар бутун Германияга таҳдид солмоқда эди. Берлин фитнаси барбод бўлгандан кейин, қизиллар ҳадларидан янада ошиб кетдилар; революцияни бостира олмаган Эберт, мана бошқатдан, ўтган йилгига ўхшаш, пойтахтда уларнинг ишига халақит берганлигига қарамасдан, эски офицерларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Энди у, кўнгилли бригада ва корпусларнинг тарқатиб юборилганлигига хурсанд бўлса керак. Ленора машиначи ўлчаб кўраётган блузкасини ечди. Чиқа туриб, Бекер ичида: «Бу хотинда шарм-ҳаё деган нарса йўқ экан-да, чиққунимча кутиб туришга ҳам тоқати йўқ-а. Назарида одам эмасман, фақат шоферман».

Аммо Клемм учун у, уруш қийинчиликлари ва хавфхатарларини баҳам кўрган киши бўлиб қолган эди; Бе-

кер хўжайинининг буюмларини тезроқ элтиб беришга шошилди; Гёхстга кетишаётганда унинг хўжайини, гарчи мундири ҳали чамадонда бўлса ҳам, яна жаноб капитанга айланиб қолди. Оккупация қилинмаган зонага ўтиб олиш учун улар энг оддий йўлни — Грисгеймга қараб кетадиган йўлни танладилар, чунки бу ердаги соқчилар уларни аллақачонлардан бери билар эдилар.

— Аввало Шлютебокдан почтамитизи оливолишимиз керак,— деди Клемм. Шлютебок «И Г Фарбениндустри» концернининг директорларидан бири бўлиб, унинг виллеси Таунуснинг ён бағрига жойлашган эди; у оккупация қилинган зонадан оккупация қилинмаган зонага ахборот бериб турадиган ишончли шахс эди. Шлютебок — шартти кетиб, парти қолган, ёқаси диккайиб турадиган кўйлак кийиб юрадиган мўйловли, аломат бир киши эди. У рангпар, ёши номаълум одам бўлиб, унинг ташқи кўринишидан урушгача хомашё ва мол бозорларини ахтариб, бутун дунёни айланиб чиққан одамга ўхшатиш қийин эди. Шлютебок Тяньцзинни ҳужжатлар солинган папкасидай, Сиднейни эса, худди ёзув столининг хизматлари эвазига, унга ҳам яхши заказлар ахтариб топиб берар эди. Улар аввало иш важдан дўстлашган бўлиб, кейинчалик ораларидан қил ўтмайдиган бўлиб қолган эди.

Клемм бирор масалада ундан маслаҳат сўрамоқчи бўлганида, Шлютебокни ўзидан катта билиб, ҳамма нарсани атрофлича суриштириб билиб олишга ҳаракат қиларди. Шлютебок ҳам маслаҳат берганида Клеммни ўзидан кичик билиб, баҳона билан ундан анчайин янгиликларни билиб олар эди.

Ҳозир у Клеммдан қайси мижозингизга сотадиган маҳсулотингизнинг ўттиз йиллик кафилини оласиз, кимга катта ҳароратда қайнайидиган тоза қорамой керак экан деб суриштириб билгиси келар эди. Шлютебок намунасини топган. Лекин унинг Клеммга нима кераги бор? Илгарилар бундай буюртмалар мустамлакалардан келиб турар эди. Ҳозир мижоз эҳтимол бирор инглиз ёки француздир, ҳар ҳолда денгизнинг париги ёғида, иссиқ иқлимда яшайдиган бирор кимса бўлса керак. Шлютебок гап орасида меҳмонига бир неча савол берди. Бугун Клемм ташвишли кўринар, лекин ҳар қачонгидек ҳушёр эди.

Клемм харитадан, уни телеграф билан чақиришган жойни ахтариб турганида, хизматкорлар унинг шоферини ошхонада меҳмон қилишаётганди. Клемм қаерга бормасин, уни қанчалик яхши билишса, Бекерни ҳам «Клеммнинг шофери» сифатида шунчалик яхши билишар эди. Хўжайинини конференц-залларда ва офицерлар клубида қанчалик ҳурмат билан кутиб олишса, дўстларининг хизматкорлари ҳам Бекерни гараж ва ошхоналарда шунақа ҳурмат билан кутиб олишарди.

Бир оз тамадди қилиб олишгандан кейин, улар зулмат тун қўйнида яна йўлларида давом этдилар. Клемм бултурги йилни, Шлютебокнинг насиҳатларини, фирма ишлари ва оккупация билан боғлиқ бўлган ҳар хил ташвишларни бутунлай эсидан чиқариб юбориб, шоферига ҳозир урушдан кейин биргаликда босиб ўтган ерларга қараганда хийла хавфлироқ жойга етиб келишларини уқтирар эди. Бекер унинг насиҳатларига жон-дили билан қулоқ соларди. У, ниҳоят, хўжайинининг хотини билан қиллинадиган саёҳатлардан қутулганлигига жуда хурсанд эди. Шунинг учун у машинани шунчалик тез ҳайдар эдики, атрофдаги кишиларнинг башаралари зўрға кўринар эди. Темир йўл изининг бир жойидан кесиб ўтишда Бекер одамларнинг қовоқларини солиб, шубҳа билан қараб турганларига кўзи тушиб қолди. Гарчи Бекер билан хўжайини гражданча кийиниб олганларига қарамасдан, улар шубҳали кўринган эдилар. Улар кул босган далалар ўртасидаги бир неча завод посёлкаларини босиб ўтдилар; бу ерларда энди рейхсвер ва кўнгилли бригадалар солдатларидан ташкил топган қоровуллар, патруллар учраб турар эди. Клемм ва унинг шофери кулимсираб бир-бирларига: қизил плакатларни, шу ҳафта ичи бузилган битимнинг ерда сочилаётган парчаларини, ишлаб чиқариш устидан ишчилар назоратини ташкил этиш тўғрисидаги талабномалари, қизилларнинг бўлинмаларига киришга даъват этувчи хитобномалар, ушбу территорияни босиб ўтиш рейхсверга ман этилганлиги хусусидаги эълонларни кўрсатишар эди. Берлиндан ҳайдаб чиқарилган офицерлар ўз одамларини шу шаҳар ичидан сурбетларча олиб ўтганларидан кейин, деворларга қизиллар томонидан ёзиб қўйилган ёзувлар қиртишлаб ташланган ва қора мой билан бўяб қўйилган эди. «Лихтшлаг» кўнгилли корпуси ва рейхсвернинг патруллари холи ва тинч кўчаларда юри-

шар эди. Бу кўчаларда фақат оёқ товушлари ва шпорларнинг жаранглашигина қулоққа чалинарди, холос, чунки эркаларнинг ҳаммаси ерларда парчаларигина сочилиб ётган ўша битимнинг ҳар бир ҳарфи учун ҳали шаҳар четида жон-жаҳди билан жанг қилар эди. Клемм шаҳардан узоқдаги қишлоқ мактабига жойлашган, қандайдир бир майор Вальдорф штабига командировка қилинган эди. Мактаб ҳовлиси ҳарбий лагерга айлантрилган эди. Дарвозадан сочи ўрилган иккита қиз қараб турарди. Уларнинг юзлари олмага ўхшаш дум-думалоқ бўлиб, чўчиб қараб туришлари қизиқиб қолиб ман қилинганига қарамасдан, ота-оналарининг таърифича, жаҳондаги энг қимматли нарсаларни хароб қилаётган кишиларни кўришга жазм этганларидан гувоҳ берар эди. Клемм машинадан сакраб тушгандан кейин, қизлар кўрқиб қочиб кетдилар.

Бекер солдатлар буфетига қараб йўл олди. Клемм доклад қилишга кетди. Яхшиямки, у ўз вақтида етиб келибди! Капитан Л.ни Хаген госпиталига олиб кетишибди, то ёрдамчи қисмлар етиб келгунча Р. қишлоғини қандай бўлмасин қўлда сақлаб туриш керак эди. Агар бунинг уддасидан чиқилса, у вақтда эртагача бу участкани ҳам душмандан тозалаш мумкин. Клемм харитадан участкани ҳам, ёрдамчи қисмларни тасвирловчи қалам билан чизилган белгини ҳам эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Унинг қовоғи солинди: уруш тамом бўлгандан бери мана шу дақиқагача ўтган вақт тамом бўлган эди. Эндиги гаплар фирманинг ишлари ҳақида бормайди; бу энди бир неча аниқ буйруқларга бўлиниб кетган буйруқ эди. Клемм харитани ўрганнишга шунчалик берилиб кетган эдики, ҳатто кимдир елкасига қўлини қўйганида титраб кетди. Унинг олдида дўсти — вазмин, чиройли Ливен турар эди. Улар бирга мактаб ҳовлисига чиқишди, чунки Клемм ҳозир бошқа ёққа жўнаши лозим эди. Ливен ҳам ўша томонга бориши керак экан. Бекер буфетдан югуриб чиқди. У аввалига хижолат бўлди, кейин Ливенни тапиб кулиб юборди, чунки уни бир неча марта фон Клемм билан машинада олиб юрган эди. У ҳозир икковини яна машинада олиб боришдан хурсанд эди.

Улар шаҳардан чиқиб, ялангликни босиб ўтишди ва қирга кўтарилишди. Ливен шоферни огоҳлантирди — бу ерда баъзи-баъзида автомобиль ҳалокатга учраб ту-

ради, йўлга сим тортиб қўйилган бўлиши мумкин; фақат кечаги кундан бошлаб бу район бутунлай бизнинг қўлимизга ўтди. Атрофда қип-яланғоч буталар, олисда кўкимтир, кул ранг ўрмон, март ойининг илиқ қуёшида жилваланиб турган дарё тармоғи кўриниб турарди. Кўприк қизиллар томонидан портлатиб юборилган бўлиб, ҳозир вақтинча кўприк қурилган эди. Ярми ёндирилган қишлоқ кўзга ташланди. Улар қишлоққа кира беришда оломонни кўриб қолишди; қандайдир бир хотинни ишчиларга ёрдам берганлиги учун арава шетисига боғлаб қўйиб калтаклашар эди. Жимжит қишлоқ қабристонга ўхшарди. Бутун район то Р. қишлоғигача ўраб олинган эди. Худди душман территориясида — қардадир Арденна ёки Украинада юргандек ҳис қилинар эди. Улар қирдан қирга ошиб, бир неча қишлоқни босиб ўтдилар. Нимадир ҳуштак чалиб ҳавони ёриб ўтдида, машинанинг иккала ойнасини ҳам тешиб кетди. Машинанинг орқасида ўтирганларга фақат осколкаларгина сачради. Улар тайинланган жойга етиб келишгандан кейин, Бекер машинанинг эшигини очмоқчи бўлган эди, кучи етмади. Шофер узр сўради, унинг ранги бўздай оқариб кетган бўлиб, ўрнидан кўзгала олмас эди; камзули қонга беланган эди. Машина ойнасини тешиб ўтган ўқ унга теккан экан. Лекин, у хўжайинини тайинланган жойига олиб бориш учун тишини тишига қўйиб машинани ҳайдай берган эди. То ярадорни ўринга ётқизгунларича, Клемм уни қучоқлаб олиб суяб борди; кейин Бекернинг ярасини боғлаётганларида унинг ёнига яна кирди. Улар уруш вақтида хўжайин ҳам ана шунақа ярадор бўлганда, Бекер ҳам уни суяб келтирганлигини эслаб кулишди.

Яра унчалик хавфли эмасди, бир оз чақа бўлибди, шу туфайли Рур учун олиб борилган жанглар тамом бўлгандан кейин, Клемм билан Ливенни Бекернинг ўзи Гёхстга элиб қўйди. Клемм Шлютебокнинг уйига етганда машинадан тушиб қолди. У бу томонга келаётганда буйруқни шу ерда олган эди. Ливен Клеммнинг таклифини қабул қилиб, дам олиш учун уникига — Эльтвилга боришга кўнди. Чегарадан ўтиб олиш учун унга вақтинча кимнингдир пропускасини топиб беришди.

Ленора эрининг машинаси келиб тўхтаганлигини эшитганида ҳали ўрнида ётар эди. У алам билан ичида: «Мана, улар қизилларни тор-мор қилишди, жанглар

тамом бўлди. Хўш, шу вақт ичида мен нима қилдим? Унинг уйини қўриқладим». У кул ранг шойидан тикилган халатига бурканди. Бу халатда у янада ориқроқ ва нозикроқ кўринарди. Сочларини бошига турмаклади, лекин сочи яна тўзиб кетди. У ҳуштак чалиб, сакраб-сакраб зинапоядан тушди. Бекер машинанинг эшиги ёнида турар эди. Лекин машинадан Қлемм эмас, бошқа бир номаълум киши тушди. У ўзини танитиб, жилмайганича шошилмай Ленорани кўздан кечири бошлади. Ливенга қачонлардир Вещлов турган хонани беришди. Нонуштага ўтиришганда, Ленора уй бекасига муносиб кийиниб олган эди. Ўзини ёш хонимга ўхшатмоқчи бўлган бу қизча, — деб ўйлади Ливен, — тирноқларини палапартиш олибди. Леноранинг кул ранг кўзлари тез-тез ўзгариб туриши Ливенга ёқиб қолди. Шунинг учун ҳам у шу заҳоти бу ерга машинада келиш хатарли эканлиги, машиналарга ёнилги қуйиш пункти, машина ойнасини тешиб ўтган ўқ ва Бекерга ҳақиқатан ҳам ишониш мумкин эканлиги ҳақида ҳикоя қила кетди. Улар тушдан кейин то хуфтонгача Рейн устидаги айвончада ўтиришди. Осмоннинг ҳар ер-ҳар ери дарз кетгандай, булутлар тепасида иккинчи ҳақиқий осмон бордай туюлар эди. Бу иккинчи осмоннинг нурлари пастроқдаги оддий осмоннинг ёрилган жойларидан ўтиб, узоқдаги қишлоққа, ўрмон ёқасига, жавдаризорга, паромга ёғилиб тургандай эди.

Ҳар томондан карнай овозлари жараңлаб кетди — узоқдаги казармаларда «Salut aux Armes» бошланди. Майнцдан оркестр товушлари эшитилди — қандайдир ҳарбий қисм кўрикдан ўтар эди. Ҳаво яна бурканиб олди, фақат ғарбда ёруғ шафақ қолди; бу шафақ анчагача, ҳатто Рейннинг нариги томонидаги ялангликлар чароғон бўлиб, баржа, пароходлардаги чироқларнинг нурлари сувда акс этган вақтгача ҳам қизариб турди. Ливен миясига келган нарсаларни ҳикоя қилар эди. У хотираларга бой эди. У кўп нарсани бошидан кечирган ва анчайин китоб ўқиган эди. Ленора унинг ҳар бир сўзига эътибор берар эди. Леноранинг назарида Ливен у бир хилда деб ҳисоблаган ҳаётнинг бениҳоя тўлалигини акс эттира билувчи қандайдир сеҳргарга ўхшарди. Агар Ливеннинг ўз бошидан кечирган саргузаштлари тамом бўлиб қолса, у мана шундай шароитларда ўзига қараганда кўпроқ ишни бошидан кечирган дўстларини эслар

эди. Юлдузлар чарақлаб кетди. У юлдузларни яхши биларди. Ленорага ҳеч ким шу вақтгача юлдузлар туркумини кўрсатмаган эди. У ҳайратланиб Ливеннинг гапларига қулоқ солар, гўё буларнинг ҳаммасини — Етти қароқчи юлдузлар туркумини ҳам, Хулкарни ҳам Ливеннинг ўзи кашф этгандай эди. Ливен бу фикр гўё унинг миясига ҳозир келгандай, бепарволик билан шундай деди:

— Тепамда юлдуз тўла осмон, кўнглимда абадий қонун. Мана шу қонун, большевикларнинг ҳамма қора ниётларига қарамасдан, мени рус асирлигидан қутқарди, ҳамма хавф-хатарлардан омон сақлаб, Финляндияга, генерал Маннергеймнинг ҳузурига бошлаб борди, кейин Германияга олиб келди. Мана шу қонун туфайли мен Германияга, спартакчиларни қувиб чиқариш лозим бўлган фурсатда етиб келдим, Рур учун олиб борилган жангларда қатнашдим, ниҳоят бу ерга келдим. Ўхшашларни танлаш назариясининг тасдиқлашича, кишилар ўртасидаги учрашувлар тасодифий бўлмай, балки Орион юлдузлар туркумидаги юлдузларнинг ҳаракатига ўхшаш абадий, муқаррар бўлган қонунлар асосида содир бўлади, — кейин у қўлини Леноранинг қўлига қўйди. Ленора қўлимни тортиб олсам қалай бўларкин, деган хаёлни кўнглидан ўтказгандай пешонасини тириштирди.

«Қўлингни тортиб ололмайсан, — деб ўйлади Ливен, — бу ерда яна бир кунгина турсам ҳам, сени алғовдалғов қилиб ташлайман. Мен бу ердан узоқларда юрганимда ҳам, мени эслаб юришинг учун сенга бирор эсдалик қолдирмоқчиман».

Қизилларнинг бир тўдаси, — деди у яна, бу ерда Ленора билан кўпроқ ўтириш учун, — биздан қочиб, Рейннинг нариги тарафига ўтди, оккупация қилинган зонага ўтиш эса маъ қилинган, шунинг учун эртаси куннёқ иттифоқчилар уларни яна орқаларига қайтариб юбордилар. Ҳозир биз уларни қамаб қўйганмиз.

Ленора: — Уларни отиб ташлашган бўлса керак? Душман билан иноқлашиб кетадиган бунақа қаланғи-қасанғилар учун бу яхши сабоқ, — деди. Ниҳоят, у қўлини бир амаллаб тортиб олиб, болалар хонасига қараб чопди; ухлаб ётган боласини кўрди-да, сўнг ҳуштак чалиб қайтиб келди.

Ливен: — Сиз Достоевскийнинг асаридagi бир ёш жувонга ўхшаб кетасиз, — деди. — У бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай нозик бўлган. — Ленора кулиб юборди.



Достоевский деган номни у сира эшитмаган эди. У ўзи таниган одамлар ичида Ливенчалик кўп китоб ўқиган кишини учратмаган эди. Ливен бўлса ёшлик вақтларини — аввало Болтиқ бўйида, қариндошларининг именьесиди, кейин Петербургдаги рус-немис гимназиясида ўтказган вақтларини ҳикоя қила бошлади. Шунинг учун у, Ливен, ўша вақтларда бир ўзи умр кечирган ва ноилож, болалигидаёқ китоблардан дўст топишга ўрганиб қолган. Родион Раскольников ва Иван Карамазовлар унинг энг яқин дўстларидан бўлиб қолган. Ливен бу икковини ҳикоя қилиб бериб, кейин Ленорага шу китобларни юборишни ваъда қилди.

Эртасига эрталаб иккови Висбаденда овқатланмоқчи бўлди. Иккови ҳам зимдан тил бириктирган кишилардай бир-бирига қараб жилмайишар эди. Бекер Ливен Клеммининг энг яқин дўстларидан бири эканлигини биларди. Буларнинг иккови ҳам лозим бўлган пайтда ё дўқ уриб, ё ўртоқларча гаплашишга уста эди. Бекер ўзини баланд олиб юрадиган хўжайинларни ҳам, ҳар бир гапига «марҳамат» сўзини қўшиб гапирадиган хўжайинларни ҳам ёқтирмас эди. Ҳар ҳолда ҳозир, мана бу Ливеннинг тиззаси аҳён-аҳёнда ипак пайпоқ кийиб олган Леноранинг оёқларига тегиб турганлиги туфайли Бекер ичида Клеммдан сал нафратланди.— Бу жаноблар қанчалик гердаёмасинлар, барибир улар ҳам бизга ўхшаб муваффақиятсизликка учрайдилар.— Бекер шофер ўтирадиган жойнинг рўпарасидаги ойнага қараб, бу гаплари ҳақ эканлигига қаноат ҳосил қилиши мумкин эди. Бекерга номаълум қандайдир бир сабабга кўра хизматкор Элла унга бошқача муносабатда бўлиб қолган эди.

«Кайзергоф» меҳмонхонасига етиб келишганидан кейин, Ливен шундай деди:— Энди, азизим Бекер, яхши-лаб овқатланиб, ичиб олишни унутманг, албатта, харажатлар менинг ташимдан.

Столга ўтиришганидан кейин Ливен билан Ленора овқатларнинг хили кўрсатилган карточкага энгашган эди, чаккалари бир-бирига тегиб кетди. Гарчи Ленора касислик руҳида тарбияланган бўлса ҳам Клеммга турмушга чиққандан кейин овқатларнинг нархлари билан қизиқмай қўйган эди, Ливен эса «Кайзергоф»даги Ленора билан бирга овқатланиш учун маошининг ярмидан кўпини сарфлашга ҳам тайёр эди. Ливен мана шу қисқа муддат ичида Леноранинг турмушини бир умрга остин-

устун қилиб ўзгартириб юбориш фикридан қайтмади. У бошқаларнинг турмушига аралашини ёшлигидан ўз ҳукмини ўтказишнинг исботи деб билар эди. Бундай аралашини мактабдош дўстигами ёки дастлаб ошиқ-маъшуклик қилиб юрган қизлардан биронтасига тааллуқлими, унга фарқсиз эди. «Ҳатто ҳозир,— деб ўйлади у,— Ленора кеча мен келган вақтимдагига қараганда бутунлай бошқача бўлиб кетди».

Овқатланиш залида улардан бошқа немис йўқ эди, ўз дўстлари билан келган француз офицерлари эса анчагина бор эди. Ливен Петербургда ўқиб юрган вақтида француз тилини дурустгина ўрганиб олган эди. Қўшни столда ўтирган икки лейтенант — иккаласи ҳам асл немислардан экан, лекин шубҳасиз, яхши оиладан бўлса керак,— дейишди. Ливен таржима қилиб берди:— Улар немис аёлининг қай тариқа айш-ишрат қилишини билишга қизиқишяпти. Леноранинг оппоқ оқарган юзи қизариб кетди. Француз лейтенантлари эса, бу хотиннинг бу ерлик немис аёлларига сира ўхшашлик жойи йўқ, илгарилари уларнинг ҳаммасининг ҳам юзлари дўмбоқ, кўкраклари дўппайган бўларди. Демак, уруш баъзи бировларга фойда ҳам қилибди; улар оқариброқ қолишибди, деб таъкидлаб ўтирар эдилар. Ливен қишки боққа кофе ва папирос келтиришни буюрди.

Бекер хўжайинларни кўпроқ кутаман экан, деб жуда ҳам хурсанд эди. Унинг янги топган жазмани — меҳмонхона оқсочи у билан бирга машина ёнида хўжайинларни кутиб турар эди. Бекер мағрурлик билан ўқ теккан жойини унга кўрсатар эди, бу из унинг буйруғига биноан машина рангидаги локка бўяб қўйилган эди. Кейин у хўжайинини беш марта урушда, Берлинда, Рурда ўлимдан сақлаб қолганлигини санаб кетди. Унинг бу янги жазмани Бекернинг гапларига анграйиб қулоқ солар эди. Ливен хоними билан чиққандан кейин, оқсоч қизикиб уларни бошдан-оёқ кўздан кечирди.

Эртасига Ливен шоферга нонушта қилиш учун бизни Бирштэдтов тоғига элтиб қўясан, деб барвақт буюрди. Ливен ҳам, Ленора ҳам худди бир-бирларига тегиб кетишдан қўрққандай, қимирламай ўз бурчакларига тикилиб борар эдилар. Ливеннинг ёш хонимга кўз қирини ташлаб кетаётганлиги, хоним эса ҳеч нимани кўрмай рўпарасига қараб кетаётганлиги, машина ойнасидан Бекерга кўриниб турар эди. Март кунлари жуда илиқ



бўлганлигидан очиқ ҳавода нонушта қилинса ҳам бўлар эди; кейин улар яйловларни айланиб чиқишди, қайтиб келгандан кейин, териб олган бинафшаларини шиша трубкага солиб қўйишди. Бекерга бу кунни қандай хоҳласанг, шундай ўтказ деб ижозат берилди, улар пиёда юриб томоша қилишмоқчи эмиш, ахир унинг ўзи ҳам, бир кунни ўз майли билан ўтказиб, яхшилаб дам олишга қарши бўлмаса керак; кечқурун эса уларни олиб кетгани меҳмонхонага кела қолсин. Ливен хиёл қулимсираб тураркан, бирга ўтказган бир қанча хавfli кунларга ишора қилгандай буйруқ берарди.

Соат саккиздаёқ Бекер «Кайзергоф»нинг олдига келиб тўхтади. У оқсочин кўришга интиқ эди. Уйдаги Элла бўлса, ваъда қилишдан нарига ўтмайди. Бу қиз эса Бекер қўлини ёқасидан солганда ҳам индамади, аммо мана бу хотинбоз французларнинг бирорта таклифига ҳам қулоқ солмайман, деб қасам ичиб, Бекерни ишонтирди. У Бекернинг хўжайинлари кунни яхшигина ўтказганликларини ҳикоя қилди.— Сайр қилишдими?— Сайр қилиш қаёқда, улар учинчи қаватдаги деразаси боққа қараган, ванна-ли 78-хонани олишиб, бутун кунни ўша ерда ўтказишди.

Бекер бу кеккайган Ленорани ёмон кўрганлигидан, шу заҳотиёқ жаҳли чиқиб кетди; лекин севган хўжайинининг бирор марта ҳам севги бобида омади келмаганлигини Бекер ҳақиқий ишсоний иш деб ҳисоблар эди, бундай ҳолларда табиат тафовутни тап олмайди. Қайтиб келишаётганда Бекер зимдан ойнага қараб қўйди, Ливеннинг юзи хотиржам эди. Шофер кейинги ҳафта ичида хатарли ишлар вақтида ҳам ойнада уни худди ана шундай хотиржам кўрган эди. Леноранинг юзи эса жиддий, одатдагидан кўра ҳам оқариб кетган эди.

Бекер бўлиб ўтган воқеа тўғрисида ошхонада ҳеч кимга ҳеч нарса демади, чунки хотинларга ўхшаб вайсаб қўйиш хонадоннинг шаънига доғ туширар эди. Аммо уларни сиңчиклаб кузатиб юрди, лекин энди кузатадиган ҳеч иш ҳам қолмаган эди.

Эртасига эрталаб Бекерни Майнцга чақирди, у ерда, вокзалда уни Клемм кутиб турар эди. Тўғриси айтганда, Ливен Бекерга ёқар эди. Лекин, вокзалда бошқалар ичидан Клеммни қидириб топар экан, у ичида Клеммнинг хотини ҳам бошқа хотинлар сингари булардан қайсиниси яхшироқ эканлигини ажрата олмайди, деб қўйди. Шунга қарамасдан, у билган-нетганларини

ҳеч кимга айтмасликка қатъий аҳд қилиб қўйди; ахир, унинг «Кайзергоф»да билганлари хотинларнинг ғийбатидан бошқа нарса эмас-ку. Бундан ташқари Клемм билан Ливенга ўхшаш кишилар дарров бир-бирларини отиб ташлашларидан кўрқар эди, у вақтда шундай бир бефаросат ёш хоним туфайли икки обрўли эркак бир-бирига душманлик қилишлари беъманилик эканлигини Клеммга тушунтириши қийин бўлади. Клемм у билан саломлашганда Бекер ўзини анча дадил ва афзал деб ҳис қилди.

Шунинг учун қайтиб келишаётганда, у бу ҳақда оғиз очмаганлигидан хурсанд эди, бундан ташқари у бу кўнгилсиз воқеани деярли эсидан ҳам чиқариб юборганди. Ҳатто Ливен ҳам бу воқеани эсидан чиқаргандай эди, чунки у хурсандлик билан уй эгасини қарши олди. Меҳмон шу кунни кечқурун жўнаб кетди. Клемм эса хотини одатдагидек гоҳ инжиқлик қилиб ҳеч нарса демаслигини, гоҳ ўзига хос тушуниб бўлмайдиган қандайдир кучли ҳаяжонларга берилишини пайқади. Баъзида Ленора, Ливен менга китоб юбормадими, деб сўраб қўяр эди.— Китоб?— Шундай пайтларда у қайси бир рус ёзувчисининг аллақандай романи ҳақида қизгин ҳикоя қила бошлар эди, бу эса Клеммнинг кулгисини қистатарди.

Бир кунни Клемм Ленорага Ливен Силезияга командировка қилинибди, деди. Ливен у ерда поляклар билан жанг қиляпти. Ленора болалар хонасига кириб, ичидан бекитиб олди, у нима учун Ливен хат ёзмаётганлигини энди тушунди. Шунинг билан бирга у Ливен энди ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ҳам тушуниб, Ливен бу ерга келганга қадар қандай хотиржам бўлган бўлса, шундай хотиржам бўлиб қолди. Аввалига Клеммга ёқимли ва ажиб туюлиб, кейинроқ эса ғалаги кўринган назокатлардан асар ҳам қолмади. Ленора эрига шунчаки осойишта, бепарво, эътиборсизлик билан чидаб келарди.

#### IV

Лиза ошхона полини юваётганди; у шанба кунни ҳамма ёқни йиғиштириб, тартибга солмоқчи эди. Христиан оқсоқлаиб ҳовли супураб эди. Чақалоқнинг йиғиси, оғилдаги молларнинг маъраши жимжитликни бузмай, балки атроф чуқур сукунатга чўмганлигидан дарак берар

эди. Лиза бирорта тешиктан бирон нарсани ковлаб олган заҳотиёқ, Христиан билан бир-бирларига қараб илжайишиб қўйишарди. Мана бу лаш-лушлар кулгили хотираларни эсга солар эди. Бир жойда шиша соққа, яна бир жойда сочга қадаладиган тўғноғич ётарди; у ҳатто қачонлардир баққолга бериш учун икковлашиб роса ахтаришган, охири топиша олмаган чақани ҳам топди.

Ошхона эшигидан қандайдир соя кўринди. Эри Вильгельмга кўзи тушган Лиза бирдан кўрқиб кетди, лекин шу заҳотиёқ ўзини босиб олиб, хурсандлик билан:— Э, худойим-эй! Мен сени эртага келсан деб ўйлаб, ҳамма нарсани якшанба кунига тахт қилиб қўймоқчи эдим. Аммо ҳозир етиб келганинг жуда яхши бўлди,— деб бидирлай кетди. Надлер ҳеч нарса демади. У хийла чарчаганга ўшарди. Чарчаганлигиданми, ўша турган жойига, сув тўпланиб қолган ерга ўтирди. Унинг бу қилиғи хотини таажжубланган бўлса ҳам, лекин таажжубланганини сездиришни ортиқча деб билди. Лиза кулиб юборди-да, ҳазиллашиб эрининг атрофини супура бошлади.

Вильгельм Надлер эса, гўё кейинги вақтларда худо билади қаерларда ўтирганкин, жойидан қимирламас эди. У совуқ печкага энгашиб, кўзларини юмди. Лекин кўзи юмуқ бўлишига қарамасдан, рўпарасидаги хотинининг кенг этагидаги йўл-йўл чизиқларини кўриб турар эди; шу туфайли, қалбининг қаъридан чиқиб кўз олдида намоён бўлаётган бутун манзара ва эсдаликлар: Темпельгофдаги каппчилар полкига яқинлашиш, буйруқни кутиш (уларнинг ҳаммасини шаҳар четида резерв сифатида ушлаб турар эдилар), ниҳоят, сўнгги буйруқ олинмагандан кейин секин-аста тарқалган хунук хабарлар йўл-йўл чизиқ бўлиб кўринар эди. Кутилган буйруқ ўрнига, ҳамма иш тамом бўлди, ҳеч қандай ёрдамчи қисм керак эмас; Берлиндаги жанглр тамом бўлди, деган хабар келди; кейин тўп-тўп бўлишиб, шармандаларча киши билмас қочиб бошланди. Капитан Дегенхардт бирор жойга яшириниш иложини тополган кишилар кетсин, деб буйруқ берди; ўзи эса солдатларнинг асосий группаси билан қолди. Капитан унга ҳам жавоб бергандан кейин, Вильгельмнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Бу, ҳар қандай оиладан ажралишдан кўра ҳам баттарроқ эди. Лизанинг йўл-йўл этаги қанчалик бемаъни бўлса, унинг уйга қайтиб келиши ҳам ана

шунақа аҳмоқона эди. Қандай қилиб улар мана шу лаънати умумий иш ташлашни енга олмадилар-а! Лиза югуриб ҳовлига чиқди-да, Христианнинг қулоғига:— Пичоқ бориб суягига қадалганга ўхшайди, билиб қўй, уйда қорангни кўрсатма!— деди. Христиан Надлер эса, жаҳли чиқиб, заҳархандалик билан: «Каппчиларнинг олдига борган бўлса керак. Ҳамма палидлар ўша ерга борган, дейишад»,— деб кўнглидан кечирди.

Вильгельм Надлер солдатча этигини ечди. Мундирини бўлса, қишлоққа киши билмас кириб олиш учун йўлдаёқ ташлаб юборганди. У этигини ошхонанинг ўртасига ирғитди. Лиза оҳиста этикни ёнма-ён қилиб қўйди. Қишқи кўрқутдан бир оз дудланган сон гўшти қолган эди, Лиза ундан бир парча кесиб олди-да, тарелкага шўрва қуйиб, нон кесиб қўйди. Вильгельм гўё бутун аламини қорни очганлигидан олгандек, жон-жаҳди билан овқатга ёпишди. Ҳа, у уйига қайтишни бошқача фараз қилган эди: бир ёки бир неча хизматкор, мардикор ёлламоқ учун кассасида етарли пули бўлади, баъзи вақтларда бир-икки кунга уйига келгундай бўлса, ўз ерида ҳақиқий хўжайиндай хурсандлик, ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишади. Қўлнинг нариги қирғоғида яшовчи барон фон Цизендек баланд пошнали этик кийиб юради, гоҳо қилинаётган ишларни назорат қилади. Ҳамма нарса чиппака чиққандан кейингина, ватанига қайтиш нечоғлиқ бошқача бўлишини Вильгельм эндигина тушунди.

Бундан илгари у қандай қилиб Берлинга кириб олишини ва қизилларни жаҳаннамга улоқтириб юборишнигина ўйлар эди. У ватанини ўйларди. Ҳар ҳолда у ғамхўрлик қилаётганини тасаввур қилар эди. Ахир ўз ҳаётинини шу вақтгача кечириб келган ҳаётингдан азизроқ бўлган нарса йўлида тикиб ҳам юборасан-да. Вильгельм уруш бошлангандан бери кўзига ташланган плакатлардаги сўз ва чақириқларни қизиқиб ўқир эди. Нега шу плакатлар кераку, бошқалари керак эмас? Бошқа сўзлар-чи? Чунки бу плакатлар, бу сўзлар болалик давридан бошлаб орзу қилиб келган ҳукмронлик қилишни, шуҳратни ваъда қилар эдилар. Шуҳрат деганда, у расмий равишда танилган, ҳавас ва завқ уйғотувчи, орденлар билан безатилган шуҳратни тушунар эди. Ҳукмронлик деганда эса, уни мардикор ва батраклардан, қола берса ҳамма деҳқонлардан қудратлироқ қилувчи ҳукмронликни тушунар эди. Бунинг поплар даъват этиб вайсайдиган «Отце

наш»даги шуҳрат ва қудратга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Худованди каримга бундай бемаъни, мужмал шуҳратнинг нима кераги бор? Қола берса, у кўринмайдиган бўлгандан кейин унинг юқоридаги қудратидан нима фойда? Эндиликда эса Германия ҳам, Вильгельм Надлер ҳам ҳеч қандай шуҳрат чиқаролмайди. Эндиликда бир амаллаб Версаль сулҳини тузган ялангоёқлар устин келишди. Бу ялангоёқлар, ўша қўлига қизил лента тақиб олган, Вильгельм уйига қайтаётганда унинг орден ва темир крестларини юлиб олган кишилардир. Шу пайт унинг миясига, энди министрликдаги ўша жаноб ҳам юқори мансабларни эгалолмаса керак, деган фикр келди. Бу жанобга капитан Надлер ҳақида икки оғиз гапириб қўймоқчи бўлган эди. Шунинг учун ҳам у ҳалок бўлаётган кишидай, унинг олдида айбдор бўлиб қолган азоб-уқубатли ҳаёт тўлқинлари — болаларнинг чинқираб йиғлаши ҳам, сигирларнинг маъраши ҳам ва ҳовлидаги тошларга тегаётган супургининг шитирлаши ҳам, уни ўз гирдобига тортаётганлигини эшитар эди.

Вильгельм бўш талинкани тирсаги билан шунчалик қаттиқ туртиб юбордики, талинка полга тушиб парча-парча бўлиб кетди. Кейин каравотга чиқиб ётди, Лиза талинка синиқларини йиғиштириб олди. Вильгельм хотинини:— Бу ёққа кел!— деб чақирди. Лиза эса ҳозир кеч киргани йўқ-ку, ўрнига ётсак, деб эътироз билдирди. Аммо эри яна:— Бу ёққа кел!— деб бақирди.— Сенга гапиряпман!— Вильгельм ҳамма нарсага хотини айбдордай, уни жон-жаҳди билан маҳкам ушлаб, силтай бошлади.

Кейинроқ Лиза Христианга;— Ишқилиб унинг кўзига кўринмагин,— деди.— Христиан бўлса, ўзича, бундан кейин икковинг ҳам кўзимга кўринмасанг яхши бўларди, деб қўйди. Лекин у кейинроқ, ахир акам ҳар ҳолда хўжайин-ку, бутунлай қайтиб келганга ўхшайди, деди ўзига-ўзи. Вильгельмнинг бутунлай қайтиб келиши Лизани ҳам, Христианни ҳам, ҳатто унинг ўзини ҳам хурсанд қилмади. Чунки Лиза мулойим ва хушмуомала Христиан билан жон деб турмуш кечириб берар эди; Христианнинг бўлса ўз акаси билан бирор яхшилик кутадиган жойи йўқ эди; қола берса Вильгельм учун бу ердаги турмушнинг ҳеч бир қизиғи йўқ эди. Христиан тентак эмасди, у акасига нима бўлганини яхши тушунар эди.

Христиан юз берган аҳволдан қутулиш йўлини танлаб қўйган: у ҳар ҳолда деҳқон, хаёллар билан яшамасдан амалда нима иш қилиш кераклиги учун мана шунинг ўзи кифоя. Отаси тириклигида у этикдўзликни ўрганиб олган эди. Бутун умрини курсида ўтириб ўтказиш ўша вақтда унга унчалик қизиқ туюлмаган эди. Лекин отаси, ер болаларнинг ҳаммасига етмаслиги туфайли кичик ўғли бирор ҳунарни эгаллаб олишини талаб қилган эди. Оталари ўлди, ўртанча акаси фронтда ҳалок бўлди. Христиан эса, чўлоқлиги туфайли барибир далада дурустроқ иш қила олмасди. У анчадан бери қариндошлари, таниш-билишларининг пойафзалларини ямаб беришга ўрганиб қолган. Агар у бошқа бўлиб олса, жуда яхши бўлади, чунки у вақтда уни тинч қўйишади. Лизани солдатликни мансаб деб билган Вильгельмга бутунлай топшириб қўйиш ачинарли, албатта, лекин бундан бошқа илож йўқлигини Лизанинг ўзи ҳам аллақачон сезган. Ахир у, хўжалик, қола берса болаларнинг ҳам хароб бўлишига йўл қўя олмайди. Бунинг устига Христиан ҳам қўлтиқ таёғига суяниб олиб на ўзи кета оларди, на Лизани олиб кета оларди!

Уларнинг барчаси мана шу ерга, оилага, хўжаликни мана шундай бошқариш усулига боғланиб қолган. Иккала ака-ука, ҳар қайсиси ўз ҳолича шу оиланинг тор доirasидан, шу хўжаликнинг исканжасидан қутулишга интилар эди.

Лекин бундай уринишнинг ҳар иккаласига ҳам ҳеч қандай фойдаси йўқ эди. Христиан Надлернинг Вильгельмнинг ватан иттифоқи миллатчилари билан ҳам, қизиллар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди; унинг ҳеч нарса билан иши йўқ эди. У жуда деганда тинч қўйишлари учун бирор бурчак топиб, ишлаши мумкин эди, холос.

## ТУРТИНЧИ БОБ

### I

Вильгельм Надлер уйига қайтиб келгандан кейин бу ердаги ҳаёт унчалик чакки эмаслигини тушунди. Хотини кутганидан ҳам ёқимлироқ экан. Ҳар ҳолда ёш, бақувват хотин билан умр кечириш яхши; бунинг устига бу

хотин кун бўйи далада ишлаб, белкуракни ҳар ботирганида қандай қилиб бирини икки қилишни ўйлайди. Иннайкейин, бу ерда, қишлоқда ҳам, Вильгельм ўзига ҳамфирлар топа олиши мумкин экан, улар урушдагина эмас, балки урушдан кейинги йилларда ҳам бошқаларга қараганда кўпроқ нарсани бошидан кечирган Вильгельмни хизматларига яраша қадрлаша олади. «Эман» хўжайини яланглик ва кўл қирғоқларидаги қишлоқлардан келиб турувчи ҳурматли меҳмонларига ўз хонасини ҳар ойда бир неча марта бўшатиб берар эди. Унга анқайиб қараб қолувчи, «Иттифоқ»қа алоқаси бўлмаган деҳқонлар олдидан ўз маслақдошлари тўпланадиган ана шу алоҳида хонага виқор билан ўтиб бориш Надлерга қандайдир ҳузур бахш этарди, бу хонада оёқ остида эман дарахтининг томирлари бўлмай, балки яхшигина гилам солинган эди. Улар бу ерда дунёнинг ишлари нечоғлиқ ёмонлашиб кетгани, бундан кейин ишлар қандай бориши ҳақида очиқдан-очиқ баҳслашишлари мумкин эди. Қишлоқдаги кайфият Вильгельмни ташвишга солди. Эндиликда у гафлат уйқуси босган кишиларнинг кўзини очиб қўйиши мумкин эди.

Надлерни раис қилиб тайинлаганларидан кейин, у ҳалок бўлганларни хотирлаш кунини жорий қилди. Қишлоқ аҳолиси бу ясатилган хонада нималар бўлаётганлигини билишга қизиқиб қолди. Уруш эълон қилинганининг йиллигида Надлер билан унинг ўртоқлари шовқин-сурон солиб ичишди ва «ура» деб қичқиришди, бу қичқириқлар кўчаларга ҳам эшитилди; Версаль сулҳи тузилган куннинг йиллигида мотам йиғилиши ўтказилди, кейин сулҳ шартномасини имзолаган Эрцбергернинг ўлдирилганини яширинча байрам қилишди. Қовоқхонага доимий келиб турувчи кишилар «Альдейтче цейтунг» газетасидан қирқиб олиниб, деворга осиб қўйилган карикатурани томоша қилиш мақсадида «Иттифоқ» жойлашган хонага яширинча кириб олар эдилар. Бу карикатурада Эрцбергер семиз, пакана поп тарзида тасвирланган эди. Ҳатто маҳаллий руҳоний Мэбиус ҳам яширинча шу карикатурани кўришга келарди, у бу маккор Эрцбергерни жуда ёмон кўрар эди. Тўғри, у Эрцбергер ўлдирилгани учун христианлар хурсанд бўлаётганларидан нафратланарди, лекин карикатурани кўрганда у ҳам ўзини кулгидан тўхтата олмасди.

«Уруш қатнашчилари — деҳқонлар Ватан иттифоқи»

правлениеси кўл қирғоғидаги меҳмонхонада ойда бир марта йиғилар эди, у ерда жаноб фон Цизеннинг раислигида сарой ва қўрғон эгалари кенгаш ўтказар эдилар. Улар ҳам бошқаларга аралашмасдан ҳаммалари бирга пиво ўрнига вино ичар эдилар. Фон Цизен ҳозир оиласи билан кўлнинг нариги тарафидаги именъесида турар эди. У ўз машинасида Берлинда бўладиган умумгерман конференцияларига тез-тез бориб турар эди.

Надлер жаноб фон Цизенга жудаям мафтун бўлиб қолганди, у эса ўз навбатида Надлерни ҳар томонлама текшириб, унга ишониш мумкин эканлигига қаноат ҳосил қилган эди; барон энди Вильгельмга муҳим топшириқлар берар ва уларнинг бажарилиши тўғрисида аниқ ҳисоботлар талаб қилар эди. Вильгельм бир вақтларда ўз капитани Дегенхардтнинг қилиқлари ва ибораларини эсда сақлаб қолган каби, Цизеннинг башарасини, унинг гапириш услубини, ҳаракатлари ва аскияларини эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилар эди.

Лиза эри маълум кунларда уйда бўлмаслигидан жуда хурсанд эди; баъзан эри бўлмаса ҳам юмушларни тақатақ тиндирарди, лекин у кўнглига тутиб қўйганидек, бундан бўён Христианни андармон қилиб қўймасликка ҳаракат қиларди. Шундоғ ҳам эрини уйда ушлаб туриш уни анча-мунча ташвишга солаётгани йўқ. Эри хўжалик ташвишларидан қутулиб олиш учун ҳар қадамда бирор уриш-жанжал, бирор қалтис ишга аралашиб ниятида баҳона топишга уринарди. Хотини уни, бир вақтларда Эргарт бригадасида бўлиб, кейинчалик Силезиядаги баъзи жойларга тарқалиб кетган солдатларга ёки Қора рейхсверга қўшилиб кетиш раъйдан қайтаришга ҳаракат қиларди. Вильгельм мамлакатнинг бирор қисми учун бўладиган жангда қатнашиб ёки қатнашмаслигини ҳал қилолмай, иккиланиб юрган чоғларида, Лиза баҳс қилаётган томонлардан бири устун келгунча индамай юрар, деб кўнглини алағда қилар эди.

Христиан ўзига янги жазман ахтара бошлади. Қишлоқ жойда чўлоқ киши учун бу нарса амри маҳол эди. Аммо у ҳамма нарсадан аввал, қандай қилиб бўлмасин этикдўзлик устахонасини очишни ўйлар эди. У этикдўзлик қилмоқчи бўлганлигини айтиб, хонадонларни бирмабир айланиб юраркан, агар этикдўзлик қилсам менга иш бериб турасизларми, деб суриштирар, кейин бир неча минут маъюслик билан жимгина жавоб кутиб турар эди.

кўпинча улар на ҳа ва на йўқ, деб жавоб бериш ўрнига, фақат унинг кўнглини кўтармоқчи бўлишарди, шундан кейин Христиан яна анячли, руҳи тушган ҳолда оқсоқланиб бошқа хонадонларга қараб кетарди.

Ниҳоят, у энг холис ва қайсар деҳқонларга ҳам мурожаат қилди. Христиан бу деҳқонлардан ёрдам сўраб мурожаат қилганда, унинг боқишида илгариги шикоят ва ожизлик бўлмай, балки деҳқонларникига ўхшаш қайсарлик, шафқатсизлик, ғазаб акс этарди. Кейинчалик деҳқонлар унинг бундай боқишларини эслаб, ўзларича, ахир бу йигит урушда соғлигини йўқотган, бошмоқларинини унга яматмасак гуноҳ бўлади-ку, деб қўярдилар. Тўсатдан у черковга қатнаб қолганлигини кўриб, ҳамма ҳайрон бўлди; қўлтиқтаёқ кўмагида чап оёғини босадиган бу чўлоқ бсихтиёр пасторнинг хотини ва учта бўйига етган қизларининг диққатини ўзига жалб қилди. Уртанча қиз душанба куни Христианнинг олдига келиб, туфлисига тагчарм қоқиб беришни сўради. Қишлоқ этикдўзи бу уятсиз хушомадгўйни лаънатлай бошлади, чунки Христиан энди бирорта ҳам ибодатни канда қилмай қўйган эди. Бола-чақаси кўп бўлган пастор Мэбиус эса (каникул вақтида Берлиндан бир неча болаларни эргаштириб пасторнинг яна бир ўғли келганди, улар ҳам бошмоқларини яматишар эди) казарма ҳовлисидаги фельдфебелга ўхшаб, ўз қовмларини черковда қимирламай ўтиришга мажбур қилар эди.

Баъзан Цизен унга автомобиль ёки моторли қайиқ юборар эди. Баъзан якшанба кунлари эрталаб, Мэбиус жуда муҳим ваъз айтмоқчи бўлган вақтларда Цизеннинг аёллари келишар эди. Кўл ёқасидаги меҳмонхонада ҳам, Цизеннинг уйида ҳам пасторнинг Ратенаунинг ўлдирилганлиги ҳақида айтган ваъзларини мақташар эди.

— Тавротда,— деб бошлади Мэбиус минбардан,— бир яҳудий ҳақида ривоят қиладиларким, шу яҳудий муборак аробани ҳайдаб борар экан. Бу аробада худонинг севган бандалари муқаддас лавҳалар сандиқчасини олиб кетаётган эканлар. Муборак аробага ҳўкизлар қўшилган экан, чунки худонинг суйган кишилари деҳқонлар бўлган, улар худди сизларга ўхшаб, чироғларим, ҳўкизлардан от-улов ўрнида фойдаланишган. Шу вақт ҳўкизлар қоқиниб кетганда яҳудий, сандиқча тушиб кетмасин, деб қўрқиб, уни ушлаган. Кейин яҳудийни чақ-

моқ уриб, шу замониёқ тил тортмай ўлган. Нима учун уни чақмоқ урганини биласизларми, чироқларим? Нима, яҳудий сандиқча тушиб кетмасин деб уни ушлаб нотўғри қилибдими? Тавротда,— секин ва таъсирли қилиб давом этди Мэбиус,— унинг салобат билан турганини кўрган тингловчилар янада диққат билан қулоқ сола бошладилар,— Тавротда бу яҳудийнинг ўлимини, киши ўзига ишониб қўлидан келмайдиган ишга уринса, шундай кулфат бошига тушади, дейилган.— Қовмлар чуқур нафас олишди, охирги қаторда ўтирганлар олдинги қаторда ўтирган Цизеннинг оила аъзолари кулаётганларини кўрмас эдилар. Ҳаммадан орқада ўтирган Христиан Надлер кулмас эди, чунки у умуман сира кулмас эди. Шунинг учун унга ким кимни ўлдириши барибир эди; руҳоний нимага ишора қилаётганини у жуда яхши билар эди. Газетада, автомобилда кетаётган икки ёш йигит министр Ратенауни отиб ўлдирилганликлари ҳақида хабар босилган эди: чақмоқ уриши ғалати! Христиан, худонинг кўпчилик бандаларига ўхшаш тагчарм солдиришга мажбур бўладиган руҳоний Мэбиусга астойдил қулоқ солиб, қараб турганлигини сездириш учун кўк кўзларини мўлтиллади, тикилиб ўтирар эди. Христиан акасининг оиласидан ажраб, ҳужрасида ётиб юргандан бери этикдўзлик қилиб топган пулидан ортиқча пул сарф қилмас эди. Инвалидлиги туфайли оладиган пенсиясини йиғиб юраверди. Сулҳ шартномаси тузилгандан бери орадан бир неча йил ўтди, бу орада у унча кўп бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда анчагина пул йиғиб қўйган эди. Пулидан бир қисмини акасига қарз тариқасида бериб туришини айтди. Бунини шунчалик ийманиб айтдики, гўё бу гапи билан акасини хафа қилиб қўядигандай эди. У ўзини паст олиб, уялинқираб: бошқа иложи йўқ-ку, деб қўшиб ҳам қўйди. Ижарачига ҳам қийин бўлаётган бўлса керак, у ҳам бу участка билан боғланиб қолганлигидан хафа, қола берса, пулини қайтариб олишга ҳам розидир, ахир у молотилкадан фойдаланаман деб қарздор бўлиб қолди, бирданига ҳам ижара ҳақи, ҳам машинадан фойдалангани учун ҳақ тўлай олмайди-да.

Худди шу пайтга келиб Надлернинг хўжалиги ҳам ўнгланиб кетди: Берлиндаги меҳмонхоналардан бирининг хўжайини олмаларнинг марказий бозорга келтирилишини кутиб турмасдан ўз вакилини тўғри қишлоққа юборди. Бу вакил октябрь ойида ҳамма ҳосилни менга

топширасиз, деб гапни бир жойга қўйиб кетди. Бир кун и кечкурун Вильгельм Надлер сафаридан жуда хурсанд бўлиб уйига қайтиб келди; у ўзи билан бирга йўлда ёллаб олган қандайдир бир ўспирин болани ҳам эргаштириб келди ва уни бизнинг мардикоримиз бўлади деб таништирди; олмаларни тезроқ териб олиш керак эди. Йигитча мардикорлик қилишга анча ёшлик қилар эди. Бола ориқ ва ҳолдан тойган бўлиб, охирги синфда ўқир эди; олма териб ишлаб келиши учун унга бир ҳафтага рухсат беришган эди; отаси урушда ўлган, онаси, опалари ва почалари кўлнинг нариги тарафидаги цемент заводиде ишлар эди. Онасининг ўғлини кунбай ишлагша юборишдан бошқа иложи қолмаган эди, лекин Надлерга ўғлимнинг меҳнат ҳақига озиқ-овқат берасиз деб тайинлади. Пулнинг қиммати гоҳ чиқиб, гоҳ тушиб турди, шунинг учун иш ҳақига тухум, ун ва ғалла белгиланган эди. Шундай қилганда оила цемент заводидан олинадиган ҳафталик иш ҳақига ўхшаш беварака пулга қараганда ҳеч бўлмаса бирор егулик нарса олган бўлади. Бундан ташқари, бола меҳнат қилиб юрган вақтда, унинг қорини ҳам тўйғазишади.

Бу бола — унинг исми Пауль Штробель эди — кутанларига қараганда ҳам чидамли экан. Тўғриси айтганда, Надлер болани шунчалик тобга олдики, баъзан у чарчаганлигидан қорин очганини ҳам унутиб юборарди. Бундай меҳнатга кўникиб қолган шу ерлик болалар Паулнинг ўз касасини тозалаб яламаганлигидан ҳайрон бўлишар эди. Унинг қулоқлари диккайган, бўтакўз бўлиб, тишлари садафдай эди. Уйда унга: нимаики дейишса ҳам индама, тагин ҳосилни териб бўлгунча хўжайининг билан сан-манга бориб ўтирмагин, деб писанда қилишди. Вильгельм Надлер эса пачоқ бўлса ҳам, вақтинча бўлса ҳам ҳар ҳолда батраги борлигидан фахрланар эди.

— Акангиз анча қаллоб экан, — деди бола, Христианнинг устахонасида ўтириб. Христиан ҳам кулимсираб жавоб берди: — Ҳадемай ундан қутулиб ҳам қоласан. — Йигитча ошхонада индамай овқат еб, Надлернинг танбеҳларини эшитиб ўтирганидагига қараганда дадилроқ гапира бошлади: — Пасхада мактабни тамомлаб Берлинга жўнайман. Пайвандлаш ҳунарини ўрганаман.

— Кўзингни оч, бола, у ерда ҳам роса тинкангни қуритишади.

— Ие жуда бўлса кунига саккиз соат қийналаман-да, қолган вақт бўш бўламан-ку.

Христиан ҳеч нарса демади. У деҳқонлар берлинлик ишчиларни аҳмоқона талаблари учун ҳар доим сўкишларини билар эди; фақат виждонсиз ялқовларгина саккиз соатлик иш кунини талаб қилишлари мумкин; наҳотки, саккиз соатлик ишдан кейин сигир соғиш ёки ўроқ ўриш мумкин бўлмаса? Штробелнинг кетишидан бир кун илгари Христиан унга йиртилиб қолган бошмоғинга янги тагчарм қўйиб берай, деди. Бола кун бўйи шу бошмоқни кийиб юрганлигидан унинг дабдаласи чиқиб кетган эди. Кейин Христиан яна шундай деб қўшиб қўйди: Агар мен саккиз соатдан ортиқроқ ишлашни хоҳламаганимда, сен бошмоғингни яматиб ололмас эдинг.

— Менга қаранг, — деди бола. У чўлоқ Надлернинг устахонасида ўтиришни жуда яхши кўрар эди; бу ерда у Вильгельмнинг уйда сезилмайдиган қандайдир бир нима мавжуд эканлигини ҳис қилар эди; у ўз тенги болаларга ўхшаб, бирор кишида кўнглига ёқадиган нарса бўлса, уни дарров сезар эди. Бу деҳқон оиласи аъзолари ичида молхонадан тахта девор билан ажратилган устахонасида доимо қаққайиб ўтирадиган мана шу индамас ва қовоғи солиқ Христиандагина шунақа хислат бор эди. — Менга қаранг, — деди бола, — бошмоғимга тагчарм қўйиб берганлигингиз, албатта, жуда яхши. Лекин тагчармни худди ўзингизга ўхшаган бир одамга қўйиб бердингиз-да!

Христиан индамади. Бола унга ёқиб қолганди. Шунинг учун ҳам бола шартга мувофиқ нарсаларини олиб, халтасига солиб жўлаб кетганидан кейин Христианнинг унга раҳум келди. Лекин бу бола қишлоқда ҳеч ким эшитмаган анчайин гапларни, цемент заводидагилар орқали қулоғига чалинган ажойиб фикрларни айтиб, Христианда бирталай хотира қолдириб кетди!

Ҳамма этикдўзларга ўхшаб Христиан ҳам тагчармларни болғачаси билан тўқиллатиб ўтириб, эшитган гапларини ўйлаб, хаёл суриб кетарди.

Вильгельм кўп ўтмай яна укасига мурожаат қилди. Энди у ижарачидан қутулиб олгандан кейин, етарли даражада ем-хашак ғамлаб қўйган эди, ем-хашакка эса сигир керак бўлади; анчадан бери бошини қотираётган Лизанинг режаларини ҳам ўйлаб кўриш мавриди келди. Вильгельм иш асбоб-ускуналарини яқиндагина янгидан

ремонт қилдирган эди, лекин у энди мол-қолларини ҳам кўпайтирадиган бўлса, деҳқонларнинг оғзи очилиб қолади. Христиан бир марта унга қарз берган — нимага иккинчи марта бериши мумкин эмас? Аммо Христиан унинг кўнглидагини билгандек, сигир савдоси роса қизиган пайтда оқсоқланиб хужрасидан чиқди-да, ошхонага кириб келди.

— Бу яхудий сигирнинг нархини шунчалик ошириб юбордики, ҳатто олма сотиб топган пулларимнинг ҳаммасини берганимда ҳам етмайди,— деди Вильгельм. Христиан бош силкитиб қўйди; у қўлини пальтосининг бўш чўнтагига тиқиб, лабини қисиб ўзиникини маъқуллаётган даллолга хўмрайиб қаради ва сигирнинг нархини бир оз пасайтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Бўлмагандан кейин Христиан агар акаси взносларини вақтида тўлай олмайдиган бўлса, унга қарз бериб туришини таклиф қилди.

Даллол, Леви чол эса ҳайрон бўлиб, оғзи очилди қолди: шу вақтгача у умрида бундай олий ҳиммат кишини яхудийлар орасида ҳам, христианлар орасида ҳам учратмаган эди; лекин кичик Надлернинг тилхат бермоқчи бўлганлиги шахсан унга кифоя қилар эди. Бу албатта, Вильгельмга янада кўпроқ маъқул тушди. Кейин Христиан кўзларини ерга тикиб, қазноқчасини устахона қилиш учун берган акамга нима бўлса ҳам миннатдорчилик билдиришим керак-да, деганидан кейин, Вильгельм Христианнинг таклифини қабул қилгани учун ўзини жуда олий ҳимматли кишиман, деб ўйлади.

Лиза яна ҳомиладор бўлиб қолди, бу сафар, шубҳасиз, ўз эридан ҳомиладор бўлган эди. Баъзида у эрталаб молхонани тозалаётганида молхонадан тахта тўсиқ билан ажратилган хужрада Христианнинг оқсоқланиб юрганини эшитиб қоларди. Мана у курсисини сурди, мана этикка миҳ қоқаётибди. Христиан акасининг онласидан ҳаммиша ўзини четда тутарди, фақат шу бугун:— Ҳой, Лиза, бир иложини қилиб кичкинагини олиб кирсангчи,— деди. Шундан кейин Лиза унинг устахонасига кирди ва бир қарашдаёқ Христианнинг ишлари чакки эмаслигини тушунди; чарм солиш, ямаш зарур бўлган бу уюлиб ётган бошмоқлар, эҳтимол, унга анчагина даромад келтирса керак, эндиликда у пенсиясига тегмай, мана шулардан келган даромад билан кун кечирishi ҳам мумкин. Лиза:— Қайсисини?— деб сўради.— Христиан бол-

ғачасини дўқиллатар экан, шошилмасдан деди:— Албатта, кичкинасини-да, уни кўргим келяпти.— Хотин яшикка ўтирди.— Кичкинани нима қиласан, олдинда мана шунча этиклар тўпланиб ётибди-ку!— Христиан жавоб бермади; Лиза ўрнидан қимирламамас эди; қорни дўппайиб қолганига қарамасдан, у оёқларини ликиллата бошлади, ҳатто лабларини чўччайтириб, ҳуштак чалмоқчи ҳам бўлди; Христиан унга зимдан бир қараб қўйди-ю, кейин яна ишини давом эттира берди. Хотин оҳиста ҳуштак чалиб, кутиб турарди; шундан кейин Христиан:— Сен қўрқма, Лиза, сенга ўхшаган хотин мендек бир кишига бир кунмас, бир кун яна кўнгил беришини хаёлимга ҳам келтирмайман.— Лиза табассум билан жавоб берди:— Ҳўп, майли. Агар сен кичкинтойни кўрмоқчи бўлсанг, мен дарров олиб келаман, бугун у мен билан биринчи марта картошка қовлашга боради, у катта бўлиб қолди.

Лиза кетди. Тўнғич ўғли билан эри уйда йўқлигига қаноат ҳосил қилиб, кичкинтойини усти-бошини тузатди. Бола онасини кутиб, чўтканинг қилларини суғуриб ўтирар эди. Устахонага киргандан кейин у чарм қийқимларини ўйнай бошлади. Христиан ҳеч нима демади. У худди она-болани сезмагандек болғаси билан миҳ қоқаверди.

Сигир масаласи ҳал бўлгандан кейин, Вильгельм рўзгорини унча-мунча тузатишга киришди. Бир куни у Берлинга борадиган бўлиб қолди.

— Сен анави Левига берганингдек, менга ҳам, акам Вильгельмни кафилликка оламан, деб тилхат бера оласанми, Христиан? Агар бирор маъқул нарса кўриб қолгундай бўлсам, пулим етмай қолиши мумкин.

Кўзлари жуда кўм-кўк, жуда ўткир эканлигини худди ўзи ҳам сезгандек Христиан бошини қуйи солди; маъюслашиб қолди; у бундай кафолатни берганда, ҳар қандай немис судига кунлардан бир кун акаси ундан қанча қарздор бўлиб қолганлиги маълум бўлади, бунинг эса ҳеч қандай зарари йўқ, аксинча фойдали эканлигини шу ондаёқ фаҳмлади. Ахир гап фақат жамғарган пуллари билан бир қисмини беришида эмас, балки бу пуллари эвазига ўртадаги меросдан бир қисмини олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлишида. Ака-ука ўртасида ер тақсимланмаганидан кейин, Христиан ҳунар ўрганиш ва устахонани тузатиш учун акасидан нафақа, шунингдек қариган чоғида маълум пенсия, турар жой ва озиқ-овқат олиши керак. Христиан бундай нарсаларни бир умрга очиқ-



ойдин қилиб ёзиб қўйилишини истарди. Акасининг эса, кейин бўладиган ишларга фаҳми етмасди. У ҳатто Христиан нималарни ёзганлигига ҳам дурустроқ эътибор бермади. Унинг учун муҳими шундаки, ўзининг ва Христианнинг имзоси туфайли зарур бўлган машиналарни қарзга олди.

Христиан бўлса, пулларини ундириб олишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак, у ҳатто Вильгельм берлинлик савдогарга паррандаларини, чўчқа болаларини ва бунинг устига ортиб қолган картошкаларини сотиб юборганида ҳам бу тўғрида оғиз очмади.

## II

Ливен кетгандан кейин, гарчи унинг қайтиб келмаслигини тушунса ҳам Ленора ҳар куни ундан хат кутарди. Леноранинг ҳар куни икки марта бурчакдаги деразадан почтальоннинг келишини кутиб, қараб туришини тез орада уйдагилар сезиб қолишди. Хат ташувчи почта халтасини елкасига осиб, даладан келаётганида худди Эльтвилданоқ дераза орқасидаги Леноранинг юзини, то у бир километрча ердан етиб келгунча, уни кута бериб қаърига тортиб кетган кўзларини кўриши мумкин эди. Лекин хат ташувчи жаноб фон Клеммга фақат хизматга доир хатлар ёки оккупациячи маъмурлардан ҳадиксираб чегаранинг нариги тарафидаги иттифоқлари ва бирлашмалари билан ҳар хил ҳийла-найранглар ёрдамида, алоқа қилиб турувчи маслакдошларидангина хат олиб келар эди. Бу орада Клемм ўз заводининг хизматчи ва инженерлари, шунингдек айрим ишчилардан иборат қандайдир бир уюшма ташкил қилди. Уюшма кечқурунлари тўпланар эди. Бу уюшма Иттифоқ рўйхатларида «Рейн ҳамкорлиги» деб аталар эди. Буларнинг программаси ҳам энг узоқ немис шаҳарларидаги иттифоқчиларникига ўхшар эди. Эльтвиль ва атроф-чекадаги қишлоқлардаги кишилар Клеммнинг қанақа хатлар олиб туришини аллақачоноқ пайқашган эди; улар кечқурунлари қовоқхонада почтальондан суриштириб, билиб олардилар.

Ленора бирор марта ҳам Ливеннинг хатини кўрмаган эди. Бир куни Ливеннинг адресини ўз қўли билан ёзиб юборган хати қайтиб келди. Ўзи ҳам тушуна олмаган,

оғир жудоликдан қийналган ёш хоним, мағрурлигини бир ёққа йиғиштириб қўйиб, Ливенни тирик ёки ўликлигини хабар беришга мажбур қилмоқчи бўлган эди. У бу хатида Ливендан, ўзингиз мақтаган ўша китобларни юборинг деб жўрттага сўраган эди; хат «Эгаси топилмади» деган белги билан қайтиб келди. Ливен Леноранинг ҳаётида шарпа сингари қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлиб кетди-ю, лекин унга аллақандай ғояларни, ажиб цитаталарни, меҳру муҳаббат эсдаликларини ва китобларнинг номларини қолдириб кетди. Клемм ҳозир Ленорага жуда ҳам қўрс, бесўнақай бўлиб туюлар эди. Шунинг учун унинг соддалиги ҳам, аскиялари ҳам, турган-битгани пасткашлиқдир. Баъзида у тасодифан Ленорани қучоқлагундай бўлса, Ленора унинг бу қилиқларига зўрға тоқат қилар эди. Клемм бир куни чидолмаганидан корхонада илгариги ўринбосар бўлиб ишлаган амакиваччасига (бир вақтлар Клемм уни ишдан бўшатган бўлса ҳам, лекин ҳозир оғаничилик орқасида унга ёрдамлашиб турарди), Ленора, қизлигида кўп нарсаларни ваъда қилиб, эрга теккандан кейин бутун меҳру муҳаббатини болаларга қўювчи хотинлар типидан кўринади, деди. Дала госпиталида Клеммни ҳайрон қолдирган илгариги ҳаяжонлари, уйга биринчи марта қайтиб келганда уни бутунлай гангитиб қўйганлиги ҳам шундан бўлса керак.

Бир куни овқат вақтида Клемм дўсти Эрнст Ливеннинг Польшада қўзғолончиларга қарши жангларда иш кўрсатганлигини гапириб қолди. Одатда ранги зоҳир хотинларнинг ранги оқариб кетгандай, Леноранинг ҳам ранги хиёл ўчди, юзи тагидан оқариб кетгандай бўлди.

«Рейн ҳамкорлиги»нинг кечки йиғилишларида Ленора гарчи у бу соҳада одатда анча бепарво бўлса ҳам тўсатдан ўзини ҳақиқий уй бекасидай тута бошлаганидан Клемм хурсанд эди. Шу кеча «Ҳамкорлик» аъзоларининг келинлари, хотинлари уй эгасининг докладини эшитиш учун, ҳаммалари юқорига кўтарилишди; улар меҳмондўстлиги туфайли энди Ленорани ҳам мақтай бошлаган эдилар. Кабинет торлигига қарамасдан, ҳаммага жой топилди. Бу ерга чой, вино ва уйда тайёрланган печеньелар келтирилди. Бекерни ҳам юқорига таклиф қилишди. Клемм бундай деди:—Йиғилганларнинг ҳаммаси, ким бўлишигидан қатъий назар азиз меҳмон-



ларимиздир.—Буларнинг йиғилиши синфий қарама-қаршилиқлар ҳақидаги марксистик сафсаталарнинг нотўғри эканлигини исбот қилишга хизмат қилсин. Эрининг буйруғига биноан фон Клемм хонимнинг унга, Бекерга ҳам чой қўйиб беришга мажбур эканлиги Бекерга жуда ҳам ёқиб тушди. Утирганларга айлантириб чой қуюлаётганлиги туфайли, аввало унинг пиёласига, кейин эса директор Шлютебокнинг пиёласига чой қуюлар эди. Буқун бу ерга Шлютебок ҳам келиб қолган эди. Йиғилишдан кейин Клемм уни ҳам докладда иштирок қилишга кўндирди. Улар Люксембургдаги ўз фирмаларининг филиалларини бирлаштиришга ва уларни француз фирмаси ниқоби остида рўйхатга олдирishга келишишди. Шундай қилганда ҳарбий товонларни тўлаш ёки тўламаслик билан боғлиқ бўлган барча кўнгилсизликлардан қутулиш мумкин. Амэнебургда улар дарров бир қарорга кела қолдилар: шармандали Версаль сулҳи уларнинг илгариги ном чиқарган корхоналари шаънига доғ туширмаслиги керак. Кейин икковлари Шлютебокнинг машинасида Эльтвилга қайтишди. Бекер бўш бўлганлигидан, бошқалар қатори докладни кутар эди. Бу номаълум ёшдаги чол Шлютебок ўз маслакдошларидан бир неча марта «Рейн ҳамкорлиги»нинг таърифини эшитган, шунинг учун у Клеммнинг ўз заводида шунчалик чаққонлик ва одамларни таниб, ташкил этган намунали ташкилотнинг иши билан шахсан танишишга аҳд қилганди. Директор кайфи чоғ бўлганлигидан, унчалик қистатиб ўтирмай йиғилишга қолганди. Хизматга оид ишлар ҳақида Клемм билан бўлган суҳбатларда Шлютебок, суркалаётган вақтида дарахтларга зарар келтирмайдиган, юқори ҳароратда қайнайди-ган қора мой Клеммга нима учун керак бўлганлигини пайқаб олди: маълум бўлдики, у иссиқ иқлимдаги жойларга эмас, балки Франциянинг жанубидаги катта боғдорчиликларга зарур экан. Шлютебок кирганда Клемм, худди шу ерда, Рейн бўйидаги аҳоли орасида Германиянинг муҳим территориялари бирлиги ҳақидаги тушунчани қўллаб-қувватлаш печоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини ва шарқдаги энг жанговар районларда герман кўнгилли корпусини иложи борича дадилроқ ишга солиш зарурлигини меҳмонларининг миясига сингдираётган эди. Клемм ёзув столи устида осилиб турган хаританинг маълум бир нуқтасига байроқча

қадаб қўйди; бир герман кўнгилли корпуси томонидан атака қилинган Силезиядаги Аннабергнинг тақдири, биз учун Таунусдаги Фельдбергнинг тақдиридан ҳам яқинроқ бўлиши керак. Душман ватанимизни шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам исканжага олиб қўйди; шарқда бу исканжа Силезияни ўз қўлида ушлаб турибди, ғарбда эса Рейнгача боради. Биз бу ерда санкция ёрдами билан қўлга киритмоқчи бўлган нарсамизни (бундан биз Лондон конференциясидан бери зиён кўриб келамиз), юқори Силезияда умум халқ овозига қўйиш ёрдами билан қўлга киритилди. Исканжа у ерда баъзи бир нарсаларни поляклар фойдасига ҳал қилиши керак; бу ерда эса, душман бўлар-бўлмас нарсаларни пеш қилиб, Дуисбургни эгаллади, энди Рур областига бостириб кириш учун баҳона ахтаряпти. Ахир Рур билан Силезия шахталари мамлакатнинг муҳим бойлиги, унинг асосий кучи-ку.

Бекер машинани тозалаб бўлгунча, Ленора юқорига эрининг олдига кўтарилди. Клемм эшикка орқасини ўгириб ёзув столида ўтирар эди. Ленора яна бир марта харитадан ўзининг дўсти турган жой белгиланган байроқчани ахтариб топди. У гап орасида:—Бизникилар ҳозир қаерда туришибди?—деб эридан сўради ҳам, Клемм ҳам унинг бу саволига:—Албатта, яна Германияда-да; бу сайловлар, битимлар туфайли, улар Польшада қон тўкиб қўлга киритган нарсаларини ҳам бой бериб қўйдилар, деб гапни очиб қўйди.—Кейин яна қўшиб қўйди:—Ливен ҳам ҳозир Шарқий Пруссиядаги бирор жойда бўлса керак; у ердаги бир неча виждонли кишилар ўз именияларида корпусдан қолган кишиларни яшириб турибдилар.

Ярим соатдан кейин Клемм Амэнебургга жўнаганда, шофери Бекер унга ўгирилиб:—Агар жаноб фон Клемм ўз фикримни айтишга рухсат берсалар, бугун жаноб фон Клемм шундай нутқ сўзладиларки, ҳатто аъзойи баданим жимирлашиб кетди.

—Шундайми? Демак, сенга маъқул бўлибди-да, Бекер? Юқори Силезияда бу воқеалар рўй берган вақтда, у ердаги эски танишларимиздан анчаси иштирок қилди. Лейтенант Ливенни ўша ерда ярадор қилишди; у эсингда бўлса керак, а?

— Бўлмаса-чи!— деб жавоб берди Бекер.

Клеммнинг «эски танишларимиз» деганидан Бекер фахрланар эди. У ўз қалбида хўжайинининг оилавий бахтига оид калитни шу вақтгача сақлаб юрганидан ҳам хурсанд эди.

Аммо фақат хўжайинигина эмас, балки Бекернинг ўзи ҳам хотинлар макридан азоб чеккан эди. Бекер ошхонада овқатланиб ўтиришганда фақат солдатларгина то ўлгунича содиқ бўлади, деб сафсата сотишни яхши кўрар эди; у баъзи ҳийла-найрангларимга Элла хафа бўлиши мумкин, деб хаёлига ҳам келтирмас эди. Элла Бекерга бутун вужудини бағишлаган, ҳатто унинг хонасига киришдан ҳам уялмас эди. Лекин бир куни тўсатдан Бекер ошхонага кирганида, йиғлаб-йиғлаб хун бўлган Элла ошхонадан чопиб чиқиб кетди — у астойдил хафа бўлган эди, хизматкорлар қиқиллаб кулиб юборишди; Бекер қиз бошига рўмол ўраб олганлигини пайқади.

— Сен кечаси ҳам рўмол ўраб ётасанми?— деб сўради боғбон. Бошқа бир сафар Бекер бехосдан унга дуч келиб қолиб, уни қучоғига тортган эди, рўмоли сирганиб бўйнига тушди: шундагина Бекер қизнинг ҳурпайган бир тутам сочи йўқлигини пайқади. Элла йиғлаб, танцадан уйга қайтаётганимда қандайдир шум йигитлар йўлимни тўсишиб, бир француз билан танца қилганим учун сочимни қирқиб қўйишди, деб айтди; ҳақиқатда эса француз фақат йўлдагина у билан гаплашган; у кучи борича французни итариб, ёнига йўлатмаган бўлса ҳам, лекин у одатдаги сурбетлигини қилиб Эллани белидан қучоқлаб олган; бу ҳолни кимдир кўриб қолган ва бошлаб французнинг башарасига тушириш ўрнига, сен французлар билан юрасан, деб Эллани шарманда қилган; кейин қишлоққа яқин жойда, Элла танца тушишни истамагани учун гаши келган қандайдир йигитлар уни пойлаб туришган; мана ўшалар ундан ўч олиб, бутун қишлоқда шарманда қилмоқчи бўлишган. Элла суюклим далда берар, деб ишонган бўлса керак. Лекин Бекер унга қаҳр-ғазаб билан тикилди ва:— Бу қилигинг менга нимагадир ёқмади, ойим қиз,— деди. У ҳатто Элла қучоқламоқчи бўлганида қорнига тиззаси билан бир тепди.

Ошхонада у шартта шундай деди:— Французлар билан юрадиган қиз билан бир столда ўтириб овқат

ейишга ҳеч ким бизни мажбур қила олмайди,— кейин бу уйда худди ўзи хўжайиндек қўшиб қўйди:— Лашлушларингни йиғиштир-у, жўна бу ердан.— Элла ерга кириб кетгудек бўлиб, гангиб қолганидан ҳатто ўзини ўзи ҳимоя ҳам қила олмади.

Хизматкорлар аввалига жуда ташвишга қолишди, лекин эру хотин Клеммлар Бекернинг ўзбошимчалик билан қилган ишини тўғри дейишгандан кейин хийла хотиржам бўлишди. Бу ишда иккала эркани: эрини ҳам, шоферни ҳам қўллаб-қувватлагани учун ошхонада айниқса уй бекасини мақташар эди; кейин ҳаммаларни Элла бунақа уйга, Клеммлар хонадонига муносиб эмас, деган гапни маъқуллашди. Бундай хонадон, бунинг устига оккупация қилинган зонада, худди ойнадай беғубор бўлиши керак. Қола берса, Элланинг узун сочларини қирқиб ташлаган йигит ҳам Клемм ташкил қилган «Ҳамкорлик» аъзоларидан экан. Оқсочнинг ёрдамчиси эса уйда: «Меникини қирқиб ташлашмайди!» демоқчи бўлгандай, йўғон сочларини орқага ташлаб, керилиб юрар эди.

Аммо бу уйда немис ва француз экспертлари орасида бўлиб турадиган йиғилишларга халақит бериб бўлмас эди. Қандайдир бир чет мамлакат упа-эликларининг ҳиди уйга тарқалиб кетди, бу ҳид Рейн бўйи области аҳолисига таниш бўлиб, кўнгилни айнитарди, ҳатто машинанинг қопламасидан ҳам шу ҳид келиб турарди. Бекер биринчи марта ўзини бошқача сеза бошлади: шунчалик қўполлик билан алоқасини узиб қўйган Эллани зимдан соғина бошлаган эди; оккупациянинг ҳамма белгилари — ёт ҳидлар, ёт оҳанглар унга, гарчи бунини Бекер бошқалардан сир тутса ҳам, ўзи ҳайдаб чиқарган қиз қапчалик бузуқ бўлганлигини ҳар доим эсга солиб турар эди.

### III

Қачонлардир Юқори Силезияда турган кўнгилли отряднинг қолган-қутганлари фон Глеймлар оиласига тегишли именияда жойлаштирилган эди. Ливен ҳам шулар ичида эди. Фон Глеймлар оиласи офицер ва солдатларга истаган вақтгача бошпана беришга тайёр эканлигини билдирган эди. Аммо хўжайинлар ҳам, меҳмонлар

ҳам бу ерда туриш вақтинча, қандай бўлмасин тез орада бу нарсага барҳам берилишига ишоншарди. Урушдан қайтиб келгандан кейин, кўп еридан яраланган, ҳолдан тойган, майиб бўлган, қаттиқ изтиробга тушган солдатлар ҳамма масалалар қандайдир бир конструкциялар, шартнома ва санкциялар ёрдами билан тартибга тушишига ишонмаганларидек, ҳозир ҳам бирорта киши яқин орадаги яна қон тўкиш ва бесаранжомликларга сабаб бўлган воқеалардан сўнг, ҳамма масалалар ўзининг иштирокисиз бир неча давлат арбоблари томонидан ҳал қилинишига ишонмас эди. Қатъий сўз ҳали айтилганича йўқ. Бир неча мамлакат ёшлари қон тўкдилар. Тўғри, Венгрияда аллақачонлароқ қизилларни бартараф қилишди; лекин кўпчилик шаҳарлардаги беҳисоб намойишлар вақтида қизил байроқлар ҳилпираб турибди; ҳатто Париж ва Лондонда ишчиларнинг болалари музлаб қолган деразаларга ўроқ ва болға расмини чиздилар. Ёш Совет мамлакати ўз еридан интервентларни қувиб чиқарди; бу нарса яна бир қарра, ёш халқлар ички тўнтаришлардан кейин кучсизланмай, балки бунинг аксича, мустаҳкамланиши ва қаддини ростлаб олишини тарихчиларга исбот қилиб берди. Будённий Варшавага етиб келгандан кейин Европа сергак бўлиб қолди: агар оч-яланғоч қизил аскарлар ҳақиқатан ҳам Польша пойтахти остоналарида пайдо бўлган экан, ким билсин, улар яна Ғарбга томон қанча босиб келишар экан. Ниҳоят, Қизил Армия Варшава ёнида тўхтаганидан кейин баъзилар енгил нафас олдилар, бошқаларнинг эса дами ичига тушиб кетди. Польша ўз талабларини эълон қилди. Немис кўнгилли корпуслари Силезиядаги кўзғолончиларга қарши жанг олиб борар эди. Кейинчалик жанглар тўхтагилди. Кенгашлар, сайловлар, резолюциялар бошланди. Бирдан шу нарса маълум бўлдики, бутун ҳаётини шунча тўкилган қонни газета мақоласига ўхшаш жонсиз формулаларга суқиб жойлаштириш керак экан.

Қоғоздаги қарорларга ҳеч ким ишонмас эди. Бу масалада барча, бошқа ишларда бир-бирига қанчалик зид бўлмасин, шубҳа қилар эди. Ҳамма узил-кесил, қон тўкиб қўлга киритилган ҳақиқий қарорни кутар эди. Лекин баъзилар бутун жаҳон тубдан ўзгаргандан кейингина шахсий ҳаётимиз ҳам ўзгаради, деб ҳисобласа, бошқа бировлар шахсий ҳаётимиз илгаригига қараганда

ҳам даҳшатли, қудратли бўлган герман империяси қайтадан тиклангандан кейингина ўзгариши мумкин, деб ҳисоблар эди. Бу империя Муқаддас империя деб аталганди: Герман миллатининг муқаддас империяси граждани бўлиш эса жуда қимматга тушади.

Бу орада Ливеннинг отряди учун бараклардан иборат бутун бир посёлка қуриб берилган эди. Бу посёлка ҳўжайинлар кўрғонига қараганда бир неча юз камбағаллар яшайдиган кичкина қишлоқчадаги Баннвитц темир йўли станциясига яқинроқ ерда қурилган эди. Ёш Глейм ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин ҳам кўнгилли корпус ҳисобида турар эди. Бир неча қариндош-уруғлар ўлиб кетгандан кейин имене унинг қўлига ўтиб қолган эди. Агар ҳақиқатан ҳам тез орада бирор кескин ўзгариш рўй берадиган бўлса, унинг именесида бошпана топган бу солдатлар қизил босқинчиларнинг ҳужумидан уни ҳимоя қилиб қолади, чунки Глеймга ўхшаган кишилар қизилларни офатга ўхшатиб, тўхтатиб бўлмайдиган, қутурган одамлар деб фараз қилар эдилар. Унгача эса ҳосилни йиғиб-теришда, мавсумий ишлар вақтида солдатлар чет эллик ва Глеймнинг ўз ишчиларига яхшигина соқчилик қилиб турадилар.

Офицерлар уй ёнидаги бинолардан бирида турар эдилар. Бу ерда хоналари кўп бўлишидан ташқари деразалари боққа қараб турувчи катта зал ҳам бор эди. Янги бино қурилгунча бу бино асосий уй эди. Уша вақтларда ҳар хил жимжимадорлик ва архитектура услубидан чекинишларга йўл қўйилар эди. Бунга Буюк Фридрихнинг Потсдамдаги ва Сан-Сусидаги бинолари намуна бўла олар эди. Уйнинг олд томонидаги ёйсимон деразалардан коринф<sup>1</sup> устунлари орасидаги иккитаси очиқ турар эди. Бу деразалар ҳозирги архитектура янгиликлари атрофда ястаниб ётган паст-баланд ва хира жимирлаб турган водийга нечоғлиқ мос келмаганлигини яққол кўрсатиб турар эди. Уйнинг ёнидаги катта дарвозадан кирмай, боғ орқали уйга қайтаётган Ливен шуларни хаёлидан кечириб келар эди. Ливен ёш Глеймдан умумий залга қўйиб қўйиш учун ҳар хил қадимий мебеллар, соат, қарта ўйнайдиган стол сўраб олган эди. Залда қарта ўйнаб, китоб ўқиб, вино ичиб ўтирган

<sup>1</sup> Коринф — мураккаб нақшли енгил устунлари билан машҳур бўлган архитектура услуби. (Таржимон изоҳи.)

дўстлари уни шовқин-сурон билан қарши олишди. У яраланган қўлини бўйнига осиб олганди. Ливен худди ўз уйига ростдан ҳам қайтиб келгандай бўлди; у қаерда бўлмасин — меҳмонхона номеридами, поезд вагонидами, бирор кишининг катта ҳовлисидами, барибир, ҳамма жойда нозик табиатлилигини кўрсатишга ва атрофдаги кишиларни ҳам бунга ўргатишга ҳаракат қилар эди.

Бугун унинг ташаббуси билан офицерлар катта залда бал беришар эди. Балга уй эгаси сифатида эмас, балки меҳмон сифатида Глеймнинг ўзи, у билан бирга оила аъзолари ва атрофдаги ер эгаларининг оилалари келиши керак эди. Офицерлар бу кунги ўйин-кулгининг барча харажатларини ўз ҳисобларига бўлишни талаб қилишган эди. Чунки Глейм гарчи уларга бошпана ва озиқ-овқат бериб турса ҳам, ер-сувидан уларнинг ўйин-кулгиларини ҳам кўтарадиган даромад ололмас эди. Бундай кўнгилли қўшинларни ҳозирча тарқатиб юбориш мумкин эмаслигини тушунган Германиядаги айрим миллатчилик кайфиятидаги группалар бу офицерларга пул юбориб туришар эди. Ливен ўз буйруғига биноан тайёрланган дастурхоннинг ноз-неъматларини, гулларни ва барча тайёргарликларни кўздан кечира бошлади. Ливеннинг хизматдошлари хурсанд эдилар; улар яхши хотинларни кўрамиз, улар билан таниша тушамиз, деб севинаяр эдилар. Ливен ўйин-кулги бошланишига бир соатча қолганда бир нимани баҳона қилиб узр сўради-да, қаергадир чиқиб кетди.

У бу безатилган залда мужмал, зериктирувчи бир ҳол юз беришини сезган эди: ахир таклиф қилинган оилалар унга яхши таниш эди; у ким нима дейишини ва қандай кийимда келишини билар эди. Унинг дўстлари бу ўйин-кулги қандайдир бир сеҳргарлик орқасида ҳаммаларини ҳам бошқача қилиб қўйишини кутаётган бўлсалар керак. Аммо бундай ўйин-кулги бўлмайди. Кишини бошқача қилиб қўядиган ягона нарса, — бу хавф; фақат шундагина кишилар ўзларига ўхшамай қоладилар! Фақат шунда! Уруш вақтида — Болтиқ бўйида ҳам, Рурда ҳам, Польшада ҳам бундай одамлар билан келишиш мумкин эди. Ҳозир эса, худди эски буюмдек уларнинг сийқаси чиқиб қолган эди. Шунчалик ҳиммат билан қилинган меҳмондўстлик бошқаларга қараганда балки унга кўпроқ зарурдир, ахир унинг на бошпанаси, на бола-чақаси бор; шундай бўлса ҳам бу

олис имениеда, мана шу одамлар ичида кун кечириб унинг жонига теккан эди.

Унинг қулоғига ўйин-кулги бошланганидан дарак берувчи ҳар хил шов-шувлар эшитилди: Лютгенс ўзининг севган куйини чала бошлади, кимдир қаттиқ хоҳолаб кулди, уйга яқинлашган машинанинг сигнали эшитилди. Деншчик авайлаб Ливенни отга миндириб қўйди, чунки унинг ярадор қўли халақит берар эди. Ливен жўнаб кетаётганда деразадан кўринган чироқлар ва соялар жуда ҳашаматли эди. У баъзи бир офицерларнинг нечоғлиқ зериктирарли эканликларини унутарман, деб ўйлар эди. Ахир улар бир вақтлар Ливеннинг қуролдош биродарлари эди, кейинчалик тақдирлари бир хил бўлган биродарлар бўлиб қолишди, ҳозир эса, зерикарли ҳаётни бирга кечирувчи биродар эдилар.

У қишлоққа қараб жўнади; станция ёнидаги қовоқхонага кирди; лекин бу қовоқхона шу вақтгача кўрган қовоқхоналари ичида энг бефайзи ва жуда кам одам кирадиган қовоқхона экан. Анчадан кейин қоп кўтарган икки деҳқон кириб келди; улар бир стакандан пиво ичишди-да, унга тикилишиб, пахмайган бошларини бири-бирига энгаштирганларича Ливен ҳақида нималарнидир гапиришди. Кейин Ливенга таниш бир киши кирди — бу Глеймларнинг иш бошқарувчиси Шубгут эди. У Ливендан қўлингиз қалай, деб сўради. Лекин Ливен, гарчи Шубгут ўтирган бўлса ҳам, унга ҳеч нарса демасдан, суҳбатни у нимадан бошлар экан, деб кутиб туришга қарор қилди.

— Мен бу ерда қизимни кутиб турибман; у Штеттиндан келади, у ерда мактабда ўқир эди. Хотиним уруш вақтида ўлган, қиз болага чол отаси билан яшашнинг нима қизиғи бор дейсиз! Шубгутнинг кўзлари ўткир, чақнаб турган бўлиб, солдатларникига ўхшаш мўйлови бор эди.— Кечирасиз, жаноб лейтенант, яхшиси мен темир йўлда кутиб тура қолай, мана бу тугунчамни ҳозирча шу ерда қолдириб кетишга рухсат берасизми?— Ливен унинг орқасидан қараб қолди. «Бу бақироқ чол нимага бунча хурсанд? Ўтиргани жой топа олмайди-я. Э, ҳа, қизи-ку!»— деб эслади дарров Ливен.

Поезд келиб, жўнаб кетди. Шубгут қизи билан қайтиб келди. Қизнинг ёши ўн беш, ўн олтиларда эди. «Табиатга ҳам қойилман, ҳеч суриштирмасдан яратиб юбораваркан-да»,— деб ўйлади Ливен. Ҳатто Афина-

да ҳам бунақалари йўқ: Шарқий Пруссиянинг темир йўл станцияларида ҳам баъзан шунга ўхшаш қизлар учраб туради. Бу оёғи узун, бежирим, кўкраги олмадек қизнинг сочи жуда қалин, узун эди. Бу қиздаги энг оддий хислатлар: парқи очилган сочлари, гулдор қизил кўк рангдаги кўйлаги ҳам жозибадор бўлиб кўринадир эди, гўё буларнинг ҳаммаси илгаридан ўйлаб қўйилгандек эди.

— Қаршидан келадиган поездга пакет олиб чиқисим керак,— деди Шубгут,— қизим бирпас сизнинг олдингизда тура турсин.

Қиз Ливенга хотиржам қараб қўйди. Унинг кўзлари ҳам худди отасиникига ўхшаш чақнаб турарди. Ливен диққат билан уни кўздан кечирди; унинг бундай узоқ индамай ўтириши қизни сира хижолатга солмади; табиат манзарасига ёки бирор қушга тикилиб қараганинг билан улар безовта бўлмаганидек Ливеннинг тикилиб қарашларини ҳам у парвосига келтирмади. Кейин Ливен шундай деди:— Болалик вақтида менга бир китоб беришган эди, балки у сизда ҳам бордир: Гримм эртаклари. Шу китобда жодугар кампир бир қизни минорага қамаб қўйганлиги ҳақида ҳикоя бор. Қиз кечаси минорадан бошини чиқарган, шунда қизнинг дўсти иккита осилиб турган сочларига тирмашиб, унинг ёнига чиққан экан.

Қиз:— Вой, қиз жудаям қийналган бўлса керак,— деди.

— Унчалик деб ўйламайман, чунки ўша қизнинг сочи ҳам сизникига ўхшаш узун, бақувват бўлган. Кўп йиллардан бери ўша қиз хаёлимдан сира нари кетмас эди; мен доим уни қўмсаб юрардим.

— Хўш, охири нима бўлди, қизни учратдингизми?

— Бундан уч минут муқаддам учратдим; кўпдан бери ахтармай қўйгандим.

Қиз шошилмай сочларини орқасига ташламоқчи бўлган эди, Ливен сочидан биттасини ушлаб олди. У шунчалик чаққонлик билан сочи қўлига ўрадики, қиз бошини сал ҳам қилишга мажбур бўлди. Қиз иккала сочини орқасига ташлаб олгандан кейин сўради:— Қўлингизга нима қилган?

— Биз мина кўмиб, полякларнинг штабини портлатиб юборганмиз. Отангиз сизга айтиб берган бўлса

керак... кейинчалик у ердан чекинишга тўғри келганда ҳаммамизни Глейм ўз уйига жойлаштирди.

— Нима учун?

— Сайлов қалбаки ўтказилганлиги туфайли. Союзлараро комиссия кейинчалик бу жойни Польшага тақдим қилди.— Ливен шошилиб ҳикоя қила бошлади, қиз, гўё у ҳикоя қилаётган нарсаларни кўриб тургандек, кўзларини бақрайтиб, унга қараб турар эди. Ливеннинг эсига шунчалик кўп ажойиб ҳодисалар, ҳис-туйғулар ва эпизодлар келар эдики, гўё у фақат ўз бошидан кечирганларигина эмас, балки бошқа кишилар бошидан кечирганларини ҳам ўз бошидан кечиргандай эди. Унинг домига, кўнглига ёққан хотин-халаж тушиб қолса, у доимо ана шунақа гапга чечан бўлиб кетар эди.

Шубгут қайтиб келди. Қизини кўриб севиначар экан, кулимсиради, кўзининг бурчагида майда ажинлар пайдо бўлди. У станция олдида кутиб турган экипажга қизини ўтқазиб тугунларини жойлаштирди; кейин тизгинини қўлига олди. Ливен экипажнинг ёнида отда чопиб борар эди.

Кўп ўтмай қиз отаси билан жойини алмаштириб олди; беш ой партада ўтирганлигидан, ҳозир тизгинни ўзи ушлаб боргиси келди. Улар катта тош йўлдан қишлоқ йўли бурилиб кетадиган жойга етганларида Ливен бурилиб кетиши керак эди, именеи ҳовлисига коляска ва автомобилларда меҳмонлар келиб тушаётганлиги Ливеннинг қулоғига барала эшитилиб турарди. Лекин у экипажнинг орқасидан уйгача кузатиб борди. У отининг сарғиш-жигар ранг ёлини, уфққача чўзилган ялангликни, тунги осмондаги қирмизи чизиқларни, узун сочли қизнинг бир оз орқага ташланган бошини кўриб турарди. Келган меҳмонларни кутиб олиш учун чалинган музика садолари унинг қулоғига эшитилар эди. Илгари мунгли ва маъносиз бўлиб кўринган нарсалар эди унинг назарида қизнинг қайтиб келишини ифодаловчи саҳнага айланган эди. Бу томошада на кўк дераза эшиклари ва на наматакнинг шохлари — ҳеч нарса эсдан чиқариб қолдирилмаган эди. Экипаж билан отлиқ бошқарувчининг уйи олдида тўхташди. Ливен отларни аравадан чиқаришга ёрдамлашди. Қизнинг келиши муносабати билан экономка столга кофе билан пирожное олиб қўйди. Ливеннинг олдида ҳам майда-чуйда қўйишди. Шубгут қизи гўзаллиги туфайли уйларига энг

ҳурматли меҳмонлардан бири келгани учун фахрланиб хурсанд бўларди. Ливен столда ўтирарди, танца тушиш учун жой бўшатиш мақсадида столни Шубгут билан бурчакка суриб қўйишди, Ливен шунгача ўзини эркин, хотиржам тутиб ўтирган ёш қиз менга насиб қилмаган экан-да, деб ўзини бегона ҳис қилиб ўтирди. Лютгеннинг именида чалаётган валси гулдор дарпарда орқали бошқарувчининг ғира-шира ошхонасига эшитилиб турарди. Қиз Ливеннинг бошидан оёғигача дарров разм солиб чиқди. Чироқнинг нурида унинг кўзлари, тишлари сал ярқираб кўринди. «У эртага мени кутиши керак; бугунга шунинг ўзи ҳам етади!» Шубгут трубкасини тишларида қисиб, уларнинг танца тушишларини мамнунлик билан кузатиб ўтирар эди. У фахрланарди, бу ишлар ёқимли туюларди.

Ун минутдан кейин Ливен залга кириб келди, бу ерда унинг дўстлари меҳмонларни кутиб олмоқда эдилар. Куттириб қўйганлиги учун Ливенни кулги ва таъналар билан қарши олишди. Учаётган гулханга ўтин ташлаганда яна гувиллаб ёниб кетганидек, Ливеннинг келиши билан ўйин-кулги яна авжга миңди. Ҳали ҳам ўша вальсни чалишмоқда эди; атрофда хотин-қизларнинг чеҳралари ва очик елкалар ора-чора кўзга ташланар эди. Балки бу хотинлар жуда чиройли, балки жуда хунукдир. Ҳар бир ошиқ-маъшуқликнинг замирида бўладиган жозибадорлик бу ердаги гаплар, қарашлар туфайли меъридан ошиб кетгани, шунинг учун меҳмонларнинг ҳаммаси, гарчи бу жозибадорлик нима сабабдан бунчалик меъридан ошиб кетганлигига тушунмаса ҳам бирор нарса қўлга киритишга интилар эди. Ориқ ва такаббур Глейм Ливенни ўзининг бир неча дўстлари билан таништирди. У Ливеннинг жавоблари мантиққа тўғри келмайдиган бўлгани учун меҳмонларни ўйлантириб қўйишидан жуда ҳам хурсанд эди.

Глейм одамларнинг шу ердалигидан фойдаланиб, эртасига эрталабга кенгаш тайин қилди. Меҳмонлардан озгинаси кечаси уйига қайтиб кетди, кўпчилиги эса якшанба кунигача анча-мунча одам синадиган катта уйда ётиб қолишди. Глеймнинг бўлажак қайнатаси, министр маслаҳатчиси сўз олди. Унинг доклади: кириш, асосий қисм, хотимадан иборат бўлиб, ўзининг ақлига мос тушган эди. Ливен одамларни бирма-бир кўздан кечириб ўтирар эди. У ичида: «Ҳар қалай булар менинг

маслакдошларим. Мен бу ерда меҳмонман, жаноб министр маслаҳатчиси эса Глеймнинг бўлажак қайнатаси».

У қиз бетоқатлик билан кутаётганлигини, анчадан бери деразадан сўқмоқ йўлга тикилиб ўтирганлигини бор вужуди билан ҳис қилар эди.

Тушда, ниҳоят, Ливен бошқарувчининг ошхонасига кириб, қизга назар ташлаганида, кўнглига келган гап тўғри эканлигини тушунди. Қизнинг кеча ҳеч бузилмайдигандай бўлиб кўринган осойишталиги аллақачоноқ бузилган эди. Чол уларни ёлғиз қолдириб, деҳқонлар яшайдиган қишлоққа от миниб кетди. Деҳқонлар, бир неча минг солдатларнинг бу ерга жойлаштирилиши топган-тутганларимизга қаттиқ таъсир қилиши мумкин, деб унинг олдига ўз вакилларини юборган эдилар. Глейм иш бошқарувчиси орқали бошпанасиз солдатларга ўз хоҳиши билан жойлашиш учун озгина бўш ётган ер берилган, деб айтиб юборди. Чол қайтиб келганда меҳмон ҳамон ўша стулда ўтирар эди, қизи эса сочини ўриш учун дарров чопиб чиқиб кетди. Кейин қайтиб келиб, қўлида иш билан столдан нарироққа, чироқ нури зўрға тушиб турган жойга ўтирди. Отаси пешиндан кейинги вақт қандай ўтганлигини ҳикоя қилар эди: у бу солдатлар ҳақиқатан ҳам бу ерга жойлашмоқчимикинлар, деб товушини чиқариб мулоҳаза қилар эди. Бу нарса узоққа чўзилармикин? Ахир эртами-кечми, барибир, корпус яна ҳаракат қилиши керак-ку. Унинг пешонаси кенг бўлиб, миясига Ливен бугун эрталабки мажлисда эшитган гаплар келди. Яна «зўрлик билан қилинадиган ўзгариш» каби сўзлар айтилган эди. «Чол бундан нимани тушунар экан?»- деб ўйлади Ливен ичида. Бунда унга нима фойда? Оладиган маошига кўшимча маблағ қўшиб беришар, бунга балки Глеймнинг ҳам пули етиб қолар, ишчилар билан эса ҳеч қандай воқеа рўй бермайди, уларнинг тарифга бўйсунушдан бошқа иложлари йўқ. Хайр-лаша туриб, Ливен чолга орқасини ўгирди-да, қизнинг сочларидан яна тортиб қўйди.

Улар тегирмон орқасидаги пастқамликда учрашмоқчи бўлишди. Аввалига Ливен учрашишга келмаганим яхшироқ, қиз дастлабки изтиробдан кейин юпаниб қолади, мен эса, мен қизни биринчи марта станцияда кўрган вақтимдагидек: шу вақтгача учратганларим ичидан энг ёши ва энг ажойиб деб, хотирлаб юраман, деган фикрга келди. Шундайку-я, лекин жуда ажойиб бўлиб

кўринган қиз, ҳозир бир оз қариганга ўхшаб кўринар эди. Қиз энди Ливенни ҳечам эсидан чиқара олмайди. Шунинг учун кечга томон шартлашилган жойга жўнагани маъқул. Қиз узун оёқларини шахдам-шахдам босиб, бамайхотир келар эди. То Ливен унинг башарасини яхшилаб кўриб олгунча назарида қиз парвойи фалакдай, қоматини ҳам ғоз тутиб тургандай туюлди. Қизнинг устидаги кўйлак биринчи марта кийилган бўлиб, топ-тоза эди. Кейин Ливен бу гижимланган кўйлакка ачинди. Шунинг учун қиз сочинини ёзиб ва ўриб бўлгунча, Ливен кўйлакни текислай бошлади.

Қолган кунлари Ливен уни кутган вақтларидан гоҳ кеч, гоҳ эрта келар эди. У анча узоқдан ҳам қизнинг бамайхотир шахдам қадам ташлаб келишини таний оларди. У кечкиб келган вақтларида, қизнинг кўрқиб, бақрайиб қолишига ва ерга ўтириб олиб кўкатларни юлишига кўзи тушар эди. Ливен уларникига граммофон олиб келди. Экономка меҳмонга лаззатли овқатлар пишириб берар эди.

Баъзида Шубгут:

— Хўш, қачон яна жанг қиламиз?— деб сўраб кўяр эди.

Қиз хўмрайганича жавоб кутар, Ливен эса бепарволик билан:— Яқин орада бўлмаса керак,— деб жавоб қайтарарди. Бу ерга келувчи меҳмонлар ҳар қандай ваҳимали гаплар айтишларига қарамасдан, бу ерда пулнинг қадри йўқлиги сезилмас эди. Экономка пишириб келадиган нарсалар эса ўз поллизларидан чиқар эди.

Бирдан у келмай қолди. Чол қизидан:— Қаёққа го-йиб бўлиб кетди у?— деб сўради.— Нима, аразлашиб қолганмисизлар?— Қиз йўқ деб бошини чайқади. Ҳамма гап шундаки, улар бирор марта ҳам аразлашмаган эдилар.

Хўжайиннинг уйдаги офицерлар хонасида эса пака-на Лютгенс сўради:— Бу Шубгутнинг қизини Ливен, қўлингдан чиқариб юбордингми дейман? Кеча уни қандай ўйинга тушганлигини кўрганингда эди!

— Уйнаса ўйнайверсин,— деб жавоб берди Ливен.

— Зимдан битта-яримташи севиб қолдингми, дейман? Келинга хуштор бўлиб қолганинг йўқми?— Улар министр маслаҳатчисининг қизи, Глеймнинг бўлажак хоти-

нини шундай деб аташар эди. У жуда шаддот қиз эди, бу ердагиларнинг тасаввурича у жуда яхши кийинар эди. Ливен каравотида кечалари мижжа қоқмай чиқарди. Бошқарувчининг қизи эса аллақачон хаёлидан чиқиб кетганди. Ливен фақат қизнинг эринмасдан бефойда кутишларинигина ҳис қилар эди. Бу эса уни севгига қараганда кўпроқ мафтун қилар эди. Баъзи бировлар, Шубгут ақлдан озибди: унинг қизи жуда ҳаддидан ошиб кетди, дейишар эди. Қиз ҳар қандай кўнгил очар ўйинларни қанда қилмайди, бирор ўйин-кулги унингсиз ўтмайди, ҳатто ҳеч ким бормайдиган ажнабий ишчилар қишлоқчасидаги базмларга ҳам борар эмиш.

Бир кунни Ливен қизни қишлоқда учратди — у қандайдир безорилар билан келар эди. Қиз Ливенга шошилиб бир назар ташлади. Унинг бу қарашини нафрат туйғуларини эмас, балки умидсизликни ифода қилар эди. Унинг бу нигоҳи, Ливеннинг фикрича, аллақачонлар қотиб қолган ва ҳеч қандай ҳис-туйғуларга йўл бермайдиган юрагининг энг позик нуқталарига бориб санчилгандай бўлди. Бу қараш Ливен ҳанузгача қизнинг кўнглидан чиқиб кетмаганлигини тасдиқлади. Ливен бунини ўйлаган бўлса ҳам, лекин унчалик ишонмас эди. Ливен ҳаётда мавжуд эканлигини ҳис қилиши учун бирор кишида ўзининг аксини кўриши зарур бўлиб қолган эди.

Ливен зўр бўриб «келин»га мулозимат қила бошлади, чунки дўстлари «келин»га ошиқсан, деб унинг гашига тегишарди. Шунинг учун ҳам Ливен кетмоқчи бўлганини Глеймга айтганида у сира қаршилик кўрсатмади. Шу йили кўнчилик офицерлар флигелдан кетиб қолишган эди. Баъзилар эса вақтинча бўлса ҳам оилаларига қайтишни истар эдилар; бир неча киши эса махфий равишда тузилаётган қисмларга йўлланма олиш учун Берлинга жўнади. Бу қисмлар тез орада керак бўлиб қолиши мумкин эди. Лекин, ҳар вақт бундай ҳолларда учраб турадиганидек, то чақириб олишгунча Глеймлар имениесида кутиб турмоқчи бўлган кишилар ҳам йўқ эмасди. Булар бутунлай эсдан чиқиб, бу ерларда қолиб кетишларини тасаввур қила олмасдилар, шунинг учун Рейн ёки Силезияга қараб юришни орзу қилар эдилар.

Иш ўнгидан келиб, Ливеннинг амакиваччаси уни ўз ёнига таклиф қилди. У қарз кўтарган пулларига, бу ердан бир неча соат йўл юриладиган дарё ёқасидаги ерларни ижарага олган эди. Ливеннинг амакиваччаси

Болтиқ бўйида қаттиқ яраланган эди, ҳозир эса ҳийла соғайиб қолганди, гарчи оиласи бўлмаса ҳам, у ҳамон оила бошлиғи эди. Ливен унга, иложини топишим биланоқ бораман деб хат ёзди, шунингдек, гарчи ҳақиқатга унчалик тўғри келмаса ҳам, сендек битта-ю битта қариндошимни кўрсам, бошим осмонга етарди, деб ҳам қистириб ўтганди.

#### IV

Эмилия холанинг ёрдами туфайли Марияга уйга иш беришадиган бўлишди. Холанинг ҳовлисидаги тикувчилик устахонаси ҳар ҳафтада тайёрлаган маҳсулотини фирмага топширар эди. Фирма эса ўз навбатида бир неча устахоналарда тайёрланган маҳсулотлар билан катта универмагни таъминлар эди. Фирма билан олиб борилган узоқ музокаралардан кейин универмаг, ниҳоят, маҳсулотга доллар қиммати билан ҳақ тўлашга рози бўлди, шунинг учун кичик устахоналарнинг эгалари, энди фирма улар билан ҳам шу тартибда ҳисоб юритишини талаб қилишар эди. Ҳовлидаги ишчи аёллар ҳам ўз талабларини қўйишди: то улар билан ҳисоблашишгунча бир-икки кун, жуда деганда — бир неча соат ўтиб кетади; бу орада пулнинг қадри анча тушиб кетади, нарх-наво эса, тез ошиб кетади. Агар хотин уйда эришнинг маоши олиб келишини кутиб ўтирсаяю, эри индан кеч келиб, хотин нон дўконига бугун кечқурун бориш ўрнига, эртасига эрталаб боргундай бўлса, бу вақтда бир буханкага етадиган пулга ҳаммаси бўлиб бир неча бурда нон келар эди. Илгаридан тайинланиб қўйилган якшанбалик овқат ўрнига котлет ейишдан бошқа илож қолмасди. Илгари гўшт келадиган пулга, ҳозир янги маркага икки-уч қалоқ суяк келар эди, бу эса фақат шўрва қилишга-ю болаларнинг ғажишигагина ярарди, холос.

Мария уйда ўтириб бир неча юз тугма ёки бир неча метр жияк қадаган вақтларида, эрига қараганда олдинроқ пул олар эди, у иш ҳақини тўлашгунча ҳовлида кутиб турар ва кейин холасининг олдидан тўғри қассобга ёки нон дўконига қараб чопар эди. У ҳозир уйлари-дан анча узоқда ишловчи Гешкедан олдин уйга қайтиб келарди.

Баъзан Мария, эрталаб Эмилиядан нон ва сутга яраша пул ундириб олиш мақсадида кечаси билан чок тикиб чиқар эди.

Энди ҳовлидаги машиначи хотинлар, Эмилиянинг истаган эркак билан яхши муомалада бўла олишини ўзлари учун бахт деб билар эдилар. Эмилия доимо мулойим, хушчақчақ бўлиб, баъзи-баъзида келиб турувчи фирма вакили билан ҳам, одамга қўшилмайдиган, қовоғи солиқ устахона хўжайини билан ҳам қандай муомала қилишни билар эди; Эмилиянинг паноҳидаги бирорта қизни осонгина ишдан бўшатиб юбориш мумкин эмас эди — кунингни кўрсатиб қўярди. Кечаси билан кофенинг нархи яна ошиб кетганлигидан Мария баққолнинг олдидан якшанба кунига кофе сотиб ололмасдан йиғлагундай бўлиб қайтиб келганда, жиянига тасалли берган ҳам мана шу Эмилия хола бўлди. Қоғоз пуллардаги бу рақамлар нимани билдиришига бирор кишининг ҳам ақли етмас эди — миллион ва миллиардларни кишилар фақат юлдузлар ҳақида гап кетганда эшитишган, осмондаги ишлар эса фақат худон таолонинг ўзигагина маълум. Ҳозир эса, бундай рақамлар бу ерда, ерда ҳам қалбаки жигар ранг қоғозларда кишилар кўз ўнгидан ўтар эди. Гешке биринчи хотинининг омонат касса дафтарчасини бошқалардан бекитиб сақлаб юрар эди; хотини бу юз маркани қандай қилиб тўплаганига сира ақли етмасди. Балки Гешке оқолларда ётган вақтида хотинининг аҳволи оғирлашиб қолиб, у ўлим муқаррар эканлигини сезгандан кейин, яна бир оз ишлаб пул топиб, маблағини роса юз маркага етказиш мақсадида охириги марта сердаромад хонадонининг зинапоясини ювиб беришга ёллагандир? Балки у, эрига ва болаларига ундан бир эсдалик қолишига хурсанд бўлгандир? Энди эса бу пул бир неча кун ичида хазонга ўхшаб қадри қолмагани учун Гешкега катта банкларнинг синишидан ҳам кўра даҳшатлироқ бўлиб туюлар эди. Гешке кичкина, ниҳоятда қиммати қолмаган дафтарчани ён чўнтагига солди. Йўқ, уй ертўласида яшовчи чол Бенчининг ишини қилишга унинг қурби етмайди: пуллар ўз қимматини йўқотгандан кейин чол уларни омонат касса дафтарчасидан олиб, ҳожатхонадаги михга қоғоз ўрнига илиб қўйганди.

Мария ҳам, худди Гешкенинг марҳума хотинига ўхшаб, кучининг борица болаларни боқишга интилар эди.



Агар Мария ўз ўглининг қорни тўқ бўлишини истаса, у вақтда Гешкенинг учала боласи: Пауль, Франц ва Еленанинг ҳам қоринлари тўқ бўлиши керак эди. Мария ўғлига ўз отасининг номини қўйиб, уни Ганс деб атади; иттифоқан иккала бобонинг исми шунақа эди.

Ўз вақтида у боласига Эрвин деб ном қўйишга қўрққан эди, чунки Мариянинг ватанида янги туғилганларга ўлган кишиларнинг исмини қўйиш одати бор эди. У ўз ўлига бошқалардан яшириб бирор бурда нон беришга ёки бошқа болаларга билдирмасдан унинг оғзига қанд солиб қўйишга кўнгли бормас эди. Бола шунчалик озғин эдики, ҳатто кураклари кўйлагини тешиб чиққундай эди. Боланинг эти суягига ёпишиб ётганидан унинг чўзиқ юзи янада чўзиқроқ бўлиб кўринарди. Унинг иягида чуқурча, пешонасида эса отасиникига ўхшаш иккита гуруми бор эди. У жаҳли чиққан ёки кулган вақтларида кул ранг кўзларида ҳам ўт чақнардди. Болага ҳаммасидан ҳам онасининг олдидан иложи борича узоқроққа қочиб кетиб, Франц билан санқиб юриш ёқарди. Онасига эса, у ҳам катта ўғай акасига ўхшаб, ошхонада, унинг олдида тугмаларни ўйнаб ўтиргани маъқул эди.

Кечқурунлари Гешке овқатланиб ўтирар экан, агар Мария шундай кунлар келишини билганида бола туғишга бунчалик ошқмас эди, деб бир неча марта кўнглидан ўтказарди. Шунинг учун у бу, яхши фикр эмас, бу дунё кулфатларга тўлиқ бўлишида боланинг айби йўқ, дегандай, чақалоқни тиззасига оларди-да, уни осмонга отиб ўйнатарди. Мария илгаригидай чиройли эмасди; сўнги йилнинг ташвишлари уни бола туғиш ва касаллик туфайли қаришдан кўра кўпроқ қаритиб қўйди, лекин пешонаси силлиқ бўлиб, сочлари йилт-йилт қилар эди. Шунинг учун ҳам Гешке баъзи кунлари баққолнинг дўконига киргундай бўлса, бу ерда навбат кутиб турувчи кўпчилик хотин-халажлардан биттасининг пешонаси йилтираб ҳаётини ёритаётганлигидан хурсанд бўлиб кетарди.

Бир кун кечқурун Эмилия хола келди. Гешке уйда йўқ, болалар эса ухлашаётган эди. Хола сирли бир қиёфада уйга кириб, эшикни ёпди ва Мария дазмол қилаётган стол олдида секин оёқ учида юриб келди. Эмилиянинг чўзилган бўйни ва чақнаб турган кўзлари,

унинг юрагида қандайдир муҳим сир борлиги ва бу сирни бировга айтиб ҳам, шу билан бирга уни яшириш ҳам мумкин эмаслигидан гувоҳлик берар эди.

— Мария,— деди у,— менинг олдимга бир киши келиб, сени суриштирди. Менинг адресимни қаёқдан билиб олганлигига ҳеч ақлим етмаяпти. Шунчалик эзмаки, асти қўявер. Мен унга Мария эртага эрталаб битирган ишларини олиб келади, дедим.

Мария хириллаб жавоб берди.— Гапирганда, бир кўзини қисиб гапирари; чап қоши устида чандиги бор; оқ-сарик сочли киши.

— Ҳа, оқ-сарикдан келган,— жавоб берди Эмилия.— Аммо чандигини пайқамабман. Кейин, гапирётганда кўзини қисадими, йўқми, бунисига ҳам эътибор бермабман.

Мария тунни мижжа қоқмай ўтказди. Агар Эрвин тупроқдан ташқарида юрган бўлса, бир кун қайтиб келишини билар эди. Агар у ўлмаган бўлса, Мариянинг тинимсиз охи унга етиши керак. Мария тишини-тишига қўйиб кутиши керак. Балки кейинги вақтларда Мария, дунёда киши учун энг қимматли бўлган нарсасини тинимсиз кутмагандир. Балки Мария ўз ишлари, ташвишлари билан бўлиб, уни кутмай қўйгандир, бегона одамларга ўрганиб қолгандир. Мана энди, унга шунчалик меҳрибон бўлган бутун бир оилани, бошқа оналари бўлмаган мана бу болаларни ташлаб кетиши керак. Гешке эса илгаригидек вайсашини қўймайди: бундан ташқари унга кулиб боққан бахт қанчалик ҳаяжонга соладиган, ҳайратда қолдирадиган бўлмасин, нимагадир руҳи азобланаётганлигини, гўё севгилиси анча вақтдан бери йўқ эканлигини Мария бўйнига ололмас эди; ахир ўглини қўлидан ушлаб, бу ердан чиқиб кетиши аниқ-ку. У бу ердаги ҳамма нарсани ташлаб кетмоқчи бўлар экан, виждони азоб ҳам чекмасди, фақат ичида: бирор иложини қилишар; ёки: ҳар ҳолда лўвияларни ивитиб қўйиш керак эди,— деб ўйлар эди.

Эртасига эрталаб Мария ҳар хил ҳийла-найранглар билан ўглини уйда ушлаб қолишга ҳаракат қилди. Бола кўзни шамғалат қилиб ҳовлига чиқиб кетгандан кейин, унинг орқасидан чопиб чиқиб, уйга қайтариб келди ва унга тоза уст-бошларини кийгизиб, кўчага олиб чиқиб кетди.

— У келди,— деди Эмилия ва қўшиб қўйди:— Болани нега олиб келдинг?— Меҳмон ирғиб ўрнидан турди. Унинг малла ранг сочлари яхшилаб таралганди, қўйлагининг ёқаси диккайиб турарди, галстук тақиб олган эди. Мария ўглини бағрига босди. Эмилия гоҳ жиянига, гоҳ меҳмонга қарарди, синчковлигидан бурун парраклари титрарди. Меҳмон гап бошлади:

— Сиз мени танимаяпсизми, Фрейлен Мария? Кечирасиз, фрау Гешке?— Кейин Мариянинг индамай турганлигини кўриб тез-тез гапира кетди:— Ростини айтганда, мен ҳам уйланган кишиман. Ҳозир қаерда эканлигимдан хотишимнинг хабари йўқ. Мени бу ерга нима тартиб келганлигини у тушунмайди, деб қўрқаман; бу ерда бирор пайраг эмас, балки фақат илинж борлигига у сира ишонмайди. Одатда хотин киши учун энг муҳими севги ҳисобланади, ҳақиқатда эса бутунлай бунинг акси: хотинлар учун ҳамма нарсадан муҳими эрга тегишлик, биз эркаклар учун эса — орзу. Бир кун сизнинг бу ерга кирганингизни кўриб қолувдим; шу заҳоти эсимга қачонлардир сиз бу ерда яшаганлигингиз келди. Сиз ўша вақтда менда унутилмас таассурот қолдиргансиз, фрау Гешке. Гарчи бизнинг орамизда ҳеч гап бўлмаган бўлса ҳам, сиз ўз бахтингизни топганлигингиз учун хурсандман.

Мариянинг эсига тушди: ҳозир олдида турган бу киши, бир вақтлар Бель — Альянс — Планди унга уйланайлик деб таклиф этган ва ҳомилангизни йўқотинг деган метро контролёри эди. Бу қизил юзли ва малла сочли, пулниг қадри тушиб кетишига қарамасдан ҳийлагина семирган йигитча Марияга бир шарпадай бўлиб кўринди. Мария ҳаддан ташқари ҳорғинлик сезди; кўнглида Эрвин биринчи марта унинг олдига келмаган ўша кечадагидек қайғу бор эди. Назарида, бу бегона одамнинг келиши унинг кутганлари беҳуда эканлигини равшан исбот қилгандек бўлди. Кайфи чоғ, ясениб олган бу одам, Мариянинг назарида севишиб, гўр устида қанотларини қоқиб учаётган бойўглидай туюлди.

Мария мудраб кетаётган боласини диванга ётқизди; тугма ва илгакларни бир бошдан санаб чиқди; йигит унинг пастга қараган юзини зимдан томоша қилар эди. У ҳафсаласи пир бўлгандан кейин, бу хотин малла сочлари, беозорлиги билан яна мени ўзига мафтун қилса керак, деб кўнглидан ўтказарди.

Эмилия дарров столга кофе келтириб қўйди-да, у ёқ-бу ёқдан гапириб меҳмонларни ушлаб турарди, чунки бировларнинг ишқий можароларини бартараф қилишга анча мойил эди. У ичида: «Балки, у йигит, жияним ўз вақтида олдириб ташлаб қутулган боланинг отасидир?»— деб ўйлади.

Кейинги кеча Мария яна ишга ўтирди, олиб келган янги тугмаларини қадади; у аҳён-аҳёнда Франц билан бир каравотда ётган ўглининг ёнига оёқ учида юриб келиб кетар эди. У бошмолдоғи билан боланинг қошларини силаб қўярди; Мария азонга яқин ётди. Утган кечаси унга кулиб боққан бахтда қандайдир тушуниб бўлмайдиган ҳаяжон бўлганидек, ҳозир унинг умидсизлигида ҳам қандайдир осойишталик бор эди. Демак, у ҳар ҳолда бу бегона оилани ўз ҳолига ташлаб қўймас экан. Эрталаб у пича колбаса харид қилиш учун дарров дўконга қараб чопди, чунки пешинга бориб колбасани сотиб олиб бўлмайди. Гешкенинг нонуштага бутербродлар олиб келганини кўрган ишчилар, ёш хотин олиб, бунинг омади жуда юришиб кетди, деб ўйлашди.

Гешкенинг ўзи ҳам бахтини топганини билар эди. Ишдан яна бўшатилиб, уйга қайтиб келган кунларида ҳам хотинининг сира ғазабланмаганини кўрди. Мария холасининг устахонаси учун янада кўпроқ тугма ва жияклар қадай бошлади. Гешке меҳнат бюросидан қайтиб келган вақтларда Мария одатда бошини кўтариб, савол назари билан эрига қарар, қора киприкларининг соялари сокин чеҳрасига бир хилда тушиб турар эди. Бундай ҳолларда у бирор марта ҳам хотинининг чеҳрасида таъна аломати борлигини сезмас эди.

Гешке, иш топганлигини хурсанд бўлиб гапирганида ҳам хотинининг ўша ҳолати ўзгармади. У «Сименс — Бау—Унион» компанияси учун юк ташиб берадиган қандайдир бир фирмадан иш топган эди. Зеештрасседан Темпельгофга олиб борувчи Шимолий-Жануб шаҳар темир йўли қуриб битказилаётган эди. Йўл қурилиб битган сари, Гешкенинг ишга борадиган йўли ҳам узоқлашар эди, аммо арзимас меҳнат ҳақи олишига қарамасдан, Гешке соатига йигирма саккиз пфеннинг олар эди. Мария унга олиб кетиши учун яна мазали бутербродлар берарди, ўртоқларининг эса Гешкега ҳаваслари келар эди.

Гешке ўзининг тўрт девори ичида яна бахт кулиб боқ-

қанлигига ишонар эди. Аммо бахт келтирувчи кишининг ўзи ҳамма вақт ҳам бахтли бўла бермаслигини у хаёлига ҳам келтирмас эди.

Мария эса ҳамма нарсага вазминлик билан чидаб келар эди. Емон вақтларда у ўз-ўзига: «Ҳар қалай кутгандан ортиқ ёмон эмас»,— деб қўяр эди. Яхши вақтларда эса: «Ҳар қалай кутганчалик яхши эмас»,— деб қўярди.

## V

Венцлов қоронги тушгунча квартални оралаб чиқиш ҳақида буйруқ берди. Қандайдир уйдан икки марта ўқ отилиб, унинг солдати ўлдирилган эди. Офицерлар пивохонани эгаллаб, атрофига соқчилар қўйиб қўйдилар. Деворларда ҳалигача Саксония ери ҳукумати томонидан чиқарилган варақалар, социалистик муржаатномалар ва пролетар бўлинмалари чақириқларининг парчалари осилиб ётар эди. Агар мана шу парчалардаги ҳарфларнинг кўзи бўлганда эди, ҳозир бу ерда Берлиндан баъзида ўнглар фитнес кўтараётган Баварияга эмас, балки сўл ҳукумат ташкил топган Саксонияга юборилган рейхсвер офицерлари турганлигига жуда ҳам ажабланишар эди. Квартални оралаб юрган айрим гуруҳлардан тинтув ва қуролсизлантиришлар қай хилда ўтаётганлиги ҳақида минут сайин маълумотлар келиб турар эди.

Венцлов масъул бўлган кварталда, бу ердаги барча аҳолини нон билан таъминлаб турувчи эски нонвойхона бор эди. Нонвойхонада ўспиринлик вақтидаёқ фронтга жўнатилган, ярадор бўлгандан кейин эса узоқ вақт лазаретларда сарсон бўлиб юрган бир мастер ёрдамчиси ишлар эди. Пировардида, у яна эски хўжайинига, овқат ва ётар жой бериш шарти билан ишга ёлланган эди. Хўжайин унинг урушда эсидан чиқиб кетган нонвойлик ҳунарини эсига солди. Чап юзининг титраши, у фронтда ҳақиқатда ҳам контузия бўлиб қолганлигидан далолат берарди. Бу узун бўйли, ориқ, ертўладаги кўкариб қолган картошкага ўхшаш заиф, рангсиз йиғит эди.

Мастер ёрдамчиси пивохонанинг тор кўчага чиқадиган бурчакдаги эшигидан кирди. Бу тор кўча рўпарадаги уйлардан кўринмас эди. Урушгача у чехраси очиқ, хушчақчақ йиғит эди, лекин майиблик уни ночор аҳволга солиб қўйгандан кейин у секин-аста қаердаки бўлмасин, аввало ўзига ҳимоячи ахтаришга ўрганиб қолган эди.

Шундай қилиб, ротада ҳам, лазаретда ҳам, нонвойнинг оиласида ҳам, қола берса бу кварталдаги харидорлар ўртасида ҳам, ҳамма вақт кучли тарафни ҳимоя қилиш унинг иккинчи одати бўлиб қолган эди. Нонвойхонанинг нафасини ичига ютиб юрган мижозларигина эмас, балки бутун Саксония кузатиб бораётган ташқаридаги воқеалар билан қизиқишга у хила заифлик қилар эди. Бундай одамлар учун йиғилишлар, намойишлар маънисиз бир нарса эди; қола берса қандайдир ўз-ўзини мудофиа қилиш отрядлари ва қизил бўлинмалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Унинг қўл-оёқлари қалтирарди, мияси суюлиб қолган эди, шунинг учун у ўзини бошқа одамларга, қола берса ўзидан юқори турувчи одамларга тенглаштиришдан умидини узган эди. Лекин у атрофдаги тахликага тушган, турган жойида дағ-дағ қалтирайдиган яланг оёқларга қараганда дабдабали, тиш-тирноғигача қуролланган солдатлар уни тезроқ ҳимоя қилишларини бутун вужуди билан сезар эди. У Саксониядаги қизил ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган аҳолига қарши рейхсвер билан биргаликда жанг олиб бораётган кўпгилли отрядларга қўшилиб кетишга ҳам ожизлик қилар эди. Бу ҳукумат марказий ҳукуматнинг кўзига тушган оқдай эди. Коммунистлар билан социалистлар ўртасидаги иттифоқ эса бундай иттифоқлар мумкин эканлигини бутун мамлакатга очиқ-ойдин кўрсатиб турарди.

Ҳозир кўчаларда жимжитлик ҳукм сурар эди; ҳатто бирор хотин-халаж бақиргундай бўлса, бирор жойда эшик тақиллаб ёпилса ёки бирор нарса зинапоядан тарақ-туруқ қилиб тушиб кетгундай бўлса — бу товушларнинг ҳаммаси, барибир: шаҳарнинг одатдаги кечки шовқин-суронидан жимроқ эди, чунки бу шовқин-сурон эри қамоққа олинган хотиннинг дод-фарёди, зинапоядаги тарақ-туруқ эса тинтув ўтказиш учун келган кишиларга қаратиб отилган стулнинг тарақ-туруғи эканлигини фақат пивохонада бўладиган воқеаларга алоқаси бор кишиларгина пайқашлари мумкин эди. Хариталар, шаҳар планлари, кишиларнинг исмлари ёзилган рўйхатлар ва пиво идишларига тўлиб-тошган думалоқ стол атрофида ўтирган офицерлар эса, бу шовқин-суронлар отишма ёки командаларга қараганда кўпроқ ҳукуматнинг, депутатларнинг тарқатиб юборилишга ва қизил бўлинмаларни тийиб қўйишга олиб келишини жуда яхши билар эдилар. Шунингдек улар пролетар бўлинмасига

қараганда бирор вилоят ҳукуматини ёки катта шаҳарнинг магистратурасини тарқатиб юбориш анча осон эканлигини ҳам билар эдилар.

Мастер ёрдамчиси шапкасини ушлаб, бир неча минутдан бери бурчакда турар эди; унинг бурун парраклари титрарди; у бу шовқин-суронларнинг аҳамиятини офицерларга қараганда дурустроқ тушунар, чунки новвойхона жойлашган катта бионинг ҳар қаватини, ҳар бир оилани жуда яхши билар эди. Капитан дағаллик қилиб, унга стол олдига келишни буюрди. Кейин унга, ҳовлида сақланаётган қамоқдаги кишилар очиқдан-очиқ шубҳали шахслар рўйхатига кириш-кирмаслигини аниқлаб бериш ҳақида яна буйруқ берди. Сўнг унга имо қилган эди, йигит бурчакдаги эшикдан чиқиб ғойиб бўлди. Кўча томондаги катта эшикдан ординарец кирди. У операция томомлангани ҳақида хабар берди. Гарчи қоронғи тушгунча операцияни томомлаш тўғрисида буйруқ берилган бўлса ҳам, ҳали қош қорайгунча йўқ эди. Гарчи пиво-хона деразасидан осмоннинг бир парчасигина кўринса ҳам ташқаридан тушаётган ёруғлик қоғозларга кўмилган столни ёритиб турар эди. Тор кўчаларнинг икки томонидаги баланд иморатлар ўртасидаги кул ранг, хира очиқлик худди кўчага ўхшаб кўринарди. Дарз кетган дераза ойнасининг ўқ тешиб ўтган жойи худди бегона кишининг кўзидай офицерлар турган уйга қараб тургандай эди. Дераза ойнасининг бу томонида парчалавган майда-чуйдалар, синган шишалар ётар эди. Фақат қайин дарахтининг ўқ илдизидан ясалган қопқоқли ғалати идишгина омон қолган эди. Пиво-хона хўжайинлари бу идиш билан жуда мақтаниб юришса керак. Деворда ҳануз ячейка ўтказган охири мажлис қарори ва ҳукуматнинг коммунистлар билан социалистлар томонидан имзоланган мурожаатномаси осифлиқ турар эди. Иккита ўқнинг изи равшан кўриниб турарди; биринчи ўқ билан Венцловнинг деншигини ўлдирилган эди, улар пиво-хона эгаллаб энди квартални оралаб чиқиб ва қўраб олишга бошлагунарча деншик саранжом қилинганди. Иккинчи ўқ прилавка устидан ўтиб, худди шу ерда турган пиво кружкаларига тегиб кетмасликка ҳаракат қилгандай, тўғри тоқчалардан бирига келиб теккан эди.

Ординарец бир қадам орқасига тисарилди, чунки капитан бошини шу ерда ўтирган офицерларнинг каллалари

орасига тикқач, улар пичирлашиб ниманидир маслаҳатлаша бошлашди. Уч лейтенант, булардан биттаси капитанга нисбатан хила кексароқ эди, дарров гапни маъқуллашиб бошларини қимирлатишди. Қамоққа олинганлар ичидан энг шубҳалиларини, чунончи; бўлималарнинг масъул раҳбарларини ва кейин ячейка раисларини ажратиб олиш керак.— Бу ишларнинг ҳаммасини тездан, то қоронғи тушгунча бажариш керак,— деб қайтарди паст бўйли, қоматини ғоз тутиб турувчи, кўринишидан мағрур капитан. У худди рейхсвернинг эмас, балки осмон кўшинларининг капитанидай ўқлар тешиб ўтган ойналардан кўкимтир — кул ранг осмонга қараб қўйди. Капитан ординарецга энди жавоб берай деб турганда, бурчакдаги эшикдан мастер ёрдамчиси кириб келди, капитан бош қимирлатгандан кейин, мастер ёрдамчиси учи яхшилаб чиқарилган қаламни столдан олиб, рўйхатдаги фамилиялардан иккитасининг тагига худди бозорда сабзавот танлаб олаётган хотинларга ўхшаб диққат билан чизиб қўйди. Капитан дарров бу иккита фамилияни илгари ажратиб қўйилганларга қўшиб, қалам билан тагига чизиб қўйди. Мастер ёрдамчиси эса эшик олдидаги илгариги жойига қайтди. Капитан Венцловни буйруқнинг бажарилишини текшириб келиш учун юборди. Венцлов пиво-хона олдида турган соқчилардан иккитасини ўзи билан олиб кетди.

Венцлов икки эшикдан ўтиб, ҳовлига кирганда қамоққа олинганларни йўқлама қилиш тугаган эди. Олтита эркак, иккита хотин ажратилганди. Хотинлардан бирининг қовоғи солинган бўлиб, жимгина турар эди. У бундан йнгирма минут илгари уйига бостириб кирган оқ гвардиячиларга қараб ўқ узган эди. Бу хотин бу ишни анча илгари ўйлаб қўйган бўлса керак. Қиз боладек кўринган иккинчи хотиннинг кўзлари шижоат билан боқарди, бурни танқайган эди; у ҳам илгарилар ҳовлида тош соққа отиб ўйнагандек, қўрқмасдан ўқ отган эди. Аммо Венцловни бу хотинлар ҳам, ҳовлининг қопқоронғи бурчагига тегиб қўйилган эркаклар ҳам қизиқтирмас эди. Милтигига найза қўндирилган солдатлар буларни ўраб олгандилар. Милтиқнинг металл қисмларида ботаётган қуёш нурлари товланар эди, чунки ҳамма нарса буйруққа биноан «қоронғи тушгунча» қилинаётган эди. Венцлов мастер ёрдамчиси томонидан белгиланган иккита фамилияни чақирди. Ниҳоят, ажратиб олинганларни ички ҳов-

лига — катта ҳовлидан ажратилган ва уйнинг орқа деворидан тахта девор билан айириб қўйилган тор тирқишга ҳайдаб киритишди; бу ерда ёқилғи сақланар эди. Уйнинг ҳамма қаватларига соқчилар қўйилган эди. Ҳамма деразаларни — ҳовлига қараб турганини ҳам, кўчага қараб турганини ҳам беркитиш ҳақида буйруқ берилган эди.

Пўлат шлем ва найзаларга тушиб турган қуёш нурлари сўнди. Шафақ акси аввало ҳовлига қараб турувчи биринчи қаватдаги деразаларда, кейин иккинчи қаватдагиларда сўнди, ва ниҳоят барча деразаларга қоронғи тушди. Маҳбуслар тўдасини тахта девор орқасидаги тирқишга итариб кирита бошлаганда, улар нафрат ва беихтиёр ўлим хавфи туфайли жоп-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатар эдилар. Соқчиларни ҳам нафрат ва ўлим ваҳимаси босган эди. Уларга кимдир хиёнат қилгандай ва гўё улар қурол-яроғларига қарамасдан ўзларига душман бўлган кишилар орасида, мана бу тошдан ясалган чуқурда ночор эканликларини сезардилар.

Пивохонадаги стол атрофида ўтирган офицерлар тўрт марта ўқ узилганини эшитдилар. Ҳовлида соқчилардан бири, бирдан ёрдам сўраб бақиргани учун бир қизнинг қўлини қайириб чиқарди. Қизнинг қулоқни қоматга келтириб чиқиргани пивохонадаги штабга ҳам эшитилди. Қиз солдатнинг бўйинини ва қўлини тишлаб олди.

Пивохонада ўтирган капитан: — Тамом бўлди, — деди. Бир дақиқа жимлик чўмди, гўё мана шу тўрт марта отилган ўқ овози билан дунёдаги ҳамма товушлар ўз вазифасини ўтаб бўлгандай эди. Отиб ўлдирилганларнинггина эмас, балки ҳовли ва уйдаги барча кишиларнинг ҳам нафаслари чиқмай қолди. Ҳатто Венцлов ҳам нафасини ичига ютди. Кейин узоқдан қолганларни олиб кетиш учун келаётган юк машинасининг товуши эшитилди. Солдатлар милтиқ кўндоқлари билан тақиллата бошлашди. Ёшгина бир қиз қаттиқ калтак еди; уни кўтариб боришга тўғри келди, қиз ҳамон тишлаб, юмдалар эди. Шу вақт дарвоза тагида яна бир ўқ товуши эшитилди. Бу ўқни ким отганлигини капитан ҳам, унинг одамлари ҳам, ҳатто одамларни машинага солишни кузатиб турган Венцлов ҳам билолмай қолдилар. Кейин иккита солдат қандайдир йигитни дарвозадан ҳовлига олиб кирди. Ёш йигит қаршилик кўрсатмасди, хотиржам боқар эди. Йигирма ёшлар чамасидаги оқ-сарикдан келган у йи-

гит бу уйда турмас эди. Шу пайт кимнингдир танасини ҳовлидан судраб чиқишганда, у истеҳзо билан тиржайди. Венцлов ўлдирилган кишини дарров таниди; бу мастер ёрдамчиси эди. Соқчилар йигитни Венцлов олдига олиб келиб, унга мастер ёрдамчисига қараб отган йигитнинг тўппончасини кўрсатдилар. Қотил бутунлай бошқа шаҳар районида эди. У бу ерга иттифоқан, алоқачи сифатида келиб қолган эди. Йигитнинг отаси ҳам пролетар бўлинмаларида хизмат қилар, у ҳам зўр ҳаяжон билан буюк воқеаларни кутиб турар эди. Ўтган ҳафтада, рейхсвер шаҳарни ишғол қила бошлагандан кейин унга қаршилик кўрсатиш ҳақидаги буйруқ ўрнига Берлиндан қизил бўлинмаларни тарқатиб юбориш ҳақида буйруқ келди. Чол қуролини ташлади-да, жаҳли чиқиб, ҳафсаласи пир бўлиб бир бурчакка тикилиб олди. Қип яланғоч одам кўчага чиқишдан қандай уялса, у ҳам ўз бўлинмасининг даража белгиларисиз кўчага чиқишдан номус қилар эди.

Йигит жуда чаққон бўлса керак, уни алоқачи сифатида деярли ҳеч ким танимас эди; унинг исми рўйхатда ҳам йўқ эди; шу вақтгача уни ҳеч ким душманга солмаган ҳам эди. Унинг бугун кечқурун бу ерга нима мақсадда келганлигини ва солдатлар қуршаб олган жойдан қандай қилиб ўтганини ҳеч аниқлаб бўлмади. У ўзи кузатибми, ёки бирор бошқа киши кузатиб айтганми, ҳар ҳолда мастер ёрдамчиси офицерларга жосуслик қилаётганлигига ишонч ҳосил қилган эди; йигит унинг изига тушган эди; мана энди, нонвойхонага олиб чиқадиغان мана шу дарвоза олдида у мастер ёрдамчисини отиб ташлади.

Шу пайт маҳбусларни тезроқ машинага жойлаш ҳақида капитандан буйруқ келди. Венцлов йигитни ҳозироқ йўқ қилиш ҳақида буйруқ берди. Етакчилари қўлга тушдими бўлди; энди аҳолига тинчлик ҳам бериш керак.

Йигит тахта девор орқасидаги тирқишга олиб киришларига қаршилик кўрсатмади. Унда ҳеч қанақа шак-шубҳа йўқ эди. Уни кутиб, ерда ётган ўликларга йигит зўрга бир назар ташлади. Илгарилар у ўлиб ётганлардан биттасеникига алоқачи сифатида мунтазам қатнаб турар эди. Ниҳоят, ўқ отилиб, йигит ўликнинг устига кўндалангига агдарилганида, унинг хотиржам ёш чеҳрасида, гўё ўлиб ётса ҳам ўз ишини давом эттирадиган бир ифода бор эди. Бундан олдин у, ҳовлида Венцловга ҳеч

пинагини бузмасдан ҳатто тикилиб қараган эди. Венцлов биринчи машинага маҳбусларни, иккинчисига эса — ўликларни жойлаштириш ҳақида, кейин эса фақат дарвоза ва зинапоялардагина соқчилар қолдириб, чекиниш ҳақида буйруқ берди.

Кечқурун Венцлов ниҳоят, ухлаш учун ётди, у шунчалик чарчаган эдики, ҳатто анча вақтгача кўзига уйқу келмади. У узоқдаги нарса ва суратларни кўз ўнгидан ўтказишга ҳаракат қилар эди, масалан, қўшниси кичкина Ильза Мальцанинг қачонлардир зинапояда туриб, шоша-пиша миннатдорчилик билан боққанини хаёлидан ўтказди. У Ильзани ўпишга журъат қилолмаган эди, олмадеккина сийнасига қўл тегиза олмаганди. Ҳозир у уйқусираб ётаркан иккала нарсага ҳам журъат қилди. Бўлажак қайнапаси фрау Мальцан эса зинапояда туриб, Амалия холанинг орқасидан уларга қарарди. Бу жуда кулгили эди. Венцлов иккала хонимнинг синчковлик билан қараб туришлари қизни чўчитмасин, деб унинг бошини бошқа томонга ўгириб қўйди. Хонимларнинг қараб туришларини Венцлов парвосига ҳам келтирмади. У кўнглига келганини янада дадилроқ амалга оширди. Зинапоянинг тепасидан пастигача дарров одамларга тўлгани ҳам унга ҳалақит бермади. Венцлов кўзи уйқуга кетар экан, ўзидан нари қилмоқчи бўлган кишиларни хаёлидан сира чиқара олмас эди. Улар зиналарга жойлашиб олишди: капитан, кейин пивохонадаги учта офицер, ўзининг солдатлари, юқоридаги поғонада эрталаб унга қараб уйдан ўқ узишган шалпанг қулоқ ўша йигит, шунингдек маҳбуслар турар эдилар. Мастер ёрдамчисини отиб ўлдирган йигит, унга хотиржам қараб турар эди. Унинг кўзлари ўткир бўлиб, лоқайд, аммо зийрак эди. Мана шу кўк кўзларда майдагина ёруғ нуқталар чақнар ва улар Венцловга ҳалақит берар эди. Аммо бу йигит ўзини алоқачи деб таъинлаган бўлса ҳам, сира алоқачи бўлмаган: у бутунлай бошқа одам бўлиб чиқди. Шу сабабдан ҳам унинг мана шу зинапояда туришига ҳеч ҳожат йўқ. Венцлов уни аллақачон отиб ўлдирган. Бу одамнинг юзидаги тўртта нуқтагина — пешонасидаги иккита нурум-у, туртиб чиққан ёноқ суяқларидан бошқа жойлари чириган, ранги ўчиб кетган. Венцлов ундан баъзи бир нарсаларни жуда ҳам сўраб билгиси келар эди, ҳў ўша машинада кетишаётган вақтда ҳам:— Нима учун сен ўз жонингга ўзинг қасд қилдинг, менга тушунтириб бер,

ахир иккаламиз тенгқурмуз-ку — деб сўрагиси келган эди. Лекин Клеммнинг олдида буни сўрашнинг иложи йўқ эди. Клемм ўзини бундай саволдан эмас, балки шунга ўхшаган саволлардан ҳам юқори тутар эди. Ливен эса бундан баттар эди. Бундан ташқари яна иккита одам — соқчи ва шофернинг олдида бундай саволни бериб бўлмас эди. Умунан сўраб бўлмас эди, ахир йигит ўлдирилган-ку. Клемм боши билан имо қилди. Венцлов эса, отиб ташлади. Зинапояда энди Амалия холадан бошқа ҳеч ким қолмади, у ҳам ранжигандай калласини қимирлатар эди. Амалия холанинг норозилиги жиёнининг кичкина Мальцанга нисбатан бўлган ҳаёти-ҳаракатига оид эди. Шунинг учун ҳам у Амалия холага кичкина Мальцан мен боп хотин бўлади, деб тушунтиришга тиришди. Шундан кейин Венцлов, Амалия хола нозик лабларини қисиб турганини кўрди-да, тушунтиришлари унга таъсир қилганини билди. Венцлов ҳатто уйқусида ҳам, холаси кечаси-ю кундузи кутаётганлигини сезар эди. Амалия хола Венцловнинг бу дунёдаги ягона бутунлай ўз кишиси эди. Эҳтимол хола ҳозир ҳам жиёнини ўйлаб ўтиргандир. У ҳамма вақт Венцловни ўйларди.

#### БЕШИНЧИ БОБ

Ошхона деразаси боққа қараган эди, шунинг учун боб Амалия холага барала кўриниб турар, аммо холанинг ўзини боғдан кўриб бўлмас эди. Хола мармеладни кавлаб туриб, бизни ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлаб, девор орқасидаги сирень буталари орқасига бекиниб олиб, кулишаётган, ҳазиллашаётган ошиқ-маъшуқларга аҳён-аҳёнда қараб қўяр эди. Амалия хола ҳар қараганида қисилган, қуруқшаган лаблари намланиб, оғзининг суви келарди. Унинг ҳам худди ошиқларникига ўхшаб кўзлари, лабларининг бурчакларида табассум пайдо бўлар эди. Унинг ориқ юзи қизарар, тор ёқа сиқиб турган бўйни ва баланд қилиб турмакланган сочлари эса юзини янада чўзинчоқ қилиб кўрсатарди. Хола чеҳрасидаги қандайдир бир жозибадорлик, муомаласининг мулойимлиги, агар унга ҳам япоқлардаги гардларни, қари қизларнинг юрагидаги қайғу-ҳасратларни учириб кетадиган ҳаёт шамоли эсгундай бўлса, у ҳам бутунлай бошқача бўлиб кетиши мумкинлигини кўрсатар

эди. Қўшни боғдаги йигит энди қизни аврамасди, энди қизнинг қўли худди уясида ётган қушча сингари ўз қўлида қандай яхши турганини кўрсатар эди.

Қўшни боғдаги қиз ишқ-муҳаббат бобида ҳали анча ёшлик қиларди. Амалия холанинг фикрича, қиз, пешонасида шундай бир ошиқ борлигини тушунишга ҳали ақли калталиқ қиларди. Венцлов отасининг ўзгинаси эди, Венцлов Амалиянинг акаси эди, у йигирма-ўттиз ёшларида ўғлига ўхшаб бошини юқорига кўтариб юрар, чиройли жингалак сочлари ҳуснига ҳусн қўшарди. Ўғил отасига нисбатан анча қоматини роз тутиб, озода кийиниб юрарди. Жисми қонига сиғиб кетган уруш уни ана шундай қилиб қўйганди; ота эса бундан олдинги, 1870 йилги уруш вақтида, афсуски, ҳали бола эди. Жияни эса уруш йилларида ўсиб-ўлғайди. У таваккалчилик, хавф-хатар ва кишилар, ҳаёт-мамот устидан ҳукмронлик нима эканлигини бегона кишилардан эшитиб, маневрларда эмас, балки фронтнинг ўзида билиб олди. Қўшни ҳовлидаги бу хунуккина қизни жияни нима учун бунчалик севиб қолганлигини Амалия хола тушунар эди: кейинчалик бу қиз жиянига жуда муносиб хотин бўлиши мумкин эди, чунки бу қиз эътиборли оилада ўсган ва хола жиянларига она ўрнига ўтиб уларни қандай тарбия қилган бўлса, қиз ҳам худди мана шундай тартибларда тарбия топган эди. Тўғри, қиз ҳозир анча ёш, лекин ундаги бу камчилик куш ўтиши билан йўқола борадиган нарса. Мана энди қиз бошини йигитнинг кўксига қўйиб, йигит ўзиникидан бир оз сариқроқ бўлган қизнинг сочларини силаётганини Амалия хола девор орқасидан кўриб қолганида, бу қари қизга, умрида биринчи марта ба, йигит унинг ҳам кўнглини овутаётгандай бўлиб туюлди. Амалия холани шу вақтгача ҳеч ким севмаган эди. Онаси ёшлигида ўлиб кетгач, рўзгор ишларини бажариш унинг бўйишга тушган эди. Акасининг хотини бевақт вафот қилгандан кейин эса унинг рўзгорини бошқариб юрди. Амалия аслида чиройли эмасди, аммо у ўз ҳуснидан фахрланарди: чиройлими ёки хунукми, барибир, Венцловларга ўхшаб кетарди. Буларни кига келиб юрадиган офицерлар бир оз ичиб олгандан кейин, шахзоданинг ҳам юзи, худди сиз билан Улуғ Фридрихникига ўхшаш чўзиқ, иккала чаккаси ичига кирган, тумшуги эса бир қарич келади, деб қайта-қайта гапиришар эди; шунинг учун офицерлар ўтган асрда, Венцловлар оиласи

саройда қабул қилинган пайтда император оиласи аъзоларидан бирортаси Венцловларнинг оила аъзоларидан бирортаси билан алоқа қилиб қўйган бўлса керак, деб ҳазиллашишни ҳам яхши кўрар эдилар. Ҳозир хола ҳанузгача ўзи учун азиз бўлган отасининг фамилиясида юриши билан ҳатто мағрурланиб ҳам қўярди. Одатда хотинлар эрга теккандан кейин эрининг фамилиясига ўтишади. Аммо Амалия хола эрга теккандан кейин ҳам фамилиясини ўзгартирмаган эди.

Амалия хола қора смородинани газга қўйди. У иши бўлмаса ҳам ошхона столи олдига келганда, жияни қизнинг бошини ушлаб лабларидан ўпаётганлигини кўриб қолди. У ҳатто ўткир кўзларини тикиб, қизнинг лоладай қизариб кетганлигини ҳам кўрди. Амалия холанинг ҳам нафаси қайтиб кетди. Бу бўса кичкина Мальцанга қараганда кўпроқ холани ҳаяжонга солган бўлса керак. Бу нарса шундан маълум эдики, Амалия тахтакачга ўхшаганлигига қарамай, бўса вужудининг энг нозик нуқталаригача бориб етганини ҳис қилди. Венцлов кичкина Мальцанни иккинчи, учинчи марта ҳам ўпди. Амалия хола эса, бу ҳар бир ўпишда вақтнинг нақадар тез ўтиб кетганлигини, сирли келажак нафасини, холадан кейин қоладиган янги авлодларнинг пойқадамини сезар эди.

Қўшни боғдан кимдир чақирди:— Ильза!— Қиз дарров қари сурилди. Венцлов сирень шохидан биттасини синдириб олди. У ошхонага, тоғорадаги қора смородинани кавлаётган холасининг олдига кирганида ҳам оғзидан шохчани ташламаган эди. Хола қошиқни оҳиста тоғорадан олиб:— Кўнглинг ширишлик тусайдимиз?— деди ва катта қошиқни унга тутди. Венцлов қошиқни иштиёқ билан ялади. У болалик даврида шундай вақтларда оғзининг учиде туриб юқорига интилар эди, ҳозир эса энгашди. Хола тишсиз милкларини кўрсатиб кулиб юборди; унинг лаблари яна қуруқшаб, нозиклашиб қолган эди. Кейин хола:— Кичкина Мальцанни кечки овқатга чақирсакмикин?— деб сўради ва кишининг кўнглидагини топишга моҳир аёлдай, қўшиб қўйди:— Афсуски, бир ўзини таклиф қиламанда. Мармелад учаламизга стади, холос.— Венцлов эса.— Ажойиб аёлсан!— деди. Ҳалигача бирон эркак холага шунақа демаган эди. Шунинг учун ҳам холанинг юраги дук-дук урар экан, зўр бериб мармеладни кавлай бошлади. Ёшлигида хо-

ланинг бошидан бирор махфий иш ёки ҳийла-найрангга сабаб бўладиган воқеа ўтган эмас. Шунинг учун ҳам бошқаларнинг бундай арзимас сирлари, ҳийла-найранглари унга ўтиб кетган ёшлигини эслатар эди.

— Қора смородинанинг суви ошхонага шунчалик сачраб кетибдики, бу ерда бирор қон тўкиш бўлмадимикин, деб ўйлайсан киши,— деди Венцлов. Фрейлен фон Венцлов эса, муғомбирлик билан шундай деди:— Қиз кейинчалик буюмларингни йиғиштиришда сенга қарашади, деншчигингни бу ишга уқуви йўқ экан. Қола берса қиз бола ёшлигидан эркак кишига урушга ёки маневрга кетаётган вақтида нималар зарурлигини билиб олса ёмон бўлмайди.

— Галлегача мени автомобилда элтиб қўйишади. Эрталаб соат тўртда эса яна йўлга тушамиз. Бошлиқ фақат ана ўшандагина аниқ маршрутни айтиб беради.

— Денгиз бўйи масаласи ҳал бўлмаганлиги яхши бўлмади-да,— деди хола. У жиянининг рейхсверда хизмат қилишидан қўрқар эди, лекин унинг хизматдалиги кўнгилга ёқмайдиган меҳмонларни уйда қабул қилиш ёки баъзи бир оғир жамоат вазифаларини бажариш каби оқибатларга сабаб бўлмаслигини кўрганидан кейин, жиянининг хизматдалигига нисбатан бўлган нагариги адвокати йўқолди. Аллақандай республикачилар билан ёрдўстлик алоқалари қилсанг, жавобгарликни ўзингдан соқит қилиш керак. Мальцан чол шу замонаёқ холани мазақ қилди:— Жиянингиздан хотиржам бўлинг. Билмайман, ўғлимиз учун нима уятлироқкин: худо номи билан қандайдир республикага қасамёд қилишми, ёки уйма-уй юриб пилесос сотишми. Бизнинг табақамизда номус анъаналари ҳали мавжуд, империядагилар эса буни ҳечам назар-писанд қилишмайди. Шунинг учун ҳам биз тез орада ўз сафларимиздан бу ярамас элементларни — ҳамма қизил ва ярим қизилларни қувлаб чиқарамиз.

— Нега афеусланасан, Амалия хола?— деди йигит.— Шимолда биз унчалик зарур эмасмиз. Урта Германияда эса, куч-қудратимизни намойиш қилишимиз лозим. Ахир бу жойлар, улар йил сайин безорилик қилаётган ерларку. Эберт жаноблари ҳам фақат бир йилгина ўғай ака-укаларининг коммунистик партиясини тақиқлай олди, кейин тоқат қила олмай, яна унга ижозат бериб юборди, чунки ҳар қалай рейхстагга депутатлар сайлаш керак, бундан ташқари биз энди ҳар ҳолда республика бўлиб

қолдик. Шунинг учун ҳам биз қўшниларимиз бўлмиш инглиз ёки французларга бирор ишда кўр-кўрона тақлид қилишимиз керак-да; ҳозирги пайтда уларга тақлид қиладиган нарсамиз — тўғри ва яширин сайлов ҳуқуқи бўлиши керак. Коммунистик партиянинг тақиқланиши олдидан бизда фақат тўртта коммунист — депутат бор эди. Ҳозир эса тўртта камлик қилгандай уларнинг сони олтмиштага етти! Мана шунинг учун ҳам Урта Германияда бу ярамасларга, ҳали биз хато қилмай нишонга ўқ тегиза олишимизни кўрсатиб қўйсак, жуда яхши иш бўлади. Жон Амалия хола, йўлга жўнаш олдидан мен бир оз дам олишим керак. Сенинг мармеладингга ёпишиб қолмай деб қўрқаман, шунинг учун овқатхонага чиқа қолай. Кейин, қимматли хола, ҳамма ишни ҳам дўндира оласан, Мальцанларникига чиқиб, қизини кечки овқатга таклиф этишингни илтимос қиламан.

## II

Мариянинг эри, Гешке Ленин вафот қилганлиги ҳақида хабар келгандан кейин бутун Берлин бўйлаб ўтган намойишда қатнашмади.— Биз, ахир, ҳали рус бўлганимиз йўқ-ку,— дейишар эди гаражда ишловчи кишилар, кейин яна шундай деб қўшиб қўйишарди:— Сен ҳам бормасанг бўлади. Бундан коммунистлар наф кўришяпти, холос.— Шлютер деган ўспирин ғазабидан бўздай оқариб кетди,— қанақа наф кўришибди? Нимадан фойдаланишибди?

— Қизинмасанг ҳам бўлади, сен тирранча, ўзингни бос. Сизлар ҳамма вақт Москванинг погорасига ўйнайсизлар.— Жанжал вақтида Гешке нидамай ўтирди. Баҳслашаётган йигитнинг кўзлари ўтдай чақнар эди; у отасидан мерос қолган солдатча камзулни кийиб олган эди. Камзул жуда ранги ўчиб, эскириб кетган, аммо ҳали анча кийса бўларди. Йигит ишчилар синфи ҳақида баҳслашган вақтда бутун дунёдаги ишчилар синфини ва унинг авангардини кўзда тутарди; унинг фикрларига қарши чиққан юк ташувчи ишчилар эса ишчилар синфи деганда айрим эркак ва хотинларни назарда тутардилар; бундай кишиларнинг исми фалон-писмадон, уларни ҳисобдан чиқариш ва бошқалари билан алмаштириш мумкин, улар у ёки бу сабабларга кўра машҳур бўлишлари ёки машҳур



бўлмасликлари мумкин эди. Гешке жўнашга ҳозирла-  
ниб, индамай моторни юргизди. У яна йигитга қараб қўй-  
ди, шу вақт, одатда шундай оғир минутларда туйғулари,  
зеҳни ўткирлашган бир пайтда март кунларидан бири  
унинг эсига келди: йигит мана шу камзулини кийиб ол-  
ганди — ҳозир бу камзул унга жуда лойиқ келиб қол-  
ган эди — кўзлари ёниб, умумий иш ташлаш давом эта-  
ётганлигини текшириб кўриш учун колонканинг кранини  
бураб кўрган эди.

Бугунги баҳсни Гешке яхши тушуна олмади. У томон-  
ларнинг нима демоқчи бўлганларини тахминан пайқаган  
бўлса ҳам, лекин тўғри бир қарорга кела олмас эди, қола  
берса, бу нарсани у билмасди ҳам.

Ҳар ҳолда Гешке, гарчи намоёнишга бориш деган сўз  
албатта «Москванинг погорасига ўйнаш» эканлигига ичи-  
да шубҳа қилса ҳам, намоёнишга бормаслик ҳақида  
қатъий бир қарорга келиб қўйди. Агар уни намоёнишчи-  
лар орасида кўриб қолсалар, у вақтда яна меҳнат бир-  
жаси орқали иш топиши гумон. Аммо у тап тортмасдан  
ишсиз қолиб, ўртоқларига масхара бўлган пайтлар кўп  
бўлган эди. Яқингинада дафн қилинган бу одам, балки  
ҳақиқатда ҳам улур киши бўлгандир; балки у ҳақиқатан  
ҳам бирор зўр ишни хаёл қилгандир-у, аммо ниятига ета  
олмагандир. Агар бутун дунё ишчилари бирлашганда,  
балки у ўйлаган ишнинг охирига стказган бўларди. Ахир  
Гешкенинг танҳо ўзи унга бирор ёрдам бера олмади-да.  
Иннайкиин Гешке мотам намоёнишга боргани билан у  
одамга ёрдам бера олмайди-ку, ахир.

Гешке уйга қайтаётганда намоёниш уни йўлидан тўх-  
татди. Гешке тўрттадан қаторлашиб кетаётган бу беҳи-  
соб кишилар орасидан, гўё кўзини қамаштириб юбора-  
диган аломон ичидан бирорта ўзингга таниш бўлган ки-  
шини ахтарганингдек, мош ранг солдатча камзул кийган  
ўша йигитчани ахтарди. Эрталаб ишчилардан кимдир би-  
рови бу ўспиришни юлатишга ҳаракат қилиб:— Ленинга  
қарши бирор нарса дейиш қийин, у, балки, зўр ишни  
ўйлаган бўлиши мумкин; қола берса, кўп ишларни ҳам  
қилиб қўйгандир. Лекин ҳозир унинг ўзи ҳам, бутун  
режаларни ҳам тамом бўлди, деган эди.— Лекин ҳозир  
Гешкенинг назарида ҳамма нарса тамом бўлмаган эди.  
Шунинг учун ҳам у намоёнишда қатнашмаганлигига энди  
афсус қилди. Лекин у ҳозир ҳатто намоёнишчилар сафи-  
га кирмоқчи бўлганда ҳам, унга қаторларда жой қол-

магандай эди. Ниҳоят, Гешке ўзидан ўзи:— Улган одам  
қандай киши бўлганикин, агар кўмиш маросимига бора-  
ётганларини унинг ўзи кўрганда, ўз хотирасига бағиш-  
ланган бу мотам намоёниши билан, бутун ер юзида бўла-  
ётган мотам намоёнишлари билан фахрланармиди?— деб  
сўради. Жаҳоннинг ҳамма шаҳарларида намоёнишлар бў-  
либ турган эди. Бу намоёнишларда оқлар, қоралар, буғ-  
дой ранглар, сариқлар иштирок қилар эдилар. Агар  
мана шу ҳамма мотам намоёнишлари бир-бирига қўшил-  
ганда эди, улар билан бутун ер шарини ўраб олиш  
мумкин эди. Гешке илгари иштирок қилишни истамаган  
бу намоёниш орқасидан энди чор-ночор эргашиб кетди.  
Унинг ёнида совуқдан қунишиб, эскигина пальтосига  
ўраниб олган кичкинагина бир киши турар эди; унинг  
бошида эски шляпа бўлиб, қулоқлари қизариб кетган  
эди. У:— Уша билан бирга мана буларни ҳам дафн  
қилишса яхши бўларди...— деб тўнғиллади. Унинг ёни-  
даги анча семиз, тўладан келган хотин, балки бу унинг  
хотинидир, товуши борича шундай деди:— Буни мен  
немиш ишчилари учун шармандалик деб биламан.—  
Гешке қовоғини солиб, иккаласига қараб қўйди. Унинг  
миясидан: «Сизга ўхшаганлар билан тротуарда ёнма-  
ён туриш уят!»— деган фикр ўтди. У барча нарсага,  
намоёнишчиларнинг қаторига ҳам, томошабинларга  
ҳам қандайдир бошқача нуқтаи назардан қарагандай  
эди: у ўзи ҳам томошабинлар қаторида эканлигини уну-  
тишига сал қолди. Гешкени намоёнишчилар ортидан эр-  
гаштириб бораётган юрагидаги ўша нозик илинж уни  
намоёнишчилар ортидан бора олмани учун қандайдир  
афсусланишдан иборат эди, холос. Лекин бу илинж Геш-  
кени ҳақиқий ҳаёт билан боғлаб, уни энди хазон сингари  
у томондан бу томонга тўзгитмас эди.

Гешке уйга одатдагидан кечроқ қайтди. Эрининг бун-  
чалик сергап бўлишини Мария фақат унга тегишидан  
илгари кўрган эди. Мария қўшни хотинлар билан бирга  
намоёнишни томоша қилиш учун кўчага чиққан эди. Шу-  
нинг учун у:— Сен ҳам иштирок эттингми?— деб эридан  
сўради.— Гешке эса:— Кўзим учиб турибдими?— деб  
жавоб берди.— Биз коммунист эмасмиз.— У хотиннинг  
саволларига аниқ ва қўпол қилиб ўртоқлари ишхонада  
Шлютерга қарши гапирган сўзлар билан жавоб берди.  
Бу саволлар эрталаб унинг ўзини ҳам қийнаган эди.

Кейин овқатланиш учун столга ўтирдилар. Болалар

оталари билан оналари орасидаги гапларга қандай ишти-ёқ билан қулоқ солаётган бўлсалар, овқатни ҳам шунчалик иштаҳа билан еяр эдилар. Қизча ҳовлига чиқишдан кўра кўпроқ уйда ўтиришни яхши кўрар эди; болалар ҳадеб унинг гашига тегиша берарди, у бўлса болаларга ҳеч нима демасди. Катта акаларига тегишмас эди: у бақувват, чиройли бўлиб, ҳамма иш ҳам қўлидан келар эди. У ўймакорликни, расм солишни билар эди. Шунинг учун у уйда ўтиришни яхши кўрарди. Гешкенинг кенжа ўғлига оилада жуда кам эътибор беришарди, фақат шўхлик қилса ёки уст-бошини йиртиб келсагина уни койишарди. У овқат вақтида гапирилган гапларнинг кўпчилигига тунунмади, фақат: «Буни бизга алоқаси йўқ, биз рус эмас-миз-ку»— деган айрим сўзларгина унинг қулоғида қолди.

Мактабда унинг ота-онасида ҳам яқинроқ бир ўқитувчиси бор эди. Бу ўқитувчи эса яқинда ўқувчиларга, уйда фақат ҳақиқий немисларга оид нарсаларгагина: ота, она, нон, сўз, кўмир, картошкага эътибор беринглар, деганди. Ўқитувчи Францининг иншосини мақтади; кейин деворга Германиянинг катта харитасини илиб қўйди. Гешке ҳеч қачон болаларнинг мактаб дафтарларини кўздан кечирмасди, чунки бунга эҳтиёж йўқ эди. Бордию, баъзан дафтарларни текширгундай бўлса ҳам кулиб қўярди-да, кейин ўзининг мактабга қатнаганларини ҳикоя қилиб берар эди.

Мария ҳаммага баравар қилиб шўрва қўйди. Кенжа ўғил тарелкани охиригача ялаб, сўнг ойисига қараб қўйди. У бундан бошқа овқат берилмаслигини биларди, шунинг учун шунчаки қараган эди. Кишилар дунёда яшай бошлаганларидан буён қуёш доимо тепаларида турганидек, бу бола дунёга келганидан бери, онаси ҳамма вақт унинг ёнида ҳозир эди. Мария ўғлининг қарашини тунунди, лекин у ўғай болаларидан бирор қошиқ ортиқча ўғлига овқат қўйиб бермас эди.

Плитадаги сув қайнади. Ошхона анчагина иссиқ эди. Кун ботди, оила мудрай бошлади. Ҳеч бир нарса уларнинг тинчлигини буза олмайдигандай туюларди. Сўнаётган шафақ кип-қизил эди, қуёшнинг бундай ботиши қиш кунларида бўлади. Болалар совуқдан гул ташлаган ойналарга пуфлар эдилар. Болалардан биттаси деразани очган эди, Гешкенинг жаҳли чиқди. Хаёл Мариyani узоқларга олиб кетди. Йиғлай бериб кўзларида нам қолмаган, қизлик вақтида ҳувиллаган хонасининг деразани ойналари

музлаб гул ташлагани қачон эди? Уша вақтда севган кишини беҳуда кутганлигини Мария энди зўрға эсларди. Ҳозир бу бир тушдай бўлиб қолган эди. Севгилиси Мариyanинг тушига ҳозирги турмушга қадам қўйишидан илгари кирган эди. Бу турмуш ҳар хил юмушлар, ҳар хил ғам-кулфат ва умидсизликларга тўлиб-тошган эди, хурсандчилик эса жуда ҳам кам. Ҳозир ўтмиш хийла орқада қолиб кетди, у энди аламини янгилай олмади, шунинг билан бирга ўтмиш, худди январь кечалари бири иккинчисига ўхшаш бўлганидек, ҳозирги ҳаётида ҳам мавжуд эди.

### III

Станциягача етиб олиш учун Глейм Ливенга фойтонини таклиф қилди ва агар буюмларини жойлаштирадиган бирор нарсаси бўлмаса саквожайини ҳам бериши мумкинлигини айтди.

Ливен бир печа марта кетмоқчи бўлди-ю, аммо яна ўзи кейинга қолдирарди, у ўртоқларининг кетишга шонилма, деган илтимосларини жон-дили билан қабул қилар эди. Ҳатто, ишдан умидини узган, давлат тўнтариши номаълум вақтгача қолганлигини юракдан ҳис қилганда ҳам жўнаб кетишга унча ошиқмас эди. Мана энди у катта залда ўтирган, ҳаяжонланиб сўнгги хабарлар эълон қилинган газетани талашиб-тортишиб ўқиётган офицерларнинг ҳар хил башорат қилиб айтган сўзларига одатдан ташқари кам гаплик билан қулоқ соларди. Улар гоҳ гарбдан сигнал куттишарди, чунки ҳатто Рурда султ қаршилиқ кўрсатиш бекор қилингандан кейин ҳам улар французлар олдидаги чекиниш бир мақсадни — секин-ас-та барча кўнгилли корпусларни шарққа тўплаб, Юқори Силезияни қайтариб олишни кўзда тутиши мумкин, деб ҳисоблар эдилар, гоҳ эса жанубдан, Мюнхендан келади-ган хабарларга қулоқ солишарди; бу ерда илгарилари ҳеч кимга маълум бўлмаган бир телба таваккал қилмоқчи бўлибди. — Бу телба, — деди Ливен Лютгенга, ўринга ётиб олишгандан кейин, — агар ўзига қарашли йигитлари билан Фельдхернхаллега<sup>1</sup> борса, бутун жаҳон ҳайратла

<sup>1</sup> Фельдхернхалле — Мюнхендаги бино. Бу бинонинг олдида гитлерчилар фитнаси рўй берган. (Ред. изоҳи.)

қолади, деб ўйласа керак-да. Аммо уларни ўша ернинг ўзидаёқ тарқатиб юборишибди! Бир неча ўқ кифоя қилибди.— Хужум қилиши мумкин бўлган сўлларнинг қўзғолони ҳам бошланмади. Фақат майор Леттов-Форбенинг ўзи Шарқий Африка ветеранлари билан баррикадаларда бир неча кунгача жанг қилган Гамбургдаги ишчиларни йўқ қилиб юборди, Саксониядаги қизилларни эса рейхсвер дарҳол тор-мор қилди. Шундай қилиб, иккала томон ҳам ҳолдан тойди, қатъий қарорга келиш яна орқага суриляпти. Ливен Лютгенсга:— Мен бундай чалкашликдан ҳеч иш чиқмаслигини дарров тушунганман, революция сира бунақа бошланмайди. Агар сиз мен билан бирга 1917 йилда Россияда бўлганингизда эди, революция қандай амалга оширилишини кўрган бўлардингиз. Энди уларнинг ҳар бири ўзи учун бирор нарсани ҳал қилиши керак эди, чунки уларнинг ҳар бирини бундай бир тўхтамга келишдан озод қиладиган улғу сигнал ҳалигача берилмаганди. Номатлум муддатга чўзилиши мумкин бўлган бундай кутиш даврини қаерда ўтказилса бўларкан? Яна шу имениеда қолишсинми? Аммо бу ер Ливен билан Лютгенснинг ўлгундай жонига теккан. Шаҳардаги дўстларининг олдига кетишсинми? Лекин дўстлар бу вақт орасида камбағаллашиб, аламзада бўлиб қолишган, нима қилишни уларнинг ўзлари ҳам билишмайди. Яхшиямки, уруш ва фитнани ваъда қиладиган мамлакатлар топилди туради. Ахир инсон доимо ҳаёт ва мамот ёқасида тура бергандан кейин, у ҳамиша тажанг ҳолда бўлади. Аммо бу ҳаётдан мурод нима, бу ўлимдан мурод нималиги — иккинчи даражали масала.

Аммо истаган нарсани топиш мумкин бўлган Берлинда ҳатто ўзига хос бир бюро ҳам мавжуд. Бу бюро Африкада ўзининг рифф-қабилалари билан француз ва испанларга қарши жанг қиладиган қандайдир бир Абдул Карим учун офицерлар ёлларди. Лютгенс:— Ҳеч бўлмаса у ерда французларнинг жаҳлини чиқариш мумкин,— деди.— Лекин Ливен кулиб, менинг учун энг муҳими, бу Абдул Карим деганлари тезроқ бизни шиддатли жангга солиб юборса бўлганин, ким билан жанг қилишининг мен учун қатъиян фарқи йўқ,— деб жавоб берди. Жанубий Америкада ҳам Боливия, Парагвай ва шунга ўхшаш авантюрага мойил мамлакатлар бор. У ерда ҳам ўзларига яраша урушлари, консулхоналари ва кишиларни тўплайдиган бюрolari бор. Глеймларнинг берлинлик қа-

риндош-уруғлари чет элга одам тўплайдиган идораларга алоқадор бир неча кишини билар эдилар. Лютгенс пулсиз кетишга қўрқарди. Лекин Ливен атрофидаги ҳамма нарсага ҳам нафрат билан қарай бошлаганди. Шунинг учун у амакиваччасидан хат-хабар келгунча кутишга қарор қилди. У келажак режаларининг шунчалик умидсиз барбод бўлишига шохид бўлган бу одамларга ҳам, бу жойларга ҳам энди тоқат қила олмас эди.

Охири марта ҳаммаси тўпланиб нонушта қиладиган вақтда Глейм такаббурона мулойимлик билан Ливенга поезд билетини тутқизди: у бу таклифи билан дўстини гўё уялтириб қўйишдан чўчигандай эди. Ичида эса Глейм Ливеннинг жўнаб кетишидан жуда хурсанд эди. У бу орада уйланиб олган эди. Ёш берлинлик бека офицерлар билан, айниқса Ливен билан жон-жон деб вақт ўтказарди. У эридан кўра ҳам Ливеннинг олдига жуда ясашиб чиқарди. Ливен ҳам ҳар доим, бу рангдаги кўйлакни яхши танлабсиз ёки бу блузкани кийганингизни бугун биринчи кўришим, дейишни канда қилмас эди. Ливен жўнай туриб, сочи ажойиб қизни ўйлар эди. Ливен у қизининг ҳаётини бир лаҳзадаёқ ағдар-тўнтар қилиб юборганди, бундай ағдар-тўнтар қилиш табиий натижага олиб келадиган алоқа ва одатдаги зериктирарли, маъносиз учрашувларга нисбатан хийла асослироқ ва тезроқ рўй берган эди. Унга қараганда қадри камроқ хотиннинг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиш эса Ливен назарида аҳамиятсизроқ эди, бу беадаб, тили ўткир пойтахтли Глейм хоним ўқувчи қиздан анча паст турарди.

Охири нонушта вақтида Ливен яна бир марта ҳурматли меҳмон бўлди. Аммо унинг кетидан катта дарвозалар, кейин файтон эшикчаси, ниҳоят поезд купесининг эшиги бекилгандагина у ҳурматли меҳмон бўлмай, балки қилар ишининг тайини йўқ, бошпанасиз бир киши бўлиб қолади. Шу туфайли, у гарчи чет эл режалари барбод бўлиши мумкинлигини ўйлаб, ваҳимага тушмасликка қатъий аҳд қилган бўлса ҳам, бу ҳолни анча олдин сезган эди... Ливен ҳар қандай план режаларнинг амалга ошишига асосий тўсқинлик қилувчи нарса, одатда кишининг мадорини қуритувчи ташвишлар ва шубҳалар, деб ҳисоблар эди. Унда пайдо бўлган ҳозирги сезги ҳам, болалигиданоқ жуда яхши таниш бўлган бошпанасизлик ва бирор нарсага ёлчимаслик туйғусининг таъсири бўлса керак. Худди хайрлашиш вақтида кўрганингдай, дўст-

лар, қариндош-уруғларнинг чеҳраларини, ўша ғира-шира, шафқатсиз дунёдаги манзаралар ва буюмларни у жуда кўп кўрган!

Станцияга кета туриб, Ливен атрофда ёстаниб ётган бу фэйзсиз биёбондан охирги марта ўтиб бориш ҳам бир бахт, деб ўзига-ўзи таъкидларди.

Глеймнинг кучери Ливеннинг саквояжини вокзалдаги ресторанга олиб кирди. Гарчи саквояж унчалик катта бўлмаса ҳам, унинг ичида Ливеннинг озгина буюми у ёқдан-бу ёққа думалаб юрганлиги эшитиларди. Ливен энг зарур кийим-кечакларини олган эди. Кўйлак-иштонлар-у яна қандайдир ҳарбий кийимлар эди, холос. Ҳозир унинг эгида, яхшигина, лекин модадан чиқиб қолган костюм бор эди. Кейинги ўн йил ичида, баданини бекитадиган нарсалардан бошқа деярли ҳеч нимаси қолмаган эди. Ливен поездни кутиб ўтириб, охирги стакан пивони ичар экан, кеккайиб, ўлжа олиб кетиш менга ярашмайди, бу ишни бошқалар қилишсин, деган фикрни қайта-қайта кўнглидан ўтказар эди. Ливен, қаерга бормасин, ўзи билан алоқадан бўлган хотинларни ҳам доимо ўша жойда қолдириб кетарди. Финляндияда ва Берлинда ҳам, Рейнда ва Силезияда ҳам, қаергаки борган бўлса, у ҳамма ерда ҳам ана шунақа қилган эди. Гарчи кемага сув парисининг расми солинган бўлса ҳам шалоги чиққандан кейин ана шундай ташлаб кета берадилар.

Бирдан, у, қўшини столда ўтирган бир кишининг тикилиб турганини кўриб қолди, кўринишидан у одам хўжайин ҳам, деҳқон ҳам эмасди, ичкилик собиқ бошқарувчи Шубгутни жуда тамом қилиб қўйибди; Шубгут насиҳатга қулоқ солмаганидан кейин, уни ишдан бўшатиб юборганликларини Ливен эшитган эди. Атир гуллар ўсиб ётган уйга энди янги бошқарувчи кўчиб келганди. Энди бошқа столга ўтиб ўтириш ноқулай эди. Шу чоққача индамай пиво шимираётган Шубгут шартта ўрнидан турди-да, Ливеннинг олдига келди.

— Оббо сиз-эй! Кўрар кун бор экан-ку! Ливен ўрнидан турди. Шубгут мастларга хос мулоимлик билан уни ушлаб қолди.

— Мен шу ерда, қишлоқда яшайман. Баъзида шундай ёзилиб гаплашгим келадики, сиз тасаввур ҳам қилолмайсиз, ҳа, ёзилиб... Нима учун ёзилиб? Ёзилиб гаплашиб ҳам бўладими ўзи?

«Эйланган бақа,— деб ўйлади Ливен,— ҳеч раҳминг

келмайди, фақат нафратланасан, киши». У тирсагини биқинига босди, лекин маст жанжал чиқариши мумкин, деган ҳадиги дарров йўқолди.

— Бола қайси поездда келаркин деб кутиб ўтирибман. Нима сабабдан? Ахир унинг турмуши ёмон эмас-ку; у Берлинга эътиборли оила билан кетган.

Ливен бепарволик билан:— Қизингиз энди мактабда ўқимаяптими?— деб сўради.

— Эй йўқ, йўқ,— жавоб берди Шубгут.— Ўқиш ҳақи тўлашга қудратим етмайди. Агар ўз отаси уни боқа олганда эди, унга яхши бўларди-ку-я, албатта.

— Шубҳасиз,— деди Ливен.

— Шундай эмасми? Сиз ёзилиб гаплашадиган ягона кишисиз.— Бу ибора, афтидан, собиқ бошқарувчига жуда ёқар эди.— Сиз аҳён-аҳёнда келадиган бўлиб қолганлигингиздан кейин, кейинроқ эса бутунлай йўқ бўлиб кетганингиздан кейин, ҳа худди ер қаърига кириб кетгандай, бутунлай йўқолиб кетганингиздан кейин мен сизни қизимга ўхшаб кутдим. Мен ҳам, қизим ҳам дол солиб йиғлагимиз келарди.

Бошқа мастларга ўхшаб, Шубгут ҳам кўнглидаги сир-асрорларини пойма-пой гапирарди, гап орасида тилининг учида турган гапларни ҳам айтиб қўяр эди. Ҳаётнинг емирилишида Ливен қандай роль ўйнаганлигини Шубгут энди эсидан чиқариб юборган. Шубгут фақат бу одамнинг башараси ҳамиша ўзига ёққанлигини эсларди, холос.

— Агар қизимни учратиб қолсангиз, айтинг, бир иложини қилиб менга хат ёзсин.

— Агар кўриб қолсам, жавоб берди Ливен,— албатта айтаман.

Шубгут хайрлашини олдида узун кўлларини ёзиб, бесўнақайлик билан уни қучоқламоқчи бўлди. Ливен поезд келгандан хурсанд бўлиб кетди. Собиқ бошқарувчи Ливеннинг саквояжини вагонга олиб чиқиб қўймоқчи бўлди-ю, саквояж билан ғилдирак тагига тушиб кетишга сал қолди. Поезд жўнагандан кейин, гарчи Ливен вагон ойпасидан қарамаса ҳам, Шубгут унинг кетидан қўл силкитиб қолди.

Станциядан Ольмюц қишлоғигача пиёда бориш керак эди. Қишлоқнинг орқасида Ливеннинг амакиваччаси

яшарди. Глеймнинг саквожани Ливен камари билан боғлаб елкасига ташлаб олди. Юрган сари у енгил торгарди. Утмиш орқада қолди, кичик саквож енгил эди; катта тош йўл ойдинда худди дарёга ўхшаб чўзилиб кетганди. Онда-сонда сигирларнинг кавшанишигина қулоққа чалинарди. Баъзи хуторларда ҳали чироқ ёниқ эди. Гарчи денгиз қирғоғи бу ердан кўринмаса ҳам, тун дим бўлса ҳам, Ливен қанчадан қанча мамлакатларнинг катта онаси бўлган Болтиқ денгизининг яқинлигини ҳис қилди.

У ўн минутча қишлоқ ичидаги катта тош йўлдан юрди. Ливен ҳеч қачон амакиваччасини талабчан деб ҳисобламасди, шунинг учун у бошқа уйларга ўхшаб пастаклиги ва томининг қеңлиги билан писиб ўтирган товукни эслатадиган мана шу кўримсиз, оддийгина деҳқон уйи амакиваччаси Ливенники эканлигини дарров пайқаб олди. Меҳмон шарафига байроқ кўтарилган эди. Ливен амакиваччаси Отто Ливеннинг Болтиқ бўйидаги имениесида яшаган итини ҳам таниди. Итни, бир рус романидаги итнинг отига ўхшатиб «Перезвон» деб аташган эди.

Отто Ливен зинапояда турарди. У меҳмонни қучоқларкан:— Кўрар кун бор экан-ку!— деб уни ўпди. Бундай кутиб олишларини аллақачон эсидан чиқариб юборган Эрнст Ливен ҳатто бу «Кўрар кун бор экан-ку» деган гап кимга тааллуқли, деб ўзидан сўраб ҳам қўйди. Отто вайронгарчиликлар тўс-тўполони ва бошқатдан барпо бўлаётган режалар билан ўралашиб юриб ҳақиқатда ҳам уни кутишлиги мумкин эмасди.

Кейинроқ, улар кечқурун овқат қилиб ўтиришганда — овқатхона кенг ошхонадан фақат ўртадаги гулдор парда билан ажралиб турарди.— Эрнст Ливен жуда ҳайратланиб, ўзини ниҳоят, уйга қайтиб келгандай ҳис қилди. Катта Ливеннинг барча ҳаракатларидан, овозидан қандайдир хотиржамлик сезиларди; Ливен бу туйғуни илгарилар ҳам, бесаранжом ва жўшқин йигитлик даврларида, бу оилага, бу уйга келган вақтларида ҳам бошидан кечирган эди. Аммо бу, Ригага яқин имениедаги ҳашамдор мрамар устунли эски уйга ўхшамаса ҳам, томи қуббали пастаккина, фақирона деҳқон уйи эди. Бу уй бир неча таноб ери билан қарз-қавола кўтарилган пулга сотиб олинганди. Катта Ливен иложи борича қарзларини узишга ва Берлиннинг қаеридадир яшовчи она

си билан синглисини бу ерга кўчириб келишга ҳаракат қилар эди. У хизматкорлари билан бирга эрталаб барвақт ўрнидан турар ва ҳаммадан кейин ётар эди, чунки у ярим кечагача хонасида ўтириб хат ёзар ва ҳужжатларни қайтадан кўздан кечириб чиқар эди.

Юзи чўзинчоқ, чиройли кичик Ливен катта Ливенга ўгирилиб, ажабланганича уни бошдан-оёқ кузатиб ўтирарди; амакиваччасининг юзи деҳқонларникига ўхшаб, офтобдан, шамолдан қорайган эди, лекин кўз остларида чарчаш ва ташвиш аломатлари билиниб турарди.

Эрнст Ливен ҳозир Глеймлар оиласи таништириб қўйган алоқачидан хабарлар кутаётганлигини акасига айтди. Уни хоҳлаган пайтда Берлинга чақириб қолишлари мумкин. У Рифга, агар бу ваҳшийларда шунақа штаб бўлса, у Абдул Қарим штабига жўнаши керак.

Отто Ливен:— Нега энди кетишинг бунчалик зарур бўлиб қолди? Шу вақтгача Германияни фақат бир урушда ҳимоя қилдинг. Куч-қувватингни қандайдир Африкада сарфлаб нима қилардинг? Бу ерда, мамлакатимизда бизга ҳар бир одам, ҳар бир атомимиз керак бўлади,— деди унга.

Эрнст Ливен эса:— Нима кераги бор? Қаерда? Балки, агар чет эл режаларим чиппакка чиққундай бўлса, мени банкнинг деразаси ёнига ўтқазиб қўйишгандагина керак бўларман-да? Еки бирор радиофирма муҳтож бўлиб қоладими?— деб эътироз билдирди.— Жуда мос жойлар, ҳеч нарса деб бўлмайди!— Эсига тушганда нафрати кўзғайдиган имкониятлар ҳақида гапириб юборганлиги учун Эрнстнинг жаҳли чиқди. Шунинг учун Оттонинг худди ичидагини билгандай, қўшиб қўйди:— Сен, албатта, ҳанузгача ўзингни қандайдир авлоднинг бошлиғи деб ҳисоблайсан, гарчи ўзинг шалтоғинга ботиб ётсанг ҳам, бизни қанотингга олиб, ёлғон-яшиқ ҳийлалар билан ботқоқдан тортиб чиқаришни вазифам деб тушунасан. Сен шуни бурчим деяпсанми? Шунақами? Сен ўз вазифаларингни худди мана шунақа деб тушунсанг керакда-а? Гарчи буларнинг ҳаммаси беҳуда эканлигини жуда яхши билсанг ҳам, ўзингни ўзинг қийнаб юрибсан. Гўё сенга лен<sup>1</sup> инъом қилганларидек, қарз кўтариб олган ерингда қайналиб ётибсан.

<sup>1</sup> Лен — Урта асрларда — ҳарбий хизматни ўташ ва бошқа мажбуриятларни бажариш шарти билан вассалга бериладиган ер-мулк ва шу ер-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи. (Тарж).

— Балки шундайдир,— деди Отто Ливен. У бошини қуйи солди, Оттонинг офтобда қорайган юзи оқариб кетганди.

— Отам менга, қўлингга тушган ҳамма нарсага: бир бўлак ерми, отми ёки болами, нимаики бўлса ҳам, ўз чекингга тушган ланга қарагандай қарагин, деб ўргатган. Бу нарса меники ҳам, меники эмас ҳам. Менга уни истаганингча фойдалан деб ланга беришган. Отамни бу нарсага унинг отаси ўргатган экан, ва ҳоказо, ва ҳоказо... баъзи бировларда бу нарса, балки бошқачарқидир: улар ҳамма нарсани ёдларидан чиқариб юборганлар. Бизда эса бу нарса шундай, шундай бўлиб қолади ҳам.

Ливен энди жаҳлдан тушган эди. У, аксинча, ақлсиз, лекин жудаям жиддий болашнинг бошини силаганларидек, амакиваччасининг бошини силашни хоҳларди. Шунинг учун у:— Азизим Отто, немис рицарларининг ордени Болтиқ бўйидаги мамлакатларни қўлга киритган вақтда, ўша мамлакатлар ҳам, ҳозир бизлар туёқларимизни шиқиллатаётган мамлакатлар каби бегона мамлакатлар эди,— деди.

— Балки, ҳали ҳам эсингдадир,— деб жавоб берди Отто, гўё бу воқеа фақат бир неча йил олдин бўлиб ўтгандек,— орденининг улуғ магистрини музлаб қолган денгиздан тахталаримиздан ясалган чаналарда олиб ўтганимиздан кейин леп олганмиз. Бизни у вақтда аҳолининг қолган қисмидан ҳозиргидек жуда кўп нарса ажратиб турарди. Чунки, аҳолининг кўпчилик қисми немис орденини босқинчи, душман деб ҳисобларди. Лекин ота-боболаримиз бу рицарлар анча покиза, забардаст одамлар эканини билиб олишган.

— Шунинг учун уларнинг олдида бўйин экканлар-да.

— Бўйин экканлар дейсанми? Эй, йўқ! Тан олганлар. Мажбурий равишда эмас, қурол кучи билан, бу ерда эса-чи, дарров ўз ихтиёрлари билан тан олганлар. Ҳа, билиб тан олганлар.

— Ҳар ҳолда, бизнинг ота-боболаримизнинг авлодлар масаласида иши ўнгидан келган.

— Биз ҳеч қачон еримизни бошқага сотганимиз йўқ. Бу жиҳатдан, сен айтганча, уларнинг иши ўнгидан келган. Биз еримизни парвариш қилдик, шунинг учун именимиз гуллаб-яшнади...— Эрнст Ливен: «Бечора, яна жаҳлини чиқаришга мажбур қияпти».— деб кўнглидан ўтказди. Иннайкейин унинг жаҳлини бир оз пасайтириш

қўлидан келмагач, яна қўшиб қўйди:— Эҳтимол, аҳоли ота-боболаримиз бу рицарларни бунчалик шод-хуррамлик билан кутиб олганликлари, ҳатто уларга ўз тахталаридан чаналар ясаб берганликлари учун ғазабга келгандир. Балки ота-боболаримиз раҳм-шафқатга, бировларнинг қўллаб-қувватлашларига муҳтож бўлгандир. Ахир улар, набиралари бу нарсани шу тариқа тушунишини олдиндан билмаганлар-ку.

Лекин Отто Ливен унинг нимага шаъма қилганини сезмагандай эди. Шунинг учун у вазминлик билан давом этти:— Кейинчалик инглизлар бу ерларни бизнинг именимизни ҳам қўшиб латишларга тақдим қилганлар. Лекин бизга бу ерни меҳнатимиз синггани учун бир вақтлар қайтиб беришган; Германиянинг чегараси, худо билади, сен қаёққа бормоқчисан, ўша ерлардан эмас, худди мана шу ердан ўтган.

— Азизим Отто, бу бошқа яна бир мамлакатнинг чегараси бўлган, ҳар қандай чегаранинг хусусияти ҳам мана шунанга бўлади.

— Шундайку-я, лекин биз кучлироқ чиқдик, бизда бу ерларни ишғол қилиш ҳуқуқини берадиган хусусиятлар бор эди.

— Мен эса, у вақтда биз қудратлироқ эдик, лекин секин-аста руслар, ниҳоят, инглизлар қудратлироқ бўлиб қолишди, деб ўйлайман. Агар қудратлироқ бўлганимизда, балки ўзинг ҳам мен билан борармидинг, Отто. Фикримча, киши бошқалардан устунроқ бўлгандагина бирор нарсани қўлга киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

— Менимча эса, сен буни сира ҳисобга олмаяпсан. Устун бўлишнинг ҳар хил усуллари бор. Сен ахир...— у зарур сўзини топди-да, кейин сўзини давом эттирди:— Сен ахир, христиансан-ку. — Эрнст Ливен кулиб юборди ва шундай деди:

— Энди ҳафсалангни жуда ҳам пир қиладиган бўлдим; мен ҳечам христиан эмасман, мен бутун вужудим билан мажусийман ва мажусийлар сажда қиладиган нарсаларга: Қудратга ва Гўзалликка, Ҳокимиятга ва Айш-ишратга сажда қиламан.

— Менимча, мажусийлар ҳокимият ва айш-ишратдан ташқари, бошқа худоларга, масалан — доноликка ҳам сажда қилишган; иннайкейин, ҳар ҳолда эртароқ ётиб ухласак дейман. Хайрли кеч, менинг уйимда хотиржам ухлагин.

«Уйи ҳақида гапириб, у нима демоқчи бўлди-кин?»— деб ҳаёл сурди Ливен. Ҳузига қолса Ливен бу уйга вақтинча бошпана деб қарар эди. У қаттиқ, узоқ ухлади, ўрнидан турганда эса Отто аллақачоноқ далага жўнаган экан.

Кечқурун кичик Ливен Оттодан:— Вақт ўтказай деб манови суратни томоша қилган эдим, портретдаги бу икки аёл ким бўлди?

— Наҳотки, онам билан синглимни ёдингдан чиқарган бўлсанг?

— Онанг бўйи етган қизга, синглинг эса — эрга теккан хотинга ўхшайди.

Эрнст Ливен амакиваччаси билан ёлғиз қолганда ҳам зерикмасди, чунки уйга доимо меҳмон келиб турарди. Шу ердаги мактаб ўқитувчисининг фамилияси Гамбургер эди. Унинг сочи малла ранг бўлиб, ўзи новча эди. У урушни бошидан охиригача фронтда ўтказган бўлиб, у ерда ҳар хил назарияларни ўрганиб олганди, ҳозир у ўқувчиларга дарс берар экан, ўша назарияларни тарғиб қиларди. У ҳар куни кечқурун, Ливенларникига келарди-да, узун қўл ва оёқларини ёзиб, стулга ўтириб оларди ва кўнглидаги гапларини айтарди. Урта Германия, Гамбург ва Саксонияда тўхтаган жанглар бу узоқ деҳқон уйида ҳанузгача даҳанаки жангларга сабаб бўларди. Эрнст Ливен бу малла ранг сочли, узун бўйли йигитнинг ҳамма гапи, норози, ёввойиланиб кетган одамлардан эшитган фикрларга бориб тақалганга ҳайрон бўларди. Ливен бунақа фикрларни кўп эшитган эди. Шубҳасиз, бундай гаплар ҳозир ҳар бир қишлоқда, ҳар бир кўчада, мана шундай хоналарда гапирилаётган бўлса керак, деб ўйларди Ливен. Бу нарса вақт ўтказиш мақсадида Отто Ливен жавонларини тўлдириб ташлаган китобларни ўқиш, кўпинча уларнинг баҳсларига хотима берадиган скрипка чалишга ўхшаш нобоп усулнинг ўзгираси эди. Балки, тинч ҳаёт кечириш, мана шундай шовилмасдан мулоҳазалар юритишдан иборат бўлса керак.

— Тарихни вужудга келтирадиган куч, ҳеч қачон халқ оммасидан келиб чиқмаган,— дер эди Отто Ливен. У, ҳамиша фақат идеялардан туғилган, идеялар эса, сиз ва менга ўхшаш айрим шахслардан келиб чиққан.

— Германиядаги қанчадан-қанча кишилар идеялар билан шуғулланай деб тургани йўқ,— деб жавоб берди ўқитувчи,— чунки улар оч-яланғоч; шунинг учун биз,

улар қанақа идеялар яратишга қодир эканликларини мутлақо билмаймиз.

— Нима бўларди, социалистик тартибсизликни қуриш идеясида,— деди Эрнст Ливен.

— Революция ҳеч қачон озодалик ва тартибга риоя қилинган ҳолда бўлмайди,— деб давом этти ўқитувчи.— Бундай кескин тартиб ўрнатиш вақтида ифлосликлар бўлиши, қон тўкилиши муқаррар. Франция революцияси даврида ҳам шундай бўлган, ўрта асрларда деҳқонлар уруши вақтида бизда ҳам шундай бўлган. Ҳатто христианлик ҳам вужудга келаётган вақтида кишиларнинг ҳузур-ҳавоватини бузган; маърифатли римликлар христианликни ёмон кўрганлар, чунки у халқ оммасининг ичига кириб борган, уларни ҳаракатга келтирган. Биринчи марта, биз билан сизга ўхшаш айрим имтиёзли кишиларгагина эмас, балки барчага баробар бир нима пайдо бўлди.

— Христиан дини байналминал дин бўлмай, балки гайри миллий дин эди, у айрим халқлар ўртасидаги chegarани сира мужмал қилиб қўйгани йўқ, у ҳар бир халқнинг энг яхшиларини барча халқлардан юқори бўлган бир идея атрофига бирлаштирди. Бунга сен нима дейсан?— Катта Ливен амакиваччасига шунчалик тез қайрилиб қарадики, ҳатто у кулгисини ҳам яширолмай жавоб берди:— Ҳўш, сенингча, мен нима дейишим керак? Мен сизларга ўхшаб, оламни қуюндек кезиб чиқолмайман.— Ўқитувчи катта Ливенга қараб бундай деди:

— Ҳамма нарса, сизнинг «идея», «идеалист» деган сўзлардан нимани тушунишингизга боғлиқ: агар сиз идеялари ўзларининг бахт-саодатларидан ҳам қимматлироқ бўлган кишиларни назарда тутсангиз, у вақтда идеалистлар худди бизнинг ўзимиз. Чунки биз ҳаётимиз борича инсонни камситадиган нарсаларга қарши кураш олиб борамиз.

«Кутамиз», деган қарорга келди Эрнст Ливен. Айтилган гаплар Ливеннинг назарида кўп воқеалар натижасида кўтарилган чангга, бу алғов-далғов қилувчи гаплар эса, чангни олиб келувчи шамолга ўхшарди.

У бирор яхшиликни кутгандагина жимгина юрар эди. Мана Берлиндан хат ҳам келди; хатда Глеймнинг куёви, кўнгилиларни тўплаш тўхтатилди, агар Ливен ҳозир ҳамқишлоқларидан кўпчилиги яшаб турган Мюнхенга боргиси келмаса, у вақтда хизматдан бўшаган

амалдорлар ва офицерларни банклар ҳамда саноат корхоналарига жойлаштириб қўядиган кишилар Берлинда ҳам топилиб қолади, деб ёзган эди.

Эрнст Ливен бирдан, балки Отто ҳақли ҳамдир, деган фикрга келди: қанақа жойда ишлашингдан қатъи назар барибир, сен ўз халқингнинг энг яхши хусусиятларини гавдалантирган бўласан. Шундай бўлгач, Глейминг куёви кейинги хатида Ливенга тасалли бериш ниятида, унга ваъда қилган бирор ёниб-ўчиб турадиган рекламалар фирмасининг вакили вазифаси бўлса ҳам майли.

#### IV

Вильгельм Надлер укасининг тўсатдан ошхонага кириб келганига жуда ҳайрон бўлиб қолди. Укаси кечқурунлари сира бу ерга кирмас эди. Лиза тоғарада чўчқаларга ем майдалаётган эди. Эрталаб далага кетаётганда чўчқаларга бериш учун у емни ҳамма вақт бир кун илгари тайёрлаб қўярди. Христиан ҳар қачонгидек қисқа ва камтарлик билан гап бошлади; у ҳозиргина бир қарорга келибди, шуни акасига айтишга шошилган эмиш. Гап шундаки, оталарининг васиятига кўра — шу пайт гарчи Христиан бундай муҳим сўзларни мужмаллик билан тутила-тутила ганира бошлаган бўлса ҳам, Вильгельм унга диққат билан қулоқ сола бошлади, — гап шундаки оталарининг васиятига кўра, мол-мулк ака-ука ўртасида умуман баравар тақсимланиши керак. Ер катта акаларининг улушига тушди, ўртанчилари эса урушдан қайтиб келмади, демак, энди Христианга, агар бу ердан бошқа жойга кўчиб кетадиган бўлса, юқоридагиларнинг эвазига маълум миқдорда маблағ берилиши керак. Ахир, ернинг унга ҳеч қандай фойдаси йўқ. У акасига нафақасининг бир қисмини бериб ёрдамлашди ва ҳатто, акасининг ўзи квантациялардан кўриб билиши мумкин, баъзида ошиқчароқ ҳам бериб турди.

Лизанинг кўк кўзлари порлаб турган бўлиб, аҳён-аҳёнда тўғралган лавлагига ғазаб билан назар ташлаб қўярди. Лиза Вильгельмнинг жазаваси тутаетганлигини сизди. Эрининг жаҳли чиққанда жазаваси тутитини Лиза билар эди. Вильгельмнинг юзи қип-қизариб кетган эди. Христиан бўлса, мулойимлик билан пойма-пой гулдирайверди. Лекин Вильгельм ўзини босди.

— Хўш, кўп чўзма, мақсадни гапир.

— Ҳа, дарвоқе, — деди Христиан; у бу ердан кўчиб кетсам ҳаммага яхши бўлади, деган фикрга келган эди. — Кўл бўйида, — деди чўлоқ, — кемалар сақландиган саройча бор, хўш, агарда ўшанга эътибор берилса, уни тартибга солиш мумкин. У ерда устахона очишлик жуда қулай, бу нарса сени баъзи бир чиқимлардан халос қилади. Ҳозир ўзимдаям анчагина мижозларим бор, ўша мижозларнинг ишини, улар черковга ўтиб кетаётган вақтида, ўша ерда тўғрилаб беришим мумкин. Гапнинг қисқаси, сен бир оз ёрдамлашсанг бўлгани: эртага кўл ёқасидаги ерингга кетаётганинда майда-чуйдаларимни, кўрпа-тўшагимни ўша ерга элтишиб берсанг; сарой ҳали тартибга солинмаган бўлса ҳам майли, бир марта ёмғир ёғса хўл бўлиб қолмайман.

— Ҳамма гапинг шуми? — сўради Вильгельм. У укаси кўпроқ нарсани талаб қилмаганлиги учун енгил нафас олди. Оталарининг васиятини эслашнинг нима кераги бор эди, — бу оқсоқ йигитнинг пойма-пой гулдирашдан уни тушуниб ҳам бўлмади. — Ҳа, ҳамма гапим шу, — деб жавоб берди Христиан, — Сен буларни эртага тўғрила... томни ёпиш учун черепица топгин... Арзон баҳода олиш қўлингдан келади. — Кейин, бир оз индамай ўтириб, қўшиб қўйди: — Ҳозир сен «Эман»га бор, у ерда пудратчи ўтирибди, ўша билан бу ҳақда келишиб оласан... — Шундан кейин Христиан чиқиб кетди.

Лиза лабини тишлаб, оғир тоғорани ўчоққа элтиб қўйди. У бу кучанишдан хурсанд бўлди, чунки юраги қисилиб оғрир эди; иш эса ўзи ҳам тушунмайдиган бу оғриқни пасайтирар эди. Унга қайнисининг хатти-ҳаракати ёқмади. Гарчи Лиза, эри қайтиб келгандан бери Христиандан ўзини олиб қочиб юрса ҳам, унинг шу яқинда, қўшни ҳужрада туришидан хурсанд эди; у Христианнинг оёқ товушларига қулоқ солгани-солган эди. Лиза овқат вақтида бошқалар қатори Христианга ҳам шўрва келтириб қўяётганда ёқасидан кўкрагини унга кўрсатиб ҳузур қиларди. Мана шундай вақтларда эрининг: «Доғули, айёр, қанжиқ», — деб бақирити ҳам унга ёқар эди; кечалари Вильгельм унинг олдига кирганда эса, Христианнинг ўз устахонасидан қулоқ солиши ҳам Лизага ҳузур бағишларди; бундан ташқари,



илгарилари ҳамма вақт пўписа қиладиган Вильгельмнинг ҳозир ипакдай майин бўлиб қолганлиги ҳам уни хурсанд қиларди.

Лиза устахонага кириб, бошини кўтармай иш қилаётган қайнисига шундай деди:— Нега энди бирдан кўчмоқчи бўлиб қолдинг? Сўзингдан қайтдингми?— Христиан унга қарамасдан жавоб берди:— Узимга ўзим хўжайин бўлмоқчиман; ҳар қадамда мени масхара қилишларини истамайман.

— Менга қара, ким сени масхара қиляпти?— деди Лиза у билан муҳим гапни гаплашмоқчи бўлгандай, бошқача оҳангда. Лекин ошхонанинг эшиги тарақлаб ёпилди-ю, шу заҳоти эри:— Лиза!— деб чақириб қолди.— Лиза елкасини қисди-да, уйига қайтиб кетди. Христиан қулоқ сола бошлади. Демак, акаси черепицани гаплашиш учун ҳали бормабди. Лекин черепица бўлса-бўлмаса, у эртагаёқ кўл ёқасидаги саройга кўчиб боради. Христиан Лизанинг бирор натижа чиқмайдиган кўнгилсизлик юз беришини истамаслигини жуда яхши биларди. У ҳар ҳолда мана шу деҳқон хонадонининг бекаси, қола берса, бир нечта боласи ҳам бор. Христианнинг ўзи ҳам деҳқон, бу нарсага тушунадди. Ҳамма бало шундаки, у Лизага жуда боғланиб қолган. Лиза ҳам хотинлигига бориб, аҳён-аҳёнда унинг жигига тегиб олдидан ўтишини қўймасди. Шунинг учун акасидан ҳам, Лизадан ҳам нарироқда турганлиги маъқул. Христиан Вильгельмнинг аксича тинч, осойишта яшашини сидқидилдан истарди.

У ерда эса, саройнинг олдидан уч оёқда ўтириш мумкин, сув ярақлаб туради, йўлда ким келаётганини узоқдан эшитасан, келаётган одамнинг ким эканлигини юришидан биласан, кўлдан пароходларнинг гудек товуши эшитилиб туради. Бу ер эса жуда зах, тор.

Ошхонадан қаттиқ шовқин-сурон эшитилди. Кейин устахонага яна Лиза кириб келди.— Бормасанг бўлмайдинганга ўхшайди, яна ўша даллол келди. Бир кўнгилсиз воқеа рўй берганга ўхшайди.— Христиан иложи борича тез юриб Лизанинг орқасидан кетди.

Даллол бошмоқ, ёғи чиқиб кетган резина плашч кийиб олган эди. Кўрнисишидан у жуда беларво эди, Вильгельм эса жаҳли чиққанидан қип-қизариб кетганди.— Тавба, кўряпанми буни? У эртага эрталаб яхши янги сигиримизни олиб кетармиш!

— Аввал ўзингни босгин— деди Христиан.— Хўш, жаноб Леви, сизга нима бало бўлди?

— Кечирасиз-у, акангиз билан огоҳлантиришимдан кейин ҳам навбатдаги взносларни тўламаса сигир эгасига қайтарилиши керак, деб келишиб олгандик. Хўш энди нима дейсиз, мен сизни огоҳлантирганман-ку!

Вильгельм бақириб юборди:

— Мен сизга охирги взноздан қарздорман, холос, сиздан қарзим шу, билдингизми!

— Ахир мен ҳам молни бекорга олмайман. Бу ишдан кўрадиган фойдам ҳам тахминан шу охирги взносга барабар келади. Мен ахир кўнглимни хуш қилиш учун мол олиб сотмайман, сиз ҳам кўнглингизни хуш қилиш учунгина сигир соғмайсиз. Агар ҳозир қарзингизни тўламасангиз, эртага сигирни олиб кетишади.

Христиан ўрнидан турди:— Бирпас сабр қилинглр. Сен, Лиза, унга бир стакан винодан қуйиб бер. Кейин гап ҳам осон кўчади.— Кейин Христиан оқсоқланиб ошхонадан чиқиб кетди. Лиза бир вақтлардагидек Христианнинг гапини бажо келтирди.

Христиан бир варақ қоғозни ушлаб қайтиб кирганда, даллол вино ичиб ўтирарди.

— Мана сизга яна бир кафиллик ҳужжати. Муддатни узайтиришингиз мумкин. Мана бу эса тилхат, бундан акам менга қанча қарздорлиги аён. Мен ундан пулларимни ундириб олиш ҳуқуқини сизга ўтказаман. Бу, учаламизга ҳам тўғри келади. Марканинг қадри энди тушмаяпти-ку, ўз кучида юраверади.

— Хайр, майли,— деди даллол, қарз тилхатини ўқигандан кейин. У винони охирги томчисигача ичди. Шу вақт даллол тўсатдан, кичик Надлер равшан кўк кўзларини унга тикиб турганини ҳис қилди, бу кўзлар худди милтиқнинг оғзини тўғрилаб тургандай шунчалик шиддат билан чақнаб турардики, даллолнинг баҳсини яна давом эттириш майли тамомила йўқолди.

Эрталаб Вильгельм кўл бўйидаги участкасига жўнаш учун аравасига сигирларни қўшаётганда, Христиан зўр-базўр ҳужрасидан чиқиб келди. Акаси унинг майда-чўйдаларини, кўрпа-тўшагини, қолипларини, уч оёгини, тикув машинасини аравага ортишга кўмаклашди. Христианнинг кўчиб кетишини кузатиб турган қўни-қўшнилар бир-бирларига қараб:

— Мана энди, мужик этикдўздан қутулди,— дейишар эди.

Лиза эса ошхона деразасидан қараб турарди. Сигир қўшилган арава қишлоқдан чиқиб кетгандан кейин, у орқасига ўгирилди. Унинг юрагини шунчалик ғам босдики, ҳатто ўкириб йиғлагуси келди. Лекин ер ҳайдаш, эри вафот қилгандан кейин болаларига қоладиган мерос ташвишлари олдида бу ғамнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди! Лиза умуман сира йиғламасди; унинг кўзлари шундай ажойиб эдики, бошқа хотинларнинг кўзларидан ёш оққанда ҳам, уникига ҳатто нам ҳам келмасди.

Кўл бўйидаги сарой яшаш учун мослаштирилмаган бўлса ҳам, лекин девори мустаҳкам бўлиб, ичкарисида чўян печкача бор эди. Христиан дарров уни устахонага айлантириб, пристан кўпригининг устини ёпиб олди. У саройга кўчиб келган кунни эрталаб қуёш чарақлаб турарди. Христиан шу ондаёқ асбоб-ускуналарини олиб сув бўйига ўтирди. У акаси меҳрибонлик билан қарашгани учун хижолат бўлиб унга раҳмат айтди. Акаси эса, бу миннатдорчиликни эшитиб ҳақиқатан ҳам шунга лойиқ бир иш қилдим, деб ўйлади. Иш қилиб ўтириб, Христиан икки ёки учта сигир қўшилган плуг кетидан бораётган Вильгельмга бир неча марта қаҳр билан қараб қўйди.

Совуқ тушиб, кучли шамол бошлангандан кейин Христиан айвондан саройга кўчди. Акаси унга ўтин, кўмир ва бир оз тезак келтириб берди. Ҳар сафар Христиан хижолат бўлиб, акасига ташаккур айтарди. Вильгельм бўлса ўзича, яна укамга яхшилик қилдим, деб ўйларди. Христианга эса шу хилват баракда ёлғиз туриш маъқул эди: бу ерда ҳеч ким унинг кетидан кузатмайди, одамлар ҳам уни мазақ қилиш ўрнига энди раҳмлари келар эди. Шунинг учун у тинч-осойишта ҳаётидан хурсанд бўларди. У қаердаги союзларга бошчилик қилишни ҳавас қилмасди. Унга саф олдида айтиладиган ҳеч қандай раҳматномаларнинг кераги йўқ эди. Акасининг ягона ҳаёт мақсади бўлган шон-шўратга у сира интилмасди.

Далада энгашиб ишлаётган кўпчилик ичидан малларанг бир болани ахтариб топиш Христианга ҳузур бағишларди. Акасининг тўлиб-тошган уйида мана шу болагина унинг эътиборини тортарди. Христиан фикрла-

рига монанд равишда болғачасини тўқиллатиб ўтирарди; ахир аслини олганда акасидаги участканинг тақдири унинг қўлида, шовқин-суроннинг эса унга ҳеч кераги йўқ. Ҳозир кўп нарса унинг измида, бу сир қанча кам ошқора бўлса шунча яхши.

Кутилмаганда эшикни кимдир тақиллатиб қолди. Яна даллол келибди: Вильгельм ҳануз взносларни тўламабди. Онла аъзолари ичида нақд пул фақат Христианда бор эди. Илгарилар Вильгельмдан харид қилиб юрган Берлиндаги меҳмонхона ҳам анчадан бери маҳсулотни бозордан сотиб оладиган бўлиб қолганди. Христиан даллолга қараб туриб шундай деди:

— Кўринишингиздан сиз, худди худон таоло лойдан ясаган биринчи одамга ўхшайсиз.

— Ахир йўлларни жудаям сув босиб кетибди,— зорланиб тушунтирди резина плашчдаги одам,— акангиз бўлса мени араवासига ҳам солиб олмади.

— Бу ерга нима учун келдингиз, жаноб Леви?

Одам ҳасратини тўкиб солди. Христиан ягона акасига ёрдам бермай қараб тура оларканми! Ахир ким ошди қилиб сотишни ҳам доимо орқага сура беришмайди-да.

Христиан бу ҳасратларни аллақачоноқ билган эди: Леви гапни тўланмаган ҳақдан бошлаб, аста-секин худди тасаввуга олиб бориб тақарди.— Қарзидан кечиб, ўзини мушкул аҳволга солиб қўядиган кишилар эса бу дунёда йўқ. Бундай қилиш учун ҳақиқатан авлиё бўлиш керак! Даллол кўпинча, ўз-ўзига, нима учун укаси бир умр акасининг ишларига аралаша бераркин, деб савол берарди; бу энди фақат христиан бўлгани туфайли бўлмаса керак.

Христиан даллолга яна Вильгельм танидан қанча пул берганини ҳафсала билан ёзиб қўйди. Бир нарсада у акаси билан яқдил эди — икковининг ҳам даллолга тоқати йўқ. Христиан даллолнинг вайсашига тоқат қилолмасди, чунки куч ва қудрат ҳақидаги тасаввур унинг назарида сукут қилиш билан боғлиқ эди. У Вильгельмни ҳам урушда кўрсатган қаҳрамонлигини мақтаб, ҳар хил иттифоқларнинг хитобномаларидаги гапларни гапириб маҳмаданалик қилгани учун ёмон кўрарди.

Христиан фронтда эканлигида ким қанақа одам эканлигини сира ўйлаб кўрмаган эди. У ўқ ҳеч нарсани фарқ қилмаслигини кўрган. Худди осмондаги қуёш ҳақ-

ларга ҳам, ноҳақларга ҳам бир хилда нур сочганидек, ўқлар ҳам барчани яқсон қила беради. Бир куни унинг олдида бир солдат, унинг фамилияси ҳам Леви эди, қорнига теккан ўқдан жуда қийналиб ўлди. Бу ўлим Христианни жуда қаттиқ ҳаяжонга солди — улар бир-бирлари билан суҳбат қилишни яхши кўрардилар. Икковлари ҳам уйларини эсга олиб суҳбатлашишарди. Кейинчалик мана шундай ўртоғининг ёнингда ўлаётиб инграши ҳалдан ташқари оғир-да. Улар билан ўша окопда бирга ўтирган «Эман» қовоқхонаси хўжайинининг ўғли ярадор жон бергандан кейин:

— Хўш, нима бўпти, бир яҳудий азобдан қутулди-да,— деганди.

Вильгельм Надлер бу яхшиликларим учун Христиан ҳам бир мавридини топиб мени ҳам хурсанд қилса керак, деб ўйлаб юрарди. У бу бахтсиз майибнинг Вильгельмдай бир одамдан ёрдам сўраши тушинарли бир ҳол деб биларди: ахир ҳозир Вильгельм «Уруш иштирокчилари — деҳқонлар Ватан иттифоқи»нинг раиси. Бу иттифоқ фақат ўз қишлоғинигина эмас, балки бутун округни ўз ичига олади. Почталён энди унга ҳар хил чақирув қоғозлари ва хабарномалар олиб келаётганини кўриб, қўни-қўшилар ажабланишарди. У ҳафтада бир марта кўл бўйидаги меҳмонхонада бўладиган мажлисга қатнашарди. Бу ерда барча масалалар бошқа вакиллар билан биргаликда ҳал қилинарди. Одатда бу меҳмонхона немис офицерлари иттифоқи ва «Пўлат шлем» раҳбарлари учрашадиган жой бўлиб қолганди. Бу ерда деҳқонларни кўрмасдинг. Фақат яқиндагина меҳмонхонада маҳаллий аҳоли вакилларининг кенгашлари бошланди. Вильгельм уйдаги ҳаётини ўйлаганида ваҳимага тушарди, лекин тез орада унга шундай туюладиган бўлиб қолдики, гўё у бу ерга фақат дам олишгагина келган ва бу дам олиш пайтлари, обрўли одамларнинг фикрича, яқин орада тамом бўлади. Тез орада сигнал карнайларини чалишиб юборишади. Бу сигнал ўйинкулгига ҳам, ҳали урушга бормаган деҳқон ёшлари жалб қилиниб, ҳозир ўтказилаётган оддий машқларга бериладиган сигнал эмас.

Бу йил руҳонийнинг уйига жуда кўп меҳмонлар келиб турарди. Айниқса Эберт ўлгандан кейин, янги пре-

зидент сайлаш учун икки марта қаторасига сайлов утказишга тўғри келганда бу меҳмонлар яна кўпайди. Барон фон Цизен руҳонийнинг ёзув столига худди энг оддий меҳмондай келиб ўтирарди. Руҳонийнинг қизлари жон куйдириб қилган ҳаракатлари натижасида ҳамма вақт оппоқ, тоза турадиган дераза пардалари орасидан, барон фон Цизенга кўлнинг нариги томонидаги ўз уйи кўриниб турарди. Ёзув столида эндигина барг ёзган тол бутали гулдон турарди. Руҳонийнинг орқасида, деворга Лютер тасвирланган Дюрер гравюраси осиглиқ турарди, Дюрер унга: «Жонимни кўп балолардан халос қилган улуг одам»,— деб ёзиб қўйганди. Жаноб фон Цизен бу менинг тасаввуримдаги ҳақиқий руҳоний уйи, деб кўнглидан ўтказди. Шунинг учун у руҳонийга дардини ёрди.

— Ростини айтганда, мен маслакдошларимнинг фикрларига қарши чиқа олмайман. Лекин, менинг партиям томонидан номзоди кўрсатилган номаълум киши учун овоз бергандан кўра, Людендорфга овоз беришим билан халқимга кўпроқ фойда келтирмайманми, ахир?

— Мен сизга тушунмайман. Сиз виждонингизга қараб иш қилишингиз керак,— деди поп.— Сўнгра кўшиб кўйди:— Деҳқон Надлер, эҳтимол, сиз ҳам биларсиз уни, менга бир шиша қўлбола вино олиб келганди. Рухсат этинг, сизга шундан қуйиб берай.— Гарчи, руҳонийнинг хотини шишани насха байрамигача очмайсан деб қўйган бўлса ҳам, ҳурматли меҳмон бунинг учун кўнглидагидек баҳона бўлди. Цизен рўпарасига қараб туриб бундай деди:

— Национал-социалистлар Людендорф номзодини кўрсатишди; мен илгари улар билан ортиқча қизиқмаган эдим, уларнинг бошлиғи Адольф Гитлер бундан икки йил олдин Мюнхен воқеаларидан кейин қамалган эди, мен ҳар доим ўзимга-ўзим, наҳотки, «социализм» сўзи аралашган жойда бирор дурустроқ иш чиқса, деган саволни берардим. Ҳатто унга «национал» сўзини қўшишганда ҳам барибир. Лекин Людендорф мени ўйлантириб қўяпти.

Бу гапдан кейин икки-уч ҳафта кейин Цизен худди ўша креслода ва ўша хонанинг ўзида ўтирарди, уни яна ўша вино билан меҳмон қилишарди. Бу орада ҳамма нарса: дунё аҳволлари ҳам, Цизеннинг кўнглидаги бесаранжомликлар ҳам ўз қолипига тушиб қолди. Унг блок

Гинденбург номзодини кўрсатди. Цизен ва бошқа кўпчилик кишилар Людендорфга қараганда бу шахсга кўпроқ ишонишар эди. Бу соч-соқоли оқарган кекса жангари бемаъни номларга эга бўлган янги партиялардан бирортасига ҳам раҳбарлик қилмасди. Руҳоний Цизенга яқинда кишлоққа ўқитувчи келганлигини ҳикоя қилди. Ўқитувчи бу ерга биринчи марта келиши эди, чунки у черковга фақат айрим ҳоллардагина, ўз ўқувчиларини бу ерга олиб боргандагина кирар эди; ўқитувчи ҳам ҳар хил ўйларга борувчи анави ёшларнинг бири эди... агар социал-демократлар марказнинг вакили бўлган Вильгельм Марксга овоз беришни ўйлаб топмаганларида, ўқитувчининг ҳам уларнинг домига тушишига сал қолган эди. Лекин ўқитувчига шунинг ўзи ҳам ортиқчадай туюлди.

Шу пайт уларнинг суҳбатиши руҳонийнинг тўнғич қизи бузди: этикдўз Надлер туфлини ямаб келтирибди. Ҳақ тўлаш учун уни ичкарига чақирдилар. Христиан итоаткорлик билан тортиниб ичкарига кирди. Цизенга, бу ҳийла одобли йигит, лекин урушда майиб бўлган, шунинг учун ҳозир қосибчилик қиляпти, деб тушунтиришди. Христиан, гўё бундай арзимаган нарсалар ҳақида гапириниши уят деб билгандай, фрейленнинг бошмоғи тез йиртилиб кетмаслиги учун ўкчасининг тагига озроқ чарм қўйдим, деди. Доимо халқ орасидаги гапларга қизиқиб юрган Цизен, ҳозир Христианнинг фикрига қизиқиб, бошмоқ ҳақидаги гапга аралашди:— Сиз, жаноб Надлер, якшанба кунин Гинденбург учун овоз беришда бизга ёрдам беролмайсизми?

Бошини қуйи солиб турган Христиан меҳмоннинг этигига тикилиб қолди. Бу этик гарчи унинг оддий мижозлари учун ортиқча зеб-зийнатдай бўлса ҳам, лекин барибир кунлардан бир кун, шубҳасиз, қўлига келар эди.

— Албатта, жаноб барон.

Келаси якшанбада у пешиндан кейин ҳақиқатан ҳам сайлов пункти жойлашган «Эман» қовоқхонасига равона бўлди. Қовоқхонага кира беришда фельдмаршалнинг портрети, гўё у шу сайловда, шубҳасиз, сайланадигандай барала кўзга ташланиб турарди.

Вильгельм Надлер шу ерда, столда ўтириб сайловчиларнинг рўйхатдан ўтишига ёрдамлашарди. У бугун варақа тарқатиб юрган қандайдир шубҳали шахслар-

ни бошлаб савалаган эди. Кечқурун фельдмаршалнинг портрети сайлов пунктидан унинг уйига келтирилиши керак эди, фельдмаршал Вильгельмга жуда ҳам ёқиб қолди.

Сайлов қутисига яқинлаша туриб, Христиан Надлер сайлов бюллетенини гижимлаб чўнтагига солиб қўйди. У сайловга келган ҳар бир кишини акаси бирма-бир рўйхатга олаётганини биларди. Шунинг билан бирга, у кейинчалик Вильгельм ҳамма бюллетенларни санчиққа оҳиста тизишини, сайловчиларнинг бюллетен ташлаш тартибларига қараб, уларнинг фамилияларини ўқиганда, ҳар бири кимга овоз берганлигини билиб олиши мумкинлигига ҳам ақли етарди. Ҳаммадан кейин овоз бериш учун Вулле чол билан унинг мижғов хотини келди. Христианнинг бюллетени етишмаганлиги туфайли, кечқурун одамлар, хотинларга сайлов ҳуқуқи берилганлигини ҳапузгача тушуниб етишмайди, гўё улар эрлари овоз берса иккаламизга ҳам кифоя қилади деб ўйласалар керак, деб подон кампир устидан кулишдилар.

## V

Француз билан алоқа қилиб қўйганлигининг жазосига сочларидан ажралган оқсочни шофер Бекер уйдан ҳайдаб юборганлигини хўжайинлар маъқуллашгач, ошхонада унинг обрўси янада ошиб кетди. Хизматчилар орасида унинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолди. Ҳатто арзимаган ишлар билан ҳам хизматчилар Бекерга мурожаат қилишадиган бўлиб қолишди. Хўжайинлар унинг маслаҳатига кўра Эмма исмли янги оқсоч ёллашди. Эмма Таунусдаги гёхст директори Шлютебокнинг уйдаги Берта исмли хизматкор аёлнинг опаси эди. Хўжайин билан Шлютебок хизмат юзасидан яқин муносабатда бўлиб, иккови ҳам бир партиядо. Бекер бу ерда, Франкфуртда, Майнцда ва Висбаден меҳмонхоналарида хотинлар билан қилган ўйин-кулгиларидан ташқари вақт ўтказиш учун Берта билан ҳар замонда енг ичида дон олишиб юрарди. Бекер Эллага уйланишига сал қолган эди, у ҳозир афсусланиб Эллани «француз фоҳишаси» деб юрар ва уйланиш ҳақида ҳеч бош қотирмас эди.

Янги оқсоч Эмма буюрган ишни йўқ демай қиладиган, камсуқум, кексароқ хотин эди. Буниси энди ўзига хушторлар ахтармайди, улар туфайли сочдан ҳам аж-

ралмайди, қола берса, бирон кўнгилсиз воқеага сабабчи ҳам бўлмайди. Клеммнинг хотини янги оқсоч топиб берганлиги учун унга миннатдорчилик билдирди. Бекернинг фикрича кеккайган, аслида эса бундан бир неча йил илгари бўшатиб юборилиб, дом-дарақсиз кетган шоферга ичкканидан хоним одатда Бекер билан бўладиган ҳар қандай гап-сўздан ўзини четга тортиб юарди.

Бир неча кундан сўнг, Эмма бир умр фақат шу ердагина ишлагандек яхши хизмат қилганидан кейин, унинг католик эканлиги маълум бўлиб қолди. Унинг синглиси Бергани таниган бирорта одамнинг хаёлига бундай фикр келиши мумкин эмас эди. Лекин Эмма ўзининг диний эътиқодлари тўғрисида ҳаммага эшиттириб, жон куйдириб ўзи айтиб бергач, шундай ҳолларда бўлгани каби баъзиларнинг фикри маълум даражада ўзгарди. Жума куни бўлганлиги учун, Эмма ҳақиқий католик сифатида гўшт, яъни бифштекс емади-да, холодильникдан кечаги селёдкали салатни олиб еди. Бекер бу воқеадан кейин бундай деди: мен ҳам католиклар оиласиданман, лекин поп онамнинг синглиси билан алоқа қилиб қўйгандан кейин — улар баъзида шундай қилишади — онам черковга қатнамай қўйган. Оқсочнинг ёрдамчиси, сочи узун қиз эса, рўза тутиш — фақат бойлар учун, бўлма-са улар ҳаддан ташқари кўп овқат еб қўйиб қоринларини ишдан чиқариб қўядилар, деди. Ҳозир бу қиз узун сочларини инасига турмаклаб юради, унинг диркиллаган кўкраклари блузкасини таранг қилиб туртиб чиқиб турарди. Бу ҳоладонда яшовчиларнинг юриш-туриши Бекерга беш панжасидай аён эди, шунинг учун ҳам, у бу бемаъни гапни оқсочнинг ёрдамчисига анави келиб кетиб юрадиган йигит уқтирган бўлса керак, деган фикрга келди. Бекер ўша йигитни кечқурунлари ошхонада кўп кўрган эди. Бундан ташқари, шофер, бу йигитнинг Амэнбургда ишлашини ҳам билиб олди. Йигит у ердаги яхши ишлари учун қамамоқчи бўлганларида империядан қочиб оккупация қилинган территорияга ўтган экан. Бунга ўхшаган дор тагидан қочганлар жондиллари билан Рейн бўйи областига келардилар. Бу ерда улар оккупациячи амалдорларнинг папоҳида бемалол юрар эдилар. То йигит бу ёқимтой қизни йўлдан адаштиргунча уни яхшилаб дўшослаш керак эди.

Янги оқсоч Эмма бу гапларга индамай қулоқ солиб ўтирди. Ўз диний эътиқодини ҳимоя қилишга унинг

ҳақи йўқмиди, ёки бу хилдаги одамлардан уни ҳимоя қилиш бефойда, деб тушунармиди, ҳар ҳолда у жума куни ўзи учун энг ёмон кун эканлигига кўниб қўя қолди. Жума кунлари Бекер уни албатта ҳолдан тойдирар эди. У ҳар жума куни рўза тутиш жуда ортиқча гап, бу нарса кишининг зеҳнини ўтмаслаштиради, деб инонтирарди. Тўғри, улар «Рейн ҳамкорлигида» ҳар йил 26 майни — Шлагетер отиб ўлдирилган кунни нишонлашни кўзда тутардилар. Французлар Шлагетерни саботаж қилгани учун отиб ташлагандилар. Лекин буни ҳар ҳафтада қилиб бўлмайди-да! Бекер ҳатто ҳафтанинг қайси куни 26 май бўлганини ҳам билмайди. Эмма, бу бошқа гап, деб эътироз билдирди. Понтия ноиб Пилат даврида халоскор бутун инсоният йўлида ўзини қурбон қилганмиш. Ўзининг билими билан мағрурланган Бекер эса:— Шлагетер Тирард даврида бутун Германия учун ўзини қурбон қилган,— деб эътироз билдирди. Бунга жавобан Эмма елкасини қисиб қўя қолди. «Эътироз билдиришга ўрин қолмаганда,— деб ўйлади Бекер,— У ҳамма вақт шунақа қилади».

Оккупация вақтида шофернинг ҳам аста-секин шуҳрати чиқа бошлади. Бу шон-шуҳрат ҳар қачонгидек хўжайинининг шон-шуҳрати билан боғлиқ эди. Инглизлар томонидан оккупация қилинган территорияда бўлиб ўтган кейинги музокаралар вақтида Клемм иттифоқан маслаҳатчи Кастрициус билан савдо алоқаси тузди. Кастрициуснинг Боннда шаҳар ҳовлиси, Рюдесгеймда эса кичкинагина вилласи бор эди. Бу вилла маслаҳатчининг хотини учун қурилган бўлиб, у эса аллақачон дунёдан ўтган эди. Тарбиячининг қўлида ўсган қизи эса бўйга етиб қолган бўлиб, чаросдай кўзлари ёниб турарди. Чол меҳмонларга дераза орқасидаги манзарани: эндиликда французларнинг уч рангли байроқлари ва тоқ новдаларидан ранг-баранг бўлиб турган ерни кўрсатди. У қизи ва ўтқазган тоқлари қандай ўсаётганини роҳатланиб томоша қилишини айтди. Бекер кечқурун Кастрициус чолниқиди овқатланиш хўжайинига жуда ёқишини биларди. Унинг ўзини ҳам бир неча марта юқорига, эмандан ясалган ошхонага таклиф қилишганди; шофер ҳам жаноб маслаҳатчи ва жаноб фон Клемм суҳбатлашиб ўтирган ёшлар орасидан жой оларди. Қишлоқ бургомистр-сепаратистларидан бирортасига ўқ узганлиги учун французлар томонидан қамоққа олинган йигит-

ни қутқариш ҳақида гап кетгундай бўлса, улар, гўё ўзларининг тенгидай Бекер билан маслаҳатлашишар эди.

— Хўш, бу ишга ким боради?

— Албатта мен, — деб жавоб берарди Клеммнинг шофери. Кейин унга бошқа машина беришарди. чунки Клеммнинг автомобили бунақа ишларда кўзга ташланиши мумкин эмас эди. Иккита ўспирин танишлари билан учрашишга рухсат сўрарди. Уларни турма ҳовлисига киритишга рухсат беришмагандан кейин, улар ўқотишарди, кейин Бекер уларни машинага босиб, демаркация линияси орқасида турган соқчилар орасидан қуюндай олиб ўтиб кетарди. Эртасига эса Бекер француз контролерларини Клеммнинг заводига элтиб қўйиб жуда ҳузур қиларди.

Клемм, бирор эҳтиётсизлик натижасида махфий жамиятлар ҳақидаги янги қонунга дучор бўлмаслик учун «Рейн ҳамкорлигини» фақат энг содиқ ва ишончли кишилар билан чеклаб қўйди. Юрак билан буйракни бири-биридан айириб бўлмаганидай садоқат билан ишонч ҳам Бекернинг ажралмас фазилати эди.— Эмма бу ерда ёт бўлганлиги учун Бекер ҳатто ошхонада ҳам фон Клемм хоним ўз қўли билан унга чой қўйиб берганлиги ҳақида мақтанмас эди. Бош министр Пуанкаре 1924 йил майида ўз ўринини Эрриого бўшатиб беришдан илгари, сепаратистларни ўққа тутиб жаҳлини чиқарган виждонли немис йигитларини кутилмаган қамоққа олишлар ёрдами билан қўлга туширишга уринди.

Кейинги вақтларда Клеммдан саботажда айбланган ва сепаратистлар фитнаси бўлиб ўтиб, Рур оккупация қилинганидан бери қидирилаётган номаълум бир шахсни чегарадан яширинча олиб ўтиш учун шоферингизни бериб турсангиз, деб тез-тез илтимос қиладиган бўлиб қолдилар. Бекер чегарадан ўтиш мумкин бўлган махфий жойларни ва чегара соқчилари турадиган нуқталарни биларди. Уни ҳатто Кастрициуснинг олдига ҳам таклиф қилишарди, кейин улар — уйнинг эгаси, Бекер ҳамда Клемм бирга маслаҳатлашишарди. Кейин унинг ёнига — машинага чегарадан эсон-омон ва зиён-захматсиз ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган ёш химикни ўтқазिशарди. Кастрициус Клеммдан ибрат олиб Бекер билан ўзининг тенгидай муомала қиларди.

Химикни эсон-омон чегарадан ўтказилиб қўйилгандан кейин, улар яна учови бу муваффақиятни энди Кас-

трициуснинг вилласида эмас балки меҳмонхона боғчасида муҳокама қилишарди. Йўл қурилишида ишловчи бир неча ишчи қўшни столда тушки овқат маҳалида пиво ичиб ўтирар экан, бу тенг ҳуқуқликни таажжубланиб кузатдилар. Бекер кайф суриб ўтирарди. Клемм эса худди унинг кўнглидагини топгандай:

— Сен биз билан пиво ичиб ўтирибсан, Бекер, лекин рўпарадаги анави жаноблар наздида бу, синфий кураш принципларини бузишдир, — деди.

Кастрициус қўшиб қўйди:— Бу аблаҳлар билан муомала қила билиш керак. Биз ҳали бу лўттибозликни яхши ўрганиб олганимиз йўқ. Гап шу ердаки, Клемм, буларнинг ҳаммаси бир кишидай биз билан бирга сепаратистларга қарши курашган.— Клемм хаёл суриб жавоб берди:

— Бу-ку тўғри-я, лекин, эҳтиёт бўлиш керак. Душманларимиз ҳам худди шундай усулни қўлламоқчилар. Ватанни севиш қизил муттаҳамларга малол келиб қолди. Шундан кейин улар бутун меҳри-муҳаббатларини чаппасига айлантириб, биз бойларга қаршимиз, айни ҳолда эса — ўзларининг мамлакати кифоя қилмай, бошқа мамлакатларнинг ҳам қонини тўкмоқчи бўлган француз бойларига қаршимиз, деб инонтиришга киришдилар.

Клеммга ўхшаш, Бекер билан улфатчилик қилишга ўрганмаган Кастрициус бу қалтис масалани шоферсиз муҳокама қилишни афзал кўрарди. У яна химикнинг қочиши ҳақида гап бошлади. Кастрициуснинг қизи бу мажбурий жудолик муносабати билан йиғлагани-йиғлаган эди, лекин умуман, қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ ҳийла ўринли бўлиб чиқди. Ахир қиз ёш химикни жон-дилидан севар эди. Лекин у химикни унутиб юборади ва ўзига лойиқ куёв топиб олади. Клемм кулиб бу лойиқ куёв ким бўлиши мумкин, деб сўраган эди, Кастрициус жавоб берди:

— Ростини айтганда, азизим Клемм, масалан, мана сиз ўзингиз жуда муносиб эдингиз. Лекин, афсуски, сиз уйлангансиз. Сиз уйланган бўлганингиз учун сиз билан очиқ-ойдин гаплаша беришим мумкин. Одатда одамларда тарқоқ ҳолда учрайдиган фазилатлар сизда бор. Бундай кишилар ёш қизларга ҳам, уларнинг оталарига ҳам ёқади.

— Қизингиз билан етти-саккиз йил илгари танишма-

ганлигимга,— деб жавоб берди Клемм,— чин кўнгилдан афсусланаман.

— У вақтларда қизим қўғирчоқ ўйнаб юрарди.

— Менимча, қизингиз ҳозир ҳам қўғирчоқ ўйнаса керак; уйланиб қариб қолган бўлсам керак.

Иккови ҳам суҳбатга диққат билан қулоқ солиб ўтирган Бекерни унутиб қўйди. Бекер ичида: «Ҳа, мана шу қиз чиндан ҳам хўжайинимга ҳақиқий хотин бўла оларди. Рюдесгейм виносини гоҳгейм виносидан ажрата олмайдиган анаву гўдайган хотинга қараганда бу қиз уйимизга кўпроқ ярашарди».

Клемм билан Кастрициус энди бошқа нарса тўғрисида гаплашаётганликларига қарамай, Бекер ҳамон ўша фикрни ўйлаб ўтирарди.

— Дауэс режасининг,— деди Клемм,— бизга ҳам фойдаси тегишига мен дарров тушунганман. Французларнинг бу режага қарши жон-жаҳдлари билан норозилик билдираётганларининг ўзи ҳам, режа биз учун қулай эканлигини кўрсатади.

— Ахир, улар, бизни тилка-пора қилиб ташлашга қаратилган ҳар бир нарсага нафрат билан қарайдилар. Улар ўз иттифоқчиларига ўхшаб тажрибали эмаслар. Одатда қасос ўнғайгина олинмайди. Инглизлар билан америкаликлар эса қасос олишни эмас, балки акцияни қўсмамоқдалар. Улар бизнинг барча темир йўлларимиздан ҳақ олмоқчилар. Бунинг учун аввало империя, империя бўйлаб юрадиган одамлар керак. Бу одамларга эса ўз навбатида йўлга пул керак. Бунинг учун эса барқарор валюта лозим.

Кастрициуснинг ҳар гапидан кейин, унинг қип-қизил гўштдор юзида шундай бир ифода пайдо бўлар эдики, гўё у ғоят яхши винони ҳузур қилиб ичаётгандай эди. Клемм, гарчи бошқа кишиларга унчалик қойил бўлмаса-да, ҳозир Кастрициусдан завқланиб ўтирарди.

— Лекин улар ҳамон французларни еримизда ўйнатиб қўйишибди, деди у.— Кастрициус аввалгидек мулойимлик билан жавоб берди:

— Уларнинг хоҳишига қарамай, биз ҳанузгача генерал штабимизни ҳам, армиямизни ҳам қисқартирганимиз йўқ, ҳамон керагидан ортиқча тўп ва ниҳоят оз миқдорда зонтик ишлаб чиқаряпмиз.

Бундай суҳбатлар вақтида ўқиб олган гапларини Бекер кечқурунлари ошхонада ҳикоя қилиб берарди. У.

завод устига ниҳоят оғир юк бўлиб тушадиган божхона жарималари ҳақида ҳам сўзларди. Менга қолса, дер эди Бекер, агар давлат темир йўллари айрим кишиларнинг қўлига ўтса, хурсанд бўлардим. У вақтда Клеммнинг «Смола ва локлар» фирмаси ҳам қарздан анча қутулиб қоларди. Ошхонада муътабар шахс ҳисобланган Бекерга беихтиёр тақлид қилувчи ошпаз аёл, боғбон, ҳатто Эмма ҳам бу хусусда хурсанд бўлганликларини айтдилар.

Улар Бекернинг Рейн бўйи ерларининг Германия империясига кирганлигига яқин орада минг йил тўлиши, бу куннинг алоҳида тантана билан байрам қилиниши ҳақидаги ҳикояларига ҳам завқ билан қулоқ солдилар. Гарчи ўзи Вестфалияда туғилган бўлса ҳам, у бу байрамни тоқатсизлик билан қутаётган эмиш. Боғбон ҳам:

— Ҳа, минг йил — ҳазил гап эмас,— деб қўйди.

Ошхонадагилар Бекер билан биргаликда Эммага тегажоқлик қилишга ўрганишиб қолишганди. Улар орасидаги жиддий келишмовчиликлар фақат президент Эберт ўлганидан кейин Клемм хонадонидагилар сайлов қутилари олдига боришганда маълум бўлди. Ана шунда Бекер:— Хўш, Эмма, энди сиз қайси бирини танлайсиз — селёдкали салатними ёки бифштексними?— деб сўради.

Эмма анчадан бери бирор дурустроқ католиклар оиласидан иш топишни кўнглига тугиб қўйган бўлса ҳам, ҳозир индамай қўя қолди, чунки янги жой масаласидаги баъзи бир нарсалар унчалик аниқланмаган эди. Кейинчалик Бекер машина ҳайдаб кетаётиб, Эмма Гинденбургга эмас, балки аनावиларнинг бошлиғи — Вильгельм Марксга овоз берди, деб ҳикоя қилди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### 1

Клемм Берлинга автомобилда, хотини эса ўғли Гельмут билан ухлаб кетадиган вагонда кетишди. Клемм уларни вокзалда кутиб олгандан кейин, хотинидан аввал меҳмонхонага тушиб, ювиниб, овқатланиб оласанми ёки олдин Потсдамга бориб, болангни холангга кўрсатиб келасанми, деб сўради. Ленора бу саёҳатдан мақсад — Шарнхорстштрасседаги ўзи туғилган уйда туриш деб биларди. Шунинг учун ҳам холасини бориб кўргандан кейин дарров «Адлон» меҳмонхонасига қайтиб кел-

моқчи эмасди. Клемм Бекердан хотинини ва боласини Потсдамга ташлаб келишни илтимос қилди. У конференция тамом бўлгунча, унга ҳеч ким халақит бермаслигини истар эди.

Зерикарли Груневальддан ўтган йўл, Бекер машинада босиб ўтган Германиядаги барча йўлларга ўхшаш, унинг хўжайини билан бирликда ўтказган ҳаёти ҳақидаги чексиз хотираларни эсига соларди. Бир вақтлар Клемм ва унинг ҳамроҳлари Берлиндан сўроқ қилишга олиб келишаётган бир йигитни саранжомлаш учун шошилганларида, у бегона машинада уларни кутиб ўтирган ўша қиш куни ҳам эсига тушди. Мана шу ерда, торгина ўрмон йўлига яқин жойда, машиналарининг баллонни ёрилиб кетганди. Кейин улар маҳбусни Новавесга олиб бориши лозим бўлган бегона машинага тушишган. Бекер жон-жон деб фон Клемм хонимга, бир вақтлар хўжайини билан бирга қанақа ишлар қилишганларини айтиб бергуси бор эди. Афтидан, хоним у билан лақиллашишни истамайдиганга ўхшайди; Бекер эркак киши бунақанги озгин, тахтакачдай хотиннинг нимасидан ҳузур қилишини тасаввур қила олмасди. Лекин, ҳар ҳолда бу хотиннинг бирор нарсаси бўлса керак, бўлмаса хўжайини унга бунчалик ёпишиб қолмас эди.

Ленора боласини бағрига босиб ўтирарди. Ойисини машинада ноилождан олиб кетаётган бўлса ҳам, лекин боласини Бекер яхши кўрарди. Бола қора жингалак сочили бўлиб, кўзлари ўйнаб турарди, умуман у Клеммга шунчалик ўхшардики, Бекер Клеммга қанчалик меҳр қўйган бўлса боласига ҳам шунчалик меҳр қўя оларди. Бекер сокин Потсдам кўчаларидан зинғиллаб кетаётганларида ёш хонимнинг чеҳраси ҳаяжондан оқариб кетганлигини машина ойначасидан кўриб қолди. Ленора:— Шу ерда,— деди. Улар кичкина кўчага бурилишди. Олди боғчалар билан ўралган пастак уйчалар, Бекернинг таърифича, аллақачонлардан бери ремонтга муҳтож эди; деярли ҳамма уйнинг сувоги кўчиб кетганди. Деворлардаги безакларнинг нақадар кулгили эканлигини айтмайсизми: мана бу ерда — қандайдир шакл, анави ерда — қуёш соатлари, нарироқда — кичкинагина балкончада пиёзга ўхшаш минорача. Ленорага тош йўлдаги сарғайган кузги япроқлар гўё унинг болалик пайтларидан бери ётгандай туюлди. Фақат япроқларнинг ранги бир оз тўқроқ, ҳиди эса ўткирроқ бўлгандай, гўё

эрта кузнинг иссиқ кунлари пасая бораётгандай эди. Балки, анави дераза орқасидаги шарпа Амалия хола бўлса керак, лекин у ҳаяжон билан кўчага чиқиб кутиб туришни бачканалик деб ўйласа керак. Ленора машина эшигини Бекер очишини кутиб ўтирмай ўзи оча қолди. Бола яқинлашиб келаётган холага ҳайрон бўлиб қарарди. Хола аста-секин зинапоядан тушиб, жияни билан иримига кўришди. Ленора Амалия холанинг нозик, қисилган лабларидан унинг зориқиб кутганлигини англади. Кичкина Гельмут ҳамон онасининг қўлидан ушлаб олган бу ғалати холани кўздан кечирар эди. Хола одатдаги кампирларга нисбатан хийли озгин кўринар, бўйнига осилган соат занжирлари кўйлагининг ичига тушиб кетганди. Холанинг лаблари ғалати бўлиб буришиб турарди. У боланинг йилтироқ бошига гир айлантириб олинган жингалак сочлари тўзиб кетгани учун ундан гина қилаётгандай жиддий қараб турарди, кейин бехосдан болани теп-текис ва эти қочган кўкрагига шундай босдики, ҳатто унинг кўкраклари қирсиллаб кетди. Ана шундан кейингина Амалия холанинг сира жазманлари бўлмаганлиги, у фақат акасининг болаларини тарбиялаб, акасининг уй-рўзғорига қарашганлиги Леноранинг эсига тушди. Бирдан Леноранинг меҳри товланиб кетти, лекин у бу меҳр-муҳаббатини қандай изҳор қилишни билмасди. Чунки у бўйинини тик ёқаси бўғиб турган, оқарган сочларини дўппайтириб турмаклаб олган бурни чўзиқ холасининг юзидан ўпишдан нақадар тортинса, холага ўз меҳр-муҳаббатини изҳор қилишдан ҳам шунчалик тортинар эди.

Шофер Бекер эса бу орада, шу заҳотиёқ Берлинга қайтиб кетишни ўйлаб, баҳона қидирарди. У жаноб фон Клемм иложи борича тезроқ қайтгин деганди, деди.— Майли, бора қолсин!— деди хола. Ленора, холаси хизматкорларга буйруқ берганида учинчи шахсда мурожат қилиш одати борлигини эслади. Машина қайтиб кетаётганлигини кўрган ёш хоним, шофер уни яна қайтариб олиб кетишидан қўрққандай, енгил нафас олди. Эшик гижирлаб унинг кетидан ёпилгач, ўтган йилларнинг саргузаштлари, хатолари худди остонанинг нарёғида қолгандай бўлди. Ленорага уйдаги мебель ва идиш-товоқларда болалигидаги шодлик ва ғам-ғуссаларининг изи бордай туюлар ва гўё ана шу шодлик ва ғам-ғуссалар хонага, отасининг рамкага солиб қўйил-



ган мақтов қоғозларида, холасининг кашталарида ёпишиб тургандай, уларнинг таъсирини яна сезгандай бўлди.

Хола жияни кўмаклашмоқчи бўлган эди, кўнмади. У хизматкор тутмаганлигидан кофе ва кеча пишириб қўйилган юмалоқ печеньесини ҳам ўзи келтирди. Жиянининг хурсандлик билан ажабланиши холанинг кўнглини анча кўтарди. Ленора ўғли иккови печеньени иштиёқ билан ея бошлади, унинг назарида Рейн ёқасидаги уйда доимо столга олиб келинадиган печеньелар гардга ўшарди.

Нонуштадан кейин улар зинапоядан юқорига кўтарилишди. Меҳмонлар шарафига Амалия хола чўккалаб олиб зинапояни ювиб, артиб тозалоганди. Бу ишни у айниқса кичкина Гельмут шарафига қилганди, чунки у бу уруғнинг вориси бўлиб, хола наздида тўнғич набира эди; Ленора зинапоя панжарасидаги сариқ мис қуббачани силаб қўйди. Амалия холанинг мана шу зинапояни ярқиратиб қўйиш учун барча куч-ғайратини сарфлагани бежиз эмас эди, чунки зинапоя Ленора қизлигида турган хонага олиб борарди. Хона эса эсдаликларнинг дахлсиз ва мустақкам хазинаси эди. Ленора деворда осиглиқ турган «Шиль офицерларининг отилиши» деган рангли гравюрага кўзи тушиши билан аллақачонлар ёдидан чиқиб кетган қайғу-ҳасратлар тўлқинига гарқ бўлди. Ухлаб қолган болани гравюра тагида турган болалар каравотига ётқизишди. Бола каравотга зўрға сиғди, лекин Амалия хола боланинг мана шу қадимги каравотда ётишини истарди.

Ёлғиз қолгандан кейин, Ленора шу заҳотиёқ, ҳаддан ташқари тор ва қаттиқ бўлиб туюлган ўрнига чўзилди; Ленора ўша ёшлигидаги хотиржамлик уни яна қамраб олаётганини ҳис қилди. Хотиржамлик ёшликка хос бўлиб, катталарнинг сўзларидан маълум бўлган турмуш бахтсизликларига совуққонлик билан қарашдан келиб чиқади. Катталар эса кўпинча ҳамма нарсани ҳаддидан ошириб гапиришади. Деворда холанинг улкан аёлнинг баҳайбат соясига ўхшаш сояси, мазмунсиз даҳшатли ҳаётининг символик кўриниши пайдо бўлгандай бўлди; бу ҳаётни Ленора ёшлигида мазақ қиларди; кейинчалик ундан нафратланди, бора-бора бутунлай уни унутди. Қани энди у шу ерда ўғли билан бирга яшаб қолишса, холаси бу уй эшигини бир умрга беркитиб қўйса-ю ў

бу дунё ғам-ғуссаларидан халос бўлса. Ҳозир Ленора шуни орзу қиларди. Бу ерда у Рейн сувларида аксланиб-турувчи уйини, хирагина йилт-йилт қилиб товланадиган бўёқларни, масхаравоз ва хушчақчақ эрини, шунингдек бу ёққа келаётганларида Берлинда учратарман деб ҳаёл қилган ўша ғойиб бўлиб кетган хушторини эсидан чиқариши мумкин эди. Лекин ҳозир у ҳечам ўша хушторини кўришни истамайди; унинг маслаҳатларига кириб сотиб олган китобларни ҳам кўришни истамайди. Мана бу бесўнақай, чўпдай озғин Амалия хола эса унинг кўнглига яқин. Ленора бир неча вақт кўнгли қўйиб юрган анави барча усти ялтироқ қалбаки нарсаларга қараганда Амалия хола софдилроқ эди. Холамнинг уйида ўғлим отамга ўхшаш виждонли бўлиб тарбияланиши мумкин, деб ўйларди. Шу ерда Ленора «лекин отасига ўхшаб эмас» деган фикрни кўнглидан кечирди-да, хижолат тортди. Кейин ўзига ўзи савол берди: «Хўш, Клеммнинг нимаси менга ёқмайди? Ахир мен бу одамни ўша вақтда, дала госпиталида қаттиқ севиб қолгандим-ку, кейин эса худди Клеммни севганимдай эс-ҳушимни йўқотиб Ливенга ҳам ошиқ бўлиб қолдим. Мен Клеммнинг ҳукмини ўтказишни, ҳаммани ўзига қаратишни, севишни, ажойиб ҳаётни орзу қилганлигини секин-аста тушундим...» Бу орада Амалия холанинг улкан сояси ҳадеб унга насиҳат қиларди: «Сен ўзинг шуни хоҳлагандинг, мана энди чидагин. Нима сен, хушторинг қаерга борса, сен ҳам кетидан юришни орзу қилганмидинг? Эрингдан қолма, ўғлингни виждонли одам қилиб тарбияла, мана шунинг ўзи сенга кифоя».

Ленора эртасига эрталаб, ўтган йили укасига эрга чиққан кичкина Мальцашни кўриб ҳайрон қолди. Қўрқоқ, тортинчоқ, сочи иккита қилиб ўрилган ва калта қўйлак кийиб юрадиган ўша Ильза энди тўлишиб капкатта хотин бўлиб кетибди. Ой-куни яқинлашиб қолган хотинларникига ўхшаб унинг кўзлари ҳам чақнаб турар, юзи озиб айёрона жилмайиб турарди. Эрининг полки ҳозир Ганноверда турганлигидан, кўзёриш учун у уйига келган экан. Ильза талтайиб қайнэгачисига болаларнинг ҳар хил жун кийимларини кўрсатди; гарчи қиз болаларга пушти ранг, ўғил болаларга эса зангори кийимликлар тикилишига қарамасдан, ҳали туғилмаган чақалоққа зангори кийимлар тикилганди. Амалия хола унга бешик юборди, бу бешикда аввал отаси, кейин ака-

си ётган эди. Кўпинча бундай ҳолларда, қариндошлар қачонлардир мана шу катта одамлар, ҳатто аллақачон гўрда ётганлари ҳам бешикда ётган эканлар, деб кулишарди. Кичкина Гельмут худди отасига ўхшаб ўзбошимча эди. Туғиладиган ўғил эса, она авлодига тортиб кетса керак.

Кечаси хола Ленорани уйғотиб, дудмоллик билан унга, кичкина Мальцан туғди, лекин ўғил эмас, қиз туғди деб хабар қилди. Ленора қўшникига югуриб чиққанда келини тетик бўлиб ўзини олдирмагандай, лекин ўғил туғмаганидан уялаётгандай эди.

— Сенга гапириш осон.— деди Ильза,— сен ўғил туққансан.

Мальцан чол:— Кейинги сафар хатоларингни тузатарсизлар,— деб қўйди.

Ленора қандайдир ўнғайсизланди, лекин бунинг сабабини ўзи ҳам билмас эди. Ахир унинг ўзи ҳам, қизга қараганда ўғил яхши, айни муддао, деб қаттиқ ишонарди.

Шунга қарамай Ленора:

— Уғил болаларни туғадиган оналар бўлмаса, ўғил болалар қаердан пайдо бўлади,— деди. У қизалоққа шунчалик меҳрибонлик билан қарар эдики, ҳатто чўқинтириш маросимига Потсдамга келган укаси уни мазақ қила бошлади. Ленора жиддий эътироз билдирди:

— Менимча, қизалоқнинг дунёга келишидан бир мен астойдил хурсанд бўляпман, шекилли.— Ленорага Ильзанинг гўё ўғил туғиб бермаганлиги учун эридан узр сўраётгандай бўлиб, уни қўрқа-писа кутиб олганлиги ҳам ёқмади. Ленора атрофидаги одамларга нисбатан аллақандай кучли норозилик ҳис қилди. У бу одамларни жуда соғинган эди. Лекин у бошқа оламда бирга яшаган одамлари ичида ҳам булардан яхшироғи борлигини билмас эди. У энди ўрнидан туриб хушчақчақлик билан уйда айланиб юрган келинига сезилар-сезилмас разм сола бошлади. Ильза гулдор, ҳилпираб турадиган яп-янги ёзги кўйлак кийиб олган яхшигина, ёш жувон эди. Леноранинг укаси аҳён-аҳёнда опасидан тортинмай, хотинини маҳкам қучоқлаб ўпарди.

Берлин меҳмонхонасида ҳеч ким уларни безовта қилмаганлигидан шоферига қараганда кўпроқ Клеммнинг ўзи хурсанд эди.

Деярли бир вақтда Кастрициус ҳам хушчақчақ қизи билан Бонндан етиб келди. У, Клемм ва гехст директори Шлютебок бу ерга Рейн областининг вакиллари сифатида унга алоқадор бўлган масалаларни муҳокама қилгани келган эдилар. Шунинг учун ҳам улар Германиянинг ҳамма томонидан келган саноат вакиллари билан бирга кейинги воқеалардан келиб чиқадиган зарурий чораларни аниқлаш учун йиғилгандилар. Рейн бўйидаги ерлар ҳамон оккупация қилинганча қолиб келмоқда эди; бу масалада Локарно ҳам, Генуя ҳам ҳеч нарсани ўзгартирмади. Бу давлатларни миллатлар Иттифоқига қабул қилиш ҳам репарациялар тўплашни ёлчитмади. Шунинг учун ишчилар сонини қисқартириб, уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, янги машиналарни ишга тушириш ва ишчи кучини қисқартириш ҳисобига бозорларга кўпроқ мол чиқаришга тўғри келарди.

Пиво ёки чой ичиб ўтказиладиган кечаларда бўлгани каби бу кенгашларда ҳам доимо Кастрициус бошчилик қиларди. Кўпинча одамлар йиғилганда қандайдир тушуниб бўлмайдиган қонун асосида улардан биттаси бошлиқ бўлгандай Кастрициус ҳам ана шу йўсинда бошлиқ бўлиб қолганди. Кастрициус ҳал қилувчи гапни айтадиган одамлар тоифасидан эмасди. Шунинг учун ҳам унинг олдига — меҳмонхонага хоҳ катта одам бўлсин, хоҳ кичик одам бўлсин, тортинмай кира бера эди. У эса ҳукумат вакилларини ҳам, ҳарбий кишиларни ҳам, ҳамкасбларини ҳам маънили нутқи билан ўзига ром қиларди. У ҳамшаҳарликларига ўхшаб фасоҳат билан гапирарди. Кастрициуснинг сочи оппоқ эди, шунинг учун қизини набираси бўлса керак, деб гумон қилиш мумкин эди. У кулиб туриб, иккита хотиннинг умрини қазон қилганлигидан ҳасрат қилиб, хотинларга мени беш кунлик умри қолибди, деб ўйламанглар, дер эди. Фон Стиннес, фон Круппа ва фон Вольер каби жаноблар бажонидил унга сўз беришарди, тиришқоқ ва фаросатли Кастрициус, худди ўз корхонасида ишчи делегациялари ва ишлаб чиқариш кенгашларига усталик билан таъсир ўтказиб, мақсадларини амалга ошириб боргандай, анча-мунча қарорларни чиқартириб юборганди. Кўпинча ҳар қандай гап орасида у шундай деб кўярди:

— Менинг заводларимда, менинг қиммат баҳо маши-

наларим билан усталик билан муомала қила оладиган ақлли одамлар бўлиши керак. Бизнинг замонимизда эса ҳар бир фаросатли ишчи сўлларга хайрихоҳлик билдириб, ўз ҳуқуқлари учун курашишни истади. Шунинг учун ҳам биз анави сўлларни ишдан ҳайдаб, турмаларга қамаб, фақат ўзимизнинг зиёнимизга иш қиляпмиз. Ишчилар машиналаримизни ташлаб кетмасликлари учун бирор бошқа чора ўйлаб топиш керак. Немис ишчиси, фақат ҳалол ишлашни билади. Унинг табиатида дангасалик йўқ. Биз ўзимизга боп бир кишини излаб топайликки, биз ишчиларни илгаригидек ўз қўлимизда ушлаб турайлик, улар елкамизга миниб олмасинлар.

Кастрициус жўнаб кетиши олдидан, ўзининг гапига қараганда, энг яхши дўстлари учун тантанали зиёфат берди. У «Адлон» меҳмонхонасидаги бир неча хонани, шу жумладан қизи ва ўзининг ётоқхоналари ўртасидаги меҳмонхонани ҳам ижарага олди. Нора ўн саккизда эди. Отаси унинг мураббиясини жуда мақтар эди. Уларнинг иккаласи ҳам масалага асосан бир хилда қарар эдилар: қиз ота-онасининг уйида ундан талаб қилинадиган барча нарсани ўрганиб олиши керак; у меҳмонларни кутиб олишни, теннис ўйнашни, сувда сузишни ва от миниб юришни, шунингдек бутун уй ишини билиши керак. Хизматкорлар барча юмушни ўзи яхши адо қиладиган бекаларгагина итоат қиладилар.

Меҳмонларнинг ҳар бири, ўзининг энг яқин дўстлар қаторига қўшилганлигидан мамнун эди. Икки генерал ҳам, кўнгиллилар корпусидан келган лейтенантлар ҳам, Боннли рассом ҳам, қола берса адвокат ҳам, «Вохе» ва «Дейче Цейтунг» газеталарининг редакторлари ҳам хурсанд эдилар. Клемм хотинига холанг билан хайрлашиб келгин, охириг кечани «Адлон»да ўтказамиз деб буюрди. У хотини билан Кастрициуснинг зиёфатига бормоқчи эди. Клемм қип-қизариб ароқ қуйишга ва сомсаларни жой-жойига қўйишга ёрдамлашиб юрган Норани синчиклаб кузатар эди. Клемм, бу қиз хотинимга қараганда турмушни анча яхшироқ билар экан, деган қарорга келди. Клемм хийлигина ичиб қўйди, чунки Нора ҳар сафар унга ароқ қуя туриб қуралай кўзларини сузар эди.

Ленора жимгина папирос чекиб ўтирарди. Унинг чехраси ҳорғин ва бепарво кўринарди, чунки шу дақиқада бу ерда ўтирганлар ичида унинг кўзларини ўйнатувчи бирорта одам йўқ эди. У атрофидаги ора-сира кў-

ринган одамларга, ҳарбий мундирларга ва хушбичим, башанг кийимларга бепарвогина қараб ўтирарди. Шунинг учун у назарида бу ердаги кишиларни бир вақтлар азоб чекаётган ва қонга беланган ҳолда кўргандай, уларни даволагандай ва яраларини боғлагандай туюларди.

Кеч қолган бир меҳмон кириб келди, уни танишиб хурсандчилик билан саломлаша бошладилар. Клемм ҳатто эшик ёнига югуриб борди:

— Сен бизни бутунлай эсдан чиқариб юбордингми, деб қўрққан эдим.

Кастрициус эса шундай деди:— Биз бўлсак, сизни ҳар ҳолда эсдан чиқарганимиз йўқ: сиз бир вақтлар Билефельдда тартиб ўрнатишда бизга ёрдамлашгансиз.

Клемм эски дўстини Кранцлер кафесидан топганди, бу жуда айни муддао бўлганди, чунки у Ливеннинг ҳам қарзини тўлаб юборганди. Ливен бор маошини деярли харж қилиб қўйганди; у ҳар қалай Глеймнинг кўёви таклиф қилган жойга — ўчиб-ёнадиган рекламалар фирмасининг бўлимларидан бирига агент бўлиб ишга жойлашганди. Бу фирма электростанциялардан бири билан қандайдир алоқада бўлиб, ўз навбатида бу электростанция хўжайини ҳам Глеймлар оиласига алоқадор эди.

Ленора аввалига Ливенни танимади, чунки дўстлари сўрашаётди уни ўраб олишганди. Бундан ташқари, гарчи бундан илгари доимо уни ўйлаб юрган бўлса ҳам, кейинги кунларда Ленора бу одамни бутунлай эсдан чиқариб юборган эди. Ливен бу хотинни ҳеч қачон эсга олмаган бўлса ҳам, ҳозир иззат-нафсига салгина тегиб кетганини сезди. Ленора беҳосдан таниш ва маскураомуз оҳангда:

— Ҳа, бу сизмисиз, Ливен. Мен сизни танимабман,— деди.

Бунга жавобан, Ливен наҳот шунчалик ўзгариб кетган бўлсам, деб сўради.

— Йўқ, лекин баъзида киши ўзи ортиқча ўзгариб кетганидан бошқаларни танимай қолади.— Ленора Ливенни бундан ҳам ортиқроқ чақиб оладиган жавоб ўйлаб топа олмасди.

Шу заҳоти уни эски ўртоқлари чақириб қолишди. Улар қандайдир жанговар эпизодлар хотираси учун унинг билан рюмкаларни уриштирмоқчи эдилар. Улар бу зиёфатда ўзларини шаҳарда эмас, балки худди узоқ

бир оролдагидай ҳис қилган эдилар. Ливеннинг дўстлари аввало зиёфат эгаларини, ота билан қизини мақташгандан кейин, Ливендан, фон Клеммнинг хотинини танийсанми, деб сўрашди. Ливен эса:— Жуда, жуда яхши танийман,— деб жавоб берди. У бу гапни кўзларини ерга тикиб, шундай бир оҳангда айтдики, бу ҳар қандай гапдан ҳам тушунарлироқ эди.

У ҳатто бу сўзлардан баъзилари Клеммнинг қулоғига етар, деб умид қилган эди; Ливен бирдан Клеммдан нафратланди, чунки у хотинини ўз чизигидан чиқармайдиган бўлса керак.

Эртасига эрталаб Бекер ўз хўжайини ва Кастрициус чолни бажонидил яна Рейнга олиб кетди. Кастрициуснинг қизи ўз машинасида, ўзининг шофери билан кетишни афзал кўрди. У машинасига мураббиясини ва Ленорани ўғилчаси билан ўтқазиб олди.

Кастрициус Клеммнинг шоферига шунчалик ўрганиб қолгандики ҳатто ўйламай-нетмай унинг олдида кўнглидагини тўкиб сола бошлади.

— Сиз, Клемм, мактабда ўқиб юргангиздаёқ, биринчи христианлар тўғрисида ўқиган бўлсангиз керак. Улар, ўз номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, олий даражада христианча характерга эга эдилар. Катакомбалар ва шунга ўхшашлар... Лекин, императорлардан бирининг христианликни давлат дини деб эълон қилиш хаёлига келмагунча ва турли-туманлик юзасидан бир неча мажусийни оёқ-қўлидан михлаб жазоламагунча қандайдир бир Рим ички ишлар министри назарида улар хийла ёмон одамлар бўлган бўлса керак.

— Қаердадир ўқигандим,— жавоб берди Клемм,— ўшандан кейин христианлар баъзи бир масалаларда ўзгариб қолишди.

— Шундай ҳам, шундай эмас ҳам. Хўш, нима бўлибди, энди? Ахир, сиз, Клемм, Мартин, Лютер эмассиз-ку, қола берса сиз ўз фикрларингизни ёзиб Майнц саборининг деворларига илиб қўймасангиз керак? Менимча, социализмни давлат дини деб эълон қилиш керак эди, токи у бизни Россиядагига ўхшаш, пастдан туриб адабимизни бермасин.

Шу вақт Бекер машинага бензин қуйиб олиш учун бензин колонкасига борсам майлими деб сўради.

— Бу Бекерингиз жуда яхши одам,— деди Кастрициус.

Бекер шошиларди, у хотинлар, болалар сафсатаси ўрнига, Клемм ва Кастрициус каби кишиларнинг фикрини эшитиб бораётганлигидан жуда хурсанд эди. У бу гаплардан ҳар қолда ўзини «Национал — социалистик немис ишчилар партияси» деб атаган ва ҳатто Рейн областидагиларни ҳам қизиқтираётган бу янги партиянинг муҳим аҳамияти нима эканлигини билиб олишга умид қилганди. Бекер бирор кишига садоқатли бўлиш деганда ўша билан бирга ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам ташлашни, унинг яхши-ёмон кунларига ярашни, бошқа нарсаларга унинг кўзи билан қарашни тушунарди. Афсуски, машинага бензин қуяётганда у баъзи бир гапларни эшитолмай қолди ва фақат Кастрициуснинг кейинги сўзларинигина эшитиб қолди:

— Сиз ҳамма вақт Клемм, бу ҳам худди ўшанинг ўзи бўлади-ю, фақат турли-туманлик учун яҳудийларсиз бўлади, деб фараз қилгансиз. Мен Сизга аввалдан айтганман-ку, Клемм, бунини социалистик сафсатага ҳеч қандай алоқаси йўқ деб. Бу одам, ўз корхонамда ҳамма клапанларни очиб қўйганимдай, худди менга ўхшаб ҳаракат қияпти. Ишлаб чиқариш кенгашлари, иш ташлашлар, биринчи майга қарши бирорта қарши сўз йўқ билакс, агар бу нарса кўнгилга ёқадиган бўлса, марҳамат қила беринглар. Майли у ўз нарсасини социализм деб хотиржам атай берсин; ўз партиясини ишчилар партияси деб ҳам атай берсин. Ҳозир, масалан, дейлик, герман ишчиси — давлатда энг муҳим киши. Мен ҳам, жумладан, худди шундай ўйлайман. Агар уни қўлингизда тутиб турсанг, ҳаммасини тутиб тураверсан. Агар ишчиларга эски ном кўпроқ ёқар экан, майли, эски номдан фойдаланиб турамиз. Мана, масалан, бизда князлар мол-мулкини мусодара қилишга қаршилик қилишяпти. Мени ана шундай фикрларга олиб келган нарса ҳам мана шу. Айтишларича, Гитлер ўз партиясини худди ана шундай мусодара қилишни истаган кишилардан тўплаганмиш. Мана, виждонан ўзингиз айтинг Клемм, сиз, мусодарага қарши бўлган ҳақиқий социалистни ҳеч кўрганмисиз? Социалист ҳамма вақт мулкчиликка қарши. Гап менинг фабрикама ҳақидами, сизнинг автомобилгиз ҳақидами, ёки шоферингиз Бекернинг янги уст-боши ҳақида борадими, барибир. Майли барчага ёмон бўла қолсин, барчага баравар ёмон бўла қолсин.

«Мана бу ҳақ гап!— деб ўйлади Бекер.— Шунинг учун ҳам боғбонимизнинг ўгли ҳамма вақт: менимчасиз, Бекер крепостнойнинг ўзгинасиз, деб, менга миннат қилар экан-да. Ҳасад қилганидан менга шунақа дейди-да. У ўзига ўхшаш менинг ҳам ёмон яшашимни истаydi».

Улар меҳмонхонада учалови бир столга ўтириб, овқат қилишганда, Бекер яна жуда хурсанд бўлиб кетди.

## II

Охирги меҳмонлар хўжайин билан хайрлашиб чиққанларидан кейин ҳам, Ливен баъзи бировлар билан лифтда ва вестибюльда гаплашиб турарди. Улар тақиқ қилинган союзларни ташкил қилишда айбланувчи ўз маслакдошларининг гаражларида ва уйларида кейинги вақтларда рўй бераётган тинтувлар устидан кулишиб туришарди. Сўл матбуот топилган ҳужжатларни баён қиладиган материаллар билан тўлиб-тошганди. Капитан Штеффен уйини қузатаётганлари туфайли бундан бир неча кун илгари «Эден» меҳмонхонасига кўчиб ўтганлигини ҳикоя қиларди; лекин у ҳам бошқаларга ўхшаб, Гинденбург президент бўлиб қолар экан, бизга ҳеч қандай жиддий хавф-хатар таҳдид қилолмайди, деб ҳисобларди.

— Матбуотдаги бу шовқин-суронлар акиллайдиган, лекин тишламайдиган итлар томонидан кўтарилган.

— Агар биз ишга киришадиган бўлсак, ўша заҳоти-ёқ тугатиб юборамиз; мурасасозлик қилиб ўтирмаймиз.— Ливен, капитан Штеффен менга бир рюмка коньяк ичишни таклиф қилади, деб умид қилганди. Лекин бугун ҳаммалари тил бириктиргандай, ҳеч ким унга коньяк ичишни таклиф қилмади. Гўё улар кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан жуда банд эди, Ливен «Адлон» меҳмонхонасидан чиқиб, Унтер-ден-Линден кўчасини кесиб ўтди. У енгил машинага тушишга пули бўлмаганидан автобусда кетмоқчи бўлди. Балки, Штеффен уларнинг гаплари пул сўраш ёки бирор жойга жойлаштириб қўйиш билан тамомланар, деб қўрққандир? Ливеннинг костюми гарчи анча яхши бўлса ҳам, лекин энди фасони эскириб қолганди. Мундирда у аввалгидек кулгили ва дағал, худо билан ҳам олам билан ҳам иши

йўқдай кўринарди. Ҳозир эса у, чироқлар осмондаги юлдузлардан ҳам тезроқ ёниб, чароғон бўлиб турган кўчалардан елиб бораётган автобуснинг пассажирлари орасида қисилиб турарди. Автобус қоронғи, хилват кўчалардан, кинорекламаларнинг ёруғ ва рангба-ранг чироқлари ёнидан елиб борарди. Гарчи Ливен ўчиб-ёнадиган реклама фирмасида агент бўлиб ишлашига қарамасдан, кинога тушишга ҳам пули йўқ эди. Абдул Каримнинг эндиликда чет эл офицерларига муҳтож эмаслиги аниқлангандан кейин, бу ишга уни Глеймнинг кўёви жойлаштириб қўйганди.

Ливен гапга чечанлигидан фойдаланиб, ҳар ойда икки-учта заказ топиш учун ўз-ўзини мажбур қиларди. Худди ҳолдан тойган аъзойимхонга сеҳрли жумлаларни қайтариш нечоғлик қийин бўлса, Ливенга ҳам бу иш шунчалик машаққатли эди. Ресторанда бир марта тўйиб овқат ейишга етарли пули бўлган тақдирда, гарчи шундан кейин бир ойлаб очин-тўқин юришга тўғри келса ҳам, у бир неча кунгача ишини ўйламай юра берарди. Бир обер-директор қандайдир унтер-директорга, Ливенга ёрдам бериш зарур, деб қўйганлиги туфайлигина уни ишдан бўшатмасдилар.

У Штеглицда автобусдан тушди-да, шошилиб бир неча жимжит кўчадан ўтди. Бу район ёқиб қолганидан у шу ердан бир хонани ижарага олганди. Бу улкан шаҳарда кўп қаватли жуда баланд бинолар ва фабрикалар билан бир қаторда хилватлиги жиҳатидан қишлоқ, провинция, порт, ҳатто денгиз ортидаги мамлакатларни эслатадиган кварталлар ҳам бор эди. Кўчага қараб турган уйдан бир хона ижарага олишга ҳозир Ливеннинг пули етмасди, шунинг учун ҳам у, ҳовли орқали флигелга қараб юрди. Бу ерда у бир хотишнинг уйдан бир хонани ижарага олмақчийди. Зинапоя ҳар қалай тоза-лаб артилган бўлиб, панжарасидаги мис қуббалар ялтिलाб турарди. Аслини олганда у шоҳона саройгами ёки орқа флигелга кириб келяптими, барибир эди. Лекин унинг бундай бефарқлигини бирор киши кузатиб, ундан жаҳли чиқадиган бўлса, бошқа гап эди. Штеглиц районининг орқасидаги ҳовлида, қола берса, умуман Берлинда яшовчи кишиларнинг Ливеннинг бирор нарсага бефарқ қараётганлиги билан нима ишлари бор, дейсиз.

У зинапояда ўйнаб турган болалар орасидан ўтиб борди. Гўё Ливеннинг яхшилаб таралган сочларида сир-

ли саргузаштларнинг аломати бордай, ёши каттароқ бўлган қизлар шу уйда ижарага турувчи бу номаълум кишини синчковлик билан орқасидан кузатиб қолдилар. Ливен эшикни очиши билан уй хўжайкаси уни ўрнидан туриб кутиб олди; калта оёқ, елкалари кенг, сочлари қирқилган бу аёл семиз йигитга ўхшаб кетарди.— Сизни жаноб фон Лютгенс сўраб келди,— деди аёл.— Уй хўжайкаси меҳмон келганлигини Ливенга айтиш учунгина ухламасдан ошхонада кутиб ўтирганди. Меҳмоннинг фамилиясини хўжайка жуда хурсанд бўлиб айтди.

Ливен уйда бир ўзим бўлмас эканман, деб хурсанд бўлди. Лекин пакана Лютгенс унга бу кеча шу диванда ётмоқчи эканлигини ва радифирмадаги ўрнидан бутунлай жудо бўлганлигини хабар қилгандан кейин Ливеннинг ҳафсаласи анча пир бўлди. Лекин у бир ошнаси билан бир иш тўғрисида гаплашиб қўйганди. Ошнасининг синглиси эмизикли болаларни гимнастика қилдириб пул топарди. Энди эса улар каттароқ — ўн икки ёшгача бўлган болаларга ҳам гимнастика курси очиш учун эълон беришга қарор қилгандилар; кейинчалик эса энг тиришқоқ болаларни катта спорт союзига юборишади. Ливен эса:— Эмизикли болаларни ҳам юборасизларми?— деб сўради.

Лютгенс:— Ҳазилингни қўйсанг-чи, мен жиддий гапиряпман,— деди. Биз жон билан тапа ўртасидаги мувофиқликни йўқотиб қўйганмиз. Қадимги халқлар бу нарсани биздан кўра яхшироқ билганлар. Улар қоҳинлари ва ҳукмдорларининг ўғиллари оддий одамларга қараганда бошқача тусда бўлсин учун улар бешикдалигидаёқ калла ва суякларини бошқа шаклга солганлар.

Ливен:— Шунақами?— деб қўйди.— У яна пичинг қилмоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тутди. Ливен бошқа ейдиган овқат бўлмаганидан столга қолган винони олиб қўйди. Ливеннинг ўзи «Адлон» меҳмонхонасида сэндвич<sup>1</sup>ларга дурустгина тўйиб олганди, шунинг учун у ҳозир бу кунги кечани ва у ерда бўлган меҳмонларни таърифлашга киришди. Лютгенс диққат билан қулоқ соларди. Бир оз ичгандан кейин унинг сергалиги тутиб кетарди; у Ливеннинг гапи тамом бўлишини кутиб, унинг китобларини титкилади, унинг қулоғига кириб қолган гапларни Ливен яна ариқда шарқираб оқаётган

сувдек, ҳикоя қилиб берарди. Энди Ливен унинг гапларига чидам билан қулоқ сола бошлади. У дўстларининг бекорчиликдан, бундай маъносиз ва зерикарли кунларда, уларни ўраб олган воқелик нечоғлик зерикарли ва хавф-хатарсиз бўлса, жанговарлик ва хавф-хатарларга шунчалик бой бўлган қандайдир бир ажиб дунёни ўйлашга ўрганиб қолганди. Лютгенс бўлажак черков давлатининг, худосиз черков давлатининг режасини чизиб берди. Худди қадимги черков давлатида, христиан универсал давлатида бошпанасиз кишилар бўлиб, динсизлар худонинг қарғишига учраганларидек, бўлажак худосиз универсал давлатда ҳам бу мешчанлар ҳам ўзларининг чиркин христианлик ҳаёти, эскириб авра-астари чиқиб кетган диний эътиқодлари билан худонинг қарғишига учраб йўқ бўлиб кетадилар.

Лютгенс ичиб бақирарди:— Бизга динсизлар учун дин зарур!

Ливен кулиб:— Совет Иттифоқими?— деди.

Лютгенс даргазаб бўлди:— Пролетариат диктатурасими? Яъни оч-яланғочлар диктатурасими? Негрлар, ёввойилар диктатурасими? Менинг мамлакатимда ҳокимият тепасида фақат бизга ўхшаш овоз ва довурак кишиларгина бўлади. Менга қулоқ сол! Мана бир худосизнинг ўнта панд-насиҳати: «Менга бут ясагандан кўра ўзингга ясаб ол», «Кишини ҳузур қилиб ўлдир», «Ботир ўғилларни кўпроқ дунёга келтириш учун иложи бори-ча кўпроқ бузуқилик қилгин». Фақат мана шу панд-насиҳатларга амал қилган кишигина иззат-ҳурматда бўлади. Ана шунда булар Веймар республикасининг мешчанлари эмас, балки, сеп ва менга ўхшаш кишилар, куч ва ирода кишилари бўладилар.

Ливен унинг гапларига шидомай қулоқ соларди; аввалига Лютгенснинг гаплари уни овунтирган бўлса ҳам, кейинчалик зериктирди. Бечора Лютгенс радифирмадаги муваффақиятсизликларидан жуда тўйган бўлса керак, шунинг учун ҳам унга радиоаппаратура сотиб юришдан роҳатланиб одам ўлдириш анча афзал туюлса керак.

— Вақти келганда ўша худосизлар республикасини барпо қилармиз,— деди Ливен,— ҳозир кел энди, ухлайлик.

Лютгенс яна анчагача сафсата сотди. Болаларга ўхшаб озғин бўлган Лютгенс хонада айланиб юарди. У

<sup>1</sup> Сэндвич — бутерброд.

чалқамчасига ётиб олгандан кейин панд-насихатдан тўхтади, кейин яна ирғиб ўрнидан туриб кетди.— Диванингда қандала борми?

Хонанинг полига ҳовлининг нариги томонидаги бир неча деразадан шўъла тушиб турарди. Ниҳоят, Лютгенс ухлаб қолди. Илгарилари Ливен довулдек ўқ ёғилиб турса ҳам ухлай берарди, ҳозир эса у кўзини очиб папирос чекиб ётарди. Уни кун бўйи қаёқларгадир зир югуртирган ҳаёт, ҳозир, кечаси унга, мана шу хонада жуда оғир бўлиб туюлди; бу ҳаёт анчадан бери қайғули бўлиб қолган, ҳеч қандай қизиғи ҳам йўқ. Ахир бу ҳаёт сени истаган томонга улоқтиришига йўл қўйиш керак эмас, қачон бўлмасин уни бир амаллаб қўлга олиш лозим. Кастрицнусникида ўтказган дамлари зерикарли эди, сэндрвич ва коктейллар ҳам, анави бўйи етган қиз ҳам, союз ва жамиятларида дўстона саломлашиб, эскирган костюм кийганлиги учун «Адлон»да унга бепарво қараган анави жаноблар ҳам жонига текканди. Қола берса Клемм ҳам илгариги Клемм эмас. Йўқ, бас етар энди!

Кимдан мадад сўраш, кимга суяниш мумкин? Ким билан бирлашса экан? Аслида у ёлғизликни ёқтирарди, лекин ҳозир ёлғиз яшаб бўлмас экан; ёки амакиваччаси Оттога ўхшаб ўз ер-мулкида ҳаёт кечирсинмикин. Лекин ҳозир ер ҳам ўзиники эмас-ку; Оттога ҳам ёрдам керак бўлиб қолди, шунинг учун у ҳам одамларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ҳатто Ливенни фақат очлик ўлиmidан сақлаётган анави жирканч ўринга жойлашиш ҳам қандайдир бир группа одамларнинг ёрдамисиз бўлмади. Кишини очликдан ўлдирмайдиган, жирканчтирмайдиган, хуноб қилмайдиган группани қаердан топса бўларкин? Анави эски партиялар ўзларининг эски шиорларини чайнаганлари-чайнаган, гарчи бу похол бўлса ҳам, уни чарчамасдан астойдил чайнамоқдалар. Коммунистлар-чи? У Россиядалик вақтида, қадимги дворянлар оиласидан бўлган бир неча киши бошқаларни ваҳимага солиб, Совет ҳокимияти хизматига ўрнашишди. Ўзининг эски дўстларини эсанкиратиш учунгина мана шундай йўлга қадам қўйса дуруст бўлармикин? У аниқ маслакка эга бўлган ҳар хил одамлардан, айнакча анавилардан нафратланарди. Улар кишининг охирги умидини ҳам пучга чиқарардилар; улар кишининг ўзигагина тегишли бўлган ягона нарсасини ҳам

тортиб олардилар, шундай бўлгач, улар Ливенни ҳам бошпанасиз ва оч-яланғоч қилиб қўядилар. Улар Ливенга тегишли бўлган ягона ифтихорни — унинг исминини, келиб чиқишини ва унинг куч-қувватини талашадилар. Хўш, нацистлар-чи? Улар ҳам, ростини айтганда савдойилардан, улар ҳадеб Версаль шартномаси ҳақида, ирқнинг моҳияти ҳақида дод-вой солишади, синфий кураш ҳақида биринчи бўлиб бақиривади. Кўрс ва тили ўткир ёш йигитлар, буларга нисбатан Ливеннинг ҳеч қандай қаршилиги йўқ, бирдан улар дунё яхудийларини бирлаштириш тўғрисида узундан-узоқ мулоҳазаларга бериладилар. Унинг барча бахтсизликларига сабаб бой берилган уруш эканлигини Ливен яхши билади. Лекин унинг яхудийлар билан нима иши бор. У шу чоққача яхудийлардан бирортасини танимайди, шунинг учун яхудийларнинг ҳаддан ташқари қудратли эканига шубҳа қилади. Лекин шунга қарамасдан у, агар нацистлар уни боқиб турсалар бу сафсаталарни эсидан чиқариб юбориши мумкин. Масалаи, агар у, нацистлар партиясининг махфий аъзоси бўлиб олса ёмон бўлмасди, бунинг эвазига нацистларга ҳар хил ахборотларни етказиб туришга ваъда берарди. Шундай бўлганда катта йиғинларга бормасди ҳам, ўзининг хайрихоҳлигини очик-ойдин гапирмасди ҳам.

Ҳар ҳолда, бундан буён бу кишиларга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак; ахир бунинг учун пул сўрамайдилар-ку. Улар ҳар бир одамни, у ҳақиқатан нимага арзиса шунга қараб, бу одамнинг ўзи ким бўлган — унинг зеҳни, қизиққонлиги, гидроки, исмига қараб баҳолайдилар. Кичик Лютгенс аллақачоноқ уларга аралашиб кетган. Бу нарса унинг бугунги бемаъни гапларидан маълум бўлди. Унинг бунақанги бемаъни гаплари Ливенга, ўзини катта одамлардек ҳис қилувчи, тутган жойидан кесадиган, бошвоқсиз ва бешафқат бола сифатида кўрсатишга уринишдек туюлди.

Ниҳоят, Лютгенснинг озғин бўйшига тушиб турган хира ёруғлик ҳам ўчди.

III

Венцлов шаҳар четидаги боғлар ичида кўринмай кетган уйда турувчи кишилар орасида энг камбағали эди. Бу уйда ҳар хил одамлар: врач, коммерсант оиласи,

юрист ва бир неча амалдорлар яшарди. Уларнинг барчасида ҳам кундалик тирикчилигини енгиллаштириб турадиган ҳар хил қўшимча даромадлари бор эди. Уларнинг бунақанги даромади Венцловнинг зўрға учма уч етиб турадиган арзимас маошидан ҳам кўпроқ эди. Ёш Венцловлар бир неча кишини ўз уйига меҳмонга чақирадиган бўлса, ёки ўртада пул тўплаб ташкил қилинадиган қандайдир бир ўтиришга борадиган бўлса, кейинчалик оила бир неча кунгача ту-ту-ту қилиб юрарди. Ҳунармандлар оиласидан чиққан бир деншчик ёш хонимга хонасини арзон мебель билан жиҳозлашга ёрдамлашди. Венцловнинг ёр-дўстлари уйнинг ҳам соз бўлибди, хотиннинг ҳам дурустгина, хушчақчақ уй бекаси бўлибди, деб мақтаб таърифлари учун жуда фахрланар эди. Унинг дўстлари Илъзани ҳанузгача баъзан кичкина Мальцан деб аташарди. Ёшларнинг биринчи марта ўпишиб турганларини ошхона деразасидан кўрган Амалия хола умид қилганидек, ҳақиқатан ҳам Мальцан Венцлов учун муносиб хотин бўлди.

Венцловнинг хотини бу уйда яшовчи жуда кўп болали хотинлар билан ҳамма вақт хушмуомалада бўларди; у бошқаларнинг уйига кирди-чиқди қилмас, ўз уйига эса фақат эри билан бирга ишлайдиган кишиларнинг хотинларинингина чақирарди. У ўз боласини боғда ўйнаб юрган ёки офтобда ўз аравачаларида ухлаётган болалардан бутунлай бошқача деб ўйларди. Вақти келиб унинг қизчаси бошқа эркакларга ўхшамайдиган алоҳида бир одамга эрга чиқади, шунингдек худди эрининг онаси, холаси ва ўзининг онаси анавиларга қараганда бутунлай бошқача хотин бўлганларидек қизчаси ҳам бўлакча ўғилларнинг онаси бўлади.

Мальцан хоним истеҳзосини яшириб қўни-қўшнилар ўз болаларига сотиб олиб берган ажойиб ўйинчоқлар ва уст-бошларга суқлашиб қарарди, лекин унинг бундай нарсаларни сотиб олишга пули йўқ эди. Эрининг ҳам, ўзининг ҳам ва коляскада ётган қизчасининг ҳам ўз исмларидан бўлак нарсалари йўқ эди, лекин исми ишлаб топиш мумкин эмас, исм бир неча аср давомида уларнинг ўзларигагина тааллуқли бўлган. Қадимги замонларда бир одам бу исми шон-шараф ва жасурлик билан қўлга киритган, шунинг учун ҳам бу исмда бўлган ҳар бир киши ёки бўлажак одам авлоднинг бу шон-шарафини сақлашга мажбур. Бу, дунёда энг қим-

матли бўлган нарса учун жонини ҳам қурбон қилишга ҳар дақиқада тайёр бўлиш демакдир бу энг қимматли нарса эса ватан эди. Агар бирор киши кичкина Мальцандан ватан деган нарса, нима деб сўраса, у, халқ деб жавоб беради, албатта. Унинг келишган, оппоққина танасида оқиб турган қон кимнингки танасидан оқар экан, у ҳам халқдир. У ҳам эрига ўхшаб бу халқнинг жони ва танидир. Гўё маккажўхори мендан нон ёпиш мумкин, деб даъво қилганда, буғдой нечоғлик нафратланадиган бўлса, у ҳам бегона одамлардан шунчалик нафратланарди, шубҳаланарди. Лекин ёш хоним унга бошқача фикрларни сингдирмоқчи бўлиб юрган одамларни сира учратмаган эди, чунки унинг болалик давридаги муҳит яхшилаб бошқалардан ажратилган эди.

Энди Венцлов ўзини бахтиёр ҳисобласа бўларди; у кўнглидагидай хотинини олди. Бу хотин ҳамма вақт ўзига ярашигини киярди, ҳеч қачон бажариб бўлмайдиган талаблар билан унинг гашига тегмасди, чарчаш нималигини билмай жопи-дилли билан боласи ва уйига қарарди. Венцловнинг бошлиқлар олдида ҳам, ўзига тобе бўлган одамлар олдида ҳам дурустгина обрўси бор эди; баҳс, жанжал ва келишмовчиликлардан ўзини узоқроқ олиб юрарди. Хизматда у ўз вазифасини қатъий ва бепуқсон бажарарди; бу вазифа қайси вақтда қанақа бўлишини у бўш вақтларида эски замонлардаги кўзга кўринган қўмондонлар ва офицерларнинг кундалигидан ўқиб билиб оларди. Бу тоифадаги кишилар қачонлардир улуғ жангларда унинг ватанига доврў келтирганлар. Хоинлар, разиллар кейинчалик ҳаммасини ер билан яқсон қилдилар.

Қиз туғилганлиги учун ҳафсаласи пир бўлган Венцлов ҳафалигини хотинига қараганда тезроқ эсидан чиқариб юборди. Баъзан у отасини ўйлаб азоб чеккани эътиборга олинмаса, у ўзини бахтиёр деб ҳисоблаши мумкин эди. Отаси жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлган; отаси, ўғли мағрурлик билан сақлаб юрган исми шон-шарафларга чулғаб кетган. Лекин урушдан илгари катта Венцлов эртароқ ҳарбий хизматдан бўшаб, уйда ўтириб қолган; шунинг учун ҳам уйни эсга олганда ўғил ҳам, қиз ҳам даҳшатга тушарди. Ўзининг ночор ишсизлиги ва инжиқликлари билан ота оиладаги турмушни чидаб бўлмайдиган ҳолга келтириб қўйганди. Ўғил ҳам худди отасига ўхшаб жуда эрта мансабга мин-



ганди, ҳанузгача унга бирин-кетин ҳарбий даража бериб келишади. Уни рейхсверда хизмат қилишга кўндирган Мальцан ҳақли бўлиб чиқди. Гарчи уларнинг корпуси жуда қисқартилган бўлса ҳам, лекин у бурч ва доврўқ тушунчаси мавжуд бўлганлиги учун илгаригига қараганда ҳам кўпроқ ишонч билан хизмат қиларди. Лекин ҳозир ном чиқариш учун шароит деярли йўқ эди. Қахрамонлик кўрсатиб ном чиқариш мумкин бўлган урушдан эса дарак йўқ эди. Гарчи Гинденбург президент бўлса ҳам, бутун системани остин-устун қилишга, ҳокимият тепасига муносиб одамларни таклиф этишга, у анча кексалик қиларди. Мана шунинг учун Германия Миллатлар иттифоқи билан овуна бошлади. Германия истаган давлат билан шартнома туза бошлади; пешқадам давлат бўлиш ўрнига тенг ҳуқуқли бўлишга ҳаракат қиларди. Бу эса унинг ҳарбий қувватини янада кўпроқ камайтиришга олиб келди, қайтадан тикланиш имкониятларини чеклаб қўйди; буларнинг барчаси Венцловга эртароқ ҳарбий хизматдан бўшашдан дарак берарди.

Бир вақтлар Венцловни ҳимоя қилиш учун астойдил бел боғлаган, Венцловнинг марҳум отаси ва қайноғасининг дўсти Шпрангер чол ҳам штаб ёки министрликдан бирор лавозимни унга олиб бериш уйдасидан чиқолмасди. Гарчи у ҳозир ҳаракатдаги армияда хизмат қилаётган бўлса ҳам худди отасининг мансабига ўхшаб унинг ҳам ҳарбий мансабининг ўз-ўзидан путури кетиши керак эди. Шундай бўладирган бўлса, наҳотки, у ҳам отасига ўхшаб эртадан кечгача мингиллаб юрса, оилага — хотини, қизчаси ва ҳали туғилмаган болалари учун кўриқчи бўлиб қолса? На шон-шараф ва на исм бундай булутли кунлар келишининг олдини ололмас эди. Тўғри, у ҳозир анча ёш, шунинг учун ҳам фақат мана шунақа ҳар замонда кечалари юраги сиқилиб кетгандагина сўниб бораётган ёшлигини кўз олдига келтирар эди. У гам-гуссаларини хотинидан ҳам, ҳатто ўзидан ҳам яширарди. Шунинг учун ҳам ҳар қандай, ҳис-туйғунинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига шубҳа билан қарайдиган Венцлов мана бу шармандали умидсизланишлар учун ўз-ўзидан гина қиларди. Ҳаётни идора қиладиган қонунларнинг тўғриликсизлигига шубҳа қилиш, қола берса бундан қўрқиш Венцловга қандайдир бир жинояткорона итоатсизликдек туюларди. Шунинг

учун у юрагини эзиб юрган қўрқувни босмоқчи бўлса ҳам, бу қўрқувни худди махфий иллатдек, ҳатто эски дўстларидан ҳам, янги дўсти Штахвицдан ҳам бекитарди. Штахвиц шу йили Венцловлар гарнизонига ўтказилган эди.

Штахвиц болалигида Шарнхорштрасседа Венцловларга қўшни бўлиб яшарди. Штахвиц ўзбошимча ва қўпол бўлишига қарамасдан, уни Амалия хола қандайдир номаълум сабабларга кўра бошқа болалардан афзал кўрарди; уларнинг оиласида Штахвицдан катта ўғил ва қиз болалар ҳам бор эди, болаларнинг онаси касалманд бўлиб қолиб, уларни эпложмай қолганди. Шунга ўхшаш номаълум сабабларга кўра анча ёввойилашиб кетган бу бола Амалия холанинг танбихлари ва панд-насиҳатларига қулоқ соларди.

Иккала бола кадет корпусига киришди. Штахвиц бўшаб қолган ўринга жойлашди. Кейин улар бошқа-бошқа фронтларда жанг қилишиб, бир-бирларидан ажралиб кетдилар. Кунлардан бир кун Венцлов кайзер-Амэронгенга қочганлиги маълум бўлгандан кейин дўсти Штахвиц ўзини ўзи ўлдирмоқчи бўлганлигида уни бир амаялаб ўлимдан қутқариб қолганликлари ҳақидаги хабарни эшитти. Ёшлигидаги ўртоғига кайзернинг қочгани ҳақидаги хабар шунчалик таъсир қилишини Венцлов ҳатто тасаввур ҳам қила олмасди. Лекин шунга қарамасдан, умидсизликка тушган вақтларида ҳаёл сурар экан, бу ҳодисалар унга энди ақл бовар қиладигандай бўлиб туюларди. Ахир Штахвицни шунча йилдан бери ўзини тутишга мажбур қилган нарса эндиликда барбод бўлганди.

Лекин шу вақт ичида у, янги давлатга ва бу давлат яратиб берган имкониятларга кўникиб қолган бўлса керак. Венцловга ўхшаб у ҳам, бу муросасозликни енгиллаштириб берган одамни топган бўлса керак. Ҳар ҳолда, у ҳам Венцлов охири марта хизмат қилган гарнизонда ҳарбий хизматини тугатди. Улар яна эски ошначиликларини бошлаб юбордилар. Кўп ўтмай Штахвиц Венцлов чақирмаса ҳам ўзидан-ўзи истаган вақтида келадиган бўлиб қолди. Лекин уни ҳеч қаерда Венцловни севганчалик севишмасди. Ҳозир илгари вақтдагиларга ўхшаб, у бирор жанжал, ишқий алоқалар, қазрлар, ортиқ даражада хизматга интилиш ёки бепарволик туйғули бирор фалокатга йўлиққандай бўлса, уни қутқа-

ришга тўғри келарди. У ярамас кайфиятларини сира сир сақлай олмасди; унинг ёнида Венцлов мулоим ва вазмин бўлиб кўринарди, ҳаётдан кўрқишини усталик билан яшира оларди.

Штахвиц нечоғлик эҳтиётсиз бўлмасин, ҳозирги вақтда ҳамма жойда кўтарилаётган ҳар қанақа жанжаллардан ўзини қатъиян четга тортиб юрарди. Рейхсвер маневрларига Гогенцоллерн хонадонидаги шаҳзодалар таклиф қилганидан кейин генерал фон Сект вазифасидан бўшатиладди. Кечқурун Штахвиц Венцловникида ўтириб:— Нима сабабдан сизлар Сектнинг орқасидан шунча кўз ёши тўкаётганликларингга тушунолмапман? Гарчи ҳуқуқ ҳозир ҳукумат ва министрлар ўйлаган жойда бўлмаса ҳам, уни вазифасидан бўшатишиб, тўғри қилишди. Шу шаҳзодаларни деб хавф-хатарга дучор бўлишнинг нима кераги бор? Урнини ўз ихтиёри билан дабдабасиз бўшатиб берган кишининг этагига осилиб олишнинг нима ҳожати бор? Биз бир вақтлар улар учун жонимизни қурбон қилишга ҳам тайёр эдик; бу нарсадан уларнинг ўзлари воз кечдилар,— деганида аллақачонлардан бери оғиздан оғизга ўтиб юрган баъзи овозлар беихтиёр Венцловнинг эсига тушди.

— Ихтиёрийми ёки йўқми,— деб жавоб берди Венцлов,— лекин ватанимиз уларнинг қўл остида қудратли давлатга айланди; авом халқ ҳеч қачон муҳаббат рамзини тушуниб етолмайди. Бу рамзларни ўзида гавдалантирган баъзи бир кишиларнинг фаолияти тугаган вақтда ҳам, биз рамзларимизни писанд қилмай қўйишларига йўл қўймаймиз.

— Биз янги ва яхшироқ рамзлар топиб оламиз,— деди Штахвиц.— Бу рамзларни ўзида гавдалантирадиган кишини ҳам топиб оламиз.

— Қачон? Қимми?

— Ҳозир ўзим ҳам билмайман,— деб давом этти Штахвиц.— Ўзим ҳам шунини қидиряпман, кутяпман. У бизга керак, шунинг учун у мавжуд!— Штахвиц дераза олдига келди. У гўё шох-бутоқлар ва сап-сарик япроқлар орасидан гапирган кишини ахтараётгандек, куз келиб, ҳар хил тусга кирган боғлардан ранг-баранг товвланиб турган атрофга назар ташлади.

«Ўзингда етишмаган нарса дўстларингга яхшироқ кўринади,— деб ўйларди Венцлов,— Штахвиц билан менинги ёшим баб-баравар; йиллар тез ўтяпти, ишдан бў-

шайдиган вақтимиз яқинлашяпти; у ҳамма нарсани остин-устун қиладиган ва турмушимизни яхшилаб берадиган воқеаларни кутяпти».

Штахвицнинг кайфияти шунчалик тез ўзгарардики, ҳатто у овқат вақтида яна ҳазил қилишга тайёр эди. У нондан ҳар хил кулгили нарсалар ясаб ўтирарди, бу эса доимо Амалия холанинг гашини келтирарди.

#### IV

Мария илгарилари жонини ҳовучлаб кўрқиб юрганларини зўра эсларди; ўша вақтларда унга, қандайдир бир ёвуз куч боласини туғишга халақит беришга интилаётгандек, кейин эса ҳар қалай бола туғилгач, ўша куч яна боланинг яшашини истамаётгандек бўлиб туюларди. Лекин бу ҳис-туйғу аллақачон ўзгариб кетди. Энди унинг кўнглида гўё ўглига ҳеч қанақа нарса зарар бера олмайдигандай бўлиб туюларди. У ўглининг уйга кийимларини йиртиб, қонга беланиб келишига ўрганиб қолди; бола ошхонага қараганда ҳовлини, уйдаги ўйинчоқларга нисбатан болалар билан мушшлашишликни афзал кўрарди. Бир куни болани кўчадан ҳушидан кетган ҳолда олиб келганларида ҳам Мария пинагини бузмади; болага шундай пичоқ урганларки, у кўзидан ажрашига сал қолганди; гўё ёвузлик ҳукми умрбод тамом бўлганини билгандек, Мария боласининг юзидаги қоници хотиржам ювди. Боланинг юзи чўзинчоқ эди, у ўз тенгқурларига қараганда камроқ йиғларди, камроқ куларди. Ганс гўё сакраш учун қулай пайтни пойлаб тургандек агрофидадаги одамларнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб юрарди. Мариянинг ўз боласидан ҳам кўпроқ ўғай болаларига қайғурганини кўрган Гешке ҳатто ҳайрон бўларди. Мария кўнглида, ўз боласидан илгарироқ анави болалар бирор фалокатга йўлиқишлари мумкин, чунки уларни балолардан асрайдиган паноҳи йўқ, деб ишонарди.

Бир куни кечки пайт Ганс уйга йиғлаб кириб келди. Унинг касал бўлиб қолганлиги маълум бўлгандан кейин ҳам Мария ташвишланмади. Гарчи боланинг танасига қизил холлар тошгани, танасининг ичида эса Мариянинг жонидан ҳам азиз бир нарса сақланаётганига қарамай, у ҳанузгача бу озгин танага бирор жиддий хавф

тахдид қилаётганига ишонгиси келмасди. Лекин Ганс ўгай акаларига ҳам скарлатинани юқтирганидан кейин Мариянинг хотиржамлиги бир оз йўқолди. Иннайкейин Гешке унга: «Сенинг боланг уйга юқумли касални келтирди, натижада мана энди ҳамма болалар касалланиб қолди»,— деганида Мария ўзини гуноҳкордай ҳис қилди. Гешке шу вақтгача ҳеч «сенинг боланг» демаган эди.

Биринчи бўлиб касалхонага Гансни олиб кетишди, онаси эса қафасга ўхшаш балкондан касалхона машинасини кузатиб турарди. Машина Мариянинг ватанидаги денгизга ўхшаш сирли ва жўшқин кўринган шаҳарга гувиллаганича кетди. Ниҳоят, тутунга чулганган анави тош уюмлари орасида боласи ғойиб бўлди. Мария йиғламади; лекин ҳозир юраги қаерда экалигини у жуда аниқ биларди; қовургалари орасидаги азоб бераётган оғриқ унинг қаерда эканлигини айтиб турарди.

У, шаҳарга тикилиб қараб турарди. Кун қиёмга келганди. Машиналар шовқин-сурон билан елдек учиб борарди. Одамлар маълум жойга, албатта ўз вақтида етиб бориш учун нечоғлик шошиладилар-а! Қаердадир, анави ҳайбатли тош уйлар ичида эса, баданига қип-қизил холлар тошган боласи ётарди. Мария бу чап-тўзонли, тошдан бино бўлган шаҳарда йўқолиб кетган боласининг эсон-омон тузалиб кетишини худодан илтижо қиларди; у ҳаётдан ҳамма жойда ҳозир у нозир бўлган ақл бовар қилмайдиган бир қудратли кучдан илтижо қиларди. Мариянинг баданига қизил холлар тошган боласи ҳам, юзи буришган эри ҳам, ҳар замонда назаридан бир лип этиб ўтиб кетувчи сеvimли кишиси ҳам. ўгай болалари ҳам, булутлар, тош йўллар ҳам ўша қудратли кучнинг бир бўлаги эди.

Эртасига тўнғич ўғил билан қиз касал бўлиб қолди, кейин аввалига соппа-соғ кўринган иккинчи бола ҳам оғриб қолди. Гешке қовоғини солганича ишга жўнарди. қовоғини солганича ҳувуллаб қолган уйга қайтиб келарди. Одатда у болаларга бефарқ қарарди. Лекин ҳар қалай болаларидан унча-мунча умид қилиб юрганлигини — эҳтимол, бу умид бир хилда ўтаётган ҳаётидаги ягона умидлар — энди, уйи ҳувуллаб қолгандан кейингига тушунди. Одатда у ўз болалари олдида фақат оталик бурчинигина ҳис қиларди, баъзида болалар уни бир оз овутирардилар. Лекин унинг шу ёш болаларидан бирор нарсага асосланмаган, унинг ўзига ҳам маъ-

лум бўлмаган умиди, шу ноаниқ умид Гешкенинг кундалик иши, моёнаси бўлмай, балки ҳаётида энг асосий нарса эканлиги маълум бўлди. Унинг бир хилда ўтаётган ҳаётида, то у бу дунёдан кўз юмгунча ҳамма нарса ҳал қилинган бўлсин, лекин анави болалар Гешкени қандайдир номаълум нарса билан боғлаб турардилар. Бу номаълум, ноаниқ нарса умид эди ва бу ноаниқлик умидини чексиз қилиб кўрсатарди. Лекин ҳозир ошхона ҳувиллаб қолган, овқатда ҳам маза-матра йўқ. Стол атрофида ҳам ҳеч ким кўринмайди. Ишдан кейин Гешке одатда касалхонага борарди. У бир ҳафтадан кейин қизи билан бир ўғлини уйга олиб келди, тўнғич ўғли билан кичкинтойини касалхонада қолдиришга тўғри келди.

Бир кун кечқурун Гешке икки жуфт пайпоқни олиб бориш учун ишдан шошилиб уйига келди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай болалари совқотишарди. Хотини болаларнинг оёғини иситиш учун йиртилиб кетган жун рўмол ипларидан пайпоқ тўқиб қўйганди. Мария Гешкени қоронғи ошхонада кутиб ўтирарди. У, зинапоядан эрининг чиқиб келаётган оёқ товушларини таниди. Эрининг шошилмай вазмин қадам ташлашидан қандайдир бир гап бор эди, шунинг учун ҳам Мариянинг юраги шув этиб кетди. Гешке уйга кириб келди-ю ҳеч нарса демади; Мария қоронғиликда унинг юзини дурустроқ кўролмади. Лекин бу одамнинг уйга кириб келиши шундай совуқ эдики, гўё уй музлаб, Мариянинг жағи қотиб қолгандай туюлди, у ҳатто тили билан лабларини ҳўллаб ҳам ололмади. У бўғиқ овозда сўради:— Хўш, қалай?— Шуида ҳам Гешке ҳеч нима демади; у кеч қолган пайтларда қилганидек, плитадаги кастрюлкаши деразага олиб қўйди ва шўрвадан бир неча қошиқ ичди. Мария қўлларини тиззасига қўйиб ўтирарди. Унинг юраги урар — юрак бир урганда «ундан сўра» деб буюрар, яна бир урганда эса: «Сўрама» дер эди. Ошхонага чиरोқ нури тушиб турарди. Чиरोқ нури тушиб турган жойнинг бир томонида Гешке, нариги томонида хотини ўтирарди. Мария шу қоронғилик ичида эридан аҳволни сўрашга ботина олмасди. Пивохонада граммофон ўйнардди. Гешке қошиқни жаҳл билан иргитиб:— У ўлди,— деди.

Мария кўрққанидан овози хириллаб сўради:— Қайсиниси?

Гешке унга ўқрайиб қаради; «меники» дейишига сал қолди. Гарчи у изтироб чекиб, ҳеч нарса тўғрисида ўйламаётган бўлса ҳам, «меники» деган сўзни беихтиёр ичига ютди. Худди Мариянинг бўздек оқариб кетган юзини Гешке кўролмаганидек, Мария ҳам унинг кўзларини кўрмасди. Гешке:— Катгаси,— деди. Мария ҳўнграб йиғлаб юборди. Дераза ёнида турган Гешке бир дақиқа унга назар ташлаб кейин:— Кичик ўғилнинг аҳволи яхши, яқинда уйга жавоб беришадн,— деб қўшиб қўйди. Мария эса ҳамон йиғлар эди. Ниҳоят, у гапира бошлади:— Тўнғич ўғлимизга ўхшаган бола дунёда кам бўлади. Эсингдами, Лена косани синдириб қўйганда, сен унга танбиҳ бериб, уйга кириб ётишини буюргандинг? Ушанда тўнғичимиз Ленага ўзининг бир бўлак колбасасини элтиб берган, эсингдами?

— Ҳа, ҳа,— деб жавоб берди Гешке. Ҳамма нарса унинг эсига тушди. Тўнғич ўғил ҳақиқатда ҳам яхши бола бўлганлиги ҳақидаги ишончларини тасдиқловчи барча тафсилотлар, арзимас ва аҳамиятсиз икир-чикирлар ҳам унинг эсига тушди; ахир Гешке фақат ўзини ўйламагандир; балки тўнғич ўғли туфайли у бундай мушкул аҳволдан қутулишнинг бирор чорасини топган бўларди. Лекин энди ўғли ўлган, унинг Гешке ҳаётига таъсир кўрсатиши эҳтимоли ҳам ўзи билан бирга тамом бўлган. Гешке тирсаги билан дераза чеккасига суяниб, бошини ушлади, ошхонага ҳамон ўша хира чироқ нурн тушиб турарди, граммофон ҳам кимшидир гашига тегмоқчи бўлгандай ўйнади.

Гешке хотинининг йиғисини эшитиб турарди, хотини эса сира ўзини йиғидан тўхтата олмасди. Бир оздан кейин Мария Гешкенинг олдига келди: у қўлини эрининг бошига қўйди ва қўли остидаги сочнинг иссиқ, қандайдир қаттиқлигини сизди. Мария ўзини тутиб олди, кўз ёшлари тинди. У яхшимн, ёмонми ҳар қалай ўзи ўрғаниб қолган бу бегона турмушнинг аччиқ-чучуғини тотиб кўрди. Мария ердаги қошиқни олди; у, озгина бўлса ҳам иссиқ овқат егин, деб Гешкени алдай бошлади, лекин эри бошини қимирлатиб, йўқ деганидан кейин ўтирган стулини деразанинг ёнига сурди. Гешке унинг дўнг, ялтироқ пешонасига қаради-да, бир оз тинчланди. Улар шу қоронғиликда яна бирипас жимгина ёнма-ён ўтиришди.

Турмуш эса яна ўз йўли билан кетаверди, бу турмуш

аввалига, гўё ўз умидларининг биридан маҳрум бўлиб, илгариги суръати билан кетишга ботина олмагандек аста-секин ўтаверди. Кейинчалик эса бир оз хароблашиб, бир умидидан ажралиб қолган бу турмуш яна одатдаги турмушга айланиб кетди. Ганс яна бир неча вақт кўчага чиқа олмади, лекин аввалгидек атрофидаги одамларнинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатарди. У сакрашга ҳали тайёр эмас эди: унинг кўзларида ҳали ёрқин учқунлар чақнамас эди. У чарчаган шербачага ўхшарди. У мактаб ёшига етиб қолганди, шунинг учун мактабни ўйласа юраги бир оз эзилиб кетарди-да, ўзидан катта болаларнинг ҳикоясига қулоқ соларди; Мария ҳам ундан чўчир эди. Ганс ташқи ҳаётни, уйдаги ишлардангина биларди: бу эса, ҳамма нарсадан аввал отасининг ҳаётидан иборат эди. Отаси ҳар замонда унинг қўнғир сочларини титкилаб қўярди, маош олганидан кейин узоқ вақт онаси билан ниманидир ҳисоблашиб ўтирарди, димо ишсиз қолишдан қўрқар эди; бундан ташқари отаси пастдаги уйда яшовчи Трибель билан айтишиб қоларди, онаси тоқчадаги туваклар ёнидаги пул ташлайдиган кичкина қутичага пул солиб қўярди; ҳар ҳафта қандайдир бир одам, баъзида эса пивохона хўжайинининг ўғли — Лоренц келиб турарди. Трибель уйларига кириши биланоқ, бола дарров мунозара бошланшини биларди. Трибель вақтинча ишлаб турган жойидан икки марта маҳрум бўлганди. Гешке кулиб, каттароқ уй олмайсанми, деб ундан сўрарди.

— Нимага энди?

— Ҳар сафар русларнинг президенти янги бўлганда уларнинг янги портретларни илиб қўйишга каттароқ жой бўлиши учун-да.— Бунга жавобан Трибель:-- Сталин президент эмас; у партиянинг бош секретари; у бундан кейин ҳам узоқ вақтгача секретарь бўлиб туради. То у бу ишдан тушгунча, менга ўхшаганларнинг кўпи дунёга келиб кетади.

— Агар сизлар шу тариқа давом эттира берсаларинг, балки шундай бўлар.

— Нимани шу тариқа давом эттира берсак?— деб қайта сўради Трибель.— Шундан кейин яна шовқин бошланди. Ганс чучук мия карамелини сўриб ўтираркан, гапга қулоқ соларди. Улар қора, қизил, заррин<sup>1</sup> ранг

<sup>1</sup> Веймар республикаси байроғининг ранглари.

ҳақида гапирганларида у қандайдир ола-була нарсани, қизил фронтовикларнинг Союзи ҳақида гапирганларида эса, нимадир ёрқин нарсани, шунинг билан бирга тамаки исқаётган отасини, ҳаяжондан қўлларини силкитаётган Трибелни, ҳамиша ҳозир нозир онасини тасаввур қиларди. Мария ҳеч қачон ҳеч нарсага аралашмасди; Тешкенинг маоши етмай қолган вақтларда Эмилия холадан уйга иш оларди. Шундай вақтларда уйга гўшт келарди; эрининг измидан чиқмайдиган Мария бир азобда орттирган чақасни қутичага ташларди, бу қутичани эса кейинчалик бир одам бўшатиб кетарди, шу одамни Трибель койирди. Лекин онаси Трибелнинг хотини билан иноқ эди. Бир куни Трибелнинг хотини Гансга олма берганда, Мария:— Мана энди касалдан тузалиб кетасан,— деди.

Ганс тузалганидан кейин, Мария уни мактабга элтиб берди. Илгари укаларини мактабга олиб бориб кўювчи Елена энди уйларида икки маҳалла наридаги қизлар мактабига бора бошлаганди. Франц эса ўртоқлари билан чопқиллашиб кетди. Ганс касал бўлиб, ўлишига бир баҳа қолганда онаси ўглининг умри узоқлигидан шубҳаланиб қолганди. Гўё Ганс ҳар бир автобуснинг филдираги тагида қолиб кетаётгандек Мария унинг қўлидан ушлаб юрган вақтларида у уялиб кетарди. Ганс ўлган акасидан қолган кийимларни кийганда жуда аянчли кўринарди! Гарчи кийим қайтадан тикланган бўлса ҳам, лекин ҳар қалай анча кенг эди. Эрталабки қуёшда унинг юзи жуда узунчоқ, бўздек оппоқ кўринарди! Она-бола кетиб бораркан, бугун ҳолимиз не кечаркин, деб нимадан қўрқаётганларини ўзлари ҳам билмай юраклари сиқиларди. Ҳолдан тойган одамлар ишга ўз вақтида етиб бориш учун шошилардилар. Эрталабки офтоб нурлари магазинларнинг витриналарига тушиб олмалар, карамларни, қанорага илинган мол гўштарини ёритиб турарди. Мактаб яқинлашган сари болалар оломондан кўпроқ ажраб қоларди. Баланд дарвозалар олдида болаларнинг ўзлари қолдилар, катталар худди бугдой тўпонидан ажрагандай секин-аста улардан ажралиб кетардилар.

Аввалига онаси кузатиб қўяётганлиги учун Ганснинг жаҳли чиққан бўлса ҳам, ҳозир помаълум жойда гангираб қолиб, онаси елкасига қўлини қўйиб турганини сезиб хурсанд бўлди. Ҳақиқат учун жуда новча, ориқ киши

эди. У кўп жойидан букилган пояга ўхшарди. Ҳақиқат учун фронтда оғир ярадор бўлган ва шу ярадорлик оқибатида ҳанузгача азоб чекиб келарди. У қаттиқ гапиролмас ва дарс вақтида тез-тез синфдан чиқиб турар эди; ўқитувчи бетоблиги бошлиқларнинг қўлоғига етиб қолмаслиги учун жуда тиришарди. Мария кўрқа-писа унинг кўзига қаради, ўқитувчининг кўзлари қоп-қора, маънос эди; унинг тақдирга тан берганлиги сезилиб турарди. У Мария билан дераза токчаси олдида борди. Мария энди унчалик чиройли эмасди: дўнг пешонаси ва сочлари ҳали ҳам бир оз ялтираб турарди, юзига қалин киприкларининг сояси тушиб турарди. Илгариги кўркамлиқдан бори-йўғи мана шу қолган эди. Лекин ўқитувчи Хальштейнга у жуда кўркам кўринди. У марҳум Эрвинга ҳам «Якорь» пивохоносида ана шундай гўзал кўринганди. Уша вақтда Эрвин бошпана ахтариб юриб, ҳар қандай бошпанадан ҳам муҳимроқ нарсани топганди. Топганда ҳам бир умрга топганди, лекин шу воқеадан кейин кўп ўтмай унинг умри хазон бўлганди.

Мария ўқитувчи Хальштейнга ёш жувон бўлгани учун эмас, балки ўқувчилардан бирининг онаси бўлганлиги туфайли чиройли кўринганди. Уларнинг икковини ягона истак — Ганс алифбени билиб олсин деган истак бир-бирларига боғлаганди; ўқитувчи учун алифбе хотини ва онаси гаплашадиган тилининг, Лютернинг, Гёте Фауисти тилининг, севган ёзувчилари Гейне ва Клест тилининг, Лиленкроннинг ичида яхши кўрадиган асари «Поггфред» тилининг, Томас Манн, яқин вақтлардан бери эса ичида яхши кўрадиган Маркс ва Энгельс тилининг негизи эди. Ҳақиқат учун:

— Сиз менга ўглингизни олиб келингизми? Жонингиздан ҳам азиз кишингизни олиб келибсиз-да,— деди.— Мария, ўқитувчи гўё сирини билганлигидан ҳайрон бўлгандай бош ирғади. Ҳақиқат учун яна гапирди:— Менга ҳам у жуда яхши, чунки у менинг ўқувчим.

Энди Мария уйга эрта қайтадиган бўлиб қолди. Ганс алифбени ўқирди; у ошхона деразаси ёнига бориб ўтирар ва қунт билан ўқир эди, чунки унга ўқитувчиси ёқарди. Ганс дарсни яхши тайёрлаб келган кунлари ўқитувчиси унга автоматдан чиққан расмни мукофотга берарди. Ака-укалар, кимнинг ўқитувчиси яхшироқ деб тез-тез баҳслашиб қолишарди. Мария, тўнғич ўғил Франц Гансга нисбатан ўз ўқитувчисида яхшироқ ўқи-

ётганига ичида ўқиниб юрарди. Лекин Гешкенинг болаларининг ўқитувчиларини бир-бирига таққослашга на вақти ва хоҳиши бор эди. Франц улғайиб қолганди, шунинг учун унинг мактабдаги ишлари ота-онасини қизиқтирмай қўйганди.

Ҳаммалари бирга ошхонада ўтирган вақтларида баъзан Мария ўз-ўзидан: «Наҳотки у тўнғич ўғилнинг ўлганига кўникиб кетган бўлса?»— деб сўрарди. Гешке эса ўзича ўйларди: «Ҳар қалай ўз боласи бўлмаганлиги учун у тўнғич ўғлимизни эсидан чиқариб юборди». Гешке яна бошқа ишга кирди. У эндиги ишида кўпроқ ишлаб қоладигандай эди. Уларнинг маҳалласидаги кўпчилик одамлар ўзига иш топди.— Тўйиб овқат ейиш, энг зарур бўлган майда-чўйда нарсаларни — кўйлак, чўткани сотиб олиш имконияти тирикчиликни осонлаштирарди. Кишининг ҳозир миллионларни эмас, балки энг оддий маркаларни ишлаб топиши катта бахт эди. Бу қоғоз пуллар ҳақиқатга тўғри келмайдиган суммалардан кундан-кун ўз қимматини йўқотиб борарди. Бир бўлак гўшт котлетга, котлет эса шўрвабоп суякка айланиб борарди. Лекин ҳозир, гарчи иш ҳақи бир бўлак гўшт сотиб олишга етмаса ҳам, унинг қандайдир бир ёқимли жойи бор эди — мойнани олдиндан у-бу сотиб олишга ажратиб қўйиш мумкин эди. Қўшни хотинлар ҳали у кам, ҳали бу кам, деб вайсашарди, эркаклар итнинг кунига ўхшаган турмушни лаънатлар эдилар; Мария эса, бунақа маош билан тирикчилик қилиб бўлмайдими, дейдиган хотинларга қараб:— Маошни тўғри тақсимлаш керак,— деб жавоб берарди.

Бунақанги тақсимга у ёшлигидан, ўзларининг оиласида ўрганиб қолган. Марияларнинг оиласи бундан ҳам қашшоқроқ ҳаёт кечирарди. Гарчи у жуда раҳмдил, агар бирон киши касал бўлиб қолгундай бўлса ёки бирон нарса қарз олинадиган бўлса, у ҳамма вақт ҳеч нарсани аямаслигига қарамасдан, уйдагилар Мариани қўли қаттиқроқ деб юришади. У ҳар қанақа доғни юшиб кетказиш, бирон бир йиртиқни яхшилаб ямаш билан овора бўлиб, оғир кунларнинг қандай ўтганини билмай қоларди; Гешке машаққатли ишдан кейин ўз кулбасига қайтишга юраги тўкилиб турарди. У Марианинг, аслини олганда, уникига кўчадан келганини ҳам эсидан чиқариб юборганди. Уша вақтда Марианинг жудаям ёшлиги ва ҳаддан ташқари ҳусни Гешкени қаттиқ ҳаяжон-

га солганди; энди у ортиқ ташвиш қилмасди: Мария бошқа хотинларга ўхшаб қолганди. Мария ҳеч қачон ўз боласи билан ўғай болаларини бир-биридан фарқ қилмасди. У ўғайлигимни сездириб қўяманми деб қўрқиб, азоб чекарди. Одамларнинг гап-сўзи, қадимги эртақларга қараганда ўғайлик ёмон экан. У ўз ташвишлари ва ғам-ғуссалари билан Гешкега шунчалик боғланиб қолган эдики, ҳатто илгариги ҳаётини ўйлашга вақти ҳам йўқ эди. Ҳар бир кишининг, дер эди у ўз-ўзига, сира очилмайдиган ёки очилганда ҳам жуда кам очиладиган қалб жароҳати бор. Бундай қалб жароҳатлари деярли ҳар бир кишида бўлганидек, унинг ўзида ҳам, Гешкеда ҳам бор. Ундаги қалб жароҳати — биринчи марта севган кишиси бўлса, Гешкеники эса, биринчи хотини билан севган ўғлининг вафоти.

Агар тишингни тишинга қўйиб, бошга тушганига тоқат қила берсанг, охири ёмон кунлар ҳам ўтиб кетади, дер эди Гешке кўнглида. Гешкенинг назарида на фақат унинг рўзғорида, ҳатто бутун бир давлатда ҳам узоқ жанжал-тўполондан кейин ҳамма нарса жой-жойига тушаётгандек туюларди. Шунинг учун ҳам, давлат ёрдам бериш ўрнига бир умр фақат танқид қилувчи анави бақироқларнинг оғзига ураётган экан, тўғри иш қилипти. Масалан, Гешкенинг ўзини олинг, ҳозир унинг доимий иш жойи бор. Ростини айтганда, иш ҳақи ҳозиргидан кўпроқ бўлиши мумкин эди. Лекин йўқ нарсадан бор қиладиган унинг хотини оз нарсадан ҳам кўпгина нарса ҳозирларди. Гарчи Трибелнинг хотини ақлли бўлишига қарамасдан, бундай ишлар унинг қўлидан келмаса керак. Бир кун Гешке Трибель билан ишда учрашиб қолди. Агар уйдагина таниш бўлган кишингни бехосдан бошқа шароитда учратиб қолсанг, ҳамма вақт кишида ажиб бир ҳис пайдо бўлади. Гешке янги Рейникендорф посёлкаси учун қурилиш материаллари олиб кетаётган эди. Бу посёлкага Фридрих Эберт номини беришмоқчи эди. Гешке чорпоёда ўтириб: «Анави пастдаги йигит Трибелга жудаям ўхшаб кетади-я!» деб ўйларди. Десятник тушги овқатга ҳуштак чалди. Гешке унинг қилиқларини биларди. Бу қилиқлар унга ёққанидан эмас, балки шунақа бўлгани учун ўрганиб қолганди. Модомики бу десятник уларга бошлиқ бўлиб келган экан, демек унинг феъл-атвори ҳам, сўгали ҳам ўзи билан келган-да. Одатда десятник жойига бемалол ўтириб

оларди-да, бутербродини чайнайверарди. Унинг жағи шунчалик кенг эдики, у бутерброд билан бирга жағига ҳуштагини ҳам тиқиб юборарди. Кишилар ҳуштакдан сўнг ўзларининг иш жойларига чопиб кетганларидан кейин ҳам, у бутербродини бамайлихотир чайнаб ўтираверарди. Гешке эса аллақачон юкини туширган ва ишчилар унинг олиб келган материалларини нарироққа ташиб кетган эдилар. У ичида: «Трибель нега ўтириб-дийкин?» деб ўйлади. Трибель эса — бу унга жуда ҳам ўхшарди — десятник кавшанаётгани учун хотиржам овқатини еб ўтирарди. Шу вақт десятник жаҳли чиқиб Трибельга ташланди. Трибель ҳам бўш келмади; десятникнинг қўлидаги булкани уриб, тортиб олди. Кейин тарсаки тушди, белкурак билан урди, шундан кейин муштлаш бошланиб кетди. Муштлашишдан кейин Трибелни ишдан ҳайдашди. Трибель шундай қилиши мумкин эди, чунки унинг бола-чақаси йўқ. Хотини эса шунчалик кўнгилчанки, эри яна ишдан ҳайдалгандан кейин елкасини қисиб қўя қолди. Кечқурун Мария Гешкедан бу ҳақда сўраганда у воқеанинг барча тафсилотларига тўхтаб ўтирмади.

— Ҳуштагини қайтиб тополмади,— деди қовоғини солиб Трибель — мен уни қумга кўмиб юборгандим. Эртага энди у янги ҳуштагини чалади. Сизлар бўлса тупроқ қазиб ортаверинглар.

— Ҳўш, нима ҳам қила олардик?— деди Гешке. Ишламасак сенга ўхшаб биз ҳам ишдан ҳайдалардик. Ҳуштагини чалган эди.

— Ҳа, ҳуштагини чалгани учун бошлаб адабини еди. Мен у муттаҳамни белкурак билан қонга белангунча солдим, лекин у ҳам бўш келмади. Сизлар эса ҳуштак чалди, деб ер кавлайвердинглар. Ишқилиб, сизлар менга ўхшаб, ишдан ҳайдалмасанглар бўлгани. Лекин кўзингни оч, сизларни ногорасига бундан ҳам кўпроқ ўйнатади. Сизлар унинг ногорасига ўйнай берасизлар, чунки ишдан ҳайдалишдан ўлардай қўрқасизлар.

— Сен кўп кеккаверма, бизнинг бола-чақамиз бор, сенда йўқ. Қола берса, энди иш топишинг ҳам анча қийин.— Ганс эса ўзича: бу ишларнинг ҳаммаси биз туфайли, биз болалар туфайли: бировлар юкни нарироққа элтишга ҳаракат қиладилар, бошқа бировлар қонга белангунча калтак ейдилар, деб ўйлар эди. Мария:— Нима сен, Трибелни дарров таниб олдингми?— деб сўради.

— Бўлмаса-чи, мен юқорида ўтиргандим-да, шунинг учун:— «Бу Трибелга ўхшайди-ку» деб дарров ўйладим.

Мария қандайдир ноқулайлик сизди, сабабига ўзи ҳам тушунолмади. Лекин бу ноқулайликни ифода қилишга муносиб сўз, уни ўйлаб топишга эса лойиқ фикр тополмади. Эртасига эрталаб, Мария Трибелнинг хотинини зинапояда учратиб, ундан:— Наҳотки эрингиз яна ишсиз қолса-ю сиз хафа бўлмасангиз?— деб сўради.

Трибелнинг хотини хотиржам жавоб берди:— Нега энди хафа бўлай? Е буларнинг барчасига тоқат қилиш керак ёки ҳеч нарса қилиш керак эмас; уларнинг ногорасига ўйнамаслик учун бутун турмуш ўзгариб кетиши керак,— Мария бирпас индамай ўтирар ва айни вақтда уй ишларига кўмаклашар эди. Уғил болалар ўғил болалигини қилишарди — улар марҳум тўнғич ўғилга ўхшамас эдилар. Улар арзимаган нарсага ҳам ёқалашиб кетишарди, шундай вақтларда Мария чигал ипни қанчалик чаққонлик билан ечиб, жанжални усталик билан босиб қўйса, уларни ҳам эпчиллик билан ажратиб қўярди. У Францнинг қўлига ўқитувчиси совға қилган картондаги суратларни қирқиш учун ўз қайчисини берди. Кичик ўғил елимланган қоғоз парчаларидан кема ясаётганини кўриб, бу ишга ҳаваси келди. Қоғоз парчаларидан ясалган кемани қуритиш учун уни кечаси чиरोқнинг тагига илиб қўйишади. Ҳатто Франц картондан ясалган кемани бирорта бола қўлидан олиб олмаслиги учун эртасига онаси уни мактабга кузатиб қўйишга ҳам кўнди. Чунки кемани ўқитувчи синфга осиб қўймоқчи бўлганди.

Бир неча ой ўтгандан кейин, Гешке билан Трибель ўртасидаги навбатдаги жанжал Марияга, болаларининг қайчи билан қоғоз учун бўлган жанжалини эслатди. Гешке Трибель зўрлаб тиқиштирган варақаларни олиб кетишдан бош тортди. Бундан илгари Гешке яна қандайдир плебисцит ўйлаб чиқарган (бу сафар крейсер қурилишига қарши) коммунистлар устидан кулган эди. Агар сен, Гешке, урушга қарши бўлсанг, нега энди крейсер қурилишига қарши чиқмайсан?— деди Трибель. Агар сенинг маслакдошларинг, ўзингнинг гапингга кўра, урушга қарши бўлса, нега энди улар бунақанги крейсерлар қуришга қарши овоз бермаяптилар?

— Кураш учун бунақанги бемаъни овоз тўплашлардан бошқа дурустроқ усуллар ҳам бор.— деб норозилик

билдирди Гешке.— Бир вақтлар князларнинг ер-мулкларини мусодара қилишни овозга қўйганлар; кейинчалик эса қандайдир қастдан бузганлари туфайли барибир ҳеч қандай натижа чиқмади. Фойдаси тегмайдиغان бунақанги беҳуда ишлар одамларнинг жонига теккан.

Ҳа, нега бунақа ишлардан бирор фойда чиқмаяпти? Гешке ҳадеб партиявий бонзаларига ҳайбаракал-лачилик қила бергунча, буни яхшилаб ўйлаб кўрсин.

Гешке эса унга сен ўзингникиларга мендан кўра ҳам астойдилроқ ҳайбаракаллачилик қилипсан, бу эса кишини чарчатиб қўяди, чунки улар ҳар икки-уч ойда алмашилиб турадилар, деб бамайлихотир жавоб берди.

— Ҳа, албатта, алмашилиб турадилар, лекин курашнинг мақсади ўзгармайди.

Улар икковлари, ҳар сафаргидек, маълум сўзларни қайтариб баҳслашардилар, бу сўзлар ҳақиқатга яқин келишдан кўра, кўпроқ мавҳум жаранглар ва уларга аҳамиятли томонидан кўра кўпроқ фалсафий маънога эга бўлиб кетар эди. Лекин уларнинг иккови ҳам бу сўзларнинг асл маъносига тушунмасдан уларни тўғридан-тўғри газеталардан ва нотикларнинг нутқларидан олиб гапираверардилар.

Бирдан «крейсер» сўзини қаердадир кўрганлиги Мариянинг эсига тушди ва у бу сўзни газеталарда эмас, чунки у деярли газета ўқимас эди, балки Францнинг мактабдан олиб келган картон варағида кўрганди. Франц қайчи билан ошхона столида картондан расмлар қирққан эди. Гешке ичида: «Ўқитувчи нима қилишини билади», деб ўйлади. У, албатта, ўша вақтдаёқ болалар нима учун худди шу расмни қирқиши керак эканлигини тушунган. Эҳтимол, бу расм ҳанузгача синфда осиглиқ тургандир, кейинчалик расмдаги нарса пўлатдан ясалади, болалар унинг устига чиқар ҳам. Ана шунда болалар гап нимада эканлигини англаб етадилар.

## V

Гарчи Вильгельм Надлер зеҳни жуда ўткир, бошқа одамларни тушуниб етишга унчалик қодир бўлмаса ҳам, ҳар қалай Цизенни яқинроқдан танигандан кейин, хотинига Цизеннинг қарашларини ва кайфиятларини, қолаберса афт-ангорини шунчалик батафсил тушунтира бошладикки, бундай моҳирлик билан тасвирлашни ҳар қа-

нақа рассом ҳам ҳавас қилса арзийди. Улар уйланиш-ганларидан бери эрининг бирорта киши тўғрисида шунчалик эҳтиром билан гапирганлигини Лиза фақат бир марта — эри капитан Дегенхардт ҳақида гапирганида эшитганди. Уруш тамом бўлгандан кейин Вильгельм Дегенхардт билан бирга, каппчилар фитнасигача мавжуд бўлиб, фитна бостирилганидан кейин тарқатилиб юборилган бригадага ўтган эди. Майли эри юрагида борини тўкиб сола берсин, бу нарса Лизанинг келажагидаги режаларига ҳам, унинг хўжалигига ҳам ҳеч қанақа зарар етказмайди. Фон Цизен бу ердан узоқ жойда, кўлнинг нариги қирғоғида, мерос қолган кичкинагина имениесида яшарди. У бу имениеси билан фахрланар, банкада пули борлиги туфайли, гарчи ундан келадиган даромадга муҳтож бўлмаса ҳам, имениесида сидқидил билан қарарди. Агар Надлер қадим замонларда, Цизеннинг ота-болалари даврида, имениеда ишлаган бўлганда эди, у чор-ночор диний урушлар вақтида жорий қилинган қоюдага бўйсунган бўларди: гарчи янги инжил динига руҳсат этилган бўлса ҳам, деҳқонлар ўз хўжайинлари ишонган динга эътиқод қилишлари керак эди.

Вильгельм баъзида барон фон Цизенга азоб берган шубҳалар ва иккиланишларни кўнглига ҳам келтирмасди. Барон бу шубҳа ва иккиланишлар туфайли бир куни пасторнинг уйига ҳам келди. Бароннинг сайлов ва байрам кунларида сўзлаган нутқларида ифода этилган бу шубҳа ва иккиланишлар Надлерга жуда ҳам ёқар эди. Вильгельмнинг ўзи умрида бирон кўзга кўринарли иш қилмаган эди, шунинг учун ҳам унга бирорта раҳнамолик қилувчи одам керак эди. Надлер, ўзини энг юқори табақали шахснинг ўринбосари ролида ҳис қилиш билан кифояланадиган одамлар хилидан эди. Бунақанги одамлар, гарчи ҳеч қачон ўшандай шахсларга бараварлаша олмаса ҳам, уларнинг буйруғига итоат қиладилар. Шунинг билан бирга уларнинг яна бир афзалликлари шундаки, улар, шунга ўхшаш қарорларга олиб келадиган ҳар турли «сайлайман» ё «қаршиман» деган мулоҳазаларга бориб ўтирмайдилар.

Надлер, кўлнинг нариги томонидаги меҳмонхонада ўтказиладиган «Иттифоқ» аъзоларининг мажлисига қатнашиш учун Цизеннинг имзоси билан юборилган таклифномани олгандан кейин, ҳар қачонгидек ўзини бахтли сезди; лекин, Цизеннинг ўзи бу мажлисга келмади.



Лиза кун бўйи хурсанд эди: у эрини ҳеч бўлмаса бир неча соатга бирор узоқроқ ёққа-йўқолиб кетишини истарди. У кўпдан бери қайниси қай тариқа жойлашиб олганлигини бир кўриб келмоқчи бўлиб юрарди. Христианнинг ҳозир анчагина мижозлари бор эди; у фақат маҳаллий деҳқонларнинггина эмас, балки йўл қурилишида ишловчи ишчиларнинг ҳам этикларини ямаб берарди. Ишчилар бир ойдан ортиқроқ вақтдан бери, кўл ёқалаб кетган, дала ва ўрмон орқали станцияга олиб борадиган йўлга асфальт ётқизишарди. Христиан ҳамон акасига бажонидил пул қарз бериб турарди; лекин ҳозир ўзини хурсанд қилиш учун, акаси қийналган пайтларида, уни пул сўрашга мажбур қилиб ҳам кўрди. Вильгельм эса ҳамма вақт қийналиб юрарди. Вильгельмда ҳар хил янги чиққан нарсаларни сотиб олишга ҳавас пайдо бўлди, бу янгиликларни кўрган деҳқонлар ҳайратда қолардилар. Вильгельм ҳар гал пул қарз олганида энг зарур бўлган нарсаларни тузатиб олиш ўрнига кўзига кўринган буюмни сотиб ола берарди. У ўзининг даромад ва буромадини ҳисоблаб кўришга сира унамас эди. Лизанинг ўзи, масалан, сут ва мойдан келадиган даромад янги мой жувознинг харажатига етмайди, деб ҳисоб-китоб қилиб юрарди. Олинадиган ҳосил банкдан олган қарзга етмайди, шунинг учун экиладиган ернинг бир бўлагини сотишга тўғри келади, деб Вильгельм ҳар қалай ичида ҳадиксираб юрарди.

Унинг ҳаётини фақат даллолгина заҳарлаб қолмай, балки бошқа ярамаслар ҳам бор эди: масалан, Берлиндаги машинасозлик заводининг вакиллари, агар у заводга ҳақ тўлаш вақтини ўтказиб юборгундай бўлса, Вильгельмни танг қилиб қолардилар. Ҳамма умид шу Христиандан бўлса ҳам, лекин Христиан ҳам, олинадиган ҳосил ҳам, ахир мўл-кўллик аломати эмас-да. Ягона битмас-туганмас манба ишчи кучи эди. Лекин болалардан фақат каникул вақтидагина фойдаланардилар. Болалар батракнинг ўрнини боса олмасдилар, чунки каникул қисқа бўлади. Батракнинг ўрнини фақат Лизанинг ўзи босарди. Деҳқонлар ҳақида гапирилганидек. Лиза худди она ердек кучли эди. Лекин Лиза она ердан ҳам бақувват эди. Чунки баъзи жойи ёмон, баъзи жойи ўртароқ бўлган ер маълум миқдорда ҳосил берарди. Лекин агар гап фақат Лизага боғлиқ бўлса, бу ерлар икки марта ҳосил берарди, олинган даромад эса кимдан қарздор бўлса,

ҳаммасини узишга етарди. Вильгельм ўз гражданининг очликдан ўлишига йўл бераётган давлатни, яҳудийларни, капиталистларни, машиналар ишлаб чиқарувчи фирмани сўкишга ишқивоз эди. Лиза сўкиш билан иш битмаслигини биларди. Бу нарса фақат қимматли иш вақтингни олади, холос. Лекин агар бола-чақанг учун шу ерни сақлаб қолмоқчи экансан, бу ерда капиталистлар ёки яҳудийлар, республика ёки империя, жала ёки қурғоқчилик бўладими, барибир, ерни зўр бериб ишлаш керак. Ҳозир тўнғич ўғил мол-қўйларни эплаб қолди; қизча эса баъзида уйдаги анча-мунча ишларни саранжомлайди; иккинчи ўғил эса дарсини ўқиши керак, кичкинтойдан эса ҳали наф йўқ эди. Лиза билан эри тушки овқатдан кейин, икки томондан тушиб, сабзавот экиладиган ерни то катта йўлгача чопиб қўймоқчи бўлишди. Лекин Вильгельм кетиб қолганидан кейин, Лизанинг бир ўзи ишлади. Вильгельм энди уйга кеч қайтади, бу нарса Лизага баъзи томондан фойдали ҳам эди. У тердан ивиб кетган кўйлаги бир оз қурисин деб белидаги тасмасини ечиб ерга ташлади. Лизанинг кўкимтир, чиройли кўзларига тер қуюларди; худди Лизанинг юзидаги сепкиллари юиб тушмоқчи бўлгандай тер сочлари остидан сизилиб, оқиб тушарди. Лиза ишдан сира чўчимасди, чунки у бақувват аёл бўлиб шарманда бўлмаслигини биларди. Лиза ҳаддан ташқари бақувват, чайр эди. Лиза запти билан белкуракни ерга ботирар ва гўё қачонлардир қилган ва бундан кейин ҳам қилиши мумкин бўлган гуноҳларини тупроқ билан бирга улоқтириб ташламоқчи бўлгандай белкуракни яна оёғи билан қаттиқ босиб қўярди.

Лиза ишни мўлжалидан олдиноқ тугатди. Қизини катта йўлдан уйга жўнатиб, ўзи кўл ёқалаб сўқмоқ йўлдан кетди.

Эрта кузнинг иссиқ кунлари эди. Христиан сарой олдига янги айвон қуриб, устахонасини очиқ ҳавога кўчириб чиққанди. Атрофга қарашга унинг вақти йўқ эди, лекин болғачаси билан чармга мих қоқишдан тўхтагандан кейин, кўприк остидаги сувнинг шалоплашини, айниқса кўлда пароход кетаётганда сувнинг кучли шалоплашини эшитиб хурсанд бўлиб кетарди. Христиан бошини кўтарганида қуёшнинг заррин нури тушиб турган сув бетидеги гирдобларнинг бир-бирига қўшилиб, катак ҳосил қилаётганига кўзи тушди. Жимирлаб товланаёт-

ган сувда булутлар, узоқ соҳилдаги черков найзаси, тўп-тўп дарахтлар, плуг. кўл ёқасида кир юваётган қиз ва ўзи ўтирган уч оёқ стулчанинг акси кўринди. У ёшлигиданоқ бу кўлни ва унга алоқадор бўлган барча нарсани севар эди. У ерга қараганда, кўпроқ сувни яхши кўрадиган одамлар тоифасидан эди. Мана энди тақдир турли-туман йўллар билан уни плугдан кўл ёқасига олиб келди. Бу ишда унинг майиблиги ва тентаклиги ҳам ёрдам берди. У болалик даврида тош сув бетида кўпроқ сакрасин, деб узоқ вақт сувга тош отишни машқ қилди. Ҳозир яна тўсатдан сувга тош отгуси келиб қолди. Лекин шу пайт, ишини йиғиштириб турганда, далада Лизанинг келаётганини кўриб қолди. Гарчи бу сафар Лиза ҳомиладор бўлмаса ҳам, унинг қорни бир оз дўппайиб турарди. Христиан ўзинча: «Мени тинч қўйса бўларди»,— деб ўйлади. Адоват ва севги онлари, уни уйдан суриб чиқарган кишиларнинг қайтиб келган кунлари ўтиб кетди. Энди қолган умрини тинчгина, ҳалоллик билан ўтказса бўлгани. Худди яшин уриб шохлари куйган дарахт қуриб қоладими ёки яна яшаб кетадими — шу нарсани ҳал қилиши керак бўлгандай, Христиан ҳам умрининг охиригача ямоқчилик қилиши керак.

— Бу жойинг чакки эмас-ку,— деди Лиза.

— Нега энди ёмон бўлиши керак?— деб жавоб берди Христиан.

— Фақат қишда бу ерда совқотиб қолсанг керак.

— Мен янги печкача қуриб олдим: «Эман»нинг хўжайинини ўғли менга антрацит<sup>1</sup> беради; фақат трубаларни ўрнатиб олсам бўлгани.— Христиан Лизага ўтиргин, деб таклиф ҳам қилмади, чунки унинг бу ердан тезроқ жўнашини истарди. Лиза эса қўлларини кўкрагига чалмаштириб, дарров гап бошлади:

— Кейинги вақтда, ҳожатини чиқарганингдан эрим сендан жуда хурсанд бўлди. Ён-атрофидаги одамлар бирам ҳасадчики. ўртамизда бирор жанжал чиқишини кутиб юришибди. Мен сенга баъзи нарсаларни айтиб қўймоқчиман: сен мана шу уч оёқ стулчангда ўтириб болғачангни тақиллатсанг, уйимизда ҳеч нарса эшитилмайди, лекин ҳар қалай сенга негадир илҳақ бўлиб турармиз; жуда қизиқ...

Христиан қўлидаги ишига тикилди. Унга Лизанинг кўк катакли этагининг чеккасигина кўришиб турарди; хўш, нима бўпти, Лиза — ақлли аёл. У бу сафар ҳам ҳақли. Ҳатто болғачанинг тақиллашини ҳам улар эшитишмайди; гўё Христиан дунёда йўқдек, у худди ипга ўхшайди. Таажжуб!

Лиза бамайлихотир давом этарди:— Биз кафолат борлиги туфайли қарз олдик. Лекин процентларини ўз вақтида тўлаш керак. Бунинг ҳам ортиқ хурсанд қиладиган жойи йўқ.

Христиан ичида: «У яна мендан қарз сўраб келган бўлса керак?»— деб ўйлади.

— Агар бирор нарсамизни сотмасак, бундан кейин нима бўларкин, ўзим ҳам билмай қолдим. Вильгельм ҳали ҳам бирор воқеа рўй беришига умид қилади. Ундаги бундай ҳиссиёт урушдан қолган. Урушда сира ўйламаган нарсанг бўлиб туради: баъзида омад келади, баъзида келмайди. Уруш даврида дарров бойиб кетиш мумкин. Бизда эса ҳамма нарса ўз йўриги билан бориши керак. Йиғилган ҳосилни сотсанг — қарзларга тўлайсан. Мен аввалига, ижарачидан воз кечганимизга жуда хурсанд бўлгандим; кейин эса, бошқасини топганлигимизга суюндим.— Лиза бирдан ерга ўтириб олди. Пастак уч оёқ стулчасида ўтирган Христиан энди Лизадан баланд эди; Лизанинг ечиб ташлаган тасмаси ёнида ётарди. Унинг кўк кўзлари порлаб турарди.

— Сен, ростдан ҳам, мени қандай жойлашиб олганимни кўрмоқчимисан?— деди Христиан. Лекин Лиза яна гапида давом эта берди:— Эрим солдатлигича қолди, уйда у фақат хўжа кўрсинга. У кўнглида тезроқ мана бу аҳмоқона тинчликнинг тамом бўлишини орзу қилаётганини яхши биламан. У беда экиш учун ер олишни жуда осон деб тасаввур қилади: гўё пулемётни тўғри-лаб қўйсанг, ҳамма иш жойида бўладигандек. Мундоқ бўйинини эгиб меҳнат қилиш кераклигини тушунгиси ҳам келмайди. Взнос қарзларни тўлаш кераклигини ҳам тушунишга рағбати йўқ; у назарида сигирни тортиб олмоқчи бўлсалар ёки взнос тўлашни талаб қилсалар, патиллатиб пулемётни отсам, ҳамма иш жойида бўлади, деб ўйлайди.

— Лекин унинг хотини боп. Сен ҳамма ишни ўзинг бошлаяпсан.

— Шундай-ку-я,— жавоб берди хотин.— Мен бола-

<sup>1</sup> Антрацит — тош кўмирнинг энг яхши навъ.

ларимиз учун хўжаликни сақлаб қолмоқчиман, бўлмаса, то улар катта бўлгунча хўжалик ер билан яксон бўлади. Вильгельм бирор жойда ўқ отилаётганини эшитса бўлди — у ўша заҳотиёқ бизни ташлаб кетади. Ҳақиқатда ҳам ҳамма ишга ўзим бош-қош бўляпман-у, ишлар жойида бўляпти-да.

Пароход гудок берди, иккови ҳам ўша томонга қаради. Катта булутнинг сояси қўлга ва далага тушиб турарди. Булут аста-секин қуёшни тўсиб келарди; қуёшнинг қия нури ялангликни узоқ бурчагидаги ҳамманинг эсидан чиқиб кетган қандайдир бир қишлоқни ёритди, қишлоқдаги черковнинг ўткир бошмолдоққа ўхшаш найзаси кўринди. Пароход бир дақиқага нариги пристанда тўхтади. Лиза билан Христиан энди унга қарамай қўйгандилар. Гўё улар бир-бирининг шу ерда ўтирганлигини текширгандай, бир-бирига кўз қири билан қараб қўярди, лекин бир вақтнинг ўзида иккови ҳам бир-бирига ўгирилгани туфайли кўзлари кўзларига тушди. Кейин яна бошқа томонга қарашди. Христиан болғасини бир неча марта кўтариб туширди. Лиза қандайдир бир ўтни чайнади. Христиан яхшими, ёмонми, барибир, у ҳозир Лизани қучоқлаши керак. Нима ҳам қилардинг. Қанақа бўлса бўлар, Христиан уни қучоқлагандагина Лизанинг кўнгли ором топади. Акс ҳолда, Лизанинг кўнгли сира тинчимайди, бунингсиз ҳам турмушида ҳузур-ҳаловат йўқ. Нима қилиш кераклигини тушуниб етиш ва бугун хўжаликни барбод қилмаслик учун кишига озгина ором ҳам керак. Лекин оламда бундан бошқа ҳеч нарса: иш ҳам, бола-чақа ҳам, эр ҳам, қола берса бирорта эркак ҳам, гарчи у жуда чиройли бўлиб, анави Христианга ўхшаш ўтакетган мунофиқ бўлмаса ҳам Лизага ором бера олмайди. Христиан бунинг ҳаммасига тушунди; у бирорта одам бизни кузатиб турмаяптимикин, деб орқангига қараб қўйди. Кейин қўлидан келганча илдамлик билан ўрнидан туриб: — Юр, — деди.

Саройидан кема ва этикдўзлик устахонасининг ҳиди келиб турарди; ерда ва ҳатто каравотда ҳам чарм қийимлари ва парчалари сочилиб ётарди. Сарой ичида икки хил елим: дарахт елими билан чармга ишлатиладиган елим ҳиди бурқсиб турарди.

Кўп ўтмай улар саройдан чиққанларида, пароход кўлнинг нариги қирғоғига бориб етганди. Пароход кетидан қолган сувдаги ингичка, оппоқ кўпикланган из ҳамон кў-

риниб турарди. Христиан яна учоёқ стулчасига ўтириб, болғачасини тақиллата бошлади. Лиза унга қараб: «Хайрли кеч» — деб қўйди. Бунга жавобан, Христиан нимадир деб тўнғиллади; Лиза уйга дала билан жўнади.

## ЕТТИНЧИ БОБ

1

Бир неча ҳафта ўтгандан кейин, Вильгельм ҳар қалай хотини укасининг олдига борганлигини ва қайиқлар сақланадиган саройга кириб, анчагача чиқмаганини эшитди. Бу воқеадан кейин у бир неча кунгача Христианнинг абжағини чиқариш ниятидан аранг ўзини тийиб юрди. Вильгельмнинг назарида укаси қўрқиб, чўлоқланиб саройдан чиқиб бошқа томонга кетаётгандай, у эса Христианнинг орқасидан учоёқни, пойафзал тикадиган машинани, Христианга ўхшаш дабдаласи чиққан ўнлаб бошмоқларни ирғитаётгандай бўлди. Лекин бу фақат назарида шунақа эди. Жаҳли чиққан Надлер укасининг олдига зудлик билан бормоқчи бўлган эди-ю, лекин қишлоқнинг чиқаверишидаги ихота олдида Левини учратиб қолди. У Надлернинг олдига охиригиз взносни ундириш учун келаётганди. Вильгельм худди шу гапдан олдин аранг йиққан пулининг ҳаммасини фирмага машинанинг ременти учун тўлаган эди. Почтанинг кучи етмаган вақтларида фирма одатда взнос йиғиш учун қишлоқларни яхши биладиган ва бир неча қишлоқни пиёда айланиб чиқадиган агенти ёки даллоллари билан бирини юборарди. Бу ишни бажариш учун ҳар турли одамлар: оқ-сарик кишилар ҳам, қорачадан келганлар ҳам, чоллар ва ёш йигитлар ҳам келишарди, лекин уларнинг барчаси ҳам охиригиз взносларни зўрлаб ундириб олишда бир хилда оёқ тираб туриб олардилар, чунки уларга ишларига қараб ҳақ тўлашарди. Бу ҳақни ким тўлашини улар дурустроқ билмас эдилар: ҳақ тўловчи кассир ҳам фирманинг оддий хизматчиларидан эди. Надлер фирма хўжайинининг кўзи қанақа-ю, сочи қанақа рангдалигини билмаганидек улар ҳам билмас эдилар. Кўлнинг бериги қирғоғида (бу ерда Надлер бир неча йиллардан бери экин экади) кўп йиллардан бери мол-қўй

билан савдо қилиб юрган анави даллол Левиин эса деҳқонлар яхши танирдилар. Севиш ва нафратланиш учун қандайдир бир кўзга кўринарли нарса керак, киши хаёлига ҳам келтира олмайдиган «фирма» ёки «идея»га ўхшаш ноаниқ нарсалар керак эмас. Шунинг учун ҳам, қаршисидан келаётган Левига кўзи тушганда Надлернинг миясига қон югурди. Агар фирма агентларидан бошқа бирортаси келганда эди, Вильгельмнинг юраги қинидан чиқиб кетган бўларди. Шунингдек агар унинг дарвозасини бирорта номаълум киши тақиллатиб, кейин мени фирма юборди, дегундай бўлса Вильгельмнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, ўзини худди бемордай ҳис қиларди. Ҳозир эса у роса дарғазаб бўлди.

Укасининг ёрдами туфайли Вильгельмнинг Леvidан арзимаган қарзи қолган эди, холос. Бундан олдин Христиан яна даллолнинг кўнглини юмшатишга ва қарзни пича қистамай туришга кўндирганди. Лекин Вильгельмнинг ҳозир ҳам бирор пфеннинг нақд пули йўқлиги маълум бўлганидан кейин, Леви бундай деди:— Мен сизнинг Христианингизни яхши биламан! У, албатта сизни шарманда қилмайди.— Леви илгаригига нисбатан ҳозир деҳқонлар оғирроқ турмуш кечиришини биларди; ем-хашак топиш қийин, жавдар ҳам йўқ даражада эди; бозорларда тухум, гўшт-ёққа харидор кам, чунки ишсизлик ҳукм сурган Берлинда бунақанги озик-овқатга харидор топиш мушкул эди. Вильгельм:— Бўлмаса ўзингиз учрашиб кўринг,— деб бақирди-да, даллолни укасининг олдига жўнатди. Ҳозир аламини кимдан олишини билмаган Надлер, ошхонага қайтиб кирди-да, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ томдан тараша тушгандай, ҳеч нарсадан гумон қилмаган Лизага ўдағайлаб, уни сочларидан ушлаб торта бошлади. Лиза:— Мен сенга нима қилдим?— деб бақирди. Вильгельм бунга жавобан:— Ўзинг биласан, манжалақи!— деди. Ҳақиқатан ҳам, Лиза бундай бемаҳал қутуришнинг сабабини энди тушунди. Лиза бир нарсага тушуниб етолмасди: шунча вақт ўтиб кетганидан кейин уни кемалар турадиган саройга борганлигини эри қаёқдан билиб олибди? Ниҳоят, ҳарсиллаган Надлер Лизани кўйиб юборгач, у тўзғинган сочларини тартибга солиш учун оғилга югуриб кириб кетди. Лиза ичида: «Худо биледи, у энди Христианни нима қилар экан, мен уни ҳатто огоҳлантириб ҳам қўя олмайман»,— деб ўйлади.

Бир соатдан кейин даллол қайтиб келди. У оғзи қулогига етиб шундай деди:— Мен сизга айтган эдим-ку! — Кейин Вильгельмга имзо чекиш учун қандайдир бир қоғозни кўрсатди. Даллол ўзича: «Ким биледи, бу ишлар нима билан тамом бўларкин; яхшиямки, мен бу одамлардан қутулдим»,— деб ўйлади.

Христиан эса, олдига Леви кирганда ундан:

— Сиз акамнинг олдига кирдингизми?— деб сўради-да, унга ғалати қараб қўйди.

— У мени сизнинг олдингизга юборди.

Шундан кейин Христианнинг ўзи, ҳар қачонгидан мулоқимроқ оҳангда, унга ёрдамлашишни таклиф қилди. У аллақачоноқ, қандай қилиб ҳамма гап акасига маълум бўлганлигини биларди. Пароходда кўлнинг нариги қирғоғида турадиган қариндошлариникига кетаётган Швальм деган бир деҳқон, палубадан туриб Лиза Христиан билан саройга кириб кетаётганлигини кўрган эди. Уша дақиқадан бошлаб Христиан, акаси ҳадемай келиб қолишини кутарди. Шундан кейин у саройнинг ичида ишлай бошлади ва сарой эшигини баъзи нарсалар билан тўсиб қўйди, чунки Вильгельм саройга кирмоқчи бўлса, вақтдан фойдаланиб акасининг эсига баъзи бир нарсаларни солиб қўймоқчи эди. Лекин даллолнинг келиши, акасининг жанжал чиқара олмаслигидан дарак берарди. Лизанинг эса уйда аҳволи чатоқ бўлса керак; хўш, нима бўпти, ҳаммасига ўзи айбдор! Лекин бу маҳрум мулоҳазалардан нима фойда? Энг муҳим далиллар. Кузда ижаранинг муддати тугади; акаси билан Лиза ерга беда экиш зарур бўлганлигидан илгари ўзлари шундай бўлишини кутишганди; энди эса уларда беда керагича бор, лекин бола-чақани беда билан боқиб бўлмайди-ку. Сут-қатиқни эса охириги томчисигача бозорга сотиш керак, акс ҳолда харажатларни қоплаб бўлмайди. Вильгельмга ўхшаш Христиан ҳам кўрғонни ёки унинг бир қисмини гаровга қўйишни ёки бўлмаса ким ошди қилиб сотишни истамас эди; Вильгельмга ўхшаш у ҳам, бу ер мерос эканлигини, уни болаларга қолдириш кераклигини биларди; лекин у шахсан маълум бир болани назарда тутарди; Христианнинг кўзлари анча узоқданоқ сочлари сап-сариқ болани дарров топиб оларди. Боланинг сочи сариқ бўлганлиги туфайли уни қишлоқда «Малла» деб аташарди. Лекин Лизанинг бирталай болалари турганда қандай қилса, мерос худди мана шу

малла болага қолишлигини Христианнинг ўзи ҳам билмас эди; бу ерда фақат мўъжиза ёки унинг ўзига ҳам номаълум қандайдир ҳийлагарлик ёрдам бериши мумкин, холос.

Вильгельм укасини дўппослаш имкониятидан маҳрум бўлгандан кейин, тўсатдан унинг назарида, хотини тўғрисидаги миш-мишлар ёлғон гапдай туюла бошлади. Лиза, балки Христианга бир оз тегажоқлик қилгандир-у лекин дон олишиш даражасига бориб етмагандир; агар шундай бўлганда, Вильгельмга ўхшаш одам, албатта укасини саройдан қувиб чиқаришдан тап тортмасди. Эрининг қутуришидан чўчиган Лиза аввалига кичик болаларининг ёнига кириб ётмоқчи бўлди-ю, лекин кейин кўрқмаслик кераклигини тушунди. Вильгельм жаҳлидан тушгандан кейин, кўп ўтмай, у хотинига, ишингни қилавер дегандай ишора қилиб қўйди.

Гарчи Вильгельм ғийбатларга тамоман ишонмай қўйган бўлса ҳам, лекин Лизани Христиан билан ёлғиз қолдириб кетишга сира юраги дов бермас эди. Лекин шаҳарга жўнаш зарур эди. Банк икки марта огоҳлантириш юборган эди, у процентларни тўлашга бу сафар анча олдин пул тайёрлаб қўйган бўлса ҳам, лекин шаҳарга боришни пайсалга солиб юрганди. Ниҳоят, у охириги огоҳлантириш хатини олди; шунда у шаҳарга жўнашнинг иложини ҳам топди. Христианнинг саройи ёнида бир чайла бор эди, бу ерда бир эски кема турарди. Бу синиқ кемани тузатишнинг фойдаси йўқ, аллақачон уни ёриб ўтин қилиш керак эди. Вильгельм тўнғич ўғлига шу бугундан бошлаб кемани ўтин қилишга киришишни буюрди.

Болта кўтариб келаётган болани кўрган Христиан аввалига ҳайрон бўлди. Акасининг шаҳарга кетганлигини суруштириб билгандан кейин, жияни бу ерга Лиза билдирмасдан саройга кириб кетмаслигини кузатиб туриш учун юборилганини фаҳмлади.

Надлер Потсдам вокзалида шаҳар атрофига қатнай-диган поезд вагонидан тушиб, бир неча кўчаларни пиёда юриб ўтгандан кейин, аввалига ўзини қишлоқда узоқ умр кечириб, сўнгра шаҳарга тушган одамдек ҳис қилди. Унга барча одамлар жуда шошилаётгандек, ўзларининг қандайдир арзимас ишлари билан қаёққадир чопаётгандек туюлди. Унга, ўз ишини бажариш учун бу ердан анча узоқдаги банкка қараб кетаётган Надлерга

эса, одамлар юришга халақит бераётгандек туюларди.

Сийрак, лекин муздек ёғаётган ёмғир ўткинчиларни тикилишиб юришга мажбур қиларди. Вильгельм орқаўнгига қараб шошилмай кетарди; ахир банкдан яна қарз сўраш ваҳимали эди-да. У фақат қарз олиш учунгина процентларни тўлашга ўз вақтида пул йиғиб қўйган ва агар анави оилавий жанжаллар рўй бермаганида процентларни муддатидан илгари, аллақачон тўлаб қўйган бўларди. Бошини кўтариб, илгариги сафар келганидагига қараганда яна баландроқ бўлиб қолган кўпқаватли биноларга кўз ташлади. Совуқ Вильгельмнинг аъзойи-баданини тешиб ўтгандай эди, кузги ёмғир эса бу ерда унга уйдагига қараганда кўпроқ жаҳлини чиқармоқда эди. Кўча-кўйдаги бақоллар сўкинишиб, ҳўл зонтикларининг остига бекинишарди. Гарчи ҳеч қачон бу ердан бирон нарса сотиб олмаслигини билса ҳам, Вильгельм магазинларнинг витриналарини томоша қиларди; нимага ишлатилиши маълум бўлмаган нарсаларни мақтовчи рекламаларни ўқирди. Мана яна баданни тешиб ўтувчи муздек ёмғир томчилари. Мана одамлар, улар бунга эътибор бермаганларидек бу ҳам уларга эътибор бермайди. Одамлар трамвай ва автобусларда унинг бурни остидаги жойларни эгаллаб олишарди; ҳечам ақл бовар қилмайдиган сабабларга кўра улар Надлер чиқмоқчи бўлган остановкаларда трамвай, автобусларга чиқишарди. Надлер бу шаҳарга музыка ва байроқлар билан кириб келган даврларини эслади; ўша вақтларда у ўз хоҳишича, тўпланиб турган одамларни тарқатиб юбора оларди: чунки унинг қуроли бор эди; одамлар ундан қочарди, жуда катта майдонлар бир зумда ҳувиллаб қоларди.

Вильгельм тўхтади; юзларини ажин босган чол қандайдир қоғоз парчаларини юлиб олди-да, кейин банк-сидидаги клейстер билан эски плакатларнинг устини суриб, янгисини ёпиштирди. Эртага эса яна эскисининг ўрнига янгисини ёпиштиради; ажойиб ҳунар! Шуниси қизиқки, уларнинг қишлоғида ҳали ҳам янги ҳисобланган плакатларнинг ўрнига бу ерда бошқасини ёпиштиришарди. Қишлоқда тегишли жойга ёпиштирилган плакат қанча муддат осиглиқ туриши Надлернинг ўзига боғлиқ. Қишлоқ одамлари эндигина бу плакатни ўқиб, ҳайрон бўлиб турибдилар. Бу ерда эса плакатда ёзилган

нарса аллақачон барчага маълум. Бу ердаги кишилар аллақачонлароқ «Немис халқининг асоратга солинганлиги» ҳақидаги хабарларни биладилар, улар Юнг плани нима эканлигини биладилар; ёмғирда ивиб, кеч қолишдан қўрқиб шшилган кишилар фақат бошларини қимирлатардилар, холос. Улар энди, ўз болалари ва набиралари оталари айбдор бўлмаган гуноҳларни олтмиш йил ичида ювиши керак деган фикрга ўрганиб қолганлар, чунки ҳамма ўзини беғуноҳ деб ҳисобларди. Ахир уруш тамом бўлгандан бери ўн йилдан ортиқ вақт ўтди, шунинг учун ҳам шаҳарнинг турли томонларига қараб шошилаётган бу кишиларнинг миясини даҳшатли чалкашликлар ғовлатиб юборганди, ҳар хил ҳис-туйғулар—умид ва адоват, ғам-қайғу ва очарчилик аралаш-қуралаш бўлиб кетганди; лекин уларда гуноҳқорлик туйғуси йўқ эди. Улар паришонлик билан рақамларга анграйишиб қарардилар, пулнинг қиммати тушган вақтлардаги рақамларга ўхшаш, бу рақамлардан эса одатда астрономларгина фойдаланардилар. Энди эса, астрономик суммаларни тўлаш учун одамларнинг ўзлари иш-лашларига тўғри келарди. Тонг отиб эндигина иш бошланди-ю, улар дарров чарчаб қолдилар, ҳали қиш кирмаган бўлса ҳам улар совқота бошладилар; ёмғир эндигина ёға бошлаганига қарамай улар бутунлай ивиб кетгандилар.

Юзларини ажин босган чол клейстери, чўтка ва плакатларини кўтариб, кўчанинг бошқа бурчагига қараб кетди.

Банкда Надлер процентларни тўлади; лекин иш тўғрисида гаплаша олмади, аслида эса шаҳарга келишдан ҳам мақсади шу иш эди. Банкнинг тегишли амалдори ё ҳақиқатда ҳам йўқ эди ёки у янги қарз ҳақида гаплашиб ўтирмаслик учун Вильгельмдан қутулмоқчи бўлган эди. Ҳозир Надлер бўш қолганлиги учун пиво ичмоқчи бўлди. Агар пешинда уйга қайтгундай бўлса, бола худди кеманинг охириги парчаларини саранжомлаётган вақтда уйга етиб боради. Лекин Надлер яна бир неча кўчани босиб ўтгач, ўзининг ҳамполки, собиқ фельдфебель Струвени учратиб қолди. Струве ҳозир катта бир магазинда швейцарлик қилар экан, унинг вазифаси ўз автомобилларидан тушиб, магазинга кирадиган хонимларни каттаюк, ярқираган зонтик билан кутиб олишдан иборат экан. У шу ишини қилиб турганида Надлер кўриб

қолди. Струве ўрнига одам келгунча шу яқин-орадаги пивоҳонада кутиб туришга Надлерни кўндирди.

Надлер, мендан илгарироқ Лиза уйга қайтади: у йиртиқ-ямоғини қилиши, сигирларни соғиши керак, деб ўзига тасалли берди. Агар у ҳозир қишлоқда бўлганида ҳам шу пайтда қовоқхонага жўнаган бўларди.

Ёмғирдан мўйловлари ивиган Струве келди. Надлер ҳасад қилиб: «Бунинг иши ҳозир ҳам чакки эмаскан!» деб ўйлади. Қатор тугмалари ярқираган мундирсимон уқали кийими Струвени ҳарбий кишига ўхшатиб турарди. Струве Надлерни зиёфат қилишга кўндирди. У илгарилари ҳам қўли очикроқ эди. Урушгача у унтер-офицерлар мактабида ўқиган. Ҳозир унинг хотини ва бирталай боласи бор; дуруст тавсиялар ва ўзини яхши тута билиши туфайли у ишга осонгина жойлашиб олганди. Улар пиво ичиб ҳамполklarини эслашарди. Струве Надлерни мен билан бирга «Спортпаласт»га йиғилишга юр деб қистарди. Унинг, Струвенинг ҳам, ишдан кейин дарров уйга боргуси йўқ экан. Хотинларни эркалатиш ярамасмиш.

— Э, ўшам!— деди Надлер докладчи ҳақида, Струве гарчи одатда елкасидан келадиган ҳар бир киши тўғрисида мазаҳ қилиб гапирса ҳам, бу сафар докладчи ҳақида:— Пакана-ю, лекин биласанми, унинг қанақалигини, ўхў!— деб кўкларга кўтариб мақтади.

Кўп ўтмай Надлер унинг фикрига қўшилди. Эстрадада пак-пакана одам турганлигидан, залдаги одамлар тўдаси янада каттароқ бўлиб туюларди. Докладчининг овози жуда нимжон бўлгани туфайли кучлироқ жангларга эшитилаётгандай эди. Надлер бу ерга ишончсизлик билан келди. Надлернинг қишлоғидаги «Пўлат шлём» аъзолари Геббельс устидан тез-тез кулишарди. Улар аҳмоқона қилиқлари ва тантиқликлари учун нацистларни ҳузур қилиб сўкишарди. Ҳозир Надлер бу пакананинг сўзларига қулоқ солар экан, ҳайрон бўлди. Чунки у Надлерни миллатнинг жисми ва қони, асосий таянчи деб атади; у Надлерни, халқнинг мажруҳ танасига соғлом қон оқизувчи булоқ деб атади. Нотиқнинг ўзини табиат пакана қилиб яратиб, уни ранжитган бўлса ҳам, унинг тингловчиларини эса забардаст, бақувват қилиб яратганди. Сизга ўхшаганлар, дер эди у. урушда энг яхши солдат бўлганлар. Сизлар — армия-сизлар, сизлар нимани ҳимоя қилганликларингни била-

сизлар; ер сизлар учун мавҳум тушунча эмас; сизлар уни пешона терингиз билан, қонингиз билан суғорган-сизлар.

Докладчи Надлер билган нарсаларнигина билар, фарқи шу эдики, у билган нарсасини усталик билан айта оларди. Ҳатто у Левини ҳам эсдан чиқармади; худди нотик уларнинг қишлоғига боргандай қишлоққа яширинча суқилиб кириб олган даллол — яҳудийни ҳам таърифлади. Надлер тишлариши гижирлатди-да, нотик сингари ноилож қўрқиб юрганини, яҳудийга пул беришни қанчалик истамаганини кўнглидан ўтказди.

Надлер йиғилганларни кўздан кечирар экан, бирдан колонналар орқасида, панжарага кўкрагини қўйиб ўтирган барон фон Цизенни кўриб қолди. Цизень нотикқа ихлос билан қулоқ соларди, унинг юз ифодаси Вильгельмда чуқур таассурот қолдирди. Надлер Цизеннинг юз ифодасидан кўп нарсани тушунишга ўрганиб қолганди. Вильгельм бароннинг ҳам ўзига ўхшаб хайратлангани, ҳаяжонланганини сизди, Цизень илгарилари Геббельснинг устидан кулиб юрарди. Ҳозир эса Геббельс уни кўп нарсани ўйлашга мажбур қилаётибди. Вильгельм бароннинг бу ердалигини ҳам кўрди. Бу эса Вильгельмни нотикнинг гапларидан ҳам кўра кўпроқ хайратда қолдирди. Надлер эртаклардаги, ҳамма вақт энг кучли одамга хизмат қилишни истаган ва кейинчалик ўзининг кучли хўжайинидан ҳам кучлироқ одам чиқиб қолганида биринчиси инкилчисининг олдида тиз чўкиб турадиган хўжайинининг хизматига ўтган баҳайбат одамни эслатарди. Шунинг учун ҳам Надлернинг Цизенга нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтироми аста-секин йўқола бошлади.

## II

Клемм билан Кастрициус машинада сайр қилишмоқчи бўлишса, доимо тортишув бошланарди. Бекер ҳар сафар бу тортишув менинг фойдамга ҳал бўлади, деб умид қилар, ҳақиқатда ҳам баъзан шундай бўлар эди. Кастрициуснинг қизи кўнинча менинг машинада боринглар, деб туриб оларди. Қизнинг меҳри ўз шоферига тушиб қолган эди. Нега шундай эканлигини ким билади дейсиз, балки бу оддий инжиқлик ёки ҳар доим

бажарилишини талаб қиладиган тантиқликлардан бериридир. Бекер қизнинг тантиқликларидан хафа бўлмасди, чунки эртами-кечми уни мойил қилишига шубҳаланмас эди. Фақат қизни бир неча марта Клемм билан бирга машинада сайр қилдирса бўлгани; лекин қиз ҳали ҳозирча бунга унамай, сайр қилиш учун ўзининг шофери-ни афзал кўрар эди. Қизнинг шофери қовоғи солиқ, индамас, Бекерга ўхшаш бўйдоқ эди. Гарчи Бекер Кастрициуснинг ошхонасида ўз одамларидай бўлиб кетган бўлса ҳам лекин бу йигит билан сози чиқиб кета олмади. Автомобилда сайр қилиш тўғри келиб қолганда Клемм билан Кастрициус қизнинг бирга боришини айтини муддао деб билсалар ҳам, Клемм Бекер билан бирга кетишни афзал кўрарди, Кастрициус эса қизнинг кўнглидан ўта олмасди. Шу сабабли улар орасида қизгин тортишув келиб чиқар ва бу тортишув, албатта Бекернинг фойдасига ҳал бўлар эди.

Ёзда Кастрициус қизини қолдириб, ўзининг шофери билан бир неча муҳим кенгашларга борарди, кейинчалик эса Кастрициус Бекер билан унинг хўжайинига таассуротлари ва бўлиб ўтган воқеаларни жуда хурсанд бўлиб, батафсил айтиб берарди. Клемм Кастрициус билан бирга, Гитлер Рейн ва Рур магнатлари олдида ўз режаларини эълон қиладиган Дюссельдорфга бормасди, лекин бир неча марта Годесбергга экскурсияга бориб келди, чунки Кастрициуснинг йўқлигида қизини овунтиришга жондили билан ваъда берганди; лекин машинада Клемм, бахтга қарши, қизга хушомад қилмасди — қиз ўзини машинада тегма нозикдай тутарди. Бошқа вақтларда қиз ўзини қандай тутишини Бекер айта олмасди, чунки хўжайини ёш қиз бека билан столга ўтирган замониёқ уни овқатланиш учун ошхонага чиқариб юборардилар.

Қайтишда Клемм одатдагидан кўра анча камгап бўларди, Эльтвилдаги унинг хизматкорлари бекамиз билан ҳечам унинг мурасаси чиқишмаяпти дейишарди. Клемм ухлаганда ҳам кабинетида ўзи ёлғиз ухларкан, уйга ҳам фақат ўғли билан бир оз гаплашиш мақсадида бир соатгагина келаркан.

Гельмут энди Майнцда, реальное училишчеда ўқирди. Клеммнинг отаси ҳам ўғлини шу ерга ўқишга берганди. Клемм Гёхстга кетаётган бўлса ўғлини Кастельск кўприги ёнида машинадан тушириб қолдирарди.

Шундай кезларда, хўжайини, боланинг ортидан парижон ва гамгинлик билан қараб турганини Бекер кўриб қоларди; бола эса қувноқ, бақувват эди; Бекер хўжайини энди нима тўғрисида бош қотираётганлигини тушуна бошлади.

Кастрициус Дюссельдорфдан қайтгандан кейин яна ота билан қизнинг сайр қилишлари бошланиб кетди; улар ҳар сафар йўлга чиқишларидан олдин илгаригидек баҳслашиб олардилар.

Бир куни шунақанги сайр қилишлар вақтида Кастрициус бундай деди:— Ҳаётда фақат тўғри нарсанигина қила бериш ярамайди, лекин бунинг зарур бўлган вақтда қилиш керак; акс ҳолда тўғри нарсдан нотўғри нарса келиб чиқиши мумкин. Мен сизга аллақачонлароқ, собиқ партиялар, менимча, бутунлай ишдан чиққан деб, айтгандим. Бу партиялар фақат бир-бирларига кир юқтиришигина биладилар, бу билан ҳеч кимни ўз томонингга жалб қилолмайсан, киши. Биз ҳозирча ўз заводларимизнинг бир иложини қилдик; биз солиқларни яхшилаб тақсим қилиб, мушкул аҳволдан энди зўрға қутулдик. Лекин энди ишимиз ўнгидан келиб кетса бўлгани, Клемм. Ота-боболари урушда бой бериб қўйганларидан кейин ҳосил бўлган қарзларнинг қолдигини, ниҳоят, сизнинг набираларингиз „узадиган“ бўлсалар бунинг қувонарлик жойи йўқ.

Клемм:— Мен урушни бой берганим йўқ,— деди.

— Биламан; мен ҳар қандай ишдан кейин қарз қоладиган бўлса, уни мен қисқача қилиб «бой бериш» деб атаман. Мамлакат ичкараси фронтни қувватламай қўйди; солдатлар таслим бўлдилар, кайзер Вильгельм жуда тез қулаб тушди; шулар энди қайтарилмаслиги лозим. Биз бир илож қилиб қутулиб қолдик, лекин бунинг ўзи етмайди! Шунинг учун ҳам мен энди Люксембургда пул тўплашга қарор қилдим. Агар анави ўтган йилдаги ўхшаш ишташлашлар билан йўлимга тўғноқ бўлиша берса, мен керак бўлган суммани қанақа қилиб йиғаман? Бу масалада хуллас, ишчиларни ишдан бўшатиш ҳам ёрдам бера олмайди; акс ҳолда иш урушга ўхшаб ёмон оқибатларга олиб келади. Мамлакат ичкарасининг ёрдами бўлмагач, кишилар ҳам таслим бўла берадилар.

«Жаноб Кастрициус бу хилдаги фикрларни бир неча марта айтган; ҳатто қачон гапирганлиги ҳам яхши эсим-

да — Берлиндан Рейнга кетаётганимизда шунга ўхшаш гапларни гапирган эди»,— деб ўзича фикр юритарди Бекер. Унинг учун ҳамма гап-сўзлар, кенгашлар худди автомобиль ҳайдаб юрган вақтда йўлда кўрган белгиларга ўхшаш аниқ эди.

— Ишчи ҳозир фақат социализмга интиляпти,— деб давом этарди Кастрициус,— капитализм билан эса иши йўқ. Мен эртага яна олтмиш кишини ишдан бўшатишим керак; иложи борича тезроқ иш ҳақининг қийматини тушириш керак. Ахир сиз ўзингиз ҳам тушунасиз-ку, Клемм, мен асосий капитализмга тега олмайман. Мен пулларимни иложи борича тезроқ бўшатиб, уни Люксембургдаги банкка қўйиш учун яна анча кишини ишдан бўшатишим керак. Лекин мен ҳамма вақт ишчилар билан муросани яхшилаш фикрини қувватлайман. Бизга умумий, бизни бирлаштирадиган социализм керак; шунинг учун бу аччиқ заҳарни ютишимизга тўғри келади, яъни бундай аччиқ заҳарнинг рецептинигина ютишимиз керак.— Кастрициус беихтиёр товушини пасайтирди; унинг хаёлига тўсатдан, ахир бу бегона шофер баъзи бир гапларни яхшилаб дилига тугиб олиши мумкин, қола берса, бунақанги гаплар бегона қулоқларга унчалик ёқмайди, деган фикр келди. Тўғри, Клемм шоферини яхши кўради; лекин ҳар қалай бу йигитнинг олдида ҳамма гапни очик-ойдин гапира бериш ярамайди. Лекин шофер ўз ишига берилгандай туюларди. Шунинг учун ҳам Кастрициус эҳтиёткорлик учун ўз мулоҳазаларини пичирлаб баён қилишда давом этди. Бу орада у, Бекер гапларига диққат билан қулоқ солаётганини сезмади.

Клемм:— Иш рецепт билан чегараланишига ким шаҳодат бера олади? Нима, омма бизнинг гапимиздан тутиб олмайдами?— деди.

— Мана шунинг учун ҳам Дюссельдорфдаги ўша шахс менда таассурот қолдирди. У нима кераклигини сезяпти; мен «бияпти» эмас, балки «сезяпти» деган сўзни таъкидлаяпман. Унинг ақли жудаям ўткир эмас. Қола берса, маълумоти ҳам унчалик эмас. У Дюссельдорфда бизнинг олдимизда худди Берлиндаги ҳар хил қаланги-қасангилар олдида гапиргандай гапирди. Агар сиз билан менга ўхшаш айёрлар унинг гапларидан бирортасини гапирганимизда эди, бизнинг гапимизга ишонмаган бўлардилар. У эса ўзининг шахсий рецепти-



га шунчалик ишонадики, гўё у авлиёнинг кўрганларига биноан гапираётди, деб ўйлаш мумкин.

Клемм: — Ким билади, дейсиз, балки шундайди,— деди.

Кастрициус унга қийиқ кўзларининг қирини ташлаб қўйди; кейин қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг семиз юзи буришиб, майда-майда ажинлар пайдо бўлди.

— Сизки шундай десаңгиз, демак биз ҳақиқатан ҳам ўзимизнинг зарур ишимизга керакли одамни топибмиз. Агар найрангбоз олдинги қатордагиларни найранг юқоридан ўргатилмаганлигига инонтира олса, демак у ростдан ҳам яхши найрангбоз экан; агар найрангбознинг ўзи ҳам қилаётган найранглари юқоридан ўргатилган деб ҳисобласа, у ҳамма нарсани жойида қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам уни ҳозир саҳнага чиқаришнинг қулай пайти келди. Биз худди мана шу пайтда Версаль шартномасини бундан ўн йил илгари бизга мажбуран қабул қилдирганликларини эслатиб қўямиз.

— Билмадим, — деб жавоб қайтарди Клемм. — Мен ҳамма ҳам бу янги социализмдан шунчалик мамнун эканлигига унчалик ишонмайман. Ахир, омма захарланган, ўн йилдан ошиқроқ вақтдан бери унинг кўз ўнгида бошқача, ҳақиқий... яъни анави мусодаралар ва шунга ўхшашлардан иборат бўлган „сохта социализм“ турибди. Ахир сизнинг ўзингиз ҳам, Кастрициус, ўз вақтида на Локарнога, на Совет Россияси билан савдо шартномаларига қарши чиқдингиз!

Кастрициуснинг назарида Клемм Бекернинг олдида анча баланд овозда гапираётгандай туюлди. Катта одамларда, бирор киши ёш бола олдида шалоқ латифани айтаётганда ана шунақа туйғу пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Кастрициус Бекер эшитсин, деб атайлаб баланд товуш билан жавоб берди: — Биз ҳозирча кучсизмиз, шунинг учун ҳам улар билан савдо қилишга мажбурмиз.— Кейин яна товушини пасайтириб давом этди: — Яхшиямки бизда битта эски партия бор. Бу партия, нима учун большевикларникига ўхшаш бунақанги революция ишчиларга зиён етказишини жон-жаҳди билан ишчиларимизга тушунтиришга ҳаракат қиляпти. Бу партия бизнинг фойдамизга ишляпти ва янги Совет давлати курашиши керак бўлган барча қийинчиликларни ҳормай-толмай тушунтириб берапти; шунинг учун

биз рус социализми дан кўрқмасак ҳам бўлади. Ишчилар бир-бирлари билан тортишиб шунчалик қийин аҳволга тушиб қолдиларки, бирорта янгироқ нарсани эшитсалар, хурсанд бўлардилар. Улар учун ҳамманинг ҳам жонига теккан анави жанжаллар тамом бўлса бўлгани. Шунинг учун ҳам мен, гарчи ҳамма банд қилинмаган пулларим Люксембург учун керак бўлса ҳам, ўша нацистларга бир оз пул бериб туришга қарор қилдим.

— Йўқ, билмадим, билмадим,— деб такрорлади Клемм.—Менинг назаримда жуда кўп нарсалар чигаллашиб кетгандай. Масалан, мана бу яҳудийлар воқеасини олайлик!—Кастрициуснинг таранг, қип-қизил юзини яна ажинлар босди ва одатдаги семиз юзларга ўхшаб, иккита пуфакдай кўпчиди:—Кечирасиз! Бир филиалимининг директори бор, унинг фамилияси Зондгеймер, ишбилармон йигит, лекин мен барча ишчиларимдан воз кечишдан кўра, ундан воз кечишни афзал кўраман. Майли, бечоранинг қовургаларини синдира қолишсин, мен уни кейинчалик ўз ҳисобимдан санаторийга юбораман. Ахир, бу, машиналаримни ёки Годесбергдаги уйимни бузиб ташлашларига қараганда яхшироқ-да.

Улар Кастрициус ўз директорининг жонидан ҳам афвал деб билган уй олдида келиб тўхтадилар.

Хўжайин Бекерга:—Сиз, ошхонага кира қолинг, сизни яхшилаб меҳмон қилишсин,— деди.—Кастрициуснинг қизи отаси ва меҳмоннинг олдида зинапоядан сакраб-сакраб, югуриб туша бошлади. Қиз дарров Клемм хусусан яхши кўрган вино навининг оғзини очишни ва стол устида турган чиннигулни кўйлагининг рангидаги қизил ва кўк гуллар билан алмаштиришни буюрди. Қиз машинада индамас, лекин Клемм уни доимо кузатаётганлигини сезарди. Столга ўтиришганда ҳам, у Клеммга қуралай кўзларини сузиб ер остидан қарарди, Клемм эса маъюс кўринарди.

Шу кунни кечқурун Клемм шоферига, мени иши чиқиб қолди, деб уйга телефон қилиб қўй, деб буюрди. Улар шаҳар четида боғдаги ресторан олдида тўхтадилар. Клемм вино буюрди. Клемм бирга ичиш учун Бекерни ҳам таклиф қилди; икковларининг юзлари ҳам бир зумда қип-қизариб кетди. Одатда бу вино ичилганда қизил тўла юзлар яна ҳам қизариб кетарди. Клеммнинг

хаёлидан яширин, ҳатто англашилиши қийин бўлган фикрлар ўтарди. Бекер эса индамасди, у қоматини ростлаб, хизматкор билан хўжайин орасидаги фарққа итоат қилган ҳолда стулини столдан сал нарироққа тортиб ўтирарди. Бекер Клеммни қандай хаёллар банд қилаётганини жуда яхши биларди: Клеммнинг кўнглига қорачадан келган қувноқ қиз, ўзининг қотма, индамас хотинидан кўра кўпроқ ёқарди.

— Сизни яхши меҳмон қилишдимиз, Бекер?

— Нимасини айтасиз! Менимча, жаноб фон Клемм, бу қизга уйлانган одам албатта бахтли бўлади.— Ота суюкли ўғлини қандай яхши кўрса, Бекер ҳам Клеммни ана шундай яхши кўрарди.— Ёш бўлса ҳам уй-рўзғор ишларини қойил қилар экан. Ёшлигидан ўрганган бўлса керак-да, онасининг боши касалдан чиқмаган экан.

Клемм ҳа дегандай бош ирғади. У ҳеч нарса демади. Бекернинг бу қиз ҳақида гапирганлиги ва шу билан гўё унинг суратини столга қўяётганлиги Клеммга ёқар эди. Клемм яна бир шиша вино буюрди; ресторанинг боғида улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Клемм хаёл суриб ичар эди. Унинг марҳум отаси ҳар қалай ҳақ экан: ахир у доимо ўғлининг шунга ўхшаш қизга уйланишини орзу қиларди. Ҳозир эса Клемм соф виждонли киши сифатида ўз тақдирига тан бериши керак, хотини уни ўлимдан деярли сақлаб қолди: ўша вақтда госпиталда уни парвариш қилиб соғайтирди, лекин энг муҳими — ўртада бола бор. Клемм суҳбатдошга эҳтиёж сезмаган бўлса керак,— овозини чиқариб, мулоҳаза қила бошлади. Бекер эса ихлос билан унга қулоқ соларди. Клеммнинг фикрлари унга қаттиқ таъсир қилар ва у бу фикрларни қувватлар эди. Клемм жаҳл билан бир-икки оғиз гапиргандан кейин бирдан жим бўлиб қолди. Шунда Бекер, дадил бўлиб ахир ўғилни отадан ажратиб бўлмайди-ку, деди. Клемм яна хаёл суриб гапира бошлади: бирор баҳона топмай туриб ўғилни онадан ажратиб олиб бўлмайди, бунақа қонун йўқ. Бекер ўз хўжайинига нисбатан ҳурмат сақлаб ўтираркан, шаънига муносиб мулойимлик билан гапида давом этди: «Уруш,— деди у,— тирикчилик ишлари учун ўзининг алоҳида, фавқулодда қонунларини барпо қилади. Масалан, тинчлик вақтда Рейн бўйидаги йўлларга қараганда уруш ҳаракатлари давом этаётган районда йўл ҳаракати қондаси бутунлай

бошқача». Клемм бир оз ҳайрон бўлиб қулоқ соларди, у Бекернинг шунчалик оқилона фикр юритишини кутмаганди. Мана ўн беш йилдан бери улар бирга, лекин бу орада у Бекерда шунақа қобилият борлигини сира сезмаганди. Шунинг учун ҳам Клемм ўқиниб шу вақтгача собиқ деншчигимнинг қадрига етмаган эканман деган қарорга келди. Бекер фақат бурнининг остинигина кўриб қолмасди, балки у бошқа одамларнинг кўнглидагини ҳам фаҳмлай оларкан, чунки у бу одамни севади.

— Ҳеч ким,— деб давом этди Бекер,— у хоҳ солдат бўлсин, хоҳ офицер, уруш унинг бошига солган фавқулодда қонунларга ҳамма вақт бўйсун олмайди. Демак, дўстлик, севги, никоҳ каби нарсалар тинчлик давридагига қараганда уруш вақтида бутунлай бошқача бўлади. — Клемм эса, агар товуш чиқариб ўйлаш мумкин бўлса, ўзича ўйлади: «Ҳа, урушда Леноранинг юзи тепамада худди қуёшдай нур сочиб турганди, ҳамма нарса: бинтлар, шприцлар, ҳатто тунги идишлар ҳам унинг юзидан ёруғ эди. Ҳа, агар бу лаънати тинчлик даврида ҳам уруш деб аталган бир орол ва шу оролда госпиталь бўлганида эди, ҳамма нарса ҳозир ҳам ўшандай бўларди. Бола эса хотинимга қараганда кўпроқ менга тааллуқли. Мен ўғлимни зинҳор бермайман. Лекин, мабодо ажрашишга тўғри келса, болани унга ҳукм қилишади; мен бунга чидай олмайман! Уғлим туфайли мен ҳар қандай азобга ҳам тайёрман...»

Бекер қулоқ соларкан, унга жудаям ёрдамлашгуси келарди. Ота сеvimли ўғлини азоб чекаётганини кўрганида илож ахтаргандай, Бекер ҳам Клеммга бу қийин аҳволдан қутулиш йўлини ахтарарди.

Шиша ярим бўшади. Бекернинг жуда ичгиси бор эди: лекин хўжайини унга таклиф қилишни унутди. Бекер эса ўзи қуйиб олишга ботинмади. Бекер энди гапира берсам бўлади, деган фикрга келди ва тутилиб-тутилиб гап бошлади:— Ҳар қалай болани сизда қолдириш йўлини топиш керак.— Ниҳоят, Клемм унга қуйиб, ўзи ҳам қуйиб ичди. Клемм: — Ахир болани онадан ажратиб бўлмайди-да,— деди.

— Йўқ, бўлади, агар она ёмон бўлса, шундай қилиш ҳам зарур.

— Қандай қилиб ажратиб бўлади?— деди Клемм.— Қонун сира йўл бермайди.

Буларнинг ҳаммасини у қаердан билишини Бекер-

нинг ўзи ҳам тушунмасди; лекин унинг хўжайинига жудаям ёрдамлашгиси келарди. Бундан ташқари вино ҳам баъзи вақтда кишининг ҳеч ақлига келмайдиган ўй-фикрларни эсга солади. Бундай фикрлар ҳар қандай аҳволдан ҳам қутулишга имкон беради.

— Мумкин, мумкин! Агар хотин айбдор бўлса бола, албатта ота билан қолади!

Клемм учинчи шишани келтиришни буюрди. У ўзи ва шоферга қуйди. Бекер худди чанқоқликдан ўлаётгандек очкўзлик билан ича бошлади; кейин бир оз ўзини тийди: унга ўхшаган одамларнинг очкўзлик қилиши ярамайди. Энди у жуда қаддини ростлаб, столдан яна ҳам нарироқда ўтирарди. Клемм:— Афсуски, у фаришта,— деди.— Ҳеч қанақа суд бирор нарсада уни айблай олмайди.

Бекер бир нарсага журъат қилгандай, ўзини ростлаган бўлди. Пайт келди, хўжайинига бор ҳақиқатни айтиши лозим. У бу ҳақиқатни ҳурмат юзасидан шу вақтгача сир сақлаб келарди. Агар шу гапни ҳозир айтса, хўжайинига ўз бахтини топиш йўлини кўрсатган бўлади.

Клемм Годесберг меҳмонхоналаридан бирида тунаб қолди. У ёлғиз қолиб, ўринда ўтираркан, бирдан ўзини ноқулай аҳволда ҳис қилди: бундай қалтис масалани шофери ёрдами билан амалга ошириш номуносибдай туюлди. Бекер эса рухсат олгандан кейин Висбаденга кетди. У ерда, «Кайзергоф» меҳмонхонасида унинг гаплашиб юрган қизи ҳали ҳам хизмат қиларди. Бекер қизга ўтган воқеани эслатди: уни судда гувоҳлик беришга мажбур қилди ва бекорга ўтган вақти, тортган ташвишлари учун ҳақ тўлашни ваъда қилди.

Клемм Бекер айтган гапларга ортиқ аҳамият бермади, лекин бу гаплар жудаям қўл келганди. Тўғри, ажралиш расм-расуми жуда кишининг гашига тегадиган иш, лекин энди, у бу воқеаларга дарров барҳам беради, уни бирор нарсада айблаш ҳам қийин бўлади; ҳар қалай, ўтган ишларга афсус чекишнинг фойдаси йўқ.

### III

Ленора яна холасиникига кўчиб келган ва ёшлик вақтларидегидек, қизлигида ётиб юрган каравотида ухлар эди. У қайтиб келгандан кейин бола тўғрисида су-

риштиришган эди, у мужмал жавоб қилди. Эрталаб Амалия хола Леноранинг юзидан, унинг кечаси йиғлаб чиққанлигини дарров пайқади. Жияни илгаригидан кўра камгап, тўнг эди. Лекин одамлар ўзи гапирмаса, Амалия хола ҳеч қачон суруштириб ўтирмасди.

Кўни-қўшнилар унинг кутилмаганда тез қайтиб келишидан ҳайрон бўлишди, Мальцан эса офицерлар клубига бориб, ҳамма нарсани билиб олганди. Аввалига у хотини билан маслаҳатлашди — ҳар қалай аҳвол қалтис, қайси томонга ён босиш кераклиги ҳам ноаниқ: бир томондан, фрейлен фон Венцлов туфайли жиянига раҳм қилиши керак, иккинчи томондан эса — эндиликда Берлинга тез-тез келиб турадиган Клемм уларнинг ёрдўстлари билан ошна, Шпрангерлар хонадонининг азиз меҳмони, қола берса, суд Ленорани айбдор деб топибди. Шунинг учун ҳам энг яхшиси — ўзларини билмаганликка солиш ва холани хафа қилмаслик учун жияни билан хушмуомалада бўлиш.

Лекин тез орада Амалия холаининг ўзи ҳам қандайдир бир фалокат рўй берганлигини сезиб қолди: чолу кампир Мальцанлар бир-бирларига қарашиб қўйишади, жиянининг кўзлари доимо ёшланган бўлади: у қандайдир расмий қозғолар олиб туради. Аввалига хола гап оддий ажралиш ҳақида бўлса керак, деб ўйлади; у ҳеч қачон анави Клеммга ишонмасди, бунақа одам кўнглига келган ишни қилиб юравериши аниқ. Холанинг келини, Ленора биринчи келганида бўлганидек бу сафар ҳам туғиш учун уйга келди. Оила энди кўпчилик бўлиб, тез-тез бирга тўпланишиб туришарди, шунинг учун ҳам Амалия хола тез орада имо-ишоралардан бўлиб ўтган воқеага тушушиб қолди. У қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолди. Ахир қизча (хола ҳанузгача Ленорани кўнглида қизча деб атарди) унинг уйида тарбия топган-ку. Албатта, у яхши иш қилмаган ва қилмишига яраша жазо тортган — унинг боласини тортиб олишган; энди унинг, мана бу тарбия топган уйдан бўлак бошпанаси йўқ. Лекин агар Леноранинг ўзи бебахтлигидан оғиз очмас экан — ундан бу тўғрида сўрамагани маъқул.

Ленора шундай қилиб, ўз қилмишлари ҳақида ҳеч кимга оғиз очмай юраверди; оиланинг бошқа аъзолари унга раҳмлари келишдан кўра кўпроқ Ленорадан ўзларини четга торта бошладилар. Бирон киши унинг келиш сабаблари тўғрисида оғиз очишни истамасди.

Амалия хола ўз хонадонининг шаънига доғ туширмаслик учун қўни-қўшнилар олдида ортиқча бирон нима дейишга қўрқарди. Мальцанлар эса бу димоғдор аёлни тўсатдан хафа қилиб қўйишдан чўчирдилар, Ленора эса нафратни ҳам, ғазабни ҳам, аламзадаликни ҳам сезмас эди. У энди йиғламасди. Хола жияни кечалари чарчмасдан хонасида у ёқдан-бу ёққа юрганлигини эшиттарди. Ленора ҳеч ким ундан ўтган ишларни суруштирмаганлигидан хурсанд эди; агар у ўзи ҳақида бирор одамга гапириб бергундай бўлса ҳам, бундан унинг кўнгли бўшаб, енгил тортмас эди. Бу хонада қачонлардир унинг ўғли ётган; Ленора ўзини қандай тарбиялаган бўлсалар, ўғлини ана шундай тарбия қилишни орзу қиларди. Лекин у жигарпорасидан маҳрум бўлиб қолгач, бутун хонадон ҳам Ленора учун ёшлигидан бери қимматли бўлган нарсадан ажралиб қолганди. Ленора Клемм унинг бўйнига қўйган айбларни дарров тан олди; у суднинг ҳукмига қарши курашадиган усуллар бор-йўқлигини билмасди. Фақат у анави хунук кампирдан — Амалия холадан ўттиз икки тишини ёрмаганлиги учун кўнглида чуқур миннатдор эди; бундан бошқа масалаларда унинг Шарнхорштрассега яна қайтиб келиши, бундан олдин ўғли Гельмут билан келганлигидан ҳечам фарқ қилмасди.

Леноранинг келини яна бола кўрди: Ильза ўтган сафарга ўхшаш тишини тишига қўйиб ётарди, унинг бундай ҳоли ўз болаларини қийинчилик кўриб туғишида эмас — ахир Библияда ҳам шу тўғрида айтилганку — балки аламдан, афсус-надоматдан эди, чунки иккинчи боласи ҳам қиз эди: Ленора чақалоқ ва онаси билан келган тўнғич қиз билан овора бўлиб кетди. Ленора ҳамма ишни ҳам хомушлик билан қиларди; у келинининг кўнглини кўтаришга бу сафар ҳам журъат қила олмай, ичида: «Албатта, ўғил бўлса яхши бўларди, бизнинг замонамизда қиз боланинг бошига нималар тушишини ким билади?» — деб ўйларди. Дарахт ўсаётган еридан бошқа ўрмонга бориб ўсишни ўйламаганидек, ўз ҳаётини бошқа бир ҳаётга алмаштиришлик Леноранинг хаёлига ҳам келмасди. Дарахт ҳам ўсаётган ерида чуқурроқ томир ёйишга интилади.

Хотини билан боладариини олиб кетгани Леноранинг укаси келди. Ленора фақат ўз ғам-кулфатини ўйларди. Лекин, Ильза эрини зоҳиран гуноҳкорлик билан кутиб

олганлигини кўриб, Ленора ўтган сафаргидек ўзини жудаям ноқулай сезди. Ўзининг ғам-алами туфайли, атрофидаги муҳитда қандайдир нотўғри ва ноаниқ, лекин муқаррар нарса бор эканлигини Ленора жиддийроқ сезарди.

Доимо Мальцанларникида тўпланадиган хизматдошлар аста-секин бўлган воқеаларнинг ҳаммасини билиб олишди. Лекин улар ҳам чурқ этмасдилар, чунки ҳар қандай савол оиланинг роҳатини, тинчлигини бузиши мумкин эди. Ленора Клемм уларнинг ўртасида чурқ этмай, қовоғини солиб, қўлидаги чой қошиқни ўйнаб ўтирарди. Укаси бошқаларнинг ўрнига ҳам ўзи гапирарди. У бу ерда меҳмон эди, шунинг учун ҳам уни саволларга кўмиб ташлашди; Ульм суди ҳаммани қизиқтирарди. Бир группа ёш офицерлар национал-социалистлар ташкилотини тузган ва бу ташкилотнинг солдатлар орасида ҳам вужудга келтиришга ёрдам қилмоқда эдилар. Ленора укасининг чўзиқ юзини таажжубланиб томоша қиларди. Наҳотки унинг юзи ҳамма вақт шунақа бўлган бўлса? Наҳотки у доимо шунақа гапирган бўлса? У қамоққа олинган ёш йигитлар ҳақида, гўё ўзи улардан анча каттадек, гердайнб ҳикоя қиларди: хўш, улар анави янги ғояларнинг қармоғига илинишди, лекин офицерда фақат битта армия деган ғоя бор. Ахир армия — бу миллат, ҳар қанақа вазиятда ҳам миллатнинг энг ишончли кучи. Ҳамма гап шунда-ки, вазият тўхтовсиз ўзгариб турибди: янгилик фақат мана шунинг ўзидангина иборат. У ана шунга ўхшаш ташкилотлар билан сира тўқнашганми? Йўқ, тўқнашмаган. У бундай ташкилотлар билан шафқатсиз курашган бўларди.

Бирдан Штахвиц бундай деди: — Балки, улар ҳам худди сен ўйлаган нарсани — янги вазиятдаги эскиликни назарда тутаётгандирлар? Бу нарса фақат, думи юлинган рейхсвер эмас, балки умумий ҳарбий мажбуриятга асосланган қудратли армиягина бўлиши мумкин. — Кейин яна оҳиста қўшиб қўйди: — Менимча, ўша йигитлар ҳам шундай деб ўйлаган бўлсалар керак.

Венцлов кескинроқ жавоб берди: — Урушда баҳслашмайдилар. Сенга атакани бошқа томонга буриш маъқул бўлганлиги учунгина батальонда янги бир ташкилот тузишмайди. Буйруқ қилиш ва бўйсунуш — мана шу иккаласи инсон хоҳишининг бирдан-бир мумкин бўлган йўналишидир. Озод инсон учун бўйсунуш ҳам буйруқ

қилишдек бир гап.— У ўз уйида бўлиб ўтган гап-сўзларни эслади. Штахвиц ҳам мана шу безовта, чалкаш ҳаётдан нажот ахтараётган бўлса керак, балки бу янги партия ҳақида одамларга гапирганига қараганда эҳтимол кўпроқ нарса билса керак.

Штахвиц яна одатдагидек камгап бўлиб қолди. У гап орасига бир-икки сўз қўшиб қўйишга ўрганиб қолган, одамлар бекорга ундан гапининг давомини кутиб ўтиришарди. Аслида, у отпускаси вақтида, Амалия холани кўриш учунгина бу ерга келганди. Штахвиц ёшлигидан бери Амалия холага қандайдир меҳр қўйган эди.

Бир неча ой ўтгандан кейин Клемм билан шофери яна ўша ресторанинг боғчасида ўтиришарди. Тўй куни белгиланган эди; барча тайёргарликлар тамом бўлган, ҳамма қийинчиликлар бартараф қилинган эди. Ленора алақачонлар холасиникига кетган. Эри билан олишиб юриш унинг хаёлига ҳам келмаганди. У холасиникига кетгандан бери Гельмут Годесбергга яшарди. Фақат бир масалада Клемм қаллиги билан келиша олмасди; лекин, охирги дақиқаларда қаллигининг жаҳлини чиқармаслик учун унинг раъйига қараб иш тутди. Клеммнинг қаллиғи қандай қилиб бўлмасин ўзи билан бирга шахсий шоферини олиб кетмоқчи эди. Тўғри, Бекерга Клеммнинг бўлажак қайнотаси Кастрициусникида унчалик ёмон бўлмасди. Кастрициус шоферларни алмаштиришга жонжон деб рози бўлган. Клемм борди-ю уни ишдан тўғри-ўриқ бўшатадиган бўлиб қолса, унга пул тўлаб туриши керак эди, ҳозир эса тўламасди, у бундан қутулганга хурсанд эди.

Клемм ёлғиз қолган пайтларида, келинга шундай ваъдани бериб қўйганлиги учун пушаймон ерди. Лекин, у тўйни қилганимиздан кейин хотиним менинг шоферимга нисбатан бўлган нотўғри тушунчасини эсдан чиқариб юборади, ана шундан кейин яна Бекерни ўзимга ишга оламан, деган фикр билан ўзини овуларди.

«Кўнглисиз ишларини иложини борича тезроқ ҳал қилиш керак»,— деб ўйлади Клемм ва уйга жўнашдан илгаридан Бекерга ишдан бўшаганлигини айтмоқчи бўлди.

Бекерга хўжайини бирга ичайлик деганида ҳамини ҳам жуда хуш ёқарди. У ўтирган одамларнинг унга ҳай-

рон бўлиб қараб турганларини кўриб ҳузур қиларди. Шофер одатдагидек стулини столдан нарироққа қўйиб ўтирди. Агар кишини охирги марта кўраётган бўлсанг, худди биринчи марта яна кўраётгандек бўласан, киши. Клемм ҳам биринчи марта шоферининг қай тариқа ўзини камтар ва содиқ хизматкор сифатида тута билишини сезди; у Бекерни худди ишдан бўшатишдан олдин эмас, балки ишга олишликдан олдин кўздан кечириётгандек эди. У шофери билан бирга бошидан кечирганларини бошдан-оёғигача ўйларди: «Аттанг-а! Нега энди қаллигим шунчалик ўжарлик қиларкин-а? Бунақа одамни топиш қийин. Жуда ишончли, бундан ташқари жуда камтар». Ниҳоят у ўзини зўрлаб:— Азизим Бекер,— деди,— иккаламиз бирга бошимиздан кўп ишларни кечирдик!

Бекер ҳам:— Жудаям тўғри айтдингиз, жаноб фон Клемм,— деб жавоб берди.

— Шунинг учун мен сизга айтмоқчи бўлган гапимни айтишга қийналаман. Ишонинг, мен сизнинг хизматларингизни асло унутмайман.— Бекер эса ичида: «Бу нима демоқчи ўзи?»— деб ўйлади. Кейин Клемм ичганлиги учун у ҳам ичди. Шофернинг бахтига, қўшни столда қачонлардир шу ерда бирга ўтирган ўша йўл ишчилари ўтиришар ва яна хўжайин хизматкори билан бирга ичишиб ўтирганини кўриб ҳайрон бўлишар эди.

— Сиз менга шунчалик ишлар қилдингизки Бекер, бунақанги нарсаларни эсдан чиқариб бўлмайди; ҳеч бўлмаганда, мен уларни эсдан чиқара олмайман. Шунинг учун сиз бирон нарсага зориқиб қолсангиз ёки бошингизга бирор ташвиш тушса, тўппа-тўғри менга айтаверинг.

«Таажжуб,— деб ўйлади Бекер.— Бугун бунга нима бўлди ўзи?» Кейин шундай деди:

— Ҳа, албатта, жаноб фон Клемм;— у Клемм ичганлиги учун дарров ўзиникини ичиб стаканни бўшатди. Клемм яна ўзига ва Бекерга қўйди.

— Гап шундаки, Бекер, гарчи бир оз вақтга бўлса ҳам биз бир-биримиздан ажрашишимизга тўғри келади. Қаллигим ўз шоферимни олиб келаман, деб туриб оляпти. Бу ишда, сиз билан мен Бекер, ҳеч нарса қилолмаймиз. Айниқса ҳозир қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Мен, албатта, айтайлик бирор йилдан кейин сизни яна қайтариб олишга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан — бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Унгача

мен сизни бир яхши жойга ўрнаштириб қўяман. Қайно-там ҳозироқ сизни ишга олишга тайёр. Маошни ҳам кўпроқ беради. Иш эса, менимча, камроқ бўлади.— Бекер донг қотиб, бақрайганича хўжайинига тикилиб қолган-ди. Клемм эса давом этди:— Бир вақтлар Кастрициуснинг хонадонини мақтаганлигиниз эсимда, шунинг учун мен ўйлайманки, сиз у ерда дам оласиз.

Бекер овози бўғилиб, Клеммнинг гапини бўлди:— Менинг тўғримда ташвишланманг, жаноб фон Клемм.

— Нега ташвишланмас эканман, азизим Бекер, ахир шунча вақтдан бери сиз билан мен ака-ука бўлиб қолдик-ку; ёш хотинлар бунақа нарсаларни тушунишмайди. Менимча, Норанинг миясига қандайдир бир фикр ўрнашиб қолган бўлса керак — у эрим шуни кузатувчи қилиб қўйган, энди бу мени назорат қилиб юради, деб қўрқади. Лекин бу ишлар бартараф бўлиб кетади. Келаси йили ёзги отпускамиз даврида сен иккаламизни Европа бўйлаб машинада сайр қилдиришинга ишонаман.

У ҳозиргина қуйилган винони ичди. Бекер ҳам ичди; у ҳамон ўша вазиятда, таёқдек ғўдайиб ўтирарди. Шу вақтгача на алам, на ўқ уни шунчалик қийнаб, чексиз азоб бермаган эди. Бундай қақшатғич янгиликни охиригача тушуниб етмаган Бекер ҳар қанақа бемаъни хаёлларга борди: «Албатта, қизчанинг хўжайинимга тегишига ёрдамлашдим. Мен бу қизни сувдан саломат олиб чиқдим, десам бўлади, у эса бу хизматим эвазига мени сувга чўктирмоқчи; балки, у менинг кетимдан ҳам кузатиб юрмасин деб, хавфсираса керак».

Кейин Клемм:— Қани, кетдик, Бекер. Мен ҳали Майнцга бориб, визит карточкасини фрейлен Класга ташлаб ўтишим керак. Кейин Қастелль кўприги орқали уйга қайтамиз.— Бир-бирига тақаб қуйилган столларда ўтирган ишчилар ҳали ҳам ичишаётганди, уларнинг ёнига яна бир неча ўртоқлари келиб қўшилганди. Клемм билан Бекер уларнинг ёнидан ўтиб кетаётганларида ишчилардан бири бир зум тикилиб уларни кўздан кечирди. Кейин ишчилар энгашиб пичирлаша бошладилар. Клеммнинг кимга пул билан ёрдам қилиб туриши ва кимларни уйда қабул қилиши француз полицияси агентларига қараганда кўпроқ буларга маълум эди. Илгарилар Бекер бу ерга келиб, Клемм билан бир столда ўтириши унга жудаям хуш келар эди. У ўша вақтда йўл ишчилари, бунга тушуна олмайдилар, албатта деб ўй-

ларди. Бекер ва унинг хўжайинига ўхшаган одамларнинг ватани битта, улар бирга жанг қилишган, биргаликда бошларидан кўп нарсаларни кечирган, деган фикр бу ишчиларнинг хаёлига сира ҳам келмайди. Ҳозир эса Бекер ўша ишчиларнинг ёнидан ўтиб кета туриб ичида: «Наҳотки Клемм, мени бир крепостной сифатида Кастрициусга осонгина ўтказиб қўя қоламан, деб ўйласая?»— деб ўйларди.

У, келиб, машинага чиқиб ўтирди-да, моторни ўт олдириди, кўнглидаги ноаниқ ҳис-туйғулар, алам ва умидсизлик чигаллари бир оз ечилгандай бўлгандан сўнг дандилроқ бўлиб ўзига-ўзи деди: «Бу одамга кўп хизматим сингган, мен уни жуда кўп ўлимдан сақлаб қолганман; у хотинидан ажрашмоқчи бўлиб чора ахтараётган вақтда, мен уни худди ўғлимдай ёки ўз отамдай севганим туфайли, ҳатто ярамас ишга ҳам журъат қилдим; мен уни қутқазиб учун ана шундай ярамас йўлга ҳам кирдим. У эса, ҳозир, шунчалик ишларга кўнган йигит билан пачакилашиб ўтиришининг сира ҳожати йўқ, деб ўйлаётган бўлса керак».

Улар шаҳарга Рейннинг ўнг қиргоғи бўйлаб, Буденгейм ва Момбах орқали жўнашди. Клемм олдинга энгашиди-да шундай деб гап бошлади:— Ҳақиқатан ҳам бизнинг ажралишимиз жуда ачинарли! Менинг таклифимни ўйлаб кўринг, мен эса бир йилга ҳам етказмай, қаллиғимни қайтадан тарбиялаб оламан. Шунинг учун сизнинг шу яқин ўртада юрганлигиз маъқул. Биз бир-биримизга кўнглимизда бор гапни айтишга ўрганиб қолганмиз,— Бекер машина ойнасидан Клеммнинг юзини кўриб турарди. Клеммнинг чеҳраси мулоим ва ҳамон ёш кўринарди. Бекер анчадан бери, худди мана шу қалин сариқ мўйловли, бурни катта киши, дунёдаги энг азиз одамга ўрганиб қолганди, ҳозир эса бу одам унга алам ўтказганди. Клемм эса гапида давом этарди:

— Майли энди, бу сизга бир отпускадай гап бўла қолсин, бу жудодик қандайдир ярамас иш бўлди! Мен айтяпман-ку, бу хотинларнинг инжиқлиги! Иккита эркак бир-бирига қанчалик дўст бўлишини хотинлар тушунмайди. Арденна ўрмонида, икковимиз бир тўда ўликларнинг устидан эмаклаб ўтиб, қурооларимизни ўқлаб отардик, душман эса бизни иккита эмас, балки йигирмата деб гумон қилганлиги эсингдами? Эсингдами Бекер?

Ушанда мени қандай қилиб кечаси душман маррасидан олиб ўтганлигинг эсингдами?

Бекер бўғиқ овоз билан жавоб берди:— Биз ҳатто французлар қишлоқни эгаллаб олганлигини ҳам билма-гандик.

— Кейин биз қандай қилиб Болқонда машина олган-дик, эсингдадир-а? Сени мен билан бирга қолдирсин-лар, деб деншчигим гўё илгари шофер бўлган деб инон-тирганман.— Бекер эса ҳар бир эсдалиқдан сиқилиб кетаётгандай, зўрға деди:

— Мен икки ҳафтада машина ҳайдашни ўрганиб ол-дим.

— Ушанда, биз агар майиб бўлганимизда ҳам сен айбдор бўлмасдинг. Лекин биз эсон-омон Истамбулдан Софияга, Софиядан эса Будапештга ва кейинроқ Венага етиб олдик.— Бекер ичида:— «Мен ўшанда машинани пачақлаб юборишим, уни ҳам, ўзимни ҳам ўлдиришим мумкин эди. Мен бу ишда айбдор ҳам бўлмас эдим»,— деб ўйлади.

— Манави одамчи,— эсга олди Клемм,— венгер че-гарасида машинага миндириб олганимиз! Биз уни қар-ши томонга олиб кетдинг-у, у ҳатто сезмади ҳам. Биз чехлар юртига ўтиб олдик, деб ўйлаганди у. Кейин ни-ма гаплигини билгандан сўнг, юзи бўздай оқариб кетди! Бекер эса:— «Ҳа...»— деди-да, кейин ичида: «Бу одам-нинг буйруқлари менга худди ўнта дин буйругидай му-қаддас эди»,— деб қўйди.

Улар гавань божхонасида бир оз ушланиб қолдилар; иккита қоровул очиб қўйиладиган кўприкни тўғрилай-ган эди. Клемм эса давом этарди:— Эсингдами, биз Бер-лингга қизилларни ҳайдаб чиқариш вақтига етиб келган эдик? Ўша кечаси, биз манежни қизиллардан тозала-дик-а? Сен, Бекер, мени бў участкадан наригисига олиб юардинг. Битта ўқ машинанинг қанотига, яна бири суянчиғига келиб тегди. Кейин биз, Новавесга қайтишда халқ ҳарбий-денгиз дивизиясидан асир олинган одам тушган машинани учратдик. Биз пачакилашиб ўтирмай, ўша ернинг ўзидаёқ асирни бир ёқлик қилдик.

Бекер қовогини солиб деди:— Йўқ, мен бу ишда қат-нашганим йўқ.

Клемм шошилиб эътироз билдирди:— Нега энди, на-ҳотки эсингда бўлмаса? Машинамизнинг покришқаси ёрилиб кетгандан кейин биз асирни олиб кетаётган ма-

шинага тушгандик. Биз ҳаммамиз, асирни бир ёқлик қилиш учун яна машинадан тушгандик. Анави лаънати Ливен ҳам биз билан бирга эди.

Бекер:— Ҳа, у бор эди, мен йўқ эдим,— деди.

— Илгариги қайним Венцлов ҳам бор эди.

— У ҳам бор эди,— деди Бекер, худди маст ёки умид-сизланган қайсар кишидай,— яна бир соқчи ҳам бор эди, у ҳам иштирок этган. Аввалига биз беш киши эдик. Ке-йин сизлар машинадан тушиб кетдиларинг, мен қолдим. Иннайкейин сизлар уни жаҳаннамга жўнатдиларинг. Мен йўқ эдим, сиз учовингиз отгансиз. Мен кейин уни кўмишга ёрдамлашганман.

— Хайр майиб, сен кўмишга ёрдамлашгансан. Мен ҳозир тезроқ Таунусштрасседаги 11-уйга кириб чиқишим керак. Кекса қиз уйда бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Улар шаҳарга киришди. Бекер подъездда тўхтади. У чекмоқчи бўлган эди, кейин бу фикридан қайтди: «Эн-ди чекишнинг нима фойдаси бор?»— Ҳатто назарида эн-ди папирос ҳам бемаза эди. Клемм шу заҳотиёқ оғзи қу-лоғига етиб қайтиб келди:— Хайрият, кампир чиндан ҳам уйда йўқ экан.— Бекер одатдагидек машинанинг эшигини очиб учун ирғиб тушди. Лекин машина эши-гининг тутқичини босганда, унинг кўнглида қандайдир янги, қатъий ҳис-туйғу пайдо бўлди. Клемм машинага ўтира туриб шоферининг чеҳрасини кўрмади. Бекер дар-ров ўгирилиб олди. У Клеммга қараркан энди бу одамга нисбатан одатдаги меҳр-муҳаббат йўқлигини сезди. Бар-ча олижаноб ҳис-туйғулар гўё шамолнинг бир зўрайиши билан сўнггандай эди; унинг таниш башараси энди наф-рат уйғотарди, машина эшигини очиб туриш эса хўрлик келтирадигандай туюларди. Клемм уни шошилтира бошлади:— Тезроқ, тезроқ! Ун минутдан кейин уйда бўлишимиз керак.

Бекер ичида: «Тезроқ, тезроқ эмиш, кўнглинг нима-ларни истайди! Бунақа оҳангда гапиришни энди ташла-шинг керак!» Унга нечоғлик тез ва қатъий жавоб бер-ган бўлсалар, Бекернинг ҳам ўшандай тез ва қатъийлик билан қасос олгуси келиб қолди. Лекин қўллари ўрга-ниб қолганлигидан беихтиёр секин ҳайдаб борарди. У бирдан машинани бурди, улар Майнц томонидан кўп-риқка қараб кетишди. Бекер ҳозир машинани кўприк-ларда ман қилинган тезликда ҳайдаб борарди.

— Эҳтиётроқ бўл!— деди Клемм,— ҳу, ана француз

соқчиси турибди.— Лекин Бекер яна тезликни оширди. Клемм қўлини унинг елкасига ташлади. Француз соқчидан бир неча метр берида маҳаллий полициячи турарди, у машинани тўхтатиш мақсадида қўлини кўтарди. Лекин улар жиннига ўхшаб унинг ёнидан қуюндай ўтиб кетганларидан кейин полициячи кўприкнинг нариги томонидаги соқчига ҳуштак чалди. Бекер машинани тўхтатган деб елкасини қаттиқ қисаётган хўжайинининг қўлини сизди. Хўжайинининг бундай ҳаракати унинг кўнглидаги бор ғазабини ҳам қўзғатиб юборди — у рулни буриб юборди. Машина ўша тезликда кета туриб, кўприк панжарасини ёриб ўтди-да, Рейнга тушиб кетди.

Амалия хола ошхонада картошка тозалаётди, деразадан иккала жияни ўзларининг севган жойларида — эски арғимчоқда ўтиришганини кўриб қолди.

Уларнинг гапи холанинг қулоғига эшитилмасди; лекин жияни укасига қараб ниманидир жон куйдириб гапирётганлигини кўриб, холанинг кўнгли бир оз енгил тортди. Бечора аёл тўғри қияпти, ўз кўнглидагини очиқ-ойдин гапира оладиган ягона киши шу. Кейинги кунларда Ленора кечалари ҳам йиғламай қўйган, у ҳайкалга ўхшаб қолганди. Шунинг учун ҳам Амалия холанинг кўнглида жиянига нисбатан қандайдир меҳр уйғонганди.

— Ливен билан Клемм қасрда тўқнашиб қолишибди?— сўради, бутун воқеани хотинининг ота-оналаридан билиб олган Венцлов.— Улар яккама-якка олишишибди-ми?

— Қаерда яккама-якка олишади!— жавоб берди Ленора.— Ливен аллақачонлар йўқолиб кетган. Унинг ҳозир қаерда эканлигини билмайман ҳам. Тўғри, мен бир замонлар бир-икки кун унга кўнгил бергандим. Айтайлик, бундай воқеалар сиз билан, эркаклар билан ҳам бўлади-ку. Энди уни кўришга сира тоқатим ҳам йўқ. Клемм эса уни ахтаргани ҳам йўқ. Ўзини дуэлда отиб ўлдиришларини у ҳечам хоҳламайди. У иккинчи марта уйланмоқчи.

Венцлов деди:

— Сен жудаям аҳмоқлик қилибсан, опа. Нега энди сен дарров ҳамма гапини бўйнингга ола қолдинг?

— Мен нима ҳам қила олардим? Ахир мен, жуда нари борса иш ажралиш билан тугайди, деб ўйлагандим.

да, болани мендан ажратиб олмоқчи бўлганини қаёқдан билай.— Ва яна қўшиб қўйди:— Ҳаммасига анави Бекер айбдор, унинг шофери; мен уни доимо ёмон кўрардим. У Клемм учун ҳар қандай ишни қилишдан ҳам тоймайди. Агар Клемм хоҳласа, у одам ўлдириши ҳам мумкин.

Венцлов деди:— Ҳа, кўр-кўрни қоронғида топган.

Бир неча кундан кейин фалокат ҳақидаги хабар келди. Ленора суддан ўғлини олиб кетиш ҳақида рухсат олди. Амакиваччасининг йўқлигида унинг ишларини олиб бориб турган ва бундан кейин ҳам унинг ишларини давом эттириши керак бўлган Клемм боланинг ҳомийси қилиб белгиланган эди. Ленора бу Клеммни деярли билмасди. Марҳум Клемм бу Клемм ҳақида бир оз истеҳзо билан гапирарди. Бу Клемм эса, мени ҳамма вақт қаторга қўшишмайди, деб хафа бўлиб юарди. Ҳақиқатан ҳам шу вақтгача унинг ишлари ўнгидан келмаганди. У ўтакетган расмиятчи, уқувсиз, бачкана эди. Унинг ўз ўғиллари бўлиб, яна бир бегона болани олиб, бошига ташвиш орттиришни истамасди. Ленора унинг бу ишга аралашувидан кўрқмаса ҳам бўларди. Клемм ҳатто ҳамма нарса аввалгидек кетаберишидан хурсанд ҳам бўлди. Ленора ўғлини олиб келишга Наугеймга кетди.

Болани Наугеймга Кастрициусларникида хизмат қилувчи бир кекса тарбиячи хотин олиб келди. Гельмут Клеммнинг бўлажак қайнотасиникида бир неча ой яшарди. Тарбиячи хотин болани ахлоқи шубҳали онанинг қўлига топширяпмиз, деб йиғларди. Боланинг тарбиясини менга топширишса яхши бўларди, дерди у. Гельмут янги оилага жуда ўрганиб кетган эди, бу ердан кетишини билиб, у ҳам йиглаб юборди. Боланинг бу қилигидан Леноранинг алами яна зўрайди. Ленора ҳам болани дарров овунтириб оладиган эпчил ва қувноқ аёллардан эмасди. Ориқ, бағри тош Амалия холанинг фақирона уйидаги ҳаёт эса, болага Кастрициусларникидаги оз фурсатли, лекин ёқимли ҳаётнинг ўрнини боса олиши қийин эди. Бола энди ана шу кўнгилли ҳаётдан маҳрум бўлган эди.

#### IV

Шу пайтларда Ливен ўзининг эски ёру дўстлари орасида деярли кўринмаганлиги сабабли — таниш-билиш ва уй-жойнинг тез-тез ўзгариб туриши унинг назарида худди бошқа мамлакатга кўчиб кетгандек туюларди,— агар



Клемм уни зўр бериб ахтарганда ҳам, Клеммларнинг уйида бўлиб ўтган жанжал ҳадеганда унинг қулоғига етиб бормас эди. Лекин зарур бўлган барча гувоҳлик маълумотларига эга бўлган Клемм кўнглидаги ниятига эришди, шунинг учун Ливенни ахтариб топишни унчалик истамас ҳам эди. Ливен эса ҳамон ўзининг шартни кетиб парти қолган флигелида яшарди; унинг эски қадрдони Лютгенс Ливеннинг раъйига қарамай тез-тез унинг диванида тунаб қоларди, чунки Лютгенс анчадан бери ишсиз эди: гимнастика курси бўлмади. Лютгенс хор бўлиб ҳаёт кечирган сари, унинг тасавуридаги истиқбол ҳақидаги тунги ўй суришлари янада шижоатлироқ ва дабдабалироқ бўлиб туюларди. Шунинг учун ҳам бошпанасиз қолиб, кечқурунлари Ливеннинг диванида оч ётмасин, бу истиқбол унга шунчалик зўр ҳукмронликни ваъда қиларди. Бундай вақтларда у келажакда ўзини титраб-қақшаб турган одамларга амр қилиб тургандек сезар ва жоҳилона эҳтиросларга берилар эди.

Ливеннинг национал-социалистлар партиясига қабул қилиниши унинг ўзи истаган шарт-шароитларда амалга ошди. Уни ўз динига ошкора эътиқод қилиш деган нарсадан озод қилишди; у худди намоёишларга, йиғинларга ва ўчиб-ёнадиган рекламалар фирмасининг хизматчилари партиясига жалб қилишларга нечоғлиқ нафрат билан қараса, бу нарсага ҳам шундай нафрат билан қарарди. Раҳбарлар унинг илгаригидек таниш-билишлари орасида ишсиз офицер деган ном билан юришишни маъқул деб топдилар. Гап нацистларнинг вакиллари билан ҳарбий группалар ўртасидаги музокараларга тааллуқли бўлганда эса, Ливен ўзини усталлик билан худди, умуман, нацизм маъқул эмас, лекин нацистлар билан алоқада бўлиш мумкин деган одамдай тутарди. Шунинг оқибатида у доимо ана шу группалар ўртасида алоқа ўрнатишга муваффақ бўларди.

Омад ёки муваффақиятсизлик жуда кам пайтларда алоҳида келади, кўпинча у бир вақтда келади. Бу йил эса Ливеннинг иши жуда юришиб кетди. Аввалига у капитан Штеффен деган бир одам билан учрашди. Капитан Штеффен «Пўлат шлём»нинг аъзоси эди ва шу тўфайли у юқорида зикр қилинган «яқинлашиш» кечаларига қатнашиб турарди. Ливен капитан Штеффен билан жаноб Кастрициус томонидан «Адлон» меҳмонхонасида берилган тантанали зиёфатда учрашган. Штеффен ҳам,

Ливен ўша вақтда зиёфат эгасининг энг яқин кишиларидан бири бўлганлигини жуда яхши эсларди. Шунинг учун ҳам у ҳозир, Ливен билан яқинлашиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келганди. Штеффен бир куни Ливеннинг анча сўлғин юзини кўриб, бу одамни яна қаддини ростлаб олишига ёрдамлашиш керак деган фикрга келди. Штеффен Ливен билан бирга ичиб чақчақлашарди; у Ливенни банкир Геймс билан таништириб қўйишга ваъда қилди. Геймсга Шарқ билан иш олиб бориш учун тил биладиган ва диққат билан кузатиб бора оладиган вакиллар керак эди, чунки бу ишлар ҳозир кенг авж олиб кетганди.

— Менимча, Ливен сиз менинг хўжайиним жаноб Геймсга жуда боп одамсиз. У сизнинг фамилиянгизни эшитган шекилли. Ахир сизнинг Латвияда ер-мулкингиз бор-ку.

— Бор эди. Мусодара қилинган.

Тўғрироғи, амакиваччасининг ер-мулкни мусодара қилишган, унинг ўзи эри эса ҳозирги пайтдагидан ортиқ эмасди, лекин уларнинг фамилиялари ўхшаш эди.

— Фақат сиз национал-социалистларга хайрихоҳ эканлигингизни Геймсга билдирманг: у «социалист» деган сўзни эшитса, жони чиқиб кетади. Сиз унчалик кўрқманг. Сизнинг уларга хайрихоҳ эканлигингизни мен сезганман. Иш жойимда мен ҳам уларга хайрихоҳ эканлигимни яшираман.

Ливен эса ичида: «Жуда кўп одамлар национал-социалистларга зимдан хайрихоҳ эканлар-да!»— деб ўйлади.

Штеффен деди:— Ўзларини сездирмай юрган нацистлар, атрофимизда, биз ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ бўлса керак.

Улар яна шу мавзуда ҳазиллашдилар:— Балки, Брюнинг ҳам нацистдир?— деди Ливен.

— Йўқ, йўқ, у нацист эмас. Ҳар сафар фавқулодда қонун чиқаришдан олдин у ўз виждонига ором бериш мақсадида қўлига шам олиб черков атрофини айланиб чиқади.

Бир неча кундан кейин Ливен ўчиб-ёнувчи рекламалар фирмасини ташлаб кетди. У эндиликда, янги иш жойида қўлидан ўтиб турадиган муҳим хатлар ва ҳужжатларнинг кўчирилган нусхасини ўз бошлиғи, Ремер деган нацистга бериб турарди.

Тўғриси, у ҳануз истаган жойида овқатланиш имкониятига эга эмас эди. Лекин ҳозир дурустгина маош оларди. энди кечқурунлари уйимда ёки пивохонада вақт ўтказсаммикин, деб иккиланиб ўтирмасди. Энди Ливен кўпинча Курфюрстендамдаги ресторанга кирарди, бу ерда у Лютгенснинг бемаза гапларидан қулоғи тинчирди. Гарчи Ливен бу рестораннынг келишмаган ҳашаматларидан: ёқимсиз музыкаси ва сариқ шойи пардалари, лампаларнинг соясида кумуш ранг бўлиб кўринган тарелкаларидан ва қола берса, бу ердаги доимий хўрандаларнинг, гўё улар бой хонадонда зиёфатда ўтиргандек, хомхаёлга олиб келувчи барча нарсалардан истеҳзо билан кулса ҳам, ҳар ҳолда бу ер бошқа одамлар қатори унга ҳам ёқимли эди. Овқат қилиб ўтириб, у кўпинча бу ерга келувчи хўрандаларни: гўё янги чиққан фильмларда суратга тушгандек ўзини тутувчи хотин-қизларни, ўз қадри-қимматини тўла тушунган ва шундай эканлигини атрофдагилар ҳам сезяптимикин, деган хаёлда атрофга алангловчи басовлат эркаларни ҳузур қилиб кўздан кечирарди. Мана, нозик, озгин бир хотин кирди, у худди ботқоқ ердан юриб келаётгандек эди, шойи пайпоқ кийиб олган келишган оёқлари ва баланд пошналар туфлиси уни янада новча қилиб кўрсатарди. Бўйнида тулки мўйнаси бор эди. Ливен ичида: «Бу хотиннинг башарасидан кўра, кўпроқ мўйна ёқадаги сунъий тулкининг юзи одамни ўзига жалб қилади»,— деб ўйлади. Бу хотиннинг сочлари шунчалик калта қирқилган эдики, ҳатто қулоғидаги балдоқлари барала кўриниб турарди. Бахтга қарши, узун оёқли хоним Ливен ўтирган столнинг ёнига келди. Хотин бир оёғини олдинга чиқариб, сонларини диркиллашиб деди:— Салом, Ливен.— Кейин кулиб юборди:— Сен ҳечам ўзгармагансан.

— Узлари ким бўладилар?— Сўради Ливен. Хотин овоз чиқармай кулар экан, ҳамма ёғи титрарди. Эскириб, унутилиб кетган ўтмиш хотиралари худди томчиларга ўхшаб унинг хаёлига кела бошлади. Секин-аста унинг кўз ўнгида хотиннинг тақимига тушиб турган соч ўримлари пайдо бўлди. Уна остидан бўздек оқариб, умидсизликка тушган озгин юзи намоён бўлди; бир неча ёш томчилари йилтираб юзидан оқиб тушди.

— Эски дўстлигимиз туфайли меҳмон қиласанми?— хотин шошилиб унга яқинроқ ўтирди. Уларнинг қўллари

ёна-ён келиб қолганлиги учун хотин шошилиб, Ливеннинг бармоқларини бирин-кетин қисиб қўйди.

Ливен:— Сен жуда ўзгариб кетибсан,— деди.

Хотин андиша билан жавоб берди:— Ҳеч нарса одамни вақт ўзгартирганидек ўзгартирмайди, мен ҳам шундай ҳисоблайман.— Хотин Ливеннинг бармоқларини қўйиб юборди. Кейин бармоқлари билан столни чала бошлади. Ливенга хотиннинг қўллари унчалик тоза эмасдай туюлди. Кейин Ливен:— Отанг— мен уни Глеймларникидан жўнаётганда кўргандим— сени ҳалиям ўша оилада яшаяпти деб юрганди.

— Эй, отам-а! Ахир мен у ерда меҳмонларимни қабул қила олмасдим-да. Алоҳида туришга тўғри келди.

— Энди у ерга қайтиб бормаёсанми?

Хотин қатъий жавоб берди.— Йўқ. Шунча ишни бошимдан кечиргандан кейин бориб нима қиламан. Мен сени севиб қолганимни билармидинг? Сени қанчалик севганимни хаёлингга ҳам келтира олмасанг керак.

Унинг овозида энди заҳархандалик оҳанги йўқ эди. Фақат у «мен» ва «сен» деган сўзларни ўз номларидай айтарди, шу билан бирга «мен» деганда, ўзини, «сен» деганда ёнида ўтирган эркак кишини айтаётганлигини ўйламаётгандай эди.

— Сени ўзимга қаратиб олиш учун не-не аҳмоқликларни, не-не фирибгарликларни қилмадим дейсан. Бу ишнинг урдасидан чиқолмаганимдан кейин, менга барибир бўлиб қолди. Энди эса ҳамма нарса менга шунчалик бефарқки, ҳатто сени ўзимга қаратиб олиш ўша вақтларда менга жуда муҳим эканлигини ҳозир хаёлимга ҳам келтира олмайман.

Ливен билан йиглаб хайрлашаётганда отаси уни эсидан чиқариб юборгандек, хотин ҳам бўлиб ўтган воқеаларга алоқадор нарсаларни эслай олмасди.

Кейин хотин хурсандчилик билан давом этди:

— Хўш, аҳволларинг қалай? Биласанми, сен билан яна учрашганим жуда яхши бўлди-да. Агар истасанг, эртага тушдан кейин учрашишга ваъдалашиб қўйишимиз ҳам мумкин.

— Афсуски,— деди Ливен,— эртага эрталаб Берлиндан жўнаб кетаман.

Ливен овқат буюриб, пулини тўлади. Кейин Штеглицга қараб кетди.

Гешке уни яна эски жойига ишга қабул қилганликларидан хурсанд эди. Тўғри, бу яна вақтинчалик иш, лекин бир неча ой бутунлай ишсиз юрганликдан кейин у шунга ҳам хурсанд эди. Гешкени ишга жойлаштириб қўйишга ваъда қилган дўсти Калегина эмас, балки бошқа инстанциядаги яна уч-тўрт киши ҳам сўзининг устидан чиқди, мана энди мўъжиза юз берди.

Демак, ҳар қалай Гешкенинг улардан воз кечмаганлиги яхши бўлди. Энди улар, Гешке уларга содиқ бўлиб қолганлиги учун мишнатдор бўлишади. Яхшиямки, у кўнгил кўчасига қарамай, ақл билан иш тутиб тўғри йўлдан озмади. Гешкенинг фаҳмича, ақл ва юрак гўё иккита от бўлиб, бу, худди илгариги вақтларда икки отга арава қўшилгандек унинг «мени» қўшилганди.

Эрталаб омборга етиб бориш учун унга салкам бир соат вақт керак бўларди. Уша саккиз соатлик иш ичида керагидан ортиқроқ ишлашга, кўпроқ жойларни таъмин қилишга ва юк ташишда ҳам иштирок қилишга тўғри келарди. Илгарилар бу иш учун унга ёрдамчи ишчи беришарди. Гешке яна ўша Сименснинг қўлида ишлар, бу ерда бошқа жойларга қараганда меҳнат шароитлари янада оғирроқ эди. Янги пудратни бажариш учун, яъни шаҳар четидаги посёлкани қуриш учун Сименс биратўла Гешке ишлаётган юк ташувчи паркни ишга солди. Бу сафар Гешкенинг юк ташувчи — уста қилиб қўйишди. Ишчиларни тинчлантириш мақсадида Сименс уларга ҳар хил оҳангдор номлар ўйлаб чиқарарди, лекин ишчилар бу тўғрида: — номимиз улуғ бўлгани билан супрамиз қуруқ, — деб қўйишарди.

Гешке иш ҳақи билан ишдан чиққанлиги учун бўлган нафақа ўртасидаги фарқ унчалик катта эмаслигини тушуниб қолди, агар йўл харажатлари ва кийим-бош учун ушланиб қолинадиган пулларни мустасно қилганда, қолган пулга нима сотиб олиш мумкинлигини худонинг ўзи билади. Тўғри, энди овқатга гўшт сотиб олиш мумкин эди, лекин бу ҳам фақат якшанба кунлари. Гансга иштон тиктириб бераман деган ваъдасини ҳам энди сал кейинроққа чўзишга тўғри келди. Мария, агар сени ишдан бўшатишмаса, уч ой ичида керакли пулни жамғаришим мумкин, деган гапни

айтди. Шунга қарамасдан Гешке томдан тараша тушгандай келган бу омадни ҳар қалай бир ювиш кераклигини сезарди. У анчадан бери хотинига олчалар аини гуллаган пайтда боғни томоша қилдиришни ваъда қилиб юрарди. Лекин ҳар сафар ҳаммалари борадиган бу экскурсия қандайдир сабабларга кўра амалга ошмай юрарди. Ишсизлик пайтида эса бу экскурсияни янаги баҳоргача қолдириш билан кифояланардилар.

Қизча онасига бутербродлардан каттагина тугунчак қилишга ёрдамлашди, туйилган кофени кичкина пакетчага жойлаштирди; кечаси Лена бичилиб, анчадан бери жавон тортмасида ётган кўйлакни тикиб битиришга ёрдамлашди; ўғил болаларга қолса, бу саёҳатга боришдан воз кечардилар. Франц охириги дақиқагача ўқитувчиси Дегрейфдан умидвор эди. Ўқитувчи, гарчи Франц ҳозир мактабда ўқимаса ҳам, уни ўзи билан бирга ҳар хил экскурсияларга ва спорт байрамларига олиб борарди. Лекин маълум бўлишича, ўқитувчи Дегрейф бир неча болани олиб, шанба куни кечкурун шаҳар атрофига чиқиб кетган экан. Дегрейф бу сафар уни эсидан чиқариб қўйганлиги учун Франц хафа бўлиб, нималарнидир гинғиллаб куйларди. Ўқитувчи ҳозир болаларнинг уюшқоқ группасини бошқарарди, шунинг учун Франц мени чиқиштирмай қўйишди, деб ўйларди. Франц қурилишга шогирд бўлиб ишга кирди. Унинг бундан кейинги тақдири жуда деганда отасининг тақдиридан ўзгача бўлмайди; гоҳ иш топилиб қолади деган умид хаёлига келарди; гоҳ яна меҳнат биржасида тентираб юришга тўғри келарди, вассалом. Франц эса бундан зўрроқ нарсани орзу қиларди. Жаҳондаги барча одамлар қатори, у ҳам ўзини толеим баланд бўлиб туғилган деб ҳисобларди, аини вақтда уни умид-истакларим амалга ошмай қолармикан, деган ваҳима босарди. Баъзида уни ўзлари билан олиб кетувчи қўшни болалар бундай ҳис-туйғуни сезишмасди. Францнинг умид-орзулари ва ҳадиксирашлари олдида уларнинг ашулалари, сайрлари унга жуда бемаънидай туюларди. Ҳатто болалар қайиқ ҳайдаган, чўмилган вақтларида ҳам, уларнинг бундай ҳаракатлари қандайдир бесўнақай чиқарди. Унинг ўқитувчиси Дегрейф мактабдаёқ «герман йигити»дан каттароқ нарсани: астойдил зўр беришларни,

хавfli ҳийла-найрангларни талаб қиларди; буларнинг ҳаммаси Францнинг таъбига мос эди, ахир у зўроқ иш учун туғилган. Агар Дегрейф Францга мени кетимдан ойга чиқасан деса, у сўзсиз рози бўларди ва ҳатто ўгирилиб ерга ҳам қарамасди.

Одамлар тикилиб кетган шаҳар атрофига қатнай-диган поездда мана шундай сип-силлиқ бўлиб онаси билан сингисининг ўртасида ўтириш Гансга унчалик ёқмади. Лекин вагон деразасидан кўм-кўк ерлар кўрinar-кўринмас, одамлар вагоннинг ичи димлиги ва тифизлигига қарамасдан эркин нафас олиб хурсанд бўлиб кетдилар. Мария бепоеён осмонни кўргач, қадрдон кешлогини соғиниб юраги орзиқиб кетди. Мана бир неча йилдирки, у уйига бориб келолмайди. Ҳозир унинг кўнглидан яна уйига бориб келиш фикри ўтди. Лекин бу ҳақда орзу қилиш бекфойда эди.

Гешке терга пишиб, якшанба кунлари энг яхшиси ўз уйингда ўтирганинг маъқул экан, деб хаёл сурарди.

Ниҳоят, ҳолдан тойган пассажирлар вагонлардан тушдилар. Улар терга ботиб, сўкина-сўкина қишлоқ ошхоналарига олиб борадиган йўлларга тарқалиб кетдилар. Бу ерда, Вердерда ҳақиқатан ҳам гуллаб турган мевали дарахтларга назар ташлаган одамлар ажабланирди, чунки ҳозир дарахтларнинг гуллаган даври эди. Елена кўзларини катта очиб, тўйиб-тўйиб нафас оларкан, бир оз олдинда борарди. У ҳанузгача ернинг шунчалик ажойиб ҳид тарқатишини эшитмаганди, дарахтларнинг оқ ва пушти ранг гулларга бурканишини билмасди. Қурилиш майдончасидаги ихота учун экилган буталар кўкарганди, шунинг ўзи ҳам уни хурсанд қиларди. Еленанинг ака-укалари хушёқмаслик билан буталарни силашарди. Гешке бир боқчали ҳовлига тикилди, бу ҳовли унга кўпдан бери таниш эди. У болачақаларини дарахт остидаги стол атрофига ўтиргизди. Уларнинг тепасидаги дарахт гуллаб турарди. Энди Гешке бу ерга келганлигидан, бўш стол топиб, болачақасини ўтиргизганидан мағрур эди. У қайнаган сув тўлдирилган чойнакдан ҳам, элакчадан ҳам, худди ўз ошхонасидагидек кофе пиширишга тутинган Мариядан ҳам хурсанд эди. Иттифоқо Гешкенинг кўзи қизининг чеҳрасига тушди ва сафар маъқул бўлганини фаҳмлади; Елена бу байрамдан жуда хурсанд бўлиб жим ўтирарди, стол устига олча гули тушганда у яна

ҳам хурсанд бўлиб кетди. Бу гул қизчага ҳақиқатда ҳам у очиқ ерда ўтирганлигини исбот қилмоқчи бўлгандай эди.

Гешке бехосдан:— Марҳум ўғлимиз тирик бўлганида бугун жуда хурсанд бўларди-да!— деб юборди. Мария ғамгин бошини силкитиб қўйди. Мария тўнғич ўғилларининг ўлимини эсдан сира чиқара олмасди, шунинг учун Гешке ҳозир «бизнинг ўғлимиз» деганидан у хурсанд бўлди. Мария оталари буюрган кружкалардаги пивога болалар ҳадеб қўл тегизаверганлари учун уларга оҳиста таъна қилиб гапирди. У бутербродларни бўлиб берди, кейин қўлларини чаккасига тираб, хаёлга чўмганича чақ-чақлашаётган одамларга паршонлик билан тикилиб ўтирди.

Бирдан Гешке:— Сенга нима бўлди?— деб сўради.

У шошилиб:— Ҳеч нима бўлгани йўқ,— деди. Яхшиямки, Гешке шу заҳоти ўрнидан туриб, буфетга кетди. Мария қўшни столда унга қия ўтирган кимдандир кўзини узмасди. Мария у ерда, кўпчилик ичида, ўрта бўйли кишини кўриб қолганди. Бу одамнинг юзидан кулги аримасди, катта-катта оқ тишлари ялтираб турарди. Уша вақтда, «Якорьда» ҳам бу одам худди ана шунақа кулган эди. У ўшанда жавоб ахтарганида бармоқларини худди ана шунақа қирсиллатганди.

Мария бу саёҳатни шу вақтгача нима сабабдан орқага суриб келганлигига энди тушунди. Шунинг учун бугун бу саёҳатга пул топилган экан-да? Иннайкейин Гешке нима учун Марияни худди мана шу боқча олиб келдийкин? Ҳамма гап, кўпчилик бегона одамлар орасидаги худди мана шу одамда эди. Фақат севган кишиси Эрвингина эмас, балки унинг атрофидаги барча нарсалар ҳам Мариянинг хотирасида шунчалик аниқ ўрнашиб қолганлигидан унинг ўзи ҳам ҳайрон эди. Мария оёғи билан стол тагидан Гансни туртди. У ҳамма вақт ўз ўғлини Гешкенинг бошқа болаларидан ажратмасликка ҳаракат қиларди. Энди унга барибир эди. Бола бошини кўтарди. Онасининг осойишта рангсиз юзи бехосдан ўзгариб кетди. Бу нарса болага шунчалик ғалати туюлдики, агар унинг учун ўзгармас ҳисобланган ер ва осмон ларзага келганда ҳам, у бунчалик таажжубланмас эди. Бола онасининг ёнгинасига сурилиб ўтирди, чунки онаси унга бир нима демоқ-

чи бўлганини сезганди. Она боланинг кўзига хас кирмадимикин, бир кўриб кўяй, деб Гансни қучоқлади. Ганс қимирламай ўтирар ва онаси унга айтадиган гапни бошқалар эшитиши мумкин эмаслигини тушунар эди.

— Ён томонимизда,— деб пичирлади онаси,— бир одам ўтирибди: қулганда тишлари кўринади. Ушандан кўзингни узма. Унинг қасрда туришини аниқлашинг керак; бу тўғрида ҳеч кимга оғиз оча кўрма; буни фақат сен-у мен билишимиз керак.

Кейин ҳамма, шу қаторда ҳозиргина қайтиб келиб столга ўтирган Гешке ҳам эшитсин, деб баланд овозда:— Ганс энди уйга кетса ҳам бўларди. Мен Эмилия холага битказган ишларимни бугун топширишни ваъда қилгандим.— Гешке вайсай бошлади. Бола дарров ўрнидан турди. Онаси унга кўрсатган киши яна бир марта кулиб бошини қимирлатди, кейин иккита дўсти билан бирга боғдан чиқиб кетди. Гешке эса анчагача, мана энди якшанба куни ҳам расво бўлди, деб вайсаб ўтирди. Мария эса, мулойимлик билан уни яна бир кружка пиво ичгин, деб қистарди.

Ганс номаълум киши билан бирга поездга ўтирди. Бу киши ҳамон кулиб, ҳамроҳлари билан гаплашиб борарди. Потсдам вокзалида ҳаммалари вагондан тушишди. Бола уларнинг орқасида кутиб турди, кейин улар тушган автобусга чиқиб олди. Улар Бюловштрасседа автобусдан тушишди. Бола уларнинг кетидан ҳовлидаги флигелга кирди. Кейин у журъат қила олмай тўхтади: у кишиларнинг учинчи қаватга кўтарилганларини ва эшикни очиб кириб кетганларини эшитди. Кейин у қайтиб кетди. Ганс Бюлов бўйига борди, у бу ерларга кам келарди, Ганс Бюлов бўйидаги кўчада сандирақлаб юраркан, бу одам ким бўлса экан, деб хаёл сурарди. Ганс онаси билан унинг ўртасида сир борлигидан хурсанд эди, бу сирни фақат уларнинг икковларигина билардилар, бошқа ҳеч ким билмайди.

У ошхонага кирганда ота-онаси кечки овқатни еб ўтиришарди. Ўзига оро берган Эмилия хола ҳам стол атрофида ўтирганди. Отаси дарров, нега уйга қайтиб келиш ўрнига, кўчаларда сандирақлаб юринг, деб Гансни қийиб бошлади. Онаси Гансга тикилиб қаради. Шундан кейин бола уларнинг ўртасида ўзларига хос сир борлигидан яна хурсанд бўлиб кетди.

Ҳамма ётгандан кейин Мария ўглининг ёнига келди. Унинг осойишта юзи болага жуда ҳам чиройли туюлди. Ганс онасига кўчанинг номини айтиб:— Қим у?— деб сўради. Мария бир оз ўйлаб туриб, кейин жавоб берди:

— Мен уни қачонлардир бир кўргандайман. У менинг акам билан фронтда бирга бўлган эди.

Эртасига Ганс мактабга бориш ўрнига Бюловштрассега қараб жўнади. У учинчи қаватга кўтарилди. Эшикни очган семиз хотин жаҳли чиқиб, бу ерда ҳеч қанақа бегона одам турмайди, қани жўнаб қол деди. Семиз хотин Гансга ёқмади, шунинг учун ҳам Ганс унинг гапига ишонмади. У онасининг топширигини бажармай туриб, уйга қайтгиси келмади; шу сабабли у дарвоза олдида кута бошлади. Унинг кутганича, номаълум киши ниҳоят уйдан чиқди. У шошилаётган бўлса керак, уйдан чиқиб шаҳарнинг шимолий томонига қараб жўнади. Бола эса унинг кетидан қолмасдан метронинг гангитиб қўядиган ерларидан борар, метродан чиқар ва кирар, юқорига кўтарилиб пастга тушар эди; у эгри-бугри тор кўчалардан кетди, кейин қандайдир бир уй олдида узоқ кутиб қолди. Дилида у, номаълум киши бутунлай ғойиб бўлиб кетди, деб кўрқарди. Энди Ганс йўлда келаётганида номаълум киши билан гаплашиб олмагани учун ўзини-ўзи қийирди.

Мана номаълум киши яна пайдо бўлди, у чамадон билан тугунча кўтариб келарди. Ганс югуриб олдига борди-да, буюмларингизни элтиб берай, деди. Номаълум киши синчиклаб уни кўздан кечирди, унинг бу қарашы болага ёқиб қолди, боланинг номаълум кишига қараб туриши унга ҳам ёқди. У буюмларни болага бериб такси чақирди. Гансга, вокзалга бориш ҳам, номаълум кишининг уни синчиклаб кўздан кечириши ҳам, юмшоқ ўринли машина ҳам — ҳаммаси онасига бевоқиф алоқадордай туюларди. У буюмларни буфетга элтиб берди. Номаълум киши, агар Ганс соат ўн иккида мана шу столга етиб келгундай бўлса, қилган меҳнатининг эвазига унга ҳақ тўлашни ваъда қилди.

Бола чопиб уйга қайтди: номаълум киши ҳозир вокзалда, онаси у билан гаплашиб олиши мумкин. Мария эрталабдан бери хабар кутиб ўтирарди. Балки бу одам Бюловштрасседаги битта-яримтанинг олдига

бирров кириб чиққандир. Ахир бу шаҳарда, ҳаётдаги-га ўхшаш, бадар йўқолиб кетиш мумкин. Мария уйдан чиқди, энди ўгли уни эргаштириб борарди. Мариянинг чеҳраси шунчалик мулойим эдики, бола ортиқ ҳеч нарсани сўрамади.

Мана энди маълум бўлдики, мулоҳазали қўни-қўшнилар ноҳақ эканлар — давр ўтган билан кишининг кўнглидаги яраси тузалмас экан. Ёшликда бошдан ўтказган барча нарса болаликдан иборат ҳақиқий ҳаёт фақат кейинчалик бошланади, деб Марияни инонтирган қўни-қўшнилар ёлгон гапирган эканлар. Билакс, ҳаёт қашшоқлик ва қийинчилик ҳамда арзимаган севишлар билан кишини заифлаштириб қўяр экан. Гўё ёшликнинг кстидан келадиган жиддий ҳаёт ҳақиқатини олганда бемаъ依ликдан иборат. Агар сен, — деб ўйларди Мария, — биринчи марта севган пайтларингда севган кишингни кўришдан азоб чекканинга қарамасдан бефойда бўлса ҳам барибир уни кута берсанг, фақат шундагина ҳаёт жиддий эканлигини тушунасан. Агар борди-ю, кейинчалик чиндан ҳам бахтинг очилгундай бўлса бу ҳақиқатан ҳам қувонишга арзийдиган бахт экан. Бу бахт ҳозиргига ўхшаб, вақтинчалик ишдан, иш ҳақини кўпайтирилишдан ва яқшанба кунлари шаҳар четига саёҳат қилишдан хурсанд бўлишга сира ўхшамайди. Агар у кейинчалик қайтиб келмаган экан, демек сенинг қайғурганинг тўғри экан — қандайдир бир зўр нарса умрбод йўқолган.

Ганс:— Ҳў, ана ўтирибди, — деди. Бунингсиз ҳам Мария уни таниган эди. Мария ўглини бир чеккада қолдирди. Бола эса буфетга кира беришдаги юк аравачаси устига чиқиб ўтириб олди. У, онасининг юраги дов бермасдан номаълум кишининг ёнига келганини кўрди. Мария деди:

— Балки, сиз мени бутунлай танимассиз. Бир неча йил илгари сиз бир дўстингиз билан бир пивохолага киргансиз, пивохоганинг номи «Якорь» эди; дўстингизнинг исми Эрвин эди. Мен ўшанда сизларга овқат ташиган эдим. Мен ўша «Якорь»да официантка эдим. — Энди Мария ўзини тутиб олиб гапирарди, чунки унга номаълум кишининг чеҳраси очилгандай туюлганди. — Кейинчалик биз Эрвин билан топишиб қолдик. Биз бир-биримизни жуда севар эдик. У ҳамма вақт тайнланган вақтида келарди. Кейин келмай қол-

ди. У бирдан ғойиб бўлиб қолди. Сиздан илтимос қиламан, унинг нега келмай қолганлигини менга айтиб берсангиз. Сиз, ахир унинг дўсти эдингиз, шекилли? — Номаълум киши Марияга совуқ қараб қўйди. У қовоғини солгач, пешонасида ундов белгисига ўхшаш иккита ажин ҳосил бўлди. У деди:

— Сиз кимни гапирётганлигингизни билмаяпман, азизим. Қанақа Эрвин? Сизни эса сира кўрган эмасман.

Унинг кўзларидаги мулойимлик йўқолди. Мария деди:

— Ўша худди сиз эканлигингизни биламан. Мен сизни дарров таниб олдим. Унга нима бўлганлигини менга айтиб беришингиз керак.

Номаълум киши бошини қимирлатди. Ҳозир, у кулмай, тишлари кўринмай тургани учун Марияга кечагидан кўра нотанишроқ кўринди.

— Ҳеч қанақа Эрвинни билмайман. Умримда «Якорь» пивохонасига кирган эмасман. Берлинда менга ўхшаш минглаб кишилар бор. Балки, ўша одам менга ўхшаш бўлгандир. Иннайкеин, ўшандан бери анча йил ўтиб кетди, ахир.

Мария яна бир нима демоқчи бўлди, ҳатто лаблари ҳам қимирлади, лекин кейин елкасини қисди-ю, орқасига қайтиб кетди. Балки, бу одам бошидан кўп нарсаларни кечирганлигидан илгари учрашганликлари ёдидан кўтарилгандир, балки ўша яқшанба кунини, ўртоғини эсидан чиқаргандир. Балки, у Эрвин билан бир неча вақтгина дўст бўлгандир. Балки, ўша яқшанба кун қайси пивохолага кирганликларига аҳамият ҳам бермагандир. Катта шаҳарда яшовчи кўпчилик одамларнинг ҳаёти таассуротларга бой бўлади, шунинг учун ҳам бировга жуда муҳим бўлиб кўринган нарса бошқа бировга оддийгина воқеа — шаҳар четига саёҳатга чиқишдек туюлади. Қола берса, Мариянинг ўзи ҳам бу нарсага кечагига қараганда бугун камроқ ишонар эди. Буфетдан чиқа туриб, у ўглига дуч келди, бола ҳамон аравада ўтирарди. Мария деди:

— Мактабинга бор. Мен ўйлаган одам эмас экан. — Кейин яна қўшиб қўйди: — Йўқ, энди сен унинг олдига сира борма. У мен айтган одам эмас экан, мен адашибман.

Мария дарров уйига қайтмади. У аввалига Эмилия холанинг ҳовлисига кирди. Яхшиямки, Эмилия устационада экан. Мария уйнинг калитини уйга кира беришдаги шолча тагидан топди. У жавон устидаги ойна ёнига келди. Нега у одам Марияни танимадийкин-а? Ахир бўлган воқеа кечагидай эсида турибди-ку. Лекин Эмилия холанинг ойнасида ҳаммаси хиралашиб кетди. Мария ойнага қараб ҳолдан тойган озгин чехрасини кўрди. Унинг аввалги ҳуснидан ёноқ суяклари-ю, лаби билан чаккасига тушган сочларигина қолибди. Мария ҳоргин ва ғамгин ҳолда диваннинг бир чеккасига ўтирди. У йиғламасди, унинг кўз ёшлари қуриб битган эди. Юзи ҳам баттар озиб, қарилик акси уриб қолганди. Кейин у, калитин яна шолчанинг тагига яшириб қўйди-да уйига шошилди.

Ганс аллақачон мактабига бориши мумкин эди; у онасини кўрганда юраги эзилиб кетди — нега шундай бўлганлигини ўзи ҳам билмасди. Чунки кеча онасининг чехраси тўсатдан ёришиб кетган бўлса, бугун унинг чехраси яна тўсатдан маъюсланиб, ранги қув ўчиб кетди. Ганс юкни ташиб берганлиги учун олган ҳақиқа қаламтарош сотиб олишни орзу қилганди. У анчадан бери ажойиб садаф сопли бу пичоқчани ҳавас қилиб юрарди. У ҳамма вақт бунақа нарсани сотиб олиш менга йўл бўлсин деб ўйларди. Бугун эрталаб у мақсадига эришадиган бўлиб қолди. Тўғри, онаси унга номаълум кишининг олдига боришни ман қилди — онаси адашган экан, лекин бу пичоқчадан воз кечишга сабаб бўла олмайди. Ахир, пичоқчани сотиб олганини ким билиб ўтирибди. У чопиб стол олдига келди. Номаълум киши бошини кўтариб, деди:— Ҳа, бу сенмисан. Хўп, яхши, буюмларни кўтаргин-у, мени кузатиб қўйгин.— Платформага чиққанларида у яна қўшиб қўйди:— Агар яна шунча пул ишламоқчи бўлсанг, бугун кечаси яна ўша ерга келиб тур.

Номаълум киши учинчи класс вагоннинг купесига чиқди. Жой бемалол бўлгани учун у тугуни билан чамадонини ёнига қўйди. Ундан ташқари купеда яна бир болали кекса деҳқон хотин ва портфелдор паканагина одам ўтирарди. Номаълум киши бурчакка ўтирди ва бир дақиқа кўзларини юмди; у гаплашишни истамасди.

Мария адашмаганди. Бу Эрвиннинг дўсти эди. Лекин Мария, учрашувлар ва кишилар билан танишиш бу одам учун худди шаҳар четига саёҳатга чиқишдек оддий бир гап бўлса керак, деб ўйлаб хато қилган эди. Номаълум кишининг ўзи ҳам бунақанги шахсларга ишонмасди. Биз зўр ишларни қилишга туғилганмиз, шунинг учун ҳам айрим кишиларни назаримизга илмасликка ҳақимиз бор, деб хаёл қилувчи кишилар кўп йиллардан бери унинг ғашига тегар ва ўшанақа кишиларга у ихлос қилмас эди. Бундай кишилар, ҳаёти турли-туман, айрим ишқий учрашувларни назарида калейдоскопдаги ортиқча рангли нуқталар деб билувчи бепарво одамлардан ҳечам фарқ қилмас эдилар. Мартин эса, ақлини танигандан бери, ҳаётда учраган ҳар бир одамни, тамомила эътиборимга сазовор, деб ўйлар эди. Шунинг учун ҳам, у кимни ўйламасин, бу одам ўзига хос хусусиятлари ва истаклари билан кўпчиликдан аниқ ажралиб туриши керак эди.

У бу хотинни дарров таний олмади. Хотиннинг бўздек оқарган юзидаги табассум йўқолди, фақат пешонасида ингичка ажин қолди, холос. Лекин бу хотин гапирган кунни у жуда яхши хотирларди. Ахир, ўша қисқа дўстликнинг учқунини ҳеч нарса ўчира олмасди, кейинчалик у неча-неча одамлар билан дўстлашган бўлмасин, уларнинг ўрталаридаги яқинликда ўша кунларнинг шўъласи кўринмасди. У юлдузлар сўнган. Бу нарса унга аниқ эди. У купенинг бурчагида ўтириб, «Якор»да уларга овқат ташиган қизни ҳам эслади. Гарчи мени ҳеч ким таний олмайди, деб ўйлаган бўлса ҳам, аёл уни дарров таниб олди. Аёл уни, бирорта паспортга қайд қилинмайдиган икир-чикирлар туфайли, ўша вақтда унга ватанини ташлаб кетиш имкониятини берувчи ҳужжатлардан бирортасида топиб бўлмайдиган унутилмас хусусиятлар туфайли таниб олганди. У ҳисоблаб кўрса, ўша вақтда у Берлиндан чиқиб кетгандан бери, уч марта уни қамоққа олиш ҳақида буйруқ берилибди.

Купеда ўтирган деҳқон хотин ювош боласини жон куйдириб юпатар эди. Мартин эса, худди марҳум дўсти олдида ўзини оқламоқчи бўлгандек хаёл сурарди:— «Мен ахир, у хотинга ўша одам менман дейишга ҳаққим йўқ: бунақа иш билан ҳазиллашиб бўлмайди. Тушун, ҳозир ҳам худди ўша вақтдагидек қамоққа олиш-

лар, таъқиб қилишлар, сохта паспортлар бор. Уша кураш ва ўшанақа орзу-умидлар. Ҳозир ҳам худди ўша даврдагидек».

У, дўсти билан бирга фронтдан қайтди, улар давлат тўнтарилгани кутардилар, улар ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб курашардилар. Гуё бутун жаҳон олдидаги даҳшатли суд барибир ўликларни тирилтириб оладигандай, ўзларининг ўлими уларга қандайдир аҳамиятсиз туюларди. Манежга ҳужум қилганларидан кейин Эрвинни ушлаб олиб, қаёққадир олиб кетишди. Бир неча кундан кейин Груневалда ўлдирилган одамни топишди. Балки, бу ўша бўлса керак. Мартин қочиб қутулган эди.

Кўзларини қисиб, у вагон деразасига қаради. Атроф-теваракдаги уйлар ясси пасттекисликда барала кўзга ташланар, улар ортида кўл ва ўрмонлар, сариқ, кўк ялангликлар кўринарди. Темир йўл излари бир-бирига қўшилиб, яна ажралиб кетарди. Портфелли киши бошини кўтармай газета ўқирди; деҳқон хотин бегона амакига бунақанги тикилиб қараш яхши эмас, деб болага насиҳат қиларди.

Энди Мартин марҳум дўстини барала кўз олдига келтирди. Илгарилари уни бунақа яхшилаб кўришга на вақт ва на бирор сабаб бор эди. Дўстига нисбатан мана бу деҳқон хотин билан портфелли киши шарпадек туюларди. «Сен нима деб ўйлайсан, мен вокзалда кимни учратдим? «Якор»даги анави қизни учратдим. Балки, у билан сенинг орангда ишқий муносабатлар бўлгандир. Сен менга бир нима деган эдинг... Дўстлар ўртасидаги одатга кўра, ҳамма гапни менга айтишинг керак эди. Ахир сен менинг энг яхши дўстим эдинг-ку. Мени сендан ортиқ дўстим йўқ эди».

Марҳумнинг юзи ҳар қачонгидек осойишталигича қола берди. Унга вагоннинг силкитиши ҳам, ҳозиргина хабар қилинган янгилик ҳам таъсир қилмасди. У ҳамма вақт шунақа эди: хурсанд ҳам, ғамгин ҳам эмасди — фақат осойишта эди. Мартин сўкинар ва ғижинар, баъзида эса ўзини тутолмай хохолаб кулар эди. Лекин Эрвиннинг чеҳраси осойишталигича қола берарди; ҳозир ҳам ана шунақа хотиржам эди.

«Мен у хотинга ҳеч нарсани тушунтира олмасдим. Балки у, бирор нарса айтар деб умид қилган бўлса, шу менга азоб беряпти. Ҳозир мен Бранденбург шаҳрига

кетяпман. У ерда ҳар хил провинциялардаги завод партия ташкилотларининг раҳбарлари учрашадилар». — У марҳумнинг юзига тикилганича шошилиб гапирар эди, лекин марҳумнинг чеҳраси ҳар қачонгидан ҳам эҳтироссизроқ, қатъийроқ эди.

«Биз энди улкан партия бўлиб қолдик. Биз ҳар қачонгидан ҳам кўра бақувватмиз. Биз билан эски партиаларидан воз кечишни истамаган анави ишчилар ўртасида ўз вақтида вужудга келган ихтилофлар ҳозир яна зўрайиб кетди. Кишилар бир-бирига нисбатан ўзаро душманликни ҳис қилмаган, ишчи ишчи билан жанжаллашмайдиган, ака-укасига қарши бош кўтармайдиган бирорта шаҳар, бирорта кўча, бирорта уй ва бирорта хона қолмади».

Мартин ўзи учун азиз бўлган сиймони кўз ўнгида сақлаб қолишга уринди. Лекин у бу сиймодан фақат битта нарсани: «Мен ахир ўлганман-ку!» деган маънони ўқий оларди, холос.

«Биз ўша вақтда умид боғлаган барча кишилар ўлди: Люксембург, Либкнехт, Иогихес — барчаси ўлди. Лекин, сизларга ўз ҳаётларингдан ҳам қимматлироқ бўлган бизнинг янги партиямиз билан бизни ўша вақтда кўра олмаган эски партия ҳанузгача бир-бирини кўра олмай келяпти, бу кўра олмаслик ҳозир ўша вақтдагидан ҳам кучлироқ; бизларнинг ҳаммамизни эса, барча қизилларни ва уларга ўхшашларни кўра олмайдиган кишилар ёмон кўрадилар. Улар бизга қарши ўзларининг оқ гвардияларини гиж-гиждаб қўйдилар; улар шунчалик ҳовлиқишиб, сурбет бўлиб кетдиларки, энди ҳамма ўлиб кетгандан кейин, бизнинг давримиз келди, эндиликда ҳеч ким бизга жиддий қаршилиқ қила олмайди, деган қарорга келдилар. Улкан гулхан сўнди; момақалдироқ сингари гулдироган овозлар тинди. Энди мамлакат ўзини ўзи уларга тутиб беради».

Мартин энди марҳум дўстининг башарасини аниқ тасаввур қила олмасди; марҳумнинг қиёфаси баъзида одатдан ташқари ёрқин намоён бўлар, баъзида эса яна хиралашиб кетар эди. «Капп Берлинга Эрхардт ва оқ босқинчилар билан бирга кирди. Бирдан биз бир кунгина баҳслашувимизни тарк қилдик. Кейин ҳатто бир-биримиз билан келишиб олмасдан ҳам барчамиз биргаликда Каппни улоқтириб ташладик. Ишчилар ҳам биргаликда бу босқинчиларни шунчалик ёмон кўриб қолдиларки, улар-



нинг нафрати ҳар қандай бошқа туйғунинг қиладиган ишидан ортиқроқ нарсани қилиб қўйди. Лекин биз кейин яна баҳслаша бошладик. Ана шунда Эберт бизнинг уни-мизни ўчириб қўйиш мақсадида, ўзи яқиндагина улардан қочиб қутулган ўша босқинчиларни ёрдамга чақирди.

Деҳқон аёл:— Ҳадеб амакингни безор қила берма,— деди.

Мартин:— У мени ҳечам безор қилаётгани йўқ,— де-ди. Мартин қизчанинг сочларини силади. Қизчанинг соч-лари худди чизиб қўйилгандек яхшилаб фарқи очилган эди. Унинг калтагина сочлари жудаям маҳкам ўрилга-нидан, худди новдалек диккайиб турарди.

«Биз Рурда ва Урта Германияда, Тюрингияда ва Саксонияда жангни давом эттирдик. Биз ҳамон Гер-манияни Совет давлатига айлантира олармиз, деб ишо-нардик. Русларнинг Совет давлати аллақачон дунёга кел-ди ва Совет Иттифоқи бўлиб қолди; у яшаб, кучлироқ бўлиб борар ва ўсар эди. Мен қаерга бормай, нимаики қилмай, ҳар бир қамалишимда ҳам, илгаригига нисбатан ҳозир ишлар бутунлай бошқача бўлиб кетганини билар-дим. Илгари кишилар ўз кўнгилларидаги иш учун ку-рашардилар, энди бизнинг ишимиз биринчи марта ҳақи-қатга айланди. Сен ўлдинг, лекин сенинг ишинг барҳаёт, чунки Совет Иттифоқи бор».

Гўё номаълум кишининг юзи чакалакзордек, қизча Мартинни диққат билан кўздан кечирарди. Деҳқон аёл яна:— Бегона одамларга бунақа тикилиб қараш ярамай-ди,— деб қўйди. Мартин эса, қизчанинг думалоқ юзи ўша ўйлаб бораётган кишисининг башарасига ўхшаб кетаёт-ганини кўрди. «Бизнинг ишимиз ҳақиқатга айлангани учун ҳам бизни ёмон кўрардилар ва таъқиб қилардилар; бизнинг ишимиз ҳақиқатан ҳам яшаётганлиги, барча бир-дан бизнинг ишимизни кўриб «Ахир биз ҳам шундай қила олишимиз мумкин-ку»— демасликларни учун бизни ёмон кўрадилар, таъқиб қиладилар. Бизнинг ишимизга халақит бермоқчи бўлганлар, биз кутган нарса бу эмаслигини ва бундай иш учун курашиб ўтиришнинг ке-раги йўқ эканлигини кучларининг борича қайта-қайта ис-ботламоқчи бўладилар».

Бир куни Мартин ўзига хос жўшқинлик билан Эрвин-нинг фикрини ўзгартирмоқчи бўлган. Дўсти ўзини хотир-жам тутгани сари, баттарроқ қизишиб кетар эди. Мар-тин ҳатто унинг тугмасига ҳам ёпишган, Унга тугмани

худди ҳозир ушлаб турандай, гўё тугма ҳозиргина узилиб тушгандай туюлди. Унинг хаёлига: балки «Якор»даги ўша қиз кейинчалик тугмани қадаб бергандир, деган фикр келди. Энди у, дўстининг башарасини эмас, балки фақат тугманигина кўз олдига келтирарди.

«Кўряпсанми: улуғ иш барҳаёт; у яна улуғворроқ бўлиб бормоқда, аҳмоқона иш эса расво бўлди. Озмун-ча афсус чекилмади, озмунча орзу қилинмади, озмунча қон тўкилмади! Баъзи орзу-умидлар руёбга чиқди, баъ-зилари кулпарчин бўлди. Сен ҳаммамизни таниб олишинг мумкин, лекин ҳар қалай кўп нарсадан маҳрум бўлдинг. Сен Қизил Армия Варшавагача етиб келганлигини кўра олмадинг, Қизил Армия чекинганда алам чеккан ку-ларимизгача яшай олмадинг. Ленин сендан кейин вафот этди, сен Сталиннинг номини дурустгина эшитганинг ҳам йўқ. Шунча иш бўлиб ўтди, лекин сен жонсиз эдинг.. Бизда эса Эбертдан кейин Гинденбургни сайлашди — халқимизнинг урушдан олган сабоғи шу бўлди; яра-жа-роҳатларнинг, азоб-уқубатларнинг оқибати мана шу бўл-ди. У ўзига фельдмаршални сайлаб олди. Уша вақтда бизга қараб ўқ узилган кўчаларда Цергибель бизга қар-ши ўқ узди. У бизга Биринчи Майда қизил алвонлар билан намойишга чиқишни ман қилди; энди эса кўйлак сотиб олишга ҳам қурби етмайдиган ишсизлар ҳолдан тойган, ориқлаб кетган баданларига жигар ранг кўйлак-ларни зўрлаб бепул кийинтирганларидан хурсанд бўл-моқдалар».

Поезд Бранденбургга келди. Ўз ўрнида қимирламай ўтирган пакана киши, портфелимга кўзини олайтирмаяп-тимикин, деб Мартинга кўз қирини ташлади. Деҳқон аёл ҳаммадан илгари тушишга уринаётган қизчани койирди. Мартин барча хаёлини миясидан ҳайдаб юборди. У плат-формада мулоим кулиб турган икки таниш кишини кўргандан кейин марҳумни унутди.

## САҚКИЗИНЧИ БОБ

### I

Уша куни кечқурун Мартин яна чамадонини кўтариб вокзалдан чиқа беришда турарди; чамадони анча оғир эди: Мартин юк ташувчини ахтариб, атрофига аланглар-

ди. Ганс югуриб унинг олдига келди. Мартин бу болани эсидан чиқариб юборганди. Ганс тишини-тишга қўйиб, чамадонни вокзалдан олиб чиқиб берди; у у ёқ-бу ёққа ҳадиксираб қарарди, чунки ҳамма нарсага ҳадди сиғадиган бу ердаги юк ташувчи амакилардан қўрқарди. Лекин номаълум киши ҳаммага:— Бу бола менинг қариндошим,— деб хотиржам жавоб берарди. Кейин у боладан, чамадонини зинапоядан кўтарилиб, уйга олиб кириб бера оласанми, деб сўради. Ганс, албатта, розилигини айтди. Бундан олдин у, номаълум киши билан келишиб қўйган ишимни онамга айтмаганим маъқул, деб кўнглидан ўтказиб қўйганди. Тўғри, онасининг юзи энди илгаригидек хотиржам эди, шунинг учун Ганс, нега онасининг чеҳраси уни хавотирга солаётганини тусунмасди: балки, умидсизлик яхшилик аломати эмаслиги, аксинча, кишини бирон нарсасидан жудо қилиши туфайлидир. Онаси яна бир марта қатъий қилиб:— Бу ҳечам мен ўйлаган одам эмас экан,— деди. Шундан кейин Ганс,— ҳозир номаълум киши тўғрисида гап очишнинг ҳожати йўқлигини, бу ҳатто онасининг гашига тегишини сизди. Лекин, гарчи бу одам, маълум бўлишича, онасига ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам Гансга ёқиб қолганди. Шунинг учун ҳам Ганс ҳозир вокзалда ўзини кўпчилик катталардан ҳам айёрроқ тутарди. Номаълум киши такси чақирди. Аввалига Ганс машинада қаддини ғайри табиий гоз тутиб ўтирган бўлса ҳам, лекин кейин ўзини орқага ташлаб суянчиққа суянди. Мартинга боланинг чеҳраси ёқиб қолди. Машинада кетаётганлиги туфайли, боланинг кўзлари хурсандчиликдан чақнаб турарди. У ҳеч қандай туйғу, ҳеч қандай хурсандчилик, ҳеч нарсага берилмаслик учун лабини маҳкам тишлаб олганди. Мартин унга, ёшинг нечада, қайси мактабда ўқийсан, отанг бирор жойда ишлайдими, сингари бир неча савол берди.

Улар Александриненштрасседаги уйлардан бирининг олдида тўхташди. Ганс ўзича, демак бу одам ҳақиқатан ҳам Бюловштрасседа яшамас экан, деб қўйди. Лекин бунинг энди онасига ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Ганс буюмларни кўтарди, номаълум киши унга ёрдамлашди. Ганс, бу одам энди менга камроқ ҳақ тўласа керак, деб қўрқиб кетди. Лекин чамадонни даҳлиздан уйга Ганснинг ўзи кўтариб кирди. Қаламтарош сотиб олиш нияти унинг кучига куч қўшди, у аллақачон магазинда сотила-

ётган буюмларни кўздан кечириб қўйганди; гарчи ҳозир сотиб олишга пули бўлмаса ҳам, лекин кейинчалик: ўқ ва ёй, пневматик милтиқ, энг муҳими, айланганда учқун пайдо қилувчи ғилдирак сингари бир неча буюмни оламан, деб кўнглига тугиб қўйганди.

Мартиннинг хонасида тебранма стул турарди, Ганс қизиқиб қолиб стулга ўтирди-да ўзини тебрата бошлади. Мартин унинг бу қилигидан кулиб юборди ва ишлагани учун болага пул берди. Мартин Гансга эртага кечқурун келгин, деди, чунки бола баъзи бир юмушларни топшириш учун унга жуда боп кўришган эди.

Уйда Гансни қаёқларга йўқолиб кетдинг, деб суриштиришди. Кейин уни койишди: у ҳеч бир сирни айтмади. Ўзидан катта одамлардан бекитган сири борлиги учун у беҳад хурсанд эди.

Бир неча кундан кейин Мартин, боланинг баъзи-баъзи уйга келиб бирор топшириқ йўқми, деб сўрашига ўрганиб қолди. Мартин унга баъзан пакет элтиб беришни, баъзида янги келган одамни вокзалда кутиб олиб тайинланган жойга кузатиб қўйишни топширарди. У кўпинча болага майда пул берар, баъзида майда пул беришни ҳам ёдидан чиқариб қўярди. Ганс бу одамга ҳамма ишда ёрдам беришни ўзининг бурчи деб ҳисобларди. Кўпинча Мартин китоб ўқишини ёки ишини тугатгунча кутиб ўтиришга тўғри келарди. Бундай вақтларда Ганс тебранма стулга ўтириб олиб Мартин берган сигаретани чайнарди. Ҳар томонда сочилиб ётган китоб ва гаветалар орасидан Ганс ўзини қизиқтирган бирор нарса-ни ахтариб топарди. Ганс кўп нарсага тушунмасди; лекин мана бу икир-чикирлар: сигарета, бу кишининг шу ердалиги, қоғоз устида перонинг қитир-қитир қилиши, виключателнинг шиқиллаши, буларнинг барчаси секин-аста болани мактабида, кўчада ёки уй ошхонасидаги ҳаётдан ўзгачароқ ҳаётни сезишга ундарди. Мартин ҳам унинг келиб кетишига ўрганиб қолганди. Бу чўзинчоқ юзли бола Мартинга ёқиб қолганди. Мартиннинг назарида жаҳли чиқиб ёки ташвишланиб ўтирган вақтларида бу чўзинчоқ юзли бола эшикнинг тирқишидан бирдан кўриниб қоларди. Аслида эса Мартин ҳамма вақт жаҳли чиқадиган ёки ташвишланиб юрадиган одамлар хилидан эди. Ахир ҳозир барча кишилар олдида кескин равишда намоён бўлаётган умумий масалалар унинг учун тўрт девор ичидаги кенгашларга ёки

докладнинг тежаб-тергалган сўзларига жойлаштирилганди. Ана шулар орасида, у ўзининг шахсий ҳаёти деб ҳисобланган нозик ип ҳам чирмашиб кетганди: уйдан хат келибди — у кўнгил қўйган аёл уни ортққ ёлғизликда кута олмастлигини ёзибди, у бўлса яқин орада жуда узоққа сафар қилмоқчи, хотин эса кута-кўта умрини ўтказмоқчи эмас. Мартин, бу, ҳаётини қайғу-аламларининг бир бўлагигина, холос, менинг қайғу-аламларим эса одамларнинг қайғу-аламлари олдида айтарлик ҳеч нимага арзймайди, деб уйларди. Мартин ана шунақа алам-кулфат чеккан, ҳолдан тойган пайтларда Ганс кириб келарди; шунинг учун Мартин унга, катта одамлардан энг яхши нарсани кутиб қараб турган болага қарагандек тикилиб қоларди. Ганс мени уйимга жўнатиб юборадими, деб қўрқарди, лекин унга бу ерда қолишга рухсат берганидан кейин унинг чўзинчоқ юзи хотиржам, мулоим бўлиб қоларди. Ганснинг бурнига сепкил тошган эди; кўнғир сочлари эса буғдой ранг товланар, фақат айрим тиниқ тутамларигина оқаргандек кўринарди. Орқасида ана шу бола ўтирган пайтларда Мартин ўзини қандайдир хотиржамроқ сезарди ва ғалати музыка уни овутаётгандек, тебранма стол ғирчиллаб турса хат ёзиш, китоб ўқиш осон бўларди.

Уйнинг хўжайини Герлах ҳам Мартиннинг олдига тез-тез кириб турарди. Бу чол вазмин киши эди, лекин кейинги кунларда у шунчалик ҳаяжонга тушган эдики, ҳозир юрагидагини бировга айтмаса иложи йўқ эди. Герлах Мартинни жуда ҳурмат қиларди. Бола гарчи унчалик тушунмаса ҳам уларнинг гапига диққат билан қулоқ соларди. Гап Гешкенинг ошхонасида муҳокама қилинадиган масалалар устида борарди. Герлах заводдан жуда тинкаси қуриб, боши қотиб қайтиб келарди; у фақат юқори малакага эга бўлганлиги ва ўзи ишлаётган цехда жуда керакли ишчи бўлганлиги туфайли ишдан ҳайдалмаган эди. Баъзида у дилсиёҳлик, ғазаб ва бефойда уринишлардан жуда хуноб бўлиб кетарди:

— Одамлардан: агар бир қўлингни қирқиб олсалар, бу иккала қўлингни қирқиб олганларидан яхшими деб сўрайман. Ахир тез авж оладиган сил касалидан бир йўла ўлгандан кўра аста-секин сил касаллигидан ўлган дурусти? Нима, бунинг ортиқча зиёни йўқми? Бу нарсада танлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Оламда ҳеч ким мени бундай танлаб олишга мажбур қила олмайди.

Одамларни бунақанги ишга рўбарў қилиш ярамайди. Сизлар бизни мана шунақа ишга мажбур қилаётган босқинчиларни аллақачон тугатишларинг керак эди.

Бола оёғини ерга қўйди; у энди ўзини тебратмасди. Ганс Трибель билан отаси ошхоналарида баҳслашганида улардан қайси бири Мартиннинг томонида эканлигини аниқлаб олмоқчи бўлди.

Энг оғир кунларда Мартин уни кутиб турган юзи чўзинчоқ болани эсига оларди. Агар Ганс бир парча бутербродни тишласа, Мартин болалигида уйига очноҳор қайтиб келиб бутерброд еган пайтлардагидай ҳузур қиларди. Агар у болага қандайдир бир расмни кўрсатадиган бўлса ҳам, зеҳнининг аллақачон ўтмаслашиб қолганлигидан ҳайрон бўларди. Ганс ўзи ишлаб топган майда чақаларига бирор нарса сотиб олганда ёки бутерброд қўйилган автоматдаги механизмнинг тез айланишига маҳлиё бўлиб қолганларида ҳам унда ана шунақа таассурот пайдо бўларди. Бир куни Мартин Гансни кинога олиб борди. «Санкт-Петербургнинг охириги кунлари» деган кинони кўрсатишга эди. Кинодан илгари Мартин болага, нега Петербург ҳозир Ленинград деб аталишини тушунтирди. Бола одоб юзасидан унинг гапларига индамай қулоқ соларди. Лекин у кинода даммини чиқармасдан ўтирди, қовурилган мағизга оғзи тўла эди, лекин у мағизни чайнамасди. Одатда қисилган лаблари ҳозир очилиб орасидан тишлар кўриниб турарди, худди у фильмнинг бир парчасини тишлаб узиб олмоқчи бўлаётгандай эди; чунки фильмда эшиги ҳовлига қараб турган уйга полициячи кириб келганчини ва уйига қайтаётган эрини огоҳлантириб қўйиш мақсадида қўлига илинган шинани деразага иргитган хотинни, эри эса гап нималигини тушуниб бекинишга шошилганини кўриб ўтирарди.

Мартин ўзини худди 1917 йил кузидагидек ҳис қиларди: бундан кейин бўлиб ўтган воқеалар худди тутундай тарқалиб кетганди. Деворлардаги ўқларнинг изи ҳануз шувалмаган, ўликлар эса ҳали кўмилмаган эди.

Кеч кириб қолганди. Ганс ойнанинг олдида туриб ўзининг янги кўк кўйлагини, қизил галстугини синчиклаб томоша қиларди. Мария табассум билан унга қараб турарди. Кейин у ўғлидан:— Буларни қаердан олдинг?— деб сўради.

Ганс жавоб берди:— Бир оғайним берди менга.— Ке-  
йин яна қўшиб қўйди:— Оскар Бергер.— Бергер яқинда  
уларникига бирров кирганди, кўринишидан имирсила-  
ган, бир оз қовоғи солиқ, бўйни узун, зағча кўз, яхши-  
гина йигит эди. Ганс бу йигитча билан қандай танишган-  
лиги ҳақида бирор оғиз ҳам индамади. Бергер Мартин  
яшаб турган уй эгаси Герлахнинг жияни эди. Бергернинг  
отаси Герлах билан бирга бир цехда ишларди. Оскар-  
нинг онасининг ҳам бўйни узун ва кўзлари чақчайган  
эди.

Иноқ, яхшигина оила. Оскарнинг катта акаси Гейнер  
ҳам отасига ўхшаш ишсиз эди. У ҳам худди отасидек  
норғил, елкадор бўлиб, қарашлари ҳам отасиникидек  
ўткир, чеҳраси очиқ эди.

Ганс ойна олдида кета олмай қолди; унинг янги  
уст-боши ўзига жуда маъқул тушганди. Лекин отаси-  
нинг жаҳли чиқди:— Буни яна қаердан олдинг!— Она-  
си жавоб берди:— Унинг ўзига ёқса, қўя бер, ишинг  
бўлмасин. Қола берса ўзининг кўйлаги ҳам бутун  
туради.

— Штурмовикларнинг оналари ҳам ўғиллари ойна  
олдида ўзларига зеб берса худди шундай дейдилар,—  
деди Гешке.

Мария ерга қаради. Эрининг бу гапида таъна бор-  
дай эди. Бир-икки кун илгари Мельцерша, Франц бош-  
қа бир районда бир тўда нацист босқинчилар билан бир-  
га юганини ўз кўзим билан кўрдим деб вайсаган эди.  
Болалар уйда сўкиш эшитмайлик деб ноилож узоқ кў-  
чаларга қочиб кетяптилар, деган эди у. Шу заҳоти уй-  
га кириб келган Гешке:

— Ҳа, ўзиникига қараганда, бегона уйларни вайрон  
қилиш, бошқа маҳалладаги ишчиларни дўппослаш қу-  
лайроқ-да,— деганди.

Мария бехос ўзининг нодон аёл эканлигидан, ҳеч  
нарсани ўқимай, ҳеч нарсага тушунмаганлигидан аф-  
сусланди. Лекин у бир нарсани аниқ биларди: у ўз ўг-  
лини, отасидан қўрқадиган ва шунинг учун ҳам бегона  
маҳаллалардаги ишчиларни дўппослайдиган йигитлар  
тўдасига қўшилиб кетишига ҳеч қачон йўл қўймайди.  
Мария ўгай ўғли ҳақида туққан онасидай ғамхўрлик  
қилмагани учун зимдан таъна эшитганлигини ҳам сезд.

Яхшиямки, Ганс яна бир неча йил мактабда ўқий-  
ди,— унинг ҳаётида қандайдир бир тартиб бўлади.

Катта болалар отаси билан бирга ҳафтада икки марта  
меҳнат биржасига боришарди; Франц шимидаги ямоқ  
жудаям қўпол ямалганлиги учун ғудуллади. Мария аф-  
сусланиб деди:

— Мен сенга ҳозир янгисини сотиб олиб бера олмай-  
ман.

Франц яна ғудуллади:— Яхшироқ ямаш керак эди.  
Гешкенинг жаҳли чиқди; кейинги пайтларда у сал нар-  
сага қўл кўтарадиган бўлиб қолганлиги учун, Мария  
уни тўхтатди. Мария деди:— Мен қўлимдан келганича  
яхшилаб ямадим, яхшироқ ямоқ солиш мақсадида ўзим-  
нинг эски юкамни ҳам йиртишга тўғри келди. Ранги  
сал тўғри келмаган бўлса мен айбдор эмасман-ку.

— Яна сен бу ялқовдан уэр сўраясанми?— деди  
Гешке. Шу вақт Франц жон-жаҳди билан бақирди:

— Ахир тушунсаларинг-чи, мен Зуза билан эндигина  
иноқлашдим, у илгари юрган Герберт деган йигитнинг  
жавобини бериб юборди; Ахир мен якшанба куни Зуза-  
ни бир пиёла кофега таклиф қиламанмикин, деб пул  
топиш учун Лэрксни бир мартагина зинапоянгни ювиб,  
тозалаб берай деб кўндиргунимча тилдан ажраёздим-  
ку! Энди мен қандай қилиб уни кетимдаги мана шунақа  
ямоқ билан сайр қилишга олиб бораман?— Мария ин-  
дамади; кичкина ўғли деразада ўтириб дарс тайёрла-  
ётган эди: яхшиямки у ҳали чиройли қизларга назар  
солганича йўқ. Бу уйдаги гап-сўзларгина эмас, балки  
ғира-шира бўлиб қолган бу уйнинг ҳавоси ҳам уни  
диққи нафас қилиб юборарди. Шунинг учун у қандай  
қилиб бу ердан қочиб чиқишнинг йўлини ахтарди. Гешке  
кетгандан кейин, Мария эри у ёқ-бу ёққа борганда кия-  
диган кўйлақни Францга берди. У бу кўйлақни эҳтиёт-  
лаб сақлаб юрарди; у ичида, Францнинг хуноб бўлган-  
лиги тушунарли, ахир у чиройли йигитча, шунинг учун  
йиртиқ-ямоқда юриши яхши эмас, дерди.

Якшанба куни эса Франц ўзича ўйларди: «Ҳар қалай  
қиз болани олдинга тушиб юргани яхши, кул ранг шими-  
даги мана бу жимжима ямоқларга кўзи тушмайди». Шун-  
га қарамасдан, у, Ашингердаги столлардан бирига ке-  
либ ўтирганларидан кейингина бир оз хотиржам бўлди.

Бундан бир оз илгари нафақа бериладиган бюрода  
муҳим учрашув содир бўлди. Франц олдида турган, соч-  
ларини силлиқ қилиб тараган, новча кишини дарров та-  
ниди. Ун билан йигирма ёшдагиларга қараганда, йигир-

ма билан ўттиз ёшдаги кишиларнинг ташқи кўриниши жуда кам ўзгаради. Шунинг учун ҳам Франц ёшлигида унга эгилиб салом бериб юрган ўзининг собиқ ўқитувчиси дарров таниб олди. Лекин ўқитувчи Дегрейф Францни, у хурсандчилик билан илжайиб салом берганда ҳам таний олмади. Франц эса нимагадир дарров: оқсарикдан келган, афтидан ёш кўринадиган бу кишининг синфдаги болаларга Бранденбург провинцияси бундан минг йил илгари қандай бўлганлиги ҳақида ҳикоясини эслади. Шунинг учун ҳам Франц ўшанда, фақат ўз оиласи ва қўни-қўшнилари орасидагина яшамаслигини ва у, герман миллатининг-бир бўлаги эканлигини тушунганди.

Лекин ўқитувчи Дегрейф, одатда синфдаги олдинги партада ўтирувчи бу сочлари ҳурпайган йигитчани аста-секин эслаб олди.

— Мактабни битирганингдан кейиноқ дарров ишсиз бўлиб қолдингми, а?— сўради у.

— Ҳа, шундай, жаноб ўқитувчи, сиз-чи?

— Сен ўқишни битиришингга бир йил қолганда мени ншдан бўшатишганди шекилли; бу менинг биринчи даражали «Темир крест» билан мукофотланганим эвазига бўлган бўлса керак.

— Укам ўқиётган мактабда,— деди Франц,— ҳозир иккита синфни бирлаштириб юборишибди. Олтмиш бола бирга, бу айтмоққа осон! Ахир бир ўқитувчи шунча болани эплай олармиди?

— Буларнинг ҳаммаси шунинг учунки, давлат кераклигича ўқитувчи тутиб туриш ўрнига ҳар бир тийинни репарация тўловларига берапти.

— Биласизми, жаноб Дегрейф,— деди Франц.— Сиз жуда ажойиб ўқитувчи эдингиз-да. Мен сиз учун ҳамма нарсага тайёр эдим, энди сизнинг мактабда йўқлигингизни тасаввур ҳам қилолмайман.

Дегрейф:— Менга ўхшаганларни биринчи навбатда ншдан бўшатишга шошилдилар,— деди.

— Нима учун?

— Мен сизларни, ватан нима эканлигини билишга ўргатганман.

Узун навбат, ниҳоят, кўчадан йўлакка кирди. Дегрейф ўқувчисини кўздан йўқотиб қўймаслик учун унга қайрилиб борарди. Франц севган ўқитувчиси ҳам ўзига ўхшаб ёмон аҳволда эканлигини билиб хафа бўлди.

Унинг хаёлига Дегрейфнинг дарслари ҳақидаги ажойиб хотиралар келди: pistaпўчоқ ҳақидаги ҳикоя — шиддатли шамол то pistaпўчоқ уларнинг ҳовлисидаги йўлакдан тошлари орасида қолиб кетмагунча, уни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга учуриб олиб юради; Рейн ҳақидаги ҳикоя — Рейн Альпдан оқиб тушиб Боден кўлига қуйилади, сўнгра кўлдан оқиб чиққандан кейин, минг-минг йиллар сокин ва тинч оқувчи бу Рейн денгизга қуйилади ва шу аллозда яна минг йиллар ўтиб кетади. Агар ўқитувчи шунчалик кўп ҳақиқий ва ажойиб нарсаларни биладиган бўлса, нега энди унинг билими маълум жиҳатдан нотўғри ва хато бўлиши мумкин? Мана шу ердаёқ ўқитувчининг анчадан бери нацист эканлиги маълум бўлди. Нацист партияси аъзоларининг рўйхатида у биринчи бўлиб турарди. Дегрейф уруш тамом бўлгандан кейин «Темир крест» олиб қайтиб келганида, у тахминан Францдай эди; у ҳам худди Францдек ишсиз, унга ўхшаб ёрдамга муҳтож эди. Худди Францдек, у ҳам бирорта одамдан, сен энг яхши кунларни кўрасан, деган гапни эшитишни орзу қиларди; ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам бундан шубҳа қилишга ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Шунинг учун у ҳам Францга ўхшаб мени табиатнинг ўзи анани ишсиз яланг оёқлардан юқори қилиб яратган, қандайдир буюк ишларни амалга ошириши керак бўлган одамлар қаторига қўшган, деган хулосага келганди. Лекин у бундай буюк ишларни шахсан ўзига қандайдир номаълум ва қоронғи бўлган умум инсоният учун эмас, балки ўзининг герман миллати учун ва фақат шу миллат учунгина амалга оширишим лозим, деб биларди.

Ушандан бери у, орқаворотдан эшитган ҳар қанақа бошқа таълимотларга чуқур ишончсизлик билан қарарди. Ахир бунақанги таълимотлар уни ўша юксак ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин эди. Бу юксак ҳуқуқ уни камбағалчилик ва очликка чидашга, имтиёзли халққа мансуб бўлиш ҳуқуқига эга бўлишга ёрдамлашарди. Шунинг учун ҳам у Францга:— Ҳеч бўлмаса, бизнинг шу ҳуқуқимизни биров тортиб ололмайди,— деди.

Франц ўқитувчиси билан бирга унинг уйига жўнади. Дегрейф унга:— Биласанми, мен ҳануз эски типдаги ўқитувчиларга мансубман: мен ўз ўқувчиларимни умр бўйи кўздан қочирмасликни истайман. Сен уйингдаги сохта пайғамбарларнинг қурбони бўлмасанг, деб қўрқаман. Сени йўлдан оздириб, адаштириб юборишлари мумкин.

Мен сени, ўғлим, барча ана шунақа бузуқ ғоялардан асраб қолишни истайман; сен, балки, уйингда ҳам барча ана шунақа — синфий кураш, бирдамлик ҳақидаги нарсаларни эшитиб юргандирсан; сен ҳар қанақа қаланги-қасанғилар, оч-яланғочларга қўшилиб кетмаслигинг керак, сен фақат кучли ва жасур одамлар билан бирга бўлишинг керак; мана шу билан сен ўз миллатингга ёрдам берасан.

Дегрейф хотини билан қайнопасиникига кўчиб ўтганди. Хотинининг ота-оналари илгари педагог бўлиб ҳозир нафақа билан тирикчилик қилишарди. Франц бутун вужуди билан, бу одамлар унинг оиласига нисбатан бутунлай бошқача одамлар эканлигини сезарди. Лекин буларнинг уйи ҳам кичкина, иккита набиралари туфайли буларнинг уйи ҳам Гешкеникига ўхшаб торлик қилиб қолганди. Ошхонада, китоблар қўйилган токчалар устида Бисмарк, Лютер, Гётенинг суратлари осиглиқ турарди, Франц уларни дарров таниди. Диван устида — унинг кўринишича, бу ерда кечаси биров ухлайди деб айтиш қийин эди. Гитлернинг портрети осиглиқ турарди. Портретда Гитлернинг автографи бор эди. Хайрлашув вақтида Дегрейф Францга свастикали галстукка қадайдиган тўғнағич тақдим қилди. Франц уйга келгач, даҳлизда отаси ва қўни-қўшниларидан кўрқиб, тўғнағични олиб қўйди.

Икки ҳафтадан кейин у гитлерюгенд туристлар базасида фашистларнинг белгиси солинган байроқни кўрди, лекин байроқдаги бу белги анча катта ҳажмда эди. Франц бу белгига довдираб, хижолат бўлгансимон қараб қўйди, лекин унинг бу қарашидан на душманлик ва на нафратланиш бор эди. Бу воқеаларнинг барчаси ота-онаси билан шими хусусида жанжаллашишдан бир неча ой илгари бўлиб ўтган эди. Унинг мусибатига онаси айбдор эмас эди; буни унинг ўзи ҳам яхши биларди. Жанжалдан кейин ҳатто онасининг унга раҳми ҳам келган. Лекин ҳар қалай ўқитувчи Дегрейф айтган гапларнинг ҳаммасини онасига киши билмас тушунтириб бериш учун онаси ҳали анча нодонлик қиларди.

Ганс Мартин таништириб қўйган Оскар билан кетишга хурсанд эди-ю, лекин нотаниш вазиятдан сал ҳадиксираб турарди.

Совуқ куз кунларидан бири эди; ишчилар спорт жамаияти «Фихте»нинг ёшлар туристик базасида болалар ўтга яқин тикилишиб ўтиришарди. Улар орасида гармонь чалишни биладиган бола бор эди. Новча, жуда чиройли бир қизнинг пастгина овози бор эди. Қиз ашула айта бошлагандан кейин, болалар гармончидан гармонингни ғийқиллатаверма, деб талаб қилдилар. Бола гармонь чалишни тўхтатмади. Болалар ашула айтаётган қизга, худди эртақлардаги қизга маҳлиё бўлганидек, маҳлиё бўлиб қолдилар; ахир қиз ҳозиргина шўрва пиширганди, энди эса бирдан ашула айтиб юборди; бу оддий қиз бўлмай, балки қандайдир малоикага ўхшарди. Қиз ўзининг майин, ёқимли овозда бирининг кетидан иккинчи ашулани айтар, гўё бу ашулаларни у ҳозир тўқиётгандек эди. Унинг ўзи ҳам фақат куйлаётган ашуласини, ўчоқнинг иссиқлигини, болаларнинг бирга бўлишлиги қанчалик яхши эканлигини ўйларди. Ашула унинг томоғидан ва мандолина торларини чертаётган бармоқлари остидан жаранглаб чиқарди. Гира-шира ёруғда унинг пешонасидаги сочларни йилтираб турарди. Ганс онасини ўйлаб туриб бирдан бу афсонавий қизни рўбарўларидаги уйда бир неча марта кўрганлигини эслади. Бу қиз ҳар куни эрталаб Эмилия холанинг устахонасига кириб турарди. Лекин Ганс қизнинг шунақа эканлигини ва кечқурунлари одамлар унинг ашулаларига дамларини чиқармай қулоқ солишларини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ганс ўтирганлар орасида яна бир таниш болани кўриб қолди. Бу қора сочли бола Циммерштрасседа турарди, отасининг эса шу кўчада дўкони бўлиб, эски кўйлақлар сотарди. Бола букри эди; у кўзойнак тақарди, уни кўпинча болалар мазақ қилишарди. Бола шу хонада, шу ўчоқ атрофида исиниб ўтирарди, Ганс эшитаётган ашулани у ҳам эшитаётганди, Гансга ўхшаб ўша шўрвадан ичаётганди, лекин у Гансдан кучи борича қочмаётганди, отасининг дўконидан нафратланиб, ғамгин бўлиб қараб турмаган эди, бу эса Гансга жуда ажойиб туюлди. Ашулачи қиз мандолинасини бошқа бир қизга берди. Бу қиз унчалик чиройли бўлмаса ҳам, лекин овози анча жарангдор эди. Ҳамма унинг ашуласига қўшилди. Бир неча боланинг очиқ ҳавода югуриб ўйнагиси келди. Ганс ҳам уларга эргашди. Ғарб томондаги девор билан ўралган участка-тош йўлга туташарди; шарқ томон эса дала эди, анғиз ойдинда гўё қировдан оқариб кетгандай эди. Шимол

томонидан участка иккита дўнглик билан қарағайзорга бориб тақалганди, участканинг жанубида эса кўл бор эди. Каттагина бинонинг атрофида бир неча пастак бараклар қурилганди; шуларнинг ҳаммаси ёшлар туристик базаси деб аталарди. Бу баракларнинг эшик тирқишларидан, деразаси йўқ баъзи жойларидан хира нур тушиб турар, ашула эшитилар эди. Болалар билан бирга чопиб, ҳансираб қолган кекса бир киши гулхан ёқишни таклиф қилди. Бир неча болани ўтин-чўп йиғиб келишга юборишди; Ганс илгари кечаси шаҳардан четга чиқмаганди. Олам шунчалик кенг экан-а! Қоронғиликда олам яна чўзилиб кетгандай туюлади, қаерда чироқ бўлса, ўша ерда одамлар бор. Уйдаги балкондан Ганс бир неча марта юлдузларни тамоша қилганди. Уқитувчиси унга ҳар бир юлдуз алоҳида бир олам дер эди. Агар ўқитувчининг гапи рост бўлса, демак осмон жуда кўп оламларга бўлиниб кетган экан-да. Нега энди, Ганс худди мана шу ерда, бу оламда чопиб юрибди? Нега у юқоридаги оламлардан бирортасида эмас? Қандайдир бир бола Гансдан ўтиб кетиб, ундан илгарироқ ўрмондан ўтин-чўп териб келди. Бола ўтинларни қандай қилиб қаласа, аланга баланд бўлишини ҳам биларди. Ганс ҳанузгача очиқ ҳавода ёқилган гулханни кўрмаганди. Новдалар бирам чарсиллаб ёнади-ей! Гўё ўзининг ҳам худди алангадек ловиллаб ёнгандай бўласан, киши. Балки, осмондаги юлдузлардан бирортасида ҳам гулхан ёқишаётгандир?

У ҳаяжонланиб, қимирламай ўтирарди: унинг вужудидаги бир нима мана шу гулханда ёнишга интилмоқда эди. У ўзида ҳам бирталай учқун зарраларини ҳис қилди, бу учқун зарраларини юқорига сочишни истарди. Ганс фақат энди, у билан ўтин-чўп терган бола қиз эканлигини фаҳмлади; қизнинг сочи калта қирқилган, бурни пучуқ эди. Қиз қовогини солиб, бошқалар билан бирга Ганс билмаган ашулаларни куйларди. Ганс бу ерда биринчи бўлиб ашула айтган қизни ҳам кўрди. Бу қиз ҳозир гулхандан нарироқда, қоронғида ўтирарди; қиз тиззасини қучоқлаб ўтирарди, чироқ шўъласи унинг тиззасига тушиб турарди. Ганснинг хаёлида бу ашулалар ва бу гулхан унинг ҳаётидаги энг яхши хотиралари билан қўшилишиб кетди: онасининг чеҳраси, катта ёшдаги дўстининг думалоқ боши, бир неча марта кинога боришлар ва ўша одатдаги ҳаётнинг (Ганс ҳам шу одатдаги

ҳаётнинг бир бўлаги эди) бошқа лавҳалари ҳам унинг хаёлидан ўтди. Ганс қотмагина чолнинг ёнига эмаклаб келди: чол юлдузлар ҳақида ҳикоя қила бошлади. Гулхан ёниб тугаётгани учун ёшлар ўз баракларига қараб кетдилар. Бир неча киши юлдузлар ҳақида ҳикоя қилаётган қотма чолни ўраб олди; улар орасида Ганс ҳам, букри бола ҳам бор эди. Букри бола ҳаммадан кўп савол берар ва кўпчилик юлдузларнинг номини билар эди. Қотма киши боланинг букри елкасига қўл ташлади. Ганс Герлахнинг жияни Бергер билан бир тўшакда, похол устида ётиб қолди.

Гешке пивохонадан қайтиб келгандан кейин иккала боланинг уйда йўқлигини билиб, жуда жаҳли чиқди. Мария Эмилия хола орқали уйга иш олган эди. Курса кийим тикишни ўрганаётган қизи Елена ҳам якшанба кунини уйда қолганди. У хунукроқ бўлиб, ҳали ҳозирча битта-яримтага кўнғил бермаган эди.

Франц Дегрейф ва бошқа болалар билан бирга Берлиннинг нариги чеккасида эди. Улар Берлин кўчаларида фашистларнинг ҳилпиратиб олиб ўтиш ман қилинган байроғини ким олиб бориши тўғрисида ўзаро анча баҳс-лашдилар. Шундай бўлса ҳам улар олдинга разведкачиларни юбориб, байроқни ҳилпиратиб бир-икки кўчадан олиб ўтдилар. Дегрейф югендфюрернинг қўлоғига:— Бу энди ман қилинмайдиган бўлган, байроқни ёзилганича олиб бора бер, шундай қилсанг уларга кўпроқ ёқади,— деди. Метрода улар кўзойнакли букри болани учратиб қолиб, бир зумда бўр билан унинг букрисига яҳудийлар юлдузининг суратини солиб қўйдилар. Франц отасидан қўрққанидан уйга қайтаётиб шоша-пиша ўз белгисини яширди. Мария оёқ товушларидан ўгай ўғли келганлигини фаҳмлади.

Катта ўғил ҳам кенжасига ўхшаб, якшанба кунлари ҳар доим уйга хурсанд бўлиб қайтарди. Кенжаси кулганда, Мария жилмаярди. Аммо Франциянинг ўртоқлари билан хайрлаша туриб, хохлаб кулганини эшитганда, Мария алланечук бўлиб кетарди, лекин у ўзининг бундай ташвишга тушишининг сабабини била олмасди. Иккала боланинг ҳар доим уйдан қочиб кетишлари — бу одатдаги иш. Гешке ҳозир ҳушсиз тўнгадек бўлиб қолганди. У соатлаб нималарнидир ўйлаб ўтирарди, кейин бехосдан ўрнидан ирғиб туриб, жон-жаҳди билан сўкина бошларди. У Трибель билан ҳам шунақа айтишиб қолди.

Улар илгарилари ҳатто ўзаро баҳслашишни яхши кўрардилар. Трибель ахир анчадан бери унинг қўшниси, фронтда ҳам бирга бўлишган. Лекин кейинги сафар улар шундай жанжал қилишдики, энди Трибель Гешкенинг уйига кирмайдиган бўлиб қолди.

Мария қўлларини чалиштириб боши остига қўйди; у кенжаси қачон қайтиб келиб, тўнғичининг ёнига ётишини кутарди.

Гешке ҳам ухламасди. Қаерларда юришибдийкин? Улар бирга бўлмаган бўлсалар керак, чунки ҳозирча биттаси келди. Бунақа болалар ҳар қанақа қармоққа илинишлари мумкин. Уйда отаси уларга бир нарса буюрса, малол келади. У ерда шаҳарда эса, кимнингдир гапига киришади. Гешкенинг болаларини ундан тортиб олишга шунчалик астойдил уринаётган ким экан?

## II

Венцлов ўзининг норозилигини қанчалик яширмасин, бу нарса унга шунчалик азоб берарди. Унинг ичида, фақат ўзигина биладиган бир сири асрори бор эди; бу нарсадан ҳеч ким: дўсти ҳам, хотини ҳам ва ҳатто ўзи ҳам воқиф бўлмаслиги керак эди. У кетидан ҳеч ким кузатмаётган дақиқалардагина ана шу юракдаги сири асрорини ўйларди. Кечалари хотини қаттиқ ухлаб қолганлигига қаноат ҳосил қилган вақтларида ва баъзида ишдан кейин, Венцлов ўзини гўё газета ўқиётгандек қилиб кўрсатарди-ю лекин ҳақиқатда газетага маносиз қараб ўтирар ва сездирмай сирини ўйлар эди. Унинг сири бошқалардан яшириб сақлайдиган хазина, бўлақларнинг кўзидан бекитадиган ишқий можаролар, эсдаликлар ҳам эмасди. Агар уни хазина деб аташ мумкин бўлса, бу бошқа хил хазина эди — бу хазина ўлимдан кўрқинч, келажакдан ҳадиксираш ва гам-ғуссадан иборат эди. Ҳар қалай булар, казармалар, офицерлар йиғилиши ва уйи ўртасида содир бўладиган унинг кундалик ҳаётидаги ножоиз ҳис туйғулар эди.

Венцлов ҳангоматалаблиги, зимдан бирор нарсадан умидвор бўлиб юрганига иқрор бўлишни истагаса ҳам, бир кунни маневрлардан кейин у ўзининг собиқ ҳамполки Боланднинг ҳикоясига қулоқ солди. Боланднинг бундан икки йил муқаддам Хитойга кетиб қолган ва у ерда армия

ташкил қилишда қатнашган қариндоши бор эди. Боланд алоқа ўрнатишда қатнашган ва уларнинг бошлаган ишларини қўллаб-қувватлай оладиган кишиларнинг таниш фамилияларини айтарди. У ҳамма ишни ўша жойнинг ўзида ҳал қилиш учун отпуска олди.

Венцлов Миррих сайёраси ҳақида, қанча билса, Шарқий Осие ҳақида ҳам шунча биларди. Аввалига у Боланд берган харита ва китобларни бошқалардан яшириб юрди. Ильза Венцлов бир куни ундан газетада ёзилган қандайдир хабарни сўраганида, Венцлов жуда аниқ, мукаммал жавоб берганлигига жуда ҳайрон бўлиб қолди. Тўғри Ильза Узоқ Шарқда, ўзининг кўҳна мамлакатаида янги ва қудратли миллат ташкил қилмоқчи бўлган кишининг исмини эслаб қола олмади. Гарчи унга, қандай қилиб мана бу ажиб одамлар олдида ҳам, бу ердаги сингари масалалар кўндаланг туриши ғайри табиий туюлган бўлса ҳам, исмини ёдда сақлаш қийин бўлган бу киши қудратли армияга муҳтож эканлигини ва ўз мамлакатаида ҳам қизилларни тор-мор келтиришни истаганлигини тушунарди.

Ана шу қўтилмаган истиқболлар туфайли ҳозир Венцловнинг кўнгли бир оз хотиржам бўлган эди. У энди ёшлигини заҳарлаган қовоғи солиқ отасини ҳар қадамда эсламасди. Боланд қариндошининг таклифини дарров қабул қила қолди. У Узоқ Шарқда командировкада юрган офицерлар билан алоқа ўрнатди.

Венцлов уддабуронлигини ҳам, зеҳни ўткирлигини ҳам кўрсатиб қойил қилган жойи йўқ эди. Бу аранг кўринаётган галдаги икки истиқбол мушкул аҳволдан қутулишга қандайдир бир йўл очиб бераётгандай эди: ўзининг маъносиз ҳаётида ҳар бир амалга миёнасини ва то ишдан бўшаши ҳамда ўлимгача бўлган ҳар бир босқични у илгаридан билиб оларди. Кўпинча қилаётган ишининг жавобгарлиги ва олдиндан маълум бўлган нарсага интизор бўлиш унинг юрагини эзарди. Аммо ҳозир буларнинг барчаси кўрқинчли эмасди; у истаган нарсасига эришди.

Унинг ўзи ҳеч қачон олдиндан белгилаб қўйилган йўлдан тойиш қандай оқибатларга олиб келишини ўйлаб топа олмасди. Унда ҳеч қанақа истеъдод йўқ эди, уни саёҳат қилишлик орзуси зориқтирмасди, ҳеч қанақа гоёлар овунтирмасди; бу борада ўз келажакдан кўрқинч туйғусигина уни ҳаракатга соларди, холос. Панжа



орасидаги сув оқиб кетиб, ҳеч нарса қолмагандек, бу яширин қўрқувнинг ҳам барбод бўлиш хавфи бор эди. Энди эса бехосдан мушкул аҳволдан қутулиш имконияти туғилди, гўё қандайдир сирли куч уни, ёши бир ерга борган одамни қўлидан тутиб, орқасидан эргаштириб кетаётгандек эди. Бу сирли куч мана шу Боланддан фойдалангандек ва унга: «Кўриб турибман, агар сени жойингдан қўзгатишса, сен ичингда хурсанд бўласан. Сенинг ўзинг ҳам, ботирлигингни ва уддабуронлигингни исбот қилишни истайсан. Дунёда бундай нарсага муҳтож бўлган жойлар бор»,— деган гапни етказиб қўйишни топширгандай эди.

Эру хотин кечаси агар тақдир бизга ўғил ато қилгундай бўлса, энди бўлак бола кўрмасак ҳам бўлади, деб гапни бир ерга қўйган эди. Лекин худонинг хоҳиши экан. улар нуқул қиз кўришарди. Венцлов шу кунларда Берлинга тез-тез бориб турар эди. Тайинланган жўнаш вақти яқинлашмоқда эди.

Бу сафар Венцловнинг хотини туғиш учун уйига бормади. У ўзининг Ганновердаги уйида кўз ёрди. Амалия хола, ниҳоят, ўғил туғилганлиги ҳақида хабар олди. Ленора Клемм шу вақтгача холасини мана шундай хурсанд кўрмаганди. Бахтиёрлик ифодаси холанинг юзини буриштириб юборгандек эди, чунки унинг юзи бунақанги ҳис-туйғуларни ифода қилишдан ожиз эди. Хола бир неча марта, ўзига ҳам номупосиб туюлган шодлигини яширишга уриниб кўрди. Аммо кечаси, бир умр ўзи танҳо ётиб юрган қариқиз ўрнига кириб ётаркан, кундуз кунлари хаёл суришга юраги бетламаган нарсаларини ҳар замонда ўйлаб, авлоди кундан-кун кўпайиб бораётган наслнинг гўё катта бувиси бўлиб қолганлигидан чексиз фахрланиб завқланарди. Ана шундагина унинг кўнгли, отаси ҳалокатга учрагандан кейин онаси билан яшаётган Леноранинг ўғлида эмаслиги маълум бўлди. Энди Амалия хола янги туғилган боланигина ўзининг вориси деб ҳисоблай бошлади. Чақалоқ унинг исмида бўлади.

Гельмут каникулни Эльтвилдаги қариндошлариникида ўтказарди. Амакиси шу кунгача, яхшиямки, қарамоғида бўлган жиянининг бу ерда кўпроқ туришига ҳеч қандай ҳаракат қилмади: унинг ўзида бола-чақа бўлиб, ташвиши ўзига етарли эди; Ҳозир у боланинг баъзи бир даъволарни қилиб, натижада ўз ўғилларига бирор зарар

келтиришидан чўчирди. Амалия хола «рейн каникуллари» тўғрисида нотўғри тасаввурга эга эди. Бола ҳар сафар бу ердан ўзгариб, маҳмадона бўлиб — маҳмадоналик деганда Амалия хола майнавозчиликка бўлган майлни тушунарди.— тантиқ бўлиб қайтарди. Унинг бундай тантиқлиги маълум овқатларни танлаб ейишида, қандайдир гайри табиий экскурсияларга боришни истаганлигида ва шунга ўхшаш нарсаларда кўринарди. Онаси қўрқа-писа ўғлининг кетидан ажабланиб кузатиб юрарди. Ленора холани уйдаги ва боқчадаги барча ишдан озод қилиб қўйди. Тўғри, ҳозир Ленора ўзига хизматкор олишга имкон берадиган даромад қилиши мумкин эди; лекин у ўзининг бахтсиз никоҳидан мерос қолган пуллардан фойдаланишни истамасди, шунинг учун фақат ўғлига ярашасинигина оларди, чунки ўзининг маблағлари ўғлининг тарбияси учун кифоя қилмасди.

Меҳмонлар жилмайишиб, Ленорага сиз холангизга ўхшаб кетяпсиз деб айтар ҳам эдилар. Баъзан унинг қотма, хушбичим қоматидаги жозибадорлик йўқолганди. Кўзлари хиралашиб, энди ўз рангини ўзгартирмайдиган бўлиб қолганди. Фақат кечалари чироқ унинг қизлигидаги хонасида холанинг хонасидагига қараганда узоқроқ ёнарди. Уқиётган романларини эса, Ленора худди ёшлигидагидек кундуз кунлари қари қиздан яширарди. Эрта-лаб эса унинг чехраси ҳорғин кўринарди. Мана шу яширин китоб ўқиш вақтида, китобнинг маълум жойларига келганда унинг кўзлари одатдагидек гоҳ кўкишсимон бўлиб чақнарди, гоҳ ғамгин бўлиб қорайиб кетарди. Фақат ёшгина кутубхоначи қиз унинг китоб ўқишга ишқивозлигидан хабардор эди. Ленора энди Ливенни ўйламай қўйганди. Бу қисқагина ошиқ-маъшуқлик энди унга, уруш ва яраш орасида билинар-билимас ўтиб кетган бемаъни ёшлигининг қандайдир муқаррар безагидай туюларди. Ленора ҳозир Ливеннинг қаерда эканлигини билмасди, у билан қизиқмасди ҳам. Леноранинг ҳаётида бир умрга из қолдираман, деб ўйлаган шухратпарастнинг хоҳиши, Леноранинг ёдида бир неча китобнинг номини қолдиришдан наринага ўтмади. Фақат, китоб ўқигандагина Леноранинг кайфи чоғ бўларди. Ленора китобларда тасвир қилинган эҳтирослар ҳақиқатда мавжуд эканлигига шубҳа қилмасди; лекин китоб аслини олганда ҳамма нарса энди бошланаётганда тамом бўлиб қоларди. Шунинг учун у кўпинча, ўқиб бўлинган романини ёпа туриб,

Ўзига-ўзи на тасвир қилиш, на уни ўқишга арзийдиган ҳақиқат эндигина бошланяпти, деб қўярди. Шунинг учун ҳам у китобнинг ҳақиқий хотимасини ўйлаб топишга ўрганиб қолганди: бу — одатдаги ҳаётга, кундалик ишларга, сўниб битган севгига қайтиш эди.

Ленора укаси Фрицнинг кутилмаганда Берлинга келишидан хурсанд бўлди. У ҳамма вақт, укам, бирдан-бир кўнгил очиб ҳасратлашадиган одам, деб ўйлаб юрарди. Аммо тез орада, Фрицнинг хизмат ишлари ва ўз оиласи билан жуда банд эканлиги маълум бўлди. Агар у оила мавзусида гаплашишни истаб қолган тақдирда ҳам, кичкина ўгли ҳақидаги ҳар хил тафсилотларни ҳикоя қилишга киришарди. Мабодо укаси ҳасратлашишни истаганда ҳам барибир кўнгилдаги гапларни гаплашиш мумкин эмаслигини Ленора тушуниб қолди. Чунки ҳозир укаси билан нима тўғрисида гаплашмоқчи бўлганлигини ўзи ҳам билмасди.

Амалия хола ҳар қачонгидан ҳам кўра хурсанд эди; у бирор муҳимроқ воқеа учун беркитиб қўйган икки шиша виносини олиб қўйди. У чўқинтириш маросимига бора олмаганди, чунки ўзининг пули йўқ эди, Ленорадан Клеммдан қолган пулларни олишни эса истамади. Ҳозир у жиянининг дўстларини ва қўни-қўшниларни вино билан меҳмон қила олишидан мағрур эди. Чақалоқнинг келажаги учун қадаҳ кўтаришди. Бир масалада ҳаммаларининг гани бир жойдан чиқди: боланинг келажаги отасининг ҳаётидан анча ёрқинроқ бўлиши керак. Чақалоқ улғайгандан кейин бошланадиган уруш иккинчи Версаль билан тамомланиши мумкин эмас. Шунинг учун у балоғатга етиб, ватан нима эканлигини тушунганида Германиянинг шаънидаги иснод ювилган бўлади. Офицер илгари қандай бўлган бўлса, яна ўшанақа бўлиб қолади. Уша куни кечқурун эркаклар ўртасида хотинлардан танҳо ўзи қолганлиги учун Амалия хола жуда гердайиб кетди, фрау фон Мальцан уйига чиқиб кетганди, Ленора китоб ўқиш мақсадида анча илгарироқ ётганди, у ҳам бир нимани баҳона қилиб чиқиб кетганди. Амалия холанинг ёқаси тик бўлиб, иягини кериб чўзилиб ўтирарди.

— Миллатлар иттифоқи, ниҳоят, рейхсвернинг кўпайишига розилик берибди; бу ҳар қалай ҳеч нарса бўлмаганлигидан яхшироқ!— деди Мальцан.

— Йўқ, яхши эмас!— деб бақирди Штахвиц, у хиз-

матдан бўшаган вақтларини Венцловларникида ўтказарди.— Мана шу билан улар қаҳр-ғазабни босардилар, одамларни ҳарбий мажбуриятни тиклаш тўғрисидаги тақиқланган фикрлардан чалғитадилар.

Амалия хола Штахвицнинг фикрига тамоман тушунганлигини кўрсатмоқчи бўлиб, калласини қимирлатиб қўйди; Венцловнинг барча ёру дўстлари орасида холанинг яхши кўрган кишиси ана шу Штахвиц эди. Шу пайт гапга Мальцан чол аралашди:— Умумий ҳарбий мажбурият,— деди у,— барча анави юзакичилик ва қалбаки безакларга, анави штурмчи отрядларга ҳамда шунга ўхшашларга хотима бера оладиган ягона воситадир. Улар атрофидаги шовқин-сурон, босқинчилар шайқасининг бошлиғи бўлиб олган Ремга ўхшаш, ҳар қандай одатдаги армияни, аллақачон ёдидан чиқариб юборган шахслар томонидан вужудга келтирилган. Ремнинг Болливияда ўрганган нарсаси фақат мана шу.

— Мен фикрингга қўшила олмайман,— жавоб берди Фриц Венцлов,— кечирасан-у, лекин қўшила олмайман. Бу ерда ёшлар орасидаги баъзи бир ишларни бостиришга қурби етмаган қандайдир нарса юзага чиқмоқчи бўляпти. Ёшлар қурол тақиб юрганига мағрур; ёшларнинг ўзи, одам қуролсиз нобуд бўлиши мумкин, деган хулосага келиб қолди. Ёшлар ўз ҳохиши билан интизомга бўйсуняпти.

Мальцан чол куёвига масхараомуз мурожаат қилди:— Эсимда, ўғлим, сен ўтган сафар келганингда бошқа фикрда эдинг, сен армиянинг ичида ҳам қандайдир бошқа ташкилотлар тузаётган анави ёшларни ҳам қатъий қоралаган эдинг.

— Ёшларни ҳаракатга келтираётган ўша куч армияга фойдали бўлади.

— Майли, кўрамиз. Ҳозирча мен бу шоввозларнинг бир-бирлари билан уришишларини афзал кўраман. Стенес воқеаси авжига минганда сен бу ерда эмас эдинг-ку.

— Ҳа, лекин Гитлер уларнинг суробини тўғрилаб қўйди. Улар даров жим бўлиб қолдилар. Мана шу мисолнинг ўзиданоқ ким ҳақ эканлиги кўриниб турибди. Бу нарса уларга ҳарбий субординациянинг ўрнини босаяпти.

Штахвиц жим қолди. Қачонлардир у алоқада бўлган кишилар ҳақида гап кетганда, Штахвиц жиддий жавоб бермоқчи эди-ю, лекин лабини тишлаб қолди. Мальцан

эса, одатда гап тополмай қолган вақтларидагидек:— Хўп майли, кейин кўрамиз,— деди.

Гельмут бир бурчакда ўтирарди; холаси уни уйдан ҳайдаб чиқармаслиги учун, у билинтирмасдан ўтиришга уринарди. Гап нима тўғрисида кетаётганлиги унга унча тушунарли эмас эди, лекин у ҳар бир сўзга диққат билан қулоқ солиб ўтирарди. Гельмут ўн иккида эди. Мактабда, штурмчилар ҳақида уйда эшитган сафсаталарни айтадиган болалар бор эди. Шу билан бирга, Браунсга ўхшаш, сумкасида Гитлернинг портретини олиб юрувчи, кечалари эса уни бошқалардан бекитиб ёстигининг остига қўйиб қўядиган болалар ҳам бор эди. Бу болалар Гитлер ватанни қутқариб қолармиш, деган гапни эшитгандилар. Уларнинг назарида қизиги йўқ, бир хилда туюлган ҳаёт ўрнига бошқача, энг яхши, ажойиб ва жўшқин ҳаёт келишини эшитгандилар. Яқинда танаффус вақтида шундай воқеа рўй берди: врачнинг ўғли Густав Гельмер деган бир бола беҳосдан ножўя гапириб юборди:— Штурмчилар ўғриларнинг ўзгинаси, Гитлер эса энг катта ўғри. Гельмернинг бу гапи учун Браунс унинг башарасига мушт туширди ва олдинги тишини синдирди. Гельмернинг отаси шикоят қилгани келганди, ўқитувчи Браунсни ҳимоя қилиб:— болалар катта бўлиб қолишди, энди уларга бир-бирларинг билан уришманглар деб бўлмайди,— деди.

Кичкина Клемм Браунс томонида эди: Мальцан чол Гитлерни тан олмаганлиги учун чолни ёмон кўриб қолди. Гельмут деярли эслолмаса ҳам марҳум отасини чин кўнгилдан севарди. Эльтвилдаги амакиси бир кун унинг отаси аллақачон Гитлерни жуда улуғлаганлигини айтганди. Гельмут эса отасининг фикрига бажонидил қўшилди. Энди у Венцлов тоғасини ҳам ҳурмат қилади, чунки тоғаси Гитлернинг ёнини оляпти. Бола ҳаяжонланиб дастурхоннинг попуқларини эша бошлади. Амалия хола унга қараб бақирди:

— Нима? Сен ҳалиям ётганинг йўқми?— Венцлов эса кўнгилчанлик билан:— Қўя бер уни, эртага якшанба-ку,— деб, ўзига нисбатан жиянининг меҳрини янада оширди.

### III

Ливен энди дурустгина пул топаётганлигидан, Қайзердамдаги яхши жиҳозланган уйлардан бирини ижа-

рага олишга қурби етиши мумкинлигидан хурсанд эди. Ижарага оладиган уйи ҳовлининг ўртасида бўлмай, балки кўча томонда бўлиши мумкин эди. Гарчи уруш даврида унинг учун похолда ёки қуруқ ерда ётишнинг аҳамияти бўлмаса ҳам (у ҳатто бундай ётиш-турушни похолдаги ҳаётнинг муқаррар қисми деб ҳисобларди) тинчлик даврида эса, у ўзининг одатларига ва хоҳишига мувофиқ шароит яратиб олишга эҳтиёж сезарди. Бундан ташқари у собиқ семиз хўжайкасида қутулганлигига ҳам хурсанд эди. Янги хўжайка ҳам пули етишмаслиги туфайли уйини ижарага қўярди. У сочларини меёрида жингалак қилган, яхшигина кийинган аёл бўлиб, хўжайка билан ижарачи ўртасидаги лозим чегарани бузадиган юрак ҳасратларини гапириб, Ливеннинг гашига тегмасди; бундай юрак ҳасратлари, Ливеннинг фикрича, одатда барча дунёвий бахт-саодатдан ноилож қўл ювганликдан келиб чиқарди. Ахир унинг ўзи ҳам камбағаллик даврида Лютгенснинг сафсаталарига сабр-тоқат билан қулоқ солар ва ҳатто ўзи ҳам ўз фикр ва туйғуларини керагидан ортиқ гапирарди.

Энди дўстининг тунги сафсаталарига ва ўғил болалариникига ўхшатиб сочини қирқтирган хўжайканинг гап-сўзларига ҳам хотима берилди. Собиқ хўжайка хайрлаша туриб, кўнгли бузилди ва Ливенга эсдалик учун фашист белгиси тикилган ёстиқ ҳада қилди. Ливен бу янги эътиқоднинг ҳар хил белги ва аломатларини, шу билан бир қаторда фюрернинг портретларини ҳам ёмон кўрарди; портретни деворга осиб қўйиши шарт эмас эди, чунки унга ҳануз ўзининг нацистларга мансублигини собиқ маслакдошларидан ва уларнинг ташкилотларидан яширишга рухсат берилганди. У бундай дер эди:

— Мен итальян бўлганимда эди! Муссолини ҳар қалай кондотьерга<sup>1</sup> ўхшаб кетади. Энг ёмон тушган суратларида ҳам у Мантенъининг расмларини ва умуман ибтидоий Ренессанс даврининг асарларини эслатади.

Лютгенс жавоб берарди:— Шундай бир кун келадики, биз ўз белгиларимизни қиздириб душманларимизнинг танасига тамға босамиз. Ушангача сен ҳар хил мешчанкаларга бу белгиларни ёстиқларга гул қилиб тикишлигини ман қила олмайсан.— Пакана Лютгенс Ли-

<sup>1</sup> Кондотьер — XIV—XV асрларда Италияда ёлланган аскарлар бошлиғи.

вен икки ойлик ижара пулини илгаридан хўжайкага тўлаб қўйганлиги учун ундан миннатдор эди. Ҳар қалай энди у диванда эмас, балки каравотда ётиши мумкин; унинг бирор жойга ишга кираманмикин деб қилган барча уринишлари бирин-кетин барбод бўлди. Меҳнат бир-жасига бориш эса, унинг учун шарманда-ю шармисор бўлишликдан бошқа эмасди.

Ливеннинг ҳозир ишқий можаролари ҳам, отпускасини бирга ўтказиш учун бирор аёл ҳам йўқ экан. Шунинг учун: сени соғиндим, бир кўрсам дейман, деган мазмунда амакиваччаси Ливенга хат ёзди. Аслида эса, у ҳеч соғинмаганди, фақат ўзини қаерга қўйишини билмай зерикиб юрган эди.

Купега жойлашиб олиб, у зерикканидан пассажирларни: ҳурматга лойиқ эру хотинларни, дори-дармонларнинг ҳиди анқиб турган чўққи соқолли жанобни, бирор дақиқасини ҳам бекорга ўтказиши мумкин бўлмагандек бетўхтов қўлқоп тўқиётган кекса аёлни, қора кийимли ёш қизни кўздан кечириб бошлади. У, қизнинг чиройли ёки чиройли эмаслигини билмоқчи бўлиб, унга диққат билан бошдан-оёқ разм солди. Лекин қизнинг чиройли ёки чиройли эмаслигини аниқлай олмади. Қизнинг пешонасидаги сочлари учбурчак бўлиб ўсганди, агар чехрасидаги масхараомузлик ва ўтакетган совуққонлик ифодаси бўлмаса, қизнинг чўзинчоқ юзи чиройли кўриниши мумкин эди. Кўзлари остидаги чуқур излар, аза тутаетган бирор кишисини эслаб ўтказган уйқусиз тунларининг натижаси, ёки бўлмаса бирор бошқа хилдаги чарчашликнинг аломати бўлиши мумкин. Қизнинг кўзлари чиройли, порлаб тургандек эди. «Лекин мен ҳеч қачон,— деб ўзича ўйлади Ливен,— кўзнинг шу қадар порлаб туриши, шундай совуқ бўлишини кўрмагандим. Қизиқ, қора кийинган қиз ёнида ўтирган соқолли жаноб ўз оёғини унинг оёғига яқинлаштирганлигини сезяптимики?» Жанобнинг усти-бошидан хлороформ ҳиди шунчалик анқиб турарди-ки, тез орада купе врачнинг қабулхонасига ўхшаб қолди. Қиз оёқларини чалмаштириб ўтирарди; кейин ўрнидан туриб купедан чиқди, соқолли жаноб ҳам унинг кетидан эргашди. Бирпасдан кейин Ливен бир рюмка ароқ ичиш учун вагон — ресторанга чиққанида қора кийинган қиз соқолли жаноб билан бир столда ўтириб, кофе ичишиб, папирос чекиб ўтирганини кўрди. Қизнинг бир неча марта қаҳ-қаҳ уриб кулганини эшитган

Ливен ҳайрон бўлиб қолди. Кейинроқ вагоннинг нариги четидаги ўз жойида ўтирар экан, у яна бир неча марта жарангли, заҳарханда, баъзан ҳазин кулги овозларини эшитди. Ливен қизнинг уни пайқаган ёки пайқамаганлигини била олмади, ҳатто қизнинг кўнглини овлашга бирор режа ўйлаб топишга ҳам улгурмади.

Станциядан қишлоққача бўлган узоқ йўлда у бир неча марта қизни сал-пал ўйлаб кетди. Қизнинг тиззага ташланган қўлларини кўз олдига келтирди: қизнинг қўллари унчалик нозик бўлмай, лекин шубҳасиз семизроқ эди. Қиз хийли хунук куларди. Кечқурун Ливен Ольмюцга етиб борди. Уйнинг барча деразаларида чироқлар порларди. У бу ерда йўқлигида уй гўё дам олгандай эди. Уй ерга яна чуқурроқ чўкиб кетгандай туюларди. Уйнинг кираверишидаги нақш билан ўйиб солинган гербли лавҳанинг ранги ўчаётганди. Гўё Ливеннинг кейинги сафар бу ерга келиб кетганидан буён бир неча аср ўтиб кетгандай эди. Уша вақтда ўтқазилган кўчатлар энди жуда шохлаб кетганди. Бу ердаги ҳамма нарса гўё бошқа жойлардагига нисбатан тезроқ ўсаётгандек эди.

Амакиваччаси Ливен билан қучоқлашиб кўришди. Ўтган сафаргидек, бу сафар ҳам сенга жуда ингизор бўлдим, деди. Таниш ҳид Ливенга болалигидаги хушчақчақ ҳис-туйғулардан дарак берарди. У бу ҳидни, каникул вақтларида келганида, Ливенларнинг уйи даҳлизида сезар эди. Амакиваччасининг хонаси шу чоққача ҳам ўзгармабди. Токчада Шпенглерни ва фон дер Брукнинг томларига кўзи тушган Ливен: «Мана булардан бу ерда ҳам қутула олмайсан, киши»,— деб ўйлади. Бу китоблар, худди шамол уруғларни энг узоқ жойларга ҳам олиб бориб сочгандай, бу ерда ҳам мавжуд экан.

Диваннинг бурчагида кимдир кулиб юборди. Ливен бирдан орқасига ўтирилди; улар бу ерда амакиваччаси билан ёлғиз эмасликларини у эндигина фаҳмлади. У таажжуб билан поездда бирга келган қора кийимли қизга тикилиб қолди.

— Ҳаммамиздан ҳам хлороформнинг ҳиди келяпти,— деди қиз,— биз поездда врач билан бирга келдик.

— Сен синглимни эсингдан чиқариб юборган бўлсанг керак,— деди Отто Ливен.

— Сизни яхши эслай олмаяпман. Лекин қўғирчоғин-

ғиз жуда яхши эсимда. У қандайдир жудаям катта эди, ҳар доим оёқ остида ётарди.

— Қўғирчоғим албатта эсимда.— Қизнинг чеҳраси бир оз мулойимлашгандай бўлди; унинг дарров чиройли бўлиб кетишига шунинг ўзи кифоя эди.— Ҳатто қочиб кетаётган вақтимизда, мен уни бир неча кунгача олиб юрганман. Кейин у ўққа тутишган поездда қолиб кетди. Ойим, мен ва бошқа жуда кўп кишилар қизиллар ҳали босиб олмаган қишлоққа қочганмиз. Онамнинг хизматкори ҳалок бўлганди, у қандай бўлмасин бизнинг буюмларимизни қутқариб қолмоқчи бўлганди. Ойим йиғлади, мен ҳам йиғладим. Лекин мен, фақат қўғирчоғим учун йиғлаётганлигимни ҳеч кимга билдирмаганман.

Отто Ливен деди:— Онамиз ўтган ой Дрезденда вафот этди. Элизабет онамизнинг даволаниши учун бир оз пул топиш мақсадида Бюлер тоғидаги санаторийда ишлади.

— Мен у ерда қолмоқчи бўлдим,— шошилиб қўшиб қўйди Элизабет.— Мен ҳар сафар сенинг олдинга отпускамда келиб тураман. Йўқ, илтимос, қаршилик қилма. Амакиваччамизнинг олдида жанжаллашма. Мен ҳеч қачон сенинг қарамоғингда қолмайман. Акам ҳамма вақт, мен билан бирор бахтсиз воқеа рўй берадигандек қўрқиб юради. Мен унинг назарида кичкинагина сингилчаси бўлганман ва ҳали ҳам гўё шундайлигимчаман, агар у ҳам менга нисбатан ўша кичкина акалигинча қола берадиган бўлса, ростини айтганда, мен бўнга қаршилик қилмасдим. Ваҳоланки, мен унинг ёрдамига эмас, у менинг ёрдимига кўпроқ муҳтож.— Элизабет нафрат билан лабини буриштирди:— Эсингдами, бир куни кечқурун жарда ўйнаётгандик, иккаламиз ҳам узоққа кетмаслик учун бир-биримизга насиҳат қилардик? Иккаламиз ҳам ёлғиз қолишдан қўрқардик.

Акаси кулиб юборди ва Элизабетни ўпди.

— Ахир, биз Эрнст билан яна бир марта ўшаларнинг ҳаммасини: кўлни ҳам, уйни ҳам, жарни ҳам кўрганмиз; тепаликдан яна бир марта имениени томоша қилганмиз.

Эрнст Ливен:— Ушанда биз бир неча соатдан кейин уйда бўламиз, деб умид қилгандик, бунинг ўрнига бизни орқага улоқтириб ташлашди, сени ярадор қилишди.— деди. Элизабет акасининг ҳикоясига диққат билан қулоқ соларди. Акаси унга, бир вақтлар уларнинг малайлари-

дан бўлган бир деҳқон оиласи билан учрашганлигини ҳикоя қиларди. Эрнст Ливен унинг гапига қўшимча қилди:— Чекинаётганимизда мен уларнинг ҳаммасини яна кўрдим; улар ҳамма ёқлари ўқ билан илма-тешик бўлиб, уйнинг полида ётишарди. Фақат бир қизча тирик қолганди. Қиз синиб кетган қақир-қуқурлар орасида эмак-лаб, нонуштадан қолган нарсаларни ерди. Эҳтимол, ҳозир унинг ёши ҳам, сизнинг ёшингизда бўлса керак, Элизабет. Эҳтимол, у ҳозир чиройли қиз бўлиб кетгандир.— Отто сингилсини қучоқлаб:— Чиройли бўлса ҳам, сенчалик чиройли эмасдир,— деди.— Эрнст Ливен қизга тикилиб қаради:— Агар хато қилмасам, у қизнинг палаги тозароқ эди. Унда, Элизабет, сизда йўқ фазилатлар бор эди.

— Нима?

— Илиқлик.

Лекин у, қизнинг чеҳрасида бирор уялиш аломатлари пайдо бўлади, деб хато қилганди. Қиз жавоб берди:— Билмайман, бу мамлакатдаги қайси бир гулханда исиниб олсам бўларкин.

— Ахир бу бизнинг мамлакатимиз-ку, бизнинг ватанимиз-ку.— деди Отто Ливен,— Германияда сен ўз уйингдасан.

— Аччиғинг келмасину, ака, лекин мен сенинг назарингда ҳали ҳам унчалик камолатга етмаган қизман. Гарчи болалигимда ўнг ва чапимда Россия билан Германиядек иккита улкан мамлакат бўлганлигига қарамасдан, мен учун, кичкина қиз учун ватан — бу қандайдир жудаям катта нарса. Менга эса, бир қарашимда кўзга ташланадиган боғ, кўл, ўрмонзорларни, қисқаси сизлар ўша вақтда тепаликдан кўрган нарсаларингни кўришнинг ўзи кифоя. Шунинг учун ҳам сен гапираётган ана шу шаҳарлар, катта дарёларнинг менга нима учун керак эканлигини мутлақо тушуна олмайман, сен эса, уларнинг ҳаммасини сенинг ватанинг дейсан.— Элизабет яна ўзининг бурчагига бориб ўтирди. Эркаклар бемалол вайсай-веришди:

— Анави қўл-оёғи узун ўқитувчи қаерда?

— Биз ерда қалин дўст бўлиб қолдик. Мен ундан илгари билмаган кўп нарсаларимни ўрганиб олдим, у эса мендан ўрганди. Бизнинг баҳслашувларимиз бизга катта фойда келтирди: мен кўпгина нарсани тўғри тушуна бошладим, мағрурлигимни ташладим, у эса, менинг дўс-

тим, жаҳон уйғунлиги ҳақидаги хаёлий орзуларидан қутулди.— Отто Эрнст бирор нарса дермикин, деб бир оз гапдан тўхтади, кейин яна давом этди:

— У менинг ҳамма вақт: интернационаллар чидаш бера олмайдилар, янгидан-янги урушлар уларнинг жонига тегади, чунки ҳамма вақт бир халқ иккинчи халқ билан рақобат қилмоқчи бўлади, деб гапириб юрган гапларимга, ниҳоят, эндигина тушунди. Мен энди, миямда қанақанги ажойиб, олижаноб фикрлар туғилмасин, бу фикрларнинг ҳаммаси ўз миллатим туфайли эканлигига қаттиқ ишонаман.— «Мана энди бошланди!— деди ичидан Ливен.— Майли энди гапини тугатиб олсин». Уйнаётган боласини кузатаётган онага ўхшаб Элизабет ҳам қўлини бошига тираб, бир оз истеҳзо, ҳаяжон билан акасига қараб ўтирарди.— Бу миллат,— деб давом этарди у, одатда ўз кўнглида сир сақлаган нарсасини, ниҳоят, очиқ айтаётганидан ҳаяжонланиб,— бу миллат далаларга ишлов беряпти, кўмир қазияпти, шу билан бир қаторда асрлар мобайнида муттасил ўз она тилида гаплашяпти, ўзининг музикасини, ўзининг расмларини яратяпти, ўзининг черковларини қурияпти, ўз армиясини қуроллантиряпти, ўзининг буюк ёзувчиларини, машҳур давлат арбобларини ҳамда биз ва сенга ўхшаш айрим кишиларини дунёга келтиряпти.

«Берлинда яшириб юрган гапларимни энди каниқулда ҳам эшитарканман-да» деб ўйлади Ливен.

— Гарчи бир-биримизнинг шунақа бўлиб қолганимиздан беҳабар бўлсак ҳам, иккаламиз ҳам национал-социалистлар бўлиб қолдик,— деди Ливен.

— Биз, бунга турли йўллар билан келган бўлсак керак, қола берса дўстимиз ўқитувчи ҳам. У ҳам, бошқа миллат куйини ўз скрипкасида чала олишини, лекин бу куйни ярата олмаслигини тушуниб қолди. У ҳам менга ўхшаш миллатчилик кайфиятида. Мен эса, унга ўхшаш социалистик кайфиятдаман. Мана шу туфайли национал-социалистлар партиясига асос солган кишининг улўғворлигини айниқса тушунасан, киши. Бу барчамизнинг умумий паноҳимиз.— Эрнст Ливен ичида:— «Ишонманки, жудаям мустаҳкам паноҳ бўлмаса керак», деб ўйлади.

Оттонинг синглиси бурчакда ўтирганлиги туфайли, кечқурунлари Эрнст Ливен қўрққаничалик зерикарли эмас эди. Элизабет ҳеч қанақа баҳсларда қатнашмасди,

Эрнст билан бирор тўғрида гаплашмасди, лекин у билан тез-тез кўз уриштирар эди, бу кўз уриштиришида гўё: «Бу уйда фақат иккаламиз бир-биримизни тушунамиз. Уларнинг назариялари бизни қизиқтира олмайди. Биз унинг муқаддас маслагига қўшила олмаймиз. Биз граммаларни ҳам, қасамларни ҳам истамаймиз»— дегандек бўларди. Уқитувчи қишлоқда бехосдан пайдо бўлиб қолган чиройли бегона қизга еб қўйгудек бўлиб қараб юрарди.

Кетишидан бир кун илгари Элизабет Эрнст Ливеннинг хонасига чиқди:

— Мен сен билан хайрлашмоқчиман.— Эрнст хотинларни қанчалик яхши билмасин, барибир ҳайрон бўлиб қолди. Қиз унинг олдиғинасига келиб:— Сен менга ёқасан,— деди.— Кейин дарров орқасига чекиниб, деворга суянди ва гўё фақат шунинг учунгина Эрнстнинг олдига киргандек, гапира бошлади:

— Биз қизиллар ўққа тутган поезддан қочардик, қўғирчоғим ўша поездда қолган: мен билан ойим бирор-та портга етиб олиш мақсадида қишлоқдан қишлоққа қочардик, қизиллар эса ҳамма вақт орқамиздан таъқиб қилишарди. Биз тепаликлар устидаги қўрғонларнинг аланга ичида қолганлигини кўрдик. Уша вақтда бизнинг имениемиз ҳам куйдирилганди. Отамни ўлдиришди; лекин биз буни анча кейинроқ билдик. Баъзида онам тўхтарди; бирпас дамани олиш ўрнига, у мени ўпа бошлади. Ниҳоят, биз Штетинга етиб олдик; мен икки кунча ҳеч нима емадим; ойим эса бир неча кунгача туз тотмади — у ўзиникини ҳам менга берарди. Ойим икковимиз дуч келган биринчи меҳмонхонага кирдик, кўчада у сочларини таради, олиб келган узугини, исирғасини сумкасида олиб тақди. Биз қорнимиз тўйгунча овқат едик, лекин овқатга тўлашга пулимиз йўқ эди; ўтирганлардан биттаси бизга қараб турган экан. Кельнер<sup>1</sup> сўкина бошлади. Ҳалиги одам ўрнидан туриб, биз еган овқатга пул тўлади, кейин:— Бёзовта қилганим учун кечирасизлар,— деди.— Кейинроқ у биз ижарага олган уйнинг ҳақини ҳам тўлади; шундан кейин у қизингизни бирор пансионга<sup>2</sup> ўрнашгиринг, деб онамга пул берди, лекин кейинчалик у узоқ бир жойга кетиб қолди. Ушанда унинг дўсти ойим-

<sup>1</sup> Кельнер — официант.

<sup>2</sup> Пансион — ётоқхонали ўрта мактаб.

га ғамхўрлик қилиб турди. Қаникулда онамнинг олдига келганимда, биз гўзал онам билан учрашганлигимиздан жуда ҳам хурсанд бўлиб кетардик. У менга жудаям меҳрибон эди. Кейин ойим касал бўлиб қолди. Бир неча вақт унинг даволаниши учун врачга, менга эса мактабда ўқиётганлигим учун ҳақ тўлашиб туришди. Лекин биз учун ҳақ тўлаб юрган ҳалиги дўстимиз, ойимнинг касалини узоққа чўзилади, деб ўйлаган бўлса керак. Шундан кейин, дрезденлик врач мени санаторийга ишга жойлаштириб қўйди. Ойим доимо менга:— Акангга бирон нима деб хат ёзма, ташвишга қўйма, деб айтарди. Тез орада ойим вафот этди, лекин унга ўхшаш менинг ишим ўнгидан келмади. Мен, биз учун пул тўлаб, кейин пошналарини бир-бирига уриштириб:— «Безовта қилганим учун кечирасиз»,— дейдиган одамни учратмадим. Бош врач мени ишда олиб қолди. Энди мен ўрганиб қолдим. Мен касалларни рўйхатга оламан. Оладиган маошим ўзимга кифоя қилади. Энди менга, ёрдамлашадиган дўстнинг кераги йўқ. Фақат у менга жудаям ёқиб қолмас бўлди.— Қиз елкасини деворга ишқалади. Қулоғидаги исиргани кўрсатди:— Қочаётган вақтимизда ойим бу исиргани сумкасига солиб қўйганди. Исирга қизимга қолсин деб ойим уни сотишга ҳеч унамаганди. Мен ҳеч бўлмаса яна бир мартагина уйимизга борсам дейман. Ҳеч бўлмаса бир мартагина бир соатгина уйимиз илгари пайтдагидек бўлишини истардим. Булдан кейин нима бўлишини билмайман. Аммо, энди барибир менга.

#### IV

Вильгельм Надлер «Спортпаласт» даги йиғилишда фон Цизен унга ўхшаб ҳаяжонланиб Геббельснинг нутқида қулоқ солганлигини кўрганидан бери, барон энди унинг кўнглига илгаригидек яқин эди. Лекин Вильгельм ҳали ҳам ишонган кишидан бутунлай кўнгил уза олмасди: узоқ бир жойлардан жар солинаётган янги ғоялар унинг учун озлик қиларди, у қандайдир ҳақиқий нарсага, ғайрати ошиб-тошиб ётган одамга муҳтож эди. Ҳар бир ғоянинг ўз вакили, жарчиси, воситачиси бўлади. Вильгельм штурмчиларнинг группенфюрери Гармсга ўхшаш деҳқонга тоби бўлишни истамасди. Гармс эса, бу ерда қирғоқда ва қўшни қишлоқда ўз атрофига бир

неча ёш йигитни йиғиб олганди. Гармснинг қўшни қишлоқдаги хўжалиги қаровсизлик ва ташландиликдан барбад бўлишга келиб қолганди. Тўғриси, Вильгельм Надлернинг ўзи ҳам ҳар доим хонавайрон бўлиш хавфи остида қолганди, у қарзга ботганлигидан, ҳеч бўлмаса хаёлида унинг обрўсини ошира оладиган бирор нарса топишга интиларди. Лекин у янги нарсани унчалик аниқлаб ололмагани учун ҳозирча эскисига таяниб турарди.

Қишда қишлоқда, кўлнинг нариги томонидаги уй ремонт қилинаётганмиш, барон кўчиб келармиш, деган овоза тарқалганда, у ҳатто хурсанд ҳам бўлди. Надлер бароннинг кўчиб келиш сабабини билмасди, лекин сабаби аниқ эди: банк сингандан кейин Цизен жуда кўп пулдан ажради. Унинг энг кейинги катта харажати қизининг тўйи бўлди; қизи бир илож қилиб, хотин-қизлар орасида зўр обрўга эга бўлган, енгилтак йигит — Лотарга эрга тегиб олди. Яхшиямки, ваъда қилинган сеп, шаҳар ҳовли ва кийим-бошлар ҳақидаги кўнгилсиз масала беғалва ҳал бўлди, чунки Лотар билан хотини Афғонистонга жўнашаётганди. Лотар Афғонистондаги консулхонадан иш олганди. Лекин агар Надлер, ҳақиқатда ҳам унга алоқадор бўлмаган бу қийинчиликлардан шубҳаланмаганда ҳам, унга алоқадор бўлган асосий масалада иш бир оз мужмалроқ эди. Вильгельм шубҳаларига қарамай, умумий қарашлар ва умумий мақсадлар замирида бўлмаса ҳам, балки қандайдир индамасдан берилган ваъда туфайли, ўзини Цизенга нисбатан содиқ бўлиб қолишга мажбурдай ҳис қиларди; ахир ишонган кишиси билан муносабатни тўғридан-тўғри узиб юбора олмасди-да. Вильгельм бўлажак президент сайловларида яна Гинденбургга овоз бериш керак эмаслигини тушунарди — ахир Гинденбург Брюнингдан сира жудо бўла олмайди, нега шундай эканлиги эса номаълум; Гинденбург ҳам Гогенцоллерларга ўхшаш протестант, Брюнинг эса католик! Надлер Брюнингни «шарқ ёрдами»<sup>1</sup> учун жуда ёмон кўрарди — гўё бу ерда камбағал деҳқонлар оздай! Брюнинг Гинденбургни лақиллатишининг сабаби шунда эдики, Гинденбург чолнинг шарти кетиб, парти қолганди. Вильгельм кўл ёқасидаги меҳмонхонада Цизеннинг

<sup>1</sup> «Шарқ ёрдами» — Брюнинг ҳукумати томонидан Германиянинг шарқидаги катта ер эгаларига ёрдам пули берилиши. (Ред. изоҳи).

«Уруш қатнашчилари — деҳқонлар Ватан Иттифоқи»нинг аъзолари олдида сўзлаган нутқини эшитганди. Шунинг учун «Эман»да йиғиладиган кишиларга тушунтириши керак бўлган барча гапларни эслаб қолишга ҳаракат қилди, чунки у кишилар ҳам ўз навбатида бутун қишлоқни «Пўлат шлём»нинг вакили Дюстербергга овоз бериш учун кўндиришлари керак эди. Кишилар ҳамма жойларга Дюстербергнинг портретини ёпиштиришди. Нима ҳам деб бўлади — кўзга кўринган одам. Ҳар қалай бирор киши Гинденбург учун овоз бергундай бўлса, бу нарсани шу кунни кечқуруноқ Вильгельмнинг овозларни ҳисобловчи тўқийдиган пиюси кўрсатиб қўйди. Портретлар эскирмайди. Шунинг учун ҳам, бундан беш йил муқаддам Надлернинг ўзи осган Гинденбургнинг портрети ҳануз янгидай кўринарди. Лекин бу чолнинг қўли остидаги турмуш кундан-кун ёмонлашиб кетди. Тельманинг портретини эса йўл ишчилари олиб келган бўлсалар керак; бутун қишлоқни ахтарганда ҳам бунақанги доворакларни топиб бўлмайди. Тельман Германияда ҳам Россиядагига ўхшаш ер участкалари ўртасидаги барча чегаралар йўқолишини истайди, Вильгельм Надлер эса дунёда ҳамма нарсдан кўпроқ унинг участкасига қўл текизишларидан чўчирди. Гитлерчиларнинг сайлов плакатини ҳеч ким олиб ташламади. Плакатда Гитлернинг ўзи бўлмай, балки эркак ва хотиннинг расми солинганди. Бу расми солинган эру хотиннинг иккаласи ҳам очликдан қақшаган, бутунлай ҳолдан тойгандай кўринарди. Лекин иккаласининг чеҳрасидан, уларнинг ҳалол одамлар эканлиги кўринарди. Хотиннинг сочи малла бўлиб, Лизадан чиройлироқ эди; фақат унинг чеҳраси ғамгин, паришон эди. Лиза эса ҳар доим, ҳатто уни бонлаб калтаклаганингдан кейин ҳам қувноқ кўринарди. Расмдаги эркак ҳам паришон, ғамгин. Гарчи у кўпроқ солдатни эслатса ҳам ишсиз бўлса керак. Эссизгина йигит! Плакат остига эса национал-социалистларни сайлаш керак, деб ёзиб қўйилганди. Вильгельмнинг ўзига Геббельс шунчалик ёқиб қолгандики, ҳатто у ҳозирнинг ўзидаёқ ўшанинг хизматига тушишга тайёрдай эди. У барон фон Цизен ҳам энди иккиланиб юрмас ва ўша кечадан кейин ўзиёқ нацистлар тарафига ўтиб олар, деб ишонганди. Аммо барон ҳозирча илгари қандай бўлса, шундайлигича қола берди. Шунинг учун ҳам Надлер унинг буйруғи билан «Пўлат шлём»нинг плакатларини

ёпиштирди. Сайловларга бир-икки кун қолганда Надлер қизиқ бир ҳолни бошидан кечирди. Унинг ўз ҳовлисида, омборнинг эшигида коммунистларнинг: «Қимки Гинденбургга овоз берса — Гитлерга овоз берган бўлади», деган плакати пайдо бўлди. Унинг ҳовлисини яхши билган қайси фирибгар дарвозани оча олган экан? Бу ишни уйдагилардан ва ҳатто қишлоқда яшовчилардан бирортаси қилиши мумкин эмас эди. Надлер плакатни кўрсатиш учун хотинини ва бир неча қўшнисини чақирди. Плакатдаги ёзув уларга ҳеч нарсани англамади. Мабодо плакатдаги гап ҳақ бўлса, у вақтда Надлернинг ён қўшниси Мюллер тўнғич ўғли билан уришиб қолмаган бўларди. Мюллернинг тўнғич ўғли қишлоқдаги группенфюрер Гармсга итоат қиларди: ўғли Гитлерга, отаси эса Гинденбургга овоз бермоқчи эди. Агар Гитлерга овоз бериш Гинденбургга овоз бериш билан барабар бўладиган бўлса, ота билан ўғил жанжаллашиб юришмасди!

Қишлоқда рўй берган бу чалкашликлар Цизенни не-не хаёлларга олиб борди. Қайта сайловларга зарурият борлиги аниқланганда Надлер жуда хурсанд бўлиб кетди. Энди Цизеннинг буйруғи билан махсус плакатлар ёпиштириш керак эмас эди. Энди барча националистик иттифоқлар Гитлерга овоз беришмоқчи. Цизен эркин нафас олди, унинг билан бирга Надлер ҳам эркин нафас олди; бу қайта сайловлар туфайли у ўз йўлни юлдузини бошқаси билан алмаштириш ёки унга фақат бурч нуқтаи назаридан эргашиш заруриятидан халос бўлганди. Лекин барча уринишларга қарамасдан, яна Гитлерни эмас, балки Гинденбургни сайлашганди, Надлернинг ҳафсаласи пир бўлиб кетди, бу эса уни яна бошқатдан Цизенга яқинлаштирди.

## ТЎҚ ҚИЗИНЧИ БОБ

### I

Шу воқеадан кейин кўп ўтмай Цизен машинада кўл ёқалаб борарди. Йўлда кетаётиб пасторникига кирсаммикин, деган фикр хаёлига келди. Пастор эса Христиан билан бошмоқларини яматиш тўғрисида гаплашиб ўтирарди. Шу орада у деразага қаради-да, меҳмонга кўзи тушиб, шундай деди:



— Тез бўл, Христиан, камаримни боғлашиб юбор.— Христиан пастор келтирган бошмоқларга тагчарм қўйиш учун, уларни қўлига олди. Езув столи устида осифлиқ турган дюрер Лютерининг сурати, одатдагича ўз пасторининг ямоқ солинган пайпоқларига истеҳзо билан қараб турарди.

— Хўп бўлади, ҳозир жаноб пастор,— мулойим оҳангда жавоб берди Христиан, пасторнинг уйида ана шунақа оҳангда гапирарди.

Христиан уйдан чиқа туриб Цизенга юзма-юз келиб қолди ва бошини қуйи солиб:— Салом,— деди. Аммо Цизен Христианнинг унга кўз олайтириб қараганини фаҳмлаб қолди. Христиан, агар дунёдаги барча нарсага бефарқ қарамаганда, баъзи вақтларда ёмон кўрган кишиларини кўзи билан еб қўйгудек бўларди.

Цизенда қандайдир ёмон ҳис қолди. У пасторнинг кабинетига кира туриб:

— Бу этикдўзингиз ғалати одам,— деди.

— Ҳа, бечора бир илож қилиб кун кечириб юрибди, ҳар қалай бир неча йилдан бери акасига чин кўнгилдан ёрдамлашаяпти. Қани энди сиз уларга бир ёрдам берсангиз экан! Ҳамма жойда ҳам одамларнинг турмуши ёмон. Қишлоғимизда уч марта ким ошди савдоси бўлди. Вильгельм Надлер ҳам бундан қутулолмаса керак. Христианни эса, бахтга қарши, нафақасини камайтириб қўйишди.

— Қанча нарсамдан жудо бўлганимни худонинг ўзи билади. Яқин орада ишим ўнгидан келадиганга ўхшамайди.— Цизен банкининг синганини, кейинроқ бошқа муваффақиятсизликларга учраганини ҳикоя қилди. Попнинг тепасида осилиб турган Лютер эса, ўзига ҳам яхши маълум бўлган турмуш машаққатларини девордан кузатиб турарди.

— Битта нарсага хурсандман — ҳар қалай Брюнингни сайлашмади. У чолнинг атрофида қанча парвона бўлмасин, ҳеч қандай натижа чиқмади. Гинденбург бу ўтакетган фирибгарликка миннатдорчилик билдирмасликка журъат қила олди — кечирасиз, жаноб пастор, бу гап бехосдан оғзимдан чиқиб кетди. Ҳеч бўлмаганда унинг ўрнига Гитлери ўтқазилганда эди. Тўғри, у ҳам католик; айтишларига қараганда Австриядагиларнинг ҳаммаси ҳам католик, лекин Гитлер Папа тарафдори эмас.— Пастор баронга ҳеч кимга айтмаслик шарти

билан фақат Гитлергина христиан давлатини сақлаб қолиши мумкин, деган черков советининг фикрини айтди. Улар яна анчагина дунёда бўлаётган ишларни муҳокама қилишиб, олча наливкасини ичишиб ўтиришди. Уй бекасининг ман қилишига қарамасдан, улар яна бир шишани оғзини очиб ичишди.

Орқасидан машина қувиб етганда, Христиан Надлер ҳамон оқсоқланиб йўлда кетаётган эди. «Бечора,— ичиди ўйлади барон,— чўлоқ оёғи йўлини уч ҳисса кўпайтиради; агар ёғоч оёғи бўлганда, ҳар қандай тезроқ юрган бўларди. Аммо у оёғини дурустроқ, деб билса керак».

Уйига қайтгандан кейин, Христиан чўян печкасига ўт қалади. Ҳали хийла совуқ эди, лекин у айвонга ўтишни хоҳламаздан учоёғини очиқ эшик ёнига суриб қўя қолди. Шундай қилганда ҳам танасининг ярми совқотарди, ярми эса иссиқ эди. Гўё атрофидаги сайхон ерлар, Христианнинг жойидан қимирлай олмаслиги эвазига унинг кўнглини кўтармоқчи бўлгандай, у йироқдаги қўлга ва кети йўқ ясси текисликка жуда мамнун бўлиб боқарди. Баҳор фасли бўлиб, осмон шиша сингари тиниқ эди, кинотнинг пардаси олиб ташланганга ўхшарди. Христиан сал-пал жимирлаётган сувни, узоқ қишлоқдаги кўнғироқхонани, нариги қирғоқдаги плуг тишини аниқ кўриб ўтирарди. Оқ момиқ булутлар аҳён-аҳёнда қуёшнинг юзини бекитар, нур ва соя Христианнинг чарм қоплаётган ориқ, чаққон қўлига, жиддий, осойишта чўзинчоқ юзига тушиб турарди. Айрим кишиларга Христиан жуда бепарво эди. У ҳеч кимни севмас эди. Лекин ўз олдида ястаниб ётган кенг оламга у сира бефарқ қаролмасди. У бу дунёнинг айрим жойларида — қовоқхонада, қишлоқда, акасининг уйида ўзини ёлғиз ҳис қиларди. Аммо умуман бу оламда у ўзини ўз уйидагидек ҳис қиларди.

Кўлдан моторли кеманинг чириллаши эшитилди. Бугун ҳамма нарса анча аниқроқ кўринарди, аниқроқ эшитиларди. Бир тўда қандайдир йигитлар ишга кетишаётганди; улардан биттаси Христианга қараб бош ирғади. Кема бериги қирғоқда, кўшни қишлоқ олдида тўхтади. Бирпасдан кейин йўлда Христианнинг саройига қараб келаётган одам кўринди. Бу тужурка кийган ва бир ўтти тишлаб олган новча йигит эди. Йироқдан кўк, йўл-йўл шарфли қора нуқта бўлиб кўринган одам

Христианга ғалати туюлды. Аммо ҳозир унинг олдида тўхтаб, тепасидан қараб турган одам, унинг учун аҳамиятсиз эди.

— Нима, мени танимаяпсизми, Христиан? Мен Пауль Штробельман. Бир неча йил муқаддам мен акангизни-кида мардикор бўлиб ишлаганман. Уша вақтда сиз мени бошқалардан беркитиб боқиб турардингиз.

— Катта йигит бўлиб қолибсан-ку!— Яна овқат егинг келяптими?— Христиан оқсоқланиб сандиғининг олдига келди, бир бурда нон кесиб устига бир парча ветчина қўйди, йигит эса бир вақтлардагидек сандиққа ўтириб, гапга тушди:

— Сизнинг қимматли акангиз, Вильгельм, Тельманнинг портретини омборига ким ёпиштириб қўйганини ҳалиям билмайдими, дейман? Сизлар анча камбағаллашиб қолибсизлар. Ҳатто янги омбор ҳам қуриб ололмабсизлар.

— Нега энди биз бўламиз экан? Мени энди бу дўкондастгоҳга ҳеч қанақа алоқам йўқ.

— Мен қўшни қишлоққа кетяпман, у ерда Хёнишнинг участкасини ким ошди қилиб сотишмоқчи. Утган ҳафта биз бу ишни қилишга халақит берган эдик. Шунинг учун ким ошди савдосини бошқа вақтга қолдиришганди. Биз нацистларни деҳқон ва немис социализми ҳақидаги ўзлари мақтаниб юрган программаларини бажаришга мажбур қилмоқчимиз. Хёниш ахир немис деҳқони-ку, тўғрими?

— Албатта, албатта,— деди Христиан,— Вилгельм ҳам немис деҳқони. Мен эса немис этикдўзиман. Мен чарм қоқмоқчи бўлган этиклар эса, немис пасторининг этиклари.

Йигит завқ билан яна гапирди:— Биз ҳатто анови қишлоқдаги аҳмоқларни ҳам ғулғулага солиб қўйдик, ҳатто анави нацистларни ҳам.— У Христианнинг ғашига тегиб, унга қараб қўйди. Пауль ўзининг оила, қишлоқ ва давлат тўғрисидаги мулоҳазалари билан Христианни гиж-гижларди. Йигит ёшлигиданоқ баҳс қилишни яхши кўрарди. Шунинг учун донмо даҳанаки жанг қилишга шерик ахтариб юрарди. Лекин Христианни энди гапга солиш мумкин эмасди. Бу йигит Христианнинг жимжит устахонасида унга халақит бера бошлаганди. Шунинг учун у то Паулнинг гапдан ҳафсаласи совумагунча унинг гапларига: «Хўш, шундайми! Дарҳақиқат...»— деб

тўнғиллаб ўтирди; Пауль даладан юриб кетди. Унинг шарфи баҳор ҳавосида кўк байроқчадай ҳилпираб бораркан, Христианнинг назарида у аста-секин кишининг ғашига тегмайдиган ҳилпировчи чизиққа айланиб, унга роҳат бахш этди.

Бир неча кун кейин Христиан биринчи марта айвончасига чиқиб ўтирди. Кунлар исиб қолганди; фақат баъзан шиддатли совуқ шамол эсиб, қуёш юзини қора булут тўсарди-да, ёмғир ёғарди. Агар Христиан қия ўтирса, экинзордаги оқиш нуқталарни кузатиб ўтириши мумкин эди: бу унинг акаси, келинойиси ва болалар эди. Уртанча боланинг сочи зигирпояга ўхшаш оқ сариқдан келган бўлиб, кейинчалик ҳам қорайиб кетмади, бу нарсадан баъзан Вильгельмнинг жаҳли чиқиб кетарди; Христиан эса ўзича: сочи шу хилда турса мен уни дарров таниб оламан,— деб ўйларди. Кейинги ойда нафақамни қисқартириб қўйишди, деган баҳонани қилиб, Христиан солиқ тўлашда акасига ёрдамлашишдан бош тортди. Акаси шунчалик қарзга ботган эдики, яна бир оз шу хилда кета берса, у бутунлай хонавайрон бўлиши мумкин эди.

Қуёш Христианнинг кўзига тушиб турарди; у учоёғини буриб ўтириб, кетма-кет миҳ қоқишга тутинди. Қизиқ, мунча энди бу Пауль Штробель ҳеч ким танимайдиган бегона қишлоқда бутунлай нотаниш ҳовлини ким ошди қилиб сотишларига шунчалик қаршилиқ қилишга уринмаса! Таажжуб, бир умр одамлар бирор ишни қилишга шунчалик уринадилар-а. Одатда, жонингни ко-йитмасанг, иш жуда ўнгидан келади. Шунинг учун ҳам, шамол кучаймасдан туриб ҳам кўл устидаги булутларни тарқатиб юборади-да: шунга ўхшаш Христиан айтарли ҳаракат қилмаса ҳам аста-секин, ҳеч сўзсиз Вильгельмнинг қарзлари ортиб бормоқда эди. Қуёш ёз кунларидегидек қиздирмоқда. Пароход гудок берди.

Христиан орқасидаги оёқ шарпаларини эшитмади; орқасига ўгирилиб қараш унга малол келарди, фақат:— Христиан!— деб уни кимдир чақиргандагина у қошларини чимирди. Христиан орқасига ўгирилмаганлиги учун Лизанинг ўзи унинг олдига келди. У Лизага қаради; Лизанинг сепкилларида унинг бадани жимирлашиб кетди; яна ўша эски ишлар бошланаётганидан унинг жаҳли чиқди. У:— Сенга нима керак ўзи?— деди. Улар экинзорда турган Вильгельмнинг кўзига барала ташла-

ниб турардилар. Вильгельм хотинининг қайси томонга кетганлигини кузатиб турган бўлса керак.

Лиза жавоб берди:— Саройга кирсак бўларди, менинг ҳам ўтиргим келяпти!— Христиан қатъий қилиб:— Йўқ,— деди. Шундан кейин Лиза тахтага ўтирди. Бу Лизадан ҳеч қутулиб бўлмас экан-да! Лиза эса дарров ўзининг дардини гапира кетди. Ўтган сафар у акасига пул қарз беришликдан бош тортганди, мана энди бугун эрталаб банкдан охирги огоҳлантириш қоғози келди. Улар энди сиртмоққа тушишди. Агар Христиан ёрдамлашмаса, уларнинг бошига ҳам Хёнишнинг куни келади.

— Ўзинг кўриб турибсан, нафақамни бир қисмини қирқиб қўйишди.

— Эй, қўйсанг-чи,— эътироз билдирди Лиза,— сени пулинг ошиб-тошиб ётибди. Нафақангдан бирор пфеннигига тегмаганингга худо билади қанча бўлдикин... Бундан ташқари, сен ишлаб топяпсан. Пули йўқ деҳқонлар сенга думба ёғ олиб келишади. Иннакейин, оз бўлса ҳам иш қилиб нафақанг бор. Сен, эҳтимол, пуларингни пайпоғингни ичига яшираётгандирсан ёки банкка қўяпсанми? Биз шу ҳафта ичи қарзни тўлашимиз керак. Ана шунда бу балодан қутуламиз. Сен қарз уч муддатда тўланади, деган тилхат беришинг керак. Ўшанда биз бир оз қийинчиликдан қутулиб қоламиз.

Христиан жим қолди, кейин деди:— Балки, Вильгельм сени атайлаб юборгандир; у шундай қилинса, иш тезроқ битади, деб ўйлайди-да.

— Менга қара, гапимга қулоқ сол: агар бизнинг хўжалигимиз барбод бўлса, у вақтда ҳамма нарсани кули кўкка соврилади. Сен буни ўйлаб кўрдингми?

Христиан яна жим бўлиб қолди. Лекин унинг бундай индамай ўтирганини кўрган Лиза ўз мулоҳазаларини охиригача айтиб бўлди. Лиза кўкатни бармоғига ўраб, хотиржам гапида давом этарди:— Ҳа, албатта, сен ҳамма нарсани ўйлаб кўргансан. Мен ҳам баъзи бир нарсаларни ўйлаб қўйдим. Билмадим, сен буни ўйлаб кўрдингми йўқми? Бўлганича бўлар. Бундан ортиқ ҳеч нарса бўлмайди. Бу тўғрида сен ҳам ўйлаб кўрдингми? Ахир ерни ким ошди қилиб сотишдан ташқари, уни бирортага мерос қилиб қолдириш ҳам мумкин. Гапнинг пўскалласи мана бундай: сен Вильгельмни хонавайрон қилишинг мумкин, сен буни парвойингга ҳам келтирмайсан, лекин агар сен ундан бирор нарсани тортиб оладиган бўл-

санг, сен ахир бу нарсани фақат унинг ўзидан тортиб олмайсан-ку. Сен унинг болаларидан ҳам тортиб оласан-да. Унда болалар ҳам бу ердан бадарға бўлиши керак, уларнинг ҳам ҳеч нарсаси қолмайди, улар хонавайрон бўлишади.

Христиан пастор иложи борича тезроқ тузатиб бер, деб илтимос қилган бошмоқларга жон-жаҳди билан чарм қоқарди. У Лизанинг бунақанги узундан-узоқ гап сотиш қўлидан келишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Мен сенга ҳеч нима йўқ деб бир неча марта айтганман.

— Бор, бор,— деб қаттиқ туриб олди Лиза,— сен ахир ҳар ой йиғиб қўяпсан. Сени бир минг икки юз сўмга яқин пулинг бўлса керак.— Лиза унинг тўплаган пулини шунчалик аниқ айтганидан Христиан беихтиёр, қанча пулим борлигини унга айтиб қўймаганмидим, деб ўйлаб қолди. Лиза «мерос» сўзини айтиши биланоқ, у Лизанинг мақсадини пайқаб олди. Христиан бир неча марта ўзига, бу лаънати оила бутунлай мушкул аҳволга тушиб қолса, меҳрини қўйган, ҳа, меҳрини қўйган, нима ҳам деб бўлади — анови хурпайган, сариқ жингалак сочли болани олдимга қақириб олиб: мана, йигитча, бу фақат сенинг ўзингга, деб бор пулимни унинг олдига қўяман, энди ўз йўлингни топиб ол дейман, деб хаёл қилиб юрарди. Албатта бир бўлак ер бўлгани яхшироқ. Лекин бу пул билан ҳам бола ҳар қалай бирор нарсанинг урдасидан чиқолади; лекин тўғрисини айтганда бу ҳам озлик қилади. Акаси Вильгельм эса болаларга ерини қолдиради, лекин ернинг энг яхши жойлари тўнғич ўғлига тегади, кенжасига эса дурустроқ ер ҳам тегмайди. Қандай қилиб бўлса ҳам, бир йўлини ўйлаб топши керак, токи Вильгельм Христиандан қарз олган ҳамма нарса кенжа ўғилга қолсин. Христиан, шаҳарда бунақанги ишларни боплаб ҳал қилиб берадиган олғир адвокатлар бор эмиш деб эшитганди. Лиза, Христиан нималарнидир ўйлаётганини кўриб, кутиб турарди. Лекин у жуда узоқ ўйлади. Лиза жавобни ортиқ кутиб туролмасди. Христианни ўйлантириб қўйганининг ўзи ҳам кифоя қилади. Лиза ўрнидан туриб:— Сен яна бир яхшилаб ўйлаб кўр,— деди.

Кейин у ерининг олдига шошилди:— У ҳозирча ҳеч нарса демади, лекин ҳамма иш жойида бўлади.— Бу шайтон йигитнинг кўнглини фақат Лизанига топа

олишини, унинг учун Христиан ҳеч нарсани аямаслигини, Вильгельм олдиндан биларди.

Бу ишлар: тўлов муддатларини узайтириш, огоҳлантиришлар, хўрликлар, кўндиришлар ва гап-сўзлар Вильгельмнинг ўлардай жонига текканди. Тўғри, ҳозир баъзи бир ишлар бошқачароқ бўлиб қолганди. Фақат бир оз мана шу зулматда тоқат қилиб туриш керак, кейин қуёш ҳам чиқиб қолади. У бунақанги турмуш тез орада барҳам ейишига ва янгича ҳаёт бошланишига ҳеч шубҳа қилмасди. Умуман унинг ақли унча-мунча нарсага етиши туфайли, бу янгича ҳаёт унинг кўз ўнгида чексиз ҳукмронликдай ва унинг ўзи учун ёки унинг тепасида турган барча кишилар учун улуғвор бир нарсадай туюларди. Ахир ўшанда бу ҳукмронликдан унинг ўзи ҳам бирор нимали бўлиб қолади-да. Ана шу ҳукмронлик вақтида унинг барча қийинчиликлари худди тутундай барҳам ейди. Лекин у ҳозирча: агар Лиза адашиб қолса-ю, укам бундан кейин ёрдам бермайдиган бўлса менинг ҳам, оиламнинг ҳам ҳоли не кечаркин?— деб қўрқарди.

## II

Ишсизларнинг хотинлари уруш давридан бери сақланиб қолган ҳар хил рецептларни ахтаришарди. Улар бир-бирларининг ошхоналарига чопишиб, олма пўчоғидан, қарам баргларидан, нон ушоқларидан ва ҳатто кофе қуйқаларидан нималар қилиш мумкинлигини сўрашарди. Улар анчадан бери, масалан, картошка қайнатилган сувда шўрва қилиш ва унга қуритилган нўхат пўстлоғи солиш мумкин эканлигини бир-бирларидан сўраб билиб олишганди. Гўё Берлин қамал қилинган шаҳар-у, бу ердаги одамлар ниманики бўлса, шуни овқат деб билиб, ўз турмушларини ўтказаётгандек эди. Мария якшанба куни дастурхонга от гўштида пиширилган қовурдоқни олиб келганда, болаларнинг:— Эй, эссизгина...— деган овозини эшитиб, жуда хафа бўлиб кетди.

Бир куни Елена уйга чопиб кириб;— Мен ўзимга иш топдим,— деди. Ҳаммалари унга ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Уйга қайтаётганда йўл-йўлакай Елена уйдигиларнинг унга шундай ҳайрон бўлиб қарашларини кўз ўнгидан ўтказиб келарди. Қизчани шу вақтгача бирор

марта хурсандчилик билан, қола берса ҳайрон бўлиб кутиб олишмаганди. Ҳозир эса ҳаммалари унга, гўё у бирор ғайри табиий нарсани ўйлаб топгандек, қараб туришарди. Отаси ҳатто унга стул қўйиб берди, онаси эса унинг олдида тарелкани суриб қўйди. Елена ҳикоя қила бошлади; у ҳеч кимга билдирмасдан бадиий тўрлаб ямаш устахонасига намуна учун иш тайёрлаб бериб турарди; унинг билан меҳнат биржасида танишиб қолган бир қиз, унга баъзи бир усулларни, шунингдек ип улайдиган алоҳида игнани ишлатиш йўлини ўргатганди. Шаҳарнинг ғарб томонидаги бу машҳур, қадрдон устахона синаш учун бир неча ўнлаб хотинларни танлаб олганди; унинг нечоғлик чапдаст эканлигини онаси билди-ку. Энди унга, эртага эрталаб, соат саккизда устахонага келишинг мумкин, деб айтишганди. Аввалига унга ҳафтасига ўн саккиз марка тўлаб туришади. Отаси:— Ана холос!— деди. Онаси эса:— Сен ҳамма вақт ҳам эпчил эдинг-да,— деди. Қизнинг олдида дарров қолган-қутган овқатларни тўплаб, бир тарелка шўрва қўйишди. Елена, тақдир эндиликда унга нисбатан қилган ўз хатосини тuzатмоқчи бўлганлигини ҳис қиларди. Мана, натижада тақдирнинг унга берган мукофоти: ахир у ҳамма вақт чиройли эмаслиги, бефаросатлиги ва ғамгин эканлигига кўникиб келарди ва бу нарса уни бир бурчакда индамай ўтиришга мажбур қиларди. Энди эса, оилада ва ҳатто улар яшайдиган уйнинг ҳамма қаватида танҳо унинг ўзи яхши ҳақ тўлайдиган иш топиб олди, бундан ташқари, ҳар кимга ҳам муяссар бўлмайдиган жуда озода иш топиб олди. Маълум бўлдики, бунақанги ишга Еленанинг ўзи арзийдиган қиз экан.

Эртасига эрталаб у шаҳарнинг ғарб томонига бориш учун метрога қараб чопиб бораркан, ўзининг фойдаси тегишини ўйлаб кўнгли тоғдай кўтарилди. У одамлар тикилиб ётган вагонда кета туриб, бу одамларнинг ишга кетаётганлиги қизиқ, бизнинг оилада фақат менинг ишим бор, бизнинг уйимизда яшовчилардан жуда камдан-ками ишга эга, деб ўйларди.

Кечга яқин, Елена ишдан қайтиб келгач, гўё у оила бошлиғидек, унга овқат маҳтал бўлиб турарди. Еленани саволларга кўмиб ташлашди, у яна бир ой синовдан ўтишини тушунтирди, лекин шубҳа қилишмаса бўлади— у синовдан ўтади. У кутилгандан ортиқ чевар қиз бўлиб чиқди. Қиз дарров ўзининг ҳунарини кўрсата олди: ав-

тoмoбилда Курфюрстендаммик бир басовлат хоним келди ва йиғлаган қўйи, янги юбкасининг бир жойини папирос билан куйдириб қўйганлигини айтди; у устахона хўжайинига, агар ҳозир костюмимни ямаб берсанглар уч ҳисса ҳақ тўлайман деди. То Елена юбканинг куйган жойини тўрлаб ямагунча бетоқатлик билан кутаётган бу хонимнинг битта ички юбкаси балда кийиладиган қўйлақдан ҳам қимматроқ турса керак. Бажарилган иш учун хоним ишсизларнинг бир ойда оладиган пулини тўлаганида, худди астрономнинг телескопига юлдузлар олампдан биттагина юлдузча тушиб қолганида тааж-жубланмаганидек Елена ҳам унчалик ҳайратда қолмади.

Бир ой ўтди, уйдагилар Еленани яна ҳаяжон билан кутиб ўтирардилар. Лекин қиз отасининг олдига, ишга муқим ўрнашганлигининг далили сифатида ярим фунт кофе солинган пакетчани индамай қўйди. Ганс ёстиқнинг тагидан бир плита шоколад топиб олди; опаси ошхонадаги клеёнкадан қилинган диванда ухларди, бола астагина унинг ёнига кириб олди. Ганс диваннинг четига ўтириб, шоколадни ея бошлади. Елена укасига жилмаймай қараб турарди, лекин унинг бу нигоҳ ташлашида азиз кишисига меҳрибонлик билан қараш ифодаси бор эди. Катта укасига у ҳеч нарса бермади. Елена билан Ганс, уларнинг бир-бирига нима боғлаб турганини яхши билишарди. Шунинг учун Ганс индамай ўтирса ҳам, опасининг бундай сахийлигининг сабабини тушунарди. Елена қотма, юзи заъфарон, бурнининг қора парраги жуда кенг бўлганлиги учун, болалар унга «скелет» деб лақаб қўйишганди. Уни рашига тегиш мақсадида ҳамма ёққа бош суягининг расмини солиб қўйишганди. Бир куни шўх болалар ҳовлида Еленани тутиб олишиб, калласидан маҳкам ушлаб, юзининг ҳамма ёғига бўр ва қоракуя суртиб юборишганди. Шу пайт Ганс мактабдан қайтиб келаётган эди. У безори болаларнинг ёқасига ёпишиш учун ёшлик қиларди, лекин шундай бўлса ҳам у болаларни бошлаб бир тепди, болалар дарров қизни қўйиб юборишди.

«Фихте» спорт жамиятининг ёшлар туристик базасига Ганс билан бирга борган Бергер деган бола кейинги кунларда Гешкенинг ошхонасида тез-тез пайдо бўладиган бўлиб қолганди. Гарчи жуда суюқ бўлса ҳам, Мариянинг кофеси ҳар доим тайёр турарди. Ганснинг акаси, Франц бу меҳмонга ишончсизлик билан кўз олайти-

риб қўярди. Ростини айтганда, у Бергерни ҳар замонда бир кўриб қоларди, чунки унинг ҳам ўзига яраша иши бор эди. Франц ёр-дўстларига:— Бу масалада бизнинг чолга ишониб бўлмайди,— дер эди. Лекин уйда унинг деб оғиз очмасди, гапларини сир сақларди. Мария Францнинг қандай йигитлар билан топишиб олганлигини фаҳмларди.

— Нега энди сен овқат кўпроқ бўлганлиги учунгина бировларникига борасан-а!— деди Мария.

Франц эса шундай деб жавоб берди:— Э, сен кўп нарсага тушунмайсан. Ўз онам бўлса, мени тушунган бўларди. Агар у тирик бўлганда, ўглининг у ерга фақат овқат ейиш учунгина бормаслигини тушунган бўларди.

— Агар онанг тирик бўлганда,— деди Мария,— у, албатта адабингни бериб қўйган бўларди. Жуда яхши хотин эди, дейишди; анави безориларнинг унга ёқиши гумон эди.— Франц Марияга тикилди, унинг бу қарашидан нафрат бор эди. Мария эса афсусланиб, бу болани қачон қўлимдан чиқариб юбордим экан, деб ўйларди. Ахир у Гешкенинг болаларига ўгайлик қилмайман, деган эди-ку. Ҳозир эса Франц ғазабланиб чиқиб кетди; Франц ошхонанинг эшигини шарақлатиб ёпди, шу заҳоти Мария, эшикнинг шарақлаб ёпилиши қулоғим остидан асти кетмаса керак, деган ваҳимали ўйга ботди. Тўғри, у боланинг усти-бошларини худди ўз ўглиникидай тикиб, ямаб берган; лекин ҳеч қачон уни ўйлаб, уйқусини қочириб юборадиган даражадаги ҳаяжон ва ташвишга тушмаган. Ўз отаси Гешке эса доимий ишсизликдан шу қадар эзилган эдики, бунинг натижасида ўз ўғлига жуда кам эътибор берарди. Мана натижада Франц уларнинг эътиборидан четда қолганди.

Лекин Мария кенжа ўглини қўлдан чиқармайди. Ганс қандай қилиб бўлса ҳам бу ҳавоси оғир уйдан қочиб, кўчага чиқиб кетишга уринар ва кейин шаҳарнинг қайси бир бурчакларига санқиб юрар эди. Бу қилиғи учун Гешке Гансни ҳам худди тўнғич ўглини койигандай койир эди. Мария йўлкира учун охирги чақани ҳам билдирмасдан боланинг чўнтагига солиб қўярди. Ганс доимо уйга вақти чоғ бўлиб қайтар, унинг бундай вақти чоғлиги, эҳтимол, вақти чоқликка арзигундай бирор ишнинг натижасидир. Мария Ганснинг: қандайдир юлдуз, гулхан, Совет Иттифоқи, Эмми исмли бир қизча ҳақидаги ҳикояларига сира тушуниб етолмасди.

— Ганс кимга тарафдор бўлишини билади,— дер эди Олакўз Оскар. Ганс кимга тарафдор бўлишини ва ана шу одамларга ўзи, Гешке, қизи ва балки қўшнилари, қола берса Эмилия хола ҳам тарафдорми ёки йўқми — бунинг маънисига Мария яхшигина тушуниб етмасди. Бир куни Олакўз газета олиб келиб, болага суратларни кўрсатди:

— Мана кўрдингми, буларнинг барчаси биз билан бирга. Буларнинг ҳаммаси биз.— У суратларга эгилиб турган Марияга ҳам:— Бу ишчилар синфи, фрау Гешке, мана буниси эса бизнинг вакилимиз, буниси — негрларники, бу хитойларники, мана буниси эса — русларнинг вакили,— деди. Уйга Франц кирди, у иккиланиб тўхтади ва:— Бунга бу боланинг нима алоқаси бор? Биз ахир шу ерда, Германияда яшаймиз,— деди. Шундан кейин можаро бошланиб кетди. Оскар Францни, сен ишчилар синфининг душманисан, деди. Франц бунга қарши, бу бўлмаган гап, ҳеч қанақа синф деган нарса йўқ, фақат ирқлар бор, мабодо, сен ирқ деган нарса нима эканлигини ҳис қилмасанг, демак сен, Олакўз, жинни экансан, деб жавоб берди. Оскар Олакўз эса бу гапга эътироз билдирди:— Албатта, немис ишчисига, иттифоқан немис бўлиб туғилган жаноб Сименсга нисбатан негр ишчиси яқинроқ — Мария буларнинг гапларига қошларини чимириб қулоқ соларди. Мария ўз-ўзига: менга ким яқинроқ экан, ўзимга ўхшаган камбағал негрми ёки немисча сўзлайдиган бирорта балавлат жанобми, деб савол берарди. Ундай ҳам, бундай ҳам. Мария учун бунақанги ёт фикрларнинг чигалини ечиш, худди оғир тошни жойидан жилдириш каби қийин эди.

Қизи келиб, жанжал тўхтади. Оскарнинг акаси Гейнер Еленага ёқиб қолганди. Гейнер уни кечқурунлари устахона олдида кутиб оларди. Лекин Еленаларнинг уйига улар ҳар вақт бошқа-бошқа киришарди; Гейнер камгап, ланжроқ йигит эди. Елена ҳам одатда камгап эди. Шунинг учун ҳам ҳозир Гейнернинг олдида у беҳосдан кулиб юборганлигига бутун оила ҳайрон бўлиб қолди. Ҳанузгача Еленанинг бирорта хуштори йўқ эди, тақдир тақозаси билан бутун бир оилада фақат унинг ўзи иш топганлигига ўхшаш, Гейнернинг беҳосдан унга айланишиб қолганлигини ҳам, у тақдирга олиб келиб боғларди. Мария қизидан хурсанд эди: қиз болага жазман керак. Гешке ҳам бу бегона йигитга нисбатан яхшироқ

муносабатда бўлиб қолганди. Гейнер Гансни васвасага солиб юрганлиги Гешкега ёқмас эди, шунинг учун Гейнернинг келиб-келиб юрганлигига авваллари ҳам жаҳли чиқарди.

Якшанба кунлари Гейнер Еленани шаҳар четига олиб борса, Мария хурсанд бўларди; у, Гансга энди опаси кўз-қулоқ бўлиб туради, деб ўйларди. Лекин Мария бекорга шундай деб ўйларди: опаси Гансга унча кўз-қулоқ бўлиб юрмасди, туристик базага келганлари ҳамон Елена билан Гейнер Гансдан ажрашиб кетишарди. Еленанинг назарида фойдали одам бўлиб қолганидан бери афти-башараси ҳам чиройли бўлиб қолгандек туюларди; у энди, гўё кичикроқ бўлиб қолган каттакон бурнидан ҳам хижолат тортмай қўйганди. Энди, илгарилар ҳаёлига ҳам келтирмаган кўлда сузишни ўргана бошлаганди, шунингдек доимо йиртиқ-ямоқ, ранги айниб кетган қўйлаги ичида кўринмай юрган тирсиллаб турган бадали билан ҳам фахрланарди. Уйда у фақат башараси хунук эканлигини биларди; бу ерда эса, олмадек сийнаси, келишиги, позик қомати бор эканлигини ҳис қиларди. Шунинг учун ҳам у хотиржам, хурсанд эди. Базага ўқитувчи чол келди, болалар унинг олдида китобларини олиб боришди. У болаларнинг ўртасида тошга ўтириб, уларга китобларни ўқиб, тушунтиришга бошлади. Ана шунда энг қийин сўзларни фақат Еленанига эсида сақлаб қола билиши маълум бўлди; у энг чигал масалаларни ҳам тушунар эди. Чол ҳайрон бўлиб, очиқ чеҳра билан қизга тикиларди; у ичида: анчадан бери мана шунақа ўқувчи қизни кутиб юрардим, у ҳам менга ўхшаган ўқитувчини кутиб юрган бўлса керак, дерди. Шу вақтгача Елена бошқа хотинларга қараганда анча усталик билан тўрлаб ямашнигина биларди. Энди бирдан маълум бўлдики, у ўзи учун бутунлай янги бўлган фикрларни тушунтиришни ҳам билар экан, ҳеч ким бунақа фикрларни Еленачалик тез тушуниб етолмас экан.

Ганс фақат иштони йиртилиб қолса ёки бирор ёрдамга муҳтож бўлган тақдирдагина опасининг олдида чопиб келарди. Болалар тез орада бу қизнинг ҳар қанақа қийинчиликдан ҳам қутқара олишини тушуниб қолишди. Катта гурппадаги одамлар кўпинча кичкина гурппаларга бўлиниб кетишади, бу ерда ҳам болалар айрим-айрим кичик гурппаларни ташкил қилишди. Баъзи болалар китобларни ўқиб тушунтираётган ўқитувчи чолнинг ёнида

сиқилишиб ўтиришарди, баъзилари юлдузлар ҳақида ҳикоя қилувчи қотма кишининг атрофини ўраб олишганди; бу кишини айниқса кичкина букри бола яхши кўрарди. Бу букри боланинг отаси эски кўйлақлар билан савдо қилар эди. Ганс ўз отасининг шунақа одам бўлишини хоҳламасди, лекин бу одамнинг ўғли билан жуда яхши ошна эди. Букри бола кечқурунлари шаҳарда бошини сал орқасига ташлаб, хира кўзларини осмонга тикканича, Бель-Альянц-Плац устида порлаб турган юлдузлар ҳақида ҳикоя қиларди. Бошқа болалар эса тегирмонга тушса бутун чиқадиган ва саргузаштлари билан мақтаниб юрадиган хунук, қўрс йигитнинг атрофини ўраб олишганди. Бир неча қиз-жувонлар ва болалар Еленанинг атрофига йиғилишгандилар. Елена билан истаган масала юзасидан: кўйлакни қандай қилиб бўйаш мумкинлиги, ўқитувчи чол нималарни гапирганлиги ва аллақандай овқатни қандай қилиб пишириш кераклиги тўғрисида маслаҳатлашиш мумкин эди. Елена аввал вокзалга, сўнгра базага бормоқчи бўлиб, уйдан чиқиши билан, гўё у янги бир оламга кириб бораётгандек, уни шодлик ҳис-туйғулари қамраб оларди. Ана шундай вақтларда хунук, тўнг қиз бўлиб кўринган ўша, бошқа бузуқ дунё йўқ бўлиб кетгандай туюларди. Ҳаёт энди бошланаётган мана бу янги оламда эса, энг кейингилар биринчи бўлибгина қолмай, балки нодонлар ақлли, хунуклар эса чиройли бўлиб қоларди.

Опаси Елена доимо Гейнер билан бошқаларга аралашмай хилватроқ жойларда юрганлигидан Ганс Эмми исмли бир қизчага ўрганиб қолганди. Эммининг сочлари калта қирқилганлиги сабабли, у ўғил болаларга ўхшаб кетарди. Эмми Берлиннинг нариги четиде яшарди, у Гансларнинг уйига сира келмаган эди. Лекин Ганс, Эмми уни узоқдан таниб олиш мақсадида катта тош йўлда кутиб туришини билар эди. Эмми Гансни худди хотинларга ўхшаб кутарди.

Ганс келиши билан Мартин унга тез орада бу ердан жўнаб кетишини айтди. Ганс бу гапга ортиқ аҳамият бермай эшитганлигидан бўлса керак, Мартиннинг кўнглига, бола жўнаб кетишимга унчалик хафа бўлмаса керак, деган фикр келди. Лекин Ганс, ҳозир ўз группасига шунчалик қаттиқ боғланиб қолган эдики, у Мартинни

жуда кам ўйлар ва баъзи группа йиғилмаган вақтлардагина Александриненштрассега қараб жўнарди.

Бир куни дўсти унга, чамадонимни вокзалга элтишиб бер, деганда ҳам, у ортиқ ҳайрон бўлмади. Узининг жўнаб кетишига Ганснинг бунчалик бефарқ қараганлиги Мартинни ранжитди. Лекин у агар Ганс ҳаётида ким бирор из қолдирганлигини кейинчалик эсидан чиқариб юборса ҳам, ҳар қалай унинг ҳаётида маълум бир из қолдирдим, деб ўз-ўзини юпатарди. Улар вокзалга яқинлашиб келганларида Мартин унга:

— Сенга ҳар қанақа хавф таҳдид қилганда ҳам дедил бўл,— деди.

Ганс сўради:— Сен қачон қайтасан, бугунми ё эртагами?

— Мен сенга, аллақачон, энди қайтиб келмайман дегандим-ку.

Ганс диққат билан кузатиб турган рельслардан кўзини узди. У Мартиннинг кўзларига шунчалик тикилиб қарадики, катта ёшдагилар ҳам бунақа қарай олмайдилар, болалардан эса, катта ёшдагиларнинг кўзларидаги сирни уқиб ололмайдиганларигина шунақанги тикилиб қарайдилар. Ганснинг чеҳраси кескин, шиддатли кўринарди. Кўз қорачиқларидаги баъзан йилт этиб қўядиган майда нуқтачалар бир порлаб яна ўчди. У совуқ назар ташлади-да, тишини тишига қўйди. Мартин боланинг кўзига узоқ тикилиб туришдан қўрқди, у кўзини олиб қочиб:

— Жўнаб кетишимни мен сенга аллақачон айтганман; бугун кетмоқчи бўлганимни кеча айтган эдим,— деди.

Ганс бунга жавобан:— Йўқ,— деди.

— Нега энди ундай дейсан? Мен сенга бир неча марта яқин орада жўнаб кетишим керак, деганман-ку.

— Сиз менга, мени ташлаб узоқ жойга бутунлай кетмоқчи бўлганингизни айтганингиз йўқ.

— Ахир қулоқ солгин, сени ташлаб кетишим ўз-ўзидан маълум-ку. Мен сени олиб кетолмайман, ахир!

— Нега олиб кетолмайсиз?— Мартин сабаблар кўрсата бошлади; бола қовоғини солиб қулоқ соларди. Лекин дўсти унга тушунтиришга қанчалик ҳаракат қилмасин, унинг тушунтиришлари шунчалик чалкаш бўлиб кетмоқда эди. Ниҳоят, Ганс, гўё катта ёшдагиларнинг ёлғон сўзлашга ўрганиб қолган кўзларига қараганим ҳам басдир, дегандек, кўзларини ерга тикди.

Проводник вагонларга чиқинглар, деб бақирди.

— Демак, виждонли киши бўласана, эшитдингми?

Ганс:— Ҳа,— деди. У поезднинг жўнашяни ҳам кутиб турмади. У ҳуштак чалганича бўшашиб, нари кетди. Орқасига қайрилиб қараш, айниқса қўлларини силки-тиб хайрлашиш ҳам унга маъносиздай туюлди. Кўпинча у, юрак шундай нарсаки, у тўғрисида фақат ашулардагина куйланади ва қўни-қўшнилар сафсата сотишади, деб ҳисобларди. Ҳозир у юрагини ушлаб кўриши мумкин эди, анави киши унинг юрагини жароҳатлантириб кетди. Илгарилари Мартин унга меҳрибон эди, шунинг учун ҳам Ганс ўз дўстига чин кўнгилдан меҳр қўйганди. Кейинги вақтларда бола Мартиникига камроқ келар эди. Мартин унга унчалик керак бўлмай қолди. Бунинг устига, хомуш киши билан унинг уйда ёлғиз ўтиргандан кўра лагерь гулхани ёнида болалар билан ўтириш нашъалироқ эди-да. Лекин Ганснинг ҳаётига қанақа яхши нарса кириб келган бўлса, ҳаммаси ана шу одам туфайли бўлди: янги дўстлар, ашулалар, кино, ҳатто юлдузлар ҳам. Буларнинг ҳаммаси Ганс билан бирга қолади. Дўсти эса, дўсти жўнаб кетди. Мартин Гансга бевафолик қилди. Тўғри, Мартин Гансни жуда севмас эди, бўлмаса Гансни ташлаб кетармиди. Ганс эса Мартинни қаттиқ севарди, шу вақтгача у ҳеч кимни бунчалик севмаган эди. Опаси бу ҳисобга кирмас эди: у боласининг назарида гўё қор ёки қўшдек эди.

Ганс қоронғи тушгунча шаҳарда санқиб юрди. Бутун шаҳар ҳувиллаб қолгандай, шовқин-суронли кўчалар ва жозибали кинолар мунгли, кимсасиз бўлиб қолгандай туюларди. унга. Энди у қанақа ҳаёт кечиради?

### III

Бир куни кечқурун Ливен таксига ўтираётган, лекин уни кўриш биланоқ таксидан тротуарга қайтиб тушган бир таниши билан учрашиб қолди.

Венцлов ҳали киссасида ҳамма вақт пул бўлишига ва автомобилда юришига ўргангунча йўқ эди. У ҳанузгача сечетчикни кўрганга чўчиб кетарди. Лекин кейинчалик, Берлин билан хайрлашиш учун бирров келган вақтида таксига сарф қиладиган пули арзиммаган пул эканлигини эслади, чунки унинг ҳамёнида йўлга берилган аванс пули турибди-ку. Лекин ҳозир у ўз вақтида так-

сига тушиб кета олмади. У анчадан бери Ливенни кўрмаган эди, шунинг учун бўлса керак, биринчи дақиқаларда бу озгин, малла киши унга нотанишдек туюлди. Фақат соқол-мўйлови ҳафсала билан қирилган, юзидаги бир оз туртиб чиққан ёноқ суяклари ва муло-йим, тилёғламалик билан айтилган дастлабки сўзлар, Венцловга илгаридан таниш бўлган Ливен исмли бир кишини эслатди. Бир вақтларда кадрдон бўлган дўстингни тўсатдан учратганинда қандай ҳолатга тушсанг, уларнинг икковлари ҳам шундай ҳолатга тушди. Мана шундай вақтларда беихтиёр, вақтинг нечоғлик тез ўтиб, ёшлигингни ҳам олиб кетганлигини ўйлайсан киши. Кейинроқ эса ҳар қалай ҳозир ҳам ёш эканлигингни, лекин аввалги ёшлик даврларнинг бошқача, анча соф, беғубор, гўё анча навқирон ёшлик эканлигини ҳис қиласан, киши. Мана шу бошқача, навқиронлигинда ҳозир бехосдан рўпарангдан чиқиб қолган киши билан икковингни бир-бирингга нимадир боғлаб турарди. У ҳам худди сенга ўхшаб ўзгариб кетган. Ливеннинг нимаси ўзгариб кетибдики, Венцлов ҳатто уни дарров таний олмади? Биринчидан, у ҳарбий кийимда бўлмай, гражданча кийинган эди. Венцловнинг хотирида Ливенни ҳарбий кийимсиз тасаввур қилиб бўлмас эди, шунинг учун ҳам ҳозир у, погонни йўқлигидан ҳақиқий Ливенга ўхшамас эди. Лекин Венцлов уни яна кўздан кечирар экан, сен унчалик ўзгармабсан, деди. Унинг кўк, олайиб турган кўзлари илгаригидек истеҳзо билан дадил боқар эди. Сичқонникига ўхшаш майда тишлари чиройли лаблари орасидан ялтираб кўринарди. Ливен қўлтиғига портфель қистириб олганди; Венцловнинг кўнглидан, Ливен албатта бирор муҳим вазифада бўлса керак, деган фикр ўтди.

— Э, бўлмаган гап,— жавоб берди Ливен.— Мен Геймснинг банкида оддий хизматчи бўлиб ишлайман.

Айни вақтда иккови ҳам учрашувларини нишонлаш учун яқин орадаги пивохолага киришни бир-бирига таклиф қилди. Лекин кейинроқ, пивохолага кира туриб, иккови ҳам ичида: «Нимага мен уни таклиф қилдим? Ахир, хотирлаш керак бўлмаган, иккимиз ҳам тилга олишимиз лозим бўлмаган қандайдир кўнгилсиз воқеа рўй берган эди, шекилли», деб ўйлади. Бу воқеа иккаласининг ёдига тушганда, улар стол атрофида ўтиришарди: ҳа, эсга тушди, бу Венцловнинг опасини эридан аж-



ралиш можароси! Ливен аллақачон, Клемм билан унинг шофери қандайдир бир автомобиль ҳалокати вақтида ҳалок бўлганликларини эшитганди. Лекин у бу ҳалокатга жуда бепарволик билан қараганди. Уни бунақанги ҳодисалар ҳечам қизиқтирмас эди. Шунинг учун ҳам, у эски ошиқ-маъшуқликни бошқатдан бошлашни одат қилиб олмаганлиги, бундан ташқари Ленора унинг эсига келиб, юрагини жиз этказмаганлиги туфайли, уларнинг икковлари ҳам Венцлов чўчиб турган ўша воқеа ҳақида бир-бирига бирор оғиз гапирмади: Венцлов ўйлади: «Амалия холаминикидаги ҳаёт Леноранинг саргузаштларга бўлган ҳавасини йўқ қилиб юборган бўлса керак. Лекин бир вақтлар Леноранинг бу йигитга кўнгил берганлиги таажжубланарли эмас, Ливен чакки эмас».

— Демак, сиз ҳанузгача армияда экансиз-да?— деди Ливен,— агар сизнинг рейхсверингизни шундай деб аташ мумкин бўлса,— Ливен ерга қараб турган бўлса ҳам, унинг осойишта, чиройли юзида Венцлов масхара ифодасини кўрди. Ҳатто кулгига сабаб бўлмайдиган нарса тўғрисида гапирганида ҳам, унинг юзида доимо мана шунақа истеҳзо ифодаси пайдо бўларди. Венцлов ғазабини ҳам, қувончини ҳам одатда Ливеннинг олдида изҳор қилишдан тортинганлигини эслади. У бўлажак сафари ҳақида ҳикоя қилди. Ливен бунга жавобан деди:— Ҳеч тушуниб столмайман, нима сабабли сиз Хитойга кетяпсиз? Нега энди сизга ўхшаган одамлар бу ерда ўзларига боп ўринни эгаллашлари мумкин бўлади-ган вақтгача кутишга сабр қилолмайдилар?— Ливеннинг узун қўллари, ҳатто унинг қандай қилиб стаканларга вино қуйишлари ҳам негадир Венцловга ёқмади. Суҳбатдошининг қалин ва узун киприклари ҳам унга хунук кўринди. У ичида: «Яхшиси, бу учрашувимизни Ленорага айтмаганим дуруст» деб ўйлади. Музыка чалинди. Иккита-иккита бўлиб, эгилишиб ўйинга тушганлар столлар орасида қисилиб танца тушишарди. Тамаки тутунлари хона ичида оҳиста сузиб юрарди, бу тутунлар орасидан стаканлар, кишиларнинг тишлари, зираклари ялтираб кўринарди. Дераза орқасида бир неча киши терлаган ойналарга бурунларини тираб, таажжубланганларича синчковлик билан қараётганлари кўриниб турарди.

Венцлов:— Мен у ерда, мени лойиқ кўрган жой-

ларига дарров ўрнашиб олишим мумкин бўлганлиги учун кетаётгирман,— деди.

Ливен жавоб берди:— Бизнинг ҳар биримиз истаган жойда, энг аввал шу ерда керакмиз. Иннайкейин ўзинг лойиқ бўлган жойни топиш учун Германиядан кетишнинг ҳожати ҳам йўқ.— Энди унинг чеҳрасида истеҳзо йўқ эди. У Венцловга тикилиб қаради.— Биз учун энг оддий ҳаракатлар ҳам қимматли. Бизга ҳозир ҳамма нарса керак. Ҳатто мана булар ҳам...

У ойна орқасидаги ясси бурунларга ишора қилди.— Бизга далалардаги деҳқонлар керак, бизга сиз ва мен зарурмиз...— У беихтиёр, Эрнст чет элга хизмат қилишга кетиш учун тайёрланаётган вақтда Отто Ливен гапирган гапларни гапирди. Лекин у Венцловни ўйлантириб қўйди. Венцловнинг ўзи ҳам, национал—социалистлар партиямиздаги янги дўстларим шунчалик ишонган ғалаба умидсиз ва бир хилдаги ҳаётимда дурустгина ўзгариш ясай олармикин, деб қайта-қайта ўзига савол берарди. Венцлов Ливеннинг гапларидан, унинг кимнинг ғалабасига, қанақа партияга ва қандай келажакка ишора қилаётганини тушуниб олди. Венцлов ичида ўйлади: «Демак, бу ҳам шу қирғоққа яқинлашган экан-да...» Венцлов ўзини ҳанузгача ўша умидсиз ҳаёт билан боғлаб турган ипларни узишни истарди, бунинг учун жуда узоқларга кетса ҳам, қанчадан-қанча шубҳалари ҳал бўлмай қолса ҳам майли эди. Гарчи уларнинг суҳбатларида Гитлернинг номи тилга олинмаган бўлса ҳам, унинг тўғрисидаги тасаввур Венцловни гоҳ бир нарсага ипсиз боғлар, гоҳ ҳаяжонга солар эди. Ҳаётидаги етишмай турган андишасизлик ва сурбетликлар уни ўзига тортарди. Учрашувлари хафаликка айланмасин учун, Ливен шошилиб, қўлини Венцловнинг қўлига қўйди:— Ҳар ҳолда, сизлар у ерда барпо қиладиган таянч пунктлари бизга жуда ҳам керак бўлади.

— Энди мен уйимга жўнай,— деди Венцлов ва шу заҳоти опаси Леноранинг номи гап-сўзга аралашиб кетмаслиги учун қўшиб қўйди:— Хотиним кетар чоғимда бирор дақиқа ҳам мендан ажралишни истамайди, у ҳозирча болалар билан шу ерда қоляпти. Мен бугунги кечани оилада ўтказишга ваъда қилгандим.

— Мен бир кун сизларникига борган эдим,— эслади Ливен,— мен ҳатто сизларникида тунаб қолганман; ўшанда сиз ярим кечада менинг олдимга киргандингиз;

сиз нимадандир хафа эдингиз, нимадан эдийкин-а... Ҳа, Груневальдда кимнидир ердан қазииш олишган экан, шу тўғрида газеталарда хабар қилинган эди, шу гапдан бир неча кун илгари сиз ўша ерда бир йигитни нариги дунёга жўнатган эдингиз.

— Сиз ҳам, Клемм ҳам бу ишда қатнашгансиз,— шошилиб деди Венцлов,— бундан ташқари ўша йигитни машинада олиб кетаётган соқчи ҳам бор эди, кейин соқчи уни ўрмонга олиб кирган эди... Энди эсимга тушди, биз ўшанда машиналаримизни алмаштириб олган эдик:— Ғарчи Венцлов анчадан бери бу ҳодисани эсидан чиқариб юборган бўлса ҳам ҳозир яна у Ливен билан беҳосдан учрашиб қолган пайтидагига ўхшаш ташвишга тушди. Бу фаросатли ва ажойиб кишининг афзаллиги тўғрисидаги қандайдир ноаниқ сезги Венцловга, бу одам билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш зарурлигини таъкидлаб турарди. Ливен эса гапираверди:

— Афсуски, биз бу вақт ичида улғайиб қолдик, шу сабабли мунақанги нарсалар асабларимизга ортиқ таъсир қила олмайди. Хўш, кампир ҳали ҳам тирикми?

— Амалия холамми? Бўлмаса-чи. Менимча, уни тирикми, деб савол беришнинг ўзи ғалати. Бизнинг Амалия холамиз, қачон бўлмасин ўлиши мумкинми, ахир?

Ливен яна анча вақтгача ўтирди. У нафис мўйна ёқа кийган хотинларни кўздан кечирарди. У буларнинг ҳаммасини жаҳаннамга улоқтириб, Венцловга ўхшаш бирор томонга жўнаб кетишни истарди. У ҳозиргина Венцловни раъйидан қайтарган ишларни худди ўзи қилгуси келар, бунақанги саёҳат ва бунақанги вазифалар унга эмас, балки Венцловга насиб бўлгани учун тақдирдан газабланар эди. Ахир бу ҳам энг оддий, ҳалол, пок одам, унга ҳам тинчлик, бошлиқларнинг, ўз хотинининг, балки ҳатто анови ўлгудай озгин, жони қаттиқ Амалия хола-нинг илтифоти зарур. Бу ерда, Германиядагига ўхшаш Узоқ Шарқда ҳам Венцлов энг хавфли ва қалтис топшириқларни бажара туриб, фақат бошлиқларнинг мукофотлари ва мақташларини ўйласа керак, лекин ўзи ҳеч қандай роҳат кўрмайди; ҳеч қанақа жиндий ҳус-туйғуларни бошидан кечирмайди.

У, Ливен эса, пасткаш одамлар ваҳимага тушиб, ўзини четга оладиган ҳаёт билан ўлим орасидаги энг лозик жойда тургандагина ҳаётнинг маъносини тушунарди. Худди дарвоз ўзини теп-текис ердан кўра арғам-

чи устида дадилроқ ҳис қилгандек, Ливеннинг ҳам бир хилда ўтаётган кунлардан боши айланарди. Шунинг учун ҳозир у хотиржам ўтирган мана бу ресторан ҳам, музыка ҳам, эпчил официантлар ҳам, гоҳ секин, гоҳ музиканинг шўх оҳангига қараб тез танца тушаётган эркак ва хотин-қизлар ҳам, тўқ сариқ рангли гиламлар ҳам — ҳамма нарса беҳатар теп-текис ерда эди.

— Сен сабр-тоқатга кўникишинг керак,— дер эди Ливенга унинг янги дўсти Вейдель.— Биз барча одамлар ўзларининг эски маршларига қадам ташлаб, бизга бирлашгунларигача тоқат қилиб туришимиз керак, ана ундан кейин биз бошқача маршларни чаламиз.

Ливен эса ўзича ўйларди: «Анови Венцлов ҳозир ошхонасида оиласи орасида ўтирибди; балки у ҳозир ётгандир ҳам. Лекин қадрдон уйдан чиқиб кетиш учун уйнинг бўлиши, оиладан ажралиш учун оиланг бўлиши керак».

#### IV

Бир куни эрталаб Мальцан ўзининг қадрдон дўсти Шпрангернинг рўпарасида, унинг кабинетида ўтирарди. Илгарилар Шпрангернинг юзида аҳён-аҳёндагина пайдо бўладиган қувлик, истеҳзо ифодалари энди унинг юзидан аримасди. Кейинги йилларда бир чалкаш иш кетидан иккинчисини бошлаш унинг шуҳратини ошириб, мавқеъини мустаҳкамлаганди. Худди маълум бир дарахт табиат манзарасининг ажралмас қисми бўлиб қолганидек, бурни нозик, соқоли калта, юзи чиройли Шпрангер ҳам аста-секин маълум суд процессларининг доимий иштирокчиси бўлиб қолганди. Барча машҳур процессларда Феме<sup>1</sup>нинг ҳукми билан амалга оширилган қотиллик ёки Карл Осецкийнинг иши кўриладими, барибир бу одам ҳаминша суд залида пайдо бўлар эди. Шунинг учун бунақанги процессларга доимо қатнашиб турадиган халқ, худди одамлар байрам, томошаларда бир хил генералларни, министрларни ва гўзал хонимларни кўришга ўрганиб қолганидек, Шпрангернинг ҳам процессларда доимо ҳозир бўлишига ўрганиб қолганди. Унинг

<sup>1</sup> Феме — коммунистик партия ва революцион ишчилар вакилларидан қасос оладиган махфий фашист суд мажлиси. (Ред. изоҳи).

чеҳрасидаги айёрлик ва масхара ифодаси секин-аста махфий шафқатсизлик ифодаси билан алмашинди.

Мальцан деди:— Сен машҳур кишисан. Мен эса илгари қандай бўлган бўлсам, шундайлигимча — истефога чиққан майорлигимча қолдим.

— Ундай бўлса, бир сафар мендан марҳаматингни аяма,— деди кулиб Шпрангер,— аҳён-аҳёнда менинг бепул маслаҳатларимдан фойдалан. Менинг миждозларим одатда уларга берган маслаҳатларим эвазига менга жуда катта пул беришмоқчи бўлишади. Агар сен бир сафар менинг гапимга қулоқ солсанг, ундан кейин бошингни қотириб ўтирмайсан.

— Мен ортиқ бошимни қотираётганим йўқ-ку, лекин Венцловнинг худди шу кунларда шунчалик йироққа, балки, узоқ муддатга жўнаб кетаётганлиги бизни мушкул аҳволга солиб қўйди.

— Бола худди шу кунларда йироққа жўнаб кетяпти... Гарчи у сенинг куёвинг ва учта болалик бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳар қалай уни бола деб аташимга ижозат берасан; лекин у менинг назаримда илгарилари иккиланиб юришлари тўғрисида гаплашиш мақсадида бу ерга келиб юрган вақтидаги жиддий болалигича қола берган. Каппчилар фитнаси даврини бир эсла! Биз уни зўрға ушлаб қолганмиз, бўлмаса у Каппни қарши олиш учун, ҳарбий кийимида Бранденбург дарвозаларига қараб югурмоқчи эди. Нега энди сен «Худди шу кунларда» дейсан? Ҳа, худди шу кунлардаги бунақанги командировка — тақдирнинг мукофоти. Анови Чан Кай-шига, ёки ўша ерда атаганларидек, ўша сариқ ҳокимга ўз мамлакатига Секта ва унинг барча жирканч галаларини таклиф қилишга худодан, албатта, ғарб худосидан ваҳий келибди, токи улар унинг армиясини машқ қилдириб, қизилларни яхшироқ тор-мор келтиришни ўргатсинлар эмиш. Ғойибдан келган бу нидо айрим ҳолда бизнинг боламизга, умуман олганда эса ер юзидаги барча тартиб-интизомга тааллуқлидир. Совет Иттифоқи у ерда, Осиёда ҳам ана шу қизил обрўга эга бўлди, деб фараз қилгин. У ҳолда ер юзида етти юз миллион болшевик бўлади. Биз, исмишлар эса, ҳаммаси бўлиб олти миш миллионмиз, бунини бир ўйлаб кўргин! Бу, уларнинг Ленини орзу қилган жаҳон революцияси эмас, албатта. Лекин ҳар ҳолда жудаям кўнгилсиз қўшничилик. Осиё — ахир бу ҳазилакам гап эмас! Қола берса, анови

хитой ҳокими ҳам сариқ ирқли бўлгани билан жудаям аҳмоқ эмас! Ўз ишини яхши биладиган бизнинг офицерларимиздан бўлак ҳеч ким у ерда тартиб ўрнатолмайди. Бу ер юзидаги тартиб тўғрисидаги гап. Энди оила тўғрисида келсак: мен сенга, Каппчилар фитнаси даврида боламиз ҳаддан ташқари ғазабланганлиги ҳақида бекорга гапирганим йўқ. Шундай экан, яна ўшанақа кунлар келганлигини сенга айтиб қўйишга рухсат бер, азизим. Лекин бу сафар эски веймар араваси бутунлай мажақланиб ташланади.

— Агар веймар аравасининг мажақланиб кетишига шунчалик ишончинг комил экан, нега энди боламизни бу ердан жўнаб кетишини истайсан?

— Ие, иш ҳали шу даражага бориб етгани йўқ-да. Бутун мамлакат билан армия яна қўлимизга ўтганидан кейин бола хотиржам уйига қайтиб келиши мумкин; лекин ҳали бунга вақт бор. Биз халққа бирин-кетин учта найрангбозни таништирдик, учаласи ҳам қўлидан келганини қилиб кўрди: ўннга салом берди, чапга салом берди. Бир томондан, баронлар нолимаслиги учун шарқ ёрдам берапти, иккинчи томондан эса ёшлар қишлоқдаги оч-яланғоч аҳолига ёрдамлашяпти. Прусс отхоналарини тозаладик, лекин бошқа отларни гарчи улар кишнаб турган бўлса ҳам ҳанузгача охурларга яқинлаштирганимиз йўқ. Аввалига шундай дейилди: штурмчи отрядлар жуда яхши, миллатнинг қуролланишга бўлган майли ва ҳоказо, ва ҳоказо. Агар ана шу штурмчилар рейхсвердан кучлироқ бўлиб кетса нима бўлади? Агар уруш бошланиб кетса-чи? Мен, тўғриси, национал-социализм нима эканлигини жуда яхши биламан, лекин миллат нима эканлигини, ростини айтсам, унчалик яхши билмайман. Агар бу миллатда қуролланиш учун майл битта ўрнига иккита бўлиб қолса, унда нима бўлади? Менимча, бизнинг боламиз бехосдан штурмчиларга қарши ўқ узишга жуда қарши бўлса керак, ахир штурмчилар миллатнинг қуролланишга бўлган майлини ифода қиладилар, штурмчиларга қарши ўқ узмаслик, яъни бошқалардан ажралиб қолиш, нариги томонга ўтиб кетиш ҳам ёмон. Унинг ўрни ўзиникиларнинг орасида. Уша вақтда биз мана шу хонада уни Бранденбург дарвозасига қараб югуришдан тўхтатиб қолган эдик; энди эса биз уни Хитойда, бу тартибсизликлардан узоқроқда ушлаб тураемиз.

Мальцан сўради: — Сен нима деб ўйлайсан, бу ишлар охири нима билан тамом бўларкин?

Лекин шу вақт хонага фрау Шпрангер кириб қолди. У ҳали ҳам чиройли — юзи чўзинчоқ, сочи оппоқ эди. Аммо унинг ёшлигидаги ҳусни тўғрисидаги ҳикоя, энди дунёдаги ҳамма нарсанинг бебаҳо эканлигини эслатарди, холос. Унинг қовоқлари ва кўкарган томирларидаги упа худди қировга ўхшаб кўринарди. У юзида қандайдир чуқурчалар, тиришлар ва ажинлар бўлмай, балки ҳанузгача кулдиргичлари борлигини кўрсатишга уриниб, илгариги вақтларга қараганда кўпроқ илжайар, кулар эди. Мальцан ирғиб ўрнидан туриб, унинг қўлини ўпди. Шпрангер эса, хотини бир шиша чанг босган эски коньяк ва иккита галати стаканча қўйилган патнусни столга олиб келиб қўяр экан, ҳамон гапирарди:

— Мен энди бирон нарсага эътиқод қилишни ҳам унутдим. Учта асосий фазилатдан — эътиқод, муҳаббат ва ишончдан — мен олдинги иккитасидан қўл силтадим, фақат ишончимни йўқотмадим, холос; мен фақат ишоншим мумкин, ишонганда ҳам етарли даражада кучга эга бўлиб, бутун анови жинлар базмига барҳам берадиган ва биз халқ деб атайдиган, бир умр кўчаларимизни тўлдириб турган, яна номаълум кимёвий қонунларга биноан гоҳ эриб, гоҳ даҳшатли равишда қон каби қуюладиган анови ёвуз, зич массанинг танобини тортиб қўядиган кишига ишонаман. Бунақа найранг Брюнингни қўлидан келмади, унга ладан<sup>1</sup> ҳам, фавқулодда қонунлар ҳам ёрдам беролмади. Ҳар қанақа фирибгарлиги ва бенуқсон қилиқларига қарамасдан бу иш Папеннинг ҳам қўлидан келмади. Шлейхер ҳам бу нарсани улдасидан чиқолмайди, деб қўрқаман. Бу ишни Гитлер қойил қилиши аниқроқ, айтишларича, у тутқаноқли асабий қабиҳ бир одам эмиш, лекин у бизга қўл келадиган баъзи бир ғояларга мубтало, шекилли. Бундан ташқари, оқибат натижада, агар кейинчалик менга фойдаланиш учун тилла ёмби олиб келиб беришса, уни кимёгар ясаганлиги ёки геолог топиб олганлигининг ҳеч қандай фарқи йўқ. Майли, у менинг олдимда истаганича кўзларини чақчайтира берсин, бақира берсин, пешонасидаги килларини силкита берсин; мен ахир унга қизимни узат-

<sup>1</sup> Л а д а н — баъзи тропик ўсимликлардан олинадиган хушбўй суюл.

моқчи эмасман-ку. Мен қизимни, аллақачонлар, элчихона атташесига узатганман. Ожиз фикримча, бу одамга бир неча йил муҳлат ва албатта, етарли маблағ бериш керак. Лекин буни қўлидан иш келадиган кишиларга тушунтириш ҳам керак. Қисқаси, мен ўйлайманки, сенинг куёвингга ва бизнинг боламизга бир неча муддат чет элда истиқомат қилиб туриш тўғрисида қилинган таклиф анча қувончли воқеадир, чунки у қайтиб келгунча Германияда ҳамма нарса ўз ўрнига тушарди, у вақтда кимга қараб ўқ узиш аниқ бўлиб қолади.

Фрау Шпрангер деди: — Рухсат эдинг, сизга яна бир стакан қуяй, қимматли майор, биласизми, эрим шишанинг чангини артиб қўйишга унамайди. У шишадаги чангни даврнинг хушбўй иси дейди, мен эса буни турган-битгани кир, дейман.

## УНИНЧИ БОБ

### 1

Амалия хола ҳар донм Шарихорсштрассега почтальон келишини сабрсизлик билан кутар, лекин почтальон кўриниши биланоқ жияни Ленорага ўхшаб зинапоядан чопиб тушмасди. Дарвоза тақиллаганидан кейин пайдо бўладиган ҳар хил товушлардан, шодлик ёки хавфалик ҳайқириқларидан у. Венцловдан келган хат қўшни ҳовлида турувчи ёш келинига ёки бўлмаса она ўрнини босган ўзига келганлигини пайқаб оларди. Агар хат унинг номига келган бўлса, хола хонасини ичидан беркитиб оларди-да, фопарнинг ёруғида ўқишга тутинарди, унинг кўзлари хира бўлиб, фопарнинг рангдор ойналари ўқишни қийинлаштирар эди.

Устига худди эгасига ўхшаш тўппа-тўғри ва бежирим қилиб адрес ёзилган конверт, Амалия хола учун ҳали ҳаётида умид боғлаши мумкин бўлган энг яхши, ёки ягона туҳфа ҳисобланарди. Хола ўзини дунёнинг нариги четидаги узоқ бир нуқта билан боғлиқдай ҳис қиларди; у ерда зурриётининг, вужудининг бир бўлаги яшарди. Хатга кўз югуртириб чиқди-да, ўқиб бергин деб у Ленорани чақирди.

«Қимматли Амалия хола, — деб ёзарди, Венцлов, — сен мени қаерда турганлигимни бош штаб харитасидан ахтариб топишинг мумкин. Мен бу ерда дўстим

Боланд ва таржимонимиз Гань Син-ляо билан бирга турман. Гань Син-ляони сизлар аввалги хатларимдан танийсизлар; мени мамлакатнинг ичкарасига бирга олиб борган ўша. Ҳатто Боланд ҳам бизнинг Гань Син-ляодан ўзимизни жуда эҳтиёт қилиб юришимизни қаттиқ талаб қилишига, бу нарсани немис бошлиқларимиз ҳам зўр бериб тавсия қилишларига қарамасдан, мен уни сариқ ирқнинг вакилига нисбатан мумкин бўлган даражада ўзимга хийла яқин киши деб ҳисоблайман. У чет элда таълим олган, инглиз тилини мендан ёмон билмайди, ҳатто бир оз немис тилини ҳам билади. Унда маҳаллий кишиларда учрайдиган нуқсонлардан бирортаси ҳам йўқ. У жуда яхши тарбияланган киши. Биз бир жойдан иккинчи жойга кўчаётган вақтларимизда, у мамлакатининг гўзал манзараларини кўрсатишга ва унинг фазилатларини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Гап манзаралар ва санъат асарлари ҳақида кетганда, у ўз вазифасини яхши уддалайди. Лекин умуман бу ерда, ҳамма жойда шунчалик қашшоқликки, бу қашшоқлик сен, қимматли Амалия хола, Берлиннинг шимолий ва шарқий районларида кўришинг мумкин бўлган энг даҳшатли нарсалардан ҳам зиёдроқдир. Бизда ишсизлар нолийдиган овқат, бу ерда бутун бир оилага бир ҳафта етиши мумкин. Лекин бу ирқ камбағалликка ва увадаларга, қасалликларга, очарчиликка ва ҳатто ўлимга ҳам кўникиб қолган, бу биз учун бутунлай тушуниб бўлмайдиган нарса.

Мен сенга, қимматли Амалия хола, кўпдан бери хат ёзганим йўқ, чунки кейинги вақтларда жудаям бандман. Мана шунақа одамлардан ҳақиқий солдат тайёрлаш нечоғлик машаққатли иш эканлигини сен хаёлингга ҳам келтиролмайсан. Бундай вазифани худди бизларга топширган генерал Чан Кай-ши ўз ишини яхши биладиган одамлардан.

Уруш ва тинчлик даврларида орттирган тажрибаларимиз билан, интизом нималигини билмайдиган ана шу кишиларни фақат биз ўргата олишимиз мумкин. Ҳатто, биз уларни бутунлай қаттиқ интизомга ўрганди, деб ҳисоблаганимиздан кейин ҳам, улар ҳал қилувчи дақиқаларда душман томонига қочиб ўтиб кетишади. Сизлар у ерда, Германияда, улар нечоғлик ишончсиз одамлар эканлигини хаёлларингга ҳам келтиролмайсизлар. Итоат қилиш ва интизом бу қора халқ учун қуруқ, бекорчи гап,

халос. Улар ўз ҳаётларида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган ҳис-туйғуларига муносиб равишдагина ҳаракат қиладилар. Биз ҳар доим, маҳаллий аҳоли бехосдан қизил пропагандага берилиб кетмаслигига қарши тайёр туришимиз лозим. Худди биздаги катта шаҳарларда ҳам маълум қизил районлар бўлгани каби, бу ерда, ҳамма нарса кенг миқёсда ривожланаётган шунчалик катта мамлакатда ҳам бутун-бутун қизил вилоятлар бор. Биз турган именье мана шунақа қизил вилоятнинг худди чегарасида; шунинг учун ҳам биз бу ерда истеҳкомлар, моторлашган қисмлар ўта оладиган ер ости йўллари қурдик. Мен бунинг шунинг учун ҳам ёзпманки, баъзи бировлар гўё бу қашшоқ халқда умуман ҳеч қанақа курол-аслаҳа йўқ ва бу халқ бизга жиддий қаршилиқ кўрсатишга қодир эмас, деган тасаввурга эга. Жуда кўп одамлар то биз уларни қуршаб олганимизча жанубга, қизилларга ўтиб кетяптилар. Албатта, баъзи бировлари қочиб кетолмайди, кейин бекинишиб юришади. Биз уларни ахтариб ҳамма жойларни тинтиб чиқамиз. Кейинчалик улар билан гап қисқа бўлади — айниқса ўлим, мен сенга ёзганимдек, бу мамлакатда биздагига ўхшаш аҳамиятга эга эмас, бу одамларнинг яшаши эса, қизил районларга силжишимизга таҳдид солади; айниқса шунинг учунки, улар ўзларини одатда энг тинч ҳунар эгаси қилиб кўрсатишади, армия яқинлашиб келди дегунча хавфли тўдаларга бирлашиб оладилар. Ўзинг ўйлаб кўр, қимматли Амалия хола, бизнинг уйимизда боғбон ёки почтальон бўлса-ю, кейин у бирдан босқинчилар шайқасининг бошлиғи бўлиб қолса! Масалан, яқинда бутун бир дивизия штабидаги кишиларнинг калласини олиб кетишди.

Анчадан бери биз гулгулага тушиб қолдик, чунки японлар Шанхайни эгалладилар. Шимолда эса қадимий Маньчжурия давлати Хитойдан ажралиб чиқди. Албатта, ажнабийларга нафрат билан қаровчи хитойлар, ўзларининг душмани деб билишган Японияда, уларга нисбатан жуда кўп афзалликлар мавжуд эканлигини ва шу афзалликлар туфайли японлар ғалабага эришганликларини тушунишга қодир эмаслар. Менимча, бунақанги нафратни авж олдиргунча, модомики, душман улардан кучли экан, аҳолини душманга бўйсунтиришга, унинг ҳокимиятини танишга кўндириш дурустроқ бўлар эди. Лекин кўпчилик, ҳатто менинг таржимоним ҳам, бунинг таҳқирлаш деб ҳисоблаган бўлардилар.

Мана ўзиям келяпти, энди хатни тўхтатай. Биз унга скат ўйинини ўргатиб қўямиз, деб ваъда бергандик. У жудаям камсуқум, одобли киши, шунинг учун, устав бизга у билан ҳар қанақа яқинликни ман қилишига чин кўнгиладан афсусланамиз. Ҳатто сен ҳам, қимматли Амалия хола, унинг ўзини қандай тутушини кўриб, унинг сариқ ирққа мансуб эканлигини баъзан ёдингдан чиқариб қўйган бўлардинг».

— Мени ўша хитой Ганси билан,— деди Амалия хола,— жудаям танишгим бор.

— Уни расмдан ахтариб кўриш керак,— деди Ленора,— Фриц Ильзага расмини юборибди.— Хола рашкини босди. Ҳар сафар Венцлов ўз ҳаётини холага эмас, кўшниларга хабар қилганда, хола ана шундай рашк ўтида куйиб-ёнарди. Холанинг қолган умридаги ҳамма нарса, унинг барча истак ва умидлари жияни билан боғлиқ эди, шунинг учун у бу умидларнинг зарчасидан ҳам жудо бўлишни истамасди.

Ҳарчи оилада олинган хатларни бир-бирларига беришга ўрганган бўлсалар ҳам, то Амалия хола жиянидан келган хатни кўшненикига чиқаргунича бир неча соат, баъзида эса ҳатто бир кун ўтиб кетарди. Ҳатто, иккала қизалоқнинг боғдан келган кулги товушлари ҳам, холага ана шу тақдирнинг марҳамати билан бахтиёр бўлган болаларнинг беадаблигидай туюларди. Хола кенжа Марианнага қараганда, қовоғи солиқ, хунук, ўғил болаларга ўхшаган тўнғич Аннелизани афзал кўрарди. Марианнанинг хушфёллиги ва ёқимтойлиги туфайли бутун оила унга қойил қоларди. Венцловнинг ўғлини хола, худди ўз набирасидай кўрарди, шунинг учун унинг бешигини хола бажонидил ўз хонасига олиб киргисин келарди.

Ҳар сафарги хатдан кейин Ленора Клемм, бу узоқ мамлакатлар менга тўғри келмайди, деб ҳис қиларди. Анови укаси мақтайдиган таржимон ҳам унга ҳаддан ташқари бегона ва шу билан бирга, кечалари ўзининг қизлик тўшагида ўқиб чиқадиган беҳисоб китобларида тасвирланган эркакларнинг барча хусусиятларини ўзида акс эттирган кишидай туюларди. Бироқ, бир умр китоб ўқийдиган онаси ва ҳадеб хаёлга чўмиб ўтирадиган холаси олдида бўлишдан зерикадиган ёш Гельмут узоқ

мамлакатларга жуда қизиқарди. У бу узоқ мамлакатларни кўришни умид қиларди; у саёҳатнинг мазасини олдиндан тотиб қўйганди. У эс-эс танийдиган тоғасини фақат узоқ жойда бўлганлиги ва унинг ёзган хатлари ҳеч бўлмаса аҳён-аҳёнда оиланинг бир хилдаги турмушини бузиб турганлиги учун ҳам яхши кўрарди.

Кичкина Клеммнинг зерикарли ҳаётида иккита таянчи бор эди: биринчиси — марҳум отаси, унинг сиймосини Гельмут бегона одамларнинг гап-сўзларидан, ўзининг унча-мунча хотираларидан тасаввур қиларди; иккинчиси — ҳозир жуда узоқда юрган, лекин бир кун эмас, бир кун қайтиб келиши керак бўлган тоғаси Фриц Венцлов эди. Баъзан Гельмут уйда онаси тоғасининг хатларини ўқиётганлигини эшитиб қоларди; кўпинча у тоғасининг хатларини кўшненикида эшитарди. Бу ерда бу хатлар Мальцанлар оиласига ва уларнинг меҳмонларига — бу ерга мунтазам тўпланиб турадиган, бир қисми аллақачон хизматдан бўшаган собиқ офицерларга ўқиб бериларди. Гельмутнинг учинчи таянчи ҳам бор эди, лекин унинг бу учинчи таянчи ундан шунчалик узоқ эдики, ҳатто у таянчлик вазифасини эмас, балки тўғрироғи йўлчи юлдузлик вазифасини ўтарди. Тўшагининг остида у Гитлернинг портретини сақларди: унинг бу сирини фақат ўқитувчиси биларди. Гельмутнинг ўқитувчиси ҳам шунга ўхшаш портретни, Веймар республикаси билиб қолиб адабни бермасин учун, кўздан нарироққа, синф жавонининг ичига осиб қўйганди. Бу жиҳатдан Эльтвилдаги Гельмутнинг кичик амакиваччаларига, марҳум отасининг амакиваччаси Клеммнинг ўғилларига осон эди: уларнинг ётоқхоналарида Гитлернинг турли кўринишдаги расмлари осиглиқ турарди. Гитлернинг бу расмлари орасида газеталардан қирқиб олишиб, кнопка билан қадаб қўйилган расмлардан ташқари яхши қоғозлардаги ва рамкаларга солинган ҳақиқий портретлари ҳам бор эди. Меҳмонлар бу тўғрида пичинг қилган вақтларида болаларнинг отаси кўпинча ҳазил тоифа билан қутуларди. Чунки, Эльтвилда бир гуруҳ ҳурматли зотлар бўлиб, улар округдаги барча ҳурматли оилаларга ибрат кўрсатиш, нацист партиясини масхара қилмасдан балки унга ишонч билан қараганлиги ўзларига ҳам, расмий меҳмонларга ҳам сир эмасди.

Аммо бу ерда, Потсдамда фюрернинг портрети деворда осиглиқ турмаганлиги учун бола унга узоқроқ

қараёлмасди ҳам. Гельмутнинг назарида фюрер юлдузга ўхшарди, шунинг учун ҳам у йироқдаги тирик одамлардан кўра, унинг марҳум отасига яқинроқ эди; ахир осмондаги юлдузлар дунёга нисбатан кўпроқ нариги дунёга алоқадор. Холалари, вайсақилар, қариқизлар юлдузларга камдан-кам қарардилар. Бола ўқитувчиси билан бирга гитлерюгенд мажлисига ёки шаҳар четига жўнайдиган бўлса, улар гиринг-гиринг қилишарди. Улар доимо Гельмутнинг, ўзини бошқа немис болаларидан айириб турадиган тўсиқларни синдириб ташлаш истагига дуч келардилар. Гельмутнинг болалар билан бирга қиладиган машқлари, баъзан ҳатто номдор оилалардан бўлмайд, балки почтагонлар, қассоблар ёки этикдўзларнинг болалари командаси остида қиладиган машқлари уларнинг ғашини келтирарди. Гельмутнинг Эльтвилдаги амакиси эса ўз болаларига нисбатан бунақанги инжиқликларни қилмасди. Шунинг учун ҳам Амалия холаунинг болаларга нисбатан бундай бепарволигини худо томонидан табақалар ўртасида ўрнатилган чегарага беҳурматлик, деб атарди. Афсуски, Германиянинг баъзи қисмларида бу нарса жуда кенг тарқалганди. Жаҳли чиққан кезларида Амалия хола ҳатто, буни ҳанузгача Рейн областида илдизи қуримаган француз революциясининг қолдиғи, дер эди. Гельмутнинг амакиси уйда эса, бу пасткашликка национал-социализмгина барҳам беролади, деган гап-сўзлар тез-тез бўлиб турарди.

Гельмут баъзида уйдан бир ўзи қочиб кетарди. У эркин нафас олишни истаган кезларида Юнгфернзега қараб чопарди, бу ерда қайиқда уни мактабдош дўсти кутиб турарди; кўлдаги қамишлар орасида қайиқда сузиб юриб, улар бир-бирларига юракларидаги дардларини изҳор қилишар ёки ўзларича хаёл суришарди. Бу Германия қанақа мамлакат ўзи? Барча мамлакатлар орасида ягона мамлакат, бу мамлакат тупроғида, унинг паноҳида ва тилида Гельмут учун қимматли ва олижаноб туюлган барча нарса: онасининг хотиржам чиройли чеҳраси, отасининг қабри, мактабдаги севимли ўқитувчиси, ўтмишнинг улуғвор ишлари, қамишлар, қушларга тўла, жимжитлиги фақат эшакларнинг ҳаракати билан бузиладиган кўл; куз пайтида — сўлган япроқлар уюми, қишда — қор бўронлари, ёзда — ел аллалаган олтин ранг далалар, баҳорда — қорлар остидан униб

чиққандай кўринган бойчечаклар, шундай ажойиб гўзаллик, кўз илғамас уфқлар бор эди. Булар ҳақида Гельмутнинг ўртоғи ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эди, чунки у фақат Берлинга ва Болтиқ денгизигагина борарди; Гельмут эса каникул вақтида кўпинча Рейнга бориб турарди. Агар Гельмут билан ўртоғининг фикрича, тақдирлашга сазовор бўлмаган нарсани қимматли ва олижаноб нарса, деб тан олишга мажбур қилгундай бўлсалар, болалар албатта, бу ишдан ғазабланган бўлардилар. Лекин отанинг қабрини ва онанинг гўзал юзини ҳурматлашга қарши, олтин ранг далалар ва сокин кўлга қарши нима ҳам деб бўларди? Улар, ўзлари билмаган ҳолда, беҳосдан уларнинг ишончига сазовор бўлган у ёки бу ўқитувчининг айтган нарсаларини ҳам ана шу айтилганларга қўшиб юборардилар. Гитлер гарчи уни кўпчилик мазах қилиши ва жуда кўп одамлар ундан нафратланишига қарамасдан — улар учун қимматли туюлган барча нарсалар мавжуд бўлган Германияни қудратли мамлакатга айлантиради, уларга қимматли туюлган нарсаларни ўзлари учун ҳам қимматли деб ҳисоблаган барча халқлар ҳам Германияни бундан кейин севадиган бўладилар. Агар халқлар Германияни тушунмасалар, у вақтда улар Германия олдида тиз чўкишлари керак. Гитлер Германияни қийин аҳволдан қутқаради. Улар учун зарур бўлган эркинлик ана шу. Гитлер ҳукмронлик ва ғалабани ваъда қилди, шунинг учун ҳам улар Гитлернинг ваъдаларига ишонишарди. Ниманинг устидан ҳукмронлик? Кимнинг устидан ғалаба? Бу саволлар уларни ташвишлантирмасди. Улар бир неча марта эшак уриб, махфий суҳбатлар учун танланган кўрфазга етиб олдилар. Болалар қамишлар орасига яшириниб олдилар, бу ерда уларни ҳеч ким тополмасди. Улар кўчаларда очиқ айтилиши ман қилинган бир неча қўшиқни айтишди. Синфда болалар ўртасида айтишдан тортинган ўзларининг севимли ашулаларини: қадимий халқ ашулаларини, ўлим ва севги ҳақидаги даҳшатли ва ғамгин ашулаларни ҳам айтишди. Улим ва севгини улар ҳали ўз бошларидан кечирмаган бўлсалар ҳам, булар қандайдир ўзаро боғлиқ эканлигини сал-пал ҳис этардилар, холос. Уларни бу ердаги барча тақиқланган ва номаълум нарсалар — қамишлар орасидаги овлоқ жойлар сувнинг ҳиди ўзига мафтун қиларди. Болалар кемани бир жойга боғлашди, кейин ора-сира гаплашиб, дўстона

суҳбат ва чексиз ҳис-туйғулардан жуда чарчаб, кеч қолганликлари учун уйда сўкиш эшитсалар ҳам ғинг демайдиган бўлиб уйга жўнадилар.

## II

Христиан акасининг кемалар сақланадиган саройида яшаган кезларида фақат қишлоқдаги мижозларининг олдига ва черковга борарди, холос. У шаҳарга бориш у ёқда турсин, ҳатто бирор марта қўшни қишлоққа боришни ҳам истамади, боришга зарурат ҳам сезмади. У барчанинг эсидан чиқиб, ҳеч кимга кўринмай бир бурчакда ўтирганига хурсанд эди. У мана шу бир парча ерга, акасининг оиласига ёпишиб олиб, қарз олинганлиги ҳақидаги тилхатларга тикилиб хурсанд бўлиб ўтира берарди. Вильгельм эса, қарзлар ҳақида ҳечам қайғурмас, ортиқча меҳр қўйиб ишламас ва фақат тез орада ҳамма нарса яхши томонга ўзгариб кетади, деб одамларга гапириб юрарди, холос. Обергруппенфюрер Гармс унга одам юборса, дарров ҳар қанақа зарур ишини ҳам ташлаб, унинг олдига чопарди. Христианнинг устахонасига келиб-кетиб юрадиган деҳқонлар, Вильгельм ҳаммага бақиради, ҳеч кимни гапиришликка қўймайди, одамларнинг ўғилларини бузади, телба кишидек юк машинасида йигитлар билан округда сандироқлагани-сандироқлаган, деб ундан нолир эдилар. Гармс ўз қишлоғида бадном бўлиб қолганди. Энди эса у ўз қишлоғидагина эмас, балки атроф қишлоқларда ҳам хўжайинлик қиларди. Йигитлар бўлса унинг олдида таёқдай қотиб туришарди.

Бошқалар ҳасрат қилишганда, Христиан индамай ўтирарди. Кишиларга ўзининг мулоҳазалари билан ҳалақит бермаганлиги туфайли, одамлар у билан бажонидил мириқиб суҳбатлашишарди. Лекин гоҳо-гоҳо унинг миясига ҳам бемаъни фикрлар келиб қоларди. Агар акасига бирор гап бўладиган бўлса, у ҳолда Христиан ҳам бир йўла ўзининг келажagini таъминлаб олиши керак. Акаси яна ҳар қанақа фисқу фасодларга аралашиб юрибди, бунинг оқибатида бирор балога гирифтор бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Мабодо шундай бўлса, Христианга қарзларга ботиб кетган меросдан ҳеч нарса тегмай

қолиши мумкин. Христианга, айвонда турган учоёғидан бўлак ҳеч нарсанинг кераги ҳам йўқ; у хўжаликдан тегадиган улушини, мабодо бехосдан ўлиб қолгундай бўлса, бу улишни ўз билганича тақсимлашни узундан-узоқ хаёл суриб кетди.

У деҳқонларнинг гап-сўзларидан, Берлинда Кантштрасседа озгина пора берилса, энг мушкул ишларни ҳам бартараф қиладиган адвокат яшашини билиб олди. Бунақанги одамнинг қўлидан акасининг қарз олганлиги ҳақидаги тилхатларидан бирор натижа чиқариш ва меросни Христианга қонуний равишда беркитиб берадиган қоғоз қилиб бериш келарди, албатта. Урмон ўртасидан юриб станцияга чиқиш унга хийла узоқлик қиларди. Шунинг учун, йўл ишчиларидан кимдир унинг олдига кириб, этигининг пошнасини қоқиб беришни сўраганида, Христиан ундан, Пауль Штробель бир келиб кетсин, деб илтимос қилди. Пауль Штробель бир вақтларда, болалик чоғида Христианнинг акасиникида хизмат қилган, ўтган йили эса бехосдан Христианнинг олдига келган йигит эди. Пауль ишсиз эди, демак, унинг бўш вақти кўп. Христиан йўлга ҳозирланиб, кулбасини осма кулф билан беркитди. Пауль уни қайиқда кўл ўртасидан тўппа-тўғри нариги қирғоқдаги станцияга ўтказиб қўйди.

Христиан гарчи қийналиб юрса ҳам, лекин жиддий ишларда у чаққон ва уддабурон эди. У Берлинни яхши билмас эди. Лекин ўзини сира йўқотиб қўймади. У қишлоқдан безор бўлганди, уззу кун сафсата сотиш ва алғов-далғовларнинг унга сира қизиғи йўқ эди, қола берса, мана бу каттакон шаҳар уни бутунлай қизиқтирмас эди. У, аҳамиятсиз уйлар орасида фақат уни қизиқтираётган ягона уйга иложи борица тезроқ етиб олишни истарди. Христиан Кантштрассега олиб борадиган автобусни излаб топди. Йўл-йўлакай кўрган ва эшитган нарсаларидан у шундай хулосага келди: бу сафар Вильгельмнинг иши ўнгидан келганга ўхшайди — атрофдаги фашист тамғаларидан нафас олиб бўлмайди. Ҳаш-паш дегунча, бундақанги тамғани давлат байроғига ҳам қалб қўйишса керак. «Тезроқ ишларимни саранжомлаб олишим керак»,— деб ўйлади у.

Адвокатнинг кўзи чўчқаникига ўхшаган бўлиб, пакана, семиз киши эди; қорнининг устида соатнинг олгин занжири осилиб турарди. Христиан унга тикилиб қара-



гандан кейин, у кўзларини қоғозларга тикди-да ичида: «Ғалати одам!» деб ўйлади. Унинг назарида Христиан Надлер оддий деҳқонга ўхшамасди: у амалдор кишининг олдида ҳеч тап тортмай турарди. Христиан бу ерга нима учун келганини тушунтирди. Ун тўрт йилдан бери қириб-қиртишлаб йиққан нарсасини акасига қарзга бера-верган.

— Езма ҳужжатларингиз борми? Биласизми, жаноб Надлер, қонун фақат ҳужжатларингизга тан олади.

Семиз адвокат тилхатларга эмас, балки одамларнинг инсофига, виждонига ишониб, камбағаллашиб, умидсизликка тушиб қолган миждозларни кўп учратганди. Лекин бу қизиқ табиатли киши унақанги одамлар хилига мансуб эмасди.

— Бўлмаса-чи, жаноб адвокат! Мапа буларга қаранг, ҳаммаси аниқ-равшан ёзилган.

У олиб келган нарсаларини ўртага қўйди; йиллар ўтган сайин қоғозлар дастаси министрликнинг архивидай бўлиб қолганди.

— Аввалига, буларни синчиклаб текшириб кўришингизни илтимос қиламан, кейин қандай қилса, анови меросга қонуний эга бўлиб олишликни тушунтириб берсангиз. Кейин мен ҳам, акам Вильгельм ҳам вафот қилганимиздан кейин, меросни қандай қилиб, ворис бўладиган кишига ундириб беришликни айтиб берсангиз.

Христиан ўз илтимосида ҳеч қапақа ажабланидиган ери ёки бемаънилик борлигини сезмади. Умрида жуда кўп ғалати, бемаъни даъволарни эшитган адвокат эса, энди деярли ҳеч нарсага таажжубланмайдиган бўлиб қолганди. Бир неча савол бериб, у ворисга алоқадор масалани аниқлаб олди. Уни, албатта, жаҳон урушининг охирида никоҳсиз ўғилнинг туғилиши сира ажаблантирмади. Бу ўғилнинг қонуний эканлигига унинг ҳуқуқий отаси ҳам ҳеч қачон эътироз билдирмаган. Агар ўғилга ҳуқуқий отасидан бирор мерос тегмай қолган тақдирда, унинг келгусини таъминлаб қўйиш учун кимдир қайғураётганлигига ҳам адвокат ортиқ таажжубланмади. Энди адвокат Христианга олдингидан кўра кўпроқ ёқиб қолганди. Бу ерда, худди врачнинг ҳузурдагидек, очиқ-ойдин гаплашиш мумкин эди. Адвокат аввал унинг даъволари қонуний эканлигини аниқ белгилай олишга, кейин уларни мустаҳкамлаб, барча қоғозларини

почта орқали заказной хат билан юборишга ваъда қилди. Христиан кета туриб савол берди:

— Жаноб адвокат, агар бирдан анови Адольф Гитлер бошлиқ янги давлат тузилиб қолса, буларнинг ҳаммаси қонунлигича қола берадимми?

— Нима бўлди сизга, жаноб Надлер!— деди адвокат.— Давлат ҳамма вақт давлатлигича, қонун қонунлигича, хусусий мулк хусусий мулклигича қола беради. Ҳозир рим ҳуқуқини бекор қилиш ҳақида зўр бериб гапиряпти, янги немис қонунларини барпо қилиш керак дейишяпти. Шахсан мен аминманки, жаҳиятимизнинг асоси— хусусий мулкчилик ҳуқуқи заррача ҳам камситилмайди. Жуда нари борганда бир неча яҳудийларнинг мол-мулкни мусодара қилишади. Сиз, ахир яҳудий бўлмасангиз керак, а, жаноб Надлер?

— Худо сақласин, жаноб адвокат,— деб жавоб берди Христиан, кўзларини шифтга тикар экан, пасторникида гапирадиган гапларининг оҳангида.

— Эҳтимол, яна давлат душманларидан бир нечасининг мол-мулкни ҳам мусодара қилишса керак. Давлат душманларига ҳам сизнинг алоқангиз бўлмаса керак, жаноб Надлер?

— Худо сақласин, жаноб адвокат.

Берлинга қилган бу сафаридан қатъи назар, Христиан, одатдаги турмуши ўзгариши, қола берса, ўлиб қолишлиги мумкин эканлигини ҳеч қачон жиддий ўйлаб кўрмаганди. Акасининг тўнғич ўғли лапашанг жиянини, агар меросдан бир қисмини укаси Маллага беришга тўғри келса, кўзлари олайиб кетишини кўз олдида келтирган пайтларида ҳам, Христиан акасининг ўлимини жиддийроқ ўйлаб кўрмаганди. Ҳақиқатан ҳам нега энди Вильгельм билан унга, Христианга ўлимдек бир ажаб нарса таҳдид қилиши мумкин? Ахир йил сайин икковининг ҳам ишлари бошларидан ортиб кетяпти — биттаси чарм қўйиш билан овора бўлса, иккинчиси — ер ҳайдаш ҳосилни ўриш, янчиш билан овора.

Адвокатникига бориб келганидан кейин бир неча кун ўтмасданоқ, унинг нечоғлик ақлли иш қилганлигини тақдирнинг ўзи Христианга кўрсатиб қўйди. Надлернинг Анни исмли пакана, имирсиган қизчаси (бунақанги қизлар ҳақида, бўладиган болани ёшлигидан маълум, дейишади) қишлоқдан кемалар сақланадиган саройга кечқу-

рун бевақт елиб-югуриб келди. Христиан эшикни очгунча у шошилмасдан кутиб турди, кейин:

—Христиан амаки, фалокат юз берди: отам ўладиган бўлиб ётибди.— деди.

Эрталаб Вильгельм Надлер Гармснинг буйруғи билан қишлоқдаги штурмчи йигитларни йиққанди. Улар Вердерга қараб жўнашди, у ерда уларни бешта юк машинаси кутиб турарди. Улардан иккитаси Гармс ва унинг малайлари билан тўлганди. Вильгельм Гармснинг буйруғини ҳаммадан илгари бажарганлиги билан мағрур эди. Қолган қўшни қишлоқликлар кейинроқ келишди. Гармс Вильгельмни ишончли, ишчан одам, деб ҳисоблаганлигини унинг ўзи ҳам фаҳмлаб турарди. Вильгельмнинг назарида Гармс аллақачон қўшни қишлоқли қарзга ботган муттаҳам киши бўлмай қолганди; энди унга парвардигор, кимни ишончли ва ишчан одам, деб бехато белгилаш ҳуқуқини ато қилган, бунинг натижасида штурмчиликка ёзилган бир неча йигитларнигина эмас, балки одамларини, ерини ва мол-қўйларини қўшганда бир неча қишлоққа хўжайин бўлиб қолганди. Гармс бир имо қилгундай бўлса, худди ер тагидан чиққандай юк машиналари, мотоцикллар, мундирлар, байроқлар ва қурол-аслаҳалар унинг олдида пайдо бўлади. Сулҳ тузилганидан бери Вильгельм доимо қурол тақишни зимдан қўмсаб юрарди. Жавдари ортаётганида ҳам, мевали дарахтларнинг танасига оҳак суртаётганида ҳам у қуролни қўмсарди; фақат қуролгина одамга ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини, ҳаёт ва мамот устидан чексиз, ҳокими мутлоқ сингари ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини берарди. Вильгельмнинг бошлиғи, капитан Дегенхардт унга бир вақт ана шу ҳукмронликнинг бир парчасини берганди, лекин муваффақиятсизликка учраган капп фитнасидан кейин капитан нобуд бўлиб кетди, у билан бирга ҳукмронлик ҳам қўлдан кетди. Қўлнинг нариги қирғоғидаги барон фон Цизен Вильгельмни анча вақтгача ҳукмронликнинг яққол кўриниб турганлиги билан қизиқтириб юрди. Лекин унинг гапи қизиқтиришдан нарига ўтмади. Илгарилари ҳавойи бўлган мана шу Гармсина ҳукмронлик нима эканлигини кўрсатди.

Улар Обершеневейдега жўнашди, бу ерда тўсатдан барча қисмларнинг йиғини тайинланганди. Обершеневейденинг йўлида фабрика бўлиб, фабриканинг атрофида эса қисман фабрика посёлкасига айланиб қолган

қишлоқ бор эди. Посёлка аҳолиси ғазабланиб, штурмчиларга йўл бермаймиз, деди. Берлин полицияси кўчаларни тозаллади; полициячилар олдинда бораётган Гармснинг машинасини тўхтатиб, посёлкага кирмасдан, йиғин тайинланган жойга қандай бориш тўғрисида йўл-йўриқ кўрсатди. Гармс бунга жавобан кулди-да, шоферга қандайдир топшириқ берди; шофер машинани бор бўйича тез ҳайдади; қолган машиналар ҳам унга эргашиб, қишлоқ ўртасидан кетишди. Ишчилар асосий кўчанинг кўндалангига сим тортилганди, натижада ҳамма колонна тўхташга мажбур бўлди. Шу пайт кимдир деразадан бақирди:

— Эҳе! Надлер ҳам шу ерда экан! Эҳтиёт бўл, ёмғир ёғмоқчи. Яна пичан-хашақларинг ивиб қолмасин. Яхши-си уйингга қайта қол!

Вильгельмнинг жазаваси тутиб кетди. Масхара қилган кишининг юзини яхшироқ кўра олмади, у таваккал қилиб қоронғи деразага қараб ўқ узди. Шу заҳоти штурмчилар машиналардан ирғиб тушишди. Симни қирқиб ташлашди. Ойналар жаранглаб кетди; эшиклар парча-парча бўлиб кетди; Вильгельм Надлер йиқилганда, унга отишмалар секин эшитилаётгандай туюлди, аммо кимнингдир этиги жуда қаттиқ ғарчилларди.

Уша ердаги касалхонада унинг ярасини боғлашибди, деб шошилмасдан батафсил ҳикоя қиларди Анни, эртасига эса уни уйга келтиришди. Соғайиб кетиш-кетмаслиги фақат худонинг ўзига маълум. Полиция Обершеневейдеда ва фабрика посёлкасида жуда кўп одамни қамоққа олибди, чунки у ерда деразалардан машиналарга қараб ўқ отишган экан.

Христиан қайгурмади ҳам, ғазабланмади ҳам. Аксининг ўлими унга энди мумкиндай, лекин эҳтимолдан узоқроқдай туюлди. У бирров қараб жияни Аннининг кўкраги билиниб қолганини пайқади.

Шундан кейин у истар-истамас саройни беркитди ва қизча билан бирга қишлоққа жўнади. У кўп йиллардан бери акасиникида тунамаган эди. Лиза унга илгари ётиб юрган жойига, қазноқчага жой солиб берди. Лиза Христианга бир оғиз ҳам гапирмади, унинг кўзларидан ўзини олиб қочиб юрарди. Аммо Христиан унинг илгаригидек чақнаб турган тиниқ кўзларидан Вильгельмнинг ўлимига ишонмаётганлигини тушунди.

Вильгельм ўз каравотида, ҳамма ёғи боғланган ҳолда, кўзларини юмиб ётарди. Ҳангоматалаб кишилар уни

Ураб олиб, тикилиб туришарди. Буларнинг орасида бир неча штурмчи ҳам бор бўлиб, қолганлари қўни-қўшнилари эди. Штурмчилар касалнинг олдида овозлари борица сўкинишар ва кимгадир пўписа қилишар эди. Қўни-қўшнилари эса фақат кўчада ичларидаги гапларини айтишарди.

— Мана оқибати шунақа бўлади. Бунақанги бемаъни ишлардан узоқроқ юриш керак.

Улар, уйда ўғилларининг олдида гапиришдан қўрқиниб турарди.

Шахсан Гармс ҳам ўз қишлоғидан мулозимлари билан бирга келди. Серҳашам стулга ўтиришдан илгари, у бир дақиқа жиддий қиёфада тик турди. Фотосуратларига қараганда, Гитлер ҳам «қизил террор» қурбонларини кўргани борганда шундай жиддий қиёфада бирпас турарди. Эртасига пастор ҳам келди.

Лиза этаги билан пастор ўтирадиган стулни артиб тозаллади ва уни касалнинг каравоти ёнига суриб қўйди. Пастор Лиза пашшаларини қўриётган ярадорнинг изтиробли юзига ғамгинлик билан разм солди; кейин у бешинчи диний таълимот ҳақида уч-тўрт оғиз гапириб, шу билан бирга шунчалик қаттиқ жафо чекаётган киши қасос олиш ниятидан қайтиши қийинлиги, лекин христиан одамнинг бурчи шундай эканлигига ҳам ишора қилди.

Вильгельм Надлерни бундан бошқа баланд мартабали шахс ҳам келиб кўрди. Эшик олдида автомобиль тўхтаб, ундан барон фон Цизен тушгандан кейин Вильгельм анча ўзига келиб, хўроздек қоматини ростлади. «Уруш қатнашчилари — деҳқонларнинг ватан иттифоқи»нинг раиси сифатида бароннинг ярадор Вильгельм Надлерни келиб кўриши жуда табиий ҳол эди. Вильгельм, эса баланд мартабали киши келиб кўрганлиги учун ўзини хурсандликдан қаерга қўйишни билмай қолди. Бу одамни у жуда кўп вақтлардан бери ҳамма одамлардан юқори қўйиб келарди. Унинг бу келиши, ҳамма нарсадан ташқари, Надлер Цизеннинг назарида ҳисоблашиш лозим бўлган куч эканлигини кўрсатарди. Вильгельм ёр-оғайнилари олдида, айниқса Гармснинг олдида, хотини ва болалари олдида, шунингдек қазноқда ётиб юриб, рўзғорга ёрдамлашаётган ғариб укаси, Христианнинг олдида ҳурматли меҳмон билан мақтанарди. Юқори мартабали меҳмон Христианнинг кўнглини жиз этказмади. Унинг назарида барон кўпчилик қатори эди, холос. Берлинга

қилган сафари вақтидагидек, унинг ягона ўйлаган нарсаси шу бўлдики, бу сафар Вильгельм ишни дўндирибди. Таажжуб, ахир у аҳмоқ одам-ку. Акаси ишга туша оладиган бўлиб соғайиши биланоқ, Христиан ўзининг кемалар сақланадиган саройига қайтиб келди.

### III

Гешке ишсиз бўлиб қолгандан бери Мария иложи борица ўзига бирор иш ахтарарди. Бу ишда унга Эмилия ёрдам беролмасди. Устахонаси яқинда беркитилган бўлиб, у мол бериб турган фабриканинг ҳам синиш хавфи бор эди. Эмилия энди бир оз қариб қолганди; бир неча йил илгари у бир коммивояжер билан дўст тутинганди. Аҳён-аҳёнда Эмилия у билан бирга танцага борарди. Коммивояжер Дрездендаги хотининикига кетгандан кейин Эмилия унчалик қайғурмади. Бир куни кечқурун Эмилия Мариянинг олдида келиб, анчадан бери кўринмай кетган дўсти яна пайдо бўлганлигини, у Берлинга савдо-сотиқ билан келганлигини ва бир вақтлардагидек Эмилия холани «Машъум етилик» кафесига танцага боришга таклиф қилганлигини айтди. Бу сафар Эмилия танцага боришга кўнмади, чунки унинг меҳмондорчиликка кийиб борадиган туфлиси эскириб қолганди. Эмилия дрезденликни ўз уйига таклиф қилди ва якшанба кунига ча Мариядан бир сиқим кофени қарз олиб келди; меҳмон торт ва бир шиша ликер олиб келди. Эмилия оч қоринга ичганлигидан бир оз кайфи ошган бўлса ҳам, дрезденликка илгаригидек ҳузур-ҳаловат бахш эта олмади. Коммивояжер Эмилия холага, менинг олий ҳимматлигимни қадрлаш керак, чунки сенинг кулбангда ўтказган кеча менга яхши жойда ўтказадиган айш-ишратдан қимматга тушди, лекин мен ўтган кунларни эсидан чиқариб юборадиганлардан эмасман, деган маънони англатди. Эртасига у ўзи билан савдо-сотиқ қилаётган танишини бошлаб келди. Эртага якшанба эди. Мария эрталаб Эмилия холаникига қарзини сўраб келди, чунки якшанба кунги бир пиёла кофе Гешке учун оч-ноҳор ўтказилган ҳафтадан кейин жуда тансиқ нарса эди. Столда ифлос стаканлар, майонез, ликер қолдиқлари бетартиб турарди. Эмилия сунъий кўк ипак кўйлақда, эснаб ўрнидан турди. Сариқ рангга бўялган, тўзғиган сочлари, уйқудан шишиб кетган юзлари уни жодугарга ўхшатарди. У ко-

фени ўзинг сотиб ол, деб Марияга пул берди. Бундан ўн тўрт йил муқаддам каскада, мундирда ўлдирилган Эмилия холанинг эри, нонуштадан кейин йиғиштириб олинмаган столга суратдан думалоқ кўзларини олифтагарчилик билан тикиб турарди.

— Афсуски, Еленаларинг чиройли эмас-да,— деди Эмилия.

— Сен Гешкени яхши билмайсан,— эътироз билдирди Мария,— Елена агар ёмон йўлга киргундай бўлса, у Еленани уриб майиб қилиб қўйган бўларди.

Мария бир қадоқ кофе билан қайтиб келганда Эмилия ифлос идишлар билан тўлиб ётган стол олдида ҳўнграб йиғлаб ўтирарди; Мария унинг бунақанги йиғлашини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Майиб қилиб қўйган бўларди,— хўрсинди у.— Бўлмаса мен нима қилай? Шупке кеча мени кўчага улоқтириб ташламоқчи бўлиб дўқ қилди, қандай шармандалик — ўзинг ўйлаб кўр! Ахир биз бу уйга марҳум Августим билан бирга кўчиб кирганмиз-ку; устахона ёпилгунча мен бу ерда ишладим. Шупке мени, тўртинчи қаватга, Граупени ёнига кўчиб ўтгин деб танг қиляпти; улар ҳам, мен сенга айтсам, квартира ҳақидан қарздор бўлиб қолишган. Шупке квартира ҳақини биргалашиб тўлашимизни ўйлаб топибди, шундай қилса, унда ҳақ тўламаган битта квартира қолади. Мен қандай қилиб Граупени ёнига кўчиб ўтаман — ўзинг ўйлаб кўр?

Мария, баъзида жанжал қилганда жанжали пастга ҳам эшитиладиган Граупени кўз олдига келтирди.

— Албатта бўлмайди, Эмилия хола.— деб жавоб берди у ва холанинг анча сийраклашиб, оқариб қолган сарик сочларини маъюс силади.

Оилада фақат Францнинг вақти доимо чоғ эди. Лекин унинг хурсандчилиги бошқаларга таъсир қилмасди. Унинг ҳуштак чалиб зинапоядан кўтарилаётганини эшитган замониёқ Марианинг қовоғи солинарди. Франц Марияга қўпол муомала қилмаса ҳам унга инсбатан бепарво эди. Баъзан Францнинг қайтиб келганини эшитиб, кечалари ўрнидан турарди. Франц ошхонага кириб, стулга тап этиб ўтирарди, оёқларини чўзиб, сигарета чекарди. Мария ўйчанлик билан уни кўздан кечирди-да:

— Шўрва иситиб бераймиз?— деб сўради.

— Бошимга ураманми?— жавоб берди Франц.— Шўрваларингни ўзларинг ичаверинглар.— Кейин яна юм-

шоқроқ оҳангда қўшиб қўйди:— Илтимос сендан, мендан ташвиш қилма, кечалари мени кутиб ўтирма; мен бир илож қилиб бирор жойда тамадди қилиб оламан.

Шу гапдан кейин ойим бориб жойига ётар, деб уйледи у; лекин Мария оёқ яланг, узун кўйлақда унинг орқасида туриб ўйларди: Франц чиройли, новча, бақувват бола. Мен анчадан бери усти-бошларини ямаганим йўқ. Нима сабабдан унинг усти-бошлари энди камроқ эскирадиган бўлиб қолди? Нега у ҳозир жуда ҳорғин кўринади? Гешке унга бир неча марта: «Бу ерда кўзимга кўринма, кўчадами ёки янги топган оғайнилариңникидами ётиб қола бер, мени эса бунақанги шармандалиқдан халос қил», деб айтган. Лекин Франц уйда тунашни афзал кўрарди, шунинг учун ҳам қаерларда санқиб юришини сира очиқ-ойдин гапирган эмасди. Нимадир уни, чердакдан тортиб подвалгача унинг болалигидан таниш бўлган одамларга лиқ тўла мана шу ўрганиб қолинган катта уйга илҳақ қилиб турарди. Уни илҳақ қилиб турган нарса нима экан? Албатта овқат эмасдир: уни бошқа жойда тўйгунча овқатлантиришади. Огаси билан у аразлашиб қолган, синглисини ҳечам ўйламайди, укасининг ғашига тегади, унга, Марияга эса худди бегонадек қарайди. Лекин ҳар қалай отасининг лўписаси унга таъсир қилган бўлса керак. Бу охириг илинжидан ҳам воз кечиш ичида ҳар қалай ваҳималироқ туюлса керак.

— Нега ҳанузгача бу ерда қаққайиб турибсан?— деди у.— Бизларни деб нечоғлик азоб чекаётганлигини, ҳанузгача отамнинг сафсаталарига ишонишингни кўриш-кишига алам қилади. Агар отамнинг айтганлари қилинадиган бўлса, аҳволимиз ҳеч қачон яхши бўлмайди; у эски, чирик нарсаларга қаттиқ ёпишиб олган. Сен эса, ойн, ахир ундан ёшсан-ку, сен янгиликдан кўрқмасанг ҳам бўлади; янгилик мана шу ерда, остонада турибди. Яқин кунларда ҳаммамиз ҳам дурустроқ яшайдиган бўлиб қоламиз. Агар отамнинг хомхаёлларига амал қилмай, менга қулоқ солганинда сен ҳозир ҳам дурустроқ турмуш кечирган бўлардинг.

Мария кушеткага ўтирди, оёқларини кўйлагининг этаги билан ўраб, Еленанинг кўрпасига бурканди. Қизи уйда йўқ эди. у Гейнер билан чиқиб кетганди. Ниҳоят йигит кўнглидагини очиб, гапнинг пўскаласини айтди.

— Отаннинг гапига қараганда бу нацистлар халққа қарши экан,— деб эътироз билдирди Мария,— Отанг,

Гитлер одамларни лақиллатиш мақсадида пулларни шил-япти, дейди. Шунинг учун Гитлер сизларга, болаларга оқ, жигар ранг кўйлақлар, чарм камарлар сотиб олиб бери-япти. Буларнинг бадалига сизлар унга нима берасиз-лар, бу ёғини худонинг ўзи билади. Чамаси, у ўзини ҳам эсдан чиқармаяпти. шекилли.

— Бўлмаган гап,— деб унинг гапини кескин бўлди Франц.— Отам бемаъни гапларни гапиради. Гитлер ўзига ҳеч нарса сотиб олаётгани йўқ; у ҳатто гўшт ҳам емайди, бирор қатра вино ҳам ичмайди. Унинг на хоти-ни, на бола-чақаси бор. Отамнинг айтишича, нацистлар халққа қарши экан, ундай бўлса, сенингча, халқ ким? Халқ — биз ҳаммамиз, сен ва мен. Бизнинг турмушимиз яхшиланиб кетса, биз иш билан таъмин қилинса, сен уч дона қуриган нўхатдан шўрва пиширмайдиган бўлиб қо-ласан, ана шунда сен, бизни лақиллатишибди, демай-сан.

— Гитлеринг гўшт емаса емас,— деди Мария.— Лекин бундан бизнинг тегишимиз кўпайиб қолмайди. Қўйнинг оёғидан ҳазар қилмайдиган ёру дўстлари топи-либ қолади, албатта. Қола берса, мен сенга гўштан бў-лак кувланган қаймоқ солинган олчали пироғларга ўх-шаш бир қанча хушхўр овқатларнинг номини ҳам айтиб беришим мумкин.

— Қаёққа йўқолдинг, Мария?— деб бақирди ётган жойидан Гешке.

— Бор ухла, Франц, чарчагансан ахир,— деди Ма-рия,— лекин агар онангдан бўлак бирор бегона одам қорнингни тўйғазмоқчи бўлса, овқатни ейишдан илгари, унинг ҳақини кимга тўлашни ўйлаб кўр.

Франц жеркиб бермоқчи эди-ю. лекин тилини тишла-ди. Мария ўрнидан турди, бехосдан унинг сочларини титкилади. Франц улғайгандан бери, унинг сочларини ўқитувчи Дегрейфдан бўлак ҳеч ким шунақанги титки-ламаганди, Дегрейф ҳам фақат бир мартагина шундай қилганди. Шу пайт онаси унга тикилиб турарди; унинг кўзлари кечки пайтдаги осмондай ёришган, кул ранг, мулойим эди.

— Энди анови халқ тўғрисида бўлса,— қўшиб қўй-ди у,— албатта, сен ҳам. мен ҳам — иккаламиз ҳам халқ-миз. Ҳозир сизларни авраётган анови кеккайган жаноб-лар эса, менимча халқ эмас. Улар озчилик, шунинг учун биз уларни ҳайдаб юборишимиздан қўрқишади. Улар

халқни ҳайдаб юборишолмайдилар-ку ахир; биз жудаям кўпчиликмиз, лекин улар бизни камайтириш мақсадида, бизларни бир-биримизга гиж-гижлашлари мумкин.

Улардай чарчаганлигига қарамасдан, Мария узоқ вақт ухلامасдан ётди. У ана шу ёшга кириб умрнинг қанчаси интизорлик билан ўтиб кетишини билиб олган-ди. Дўконлар олдида навбат кутиб туриш каби оддий интизорликдан бошқа, кечалари ўринда қимир этмасдан интизор бўлиб ётиш ҳам бор эди. Интизорлик инсонни ҳолдан тойдириб, вақтини ўғирлайди. Бир вақтлар, у севгилисини беҳуда кутган чоғида интизорлик бир неча соат ичида унинг ёшлигини барбод қилган. Энди у ҳар куни кечаси ўғилларини, айниқса ўз ўғли Гансни кутар-ди. Мабодо Франц кеч қолгундай бўлса ҳам, у ҳар қалай ухларди. Елена ҳам унинг ёнида, ошхонада ётиб юрган вақтларида уни қутдириб қўйиб қийнамасди; энди эса у ҳам кўпинча Гейнернинг ота-оналариникида тунаб қо-ларди. Шу туфайли Мария Гешке ва икки ўғли билан ёлғиз қолганди. Мария ҳозир ўғли қаерларда вақт ўтка-заётганлигига илгаригидек хотиржам қараб туролмасди; Ганс камгап, жиддий бўлиб қолганди. У илгарилари ҳам тўполончи, сержаҳл бўлмай, балки қувноқ, қайсар бола эди. Энди эса унинг ҳам ўз хурсандчиликлари, ташвиш-лари бўлиб, булар ҳақида у ҳеч кимга оғиз очмас эди. Балки, яқин кунларда — пасха байрамидан кейин бўлса керак — мактабдаги дарслар тамом бўлиб, келажакнинг бошланиши — катта ёшдагиларнинг кўзга кўринмас их-тиёрий, эрксиз ҳаётининг бошланиши зимдан юрагини эза-ётганди. У онасининг тергашларига энди истар-истамас, анча қўполлик билан жавоб берарди. Онаси Гансни бун-чалик ўзига жалб қилиб олган помаълумликни нима деб аташни ҳам билмас эди. Мария бир вақтлар, ўғлига бўлган муҳаббати уни ҳамма нарсадан сақлаб, омон қолдиришлигига ишониб юрарди; лекин мушук боласи мустаҳкам тўсиқ тешикчасидан ўтиб кетганидек, ўғли ҳам Мариянинг қўлидан чиқиб кетаётганди.

Ганс илгаригидек якшанба кунлари ёшлар туристик базасига борар, гулхан атрофида ўйнаб, шўхлик қилар ва бири кетидан иккинчи ашулани ўрганар эди. Лекин нимаки иш қилмасин, у бу ишлар нима учун хурсанд қилмаслигига ичида таажжубланиб юрарди. Хурсандчи-лик йўқ: Мартин хурсандчиликни олиб кетди. Ганс ҳа-нузгача Эмми билан иноқ эди. Улар икковлари, худди

қалин ўрмондаги иккита болага ўхшаб, бир-бирига маҳкам ёпишиб олишганди. Эммининг ҳам Гансникига ўхшаш мусибати бор эди — унинг опаси темир йўлчи эри билан бу ердан кетиб қолганди. Эмми опасига ўрганиб қолганди, шу туфайли энди у ўзини ўз оиласида бутунлай бегона одамдай ҳис қиларди, Оилада қандай воқеа рўй бермасин: ота-оналар жанжаллашишадими, овқат ёмон бўладими ёки бутунлай оч қолишадими, акаси севги можаросига гирифтор бўладими, буларнинг барчасини пакана, лекин Эммидан бир неча ёш катта опаси уч-тўрт оғиз гап билан унга тушунтирарди; у Эммига пўпаса қиларди, тасалли берарди, натижада ҳамма нарса жой-жойига тушиб қоларди. Энди эса, опаси кетиб қолгандан бери, дунё Эммининг назарида ҳувиллаб қолгандай эди: унинг Фриц исмли акаси ҳам бор эди; тўғри, Эмми уни опасига қараганда камроқ севарди, лекин у ўктам йигит эди. Отаси ҳамма вақт қовоғини солиб, нимадандир норози бўлиб, онаси эса доимо ташвиш билан йиғлаган кўйи юрарди. Фриц аллақачон базага бормай қўйган эди, у базани болалар боқчаси деб атарди. У жанжалнинг ҳиди келиб турадиган жойларга боришликни ёқтирарди. Унга йиғилишларда рози бўлмаганларни калтаклаш ва суриб чиқаришдан ортиқ эрмак йўқ эди. Уни икки мартаба қамашди ҳам. Бундай пайтларда отаси дарғазаб бўларди, онаси эса йиғларди, лекин Фриц қамоқдан чиққандан кейин илгарини қандай бўлса, шундайлигича қайтиб келарди. Эмми унинг атрофида парвона бўларди, чунки бундан бошқалари жуда хунук эди. Бир кунни овқат сасиган от гўшtidан пиширилганди; от гўшти қовурилгандан кейин ширин ўлимтикнинг мазасини берди. Акаси бирдан олдида турган овқатни тарелкаси билан улоқтириб, уйдан чопиб чиқиб кетди — унинг кўнгли айниган эди; лекин у ҳеч нарса бўлмагандек жойига қайтиб келиб:

— Биласизларми: тўйиб кетдим, жонимга тегди! — деди.

Эртасига у уйга қайтиб келганида, унинг чўнтаклари сосиска ва колбасаларга лиқ тўла эди; одамлар, кимдир ғазабланиб, кимдир кулиб: Фриц улфатлари билан эрта азонда магазинлар очилгунча гўшт дўконининг қулфини бузибди, шу заҳотиёқ овқат-озиқларни тарқата бошлашибди, деб ҳикоя қилишарди; Фриц прилавканинг орқасида оқ этак тутиб олиб, гердаиб турганмиш,

худди император Вильгельмдай жиддий оҳангда: «Менинг халқимга», — деб бақириб, оломонга кетма-кет колбасаларни ирғита берибди. Полиция етиб келганда ҳамма нарсени тарқатиб бўлишганди. Бу ишни Фриц қилганлигини ҳеч ким айтмабди; отаси, бу ишчиларга орномус деб ўғирлаб келтирилган нарсаларни емади: онаси эса йиғлади, лекин колбасани печка ичига яшириб қўйди.

Бир неча кундан кейин Эмми:

— Фриц яна бир ишни ўйлаб қўйибди. Сен биз билан борасанми, Ганс? — деди.

Шу кунни кечқурун Ганс уйга эрта қайтди. Бу сафар Мария унга интизор бўлиб ўтирмади. Эрталаб, нима сабабдан ўгли барвақт турганлигидан Мария таажжубланди. Ганс шаҳарнинг шимолий қисмига қараб жўнади. У ерда, қушхонанинг орқасида, қоронғиликда, совқотган Эмми турарди, акаси эса унинг кўкариб кетган қўлларини ишқаларди. Бошқа йигитлар кулишиб, болаларни шиддатли шамолдан тўсиб турардилар. Кейин улар, полиция келиб қолган тақдирда хабар бериш учун кўчанинг бурчакларига туриб олишди. Эммига катта ёшдаги болалар сиғмайдиган туйнукка тушиб, кейин ичкаридан тамбани суриб қўйиш топширилган эди. Ганс ташқариги тўсиқдан сакраб ўтиши, Фриц икки марта қисқа ҳуштак чалгандан кейин эса, ичкариги тўсиқдан ўтиши керак эди. Шундан кейин у Эмми олиб берган нарсаларни кўчага ташлаши керак эди. План ҳар тарафлама ўйлаб чиқилган ва тайёрланган эди. Каттароқ йигитлар қўрқиб, бир чеккада туришарди. Болалар сира қўрқишмасди. Ганс, худди гимнастика дарсидагидек биринчи девордан сакраб ўтди. Эмми лип этиб туйнукка кириб кетди. Бирдан Фриц ҳуштак чалди, лекин икки марта эмас, уч марта ҳуштак чалди, чунки ҳали Эмми ичкаридаги тўсиққа ҳам етиб улгурмаган эди. Уч марта ҳуштак чалиш полиция келганлигини билдирарди. Ганс дарров орқасига қайтди. У тушуниб, бир зумда яна кўчада пайдо бўлди. Катта ёшдаги йигитлар ҳеч қаерда кўринмасди; Ганс қутулиб қолиш кераклигини фаҳмлади ва гарчи ҳеч ким унинг орқасидан қувламаётган бўлса ҳам, ўз ҳаётини сақлашга уриниб, чопаетганларга ўхшаб қоронғиликда чопиб кетди. У тўғри келган биринчи автобусга ўзини урди. Ҳуштак унинг қулоқлари остида тинмай янграрди. Энди унга ҳамма томон ҳам

вахимали туюларди. У қўрқа-писа орқа-ўнгига қарарди. Мактабга у китоб-дафтарсиз келди. Бу ерда у ўзини бир өз хотиржамроқ сизди.

Катта ёшдаги йигитлар қочиб қутулишди, полиция фақат бир қизчанигина қўлга туширди; қизчани туйнукдан оёғидан тортиб чиқаришди ва участкага олиб боришди. Шунчалик ёш-у, шунчалик бузилган-а! Кўринишидан унга ўн икки ёш ҳам деб бўлмасди. Қизча совуқ еб, ваҳимага тушган эди. У умуман катта ёшдагилардан қўрқар, айниқса мана буларга ўхшаш мундир кийган баҳайбат сўлақмонлардан жудаям қўрқарди. Уни стол олдига итариб олиб келишди. Унга саволлар ёғдира бошлашди. Тумшуғи узун кишилар эзмалик қилишарди, мўйловлари диккайиб кетарди, тоғларда адашиб қолган ёввойи эчкига ўхшаш, қизча қўй кўзларини ваҳимали ярқираб турган тугмаларга, белгиларга, қиличларга тикди.

— Исминг нима?

— Эмми.

— Ёшинг нечада?

— Ўн иккида.

— Ким ўргатди сенга бу ишни?

Эмми бирор дақиқа ҳам тўхтамасдан, тутилмасдан ёлғон сўзлаш кераклигини тушунди.

— Бир амаки, у менга бир марка беришни ваъда қилганди.

— Сен билан бир бола ҳам бор эдимми?

— Қанақа бола?

— Тўсиқдан сакраб ўтган бола.

Агар Гансни ҳам тутишганда, у ҳам шу ерда бўлишини Эмми тушунди. Албатта, ўзининг иши ўнгидан келмади, лекин Гансни уларга тутиб бериш ярамайди. Эмми уни ҳеч қачон шарманда қилмайди!

— Уни ҳам ўша бегона амаки олиб келганди. Мен уни танимайман.

Унга қараб дағдага қилишар, бақиршар эди. У эса ҳадеб бир нарсани қайтарарди:

— Мен уни танимайман.

Албатта шундай қилиш керак эди, акс ҳолда улар бақиршмаган бўларди. Тўғри, унинг бошини си-лаб:

— Бечора қизча,— ҳам дейишарди.

Эмми эса ичида ўйларди: «Мана энди, бошқачасига

суриштиришмоқчи». У ўлардай чарчади, қўрққанидан кўнгли айнарди. Қимдир кулди, кимдир деди:

— Мана бунга қаранглар, қизчанинг қорнида картошка пўчоғи бор экан.— Ундан сўрашганди, у тушунтирди:

— Ойимнинг шунча нарсани ташлаб юборгуси келмаганди.

Полициячилар елкаларини қисишди. Улардан биттаси Эммига бир чақа тўхфа қилди. Полиция уни уйига элтиб қўйди. Отаси уни бошлаб калтаклади, онаси йиғлади. Бир неча фурсатдан кейин балоғатга етмаганларнинг иши бўйича суддан чақирув қоғози келди. Яна гоҳ қўпол, гоҳ тилёғламалик билан берилган саволлар ёғила бошлади. Лекин буниси ҳечам отасига ўхшасига эди. Отаси калтаклагани билан, ҳар қалай ўз боласига раҳми келарди. Бу ерда ўтирган одамлар учун у бефарқ эди; лекин бу одамлар давлатнинг амалдор кишилари эдилар. Фриц аллақачон унга: полиция — бу давлат ҳокимияти, суд — бу давлат ҳокимияти, бизлар эса шу ҳокимиятга қаршимиз, деб тушунтирганди.

— Бир амаки менга бир марка беришни ваъда қилганди,— деди у судда ҳам.— Болани эса, танимайман.

Эммини бўш, иродасиз, ёмон одатларга қарши туролмайдиган бола сифатида балоғатга етмаган жиноятчилар уйга жўнатишди.

Ганс мактабда ўтириб, ўзича энди ҳечам уйга қайтмасликни, бирор жойга қочиб яширинишни кўнглига тугиб қўйди. Илгари у қўрқув нималигини сира билмаган, ҳатто одамлар қўрқишлари мумкинлигини ҳам тасаввур қилиб кўрмаган эди. Қўрқув унинг кўз олдида катта ёшдагиларнинг алоҳида хусусиятларидан бири бўлиб кўринарди. Катта ёшдагилар ҳамма вақт бирор нарсдан қўрқиб юрардилар: кимдир — устахона хўжайинидан, кимдир — десятникдан, биров — директордан, яна биров — полициядан қўрқар эди; эр хотиндан, хотин эрдан қўрқарди. Баъзи бировлар дўстининг айтадиган гапидан қўрқарди. Ота-оналаридан, ўқитувчиларидан қўрқадиган болалар ҳам бор эди. Катта ёшдаги кишиларнинг бунақанги камчилиги — қўрқувнинг таъсирига берилган болалардан у ҳар доим нафратланарди. Лекин Эммининг акаси икки марта ўрнига уч марта ҳуштак чалганда қўрққанидан ўзининг ҳам жон-пони чиқиб кетаёзди.

У борган сари қаттиқ қўрқар эди. Аввалига, катта

ёшдаги одамлар осойишталикни йўқотганларида ҳеч бир сабабсиз гоҳ қўрқиб, гоҳ тинчланганлари каби у ҳам мактабда хавф-хатардан халосман, деб ўйлади. Энди эса, полиция синфга тўсатдан бостириб кириши мумкин деб, ўйларди; Ганс полиция мени мактаб дарвозасидан ушлаб олиши мумкин, деб қўрқиб ён томондаги эшикдан лип этиб чиқиб кетди. Агар кўчада онасига рўбарў келиб қолмаганида, у уйга сира бормаган бўларди. Бу кўчада арзон баҳода савдо қиладиган дўкон бўлиб, онаси шу дўконга озиқ-овқат сотиб олиш учун келиб турарди. Онаси унга саватчани тутқазиб қўйди. У полициячи мени уйимизнинг олдида кутиб турибдимкин, деб қўрқарди; лекин ҳар қалай онасининг ёнида у хотиржамроқ эди. Уйда, зинапоядан кўтарила туриб, ҳар бир зинага қадам қўйиши билан юраги шувиллаб кетарди. Аммо ҳамма иш жойида бўлди.

Кунлар ўтган сари онаси унинг кун бўйи уйда тимискиланиб юришини ва унинг олдидан силжимасликка уринишини сезиб қолди. Илгарилари Ганснинг сирли сайр-томошалари Марияни ранжитарди, энди эса у Ганснинг уйда ўтиришидан шубҳага тушиб қолди; бирор нарсадан қўрқиб юрганлиги аниқ эди. Бир куни кечаси Мария ўрнидан туриб, Ганс билан акаси ухлайдиган хонага кириб келди. Акаси уйда йўқ эди, шунинг учун у кенг каравотда ўзи танҳо ётарди. Мария унинг ёнига ўтирди. Унинг ухламаганлигидан Мария таажжубланмади. Нимадир унга тинчлик бсрмаётганлигини Мария билар эди.

— Ҳозир гапимизни ҳеч ким эшитмайди,— деб гап бошлади Мария.— Менга қара, нимадан сен бунчалик хавотирдасан?

— Менми? Қаердан топдинг бу гапни?— деб жавоб берди Ганс.

— Ҳа майли, ундай бўлса,— деди у.— Сен бирор нарсадан қўрқиб юрибсан-у, мен сенга бир илож қилиб ёрдам беролмасмиканман, деб ўйлаб юргандим.

— Мен нимадан қўрқишим мумкин?— деб эътироз билдирмоқчи бўлди Ганс. Лекин Мариянинг каравотда ўтирганлиги туфайли ҳақиқат гап унинг оғзидан чиқиб кетди.

— Ҳадеб кўзимга полиция кўринаяпти.

Мария бу сўздан қўрқиб кетди. Полиция унинг ўзига ҳеч қачон бирор ёмонлик қилмаганди. Балки, Трибелга

ўхшаган одам давлат ҳокимиятига қарши бирор иш кўрсатган бўлиши мумкин. Бозорда ножўя турган бирор нарсани олиб қочиб юрган Мальке ҳам полициядан қўрқиши мумкин эди. Уларнинг оиласида эса бунақанги ишлар содир бўлмасди, ҳеч ким ман қилинган ишни қилмас эди. Франц, ҳозирги ҳокимиятга тупураман, деб юрарди. Лекин у ҳам бир иложини қилиб, таъқиб қилинишдан ўзини четга олиб юрарди. «Полиция» деган сўз Марияни шунинг учун ҳам қўрқитардики, ҳокимият зулмидан қўрқиш унинг кўнглида чуқур жой олган эди.

— Полицияни сен билан нима иши бор?— сўради Мария.

Бола маъюсланиб, кўнгли бир оз таскин топиб, ҳикоя қилишга киришди. Мария ҳамма гапга қулоқ солиб, бир оз ўйлагандан кейин деди:

— Агар Эмми сирингни очганда, полиция аллақачон бу ерга келган бўларди.

— Эмми унақа қиз эмас, у мени тутиб бермайди,— деб шошилиб эътироз билдирди Ганс, гўё бирор дақиқа ҳам қўрқмагандек. У шу пайт тўсатдан калтак ейиш, таъна эшитишдан ҳам муҳимроқ қандайдир бир нима борлигини сезиб қолди.

— Нега энди сен улар билан бирга бординг?— сўради Мария.— Мен ҳар доим сенинг ёнингда бўла олмайман-ку ахир, бундай қилиш қўлимдан келмайди. Фақат виждонинг ҳар доим сен билан бирга. Виждонинг сизларга овқат пиширмайди, йиртиқ-ямоқларингни қилмайди, пул ишлаб топмайди. Виждонингни сени кузатиб туришдан бўлак иши йўқ. Ҳатто сен уйингдан узоқларда, ёлғиз қолганингда фақат сени алдашингига ўйлайдиган ҳар хил саёқлар билан овора бўлиб юрганингда ҳам виждонинг сени кузатиб туриши керак. У Эммидан ҳам кичкина; полициянинг унга ҳеч қанақа дахли йўқ, у ҳар қанақа тўсиқлардан ҳам ўта олади, қулф тешигидан ҳам лип этиб ўтади, сенга етиб олади, сенга доимо ҳақиқатни айтади; мана шунинг учун ҳам у дунёда мавжуд.

— Мария!— қичқирди Гешке.

— Энди ухла, энди ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас,— деди Мария кета туриб.

Ганс ёлғиз қолгандан кейин тирсагига таянди. Мана у шу ернинг ўзида, тўшакнинг оёғида турибди; у, виждон, жудаям кичкина, деганди ойим, Эммидан ҳам кич-



кина. Маълум бўлдики, у — миттигина, тундек қоп-қора нарса экан; тонг ғира-ширасида бу миттигина нарса оқариб кетди, бўз рангга айланиб, кейин бутунлай ғойиб бўлиб кетди.

#### IV

Мария ёнига келиб ётгандан кейин Гешкенинг кўнгли тинчиди. У ухлмасдан, кўзларини очиб ётарди. Бир дақиқа уйда шунчалик сокинлик ҳукм сурдики, ҳатто юқори қаватдаги Шванкенинг хуррак отиши ҳам бу ерда эшитилиб турарди. Шванке жуда бақувват чол-да! Гешкенинг ўзи эса анча кучдан кетиб қолди. Ошхонада ишсиз ўтиришдан, меҳнат биржасида беҳуда навбат кутиб туришдан, бир жойда қор кураш, яна бир жойда ахлат тозалаш каби тасодифий ишларни ахтариб юриш орқасида у шунчалик ҳолдан тойган эдики, ҳатто ухлалмас эди. Бунинг устига, деразаси ҳовлига қараган уйда яшовчи Краутернинг чақалоғи ҳозир вағиллаб бериши мумкин.

Жаҳл устида ошхонадан итариб чиқариб юборганидан бери Трибель Гешкенинг олдига кирмайдиган бўлиб қолганди. Ўтган ёз улар иттифоқан учрашиб қолиб, яна бир-бирлари билан қаттиқ ёқалашдилар... Мана Краутернинг чақалоғи вағиллаб бошлади. Мана энди, гуё бечора фрау Краутер боланинг вағиллашини тинчитадигандай Мюллер тинч ухлатгани қўясанларми-йўқми, деб кучининг борича полни депсий бошлайди.

Трибель билан бўлган охириги жанжал Гешке уйқусиз ўтказган кечанинг эртасига бўлди. Лекин бу сафарги уйқусиз ўтказилган тун, бошқа бедор туналаридан ўзгачароқ ўтди; у бирортани уйғотиб юбормаслик мақсадида секин ўрнидан турди. У ошхонага кириб, бир ўзи ошхона жавонини жойидан жилдиришга кучи етиш-етмаслигини шошилмасдан синаб кўрди. Бехосдан эрталаб уни чақиришиб қолгундай бўлсалар, шу заҳоти унга милтиқ керак бўлади. Прусс ҳукумати шармандаларча ағдарилган эди<sup>1</sup>. Унинг партиясининг аъзоси бўлган ми-

нистрни худди бир муттаҳам кишидай хизмат кабинетидан суриб чиқаришди.

Жавон ҳар хил нарсалар билан лиқ тўла эди, Гешке эса энди, хийла қариб қолганди. У ўзини ҳечам кексалар қаторига қўшмасди, лекин ўзини бир вақтлардагидек, жавонни ўрнидан қўзғатиш ҳам иш бўлибдими, деб юрган вақтларидагидек бақувват ҳам деб ўйламасди.

Мана энди юқориги қаватда таққиллатишяпти, Мюллер сўкиняпти, пастки қаватда Краутер сўкиняпти. Бунақа шовқин-сурондан чақалоқ баттарроқ чинқиряпти.

Ўша кеча Гешкенинг якка ўзи жавонни оҳиста жойидан жилдирди. Лекин эртасига эрталаб унинг олдига ҳеч ким келмади. Хизматидан четлатилган министр ёрдам учун Гешкега мурожаат қилгани йўқ: у олий судга мурожаат қилди. Гешке эса кута-кута, ниҳоят, энди милтиқни Шпреега ташлаб юборганим маъқул, деб кўнглидан кечирди. У ўша заҳоти шунчалик ҳолсизланиб, мункиллаб қолдики, ошхона жавони ва милтиқ у ёқда турсин, белкуракни кўтариш ҳам унга малол келарди. Ниҳоят у Трибелнинг ёнидан ўтиб кетаётганида, Трибель остонасидан туриб унга бақирди:— Нега мунча ҳарсиллайсан? Зинапоядан кўтарилиш қийинлик қиляптими? Еки министрингга хафа бўляпсанми? Қўлингдан нима ҳам келарди, у кучларга тан берди — бу ўшанинг сўзи. — Гешкенинг жаҳли чиқди:— Сизлар уни анчадан бери жойидан жилдирмоқчи бўлиб юргандиларинг: кўнгилларингдагидек иш бўлди.

Краутернинг чақалоғи ухлаб қолди. Гешке кўчада маст кишиларнинг бақираётганлигини эшитди; бақираётган маст Эмилия холанинг қўшниси Гольм бўлса керак; у мастлик чоғида ҳар доим томоғини йиртиб бақириб юради.

«Кўнгилларингдагидек иш бўлди». Шалпанг қулоқлари қип-қизариб кетганига қарамай, Трибель бамайлихотир жавоб берди:— Кеча яхши бўлиб кўринган иш бугунга тўғри келмайди; бу аблаҳлар бугун биттасини улоқтириб ташласалар, эртасига унинг ўрнига ундан баттарроғини ўтқазиб қўядилар.— Лекин Гешкенинг энди ади-бади айтишишга тоқати қолмаганди; ғазабдан, умидсизликдан унинг аъзойи-бадани титрарди. У зинапояда туриб, ғазаб билан сўкина бошлади. Ҳозир ҳаётдаги энг қимматли ва энг муҳим нарсаси барбод бўла-

<sup>1</sup> 1932 йил июнида Папеннинг умумгерман ҳукумати социал-демократлардан иборат бўлган прусс ҳукуматининг тарқатилиб юборилганлигини эълон қилди. Социал-демократик партиясининг раҳбарлари демократик озодликларни фашистларнинг тажовузидан ҳимоя қилиш учун умумий забастовка эълон қилиш ҳақидаги Германия коммунистик партиясининг таклифини рад қилди. (Ред. изоҳи).

ётганлигини ҳис қилган сари у шиддатлироқ сўкинарди. Трибелнинг ҳам жаҳли чиқди.— Бировнинг гапига қулоқ солмаган кишининг ҳеч қачон ақли кирмайди,— деб, қичқирди у. Кейинчалик Гешке хотинига:— Энди Трибелни кўришга кўзим йўқ,— деди.

Ушандан кейин улар зинапояда ҳам бир-бирлари билан гаплашмайдиган бўлиб қолдилар.

Гешке шаҳар темир йўли поездининг ҳуштагини эшитди, бу охириги поездининг ҳуштак чалиши бўлса керак, биринчиси бўлиши мумкин эмас. Ҳар ҳолда у икки ўртада ўтган вақтни сезмай қолганди.

Гешкенинг ўзи, Бюловплацда Либкнехтнинг уйи олдида намоиш ташкил қилишганидан кейин нацистларнинг кулини кўкка сөвуриб юборишса керак, деб умид қилганди. Лекин улар қандай қора жигар ранг тўдалар бўлиб келган бўлсалар, шундай қора жигар ранг тўдаликларча қайтиб кетдилар. Гешке уларга қараб ўқ узиш номаъқул иш эканлигини яхши биларди. Уқузилган тақдирда атрофдаги аламон бир зумда отиб ташланган бўларди. У ичида умр бўйи нафратланиб ва болаларга хос бемаъни иш, деб ҳисоблаб юрган нарсадан умид қиларди. Илгарилар у Либкнехтнинг уйини уч маҳалла наридан айланиб ўтарди. Лекин Бюловплацдаги нацистлар хуружидан унинг кўнгли оғриди. Гўё Берлиннинг элтироф қилинмаган ва таъқибланган юраги Гитлер шошилиничи кириб олган империя канцелярияси бўлмай, худди мана шу уй эди. Ҳамма вақт ҳам шунақа бўлади — фақат юрак оғригандан кейингина унинг қаерда туришлигини билиб қоласан, киши.

Энди дақиқа сайин ҳамма ёқ сув қуйгандай жимжитланиб борарди, гўё катта шаҳардаги ҳамма нарса тиниб қолгандай эди. Ҳамма нарса тиниб қолгандай, лекин Гешкенинг фикр-туйғулари эмас!

У яна бир марта Трибель билан тўқнашиб қолди, лекин бу сафар ўзининг зинапоясига эмас, балки шаҳарнинг нариги четида тўқнашди. У намоишчиларга қўшилиб кетди. Намоишчиларга қўшилишга уни ҳеч ким мажбур қилгани йўқ ва бу ишни унга ҳеч ким ман қилгани ҳам йўқ. Ҳаво совуқ эди; у ёмон кийинганлигидан ҳар остановада тўхталганда совуққа қотарди. Агар атрофда ўқлар чақнаб турган бўлса ҳам барибир у намоишчилар билан бора берар эди. Озодлик ўлди, бунга у шубҳа қилмасди, лекин озодликни қайтадан барпо қи-

лишнинг имконияти ҳам йўқ эди. Озодлик нимадан иборат эканлигини у дурустроқ тушунтириб бера олмасди ҳам; кейинги йилларда унинг турмуши жудаям лаззатсиз эди, илгарилар ҳам, урушдан кейин ҳам янада уқубатли, ғамгин, сермашаққат бўлган. Лекин унинг турмушида шодлик аломатлари ҳар замонда йилт этиб кўриниб қоларди, баъзан турмушнинг яхшиланиб кетишига умид пайдо бўларди. Энди эса буларнинг барчаси барҳам топган эди. Баъзи бир дўстларининг, Гитлер ҳокимиятни қўлга олгандан кейин ўз-ўзини ҳалок қилади, деган умидлари ҳам уни овунтирмасди. Бир вақтлар ишлаб чиқариш кенгаши бўшанглик қилиб корхона эгасига ён берса ёки стачкани бекор қилса, бунинг натижасида иш ҳақи ҳеч қачон ўз-ўзидан ошмасди. Тепада ўтирганларга бармоғингни узатсанг, улар ўша заҳотиёқ қўлингни юлиб оладилар.

Поезд охиригиси бўлмай, балки биринчиси экан, мана кейингиси ҳам жўнади. Яна ҳуштаклар, гилдирак товушлари ва ҳатто зинапоянинг гижиллаши, кейинчалик эса йўлкадаги қадам товушлари қулоққа эшитилди.

Бундан тўрт йил муқаддам, унинг партияси аъзоси, ўша вақтда полицей-президент бўлган Цергибель Май байрами намоиши вақтида қизил байроқларга қараб ўқ узганида Гешке жудаям бир турли бўлиб кетганди. Афтидан, Трибель ҳақ экан — бу хотиманинг бошланиши экан. Кейинчалик ҳам, унинг партияси яқдиллик билан Гинденбургга овоз берганда ҳам, бунинг оқибати Гитлер билан тамом бўлади, деб Трибель тўғри айтган экан. Аввалига Гинденбург Гитлерни тан олмай юрди, кейин, ахийри унинг ўзи Гитлерга бошпана берди. Гешке оғайниларининг баҳридан ўтиб, Трибелни кетидан борса дурустроқ бўлар экан. Нега у Трибелни кетидан бормади?— Чунки у охиригача Трибелга ишонмасди; маълум нарсаларда ишонса-да, лекин бутунлай унга ишонмасди. Шиддатли ва қатъий улуг тўнтаришга у ишонмасди; ўз раҳбарларига ҳам у охиригача ишонмасди; у уларга ҳам, буларга ҳам ишонмаганди, Гешке бутунлай ишониши мумкин бўлган ва уни ўзининг кетидан эргаштира биладиган бирорта ҳам одам йўқ эди. Ҳамма бало мана шунда эди — у ортиқ ҳеч нарсага ишонмай қўйганди.

Уйқудан уйғонаётган шаҳарнинг ҳамма шовқин-суронларидан ҳам ошириб, катта гараждаги тунги қоролулнинг биринчи хўрози чақирди

Ҳамма бало мана шунда эди — у ортиқ ҳеч нарсага ишонмай қўйганди.

Ишонган нарсангни қилиш учун кишига жуда кўп куч керак бўлади; чекиниб-чекиниб, лекин одамларни олға қараб аста-секин олиб бориш учун жуда кўп куч керак бўлади... Бор-йўғингни, бутун тажрибангни, бутун умрингни қўрқмасдан бирданга революция иши учун сарф қилишга бундан ҳам ортиқ куч керак бўлади. Ишонган нарсангни амалга ошириш учун ҳаммадан олдин куч-қувват керак. Лекин ҳаммадан кўпроқ куч, бирор нарсага чиндан ҳам ишониш учун керак бўлади. Гешке эса бутунлай ҳолдан тойиб қолганди. У нимани ўйламасин, биронтасига ҳам ишонмай қўйганди.

Узоқдаги майдондан кимнингдир шитир-шитир овози ва пиқиллаши эшитилди: бу тўртинчи қаватда яшовчи Больцер бўлса керак. Бошқалар ишга шошилиб турганда, у қовоқхонадан энг кейин чиқиб келади. Унинг одати шунақа.

Озодлик ўлди. Бутун халқ озодликни дафн қилаётган бир вақтда Гешке ошхонасида ўтира олмасди. Бунақанги қудратли намоиш кўп йиллардан бери бўлмаган эди. У бир чорраҳага келиб тўхтади. Дўконда иссиқ кофе беришаётган эди. У совқотган оғзини зўрға очиб, кофе ичди, кейин прилавкага чақа ташлади. «Кофе бепул», — лекин дўкондаги совуқдан кўкариб кетган аёл ўз ошхонасидан бир идишда кофе олиб чиқди. У ўз умрида биринчи ва охирги мартаба МОПР кружкасига чақа ташлади. Мана шу дўконнинг олдида у Трибелга рўпара келиб қолди.

Зинапояда шовқин-сурон кўтарилди, ҳозир даҳшатли тарақ-туруқ, жанжал, йиғи-сиғи, устки ва пастки қаватлардан тақиллатишлар бошланади, чунки Больцер кўпинча уйига ғирт маст бўлиб қайтарди. Мана ҳақиқатан ҳам тарақ-туруқ, унинг кетидан йиғи-сиғи бошланди. Шовқин-сурондан чўчиб кетган Краутернинг чақалоғи янада баттарроқ чинқира бошлади. Яна тақиллатиш бошланди. Уйқудан уйғотиш мумкин бўлган кишилар бахтли кишилардир, чунки улар астойдил донг қотиб ухлар эдилар.

Ана шу дўконнинг олдида у Трибелни учратиб қолди. Иккаласининг ҳам тилининг учида унчалик мулоийм ҳам деб бўлмайдиган ва аччиқ ҳам деб бўлмайдиган сўзлар айланиб турарди. Шунинг учун ҳам на униси, на

буниси бир-бирига бир оғиз ҳам гапирди, фақат иккаласининг ҳам, совқотганликдан бўлса керак, жағлари титрарди. Улар бир-бирларига қўл беришмади; улар ярашган бўлибми, ёки шундай хайрлашув мақсадидами бир-бирларига каллаларини қимирлатиб қўйишди. У тўртинчи бўлиб ўз қаторига туришга, Трибел эса ўзининг қаторига туришга шошилди; кейинчалик уйда улар бошқа учрашишмади.

Чақалоқ тинчиди. Ҳозир Леркенинг будилниги жинглик қолса керак: Лерке ҳанузгача ишга бориб туради. Кўчанинг муюлишида юк машинаси тўхтади; Гешкенинг қулоғига машинадан одамлар ирғиб тушаётганлиги эшитилди; у оғир қадамларни эшитди. Одамлар Гешкеларнинг уйи олдида тўхтади; катта эшик шарақлаб очилди. Мария бирдан ётган жойидан турди. Одамларнинг оёқлари зинапояда гурсиллади; булар полицияга ўхшайди. Йўқ, булар полициядан ҳам ошиб тушдилар — эшикларни тарақлатиб муштлашар, этиклар билан тепишарди. Улар пастки қаватда тўхташди, ҳа Трибелникида тўхташгандир. Бир уриб эшикни синдиришди. Буомларнинг пачақланган, синган товуши, хотин кишининг қий-чуви эшитилди.

Барча эшиклардан зинапояга одамлар югуриб чиқишди. Мария жойидан ирғиб турди.

Ошхона остонасида турган Гешке, штурмовиклар Трибелни пастга олиб тушиб кетаётганларини кўриб қолди. Штурмовиклардан бири Трибелнинг хотинининг қўлини бурарди, Трибелнинг хотини штурмовикнинг мундирини тишлаб олганди, штурмовик эса то хотин чўккалаб, йиқилиб тушмагунча унинг қўлини буради. Штурмовикларнинг машинаси жойидан кўзгалди. Барча деразалардан одамлар бошлариши чиқариб қараб туришарди. Одамлар зинапояда тўпланиб турарди. Нима гап ўзи? Жигар ранг кўйлак кийган бу газандалар хоҳлаган одамларини уйдан ушлаб олиб бемалол юк машинасига тиқмоқдалар, бунинг устига буйруқ берадилар, ўзларини худди бошлиқлардай ҳис қиладилар. Уларда полициячилик ваколоти бор эмиш. Ўтган ҳафта улар бирорта одамнинг уйига бостириб киргундай бўлсалар, нақ кўчанинг ўзидаёқ уларнинг бошларини мажақлаб ташлашарди. Бунақанги ҳуқуқларни бирпасда улар қаердан олишди? Нега уларнинг бурнини ерга ишқаб қўйишдан қўрқишди? Нима учун бу уйдаги одамлар Три-

белга ёрдамлашмади? Бунақанги тўқнашувлар кўп бўлар эди, ҳеч ким полициянинг таёқлари ва тўппончаларидан қўрқмаган эди-ку.

— Нима гап ўзи?— деб одамлар бир-бирларидан сўрашарди ва эшиги очиқ турган кишиларнинг ошхоналарига киришарди.

— Рейхстаг ёняпти. Унга коммунистлар ўт қўйган, дейишади.

— Рейхстагнинг уларга нима кераги бор экан?

— Наҳотки сариқ аблаҳлар бундан ақллироқ бирор нарсани ўйлаб топа олмаган бўлсалар?

Совуқдан тишларини такирлатиб Мельцер уйдан судралиб чиқди; хотини унинг елкасига пальтосини ташлаб қўйди.

— Мен доимо бирор фалокат бўлади деб юрардим. Миррих юлдузининг аломати бўйича шубҳасиз бирор воқеа рўй бериши керак эди.

— Юлдузларнинг бошингдан қолсин, оғзингни юм!

Мельцернинг хотини вақтдан фойдаланиб, бировнинг ошхонасига калласини тиқишга шошилди. У кўнгли тортган вақтида Гешкенинг ошхонасига кира оладиган замонлар ўтиб кетган эди. Нима сабабдан, деб ўйларди Мельцернинг хотини, шундай оғир кунларда ошхона деразаларига оқ латталар осиб қўйишаркан?

— Кеча Трибель уйдан чиқиб келаётганда, юлдузнинг бунақанги аломати бўйича коммунистлар ҳеч қанақанги иш бошламасинлар, деган эдим.

— Эй аҳмоқ, ахир ўт қўйганлар коммунистлар эмас.— Лекин Мельцер ўз гапида туриб олди:

— Юлдузларнинг ноқулай вазиятидан огоҳлантирганимда мендан кулишган эди, энди ўзларидан кўришсин.

## V

Ливен ўзининг чиройли машинасини гул сотадиган дўкон олдида тўхтатди. У ўз-ўзига рождество совғалари тақдим қилишни яхши кўрарди. Бу йил банк сахийлик билан мукофот берганлиги туфайли «ханом» маркали машинага олдиндан унча-мунча пул бериб қўйиш мумкин эди. У гулларга бирров кўз югуртириб чиқди-да,

кумуш қоғозга ўралган оддий гунафша гулдастани танлади. «Адлон» меҳмонхонасининг айланма эшикларигача бир неча қадам юриш керак эди, гулдастани икки бармоғи билан ушлаб олиб бепарво силкитиб борди.

Уни катта плакатдаги: «Адлон» меҳмонхонасига соат бешдаги чойга келувчи кишини самимий меҳрибонлик кутади»,— деган ёзув хийла кўнглини ёзди. Меҳмонхонанинг дераза ойналари қалин бўлганлиги учун музыка овози ташқарида зўрға эшитиларди. У ерга кириши биланоқ унга кўрсатилган самимий меҳрибонлик ҳақиқатан ҳам Ливенга хушёқди. Шунингдек беҳисоб стол атрофида ўтирган кишиларнинг қарашлари, гўё эсэсчиларнинг қора мундирини кийиб олган, кумуш қоғозга ўроғлиқ гунафша гулдастани ҳафсаласизлик билан силкитиб турувчи келишган йигит, у ёқда турсин, ундан муҳимроқ нарсалар ҳам уларни ҳайрон қолдира олмаслигини кўрсатишга уринган кишиларнинг сезилар-сезилмас кўз югуртиришлари ҳам Ливенга хушёқарди. Ливен залнинг ўртасига келиб тўхтади. Ўтирганларнинг барчаси, у ким билан учрашмоқчи эканлигига зимдан қизиқаётганлигини Ливен тушунарди. Бурчакдаги креслодан бир қиз турганидан кейин, ўтирганлар қаноат ҳосил қилишди. Қизнинг устидаги инглиз костюми қомагига жуда мос тушганди. Залда ўтирганлар қизнинг устида қулоғидаги балдоғидан бўлак қиммат баҳо нарса йўқлигини пайқадилар, аммо келишган камзул кийган, бўйни очиқ ва сочлари орқасига қараб силлиқ қилиб таралган қизнинг қулоғидаги балдоғи жуда кўзга ташланиб турарди. Онасидан ёдгорлик бўлиб қолган мана шу балдоғни у акасининг уйда ҳам тақиб юрган эди.

Улар столга ўтиришиб, ромли чой буюришди; залда ўтирганларнинг тикилиб қарашлари, улар иккови бир-бирига жуда мос эканлигини билдириб турарди; бу ерда залдаги музыканинг овози оҳиста эшитилар ва димоғларини чоғ қилар эди. Элизабет дарров Ливенга, илгаригидек Бюлер тоғидаги санаторийда хизмат қилаётганлигини айтди; санаторий директори унга ҳафтанинг охирида Берлинда бирга бўлиб, театрларга боришни таклиф қилибди. Кеча улар Фольксбюнда «Император хотин»ни томоша қилишибди.

Ливен холаваччасига кўз қирини ташлади, холаваччаси акасининг уйдагига қараганда бу ерда анча жози-балироқ кўринди.

— Шу нарсани томоша қилишнинг нима кераги бор экан, ҳеч тушунмайман,— деди у,— ахир унинг музикаси-ни яхудий ёзган-ку.

Элизабет қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Қора мундир сени маълум эътиқодга мажбур қилади, шекилли. Лекин бунга чидаса бўлади: мундир сенга жудаям ярашибди. Айтмоқчи, ўкинмасанг ҳам бўлади, фюрерларнинг рўбарўмда ўтирганди, демак мен авлодимизнинг юзини шувит қилганим йўқ.

Ливен унга кўзини олайтириброқ қараб қўйди. Элизабет ҳам унга ана шунақа қараб қўйди. Ливен кулиб юборди ва деди:

— Ростини айтсам, Элизабет, биз бир-биримизга ўхшаймиз. Бизнинг кўзларимиз ҳам бир хил, айрим нарсалар иккаламизни барабар кулдиради. Кўп нарсаларни бир хилда менсимаймиз.

— Бундан нима маъно чиқади — биз бир-биримизга муносибимизми ёки муносиб эмасимизми?

— Бугун кечқурун биз, менимча, бир-биримиз учунгина туғилгандаймиз.

Ливен ўрнидан турди, Элизабет унинг қўлига суянди. Улар очикдан-очиқ бир-бирлари билан мағрурланиб, аста-секин қиялашиб, тикилиб турган одамларнинг ўртасидан ўтиб кетишди. Ливен уни «Хонамаг»га ўтказди. Элизабет бошини унинг елкасига қўйди. Тунги шаҳарни қиров босганди. Тиргартендаги дарахтларда, симларда ва фонарлар осилган симёғочларда қиров ялтираб турарди. Улар ҳозир Ливен яшаб турган Курфюрстендаммга келиб тўхташди.

— Меникига кирамиз, — деб тушунтирди Ливен. — Соат еттидан бошлаб, ҳар эҳтимолга қарши тревогага тайёр бўлиб туришим керак.

Зинапояга гилам солинганди, зинапоя супачасида ойна турарди. Ливен аввал катта эшикни очди, кейин зинапоядагига ўхшаш гиламлар ва ойналар билан ясатилган каттакон, ҳийла ҳашаматли уйнинг эшигини очди. Уйда бевосита телефони бор эди. Элизабет барча нарсаларни: нотанш кишиларнинг фотосуратларини, ҳар доим Ливен ўзи билан олиб юрадиган бутни, Ливеннинг икки ойлик маошига барабар бўлган Нольденинг қўли билан чизилган суратни, собиқ хўжайкасининг тортиси — Гитлернинг портретини кўздан кечирди. Нольденинг сурати тўғрисидаги ёру дўст-

ларининг заҳархандалик билан берган саволларига ўчакишиб Ливен Гитлернинг портретини ҳар қалай деворга осиб қўйганди. Ливен креслони батареянинг ёнига суриб қўйди, унинг гунафша гулдастаси ҳанузгача Элизабетнинг қўлида эди.

— Иссиқ батареянинг ёнида ҳар қанча ўтирмагин, барибир, киши фақат печканинг ёнида исиниши мумкин,— деди Элизабет.— Имениедаги уйимизнинг қанақалиги эсингдами?

Ливен гўё қадимги, бир оз жиллоли металлдан ясалган чиройли, қиммат баҳо идишни силагандек Элизабетнинг сочларини силади-да, шу заҳоти шаҳватпарастлик билан кўзларини юмди.

— Нечук? Ҳали ҳам ватанингни соғинасанми?

— Фақат ватанимни соғинаман, бундан бошқасининг кераги йўқ, ўзинг ўйлаб кўр, у ердан кетганимиздан бери ўн олти йил ўтибди. Қор ёғса, бирор тасодифий ҳид сезсам, булар менга уйимни эслатади. Сен нима дейсан, уйимизга қайтармиканмиз?

— Албатта,— жавоб берди у ва бу гапни айтаётиб ҳатто жилмаймади ҳам.— Ишон, албатта уйингга қайтасан.

Элизабет кулиб юборди.

— Сен бу гапни шундай жиддий айтяпсанки, ишонмай иложинг йўқ.

Элизабет ирғиб ўрнидан турди-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, балконнинг эшигини очиб юборди. Иккови ҳам пастга, кўчага қаради; чироқлар порлаб турган уйлар ва физиллаб ўтиб турган машиналарнинг чироқларига қарамай, юлдузлар чарақлаб турган осмонга қараганда кўча хилват туюларди.

— Нега сен уйда ўтиришинг керак?— сўради Элизабет.

— Керак-да. Агар мени чақириб қолишса, шаҳарга боришим керак.

— Бирам жонкуяр хизматчи бўлиб қолибсанки! Ишингга астойдил ёпишиб олганга ўхшайсан.

— Гапинг тўппа-тўғри, шунақа қилишга арзийди ҳам.

— Тушунолмадим! Менимча, жиддий киришишга арзимаса керак.

— Бунинг оқибати нима бўлишини билганингдан кейин арзийди.

— Бунинг оқибати нима бўлади бўлмаса, азизим?

— Оқибати муҳим: бундан, сен имениенгга қайта оласанми ёки аҳмоқона санаториянда хизмат қилаверасанми, мен сени «Адлон» меҳмонхонасига бир пиёла чой ичиш учун таклиф қила оламанми ёки жилақури-са «Автомат» кафесига таклиф қила оламанми, буларнинг барчаси ўшанга боғлиқ. Мен ўчиб-ёнувчи рекламалар фирмасининг агентлигича қолавераманми ёки мана шу мундирни кияманми, бу ҳам ўшанга боғлиқ.

— Нима бўлса ҳам, мен кечани вақтчоғлик билан ўтказиш умидида эдим, бўлмаса сен мени ўзингга ром қила олмас эдинг. Сен назаримда ҳийла жиддий ва мулоҳазалисан.

— Нима қилиб сени хурсанд қилсам бўлади? Бу ердан кетишим мумкин эмас, чақиришларини кутишим лозим. Граммофон қўйиб берайми?

— Негрча пластинкаларинг борми?

— Нима деяпсан! Албатта, йўқ; ҳозир мен бундай қила олмайман. Ҳатто сенинг хурсандчилигинг учун ҳам мен немис миллатига бегона элементни жорий қила олмайман.

Элизабет кулиб юборди.

— Вой-вой-вой! Мен, рости бугун бир неча марта форма сэнга жудаям ярашибди, деган эдим. Лекин устингга ҳийла оғир юкни ортиб олмадингмикан, деб қўрқаман.

— Ахир, нима сабабдан бунақанги мешчанча сафсатани маъқуллашнинг аҳамияти бор эканлигини сенга тушунтирдим-ку. Радиони қўяйми?

— Кишини зериктиради. Худоё тавба, нима сабабдан имениемизда ҳам зерикмас эдик-а? Ҳатто ўрмонда ёлғиз қолсанг ҳам зерикарли эмасди. Бу ерда Курфюрстендамда шунча чироқлар, автобуслар бўлишига қарамадан, шунчалик зерикади, киши.

— Бўлмаса ичайлик?

— Бу ҳам зерикарли.

— Бўлмаса, ўзинг ўйлаб топ.

Элизабет Ливеннинг бўйнига қўл ташлади. Ливен гўё гангиб қолгандек, қўлларини осилтириб бир дақиқа индамай, Элизабетнинг ақлига яна қанақа тентаклик келаркин, деб кутиб турди. Ливен ортиқ лом-мим демади. Бундан кейин умуман уйда бирон овоз эшитилмади; на қадамларнинг товуши, на қадаҳларнинг жаранги, на

бирор ортиқча сўз эшитилди. Уй ёнидан автобус ўтиб кетаётганда уй пойдеворигача титраб кетди. Бирпасдан кейин Элизабет шундай деди:

— Сен худди урушдасан-у, серқатнов йўлнинг чеккасида походдагидек дам олиш учун бир оз ёнбошлагансан, деб ўйлаш мумкин.

Ливен ундан бир оз сурилиб, сигарета чекди. Телефон жириглагунча у беш-олтита сигаретани чекиб та момлади.

Ливен ирғиб ўрнидан турди-да, трубкага: «Эшитаман»,— деб қичқирди, дарров ўзини тартибга солди, бежирим қилиб тахланган инглизча костюмининг ёнида, стулнинг сунячиғида осиглиқ турган қилич осадиган камарини боғлади.

— Мен шу чақириқни кутиб тургандим. Мен дарров штабга боришим керак.

— Нима гап ўзи?— уйқусираб сўради Элизабет.

— Борсам биламан. Бирор нарсани қўлга тушириш ёки бирорта маҳаллани тинтиб тозалаш керакдир.

— Сен шунга хурсандмисан?

— Хурсандман! Худоё тавба! Бу менинг вазифам. Баъзида бу зерикарли иш, баъзида эса, масалан, қизиллар бирор ишни бошлаб, жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатиб турган бўлсалар, жудаям завқ бағишлайди. Уларни исканжага олиш жудаям роҳат. Ёки бўлмаса анавиндай ашаддий душманни қўлга тушириш, боплаб адабини бериш нима учун роҳат бўлмасин? Хайр, Элизабет. Қачон қайтишимни билмайман. Унгача сен директоринг билан жўнаб кетсанг керак.

— Биз эртага кетамиз. Ҳа, соат ўн иккидан ошибди, янги кун кирибди, дейиш мумкин.

### Ун биринчи боб

Ливен еб турган овқатини тугатмасдан оғайнилари билан хайрлашди. Улар бемалол ишрат қилиш мақсадида алоҳида кабинетда овқатланмоқда эдилар. Ливен рестораннынг асосий залидан ўтиб кетаётганда, худди кучли шамол дарахт шохларини бир томонга эгганидай, залда ўтирганлар уни қарши олиб, қўлларини олдинга чўзиб, гитлерча салом бердилар. Ресторан хўжайини унга эшикни очиб туриш учун олдинда йўрғалаб борарди.

Ливен эшикни шунчалик шиддат билан ёпдики, хўжайиннинг астойдил кўтарилган қўлини эшик қисиб олишига сал қолди.

У вокзалдаги кафега қараб жўнади. Бу ерда уни Элизабет кутиб турарди.

— Икки соат вақтимиз бор,— деди Элизабет.— Тунги поездда мен Дрезденга жўнайман. Шу поездда келадиган касалларни санаторийга ўзим олиб бораман, директор машина юборади.

Элизабетнинг костюми, машиначи унинг маошидан асосий қисмини бекорга олмаслигини кўрсатиб турарди: хипча бели, олмадек сийпаси, кенг елкалари яққол билиниб турарди. Қулогида марҳума онасидан қолган ўша балдоқ ялтирарди.

— Ҳар қанақа шароитда ҳам кун кечириб учун пул топишим лозим деган, ёмон одатдан қачон қутулсан?— деб сўради Ливен.

— Нима қилай, азизим Эрнст, мен Оттонинг уйида тура олмайман,— жавоб берди Элизабет.— Мен у ерда жуда зерикаман. Отто зерикаш орқасида жуда ёмон одат чиқарибди: у бир неча соатгача ҳар хил нарсаларни хаёл суриб ўтиради, яна бунинг устига овозини чиқариб хаёл суради. Овқат вақтида ноилож унга қулоқ солишинг керак, қола берса, мулоҳазаларингни ҳам айтишинг керак. Ҳозирги пайтда, бетўхтов бирор янгилик чиқиб турган вақтда, у кишини жон-қолига қўймайди. Ҳар сафар борганимда, янги ўй-хаёлларимга сен ҳам қўшилгин, деб туриб олади, гўё мен энг муҳим нарсани сезмай қолганлигимдан ҳайрон бўлади.

— Унингча сен сезмай қолган энг муҳим нарса нима экан?— қизиқсинди Ливен.

— Улар гамбурглик ўқитувчи билан эндиликда кассаба союзлар ва партияларнинг зарур бўлмай қолганлиги, барча немислар немис меҳнаткашларининг байрами Биринчи майни фашист тамгалари — свастика тақилган байроқлар остида намойиш қилишликлари учун бадном немис социализмидан ўзларида йўқ хурсанд. Отто маърифатли бўлишимни орзу қилади. Унинг айтишича,— деб давом этди Элизабет, шу пайт унинг кўзларида табассум пайдо бўлди,— менинг бемехр кўнглимда ўт чақнатмоқчи эмиш. Мен ўзим ҳам ана шу ўтни кўришга орзумандман. У ҳар қалай кўнглимда ўт чақнатолмаяпти-ю, лекин бу тўғрида жаврагани-жавраган. Лекин мен

акамни устидан арз қилгани келганим йўқ. Ахир ишим жуда ўнгидан келди — амакиваччам анови бемаъни процессда бўлиб туради! У ерда нима гап экан? Радио худди оғзига талқон солгандек жимжит. Бемор — ажнабийларимиз олиб турадиган газеталардан аҳён-аҳёнда баъзи бир нарсаларни англаб олиш мумкин.

— Бу ишлар мен тахмин қилганимдан ҳам ортиқроқ бемаза, тартибсиз бўлиб чиқди.

— Бемаза? Қандай қилиб? Бу Димитров анча ақлли одамга ўхшайди, ўзини жуда яхши тутаяпти.

— Ҳа, мен уни гапирётганим йўқ, процессни қандай олиб борилаётганини гапиряпман. Судьяларнинг устида эскириб қолган ридолар, шунинг учун ҳам улар процессни алмисоқдан қолган усулда олиб боришяпти. Улар аввало, айблаётган кишиларни яхшилаб билиб олишлари зарур эди. Улар бунақанги гуноҳларни Коминтерн билан алоқада бўлган киши устига ағдариш жуда қулай деб хаёл қилганлар. У ерда ўтирган одамларнинг ақли бизникидан паст эмас. Душманни камситиб бўлмайди. Суддаги дадил жавоблари билан бу зот анчадан бери жимиб қолган кишиларни ҳам қўзгаб қўйди. Агар шу кунларда рейхстагга ўт қўйишса мен таажжубланмаган бўлардим. Аллақачон варақалар қўлма-қўл юрибди.

— У нима деяпти?

— Геринг унга қараб бақирса, у: «Сизлар мендан кўрқсаларинг керак-а»,— дейди. Геринг бунга жавобан ваҳшийлар мамлакатининг ваҳшийси, беадаблик қилишга қандай ҳақинг бор, деб бақирса, у: «Менинг мамлакатим ваҳший мамлакат эмас, барча мамлакатлардаги фашистлар ваҳшийларнинг, босқинчиларнинг худди ўзгинаси, деб жавоб беради. Унинг берган жавоблари варақалар учун тайёр текст. Яхшиямки, одамларнинг кўпчилиги нодон, уларнинг қулоғига бундай гаплар кира қолмайди.

Элизабет кулиб юборди.

— Кула, кула бер!— деди Ливен.— Энг ёмон жойи шу ердаки, ўттиз миллион киши сенга қўшилишиб куляпти. Полиция қанчалик жон куйдирмасин, ҳамма уринишлари беҳуда кетяпти.

— Ҳа, у азамат одам кўринади,— деди Элизабет.— процессга мен ҳам бир борсам бўлар экан.

— Сени бу кўнглингни очади, бизнинг эса кўнгли очишга фурсатимиз йўқ. Агар герман-ҳуқуқига мувофиқ Димитров айбдорлар курсида ўтирмайдиган бўлса, у ҳолда бизга бунақанги ҳуқуқнинг кераги йўқ. Ё у ҳақ, ёки биз ҳақмиз. Мабодо у ҳақ бўлиб чиқадиган бўлса, у пайтда қулоғингдаги балдоғингни ҳам юлиб олишади. Мен эса эскирган камзулни яна кийишим керак. Мен сенга буни бир неча бор тушунтирганман...

— Э, нима қилай энди, мен ҳадеб ўринсиз кула берман, Отто билан сени эса жаҳллarning чиқади.

— Мен сени ишонтиришга уринаётганим ҳам йўқ, дунёдаги ҳамма нарсага бепарқ бўлиб қола беришинг мумкин, лекин бир нарсани тушунгин: мабодо сен бундан кейин уйингга, имениенга қайтмасликка, умрингни охиригача бир бурда поп учун ишлашга рози бўлсанг, у вақтда Димитровдан хурсанд бўлавер. Бу бир умр қулоғингда бўлсин.

— Яхши, тушунишга ҳаракат қиламан,— деди Элизабет,— бундан кейин кулмайман ҳам, хурсанд ҳам бўлмайман.

Элизабет Ливеннинг охириги сўзларига қулоқ солибгина қолмай, балки унга тикилиб қараб ҳам турарди. Бир неча бор ниманидир сўрамоқчи бўлди; аммо то у сўрагунча бўлмай ҳамма саволлар сўзсиз ҳал бўлган эди. Лекин шунга қарамасдан нимадир ноаниқ ва кўнглисиздай эди. Элизабет бунинг бирон бир сабаби борлигини сезмади, чунки Ливен келтирган далиллар унинг учун тамомила асосли эди, лекин шундай бўлса ҳам Элизабет Ливеннинг юзига тикилиб қараб турарди. У бу одамни танийди, юзи ҳам одатдагича; тишлари бир текис, ўткир, фақат сичқонникига ўхшаб жуда майда. Мени гашимга тегиб турган нарса шу бўлса керак, деб кўнглидан кечирди Элизабет.

Шу кун кечқурун Ливен Курфюрстендамдаги уйига қайтиб келганда уни тездан Зибертнинг олдига бориши тўғрисида буйруқ кутиб турарди.

Гестапонинг биносида бир вақтлар пиёда аскарлар полкнинг хўжалик бошқармаси, кейинчалик қандайдир муҳтожларга ёрдам берувчи ташкилот, ундан кейин сил касалига қарши кураш Қизил Яримой жамиятининг бўлими, бундан кейин камбағаллар учун ошхона жойлаш-

ганди; ахирри бинони солиқ бошқармасига ва ниҳоят гестапога беришганди.

Ливенни кутиб туришганди. Уни ички зинадан олиб боришди. Зинани жуда тозалаб ювганликларига қарамасдан, ҳар хил идораларнинг бу ерга сингиб кетган ҳидини тозалай олмагандилар. Ливеннинг бошлиғи Зиберт уни иккинчи қаватда ўзининг кабинетига кутиб ўтирарди. Ливен кабинетга кириши билан Зиберт, рўбарўсида ярим доира бўлиб турган азаматларига ишора қилди, улар жаҳл билан «хейль Гитлер» деб тўнғиллаб, бирпасда ғойиб бўлдилар.

Зиберт аввал Ливенга стулга ўтиришни таклиф қилди, кейин сигарета тутиб, ўзи виқор билан кресло суянчиғига ташланди. «Бунақанги Зибертга ўхшаш мансаб талабга доклад қилиш жараёни жуда ёқади,— деб ўйлади ичида Ливен,— гўё у, ўзини аллақандай фойдали ишлар билан банд бўлгандай ҳис қилади».

— Сени кутиб ўтиргандим,— гап бошлади Зиберт,— биз Лемле деган бир одамни қўлга туширдик; биз анчадан бери ахтариб юрган алоқачи мапа шу одам. У Вестэндедаги касалхонада ётган экан. Кўричагини операция қилишганмиш; биз врачни қамоққа олдик. Маълумот ҳамширадан олинганмиш; врач билан бемор у кириб қолганда дарров гапларини тўхтатишганликлари унга шубҳали туюлибди. Бизга керак бўлган уч-тўртта адресни Лемле билса керак, албатта ҳаммасини билса ҳам ажаб эмас. Уни дарҳол бу ерга келтиришди. Мен етиб келгунча, бахтга қарши, унинг қорнидаги тикилган ери ёрилиб кетибди. Мен дарров ўзимизни врачимизни чақиртириб, унинг қорнини қайтадан тиктирдим. Сен у билан бир бахт синашиб кўргин, деб сенга маҳтал бўлиб тургандик. Яқиндан бери сен фақат бизни танқид қилишни биласан. Гўё биз юзаки иш қиламиз-у, бизга, нима эди у... эсимдан чиқди... Ҳа, психология етишмайди, деб юрардинг. Барча ажнабий сўзларни ёдингда тутолмайсан, киши! Мана энди кўрамиз, сени ўзинг қандай қилиб анови уччига чиққан фирибгарга бас келар экансан. У қўлимиздан чиқиб, нариги дунёга сафар қилмасдан туриб, ундан бирон нарса билиб олишга бир уриниб кўргин, ҳозирча у сўроқ беришга ярайди.

Улар маҳбуснинг олдига кетишди. Уларни кўриш билан товушлар ўчиб, пошналар тапиллади. Врач оқариб қолган сочларини силлиқ қилиб тараган, эсэсча мундир



кийган кекса, ориқ киши эди. Деразаси ҳовлига қараб турган бу хонадан касалхона палатасининг ҳиди келарди. Касалнинг қўйлаги юқорига кўтарилган, қорни янги бинт билан боғланган ҳолда скамейкада ётган эди. Эсэсчи муттаҳамлар нарироқда — девор тагида соф тортишиб туришарди, иккитаси бир-бирига суяниб олишганди. Улар скамейка атрофида бўлаётган ишни кузатиб туришарди. Врач касалнинг ёнига чўнқайиб, бир парча пахтани спиртга ботириб, касалнинг бурнига тутди.

— Марҳамат, Ливен! — деди Зиберт.

Врач жой бўшатиб берди.

— Зиберт, илтимос, мана буларингни чиқариб юбор, — деди Ливен.

Зиберт: — Хонани бўшатишлар! — деб овози борича бақирганда, скамейкада ётган одам чўчиб тушди.

Ливен ижирғанди: у авайлаб касалнинг қўйлагини боғланган қорнининг устига тушириб қўйди. У бошини кўтарганида, касалнинг кўзлари унга тикилганини кўрди. Касалнинг кўзлари шунчалик кўм-кўк эдики, худди қорайиб кетганга ўхшарди. Бу кўзларда, фақат жон бераётган кишиларнинг кўзларидагига ўхшаш, бу дунё ташвишларини писанд қилмайдиган бир ифода бор эди.

— Мен ҳозиргина келдим, — пичирлаб гап бошлади Ливен, — сизнинг қамоққа олинганлигингизни эшитиб, дарров олдингизга чопдим. Мен кеч қолибман, сизни қийнамасликлари учун ҳеч иш қилолмадим. Лекин бундан ҳам ваҳималироқ ишни олдин ола биламан.

Маҳбус унинг гапларини тушунган-тушунмаганлигини Ливен билмасди, шунинг учун ҳам касалнинг чақнаб турган кўзларига қарай олмасдан, у беихтиёр бошини қўйи солди.

— Мен сиз учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан, — деди у яна пичирлаб. — Машина чақираман, сиз ҳозироқ бу ердан кетишингиз мумкин. Сизга ўхшаган одамларни жуда ҳурмат қиламан.

Касал сал-пал лабларини қимирлатди; врач Ливенга ҳўл салфеткани узатди; Ливен шошилиб, ётган кишининг лабларидаги қонни артиб, ҳўл салфеткани унинг пешонасига қўйди. Киши кўзини қисди, унинг кўзидаги нур сўнди.

Касал рўпарасидаги қора мундир кийган тилёглама киши ким эканлигини билишга уринган бўлса керак.

— Сиз сақлаб қолмоқчи бўлган кишиларнинг барчаси ҳалок бўлди. Сиз ўртоқларингизни айтиб бермоқчи эмассиз, буни мен тушунаман, сизнинг бу ишингизни қувватлайман, ҳурмат қиламан.

Бу гапларга диққат билан қулоқ солиб турган Зиберт Ливенга бир варақ қоғоз узатди.

Касал нурлари сўнган кўзлари билан унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб ётарди.

— Герберт Мюллерни танимайсизми? Жуда яхши, айтмоқчи, у ўлди. Демак, сиз уни танимас экансиз: жуда яхши. Бундан ташқари, сиз ўзингиз ҳам жон беришингиз билан, сиз уни билган ёки билмаганлигингизнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Мен бу хонадан чиқиб кетганимдан кейин, сизга ёрдам бериш қўлимдан келмай қолади. Унда нима бўлади? Сиз ҳам, шубҳасиз, бир неча марта ўзингизга: унда нима бўлади, деб савол берган бўлсангиз керак. Сизнинг матонатингиз у вақтда сизни қаноатлантирмай қўяди. Бецничи, Антон Бецни ҳам танимайсизми? Аммо у ҳозир маза қилиб юрибди. Унинг пули бор экан, у Парижга қочиб кетди. У Монпарнаседа кофе ичиб, масхара қилиб кулиб юрибди. Сиз эса, уни қутқараман, деб бу ерда ётибсиз. Унинг вазифалари Бергерга ўтди, у ҳам...

Маҳбуснинг кўзлари осойишта боқарди; Ливен унинг кўзларида қора мундирининг аксидан бўлак ҳеч нарсани кўролмади. У касалнинг пешонасига ҳўл салфетка қўйди, лабларидаги қон томчиларини артди.

Зиберт эшикни ланг очиб, зинага қараб бақирди:

— Ҳой, одамлар!

— Сизга ачинаман, Лемле, сиз ўз партиянгизга шунчалик эътиқод қўйган эдингиз. Қани энди у партия? У сизга қандай қилиб ёрдам бериши мумкин? Сизга махсус аэроплан юборишларига кўзим етмаяпти, сизни Димитровни қадрлагандек қадрлашмаса керак-да...

Маҳбус ирғиб ўрнидан туриб кетди. Чехраси очилди.

— У жўнаб кетдимизми? — деб бақирди у, шу заҳоти яна скамейкага қулаб тушди. Унинг оғзидан тизилиб қон оқа бошлади.

Ливеннинг жуда аччиғи келди; у хато қилиб қўйганлиги туфайли ўлаётган киши кўнгилга тасалли берувчи сирни гўрга олиб кетаётгани учун ўз-ўзидан хафа бўларди!

Оёқ товушлари ва шовқин-сурон хонани тўлдирди. Ливен ўрнидан ирғиб турди. Яқинлашаётган ўшим даҳшат билан қанотларини қоқиб келаётганини эшитганда ётган кишининг кўзлари чақнаб кетди. Сўнги хабар унинг чеҳрасида шодлик ифодаларини пайдо қилганди.

## II

Баҳорнинг ёмғирли кунларидан бирида боғда ўтириш анча захлик қилганидан Мальцанлар оиласи — Амалия хола, Ленора, унинг ўғли ва бир неча меҳмонлар ошхонага йиғилишди. Еш хонимлар — Ильза билан Ленора — чой қуйишарди; Фрау фон Мальцан ўзининг ихтироси — қовурилган геркулесдан пиширилган печенье ни мақтаб еяётганликларидан жуда хурсанд эди; бу печенье ни пишириш рецепти уруш давридан қолганди. Эрининг нафақаси бундан дабдабалироқ зиёфатга етмас эди. Бундай зиёфатлар вақтида Венцловнинг хотинига, Мальцанларнинг кизига ёзган хатларини овоз чиқариб ўқиш одат бўлиб қолганди. Ёшроқ иккита меҳмон, Венцлов билан бир полкда хизмат қилган унинг эски дўстлари герман офицерлари иттифоқининг аъзоси эдилар; улардан бири ҳозир банкда хизмат қиларди; яна бири, Штахвиц Венцловнинг анчадан бери энг яхши дўсти эди. У ҳар сафар отпусказида Амалия холани албатта кўргани келар ва ҳар қанақа шумлик ҳамда шубҳали қилиқларига қарамасдан, болалик вақтидан бери холанинг бениҳоя илтифотидан баҳраманд эди. Иккала оиланинг оталарида «Темир крест» бор эди. Уйда на қора ва на жигар ранг кўйлак кўринарди, фақат гитлерюгенднинг аъзоси бўлган Гельмутнинг оқ кўйлагидagina свастика бор эди. Майор Мальцан уни ҳам таклиф қилганлигидан бола хурсанд эди. Амалия холага қолса, бунақанги хат ўқишлар вақтида уни иштирок қилишига йўл қўймаган бўларди. У Потсдамдаги машғулотларга, Эльтвилдаги ҳомийси уйда узоққа чўзиладиган каникул орасидаги муқаррар бахтсизлик деб қарарди. Эльтвилда, уларнинг уйидагига ўхшаш, фюрернинг номи тилга олинганда икки маъноли ҳазилларга ва кинояли табассумларга йўл қўйилмасди. Клемм амаки Гельмутга бунақанги ҳазил-тоифаларда ҳарбий, хизматда бўлмаган офицерларнинг яширин алами юзага чиқади, деб тушунтирарди. Улар

«Пўлат шлем»нинг ман қилинганлиги учун Гитлердан хафа эдилар. Улар учун умумгерман қозони, то улар унда ўзларининг прусс сосискаларини қайната олгунларича кун кўрар эди. Холанинг ээсчи бандитлар ўзларини прусс офицерлари билан бараварлашга журъат қилишлари ҳақидаги нафратомуз мулоҳазаларини Эльтвилдаги амаки хотинларнинг гийбати деб атарди. Гельмут доимо онаси нима дейишини кутарди. Гельмут анча шилқимлигига қарамасдан ҳар қалай онасидан бирон нимани сўрашга журъат қилолмасди. Амакисиникидан қайтиб келган пайтларида Гельмут қанчалик сергап бўлса, онаси шунчалик камсухан бўлиб қоларди. У узоқ вақт ўғлига тикилиб қарар, унинг бу қараши ўғлига номаълум бўлса ҳам, унинг юрагига етиб борарди. Бу қарашда умид, қайғу ва ҳаяжон Гельмутни қандайдир илҳақ қилиб, уни хижолатга қўювчи бир нима бор эди — бу меҳр-муҳаббат эканлигини Гельмут билмасди.

Унинг Эльтвилдаги амакиваччаларига яхши, фюрерни очикдан-очик масхара қилган вақтларда ҳам уларнинг отаси Гитлернинг томонида турган эди. Амакиваччалари Гельмутга, унинг отаси билан онаси ўртасида қандайдир ёмон иш бўлиб ўтганлигини шама қилишиб, унга Висбаденда бир гўзал хонимни кўрсатишди. Бу хоним уларга табассум билан бош силкитиб, Гельмутга жуда тикилиб қаради. Гельмут уни сал-пал эсларди, хоним билан бирга кетаётган катта мартабадаги ээсчининг олдида эса учала бола ҳам қаддини ростлади. — Бу хоним сенинг онанг бўлиб қолишига сал қолган, — деди катта амакиваччаси.

Гельмут ўзининг бемаъни одатича, мальцанлар дастурхонининг попуқларини ешиб ўтириб, ўтган ишларни тинмай хаёл сурарди. Унинг енида свастика бўлгани учунгина Мальцан уни чойга таклиф қилганини Гельмут тушунмасди. Мальцан қўрқиб қолганди, чунки гўё унинг уйда равшан ифодаланмаган национал-социалистик тусдаги йиғинлар бўлиб туриши ҳақида гап-сўзлар пайдо бўла бошлаган эди. Успириш боланинг олдида оғир аҳволга тушиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, аммо унинг ориқ, болаларга хос қўлида фашист тамғасининг бўлиши ҳар қалай жавобгарликдан сақлаб турарди.

Амалия хола билан унинг жияни Ленора учинчи марта эшитишаётган биринчи хатни Мальцан чолнинг ўзи овоз чиқариб ўқиди. Амалия хола кўзини қисиб,

меҳмонларга разм солди ва ҳамма қизиқаётганини пайқади.

«Бизнинг бу ерда, Узоқ Шарқда ватанимиздан олинган кейинги хабарларни эшитгандан сўнги кайфиятимизни сен, ҳурматли Амалия хола, кўз олдинга келтир-ролмайсан. Менимча, Гитлернинг ҳокимият тепасига келиши билан алоқадар бўлган барча ҳадиксираш ва шубҳалар, ва ҳатто менинг иккиланишларим ҳам энди бутунлай пучга чиқиши лозим. Биз немисларга эндиликда йўлимиз аниқ кўрсатилган. Биз ҳамма иш амалга ошганлигини кўриб турибмиз, Гинденбург билан Гитлернинг учрашганликлари ҳамда Улуғ Фридрихнинг мақбараси ёнида бир-бирларига қўл чўзганликлари барчамизни хотиржам қилди ва ҳаммамизга ватанимиз тарихидаги энг улуғ воқеа бўлиб туюлди. Мен аминманки, худди ўша дақиқада биз сен билан, хола, бир хил ҳис-туйғулар билан тўлқинланган бўлсак керак.

Менинг ўғлим, Германия бизнинг барча бемаъни жабрланишларимизни эсидан чиқариб, янги, порлоқ келажакка қадам қўйган замонда дунёга келганлиги учун парвардигордан миннатдор бўлдим».

Мактуб ўқилиб бўлгандан кейин Мальцанларнинг уйи ҳеч ким гапиришга журъат қилолмайдиган пайтда вужудга келадиган шовқин-суронга тўлди — меҳмонлар чой ичар, йўталишар, қошиқларни жириглашар ва ҳам-ҳам деб ўтиришар эди.

Ойладаги иззатли ўғилнинг сўзларида, Потсдамда рейхстагнинг очилиш вақтида юқорида зикр қилинган ўша жойдаги учрашув тўғрисида: «Оббо айёр тулки-э» ёки бўлмаса «Ефрейтор билан бирга намоён бўлиш фельдмаршалга жудаям ёқимли бўлмаган бўлса керак», — деган гап-сўзларга енгил киноя қилингани сезиларди. Аммо йўл-йўлакай: «Венцловнинг ўзи бу қозонда қайнамайди, узоқда бўлган кишига яхшироқ маълум», ва яна «Бу нарса чет элда яхшигина таъсир кўрсатган бўлса керак», ёки бўлмаса «Балки, энди болаларимизнинг ҳақиқатда ҳам келажаги порлоқдир», — деган янги-янги фикрлар ҳам пайдо бўларди.

— Кўрамиз-да, — деди Мальцан чол. Фақат Гельмут Клеммгина, худди бу хатнинг автори ўзи бўлгандек, мактубга болаларга хос ҳаяжон, беғаразлик билан тикилиб турарди.

— Фрицда худога шукур қилиш одати борлигини негадир эслаёлмаяпман, — деди Штахвиц. Унинг бу гапи учун Амалия хола Штахвицга бир ўқрайиб қараб қўйди.

Шундан кейин Мальцанларнинг қизи Ильяза сал хи-жолат бўлиб, иккинчи мактубни ўқишга тутинди; у синфда шеър ўқиётган ўқувчи қизга ўхшаб ифода билан ўқир эди: «Менинг қимматли қизчам, — шу вақт у хижолатдан қизариб кетди, меҳмонлар эса кулимсираб қўйишди, — сен бир умрга мен учун қизчалигингча қола берасан, аммо сенинг учала боламиз билан бирга тушган портретинг рўпарамда, ёзув столимда турибди. Бошимдан жуда кўп қийинчиликлар ўтди. Менинг ҳаёт-тий тажрибам яна бир аччиқ умидсизлик билан бойиди. Бир куни кечқурун биз — анови хитой Гань Син-ляо, хизматдошим Боланд ва мен — скат ўйнаб ўтирганимизда хитой тўсатдан хонадан чиқиб кетди. Биз бунга аҳамият бермадик, эртасига эрталаб эса унинг Шредернинг машинасига тушиб қочганлиги аниқланди. Ҳарбий пат-руль машинани йўлдан топиб олибди, у қаёққа қочибди дегин? Тўппа-тўғри жанубга, барча маълумотларга қараганда қизиллар қўмондонлиги турган шаҳарга қочибди. Ўзимнинг аввалги хатларимда мен бу бемазани жудаям мақтаб ёзгандим. Мен уни ватандошларидан бошқачароқ одам, деб ҳисоблаб юргандим, аммо бир неча марта, худди бу ишни сезгандек, бу ирққа ишониб бўлмайди, деб ҳам ёзганман. Ҳатто бу одамлар бизлар билан бир маданий даражада бўлганларида ҳам, булар билан яқиндан алоқа боғлашдан огоҳлантириб юрган бошлиқларимнинг нечоғлиқ ҳақ эканликларини энди кўриб турибман. Энг хунуги шу бўлдики, у менинг ёзув столимда ётган бир қанча ҳужжатларни олиб кетибди. Мен буни ундан ҳеч кутмагандим: ахир у икки йилдан бери туппа-тузук бизга хизмат қилиб юрганди. Мана шу фактнинг ўзиданоқ сен, маҳаллий халқ нечоғлиқ сир яширадиган, фирибгар эканлигини, уларнинг фирибгарлиги, осиеликлар характерининг ҳақиқий хусусияти — бардош билан бирлашса қанчалик хатарли бўлишини билиб олишинг мумкин. Қайси жойда кишилар мана шунақанги ҳақиқатдан узоқ, ҳайвонларга хос со-вуққонлик билан энг оғир муҳтожликка чидашлари мумкин? Уларда вазминлик ва итоаткорлик сингари туғма қобилият бор. Қандай қилиб шунчалик билимга ва тарбияга эга бўлган одам биз билан яқинлашувга ин-

тилиш ўрнига энг ёмон разиллар билан айланишиб қолдйкин?»

Танаффусни кутиб турган Ленора Қлемм меҳмонларга печенье олиб келиш учун шошилиб ўрнидан турди. Унинг ўзи ҳам ярим меҳмондек ҳисобланарди, шунинг учун у бу ерда бўлишини майда-чуйда хизматлар билан оқлашга ҳаракат қиларди. У бурчакдаги жойига қайтиб ўтирмасданоқ Штахвицга чой қуйиб бериш учун яна ирғиб ўрнидан турди. Уни диққат билан кузатиб турган ўғли кўк гул солинган чинни идиш зийида уларнинг бармоқлари бир-бирига тегиб кетганлигини сизди. Леноранинг кўзи яширин ҳаёжонданми ёки укасининг мактубини таъсириданми, бир зўмда ўз тусини ўзгартиришини Штахвиц биринчи марта сизди.

— Бу таржимон ашаддий ёмон йигит экан,— деди Штахвиц.

Штахвицнинг қайлиғи бўлиб, у кўнглига ёқар ва унга уйланмоқчи бўлиб юрар эди, лекин ҳозир у ўзининг энг яхши дўстининг опасини, бу бегона, камсухан, бурчакда ўтирган хотинни, бошқа меҳмонлардан ажратиб турган тўсиқни бузгиси келиб қолди. Штахвицнинг Ленора билан гаплашгиси келди, чунки уларнинг ўртасида бошқача алоқа бўлиши мумкин эмас эди.

— Уни бундай ишни қилишга нима мажбур қилди экан?— деди яна Штахвиц.

— Мен ҳам шунга ҳайронман,— деди Ленора,— лекин бунинг сабабини бу ерда бизга ҳеч ким айтиб беролмайди.

Ильза Венцлов ўтирганларнинг таажжуб, нафрат садолари тинчишини кутиб турди.

«Қимматли эркам,— ўқишни давом эттирди у,— сен, албатта, дўстим деб юрган одамимнинг сотқинлиги мени қаттиқ таҳқирлаганини тушунасан. Мен яна сизларнинг ораларингда бўлиб, сени қучоқлайдиган куннинг тезроқ келишини жуда сабрсизлик билан кутаётирман.

Мен айтиб ўтган ҳодисадан, сен бизнинг бу ердаги хизматимиз мураккаб проблемалар билан боғлиқ эканлигини кўриб турибсан. Биз қанчалик истамайлик, бу проблемаларни бартараф қилишдан ожизмиз. Бундан ташқари ҳозир бизнинг олдимизга жуда муҳим вазифалар қўйилган. Биз қизиллар томонидан ишғол қилинган вилоятлар атрофида бир қатор истеҳкомлар барпо этдик, стратегик йўллар, қаршилиқ кўрсатиш уяларини

осмондан бомбардимон қилиш учун аэродромлар қурдик. Бизга кўмак учун Шанхайда японларга қарши шиддатли жанглар олиб борган ҳарбий қисмларни юборишди. Ҳозир ҳам баъзи бировлар, бу ердаги тушунчалар бўйича интизомли ҳисобланган бу қўшинлар биринчи навбатда ўз жойларида тартиб ўрнатиш ўрнига шимолда жанг олиб боришлари керак, деб ҳисоблайдилар. Яхшиямки, ҳозирча генерализмизнинг ақли, аввало ички душманни бартараф қилиб, кейин ташқи душман билан шуғулланиш кераклигига етиб турибди. Мен бунақанги қалтис масалаларни янги таржимоним билан муҳокама қилолмайман, чунки у ҳечам немисча гапиролмайди, инглиз тилини эса жуда ёмон билади, бундан ташқари, умуман у билан тил бириктириш, бирор дақиқага бўлса ҳам унинг қийиқ кўзларини унутиш мумкин эмас; афсуски, мен илгариги таржимоним билан бунақанги нарсаларни баъзи вақтлар эсимдан чиқариб қўярдим. Ҳар қолда биз олдимизда турган вазифаларни охирига етказиш учун тайёр туришимиз керак. Мен сизлар билан учрашишни ўйлаб, ҳозирдан хурсанд бўляпман. Бошимдан кечирган ана шу барча ҳодисалардан кейин, мен сени, севимли, покиза ва энг яхши дилбарим, бағримга босиш орзусидаман...»

— Ҳаммасини бизга ўқиб бермасанг ҳам бўлади,— деди Мальцан чол.

— Жудаям бунчалик батафсил ёзмагандир,— деб қўйди Штахвиц.

Аввалгисига ўхшаш, кейинги мактубнинг ўқилиши ҳам меҳмонларнинг пичирлашлари ва чойнак-пиёла-нинг жиринглаши билан тугади.

### III

Христиан Надлер ямалган пойафзални топшириб, катта кўчадан сўқмоқ йўлга бурилгандан кейин, кўлнинг нариги томонидаги уйларига қайтаётган ишчилар тўдаси орқасидан етиб келди. Станциягача бўлган узоқ йўлни қисқартириш ва йўлқирани ёнга қолдириш мақсадида улар ўртада пул тўплаб эски моторли қайиқ сотиб олгандилар. Қайиқни улар ҳар доим Христианнинг уйи олдидаги кичкина кўприкча ёнида қолдириб кетишарди. Ишчилардан Вольперт исмлиси қадамни се-

кинлатиб, Христиан билан ёнма-ён кета бошлади. Шу сабабли улар бошқа ишчилардан ажралиб, сал орқа-роқда борар эдилар.

— Менга қара,— деди Вольперт,— бугун кечаси саройингни орқадаги эшигини бекитмасанг ҳам бўлади. Уни очиқ қолдирсанг ҳам бўлаверади, барибир сенга ҳеч ким тегмайди.

Христиан ер тагидан Вольпертга бир қараб қўйди-ю, индамади. Вольперт бунақанги жавобдан хурсанд бўлиб давом этди:

— Мабодо саройда бир бўлак ветчинани эсингдан чиқариб қўйсанг-у, эртасига уни сичқонлар еб қўйганлигини кўрсанг ҳам, илтимос хафа бўлиб ўтирма.

Вольперт Христианни қолдириб, ўртоқларига етиб олди. Христиан ўз кулбасига етиб келганда, одамларга лиқ тўлган қайиқ кўлда сузиб борарди. Қош қорайган пайтда қайиқнинг изи сувда чўзилиб борарди. Ишчилар қайиқда тиқилишиб ўтиришарди, фақат Вольперт моторнинг олдида ўтирарди. Бензиннинг енгил ҳиди дарров тарқаб кетди. Устидаги юки билан қирғоққа қараб сузиб бораётган қайиқ кечанинг ўткинчи таассуротларидан бири эди, холос. Вольперт ундаган фикрлар, мотор ўчирилиб, кўп ўтмай шовқини ҳам тингач, секин-аста Христианнинг миясида жимиб қолди.

Христианнинг ҳужраси шипида чиптага ўралган тузланган ветчина осиглиқ турарди. Христиан ундан бир парчасини, кейин яна бир парчасини қирқиб олди. У ноннинг бир четидан синдириб олди-да, қолганини ветчина билан бирга консервадан қолган бўш банкага солиб қўйди. У банкани саройнинг ўтин-чўп ва ҳар хил қийқиндилар тўплаб қўйилган жойига элтиб қўйди, кейин сарой билан устахона ўртасидаги ички эшикни тамбалаб, кўприкча олдидаги очиқ эшик олдига келиб ўтирди. Рўпарадаги қирғоқда бир неча чироқ ёнган эди. Қайиқнинг изи кўлда шунчалик билинмай кетдики, ердаги бирорта из бунақанги йўқ бўлиб кетмайди. Христиан юриб чарчаган эди; бу кечадаги уйқу ҳушёрликнинг энг яхши тури, деган хаёл билан ётган ҳамон ухлаб қолди.

Кимдир унинг елкасидан тортгандагина, у уйғонди.

— Уликдай қотибди ўзиям!— деб тўнғиллади Вильгельм Надлер.

— Қишлоқни ҳам аллақачон қуршаб олишди,— деди кимдир.

Тўсатдан биров ҳуштак чалди. Вильгельм типирчилаб қолди, бир неча йигит ўзини ички эшикка урди, сарой титраб кетди. Христиан ўрнидан турди. Бирпасда штурмовиклар давра олиб тўпланишди. Христиан давра ичида нима борлигини ҳам кўра олмасди. Ақаси биринчи бўлиб давранан чиқди-да: «Тўхта!» деб бақирди. Кимнидир оёғидан судраб, устахонага олиб киришди ва унинг бошига тепиб, итаришди. Христиан каравотидан оёғини осилтириб ўтирди; Христиан тикилиб турган, қонга беланганлигидан таниб бўлмас ҳолга келган кишига қаради. У бир жуфт бошмоқни каравотининг тагига яширмоқчи бўлиб, шошилиб энгашди. Шу заҳоти унинг кўзлари юзи қонга беланган кишининг кўзларига яқин келди; у бахтсиз кишини таниди. Бу ўша Штробель эди; ўн беш йилларча муқаддам Штробель болалик пайтида унинг ақасиникида хизмат қилиб юрганда Христиан уни ҳужрасида қорнини тўйғазиб юрарди. Кейинчалик Штробель мебель фабрикасида ишлади ва ҳар сайлов вақтида келиб, варақалар тарқатиб, бутун қишлоқни алғов-далғов қилиб юрарди. Бир сафар у ҳатто сайлов плакатини Вильгельмнинг омбори эшигига ҳам ёпиштириб кетганди. Штурмовиклар фабрика посёлкаси орқали ўтиб кетишаётганда Вильгельмни мазах қилган ҳам худди шунинг ўзи эди. Вильгельм, менга қараб ўқ узган ҳам шу Штробель эди, дер эди. Штурмовиклар бемалол ҳаракат қила бошлаганларидан кейиноқ, улар Штробелнинг опасиникига бостириб кирдилар; Штробелнинг ўзи яширинишга улгирганди; унинг ўрнига штурмовиклар поччасини чала ўлик қилиб дўппослашди. Штробель эса барибир тинчимади. У яна безбетларча қишлоққа кириб келди. Ҳатто март сайловлари даврида, штурмовиклар ҳар бир сайлов пунктини қўриқлаб туринишда ҳам у қизилларнинг сайлов плакатини кимнингдир бостирмаси эшигига усталик билан ёпиштириб кетди. Вильгельм ана шунда:— Биз буни бир илож қилиб тириклай ёки ўлигини қўлга туширамиз!— деб қасам ичганди. Ҳа, у қасамни устидан чиқди. Нега Штробель мамлакатнинг жанубига қочмадийкин? У нимага ишондийкин? Қўл ёқасида яшайдиган аҳолини Гитлердан юз ўгиртирмоқчи бўлдимикин? У шайка-пайкаси билан Вильгельмнинг юзига тупираётганлигини очиқдан-

очиқ кўрсатмоқчи бўлиб, ўйлаган мақсадини амалга ошираверади. Аммо штурмовиклар унинг изига тушишди ва атрофдаги барча қишлоқлар билан бирга кўлни ўраб олиб, уни қўлга туширишди.

Мана энди у ҳозир ерда ётибди, оғзидан қон оқмоқда; у Христианга кўзини олайтириб қаради. «Мени тутиб берган шу, деб ўйлаяптимикин?» деб ўйлади Христиан.— Мен қаттиқ ухлаб ётгандим,— деди у эшиттириб.

— Уликка ўхшаб қолган экансан.— деб тўнғиллади Вильгельм. У бутун оғирлиги билан Штробелнинг кўрагига ташланди.

— Чилвирни бу ёққа беринглар!

Бундан кейинги ишлар кўп вақт олмади: унинг оёғини чилвир билан ўрашди, унга тош боғланган арғамчини улашди, кейин йигитни кўприкчага судраб олиб келиб, шалоп эткизиб сувга иргитишди.

— Энди уйларингга тарқалинглар,— буйруқ берди Вильгельм. Ўзи бир оз тўхтаб қолди. Даладан юриб уйларига қайтаётган штурмовикларнинг жўрттага бақириб ашула айтаётганлари эшитилиб турарди.

— Қани, менга қарачи,— деди Вильгельм ҳаёллаб қолган штурмовикка,— агар сендан биров сўраса, Штаддорфдан келямиз. черков байрамида эдик, дегин. Аслида ҳаммамиз ўша ёққа бир бориб келсак дуруст бўларди.

— Сен эса ухлайвер,— деди у Христианга, худди катта ёшдагилар болаларга гапиргандек,— агар сендан бирор киши сўраб қолса, ухлаётгандим, ҳеч нарсадан хабарим йўқ дегин. Агар бирор нарса деб вайсайдиган бўлсанг, шуни билиб қўйки, сен ҳам анови йигитнинг кетидан сувга улоқтирилсан. Бу ерда тош кўп, чилвир ҳам сенда. ана бир ўрам бўлиб турибди.

Христиан каравотига чўзилди, у узокдан Штасдорф йўлидан эшитилаётган ўша ашулани Вильгельм ҳам ҳуштак чалиб куйлаб кетаётганлигини эшитди.

Кеча сокин бўлиб, ой очиқ эшикдан нур сочиб турарди. Ойнинг шуъласидан қолипларнинг ҳалқаси, чарм тикув машинасининг филдираги, чилвир ўрами ярақларди. Христиан қимир этмай, қийшаймай, тўппа-тўғри чилвир ўрамига қараб ётарди.

Штробель аллақачон чўкиб кетган бўлса керак. Христиан кўприкчага бориб, илгак билан тимискилаб кўр-

моқчи бўлди. Лекин Вильгельм ва унинг каллакесарлари. албатта, бир-икки марта орқаларига қайрилиб қарашади, борди-ю, Христианни илгак билан кўриб қолгундай бўлсалар қайтиб келишарди. Бу билан йигитга ёрдам беролмайсан. Христиан аллақачон унга, шунақа бўлиб ўлиб кетасан деб айтган эди. Вильгельмга ўхшаган ҳайвонлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Кимки уларнинг қўлига тушса, уни улар тирик қўйишмайди. Сен Вильгельмни ёмон кўрар эдинг, Штробель. Албатта, унинг фаросати сеникидан камроқ. Лекин унинг ҳуқуқи, ҳаёт ва ўлим устидан бўлган ҳуқуқи зўр. Ростини айтганда, у бундай ҳуқуқни қаердан олдийкин? Бундай ҳуқуқни унга ким берди? Штробелнинг оёқларини чилвир билан боғлашдан, қола берса, унга тош осганларидан, ким, қайси газанда манфаатдор экан? Христианнинг мияси ғовлаб кетди.

Бир неча кундан кейин Христиан Вольперт билан учрашиб қолди. Вольперт жимгина кўприкча олдида қайиқ моторини юргизаётган эди. Йўл ишчилари қайиқнинг юришини кутиб, ҳуштак чалиб туришарди. Вильгельм яна бир марта, мабодо тилингни тиймасанг, сенга ёмон бўлади, деб укасига дангал айтган эди. Христиан, худди пастдаги, кўприкча остида чириб кетган йигит овоз чиқаришини кутиб тургандай моторни юргизишларини томоша қилиб турарди. Христиан Вольпертнинг қисқа саволига:

— Мен ухлаб ётгандим, ҳеч нарсани эшитганим йўқ,— деб жавоб берди.

Эрталаб у уч оёғини айвончага олиб чиқди. Бу ерда марҳумга яқин қўшни бўлишдан у ҳам енгил тортарди, ҳам азоб чекарди. Марҳум бутунлай қум ичига ботиб кетган бўлса керак, шу туфайли сув остида ҳам ундан асар қолмагандир. Мана, масалан, Штробель ундан, Христиандан ўрнак олиб, сичқонга ўхшаб жимгина яшаса бўлмасмиди, уни ҳеч ким кўрмасди ҳам, эшитмасди ҳам. Фақат шундай қилгандагина анови ҳайвонлар билан келишиб яшаш мумкин. Аммо, бу дунёнинг қанақалигидан қатъи назар, бунинг таянч нуқтаси бормикин? Бирор жойда дунё ташвишларига қўрқмасдан қараб турувчи кўзлар бормикин? Штробелнинг сув остида шундай чириб кетиши мумкин эмас, Христианнинг кўнглига бирдан ғул-ғула тушиб қолди, унда бирорта одам, билан маслаҳатлашиш майли пайдо бўлди. Ҳақиқатни

тошга боғлаб, уни чўктириб юбориш ярамайди-да, ахир. Сувнинг остидагини ва ҳатто қум тагидагини ҳам кўра оладиган бирор киши бордир. Худо кўнгилдагини биледи, дейишади. Демак, у кўлнинг тубидаги нарсани ҳам кўролади; тўғри, кишининг кўнглига қараганда, кўлнинг юзидан тубигача бўлган оролик узоқроқ, уни кўриш учун ўткир кўзлар бўлиши керак. Христианда руҳонийнинг яматгани берган бошмоқлари бор эди. Христиан руҳоний-никига бормоқчи бўлиб, бошмоқларни елкасига ташлади. Ахир руҳоний вазифаси нуқтан назаридан худо билан гаплашиб туриши лозим.

Руҳоний одатдаги ўрнида, Мартин Лютернинг портрети остида ўтирарди. Катта қизи унинг ёзув столи устига бир даста левкой гулини келтириб қўйди.

Яна бир жуфт бошмоқни ямаш учун олиб, эшик ёнида иккиланиб, типирчилаб турган Христианни кўрган руҳоний ундан:

— Яна нима гапинг бор?— деб сўради.

— Мен баъзи бир нарсаларни сиздан сўраб билмоқчи эдим, жаноб руҳоний,— деди Христиан.

— Ҳа, майли, сўрай қол,— деди руҳоний.

— Эндликда баъзан шундай ишлар бўляптики,— гап бошлади Христиан,— киши бир ўзи ўйлагани билан ҳеч охирига етолмайди.

«Акаси билан ораларида бирор жанжал чиққан бўлса керак»,— деб ўйлади руҳоний; у қишлоқда анчадан бери Христиан билан Лиза тўғрисида ҳар хил гаплар юрганлигини эслади ва қишлоқ аҳолисининг мушкулани осон қилишда яхши маслаҳатларим билан ёрдам бераман, деб мағрурлик билан кўнглидан ўтказди у.

— Қани, кўнглинда борини гапира бер, ўғлим,— деб Христианга далда берди у.— Бу ерда, бу уйда гапирилган гаплар ташқарига чиқмай, шу ернинг ўзида қолади.

Кўнгли кўтарилган Христиан ўзини тутиб олди. У унутилмайдиган кечада бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қила бошлади. Христиан акаси бугун оғирлиги билан Штробелнинг устига ташланганини ва чилвир сўраганини айтган заҳоти руҳонийнинг юзида ажиб илтижо ифодаси пайдо бўлди.

— Бу ерда, бу уйда гапирилган гап,— деб ҳикоясини тамомлади Христиан,— ташқарига чиқмайди, деган эдингиз, жаноб пастор.

— Жудаям тўғри, Христиан Надлер.— шошилиб жавоб берди руҳоний,— шунинг учун ҳам биз бошқаларнинг олдида гапиришдан тортинган гапларимизни уйда гапирмаслигимиз керак. Биз ахир қилган гуноҳлари учун махфий тавба қилиш тўғрисидаги ёлгон таълимони тан олмаймиз. Ҳар бир қотил, худо биледи қандай ёвузликларни қила олиши мумкин. Кейин, у поининг олдида келиб тавба қилганлиги учунгина худо гуноҳларини кечати, деб тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бизда ҳақиқатни ҳамма жойда, барчанинг олдида гапириш лозим!

Христиан шунчалик эсанкираб қолдики, у ўз одатига хилоф равишда руҳонийнинг юзига тик қаради. Руҳоний бошини қуйи солгандан кейин, Христиан эшик тутқичини ушлаб туриб гўлдирарди:

— Бошмоқларга келсак, унга янги чарм қоқишнинг кераги йўқ, йиртилган жойларини ямаб қўяман, холос.

— Жуда яхши, ўғлим,— енгил тортиб жавоб берди руҳоний.

Христиан уйига қайтаётиб йўлда, кун бўйи айвончамнинг тагида сувга чўккан киши билан қўшни бўлиб ўтирганлигим сабабли, ожизлик қилиб кўнглимдагини гапириб қўйдим деб ўз-ўзини сўқар эди. Руҳоний бу шубҳали ишга мени ҳам шерик қилиб қўйсалар мансабимдан ажраб қоламанми, деб ўлгудек кўрқиб кетди. Тўғри, у бир неча марта ҳар хил қабиҳликларни эшитганди, шунинг учун у ҳам Вильгельмга ўхшаб ҳаракат қиларди. Вильгельм қарзлари тўғрисида гап кетганда ўзини гўлликка солар ёки бўлмаса, қарзларини эсдан чиқариб юборарди. У қарзларини шунчалик эсидан чиқариб юборар эдики, ҳатто ўзи ҳам баъзан қарздор эканлигига ишонмай қўярди.

Кун илиқ бўлганлигидан, йўл ишчилари уйларига қайтаётганларида ҳам Христиан ҳамон айвончаси тагида ўтирарди. У Вольпертни кўриб қолгач, миясига бу одамни ҳақиқат кўрқита олмайди, деган фикр келди. Борди-ю, у яна янглашиб кетса-чи? Кўл тубидаги марҳум уни бутунлай ақлдан оздириб қўйган бўлса-я? Тўсатдан у, Христиан, энди ҳеч кимга керак бўлмаган ҳақиқатни албатта, очиш керак, деган фикрга келди. Шундай бўлса ҳам у ўзидан ўзи хафа бўлиб Вольпертни чақирди:

— Менга қара, Вольперт, Штробелларинг ҳеч қаёқ-

қа кетгани йўқ, уни нацистлар ўлдиришди, Вильгельм ҳам бу ишга аралашди, улар Штробелни сувга чўктириб юборишди; у ҳозиргача мана бу ерда, кўприкчанинг тагида ётибди.

Аввалига Вольперт уч оёқ устига энгашди, кейин бирдан қаддини ростлади, қовоғини солди; унинг юзи оқариб кетди, Христианнинг ҳам юзи бирдан бўздек бўлиб кетди. Вольперт шу пайт қайиққа тушаётган ўртоқларининг тепасидан узоқларга тикилди, у нафасини ичига ютар экан, улар тўғрисида билганларига асосланиб: Гитлер ҳокимиятни ўз қўлига олгандан бери улар ўзларини мардонавор тутяптиларми, индамай юришибдими ёки ақлли гапни айтишяптими, эҳтиёткорлик қилишяптими ёки юраклари бетламаяптими, деб ҳар биттасига алоҳида-алоҳида ичида баҳо берарди. «Гитлер бўш келмайдиган кўринади» ёки «Мен сизларга нима деган эдим?» ёки бўлмаса «Унинг қўлидан нима иш ҳам келарди? Биттасидан ўғирлаб, иккинчисига беришлик» каби тасодифан айтилган фикрлар ҳозир бошқатдан хаёлига кела бошлади.

— Мен бу ишларни кечаси билан яхшилаб ўйлаб чиқишим керак,— деди у эшитдириб,— бирор иш қўлимиздан келадими, нима қилишимиз мумкин. Биз йигитни топа оламизми ва уни қандай қилиб топиб бўлади. Ҳозирча сен бу ерда, унинг олдида борсан. Бир кунни у менга: «Христиан баъзан дуруст одам бўлади»,— деб бекорга айтмаган экан.

Христианнинг беихтиёр ҳаракатига жавобан Вольперт кўшиб қўйди:

— Лекин у сени кўкларга кўтариб мақтаган ҳам эмас, буни хаёлингга ҳам келтирма; у «Христиан ҳам бемаъни одам, фақат баъзан баъзи бир масалаларда бўлак бемаънилларга нисбатан бир оз дуруст бўлади»,— деганди. Шу сабабли у яна бир оз сенинг жамиятингга чидаб туради.

#### IV

Ганс Эмми турадиган уйга боришга журъат қила олмасди. Виждони унга: қиз нима бўлганлигини билиш сенинг вазифанг деб уқтирарди. «Уйига бор»,— деб кечалари такрорларди виждони. «Қўрқаман»,— деб жавоб берарди у.

— У ерга бориб, Эммидан хабар олиш керак эди,— деди у онасига.

— Нима учун?— қўрқиб сўради Мария,— Борма, ҳудо кўрсатмасин, сени у ерда таниб қолишлари мумкин, барибир сен унга ёрдам беролмайсан.

Ганс онасининг ёлғон гапираётганлигини сезарди, чунки ундан қўрқарди. Тўғри, онасининг ўзи унга, тўшагининг оёғидаги фақат Гансга ғамхўрлик қилишдан ўзга иши йўқ кичкина одамчани кўрсатган. Онасининг эса оилада бундан бўлак ҳам ташвишлари кўп, шунинг учун ҳам у қўрқарди.

Бир кунни у автобусда икки штурмовикнинг ўртасида сиқилиб қолди.

— Бунга қара, ахир бу Ганс-ку. Хейль Гитлер, йигитча! Қани, кўрсат-чи, қанақа одам бўлибсан?— деган гапни эшитди у.

Ганснинг кўзи Фрицнинг катта қизил башарасига тушди. Бу, ўшанда болаларни ўғирликка ундаган йигит эди.

— Мен олти йил ишсиз санқиб юрдим, ҳозир эса ишлаяпман. Автобусдан тушайлик, йигитча, мен сени меҳмон қиламан. Биласанми, ҳатто чолимиз ишга ўрнашиб олди. Аввалига у ҳар қандай янги ҳукуматга қарши вайсаб кўрмоқчи ҳам бўлди. Бирор дурустроқ нарсага ишонишдан умидини узиб қўйган бўлса керак. Мен уйга келиб, ишга кирганлигимни айтганимдан кейин у ўйланиб қолди. Энди эса унинг ҳам иши бор, очиқ гапки, у ҳам Адольф Гитлер бутунлай бошқа гап эканлигини тушуниб қолди. Онам эса, биз эркаклар унга қарам бўлмай қолганимиздан бери ҳатто ёшариб кетди. Ростини айтсам, укам Карл яхши ишга жойлашди, деб айтолмайман. Лекин ҳар қалай уни у ерда, мажбурий меҳнат лагерида ҳам ишлатишади, ҳам боқишади, шу сабабли у бизга қарам бўлмай қолди. Муддати тугагандан кейин, унга ҳам иш топилиб қолади. Эммими? Йўқ, у уйда йўқ. У ўша вақтда текин ахлоқ тузатиш ишхонасига тушиб қолди. У ерда уни тартибли қиз қилиб қўйишади. Ҳозир ҳамма жойда янги кайфият ҳукм суряпти. Сиз, болаларни илгариги тарбия билан нечоғлик бузганликларини ҳамма тушуниб қолди. Демак, сизларни илгариги ҳокимиятнинг башарасига тупуришга ўргатиб, биз тўғри иш қилган эканмиз. У ҳокимият эмас, шармандалик эди. Анави кўпол, ҳеч нарсага арзимайдиган қизни эса қат-



тиқ ушлаш керак эди — бунинг унга фақат фойдаси тегарди. Уни ахлоқ тузатиш лагеридан бўшатишгандан кейин, ҳамма нарса ўзгариб кетганини ўзи ҳам дарров тушуниб қолади. Мана мороженое сотадиган дўкончага келдик. Бирга тушамизми, йигитча? Туша олмайсанми? Бирор жойга шошиляпсанми? Мен шу ерда тушишим керак. Хейль Гитлер!

Ганс, ростини айтганда, шу ерда ҳам тушиши мумкин эди, лекин у ёлғиз қолгиси келди. Бу очиқ ҳаволи эрта тонгда одамларга лик тўла автобусда Ганс ўзини шамол ғувиллаётган кимсасиз ўрмонда ёлғиз қолгандай ҳис қиларди. Дарвоқе, уларнинг уйида яшовчи кўпчилик одамлар ҳам ҳозир Фриц чалаётган ноғорани чалишар эди. Мельцер хоним эса:

— Менимча, Гешке, Францингизни иши жойида шеклли, Гитлер билиб иш тутаетганга ўхшайди.

Ҳатто, Эмилия хола ҳам, гарчи унинг ақли унчалик ўткир бўлмаса ҳам баъзан:

— Мен ҳам доимо Францингиз кимлар билан юрганлигини фараз қилиб юардим; унинг диди чакки эмас экан,— деб қўярди.

Очиқдан-очиқ сурбетлик қилиб жигар ранг кўйлақда бамайлихотир гашт қилиб юрган Францининг ўзи эса отасининг елкасига қоқиб қўйиш одатини чиқарганди, у:

— Бўлди, бекорга аччиғланма, биз ёшларга йўл бер,— деб қўярди.

Бир дўстининг ваколоти билан Франц Бокнинг машинасозлик заводига ишга кириб олди. Уқиш учун тўлашга пули бўлмаганлигидан, унга цехнинг ўзида таълим беришди; у ўзи ишлаб топадиган бўлиб қолгандан кейин кечки мактабга кириб олди. Акасининг қандай қилиб ўз бўйини, елкасининг кенглиги, мускулларини ва ҳатто на чўзишлик ва на думалоқлаш қўлидан келадиган бош суягининг ҳажминини яширинча диққат билан ўлчашини томоша қилиш учун Ганс кўпинча ўзини уйқуга солиб ётарди. Акаси ҳамма ёғини ўлчаб бўлгандан кейин ўлчовларини қоғозга ёзиб қўяр ва қоғоғи солинар эди. Ҳақиқий эсэсчи бўлиш учун бу ўлчовлар тўғри келмасди. Уни гестапога ҳам ишга олишмади. У отасидан хафа бўлар, ишимнинг ўнгидан келмаганлигига отам сабабчи деб ҳисобларди. Ахир Франц оилада яшардида, бу оила эса расмий нуқтаи назардан қандай экан-

лиги номаълум оила эди. Отаси бир неча йилгача социал-демократик партиядан бўлган, буни инкор қилиш мумкин эмас эди; Францининг қадди-қомати келишган йигит бўлмаганлигига ҳам яна отаси сабабчи эди, чунки Франци ёруғ дунёга келтирган ҳам отаси эди, буни ҳам инкор қилиб бўлмасди.

Франца нисбатан бўлган ишончининг ягона далили, шу эдики, ундан цехдаги бошқа ишчиларнинг ўй-фикрлари тўғрисида мунтазам равишда маълумот олиб туриларди.

Ганс эса, бирпасга бўлса ҳамки уйдан чиқиб, ёшлар базасига бора олмас эди. Нацистлар бу кўнгил очар жойни ҳам ёпиб қўйишди. Ганс меҳр қўйган ҳамма нарсани: у ўйнаб-куладиган ёшлар базасини ҳам, унинг меҳрибон дўсти Эммини ҳам нацистлар тортиб олишди; кўп йилдан бери севикли устози бўлган ўқитувчисини ҳам қаёққадир жўнатиб юборишди. Мартин исмли кишидан эса қандайдир ёлгон эсдалик қолди, холос. Отаси илгаригидан ҳам маъусроқ бўлиб қолди. Фақат онасининг кўзларигина илгаригидек осойишта эди. Ганс бошига тушган ваҳималарни онасига очган кечадан бери унга янада кўпроқ боғланиб қолди.

Аммо, бу унга камлик қиларди, унга хурсандчилик, жудаям зўр, ҳали тотиб кўрмаган, шўх хурсандчилик керак эди. Хурсандчиликсиз яшаш мумкин эмас.

Ёшу қарини илгакли панжалари билан ўз тўрига тортаётган аблаҳ ўргимчак буни жуда яхши биларди. Ўргимчак аллақачон байроқларга ҳам, синф тахталарига ҳам ва завод деворларига ҳам ўрмалаб ёпишиб олганди.

Қичима касали бор кишидек одамларга қўшилмай, бир чеккага чиқиб туришдан кўра, гитлерюгендлар билан бирга дўмбира чалиш, шаҳардан ташқарида уюштириладиган походларда, ўйинларда, мушглашишларда иштирок этиш, албатта, анча завқли эди; хўрланган кишидек шумшук бўлиб юрмасдан, бутун шаҳар аҳли билан бирга байрамларда сакраб ўйин тушиш анча маъқул эди. Бироқ байроқлар билан безалган шаҳарнинг барча чеккаларида ва чорраҳаларида унга бир жуфт қоп-қора қийиқ нуқта аҳён-аҳёнда кўриниб турарди — бу унинг ғойиб бўлиб кетган дўстининг кўзлари эди, дўсти кўлларини орқасига қилиб, унга кулимсираб, хомуш қараб турарди. Плакатдан эса, қўлини кўксига

қилиб турган Гитлер сергаклик билан кузатиб турарди.

Ганс Александриненштрасседан бора туриб, илгари Мартин турган уй олдидан ўтиб кетди. Бу кул ранг уй эгасиздек кўринарди; у дераза пардаси орқасида, гўё уни кутиб турган Мартинни шу қадар кўргиси келдики, ҳатто юраги орзиқиб кетди. Хувиллаб қолган уйга ўхшаб, деразадан ҳам ҳеч кимса кўринмади. У бир неча кўчадан ўтиб, опаси истиқомат қилиб турган Вальтерштрасседаги уй олдида тўхтади. Ҳозир Елена эрининг оиласи билан бирга яшаб турган бу уй билан дом-дараксиз йўқолган Мартин илгарилари уни кутиб ўтирадиган ҳалиги уй қандайдир ип билан бир-бирига боғлангандек эди. Ганс ҳамиша опасиникига жон-жон деб борар эди; бу уйдаги туриш-турмуш ҳали ҳам аввалгидек эди. Кекса Бергер, биз бир-биримизни яхши тушунамиз, дегандек бош силкиб ўтирарди, худди мирзатеракдек новча, эридан ҳам, ўғилларидан ҳам новчароқ бўлган Оскарнинг онаси эса бақрайган кўзларини айёрлик билан қисиб қўярди. Олдинги уйни катта ўғиллари билан оғир оёқ Еленага беришган эди. Бу ерда Елена ўз уйидагига қараганда анча хушчақчақ эди. Илгарилари нима учун бунчалик маъюс бўлиб юрганини энди ўзи ҳам эслай олмас эди; бу ерда у ҳаммага маъқул келиб қолди. У қайнотаси билан бирга бутун оилани боқар ва умуман кимки ундан ёрдам сўраса ёрдамини аямас эди. Эри иш кунининг охиригача ишламас эди; қайниси Оскар энди мактабга бормасди, меҳнат лагеридан эса таниш врачлар ўргатган айёрликни ишга солиб, қутулиб қолган эди; у ўзини тиззасининг кўзи лат еган қилиб кўрсатиб, ҳасса билан оқсоқланиб юрарди.

Уйдаги ошхона ҳам энди бўшаб қолди, чунки Гешке азбаройи хўмрайверганидан қўшнилари чўчиб қолган эдилар; қудасининг ошхонаси эса, ҳамма учун очиқ эди. Бу ерда бемалол, ҳеч нимадан тап тортмасдан ўз фикринини айтаверишининг мумкин эди. Бу уйда фақат бир кишига ишонмас эдилар, у ҳам бўлса — янги қоровул билан унинг хотини эди. Нафис кашта тикиш устахонасида Елена юқори мансабли эсэсчиларнинг хотинларини кўрарди. Еленанин бу жанобларнинг хулқ-атворлари ҳақида айтган қизиқ гаплари қўшнилари роса кулди-рарди. Бергер ўз цехида нацистлар гумаштаси қанақа тартиб ўрнатса, бу тартибнинг бир лаҳзада бузилишини, бора-бора гап яна шу гумаштага тегишини сўзлаб

берарди. Шундай қилиб Бергерлар ошхонасида ҳар бир киши ўз билганича Гитлернинг бурнига чертишга уринарди. Ошхоналарда бўладиган гапларда Гитлер аллақачон шармандаю шармисор бўлган, йўқ қилиб юборилган эди.

Ганс ўз уйида ўтиришдан кўра шу ерда ўтиришни яхши кўрарди. У доимо ҳаяжонланар, ташвиш тортар эди-ю, лекин бу ҳолатини астойдил яширишга уринарди. Оскар эса сира ҳаяжонланмас, ташвиш тортмас эди: шунинг учун ҳам ҳеч нимани яширишга уринмас эди. Улар ота-оналарининг ётоқхонасига кириб олиб, ҳар хил масалаларни муҳокама қилишар ва режалар тузишар эди — режаларининг баъзи бирлари бутун бир умрни талаб қилса, баъзи бирлари яқин кунларгагина тааллуқли бўларди. Болалар ўз келажаклари ҳақида гаплашардилар, Оскарнинг катталар мактаби ва меҳнат мажбурияти ҳақида, Ганснинг эса мактабдан кейинги ўқиши ва ҳунар ўрганиши ҳақида суҳбатлашардилар.

Фақат шу ерда, қоронғида, қуп-қуруқ, бўш хона ичида, ҳатто ўз дўстига ҳам кўзларида чақнаб турувчи учкунлар кўринмайдиган жойдагина Ганс ажойиб касб-ҳунарлар хусусида, ихтирочилик тўғрисида орзу қилишни ўзига эп кўрарди.

Слесарь-механикликка ўрганиш учун отасининг онаси билан жиндеккина қисиб қолишни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмас эди. Ўзи учун режа тузиш бутун инсоният учун режа тузишдан кўра қийинроқ эди. Бу ерда, ётоқхонанин қоронғи бурчагида улар «Фихте» спорт жамиятидаги бир неча эски ўртоқларини гитлерюгендга киришга кўндирмоқчи бўлдилар. Уларни барибир гитлерюгендга ёзиб қўйишарди. Шундан кейин бирлашишга ва районлар ўртасида мустақкам алоқа боғлашга аҳд қилдилар. Вақт-вақти билан улар шу уйда учрашиб туришарди. Қўлга тушмасликка ҳаракат қиладилар. Улар ишончли болаларнинг номларини санаб чиқишди. Кексалар нолийдиган хатоларга улар йўл қўймадилар.

Улардан бирортаси бир-бирига хоинлик қилмайди. Улардан бирортаси ҳам иш, мансаб ёки пулга учиб, нацистлар томонига ўтиб кетмайди. Улардан бирортаси қамалишдан қўрқиб дўстларига хоинлик қилмайди. Очиқдан улар қўрқишмайди; уларда хотин, бола-чақанин ҳам ташвиши йўқ. Улар сочлари оқариб, тишлари тушиб кетишини тасаввур қила олмаганларидек, қачон

бўлмасин бундай хавф-хатарни бошдан кечиришларини ҳам тасаввур қила олмас эдилар.

— Қоронгида нима қиляпсизлар?— деб чақирди уларни фрау Бергер.

Фрау Бергер узун бўйинини чўзиб бошини ётоқхонага тикди-да, болаларга анча картошка қуймоқ узатди.

Гешке овқатланиб ўтирар эди. Кечки овқат карам билан чўчқа оёғидан пиширилган дирилдоқдан иборат эди. Франц илгарилари тасодифан ишлаб топган пулини яширишга ҳаракат қилар эди. Энди эса, у маошининг гитлерюгенд томонидан бериладиган қисмини индамай уйга олиб келиб берадиган бўлиб қолди. Уларнинг гуруҳида: немис йигити ўзи бола-чақали бўлгунча онлага ёрдам қилиб туришга мажбур деган қоида ҳам бор эди. Гешке суякни шундай суст ғажир эдики, гўё бу илгарилари ейдиган ичак-чавоқдан пиширилган овқатдек эди.

— Тузи пастми?— сўради Мария, кейин:— ҳозир ҳар қолда тез-тез тўйиб ейдиган бўлиб қолдик,— деб кўшиб кўйди.

Гешке жаҳл билан ғажилган суякни ерга отиб урди. У илгари ҳеч бундай қилмас эди.

— Ҳа, нима жин тегди сенга?— деб сўради Мария. Гешке дардини ичига ютиб юриш одатини унутиб, тоқати тоқ бўлиб кетди:

— Ҳа, улар, албатта, ҳозирча, ўз сўзлари устидан чиқдилар. Маошимизни оширишди; улар берган ваъдаларини бажаришди. Улар, агар бизнинг гапимизга қулоқ солиб, қизил байроқнинг ўртасига ўргимчакни ёпиштириб қўйсангиз, шунда ҳар кун чўчқа гўшти ейсиз, деб ваъда қилишган эди.

У ўрнидан туриб, полдан суякни олди:

— Ахлатга итқит, бунинг жойи ўша ерда. Мен уни кемиришни истамайман, оч итлар оёқни ғажиб маза қилсин.

— Сенга нима бўлди? Ахир меҳнатинг туфайли маошинингга кўшиб беришлари керак-ку,— деди Мария.

— Худди шундай бўлиши керак, Бу хайр-эҳсон эмас. Бу менга берилиши керак, шунинг чун ҳам мен уларга қуллуқ қилмоқчи эмасман. Менга берилиши лозим бўлган ҳақнинг ҳаммасини бермайдиган одамнинг тумшугини эзиб қўяман. Улар кейинги маошни олаётганларида

Гитлерни кўкларга кўтариб мақтаганларини эшитганингда эди.

— Сен-чи? Менга айтган гапларингни уларга ҳам айтдингми? Айтганинг йўқми? Худога шукур, бўлмаса бундан буён сенга чўчқа оёғидан дирилдоқ пишириб бера олмасдим. Сен, умуман, уйга қайтиб кела олмас ҳам эдинг. Тўппа-тўғри Ораниенбургга йўл олган бўлардинг.

— Ҳамма гап шунда-да,— у бирмунча ўзига келиб жавоб берди.— Мана Валау Биринчи Май куни свастикалик байроқ осмаганлиги учун Ораниенбургга тушди. Трибелни эса, ўлгудай қўрқитган бўлсалар керак. Ҳамма гап шунда-да. Сен тўғри айтасан. Мен концлагерга тушишни истамайман.

У яна юзини қўллари билан беркитди. Мария унинг тирсақлари остида сиқилиб қолган тарелкани суғуриб олди. Ошхонада чироқ ёқадиган вақт бўлган эди; кўшни уйлардан чиқаётган чироқ шуъласи кечки овқатдан сўнг йиғиштириб қўйилган стол устига деразанинг қийшиқ соясини тушириб турар эди. Мария зинапоядан ўғлининг чиқиб келаётган қадам товушларини эшитди. Бу каттаси бўлмай, Ганс экан, аммо бугун унинг эғнида ҳам энги свастикалик янги кўйлак бор эди. Мариянинг сал ранги ўчди. Гешке болага тикилиб қаради. Онаси индамай унга овқат исита бошлади. Гешке ибодат қилмоқчи бўлгандай қўлларини сиқди. «Болаларимни бирин-кетин тортиб олишяпти»,— деб ўйлади. У қўлларидан кўзини узиб, боланинг юзига қаради. Қаттиқ жаҳли чиққанидан: «Менинг, ахир, нима ишим бор? Бу менинг қонимдан эмас-ку, менга ўзимнинг ташвишим ҳам етиб ортади»,— деб ўйлади. Бола ҳатто нима еяётганини сезмасдан тарелкадаги овқатни пок-покиза урди. У отасининг унга қараб қовоғини солаётганини сездди. У одатда отасининг ҳамма нарсага кўниб, ҳеч нарсадан ғазабланмагани учун сал-сал нафратланар эди. Ҳозир у, энгидаги свастика учун отаси ундан нафратланаётгани сабабли биринчи марта отасига нисбатан ўзида чинакам ҳурмат ҳисси сездди. Отасига ҳамма гапни очиқ айтиб бергиси келди. Аммо у Оскар икковишинг бир-бирларига берган ваъдаларини эслади. У отамнинг оғзидан бир гап чиқиб кетади-да, кўшнилари илиб олишади, кейин ҳамма иш пачава бўлади, деб оғиз очмасликка аҳдлашган эди.

Гешке ичиди: «Мен уни ўшанда, юзлари дўмбоқ, кўкраги олмадаккина бўлиб, қорнида боласи бор вақтда

олган эдим; бўлар иш бўлди, энди у менга ўз ўғлимдай, у ҳам менга ортиқча азоб» Ганс отаси билан ўзи ўртасидаги ўзаро ҳурматни барқарор этадиган мақсадини отасидан яширишга мажбур бўлгани учун ўкинар эди. Индамай ўтириш унинг учун ҳар қандай қарордан кўра оғирроқ эди. У чўчқа суягини секин кемирар экан, ўртоқлари, ўз дўстлари ва қариндошлари қараган вақтда қандай аҳволга тушишларини кўз олдига келтирди.

Гешке ўғлига бошқа қарамади, уни қандайдир ғам, пушаймон эзар эди. У нимадан пушаймон қилишини аниқ билиб ололмас эди. У бирор тубан иш ёки қўрқоқлик қилган жойи йўқ. Ҳатто мартдаги сайловларда ҳеч ким нацистларнинг ўткир кўзидан қутула олмаган бир пайтда ҳам, у ёлгончилик қилмади. У ҳар қандай нарса ни ҳам қурбон қилишга, энг охири нарчасини ҳам, ҳатто ҳаётини ҳам фидо қилишга, қўлига қурол олишга ҳам тайёр эди. Аммо ундан бундай фидокорликни ҳеч ким талаб қилмасди. У нимадан ҳам пушаймон ер эди? Унинг айби нимада? Трибель бир вақт унга: «Ҳамма айб лаънати итоаткорлигинда»,— деб таъна қилганди. Гешке ўз партияси раҳбарлигининг чақириқларига қулоқ осганлиги учун ўзини айбдор деб ҳисобламас эди. У ҳали болалик пайтидаёқ, отаси ҳар доим бу чақириқларга бўйсуниб керак, ҳатто улар кишини сургун бўлишга олиб келса ҳам бўйсуниб керак, деб уқдирар эди. Бу чақириқлар унинг отасини сургунга бўлмаса ҳам, турмага тушишга олиб келди. У вақтларда социал-демократик партия чақириқларига рноя қилиш хавфли эди ва кўп кўнгилсизликларга олиб келарди, кейин шундай пайтлар ҳам келдики, унча-мунча ёқимли ишларга ҳам сабаб бўлди. Унинг ўзи партия раҳбарлигининг меҳнат биржасига қилган тавсиясига биноан, бир неча марта қўшимча иш олган эди. Аммо бунинг фойдаси унчалик катта эмасди.

Мария идишларни ювиб, аҳён-аҳёнда эрига ўхшаб индамай ўтирган ўғлига қараб қўяр экан, Гешканинг хаёлида жаҳон ҳукмдорларининг миясидаги каби ўша номлар ва ғоялар, мамлакатлар ва воқеалар пайдо бўлиб ўтиб кетар эди. У фақат суратлардагина кўрган ёки узоқдан кўзи тушиб қолган ва секин-аста хотирасида ўрнашиб қолган кишилар кўз олдига пайдо бўлар эди. Унинг кўз олдига аъзолик взносларини йиққан киши пайдо бўлди, у қаёққа йўқолиб кетдийкин? Наҳотки, уни

ҳам қамаб қўйган бўлсалар? Аллақачонлар ўлиб кетган президент Эбертнинг ҳам, Гинденбургнинг ҳам, жигар ранг кўйлак кийган катта ўғлининг ҳам, ҳозирги эмас, балки ўтган йилги башараси кўз ўнгидан ўтди. Ушанда у ўғлини шу учун роса савалаган эди; у Роза Люксембургнинг тобутини кўрган, тобут ортидан ўзи ҳам борган эди. Люстгартенда охири мартаба сўзга чиққан Вельсони кўрган эди. Унинг кўз олдидан қуёш чарақлаб ёки ёмғир ёғиб турган мамлакатлар ва йўллар ҳафталик кинохроникада ёки киши ўлим олдидан кўрадиган вақтидагидек бўлиб бирин-кетин ўтди. У Совет Иттифоқининг бир бурчагини, ҳамма ўйнаб-кулган қизил майдондаги спорт байрамининг бир қисмини кўрди. Фотосуратлар, газеталардан, «Форвертс»дан ва «Арбейтериллюстрирте»дан — ҳозир бу иккала газета ҳам тақиқ этилган — кесиб олинган парчалар унинг хаёлидан бир-бир ўтди. У бир нарсада ўзидан гина қилар эди: у ҳеч нарсага охиригача ишонмади, аммо бунга киши ўз-ўзини мажбур ҳам қила олмайди. Демак, бунга пушаймон қилишнинг ҳам ҳожати йўқ. Аммо шу билан бирга у айб иш қилиб қўйиб, пушаймон еганда енгил тортгандек енгил ҳам тортмади. Унинг юраги борган сари қаттиқроқ сиқилар эди.

У сал ўзига келганидан сўнг, қўлларини тушириб, стол устига қўйди. Унинг ўйлари жаҳонда тартиб ўрнатилишига министрларнинг конференция ва йиғилишлари қанчалик кам фойда етказса, шунчалик кам фойда келтирар эди. Шунингдек у энг машаққатли масалаларни ҳал қилишдан ҳам ожиз эди. У ҳатто министрлардан ҳам ақллироқ чиқиб қолди. У улардан ҳам олдинроқ кетди. У жим ўтира берди. У ўрнидан туриб, хайрли кеч ҳам демасдан ухлашга кетди. Шундан бери у жим юрар эди. У биринчи хотини ўлганидан кейинги вақтдагига қараганда ҳам камгапроқ, серзардароқ бўлиб қолди.

Пасхада Ганс жуда хурсанд бўлиб кетди. Опаси Елена бир кун тўппа-тўғри ишдан чиқиб, одатдагича уйига, эрининг уйига бормасдан, уларникига келди.

— Ганс мактабни битирган экан, уни шогирдликка бериш керак; сизлар дарров контракт тузинглар деб, мен пул олиб келдим,— деди у.

Гарчи Мария ўғай қизини қумда ўйнаб юрган вақтдан то катта хотин бўлгунича, ўзи тарбиялаб ўстирган бўлса ҳам, ҳозир унга, худди ошхонага осмондан тушиб

келган бир фариштага қарагандек қараб қолди. Унинг ўғли слесарь-механик бўлишни орзу қилар эди. Аммо оиланинг ҳозирги аҳволида бу орзунинг амалга ошиши, худди ойга саёҳат қилиш каби амалга ошириб бўлмай-диган иш эди. Кейинги вақтларда Мария инсон билан унинг орзу-ниятини ўртасида турган, тушуниб бўлмайди-ган, унга изоҳлаб бўлмайдиган тўсиқни ҳар қачонгидан ҳам кўра кучлироқ ҳис этар эди. Назарида, у ўғли билан бирга худди қамоқда ўтиргандек, ҳаёт томонидан олдин-дан қатъий белгилаб қўйилган жойга қамаб қўйилган-дек туюлар эди. Бу қамоқдан қутулишга ҳеч қандай интилишлар, қобилиятлар ҳам ёрдам бера олмас эди. Фақат улар турган қамоқ тўрт томони бир хил каталак эмас, балки жуда тор, эгри-бугри, баланд қоялар билан қуршаб олинган дара бўлиб, у уларни уйдан то қабрга-ча олиб борар эди. Еленанинг таклифи шу дарадан чиқиб кетишнинг иложи мана, дегандек гап эди. Энди нацистлар Гансни ҳали мажбурий меҳнатга, ҳали қиш-лоқ хўжалик ишларига юбора олмайдилар, у энди ҳар кун турли қора ишларда банд бўлиб тентирамайди, фақат нацистларга арзон ишчи керак бўлган завод-лардагина бир умр қора ишчи бўлиб қола бермайди ва аҳён-аҳёнда бир неча пфенниг устама ҳақ олиш билан чекланиб қолмайди.

Ўғлимга қандайдир яхшироқ қисмат битилган деб ўйлаганинг беҳудага кетмади, онаси. Сен, у дунёга келиб қолса бўлгани, деб беҳуда йиглаган, умид қилмаган экансан. Ушанда сенга дунё баланд қоялар билан ўраб олинган сўқмоққа ўхшаб кўринмаган эди. Хаёлларинг сени алдамаган экан, сен ҳақ бўлиб чиқдинг. Ўғлинг ҳозир ҳам қандайдир жуда катта одам бўлолмайди, аммо сен кўнглингдан ўтказганларингга ҳақли эдинг: у қандайдир яхшироқ қисмат учун туғилган. Биз ҳамма-миз қандайдир яхшироқ қисмат учун туғилганмиз. Ҳаёт сен орзу қилгандек бепоён бўлмайди, аммо у тор дара бўлиб ҳам қола бермайди. Ўғлинг ҳаммадан юқори бўла олмайди, аммо ҳаммадан бўлакча бўлади. У слесарь-механик бўлади, дунёдаги ҳамма слесарь-механик-лар ичида эса, у энг яхшиси бўлади.

Елена Мариянинг саволларига жавоб берарди:— Ўзинг биласан-ку, мен айниқса Гансни яхши кўрар эдим. Бундан ташқари, ўз укам қайнимга қараганда менга яқинроқ-ку. Қайнатам Оскарни ўз цехига жойлаштир-

моқчи. Бу ерда иш ўрганиб, дарров пул топа бошлайди. Эрим Гейнер ҳозир тўла ишлайди. Боламни ризқини эса худо берар, шунинг учун мен иш ҳақимдан Гансга, бирор хунарни ўрганиб олганига қадар ёрдам қилиб туришим мумкин.

— Елена, ол, қовурилган колбасадан егин! Ҳеч бўл-маса бирор мартагина уйингда ҳам овқат егин,— деб жавоб қила олди Мария.

## У Н И Қ К И Н Ч И Б О Б

### I

Мёкерн кўприги панжарасидан энгашиб турган уч ўсмир, бошқа ҳамма гитлерчи ёшлардек эгниларига оқ кўйлак кийиб, кўксиларига свастика тақиб олишганди. Орқаларидан уларнинг нима ҳақда баҳслашаётганини билиб бўлмасди. Унг томонда турган Ганс у иккаласининг баҳсига жим қулоқ солиб турарди; лекин унинг жиддий юзидан, ўзини зўрға тийиб тургани билиниб турарди. Бўйини узун, кўзлари чақчайган, уйқусираган Оскарни кўрган одам, унинг бунчалик тез жаҳли чиқар деб сира ўйламасди. Уларнинг энг кичиги Макс Гро, гўё бу гап-сўзларнинг унга алоқаси йўқдай, бепарво олма еб турарди, ҳолбуки бу баҳс айнан унга тааллуқли эди.

— Охири марта сўраяпман: бизнинг тўгаракка кирасанми-йўқми, ё ҳа де, ё йўқ де,— деди Оскар.

— Сизларга айтдим-ку, киролмайман деб,— жавоб берди Макс.

— Биз бўлсак, сени масъулиятдан қўрқмайди, деб юрибмиз-а,— деди Оскар.

Гро олма пўчоғини сувга ташлади-да:

— Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман,— деб қичқирди.

— Бўлмаса ётиги билан тушунтир. Ҳозир бундай ишлардан бош тортиш учун жиддий далиллар керак,— деб қистарди Оскар.

Улар ўз ишлари билан, мўлжаллаган нарсаларини амалга ошира олганликлари, гитлерюгендлар ичида ўзларининг тор ядроларини сақлаб қола олганликлари билан фахрланар эдилар.

Улар югендфюрерлар тузоғига илинмади, ҳар райондан турли тадбирлар билан ой сайин Бергернинг уй-

ига одам юбориб туришди, шиорлар, тезислар, чигал масалаларни ишлаб чиқиб, ўз группаларига тарқатишарди. Ўзаро тақиқланган китобларни алмаштириб туришди, мажбурий меҳнатга қарши кўплашиб варақа чиқаришди. Раҳбар уч кишидан иборат эди, Ганс, Оскар ва матбаатчиликка ўқиётган, улардан сал катта бир йигит. Полиция унинг оиласидан шубҳаланиб қолди, болани оила таъсиридан чиқариш учун уни меҳнат лагерига жўнатишганди. Ердамчиси билан бир балога гирифтор бўлишларига сал қолганди; ердамчисининг исми Бертольд бўлиб, ўз тенгқурларига қараганда кўп нарсани биларди. Улар ўз мажлисларида нима ҳақда гаплашишмасин, Бертольд ҳаммасини: Дарвиндан тортиб диалектикагача, музлик давридан тортиб қўшимча қимматгача бўлган ҳар бир нарсани чинакам ўқитувчидай лўнда-лўнда қилиб тушунтириб бора оларди. Аввалига у гитлерчи муттаҳамларга ишқал саволлар бериб, ўсал қилар ё роса жиғига тегар эди. Бирдан унинг хаёлига, худди ана шундай саволларни ўзига ўзи бериш фикри келиб қолди. У бу «ўйинга» шундай берилиб кетдики, энди ҳар бир нарсани шубҳа остига олиш унга завқ бағишлайдиган бўлиб қолди. У шу қадар билмидон бўлиб кетдики, нима учун яҳудийларнинг бошқа одамларга ўхшашлигини ҳам, нега уларнинг ҳеч қачон бошқа одамлардай бўлмаганини оп-осон исбот қила оларди. У: «Нацистлар ҳар ҳолда бир масалада ҳақ» ёки «яхудийлар ҳар ҳолда бошқа одамлардай эмас» дерди. У ўзининг ҳам кўп нарсаларга тушунмаслигини баъзида истар-истамас эътироф этарди. Ахир, ҳайвонларнинг зоти бор-ку; маймуннинг зоти бўлади-ю, нега энди одамларники бўлмайди? Агар одамларда ҳам зот бўлса, нега энди бир одам бошқа одамдан яхши ёки ёмон, бир ирқ бошқа ирқдан кам ёки ортиқ бўлмаслиги мумкин эмас! Эҳтимол, музлик давридан кейин шимолда яшовчилар яхши бўлиб қолишгандир. Немислар, шуларнинг ичидаги энг улуғи экан, демак, яхши ирқда ҳам бир неча жудаям яхши киши бўлиши мумкин. Охирида болалар, у бизнинг яширин группамизни нацистларга айтиб қўймасмикин, деб кўрқа бошлашди.

Ганс билан Оскар, унинг ўрнига кимни қўйсақ экан, деб бош қотиришганда, эсларига Макс Гро келиб қолди. Шуни олишмоқчи бўлишди. У соф виждонли йигит эди, айтарлик серфаҳм бўлмаса ҳам, унга бемалол

ишонса бўларди. У мактабда ўқиганида ва «Фихте» жамиятининг туристлар базасида ишлаган вақтидаёқ тўғри, одил эди. Ундан рад жавобини олиб, Ганс билан Оскарнинг ҳафсаласи пир бўлди. Улар озчилик бўлганидан дарров, ўринма-ўрин одам топиш қийинлиги энди маълум бўлиб қолди.

Улар олма ортилган баржаларга қараб туришарди. Гро панжара устига энгашиб олди. Қуёшнинг кечки хира нури лойқа ва ифлос сув ўртасидан, ниҳоят, ўз жойини топгандай сап-сариқ олма уюмларини ёритди. Улар ённдан ишдан шошиб-пишиб қайтаётган одамлар тинмай ўтиб туришарди. Қуёш нури сап-сариқ олма уюмларини ёритиб бўлиб, панжарадан энгашиб турган боланинг кўзларида акс эта бошлади. Қуёш нури олмалардан ўтиб, дарёнинг нариги соҳилидаги қурилиш майдончасининг ўртасига ўрнатилган экскаваторнинг металл қисмларини ёритди, ҳамма ёқдан — олма уюмларидан ҳам, экскаватордан ҳам, қурилиш майдончаси орқасидаги уйларнинг дераза ойналаридан ҳам, у бола қалбига шуъла сочарди, гўё қуёшга фақат узоқдаги нарсаларинигина эмас, шунингдек, узоқ, ноаниқ ҳис-туйғуларни ҳам ёритиш ҳуқуқи берилгандай эди.

Гро ўзича: «Мени қаёққадир тайинлашмоқчи бўлишаётганини Штейнмец қаердан билдийкин? Бизда нима ишлар қилинаётганини у қаёқдан билади?» деб ўйларди.

У куни кеча онасига, Штейнмец доим мени гапимдан тутуди, кўп сўраб-суриштиради, юзимдан, туриш-турмушимдан бор ҳақиқатни билиб олади, деб гапиргани хаёлидан кўтарилганди. Боланинг қутулиб кетиши ҳам, тугилиб ўсал бўлиши ҳам ҳеч гап эмасди. У ўзи ўйлаганча ҳар доим ҳам айёрлик қилолмасди.

— Кўчамиздаги бензин колонкада ўта кетган, ашаддий нацист Штейнмец ишлайди. У онамдан шубҳаланиб юради, ўзларинг биласизлар-ку, оиймининг ишлари бизникидан муҳимроқ, — деди у эшиттириб.

— Нацистман деганинг ҳар бир кварталда топилади, ҳар бир оилани ҳам таъқиб қилишади; нима энди, нацистларни деб ишимизни тўхтатиб қўйишимиз керакми, — деб жавоб берди Оскар.

— Мен, — деб сўзида давом этди Гро, — модомики нацист изимизга тушган экан, ўзимизга ўзимиз бало орттиришнинг ҳеч ҳожати йўқ демоқчиман-да, — Унинг

юзи худди ёш болаларникидай содда, шу билан бирга кексаларникидай ғамгин эди.

Ганс шу вақтгача лом-мим демади. У лой олиб ташлаётган экскаваторни синчиклаб кузатиб турарди. Ишнинг тамом бўлганидан дарак берувчи гудок овози эшитилганда, экскаватор навбатдаги лойни энди ташлаган эди. У яна ковшини ботириб, гўё ўргатилган баҳайбат бир ҳайвондек лойни қурилиш майдончасига усталик билан ташлаганда ишчиларнинг олди уй-уйларига кета бошлаган эди. Ганс фақат одам ва ҳайвонларнинггина эмас, балки машиналарнинг ҳам ҳаракатини тақлид қилиб кўрсатишга уста эди; у пешонасини тириштириб, экскаваторнинг сўнгги ишини такрорлади, айни вақтда иккала дўстнинг далиллари устида мулоҳаза қиларди. Қурилиш майдончасидан эшитилаётган тарақ-туруқ овозлари тинди. Паровозларнинг ўқтин-ўқтин қичқириқлари эшитилиб турарди. Кўприкдан ўтаётган одамлар тўдаси тобора кўпайиб борарди. Кечки ғира-ширада нацистларнинг жигар ранг ва қора кўйлаклари унчали кўзга ташланмасди.

— Кўнглига ёқмаган ишга уни мажбур қилиб бўлмайди,— деди Ганс.

— Майли, яна бир ўйлаб кўрсин,— деб эътироз билдирди Оскар.

Гро бўлса: «Қизиқ, Штейнмец бунинг ҳаммасини қаёқдан биларкин. Эҳтимол, битта-яримта маълум қилгандир. Бертольд бўлмасин тағин?»— деб ўйларди ўзича.

Кўприкдаги фонарлар ёнди. Қурилиш майдонидан анча узоқдаги, цемент заводининг биргина ойнасидан ташқари ҳамма ёқда чироқ сўнди; лекин Макс Гронинг қалбини ёритган кўприк ва сув остидаги фонарь нури эмас, балки чердак ойнасидан тушган кечки шафақнинг хира нури эди. Улар мен билан ҳатто шубҳаланиб гаплашадиган бўлиб қолишди»,— деб ўйлади у.

— Жавоб бер: ё ҳа де, ё йўқ де,— деб қистарди Оскар.

— Йўқ, дедим-ку, мен сенга!— деб жавоб берди Гро.

«Ҳар ҳолда,— деб ўйларди у,— Штейнмец бир нарса ни билади; битта-яримта оғзи бўшлик қилиб гапириб қўйдими ёки қабиҳлик қилдими, бунинг энди аҳамияти йўқ». У ўткинчилар эшитадиган қилиб овозининг бо-

рича «Хейль Гитлер» деб қичқирди-да, жаҳл билан метро зинасидан пастга тушиб кетди.

Панжара олдида туришган икки боланинг ўртасидаги жой бўш қолди. Улар бир-бирларига яқинроқ келишди. Мёкерн кўпригининг нариги ёғидаги ресторан нурга кўмилган эди, ўчиб-ёнувчи хилма-хил рекламаларнинг шуъласи деворларга, тош кўчага, уй деворлари орасидан кўриниб турган осмонга тушиб турарди. Болалар қизил ва кўк тусда жилваланаётган сувга сукут ичида қараб туришарди. Ганс сувдаги ола-кула нуқталар орасида бир неча юлдузнинг аксини ҳам кўрди. У жимир-жимир қилган осмонда шу юлдузлар туркумини топиш учун бошини орқасига ташлади. Бирдан туристлар базасида юлдузлар номини ҳаммадан кўра яхши биладиган бир букир болани эслаб қолди. Юлдузларнинг номи ғалати эди: Кассиопея, Орион, Андромеда. Уша букрининг фамилияси ҳам жуда ғалати эди: Раппопорт. Ҳозир у қаердайкин? Яҳудийларнинг дўконларини талон-торож қилишганларида, унинг оиласи шаҳарнинг бошқа районида кўчиб ўтганди. Узоқроқ жойга, айтишлик Прагагами ёки Парижгами кўчиб кетишга пуллари йўқ эди. Нацистлар талаб қилган Фаластинга-ку, сира иложи йўқ эди. Фаластин анча узоқ, бинобарин йўл харажатида кўп пул кетарди. Шунинг учун улар, яҳудийлар кўп бошқа райonga кўчиб ўтишди. Эҳтимол, улардан биттасини эмас, балки ҳаммасини бараварига калтакласа, енгилроқ бўлар, деб ўйларди Ганс. Шунда унинг илтимоси билан Мария букир болани балконга яшириб қўйди. У қўрққанидан ғужанак бўлиб олди, гул ўтқазилган яшиклар орқасида даҳшатли ур-йиқитнинг тамом бўлишини кутиб ўтирди. Уни чиқариб юборишмоқчи бўлиб кечаси балкон эшигини очишса, у худди туристлар базасидаги сингари, кўкдаги юлдузларга қараб ўтирганмиш. Бирдан Ганснинг кўнгли ғаш бўлди, гўё ичига ўт туташгандай бўлди.

Оскар пастдан кўзини узмасди, унинг чақчайган кўзлари сувга тушиб кетадигандай бўлиб туюларди. Грога қаттиқ гапирганликлари, у билан шундай совуқ хайрлашганлари учун у энди ич-ичидан ачинар эди. Унинг қандай далил ва сабаблари бўлмасин, барибир, Гро виждонли, тўғри йигит эди.

— Урнига кимни олсак экан?— деб сўради Оскар. Ганс билмадим дегандай елкасини қисиб қўя қолди.

Зинадан пастга, метрога тушиб, улар Гронинг ширинлик, мевачева берадиган автомат олдида турганини кўриб қолишди. У автоматда акс этаётган оломонга тикилганча оқ куйлак кийган иккита гитлерюгенд қачон кўриниб қоларкин, деб пойлаб турарди. Айни вақтда у нима олсам экан: Қовурилган бодомми, новвотми деб ўйларди. Агар у шу бугун кечасиёқ уларнинг иккаласи билан ҳам ярашиб олмаса, оралари бузилиб қолиши турган гап. Улар бундан шубҳаланиб юришади, натижада Гро ўзини оқлаёлмай қолади. Ҳамма виждонли йигитлар унга ишонмай қўйишади, яккамохов бўлиб қолади. Отасининг ўлганига анча бўлган. У универмагда кассир бўлиб ишлайдиган онаси билан турарди. Онаси нуфузли, дуруст хотин эди: уни кўрган одам, бу хотин доим хавф-хатар остида яшайди, деб сира ўйламас эди. У ишлаган бўлим — ундан касса чекларида турли-туман маълумотлар олиб турадиган бир неча эркак ва аёлларнинг учрашув жойига айланган эди. Кечаси, ётиш олдидан, қаттиқ чарчаганлигига қарамай виждонли киши бўлиб қолиш учун унингча нималарни билиш кераклигини ўғлининг миясига қўйиб қўйишга ҳаракат қиларди: нацистлар ҳокимиятини ўз қўлига қандай ҳийла-найранглар билан олганлиги, уни қўлда сақлаб қолиш учун қандай макр-ҳийлаларни ишга солишаётганини ва уларга қарши курашда қандай ҳийла-найранглар қўлланилаётганлиги тўғрисида гапириб берарди. Кечалари бир неча соатлаб, мана ҳозир қамоққа олишади, деган хавф остида, бу эзилган, чарчаган саводсиз хотин ўғлига қўлидан келганча ҳамма нарсани — дунёдаги бор гапларни, давлатлар тузилиши, бой билан камбағаллар ўртасидаги фарқни тушунтириб беришга ҳаракат қиларди. Лекин кучи кам эди. Эзилган бева, кассир хотинда куч нима қилсин? Агар бола виждонли, помусли бўлиб қолса, бу қанчадан-қанча мусибатларга олиб келади! Уни ўз ўғлини тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум қилишлари мумкин — бунақа воқеалар ҳозир тез-тез бўлиб туради; уни қамаб қўйишлари ёки ўлдиришлари ҳам мумкин.

«Онам айбдор, — деб ўйларди Гро — у менга эҳтиёт бўлгин, деб насиҳат қилганди, бунини уларга айтолмайман. Борди-ю, айтсам, бор гапни онасига етказаркан, деб улар менга бутунлай ишонмай қўйишади. Нима қилсам экан? У дунёда ҳаммадан ҳам кўпроқ онасига ишонар эди. Онаси умуман уларнинг бу ишга — гитлерюгендлар

ичида ўз группаларини тузишга қарши эканлигини дустларига айтишга сира юраги бетламасди. Сир-асрорларидан онасини хабардор қилгани учун улар Грони ҳечам кечирмаган бўларди. Улар ўз группалари билан жуда фахрланар эди. Онаси бўлса аввал бошиданоқ гитлерюгенд ичида группа тузгандан кўра, уларнинг ташкилотидан мумкин қадар узоқроқ юриш керак, деб уқдириб келарди. Уларга қанча кўп оила зарба берса, ҳар қайсисига алоҳида зарба бериш шунча осон бўлади. Қўпоровчилик ишларини зимдан олиб бориш учун катталардан ҳам баъзи бировлари нацистлар ташкилотига аъзо бўлиб киришди. Кейинчалик худди ўша кишиларнинг ўзлари ё нацистлик касалига мубтало бўлишди ёки ноилож уларга бўйсунди. Умуман иложи бўлса, уларнинг ташкилотига кирмаган яхши, бу жуда тўғри, ақлли, виждонли иш бўлади, дерди онаси.

Гро кўприкда бўлиб ўтган ҳамма гапни эслади. Онаси ҳар вақтдагидай ҳақли эди. У Оскар билан Ганснинг аксини кўриб, бир чўчиб тушди ва шоша-пиша қовурилган бодом олди.

— Уни кўндиришга яна бир уришиб кўриш керак; менимча у ёмон йигит эмас, — деди Ганс зинадан тушар экан. Грони, унинг ҳурпайган сочини кўриб, бирга ўйнашган йилларини эслаб, Ганс ўзи билан унинг ўртасидаги дўстлик алоқаларининг қанчалик кучли эканлигини, уни узиш осон эмаслигини табиатан оғир, доимо уйқусираб юрадиган Оскарга нисбатан чуқурроқ ҳис этди.

— Бугун биз билан варақа ёпиштиргани борасанми, деб сўрасанмикин ундан? — деди Ганс.

— Бунга ҳали акам розилик бериши керак, — деб эътироз билдирди Оскар, — уни бошингга урасанми?

— Биз жуда оз қолдик, у менга керак, — деб жавоб берди Ганс.

У яқинроқ келиб Гронинг елкасига қўлини қўйди. Гро қўй кўзлари билан унга жиддий тикилди.

— Бугун кечкурун биз билан варақа ёпиштиргани борасанми?

— Бўлмасам-чи! — деб хурсандлик билан жавоб берди Гро.

Улар метро скамейкасига барабар ўтиришди-да, Гро сотиб олган бодомни ея бошлашди. Улар завқ билан кулишар, ҳазил-мутойиба қилишар, уларнинг назарида гўё Гитлер уларга қараб туриб, бутун бир халқни ажра-



тиб юборишда синалган ҳамма ҳийла-найранглари билан ҳам шу учта болани бир-биридан ажратиб ташлаёлмаганидан жаҳли чиқаётгандай бўлиб туюларди.

Уйда, ошхонада унинг ҳийла-найранглари иш берди. Ганс зинадаёқ кўнглини ғаш қилувчи ғала-ғовурни эшитиб қолди; акасининг меҳмонларигина ўзларини шундай тутишлари мумкин. Овқат столи атрофида ўтиришган штурмовикларнинг кофе ичиши ҳам, кулиши ҳам, сўкиши ҳам Гешка ошхонасига келиб-кетиб турувчиларниқидан бутунлай бошқача эди. Францнинг талаби билан Мария чойнакни иккинчи бор тўлдирди. Гешке ўзининг одатдаги жойида, кўчага қараган дераза олдида ўтирарди.

— Ҳозир солод кофесини ичмаса ҳам бўлади, отам шунга сира кўниколмайдди,— деди Франц.

Францнинг энг яқин дўсти, унинг ўзига ўхшаш новча, лекин анча тўла, забардаст йигит Шлютер кофе қуйилган пиёласини Гешкенинг олдига, дераза тоқчасига қўйди-да, қалбаки меҳрибонлик билан:

— Ичинг, жаноб Гешке, буни ҳозир бемалол ичса бўлади; шу кунларда, айниқса ҳамма нарса ўзгарган бир пайтда, маза қилиб кофе ичишга ҳеч ким йўқ демаса керак. Ахир, биз деярли ҳаммани иш билан таъмин этиб қўйдик.

Гешкенинг ҳозир концлагерларда чириб ётган эски тоқзорларга ҳали-ҳали ҳам куйиб-пишиб юрганлигини Франц унга кўп гапирган эди. Шлютер, мен ўз вазифамни, одамига яраша муомала қилишни жуда яхши билман, деб керилар эди.

Гешке, одатдагидан кўра сал очилиб жавоб берди:

— Ие, Шлютер, табриклайман, мен сизнинг завод правлениесига борлигингизни сезмабман ҳам.— Стол атрофида ўтирганлар унга қарашди.

— Нималар деяпсиз?

— Нима, ҳаммангизни иш билан таъминладик, деган ўзингиз-ку. Ахир бу муҳим тадбир, ўша ерда, юқорида муҳокама қилинмай қаерда муҳокама қилинди?

Шлютер жаҳли чиқди-ю, лекин ўзини босди. Шлютерни ҳамманинг кўнглини топиб гапира олади, тўғри фикрни ҳар қандай одамга ҳам уқдира олади, деб кўп мақташар эди.

— Эй, қўйсангиз-чи,— деб жавоб берди у хотиржам,— мен бир оддий штамповкачиман-да. Лекин шу

билан фахрланаман. Мендай ўқимаган илмсиз, ҳеч нарсани билмайдиган одамга бундай жиддий масалаларни муҳокама қилишни ким қўйибди... Бундай катта корхона директорининг бўйнида қандай катта маъсулият борлигини биласизларми? Шундай ишни мен эплай олармидим?

Бошқалар: «Шлютер уни роса боплайди» деб ўйлашарди.

— Албатта директорлик осон иш эмас,— деб унинг гапини маъқуллади Гешке.— Бу мен юк машинасига ортадиган юкнинг оғирлигидан ҳам оғир. Шундай оғир масъулиятни бўйнига олиш ҳазил эмас! Бунақа ишларга директорларнинг қанақа қилиб ақли етаркин-а?

— Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, улар қаерларда илм олмаган, бутун заводни қўлида ушлаб туриш учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай қанчадан-қанча нарсани ўқиб чиқишган,— деб хотиржам жавоб берди Шлютер.

— Мен ҳам жон деб ўқиган, ўрганган бўлардим,— деди Гешке хотиржам.

— Хўш, ким сизга ўқиманг дейди? Ҳозир ҳам ўқисангиз бўлаверадди. Уғилларингиз эса кечки мактабга қатнашсин, курсларга боришсин, агар истасангиз, ўғилларингиз ҳатто фюрер мактабига ҳам кириши мумкин. Энди ҳеч бир меҳнат, ҳеч бир интилиш зое кетмайди.

Баҳсга берилиб кетиб, энг муҳим нарсани эсидан чиқариб қўйгани бирдан эсига тушиб қолди. У яна бир ўгирилди-ю:

— Маълумки, энг муҳими — бу туғма қобилият,— деди.

— Турган гап,— деб жавоб берди Гешке,— лекин қобилиятли бўлиш учун нима қилиш керак?

— Нима, қариб шунини ҳам эсдан чиқарадиган бўлиб қолганмисиз? Агар биз ўз ирқимизнинг кўпайиши учун ғамхўрлик қилсак, касб танлаш комиссияси кейинчалик, ҳар кимнинг ўзига мос келадиган иш билан машғул бўлиши учун ғам ейди.

— Тушунарли,— деб жавоб берди, Гешке,— борди-ю улар туғма меъморлардан ўнта топса нима бўлади — ахир, фарзанд кўрганингда касб танлаш комиссияси хат-ёлингга ҳам кириб чиқмайди-ку. Мана ҳозир, янги стадионни қуриш учун мингта ғишт терувчи ва битта меъмор керак. Хўш, қолган тўққизта меъморни нима қил дейсиз?

— Бу энди касб танлаш комиссиясининг иши, нима қилса ўзи билади,— деб жавоб берди Шлютер.— Кечирасиз, сиз худди кўрсичқондай бу нарсаларнинг ҳаммасини бекорга қовлаштириб ўтирибсиз. Ахир, ўз-ўзидан маълумки, ҳар ким ҳам ўз жонини баъзан бировлар учун қурбон қилади.

— Тушунарли,— деб эътироф қилди Гешке. Стол атрофида ўтирганларнинг унга ҳар сафаргидай истеҳзо билан эмас, балки дўқ, пўписа аралаш қараётганликларини сезиб қолиб, у яхшиси индамай қўя қолишни афзал кўрди. Ўз ўғли, Франц бўлса унга эҳтиёт бўл, дегандай қараб турарди.

Битта Шлютергина хотиржам эди, у ўзидан ва гапирган гапларидан мамнун эди. У чин юрагидан гапирарди; аввалги йиллари Шлютер ўзининг тоғни талқон қиладигандек кучини қаёққа сарф қилишини билмай, ишсиз санқиб юрган эди. Мана, энди кучини ишлатадиган жой топилди. Уйда унга ҳеч ким эътибор бермасди. Онасининг болалари, ўқитувчисининг ўқувчилари, магистрнинг эса ишсиз одамлари жуда ҳам кўп эди. У бутунлай безори бўлиб қолгандан кўра, яхшиси штурмовиклар қаторида сергаклик билан назорат қилишларига чидамоқчи бўлди.

Ганс бўлса бу вақт бутерброд еб турарди.— Мен яна кеч келаман, кутма,— деди у.— Мария стол устидан бўш пиёлаларни йиғиштириб олиб қўйди, у ҳеч нимапи сўрамасди. Фақат бугун эмас, унинг ҳамма кунлари, яхшиси ҳам, ёмони ҳам, ғам-ғуссали кунни ҳам «мени кутма» деган сўзлар билан тугарди.

Ганс ўртоғи билан пересадка қилинадиган станцияда учрашди. Гро онасига: «Мени кутма, кеч келаман» деб хат ёзиб қолдирди. Иккаласи ҳам хурсанд эди: кечалари Бергерларникига боришни яхши кўришарди. Гейнернинг акаси уларни ошхонадан ётоқхонага ўтказиб қўйди, бу иккаласига ҳам жуда маъқул тушди; бу — ошхонадаги ғовур-ғувур, бемаъни гаплар, аскиялардан қутулиб, муҳим қарорлар қабул қилинадиган муқаддас жойга кириш деган гап эди.

Гейнер варақалар ёпиштирилиши керак бўлган кўчанинг — бугун кечаси ҳаёт ва момот ўртасида бир чегара бўладиган кўчанинг таърифини қилганда Гро севинчи

ичига сиғмай ўзича: «Улар мени ораларига олишмоқчи, синаб кўришмоқчи» деб ўйлар эди.

Улар «Борнхейм ва ўгиллари» номли мебель фабрикасининг кенг бинолари ёнидан ўтишлари керак эди. Кечаси осмон тиниқ бўлиб, юлдузлар чарақлаб турарди! Гейнернинг калта камзулидаги тугмалари ярақ-ярақ қиларди, қаршидаги уй деразасига тutilган парда орасидан ёруғ тушиб турарди, кўчада сон-саноксиз электр чироқлари парпираб турарди. Улар маст-аласт штурмовикларнинг қий-чуви эшитилиб турган қовоқхонага кириб чиқдилар, икки-уч полициячиларнинг ёнидан ўтиб кетдилар. «Борнхейм ва ўгиллари» фабрикасининг орқасидаги кўча бўм-бўш эди. Оскар билан Ганс орқаларига бурилдилар. Оскар, қоронғилик ичига кириб йўқолган акасига сўнгги марта назар ташлади.

Улар маълум оралик билан ҳар жой, ҳар жойга варақалар ёпиштира бошлашди. Уткинчилар на болаларга, на ёпиштириб қўйилган варақаларга эътибор беришарди. Пивохонадан чиққан бир тўда штурмовиклар ўлгунча маст эди. Хилма-хил шиорлар, чақириқлар орасига ёпиштирилган варақалар фақат эрталаб кўзга ташланарди. Улардаги сўзлар кўпларнинг эсида ўрнашиб қолади, оғизма-оғиз кўчиб, шаҳарнинг бир районидан бошқа районига тарқалиб кетади. Ҳозирча эса улар йўл-йўл қоғоздай бир гап эди, уларга панжалар чилп-чилп ёпишар, юрак ташвишли тепар эди.

Кейин болалар уларни остановкада кутиб туришди. Оскарнинг чўнтагидан ҳали очилмаган бир пачка қовурилган бодом чиқиб қолди; улар бодом чақиб ейишар, бармоқларнинг учидан эса сирач ҳиди келарди. Улар ўз ўртоқларини кутиб туришарди, йўл эса анча узоқ эди. Улар фабрикадаги машиналарнинг гулдурashiга, оёқ товушларига, эшикларнинг шарақ-шуруқ қилиб очилиб-ёпилишига, ҳуштакларга қулоқ солиб туришарди. Уларнинг қулоғига хотин кишининг йиғи овози, қовоқхонадан патефоннинг чийиллагани, автомобилнинг гуриллаши ва ниҳоят ўқ товуши эшитилди. Улар бир автобусни ўтказиб юбордилар. Иккинчиси келгунча, муюлишдан улар кутаётган болаларнинг ўзлари чиқиб қолишди. Аввалига худди Гейнер Гронинг елкасига шунчаки қўлини ташлаб келаётганга ўхшаб кўринди. Улар яқинлашгач, Оскар қўрқув аралаш акасига қаради. Акаси Грога суяниб келарди, авзойи бошқача эди. Улар Гейнерни бир

амаллаб автобусга чиқардилар, автобусда одам кам эди. Уни бир бурчакка ўтқазиб қўйдилар, икки бола тика туриб. Гейнерни бошқалардан яшириб турдилар.

— Улар аввалига қичқиришди, биз тура қочдик, кейин орқамиздан ўқ уздилар, менимча Гейнер яраланган бўлса керак,— деб ҳикоя қиларди Гро.

Агар Гро унинг камзулидан ушлаб қолмаганда, Гейнер автобусдан тушаётиб йиқилиб кетарди. Пастда уни Оскар суяб қолди. Гро автобусда кетди; Гейнер Оскар билан Ганснинг ўртасида борарди; улар уни деярли кўтариб боришар, юзига ваҳима билан тикилишар эди.

Елена ҳали ухламаган эди, боласини эмизиб ўтирарди. Аввалига у эрининг келганига хурсанд бўлди. Елена чақалоқни эмизиб ўтириб, уларнинг гапини тинглади-да, Гейнерни каравотга ётқизиб ечинтиришни, кейин докторни чақириб келишни буюрди. Доктор ишончли одам эди, тизза косаси фокусини Оскарга ўргатган ҳам шу эди. Елена, Гейнернинг бир нарса демоқчи, кулмоқчи бўлаётганига, лекин сира гапира олмаётганига қўрқиб қараб турарди; Гейнер аввал Еленанинг кўкрагидаги болага, кейин эса гўё узоқ-узоқларга тикилгандай бўлди. Хотинининг кўкраги унинг йўлини тўсаётгандай у пешонасини тириштирди.

Мария қўлларини боши тагига қўйиб, Гешке билан ёнма-ён ётарди. Метронинг сўнгги поездеи ўтиб кетди. Агар Ганс келадиган бўлса мана ҳозир келиши керак. Пивохонадаги чироқ ўчди; энди ётоқхонага фақат кўчадаги фонарнинг шуъласи тушиб турарди.

Мария аввал дераза тагида оёқ товушлари, кейин пастдаги кирадиган эшикнинг очилиб-ёпилганини, ниҳоят, кимнингдир зинадан тез-тез юриб чиқиб келаётганини эшитди. У лип этиб ошхонага кирди.

— Иссиқ кофедан ич!

— Нега ухламадинг?— деб сўради у, кейин тасалли берган бўлиб:— Мени кутишнинг ҳожати йўқ, бутунлай келмаслигим ҳам мумкин.— деб қўшиб қўйди.

— Менинг, ахир, сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, сен қалтис, хавф-хатарли ишларга бормаслигинг керак.

— Сенга ваъда беролмайман. Қимнинг гапига қулоқ солишим кераклигини ўзинг бир гапиргандинг-ку; тўғри маслаҳат берган, сенинг учун ҳеч қачон вақтини аямаган, яккалаб қўймайдиган, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, бор ҳақиқатни гапирадиган одам билан яқин бўл дегандинг-

ку. Ушанда нималар деганинг эсингдами? Мени гўшт складидан гўшт ўғирлашга кўндиришди-ю, лекин полициядан қўрқандик, эсингдами? Наҳотки, сен панд-насиҳатларини унутиб юбор демоқчи бўлсанг?

У кофени ичди, эснаб қўйди, юз берган бахтсизлик ҳақида ҳозирча оғиз очмасликка қарор қилди. Эҳтимол, опасининг эри ҳали тузалиб кетар.

Мария унинг ёнида бир зум ўтирди. У аввалига, гўё Ганс бутунлай қайтиб келгандай ўзида йўқ севинди. Ҳозир эса юраги нимадандир чўчиб, кўнгли ғаш бўлди. Ганс акасининг ёнига бориб ётди. Кўп ўтмай, гўё икки-си ҳам бир вақтда ётгандай донг қотиб ухлаб қолди.

## II

Христиан Надлер омборхонадан бостирмага ўтганда, у акасининг даласидан, даставвал, ўзини қизиқтирган икки нуқтани: бири ўртанча ўғилнинг оқ бошини, иккинчиси Лизанинг сарғиш бошини қидира бошлади. Буниси уни хурсанд қилишдан кўра кўпроқ жаҳлини чиқарарди. Уни кўрган сайин Надлернинг негадир беихтиёр ғаши келарди. Бу арзимаган нарса учун, у ўзини хуноб қилиб ўтирмасди, албатта. Унга бошқа нарса — Лизага бўлган ачиниш азоб берарди. У битта-яримтага, айниқса, мана бундай бақувват хотинга раҳмим келар, деб сира ўйламаган эди. Кўкрагига қадар сепкил босган Лиза учун энг оғир калтак ҳам, пашша чаққандай бир гап эди, ҳар қандай мушкул иш ҳам чўт эмасди. Семиз, қувноқ, соддадил Лизанинг ҳар қуни кечқурун мана шу иблис Вильгельм билан ётишига ҳам ачинарди, ҳам аччиғи чиқарди. Тўғри, у Вильгельмнинг хотини эди, унинг даласини чопар, сигирларини соғар, болаларини тарбиялар эди. Гарчи Лиза Христианнинг ўлгунча жаҳлини чиқарса ҳам, лекин ҳар ҳолда бундай ярамас одамга хотин бўлиш ачинарли эди.

Христиан қўлидаги деҳқон ковушини бир четга ташлади-да, руҳонийникини олди. Унинг учига кичкина ямоқ солиш керак эди. Руҳоний ўлгунча хасис эди, лекин Христиан янги тагчарм қоқмаса бўлмайди, дегандан кейин, ўлганининг кунидан рози бўлди.

Вой нодон хотин-э, бўлар-бўлмасга эскини қўзғайди. Якка ўзи қолди дегунча, гўё уларни нариги соҳилдан ҳам,

қайиқлардан ҳам таъқиб қилишларидан хабари йўқдай дарров бу ёққа чопиб келади.

Унинг енгил, лекин дадил қадам товушини эшитиб Христиан, гарчи хаёл суриш одати бўлмаса ҳам, ўзича ўйлади:— «Иккаламиз кулбамда турсак, ёмон бўлмасди. Шунда у ишдан чиқиб, тўппа тўғри менинг олдимга келарди. Биз одамлар олдида ҳам, худо олдида ҳам эр-хотин бўлардик. У ҳаммага эшиттириб, кўпчилик олдида «Азизим Христиан!» дея оларди.

— Азизим Христиан!— деди Лиза.— Нуқул бегона-ларникини қоқавермай, вақти келганда мени туфлимнинг ҳам пошнасини қоқиб берсанг зарар бўлмасди.— У ҳатто Лизага бошини кўтариб ҳам қарамай, қўлидаги ейилиб кетган пошнани айлантириб ўтираверди. Лиза туфлисини ечиб, унинг олдида ташлади. Христиан руҳонийнинг кавушини бир четга қўйди-да, Лизанинг ҳали ичи совумаган туфлисини қўлига олди, лекин шунда ҳам барибир бошини кўтармади.

— Келиб-келиб шу бугун, уйда ёлғиз қолганимда туфлимнинг пошнаси тушиб қолганини қара-я,— деди Лиза.

— Бошқалар қани?

— Бугун Кольгазенбрюкда катта байрам.— Лиза бир тамшаниб қўйди. Кейин завқ билан гапира кетди.— У ерга баурфюрер келади, уни табриклашгани мактаб ўқувчилари ҳам йиғилади, бизнинг кичкинтойимиз унга гулдаста тақдим этади.

— Олла, ким бўпти у шунчалик!— деди истеҳзо билан Христиан.

— Ке, бунақа гапларингни қўй,— деб жавоб берди Лиза.

— Мен бундай ишларга Цизеннинг неварасини қўяди, деб ўйлабман. Цизен абжирлик қилиб Пруссия ҳукумати билан фойдали битим тузиб олибди: Цизеннинг солиқ, процент тўлаётмаган ҳамма ерини Пруссия ҳукумати жуда баланд нархга кўтарасига сотиб олиб, яна ўша Цизеннинг уруғига қарашли имениега қўшиб берибди дейишади. Шу иш учун бу ҳурматли, азиз меҳмонга гулдаста тақдим этса арзийди.

— Ҳечам-да; имениени бир парча ерга зор қашшоқ гадоларга бўлиб беришади. Уларга қўл силтаб қўя қолишса бўларди-ю, лекин шундай қилишмаяпти-ку! Имениени бўлиб, уларга ижарага ер беришади, бошқа ҳам-

мага, айтайлик этикдўз, новвойларга эса шу ернинг ўзида устахона, дўкон очиб беришади!

— Нима, ҳамма қаланғи-қасангиларни ўрнаштириб қўядими?

— Ахир ҳаммага жой етмайди-да! Оқругимиздаги ҳар бир қишлоқдан биттадан танлаб олармиш.

— Сизларни олишадами?

— Нима, ақлингни едингми Христиан? Ким айтади бизни қашшоқ деб? Ўзимизнинг каттагина чарвоғимиз бор-ку. Балки, Вильгельм ўзи кўз остига олиб юрган ўша ерни тортиб олар, унда бизнинг хўжалигимизни авлодга мансуб хўжаликка қўшиб қўйиши турган гап. Христиан ўйланиб қолди. Вильгельмнинг тўла бахтли бўлиши учун яна қандай ер етишмас экан?

Лиза Христианнинг орқасида бир пой туфлисида турарди. Лиза унинг кал бошига қараб туриб ўзича: «Унинг менга нимаси ёқади-я!»— деб ўйларди. Лиза Христианнинг охири саволини жавобсиз қолдиришни лозим топиб, хурсанд бўлиб деди:

— Ниҳоят, бизга олло таоло ёрдам қилди. Бўлмаса кўрадиганимизни кўрардик. Энди бизга ҳеч ким қўл теккизолмайди. Мол-мулккимизни ҳеч ким хатлаётмайди.

— Олло таолога тил теккизма,— деди жеркиб Христиан. У боятдан бери Лизанинг юзига жўрттага қарамаётган эди, энди ноилож қарашга мажбур бўлди, чунки Лиза туфлисини кийгани унинг олдида, ерга ўтариб олди. Унинг кўзлари мунчоқдай юм-юмалоқ бўлиб, чақнаб турарди. Христиан ямаш учун яна қўлига олган руҳоний кавушига тикилиб қолди. Руҳоний шошилтиргани учун эмас, балки шунчаки ўзи Лиза ҳақидаги фикрларини миясидан чиқариб ташлаб, чуқур хаёлга толди. Фақат эсиз, руҳонийнинг бошлиқлардан ўлгунча қўрқиши Христианнинг ҳамма ишларини чиппакака чиқарди. Бу унинг тош бўлиб кетган шафқатсиз юрагидаги бир унсиз дард эди.

Бошқа бир мусибат куппа-кундузи содир бўлди. Христиан Вольпертга Штробелнинг қочиб кетолмаганини, унинг шу ердан икки қадам нарида, қўл тагига кўмилаганини гапириб берди. Вольперт Христианга озор бермай, бор ҳақиқатни қандай билсам бўларкин, деб ўйлана бошлади. Ҳамкасб ўртоқларига у унчалик ишонмасди. Ниҳоят, у ўзини гуё қайиқни жойидан қўзғатмоқчи бўлаётгандай қилиб кўрсатмоқчи бўлди ва мурдани топиб

қолармиканман, деган умидда дастаси узун чангак билан якка чўп атрофини текшириб кўрмоқчи бўлди. Бу мурда, шубҳасиз ҳаммани ваҳимага солади ва газабини келтиради. Лекин, Вольперт чангакни нотўғри солганиданми, ё мурда қумга чуқур ботиб кетганиданми, чангак ҳеч нарсага илинмади.

Унинг имирсилаб юрганини қарши соҳилдан кимдир сезиб қолди-да, бу ерда бир кор-қол бўлса керак, деб шубҳага тушди. Бир кун Христиан қишлоқдан, заказчиларнинг олдида келаётиб, худди унинг омборхонаси ёнида штурмовикларнинг чинакам лагери жойлашганини кўриб қолди. «Шўрим кўриди!»— деб ўйлади у. У майиб оёғига оқсоқлашиб секин яқинлашиб келди-да, акасига ялингансимон назар ташлади. Вильгельм унга тикилиб: «Э, ландовур!» деб ўйлади-да:

— Қани, бу ёққа кел-чи!— деб қичқирди.

Яккачўп устида, ҳозиргина сувдан олиб чиқилган хўл, силлиқ бир нарса ётарди, одам жасаидан ҳам кўра кўпроқ катта сасиган балиққа ўхшаб кетарди. Вильгельм истеҳзо билан оғзини қийшатириб, ён-атрофига аланглади. Унинг қарашидан: «Биз энди бу донишманднинг бир таъзирини бериб қўямиз, чизган чизигимиздан чиқмайдиган бўлади» деган маънони уқиш мумкин эди.

Кейин эшитдириб шундай деди:

— Бу ерда ҳар хил маслакдаги ишчилар ўртасида муштлашиш бўғти деган маълумот тушди бизга. Биз текшириш ўтказдик. Сиёсий маънодаги қотиллик борга ўхшайди. Биласанми, Христиан, бу бечорани бизга қўшилгани учун пайини қирқишган бўлса керак.— Унинг кулиб турган кўзлари Христианнинг кўзларига тикилган эди, у бўлса акасига ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Биламан,— деб пўнгиллади Христиан.

Эртасига сувга чўкиб ўлган одамнинг мурдасини кўмишди. Дафн маросимида ҳатто нутқ ҳам сўзланди. Бир бебахт йигитнинг ўлимига сабаб бўлган мана бу ишчилар ўртасидаги муштлашишга ўхшаш тўқнашувлар даври аллақачон ўтиб кетди. Энди, халқ якдил, синфий низо деган гапларни билмайди эмиш.

Кечқурун кўлдан ўтаётган темир йўл ишчилари группаси ичида Вольперт йўқ эди. Христиан унинг қаёққа кетганини сўраб-суриштирди. Унга: концлагерга,— деб қисқа жавоб бериб қўя қолишди. Христиан: «Демак, у

ҳатто мени гувоҳ қилиб кўрсатмабди. Демак, Вольперт ҳар нарсадан ҳам менинг уни андишали, виждонли одам деб ҳисоблашимни аъло кўрган», деб ўйлади.

Христиан Вольперт сингари андиша, виждон деб бошига бир бало орттиришни сира истамас эди. Лекин айвондаги уч оёқда ўтираркан, Христиан ўзининг Вольперт сингари кишилар билан одамгарчиликнинг ингичка ва мўрт ипи орқали боғланганлигидан фахрланар эди.

### III

Гарчи отпускасини кўнгли истаган жойда ўтказиш учун пули етарли бўлса ҳам Ливен амакиваччаси Оттонни кўриб келгани Ольмюцга олиб борувчи тор изли поезднинг оддий вагонига тушиб жўнади.

Кечаси баланд девор олдида бориб қолганда, нега оёғи бу ёққа тортганлигини дарров тушунди: унинг келишига хурсанд бўладиган ер юзида бирдан-бир жой шу эди. Эшикни Отто Ливеннинг ўзи очди ва меҳмонни тўппа-тўғри ётоқхонасига бошлаб кирди. Уриннинг тахти бузилмаган эди; очиқ турган китоблар, тартибсиз сочилиб ётган қоғозлар, мезбоннинг кечаси билан мишжа қоқмай ишлашидан далолат бериб турарди.

— Мен кунни билан шундай чарчайманки, ҳар кеча шу бугун ухласам керак, деб умид қиламан. Кейин бир-икки соат у ёнбошимдан-бу ёнбошимга ағдарилиб ётаман-у ҳеч бўлмагач, ўрнимдан туриб, яна ёзиш-чи-зишга, ўқишга тушаман. Ўтир, азизим, кўришганлигимизнинг хурсандчилигига қиттак-қиттак ичайлик. Кўнглимиздаги бор гапни тўкиб, бир ёзилайлик.

— Сен билан жон деб ичаман,— деб кулиб жавоб берди Эрнст Ливен,— лекин кўнглимда ҳеч гап йўқ.

— Демак, ҳамма ишни ўзинг бир ёқлик қилибсан-да? Ҳамма янги гапларни ҳазм қилолдингми? Ўзингча бирор хулосага келдингми?

— Билмадим, мендан қандай хулосага келишни кутяпсан? Кейинги вақтларда нима гаплар бўлибди? Нимани ҳазм қилишим керак?

Отто худди узоқ-узоқларга тикилаётгандай Эрнстга кўзини қисиб қаради. Отто Ливеннинг юзи шундай қорайиб кетгандики, гўё сочидан ҳам қорадек туюларди. Кенг пешонаси, қийғир бурни, ялпоқ юзини кўрган одам,

уни баджаҳл деб ўйлаши мумкин, оғзи эса унинг ирода-сизлигини кўрсатиб турарди. У бир шиша ароқ билан икки рюмка кўтариб келди.

— Хайрият-э! Илгари шу бир ичкилигинг етишмас эди,— деди кулимсираб Эрнст Ливен.

Улар ичишди.

— Нима гаплар бўлди деб сўраяпсанми?— деб гап бошлади катта Ливен.— Биз ишонган, умид боғланган одамларни ўлдириб юборишди, нима, бу сенга камми?

— Биз деганинг кимлар? Қандай умидлар? Бундан ташқари, урушда кўпинча айни шундай ишонган, катта умид боғланган одамларни ўлдиришади дейишади.

Отто стол лампасининг абажурини суриб қўйди. Лампанинг хира ёруғиданми ё зира солинган ароқнинг кай-фиданми, улар ўзларини тасодифий учрашиб қолиб, бир купеда кетаётган йўловчилардай ҳис этишарди.

— Уша одамлар урушда қурбон бўлган эмас,— деди катта Ливен,— уларни ўлдиришган.

— Уларни ҳаракатга тўсқинлик қилишгани учун отиб ташлашган.

— Хўш, улар қандай ҳаракатга тўсқинлик қилишган, сенингча?

— Қандай ҳаракатга дейсанми? Сен менга худди синглинг Элизабет берган саволларни беряпсан. Ҳа, айтмоқчи, мен уни шу ерда учратаман деб сира ўйламаган эдим. Уйга кираверишда унинг жикетига кўзим тушиб қолди, ҳар сафаргидай ҳеч тўғри келмайдиган жойга илиб қўйибди. Эшик тутқичига шекилли. У вешалканинг моҳиятини бутунлай нотўғри тушунса керак.

Отто унга тикилиб қаради.

— Хўш, сенингча, бу қандай ҳаракат?— саволини такрорлади у.

— Мен буларни синглингга аранг тушунтирдим. Национал-социализмни навбатдаги немис кашфиёти, навбатдаги кўзбўямачилик деб ҳисоблаб юрганамда, унинг асл моҳиятини шу ерда ўзинг тушунтириб берганинг-ку. Энди бўлса унинг нималигини мендан сўраб ўтирибсан.

— Ҳожати йўқ. Элизабет сендан эшитганларининг ҳаммасини менга гапириб берди, эҳтимол ипидан-игнаси-гача эмасдир, чунки ўзинг у пайтда ҳозиргидай кўп нарсани билмасдинг. Жумладан сен унга: унинг ўз уйига, имениесига қайтиш учун, ўзингнинг арзимайдиган ишда терлаб-пишиб юрмаслигинг учун, халқни қандай қилиб

қўлга олишни биладиган ҳукуматга ишониш кераклиги тўғрисида гапиргансан. Майда-чуйда нарсаларга—даб-дабали плакатлар ва беаза қўшиқларга аҳамият бермаслик керак дегансан. Эҳтимол, сен унга ҳозир ҳам худди шу гапларни такрорлаган бўлардинг: агар у яна ўз ер-мулкига эга бўлмоқчи экан, майда-чуйда нарсаларга—дабдабали плакатларга, беаза қўшиқларга, битта-яримта ўлдиришларга мутлақо аҳамият бермаслиги керак. Лекин шу вақт ичида сенга, сал орқа-олдин-га қараб гапиришни ўргатиб қўйишган бўлсалар керак.

— Сен ҳадинддан ошяпсан. Бу нима деганинг?

— Агар синглим икир-чикир нарсаларга аҳамият бермаса у борадиган бизнинг имение, такрор айтаман, бизнинг имение, Юқори Силезиядалиқ вақтингда яшаган сенинг имениянг олдида бир арзимас нарса бўлиб қолади. Ҳозир у ерда ҳеч нарсага аҳамият беришмаса керак. Ҳозир қон, ирқ ва миллатимизни бошқа миллатлардан устун қўяётган шунга ўхшаш бошқа фазилатлар ҳақида эртаю кеч тинмай гапиришади. Менимча, биз Ливенлар, айниқса бу фазилатларнинг қадр-қимматини жуда яхши биламиз, ўша фазилатлар ўзимизда бор, ҳеч кимнинг уни тортиб олишига йўл қўймаймиз. Биз фюрерни фюрер қилаётган нарса нималигини биламиз, биз хўжайинни хўжайин қилган, вассални вассал қилган нарса нима эканлигини, вассаларга нима учун лен берилганини эсимиздан чиқарганимиз йўқ.

— Уў, бўлмасам-чи, бундан олти юз эллик йил муқаддам бир герцогни муздан чанада эмас, ўзимизнинг қалқонимизда олиб ўтганимиз ҳали-ҳали эсимда,— деди қуруққина қилиб Эрнст Ливен.

— Сизни бадном қилишмасдан бурун сиз ҳар бир қадрли, қиммат баҳо нарсани қоралашга шошиласиз.— Оттонинг қуёшда қорайган юзи оқариб кетди.— Агар Гитлер айрим принципларни — гарчи улар бир вақтлар социализм ёки бошқа бирон ном билан юритилган бўлишидан қатъи назар — бекор қилса, сен бунга пинагингни бузмасанг керак. Принципларни писанд қилармидинг. Сен Гитлернинг ўзига ҳам ишонмайсан, сен ҳукуматга ишонсан, чунки у сени ҳам қуруқ қўймайди-да, ишқилиб улушингга бир нарса тегади.

Эрнст Ливен ўрнидан турди.

— Мени бундай кутиб оларсан, деб хаёлимга кел-

тирмаган эдим! Келмасимдан принципларинг билан жонимга тегарсан, деб сира ўйламаган эдим.

Отто унга қараб бошини чайқади-да, деди:

— Хайр, майли, қани ўтир, рюмкадагини ичиб қўй. Ўзинг биласан-ку, сўққа бошман, гаплашадиган одамим йўқ, битта-яримтага юрагингни бўшатгинг келади. Буни қараки, тасодифан қўлимга сен тушиб қолдинг. Биринчи кеча таъбингни хира қилмоқчи эмасдим, мени кечир.

Эрнст эрталаб нонушта вақтида Элизабет билан учрашди. Отто аллақачон далага кетиб қолган эди. Қора нок, сариеғ, асал, тухум, дондан қилинган кофедан иборат нонушта бўялмаган олти оёқли катта столда берилди. Ошхонанинг бу стол турган қисмини плитадан парда билан ажратиб қўйса бўларди. Парда, дастурхон ва рўзгор ишларига қарайдиган семиз, шўх деҳқон айёлининг этаги ҳам — ҳаммаси бир хил катак-катак қизил матодан тикилган эди.

— Акам уйдаги батрак ва хизматкорлар билан бирга овқатланишни яхши кўради,— деди Элизабет.— Бу билан у, биласизми, миллий бирлик намунасини кўрсатмоқчи бўлади. Лекин ҳар қандай тенгликда ҳам унинг тенглар ичида биринчи эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

— Агар сен йўқ демасанг Элизабет, овқатланиб бўлгунимизча парданн тушириб қўярдим. Шунда ўзимизни ёлғиз ўтиргандек ҳис этамиз.

— Олижаноб акамнинг ҳаддан ташқари сергаплигига энди ўзинг ишонч ҳосил қилгандирсан. Нимадандир жуда қаттиқ ҳаяжонланган, бу мени ташвишлантиради,— деди Элизабет сутнинг қаймоғини қўлда ишланган чинни қаймоқдонга эҳтиётлик билан солар экан, уйдаги мибеллар ва идишларнинг кўпчилиги қўлда ишланган эди.

— Ҳа, ҳа, у биринчи кечаёқ менга ёпишиб олди.

Элизабет амакиваччасига нонга ёғ билан асал суртиб берди.

— Бир-бирларинг билан уришиб қоласизларми деб доим кўрқиб юрардим. Гапиравериб безор қилса-да, бир амаллаб чида. У виждонли, номусли, лекин афсуски бундай одамлар доимо тез жонингга тегеди. Мен бу ҳақда узоқ ўйладим.

Эрнст Ливен кулиб юборди.

— Узоқ ўйлайдиган янги одат чиқарибсан. Хўш, ўйлай-ўйлай бир хулосага келдингми?

— Бўлмасам-чи. Виждонли одамларнинг одатда нега бунчалик кишини тез зериктиришни мана энди тушундим. Уларнинг ўз принциплари бор. Кутилмаганда, тинимсиз ўзгариб турадиган нарсагина кишини зериктирмайди. Принциплар сира ўзгармайди... Келганингга жуда хурсандман. Унга ёрдамнинг тегар, деб умид қиламан.

— Афсуски, Отто шу даражага етибдики, унга ёрдам қилишингни ҳам, полицияга тутиб беришингни ҳам билмайсан.

Элизабет ҳайрон бўлиб амакиваччасига қаради.

— Эрнст, нималар деясан ўзинг?

— Баъзида кўнглимдаги бор гапни шартта айтиб қўя қоламан. Ўзимга алоқаси бор гапларни битта қўймай илиб оламан, қулоғим жуда динг.

Элизабет унга кеча кечқурун акаси қарагандай тикилиб қаради, Кейин, гўё ўзича бир нарсани аниқлаб олгандай бошини бир силкитди-да, пиёлаларга кофе қуйди. Ўзига тухум тозаллади.

— Бу ҳукумат — менинг ҳукуматим,— деб сўзида давом этди Эрнст Ливен.— Менинг бутун бахт-саодатим унинг қўлида. Кимда-ким унга қарши экан, демак менинг душманам.

Элизабет унинг кофесига бир қошиқ қаймоқ қўйди. У, афтидан, Эрнст билан қандай муомала қилиш кераклигини билса керак.

— Жонгинам Эрнст, амакиваччангинг, акамнинг Ольмюцда яшаб туриб, сен ўз тақдирингни ишониб топшириб қўйган ўша ҳукуматга бирор жиддий зарар етказишига кўзим етмайди. У халқ олдида гапиришдан кўра, кўпроқ монолог ўқишга мойил. У «Қора фронт» ва шунга ўхшаш нарсаларга ярамайди; бу хил ишлар унинг қўлидан келмайди, уни ўз ҳолига қўй, ўз-ўзидан босилиб қолади. Бундан бир неча йил бурун эски маслақдан воз кечиб, қандайдир янгиларини қабул қилиш унинг учун бир азоб, ўлимдан қийин нарса эди. У янги маслақни ҳам, эскисидай жиддий қабул қилди. Нима ҳам дердим, у ҳар бир нарсага ҳаддан зиёд жиддий қарайди. Сен энди ундан, зўр руҳий азоблар эвазига қабул қилган худди ўша маслақдан тезда воз кечишини талаб қилиб ўтирибсан.

— Элизабет, сенинг ҳозирги кунда содир бўлаётган ҳодисалар ҳақида ўйлашга сира эринмаслигингга шубҳа қилмасдим. Мен бир нарсага ҳайронман: Ольмюцда

туриб буларнинг ҳаммасига қандай қилиб дарров тушуна қолдинг?

Элизабет катта думалоқ бўлка нон устига энгашиб, уни майда-майда қилиб кеса бошлади:

— Мен ҳозирги кунда бўлаётган воқеалар ҳақида эмас, балки севикли акамни ўйлаяпман. Унга тааллуқли нарсаларнинг ҳаммасига, мен бу ерда, Ольмиюцда тушуниб олдим.

Энди унинг юзи Ливен биринчи марта вагонда кўрганда қандай бўлса худди шундай эди — совуқ истеҳзо ифодаси юзини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборганди. Унга қараб туриб Элизабетнинг «Севикли акам» сўзини чин кўнглидан айтдими ёки масхара қилиб қулиб айтдими, билиб бўлмасди.

Икки соатдан кейин Эрнст Ливен қишлоқни айланиб келгани кетди. Қандайдир боғдан унга томон кимнингдир қўли чўзилди. Ливен ўзи билан кўришаётган одамнинг кимлигини билолмади, чунки у худди асаларичига ўхшаб бурканиб олганди: бу одам гитлерчасига кўришишдан бошқа ҳеч нарса демади.

Ливен орқасига қайтганда ҳалиги одамни яна учратди, у энди сюртук кийиб, галстук тақиб олганди. У ўзини мактабнинг янги ўқитувчиси Манкеман деб таништирди. Эрнст Ливен у билан ёнма-ён скамейкага ўтирди. Манке ўзининг эсэсчи амалдор билан дўстона суҳбатлашиб ўтирганини йўловчи деҳқонларнинг кўриши билан фахрланар эди. Манке у билан танишганидан ўзида йўқ хурсанд эди. У жаноб фон Ливеннинг келишини кўпдан буён орзу қилиб юрарди. Жаноб Отто яқин кунларда содир бўлган ҳодисалардан жуда ташвишга тушиб қолган эди. Бу бежиз эмасди, албатта. У қаттиқ ишонган одамлар фюрерга хиёнат қилган, штурмовикларнинг бошлиғи Ремнинг қўлидан шундай ишлар келади, деб ким ўйлабди дейсиз?

«Ўйламасдан танқид қилганим учун Зибертдан тантанали равишда узр сўрашим керак,— деб ўйларди Ливен.— Хитобномаларимизнинг ҳар томонлама чуқур ўйлаб ёзилганлигига, ақл-идрокимизнинг жойидалигига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, бу гапларнинг ҳаммасини мен тўқиганман. Одамлар бўлса, бўлар бўлмасга, қаёқдаги бемаъни гапларга ишонишаверади. Улар ҳўкиз туғди десанг ҳам ишонишади; улар Ремнинг хулқи бузуқлигига ишонишади, фюрер уни

30 июнь кун қабихлик қилганида қўлга туширганга ишонишади».

— Бирники мингга, мингники туманга деган гаплар бор,— деди янги ўқитувчи.— Шундай катта жиноятлар очилди, оқибатда унинг касофати бизнинг кичкина группамизга ҳам тегди. Мендан олдин ишлаган ўқитувчи билан бўлган жанжалга, шубҳасиз, жаноб Отто жуда қаттиқ хафа бўлди.— Ливен ҳушёр тортди.— Бу одам унинг дидига ёқмасди,— сўзида давом этди Манке,— улар ўқитувчилар конференциясида бирров учрашиб қоларди. Отта узоқ вақтгача унинг гап-сўзларига унчалик эътибор бермай, ҳа, бу шунчаки ёшликдан, тажрибасизликдандир деб юрди, чунки у баъзан жуда хавфли, қалтис нарсаларни гапириб қўярди.

— Менинг бу нарсалардан хабарим йўқ,— сўзини бўлди Ливен,— ҳаммасини бир бошдан батафсил гапириб берсангиз.

Манкедан аввал ишлаган ўқитувчи Штетиндаги ўқитувчилар конференциясига кетибди. Огоҳлантиришларига қарамай, у ҳар қандай уятни йиғиштириб қўйиб, ўша ерда, ҳаммага эшиттириб, қаёқдаги бемаъни гапларни гапирибди. Национал-социалистлар партиясининг вакиллари, ҳисобот билан танишиб бўлгач, бу хил гапларининг боиси нимада эканлигини билиш учун уни тўппа-тўғри конференциядан чақиртириб олишибди. Манкега бўлса, хотини ва учта боласи билан дарров ўқитувчилар хонасига кўчиб кириб олишни тавсия қилишибди, ҳа, айтмоқчи, бу хона бўйдоқ одам учун жуда катталиқ қиларкан.

— Ҳўш, у ўқитувчига нима бўлди?— деб сўради Ливен. У Элизабетга ошиқу беқарор бўлган новча йигитнинг стулни қўли ва оёқлари орасига олиб ўтиришини кўз олдига келтирди.

— Қонцлагерда бўлмаса деб кўрқаман,— деб жавоб берди янги ўқитувчи, гўё бир қалтис гапни гапиргандай бўғиқ овозда. Ливен ўрнидан турганда энг муҳим айтилмай қолганлиги эсига тушиб, Манке яна гапида давом этди:

— Қунгабоқарларнинг катталиги худди болаларнинг калласидай келади. Биласизми, унинг грекча номи қанақа — Helian thos. Биласизми, мен буни немис-юнон маданияти муштараклигининг бир тимсоли деб биламан.

— Ҳм,— деб тўнғиллади Ливен.



Кечки овқат вақтида Отто Ливен анча хотиржам эди, у қишлоқ янгилликларидан гапириб ўтирди. Эрнст Ливен гап орасида собиқ ўқитувчи тўғрисида сўраб қолди. Янгиси унинг ҳақида ким билади нималар демади.

— Ҳа-я,— деб жавоб берди Отто Ливен,— мен уни бутунлай эсимдан чиқараёзиман-а. Концлагерга тушиш, гўрға киришдай бир гап-да, шундай эмасми? Улуғ ҳаркатимизда халақит бераётганларнинг жойи ўша ерда.

Элизабет акасига ҳайрон бўлиб қараб қўйди. Чунки акасининг бу гап билан нима демоқчи бўлганини, шунингдек Эрнст Ливеннинг жавоб беришдаги гап оҳангини тушунмади.

— Бўлмаса-чи, бундай одамлар билан ади-бади айтишиб ўтириш керак эмас,— деди Эрнст.

Кечкурун Элизабет акасининг хонасига кирди. Стол ёнида ўтирган акаси унинг оёқ товушини эшитса ҳам ўгирилиб қарамади.

— Сенмисан, Элизабет? Ўтир, жонгинам,— деди у.— Сен менга халақит бермайсан. Ҳатто амакиваччамиз Эрнст ҳам мени ғафлатда қолдирмас эди, мен ўқиш ман қилинган, сир сақланиши лозим бўлган на чет эл газетаси, на бир махфий варақа ўқиётганим йўқ.

У бошини қўллари орасига олиб ўтирарди, унинг олдида рамкага солинган Адольф Гитлернинг сурати ётарди.

— Деворда изи қолади. Бу портретни барибир бошқа осмайман. Унинг юзига бир синчиклаб разм солгин-а. Хўш, унинг ҳақида нима дея оласан, Элизабет?

Элизабет акасининг орқасида туриб, унинг елкаси оша, гўё умрида ҳеч кўрмагандай портретга узоқ тикилиб қаради.

— Гитлер Берлиндаги «Қайзергоф» меҳмонхонасининг олдига келганда, автомобилнинг ғилдирагини бир тўда хотин келиб ўпишди. Бу хил инсоний ҳис-туйғуларга мен унчалик ишонмайман, десам, синглингнинг сенинг тасаввурингдаги пок қалбига доғ туширмасман деб ўйлайман.

— Мен узоқ вақтгача, бу портрет ўзида Германияни акс эттиради деб юрардим. Қизиқ, ахир портрет одамдаги энг аниқ, энг равшан нарсаларни ифода қилади-ку, уларни ҳеч бузиб бўладими... Сўз ва фикрни ундай ҳам, бундай ҳам баён қилиши мумкин, лекин юз, оғиз, бурун, қулоқни сира сохталаштириб бўлмайди. Бундай қарашда

бу фикр тўғрига ўхшайди. Ростдан ҳам бошқа бир одамнинг портретида доимо биз ўз аксимизни кўрамиз. Биз кўрмоқчи бўлган нарсамизни ўша портретда кўрамиз. Мен бу портретда ниманидир кўришни истардим, ва у бир мўътабар одамнинг тасвири деб ўзимни ўзим ишонтирдим. Ҳатто унинг хунук кокили ҳам мени ўзига мафтун этди. Мен бу кокилда болаларга хос соддаликни, бизларнинг ҳаммамиздан ҳам кучли бўлган киши учун тасодифий бир нарсани кўрардим. Унинг кўзларига тикилиб туриб, ўзимга-ўзим шундай дердим; бу кўзлар телба, лекин буюк гождан телба бўлган одамнинг кўзлари, албатта, улар бир нуқтага тикилган, чунки улуғ келажакни олдиндан кўради. Энди бўлса, бу юздан жирканаман; бу кўзлар ақлдан озган одамнинг кўзлари, улар унинг учун буюк туюлган нарса — ҳокимиятга тикилган. Германияда тартиб ўрнатилиши учун унга бир тўда одамлар йўл очиб берган дейишади. У, бойларни бойлигича, камбағалларни камбағаллигича қолдиришнинг йўл-йўриқларини билармиш. У дунёдаги энг моҳир, эпчил алхимик эмиш. Қирол, қалбаки олтинни йиғиб оларкан, мийиғида кулиб кўярмиш, гарчи ўзи чақанинг қалбаки эканлигини жуда яхши билса ҳам. Алхимигининг жуда фойдаси тегаркан; у ўзини баҳоси йўқ тилла одамман деб юрса керак, у гарчи ҳаммани алдаса ҳам, лекин уни алдамчи дейишга ҳеч кимнинг тили бормайди. Соя ҳақидаги эртақни эшитганмисан?

— Ухла энди, Отто. Кечаси ўйлаш сенга зарар.

— Бу Андерсеннинг эртаги-ку. Унда соя қудратли бўлгунча ўз хўжайинига хизмат қилади; ниҳоят: соя ўз хўжайинидан зўр келади. Қиролдан хизмат ҳақи олиб ишлаб юрган алхимик қиролнинг ўзидан ҳам бойиб кетади дейилади эртақда.

— Сендан ўтиниб сўрайман, эртага эрталаб, айниқса Эрнстнинг олдида бу ҳақда гапира кўрма. Сен касалсан, бунинг устига қаттиқ чарчагансан, бир-икки ҳафта у ёқ-бу ёққа бориб дам олиб келсанг яхши бўларди.

— Эрнстни деб кетайми? Нима, сен кўрқясанми? Нима, мени тутиб бериш қўлидан келади, деб ўйлайсанми?

— Мана кўрдингми, бу ҳақда ўзинг гапириб ўтирибсан. Менинг сенга маслаҳатим — бу ердан жўна. Мен бу ерда, сен қанча тур десанг тураман. Эрнстга ишониб бўлмайди. У тасодифий ўзгаришларни жуда яхши кўради.

— Нималар деяпсан, Элизабет. У ҳаммага тегса ҳам, менга тегмайди. Хўп, мен бориб ётай. Жуда чарчадим. Бугун бир қониб ухласам дегандим.

Элизабет унга индамай қараб турди.

— Менинг дунёда сендан бўлак ҳеч кимим йўқ,— деди у кутилмаганда.

— Умуман, мен бу дорини ичишни ёмон кўраман,— деди Отто,— лекин бугун бир мириқиб ухламоқчиман-да.

У доридан стаканга қанча солганимни синглим кўрмасин дегандай қўлига суяниб олди. Шу пайт у ўзича: эсиз сингилчам, мен энди сенга бошқа васийлик қила олмайман, деб ўйлади.

У ўрнига ётди-да, каравотнинг бир четига синглим ўтисин дегандай, девор томонга силжиди. Элизабет, худди онаси ёшлигида қилгандай, одеялни меҳрибонлик билан қистириб қўйди. Отто Элизабетга чиқиб кетишни алтимос қилди, чунки у шу заҳоти ухлаб қолмоқчи эди.

#### IV

Венцлов дилида хотини Ильза билан эмас, балки Амалия хола билан учрашганига кўпроқ хурсанд эди. Кўп йиллик ширин оилавий турмуш, ёшликдаги севинч ва мусибатлар, шамолдай тез ўтиб кетган умр — шулар туйғули ўзини энг жонкуяр, меҳрибон онадек тарбиялаб ўстирган кампирга меҳр қўйган эди. У ўзига ажратилган биринчи класс купесидан ўтираркан, оналик иззат-нафсидан, оналик ғам-ташвишларидан воз кечиб, уни авлодаждодларининг шон-шўхратига, эскирган анъаналаргагина риоя қилиб тарбиялаш ҳар бир онанинг қўлидан келавермайди, деб ўйларди. Венцлов кўзини юмди дегунча, холасининг серажин узун бўйинини, иягидаги сўғалини, ҳатто у болалигида ҳайрон қолиб юрган сўғалидаги учта тукни равшан тасаввур этарди. Хотини ҳақида унда хира ранг сингари юзаки хотираларгина қолганди. Унинг айрим хислат ва фазилатлари, тортиниби, ийманиб кўрсатган меҳрибонликлари юзаки хотиралар сувида ювилиб кетганди. Лекин сўнги вақтларда унда анча кучли ва ширин хотиралар сақланиб қолганди. Бу ўринда у бир Маня исмли қиз билан хайрлашганини эсласа бўларди. У Маняга вокзалгача кузатиб чиқишга рухсат бермади.

Қиз ҳам бунга қўшилди. Лекин унинг чехрасидаги мусибат ҳамон, мана ҳозир, купеда ҳам унга азоб берарди. Сўнги икки йил ичида улар вақти-вақти билан деярли бахтиёр бўлдилар, у илгари бунчалик бахтли бўларман, деб сира ўйламаган эди, мана ҳозир яна шундай бахтга муяссар бўламан деб ўйламасди. Энди Маняга жамоа аҳолиси ичидан ўзига янги дўст қидириб топишга тўғри келарди, Сибирдан қочганларидан кейин, унинг кўчма араваси келиб тўхтаган жойда то қартайгунча, унинг умри ана шундай қидириш билан ўтади. Агар у Маняни никоҳсиз хотини сифатида ўзи билан бирга Потсдамга олиб келганида Амалия холанинг қанчалик кўрқинини Венцлов кўз олдига келтириб, мийғида бир кулиб қўйди. Тўғри, Германия қонун-қоидалари бу хил ҳийла-найрангларга йўл қўйиб беради. Унда Манянинг Амалия холага ҳам, Ильзага ҳам, унинг ота-оналарига ҳам хизмат қилиши керак эди.

Проводник кириб Венцловдан янги вагон тиркалиши назарда тутилган кейинги станцияга қадар унинг купесига яна бир жанобни ўтқазишга хушмуомалалик билан рухсат сўради, чунки у жаноб махсус купе учун жуда кеч заказ берган экан. Ёши анчаларга бориб қолган проводник Венцлов билан, унинг тобе одамлари сўнги уч йил ичида қандай муомала қилишган бўлсалар, шундай муомала қилди. Лекин ҳаммолларнинг феъл-атворлари, у ўзи ўрганиб қолган кулиларининг хулқидан кескин фарқ қиларди; унинг буйруқларига вокзал ҳаммоллари шартта шартта жавоб қайтаришарди. Хушмуомала проводникка, у, ҳа, мен купемнинг ярмини беришга розиман деб жавоб берди. Шундан кейин кўзойнак тақиб олган паст бўйли жаноб — «Шимоллий Германия пароходчилиги»нинг хизматчиси кириб келди. У ўзини шундай деб таништирди. Проводник ҳадеб узр сўрарди, юкларини яхшироқ жойлаштириш, унинг кўнглини олиш учун елиб-югуриб хизмат қиларди. «Шимоллий Германия пароходчилиги»нинг пассажири бундай илтифотликни мақтади, Венцлов бўлса, ҳайронман, Совет Иттифоқидан ўтаётганимда темир йўл хизматчилари, менга бунчалик эпчил, чаққон бўлмаса ҳам, лекин буларчалик қўпол эмасдек кўринди, деб қўйди.

— Сиз уларни шунчаки йўл-йўлакай кўргансиз,— деб тушунтира кетди пассажир,— бу ерда эса сиз бутунлай қоласиз, бу ерда сиз бошлиқсиз, бошқача қилиб айт-

ганда, сиз, халқ қутулишни зориқиб кутаётган одамлар наслига мансубсиз.

Сухбат қизиб кетди. Бу кўзойнакли жаноб, Венцлов узоқ вақт бўлмаганида юз берган айрим воқеалар тўғрисида батафсил маълумот ололган Германиядаги биринчи киши эди.

— Биз ҳаммамиз аввалгига, қани у нималарга қодир экан деб ўйладик. Ҳаш-паш дегунча Гитлер ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Биринчи йил у ҳокимиятни қўлга олишга қодир эканлигини кўрсатди, иккинчи йил эса уни сақлаб қолиш қўлидан келишлигини кўрсатди. Бизнинг орамизда Гитлер ўзига йўл очишда жуда ҳаддидан ошиб кетди, деб қўрққан одамлар ҳам бўлди, албатта. Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, у бир қўл силташда ноқобил шерикларининг йигирма-ўттизтасидан қутулди! Воқеалар, тўғрироғи бу ноқобил шерикларидан ном-нишон қолмаганлиги, унинг бундай ишларга қодир эканлигини кўрсатди. Гитлер ўзини хавфли ҳаракатлар, шубҳали макр-ҳийлалар кўчасига олиб кирувчи ҳамма шайкадан бир йўла қутулиб қўя қолди, бунга ҳеч ким парво ҳам қилмади. Мен ўшандаёқ ошналаримга: мана, кўрарсизлар, у ҳокимият тепасида қолади, деган эдим. Рем ва унинг улфатлари учун ким кўз ёш тўкади дейсиз? Улар ким бўпти шунчалик? Германияда ҳозиргача одамлар — Гитлер тарафдори ва унга қаршилар деб икки гуруҳга бўлиниб келинади. Унинг тарафдорлари ҳамма нарсани маъқуллайди, албатта. Унга қаршилар, бахтимизга Рем ва шу тонфадаги кишиларнинг ёнини ҳечам олмаяпти. Бахтимизга дейишимнинг боиси, бизнинг давлатимиз яна, шахдам қадамлар билан олға бормоқда, бизнинг унга суяниб хотиржам ўз ишимизни қилаверишимиз мумкин.

Венцлов аллақачон унинг гапларига қулоқ солмай қўйганди. У ойнадан кечқурунги кўримсиз манзарага, кўлдаги хира чироқларга назар ташлаб ўтирарди. У ер-бу ердагина чироқ кўринган бундай пастқам жойларга кўникиб кета олмасди. Поезд филдиракларининг тақиртуқирига, ҳамроҳининг эзмалик қилишига қарамай, Венцлов энди қоп-қора ўрмон, дала ва кўллар оша унинг қалбига ўрнашган сукутдан бошқа ҳеч нарсани эшитмас эди. Ҳамма ерда — меҳмонхона каравотларида ётганда ҳам, рикшаларда юрганда ҳам, ҳарбий ва ишқий саргузаштлар вақтида ҳам у ватанига қайтиш ҳақида ўй-

ларкан, ниҳоят ўз юртимда тинч ва осойишта ҳаёт кечирсам, деб ўйларди. Назарида, ватани энг тинч жойдай туюларди. Бу тасаввурини ҳеч нарса, ҳатто урушдан сўнги қаср-қусур ўқ товушлари ҳам бузолмас эди. Венцлов вагон ойнасидан шаҳар атрофидаги жойларни томоша қилиб борарди. Бўлажак учрашувлар эсига тушиб, негандир юраги орқасига тортиб кетди.

Силезия вокзалида уни бир тўп одам кутиб олди. У бир полкада хизмат қилган эски ўртоқларини, қайна-тасини, опасини кўриб қолди; кутиб олгани опасининг ҳам чиққанлигига у жуда ҳайрон бўлди. У опасини кўпдан буён эсга олмаган эди. Унинг тўқ кўк кўзлари севинчдан порлар эди. Унинг қўлидан ушлаб олган юмалоқ, хунук шляпали хоним, афтидан ўзининг хотини бўлса керак.

— Қани, тезроқ уйга кетайлик, — деди Венцлов.

Бирдан-бир соғинган одами — Амалия хола уни кутиб олгани чиқмаган эди.

— Уғлимни қачон кўрарканман, деб сабри чидамаяпти-да, — деб қичқирди Мальцан.

Венцлов ўғлини бутунлай унутиб юборганди.

Амалия хола битта-яримтани кутаётгандаги одати бўйича, ранг-баранг ойнали дераза олдида турарди. Венцлов азборойи ҳаяжонланганидан кўзларига ёш келди, лекин ўзини босиб, холасининг қўлини ўпди, холаси эса унинг бошини чўлп эткизиб ўпди; сийрак сочларининг ҳидидан холасининг юраги эзилиб кетди, улар болалик вақтидаги жингалак сочлари сингари хушбўй ҳид таратарди. Холасининг юзи яна ҳам озиб, чўзилиб кетганди. Венцлов унинг сиражини юзига узоқ тикилиб турди.

Амалия хола лабини тишлаганча отанинги ўз фарзандлари билан кўришишига қараб турди. Фриц Венцлов, кўрқувини яшириб, ўтақаси ёрилиб кетган болаларни — эгниларига ироқи қилиб гул тикилган қўйлак кийишган иккита қизчани ва иштон кийиб олган увоққина болани ўпиб, эркалади. Бегона юртларда у одамларга ўғлини кўп мақтарди, уйда эса, сочлари майини, юзлари лўппи, дўбмоқ икки қизчасига кўпроқ меҳр қўйди. Қизларидан каттаси унга кўпроқ ёқди. Унинг боши юм-юмалоқ бўлиб, доим қовоғини солиб турарди, отасининг эркалашларини ёқтирмас, унга шубҳа аралаш узоқдан ўқ-

райиб қарарди. Кичкинаси бўлса, аксинча, отасининг кучоғидан чиққиси келмасди.

Амалия хола бугун меҳмонхонадаги столга дастурхон ёзди. Айтарлик яхши меҳмон қилишга қурби етмаса ҳам, у икки оила аъзолари ҳам бизникига йиғилиши керак, деб туриб олди. У бугунги тантанали учрашувда ўзининг оила бошлиғи эканлигини ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ ҳис этди. Стол атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси ҳам — шу бугун қайтиб келган Венцлов ҳам, жияни Ленора ҳам, Мальцан оиласи ҳам, катта қизи бўлгани учун катталар билан бирга овқатланишга руҳсат этишган қизча ҳам, ҳатто одатда унинг жонига теккан Гельмут Клемм ҳам, қон-қариндошлиги бўлмаган, лекин унинг оиласи шу ерда бўлгани учун келиб-кетиб турадиган Венцловнинг айрим ёр-дўстлари ҳам унинг қадрдон одамлари эди. Агар Венцловнинг оиласи бўлмаса ўтакетган сурбет Штахвиц ҳам, ҳатто бу тантанага автомобилда келиб Венцловни «бўтам» деб чақирувчи адлия маслаҳатчиси Шпрангер ҳам келмасди.

Кенжа қизи Хитойда ҳам қуёнлар бўладими, деб сўради-да, отасининг:

— Ҳа, бор, йўлбарслар ҳам, қуёнлар ҳам бўлади, — деган жавобини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлди.

У ҳар бир таомни алоҳида мақтарди. Амалия хола семиз қуён сотиб олиш учун узоқ вақт пул йиғиб юрди, терисини ўз қўли билан шилиб олиб, ичига қизил карам солганди. Венцлов ўрнидан туриб, Амалия холанинг соғлиги учун қадаҳ кўтарди; Амалия хола севинчидан нафаси сиқилиб, хансираб ҳамма билан қадаҳ уриштирди, кейин ром сепилган пуддинг<sup>1</sup> унга ёқдимикин — йўқмикин дегандек Венцловга кўз қирини ташлади. Пуддинг шундай оғзига солиниши билан эриб кетарди, шунинг учун ҳам Венцлов Осие ва Европанинг ҳамма клуб ҳамда консулхоналарида бир вақтлар еган ҳар қандай ноз-неъматларини эсидан чиқариб юборди. Шу ўтирганларнинг орасида биргина ёш Клеммнинг енгидагина свастика бор эди. Еш, чиройли Клемм кунгабоқар қуёшга қарагандай ҳадеб Венцловга қарайверарди. Уни баъзида раҳмсиз ва ёвуз қиладиган такабурлик чексиз садоқат билан алмашинган эди. Оилавий жанжалларда, мактабда ёки

<sup>1</sup> Пуддинг — хамир, гуруч кабиларни сувда пишириб, тухум ва майиз аралаштириб, кейин товага солиб печда пиширилган таом.

гитлерюгенд ўртасида бўладиган тортишувларда, унинг назарида ҳал қилиниши мумкин эмасдек туюлган масалаларни ҳал қилишда Клемм: «Венцлов амаким келганда сўраб билиб оларман» деган фикр билан ўзига тасалли берарди. Венцлов бу боланинг уни қанчалик яхши кўришлигини сал бўлса ҳам тасаввур қилолмасди. Унинг келиши олдида Гельмут билан холаси ўртасида бўлган суҳбатлар қанчалик нафрат ва умид туғдирганига у шубҳа қилмасди. Кампир боладан кулги аралаш, наҳотки сен амакинг олдида ҳам олипта кийиниб юрмоқчи-сан, деб сўрарди.

Фриц амакиси унинг елкасидан меҳрибонлик билан қучоқлади-да, ўтирганларга:

— Чет элда герман ёшларининг сурати босилган газеталарни кўрганимда, ҳар сафар беихтиёр мана шу боланинг расмини излардим, — деди.

Гельмут шу сўзларни эшитаркан, холасига виқор билан бир қараб қўйди, холаси бўлса жаҳли чиқиб лабларини қимтиди. Гитлернинг образи, аллақарларда, узоқ-узоқлардан кўзга ташланарди, амакисининг аниқ, равшан образини эса анча яқиндан кўрарди. Шунингдек амакисининг образи фюрернинг азиз образига яқин эди, гўё шу юксакликка олиб борадиган йўлнинг ярмида эди. Амалия хола пулига пунш олишни афзал кўриб, бугун ҳам оқсоч ёлламай, Мальцанлар совғаси — қўлбола тортни столга ўзи олиб келиб қўйди. У, торт ўзининг чиройли, жим-жимадор кўриниши билан менинг ширинликларимни босиб кетади, деб кўрқарди. У одамларнинг торт ҳақидаги дабдабали, мақтовли гапларини тинглаб, ичида жуда жаҳли чиқди; у тортни дастурхонга қўйишдан аввал, унга қора, оқ қизғиш байроқча қадаб қўйди.

Амакиси:

— Биз янги давлат байроғи тикилган янги тортни тезроқ қуришимиз учун мана бу тортни шу бола ҳужум қилиб олсин, — деганида Гельмут холасига яна бир ўқрайиб қараб қўйди.

— Уғлимиз кўнглимизни анча кўтарди. У чет элда ҳар бир гапни ўйлаб гапиришни ўрганибди, — деб шивирлади Шпрангер Мальцанга.

Ҳамма стаканлар бўшаб, торт ейилиб, қора-оқ-қизғиш байроқча эса қолган-қутган овқатлар билан гижим-гижим дастурхон устида юмалаб ётганда, меҳмонлар тар-

қалишди. Ильза Венцлов мудраб ўтирган қизини ухлатгани қўшни хонага чиқиб кетди. Фриц Венцлов Амалия хола билан боққа чиқиб кетди.

— Шундай яхши меҳмон қилганинг учун катта раҳмат, холажон,— деди у. Унинг қалби нозик ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган бўлса ҳам у шундан ортиқ ақлли гап топиб айта олмади.

— Келганинг жуда яхши бўлди,— деб жавоб берди хола,— жуда қаттиқ ташвишдаман билсанг. Бу нацистларнинг, мансаб талаб одамларнинг бу ерда қанчалик қутурганини бир кўрсанг эди. Аввалига, Гинденбург бу зотни қўлга олиб, кўпинча у билан юрганини кўриб, бу зот — уларнинг ҳозирги фюрери чиндан ҳам адолат йўлидан бораркан, деб умид қилгандим. У буларнинг ҳаммаси учун кимдан миннатдор бўлиши кераклигини ҳис қилса керак, албатта. На у, на бу билан бирга ҳокимият тепасига келган жаноблар ҳеч нарсани ҳис қилмаганов, деб қўрқаман. Энди бўлса мундирни аллақандай бир муттаҳамлар кийиб юришибди. Улар ёшларни маънавий жиҳатдан бузишяпти. Мана, масалан бизникида Ленора билан Клеммнинг ўғли туради. Гитлерюгенд орасида қанчалик сурбет бўлиб кетганлигини айтсам, ишонмаслигинг мумкин. У бизни уч пулга олмайди, каникулни ўз васийси олдида ўтказиб келгандан кейин-ку, уни сира йўлга солиб бўлмайди. Уни сен қўлга олишинг керак. Яхшиям, у сени илгаридан севади, ҳурмат қилади, ҳар қанча ҳурмат-этибор шунчалик бўлар.

— Биласанми, азизим Амалия хола,— деб гап бошлади Венцлов,— сен шу кунларда содир бўлаётган воқеаларни тўғри тушунишинг керак. Сенга қийин бўлади, албатта. Янги хўжайинларнинг кўпчилиги биз илгари ўйлаганчалик ор-номусли эмас. Лекин мамлакатимиз куч-қудратининг анча ошганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ҳатто узоқ Шарқда ҳам Германияни қанчалик ҳурмат билан тилга олишларини бир билсанг эди. Айни ўша, сени хижолатга қўйган одамлар йўлдан озган оч-яланғоч халқимизни тартибли, чидамли бўлишга ўргатди. Бизга, эски армия вакилларига энди замонавий немислардан туппа-тузук солдат чиқариш анча осон бўлади.

— Ҳа, агар улар сизларнинг қўлингизга тушса.

— Бўлмасам-чи? Гитлерюгенд билан штурмчи ва эсэсчи отрядлари ҳали бу гули, меваси бу ёқда турибди. Бу ишларни зимдан қилиб бориш керак.

— Илоҳо, фақат гули бўлсин, мевасини кўргулик қилмасин! Қандай яхши, сен билан ҳамма нарса тўғрисида бемалол, очиқчасига гаплашиш мумкин! Ахир ўзинг биласан-ку, кўпчилик билан суҳбатлашиш менга тўғри келмайди.

— Кекса Фрицнинг ёшлигини бир эслагин-а, хола! Отаси билан жанжаллашиб қолгани эсингдами. Отаси солдатларидан бошқа ҳеч кимни тан олгиси келмайдиган чинакам солдатлар отахони эди. У флейтани ўғлининг бошига уриб синдирганди. Лекин кейинчалик, ўғли улуф Фридрих қирол бўлгандан кейин, унинг ўзи флейтани ҳеч ким топа олмайдиган жойга яшириб қўйганди; чунки у отасининг ҳақлигини, халқни улуф ишлар қилиш руҳида қандай тарбиялаш кераклигини тушунган эди.

— Ҳа, улуф Фридрих сал кам авлиё эди: ундан ҳамма нарсани ўрганса бўларди,— деб унинг гапини маъқуллади хола.— Айтган гапларингни маънисини тушуниб олишга ҳаракат қиламан. Бу мендай кампирга осон эмас, албатта. Бор энди болам, Ильзангнинг олдига кир. Биришчи кечаниёқ мен билан лақиллатиб ўтказишинг яхши эмас.

У бир оз хижолат бўлиб қўшни уйга кетди. Ҳамма уйқуга ётгандан кейин Амалия хола стол устидан ҳамма нарсани йиғиштириб ҳашаматли дастурхонни эртага эрталабоқ ювиб қўйиш учун тоғорага солиб қўйди.

## У Н У Ч И Н Ч И Б О Б

1

Эрини Касселга юқори мансабга тайинлашганларидан бери Ильза Венцловни энди ҳеч ким кичкина Мальцан деб чақирмасди. Гарнизонда уни илгаридан танийдиган кишилар йўқ эди; Штахвицнинг ҳам қаёққа кетгани маълум эмасди, умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонун эълон қилингандан кейин бировлар янги ишга тайинланди, бошқалар юқори амалга минди, яна бировлар иш жойини ўзгартирди: хуллас ҳаммаси ҳар тарафга тарқаб кетишди. Венцлов аввалига ўзини уйига отпускага келгандай ҳис этиб юрди. Энди бўлса, айрим сабабларга кўра Германияда қола олишга кўзи етиб, бунга ич-ичидан хурсанд бўларди. Хитойга бўлган командировка, бир

вақтлар ҳали ҳеч қаерни кўрмаган Венцлов ҳаётида чуқур из қолдирган бўлса, энди кўп жойларни кезиб чиққандан кейин эса, бу ҳил командировкаларнинг сариқ чақачалик қадри қолмаган эди. У кетгандан кейин Хитойда содир бўлган ҳамма ўзгаришларни, душманнинг унинг кўз ўнгида Янцзини кечиб ўтганини, Қизил Армиянинг «Буюк юришини» Венцлов, тасодифан танишиб чиққан ўлкалар учун табиий бир ҳодиса деб ҳисобларди. У, ўзгалар юртини севиб қолдим, энди ўз ватаним торлик қиляпти, дейдиган кишилар тоифасидан эмасди. Унинг ўз ватанида ҳам истиқболли порлоқ эди: ҳозир, айниқса, келажакда, то пенсияга чиққунча, гўрга киргунча тобора юқори мансабни эгаллай деб, ўлиб-тирилиб ишлашга мажбур бўлмасди. У энди тинч, хотиржам ухларди, ухлашдан олдин ҳам, уйқудан тургандан кейин ҳам зерикиб диққинафас бўлмас, қуруқ хом хаёлларга берилмас эди. Ғоят қийин мақсадларга интилиш ва кундалик оддий ҳаёт олдида, унинг тасодифий хавф-хатарлари олдида қўрқув, қалтираш унинг ёшлиги учун характерли бўлма-са, Венцловни анча ёшариб қолди дейиш мумкин эди.

Ильза Венцлов таниш-билишларини онаси ёки Амалия холанинг ёзма ва оғзаки панд-насиҳатларисиз, ўз билганича меҳмон қиларди. Уйда у икки қизи билан ўғлига худди катта опаларидай эди. Ильза кечалари Венцлов билан болалар тарбиясига онд масалаларни муҳокама қилишар ва аввалига у ўзига анча дуруст, камолатга етган бир аёлдек туюларди, кейинчалик у чиндан ҳам анча нарсани тушунадиган, фаҳм-фаросатли хотин бўлди. Катта қизи Аннелиза шундай қизлардан эдики, бундай қизлар ҳақида оилада: «Ўғил бўлганда ўт-олов йигит бўларди-да» дейишади. Бундай қарашда гўё табиатнинг ўзи аввалига оиланинг ўғил кўриш орзусини рўёбга чиқариш фикридан қайтган-у, лекин энг сўнгги дақиқада уларнинг бу орзусини инобатга олгандай эди. Қизнинг юз бичими ҳам, қомаги ҳам, ҳатти-ҳаракати ҳам ўғил болага ўхшарди, у жудаям ўжар бўлиб, айтганини қиларди, ҳар қандай физкультура машқини усталлик билан бажарарди. У кўп вақтни гитлерюгендда ўтказарди, қизининг бу қилиғини ота-онаси ёқтирмасди. Улар Аннелизани, уни тез-тез чақиривадиган офицерларнинг қизлариникида меҳмон бўлишини афзал кўришарди. Айниқса, Аннелизанинг ўз группасида негадир ишчи ва ҳунармандларнинг қизлари билан дўст тутингани улар-

ни ҳуноб қиларди. Унинг ўз халқи тақдирига ёш боладай қизиқиши уни, шунингдек, шаҳарнинг онаси умрида кўрмаган районларига олиб борарди.

— Фюрер худди шу нарсага эришмоқчи, — деди кулиб Венцлов кечқурун, болалари ухлаб қолганда, саросимага тушган хотинига. — Синфий ғов-тўсиқларга қарамай бутун миллат бир онладек бирлашиши керак.

— Мен бир нарсага тушунмайман, — деб эътироз билдирди Ильза, — Шу кунларда бу қиз, бизнинг қизимиз нега бунчалик ҳаддидан ошиб кетяпти. Сал-пал насиҳат қилмоқчи бўлсанг, дарров юзингга сапчийди.

— Тушунсанг-чи, ахир, — деди куйиб-пишиб Венцлов, — у бизнинг қизимиз бўлгани учун ҳам маълум бир вазифани бажаряпти. Қизимиз онда-сонда тасодифан бориб турадиган онлаларда, унинг шу ишлари туфайли илгари синфларни бир-бирдан ажратиб турган тафовутлар аста-секин йўқолиб бормоқда. Мана шу йўл билан замин ҳозирланяпти, халқни шу замин асосида тарбиялашимиз осон бўлади. Халқнинг бизга тобора ишончи ортмоқда, ишончсиз эса, на уруш, на тинч шароитида ҳеч бир буйруқни сўзсиз бажариб бўлмайди.

Кеңжа қизи эса, аксинча, ота-онасининг измидан чиқмасди. Унинг йўргакдалик вақтидаёқ ҳамма яхши кўрар, келажакда ақлли, зийрак, итоаткор қиз бўлишига ишонишар эди. Марианнани кўпинча ота-онаси, муаллимаси ва кўчадаги ўткинчилар бир эртанинг ўзида шу қадар кўп эркалатишар эдики, онаси Аннелизани бутун болалик ҳаётида ҳеч ким шунчалик эркалатмаган эди. Марианнани онаси қўғирчоқдай қилиб кийинтириб қўяр, отаси эса уни тиззасида олиб ўтирарди. Лекин уларнинг ўртанча қизларини нега бунчалик эркалатишларини — Марианнани дўмбоқ, жажжи, ёқимтой бўлгани учун эркалатишадими ёки доим кулиб туриши, илтифотлилиги учун эркалатишадими билиб бўлмасди.

Болаларининг энг кичиги — ўғилчаси бўлса ўғил кўрамиз деб икки марта умидлари пучга чиққан ота-онасини ўзининг ғалати кўриниши, кулиши, шўхлиги билан хурсанд қилишдан бошқа нарсага қодир эмасди. Бирга хизмат қиладиган кишиларнинг ҳаммаси бир огиздан Венцлов ўғлини кўпроқ яхши кўради, дейишарди. Фрау фон Венцлов бўлса эри билан бирга хизмат қиладиган кишиларнинг хотинларига, эрим ичида кўпроқ кичкина қизини яхши кўради, дерди.

Лекин кўнглининг ҳеч кимга, ҳатто ўзига ҳам маълум бўлмаган қаърида катта қизи — дағал, қўрс, бемехр Аннелиза чуқур жой олган эди. Кечқурун хизматдан қайтиб келганда, қизи уйда бўлмаса ёки ўз группасида ушланиб қолган бўлса, жуда ҳафсаласи пир бўларди. Бу ҳақда заҳарханда билан гапирар, ўзи эса қаттиқ хафа бўларди, чунки уни кўргиси келарди. У қизини, айниқса, хотини ўзича, қизим отасининг аччиғини чиқаряпти, деб ўйлаган пайтларида кўпроқ яхши кўриб кетарди. Венцлов қизини кабинетига чақириб, унга панд-насихатлар қиларди. Аннелиза бўлса сочлари ҳурпайган, оқ кофтаси ғижим-ғижим бўлган ҳолда ёзув столи ёнида бепарво турарди, энгидаги свастикаси бўлса отасининг кўзига балодай кўринарди. Отаси қизини ўқитувчинг ҳам, онанг ҳам сендан порози, меҳмонга чақиришган ерга боришни эсингдан чиқарибсан, полкдаги байрамдан ҳам қуруқ қолибсан, доим аллақарларда санқиб юрармишсан, деб койирди. Аннелиза бўлса пинагини ҳам бузмасди. Венцлов айна вақтда ўзининг бу таъналари қизининг юрак-юрагига бориб тегиши у ёқда турсин, ҳатто сал бўлса ҳам таъсир қилмаётганини ҳис этиб турарди. Қизи жуда илтифот қилса:

— Мен санқиб юрганам йўқ, муҳим топшириқларни бажаряпман.— Ёки:— Бизга, гитлерюгенд аъзоларига бу янглишиш эмас, балки бир бўлмағур нарса,— дерди совуққина қилиб.

Венцлов мушти билан столни урар, қизига ўшқирар эди. Унинг таъналари қанчалик самарасиз, беҳуда бўлса, у шунчалик авжига чиқарди. У қизини қанчалик кўп койиса, унга бўлган меҳр-муҳаббати шунча ортарди. Хизматда одиллиги, қаттиққўллиги билан шуҳрат қозонган одам олдида қиз ўзини қанча совуқ ва бепарво турса, Венцлов қизи билан яширинча шунча кўп фахрланарди, назарида ҳеч бир немис қизи бундай ота олдида ўзини шундай дадил тутолмайдигандай туюларди; Венцлов ўзи қизининг ёшида ҳам, ҳатто ҳозир уч боланинг отаси бўлганда ҳам бундайин қаршилиқ кўрсата олмаган бўларди.

Бу — ўжар қизининг жаҳли чиққан ота олдидаги жавоби эмас, балки ўз виждонидан бир қисмининг иккинчи қисм олдидаги жавоби эканлигини у дилида жуда яхши ҳис этарди. У ҳамкасбларининг национал-социалистларнинг айрим тадбирларига парво қилиш керак

эмас, чунки у минг қилса ҳам Германиянинг аввалги шон-шуҳратини қайтадан тиклади-ку, деган фикрларга қўшилар эди. Гарчи национал-социалистлар баъзан бёмани ва қабиҳ ишлар қилса ҳам, лекин унинг активи ўз тадбирларини амалга оширдилар, Саарни қайтадан бирлаштирдилар, умумий ҳарбий мажбуриятни эълон қилдилар, офицерларнинг обрўини тикладилар. Фақат унинг жиловини қўлга олиш керак.

Қиз бўлса нацистлар партияси ҳақида бутунлай бошқача фикрда эди. Унинг учун бу партия энг биринчи ва энг муҳим куч ҳисобланарди. Отасининг эътирозларини эса Аннелиза шунчаки бир хурофот, эскилик сарқити деб ҳисобларди. Венцловнинг ўзи ҳам энди мулоҳаза қилишни йиғиштриб қўйиб, яхши-ёмонни ажратиб олгиси келарди.

У ўз артиллерия полки бошида Рейн кўпригидан ўтаётганда иккиланишидан асар ҳам қолмади. Назарида у шу пайт ўз миллатининг нималигини тушунгандай бўлди. Юрак уриши билан кўприкдан ўтаётган от туёқларининг дупур-дупури бир-бирига қўшилиб кетгандай эди. Кўприкка қадам қўйишлари биланоқ у нариги соҳилда халқнинг қувонч билан тантана қилаётганини эшитди. Бу ҳайқириқлар Рейнда акс садо берар, улар шаҳарнинг хира қиёфаси акс этиб турган кул ранг — кўк сув томондан келарди. Унинг кўпинча аччиғини келтирадиган қизининг энгидаги свастика энди ҳамма минора ва томларда ҳилпираб турар, сувда акс этар эди. У собиқ поччаси фон Клемм ўз автомобилида шофери билан ағдарилиб кетган жойнинг ёнгинасидаи ўтиб борарди. Бу фалокатдан унинг хабари йўқ эди, хабари бўлган тақдирда ҳам, ҳа ҳечқиси йўқ, деб қўяқоларди. У кўпроқ қизини ўйлар ва фикран ундан узр сўрар эди. Қиз фюрерга жони-тани, бутун вужуди билан ҳеч шубҳасиз содиқ бўлишда ҳақли эди. Ҳар қандай қўрқитиш ва ҳақсиз адоватларга қарамасдан Рейн областини эгаллаган одам, фюрер деб аталишга ҳаққи бор эди.

Энди у олдида бирдан-бир тўғри йўлни — Версалдан то шу бугунги кунгача, шармандаликдан юксалишгача бўлган йўлни кўрарди. Унинг байроқ ва гулдасталар кўтариб олган солдатлари шаънига бўлган олқишлар, шодиёна ҳайқириқлар, кўпинча унинг атрофида

қўрқа-писа, ҳадиксираб гапирадиган юраксиз одамларнинг гап-сўзини, яқин кунлардаги хавфсирашларни, шубҳаларни ва ҳатто, мабодо қуролли куч билан қаршилик кўрсатилса, дарров орқага чекинилсин, деган ғалати сирли буйруқларни ҳам чиппакка чиқарди. Атрофда шод-хуррамлик ҳукм сургани учун Венцлов, Рейн зонасининг қўлга киритилишини бир калтафаҳмлиқ, деб ҳисоблаб юрган хизматдошлари устидан ичида истеҳзо билан куларди. Рейн зонаси қўлга олингандан ва бунга чет эл давлатларидан биронтаси ҳам қаршилик кўрсатмаганидан кейин, Венцловга бу ишнинг бошқача бўлиши мумкин эмасдек туюларди. Гитлерга ҳар томондан қилинган огоҳлантиришлар қўрқув ва ҳадиксирашлар ҳозир ўринсиз бўлиб чиққандан кейин, Венцловга иродасизлик, номардлик, ҳатто сал кам хонлиқ билан қилинган огоҳлантириш бўлиб туюларди. Шуларнинг ҳаммасини ҳеч қандай қаршиликсиз ҳазм қилиб юборган чет мамлакатлари Венцловнинг кўзига шундай аянчли ва кучсиз бўлиб кўринар эдики, улар билан ҳисоблашиб ўтиришнинг кераги йўқ эди.

Лекин Венцлов сира кутмаган айни кўнгли тўқ бўлган нарсасидан ҳафсаласи пир бўлди. У Касселга, энди қизимдан ҳечам гина қилмайман, деган қатъий ният билан қайтиб келарди. Венцлов қизининг давр оқимини ота-онасидан кўра тузукроқ англаганини хотинига ҳам тушунтириб қўймоқчи эди.

Хотини уни ташвишли ва асабийлашган ҳолда кутиб олди: қиз сакраб юриб, ахир бошига бир бало орттирибди. Мусобақа вақтида у гимнастика мачтасидан йиқилиб кетиб, икки қовурғаси лат еб, биттаси синибди.

Қиз ўрнида миқ этмай ётарди. У отасининг гапини индамай, совуққонлик билан бепарво тинглади. У анча шаштидан тушиб қолганди. Венцлов аввалига бунга эътибор бермади. Ахир, Аннелиза шу бахтсиз ҳодисадан кейин ҳам оёғи куйган товукдай югуриб-елиб юролмади-ку. Қизининг зерикканидан ётган жойида китоб ўқиши ҳам уни ҳайратда қолдирмади. Кекса муаллимаси берган китобларни ўқима дейиш ҳам қийин эди. Фрейден Ленертнинг ўз касал ўқувчисини тез-тез келиб кўриб туриши диққатга сазовор эди: Унинг олдига мактаб руҳонийси ҳам кириб турарди, касалларни бориб кўриш, афтидан, унинг вазифаси бўлса керак. Тўғри, руҳонийнинг каравот олдидаги тумбочкада тавротни қолдириши — бу

энди сал бемаънилик эди. Лекин руҳонийни бўйга етай деб қолган қизнинг табиати, кайфиятини билмаганликда айблаб бўлмайди-ку, ахир.

Аннелизанинг атрофини ҳам бир вақтлар отасининг ҳаётини исканжага олган ўша баланд деворлар қуршаб олганди. Бу деворларни Аннелиза туғилиб ўсган муҳит шафқатсиз равишда тиклаган эди; лекин у ердан сездирмай, бир амаллаб чиқиб кетса бўладиган нажот йўллари ҳам тинчларди. Бироқ чиқиб кетиб, зиндонга кўни-киб қолган маҳбусдай яна қайтиб келиши ҳам мумкин эди. Ёки одат бўйича тор доирадаги нарсаларни—дунёда фақат оддий нарсаларни кўриш билан чекланиш мумкин эди. Шу деворлардан ташқарида яшовчилар баъзан ичкарига тасодифанми ёки соқчилардан пропускаи олиб, ишқилиб бир амаллаб киришга мувофиқ бўлардилар. Кекса муаллиманинг худди ана шундай пропускаи бор эди, шундай пропуск руҳонийда ҳам бор эди. Улар турмада бўладиган бу қонуний учрашувга ўзлари билан ҳар хил совға-салом, китоблар олиб келишарди, турли фикр ва гап-сўзлар айтиб кетишарди. Руҳоний ҳар қачон қуруқ келмасди. У бирор гап, фикр айтиб кетарди, унинг гаплари қизга қаттиқ азоб берарди. Аннелиза унинг «худо олдида ҳамма ҳам тенг» деган ҳикматли сўзидан қаттиқ изтиробга тушди, бу гап унга жуда ғалати, ҳеч эшитилмаган гапдай туюлди. Агар бу фикр устида чуқур ўйласанг, шундай ҳаёлларга берилиб кетиш мумкин-ки, кейин сўрашга ҳам юрагинг бетламай қолади.

Чол-кампир Мальцанлар неварамиз Потсдамда, бизникида бир оз дам олиб келсин, деб илтимос қилишди, уларнинг бу илтимосини Венцлов билан Ильза бажонудил қабул қилишди. Амалия холанинг хатини ўқиб Венцлов ҳам кулгиси келар, ҳам хурсанд бўларди. Хатда бундай дейилганди: «Катта қизинг Аннелиза мен кампирни жуда хурсанд қилди. Клеммнинг жувонмарг ўғлидан тортган ҳамма азобларимни қизинг ювиб юборадиган бўлди. Уғил кўрамиз, деб қиз кўрганларингни эшитиб аввал ҳафсаламиз пир бўлган эди. Йўқ, биз янглишган эканмиз. Азизим Фриц, барча орзу-ҳавасингни мана шу қизингдан кўрасан ҳали. Ҳа, гапимга ишонавер — бу қиз умрининг охиригача оиламиз ақидаларига содиқ қолади».

Ильза мийиғида бир кулиб қўйди — афтидан қиз бувисининг уйида жуда одобли бўлиб қолган кўринади.



Қиз аста-секин ўзини мустақил одамдай эркин ҳис эта бошлади. Шунинг учун ҳам у ўзининг руҳий кучини, нималарга қодир эканлигини энди, бу нарсаларни аллақачон эсларидан чиқариб юборган катталардан кўра кучлироқ сеза бошлади. У энди ўз қадрини била бошлади. У ўзининг бутун кучини даставвал гитлерюгенд ишига бағишлагга шошилди. Ота-онасининг панд-насихатлари қизнинг жонига текканди, қиз уларни худбин, риёкор одамлар деб ҳисобларди. Отаси билан онасидаги дворянларга хос такаббурлик — бу бир аҳмоқлик эди. Ирққа хос ғурур ҳам бемаънилик бўлса керак. Борди-ю, руҳоний Шрёдер ҳақ бўлса-чи? Худо олдида ҳамма ҳам тенг бўлса-я?

Тўғри, Амалия хола такаббурликда отасидан қолишмасди. Лекин у билан кўп нарса тўғрисида гаплашиш мумкин эди, бунинг учун унга ошхонада унча-мунча ёрдамлашиб туриш кифоя эди. Унга руҳоний Шрёдер, худо олдида ҳамма ҳам тенг, деб гапирди десанг Амалия хола шундай жавоб берарди:

— Ҳа, худо олдида ҳамма баровар. Лекин бу жойда, ерда, бу дунёда ҳар бир ишни худонинг хоҳиши билан қилишимиз керак, нариги дунёда ҳамма нарсани Гитлер эмас, у, биргина — худонинг ўзи ҳал қилади.

Шу гаплардан кейин яна ҳамма нарса ноаниқ бўлиб қолади. инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатлар ҳам шубҳа остига олинади, шубҳали, жанжалли фикрлар шубҳасиз, аниқ фикрлар, деб эълон қилинади. Қизнинг бу дунё билан у дунёнинг фарқини ажратиш олиши қийин эди. Лекин Аннелиза қисман отасининг гапига, қисман руҳоний Шрёдернинг гапига қўшиладиган кампирнинг олдида ўтиришни яхши кўрарди. Бу хил гаплар Аннелизага ёқарди. Амалия хола ҳам бу хилдаги суҳбатларни яхши кўрарди, чунки унинг мулоҳазаларини чуқурроқ уқиб олишга ҳеч кимда на вақт, на иштиёқ бор эди.

## II

Гельмутнинг васийси. Клемм амаки боланинг марҳум отасига ўхшаб кетарди. Лекин унинг ҳамма нарсаси — катта бурни ҳам, оғзи ҳам, кўзлари ҳам беўхшов; ўзи эса нозик ҳис-туйғулардан маҳрум одам эди. Марҳум Клемм ўзининг зийраклиги, серҳаракатлиги билан ҳар

қандай одамлар орасида ажралиб турарди. Бунда ўша фазилатлардан қилча ҳам йўқ эди. Ҳозир у муҳим бир масала бўйича чақиртирган эсэсчи олдида титраб-қақшаб ўтирарди. Васийлигидаги боланинг тақдири, ҳозирги суҳбатнинг оқибатига боғлиқ эканлиги Клеммни ҳечам ташвишлантормасди. Агар Гельмутни, эсэсчиларнинг ёш авлоди тарбияланаётган фюрер мактабига қабул қилишмаса, унда бола Клеммнинг келажакдаги ҳамма режаларини чалкаштириб юборади; унда фирмага бошчилик қилишни жиянининг қўлига топширишга ноилож мажбур бўлади, жияни ўз ўғилларининг йўлида кўндаланг бўлиб турарди, ҳолбуки Клемм унчалик катта бўлмаса ҳам, лекин ишончли бу амални ўғилларига мўлжаллаб қўйганди.

Шунинг учун у оилавий шароитларни аниқлаб олмоқчи бўлиб чақиртирган эсэсчининг ҳамма эътирозларига кучининг борица қаршилик кўрсатиб, ўз сўзида қаттиқ турмоқчи эди, одатда бунга унинг қурби етмас эди.

— Мен ўз тавсияномамни тегишли жойга юборишдан олдин, жаноб Клемм, сизга бир қанча савол бермоқчиман. Аввало шуни айтишим керакки, мен сизнинг ниятингизни жуда яхши биламан, унга тўла қўшиламан. Лекин, ёш йигитчани давлатнинг энг олий тарбиялаш органига тавсия қилишимда жуда эҳтиёт бўлишим керак. Ўзингиз яхшилаб тўлдирган сўроқ варақасига қараганда, амакиваччангиз ўлгандан кейин фон Гельмут Клеммни ўз васийлигингизга олгансиз, шундайми?

— Жуда тўғри.

— Васийлик қилишингизга сабаб, амакиваччангиз бахтсиз ҳодисадан ўлишидан аввал хотини билан қўйди-чиқди бўлган, шундайми?

— Худди шундай.

— Айбдор томон фрау Ленора фон Клемм бўлган-а?

— Жуда тўғри.

— Мана кўрдингизми. Буни ҳали аниқлаш керак. Имтиёзли ўқув юртининг тарбиячиларига оид ҳамма масалалар охиригача аниқланиши керак.

— Судда гувоҳларнинг далили билан фрау фон Клеммнинг ўйнаши ўша вақтлари кўнгиллилар корпусида хизмат қилган аллақандай жаноб фон Ливен деган одам бўлганлиги исботланди, — деб тушунтирди Клемм. — Иккаласи ўйнашлик қилиб юрган вақтида, Гельмут

қонуний никоҳ билан уйланган амакиваччамнинг, отасининг ҳақиқий фарзанди сифатида дунёга келган эди.

— Амакиваччангизнинг насл-насаби маълум, унда ҳеч нуқсон йўқ. Лекин унинг ота эканлигига қандай далилларингиз бор?

— Уйнаши — жаноб фон Ливен, Рейн областига биринчи марта келганда унинг бригадаси каппчилар фитнасидан кейин Рурдаги қўзғолонни бостиришга сафарбар қилинган эди. Булар судда аниқланган.

— Бу тўғри. Лекин фрау фон Клеммнинг ахлоқи жаноб Ливен билан ўйнашлик қилгунча яхши бўлганлигини қандай исбот қила оласиз? Бу хонимнинг келиб чиқишига ҳеч қандай эътироз билдирмаса бўлади, лекин унинг ахлоқи Ленора хоним эрига унчалик содиқ бўлмаган экан, деб хулоса чиқаришимиз учун асос бўла олади. Ҳамма гап шунда-да. Бизнинг вазифамиз эса — фюрернинг саралаб олинган шогирдлари орасига битта ҳам ярамас, нолойиқ ўсмирнинг тушиб қолмаслигига қараб туришдир.

Клемм, текшириш, аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳар қандай муболаға, ҳар қандай тафсилот бу ерда фақат фойда бериши мумкин, деб ҳисоблаб, зўр бериб эътироз билдира бошлади:

— 1916 йилдан, яъни яраланиб, ҳарбий хизматга яроқсиз деб ҳисоблаганларидан бери мен амакиваччамнинг уйида турардим, ўшандаёқ, унинг йўқлигида рўзғорини ҳам, корхонасининг ишларини ҳам ўзим олиб борардим. Ленора фон Клемм малакали ҳамшира сифатида қайнатасига, менинг амакимга умрининг охиригача қараб турди. Унинг бутун ҳаёти менинг кўз олдимда ўтди, дейиш мумкин. Юқорида номи зикр этилган Ливен билан танишгунча, унинг ҳеч ким билан учрашмаганига кафил бўла оламан. Менинг васийлигимдаги бола — наслимиздаги эркаклар уруғининг каттаси эканлигига қаттиқ ишонаман, шунинг учун ҳам унинг ўз қобилиятига яраша тарбия олишини ва ишлаб, давлатга фойда келтиришни чин кўнглимдан истайман.

Гельмут, агарда уни қабул қилиб қолишса, қачон ва қаерга келиши кераклиги тўғрисидаги энг сўнгги жавобни сабрсизлик билан кутарди. У ўз югендфюрерининг энг яхши одамларидан бири эди. Гельмут ҳамма инстанциялар уни бир оғиздан тавсия қилишаётганини билар-

ди. Шунингдек, у бу ишнинг бир оз ишкали чиқишига онасининг ўтмиши сабаб бўлганлигини ҳам биларди.

Отасининг сурати кечаси ишлайдиган столчасининг устида турарди. Ҳеч ким йўқлигида у отасининг оқ оралаган мўйловига, кулиб турган хунукроқ юзига тикилиб қарарди. У отасининг ўйноқи, шўх кўк кўзларидан, амакисининг отанг Гитлернинг ҳокимият тепасига чиқишига ёрдамлашди, деган сўзлари тўғри-нотўғрилигини уқиб олишга ҳаракат қиларди. Унинг отаси, гўё фюрер ҳали номи чиқмаган, ҳаммага кулги бўлиб юрган вақтидаёқ унинг келажагини, мавқеини кўра олган озгина одамлардан бири бўлганмиш. Урушда ўлим таҳликаси остида тўрт йил жанг қилди; биринчи даражали «темир крест» олди; уч марта оғир яраланди. Гельмут, кейинчалик шоферлик қилган, отаси билан бирга ўлиб кетган деншчик Бекер ҳақида ҳам анча нарсани биларди. Улган отаси ҳақида тўқилган афсонада сўнгги нафасигача ўз хўжайинига содиқ бўлган довюрак Бекерга ҳам анча ўрин берилган эди. Гельмут отаси Версаль шартномасига зид равишда Германиянинг шон-шўхрати учун курашинини давом эттирган вақтда Бекернинг унга фидо-корона хизмат қилганлиги ҳақида урушдан кейин тўқилган афсоналарни ҳам биларди. У ўз югендфюрери Гельбаҳдан амакисининг васийлиги, ота-онасининг автомобиль ҳалокатидан сал олдин ажралишиб кетганлиги ҳақидаги бор ҳақиқатни билиб олди. Гельбаҳ, унинг фюрер мактабига киришидаги энг сўнгги ишқалликка айбдор онаси эканлигини айтганда, боладаги онасига нисбатан бўлган бепарволик газабга айланди. У ўз ёшлигини икки кекса хотин орасида ўтказётганлигидан Гельбаҳга илгари ҳам бир печа бор нолиган эди. Катта бувиси, Амалня холани у сариқ чақага олмас эди, энди онасининг ҳам унинг учун қадри-қиммати қолмаганди. Агар онасининг ҳам, ҳақиқатан ўз онаси эканлиги масаласи отасиники сингари жанжалли бўлганда эди, у ўзини бажонудил ташландиқман, деб эълон қилган бўларди.

Бир куни эрталаб, дарс бошланиши олдидан уни Гельбаҳнинг олдига чақиритиб қолишди. У яхши хабар эшитишини Гельбаҳнинг чеҳрасидан билди. Уни янги йилдан қабул қилишадиган бўлибди. Бу ҳақда даставвал югендфюрерга хабар қилишганди.

Катта бувиси билан онасининг эътирозларига Гельмут дастлабки кунлари худди кулгили бир гапга қўл

силтагандай қўл силтаб қўя қолди. Бувиси билан онаси Гельмутга ёш немис дворянининг ота-боболари йўлидан бориши ва ўз озод ватанида ҳарбий мансабни эгаллаши учун имкон туғилган бир пайтда, бошқа амалга интилиш бир бемаънилик эканини эртаю кеч гапирсалар ҳам, шуни уқдиришга ҳар қанча уринсалар ҳам, Гельмут ҳеч бўлмаса ўзини уларнинг панд-насиҳатларига қулоқ бермаётгандай қилиб кўрсатгиси ҳам келмасди. Унинг тоғаси, капитан фон Венцлов ўзининг биттаю битта ўғлини тез кунда ҳарбий мактабга киргизиб қўяди, отаси эса Версаль шартномаси халақит бермаганда сўзсиз кадр офицери бўлган бўларди.

— Шу гапларингни қўйсанг-чи, ойи,— деб қичқириб юборди Гельмут.— Отамни гапириб нима қиласан, ахир ўзинг ҳам унинг раъйига унчалик қарамагансан-ку.

Ленора бўзарганча ўғлига тикилиб қолди. Кейин ерга қаради. У ўзи кўрмаса ҳам, лекин Амалия хола Гельмутнинг юзига тарсаки туширганини аниқ эшитди.

Бувисининг совуқ кўк кўзларидан ғазаб ўти чақнарди.

— Шундай дейишга қандай оғзинг борди, аҳмоқ?

Гельмут ўрnidан сапчиб турди-да, орқасидан эшикни шарақлатиб ёпиб, тўппа-тўғри Гельбахнинг олдига кетди; ўлсам ҳам Амалия хола билан бир уйда турмайман, деб у Гельбахнинг диванида тунани.

Эртаси кунни Гельбах масалани ётиги билан тушунтиргани бувиси билан онасининг олдига борди. Фрау фон Клемм она сифатида ўғлининг ҳарбий мактабга киришига эътироз билдираман, деса бунга ҳеч ким йўқ демайди. Бироқ бу боланинг бутун келажагини барбод қилиш билан бирга, агар Гельбах бу ишни ҳаммага ошкор қилса, икки хотин учун ҳам бунинг охири вой бўлиши мумкин эди. Бу ўринда тавротни ўрганувчи жамият аъзолари — аллақандай Ленкерт деган эр-хотиннинг тақдирини жуда ибратлидир: улар ўзларининг учта болаларини тарбиялаш ҳуқуқидан маҳрум этилганлар. Бўлмаса-чи! Бу шаҳар аҳолиси ўртасида бутун ёз гап бўлиб юрди. Гельбахга маълум бўлишича, эр-хотин Ленкертларнинг иккаласи ҳам Ораниенбург лагерига жўнатилган.

Ленора индамасди, Амалия хола:

— Биз тавротни ўрганувчи жамиятга аъзо эмасмиз! — деб шартта гапни бўлди.

У ўзи гаплашмоқчи бўлди ва жиянига оғиз очгани

қўймай, унга хос бўлмаган мулоимлик билан гап бошлади:

— Бизнинг дардимизни тушунинг, жаноб Гельбах. Менимча киши дардини бошқалардан кўра сиз кўпроқ тушунасиз. Биз Пруссияни шу даражага кўтарган эски ойлага мансубмиз.— Амалия хола Гельбахнинг яланғоч, сержун болдирига кўз қирини ташлади, у ўз оиласи тўғрисида, турган гап бу хил фикрларни айтолмасди.— Шунинг учун ҳам биз боладан, ҳарбий мансабдан узил-кесил воз кечдингми, деб сўрадик. Ахир фюрер Пруссияни яна оёққа турғизди-ку, офицерларнинг ўғилларига кенг имкониятлар яратиб берди-ку.

Гельбах кетгандан кейин, кўнгли анча ўрнига тушган Амалия хола жиянига:

— Бу тонфалардаги одамлар билан шу хилда гаплашиш керак. Важоҳатингни кўриб дарров билдим, оғзингни очсанг бўлгани, иккаламизнинг ҳам концлагерга тушишимиз турган гап эди.

Жияни турган жойда қотиб қолган эди.

— Бола барибир биздан кетди-ку.

Ленора бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин яна индамади. У ўзини кучсиз, разил, қўл-оёғи боғлидек ҳис этарди. У ўзини шундай куч ҳукмида ҳис этардики, бу куч уни бир зумда йўқ қилиб юбориши мумкин эди. У бу кучга нимани қарши қўймасин — ялиниб-ёлворишлар, ибодат қилишлар, севги ва умидлар — ҳаммаси ҳам шафқатсиз зарба остида қуруқ ҳазондек тўзғиб кетди. Гельбах гапира бошлаганда унинг қўй кўзлари деярли қорайиб кетганди. Унинг билан неча йиллар ёнма-ён яшаган кекса холаси кўз рангининг бу хилда бирдан ўзгаришининг сабабини билиб олган эди.

«Кетди» сўзини эшитиб, унинг кўнгли бир оз ёришди, чехрасига қон югургандай бўлди.

— Эринг билан турганинда аҳмоқлик қилишинг керак эмасди,— деб қўшиб қўйди кампир жаҳл билан.— Энди бунга қуйиб-пишишингнинг фойдаси йўқ. Боланг қўлимиздан чиқиб кетди, уни ушлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ!

### III

Христиан Надлер унинг олдига майхоначининг ўғли келганда жуда ҳайрон бўлди. У бунинг мижози эмасди, у қишлоқ этикдўзи эзма чолнинг мижозларидан эди.

Шунчаки бир меҳмон бўлиб келиши ҳам мумкин эмасди, чунки Христиан сўнги вақтларда умуман ҳеч кимни меҳмонга айтмай қўйганди; уни одамлар билан боғлаб турадиган нарса фақат ямоқ-ясқоқ ишлари эди. Лекин майхоначининг ўгли, ҳадеганда муддаосини айта қолмади, Христиан ўзи эса унинг нима учун келганига сира ақли етмасди.

Меҳмон аввалига унинг устахонасини роса оғиз кўпиртириб мақтади, кейин ёлғизлик ҳақида гапириб, ачиhib узoқ бош чайқади.

— Ҳар кимнинг ўз таъби,— деди Христиан. У меҳмоннинг гапни қасқоқа бураётганини дарров тушуна қолмаганидан жаҳли чиқарди.

— Агар мен ёлғиз турсам, сенга ўхшаб чўлоқ бўлсам, нима қилишимни ўзим билардим,— деди майхоначининг ўгли. Христиан ҳушёр тортди.

— Хўш, нима қилардинг?

— Нима қилардим, шартта битта приёмник сотиб олардим. Уч оёқли столчамда бутун оламдаги гаплардан хабардор бўлиб ўтирардим; бир оёғимнинг йўқлигини сезмасдим ҳам.

Христиан унга кўз қирини ташлаб қўйди. «Бу йигит ҳойнаҳой биронта радиofирмада ишласа керак,— деб ўйлади ичида.— сотилган ҳар бир приёмник учун ширинкома олиб турса керак», у мийиғида кулиб қўйиб, йигитнинг сафсатасига қулоқ соларди. У аввалига радионинг ўзини мақтади, кейин ҳар ким ҳам олса бўладиган арзон приёмниклар ҳақида гапириб кетди. Қашфиётларнинг кўп қисми, дерди майхоначининг ўгли, фақат бойларга фойда келтиряпти. Аммо миллий радио бу бошқа гап; бу тўғриси, одамларга яхши совға. Шундай бўлиши ҳам керак-да! Хўш, нега энди бойлар радио тўлқинни ижарага олишлари керак экан? Йўқ, сен миллат ўгли сифатида уларни деярли текин олишинг мумкин, бунинг учун, сен йўрғалаб юрасанми, ё бир ерда гумдон бўлиб ўтирасанми, сира аҳамияти йўқ.

— Жуда тўғри,— жавоб берди Христиан,— Кечқурун ой ҳаммани барабар ёритади-ку, уни миллий ой деб ўйлайман. Юлдузлар чарақлаганда эса: ана, миллий юлдузлар чарақляпти, деб ўйлайман.— Майхоначининг ўгли Христианга ташвишланиб қаради. Лекин Христианнинг юзи жуда жиддий эди. У яна завқ билан гапира кетди:

— Сен юрмай бекор қиласан-да. Ҳатто катта мажлисларга ҳам келмайсан. Радиодан ҳамма қишлоқ аҳолиси учун муҳим нутқларни эшиттирганда, бу чўлоқ оёғинг билан ҳатто отамнинг олдига боришинг ҳам амри-маҳол. Агар радиоприёмник олсанг, отамнинг олдига бориб ўтиришининг ҳам сира ҳожати қолмайди,— нутқнинг ўзи антенна орқали олдинга чопиб келади.

— Дунёдаги барча нутқлар ҳам-а?— деб сўради Христиан,— жуда зўр иш бўларди-да!

— Йўқ, фақат немисча нутқлар. Биз, ахир фақат немисчани тушунамиз-ку,— деб жавоб берди майхоначининг ўгли.— Бутун дунёдаги нутқларни эшитишинг бизга нима кераги бор: эшитганинг билан, сен уларга барибир тушунмайсан. Агар оёғинг бут бўлиб, меникидан қолишмаган тақдирда ҳам, сен бутун дунёни кезиб чиқолмасдинг-ку.

— Бу гапнинг тўғри,— эътироф қилди Христиан,— одам бир оёқсиз уйда гумдон бўлиб ўтиргандан кейин у ўзича: бошқалар икки оёғи соппа-соғ бўлганидан жуда хурсанд бўлса керак, деб ўйлайди — «Яхшиси, ҳа, сеники маъқул, деб қўя қолай,— деб ўйлади у,— бўлмаса ҳар куни келавериб жонимга тегади, ишлагани қўймайди».

Сўнги вақтларда Надлерлар хўжалиги анча дуруст бўлиб қолди. Лекин бунга аллақандай такомиллаштиришлар ёки мўл ҳосиллар натижасида қўлга киритилган даромадлар орқасида ёнги бутун мамлакатда аҳвол яхшилангани учун эришганлари йўқ. Вильгельм Надлер ҳали ҳам ўша кам даромад билан қаноатланишга мажбур эди, бу даромадлар ҳеч қачон қарзни узишга етмасди; у хўжаликни жуда қийин аҳволдан қутқарадиган на тажрибага, на ортиқча деҳқон кучига эга эди; у бутун туриш-турмуши билан кўпроқ солдат эди, карнай товушини эшитса, бир жойда туролмайдиган аргимок сингари у ҳам сал тревога бўлса плугни қиличга жон деб алмаштирар эди.

Бу орада ўғиллари ҳам балоғатга етиб қолди. Катта ўғли ақлли ва одобли эди. Гарчи у гитлерюгенд ишида индамай қатнашса ҳам, лекин уларнинг ишига ортиқча бир ташвиш ва тўсиқ деб қарарди. «Сариқмашак» лақабли иккинчи ўғли эса ўзини мумкин қадар четга тортиб юришга ҳаракат қиларди-ю, лекин унга йўл қўйишмас-

ди. Каттиққўлликда Вильгельм Надлерга тенг келадигани йўқ эди — у бошқаларга сира бўш келмасди. У ўзи эплаёлмаган нарсанинг ўрнини бошқалар тўлдирishi керак эди.

Энди унинг қўлида бир неча бегона йигит ишларди; улар пичан босиладиган болохонада ухлашарди. Арзи-маган ҳақ учун улар Надлер қўрғонида эртадан-кечгача тер тўкиб ишлардилар.

Улар қаттиқ чарчаганларидан гандираклаб ошхонага киришганларида столдаги картошкали ёвгон шўрвадан буғ кўтариларди. Лизанинг малла сочи худди олтиндай товланарди.

Лиза ҳозир анча хушчақчақ эди. У ўзича Вильгельм иккаламиз бир-биримизга жуда муносибмиз деб ўйларди. Тўғри, Лиза уни эр сифатида ҳечам ёқтирмасди. Унинг қони Вильгельмга қарши исён кўтарарди. Бунинг иложини қилиш қийин эди. Бошқа ҳамма нарсада Вильгельм ҳақ бўлиб чиқди. Улар қашшоқликдан қутулишди, ҳамма ерлари яна ўз қўлларига ўтди. Лекин бу билан эри унинг учун ёқимли, дилкаш бўлиб қолмади; Лиза у билан бирга ўтказган соатларида бир амаллаб чидарди, куннинг қолган вақтлари жуда ҳам яхши, кўнгилдагидай ўтарди; Лизани катта деҳқон хўжалигининг хўжайкасини бутун қишлоқ уларнинг қўлида хизматкорлар ўрнида ишлаётган йигитлар ҳам, эрининг ёр-биродарлари штурмовиклар ҳам иззат-ҳурмат қилишар, баъзида эса ундан маслаҳатлар олиб туришарди. Лиза бўлса терисига сиймай талтаяр эди.

Дарахтзор ердан олинган участкани ишлаш, кейинчалик эса у ерга экин экиш учун озмунча пул талаб қилинмасди. Давлат берган қарзни, инъом деб бўлмасди, албатта, афтидан давлатнинг ҳали ҳамма душманлари қириб ташланмаганлиги учун бўлса керак, қарзни анча проценти билан тўлашга тўғри келарди. Лекин чин сўз бериб, ёки ошна-оғайнигарчилик орқасида баъзан хонаси келиб қолганда, унча-мунча нарсани қўлга туширса бўларди. Бироқ кундаков қилиб олинган участка ҳозирча ҳеч қандай даромад бермасди, олинган ҳосил эса солиқни, процентни қоплашга, у-бу нарса олишга етмасди. Надлер кам-кўстимни қилиш учун кимдан қарз олиб турсам экан, деб яна ўйлашга мажбур бўлди. Христиандан умид қилмаса ҳам бўларди: у кутилмаганда менда бир тийин ҳам пул йўқ, деб қолди.

Букинг устига Надлер ҳамма ишининг кўнгилдагидай, бекам-кўст бўлишини истарди. Дарахтзор участканинг қўшилиши билан, унинг хўжаликдан оладиган даромади анча ошди; наслий хўжаликлар тўғрисида чиқарилган янги қонун таъсирида унинг миясида баъзи бир фикрлар тугилди. Тўғри, унинг хўжалиги қонунда кўрсатилган миқдорда эмас эди; тўғри, ундан келадиган даромад деҳқон оиласини тўла таъминлашга сира ҳам етмасди; тўғри, у ҳали ҳам қарз ва солиқлардан қаттиқ қийналар эди. Бироқ ҳозир Вильгельм шундай роль ўйнар эдики, агар усталик билан иш тутса, империянинг деҳқонлар масаласи билан шуғулланувчи бошқармасида бу нарсаларга унчалик эътибор ҳам қилишмаган бўларди. Ери камлик қилгани учун, отаси бир вақтлар Христианга васият қилиб қолдирган ерни ҳам ўзиникига қўшиб олса зарар қилмасди; ахир, ўша вақтдаги бемаъни қонунлар бўйича мерос бўлиб қолган мол-мулк ўғиллар ўртасида тақсим қилинарди-да. Борди-ю, бу ҳақда гап бўлиб қолса, Христианга компенсация тўланганлигини исботловчи далил йўқ. Лекин Христиандан қўрқмаса бўлади, уни қўлга олиш осон.

Лекин Надлер бу тўғрида илтимос қилиб ариза берган эди, сира кутилмаган рад жавобини олди. Жавоб хатида ҳукумат тўла-тўқис текширмасдан туриб, рўйхатга янги наслий хўжаликларни мумкин қадар киритмаслик тўғрисида яқинда тегишли органларга қатъий буйруқ қилди, дейилган эди. Илгари кўз юмган ёки кўрса ҳам кўрмасликка олган арзимас нарсаларга энди тиштирноғи билан ёпишиб олишгани шундай кўриниб турарди. Вильгельм Надлерга векселни тўлашни мажбур қилишди, бунинг устига укаси ўз улушидан сира ҳам воз кечмоқчи эмас. Кейин маълум бўлишича, вексел бир вақтлар қандайдир йўл билан Надлерга мутлақо нотапиш бўлган бир одамнинг номига ёзилган экан. Надлер ўз вақтида қарздор бўлган Леви аллақачон чириб кетганди, шунинг учун Вильгельм қарзим ҳам у билан бирга чириб кетган, деб ҳисобларди. Лекин ҳамма иш сен ўйлаганча эмас, дейишди унга. Вексель яҳудий билан бирга концлагерда йўқ бўлиб кетгани йўқ. У Леви ҳаёт вақтидаёқ бошқа одамларнинг қўлига ўтиб кетган.

Бир куни эрталаб Вильгельм оғир қадам ташлаб Христианнинг уйи томон кетганда, бутун қишлоқ аҳоли-

си, қани нима бўларкин, деб зўр қизиқиш билан кузатиб турарди. Христиан айвонда уч оёғида ўтирар эди. У акасининг авзойидан, унинг нима учун келганини дарров фаҳмлади-ю, лекин хотиржам қўлидаги нарсасини тикаверди.

— Сени бу ердан ҳеч ким ҳайдаб чиқармоқчи эмаску,— деди акаси тўппа-тўғри.— Уша бир парча ернинг кимнинг қўлида бўлиши сен учун барибир эмасми; сен бизникидай шундай катта ишни уддалай оласанми? Ахир, устахона очишинга ҳам мен ёрдам бердим-ку. Хотиржам бўл, ернинг ҳақини ҳам тўлайман, ҳозирча сен ундан воз кеч, ўзингга яхши бўлади.

— Буни ҳаблингга ҳам келтирма,— деб жавоб берди Христиан.

Вильгельм унга кўзини чақчайтириб қаради. Христиан бошини ишдан кўтармади, лекин акасининг дўқ ураётганини сезиб, қўшимча қилди: — Нега дағдага қиласан? Бошқалар, аксинча, ўз хўжалиklarини наслий хўжаликларга қўшиб қўймасин деб ўлиб-тирилишади. Улар кичик болаларининг ҳеч нарсасиз, қуп-қуруқ қолишларини истамайди, мол-мулкнинг фақат катта болаларига мерос бўлиб қолишни сира ҳам иштасмайди. Улар бизга майорат<sup>1</sup> нинг нима кераги бор, биз аслзодалар эмасмиз, дейишяпти. Улар, ўз мол-мулкларини кўнгли истаган одамларга мерос қилиб қолдиришни хоҳлайди.

— Бу аҳволда хусусий ерларнинг яна ҳам майдаланиб кетишини улар тушунишмайди. Улар ҳамма болаларини бутун дунёга тарқатиб юборишмоқчи; агар мен айтгандай қилишса, ҳеч бўлмаса битта ўғли ҳар томонлама таъминлаган бўлади ва бошқа укаларига ёрдам бера олади. Ҳа, айтмоқчи, сен аллақандай жаноб Штроемейер ҳақида ҳеч нарса эшитганинг йўқми?

— Бу номни энди эшитишим.

— Уша ярамас мендан қарзинг бор деяпти. Леви эсингдами?

— Бўлмасам-чи; у менинг олдимга ҳам тез-тез келиб туради. Мен баъзида нақд пул билан, баъзида қарз олганинг тўғрисида берган тилхатларинг билан унинг овозини ўчирдим,— деб жавоб берди Христиан.

<sup>1</sup> Майорат — Капиталистик мамлакатларда феодаллик замонидан қолган ворислик тартиби.

— Бундан чиқди, мен сенга ҳамма пулни беришим керак экан-да?

— Ҳозирча бир нарса деб бўлмайди, кўрармиз,— деб қисқача тушунтирди Христиан.— Бу жуда эски гап, вексель ҳойнаҳой бошқа одамларнинг қўлига ўтиб кетган бўлса керак. Эҳтимол, Штроемейернинг қўлидадир, ким билади. Ундай бўлса, у энди, менга берадиган пуллари ҳам сендан талаб қилишга ҳаққи бор.

Бу икки ака-ука ўртасида бўлиб ўтган можарони эшитган деҳқонлар ҳайрон бўлиб қолишди. Вильгельм оёқларини кериб, қўлларини ёзиб турди, важоҳатидан худди ҳозир укасига ташланиб қоладигандай бўларди. Христиан бўлса, унга орқасини ўгириб, бамайлихотир ўз ишини қиларди.

— Шу ҳам иш бўлдим! Қим айтади сени ука деб! Ўлгунча хасис, очкўзсан,— деб бўкирди Вильгельм ва шундай ер депсиндики, Христиан шартта ўгирилди. Вильгельмнинг юзи қаҳр-ғазабдан қизариб кетганди.— Аблаҳ, разил! Нима керак сенга? Бир ўзинг, сўққабош бўлсанг, на оиланг, на дўст-ёринг бўлса.

— Ҳали кўрармиз,— деди секин Христиан. Гарчи Вильгельм Христианнинг нима демоқчи бўлаётганини очиқ-ойдин билмаса ҳам, лекин укасининг эски, аллақачон унутилиб кетган оилавий можаролар ҳақида ўйлаётганига фаҳми етиб қолганди. Ҳамма мол-мулкка фақат катта ўғилнинг меросхўр бўлиб қолишини укаси ҳечам истамас эди.

— Хўш, сен нима демоқчисан, қўтир ит?— деди Вильгельм ғазаб билан бўғиқ овозда.— Сенинг бу гапингни қандай тушуниш керак?

— Мана бу бошмоқларга қара, кўрдингми қанча, шуларнинг ҳаммаси мисоли менинг болаларим.— Бу гапни эшитиб Вильгельмнинг жазаваси тутиб кетди:

— Э, разил маймоқ-эй!— деди у ғазабдан титраб-қақшаб.— Сенга ўқ ҳам ҳайф, бўлмаса шу топда унингни ўчириб қўярдим.

Христиан, гўё елкасидан қутурган хўкизни — Вильгельмни ирғитиб ташлаётгандай, бошини енгил чайқаб қўйди.

— Сен гапга тушунсанг-чи, Вильгельм,— деди у яна ҳам овозини пасайтириб,— ахир, векселнинг қўлимдан кетганига анча вақт бўлди-ку, у Штроемейерда.— У ўзича жуда ҳам ҳимоясиз қолмай деб, ҳар эҳтимолга қарши.

битта-яримта ишончли одам топиб қўйишга қарор қилди.

Вильгельм кечқурун юрагидаги бор дардини Лизага тўкиб солди. У устма-уст ичар ва ҳадеб сўкинарди. Эрининг келажакка тузган режалари Лизага доим ёқарди. Унинг ўзи ҳам хўжаликни кенг йўлга солиб, беҳад мол-мулк орттиришни орзу қиларди.

— Унинг қандай разил, аблаҳ одам эканлигини, мана энди кўрдингми, Лиза, мен унинг шайтонни ҳам алдаш қўлидан келадиган тулки эканлигини билардим. Хурсанд бўлишинг мумкин, энди бизнинг катта ўғлимизни дарбадар қилмоқчи. Тур, йўқол кўзимдан, аблаҳ,— деб ўшқирди у кенжа ўғлига ва уни бир тепди.

Аввалига Лиза Вильгельмнинг гапини тинглаб, унга қўшилиб газабланди, жаҳли чиқиб эрининг гапини маъқуллаб турди, кейин ўйланиб қолди, охири бориб жим бўлди. Бирдан у эридан нафратланди. У барча сир-асро-рини ундан яшириб, эрига ишонмай қўйди.

Христианнинг олдига чопиб боришга энди унинг юраги бетламасди. Христианнинг уч оёғи тагида энди бўри-босар зотидан бўлган ориқ бир итнинг доим қимири эт-май ётишини Лиза экинзордан туриб кўрарди.

#### IV

Бир вақтлар Ливен банкчи Геймсининг ўз банкасидан бирор иш бериши учун роса ҳаракат қилган эди. Ишга айтарли кўнглига ёқмаса ҳам лекин ўчиб-ёнувчи рекламалар фирмасининг агенти бўлиб ишлашдан кўра ўлса ўлиги ортиқ эди. Геймс кўпни кўрган, мард, бақувват чол эди, мўйловининг учи кўзойнагининг ойнасига тегай-тегай деб турарди. Ливеннинг нацистлар билан алоқаси борлигини ундан мумкин қадар яширишга ҳаракат қилишарди. Ливен ўтакетган миллатчи-ку, лекин гитлерчилар билан сира ҳисоблашмайди, дейишарди. унга. Бир куни Ливен тўсатдан унинг кабинетига эсэсчиларнинг қора мундирида кириб борганда, чол кўзини чақчайтириб юборганидан кўзойнаги бурнидан сал бўлмаса тушиб кетай деди. Кейин у Ливеннинг ҳеч қандай адовати йўқлигига қатъий ишонди, демак, Гитлернинг ҳокимият тепасига келишидан анча бурун ўз қўлида эсэсчининг ишлаганидан фахрланса бўлар экан-да. Энди Геймс, мен Ливеннинг қанақа одамлигини, нима ишлар қилишини ал-

лақачонлар билиб олгандим деб, ўрни келса мақтаниб кўярди. Унинг бундай феъл-атвори Ливенни зимдан хурсанд қилар эди. У ишда тез кўтарилди. Бошлиғи Геймс бўлса-ку, яна ҳам тез кўтариларди; уни ҳар қандай молиявий бошқармаларга, кенгашларга, комитетларга аъзо қилиб қўйишди. Ливен чет тилларини яхши билганидан, рус ишлари билан шуғулланувчи бўлимда мустаҳкам ўр-нашиб олди.

Кўп ўтмай:— «Геймс чолни қандай қилиб қўлга олса бўларкин, ахир Ливен унинг ўнг қўли-ку» деган гаплар кўп эшитиладиган бўлиб қолди. Ливен аҳдлашувчи томонларнинг савол ва жавобларини паст ҳамда баланд овозда таржима қиларди, бунда у савол-жавобнинг ишига алоқаси йўқ жойларини тушириб қолдирарди.

Нима ҳам бўлиб руслардан биттаси:

— Исми-шаърифингизга қараганда, Болтиқ бўйида туғилиб-ўсганга ўхшайсиз-а,— деб сўраб қолди.

— Мен Петербургда катта бўлганман, шу ерда ўқи-ганман,— деди, кейин:— Биз иккаламиз иккита ёш давлатнинг вакилимиз,— деб қўшиб қўйди.

— Бошлиғингиз, жаноб Геймсда бу нарса унчалик сезилмайди,— деди рус, ҳар бир сўзини дона-дона қилиб.— Менимча у билан биринчи даъфа Берлинда учраганимиздан буён жаноб Геймс анча қартайиб қолибди. Йигирманчи йиллар эди. Биз ўшанда энди-энди музокаралар юрита бошлаган эдик. Сизнинг Геймсингиз ўшандаёқ анча қари эди. Ушандан бери кўп замонлар ўтиб кетди, лекин у ҳамон ҳаёт. Бақувват чол!

Ливенга иш юзасидан аллақандай бир шартнома тузгани Ригага бориб келишга тўғри келди. Бу унинг нацистлар партияси бўйича бошлиғи учун жуда қўл келди. У консуль ва нацистлар партиясининг чет эл ташкилотлари учун жуда кўп топшириқлар олди. Жўнаш арафасида Зиберт уни ўз олдига чақирди. У бир вақтлар Ланквидда бирга яшаган ўқитувчи хотинга аллақачонлар ўйла-ниб олганди. Уларнинг учта боласи бор эди, Ливен бу оила билан танишишни, борди-келди қилишни сира иста-тамасди, чунки ишдан кейин бу оила уни тез зериктириб юборарди. Уларнинг ейиш-ичиши ҳам, насл-насаби ҳам, доим эр-хотин Зибертларнинг тотувлиги устида боради-ган гап-сўзлар ҳам унинг нафратини кўзғарди. Эр-хотин Зибертлар ҳамма масалаларда — болалар тарбиясидан тортиб, Коммунистик Интернационалга қарши тузил-

ган битим, Ҳабашистон билан бўлган уруш, ҳўл сабзавотнинг фойдаси сингари қатор масалалар юзасидан бир хил фикрда эди. Бу ерда доимо ҳўл сабзавотдан чиройли, ҳуштағм овқат тайёрланиб столга тортиларди. Лекин Ливен мумкин қадар кечроқ овқатланиш ниятида ҳар қандай таомни ҳам емас, турли ноз-неъматларга ўла дастурхонни бузишга кўзим қиймаяпти, деб баҳона қиларди.

У бу сафар баттар зерикди. Зиберт ундан мерос қолган ер-мулкингиз Ригага яқин бир жойда дейишади, шу ростми, деб сўраганидагина, у сесканиб тушди.

— У аллақачон ўша разил Латвия давлатига ўтиб кетган. Амакиваччам компенсацияга олган арзимас пулга ўша заҳотиёқ деҳқон қўрғонини сотиб олган. Етмаганини қариндош-уруғлардан қарз олиб тўлаган.

— Амакиваччангиз ўзини-ўзи ўлдирди шекилли?— деб сўради Зиберт, гўё буни шунчаки гап орасида сураётган бўлиб.— Нега шундай қилди?

— Мен бу нарсага мутлақо қаршиман,— деди фрау Зиберт,— лекин черков назарда тутган сабабларга кўра эмас, бутунлай бошқа сабабларга кўра. Мен бунга одам худо унинг жонини олгунча кутиб туриш кераклиги учун эмас, балки унинг ҳаёти фюрерга қарашли бўлгани учун қаршиман.

— Мен ҳам бу фикрга тўла қўшиламан,— деб унинг гапини маъқуллади Зиберт.— Хотиним жуда тўғри айтди: яшашни истамаслик — демак фюрерга ёрдам беришни истамаслик деган гап. Хўш, амакиваччангизга нима гап бўлди?

— Арзимаган нарса,— деб жавоб берди Ливен,— ишқий можаро. Оғир ярадор бўлгандан кейин унинг асаблари ўша вақтлардаёқ, Болтиқ бўйида турган вақтларидаёқ бутунлай бўшашиб қолган эди.

— Ростини айтсам, мен амакиваччангизни ўз-ўзини ўлдирдиш ўттизинчи июнь воқеалари билан боғлиқми-кан, деб қўрққан эдим. Ҳа, айтмоқчи, аввалига сизда ҳам ғалати бир хусусият сездим,— деб қўшиб қўйди Зиберт кулимсираб.— Нима десам экан, сиз менимча ҳеч нарсага жиддий қарамагансиз.

— Ҳар бир нарсага жиддий қарашимга энди ишонч ҳосил қилгандирсиз деб ўйлайман,— деди қуруққина қилиб Ливен.

— Мен буни кези келгани учун айтдим-да,— бўлма-

са ўз шубҳаларим ҳақида оғиз очмасдим. Болалар ҳам бир кунда катта бўлмайди. Биз тўрт йил муқаддам қайтадан туғилган эканмиз, демак ўз болаларимиздан салгина каттамиз.

— Мен бу ҳақда кўп ўйлайман,— гапни илиб кетди Зибертнинг хотини.— Бизнинг болаларимиз чиндан ҳам учинчи империя билан тенгқур.

Шу кунни кечасиёқ Ливен Темпельгоф даласига жўнади ва самолёт учиб кетгунча аэропортнинг кутиш залида ўтирди.

Унинг самолётда биринчи учиши эди. Одатдагидан бошқа бир шароитга тушиб қолган кишиларнинг ўзини қандай ғалати тутиши доим унинг ғазабини келтирарди. Шунинг учун ҳам Ливен ҳозир ўзини бошқа пассажирлар олдида хотиржам, доимо самолётда учиб юрган одамдай қилиб кўрсатмоқчи бўларди. Кўшниси, «И. Г. Фарбениндустрія»нинг директорларидан бири Ригида озгина тўхтаб, Узоқ Осиёга бориши керак эди. Улар бир-бирлари билан кўкдаги булут қучогида ва осмонда танишиб олдилар, ерда иккаласининг ҳам бир хил нарсаларга қизиқиши маълум бўлди, самолёт кабинасининг ойнасидан ерни назардан кечириш ва уни оралаб ўтиш жуда осондек туюларди. Директор Клеммнинг Амэнебургдаги фирмаси билан, унга Ливеннинг амакиваччаси раҳбарлик қилган илгари вақтда ҳам, ҳозир, янги раҳбар бўлганидан кейин ҳам, алоқа қиларди.

— Рейн кўпригидан ўтаётган вақтда автомобиль сувга тушиб кетиб ҳалок бўлган ўша Клемм эсингиздами Ливен?

Ливен бу Клеммни ҳам уруш вақтидаёқ, Берлиндаги тўс-тўполонлар, Рурдаги жанглар вақтидаёқ таниганлиги учун йўлда сира ҳам зерикмади. «Э, ахир мен унинг хотини билан айланишган эдим-ку!» — деб эслади Ливен, кейин қўшнисига, жаноб фон Клемм жуда дилбар, серғайрат одам эди, деб мақтаб қўйди.

— Буниси на ақлда, на ишда амакиваччасининг тирноғига ҳам арзимайди,— деди кончерва директори,— лекин унинг учун марҳум амакиваччасидан ибрат олишнинг ўзи кифоя қилади. Фон Клемм ўша вақтлардаёқ Гитлери зўр бериб қўллаб-қувватлаган эди; унинг, сизлар Гитлерининг қадрига етмаяпсизлар, деб оғиз кўпиртириб гапиргани ҳали-ҳали эсимда.

Улар манзилга яқинлашиб келарди. Ливен дарё тар-



моғини ва Дален оролини таниди. У, ҳамроҳларига, амакиваччам мана шу атрофда ярадор бўлган эди, деб бир жойни кўрсатди. Инглизлар ўшанда бу шўрнинг қурғур давлатга большевикларни чапга, герман кўнгилли корпусларини ўнгга сиқиб чиқариш учун озмунча пул сарф қилишдими. Энди бу гўё герман ва рус чегаралари ўртасидаги эгасиз бир ердай бўлиб қолди. Ҳамма пассажирлар Двинани Днепрга мумкин қадар тезроқ қўшиб, Болтиқ денгизи билан Қора денгизни бир-бирига сув йўллари орқали боғлаш керак, деган фикрга келдилар. Улар ерга ўз ҳамроҳларидан жуда хурсанд бўлиб қўндилар, энг муҳими улар ўз-ўзларидан мамнун эди.

Ливенни олиб кетгани консулхонадан машина юборишди. Ливенни Геймс фирмаси билан нацистлар партияси тавсия қилган эди. Нонушта вақтида консулхона амалдори ундан, бу ерда именингиз йўқмиди, деб сўради.

— Ҳазимники йўғ-у, лекин амакиваччамники бор эди.

— Биз эски оқсуяклар вакилларини бажонудил қабул қиламиз.— Консулхона амалдори ҳамма гапдан хабардор экан.— Амакиваччангиз ўлган-ку, ахир. Тинч замоналар бўлса, имене сизга мерос бўлиб қоларди.

Ворис бўлишни Ливен хаёлига ҳам келтирмаган эди. Буни орзу қилишнинг ўзи бир бемаънилик эди. Ливен ўзини кузатиб борувчи одамга, у билан бирга шаҳар атрофини айланиб келишини илтимос қилди ва унга ҳам, эрталаб вақт ўтказиш учун самолётдаги ҳамроҳларига нималар тўғрисида гапирган бўлса, яна ўша гапларини такрорлади; фақат машинада, самолётдагига қараганда хотирига яна ҳам кўп нарсалар келди.

Имениедаги уйда энди битта латиш оиласи истиқомат қиларди, ерлар ижарага берилган ёки хўжаликнинг бошқа соҳалари, масалан, балиқ дудлайдиган корхона, сут фермаси, темирчилик ишхонаси сингари тақсим қилиб берилган эди. Идораларнинг кўпчилиги қайтадан қурилган ёки бузиб ташланган эди. Лекин ҳозирги хўжайин, коммерсант, асосий биноларга тегмаган эди. Афтидан уни тош устунли пештоқлар мафтун қилган бўлса керак. Александрийск услубидаги устунлар Ливеннинг эсида яхши қолганди, лекин улар унинг хотирасида яна ҳам баланд, яна ҳам оқ бўлиб гавдаланар эди. Болалигида у каретадан худди мана шу ерда тушарди, у ганикулда келганда Рига вокзалидан каретада келарди

У ҳаммадан олдин аравакашни учратарди. Еш холаси уни одатда остонада кутиб оларди. Ливен унинг қўлини чалп этказиб ўпар, холаси бўлса унинг бошини қўллари орасига олиб, юзидан қаттиқ-қаттиқ ўпар эди. Унинг пахмоқ сочидан хушбўй хид келарди. У бу учрашувнинг завқини поездаёқ ҳис этган эди, холасини кучоқлашини ҳам, кучоқламаслигини ҳам билмасди. У доимо қўлини ўпиб қўя қоларди. Элизабет ҳам онасидай латофатли, қадди-қомати келишган бўлиб, ғамгин ва ғалати қилиб жилмаяр эди.

Консулхона чиновниги, унга таваккал қилиб хўжайинлар олдига кириб чиқишни таклиф қилди. Уйда хотиралар яна ҳам жонланиши, равшанланиши ўрнига аксинча хиралашди. Ўтмишдан жуда оз нарсалар: зина, камин, бир неча ойнагина эсда қолганди. Ҳа, асл зинадан асар ҳам қолмаганди. Уй турли эски-туски нарсалар билан тўлиб-тошиб кетганди, янги хўжайин шу эски-тускилар билан жуда фахрланар эди, бу одам пулдор бўлиб, бу ерда фақат ёзда турса керак. У Ливеннинг сўзларини аввалига хомуш, кейин эътиборсиз тинглади; Ливен ҳаётининг энг бахтиёр кунларини ўтказган жойларни кўришни ёшлигидан орзу қиларди. Хўжайин уни чойга таклиф қилиш кераклигини фахрлаб қолди. У семиз, қўпол одам эди; қорни катталигидан шимининг устки тугмаси солинмас эди. У меҳмонларга, сабзавот экиб, парранда асраётган боғини кўрсатди. Гарчи унинг юзи илгаригидай ҳеч нарсани акс эттирмаса ҳам лекин бутун туриш-турмушидан, ўзини тутишдан, муомаласидан: «Эҳтимол, сен ҳаётининг энг яхши дамларини шу ерда ўтказгандирсан, лекин ўзинг ҳам кўриб турибсанки, сенсиз ҳам жуда яхши турибмиз» дегиси келатгани шундай сезилиб турарди. Янги помешчик беадаблик қилиб чой келтирган оқсочга бақариб юборганда Ливен ҳамроҳига қараб бир кулимсираб қўйди, оқсоч, кекса, қош-қовоғи осилган деҳқон хотин хўжайиннинг буйруқларини сўзсиз бажарар эди. Унинг буйруқ бериш оҳангидан: «Кўряпсанми, хизматкорларни сенсиз ҳам ишлата оламиз, буйруқ қилиш ҳам қўлимиздан келади» деган маънони уқиш мумкин эди.

Элизабет орзу қилган нарса бу ердан топилиши гумон. Бир неча тош устун, бир неча зина қолибди холос, қолган ҳаммасининг кули кўкка совурилибди.

Ганс бошмоғини ечди; пайпоқда секин ота-онасининг каравоти олдига борди-да, одеяли тагидан ялтираб чиқиб турган Мариянинг сочидан тортди. Мария, ўгли Гешкени уйғотиб юборишдан чўчиётганини фаҳмлади-да, яланг оёқ ошхонага лип этиб кириб кетди.

— Мана бу пакетни яхшилаб беркитиб қўй, сира ҳам топиша олмасин,— деди у.

У ўғлини қоронғида кўриш учун синчиклаб тикилди; камарининг тўқаси ялт-ялт қиларди. Лекин шу пайт пивоходнадаги чироқни ҳам ўчириб қўйишди. Кўчани кесиб ўтиб, уларнинг ошхонасига тушиб турган сўнгги нур ҳам сўнди. Пастдан, пивоходнадан чиқаётган одамларнинг ғовур-ғувури эшитиларди.

— Сенинг ҳам Гейнерга ўхшаб ўлиб кетишингни истамайман,— деди Мария.

Бир-биридан алоҳида, шаҳарнинг бошқа-бошқа жойи да яшовчи бу икки оила ҳам Гейнер ўлимининг сабабини уч йилдан бери сир сақлаб келишарди. Эри ўлар ҳолатда яраланиб келган кечаси Елена эмизган кичкина қизча аллақачон болалар боғчасига қатнарди. Гестапо, Гейнернинг қандай қилиб ўлганлигини шу-шу аниқлолмади ва ўшанда на унинг таниш-билишларидан, на шаҳар чеккасидаги Брица деган жойда кассир онаси билан турган Гродан сўраб-суриштирди. Врач Гейнерни қутқариб қололмади, у фақат унинг ўлими ҳақида қалбаки гувоҳнома ёзиб бера оларди. Шу ишнинг қатнашчилари индамасдан юрганлари сари, ўша даҳшатли туннинг мудҳиш сояси улар устига бало-қазодай бостириб келарди. Елена бадий тўрлаш устахонасига ҳали ҳам бориб турарди. Уч-тўрт кунли бахтдан кейин, унинг юзи ёшлигида, уни кўча болалари мазах қилиб юрган пайтлардаги сингари яна хунук бўлиб, буришиб кетди. Онанинг ниҳоятда эҳтиёткорлиги туфайли Гро савдо мактабига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Кичик Бергер мажбурий меҳнатни адо қилиб келди. Ганс ўқишни давом эттирди. Слесарь ўз шогирди билан фахрланса, Ганс ўз муваффақиятлари билан фахрланарди. У уйига доим мукофот, мақтов қоғозлари олиб келарди ва дунёга келган куниданоқ юқори миллатга мансуб эканлиги, иззат-эҳтиром ҳамда даҳшат келтирувчи мамлакатда яшагани учун ҳам кўпгина бошқа одамлар фойда-

ланаётган имтиёзлардан бу ҳам бемалол фойдаланса бўларди. Йўқ, у яна аллақандай танишлар орттирди, уни яна хавфли ишларга торттирди.

— Мен сени бунинг учун туққаним йўқ,— деб ўзича мингиллади Мария.

— Хўш, нима учун туғдинг бўлмаса?

Мария унга ҳайрон бўлиб қаради. Ошхона қоронғи бўлса ҳам у Ганснинг юз ифодасини шундай аниқ тасаввур этардики, гўё ҳозир уни аниқ-равшан кўриб тургандек бўларди.— Сени гестапода қийнашлари учун эмас, албатта!— деди у эшитилар-эшитилмас.

— Бўлмаса уруш учун эканда, а? Бошқаларни ўлдиришни ўрганишим учун экан-да?

— Йўқ, бунинг учун ҳам эмас; мен доимо сен аллақандай бир яхши нарса учун яратилгансан, деб юрардим,— деб жавоб берди у.

— Худди шундай бўлиб чиқди-ку. Мен чиндан ҳам бошқаларга кўра мардроқман. Бизда бундай ишларга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Агар қўлидан ҳар бало келадиган одам топилмаганда, эҳтимол, биз шу қилган ишимизнинг ярмини ҳам қилолмаган бўлардик.

У бепарволик билан ўрнига бориб ётди. Эртадан ташвиш тортса бўлади; ҳозирча эса бир неча соат бўлса ҳам мириқиб ухлаб олиш керак. Франц ҳарбийда эди, шунинг учун ҳам Ганс каравотда бир ўзи ётса бўларди. Уйқу аралаш у онасининг ошхонадаги жавонни жойидан силжитаётганини эшитди. Афтидан, жавон тагига битта-яримта нарсани яшириб қўйган бўлса керак.

Мария полга ўтирди-да, унинг бир тахтасини кўтарди. Бундай тугун учун шунинг ўзи кифоя эди. У ёриқ жойдан қўлини пастга тикди. Гешкенинг эски латтага ўралган милтиғи ҳали ҳам ўша ерда ётарди. Унинг милтиғини қидиришиб топилмаган эди. Солдатларга ўз қуролларини маълум ҳақ эвазига қайтариб беришни таклиф қилишганларида, Гешке пулга учмай уни сақлаб қўйган эди. Ҳатто Гитлер даврида ҳам уларнинг оиласидан ҳеч ким шубҳаланмасди. Гешке кўпдан буён янги тушунчаларни миясига тўла сингдириб ололмайдиган, қўрқоқ, ғамгин одам сифатида, ном чиқарган эди, лекин унинг ҳеч қандай зарари тегмасди. «Қизик,— деб ўйларди Мария,— милтиғи эсидамикин?»

Бола унга шундай илтимос билан мурожаат қилганда Марияни босган қўрқувдан энди асар ҳам қолмади.

Бундан ўн икки йил муқаддам Гансни унинг олдига усти-боши дабдала бўлиб, қонга беланган ҳолда олиб келишган вақтдаги сингари ҳозир ҳам Мария ичида ишонч билан: унга ҳеч нарса қилмайди — у тегирмонга тушса ҳам бутун чиқадиган хилидан, деб қўйди. Мария Гешкенинг ёнига кириб ётди; Гешке яна от-арава паркида ишлай бошлагандан буён хотиржам, тинч ухлай бошлаган эди.

Эртасига Ганс уйдан чиқиб кетаётиб: — Мени кутма, кеч келаман, — деб қичқирганда, Мария гўё шу йўл билан балонинг олдини олиш мумкиндай, кўнглини ғаш қилаётган ўй-фикрларни миясидан чиқариб ташлагандай эди. Уларниқига меҳмон бўлиб келган Елена ошхонада стол ёнида ўтирарди. Гешке неварасини эркалатарди. Гешке ўглининг гапини эшитиши биланоқ қошқовоғини осилтириб олди.

— Уни раъйдан қайтарма, дада, — деди Елена. — У бугун гитлерюгенд клубига бориши керак, бошингни тошга урганинг билан фойдаси йўқ, сабр қил, ҳаммаси ўтиб кетади.

— Балким, — деб жавоб берди Гешке. — Лекин қачон? Мен гўрга кирганимдан кейинми? Худди бир чақмоқ қанд учун симдан-симга сакраб ўйнаган маймунлар сингари, одамлар хурсанд бўлганликларидан бир оёқларида ўйинга тушишяпти. Йўқ, ҳеч нарса ўз-ўзидан гумдон бўлмайди.

Елена опасига бир қараб қўйди. Унга онаси ҳамма нарсани жуда яхши тушунадигандай туюлди. Отасига ҳам бор ҳақиқатни айтиб қўя қолса ёмон бўлмасди. Лекин у шундай чарчаган, шундай эзилган, шундай умидсизликка тушганки, бу хил нарсаларни сир сақлай олармикан? У кексайиб, сочида битта ҳам қораси қолмаган эди. Елена, гарчи онаси кулиб, хотиржам кофе қуяётган бўлса ҳам, юрагида оғир дард борлигини биларди. Еленанинг билишича, Ганс опасига ҳеч нарсани гапирмасди, онаси бўлса, Ганс ҳамма нарсасини опасидан сир тутарди, деб ўйларди. Шундай қилиб, улар иккаласи ҳам, Еленанинг қизчаси сингари ҳеч нарсадан хабар бўлмаган отаси олдида ўзларини хотиржам тутардилар.

Ганс уйга бу сафар ҳам қайтиб келди. У бошмоғидан букланган қоғозни олди-да, уни дераза токчасида яхшилаб текислади.

— Ойи, сен ҳеч бўлмаса, яширган нарсангни нима-

лигини билиб қўйишинг керак. — Йўлда келаётиб тўсатдан унинг миясига шу фикр келди: агар уни қамоққа олишса, аҳтимол бутун оиласини қамаб қўйишар, унда онаси яширган нарсасини шу кўйи кўролмайд қолади.

— Бу қуш қиёфасидаги Европанинг сурати, унинг қаноти бор, оғир танаси уни доимо пастга тортади, қанотлари эса уни юқори кўтарошга ҳаракат қилади. Танасининг ўртари, бу Германия, кўряпсанми, худди свастикага ўхшайди, бир қаноти — Россия, иккинчи қаноти — Испания, чунки у ерда озодлик кураши кетяпти. Мен буни ўзим ўйлаб топдим, ўз қўлим билан солдим. — Гарчи ҳаммасига тушунмаса ҳам, Марияга сурат ёқди.

— Ҳа, жуда яхши, қани энди шуларнинг ҳаммасини бошқаларга ўзинг тушунтириб беролсанг...

Гарчи у доимо ўглининг қилган ишини ўз кўзи билан кўришга ҳаракат қилса ҳам, ҳозиргига ўхшаш ҳар қандай варақа, ҳар қандай плакатни кўрганда, бу ўғлимнинг иши эмасмикин, деб ўйласа ҳам, лекин ўглининг чинакам ишини кўришга камдан-кам муяссар бўларди. Заводнинг баланд трубасида тўсатдан, қизил байроқ ҳилпираб қолди, баъзилар кулиб, баъзилар дарғазаб бўлиб, гўё нарвонга совун суртиб қўйилганмиш, шунинг учун ҳам байроқни дарров олишнинг иложи бўлмади, деб сўз қилишарди. Эмилия хола ўзининг почта қутусидан олган варақада ҳам Франция ишчиларининг кураши тўғрисида ва яна халқ fronti деб номланувчи баъзи нарсалар тўғрисида ҳикоя қилинарди, универмаг витринасига бўр билан солинган ўроқ ва болға сурати ҳам — шуларнинг ҳаммаси ўғлимнинг иши деб ўйларди у. Ганс эски дўстларининг ҳам, бу ишга унинг сингари берилиб кетганлигини, уларнинг ҳам бундай оғир, мушкул ишларни қилишга қодир эканликларини гапирганда, Мария: «Бундай ишлар фақат ўғлимнинг қўлидан келади» — деб ўйларди.

Сўнги кунларда Мария, ўглининг уйда жим ўтиришидан жуда ҳайрон эди; у зимдан ўглининг юмалоқ гарданига қараб кўярди, шунда Мария тўсатдан ўглининг бошига аллақандай бир мусибат тушганлигини ҳис этди, бу нарса унинг ҳар бир соч толасида сезилиб турарди. Тўсатдан у яна ўзини ўғли билан бирга тор бир камерага, уларнинг ғам-ғуссасига шерик бўлолмаган бегона одамлар орасига тушиб қолгандай ҳис этди. Майда-чуйда ғам-ташвишлардан, севинчлардан унинг

мияси ғовлаб кетганди, хотиралар учун унда жой қолмаганди. Фарзандлик қайғуси унинг юрагини чўғдек куйдирган тақдирдагина, Мария, ўтмишни сира ўйламагани учун бу ўтмиш хотирадан ўчиб кетмаслигини тушунди. Ўтмиш унинг вужудига шу қадар сингиб кетган эдики, Мария учун уни ўйлашнинг кераги йўқ эди. Бошдан кечирмаган, ёт нарсалар ҳақида беихтиёр кўп ўйлайсан. Кишининг жони-танига сингиб кетган нарсани ўйлашнинг ҳожати йўқ. Лекин болага азоб бераётган нарса нима? Қўрқув эмасми, унча-мунча чўчиш, хавфсираш, ҳадиксирашларни ҳисобга олмаганда, у умумаън қўрқув нималигини билмасди, полиция, турма, жазо ва ўлимдан сира қўрқмасди, уларга тик боқарди.

Бўлмаса нима энди? Севгими? Йўқ, унга ҳали биронта ҳам қиз ёқиб қолгани йўқ, Мария бунинг зимдан кузатиб юрарди. Тўғри, баъзида малла сочли, қора сочли, сочини жингалак қилган ёки силлиқ қилиб тараган қизлар келиб-кешиб турарди. Уғлидаги завқ худди ёруғлик сигнали сингари бирдан ёниб, бирдан сўнарди. Нега энди ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ у уйда узоқ-узоқ ўтирадиган бўлиб қолди? Иккови уйда бир неча соатлаб бирга жуда камдан-кам ўтирарди, лекин бу кишига хурсандчилик бағишламайди, аксинча кишига азоб беради.

— Гронинг олдига бориб келсанг бўлмайдимми?— деб сўради Мария. Гансни кўпинча потаниш йигитнинг онаси, фрау Гродан рашк қиларди, Ганс онасидан кўра кўпроқ ўша хотиннинг айтганини қиларди. Фрау Гро, Мария, эшитмаган, унинг эсига ҳам келмаган масалаларга кўпроқ тушунарди. Ганс турли маслаҳатлар билан Брицга тез-тез бориб турарди.

— Улар жўнаб кетишди,— деб қисқагина тушунтирди. Мария, ўглининг жуда нозик жойидан ушлаганини дарров сезди.

— Лейшцигга, қариндошлариникига кетишди,— деб қўшиб қўйди Ганс совуққина қилиб.

— Кўп вақтгами?

— Бутунлай,— деб жавоб берди у энсаси қотиб.

У бирдан ўридан туриб кетди.

— Бориб Еленадан билиб келаман, Оскардан хат бормикин-йўқмикин.— Лекин у охирига бормади; уч остановка қолганда тушиб, одати бўйича, ёшлигида жони-дилдан яхши кўрган дўсти Мартиннинг уйи олдидан ўтиб кетди. Деразадан ҳеч ким кўринмасди, уй қоп-

қоронғи эди. Беш йил муқаддам у бу уйнинг эшик ва деразаларидан, Мартинни кўраманми, деб беҳуда мўралаб қараган эди. Уй эгалари кулимсираб: «унинг қаёққа кетганини ўзимиз ҳам билмаймиз»— деб жавоб беришарди. Ганс кўпинча шаҳар ўртасида ўрта бўйли, боши юмюмалоқ кишини кўриб қолса, унинг орқасидан чопиб қоларди. У, афтидан, ҳар бир одамда, йўлда учраган ҳар бир дўстликда дўстига хос бўлган аллақандай бир фазилатни қидирар эди. У ўзича: мен сира ҳам ўзгарганим йўқ, деб ўйларди; битта одамга кўнгил қўяман-у, у бўлса мендан узоқлашади, мен яна якка қолавераман, бутун дунё кўзимга тор кўриниб кетади.

Тўппа-тўғри Еленанинг олдига бориш ўрнига, у ён томондаги кўчага бурилиб, Мартин илгарилари келиб-кешиб турган кофе ёнидан ўтди. Печакгул чирмашиб кетган панжара орқасидаги тротуарда учта кичкина стол турарди. Сўлиб, сарғайиб кетган печакгул ҳам унга ўша вақтлари катта бир гулзордай туюлганди, дўстининг ҳар бир оғиз сўзи дунёдаги ҳар қандай нарсадан муҳим эди. У ўзича: «Ҳамма гап ўшанда бошланди; шу-шу мен тинчимни йўқотдим» деб ўйларди. Печакгул чирмашган, чанг босган панжаралар ҳали ҳам тротуарнинг бир қисмини тўсиб турарди. Ганснинг бўйи ўсиб кетганди, панжаранинг тепасидан бемалол қарай оларди. Стол ёнида бир одам ўтирарди, у Мартинга ўхшаб кетарди. Агар тикилиб қаралса, унга унчалик ўхшамасди, албатта; у одам ўрта бўйли бўлиб, нимасидир Мартинга тортиб кетарди. Боши ҳам юм-юмалоқ эди.

Ганс ҳалиги одамнинг ўридан турганини кўриб, орқасига бир қадам тисарилди. Ганс ўзини ўнглаб олиб, унга томон юрди. У, ёш бўлсам ҳам, қани, ўзимни бир синаб кўрай-чи, деган қарорга келди. Ганс унинг ёнидан ўтаркан, чўнтагидан чиқиб турган бошмалдоқларига кўзи тушди; Мартин қўлларини доимо чўнтагига солиб, бошмалдоқларини эса сиртига чиқариб турарди. Ганс нотаниш кишининг юзига назар ташлади. Мартин ўрта бўйли эди; илгарилари Ганс унга пастдан қарарди, энди бўлса тепасидан қарашга тўғри келди. Шу вақт ичида у анча ўзгариб кетганди, лекин юмалоқ боши ўша-ўша юмалоқлигича қолганди. Қисқ кўзлари ҳам илгаригидай тетик ва шўх боқарди, яна нимасидир илгаригича қолганди, бироқ нималигини билиб бўлмасди, ҳолбуки қанақа одамлигини фақат шу нарсага қараб билса бў-

лади, у нарса мунтазам ўзгариб туради-ю, лекин барибир асдини йўқотмайди.

— Мартин,— деди Ганс.

Ҳалиги одам қайрилиб қарамай, бепарволик билан нари кетди. Ганс, шунчалик ўхшашлигига қарамай, дарҳақиқат янглишган эканман-да, деб ўйлади. Лекин нотаниш одам муюлишда тасодифан қайрилиб қараганда, Ганс у мени пайқади-ю лекин танимади шекилли, деб ўйлади ўзича. Енгидаги свастикани айтмайсизми! Бундан ташқари Ганс бу вақт ичида анча ўсган эди. Мартин бўлса ўша-ўша кичкиналигича қолибди: катталар ўсишмайди. Ганс кўп ўйлаб ўтирмай, ҳовлидан лип этиб ўтди-да, Мартин тушган автобусга чиқиб олди. Мартин кўриб қолмасин, деб Ганс автобуснинг орқа томонига ўтиб турди. Автобусдан тушиши билан Мартин ҳушёр тортди. Ганс одамларнинг кўнглидагини, нима дсмоқчи бўлаётганини уларнинг юз ифодаларидан дарров билиб оларди, айниқса Мартиннинг ичидагисини яхши биларди. Ганс унинг нима ҳақда ўйлаётганини дарров билиб олди: «Тўғри, бу йигит менинг изимга тушган. Бугун уни иккинчи марта учратишим бежиз эмас». Ганс қадамини тезлатди-да, бориб унинг енгидан ушлади. Мартин тўхтади-да, йигитчага хотиржам тикилди; кўзлари яна ҳам баттар қисилиб кетди.

— Мартин,— деди Ганс.

— Сиз янглишдингиз,— деб жавоб берди нотаниш киши. У ҳужжатларини олгани чўнтагига қўл солди.

— Мана шу ишинг чакки,— деди Ганс.— Сени чақиришганда, нега дарров ҳужжатларингга қўл чўздинг. Наҳотки мени танимасанг?— Нотаниш одам унга тикилиб қаради-да: «Ҳа, бу Ганс шекилли; у мени таниди, энди ҳеч иложи йўқ. Қочсам, барибир изимга тушади» деб ўйлади. Ганс бўлса: «Қандай қилиб мен уни дарров танидим-а? У жуда ўзгариб кетибди. Мўйлов қўйибди, юзига чаңдиқ тушибди, у бутунлай бошқача бўлиб кетибди; илгариги Мартиндан асар ҳам қолмабди».

— Оббо, Ганс-эй! — деди Мартин.— Сен жуда ўсиб кетибсан-ку. Шу беш йил ичида афти-ангоримиз ҳам, ички дунёмиз ҳам анча ўзгарибди.

Ганс ўзича: «У мени, сўнгги йилларда дунёдаги ҳамма одамлар ўзгариб кетди, деб ишонтирмоқчи бўляпти. Лекин ўзи ҳечам ўзгармабди. Унга ўхшаган одамлар ўзгармайди. Мен унинг бир фазилатини яхши кўраман,

бу сира ҳам ўзгармайди. Мен унинг бу фазилатини ҳали тентак болалигимдаёқ сезгандим. Уша фазилати ҳали ҳам бор. Фақат у менга унчалик ишонмаяпти.

— Мартин, азизим, юр, кафега, учрашганимизнинг шарафига бир ўтирайлик,— деди у.

Мартин ўзича ўйлади: «Яхшиси у билан борай. Битта фирманинг ишлари билан айланиб юрганимни унга гапириб бераман; энг муҳими шошмаслик керак».

У ёнғоқ қўшиб пиширилган пирожное билан кофе буюрди. Ганс пирожноени қўлига олиб кулимсираганда Мартиннинг юраги орзиқиб кетди. «Мен бир вақтлар бу болани жон-дилимдан яхши кўрардим. Кўрган одам сизларни ота-ўғил деб ўйлаши мумкин-а, деб ҳазиллашарди Герлах. Ҳамма билган нарсаларимни унга зўрлаб бўлса ҳам ўргатишга ҳаракат қилардим; унинг учун сен жавоб берсан деб, ўзимни ишонтариб қўйгандим; мен, у бутун ҳаётида ҳеч кимнинг тузоғига илинмаса, алданмаса, кўрқмаса дердим, шунинг олдини олишни истардим. Хўш, ўша жавобгарлигимдан ҳозир нима қолди? Ёнғоқ қўшиб пиширилган пирожноени мазза қилиб ейиш-у, енгидаги свастика».

— Энди сен зўрсан,— деди у,— сизлар учун, гитлер-югенд учун жуда кўп ишларни қилишяпти!

Ганс: «Нега у мени лақиллатяпти? Нега у менга ишонмаяпти?» деб ўйлади-да:

— Бунинг бир бемаъни нарса эканини ўзинг ҳам яхши биласан-ку. Ҳа, ёшларни деб ҳозир кўп ишлар қилиняпти, ёшларни урушга тайёрлашяпти,— деди у ғамгин.

Мартин: «Йўқ, сен мени бу масалада алдаёлмайсан, уларни бу хил суҳбатлар учун махсус ўқитишади, албатта. Гарчи мен унинг виждонли, тўғри йигитлигига қатъий ишонсам ҳам, лекин гапига учмаслигим керак» деб ўйлади.

— Сизларга шу хил маслаҳатлар берувчи одамларнинг ҳали ҳам борлигига ишоналмайман,— деди у.

— Шундай одамлар борки, уларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Испаниядаги алғоқ-далғоқлардан кўришиб турибдики, уруш бўладиган. Нима, бизларни бу ерда ҳеч нарса билмайди, деб ўйлайсанми? Нега мўғом-бирлик қиялсанг?— деб сўради Ганс.

Бу орада Мартиннинг мясига шундай фикр келди: «Балким мендан аллақачон шубҳаланиб қолишгандир? У менинг қаёққа кетаётганимни сезиб қолди, шунинг учун Испаниядан гап очди».

— Буларнинг ҳаммасини қилаётган большевиклар, улар бутун Европага ўт қўйишда Испаниянинг бир гу-гурт ўрнида ишлатилишига умид боғламоқдалар,— деди у эшиттириб.

Ганс: «У менинг битта ҳам гапимга ишонмаяпти!» — деб ўйлади хафа бўлиб.

— Сени шундай соғиндимки,— деди у яна,— сени бир кўриш учун ҳаётимни ҳам қурбон қилишга рози эдим. Кўриб турибманки, учрашишимизнинг ҳечам фойдаси йўқ экан. Нима ҳам қилдик, ажрашиб кетаверамиз-да! Биламан, сен ўзгармагансан. Лекин сенга адресимни беришга, керагида маслаҳат сўраб тур дейишга ҳаддим сизмайди. Чунки менга ишонмайсан, ишонгин деб мажбур қилолмайман ҳам.

Мартин: «Энг аввал мен ўзимга ишонмайман, бир вақтлар ўша болага сарф қилган ўз кучимга ишонмайман, ўша кучдан ҳозир ҳам қолганлигига ишонмайман» деб ўйлади.

Ўсмирнинг энгидаги свастика кафе ва кўчалардаги гиж-гиж одамлар орасидан аниқ ажралиб турарди.

— Шошма, ўтир. У ёқ-бу ёқдан гапириб бер. Шу вақтгача нима иш қилдинг? Хўш, эски таниш-билишларнинг аҳволи қалай?— деб сўради Мартин.

Ганс яна ўтирди. У бисотидаги бор бойлиги — ўзининг доғ тегмаган, меҳр-муҳаббатли пок қалбини унга қандай очишни билмасди.

— Хўжайкангнинг эри аллақачон ўлиб кетди,— деди у бир оз тортиниб,— бундан ўзингнинг ҳам хабаринг бўлса керак. Хўжайканг уйини опасники билан алмаштирди, опаси ёмон хотин эмас. У опамни ҳам танийди.

— Хўш, иккала жияни нима бўлди? Улар гитлер-югенддами? Каттаси ҳойнаҳой штурмовик бўлса керак?— деб сўради Мартин.

— Кичиги ҳозир мажбурий меҳнатни адо этипти; каттаси менга почча бўлади. У опам Еленага уйланди: эсингдами, сен бир вақтлар бир одамдан иккинчи одамга бутун шаҳар орқали ўтувчи аллақандай ип тўғрисида гапиргандинг, аввалига бу ип жуда ингичка, мўрт бўлади, узилиб кетиши мумкин, лекин у мустаҳкам, пишиқ матога асос бўлиши ҳам мумкин, дегандинг ўшанда. Мен ҳаммасини эслаб қолганман.

«Борди-ю, у айёрлик қилмай, тўғриси айтиётган бўлса-чи,— деб ўйлади Мартин,— унга хиёнат қилаёт-

ган бўлсам-чи. Демак, ҳали ҳам умид қилса бўлади. Демак, мен бир вақтлар унинг миясига қуйган фикрлар ҳали ўлмаган экан. Демак, қўлим баланд келибди-да».

— Поччанг, ҳозир ҳарбийми?— деб сўради у.

Ганс йўқ дегандай бош чайқади-да, унга хўмрайиб қараб:

— У ўлган,— деди.

Иккаласи ҳам бир-бирининг кўнглининг энг чуқур жойига назар ташлашга, бутун сир-асрорларини билиб олишга ҳаракат қиларди.

— Биз варақалар ёпиштираётган эдик; унга ўқ тегиб ярадор бўлди; уйга бир амаллаб олиб келдик; у ўлди, битта-яримтадан шубҳаланишмасин, деб унинг нима учун ўлганини ҳеч кимга билдирмай, бости-бости қилиб юборишди.

Мартин: «Ишонмаслик қанчалик қийин, шу билан бирга ишониш қанчалик оғир!»— деб ўйларди.

— Мен сендан ҳеч нарсани яширмадим, чунки сенга ишонман,— деб сўзида давом этди Ганс,— сенинг эса бундай қилишга юрагинг бегламасди. Мана ҳозир ҳам юрагинг дов бермаяпти. Аввалига қараганда сал кўпроқ ишонсанг кераг-у, лекин барибир шубҳанг бор.

Мартин: «Ҳа, ишонишга ҳаққим йўқ. Унинг ҳали менчалик ҳафсаласи пир бўлган эмас. У ҳали менчалик кўп алдангани йўқ», деб ўйлади ичида. Уларнинг столидаги бўш жойларга бегона одамлар келиб ўтиришди. Ҳар қайсиси ҳам ўзларини гоҳ мутлақо якка, гоҳ бир-бирига чамбарчас боғлиқ, деб ҳис қиларди.

— Уйингга бир мартагина борсам, деб юрардим. Мен буни кўп йиллардан буён орзу қиламан. Ҳозирги бутун ҳаётим учун энг зарур бўлган нарсани биринчи марта сеникида тушунган эдим.

— Ҳаётинг учун зарур бўладиган нарсаларни сен ҳали кўп учратасан.

Ганс бош чайқади:— Қим билади, дейсан, ахир, жуда ёш ўлиб кетишим мумкин. Поччам жуда ёш ўлиб кетди-ку.

## У Н Т У Р Т И Н Ч И Б О Б

### I

Улар иккаласи ошхонада ўтиришарди.

— Менга қара, Гешке...— деб гап бошлади Мария,

Гешке шартта бошини кўтарди, Мариянинг овозидан, унинг аллақандай бир муҳим нарсани гапирмоқчи эканлигини фаҳмлади.— Менимча, у балоғатга етди. Бундай нарсаларни тушунади; менимча унга сен...— у аллақандай бошқача бир сўз қидирди-ю, лекин тополмади,— сен унга ўз отаси эмаслигини энди айтишинг керак. Бу сўзлари Мариянинг ўзига ҳам ёқмади, лекин негалигини билмасди.

Гешке унга ҳайрон бўлиб қаради, Мария стол устидан бир ғалтак ипни олди-да, қўлида айлантира бошлади.

— Унга айтишинг ҳожати йўқ, Мария,— деди у.

— Нега энди? Ахир, барибир билиши керак-ку. Ҳар ким ўз отасини билиши керак.

— Ахир, буни ўзинг ҳам аниқ билмайсан-ку. Хўш, унга нима дейишинг мумкин? Ун етти йил ичида ҳеч бир янги гап эшитганинг йўқ. Ахир, у ўша вақтларда ўлиб кетган-ку,— деб жавоб берди Гешке.

Мария тикиш билан овора бўлди. Албатта, Гешке ҳақ. У йигит ўша вақтда ўлиб кетган. Мария ўша билганидан ортиқ ҳеч нарса билмайди. Мария Эрвин ўз кулбасига қандай қиёфада кириб келган бўлса, ҳозир ҳам уни худди ўша қиёфада тасаввур этарди. Унинг зинадан тез-тез чиқиб келаётган оёқ товушлари Мариянинг қулогига ҳозир ҳам эшитилаётгандай бўларди. Уни эсласа, ҳозир ҳам юрагида илиқ ҳис-туйғулар уйғонарди.

— Биласанми, ҳадемай, Ганс мажбурий дала ишларини бажаришга кетиши керак. Бу унинг уйдан биринчи марта кетиши бўлади, бу жуда муҳим қадам. Шунинг учун ҳам унинг ҳамма гапдан хабардор бўлгани яхши деб ўйлайман,— деди Гешкега тушунтирган бўлиб.

Гешке унинг гапини шартта бўлди:

— Йўқ, йўқ, гапира кўрма. Оғиз очмайман деб ваъда берганинг-ку. Ваъданга вафо қил-да. Унинг билишини истамайман.

— Хўш, нега энди гапирмаслик керак? Ахир, у ёш бола эмас-ку! Буни сир сақлаш менга оғир.

— Йўқ, оғиз оча кўрма. Нима, мен уни ўз фарзандимдан кам кўрдимми?

— Бундан кейин у сени яна ҳам ҳурмат қиладиган бўлади; у энди ёш бола эмас-ку, ҳамма нарсага ақли етади.

— Мария, биз иккаламиз бола кўрганимиз йўқ, лекин бир-биримизнинг болаларимизга доим ғамхўр, меҳрибон бўлдик. Катта ўғлим ўлди. Елена мана анча вақт бўлди,

биз билан турмайди. Франц-ку менга худди бегонадек. Унинг ҳозир қанақалигини ўзинг кўриб турибсан. Мен нацистларни ёмон кўриб келганман, ҳозир ҳам ёмон кўраман, бундан кейин ҳам ёмон кўраман. Улар менга иш беришди, лекин барибир уларни кўрарга кўзим йўқ, чин юракдан ёмон кўраман.

«Нега буларни гапириб ўтирибди? Ганснинг бунга нима даҳли бор?» деб ўйларди Мария.

— Ганс акасига ўхшамайди, у билан баъзида бир-икки оғиз гаплашса бўлади. У менга Францдан ҳам азиз. Гансдан ҳам жудо бўлишни истамайман.

— Бўпти, ундан жудо бўлишни истамас экансан, кераги йўқ,— деб унинг гапини маъқуллади Мария.

— Агар иккаланг бўлмаганда, мен эҳтимол нацистларга қарши, аллақачон бирор чора кўрган бўлардим. Уларнинг юзига бор ҳақиқатни шартта-шартта айтган бўлардим. Мен уларга, сиз бизни лақиллатмоқчисиз, бизни авраб-савраб йўлга солмоқчисиз, дердим. Ўзингиз ғоз гўшти ейсиз-у, бизга бўлса, оғзимизнинг суви келмасин, нолимасин, газабланмасин, исъён кўтармасин деб, суяк ташлайсиз, дердим. Мен худди шундай дегим келади.

«Буларни менга нега гапириб ўтирибди»— деб ўйларди Мария.

— Мен шу гапларни очиқ юзига айтардим-у,— деб сўзида давом этди Гешке,— бироқ, сенларнинг ҳам бошингизга бир бало орттирмай деб шаштимдан қайтдим. Ахир, Ганс ҳаётга энди қадам қўйди-ку. Кўра-била туриб ўз оиламни нобуд қила оламанми? Мен ўзимни ўйламайман. Ҳаётим кўзимга заррача кўринмайди.

Мария бўлса: «Бу фикр Ганснинг хаёлига ҳам келмаганди. У менга сира ҳам ачинмайди. Лекин бу билан мени камроқ яхши кўрадими? Ёки мен уни камроқ севаманми?» деб ўйларди.

— Чурқ этсак бўлди, улар кулимизни кўкка совуришади. Улар ҳар биримизни нима кўйга солса, барча халқларни ҳам шундай кўйга солишяпти. Шунинг учун ҳам улар жудаям зўрайиб кетган. Агар сен Гансга бор ҳақиқатни гапириб берсанг,— куйиб-пишиб сўзида давом этди Гешке,— сен мени ундан, энг сўнги суянчигимдан жудо қилган бўласан. Мен буни ҳозир истамайман. Эшитяпсанми, истамайман.

— Ҳа,— деб эшитилар-эшитилмас жавоб берди Мария.

Улар бир оз вақт жим ўтиришди. Мария хаёлига келганини гапириб солди. Жимлик уни қаттиқ эзарди.

— Трибелнинг хотинига эри билан кўришиб, ўн минутча сўзлашишга рухсат беришибди. Ўзи гапириб берди. Эри ҳали ҳам концлагерда экан. Ахир ўзинг ўйлаб кўр, ўн минут дийдор кўришиш учун шундай узоқ жойга бориш, шунча пул сарф қилиш ҳазил гапми!..

— Демак Трибель ҳали тирик экан-да,— деди Гешке маъюслик билан ва дераза тоқчасига бориб ўтирди. У Трибелнинг аччиқ тутун босган ўша ифлос кўчадан ўтиб бораётганлигини кўз олдига келтирди, қўлларини жаҳл билан ҳадеб силкитаётганини, мазах қилиб оғзини қийшайтираётганини, унинг ўткир ва совуқ кўзларини, у билан оқоп ва пивохоналарда бўлганини, ўттиз иккинчи йилнинг қаҳратон қишида, сўнги намойиш вақтида кафеда бир кружкадан иссиқ кофе ичишганини эслади. Трибелнинг аччиқ-аччиқ истеҳзоли гапларини, юз кўрмас бўлиб уришишганда эса, чиқиб кетаётиб эшикни таққлатиб ёпганини яна эшитгандай бўларди.

— Кейинги моянамдан Трибелнинг хотинига эшик тирқишидан бир оз пул ташлаб кетаман: кимдан эканлигини билиши шарт эмас — деди у.

Мария иш тикиб ўзича ўйларди: «Рост, айтмайман деб ваъда бердимми, Гансга оғиз очмайман. Лекин Трибелнинг хотинига эшик тирқишидан — пулни ким ташлаб кетганлигини, унга секин шипшитиб кўяман. Бола буни эшитиб хурсанд бўлади. Ўз отаси ким эканлигини билишдан кўра, буни билиш унга муҳимроқ».

Мартин билан Ганс кино ёки кафеда учрашиб қолишса, ҳар қайси ўзича «у ҳали тирик экан, мана яна биргамиз!» дейишиб, икковлари ҳам ўзларида йўқ хурсанд бўлишарди.

Мартинда энди ҳеч қандай шубҳа қолмаганди. Энди Гансни кутиб тураркан, у ҳозир ўзининг беҳуда уринишлар, самарасиз меҳнатлар, умидсизликка тушишлар, сарсану саргардонлик билан ўтган ҳаётига ёш ҳаётгий куч келиб қўшилишини биларди. Ганс билан суҳбатлашганда баланд, сершоҳ, соя солиб турган дарахтнинг кўрға-

нингда, уни бир вақтлар ўз қўлинг билан ўтқазганини эсингдан чиқариб юборгандай, Мартин ҳам ёш жиҳатдан ўзи билан Ганс ўртасидаги фарқни унитиб юборарди. Гўё сўнги йилларнинг ўлчови бутунлай бошқа бўлгандай, бу фарқ ўз-ўзидан йўқолиб кетганди. Биттасига вақт ниҳоятда тез, гизиллаб ўтиб кетаётгандай туюлса, иккинчисига эса бир ерда қотиб қолгандай, ниманидир кутаётгандай бўлиб туюларди.

Ганс учун уларнинг бирпаслик учрашувлари, худди болалигидаги сингари ҳозир ҳам қимматли, муҳим эди. Ганс ўзини қизиқтирадиган, ҳаяжонлантирадиган масалаларни катта дўсти билан ҳамкорликда ҳал қилиш учун бир ҳафталаб кўнглига тугиб юрарди. У ўз саволларига, албатта, тўғри жавоб олишлигига қаттиқ ишонар эди; шунинг учун ҳам Мартин чарчаганига қарамай, худди ана шу тўғри жавобни топишга ҳаракат қиларди. Мартин ёлғизлигида ўз ўй-фикрларини умумлаштирар, улардан хулоса чиқарар, улар Гансга тушунарли бўладими — йўқми, шундай жавоб Гансни қаноатлантира оладими-йўқми, деб ўзини қайта-қайта синаб кўрарди.

Тўғри, кўп масалаарда бемалол гаплашса бўладиган Ганснинг бошқа яна бир неча дўстлари бор эди. Кўп нарсалар тўғрисида-ку, лекин ҳамма нарса ҳақида эмас. Фақат Мартин билан у ҳамма нарса тўғрисида бемалол очиқ гаплашиши мумкин эди. Ҳаётнинг муҳим томонларини кекса Бергер сингари дўстлари билангина муҳокама қила оларди. Бергер, одам ўз фикрида, ўз ақидасида қолиши мумкин, ёки курашни яна давом эттириши мумкин, лекин шу кураш жараёнида ҳечам қамоққа тушмаслиги мумкин, деган гапнинг жонли далили бўла оларди. Бергер илгаригидай заводда ишларди, у гўё шунчаки беҳосдан айтилган бир-икки оғиз сўз билан ишчилар ўртасида шубҳа ва ишончсизлик уруғини сепарди. Агар у: «Яхшиям, Гитлерни ҳокимият тепасида тўрт йил ушлаб турибмиз!» деса битта-яримта албатта: «Ҳа-я, тўрт йил бўлдими?»— дерди ҳайрон бўлиб. Ёки: «Ўғлимнинг иш тополмай, сарсон бўлиб юрганини кўриб, қанчалик изтироб чекканимни ҳозир яхши эслаёлмайман ҳам» деса, ўртоқлари: «Ҳа айтмоқчи, Оскаринг қаёққа йўқолди? Бизнинг цехимизга қайтиб келмайдими?» деб сўрашарди. Чол бўлса: «Йўқ, ҳозирча келмайди, у аввал мажбурий меҳнатни, кейин мажбурий дала ишларини, кейин яна икки йиллик мажбурий ҳарбий хизматни



бажариб келсин-да. Ана ундан кейин биз уни ўз ишимизга ўргатамиз, унча мункиллаб қолмас ахир?»— деб жавоб берарди хурсанд бўлиб. Унинг бу гапига қўшниси ё «Умид қилиш керак» дер ёки фақат қовоғини солиб бир қараб қўярди.

Ганс варақаларни қандай ёзиш, уларни қандай бос-тириш ва усталик билан тарқатиш тўғрисида Бергердан маслаҳат олиб турарди. Бергер ўзини бутунлай яширин ишга бағишлаган эди, шунинг учун ҳам у ишга халақит берадиган ҳар қандай тўсиқни улоқтириб ташларди. У сира шубҳаланмас, иккиланмас эди.

У катта ўғли Гейнердан жуда эрта жудо бўлган бўлса ҳам, кичик ўғли Оскарни сира аямасди, эҳтиёт қилмасди. Оскар тўғри, виждонли йигит эди. Ганс унинг баъзибир фикрларига қўшилмаганидан ҳатто хижолат бўлар эди... Оскардан, сен ҳамма одамларнинг яхши турмуш кечиришлари учун ўз ҳаётингни сира иккиланмай қурбон қилишинг керак, деб талаб қилишса, у ҳаммага эшиттириб ва қатъий равишда «Мана мен тайёр» дейдиган азамат йигитлардан эди, ахир. Ганс, бу содиқ ва довурак дўстим Оскар кураш олиб бораётган ўша яхши турмуш қандай бўларкин, деб ўзига ўзи савол беришга ҳам юраги бетламасди. Оскар мажбурий меҳнат, мажбурий ҳарбий хизмат бўлмаса, тезроқ бирор ҳунарни эгалласам, истаган қизимга уйлансам, яхши пул топсам, бинобарин яхши еб, яхши ичсам мен учун яхши турмуш мана шу, дерди.

Порлоқ келажак деганда, Оскар шу вақтгача ушалмаган энг эзгу орзуларининг рўёбга чиқишини назарда тутарди. У, Ганс нима учун бўш вақтларини аллақандай дудмол машина чертёжларига сарф қилади, нега Ганс дам у қиздан, дам бу қиздан кўнгли қолиб юради, деб ҳайрон бўларди. Ганс эса баъзи нарсалар тўғрисида Оскар билан гаплашишга ийманар эди.

У фақат Мартин билангина ҳамма нарса тўғрисида очилиб гаплашарди. Ганс ундан ҳечам тортинмас эди. Бошқа одамлар билан Ганс ҳаётнинг айрим томонлари тўғрисидагина гаплаша оларди. Мартин билан у ҳар қандай ҳаётий масала устида бемалол гаплашар, ундан ҳеч қандай севинчини, ғам-ғуссасини, шак-шубҳаларини, ҳис-туйғуларини яширмас эди. Ганс нима тўғрисида гапирмасин, Мартин унинг ҳар бир гапига қулоқ берар, Ганс гапирган ўша майда-чуйда нарсаларни катта

муҳим нарсалар билан боғлашга ҳаракат қиларди; гап бу ерда ишқ-муҳаббат устида кетяптими, граммофон пластинкаси устида кетяптими, бунинг аҳамияти йўқ эди. Ахир ҳаёт шундай қимматбаҳо, у шундай ҳақсизлик билан бўлиб берилганки, унинг заррачасини ҳам қўлдан бой бериш керак эмас.

Ганс ўзининг онгли ҳаётининг дастлабки дақиқаларидаёқ, инсон ҳаёти доим хавф остида эканлигини, унинг эртами-кечми ҳалок бўлишини тушунди, унинг ҳаёти доим хавф-хатар остида эди. У, ўткинчи одамларнинг ҳам, ўзи билан бирга механика устaxonасида ўқиган йигитларнинг ҳам кафедра хурсандчилик қилганларини, қанчалик шошишганларини, қанчалик яшашни исташларини сезмас эди. Одамлар баъзида, ҳаёт мангу, чунки у доимо ва муқаррар хавф остида бўлган эмас, деб ўзларини ишонтирардилар. Ганс учун эса, улар Оскар иккаласи яраланган Гейнерни уйига олиб келган кечадан буён бир нарса: ҳар дақиқада сира кутилмаган нарсанинг содир бўлиши мумкинлигини, шунинг учун доим тайёр туриш кераклигини бир умрга аниқ ва равшан бўлиб қолганди.

Тўғри, кўпинча бу нарса эсдан чиқиб кетарди. Лекин тўсатдан баъзан сенга бу ҳақда шундай эслатиб қўярдиларки, худди бошингга осмон ўпирилиб тушгандай бўларди. Бир куни ўша тасодифан учрашиб қолган жойларида печакгул чирмашиб ўсган панжара орқасида Мартин билан ўтирган эди. Қуёшнинг чанг-тўзони, хира нури япроқлар орасидан ўтиб, кичкина столча устига жимжимадор соялар ташлаганди, Ганс худди ёшлигидаги сингари, ўзини кўркам боғда ўтиргандек ҳис этарди. Панжара шу қадар баланд, печакгул шунчалик қалин эдики, кўча мутлақо кўринмасди. Мартин унинг гапларини диққат билан тингларди. Ганс ўқишни қандай тамомлаганлигини, имтиҳонларни қандай топширганлиги тўғрисида гапирарди. Ганс нацистлар вакили имтиҳон топширувчиларга берадиган саволларга ўзича тўғри ва нотўғри жавоблар тайёрлаб қўйганди. Тўғрилари ўзи учун, нотўғрилари эса ўқитувчиларини чалғитиш учун эди. Бир ўқувчининг анча нарсани билишига қарамай ўтган йили имтиҳонда йиқилиб қолиши Гансга жуда катта сабоқ бўлганди. Нацист ҳалиги ўқувчидан: «Учинчи империядан кейин нима бўлади?» деб сўраса, у ўйлаб-нетиб турмай: «Тўртинчиси бўлади» деб жавоб

берибди. Шундай кейин унга, сен мастер ёрдамчиси бўлишга ярамайсан, дейишибди. Ҳалиги ўқувчининг жавобини эшитиб, сал ўзини тутиб олган Ганс: «Ундан кейин ҳеч нарса бўлиши мумкин эмас; шу билан кишилик тарихи тугайди» деб жавоб берибди.

Улар кулишди, кейин бирдан Ганс, мени мажбурий дала ишларини бажариб келишга юборишпти, деб қолди.

— Демак сен қайтиб келганингда, мен бу ерда бўлмас эканман-да,— деди Мартин, Ганснинг ҳамма ёғи зирқирай бошлади; бир вақтлар вокзалда катта дўсти Мартин уни бу улкан шаҳарда ёлғиз ташлаб кетаётганини тушунганда ҳам у шундай аҳволга тушган эди. У бу улкан шаҳарнинг яна ҳувиллаб қолишини ҳозирда ноқ сеза бошлади. Мана, у мажбурий дала ишларини бажариб қайтиб келар, шунда бу ерда эски дўст-биродарларидан битта-яримтасини яна учратар: Бергерларни, ота-болани, ўз онасини, опаси Еленани кўрар, лекин энг муҳимини кўролмас эди. Кўчалар одатдагидай узоқ-узоқларга чўзилиб кетар, баланд-баланд уйлар илгаригидай уни елкасидан босиб тургандай бўлар; қуёш нури панжарадаги печакгул япроқлари орасидан ўтиб, унинг столчасига тушади, лекин у ёлғизликдан қаттиқ эзилади, юрак-бағри қон бўлади.

— Мен билан бирга кетсанг қандай бўларкин?— деди Мартин.

Ганс унга ҳайрон бўлиб қаради.— Ахир сен кап-катта йигитсан-ку,— деб сўзида давом этди Мартин.

У бутун дунё кўнгиллилари Испанияда жанг қилаётган халқ армиясига қўшилиш учун чегаралардан дадил ўтаётганликлари тўғрисида лўнда-лўнда қилиб тушунтириб берди. Бу кўнгиллилар дунёнинг ҳамма бурчагидан: узоқ-узоқлардаги денгизлардаги ороллардан, бориб бўлмайдиган тоғлардан оқиб келарди; улар узоқ йўл босишдан кўрқмай, сувда ҳам, қуруқликда ҳам шошилиб борардилар.

Ганс: «Кетиш, бу ердан кетиш керак...»— деб ўйларди. Бу болалик чоғидаёқ интизорлик билан кутган чақриқ эди. Энди катта бўлганида Ганс фақат аҳён-аҳёнда кечалари кўчаларда варақалар ёпиштириб юриш, имтиҳон вақтларида ўқитувчиларининг саволларига жавоб топиш эмас, балки очиқ курашишни, қўлига қурол олиб душман билан юзма-юз туриб олишишни чин

кўнглидан истар эди. У ҳозир ўша вақтдагидай, сира иккиланмай Мартин билан кетишга тайёр эди.

Бироқ ҳозир у ўйланиб қолди.— Йўқ, кетолмайман,— деди у бош чайқаб.

— Сен боролмайсанми? Ҳозир у ерда жуда одам керак. Гитлер Франкога офицерлар ва самолётлар билан ёрдам берапти. Сен ўз куч-қудратингни, нималарга қодир эканлигини фақат ўша ерда кўрсатишинг мумкин.

— Куч-қудратни бу ерда ҳам кўрсатиш мумкин. Дўстларим менга: «Сен бизга кераксан, ҳа, худди, сен кераксан»— дейишди.

У бир нуқтага тикилганча узоқ ўйланиб қолди. Мартин ҳам ўша нуқтага тикилиб қолди. Гўё бу нуқта ҳаётнинг ўзи-ю, бу ҳаётда кучни ё ундоқ, ё бундоқ қўллаш мумкиндай эди.

Ганс биринчи бўлиб ўзига келди-да, Мартинга қаради.

— Назаримда мени бу ерда ҳамма нарса ушлаб тургандай.— У қўлини бир қимирлатиб қўйди. Панжарадаги япроқлар орасидан бўм-бўш кўчадан бўлак ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Ҳа, кўча, шаҳар, мамлакат, ундаги яшовчи одамлардан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Мартин ортиқ қистамади. Кейин Ганснинг ўзи ҳам Мартиннинг бу таклифи ҳақида бир неча бор ўйлаб кўрди. Гансга Мартин ҳамон уни кўндирмоқчи бўлаётгандай туюларди. Лекин у қанча ўйламасин; «Йўқ, Мартин, мен қоламан» дейишдан нарига ўтолмади.

Кечқурун онаси, гўё унинг соғ-саломат келганидан хурсанд бўлгандай, у томонга бошини бурган эди, Ганс гўё онаси уни биринчи марта қарши олаётгандай, тўсатдан унга синчиклаб қаради, у онасининг сочини теги оқроқ бўлиб, пешонасининг атрофида қизғин тусда товланиб туришини биринчи марта кўрди. У уйга қайтаётганда йўлда бир нарса ҳақида ўйлади: «Олдинда жирканч мажбурий дала ишлари турибди, кейин ниҳоят қайтиб келганимда Мартин аллақачон кетиб қолган бўлади, ҳамма ёқ ҳувиллаб қолади. Ҳозирча онам шу ерда-ку, деб ўйлади; агар унинг бошига бирор мусибат тушган тақдирда ҳам, онаси ҳеч қаёққа кетмайди. У мисоли бир қуёш, сира сўнмайди: сен йўқолиб кетсанг ҳам у барибир қолади. Ўқийшдан кейин ишга киролмас-

лиги бирдан унга алам қилиб кетди. У яна пул тополмайди, шу вақтгача ҳеч ким сотиб олиб бермаган. ажойиб, чиройли нарсани онасига совға қилолмайди. Эҳтимол, қўшнилариининг биттасида ҳам бўлмаган шойи кофта ёки шойи пешбанд олиб берар, ким билади дейсиз. Тўғри, дала ишларини бажариб бўлгандан кейин у пуллик ишга кириди, лекин олдида мажбурий ҳарбий хизмат ҳам турибди-ку.

— Отанг Трибелларнинг эшигига яширинча озгина пул қистириб кетибди,— деди Мария. Ганс индамай бош ирғаб қўя қолди. Кечқурун эса Гешкега бепарводик билан:

— Трибель ҳали ҳам концлагерда ўтирибди. Ахир бир мужиза-ку: таслим бўлмабди-да, ҳали ҳам тирикмиш; хўш, сен бунга нима дейсан?

— Нима ҳам дердим? Унга раҳмим келади,— деб жавоб берди Гешке.

— Шундай гапларни эшитсанг, беихтиёр: «Балли ўшанга», дейсан.— Улар стол атрофида ўз фикрларини очиқ айтишга одатланиб қолгандилар, лекин саҳнада бир-бирларига имо-ишора қилган, луқма ташлаган актёрлардай фикрларини охиригача айтмасдилар. Гешке дарров гапни илиб кетди:

— Мен ҳам «Балли, ўшанга!» дейман, албатта. Мен уни ҳурмат қиламан. Лекин яхши кўролмайман. Ўзи тузук одам-у, лекин менимча у ҳақ эмас.

— У нацистларга ҳеч ҳам бўш келгани йўқ. Охиригача қаттиқ турди, дейиш мумкин.

— У нацистларга бўш келмади дейсанми,— деб тақрор сўради Гешке.— Агар у концлагердан тўппатўғри менинг ошхонамга келса, биз у билан яна фикрлашган бўлардик. У Совет Иттифоқини мақтабди. Уни шунинг учун олиб кетишибди. У ерда ҳозир нималар қилишяпти? Устма-уст суд қилишяпти. Нацистлар кўриб, хурсанд бўлишяпти, холос.

— Хурсанд бўлишлари гумон. Руслар яна уруш бошлагудай бўлса деб, ҳар эҳтимолга қарши ўзларидаги ҳар қандай ифлос, разил нарсаларни йўқ қилиб ташлашмоқчи,— деб зътироз билдирди Ганс.

— Агар, агар эмиш,— деди мазах қилиб Гешке.— Хўш, нега энди уруш бўларкан? Нацистлар ўзларига керак нарсаларни замбараксиз ҳам олишяпти: Саарни,

Рейн областини, Австрияни, қанча узоқлашса, шунча кўп қўлга киритади. Мен сенинг «агар» ларингга ишонмайман.

— Хўш, умуман нимага ишонасан? Қачон қарама унга ишонмайман, бунга ишонмайман, деганинг-деган. Ахир, нимагадир ишонишинг керак-ку, ота?

Гешкенинг ажин босган юзида на уларнинг гап-сўзига, на Трибелга мутлақо алоқаси бўлмаган ғалати бир ғамгин ифода пайдо бўлди; жуда кучли азоб-уқубат тортган одамнинг юзидагина шундай ғамгин ифода пайдо бўлиши мумкин эди. Лекин Гешке хотиржам товуш билан:

— Мен соғлом ақлга ишонаман,— деди.

— Бу соғлом ақл деганинг нима ўзи?— деб сўради Ганс.

— Бу жуда тўғри нарса, бекорга соғлом деб қўймаган. Бу сенга хом хаёл эмас, биргина сўз — ақл. Бу сенга ёлгон-яшиқ гапириш, агар борди-ю, деб қаёқдаги уйдирма гапларни тўқиш эмас. Ана Трибель тилини тиймай, оғзига келганини гапириб юрарди, мана энди концлагерда ўтирибди.

— Менинг ақлим жойида, шунинг учун мен ўқишни тамомлаб слесарь-механик бўламан, деб ўйлагандим,— деди Ганс.

— Хўш, нима бўпти, бўлсанг бўлаверасан-да,— унинг гапини маъқуллади Гешке,— агар тинчлик бўлса, бир йилдан кейин уйга қайтиб келасан, келишинг билан ҳарбий хизматга чақиргунча дарров ишга кириб оласан.

— Ҳа, бир йилдан кейин соғ-саломат қайтиб келсам,— деди Ганс,— ана ўзинг ҳам «агар» деяпсан-ку. «Агар»сиз иш битмайди. Агар мен, ҳа, ҳа, агар мен ишга киролсам,— деди у хурсанд бўлиб онасига,— биринчи моянамга сенга Эмилия холамникидақа кўк ёки яшил дурра олиб бераман.

Мария унинг гапларига доим жиддий қулоқ соларди.

— Агар пул ишлаб топсанг, агар бошқа битта-яримта қизга совға қилиш хаёлингга келиб қолмаса,— деди у кулимсираб,— майли яшилидан эмас, кўкидан олиб берарсан. Энг муҳими уйга қайтиб келчи, кейин бир гап бўлар.

Шу йиллари Густав Клемм амакиваччасининг ажралиб кетган хотини билан учрашишдан ўзини олиб қочарди. Васийлик ишлари бўйича ёзишмаларни адвокатга топшириб қўйганди. Лекин жияни фюрернинг имтиёзли мактабига қабул қилинганидан кейин, Гельмутнинг онасини шахсий суҳбатга Берлинга «Кайзергоф» меҳмонхонасига чақиртирди.

У ўғилларининг келажаги ҳақида ўзи ҳам еб хотинига айрим нарсаларинигина ишонарди. Амакиваччасининг ёлғизгина ўғли — асосий меросхўр Гельмутнинг ҳамма ишга аралашавермаслиги унга жуда қўл келарди. Клемм амаки ўз ўғилларининг биронта зўр сиёсий мансабни эгаллашларини ҳечам орзу қилмасди; у ўғилларининг, айниқса сўнгги вақтларда иши юришиб кетган фабрикаларга бошлиқ бўлишини афзал кўрарди. Василлийгидаги бола ҳозир оиладан ташқарида, бировлар қўлида тарбияланаётгани учун, гарчи юбораётган пули арзимас бир нарса бўлса ҳам у Потсдамга пул юборишни тўхтатишни ўзининг бурчи, деб билди. Клемм Ленорани дала госпиталидан олиб келган вақтларида ҳам уни унчалик ёқтирмасди. Ленора меҳмонхона залига кирганда, Клемм негадир алланечук бўлиб кетди; чунки Ленора мутлақо ўзгармаган эди, Клемм бўлса негадир, у жуда ўзгариб кетган бўлса керак, деб юрганди. Товушсиз майин ҳаракатлари ҳам, бир оҳангдаги бўғиқ товуши ҳам, кулранг кўзлари ҳам, оқ оралаган кумушранг сочи ҳам Клеммнинг ғашини келтирарди. Умуман учрашув кўнгилсиз, оғир бўлмади, аксинча анча кўнгилли ўтди. Ленора Клемм унга эътироз билдиришни хаёлига ҳам келтирмади. Ҳолбуки Клемм уни қаршилиқ кўрсатса керак, деб ўйлаб, шунга тайёргарлик кўрганди. Ленора қаддини кўтариб, қимир этмай унинг гапларини тинглади, лекин меники маъқул, менинг айтганимни қиласан, деб ўжарлик қилиб, оёғини тираб туриб олиш ўрнига, енгил бош чайқаб қўя қолди. Агар жаноб Клемм боланинг тарбияси учун пулни тўппа-тўғри мактабга юборишни мақсадга мувофиқ деб топса, у бунга ҳеч қандай эътироз билдирмайди. Уйдаги харажатлар учун холасига бериб турган пулдан ортган ўғлининг ҳамма пулларини Ленора аввал бошдаёқ банкага, ўғлининг номига қўйиб қўярди. Гель-

мут яхшиям анчагина мол-мулкка эга, Ленора гарчи зарурат туғилса ҳам ундан сира фойдаланмоқчи эмас.

Клемм узоқ тортишувларга кўникиб қолган, бу сафар ҳам шундай бўлишини кутган эди, шунинг учун ҳам Леноранинг жавоби уни анча уялтириб қўйди. У ўзинча, бу хотин ё ўтакетган аҳмоқ ёки жудаям айёр, деб ўйлади. Агар пулдан воз кечишнинг тағида аллақандай бир ҳийла-найранг бўлса, у бунинг тағига етмай қўймайди. Унга ҳозир Леноранинг хотиржам ва мулозимлик билан боққан совуқ, кулранг кўзлари айниқса ёқимсиз кўринарди. Ленора бўлса бу одам марҳум эрига, ўзининг амакиваччасига ўхшаб кетади, деб ўйларди. Агар, Клемм тирик бўлганда худди шунга ўхшаган бўлармиди. Лекин Ленора уни севиб қолганида, у ёш, чиройли, новқирон, довюрак бир йигит эди. Ёки у ўша вақтларидаёқ амакиваччасига ўхшаб кетарди-ю, лекин буни Ленора сезмаганмиди? Амакиваччаси ҳам анча абжир, ишини тез тўғрилаб оладиган киши эди, у турли тоифадаги одамлар билан қандай муомала қилишни жуда яхши биларди. Леноранинг рўпарасида ўтирган Клемм, Гельмут янги мактабга кириш учун онасидан зўрға розилик олганлиги тўғрисида нолиб гапирганини эслатиб қўйди. Ленора ўғлининг ҳамма ишда ҳам отасининг йўлини тутишини истар эди албатта.

— Гельмутдан яхши хабарлар эшитганингиздан хурсанд бўлсангиз керак?— деди у кўзларини қисиб, кулимсираб, шу пайт марҳум Клеммга яна ҳам ўхшаб кетди.

— Уғли хурсанд бўлса, ҳар бир онанинг ҳам кўнгли кўтарилади,— деб хотиржам жавоб берди Ленора.

Клемм кулгисини босди. У ҳозир зирали ароқ ичгиси келди, меҳмонхона шу билан ном чиқарган эди. Лекин унда Клемм бу хотинни меҳмон қилишга мажбур бўларди, бу нарса унинг Ленора билан иш юзасидан гаплашганда қаттиқ қўл бўлиш ниятига зид келарди.

— Афсуски сиз, ўғлингизнинг бу мактабга кирганидан хурсанд эмасга ўхшайсиз, ҳолбуки кўпчилик немис оналар буни ўзлари учун катта бир бахт деб билдилар,— деди Клемм.

Ленора бунга эътироз билдирди, у доим ўғлининг ҳам отаси билан укаси муваффақият билан ишлаб, ўзларини кўрсатган соҳада хизмат қилишини орзу қиларди.

— Ахир бу мактаб ҳам унга худди ўша имкониятларни беради-ку,— деб унинг гапини илиб кетди Клемм,— бунинг устига ўғлингиз мактабдан шундай илм оладики, у бу илми билан катта давлат арбоби лавозимини ҳам даъво қилиши мумкин.

Суҳбат шу билан тугаганига иккаласи ҳам хурсанд бўлди. Ленора қайтиб келаётганида ўзича:

«Яхшиси бундай одамлар билан ўчакишмаслик керак. Улар ўғлимни мендан тортиб олишди. Иложи қанча, тортиб олишди. Бир вақтлар уни менга беришдан хурсанд бўлган эдим. Мана энди улар минг хил ҳийла-найранглар билан мени ундан яна жудо қилишди. Мен кучимнинг борича йўқотишга ҳаракат қилган нарсаларни улар унга болалигидан сингдириб келишди» деб ўйларди.

Бу кўнгилсиз учрашув Ленорага ўтган кунларни эслатди, эсига ғойиб бўлган хуштори Ливенни туширди, у бир вақтлар эрининг ошнаси эди. Ливеннинг ким бўлганлигини эшитганларидан бўён, уйда унинг номини тилга олмасликка ҳаракат қилишарди. Ленора унинг кўзларини, овозини, қўлларини эслади. Бир вақтлар китоблардан ўқиган қаҳрамонларининг хислатларини унутмагани сингари унинг хислатларини ҳам унутмаган эди. Ленора уларни кўз олдига келтирар, ётса ҳам, турса ҳам, шулар ҳақида ўйларди, улар Леноранинг бутун вужудига сингиб кетганди, гўё у ўзини Ливен билан ёнма-ён юргандек ҳис этарди. Ленора хаёл суриб, ўзини ўтмишда номаълум ўлкаларда, номаълум кишилар орасида, номаълум қонун-қондалар асосида яшаётгандай ҳис этарди, бундай пайтларда Амалия хола ҳам, бефаҳм Клемм ҳам, ўзини шунчалик хафа қилган Гельмут ҳам ҳеч қандай роль ўйнамасди. Бу уйдирма фақат китоблардагина тасвир этиладиган ҳаёт эди. Лекин одатдаги чинакам ҳаёт қисқа танаффуслардан кейин яна ўз измида кетаверади.

Ёш Клеммнинг ўқитувчилари бошлиқларига: бу ўсмир, унга берилган тавсияномаларни шубҳасиз оқловчи барча фазилатларга эга, деб хабар қилишарди. Ўқувчи ва ёшлардан чиққан фюрерчилар Гельмутнинг национал-социализмга ихлос қўйганлигини, қариндош-уруғларининг қаршилигига, национал-социалистларнинг фаолияти ҳақорат қилинган вақтдаги жазо ва тақиқлашларга хилоф равишда национал-социалистларни қаттиқ

туриб ҳимоя қилганлигини оғиз кўпиртириб гапиришлари бежиз эмас эди. Унда ўқишни тамомлагандан кейин, фюрерга мустаҳкам таянч бўла оладиган ёшларга хос ҳамма истеъдод бор эди.

Болага қанчалик қаттиқ таълим беришса, у шунчалик тиришарди. Уни ҳарбий спорт машғулотларида бутун ашқол-дашқоллари билан жарга ёки ботқоққа сакрашга мажбур қилишганда, у ўзида ҳар қандай қўрқувни босиб, тап тортмай бажарарди; дарсларда унга халқлар тарихи бу шунчаки ирқлар курашидан иборат деб ўқитишганда ҳам, Гельмут ўзидаги ҳар қандай шубҳани енгарди. Ўқитувчи мендаги яхши хислатлардан шубҳаланиб юрмасин, деб у бирор нарсни сўрашга юраги дов бермасди, ҳадемай у бутунлай савол беришни йиғиштириб қўйди.

Мактабга бошчилик қилаётган эсэсчи биринчи гапидаёқ ўзининг ёш тингловчиларига, гапини билиб гапирадиган, кучини билиб ишлатадиган одамгина фюрернинг буйруғини амалга ошира олади, деб ўқтирди. Кутилмаган ва номаълум буйруқларни уларнинг ўзлари қанчалик аниқ қилиб бажарсалар кейинчалик уларга тобе одамлар ҳам буларнинг кутилмаганда берган номаълум буйруқларини шунчалик яхши, аниқ бажарадиган бўлишади. Уни паст ирқдаги одамлардан нафратланишга ўргатишди. Бутун синаш даврида унга фақат бир нарса — муносиб фюрерчи бўлолмай қоламанми, деган қўрқув қаттиқ азоб берарди. Гельмут бош фюрер кимга керак, деб сўрамаганидан, бу фюрерчиларнинг ҳаммаси кимга керак, деб сира сўрамасди. Бундай савол беришни у хатто хаёлига ҳам келтирмасди. Художўй одам худода нима фойда деб сўрашни тағриининг амрини бадаларига етказувчи фаришта, худонинг иродасидан унинг фуқароларига нима фойда деб сўрашни хаёлига келтирмагандек, фюрердан нима фойда деб сўраш унинг хаёлига келмасди.

Унинг ишончи, фаришта сингари осмону фалакда учиб юрмасди, у шу ишончини бунга сингдирган одамларга ишонарди. У даставвал гимнастика ўқитувчисига ишонарди. Иккинчи ўринда чет тиллар ўқитувчиси турарди. Мактаб бошлиқларининг розилиги билан Гельмут француз тилини ўргана бошлади. Гимнастика ўқитувчиси ўзининг камгаплиги билан унга ёқиб қолганди. Гельмут ўқитувчисининг бирор нарсдан ҳайратда қолиши ёки унинг маъқуллашини жуда истарди. Ўқитувчи

қийналиб кетган ўқувчиларни битта машқни бир неча соатлаб қилишга мажбур этарди. Гельмут ҳатто яшинча бирор ерини майиб қилмоқчи ҳам бўлди, чунки ўқитувчи жабр кўрганларни лазаретга бориб кўриб турарди, ҳамма ўқитувчилар ўқитишни қисқа кириш сўзи билан бошлар эди. Бу ўзининг кириш сўзида ўлим хавфи тўғрисида гапирди. Антик дунё ўзининг гуллаш даврида қадимги германлар сингари ўлим хавфини билмаган. Ўлим хавфи — бу ўрта аср давридаги яҳудий—христиан динининг инсоният бошига туширган бир кулфати эди. Ушанда одамларга тириклигингизда қилган гуноҳларингизни ўлганингиздан кейин ювасизлар, деб уқдирилган.

Кунлардан бир кун, нима ҳам бўлиб, Гельмут қўлини чиқариб олиб, лазаретга тушди, ўқитувчиси уни кўргани келди ва бир зум каравотининг четига ўтирди. Ўқитувчиси ориқ, қаттиқ бармоқлари билан қўлини ушлаб кўрганда, Гельмут севинчидан терисига сиғмай кетди; бир вақтлар онаси ҳам худди шундай қилар эди. Ҳолбуки ҳозир онаси унинг эсига ҳам келмасди. Ленора унга узмай хат ёзиб турарди. Ленора, ўғли билан алоқа қилиб туришнинг бирдан-бир воситаси деб билиб, бутун меҳрини қўйиб ёзган хатларини Гельмут зўрға, ўлганининг кунидан ўқиб чиқарди. Каникулда уйига боришга руҳсат этилмаганини билиб, у ўзини ҳатто енгил ҳис этди.

Гимнастика ўқитувчиси уни кўргани лазаретга келганда, у ўзида йўқ хурсанд бўлар, ўқитувчисининг ҳар бир сўзини мароқ билан тингларди. Ўқитувчиси ўзи билан бирга Расин ва Корнель асарларини олиб келарди ва лотинча ор-номус тушунчаси билан немисча ор-номус тушунчаси ўртасидаги фарқни изоҳлаб берарди. Бизда ор-номус бу — фюрерга содиқ бўлиш, уларда қуруқ маъҳум нарсага хизмат қилиш. Лекин маънавий жиҳатдан бузулган ирқ вакилларида ҳам, масалан, Корнелдагига ўхшаш, баъзида германизм таъсири кўриниб қолади. Фақат уни кўра билиш керак. Тоза ирқнинг афзаллиги тўғрисидаги ҳар бир немисга хос бўлган ҳисни французлар фақат саҳнада ва бошқа халқлар вакилларидагина кўрсатишга юраклари бетлайди. Расиннинг «Тереника» трагедияси, ўз ирқининг покиза, кўпдан бери ҳурмат қилмай қўйган французларга бир таъна эди. Ахир, бу трагедияда Рим императори давлат манфаатларини кўзлаб, ўзининг яҳудий маҳбубасини ҳайдаб юборади, тўғри, бундан

унинг юрак-бағри қон бўлиб қаттиқ эзилади, лекин француз буни сира тасаввур этолмайди.

Ўқитувчиси Гельмутга француз революцияси ҳақидаги китобларни ҳам олиб келиб турди, буюк революция француз халқининг онгини заҳарлаган эди. У ҳатто Вольтер асарларини ҳам олиб келарди. Мактаб раҳбарлари Гельмутни ўз билимини ошириш учун Францияга жўнатишмоқчи бўлишди, шунинг учун олдидан жўнатмай туриб, уни заҳарга қарши дори билан эмлаш керак эди. Француз революциясининг озодлик, тенглик биродарлик тўғрисидаги уч шиорининг қанчалик разил эканлигини у олдиндан тушуниб олиши керак эди.

Бироқ Гельмут тезда жўнаб кетолмади. Тўсатдан, аллақандай бир спорт мусобақасининг ўртасида—мактаб бошлиқлари ҳар бир нарсани шундай тўсатдан қилишни яхши кўришарди — Гельмут битта эсэсчи ҳамроҳлигида Рур областининг Энзе қишлоғига бориш тўғрисида буйруқ олди. У бунинг сабабини дарров тушунди: ёт маданият билан ошна бўлишдан аввал ўз миллатингга қўшилишинг керак. У каникулни бир кончининг оиласида ўтказиши керак эди. Энзе фабрикаси кўп кичкина қишлоқ бўлиб, аҳолиси бошқа қишлоқларники сингари ҳаммаси фақат шахтада ишлаш билан тирикчилик қилишарди. Ишчи Бейерга, сизнинг уйингизда ижарада турадиган одамга мутлақо эътибор берманг, уни сизнинг олдингизга нацистлар партияси юборган, деб тайинлаб қўйишди. Бир ерда узоқ яшаган, ўрта яшар Бейер буни нацистлар партиясининг миллат билан алоқа қилиши, деб тушунди. Гельмут аввалига бу бегона уйда ўзини бироз ўнғайсиз сезди, огоҳлаштиришига қарамай Бейер хоним ҳамма нарсани тезроқ йигиштириб, дам олиш кунини тушлик овқат тайёрлади, чол ҳамхонасига биринчи кечаёқ қаҳрамонона ишларидан гапириб роса мақтанди. Маълум бўлишича у кончиларнинг биринчи делегацияси билан бирга национал-социалистлар партиясининг Нюрнберг да очилган биринчи съездида қатнашган экан, улар ўз эмблемалари ва кон лампалари билан бутун Германияни кезиб чиқишган экан. У қайтиб келса, уйининг ҳамма деразаларини чил-парчин қилиб синдиришибди, хотинини, ҳатто болаларини ҳақорат қилишибди, ўзини эса ишчи синфининг хоини, деб эълон қилишибди. Гельмут аста-секин кўника борди, саволлар бера бошлади ва ярим кечага бориб, ўзини кўичилик халқ орасида юргандай

ҳис этди. У болалар билан бир хонада, ётарди; унга алоҳида каравотга янги кўрпа-тўшак солиб беришди, болалар эса унинг дастидан бир каравотда сиқилишиб, юмалашиб ётишарди. Барибир у шу вақтгача турган бошқа хоналарга қараганда кичкина бир катакдай эди. Кундузлари у оддий бир ишчидай хизмат қиларди. У жуда бақувват эди, ҳар бир ишга чаққон киришиб кетарди, чарчаш нималигини билмасди.

Дам олган вақтида у Бейер ва унинг ошналари билан бирга ўтириб пиво ичарди. Унга ўқрайиб ва мазак қилиб қараганларга Гельмут мутлақо парво қилмасди. Ишчилар бир-бирларини туртиб қўйишарди:— Нима кераги бор, оғиз оча кўрманглар; бир нима десанг, у дарров етказад.

Ёш ишчи Гельмутга бир шиша пиво ичайлик, деб таклиф қилди.

— Хўш, энди бирга ишлайверамизми?— деб сўради у жиддий, фақат кўзлари кулиб боқарди.

— Ҳа, мени чақириб олгунларича,— деб жавоб берди Гельмут.

— Э, шундайми,— деди чўзиб ишчи.— Мен бўлсам, энди доим бирга ишлаймиз, ҳамнафас бўламиз деб ўйлабман.

Гельмут унинг калака қилаётганини сезиб, ўша кечаёқ Бейердан бу ишчининг кимлигини биллиб олмоқчи бўлди.

Баҳорда Гельмут чет тиллари ўқитувчисининг раҳбарлигида бир гуруҳ курсдошлар билан бирга турист сифатида Парижга жўнади, ўқитувчилари уларни манзилгача олиб бориб қўйиши керак эди. Гельмут у ерда элчихона чиновникларидан бирининг уйига тушди. У Германиянинг энг ашаддий душмани бўлган халқни ва Европадаги маънавий жиҳатдан энг бузилган ирқни ўз кўзи билан кўришни зориқиб кутарди.

У ҳаммолларнинг агар қоринларидаги қизил шарфи демаса оддий одамлардан ҳечам фарқ қилмаслигини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Улар машинада шамолдай учиб кетишгаётган тош йўл автомобиль кўп юрганидан силлиқланиб худди асфальтдай ялтирарди. Улар шунчалик тез кетишардики, гўё фисқи-фужур, бузуқлик авж олган афсонавий шаҳарлардек, Вавилон ёки Бағдоддан ўтиб бораётгандай бўларди, фақат у ерларда автомобиллар йўқ эди. Гельмут Отейлдаги элчи-

хона вилласидаги свастикани кўргандан кейингина кўнгли анча ўрнига тушиб, эркин нафас олди. У курсдошларидан биттаси билан мусофирлар учун ажратилган хонада турди. Уларга бу командировкадан мақсад— уларнинг чет эл кишилари эканлигини билмаслиги учун, шарт-шароитни ва паришча жаргонни ўрганиш эканлигини ўша ердаёқ, йўлга чиқмасдан тушунтиришган эди. Улар Француз қироллари дунёдаги бор қимматбаҳо нарсаларни тўплаган Луврда бўлишди. Улар Тюильри ёшидан ўтишди, Сена ва Рю де Риволни ёқалаб юришди. Ўқитувчилари бу жойлар кўринишидан чиройли, ҳашаматли, дабдабали бўлса ҳам, лекин улар кишига ҳеч қандай маънавий озиқ бермайди, деб уқтирарди. Дарҳақиқат, Гельмут уларга ҳаваси келиб қараса ҳам, лекин ҳеч қандай завқ ололмади, у кучли ҳаяжондан ўзига келолмасди, анграйиб қарагани-қарагани, лекин ўзини ёлғиз ҳис этар, уйини соғинар эди.

Хўш, у кимни ҳам соғиниши мумкин? Онасини соғинадиган ёш бола эмас-ку, у энди ўзини катта кишиман, деб ҳисобларди. Тўғриси, у кишини гангитадиган бу бегона юртдан ўз уйига, ўз қавми-қариндошлари, ёр-биродарларининг олдига кетишни истарди. Гельмутни ресторанга олиб боришди, у бу ресторанга умри бинно бўлиб келган эмасди. Унинг олдига шундай вино ва таомлар келтириб қўйишардики, у бу хил ноз-неъматларнинг борлигига сира ҳам шубҳа қилмаганди. Кейин негр кавалерлари билан икки малла ранг хотин пайдо бўлишди. Бошқа кун кечқурунлари уни хилват жойлардаги ҳар хил ярамас, ифлос жойларга олиб боришди. «Национал-социалистлар партиясининг бўлажак арбоблари бизга қадимдан душман бўлиб келган халқнинг табиатини, феъл-атворини билиб қўйиши керак».

У қизларга ҳайрон бўлиб қарарди. У бундай қизларни илгари сира кўрмаган эди. Винони ичиш у ёқда турсин, кўрса кўнгли айнирди. Гельмут шу вақтгача ишқий можарони бошидан кечирмаганди. У шу вақтгача бирор тузук андишали қиз билан муомала қилмаган, бошқалар билан-ку турган гап. Гельмутнинг фикрича эркакларга ҳаёсизлик билан тикилиб қарайдиган, уларга разм солиб қараганда, сира уялмайдиган, эркакларнинг тиззасида ўтириб вино ичадиган қизлар фақат душман мамлакатадиғина бўлиши мумкин эди.

У бу нарсани фақат маънавий жиҳатдан бузилган ирқ орасидагина бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Унинг спорт ва жисмоний меҳнат билан чиниққан танаси бир вақтлар мактабдош ўртоғи билан ўзининг сеvimли кўлида қайиқда сайр қилганда қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Гельмутнинг келишган, бежирим қадди-бастига қараб унинг қанчалик ярамас, тубан одам эканлигини, ифлослик унинг суяк-суягига сингиб кетганини сира билиб бўлмасди.

У бегона ирқнинг кўпгина урф-одатларини анча чуқур ўрганди, лекин тилини, мабодо уруш бўлиб қолгудай бўлса, фойдаси тегадиган даражада ўргана олмади; уни тўсатдан уйга чакириб қолишди. Унинг ҳисобати, кузатишлари ва хулосаларидан ўқитувчилари хурсанд бўлишди. У ўз таниш-билишларининг олди-га, ўз диёрига қайтишни орзиқиб кутарди. Бу ҳақдаги ширин ўй-фикрлар, айниқса, унга катта завқ-шавқ, ҳузур бағишлар эди. Гельмут ўзида сал-пал умидсизлик ҳис этди, лекин негалигини ўзи ҳам билмасди. У ўзини беғам, беҳафсала ҳис этарди, лекин бунинг сабабини бу сафар унга ҳеч ким тушунтириб беролмасди. Эртасига эрталаб у яна ҳушчақчақ, хурсанд эди, кечаси унга яна бегамлик, ҳафсаласизлик ҳисси тинчлик бермаса ҳам, лекин эрталаб уйқудан тургач, буларга кўникиб қолди. Годесбергга, Гитлернинг олди-га Лондондан эътиборли меҳмонлар келиши олди-дан Гельмутни мактабига қайтаришди. Унга: «Агар ҳамма иш сил-лиқ кетса, шу заҳоти орқангга қайтасан», дейишган-ди. Гельмут, ўзи иқрор бўлмагани ҳолда, буни урушчи орзу қилгандан ҳам кўп орзу қиларди. Шунинг учун ҳам у Мюнхендан учиб келиб:— Мен сизларга тинч-лик олиб келдим...— деб хурсанд бўлган Чемберлен син-гари хурсанд бўлганди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин Гельмутни яна Отейлда табрик қилишди.

### III

Венцлов ҳаётининг бахтли палласи бошланди: йи-рик ишларда ҳам, майда ишларда ҳам унинг омади келди. Юқори амалга мингандан кейин унга яна ҳам

кенг, ёруғ уй беришди. Доимо мактаб, фахрланиб юра-диган яккаю ягона ўғли пасхадан кейин мактабга қат-най бошлади. Қичкина қизи Марианнага ҳамманинг ҳаваси келарди. У ўз бахтини ёш, ҳали ҳам ёқимли, дилбар хотинисиз тасаввур қилолмасди. У йўқлигида хотини уни сабр-чидам билан кутди, болаларини тар-биялади: унинг учта вазифаси турмушда учрайдиган майда-чуйда қийинчиликларга, кор-қолларга, ишқал-ликларга усталик билан чап бериб, уйига, хотинига ва болаларига раҳбарлик қилиш вазифасини ҳам айтар-лик оғир вазифа, деб бўлмасди.

Фақат катта қизи Аннелизагина унинг кўнглини қолдирарди. Лекин ундан унчалик қўрқмаса ҳам бўлар-ди. Аннелиза мактаб руҳонийси Шрёдернинг уйида ўт-казиладиган конференцияга тайёрларик кўрарди. Уч дарсдан кейин Шрёдерни ишдан бўшатиб юборишди. Гарчи хотинлар национал-социалистик иттифоқнинг актив арбобларидан бўлмаса ҳам, лекин тўртта ибрат-ли болани тарбиялаб ўстирган оналардан бири, ўнта-ча хотиннинг номидан хат ёзиб ва уларга қўл қўйди-риб, руҳоний Шрёдернинг ҳайдалишини талаб қилди. Немис оналар, национал-социалистлар давлатига қар-ши фикр юритган одамнинг уларнинг болаларига дин дарсини беришига йўл қўёлмайдилар, дейилганди хат-да. Шунинг учун Аннелиза ҳам бошқа болалар билан бирга бошқа мактаб руҳонийсидан таълим ола бош-лади. Гўё шу билан иш бир ёқли бўлгандек туюларди. Инжил мазҳабидаги руҳонийларнинг ҳаммасини Венцлов донм асоссиз деб ҳисоблаб келарди. Ҳамма исъёнчилар ичидан, у айниқса, черков фидокорларини ёмон кўрарди. Хотини ундан маслаҳат сўрганида, Венц-лов унга диний масалаларга ҳозир жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмаслигини тушунтирди: Веймар республикасида бир томонлама иш тутилганди, энди шу хатони тузатиб, тўғри йўлни топиб олиш керак эди. У ҳозирги «немис христианлари»нинг ҳамма принципа-рига ҳам қўшилавермасди, албатта. Веймар республика-сининг оила ва мактабда христианликни расмий равишда инкор қилишини ҳам унчалик маъқул кўрмасди. Мил-тиқдан ўқ узаётганда ҳавонинг қаршилиги, ернинг тортиш кучини ҳисобга олгандек, диний масалаларда ҳам ҳар бир нарсани эътиборга олиш, ниҳоятда эҳти-ёткорлик, усталик билан иш тутиш керак.



Лекин қизи Аннелизанинг шаҳар чеккасида турувчи, ишдан бўшаган руҳоний Шрёдернинг олдига яна бир марта боргани маълум бўлди. У ўқиб бўлган китобимни олиб бориб бердим, деди. Руҳоний бўлса безбетлик қилиб, шу заҳоти бошқа китоб тутқизибди. Батафсил сўроқ қилингандан кейин маълум бўлдики, руҳоний бу китобни беришида, айти ҳозир конфирмация арафасида ёшлар жуда таъсирчанг бўлади, деб қўшиб қўйибди. Афтидан ҳамма шунинг учун ҳам ундан ўзини олиб қочса керак. У уялмай-нетмай беғуноҳ бир қизга, ўзининг собиқ ўқувчисига қаёқдаги беъмани гапларни гапирибди, унга табиат ўз қонун-қоидалари асосида болани жисмоний жиҳатдан тарбияласа, тангри болани маънавий жиҳатдан ўстиради, камолатга етказди ва вақти-соати келганда тоат-ибодат қилишни унинг кўнглига солади, дебди. Агар бу нодон руҳонийни унинг шу бемаъни гаплари учун жавобгарликка тортишса, ҳатто концлагерга жўнатишса ўзидан кўрсин.

Ильза Венцлов бу шахс ҳақида тегишли жойга хабар қилишга мажбур бўлди. Гарчи Ильза бу руҳонийдан кўп озор чеккан бўлса ҳам, лекин унинг аслида қанақа одамлигини ҳали ҳам яхши билмасди. Унинг ўзининг ҳам виждони азоб чекарди. Ильза Венцловнинг жуда ёшлигидан кўнгилчан, мулойим христианка бўлгани бежиз эмасди. У Венцлов талаб қилгандай, шунчаки итоат қилибгина қолмай, ўз виждонининг амри билан иш қилиптими-йўқми, шу ҳақда ўйлаб кўриши керак эди. Ўз виждонининг ҳукми билан эрининг ҳукмини бир-бирига мос келтириш учун Ильзага бир неча тунни мижду қоқмай бедор ўтказишга тўғри келди. Қизи Аннелиза бўлса онасига раҳм қилиш ўрнига, яна янги қилиқ чиқарди; онаси руҳонийдай одам болани атиги бир неча соат ичида ўзидай ўжар қила олишига қаноат ҳосил қилди. Уша бахтсиз ҳодисадан кейин анча ҳовридан тушиб, ювош бўлиб қолган рангпар қизининг миясига бу ҳил фикр қасрдан келди экан! Қизининг хонасидаги чанг-чунгни кўпишча Ильзанинг ўзи артарди, айтиқса ҳозир қизи майиб бўлган вақтида бу жуда айти муддао бўлди. Ильза бу ишим биринчидан қизимга ибрат бўлади, иккинчидан шу баҳона билан унинг яшигида нималар борлигини ҳам кўриб оламан, деб ўйларди. Гарчи Аннелиза руҳоний берган китобни ўша

заҳотиёқ деншик билан қайтариб юборган бўлса ҳам, у ўша тақиқ қилинган китобни яна топиб олди. Демак, қиз худо билади, кимнингдир васвасаси билан шаҳар кутубхонасидан бориб, ўзига керакли китобни олишга ҳадди сиғибди. Энди бўлса иккита ёш кутубхоначи қизларга нацистлар партиясининг суди олдида жавоб беришга тўғри келади, шундай қилиб эҳтимол иккита туппа-тузук немис оиласи озор чекади, мана шуларнинг ҳаммаси руҳоний Шрёдернинг шарофати билан бўляпти. Қизини шунчалик ўжарлик қилади, деб ким ўйлайди? Ҳийлагарлигини айтмайсизми? Эътиборсизлик билан кутубхонадаги олинмай, тақиқ этилган китобни яширинча қўлга тушуриш бу ҳийла эмасми?

Венцлов хотинининг арз-додини аввалига жуда хотиржам тинглади. Унинг гапига қулоқ соларкан, кўз олдида вазада турган сўлган гулни ўйчанлик билан титкиларди. Бу вазани у Хитойдан олиб келганди. Ҳозир у меҳмонларга, ҳатто хотини борлигида ҳам, ўша ерда хитойда гул солинган бу вазани унинг ёзув столига ким қўйиб туришини тез-тез гапириб берарди. У Манянинг расмини ҳам кўрсатарди; унинг расми локланган, ўйиб нақш ишланган рамкада, Узоқ Шарқ кишилари ва манзараларининг суратлари билан ёнма-ён деворда осиглик турарди. Хотини кулимсираб, Венцловнинг сочини тортиб-тортиб қўярди. Амалия холанинг боғида биринчи даъфа ўпканидан буён кўп нарсалар ўзгариб кетганди. Ильза энди бурунгидай содда қиз эмасди. У кўп нарсани ўрганди. Вазасига вақт-вақти билан бир неча гулдан солиб туриши ҳеч қанда қилмасди.

Венцловнинг дағал, қўпол муомала қилиши ҳали ҳам қолмаганди.

— Кўнглингга оғир олмагин-у, ҳар ҳолда сен қизчага доим кўз-қулоқ бўлиб турмайсан. Холам опам ўқимоқчи бўлган китобни аввало ўзи ўқиб чиқарди.

— Бунчалик тергаш опанга катта фойда келтирганини ҳозирча кўрганам йўқ,— деди хотини жаҳли чиқиб, Венцлов Амалия холани ибрат қилиб кўрсатса, доим Ильзанинг жаҳли чиқарди.

Опасининг эридан ажралганини гапиришса, Венцловнинг энсаси қотарди, бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмаса дерди.

— Болалар олдида ҳукуматни танқид қилиб бўладими, ахир,— деди у овозини баланд қилиб.— Мен ўзим, меҳмонларимизнинг, дўст-биродарларнинг, ҳатто сенинг ҳам истеҳзоли жилмайганларингни бир неча бор сезганман, лекин бунга барҳам бермаганман. Мана энди кўриб турибман, ўшанда индамай нотўғри қилган эканман. Гитлернинг бизлар учун нималар қилганини бир зум ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак. У кўрган ҳамма тадбир-чоралар шу вақтгача миллатимизнинг бутун дунё олдидаги обрўйини тобора ошириб келди. Ана шу тадбир-чоралардан баъзиларга биз дастлаб яхши тушунмадик. Бироқ уларсиз шу йилги воқеалар бўлмасди. Биз фақат ўзимизнинг эмас, балки уларнинг ҳам маданиятига асос бўлувчи принципларингизга ҳимоя қилаётганимиз бошқа давлатларнинг қуролига етиб қолибди. Бунинг учун бизда куч бор, уларда эса йўқ. Агар биз немислар, уларни Осиёдан ажратиб турган, маънавий бузуқ, чиркин, славянизм билан суғорилган бу ирқни васийликка олсак, яхши бўлишини бошқа давлатлар тушунишади. Ўз маразли манбаларига эга бўлган, лекин асосий ядрони немислар ташкил қилган Австрия сингари мамлакатлар, бизлар борганда, анча хурсанд бўлишиб, энгил нафас олишади.

Ильза Венцлов эрининг бунчалик узундан-узоқ гапирганидан жуда ҳайрон бўлиб, хотиржам жавоб берди:

— Қизиқ, Вена ва Судетнинг олиними билан бу беадаб қизнинг ўжарлиги ўртасида қандай боғланиш борлигига сира ақлим етмаяпти.

— Сиз, хотинларнинг, уйдан ташқарида бўладиган нарсаларга ақлингиз етмайди. Подполковник Гюнтер яқин кунларда шарқий чегарага жўнаб кетади. У штабга командировка қилинган. Ўртағамиздаги дўстона муносабатларга қараганда, у мени ҳам ўзи билан бирга олиб кетиши мумкин. Мабодо, иш шунчаликка етса, йўлимда ҳеч қандай ғов-тўсиқ бўлмаслиги керак.

— Бўлмайди деб ишонаман. Қандай ғов-тўсиқ ҳақида гап бўлиши мумкин?

— Қизимизнинг аҳмоқона ишлари туфайли бизни ҳам онла аъзоларидан битта-яримтаси давлатга қарши чиққан оилалар қаторига қўшиб қўйишлари мумкин.

Венцловлар уйда бугун бир хотиржам, тинч ухлаган одам — уларнинг энг кенжа ўғилчалари бўлди. Ан-

нелиза сингисининг каравоти ёнида тиз чўкиб ўтирарди. У эшик тирқишидан ҳамма гапни эшитиб турарди; сингиси ҳам аввалига қулоқ солмоқчи бўлди-ю, лекин бирпасда ухлаб қолди. Аннелиза эшик тирқишига қуролини тақаб турса ҳам, лекин икки минутгача ҳеч қандай товуш эшитмади. Демак, мен энди давлат душмани эканман, деб ўйлади қиз. Афтидан отасининг гаплари онасига қаттиқ таъсир қилган кўринади.

— Хўш, нима қиламиз энди?— деб сўради ниҳоят Ильза.

— Почтага бориш керак. Мен Амалия холага шошилинч телеграмма бераман. Бахтимизга у қизимизни яхши кўради. Агар қизимиз бир оз вақт бу ерда бўлмаса, бу бемаъни можаро ўз-ўзидан бости-бости бўлиб кетади.

Стулнинг жойидан шарақ-шуруқ қилиб қўзғалишидан қиз отасининг чиқиб кетганлигини билди. У лип этиб ўрнига бориб ётди. Онаси болалар бўлмасига чиқиб кетди; у ўғлининг малла сочини силади; унинг каравоти ёнида туриб кўнгли бир оз таскин топди; ўғли уни сира хафа қилмаган эди, бундан кейин ҳам хафа қилмайдигандай туюларди.

Амалия холадан жавоб телеграмма шундай тез келдики, Ильза Венцловнинг ўзи, қизим эрталабки Берлин поездига улгурсин, деб нарсаларни шоша-пиша чамадонга жойлаштира бошлади. Совуқ хайрлашган отасига қиз маънос бир қараб қўйди.

Венцлов: «Бу қизга сира тушуниб бўлмайди киши. У анча саботли, тиришқоқ қиз. Бу фазилатларни онасидан ўрганган, деб бўлмаса керак, албатта. Бу Венцловлар қонида бор», деб ўйларди. У хизматга келаётиб, қизини узоқ вақт кўрмаслигига ич-ичидан ачинди.

Ильза Венцлов қизини вокзалгача кузатиб чиқди. Йўлда мумкин қадар кам гапиришга ҳаракат қилди.

— Сендан фақат яхши хабарлар олиб турамиз деб умид қиламиз,— деди у хайрлашар экан.

Қиз аслини олганда уйдан кетганига хурсанд эди. Поезд жўнаши олдидан у сира кутмаган одамини учратиб қолди. Доим халақит бериб юрадиган руҳоний Шрёдер ҳам худди ўша поездда пойтахтга сўроқ бергани кетаётган экан; уни ташқи кўринишларидан гестапочиларга сира ўхшамаган, иккита хушмуомала чи-

новник кузатиб борарди. Қиз ўткир кўзлари билан руҳонийни узоқдан таниб қолиб, пассажирлар орасига кириб йўқолмоқчи бўлди. Киши ҳаётини бутунлай остин-устун қилиб юборадиган айрим ҳодисалар, масалан, қамоқ ё одамнинг қаддини батамом букиб қўйиши ёки унда сира кутилмаган кучлар туғдириши мумкин. Қизга руҳоний Шрёдер яқиндан жуда бегона, ёт кишидай бўлиб туюлди. У бўйи яна ўсган, ранги оқарган эди. Лекин кўз қарашлари совуқ, шиддатли эди. Кўзлари қинидан чиққундай бўлиб чақнаб турган руҳонийга, сочи иккита қилиб ўрилган қизча қизиқиб, хотиржам қараб турганини гестапочилар сезмадилар. Қиз ўқитувчисининг бўйнидан бориб кучоқлаб олмоқчи бўлганди-ю, лекин у имо-ишоралар билан тўхтатиб қўйди. Ҳамроҳлари уни қўлтиғидан ушлаб олишганларини қиз эндигина кўрди ва ўзининг ҳозирги ҳаяжонли ҳолатида руҳонийнинг пойтахтга бориш мақсадини, унинг ҳамроҳларининг ролини одатдагидан кўра тезроқ тушунди. Улар бир-бирига шундай яқин туришарди-ки, Аннелиза Шрёдернинг шивирлаб айтган гапларининг ҳаммасини эшитди.

— Қизим, сенга бир гап бўладими, деб жуда кўрқаман,— деди у кейин.— Матфедан йигирма олтинчи,— деб қўшиб қўйди яна паст овозда. Сўнгра уни вагонга олиб кириб кетишди.

Ангальтск вокзалида Аннелизани Ленора кутиб олди. Уни Венцловнинг опаси бўлгани учун болалар «чинакам амма» деб чақирарди. Ленора, Аннелиза кутилмаганда келишининг сабабини дарров тушунтириб берса керак, деб кутган эди. Лекин у алланималар тўғрисида завқ-шавқ билан гапираётган қизнинг гапини бўлмай, деб ўзича сўраб-суриштирмади ҳам. «Бундай ёш қиз,— деб ўйларди Ленора шаҳар атрофида қатнайдиغان поезд вағонида ўтириб,— ишқ-муҳаббатнинг нималигини ҳали чуқур тушунмайди, бу нарса унинг ҳаётида ҳеч қандай роль ўйнамайди. Қизиқ, буначалик шошилич телеграмма беришга укамни нима мажбур қилдйкин?»

Амалия холанинг-ку суриштириб ўтирмаслиги турган гап. У қарими, ёшми, бундан қатъи назар, ўз яқин одамига, агар унинг ўзида гапириб бериш иштиёқи бўлмаса, тўғридан-тўғри савол беришни беодоблик деб ҳисобларди. У кишини ўз яқин одамларига ҳам кўн

лидаги бор гапни айтавермаслиги керак, оғиз бўшлик, вайсақилик кишини дин, шарият йўлидан чиқаради, деб ҳисобларди.

Шунинг учун ҳам эрталаб ошхонада вилка ва пичоқларни тозалаётганда Аннелизанинг юрагидаги бор гапини тўкиб солгани Амалия холага ёқмади. Қиз ҳамма воқеани, ҳатто руҳонийни вокзалда учратганига қадар бирма-бир батафсил ҳикоя қилиб берди. Амалия хола ундан пичоқларни эҳтиёт бўлиб тозалагин,— деб илтимо қилди. Жияни йўл харажатлари учун қўйган пулидан бир оз ажратиб берганида Амалия хола керак бўлар, деб кумушланган вилка ва пичоқлардан бир даста олиб қўйган эди. Кумуши тез тушиб кетиши мумкин, шунинг учун ҳам уларни алоҳида-алоҳида эҳтиётлик билан артиш керак. Кейин у сочи иккита қилиб ўрилган қизчанинг ғазабли-ва ҳаяжонли бўлиб туюлган юзига бир ўкрайиб қараб қўйди-да:

— Ота-онанг ҳақида шундай дейишга қандай тилинг борди?— деб қичқирди.— Отанг ўзича жуда ҳалол деб ҳисобламаган нарсага ҳеч қачон қўл урмайди. Лекин ўзича: «Уни бу хил гапларга ким ўргатдйкин? Болани ўз отасини муҳокама қилишга рағбатлантирган мактаб руҳонийси ўз вазифасини ёмон бажараётган бўлади» деб ўйлади.

У кўз кириб, барги тўкилган дарахтларига ойнадан қараб ўтириб жиянининг, ўша вақтда ҳали уйланмаган, лекин иккала оила ҳам зимдан келинликка мўлжаллаб қўйган қиз билан биргалликда сирен буталари орасида ўтирганларини эслади; маша энди ўша келин Венцловга хотин, уч боланинг опаси. Гарчи у Аннелизани ичидан пишган, самимий эмас деб койиб, қиздаги ростгўйликни сезмаса ҳам, лекин ҳозир боққа қараб туриб унинг миясига ҳаётда ҳам ҳамма нарса кўнгилдагидай силлиқ бўлавермайди, деган фикр келди. Қиз вилкаларни ғайрат билан тозаларди.

— Тўғри айтасан Амалия хола,— деб жавоб берди Аннелиза,— отам ўзича жуда ҳалол деб ҳисобламаган нарасига ҳеч қачон қўл урмайди. Лекин сен, отамга ҳалол бўлиб туюлган нарсаларнинг ҳақиқатдан ҳам доимо ҳалол бўлиб чиқишига ишонасанми?

— Бу билан нима демоқчисан?— деб сўради холаси чўчиб.— Менга бу хил саволларни бошқа берма. Боланинг ўз ота-онасини тергашга ҳаққи йўқ.

Қиз қошларини чимириб, индамай ишини йиғиштириб қўйди. У кейинги вақтларда, Амалия хола суянчигим, мени қўллаб-қувватлар, деб қаттиқ ишонган эди. Ҳозир кўрдик, унга жудаям ишониб бўлмас экан. Амалия хола унинг гапларини оқизмай-томизмай отасига етказиши мумкин. Шрёдер шунинг учун ҳам: «Сенга бир гап бўлмасайди, деб қўрқаман,— дедида»,— деб ўйлади ичида.

Кечқурун учаласи ҳам: Аннелиза, Ленора ва Амалия хола қўшниси Мальцанларникига чиқишди. Аннелиза ҳали ҳам оиланинг бошлиғи Мальцан кампир эмас, балки Амалия холанинг ўзи деб ҳисобларди. Унинг бу фикрини кўз қарашидан сезиб, Амалия хола қарийб Аннелизанинг ҳамма айтганларига кўниб қолди. Демак бу қиз қон-қариношлик билан боғлиқ бўлмаган оилавий муносабатларни тўғри тушунади. Бу, бундан қирқ йил муқаддам Амалия Венцловнинг шунчалик раҳмсиз, дарғазаб қилган аламли хафаликни ювиб юборган эди. Еш Мальцан ўшанда боғда сайр қилиб юрган вақтларида қандай шўх, соғлом, ошиқи беқарор эди, у бўлса, бутун умри акасининг болаларини тарбиялаб, фақат ўз бурчини бажаришга маҳкум этилган эди. Рост, Аннелиза шунча уруш-жанжалларга, Мальцан кампирнинг уни эңсасини қотирадиган даражада хушмуомалалик билан кутиб олишига қарамай, оила бошлиғи Мальцан кампир эмас, Амалия хола деб ҳисобларкан, демак энди ҳамма иш жойда бўлади.

Меҳмон бўлиб келган Штахвиц стол атрофида Ленора билан ёнма-ён ўтирарди. Штахвиц келса Ленора негадир жонланиб, ёшариб кетгандай бўларди. «Агар, сал имкони бўлса, биз албатта бир ёстиққа бош қўйган бўлардик», деб ўйларди иккаласи ҳам баъзида. Штахвиц ўзининг ҳушрўй, мулойим хотинидан кўнгли тўқ эди. Ленора ҳақида жуда камдан-кам, унинг енигига қўли билан тегиб кетган вақтлардагина ўйларди. Стол атрофида ўтиришганларида, биз бир-биримизга жуда муносиб эдик, деган фикр иккаласини ҳам қаттиқ ҳаяжонга соларди. Штахвиц отпускарди эди. Бу йил бўлиб ўтган воқеаларни ўз кўзи билан кўрса ҳам, қатто сўнги марта юқори мансабга кўтарилса ҳам ундаги ҳаяжон босилмади. Штахвиц Мальцанлар уйида бошқа бирор жойдагига қараганда анча эркин, бемалол гапи-

рарди. Мен билан бирга ишлайдиган одамлар,— деб бошлади у гапини, Аннелизани ҳали жудаям ёш, ундан қўрқмаса ҳам бўлади, деган маънода унга кўз қирини ташлаб,—қўшиннинг кўп жойларда чехлар чегарасидан ўтганини эшитиб, ҳаммалари хурсанд бўлишди. Бу нарса Мюнхен битимида мутлақо кўзда тутилмаган эди. Немисларники деб ҳисобланишига барча асослари бўлган ҳар бир оила, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир область империя қўйнига қайтиши керак деган фикр, жуда тўғри, жуда доно фикр, деб сўзида давом этди Штахвиц. Агар Гитлернинг режаси шундай бўлса, ундан фақат миннатдор бўлиш керак. Бу тинчлик учун замин бўлади. Лекин улуғ мартабага эришиш ва ҳокимиятни қўлга олиш иштиёқи билан ёнган одамларнинг қўли баланд келса, у ҳолда Гитлернинг режаси уруш учун замин бўлади.

Штахвиц тез ва одатдагидан кўп гапирарди. Ўтирганлар ундан кўзларини узишмасди. Ҳатто фрау Мальцан ҳам қўрқув тўла, лекин содда, қийиқ кўзлари билан унга бир зум ҳайрон бўлиб қаради.

— Жуда афандисан-да, Штахвиц,— деди чол Мальцан,— нима, урушга қаршимисан? Ахир уруш бизнинг касби-коримиз-ку.

Штахвиц унга шартта ўгирилди-да, бир нима деб жавоб қилмоқчи бўлди-ю, лекин хатосини ўз вақтида тушуниб қолди. Бунинг ўрнига у қўшинлар Судетга киришганидаги шод-хуррамликни, қатто оккупация қилинган қишлоқдаги бир чех деҳқонининг милтиқдан ўқ узганини батафсил тарифлашга тушди. Умуман, агар ўша бир деҳқон дейилмаса, немис бўлмаган аҳолиларнинг ҳаммаси руҳи тушган, лом-мим демасди. Эсэсчилар бу ерда ҳам ишни расво қилишди: улар сўроқни кутмай, ўша деҳқонни ўлдиришди, сўроқда эса ҳойноҳой анча-мунча нарсани билиб олса бўларди. Мана энди бўлса миқ этмай ётибди, мияси бош суягидан бутунлай оқиб чиқиб кетибди. Бутун аҳолига мурдага яқин келиш тақиқланди. Уни олиб кетишгунча одамлар унга узоқдан қараб туришди.

Стол атрофидагилар жим ўтиришарди.

— Унга ҳақиқатан ҳам ҳеч ким қўл теккизгани йўқми?— сўради Аннелиза баланд овозда.

— Бўлмасамчи!— деб кулимсираб жавоб берди Штахвиц,— қўшинлар ҳамма ерни эгаллаб олишганди.

Чоратрофда ҳам милтиқли немис солдатлари туришарди.

Қиз ўзининг тарелкасида, алланималарни кавларди, у ҳаёлга чўмди. Икки hafta бурун уруш ёки тинчлик масаласи у таниган одамларнинг ҳаммасини — отасининг дўст-биродарларини, ўзининг ўқитувчиларини ва ўқувчиларини, идора хизматчиларини, бозордаги олиб-сотар савдогарларни, гитлерюгенднн безовта қиларди. Аннелизанинг гитлерюгенд орасидаги мавқеи ҳозир анча бўш, обрўйи унча яхши эмас эди, лекин касаллигини, илгариги хизматларини инобатга олишиб, унга бир оз мурувват қилишарди. Отаси уйда жуда кам бўларди. У доим хомуш, тажанг бўлиб юрарди. Отасининг ҳаяжонли юзидан, онасининг ҳаддан зиёд меҳрибон ва мулойим бўлиб қолганидан, аллақандай катта бир нарса содир бўлиши сезилиб турарди; лекин нималигини Аннелиза ҳатто тасаввур ҳам этолмасди; одамлар бу нарсадан кўрқишар ҳамда унга умид қилишар, бир томондан унинг бўлишини истамас, иккинчидан унинг юз беришини зориқиб кутишарди: бу нарса айни вақтда ҳам ёмон, ҳам яхши, ҳам даҳшатли, ҳам ғалати эди. Лекин бирдан отасининг авзойи ўзгариб қолди; бир куни у уйига бемаҳалда келди, у: «Тинчлик!» деб қичқиргани йўқ, у: «Уруш бўлмайди!» деб қичқирди. Шундан кейин ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлиб, кўнгиллари енгил тортди. Онасидаги илгариги меҳрибонлик ва мулойимликдан асар ҳам қолмади. Ҳамма кўрққанидан илгариги шартномаларни бекор қилиб, Гитлернинг талаб қилган нарсаларини беришган чет эл давлатлари билан чет эл арбобларини масхара қилиб кулишарди. Оиладаги кўнгилсизликдан кейин отасининг яна авзойи бузилди. Уйдаги шарт-шароитлар қизни ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қўйди. Фақат, энди Штахвицнинг ҳикоясидан кейин Аннелиза кечаси, синглизининг каравотида ётиб, эшик тирқишидан эшитган ота-онасининг сўзлари ҳақида чуқур ўйланиб қолди. Аннелизанинг ўжарлиги билан Судет ўртасида қандай ўхшашлик бўлиши мумкин? Империя қучоғига қайтиш ҳамма нарсани йўқотиб юборади, деганларига отаси ўша куни кечаси, бугун Штахвицчалик ишонмаган эди, демак Аннелизага айни вақтда ҳам даҳшатли, ҳам ажойиб бўладиган нарсани бошдан кечиришга тўғри келмайди.

Кейин у чех деҳқонини ўйлади. Унинг бош суягидан мияси оқиб тушди, лекин унга ҳеч ким қўл теккизаолмади, чунки уни немис солдатлари қўриқлаб турарди. У кўз олдида бозор майдонидаги немис солдатларини кўраётгандай бўлди, гўё олдидаги тарелка бозор майдони-ю, вилка билан титкилаётган пирог қолдиқлари немис солдатларининг соялари эди. У ҳокимиятнинг бутун куч-қудратини ҳис этди. Одамлар нимага ағрайиб қарашди? Деҳқоннинг мурдасига, ўлик дегани нимаси? Агар Шрёдернинг гапи рост бўлса, демак унинг ичида жони йўқ экан? Хўш, нима бор экан? Ўлик одамнинг бош суягидан оқиб чиққан миями? Ахир, бу жон эмас-ку?

У атрофига ташвишланиб қаради: Аннелиза бу уйда кимдан сўрашни, ҳатто нимани сўрашни ҳам билмасди. У ўтирган хона ҳам, бутун оила ҳам, бутун ҳаёт ҳам ҳар қайси алоҳида ва ҳаммаси қўшилиб савол устига савол туғдирди. Саволнинг кўплигидан, уларнинг ичидан энг муҳимини аниқлаб олиш амри маҳол эди. Аннелиза гарчи Мальцан кампир энди консерва қилинган меваларидан тайёрланган компот солинган хрустал ваза қўйилган оқ дастурхонли стол атрофида ўтирса ҳам ўзини қалин ўрмонда юргандек ҳис қиларди.

Амалия хола, қиз унга кечқурун ғалати, лекин жоиз савол берганда жуда ҳайрон бўлиб қолди. Аннелиза уйда таврот борми, деб сўради. Амалия хола бир оз иккиланиб турди-да, кейин:

— Бўлмасамчи, болам, албатта бор,— деб жавоб берди ва онаси, Аннелизанинг катта бувиси пенсияга барвақт чиқиб болалари билан мурасиси келишмаган ўша Венцловнинг онасидан мерос бўлиб қолган катта китобни олиб берди. Қиз тавротнинг содиқ эгаси ҳақидаги гапларни сабр-чидам билан тинглади. Кечаси ўрнида ётиб, Аннелиза тавротдан, Шрёдер вокзалда, икита гестапочининг олдида туриб айтган жойини топиб олди. Мана ўша жойи, ҳа, шу бўлса керак: «Улардан кўрқманг», у: «Мен кўрқаётганим йўқ» деб ўйлади. Муқовасининг ички томонида ингичка, қинғир-қийшиқ қилиб ёзилган сўзларга кўзи тушиб қолди: «Қизим Амалияга» Аннелиза: «Наҳотки Амалия хола бир вақтлар менга ўхшаган қиз, онасининг қизи бўлган бўлса-я» деб ўйлади. У чироқни ўчирди. Уни қоронғида ҳам кўра оладиган, қалбининг энг чуқур жойига назар

ташлайдиган бир кимса бормикин? Демак у ҳозир ҳам якка эмас экан-да, а? Кўзи уйқуга кетаркан, у Ленора ётган хона эшигининг тирқишидан тушиб турган шуълани кўриб севинди. Ленора ҳали ҳам китоб ўқиб ўтирарди.

#### IV

Бу вақтга келиб Ливен гўё бутун умри кўкда парвоз қилиб юргандек, самолётларда саёҳат қилишга жуда кўникиб қолди. У энди ўзининг ҳайрон бўлганини бошқалардан яшириб ўтирмасди; у ҳайратланмай қўйди. Лекин у энди фақат Берлинга келиб-кетиб турарди, ўзи эса Ригада яшарди; бу ерда Ливен банканинг филиалини бошқарарди. У бутун бир қаватини эгаллаган уй Фарбнинг қоғоз фабрикаларини ёғоч билан таминлаб турадиган фирманинг эгасига қарарди. Фирма эгасининг гапига қараганда, уни ота-боболаридан биттаси барпо қилган экан. Ливеннинг уйи немисларнинг йиғиладиган жойига айланганлигига у қаршилик кўрсатмади. Аксинча, гарчи бу банка филиали мудирининг вазифасига кирмаса ҳам, Ливеннинг консулхона билан элчихона чиновникларини, шунингдек нацистлар арбобларини қабул қилганидан хурсанд эди. Хўжайин хотини ва болалари билан немис черковига бориб турарди, болаларни ҳам немис мактабида ўқитарди; у Ливенга, жопажон ватанимни Советлар таъсиридан қутқариб қолиш учун қўлимдан келгунча ҳаракат қиламан, дерди. Бувиси бир вақтлар ёғоч сотиш ишига яҳудийларни аралаштирмаслик учун қўлидан келганча уринган экан; буни қилиш ҳатто подшо даврида ҳам ўлимдан қийин бўлган экан. У пайтларда ҳозир Германиядаги сингари, ирқнинг тозалигини сақлаш қўлларидан келмаган. Шунинг учун ҳам хўжайин Ливенга ҳар хил музокара ва йиғилишлар ўтказишда жон деб ёрдам берарди. У Ливенлар оиласининг рус революциясига қадар қандай роль ўйнаганлигини жуда яхши биларди, ўз ҳукуматининг урушдан кейин немисларнинг ер-мулкини мусодара қилганига ич-ичидан қаттиқ ачинарди. Ахир унинг бахтсиз мамлакати, кучли қўшинларининг ёрдами билангина кун кечириши мумкинда!

Мамлакат, саводсиз қора халқ уни хароб қилишни кутгандан кўра, обрўли, эътиборли машҳур оилалар-

нинг ҳимоясида роҳат қилиб яшагани минг марта афзал эмасми. Ливен ўзида йўқ хурсанд эди. Уй эгаси Ливендан унинг мол-мулки кимларнинг қўлига ўтганлигини билиш учун жон-жаҳди билан тиришарди. Унинг бу қилиғини зимдан кузатиб юрган Ливен ундан сал-пал нафратланар эди. Маълум бўлишича Ливеннинг мол-мулклари иккитами, учтами қишлоқ жамоаси ўртасида тақсим қилинган экан. Бир ози косибларга тегибди, дарахтзори давлат ихтиёрига ўтибди, помешчикка қарашли уйда вақтинча маҳаллий бой савдогарлардан биттаси тураркан. Хўжайин гўё гап унинг ўз ер-мулки устида бораётгандай, ҳадеб сўраб-суриштирар эди. Шахсан хўжайинни кўпроқ дарахтзор қизиқтирарди, чунки бу нарса унинг фирмасини кўп йилдан буён қизиқтириб келарди. Ўрмонзорларга энди, асосан давлат ва қисман помешчикка қарашли уйда турувчи бой савдогар хўжайинлик қилгани учун у Ливеннинг ер-мулки билан фақат ўша зот орқали алоқа қила оларди. Бироқ унинг бу ўй-фикри қанчалик хом, қанчалик бўш бўлмасин, у Ливеннинг мутлақо эсига кириб-чиқмаган қариндошлик алоқаларини аниқлашга ундарди.

Ливен Берлинда бўладиган музокараларга тез-тез бориб турарди, шунинг учун ҳам Курфюрстендамдан ўзига бир хона олиб қўйганди. Бир куни кечқурун у даҳлизга кириши билан димоғига тамаки ҳиди гуп этиб урганидан жуда ҳайрон бўлди. Хонага кириб бир бурчакда креслода ўтирган меҳмонга кўзи тушди.

— Немис хотинларининг чекмаслигидан сен беҳабар бўлсанг керак, — деди у хоҳолаб кулиб.

Элизабет Ливенга жавоб бериш ўрнига бурнидан чўзиб-чўзиб тутун чиқарди.

— Лаб-юзини ҳам бўяшмайди, — деб қўшимча қилди Ливен.

Унинг лаблари илгаригидан сал қизил эди, роса упаэлик суртганидан чарчаганлиги юзидан билинмасди. Ливен гап орасида, Элизабетнинг ҳозир ҳам илгаригидай тетик, қадди ростлигини, лекин жўрттага букчайиб юришини, кўзига иссиқ кўринган кул ранг кўйлаги эса келишган қадди-қоматига жуда ярашиб тушганини қистириб ўтди. Элизабетнинг қулоғида ҳамон ўша онасининг зираги, сўзларида эса ҳамон ўша-ўша истеҳзо бор эди.

— Агар сен бу сафар фурсат топиб, мени у ёқ-бу ёққа олиб борсанг, икки ҳисса кам чекишга сўз бераман.

— Жоним билан,— деди у.

— Ҳозирчи, ҳозир вақтинг борми?— деб сўради Элизабет.— Бу ерда бемалол гаплашаверсак бўлади. Ахир, кўришмаганимизга анча бўлди-ку. Акамнинг вафотидан кейин мен Дрездендан деярли ҳеч қаёққа чиққанам йўқ.

Ливен унга тикилиб қаради. Рост, у шундай сохта беғамлик ва ўйламай-петмай гапирар экан, демак, унга муҳимроқ бир нарса дейиш керак. Ливен бир қўли билан унинг қўлини қисди-да, иккинчи қўли билан сигаретини олиб, ўз оғзига қистирди. Элизабет ҳам унга синчиклаб тикилди.

— Кўринишинг ёмон эмас, азиз дўстим, амакиваччам. Мен сени бу аҳволда кўрарман, деб ўйламагандим.

Улар ёнма-ён ўтириб, бир зум бир-бирига, бир-бирларининг кўзига синовчан тикилиб қолишди, иккаласининг ҳам кўзи совуқ боқарди, уларда меҳр-муҳаббатдан асар ҳам йўқ эди.

— Хўш, нима гап ландграфиня Элизабет?

— Ажойиб унвон, у менга ёқади. Ландграфиня тўғрисида мактабда ўқиганмиз-у албатта, лекин унга нима гап бўлганлиги эсимда йўқ.

— Эсимда, бу хоним сенинг адашинг, ўрта асрларда яшаган, эсимда, унинг эри баджаҳл, қаттиққўл бўлган; агар янглишмасам, у адашингга ҳатто ўзининг... ерида ишлаган деҳқонларга инъом қилишни ҳам ман этган! Лекин хотини унга қулоқ солмай ўз билганини қилаверган, эри уни саватига нон солиб кетаётган ерида ушлаб олган. Саватимдаги нон эмас, атир гул деб эрини алдаган. Баджаҳл ландграф ишонмай саватига қараса, нон атир гулга айланиб қолганмиш; одатда, сира кутмаганингда ана шундай мўъжизалар юз беради.

— Нима бўпти, тангри жуда вақтида жонига аро кирибди-да,— деди Элизабет,— агар сенинг Элизабетинг менга ўхшаб айёр, уддабурро бўлганда эди, нонининг устига олдинданоқ атир гул солиб қўйган бўларди. Лекин унда бунчалик қизиқ бўлмасди-да. Энди кўлимни қўйиб юбор, сигаретимни тутатиб олай. Азизим Эрнст сенга муҳим бир савол бермоқчиман, ҳа, айтмоқчи ошириб, бўрттириб гаплашишининг нима кераги бор, нисбатан муҳим. Эшитишимга қараганда, сен у ерларда, биз томонларда жуда зўр ишлар қилаётганмишсан.— У, Эли-

забетнинг қўлини қўйиб юборди-да, унга савол назари билан қаради. Элизабет сигарет тутунини ичига тортиб, сўзида давом этди:

— Сенинг олдингга бориб, бир оз туриб келишни жуда истардим, болалик давримни ўйнаб-кулиб ўтказган жойларни кўрсам дердим.

— Бу қийин эмас,— деди Ливен.

— Агар менинг айтганимга кўнсанг. Гап шундаки, мен сенга бир нарсани таклиф қилмоқчиман, фақат чўчима.

Ливен сал сурилиб қўйди. У ўзини гўё ойнадаги аксига тикилиб қараб ўтиргандай ҳис этди, бирдан ойнадаги кўзлари юмилиб кетгандай бўлди.

— Ростини айтсам, мен дунёда ҳеч нарсадан қўрқмайман,— деди у кулимсираб,— сенинг таклифингни-ку, гапириб ўтирмасам ҳам бўлади, нима у шунчалик ғалатими?

— Ҳа, сал ғалатироқ. Иккаламиз турмуш курсак қандай бўларкин?

— Э, Элизабет, нималар деяпсан ўзинг!— деб қичқириб юборди у.— Биз турмуш қурарканмизми? Хўш, бунинг нима кераги бор?

— Биз Ливенлар бирга бўлишимиз керак. Ахир ўзинг бир ўйласангчи, мен бир умр Германияда туриб қолсам, сен аллақаерларда, мenden узоқда, шимолдаги уйимизда бўлсанг-у, бир кунмас, бир кун ер-мулқингни ўзингга қайтариб бериб қолишса нима бўлади.

— Таклифинг жуда ғалати-ку, лекин у қадар ёмон эмас! Лекин менимча биз бир-биримизга ҳечам муносиб эмасмиз. Менимча, биз энди бир-биримизни қайтадан севишимиз мумкин эмас, бу бир ўтди-кетди.

— Э, азизим Эрнст! Наҳотки бунинг учун севиш шарт бўлса?

— Умуман шундай деб қабул қилинган.

— Яхши, лекин биз шундай деб қабул қилинган нарсалардан доим ўзимизни четга олиб қочардик-ку.

— Бунинг яна бошқа томони бор, Элизабет: у ерда сен бир оз вақтгача яхши турасан. Айттайлик икки йил. Борди-ю, уруш бўлиб қолса, у жойимиз Европадаги энг нуқулай, ўнғайсиз жой бўлади.

— Ахир узоқ вақтгача уруш бўлмаслиги учун ҳамма чоралар кўрилган дейишяпти-ку. Министрлар сизларнинг конференциянгиздан қайтиб келишяпти ва само-

лётдан тушишлари билан ўз халқларига: биз сизга узоқ муддатли тинчлик олиб келдик, деб эълон қилишяпти.

— Шунга қарамай, қўзичоғим, эртами, кечми Советлар билан жанг қилишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас; ана ўшанда энг даҳшатли жанглар айни биз томонларда бўлади.

— Бу қачон бўлади?

— Ҳар ҳолда биз ўлмасимиздан бурун.

— Эҳ, азизим Эрнст, бир неча йил кейин нималар бўлишини ким билади дейсан? Нега энди ўлишимиз керак?

— Баъзан бунн ўзинг ҳам билмай қоласан, дейишади.

— Эҳ, Эрнст, бу хил қайғули фикрлар қаёқдан келди мияннга? Борди-ю айтганинг рост чиқса ҳам, бу ерда ўлишдан кўра уйда ўлишни афзал кўраман.

Эрнст ўйланиб қолди. У Элизабетни сал бўлса ҳам меҳр билан қараб турганини сезмасди. Элизабет, у ё «Ҳа», ё «Йўқ» дермикин деб яна бир зум кутди-ю, лекин жавоб бўлмагач, ўрнидан турди.

— Бугунги кечани мен билан ўтказишга ваъда берганингдан афсусланмаётган бўлсанг, мен бориб тузукроқ кийиниб олай.

— Мен ҳеч қачон ҳеч нарсага афсусланган эмасман. Умримнинг охиригача кечани истаган одамим билан ўтказсам деб ўйлайман; баъзида ҳатто сен билан ҳам бирга ўтказишим мумкин.

— Бўлмасамчи, мен бу кунни сабр-чидам билан орзиқиб кутаман,— деб унинг гапини илиб кетди.— Ишонманки, мени ўз билганингни қил деб ташлаб қўймасан. Биласанми, мен ёшлигимдан ўйимга келганини қилавериш жуда бўлганман.

— Биз бир-биримизга муносибмиз-а, нима дединг?— деди Элизабет, ойнага қараб туриб, Эрнст эса орқасида уни кутиб турарди.

Бутун кеча у билан бу ҳақда бошқа гапирмади. Йўлда бир неча эсэсчи тапишларини учратиш қолганларидан иккаласи ҳам хурсанд бўлишди. Кечқурун ҳаммалари бирга овқатланганлари учун Эрнст билан Элизабет ўзлари танҳо бўлиша олмади. Ливен, Элизабетга сен ўртоқларимга жуда ёқиб қолибсан,— деди. Эрнст Элизабетни зимдан кузатиб турарди, унинг ҳаммани кулдираётган ўткир ҳазилларига жавоб бермасди, у ҳеч

кимга билдирмай шундай қилдики, Элизабетни тунги поездга кузатгани ҳаммаси чиқишди. Элизабет унга мутлақо эътибор бергани йўқ, ўзига бир оғиз гапирмади ҳам. Шундай қилиб ўша кеча масала ҳал бўлмай қолди.

Ливен хат ёзишни-ку хаёлига ҳам келтирмади. Икки ҳафтадан кейин, нима ҳам бўлиб, гап орасида олғир хўжайинига:

— Келаси сафар хотинимни ола келаман,— деб юборганига ҳозир ўзи ҳам ҳайрон бўларди.

Хўжайин хотини қанақа экан деб жуда қизиқиб қолди. Жаноб барон илгари рафиқасини сира тилга олмасди-ку. Ё яқинда уйландимикин ёки турмуш қурганига анча бўлдимикин?— Ливен унга батафсил тушутириб ўтирмай ёш рафиқасининг ўз уруғидан эканлигини, унинг шу ўлкаларда туғилиб катта бўлгани тўғрисида қисқагина гапириб қўя қолди, бу эса муҳтарам коммерсантдаги қизиқишни бадтар кучайтирарди, у Ливен оиласининг марҳаматидан тезроқ баҳраманд бўлишни истарди. Ливен унинг хизматига доим тайёр эди. Дўстларининг ёрдамида, турли ҳийла-найранглар билан у помешчикка қарашли уйни ўз қўлига олишга муваффақ бўлди. Бу уйнинг ҳозирги эгаси бу ерда фақат ёз пайтлари турарди, шунда ҳам йўл-йўлакай тушиб ўтарди. Гап шундаки, Ливен бу ишни қандай бўлмасин хотинининг келишига бир ёқли қилиб қўймоқчи бўлди. Кўриб ҳафсаланг пир бўлар, чунки ремонт қилишга вақт бўлмади, қўлим тегмади деган мазмундаги хатни олиб Элизабет, Ливен орқа-олдини ўйлаб, ахир менинг таклифимни қабул қилибди-да, деб фараз қилди.

## V

Парижда ҳаётдан бутунлай умидини узган бир ёш яҳудий йигит ғазаб устида Германия элчихонасининг учинчи секретари Эрнст фон Рат деган одамни отиб қўйибди. Германиядаги моторлаштирилган полициянинг ҳамма отрядлари билан штурмовиклар бандаси ўнинчи ноябрь кuni эрталабдан яҳудийларни қиришга киришди.

— Тўхта, номер 17! — Дарвозалар қулфланган эди. Панжарага кўндаланг қўйилган темир тўсиқларни сира синдириб бўлмасди.



— Баррикадани бошлаб қуришибдимми, аблаҳлар,— деди Брункер.

— Нималарга дучор бўлишини улар билишади-да,— деб қўшимча қилди Лангхорн.

Дўстлар ўз аро маслаҳатлашишди; қайси бири тузук: қулф ва тамбаларни синдиришми ёки тўғридан-тўғри тиканли сим тўсилган девор устидан ошиб тушишми. Улар бу ерга келишгандан буён ичкаридан итнинг жон-жаҳди билан вовуллагани эшитилиб турарди. Франц Гешке бошмолдоғи билан кнопкани босди. Дераза қопқоқлари берк оқ уй қорамтир магнолиялар орасидан кўриниб турарди. Гаражга олиб борувчи устига қизғиш қум сепилган кенг хиёбоннинг атрофи ноябрь ойи бўлишига қарамай кўм-кўк эди. Куз бўлгани учун верандадаги ҳамма нарса йиғиштириб қўйилганди, фақат қатор тош устунлар ўртасига осиб қўйилган олабула асл нусха вазаларгина ўз жойида қолганди, чунки улар худди баҳордагидай верандага зеб бериб турарди.

«Бу нарсалар бизда бир зумда парча-парча бўлиб кетади»— ўйлади Хагедорн

— Худо ҳақи, бу ерда ёмон туришмаса керак,— деб гап қотди Вирт.

— Улар бизга ҳеч ким тегмайди, айш-ишратимизни қилиб юраверамиз деб ўйлашсалар керак,— деб унинг гапини илиб кетди Франц Гешке.

Франц Гешке ҳарбий хизматдан кейин тўппа-тўғри урушга кетмай ўз уйига қайтишини, бутун дунёни ваҳима ва ҳайратда қолдириб, бировлар юртини босиб олиш ўрнига, уйда, ош столи атрофида ота-онаси билан бирга ўтиришини ўйлаб ҳафсаласи пир бўлди. Тўғри, у вақтини яна ўз қизи билан хотиржам ўтказди, ҳаётнинг одатдаги ҳамма эҳсонларидан баҳраманд бўлади, ҳолбуки урушда буларнинг ҳаммасидан маҳрум бўлиши мумкин, чунки у ерда ўлим кишига соядек эргашиб юради. Эски ошнаси штурмовик уни яна аввалги ишига киритиб қўйди.

Гешке бармоғини қўнғироқ кнопкасидан олмай туриб, верандадаги вазаларнинг, барокко услубида ишланган жим-жимдор панжараларнинг, дарвозадай зич қилиб ёпилган кўплаб дераза ойналарининг нархини ўзича тахминан ҳисоблаб чиқди. Бу уйдагиларнинг қўрқувдан ухлаёлмаслиги табиий. Уларнинг халқдан қўрқиб, уйларида ҳечёққа чиқмай, писиб ётишлари, ҳамма эшик

ва деразаларини тамбалаб қўйишлари турган гап. Унинг ўзи бу вилланинг битта жиҳози, айтايлик, уйга кириверишдаги зинапояннинг икки томонига ўрнатилган бронзали буюмлар учун бир аср ишлаши керак бўларди. У стулнинг оёғи билан бир урса, бу лаънати вазаларнинг чилпарчин бўлишини, ингичка, нақшдор устунларнинг қасира-қусур қилиб синишини, аблаҳ яҳудийларнинг бунга ўхшаш одамларни ўлгудай ишлатиб ортирган бу майда-чуйда беъмани безакларининг қули кўкка совурилишини, ниҳоят, ўзининг энг эзгу нияти — мулкдорларнинг экспроприация қилинишини ўйлаб, олдиндан ҳузур қиларди.

Лангхорн энг сўнгги дақиқада шерикларига панднасихат қилишни лозим кўрди.— Менга қаранглар, йигитлар,— деди у жиддий.— Мабодо қўлингизга, ҳалиги буюмлар, ҳа, нима деб аталар эди, санъат асарлари тушиб қолгудай бўлса, уларни бошқа эски-туски нарсаларга аралаштирмай, алоҳида қўйинглар. Кўзларинг тушди дегунча бир четга қўйинглар, кейин уларни бир кўздан кечиришиб музейга жўнатишади. Ахир, бу талон-тарож қилинган нарсалар миллатнинг мулки-ку.

— Ие, унинг миллат мулки эканлигини қаердан билиб бўлади?— деб сўради Вирт шоша-пиша.

— Эрпенбек бунга сен жавоб берасан

Ёш Эрпенбек бошлиқнинг мақсадини дарров фаҳмлади.

«Мен ўзимни бугун қандай тутишимни синаб кўрмоқчи,— деб ўйлади у ўзича.— Хотиржам бўлинг, аслзодалиқдан менда қилча ҳам қолгани йўқ». Шу бугун қилинадиган ишнинг аҳамиятини ҳаммадан ҳам ориқ тушунишини у Лангхорнга исбот қилиш истаги билан ёнарди.

Франц Гешке ниҳоят, бармоғини кнопкадан олди. Панжаралари жим-жимадор зинапояда опереттадаги субреткалардай<sup>1</sup> ясанган, сочи жингалак, хушчақчақ оқсоқ пайдо бўлди. У аҳволнинг жиддийлигини тушуниб етмаган эди. У штурмовиклар келгандан буён тинмай акиллаётган, зинапоя олдидаги занжирбанд итларнинг овозини ўчирди-да, баланд пошналар туфли кийган, чўлдай ингичка оёқларини бир-бир босиб, дарвозага яқинлашди.

<sup>1</sup> Субретка — Қадимги комедияларда хўжайиннинг ҳамма сирларидан воқиф бўлган, хушчақчақ девонахон оқсоқ.

«Бу малларанг ёқимли қизча бу ерга қандай келиб қолдйкин?— деб ўйлади Франц Гешке.— Бу нарса аллақачон ман қилинган-ку. Эғнидаги қора шойи кўйлаги билан оқ этаги эса қайлиғимнинг у ёқ-бу ёққа борганда киядиган эшиклик кўйлагидан ҳам қиммат туради».

Оқсоч аввалига:

— Хейль Гитлер!— деб қичқириб айти-да, кейин:— Тонг саҳарда йўл бўлсин?— деб сўради содда диллик билан.

«Унинг ақл-хушини ўрнига тушириб қўйиш керак,— деб ўйлади Франц Гешке.— Бу ерда нима қилиб юрибди? Қулоғидаги зиракларини қара, ҳойнаҳой яхудийнинг совғаси бўлса керак».

— Оч!— деб қичқирди у қизга. У кулимсираб елкасини бир учирди-да, қўлидаги калитларни ўйнатиб, юмолоқ, кўм-кўк кўзлари билан, дарвоза очилганда уни сал бўлмаса йиқитиб юбораёзган штурмовикларга қаради. У қош-қовоғи осилган Франц Гешкеннинг бузуқ авзойига ҳайрон бўлиб қаради-да:

— Э худо, ўзи нима гап, тинчликми?— деб сўради.

— Муғомбирлик қилма. Бугун нима ишлар бўлаётганини ўзинг ҳам яхши биласан. Сен яхшиси шуни айтиб берчи, бу яхудийлар уясига қандай қилиб тушиб қолдинг?

— Нима? Қанақа уя? Э, энди билдим, сизларга яхудийлар керак-а. Улар участкамизнинг орқасида, 17«а» уйда туради. Октябрь ойида бу ердаги уйларнинг номерларини ўзгартиришди. Бизнинг уйимизнинг номери 17, «а»си йўқ. Байроқни тушириб қўйганимизга сабаб, уйимизда бўёқчилар ишлаши керак. Ҳамма нарсани йиғиштириб ташлашимизнинг бонси ҳам шу. Жаноб Гаулейтер Тенишнинг ўзи ҳам оиласи билан бу тақир-туқурга, бўёқ ҳидига чидай олмай кетиб қолишди.

— Эшитяпсизларми? 17 «а» ўнгда мана бу муюлишда экан,— деб қичқирди Франц Гешке. Ҳозир у тутоқиб кетганди, одатда унча-мунча англашилмовчиликка ёки ишда бирор хатога йўл қўйса ҳам, бунчалик тутоқмас эди.

У оқсочга қайрилиб ҳам қарамай, бир оғиз ҳам гапирмай унга ҳам, верандада осилиб турган вазаларга ҳам, гаражга олиб борадиган устига қизғиш қум сепилган хиёбонга ҳам, тинмай акиллаган итларга ҳам лаъ-

нат ўқиб, ҳамма ҳамтовоқларини орқасидан эргаштириб нари кетди, у қаҳр-ғазабидан заррачасининг ҳам бекорга кетмаслиги учун йўл-йўлакай ўзини босиб олишга ҳаракат қилди.

Мендельсонга қарашли 17 «а» номерли уй ҳам, 17 номерли уйдаи девор орқасидан оқариб кўринади. Бу ерда ҳам худди шундай гаражга олиб борадиган, устига қизғиш қум сепилган хиёбон бор экан. Фақат бу ерда ола-була вазалар осилган веранда ўрнида, ойналари турли рангдаги фонарь бор эди. Франц Гешке майда-чуйда нарсаларга эътибор беришни ўзига эп билмади.

У бармоғи билан кнопкани босиб ўтирмади. У дарвозани кучининг борича итарган эди, тахталари қирсиллаб шартта очилиб кетди...

## VI

Христиан Надлер ҳар якшанба пойафзалларни эгаларига олиб бориб берарди ва бошқаларини йиғиб келарди: чунки дам олиш кунлари деҳқонлар уйларида бўларди, Христиан ҳам ишларини бир ёқли қилиб, тўппа-тўғри черковга борарди. Пойафзал тугилган тугунни майхоначаникида қолдирди. Акасининг олдига бормаганига анча бўлган эди. Аввалига, акам яна менга ёпишиб олади, деб қўрққанидан бормай юрди, кейин бу бир одат тусига кириб қолди, лекин у ҳозир акасининг жаҳлидан тушганини биларди, албатта.

Уйда Христиан ейдиган овқатини ити билан ўртада баҳам кўрарди, бир бурда колбаса учун итини сакрашга, икки оёқлаб туришга мажбур қилмасди... Христиан итини ириллатмай, топганини у билан баббаравар бўлиб ерди. Қорни тўйгач, ит олдинги икки оёғини Христианнинг тиззасига қўярди, у эса итнинг секин бўйинини қаширди. Ит қулоқларини диккайтириб, сарғиш тиниқ кўзлари билан Христианнинг ташвишли юзига тикиларди.

— Хўш, сен нима дейсан, Виду, бу ёғи нима бўлади?— дерди Христиан.

— Каттаси кузга яқин солдатликдан қайтиб келадди, Малларанг, бизнинг Қарлни эса энди олиб кетишди. Биз энди уни икки йил кўрмаймиз. Хўш, бу сенга ёқадими, Виду?— Ит Христианнинг юзини ялади. Хрис-

тианнинг юзидаги узун, ингичка ажиналарни дунёда шу итдан бошқа ҳеч ким кўрмасди. Ит унинг юзидаги ана шу ажинларни ғадир-будур тили билан эринмай яларди.

— Виду, бу менга сира ҳам ёқмайди. Хўш, Гитлернинг колбаса бўлакларни бирин-кетин оғзига солиши сенга ёқадими? Менга ҳечам ёқмайди. Эшитишимча, одамлар тишлаб олади, деб ундан қўрқишармиш, шунинг учун қўлидагини индамай тутиб берармиш. Унинг тишлари ўткир, колбасани қайтариб ололмайсан. У бошида ишни бир бурда колбасадан бошлади-ю, мана энди ҳамма нарсани ўз қўлига олди.

Ит Христианнинг юзини ялаб бўлиб, қўлини ялай бошлади, аҳён-аҳёнда хўжайиннинг нам юзига қараб қўярди.

— Ҳа, Чехословакияни ҳам,— деб сўзида давом этди Христиан,— Данцигни ҳам, Мемельни ҳам босиб олди. Бу шаҳар ва мамлакатлар ана шундай деб аталади. Сени Виду деб чақиришса қараганиндай, уларни ҳам отини атаб чақиришса, жавоб беришади. Уларни радио, эфир орқали чақиришади, улар жавоб қайтаришади. Агар, бу ишингни қўймасанг, кунингни кўрсатамиз, деб Гитлерга дўқ қилишади, нима, итга пўписа қилишса у тишламайди, итлигини қилмайди, деб ўйлайсанми? Дўқ қилганларнинг бўғзига чанг солмасмикан.

Ит ириллаб, кўзларини ўйнатиб, Христианга қараб турарди.

— Бу ёғи нима бўлишига сира ақлим етмайди, Виду. Вильгельм ҳаммамизни ҳам ўзига ўхшаб аҳмоқ, деб ўйлайди. Менимча, сен билан мендан ақллироқ одамлар топилиб қолар. Бу ёғи нима бўлишини билмайман-у, лекин ҳозирча буларнинг ҳаммаси кўнглимга ёқмайди.

У итини ҳайдаб юборди, чунки у билан ўйнашга эринарди. Бахтига дам олиш кунини эди; рост шундай экан, демак яхшилаб ором олишим керак, деб ҳеч иш қилмади. Христиан ҳеч қачон ўлиб-тирилиб ишламасди, бекорчилик ҳар қандай енгил ишдан афзал, деб ҳисобларди. Жазирама офтобда денгизда сузиб юрган экскурсантларга тўла пароход, эҳтимол «Севинч кучи» деб аталувчи нацистлар ташкилотига қараса керак. Бу пароходга бола-чақалари билан тиқилиб олганлар қандай одамлар экан? Христиан умрида ҳеч кўрмайдиган одамларини ўзича тасаввур этишни яхши кўрарди. Уларнинг

орасида ҳа демай оғриб, кейин ўладиганлар ҳам бордир. Ҳозир «Севинч кучи» пароходида сузиб кетяпти, буларни билмайди. Уларнинг ичида шу бу йил кўзи ёришадиган хотин ҳам бордир; ниманидир ташвиш тортаётган битта-яримта одам ҳам топилар; нимагадир хурсанд бўлаётган одам ҳам йўқ эмасдир. Лекин бу одамларнинг нимага хафа бўлишаётганини ёки нима учун хурсанд бўлишаётганини Христиан ҳеч қачон бил олмайди. Жуда ғалати кема-да! Чиройли пароходнинг кетидан сувда унинг думи судралиб юради. Агар ҳамма пароходларнинг орқасида ҳам ана шундай из қолса эди, бутун кўл худди тасмадек тилим-тилим бўларди. Шамол шумтолнинг ҳамма шохларини бир томонга эгади-ю, лекин битта айрим шохга кучи етмайди, бу шох бошқа томонга эгилади. Хўш, нега бу шох бошқа томонга эгилади? Нега энди шамолнинг келиб-келиб худди ўша айри шохга кучи етмайди? Шундай қуёшли дам олиш кунини Христиан ўзининг чигал ўй-фикрларини ечолмаслигидан хуноб бўларди, у фикрларим узилмай, худди ғалтакдаги ип сингари бирин-кетин чўзилиб чиқаверса, дерди. Лекин бир фикр доим бу ипни узиб юборарди-да, бирор дуруст, маъноли нарса чиқмасди. Христиан доим ўз кўзи билан кўрса бўладиган нарсалар ҳақида ўйларди. Лекин бу фикр унинг юрагини тимдалаб, сира тинчлик бермасди. Христиан малларанг йигитнинг, Карлнинг йўқлигини деярли сезмасди, кейинги пайтларда у билан сира гаплашмади, уни кам кўрарди, кўрганда ҳам узоқдан кўрарди, шунинг учун ҳам унинг йўқлигини унчалик пайқамасди. У ўзича доим, Карл дунёнинг бир бурчагида юрибди, мен ўлгандан кейин ҳам бу йигит қолади, деб тасаввур этарди. Кўл ҳам, сершоҳ шумтол ҳам, қушлар галаси, энг муҳими, бу йигитча қолади, рост у қоларкан, демак ҳамма нарса бўлади. Христиан ўлим тўшагида тинч, абадий уйқуга кетади, бошқа ҳамма нарса илгаригидек ўз изи билан кетаверади. Карл Христиан акасидан тортиб олган ерни ишлаб, экин экади. Бу ерда ҳамма иш хамирдан қил суғиргандай силлиқ кетади. У Вильгельмнинг бурнини ерга ишқаб қўйди. Агар ўз душманингни калтаклашга кучинг етмаса, уни алдаб қўлга тушириш керак. Лекин ҳукуматни алдаб ҳам бўлмайди, калтаклаб ҳам бўлмайди. Ҳукумат бу йигитни унинг кўзи олдида тортиб олиб кетди. Энди у билан қачон кўришишини худо билади. Карл мажбурий

ҳарбий хизматга кетгандан буён Христиан уни у ёрларда нималарга ўргатишаётганини билишга ҳаракат қиларди. Бу йигитчанинг шунча йилдан бери доим гитлерюгенд ўртасида ивирсиб юрганга Христианнинг ҳечам жаҳли чиқмасди. Ахир унинг ўзи ҳам ёшлигида қаерларда, кимлар билан юрмади, э, бу жиннилик вақтисоати келиб ўз-ўзидан қолиб кетади. Шу вақтгача Христианга шу фикр таскин бериб келарди. Энди, улар йигитчани жуда қўлга олиб олганларидан кейин Христианга ҳечнарсаси таскин беролмай қолди. Энди улар йигитчани энг мушкул, оғир ишларга юбориши мумкин эди.

Христиан пойафзалларини тузатгани олиб келган одамларнинг беъмани гапларига қулоқ соларди, уларнинг куйиб-пишиб, ғазаб билан гапиришлари дастлаб Христианнинг кўнглини кўтариб юрди. Ҳаммаси ҳам полякларнинг Пичи, Вичи ва Чичи сингари бошқа зулм маконларида герман миллати фарзандларига кўрсатилаётган чексиз ваҳшийликлар ҳақида гапиришарди. Агар ўз ватандошларининг бошига тушган бу азоб-уқубатлар уларда шунчалик ачиниш ҳиссини уйғотган экан, Христиан ўша вақтлари кечаси уларни ўз олдига чақириб олиб, ғалати томошани кўрсатган бўларди-я. Бу шовқинсуронлар, ғавағолар унга фақат эрмак бўлиб қоларди, агар Карлнинг бошига бу ташвиш тушмаганда Христиан ўзининг уч оёғида дунёнинг ишларини хотиржам кузатиб ўтирган бўларди. Тўғри, Карл ҳойшаҳой гитлерюгендда ҳар хил қабих ишларни ўрганган бўлса керак. Христиан ҳам оёғини пачақлаб, бу нарсалардан бутунлай ҳафсаласи пир бўлмагунча бир вақтлар ҳар хил разил ишларни қилди. Сабоқ унга жуда қийматга тушди. Бу кап-катта, қадди-қомати келишган суқсур йигит олган таълими учун бунчалик кўп ҳақ тўламаса бўларди. Христианга эски-туски пойафзалларни ямаб-ясқатишга олиб келадиган деҳқонлар ўз ўғиллари ҳақида жуда ҳам ўйлайдигандай бўлиб туюларди. Ҳолбуки улар оталарига далада ҳам ёрдамлашар, майхонага ҳам, черковга ҳам бирга боришар, бирга ичиб, бирга ейишар, кечқурун эса бир жойда ётишар эди. Христианга, гўё кўпроқ ўз ўғлидан ташвиш тортаётгандай бўлиб туюларди, ҳолбуки Христианни ўғли билан унинг ўй-фикрлари, адвокат топиб берган бир тўда қоғозлардан бўлак ҳеч нарсаси боғлаб турмасди. У: «Ким билади, балки улар ҳам қайғу-

ришар. Нега улар менинг олдимда хўрсинишади; ахир мен уларнинг олдида ҳеч «уҳ» тортмайман-ку»,— деб ўйларди.

Видунинг-йўриғи бошқа. Христиан содиқ кўзлари қора паҳмоқ юнглари орасидан меҳр билан қоқиб турган биргина шу итининг олдида хўрсинишга уялмасди.

— Виду, уларнинг бу янги найрангги сенга ёқадими? Менга ҳечам ёқмайди. Бу яна қанақа битим? Буни сен қандай тушунасан? Эсингдами, мен сенга бир йигит тўғрисида, уни қанақа қилиб кечаси кўприкчага судраб олиб чиққанлари, уни ҳойнаҳой чўктириб юбориш учун бўлса керак, аввалига бизнинг ҳужрачамизда оёғини мўмланган пишиқ ип билан боғлаганлари тўғрисида гапириб бергандим. Ҳа, жуда яхши эсимда, бу тўғрида гапириб берганман. Хўш, Виду, сен менга шуни айтчи, ўша йигитни сувдан олиб чиқишиб, ундан узр сўраганларига ишонасанми? Унинг оёғини француз ароғи билан ишқалашларига, қурисин, деб уни офтобга ётқизиб қўйишларига ишонасанми? Мен ишонмайман.— У итни ўзидан нарига итариб юборди, ит аччиги чиқиб эмас, балки кўпроқ ҳайрон бўлганидан ғингшиб қўйди. Христианнинг ўзи бўлса, гарчи ҳечқачон, айниқса дам олиш кунлари, бунчалик берилиб ишламаса ҳам, болғачани шиддат билан ура бошлади.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Христиан ўрнида ётиб қўлини чўзди-да, радиони қўйди. «Мана энг кераги мана шу» деб ўйлади у. У сўзларни ҳам аниқ эшитолмади-ю, лекин шундай бемаҳалда овознинг бунчалик жиддий, муҳим ва тантанали эшитилишига қараганда, бу овознинг фақат бир нарсани англатиши мумкинлигини билди. У бундай овозни умрида бир марта эшитганди, лекин уни радиодан ҳам эмас, саройда ҳам эмас, балкондан эшитган эди. Қиши қалбини ларзага келтирувчи бу овоз тантанали оҳангда янграганди. Ушанда ҳам, ҳозир ҳам бу овоз урушни англатар эди. Бу овознинг ўзи шундай қаттиқ бўлганми ёки унга кўкдаги фариштанинг янгроқ овози жўр бўладими ёки радио антенна орқали тарқатиб юбордими, бунинг аҳамияти йўқ эди, Христиан радиони жаҳл билан ўчириб қўйди. Ўзича алланималар деб сўқинди. Ахир, муддаоларига етишди-да! Анчадан бери қўмсаб юрган урушни

ахир бошладилар-да, мана энди Карлнинг урушга туши- ниши турган гап. Маневр қилиб турган жойидан тўппа- тўғри фронтга жўнатишади. «Қани чўлоқ бўлиб қайтчи, нима қиларканман!» деб қўйди ичида.

У ўзи бу разилликдан бир умрга қутилган. У негадир илгаридан ҳам кўпроқ оқсайбошлади. Аҳмоқлар кўриб, раҳми келсин, деб ўйларди у. Уларни нималар кутаёт- ганини бир кўриб қўйишсин. Ушанда биз ҳам роса хур- санд бўлгандик.

Деҳқонлар у билан учрашганда:

— Биз бу нарсани ҳаш-паш дегунча бир ёқли қилиб ташлаймиз. Сенлар билан бирга урушга боролмайман, деб хафа бўлма,— Христиан, дейишарди.

— Ким билади ҳали!— деб жавоб берарди Христиан.

— Мана шундай, ҳаш-паш дегунча бир ёқли қилиб ташлаймиз дейишади; ўшанда ҳам ҳойнаҳой шундай дейишган бўлса керак,— деди турпга ўхшаган Уль исмли деҳқон.— Сен-ку Христиан, барибир бормаيسان-а; ҳар- ҳолда омадинг келди сенинг.

— Ким билади ҳали!— деб жавоб берарди Христиан.

## УН БЕШИНЧИ БОБ

### I

Немислар Польшага бостириб кириб, бир печа ҳафта- да бутун мамлакатни қўлга киритганларидан буён Лиза эри Вильгельм Надлерни танимай қолди, у жуда ўзга- риб кетди. Лиза ўзича, мен уни беш бармоғимдай била- ман, деб юрарди. У эрини кайфи чоғ вақтида ҳам, тўпо- лон қилган вақтида ҳам, ғирт маст ҳолда ҳам кўрган; Лиза унинг ҳушёр вақтида ўтмишдаги шон-шавкати би- лан мақтанишини, сал ичиб олса, келажакда ундай қи- ламан-у, бундай қиламан-у, деб керилишини олдиндан билиб турарди. Лизага эри қатнашган байрам, тўй-томо- шагалар, штурмовиклар слёти, нацистлар съезди тўғриси- даги гап-сўзлар эшитаверганидан ёд бўлиб кетганди; эрининг бирор нарса кўнглига ёқмай қолса, қандай сўз- лар билан ҳақорат қилишини, нима деб дўқ қилишини ҳам жуда яхши биларди. У сўкиниб гапирса ҳам, мақтан- са ҳам, доим бир одамнинг помини тилга оларди, гўё бу ном бўлмаса Вильгельм дунёда ҳеч нарсани сўколмайди- ган ёки мақтаёлмайдигандай эди. Аввалига у доимо,

ичкилик ичаётганда ҳам, ишлаётганда ҳам, савдо қила- ётганда ҳам капитан Дегенхардтни эсларди, Вильгельм урушдан кейин кўнгиллилар корпусида хизмат қилиб юрганيدا бу капитан унга бошлиқ бўлган эди. Каппчи- лар фитнасидан кейин нобуд бўлган бу ибратли капи- танни Вильгельм ҳар қадамда эслаб турарди. Унинг даврида ҳаёт бутунлай бошқача, турмуш жуда яхши эди, деб уқтирарди у Лизага. Кейин Дегенхардтнинг юлдузи сўнди. Унинг ўрнини барон фон Цизен эгаллади. Лиза унинг нутқларига диққат билан қулоқ солар, ҳатто унинг одатини, қилигини кузатиб борарди. Барон фон Цизен,— Вильгельмни штурмовиклар йиғинида ярадор қилиш- ганларидан кейин, ниҳоят, буларнинг уйига келганда унинг юлдузи сўна бошлаган эди, ҳар ҳолда Вильгельмга шундай туюлар эди; «Пўлат шлём» тақиқ этилиб, Виль- гельм нацистларга қўшилиб кетганда ҳам барон фон Цизен ўзининг имениеси билан кўлнинг нариги томонида омон қолди. Ушандан кейин йўлчи юлдуз қўшни қиш- лоқдан Гармс деган одам бўлди. Бу одамни Лиза илга- ридан танирди. У кўп вақтлардан буён бутун округни ке- зиб юриб, мана энди доврўғи ҳамма ёқни тутиб кетди.

Вильгельм уруш бошлангандан буён таниб бўлмас да- ражада ўзгариб кетди. Кўзлари доим чақнаб турарди, ўзи анча серҳаракат, серташвиш бўлиб қолганди, у энди бошқача кулар, бошқача хўрсинарди, Лизага ҳам бошқа- ча ситам қилар эди, гўё у йигирма ёшга ёшариб кет- гандай эди: у газетадан бирор хушxabар ўқиганда, бу айниқса, яққол сезиларди. Унинг қўшнилари гўё доим шундай бўлиши керакдай хотиржам ер ҳайдаб экин экиб юрганда, Вильгельм яширинча уруш бўлиши- ни кутиб юрарди. У уруш унинг учун чинакам ҳаёт эканлиги, ўзининг ожиз, аянчли бир деҳқон эканлиги, жонга тегувчи оғир ишни бажаришга маҳкум этилгани тўғрисида ҳатто ўйлашни ҳам истамасди. Мана энди, солдатлар яна керак бўлиб қолганди, кимнинг нимага қодир эканлиги маълум бўлади-қўяди.

Дастлаб Лиза унинг умидсизликка тушганини сезди. Икки ўғли армияда бўлса-ю, уни эса ҳеч ким эсга олма- са-я, бу қанақаси бўлди? Польшани бир зумда ишғол қилганларидан кейин ундаги умидсизлик ўрнини қўр- қув эгаллади. У Польшани шунчалик тез қўлга олишар деб ўйламаганди. Борди-ю, у урушга боргунча бирдан сулҳ тузиб қолишса нима бўлади? Катта ўғли хатида,

поход биз учун бир эрмак бўлиб қолган, деб мақтаниб ёзарди. Улар ҳаш-паш дегунча аэродромни қўлга олишди, Польшанинг гарбида сал тузукроқ, мустақкам истехком умуман йўқ эди, ҳаммаси шарқда эди. Ишғол қилинган мамлакат аҳолиси бир вақтлар шаҳарма-шаҳар дайдиб юрган лўлилардан сира қолишмайди. Уларнинг уйи бу ердаги кулбалар олдида, бир сарой эди. Кичик ўғли Карл ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ узоқ шимолга тушиб қолибди. Энди Гитлер Европани икки томонидан ушлаб турибди. У ерда шунчалик кўп халқ яшашини илгари ҳеч ким билмасди. Вильгельм бу халқлар ўз ишларининг пачаваси чиқаётганини тушуниб, сулҳ тузиб қолишмасайди, деб ҳавфсирарди. Ҳосилини бемалол йиғиб-териб олишлари учун уларни уйларида қолдиришганларига Вильгельм бошқа қўшнилари сингари хурсанд эмасди. Даладаги мўл ҳосил етилди. Уғли, шарқда ғалла бошини еб битибди, деб ёзганди. Вильгельм ишғол қилинган ҳар бир қарич ер учун ўзида йўқ хурсанд бўларди, бу ҳақда ёзилган хатларни ҳузур қилиб ўқирди. У хотини ва бўйи етган қизи билан далада шунинг учун ҳам ишлардики, иш унга ором берарди, яна шунинг учун ишлардики, у ҳар ҳолда урушга киришни ҳали ҳам умид қиларди.

Қишда, дала ишлари деярли тамом бўлиб, тез қоронғу тушадиган вақтларда эрининг уйда кам бўлишидан Лиза ҳатто хурсанд бўларди. Ўзи ҳам қизи билан нацист хотинлар иттифоқи ва герман қизларининг бирлашмаси уюштирган ҳилма-хил йиғинларга бориб туришарди. Уйда зеркиб ўтиргандан кўра шу ҳам тузукда. Қизининг айлани етилган пайти эди, бурнининг катталиги, кўзининг қоралиги отасига ўхшарди. Онасидай юзини сепкил босган эди.

Вильгельм, ўзини ҳеч ким эсига олмаётганидан, уйда шўппайиб ўтирганидан, нега у ҳозир ҳеч кимга керак бўлмай қолганлигидан шунчалик қаттиқ хижолат бўлишини Лиза унчалик тушуниб етмасди; Вильгельм ўзининг қатордан чиқиб қолаётганини ўйлаб қаттиқ эзиларди; ўзини янги урушга ёшартириб қўймагани учун табиатга жаҳл қиларди; шарти кетиб парти қолган, қари-қартаглар билан майхонада улфатчилик қилиш унга негадир эриш туюларди.

Христиан устахонасидан учаласининг далада қанчалик машаққат чекиб ишлашларини кузатиб ўтирарди. Унинг юрагига яқин бирдан-бир одам далада кўринмас-

ди. У ўғлини кўришга ҳатто улгирилмади ҳам, уни шунчалик тез жўнатиб юборишди. У ўтган урушда акасининг ҳовлисига элтиб ташлаган тухумдан қанақа жўжа чиқдидикин, кимга тортганлигини, қобил-ноқобиллигини тузук билмасди. Унинг ҳаётлигини биларди, холос. Энди бўлса ҳамма орзу-умидлари, тахминлари пучга чиқди.

Йўл ишчиларини аллақачон ҳарбий хизматга чақиришган эди.

Бизнинг яккачўпимиз, — дерди Христиан итига, чинакам пристанга айланди. Қайси ҳам ўрмонда, ер тагида янги завод қуришганларидан буён, яккачўпларда смена вақтида доим тикилинч, гавжум, ғала-ғовур бўлади, чунки ишчилардан бир қисми қайиқларда кўлдан сузиб ўтишарди. Ҳаммаси янги одамлар эди; эрталаб ва кеч-қурун улар шундай тинкаси қуриб, аччиғи чиқиб, хуноб бўлиб келардиларки, ҳатто Христианга қайрилиб қарашга ҳам вақтлари бўлмасди. Фақат улардан биттаси, Фирль исмли одам баъзида бошмоғига тагчарм қоқтиргани олиб келарди. Гаплашганда маълум бўлдики, у ҳам Штробелга ўхшаб Обершеневейдедан экан, Штробель билан Христиан яқиндан таниш эди. Мих қоқаётиб Христиан Фирлга кўз қирини ташлаб қўйди. Фирль ҳам унинг кўзига тикилиб бош чайқаб қўйди. Кейин қайиқдаги бошқа одамларнинг олдига чопиб кетди. Христиан кўлда сузиб кетаётган қайиқ орқасидан узоқ тикилиб қолди.

Қайиққа тушиб кетган Фирль билан Христиан қалбининг бир парчаси кетгандай бўлди.

Совуқ тушиб Христиан айвонда ишлаёлмаган кунлари Фирль унинг олдига — саройга кирарди. Орадан бир неча кун ўтгач, у ниҳоят, кўнглидаги гапини айтишга журъат этди. Ана, Христианнинг радиоси бор, унинг у ёғ-бу ёғини бурашнинг иложи йўқмикин. У ниманидир тўғрилай бошлади, Христиан бўлса унинг ҳар бир қўл ҳаракатини зимдан кузатиб турди. У гарчи одамлар билан кам муомала қилса ҳам, балким худди шунинг учундир, одамларнинг кўнглидагини, уларда рўй берган руҳий ўзгаришни, юз ифодасидан, қўл ҳаракатларидан дарров билиб оларди. У ҳозир: «Бу йиғит ҳозирча менга ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмайди», деб ўйларди.

— Қаравотга чиқиб олсангчи, — деди у ниҳоят, чидаёлмай, — музикани бемалол ётиб эшитсанг-чи.

У, кўлдагилар кўришмасин, деб деразанинг пардасини тушириб қўйди. Кўпгина кўнгилсиз воқеалар уни эҳ-

тиёт бўлишга ўргатиб қўйганди. Фирль тақиқланган аҳборотларни эшитишни кўпдан буён орзу қилиб юрарди. Доимо одам гавжум бўладиган уйда бунинг ҳеч иложи йўқ эди. Ўзи билан бирга ишлайдиган ўртоқларининг суҳбатига аралашмай, ўзини четга тортиб юрарди. Бу ердан бир неча соатлик йўл, Бранденбургнинг қаеридадир турадиган эски дўсти билан аҳён-аҳёнда бир-икки оғиз гаплашиб қоларди. Бу дўсти бир оз отамлашиш ёки бирор маслаҳат олиш учун шунча жойдан Фирлнинг олдига ярим соатга келиб-кетишга эринмасди. Улар савол-жавоб қилишиб, станцияда ярим соат айланиб юришарди, чунки кўпроқ юришга дўстининг вақти йўқ эди. Кутиш залида ёки платформада Фирль дўстининг ҳамма саволларига астойдил қулоқ солар ва уларга тезроқ жавоб беришга шошилар эди. Финляндия билан уруш? Душман Россияга бостириб киргунча, Маннергейм мудофаасини йўқ қилиб ташлаш керакмикин? Маннергейм номининг ўзи, унинг кимга кераклигини кўрсатиб турибди. Маннергейм дегани нимаси? Бу — гражданлар уруши давридаги халқ жаллоди. Польшани бўлиб олиш? Польшага ёрдам беришмаганидай, русларга ҳам ҳеч ким ёрдам қўлини узатмасди. Унинг бошига тушган бахтсизликдан ҳамма фақат севинган бўларди. Битимнинг руслар учун яхши-ю, бизлар учун ёмонлиги тўғрими? Руслар учун яхши, бизлар учун ёмон нарса дунёда йўқ, бўлган эмас, бўлиши ҳам мумкин эмас. Борди-ю якка-ю ягона социалистик давлат, зўр, енгилмас бўлиши учун фурсатдан ютса, бу биз учун ёмон бўладими? Фирль дўсти билан вагон зинапоясида туриб хайрлашаркан:— улар учун яхши бўлган нарса бизлар учун ҳам яхши, улар учун ёмон бўлган нарса бизлар учун ҳам ёмон деб,— яна бир марта такрорлади.

Бундай суҳбатдан кейин дўстининг кўнгли анча енгил тортарди, лекин Фирлнинг ўзи ёлғизликдан қаттиқ изтироб чекарди. Ҳозир у одоёлни жаҳл билан отиб юборди.

— Сенинг бу приёминингдан «Орзу» валсидан бўлак нимани ҳам эшитиб бўларди. Эндиги сафар асбоб-ускуналаримни олиб келамаи, у ёқ-бу ёғини бураб кўрай-чи, қани нима чиқаркин.

Шу кундан бошлаб, Фирль келганда Христиан итини устахонасининг эшиги олдига бойлаб қўядиган бўлди. Битта-яримта тош йўлдан далага бурилгудай бўлса ит жон-жаҳди билан акилларди. Лекин бу итдан қўрқмаса

бўларди. Бир куни кечга яқин, ишчилар тушган энг охириги паром кетиб қолиб, Фирль бўлса ушланиб қолиб, уйига қиргоқ ёқалаб пиёда кетмоқчи бўлиб турганида, Виду бирдан вовиллаб қолди: кимдир тўппа-тўғри саройга қараб юриб келарди. Христиан қайлиғи Лизани овозини дарров таниди, у ҳадеб итни тинчитмоқчи бўларди.

— Меҳмон кутмаганмидинг, азизим Христиан?— деб гўё ўртада ҳеч гап ўтмагандай, завқ-шавқ билан гапира кетди,— биз Вильгельм иккаламиз тушки овқатга бутун оила аъзоларини чақирмоқчи бўлдик, бир чўчка гўшти ейлик дедик.

Христиан Фирлнинг бошмоғига ямоқ солиш билан банд эди. У радионинг айрим винт ва симларини, энг ишончли жой деб, ўзининг асбоб-ускуналари турган яшикка беркитиб қўйди. «Мен уларга яна керак бўлиб қолдим шекилли» деб ўйлади у.

— Ҳа, айтмоқчи, Вильгельмни ҳарбийга чақиринди,— деди хурсанд бўлиб Лиза.— Бундай вақтларда ҳар қандай гина-кудуратни унутиш керак. Вильгельм «Походга хотиржам бориш учун битта-яримтанинг кўнглини қолдириб кетишни сира ҳам истамайман» деяпти. Шундай дегандан кейин дарров олдинга чопиб келдим.

— Ҳм,— деб тўнғиллаб қўйди Христиан.

— Хўп бўлмаса, эртага соат ўн бирларга борарсан.

Қовурма ҳиди келаётган Вильгельмнинг ошхонасига урушга бормай, шу ерда қолган ҳамма оила аъзолари, яна ҳарбийга чақирилмаган ёки отпуссага келишган бир неча таниш-билишлари тўпланишган эди. Гитлерюгендининг серғайрат, жонбоз аъзоларидан бири, баланд бўйли кичик ўғли Густав отасига эҳтиром ва ҳавас билан қарарди. Оила аъзоларидан айниқса унинг Христиан билан мутлақо иши йўқ эди, уни кўрмасам дерди. Христиан итини ҳовлига боғлаб қўйди. Вильгельм укасининг қўлини қисди; у уйини бутунлай тарк этганди, энди уйга алоқаси бўлган ҳеч бир нарса унинг дилини оғритолмасди. Ҳа, айтмоқчи Христиан билан Лиза ҳам уларни узоқ вақт ёлғиз қолдириш хавфи дейдиган ёшдан ўтганди. Бундан ташқари у ҳозир уйдаги ҳар қандай майда-чуйда жанжалга мутлақо парво қилмасди, уларга аралашини менинг шаънимга тўғри келмайди, деб ҳисобларди. Берлинда у бир эски танишини учратиб қолди. Ёши тўғри келмаса ҳам ҳалиги одамнинг бир оғиз гапи билан уни

ҳарбий хизматга ўрнаштириб қўйишди. Ҳалиги одам бундай кишиларни ҳарбий хизматга истисно тариқасида чақирса бўлишлигини тушунган эди.

— Энди бизнинг оиламиздан уч киши армияда хизмат қиляпти,— деди Вильгельм ғурур билан.

— Юргенни ҳисобга қўшмаяпсанми?— деди Лиза.— Рост улар Анна билан унаштириб қўйилгандан кейин у ҳам оила аъзомизда. Келаси отпускларида уларга тўй қилишади.

Янги куёв чўчка гўшtidан тайёрланган қовурмага кўзи тушиб, қўлларини ишқалаб қўйди. Христиан бу йигитнинг, Штробелни кечаси саройда тутиб олиб, қўлга чўктириб юборган штурмовикларнинг бири эканлигини эслади. «Худо хоҳласа, бу йигит жиянимнинг оёғини тушовлаб қўймас»,— деб ўйлади Христиан. Лекин ҳамтовоқ дўстининг бу фикрлари Юргеннинг қовурмага бўлган иштаҳасини ҳечам бўғгани йўқ.

Орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин Вильгельм Надлер ўз қисми билан Франциянинг ғаллакор ўлкаларидан бирига кириб борди. Улар Питивье деган шаҳарни ишғол қилишди, Вильгельм буни жуда кўп йиллардан буён орзу қилиб юрарди. Мана у яна урушга тушди, уруш у тасаввур қилганча экан; ҳамма ҳам, мен ўз орзумга, мақсадимга етдим деявермайди.

Улар бировнинг юртига худди бир гала қутурган итдай бостириб киришди. Бегона халқ уларнинг куч-қудрати олдида тиз чўкди, бош эгди. Агар битта-яримта қаердадир қаршилик кўрсатса, дарров унинг танобини тортиб қўйишарди. Надлер полки бостириб кирган ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқдаги қаҳр-ғазабга тўлган аҳоли бу ҳукмронларни кўриши билан саросимага тушиб қолишди. Надлер урушни орзу қилган пайтларида мағлуб бўлганларнинг: «Мен сенинг ихтиёрингдаман, лекин мурувватли бўл, раҳм-шафқат қил» деб илтижо билан боқишларини тасаввур этган эди, мана худди шундай бўлиб чиқди.

Укаси Христиан сира ҳам беришни истамаган арзимас бир парча ҳайдалган ер, забт этилган мамлакат экинзорлари олдида озгина қум уюмидай гап эди. Улар бу экинзорларни топтаганларида гўё бугдой бошоқлари ҳам: «Мен сенинг ихтиёрингдаман, фақат раҳм-шафқат қил» деб шивирлаётгандай бўлиб туюларди. Бугдой бошоқла-

рининг шитирлашида ҳам, хотин ва болаларнинг қўрқарипса беришган саволларида ҳам фақат бир нарса: «Ҳа, албатта мен сенинг ихтиёрингдаман, фақат раҳм-шафқат қил!» деган ўша-ўша илтижо эшитиларди. Немис самолётлари билан танклари душман қаршилигини енгганда Вильгельм ҳукмронлик ҳузур-ҳаловатини тўла ҳис этди. Бу бир тўда ўжар йигитларни қарам қилган ожиз ҳокимият эмас, балки шу номга лойиқ бўлган чинакам, бирдан-бир, ҳаёт ва ўлимни қарам қилувчи ҳокимиятдир. Унинг қисми кули кўкка совурилиб, харобага айланган, ҳаммаёғи мурдаларга тўлиб кетган, аҳолиси эса сўнги нафаси қолгунча қаршилик кўрсатган қишлоқни ишғол қилганда, Вильгельмнинг шахсан ўзи битта-яримта хотинга лаш-лушларини олишда ёрдамлашар ёки боланинг олдига бир чақмоқ қанд ташларди. У бу билан гўё ўзининг олижаноблигини, мурувватлигини ва ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум этилган бахтсиз одамларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлаётганини кўрсатмоқчи бўларди.

Фақат бир марта унинг ҳафсаласи пир бўлди. Улар қишлоқ майдонига жойлашишди. Полк штаби жазирамада бирнеча столни қўйиб, уларнинг устига карталарни ёйиб ташлашди. Майор отдан сакраб тушди. Вильгельм бекорчиликдан содир бўлаётган нарсаларни кузатиб турарди. Майор унга таниш кўринди; у бирдан ёшлигидаги устози, капитан Дегенхардтни таниб қолди. Германияда бир вақтлар ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетган пайтларда Вильгельм бу одамни жуда иззат-ҳурмат қилиб юрарди. Вильгельм ўз лейтенантининг олдига борди-да, ундан ўзи ҳақида янги келган майорга билдириб қўйишини илтимос қилди, кейин илтимосини қандай етказишлариши ҳаяжон билан кузатиб турди. Вильгельм шу дамда нималарни эсламади! Бригаданинг қандай тузилгани, манежни қандай олганлари, асирларни қандай отиб ташлаганлари— ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгидан ўтди, ўшанда асирлардан биттасини Груневальд орқали олиб ўтишга тўғри келганди; уларни офицерларнинг фалокатга учраган машинаси тўхтатган эди, улар машиналарини алмаштириб олишганда, шунда у янги бошлиқлари билан бирга ўз маҳбусини отиб ташлагаёди. Кейин роса бир йил кутиш ва умид билан ўтди. Дегенхардт уларни ўқитиш, ўргатиш ва келгусидаги ишларга тайёрлашдан бошқани билмасди. Бригада тарқатилиб юборилган кун, унинг ҳаётида энг ярамас, энг ёмон кун бўлди. Уйга қайтиб



кетди; мана энди яна ҳамма нарса илгаригидай, ҳатто у илгарилари ситқи дил билан яхши кўрган одами ҳам мана яна унинг олдида. Битта одам бор, у сиз билан кўришмоқчи деганларини эшитиб, Дегенхардт майдонга тез кўз югуртириб чиқди. Вильгельм Надлерни танимаганиданми ёки танишга вақти бўлмаганиданми, у қўлини бир силкитди-да, шу заҳотиёқ офицерлар машинасига ўтирди.

Вильгельм аламини ичига ютди. Унинг полкини Питивьедан қўшни қишлоққа ўтказишди. Тош йўл, оёқларини зўрға судраб босиб, бошпанасидан, бисотидан бутун қолган нарсаларга эга бўлай, деб қайтиб келаётган қочоқлар билан тўлиб кетганди. Улар замбилғалтакларда ва орқаларида мол-мулкидан қолган-қутганларини кўтариб келишарди, мадорлари қуриганларидан кўп нарсаларни йўл-йўлакай ташлаб кетишарди; баъзилари кўрпа-ёстиқларини, баъзилари сира кутилмаган нарсаларни: қафас ёки суратларни, яна бировлари бинтланган болани кўтариб боришарди. Кимдир фарзандини ҳеч бўлмаса уйининг яқинига кўмиш учун болалар аравачасида кичкинагина тобутча олиб кетяпти. Надлернинг ёнида отда кетаётган иккита офицер ўз аро гаплашиб борарди:

— Қизиқ, бизга ҳеч ким бирон марта ўқ узгани йўқ-а.

— Уларга қуролли куч билан қаршилик кўрсатишни тўхтатишга буйруқ бердлган. Улар шунга рия қилишяпти-да.

Полк қишлоққа кириб борди, ҳали соғилмаган сигирларнинг маъраши эшитиларди. Немис герби солинган дала почта қутиси, аллақачон черков олдидаги майдонга осиб қўйилганди. «Лизага уч-тўрт оғиз хат ёзиб юборай-а»,— деб ўйлади Вильгельм. Уни бир деҳқоннинг уйига ўрнаштириб қўйишди. Вильгельм дарров бу уйни ўзиникига солиштириб кўра бошлади. Деҳқоннинг кичкинагина тор ҳовлиси уйининг ён томонида эди, уники эса уйининг орқасида. Бир неча киши деразадан бақрайиб қараб туришарди; улар кўришишдан ҳечам деҳқонга ўхшамасди. Булар бу ердан бошпана топган қочоқлар бўлса керак.

Вильгельм Надлер аслаҳа-анжомларини ташлаб, ҳовлидаги колонка олдида борди. Ярим яланғоч солдатлар четлашиб унга жой беришди. Улардан биттаси илтифот билан совун, бошқаси чўтка узатди.

Дераза олдидаги одамлар уларнинг ювинишига диқ-

қат билан қараб туришарди; киши одатда бирон нарса ҳақида сира ўйлагуси келмаса, тўғри келган нарсага ана шундай қараб қолади. Бу ерда бир неча чол ва кампир, Анна Надлер ёшидаги бир қиз, иккита бола, яна қўлини елкасига осиб олган ёш йигит бор эди. Бу қочиб кетаётган солдат эди. У ҳарбий ҳужжатларини йиртиб ташлаган, немислар Питивьеда ташкил қилган ҳарбий асирлар лагерига тушиб қолмай, деб эгнига бошқа бир одамнинг уст-бошини кийиб олганди. Солдатларнинг ювиниб-таранишини, у, айниқса, диққат билан кузатиб турарди, чунки қани бу ёғи нима бўларкин, деган фикр бошқалардан кўра уни кўпроқ қизиқтирарди. Вильгельм Надлер ечинди, у ўзининг энг ёш солдатлар сингари бақувват, миқти эканлигидан фахрланар эди. Дераза олдидаги қочоқлар унинг бировнинг чўткаси билан танасини ишқалаганига зўр қизиқиш билан қараб туришарди. Эгнига бошқа кийим кийиб олган солдат айниқса ундан кўзини узмасди, чунки у ўзига азоб бераётган ўй-фикрдан фақат шу йўл билангина қутила оларди. Бу фикрни бундан бир соат бурун Вильгельм Надлер билан ёнма-ён келган иккита офицер айтган эди: «Қизиқ, бизга ҳеч ким бирон марта ўқ узгани йўқ-а. Нега? Қуролли куч билан қаршилик кўрсатишни тўхтатишга буйруқ берилган. Нега? Ким? Ким-кимга буюрган? Ким-кимга қулоқ солди? Ичимиздан кимдир хоинлик қилган. Хоинлик қилди дегани нимаси? Дунёда хоинликдан ҳам даҳшатли нарса йўқ. Чунки алдоқчи, фрибгар киши қалбининг энг нозик, энг бўш торларини қабиҳлик, усталик билан чертиб ўйнайди. Нега биз сотқинларга ишондик? Нега биз уларга қулоқ солдик? Чунки биз ўлишдан кўра кўпроқ яшашни истаймиз: яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслик учун алдоқчи одамнинг уйдирма гапларига ишондик. Мана у ўзини тугиб туролмади. Колонка олдида гивирлашиб юришган солдатларга қараш ўрнига, у ўз фикрига эрк берди, агар охиригача ўйласа, бу фикрлари даҳшатли ва хатарли оқибатларга олиб борарди. Шундай қилиб, у ўзини яланғоч солдатларга қарашга мажбур қилди. Вильгельм Надлер кўпиртириб совун сурганидан худди мис жомдай ялтирар эди. У бир қўлини чўзиб қўлтиғини совунлади, солдатлар:

— Деразадан ағрайиб қараб туришларини, қара,— дейишиб, хохолаб кулиб юборишди.

— Бунинг ҳеч ҳайрон бўладиган жойи йўқ,— деб

жавоб берди Вильгельм Надлер,— улар одамнинг со-  
вун билан бунчалик топ-тоза бўлиб ювинишини умри-  
да ҳеч кўрган эмас.

У дераза олдида турган хотинларга имо-ишора қил-  
ди. Солдатлар қийқириб кулиб юбордилар. Надлер  
ўзини мард йигит деб ҳис этарди. Устига гражданча  
кийим кийиб, бошқалар билан бирга дераза олдида  
ўтирган солдат Надлернинг қўлтиғини совунлаётганига  
қошларини чимириб, қараб турди. Бақувват танасининг  
ҳамма жойини зўр бериб совунлаётган яланғоч немис  
солдати айниқса унинг кўзига балодай кўринар эди. Бу  
очиқ-ойдин кўзга кўриниб турган душманлик эди. Бу  
очиқдан-очиқ хоинлик, ўтакетган мағрурлик эди.

— Қани, жўмакни бармоғинг билан беркит,— деди  
Надлер солдатлардан бирига. У совунни бир четга қўй-  
ди-да, тоза, миқти гавдасини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандай  
секин айланди. Солдат бармоғи билан беркитиб турган  
жўмакдан сув худди фонтандай отилиб чиқарди. Над-  
лернинг бир жойида тинч туролмай ҳадеб қимирлашини  
қочоқ диққат билан кузатиб турди. У: бошқа қараёл-  
майман, агар ўйламасликнинг ҳеч иложи бўлмаса, яхши-  
си бошқа бирор нарса ҳақида ўйлаганим тузук, деб ўй-  
лади: у дастлаб, онасини, Памьедаги боғчасини, кира-  
веришдаги эшикка тутилган қалин пардани эслади.  
Яланғоч солдатнинг ҳозир нимадан кулаётганини кўр-  
маслик учун у пардадаги расмни эслашга уриниб кўрди.  
У парда орасидан бошини чиқариб турган қайлиғини  
кўз олдига келтирди. Шу пайт пардадаги расмни ҳам эс-  
лади. Яланғоч солдат қанчалик хохолаб кулмасин, у ҳе-  
чам қайрилиб қарамади.

У Памьедаги мактаб, кўримсиз, хунук уй, кўчани,  
паст бўйли, уй билан кўчага ўхшаган кўримсиз, хунук  
ўқитувчини ва Корнель ҳақида ёзган иншосини, иккинчи  
йилга қоламанми, деб кўрқанларини бирма-бир эслади;  
иккинчи йилга қолишнинг энг ёмон томони шунда эдик,  
бунда яна ўша ўн бешта иншони, «Сид» ҳақидаги иншони  
яна қайтадан ёзишга тўғри келган бўларди. Колонка ол-  
дидаги солдатлар бошқа кулишмади. У: униси эса юви-  
ниб бўлди, ҳозир артинади, деб ўйларди. У ёққа қарамай-  
ман, ойим, Памьедаги мактабим, мактабдош ўртоғим Аль-  
фонсни ўйлайман. Уқитувчи унинг китоб ўқишини доим  
мақтар эди. Унинг овози меникига қараганда баланд,  
янғроқ эди. У «Сид»ни бошдан-оёқ шариллатиб ёддан

ўқиб берарди.» «Унинг бир ўзи учтасига қарши нима ҳам  
қила оларди? Уларди!». У томонга қараш керак эмас, акс  
ҳолда... нима акс ҳолда? У тўппончасини гражданча ши-  
мининг чўнтағига солиб қўйганди. Агар у буни эслаб қол-  
са ҳамма иш расво бўлади. Вильгельм Надлер қаддини  
ростлаб, кўкрагини кериб, сочиқ билан орқасини арта  
бошлади.

Худди шу пайт, француз қаршилик кўрсатган нарса  
содир бўлди — у фақат солдатларнинг ювинишига қа-  
раб туриши керак эди-ю, лекин у ўз фикрларига бе-  
рилиб кетди.

Ойнадан ўқ товуши янгради. Топ-тоза бўлиб ювинган  
Вильгельм Надлер колонка олдида ўлиб ётарди. Сув чи-  
қараётган солдат билан жўмакка бармоғини тутиб тур-  
ган солдат, бошқа солдатлар билан бирга деҳқон уйига  
ёпирилдилар.

## II

Элизабет Ливен ўз уйининг асосий пештоқидаги зина-  
да, александрийск услубидаги тош устулар тагида ўти-  
рарди. Эшикларига бошдан-оёқ тахта қоқиб ташланган-  
ди. У устма-уст сигарета чекарди. Тош йўлда тўп-тўп  
бўлиб туришган одамларга, уларнинг бунга дўқ қили-  
шиб, алланималар деб қичқиришларига мутлақо эътибор  
бермасди. Бу сўзлар гўё мана ҳозир тошга айланиб-кета-  
дигандай бўлиб туюларди. Чуқур ўйга толган Элизабет  
зина олдидаги қумга пошнаси билан алланарсани чизиб  
ўтирарди. Қишлоқда тўхтаган икки машина ёш йигитлар  
билан банд эди. Ливен уларни соқчиликка қўйиш учун  
бир соат бурун ўзи билан бирга олиб келганди: айниқса  
улардан биттаси Рецлов; Элизабетни бир минут ҳам на-  
заридан қочирмасди. Элизабет, уни бу ерга яна бир мар-  
та олиб келишларини илтимос қилди. Элизабетнинг эшик-  
ларига тахталар қоқилган бу уйдан нима учун кетаётган-  
лигининг боисини билмаса ҳам, Ливен бунга рози бўл-  
ди. Ёш эсэсчилар, элчихонадаги таниш-билишлари Ливен  
қишлоққа бориб-келгунча, хотинига кўз-қулоқ бўлиб ту-  
ришга ваъда беришди. Немис оилалари Совет.Иттифоқи  
билан шартнома тузилгандан кейин, ўз элчихонасининг  
буйруғи билан бу ердан чиқиб кетабошлагандан сўнг,  
вазият анча беқарор ва жиддий бўлиб қолганди. Бир қан-

ча немисларга сўнгги дақиқагача бу ерда қолиб, айрим ишларни йўлга қўйиш буюрилган эди. Ливенлар ҳам ана шундай одамлар жумласига кирарди.

Эрнст Ливен, ўз хўжайинига, оиласи билан Германияга кўчиб кетиш учун рухсат олиб беришга муваффақ бўлди. Ливен имениесини топшириш ва ижарага бериш учун бошқалар билан битим тузганда хўжайини бу ишларнинг ҳаммасида бир гувоҳ сифатида иштирок этиб, энди бу ёғи нима бўларкин, деб юраги пўкиллаб юрарди. Совет қўшинларининг бостириб киришини ҳар кунни кутишарди.

Рецлов автомобилдан тушди-да, йўлни кесиб ўтиб, унга қараб турган оломон ёнидан ўтиб кетди. Бир зумга ғовур-ғувур босилди-ю, кейин яна кўтарилди. Рецлов Элизабетнинг олдига бориб тўхтади.

— Агар мен ушланиб қолсам, Элизабетни шаҳарга, олиб бориб қўй, деб Эрнст мендан илтимос қилганди.

Элизабет оғирлигини у оёғидан, бу оёғига солиб, туфлисининг учи билан ер чиза бошлади.

— Қўйинг, азизим Рецлов. Мен ҳеч қаерга шошаётганим йўқ. Сизлар билан бирга кутиб тураман.

Рецлов унинг жингалак сочларига қаради; Элизабет сочини ўз имениесида ва элчихона қабулида бўлганидаги сингари жуда яхшилаб, чиройли қилиб тараган эди. Пайпоғи оёқларига ёпишиб турарди. Рецлов яна ҳар сафаргидай: нега у мен билан танишини истамайди деб ўйлади. Ахир, эрининг ҳар қадамда бевафолик қилиши унга сир эмас-ку. Айтишларича, у ҳам ҳаётида кўп ишқий можароларни бошидан кечирганмиш.

— Сизга кўз-қулоқ бўлиб туришга эрингизга сўз бердим,— деб жавоб берди у.— Мана бу қаланғи-қасанғиларнинг кайфиятини ўзингиз кўриб турибсиз-ку.

— Хўш, уларга нима қилибди? Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмабман.

— Уларнинг бирдан-бир орзуси, ўз хўжайинларидан тезроқ қутилиш.

— Илтимос сиздан Рецлов, сал нарироқда туринг. Раҳмат.— У оломонга назар ташлади.— Ҳа, кўрдим! Мен бу ердан кетиб бўлгунимча улар қараб туришмайди. Қани, мен улар билан бир гаплашиб кўрайчи. Ҳозирча бошқаларнинг ҳаммасини жўната туринг. Мени бу ерда қолдириш.

— Хотинлар билан бирга кўлда кир ювиш учунми? Шуни истаяпсизми?

— Бизнинг кўлда кир ювилса ҳам ёмон бўлмасди. Бундай кўл дунёнинг бошқа ерида йўқ. Одамлар, ахир мен сизларга доим яхши гапириб келдим-ку. Ана кўринглар, эшикларга аллақачон тахта қоқиб ташланди. Мен энди барибир уйимга киролмайман. Бир оз сабр қилинглар, мен ҳа демай кетаман. Бугун энг охирги куним — кейин сиз мендан бир умрга қутиласиз.

У бошини кўтариб Рецловга қараганча хохолаб кулиб юборди:

— Сиз, бу қанақа тентак, шаллақи хотин деб ўйлаётгандирсиз. Балки бундан ҳам ёмон фикрга бораётгандирсиз.

— Мен сизни қўриқлаш тўғрисида Ливенга берган ваъдамни ўйлаяпман, холос.

— Ана у келяпти!— деб қичқириб юборди Элизабет, сигаретини бир-икки тортиб, кейин отиб юборди-да, автомобилга қараб югурди. Йўлдаги одамлар унинг орқасидан қараб қолишди Элизабет орқасига ўгирилиб ҳам қарамай, рулга ўтирди.

— Мен йўл бошлайман!— деб қичқирди у бошқа машинадагиларга. Ливен унинг ёнига ўтирди.

— Ҳали ҳам шу ердამисан, нега кетмадинг?— деб сўради у.— Сени тушуниб бўлмайди, хаёлингга келганини қиласан.

— Ҳеч кетолмадим, иложи бўлмади.

Элизабет машинани жуда тез ҳайдаб борарди, лекин унинг ишонч билан ҳайдаётганини кўриб Ливеннинг кўнгли жойига тушди. Гарчи у ўзида камдан-кам бўладиган илиқ ҳис-туйғулар сезса-да, қўлини Элизабетнинг қўлига сал теккизишга ҳам юраги дов бермади.

Элизабет қинғир-қийшиқ, кескин бурилган йўллардан машинани шамолдай учириб бораркан, ҳозир унинг ҳижрон ўтида қийналаётганини жуда яхши биларди.

— Жоним, бу айрилиқ бир умрга эмас. Имение вақтинча ижарага берилди, деб фараз қил.— У жавоб бермади.

— Агар буни кўнглингга бунчалик оғир олишингни билганимда эди, сени ўзим билан бирга ҳечам олиб кетмаган бўлардим,— деб сўзида давом этди у.— Ке, қўй, хафа бўлма, кўнглингни тўқ тут. Гапимга ишон, биз бу ерга қайтиб келамиз, бутунлай келамиз.

— Қачон?

— Яқин кунларда. Унгача сен Берлинда ёки кўнглинг истаган бошқа бир жойда туришинг керак. Бундай вақтларда, уйни соғиндим ёки бу ерда зеркиб қолдим, деб кўнгил бўшлиқ қилиш, зорланиш ярамайди, ҳамма нарсани ҳам вақт билан ўлчаб бўлмайди.

— Мен сенга кўпдан бери бир муҳим нарсани айтмоқчи бўлиб юрардим,— деб сўз бошлади Элизабет бутунлай бошқа оҳангда,— лекин шу чоққача сира фурсат бўлмади.— У машинани шундай кескин буриб юборди-ки, унинг орқасида ўтирган Рецлов ҳатто ҳуш-так чалиб юборди.

— Бошқоронғиман.

— Нима?— деди Ливен.

— Бошқоронғиман. Ҳомиладорман; қизиқ аҳволга тушиб қолибман, бошқоронғи деб шуни айтадиларми? жуда ғалати сўз-а, ҳа, айтмоқчи юриш-туришим ҳам ғалати.

— Нима, эсингни едингми.

— Нега ундай дейсан, азизим? Юртимизнинг янги гражданини, кечирасан, миллатимизнинг янги ўғлини демоқчийдим, сен жуда ғалати табрикляяпсан-ку. Нега энди эсимни ер эканман?

У ўзини босиб олиш учун бир оз жим турди-да, кейин хотиржам гапирди:

— Сен бола-чақалик бўлишни сира истамаган эдинг-ку. Биз бу тўғрида келишиб олганмиз. Мана, энди, ҳаммаёқ алгов-далгов бўлиб турганда ишнинг чигали чиқиб ўтирибди. Уруш айни қизиган пайт, бошимизни қаерга олиб қочишимизни билмаймиз. Эҳтимол, мени бир ҳафтадан кейин чақириб қолишар. Ахир, мен бўлажак фарзандингнинг отаси эканлигим ўз-ўзидан маълум-ку.

— Ҳа, шундай деб фараз қилиш керак, азизим. Ростини айтсам, мен буни ўша бошидаёқ ўйлаган эдим. Ахир, мен сени жон-дилимдан севган эмасман-ку.

— Ҳа баракалла, рост шундай экан, сен ахир бола туғишим шарт деб қаттиқ туриб оладиган деҳқон қизи эмассан-ку, яна шундай бесаронжом кунларда-я.

— Бу ерга бутунлай қайтиб келамиз, деб ҳозир ваъда бердинг-ку, ўзинг.

Яна йўл кескин бурилди. Кейин яна айланиш. Орқада ўтирган Рецлов ичида сўкиниб қўйди.

— Болага ер керак, Эрнст,— деб сўзида давом этди Элизабет.— Агар ваъданга ишонмасам, мен ҳам бола кўраман, деб бунчалик ўлиб-тирилмаган бўлардим. Бола бизни ерга боғлаб қўяди; бола шунга мажбур қилади.

— Шу ҳам гап бўлди-ю! Сен қачондан бери эркакларга ишонадиган бўлиб қолдинг? Албатта, менинг ваъдамга ишонишинг мумкин, бироқ қишда фақат қор топиб беришга ваъда бериш мумкин, чунки қишда совуқ бўлади. Бу бир парча ерни қўлга киритиш учун зарур бўлган ҳарорат йил фаслларига боғлиқ эмас.

Улар катта бир аравага урилиб кетишига сал қолди. Аравакаш русчалаб сўкинди. У совет қўшинлари иш-ғол қилган аэродромлардан бирига машина қисмларини олиб борарди. Эрнст Ливен унга ширингина қилиб русча жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин ўзини зўрға тийиб қолди.

— Бола дастлаб ўз миллатига боғланган бўлади. Бола Шимолий Италиядаги лангобардлардан ҳам, Испанияда ҳам, Африкада ҳам ёки Волгадаги готлардан ҳам дунёга келиши мумкин, лекин қаерда туғилмасин, барибир, ўз миллатининг фарзанди бўлади. Ер — бу иккинчи даражадаги масала.

Элизабет машинанинг тезлигини олтмиш километргача пасайтирди, улар шаҳарга яқинлашиб қолишганди.

— Сенда шоирликка мойиллик бор, бу яққол кўришиб турибди,— деди Элизабет кулиб.— Мен буни аллақачонлар сезгандим. Сен чинакам шоирсан. Шунинг учун ҳам сен билан тургим келади. Лангобардлар, готлар эмиш... Ўғилчам — мен ўз ўғлимизни назарда тутяпман, биз албатта ўғил кўрамыз, бизга ўғил керак, бу ўзимиз учун ҳам, имение учун ҳам зарур, ўғилгинам, эшит, отанг жуда билимдон. Ойнинг эса отангнинг билганини ярмини ҳам билмайди. Ойнинг ақалли бўлажак оталар — эсэсчиларнинг бўлажак хотинлари учун очилган мактабни ҳам битирмаган.

— Ҳазилингни қўй, Элизабет. Бу нарса билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Ҳо, нима, ёқмаяптими?! Аввалига жинни деб айтдинг, энди бўлса бу билан ҳазиллашиб бўлмайди, деб

ўтирибсан. Биласанми, азизим, сенинг нимадандир қўрқаётганингни биринчи марта сезяпман.

— Нима, нима дединг?

— Ҳа, ҳа, сен нимадандир қўрқяпсан. Довюраклигинг билан мен доим фахрланиб юрардим. Нима ҳам дердик, биз хотинларни эркакларнинг довюраклиги мафтун этади. Қурол билан орденлар қахрамонлик аломатлари сифатида шубҳасиз жазм этувчи кучга эга, буни инкор қилиб бўлмайди.

— Бўлди, кўп валдирайверма.

— Сен ҳеч кимдан қўрқмайсан, сен ўлимдан қўрқмайсан, сен довюраксан. Лекин сени қўрқувга солаётган нарса вужудимдаги кичкина инсон. Нимасидан қўрқасан унинг?...

Дам чарақлаб офтоб чиқиб, дам ҳавони қора булут қоплаб турган шаҳарнинг бир қисмидаги одамлар гўё нимадандир қўрққандай жимжит, маъюс, бошқа қисмидагилар эса аксиҷча жуда ҳаяжонда эди. Одамлар, ўзларини нималар кутаётганини ҳали билишмасди. Ҳамма томондан ҳар ҳил овозлар келарди. Бу овозлардан бу ерда кўча бўшаб қолса, у ёқда — майдонда одамлар тўпланишарди. Дераза қопқоқлари беркитилиб ташланган айрим уйлар гўё эгасиз, ҳувиллаб қолгандай бўлиб туюларди, бу уйларга яқин боришмай, худди ўлат касали тарқалган вақтдаги сингари айланиб ўтишарди; бошқаларида эса ҳаёт қайнарди. Одамлар олд томонида ўроқ ва болғали байроқлар қилпираб турган Совет элчихонасининг биноси ёнидан ўтиб кетаётиб, беихтиёр бошларини кўтариб қарашарди. Ўтиб кетишгандан кейин ҳам, яна бир орқаларига ўгирилиб қарашарди. Немис элчихонаси тепасидаги свастикага кўзлари тушиши билан улар маъноли қараб, кулимсираб қўйишарди. Бу нарса уларни кўп йиллардан буён ҳаяжонга солиб келган ўй-фикрларни ифода этиб турарди.

Эрнст Ливен хотинини шаҳардаги квартираларига олиб келди. Хўжайин жўнаб кетгандан кейин, уйнинг ҳамма деразаларига қопқоқ қилиниб, беркитиб ташланганди. Бир соатдан кейин у элчихонанинг ён биқинидаги флигелда Элизабет билан учрашди. Элизабет элчихона ходимининг ёрдамида у — бу нарсаларни жойлаётган экан. Элчихона ходимлари бошқа хотинларга қараганда бунга кўпроқ итоат қилишарди, чунки Элиза-

бет совуққонлик билан қисқа қилиб буйруқ берарди.

— Ажойиб хотин-дал! — деди Рецлов Ливендан кўра кўпроқ ўзи учун. Ливен хотинига бир зум тикилиб қолди. У илгаригидай сарвқомат, нозик эди. Ливен унга уйланганига шу чоққача бирор марта ҳам афсус чекмаган эди. Элизабет шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам уй-рўзгор ишларини моҳирлик билан бажарарди, Ливенга ҳечам халақит бермасди, ҳеч нарсада тўсқинлик қилмасди. У Ливенга тўла эрк берди — истаган қизини севиши, истагани билан дўстлашиши мумкин эди. Бирдан кутилмаганда бола бўлиб қолганини қара-я. Ливенда оталик ҳис-туйғусидан асар ҳам йўқ эди. У эркинлик нималигини ўзича тушунарди. У ўз зиммасига ҳеч қандай мажбурият олишни истамасди. Нацистларнинг баъзи бир ишларига шунинг учун ҳам чидаш мумкинки, агар бу ишларнинг кўзини билсанг, истаганча яшашинг, кўнгилга ёққан ноз-неъматни еб-ичишинг, хоҳлаган одамнингни севишинг, истаган одамни ўлдиришинг мумкин эди. Лекин бунинг учун кўп нарсадан воз кечиш керак бўларди. Элизабет буни жуда яхши тушунарди. Элизабет йигирма йилдан кейин именисдаги ўз уйи олдидан хурсанд бўлиб турганда, Ливен унга:

— Мана кўрдингми, нималарга эга бўлдик. Шуни деб ҳар нарсага рози бўлсанг арзийди, тушундингми, — деди.

Ғафат нима учун именеи унда бола кўриш фикрини туғдирди. Ахир, эртами-кечми улар бу ерга яна хўжайин бўлишади-ку, албатта. Улар наслдан-наслга шу ерда ўтиришлари мумкин. Учинчи империянинг қалтис, хатарли авантюралари унга шунинг учун ҳам ёқардики, улар ҳаётни кўнгилли ва ранг-баранг қиларди. Тўғри, у ўз наслини кўпайтиришга унчалик-мойил эмасди, ўлганидан кейин нима ишлар бўлиши уни мутлақо қизиқтирмасди. Элизабетнинг қотма, новча бўлганидан ҳомиладорлиги ҳечам сезилмасди. Рецлов унга еб қўйгудек бўлиб тикиларди. Менга бундай ифрослик қилганидан кўра, яхшиси Рецлов билан ошиқ-машуқлик қилса бўларди, деб ўйлади Ливен. Кечқурун чегарада улар автомобилдан ухлаб кетадиган вагонга чиқиб олишди.

— Бўлди, чекма, — деди Ливен, — қара, ҳатто бармоқларинг ҳам саргайиб кетибди. Гарчи сенга бирор нарсани ваъда қилиш қийин бўлса ҳам, лекин шуни айтиб

қўй-шим мумкин: биз бу ерга қайтиб келамиз, уйимиз-да турган одамларни ҳайдаб чиқариб, уни бошқатдан ремонт қиламиз!

### III

Мария ўзининг энг севимли жойи, уйнинг олд томони-га, худди қуш уясидай қилиб қурилган кичкина айвончада иш тикиб ўтирарди. Ундан пастда, ён томонида худди шундай айвончада Трибелнинг хотини фабрика-нинг ишини қилиб ўтирарди. Бир вақтлар бу икки оила бир-бири билан уришиб қолиб, кирди-чиқдини йиғиштириб қўйишганди. Гарчи иккала хотин у-бу нарсани сўрагани, маслаҳат қилишгани, унча-мунча иш билан бир-бириникига тез-тез ва бажонидил кириб туришса ҳам, лекин улар ўша жанжалдан кейин ҳали ҳам жуда опоқ-чопоқ бўлиб кетишмаганди. Фрау Трибель эрини, Ораниенбургга, унинг олдига бориб келгандан буён кўрмаган эди. Уни аллақачон бошқа лагерга кўчиришган эди, хотини эса унинг фақат тириклигини биларди, холос. У ҳали ҳам ўша-ўша доворак, жони қаттиқ йиғит эди, унинг шунчалик зарбалардан, калтаклардан, эҳтимол ўқлардан қандай омон қолганига кишининг ақли етмасди.

Мария, гўё бошига ҳеч қандай мусибат тушмагандай зинадан доимо хотиржам тушиб-чиқадиган Трибелнинг индамас, камгап хотинига ич-ичидан ачинарди. Айниқса бир воқеадан кейин Мария унга эл бўлиб кетганди, бошқа қўни-қўшнилари эса аксинча ундан юз ўгиришганди. Фрау Трибель мутлақо нотаниш бир маҳбус қизга нима биландир ёрдам бериш ниятида гестапонинг бир ертўласи билан иккинчиси ўртасида чопиб юрарди. Бу маҳбус қиз Трибелнинг таниши эди, холос. Уни Трибель хонимга боғлаб турган нарса фақат шу эди. Оиласи бу қизни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. Гестапо, бу қиз тўғрисида бирон бир маълумот олиш учун: Фрау Трибелни бир неча бор сўроқ қилди. У бўлса, одамларнинг қўрқув аралаш қарашлари билан ҳам, қўрқа-писа савол беришлари билан ҳам сира ҳисоблашмай уни худди ўз қизидай кўриб, маҳбус қиз учун одамлардан пул йиғди. Шундай қилиб, гестапонинг ҳамма уринишлари зое кетди, улар ҳеч қандай натижа бермади. Ҳозир айвончада хотиржам иш тикиб ўтирган бу

хотиннинг қаҳрамонона ишига баҳо берган бирдан-бир одам, унинг ён томонидаги айвончада иш тикиб ўтирган Мария бўлди. Қўчадаги газета сотувчиларнинг қий-қириқлари қулоқни қар қилгудай эди. Мария шаҳар шовқин-суронига шу қадар кўникиб кетгандики, сира пинагини бузмасди. Эри ишларди, катта ўғли ўз полки билан шимолда, кичик ўғли эса ғарбий фронтда жанг қилар эди. Елена эски жойида ишларди. Уруш шаҳарнинг ғарбий қисмида бадний тўрлаб тўқишга талабни ошириб юборди. Одамлар, Гитлер ўз ниятига етди, дейишарди. Уларнинг гап оҳангидан, ушлаган жойини кесадиган, бир сўзли одамдан фахрланаётганликлари сезилиб турарди. Ҳатто Гешке ҳам баъзида: «У истаган нарсасига эришяпти» деб қўярди. Лекин у бу гапни жаҳл билан гапирарди. Мария ўзи ёлғиз қолганда ўғлининг ҳар бир сўзини эслар, ҳар бир ҳаракатини кўз олдига келтирарди. Гитлер истаган нарса билан, бизнинг истаган нарсамиз, худди ўт билан сувдай гап, Гитлер ниманики мақтаса у ёмон. У бизни нимадан эҳтиёт қилаётган бўлса — худди ўша нарса биз учун жуда яхши. Мария иш тикиб ўтираркан, шулар ҳақида ўйларди. Ҳозир унинг илгаригига қараганда бўш вақти кўп эди. Ҳаёт Гитлер истаганча, унинг кўнглидагидай бўлди. Тинчлик учун салгина нарса етмай турибди. Ҳаёт бундан кейин Гитлер айтганча бўлиши кераклигини яна баъзи бировларга тушунтирилса бас, тинчлик бўлади-қўяди. Гарчи иккинчи баҳор уруш кетаётган бўлса ҳам, айвончада ўтириб бир оз вақт урушни эсдан чиқарса бўларди. Яшиқлардаги ярангул гуллади. Қуёш саҳийлик билан чарақлаб нур сочади, ҳар гал май ойидагидек, ҳовлида, уй олдида болалар ўйнаб юришибди. Бугун эрталаб на газет сотувчилар, на Лоренцнинг пивохоносидаги радио уруш жанг-суронлари ҳақида гапирди. Гам-ғусса тоши елкангдан худди тоғдай босиб туради, доим қўрқувда яшайсан; ахир, мана бир ой бўлди, Гансдан ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Бироқ хат ташувчининг бу томонга бурилганини кўриб, Мария энгил бир хўрсиниб қўйди. Хат ташувчи, албатта, у интизор бўлиб, ориқиб кутаётган, дала почтасининг штемпели босилган хатни олиб келиб бериши мумкин; лекин, бир марта уларнинг уйда бўлганидай, у «Ўлди» деган машъум хабар ҳам олиб келиши мумкин. Ушанда уйига қора кийимда, қўл саватчаси билан қайтган фрау Вейганд ўзининг туриш-

турмуши билан, гарчи қуёш чарақлаб турса ҳам, ҳали тинчлик бўлгани йўқ, деяётгандай бўларди. Улим шарпаси ҳали ҳам атрофда изғиб юрарди, унинг бақувват қора қанотлари уйни, бутун мамлакатни, ҳатто булутли кўм-кўк осмонни ҳам қоплаб турарди. Фақат у, ўлим, шундай яшириниб олгандики, ҳатто қанотларининг ши-тирлаши ҳам эшитилмасди.

Нега Ганс: Гитлернинг истагани билан бизнинг истаганимиз ўт билан сувдай бир гап, деб айтдикин?

Гешке ишларди. Бу урушда солдат кўп талаб қилинмасди. У яхши пул топарди. Мария айвончада ўтириб иш тикар, у ҳам тузуккина пул ишлар эди. Хўш, ўт билан сув деганлари қани?

Угай қизи Ганснинг ўқиши учун пул олиб келганда Мария ўзида йўқ хурсанд бўлган эди. У ўғли билан фахрланар эди; ўғли уйга ҳар сафар мақтов қоғози олиб келганда, у: «Ундан бир иш чиқади, ҳамма йўл-йўриқларни билади» деб ўйларди. Бироқ бу йўллар аллақачон беркитиб қўйилган экан. Ганс слесарь эмас, солдат бўлди. Мажбурий дала ишларидан кейин у бир оз вақт слесарь бўлиб ишлади, кейин унинг олдидаги эшик тақ этиб ёпилиб қолди. Бола яна исканжага тушиб қолди. Агар ўша Гитлер ҳадеб такрорлаётган тинчлик чиндан ҳам қарор топса, унда Мария Ганси учун кўрқмаса бўлади. Тинчлик бўлишини ҳатто Гитлернинг ўзи ҳам истаётган экан, демак қандай қилиб уни ёмон деб бўлади. Мария ўз айвончасида, офтобда исиниб ўтириб иш тикади, яхшигина пул топади; хўш, бунинг Мария учун нимаси ёмон?

Лекин барибир тирикчиликнинг мазаси йўқ. Энг муҳими етишмас эди. Турмушнинг мазаси йўқлигини шундан ҳам билса бўлардики, Мариянинг ўзи нима етишмаслигини тузук билмасди. Унинг еб-ичишга овқати, ҳамёнида ишлаб топган пули бор; бугун эрталаб у жуда хотиржам эди: уни бахтиёр эди деб бўлмасди, албатта, буни талаб қилишнинг ўзи беъманилик бўларди. Эшликдаги илк муҳаббат гаштини сурган вақтдагидай бахтиёр бўлиш мумкин эмас. Нега мумкин эмас? Бахтсаодатнинг сенга томон зинадан шахдам қадамлар билан чиқиб келаётганини эшитмагунингча уни интизорлик билан зориқиб кутишинг керак. Ҳозир эшикни тақиллатган бахт эмас, Эмилия хола эди. Ёши анчаларга бориб қолганига қарамай у ёзги гулли кўйлак кийиб

олганди. Кўкрагига ўтган дам олиш кунини нацист хотинлар иттифоқи чиқарган янги значокни тақиб олганди, у кўзга яққол ташланиб турарди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан келишган қадди-қоматининг ихчамлиги билан фахрланиши, ўзини кўз-кўз қилмоқчи бўлгани шундай сезилиб турарди. У ҳатто кўришишда ҳам худди ёшлардай қизгин кўришар эди. Мария, Эмилия холага, унинг устахонаси учун тиккан кийимларни берди; бу вақтга келиб, устахона армия учун кийим-бош тайёрлайдиган катта корхонага қўшилиб кетганди. Эмилия хола ҳозир ҳам худди ёшлик вақтидаги сингари ишқ-муҳаббат тўғрисидаги гап-сўзларни сир тутмасди; ма-на ҳозир ҳам устахонасидаги ҳамма қизларнинг ишқий можароларини гапириб беришга шошилди. У Марияга ҳамма нарсани ипидан-игнасигача оқизмай-томизмай гапириб берарди, гўё бу билан у ўз муқаддас бурчини адо этипти, деб ўйлаш мумкин эди, кўнглида, нима ҳеч бўлмаса бир стакан кофе қуйиб берар деб ўйларди. Эмилия хола Оттили деган қизнинг чеккан азоб-уқубатларини ҳикоя қиларди. Мен бўлсам унга, менимча ҳозир ҳар бир хотин бола кўриши керак, дердим. Бизнинг давримизда ишлар бошқача эди!

Ниҳоят, Эмилия хола уйига кетгандан кейин Мария яна ўз ўрнига ўтириб, тикишни давом эттирди. У Эмилия холанинг келишидан аввал ўйлаб ўтирган фикрларига қайтмоқчи бўлди-ю, лекин ҳеч бўлмади. У: «Ҳозир тугма чатиш ёки кўйлак илгагини тепчиб чиқиш кўнглимга сигмайди. Умуман ҳеч нарсага қўл борма-япти. Ишни йиғиштириб қўйиб, кўчага қараб ўтираман» деб ўйларди. У пастдаги Бель-Альянс-Плац томонга назар ташлади. Метрога тушиб кетаётган одамларнинг кети узилмасди, узоқдан ҳарбий оркестр садоси эшитиларди. Метродан чиққан одамлар майдонга тўп-тўп бўлишиб, кейин кўча-кўчаларга тарқаб кетишарди. Мария ўз кўчасидан кўзини узмасди. Бирдан ранги оқариб кетди. У кўп йиллардан буён ўйламай қўйган, хаёлидан чиқариб юборган нарса содир бўлди: бир вақтлар кечаси билан беҳуда кутган, кейин яна неча вақтлар кутган, сўнгра бутун умидини узган меҳрибон ўғли ҳозир Бель-Альянс-Плацдан бурилиб, тўппа-тўғри унинг уйи томон келарди.

Унинг усти-боши лой, ўзи эса қаттиқ чарчаган бўлса ҳам лекин руҳи тетик, кўринишидан беҳад хурсанд эди.

Анча қорайган, озган ўғли ҳуштак чалиб келарди. Унинг биргина ҳуштаги Марияни ўзига жазм этарди, чорларди. У ўрнидан сапчиб туриб, эшикни очишга шошилди. Мария унинг зинадан катта-катта ҳатлаб, чопиб чиқиб келаётганини эшитди. Мана у, унинг кўз олдида. Мария уни қучоқлаб олиб, бошини унинг кўксига қўйди.

— Мана, ойи, кўришдик ҳам,— деди ўғли,— бизни бошқа жойга кўчиришяпти. Буни олдиндан хабар қилишнинг сира иложи бўлмади.

— Яхшиям мен уйда эканимда келдинг, бу ҳам бўлса сенинг бахтинг,— деди, ҳаяжондан унинг сал-пал боши айланарди. Ганс ўзининг одатдаги ўрни — юмшоқ узун курсига ўтирди. У фуражкани олиб қўйди.

Мария унинг бошини кўкрагига боғди; она дастлаб ўғлининг лой сочларини силади. У кўзларини юмди, чунки ўғлининг шу ердалигини сочидан келаётган ёқимли ҳид аниқ билдириб турарди.

— Ҳозир сенга колбаса кесиб бераман,— деди Мария.

— Майли, йўқ демайман!— Ганснинг дарров еябашлаганини кўриб она ўғлининг гарчи қорни оч бўлмаса ҳам, лекин уй таомини соғинганлигини сизди.— Кел, тиззамга ўтирчи,— Ганс опасини ўзига тортди, кулиб, уни-буни сўради. Шу пайт қўшниси Мельцерхоним кириб қолди. У қўлларини ишқалаб, фурсатдан фойдаланиб, Мариянинг ошхонасига кўз югуртириб чиқди.

— У ерда роса иш кўрсатдиларингми!— деди у.

— Қаерда?

— Қаерда бўларди, Францияда-да. Улар Мажино йўлидан кейин бемалол хурсандчилигимизни қилаверамиз деб ўйлагандилар. Хўш, сенингча, биз Англияга қачон борамиз?

Ганс унга қизиқсинаб қаради; ўша-ўша сира ўзгармаган. Унгида бутунлай унитиб юборган одамнинг баъзида тушигда кўрасан.

— Фрау Мельцер, сизни Англияга шунчалик боргуси келар, деб сира ўйламаган эдим,— деди у.

— Мен-а? Нега энди?

— Чунки у ерда қачон бўласизлар деб сўраяпсиз-ку. Наҳотки сиз ҳам Англияга боришни истасангиз?

— Жуда учиб турганим йўқ-ку, лекин умуман «Се-

винч кучи» шундай экскурсияни ташкил қилса ёмон бўлмасли.

— Албатта,— деди Ганс, тиззасида ўтирган опасини енгил чайқатиб.— Эси-дардингиз бутун дунёни кесиб чиқиш, доимо шу ҳақда ўйлайсиз. Янглишмасам, Норвегияга ҳам бориб келдингиз, шекилли.

— Ҳа, бориб келдим, Ганс аканг Франц хат ёзиб турган жойнинг худди ўзига бордим. Мен буларни онангга батафсил гапириб бераман. Биз у ерга эрим билан дам олгани боргандик. У ерда бизни қандай кутиб олишди де! Бундай зеб-зийнат, бундай гўзалликни биз умримизда кўрмаган эдик. Ҳарбий маълумотларда турли номлар тилга олинса, масалан, айтайлик ҳалиги, юнонларда бўлади шекилли, худоларнинг расми солинган тош устунлар тўғрисида гапиришса, гап нима устида кетаётганини, биз энди дарров фаҳмлаб оламиз. Эрим ҳаммасини ўрганиб, уқиб олди, мен бўлсам ҳеч нарсани эслаб қололмайман, бунга чолнинг жаҳли чиқади. Эсингдами, илгарилари ҳам шундай эдим-ку. Юлдузларнинг номини ҳечам эслаб қололмадим, номлари жуда ғалати бўларкан. Чолим-ку, бурундан юлдузлар шайдойиси, энди бўлса, чет мамлакатлар шайдойиси, эрта-ю кеч уларни ўргангани-ўрганган. Дунёнинг қайси бир бурчагини сўрама, у гўё ўша ерда туғилиб-ўсгандай, ҳаммасини бирма-бир гапириб беради; мана ҳеч бўлмаса, биз яқиндагина парашютда тушган оролни олайлик. У баъзида ҳар бир юлдуз ҳақида ҳикоя қилиб беради.

— Хўп, майли, мен кетганимдан кейин сиз буларни ойимга гапириб берарсиз, ўзингиз биласиз-ку, Фрау Мельцер, ҳозир вақтим зиқ. Лекин эртага эрталаб, кетиш олдида сизларникига албатта кириб чиқаман.

Мария бошини қуйи солиб, хомуш ўтирарди. Уғлининг фақат бир кун туришини у энди билди. Севинчидан у вақтни ҳам унитиб ўйламай-нетмай:

— Кетма!— деб юборди.

Ганс кулимсираб қўйди.— Мен албатта қайтиб келаман хотиржам бўл. Мен омади келган йигитман. Ойи, менадан доим кўнглинг тўқ бўлди, сира ташвиш тортганинг йўқ, шунинг ўзи менга катта ёрдам. Назаримда, менинг келишимни ҳар сафар зориқиб кутмаганингда, улар мени албатта қўлга туширишган бўларди. Соғ-саломат қайтиб келишимга сен ҳозир ҳам ишони-



шинг керак. «Энди мен илгаригидай қаттиқ ишонишим мумкин эмас»,— деб ўйларди Мария ўзича.

— Отанг келяпти!— деди у.

Гешке ҳар галгидай қош-қовоғи осилиб кирди. Ганс-ни кўриши билан чиройи очилиб кетди:

— Келдингми болам!— деди у. Мария: «Мен ўз отаси эмаслигимни болага айтма,— деб Гешке тўғри айтган экан.— Майли Ганс буни ўз уйим деб билсин»,— деб ўйлади.

Лекин ота-бола хурсанд бўлишиб, стол атрофида ўтиришлари билан яна ихтилоф туғилди.

— Хўш, Россия билан битим тузилганига нима дейсан? Улар нацистлар билан уларнинг янги дўстлари, афтидан гапни бир жойга қўйишган бўлсалар керак.

— Ташвиш тортма, Сталин ишини билиб қилади. Сенга қолса у сизларнинг ҳам ишингизни қилиб берса, Гитлернинг таъзирини бериб қўйса-я, шундайми?

Гешке ўйлаиб қолди,

— Французлар қанақа одамлар ўзи?— деб сўради бир оздан кейин.

— Қанақа бўларди, у ҳам бир халқда,— деб қисқагина жавоб қилди Ганс. У бу хил савол-жавоблардан қутилишнинг бир йўлини топди.

— Мен ғириллаб Еленанинг олдига бориб келмоқчиман.— Бироқ ундан бир зум ҳам ажралмаслик учун ота-онаси Ганс билан бирга кетди.

Улар Бергерларникига кам борарди; Елена боласини олиб уларникига боришни афзал кўрарди. Бахтга қарши икки оиланинг дунё қараши бутунлай бошқа-бошқа эди. Илгарилари бу икки оиланинг эркаклари тез-тез жанжаллашиб туришарди, чунки улар бир-бирларига унчалик ишонимасди; шунинг учун ҳам очиқ баҳслашимасди; бу ишончсизлик бора-бора ўрталарига совуқлик туширди. Лекин барибир бир-бирлари билан учрашганларида, ҳар қайси: «У ўзгармабди, Гитлерга ён босмабди»,— деб ўйларди.

Кампир Бергер йилдан йилга озиб, қуруқ суяк бўлиб қолганди, бўйни яна ҳам чўзилиб кетганди. Лекин ҳали ҳам гапга чечан, тили ўткир эди. Энди мактабга қатнайдиган невараси хурсанд бўлиб, меҳмонларга пешвоз чиқди. Катталар Гансни ўраб олишди. Улар Гансни мақташди. Кофенинг ёқимли ҳиди димоққа урилди. Ганс онаси билан опасининг ўртасида ўтириб олди.

Улардан олдинроқ келган аллақандай бир меҳмон қиз бир четга бориб ўтирди. У паст бўйли бўлиб, кўзлари қоп-қора эди.

— Бу қиз дугонам, исми Эмми,— деб таништирди Елена. Ганс қизга тикилиб қолди.

— Ие, сен Эммимисан?— Эммининг лабида табасум бўлса ҳам кўзлари совуқ боқарди.

— Мен кўришим билан: «Бу Ганс» деб ўйладим.

— Яқинроқ ўтир,— деди Мария. Уғли бу қиз тўғрисида кўп гапириб берганидан, яхши эсида қолганди. Уша-ўша, сира ўзгармабди: жиккакина, кўзлари қоп-қора. Бу қиз бир вақтлар унинг ўғли билан бирга базада гулхан олдида бирга ўтирарди, айрим ишларни биргалашиб қиларди. Бу қиз полиция билан бўлган можарода ҳам иштирок этган, ўшанда Мария зинапояда тиқ этган оёқ товусини эшитса, ўғлимга бир гап бўлмадимикин, деб юрагини ҳовучлаб ўтирганди. У ўғлини деб озмунча изтироб чекдими! Биринчидан унинг умуман дунёга келмаслиги мумкин эди; инфляция вақтида у очидан ўлиб кетиши мумкин эди; иккинчидан, тош тегиб кўзи чиқиб кетишига сал қолганди; скарлатина — каттаси шу касалдан ўлган эди; бекорчи йигитлар Гансни ўғрилиқка тортишди, Эммини ҳам ўз ҳолига қўйишмади; у жуда кичкина бўлганидан, уни люкдан тушишга мажбур қилишган, лекин у қайтиб чиқа олмаганди, Ганс эса қочиб кетиб қутилган эди. Эртаси туши билан она-бола ухламай чиқишган. Бу уларни полициядан биринчи марта шунчалик қаттиқ қўрқини эди, ҳолбуки бу полицияга қараганда анча беозор, ювош эди, шунинг учун бунчалик юрак ҳовучлаб қўрқмаса ҳам бўларди. Қиз қанчалик кичкина, ёш ва беадаб бўлмасин, Гансга хиёнат қилгани йўқ. Ушандаёқ қиз қалбига ўт тушган эди, лекин у ҳали аланга эмас, кучсиз бир нур эди, бу нур ерда зулмат ва совуқ бўлмасин, деб ҳаммага ёруғлик сочар, ҳаммани иситар эди. Бу нур шунчалик заиф, шунчалик кучсиз эдики, унинг кофе билан булочкалар қўйилган стол ёнида ўтирган кичкина, озгин қизчада қанчалик порлашини ҳеч ким сезмасди. Ганс билан Эмми, қани энди бизлар ҳам ёнма-ён ўтирсак, деб ўйлашарди. Ниҳоят, Елена қизчасини ухлатгани кетди. Бергер чол Оскардан Африкадан келган отриткаларни олиб келди. «Бир вақтлар унга сал қимирлаш, ўрнидан жилиш қанчалик қийин

эди, — деб ўйларди Ганс. — Ҳатто уни гапиртириш ўлимдан қийин эди. Мана энди қўпол, бўйни узун Оскар Африка саҳросининг қумларида ботиб юрибди».

— Баъзида менга шундай туюладики, назаримда, Гитлернинг кули кўкка совуриладиган дами кўролмай ўлиб кетадигандайман, — деди Бергер. — Афтидан у бошқа ҳийла-найранглар сингари блицкригнинг<sup>1</sup> ҳам удасидан чиқяпти, шекилли.

— Бергер амаки жуда қартайиб қолди, — деди Эмми қайтиб келаётганида.

— Қартайиб қолди деяпсанми? — деб қайта сўради Ганс ҳайрон бўлиб. Гешке кеч бўлиб қолгани учун Эммига бизникида ёта қол деди. Бунинг устига Эмми ишга эрталаб кетиши керак эди.

— Ҳа, қартайиб қолди. «Марҳум ўғлим билан юракдан бир гаплашишини истардим» дейди у, Гейнер эса, бу сафар бўлмаса ҳам, келаси сафар ҳойнаҳой, ўлган бўларди.

Улар уйга келишлари билан ухлагани ётдилар. Эшитиб ётиш учун Мария эшикни сал очиб қолдирди. Эмми ҳикоя қиларди.

— Мен ўшанда ахлоқ тузатиш бўлимига тушиб қолдим. Гитлер ҳокимият тепасига келганда, ўқитувчилар ҳаммасига эски тартиб, эски тузум айбдор. Сиз, болалар, бекордан-бекорга азоб чекдингиз. Биз ҳаммамиз немислармиз, дейишарди. Яҳудийлар бизни очдан тирштиришди. Биз, болалар буни хуш кўрардик! Мен ҳам бунга ишонардим. Шу пайт бизнинг ичимизга, етимхонага бир қизча тушиб қолди; у жуда ёқимтой, истараси иссиқ, сарғиш эди. Лекин битта ҳам тиши йўқ эди, ҳаммаси уриб синдирилганди. У мактабда «Хорст Вессель» ашуласини айтгиси келмаганини гапириб берди. Отаси билан онасини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишибди. Биз у билан опоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Кейинчалик у биз билан бирга мажбурий меҳнатга кетди. Бу ер билан у ернинг ўртасида айтарлик фарқ йўқ эди. Иккаласи ҳам бир гўр эди. Айниқса иккаламизни қат-

<sup>1</sup> Блицкриг — «Яшин тезлигидаги уруш» — яъни душмани қисқа муддат ичида бутунлай тор-мор қилиш. Бу немис босқинчиларининг ўйлаб чиқарган назарияси бўлиб, улар шу орқали ўзларининг империалистик, босқинчилик планларини амалга оширмоқчи бўлган. «Яшин тезлигидаги уруш» — Блицкриг назарияси Улуғ Ватан урушида бутунлай барбод бўлди.

тиқ кузатиб юришарди. Бу орада ота-онам ўлиб кетди. Мен опамнинг олдига кетдим, у эсингдами? Баъзида, гулхан атрофида бирга ўтиришганимиз эсингдами? Ҳозир унинг болалари бор. Эри тузук одам, эсимдан чиққан нарсаларни у менга янгитдан тушунтириб берди. «Фихте» базасидаги кекса ўқитувчимизни эслайсанми? У, синфий курашлар тарихи — тараққиёт, қарама-қаршиликлар курашидан иборат деб тушунтирарди.

Булар жуда қизиқ-қизиқ гапларни гапиришади-я, деб ўйларди Мария. Мана улар бир-бирларини қўлларини ушлашиб, ошиқ-маъшуклардай тиззаларини яқинлаштирдилар.

— Уруш бошланганда, поччам ҳовлисидаги хотин-халажларга «Ўғил солдат туғиб берганингиз учун мана сизга мукофот!» деганди. Бу гап унинг оғзидан қандай чиқди, ҳайронман, одатда у тилини тия оларди. Гапимга ишонавер, у сир сақлай оларди. Эртасигаёқ уни олиб кетишди. Хотинларнинг орасида бир ярамаси, шаллақиси бор эди; у бир марта ҳам эски-тускини топширмади, деб опамни чақиб берганди.

— Худди биздагидай экан-да, — деди Гешке, Мария у ҳам эшитаётган экан-да, деб ўйлади.

— Бошқа хотинлар бу ифлоснинг роса таъзирини бергандир, деб ўйларсан. Ҳечамда! Гиқ дейишмади. Улар, эримизни чақиб бермасин дейишиб, унга тилёгламалик қилишади. Наҳотки, одамлар доимо шундай қўрқоқ бўлишган бўлса-я? Шунчалик разил бўлишганми-а? Менимча, одамлар азалдан шундай бўлишган-у лекин илгарилари буни сезишмаган... Кейин Берлинга қайтиб келиб, ҳарбий заводга ишга кирдим; бирга ишлайдиган ўртоқларимизникида тураман. Опанг Елена-нинг олдига мени синглим юборди. Қани энди, ўзинг ҳақингда гапириб бер.

Мария Гансдан эшитмаган кўп нарсаларни эшитди.

— Шарққа боришга қўрқаман. Нацистлар Францияда ҳозирча унчалик ҳаддидан ошганлари йўқ. Улар ўзлари ўрнатган янги тартибнинг қанчалик ажойиб эканлигини кўрсатишмоқчи бўлишади; бироқ Польшада улар билганини қилишяпти; роса қутиришяпти, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилишяпти, дейишади, биз бўлсак уларга шогирд ўрнидамиз. Уларга ёрдамчи бўлиб қолмаслик учун нималар қилиш керак? Гитлерчилар босиб олаётган мамлакатнинг ҳолига вой! Мен Фран-

цияда ижарага туриб, таъқиқланган эшиттиришларни эшитардим. Руслар борган жойда туриш маза-да. Улар Бессарабия билан Закарпатьеда аллақачон мактаблар очишди. Илгарилари ўқишдан маҳрум этилган одамлар энди ўқиш ва ёзишни ўрганишяпти.

Нарёғини Мария деярли эшитолмади, қулоғига чалинган айрим сўзларнинг эса, дунё миқёсида аҳамиятга эга бўлган воқеаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Оила аъзолари эрталаб ошхонада тўпланишганда Эмми аллақачон кетиб қолганди. Кофеда сўнгги овқатнинг беъмаза таъми бор эди, ҳамма сўзлар, ҳамма ҳаракатлар худди учрашувнинг сўнгги соатлари дастлабкиларига қараганда тезроқ ўтгани каби, ўтмишга силжиб кетарди. Гешке Гансдан олдин кетди. У ишга бориши керак эди.

— Яна алдама!— деди у.

— Уйга қайтиб кел!— деди Мария.

— Хўп, ҳаракат қиламан!— деди ўғли кулимсираб, зинадан туриб эса:

— Эммини зериктириб қўйма!— деб қичқирди.

Орадан бир неча ҳафта ўтгандан кейин, у ўзининг қисми жойлашган Польша қишлоғининг бўм-бўш кўчасидан чопиб борарди. Ҳали тонг ёришмаган, қоронги эди, у мудҳиш хабарни ўзининг янги дўсти Циммерингга биринчи бўлиб хабар қилишга шошилди. Циммеринг қудуқдан сув олишга келган эди. Ганс унинг улкан гавдасини узоқдан кўриб қолди; унинг юзида ҳам, бутун туриш-турмушида ҳам аллақандай бир дағаллик, қўполлик бор эди. Гарчи Циммеринг бундан бир неча йил муқаддам, ёшлар базасида Ганс билан биринчи марта учрашганда келишган, хушбичим йигит бўлган бўлса ҳам, Ганс уни эшелондаёқ таниб олди.

Циммерингнинг ҳечам ўзгармаганлигини, илгари қандай бўлса, шундайлигича қолгани йўлда маълум бўлди, улар бир-бирлари билан айрилмас дўст бўлиб қолишди.

Ганс ҳарсиллаганча унинг олдида тўхтади. Елкадор Циммеринг обкашда сув тўлдирилган икки пақирни олиб борарди. У бир меёрда оғир қадам ташлаб борарди. Гарчи у шошмай, секин юрса ҳам, унинг қадами шундай катта эдики, Ганс унга зўрга етиб юрарди.

— Циммеринг, Циммеринг, менга қара! Биз ҳозир русларга қарши уришяпмиз.

Циммеринг тўхтамасдан:

— Демак, руслар немисларни пачақлаб ташлашлари керак,— деб жавоб берди.

Солдатлар алланималар деб қичқириб, ҳар хил имо-ишоралар қилишиб, уларга томон чопиб келишарди. Обкашнинг мувозанатини сақлаш учун Циммеринг оломон ичида қаддини ғоз тутиб турарди, Ганс бўлса худди онасининг пинжиги кирмоқчи бўлган ёш боладай, ҳа деб унга ёпишарди. У икки хил ҳис билан, яъни ҳам саросимали, ҳам тантанали кайфиятда ўзича: «Гитлернинг душмани ким эканлигини энди кўрдингми, ота» деб ўйларди.

Улар бир-бирлари билан ҳаяжонланиб сўзлашиб, тўп-тўп бўлишиб қишлоққа қайтиб келишди, Ганс бўлса дўстидан бир қадам ҳам ажралгани йўқ. Циммеринг челакларини ерга қўйди. Хурсандлигидан маст бўлган фельдфебель деҳқон кампирни олдига солиб қувиб юрарди. У ҳар куни эрталаб шундай қиларди, афтидан у буни ўзининг энг биринчи вазифаси деб билса керак, Кампир бўлса ҳарсиллаб, энтикиб у ёқдан-бу ёққа югурар, фельдфебель эса хохолаб кулиб, чапак чаларди:— Уйинга туш алвасти!— ҳамма кулар, чапак чалишар, қийқиришар эди. Кампир дам у нарсага, дам бу нарсага қоқилиб йиқилар, чунки кўзи ожиз эди, деярли кўрмасди, унинг сўник кўзларида ғазаб ўти чақнарди; эҳтимол, янги хабарни у ҳам эшитган бўлса керак: «Кунингиз битди». Уни муштлашар, калтаклашар, сўкишар, отга ўхшатиб «чу-чулаб» ҳайдашар, кампир шуларнинг ҳаммасига чидаб, итоат қилиб, тинмай гир-гир айланарди. Гўё у умумий кулгининг таъсирига берилгандай биринчи марта унинг юзида табассум ўйнади, тишсиз оғзи қийшайди, кейин қотиб-қотиб кулди. «Яқинда ҳаммангиз қутириб ўласиз!» Ганс уни зимдан кузатиб турарди; энди у Ганснинг кўзига ҳам алвастидай бўлиб кўринди: лекин бу алвастининг нимасидир онасига ўхшаб кетарди, ўз ватанини ўйлаганда эса у ўзининг ювош, камгап онасининг қаеринидир алвастига ўхшатарди.

#### IV

Лейтенант Фаренберг, Венцловнинг адъютанти ўз бошлиқларини қўрғон ёнидаги ваъдалашган жойда кутиб турарди, улар дастлаб шу ерда жойлашган эди.

Кўришишмаганларига атиги бир неча соат бўлса ҳам у учрашганидан ҳар сафар хурсанд бўларди. Уларнинг иши худди хамирдан қил суғиргандай доим силлиқ кетар, улар бир-бирларидан ҳеч нарсани сир тутмас, ҳамма ҳис-туйғуларини ўртага ташлашарди. Фаренберг ўрталаридаги дўстликни қадрлар, Венцловни ҳурмат қиларди. Венцлов эса уни ўзининг энг яқин дўсти, деб билар ҳамда унга худди оталарча ғамхўрлик қилар эди. Ўзи сезмагани ҳолда у Фаренберг билан маслаҳатлашар, тушунмаган ёки шубҳаланган нарсаларни сира иккиланмай, дадил сўрарди. Улар ҳатто бир-бирларининг оилавий ишларидан ҳам хабардор эди, чунки дала почтаси келтирган ҳамма янгиликларни бир-бирларига гашириб берарди. Венцлов, Фаренбергнинг ўз қайлигини соғинганини биларди, Фаренберг бўлса, Венцловнинг уйда ўғли ва анча кўрс қизи борлигидан хабари бор, у ҳатто ўз бошлиғига оналик қилган Амалия холани ҳам биларди. Бу эскирган, деярли эсдан чиқай деб қолган образлар қиши билан бу икки кишининг кўз олдидан кетмади, улар Украинага бостириб кирганларида бу образлар уларга доим ҳамроҳ бўлди. Фаренбергнинг Дортмунддаги қайлиғи олган хатларнинг мазмуни Амалия хола Потсдамдаги деразаси рангли ойнадан бўлган кичкина уйда оладиган хатларнинг мазмунидан сира фарқ қилмасди: «Сўнгги хатимизни жўнатганимиздан кейин қанча йўл босганимизни айтсак, сиз, ҳойнаҳой, ишонмайсиз. Биз шиддат билан бостириб боряпмиз». Улар шимолда бир жойда туриб қолишганларида эса, буни табиий офатдан кўрдилар. «Москва остонасида бизнинг оёғимизни ипсиз боғлаган нарса — рус қишининг қаҳратон совуғи бўлди».

Венцлов машинадан тушаётганида, унга ажратилган хонанинг фақат эртага тайёр бўлишини, бугунча бир илож қилиб деҳқон кулбасида тунаб чиқишини хабар қилишди.

Штаб машинасида бўлган суҳбатдан унинг кўнгли кўтарилди. Ниҳоят, у Браунс билан бир фикрга келди! У бунга кўндан бери интиларди. Венцловга, генерал-лейтенант Браунс унинг докладига қизиқмаётгандай, ҳатто очикдан-очик менсимаётгандай бўлиб туюларди. Бу нарса уни, айниқса, шунинг учун ҳам ташвишга солардики, Венцлов Браунсни энг яхши, энг олижаноб, ҳар томонлама мукамал бир бошлиқ деб биларди. Браунс

номаълум сабаблар билан унинг олдинга силжишига тўсқинлик қилади-ю, бунга хафа бўлмай бўладими. Доклад қилиб, у Браунснинг уни менсимади эмас, аксинча, шунчалик қаттиққўл бўлишига қарамай, унинг ҳар бир ишини зимдан кузатиб боришига қаноат ҳосил қилди.

Браунс уни ҳатто мақтаб ҳам қўйди; Венцлов ўзининг ҳаддан ташқари васвасалигидан яна шарманда бўлганини тушунди, кадет корпусидалиги вақтидан буён шу васвасалиги орқасида озмунча озор чекдим. Баъзи бир одамлар сал нарсага, хизматдошларим, бошлиқларим мени ҳурмат қилмай қўйишди-я, деб ўйлашади ўзларича. Венцлов ҳам ана шундай одамлардан эди. Мана, энди, ниҳоят, маълум бўлдики, Браунс уни ҳурмат қилибгина қолмай, ҳатто қадрлар ҳам экан, у ўзининг Венцлов ҳақидаги яхши фикрини, бошқа ҳис-туйғулари сингари қаттиққўллик ниқоби остида яшириб юраркан. Браунс Венцловнинг олдинга силжишга тўсқинлик қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди, аксинча, унинг ёнини олиб гапиришни билдириб қўйганди. Венцлов эрта-ю кеч шу ҳақдаги ўй-фикрлар билан банд бўлиб, бошқа жойга ўтиш тўғрисида ўйлашга вақти ҳам бўлмади. Ёши эллиқларга бориб қолган бўлса ҳам, у катталарга ҳаваси келган ёш боладай, лейтенант Фаренбергга кўнгли яқинлигини бошқалардан яширишга, Браунс сингари камгап ва қаттиққўл бўлишга ҳаракат қиларди. Фаренберг ғарбдаги урушда қатнашиб, ўша ерда яраланган эди. Урушгача у студент бўлган, Браунс Венцловнинг кўзи олдида энг яхши, ибратли бошлиқлардан ҳисоблангандай, Фаренберг ҳам итоаткор ёш офицерларнинг энг ибратлиси эди. Венцлов ўзининг тахминан шу ёшда биринчи жаҳон урушида қатнашганини тез-тез эслаб туради. Ёш йигитни доим қўллаб-қувватлаш, кўнглини кўтариб туриш кераклигини жуда яхши биларди. Лекин Фаренбергнинг рўзгор ишларини суриштирар экан, ўзининг ҳам у билан гаплашгуси келаётганига иқдор бўлишни истамасди.

Бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари натижасида, уларга хутсрга эмас, тўппа-тўғри қишлоққа жўнашга тўғри келди, бир неча уйгина бутун қолган қишлоқда худди гўристондаги сингари жимлик ҳукм сурарди, теварак-атрофда ҳеч бир тирик жон йўқдай бўлиб туюларди. Авваллари қишлоқ кўчаси ўтган ялангликдан дам олишаётган солдатларнинг шовқин-сурони

эшитиларди. Жон сақлаб қолган одамлар, худди кундузи ёруғликдан кўрққандай чуқурларда, ертўлаларда яшириниб олишганди. Кичкинагина бир жажжи қизча қишлоқдан чиқаверишдаги ихота ёнида турарди, у икки кўзини қип-қизил қонга беланиб, ўлиб ётган сигирдан узмасди, сигир балки шуларникидир. Бу қизчани кўрмай қолишган ёки унга қараб турадиган одам бўлмаган. Бир неча хотин буйруқларни бажариб, челақ ва ўтин кўтаришганларича у ёқдан-бу ёққа чопиб юришарди, улар гўё ёруғда тириклар билан бирга бўлишга уялишгандай, жунжикишар, кўзларини қисшар эди.

Қишлоққа кираверишда ўрнатилган иккита дорни Венцлов дарров кўрди: у уларнинг шундай ёнидан ўтиб кетди. Дорга осиб қўйилганларнинг биттаси соқолли киши, иккинчиси озғингина ўспирин эди. Фаренберг беихтиёр бошлигининг юзига қаради. У, бошлиғим нима деркин, деб кутиб турди... Венцлов миқ этмади. Фаренбергнинг олдида ҳамма нарсани гапиравериш, ҳисларига эрк бериш мумкин эмаслигини, Венцлов фаҳмлаб қолганди. У бошлиқни тобе одамлар олдида танқид қилиш ярамайди, деб ҳисобларди. У учинчи қишлоққа борганида ҳам шунақа манзарани учратди. Нега шу ишлар менинг розилигимсиз қилинди, деб ўз вақтида эътироз билдирганди, бу ишларнинг ҳаммасига Рэннеке жавобгар дейишди унга. Лекин Рэннеке ўшанда ўрнида йўқ экан. Лекин унинг йўқлигини оқловчи буйруқ бор эди, бу буйруқ шундай юқори инстанциядан берилган эдики, Венцловнинг тап бермай иложи йўқ эди. Фаренберг Венцловга бу иккита осиб ўлдирилганлар бува билан набираси экан, деди. Уларнинг саройидан қўл гранаталарини топиб олишибди. Рэннеке қайтиб келди, сени кутяпти, деб қўшиб қўйда Фаренберг. У ўз бошлигининг юз ифодасини шундай яхши ўргатаб олган эдики, нима демоқчи бўлаётганини шундай кўз қарашидан билиб оларди. Мана, ҳозир ҳам яноқ суягининг пир-пир учаётганини кўриб, бу кўнгилсиз гапни дарров бошқа ёққа буриб юборди: у Рэннекени унча мунча танирди; бу ўша 1929 йилда Берлин олий техника мактаби студентларининг национал-социалистлар группасига бошчилик қилган Рэннеке эканлигини билиб Венцлов ҳайрон бўлди. Уни Веймар республикаси даврида яҳудий профессорларга қарши қилган ножўя ҳаракатлари учун мактабдан ҳайдаб юборишган эди;

Гитлер даврида эса уни иззат-ҳурмат билан яна ўз жойига қўйишди.

Бинога унчалик аҳамият бермай, деҳқоннинг меҳмонхонасига кирди, у ерда резинали ваннадан буғ кўтарилади. Венцлов келиши билан деншчик дарров шу ваннани ҳозирлаб берарди. Венцлов ҳозиргина дала почтасидан келган хатни кўриб қолди; хат шафқат худоси Кванонинг бронзадан ясалган кичкина ҳайкали тагида ётган эди. Бу ҳайкалчани унинг бир вақтлардаги машуқаси Маня ҳада қилган эди. Венцлов бу ҳайкалчани Хитойга командировкага борган вақтидан буён доимо ёнида худди тилсимдай олиб юрарди. У Амалия холанинг қўлини дарров таниди-ю, лекин хатни олмай Рэннекега ўгирилди.

Венцлов кириши билан Рэннеке ўрнидан сапчиб турди. У катталик, ўзбилармонлик қилмай ўзини анча камтар тутди. Агар унинг қора кўзлари ич-ичига ботиб кетган ёш, ҳорғин бўзарган чехраси ўлган одамнинг бош суягига жуда ўхшаса, демак бу ёш боланинг бош суяги. У ўрнидан шундай тез ва чаққон сапчиб турдики, уни сира ҳам касал деб бўлмасди, бироқ, Венцловнинг рўпарасига ўтираётиб, у сал гандираклаб кетди ва бир зум кўзини юмди. Лекин шу заҳоти ўзини ўнглаб олиб, узр сўради. Бир оғиз сўз айтиш учун у анчагача лабларини қимирлатиб ўтирди. Унинг оғзи ёш болаларникидай жуда кичкина эди, лаблари эса иссиқдан қовжираб кетганди. — Генерал-лейтенант Браунс — деди у зўрға — ҳозир кўрилаётган чораларга ўзи рухсат берганлигини жаноб майорга, албатта хабар қилган.

Венцлов мени сиқишяпти, кўп нарсадан мени четлаб ўтишяпти, деган одатдаги ҳиссини дарров босди. Узининг бундан сира ҳам хабари йўқлигини билдиришни истамай, Венцлов индамай қўя қолди. Браунс Рэннекенинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб тургандан кейин нима ҳам дея оларди.

— Менинг далилларимни, — деб сўзида давом этди Рэннеке. — жаноб генерал-лейтенант жуда асосли деб топди. Бу хил чораларни қўллашда икки мақсад кўзда тутилади: ҳозиргина ишғол қилинган қишлоқ аҳолисига ҳарқандай қаршилик кўрсатишнинг, шунингдек айбдорларни яширишнинг ҳечам фойдаси йўқ, деб дарров уқдирилади. Ҳамманинг кўзи олдида дорга осилиб турган жинойтчи бизнинг ҳамма нарсани кўришимизнинг,

эшитишимизнинг, ҳамма нарсдан хабардор эканлигимизнинг ёрқин исботи бўла олади; агар бу жинойатчини ерга кўмсақ, одамлар уни тезда эсларидан чиқариб юборишади. «Агар кўнглимдагини қилмоқчи бўлсам, мен ҳам мана шундай осилиб ётаман»,— деб ўйлайди ишончсиз одамлар. Иккинчидан, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ахир ўзимизнинг шармандали Веймар тузумидан қутилганимизга атиги ўн йил бўлди-да. Битта-яримтанинг онгида Совет Иттифоқи тўғрисида: бу ҳамманинг орзу қилган ери деган бир тасаввур пайдо бўлса, бунга сира ҳам ажабланиш керак эмас. Шунинг учун ҳам биз бу мамлакатда ҳамма ҳақ-ҳуқуққа эга бўлган ғолиблар сингари кириб борамиз, деган фикрнинг тинмай одамларнинг миясига сингдириш керак.

Рост, Браунс бу хил далиллардан қаноат ҳосил қилган экан, Венцлов — бу ишларнинг ҳаммасини менидан берухсат қилишган, деб эътироз билдириши мумкин холос.

— Сиз жуда бетобсиз, Рэннеке, иситмангиз бор. Ҳозир танафус вақтидан фойдаланиб бир оз ётиб дам олинг,— деди у, бошқа гапирмади.

Рэннеке «йўқ» дегандек бир кулимсираб қўйди, бу табассум уни яна ҳам ёшартириб юборди, шу билан бирга ўзининг катта одам сифатида гапираётганини такидлаб қўйди.

— Жаноб майор дам олганда мен сизга шимариб ишга тушаман. Хуторни ишғол қилаётганда бир неча снаряд ёрилмай қолди. Бунинг тасодифий бир ҳол эмаслиги текшириш натижасида аниқланди. Бу ўқ-дориларнинг қайси складлардан келтирилганини дарров аниқлаш керак эди. Уларнинг қайси заводда, қайси куни, қайси сменада чиқарилганлигини аниқлаш тўғрисида буйруқ берилди. Мамлакатимиз ичкарасида хойнлар бор, ҳолбуки душманимизнинг ҳатто ёш болалари ҳам қўлига қурол олишяпти.

Рэннеке тамшаниб нафасини ростлаб олди, чунки унга гапириш оғир эди, кейин сўнгги сўзларим силлиқ, енгил чиқсин дегандай қовжираб кетган лабларини ялаб қўйди.

— Ҳа, айтмоқчи, Қўшма Штатларнинг уруш эълон қилиши ҳамманинг кўзини мошдай очиб қўйди, деб умид қилиш керак. Бундан ҳам ибратли нарсани топиб бўладими — жаҳоннинг энг йирик капиталистлари

қизилларга ён босди. Бунинг биз учун ҳатто фойдаси бор: бизнинг ҳарбий кўмондонлигимиз энди синаб кўриш, далиллар келтириш, исботлашларни тўхтатиш, йиғиштириб қўйиш кераклигини, ниҳоят, тушунишади. Бундай нарсаларга вақт йўқ.

У, менинг мазам йўқ, деб кетиб қолди, умуман Венцлов унинг келиб кетганидан мамнун бўлди. Гарчи Рэннеке Венцлов кўп ҳолларда қувватламай ўзини четга тортиб юрган ҳокимият вакили бўлса ҳам, лекин уларнинг суҳбатида Рэннекени Венцлов устидан ёмонлаб рапорт ёзишга ундайдиган бирор гап йўқ. У, деншчикка яна бир кўза қайноқ сув олиб келгин, деб буюрди, чунки резинали ваннадаги сув совуб қолганди. Венцлов ечина бошлаганда, тўсатдан хат эсига тушиб қолди. У хатни ваннада ўтириб ўқиш учун конвертнинг очди.

Лекин деншчик қайноқ сувни ҳа деганда олиб келмади, кейин у хат ўқишга тушди, хатни у шундай қизиқиб ўқидики, деншчикнинг кечикиб кетганини ҳам, ташқаридаги қий-чувни ҳам сезмади, ҳа, айтмоқчи бу тўс-тўполоқнинг дарров бартараф қилиши. Ниҳоят, кўза кўтариб кирган деншчик майорнинг хат ўқиётганини кўриб хурсанд бўлди. Хайриятки, фақат ярми бузилган одам лиқ тўла ошхонада деншчик имо-ишоралар билан бир амаллаб ишни тўғрилади. Аллақандай бир йигит ниҳоят, унинг кўзасига сув тўлдириб берди, ва эшик олдига қўйди. Майорнинг хонасига киришга фақат деншчикнинг ҳадди сизғарди. Деншчик кўзани кўтариши билан унинг дастаси шилқ этиб синиб тушди-да, кўза чил-чил бўлди. Деншчик газабдан ҳатто хуштак чалиб юборди. У йигитнинг истеҳзоли кулиб турганини кўриб жуда даргазаб бўлди. У болани ушлаб олиб, унинг бошини печкага гурс-гурс ура бошлади. Катталар рангги сурпдек оқариб, қимир этмай ётган боланинг атрофида жонсарақ бўлиб юришганда ерда ҳам, дўзаҳда ҳам тегиримонга тушса бутун чиқадиган бир ўсмир қиз хурмачага қайноқ сув тўлдириб, уни ҳам эшик олдига қўйди.

Деншчик бу воқеани гапириб беролмади, чунки майор ўз ўй-фикрлари билан банд эди. Шундан кейин у чой олиб келгани яна ошхонага кетди. У, ўзининг ошхонадаги одамларни бир пулга олмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб, бир кампирни курсидан итариб туширди-да, курсини ўзи томонга суриб қўйди. Деншчик курсида ўтириб, оёғини олдинга чўзди-да, этигимни артиб қўй,

дегандек ишора қилди. Ҳалиги қиз келди-да, унинг этигини арта бошлади. «Бўрилар билан бўлган мўъжиза» китобидаги қиз бўриларнинг панжаларини артганда ўзини қандай хотиржам ва дадил тутган бўлса, бу қиз ҳам ўзини ана шундай хотиржам ва дадил тутди.

Венцлов бўлса ҳамон ваннада ўтирадди, у хат ҳўл бўлмасин деб тирсагини сал кўтариб олганди.

«Азисим Фриц,— деб ёзганди Амалия хола,— хатим кўлингга текканда қаерда бўлишингни билмадим. Ҳамма славян шаҳарларининг номларини ёдда сақлаб бўлади дейсанми. Сизларнинг яқин кунларда уларнинг ҳаммасига немисча ном беришингизга умид қиламиз. Ошхонага осиб қўйилган катта картадаги байроқчаларнинг жойини газетадаги маълумотларга қараб ҳар куни ўзгартириб тураман, лекин сиз шундай тез силжияп-сизки, сизларни қувиб етолмайдиганга ўхшайман. Бугун менинг картада фронт бўлган жой, эртага орқада қолиб кетади. Энди сенга алоқаси бор оилавий ишлардан гапириб бераман».

«Ниманинг менга алоқаси бор?— деб ўйлади Венцлов.— Буларнинг ҳаммаси ҳозир мендан жуда узоқда... Йўқ, Амалия хола мендан ҳечам узоқда эмас. Мен бу кампирни ўз хотинимдан ҳам кўп ўйларман, балки. Улим олдида одамнинг миясига нималар келмайди!»

«Мальцанлардан хотин, бола-чақаларининг аҳволи яхши эканлигини билиб тураман!»

«Хотининг фақат ўз онасига хат ёзади, мени эсига ҳам олмайди, демоқчи-да»,— ўйлади Венцлов.

«Мальцан буви яқиндагина Касселга меҳмон бўлиб келди. Уғлинг энди ўн иккига кирса ҳам, лекин кўринишдан катта йигит дейсан. Сенга ўхшаб, у ҳам иншо ёзишга уста, лекин ҳисобга мазаси йўқ, сузишдан олдинда-ю, гимнастикадан орқада. Уни гитлерюгендда ҳам мақташади, тақдирлашади».

«Қизик, гарчи ўғлим билан фахрлансам ҳам уни деярли эсга олмайман. Хитойдалиқ вақтимда ҳам, уч боланинг отаси эканлигимни эсимдан чиқариб юборгандим. Хавф-хатарда одатда сира ўйламайдиган одамларни эсга оласан. Нега шундай?»

«Хотининг ўз ташкилотида тиришиб ишлапти, бунинг устига офицерлар хотинларининг ишини хотинларнинг национал-социалистлар иттифоқи қаттиқ текшириб туради. Полкиндаги офицерларнинг оиласи уруш қурбон-

ларига ёрдам беришдек умуммиллат ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, албатта».

У жўнаб кетишдан олдин Амалия холага цензура тўғрисида анча нарсаларни уқтирганди, кампирнинг бу нарсаларни яхши уқиб олганлигини ўйлаб Венцлов бир кулимсираб қўйди-да, ўзича: «Яқинда бўлиб ўтган жанглардан сўнг, полкимдаги офицерларнинг оиласи ҳам қўшилишган бу «ёрдам бериш» иши бўйича кампир бошига анча ташвиш ортдиради»,— деб ўйлади.

«Фрау Фон Мальцаннинг гапига қараганда қизчанг Марианна дўндиқ, ёқтимтой, ширин қиз бўлганмиш».

— Бу нима шовқин, уларни тинчитсангчи, ахир!— деб қичқирди Венцлов деншчикка. Шундан кейин деншчик ҳали ҳам этигини артиб ўтирган қизчанинг кўксига бир тепди-да, ошхонадаги бошқа одамларни тез-тез ҳовлига қувиб чиқарди. Она ранги мурдадай оқариб кетган лекин ҳали ҳам нафас олаётган боласини қўлига олди, деншчик бўлса ҳуштак чалиб қизни чақирди-да, этигимни қолган жойини артиб қўй, деб буюрди.

Қиз кўзига ёш олиб индамай бўйсунди, лекин унинг равшан кўзлари жиддий боқарди.

«Катта қизинг Аннелиза болалик даврини бошидан кечиргандан кейин, жуда ақлли, баъмани қиз бўлади».

«Албатта, Амалия хола бу ўринда ҳам ҳақли. Хотиним бекорга ташвиш тортиди. Аннелизанинг, мен шунчалик дарров эсимдан чиқариб юборадиган одамлар тоифасига кирмаслиги бежиз эмас. Хотиржам бўл, Аннелиза мен сени унутганим йўқ. Дўндиқ Марианнани, ҳатто кичкина укангни ҳам эсимдан чиқариб юбордим. Сенинг ҳақингда бирор нарса билишни жуда истар эдим. Амалия холанинг бунга фаҳми етиб, хатида сенинг тўғрингда ёзиб юборибди».

«Ленора госпиталда яна шафқат ҳамшираси бўлиб ишлаш учун қўлидан келганча ҳаракат қиляпти».

«Ҳа, айтмоқчи бу ёғда Ленора ҳам бор-а. Уни деярли бутунлай эсимдан чиқариб юборибман-а, лекин унинг борлиги мени ҳечам ҳайратда қолдиргани йўқ. Бошқаларни бутунлай эсимдан чиқариб юборибман-у, лекин уларнинг ҳали ҳам яшаётганига ҳайрон қоламан».

«Унинг ёшидаги хотинларни ҳозир шафқат ҳамширалигига зўрға қабул қилишади. Бахтимизга, сизларнинг бу қолибона ҳужумингиз вақтида шафқат ҳамширалари бизлар ўйлагандан кам керак бўляпти. Шунинг

учун ҳам Ленора Берлин госпиталларининг бирида ҳамшира ёрдамчиси бўлиб ишляпти: унинг ўгли, жиянинг ҳозир шарқий фронтда, зора у билан учрашиб қолсанг».

«Э бечора Амалия хола, унинг шарқий фронт ҳақида тасавури қанчалик тор! Ахир, Гельмут Клемм эсэсчигу, у ҳам Рэннеке бу ерда эгаллаб ўтирган вазифани бирон ерда эгаллаб ўтиргандир ҳойнаҳой. Наҳотки, у ўзгармаган бўлса? Яқиндагина у ёш бола эди, Хитойдан қайтиб келганимда менга меҳр билан қарарди».

«Ишонаманки, армия хизмати Гельмутга яхши таъсир этади. Мен бу ҳақда Ленорага ҳар куни гапираман, у госпиталдан жуда чарчаб қайтади. У илгаригидай мен билан туради, қўлидан келса, менга уй ишларини қилдирмасам дейди. Угли жуда кам хат ёзади, ахир якка-юягона ўғил-ку, тез-тез хат ёзиб турса нима бўлади. Агар учратиб қолсанг, илтимос, уришиб қўй. Ленора ҳар куни кечқурун эшикдан кириши билан хат борми деб сўрайди. Углининг Франциядан қайтаётиб, отпускасини Рейнда ўтказганидан Ленора жуда хафа бўлди. Ёшлигига қарамай, унинг айрим хизматлари учун мукофотланганидан биз ҳаммамиз жуда хурсандмиз».

«Эҳтимол, унинг кўксига ҳам Рэннекеники сингари орден ялтираб тургандир, балким ўша Рэннеке қилган ишни қилгани учун мукофотлангандир» Венцлов тез-тез ювина бошлади. Хат жуда ҳўл бўлиб кетганидан уни полга ташлаб юборди. Хатни ўқиб, у жуда кўп нарсаларни эслади: «Смородинадан қилинган мураббони ўғирлаб егани учун Амалия холадан жазо олгани, банкани мушук ағдариб юборди, деб ҳамма айбни мушукка тўнкагани учун Амалия холанинг уни икки ҳисса оғир жазолагани, кадет корпусидаги биринчи отпускасини, эгнига биринчи марта мундир кийгандаги фахрланиши; биринчи жаҳон урушида, биринчи жанг олдидан ўлим хавфини биринчи бор ҳис этгани, Брюсселдаги ислотхонага бир марта бориб ҳафсаласи пир бўлгани; биринчи даражали «Темир крести», Аахенда, вокзалда, ишчилар унинг кўкрагидаги крестни юлиб олишганларида қанчалик дарғазаб бўлгани, лекин ҳеч нарса қилмагани; поччаси Клеммнинг унга энгашиб: «Сен от!» дегани; маҳбуснинг унга ялт этиб қарагани. Унинг секин, лекин дадил, янгроқ овозда: «Шошманг, сизларга ҳам гал келади!» дегани, командирларининг буйруқлари.

юракдан айтилган меҳр-муҳаббат сўзлари, таънаю маломатлар, боланинг бидирлаб гапириши; фақат Хитойда тери ва ердан келадиган ҳид; Потсдамга, Амалия холанинг олдига борганда, унинг такаббуруна ўпиши.»

Амалия хола унга ваннанинг четидан қараб норози оҳангда:

«Фриц, қишлоқнинг чеккасидаги бу ишлар менга ёқмаяпти» деяётгандай бўлди.— «Биз ғалаба қилишимиз керак Амалия хола, урушда енгиб чиқишимиз керак».

«Ҳа, ўғлим, фақат қурол билан енгишимиз керак. Самолётларининг сон-саногии йўқ. Танкларинг қанча!»— «Биз фақат олға қараб юришимиз керак; яна тўхтаб қолишимиз мумкин эмас; шимолдаги, Москва остонасидаги қишни бошқа кўрмайлик; Биз бутун тарихимиз даврида бундай ғалабани қўлга киритмаган эдик. Бу эса, биласанми, бизнинг ҳужум қилишимизга ёрдам берарди».

Лекин Амалия хола сўрамайди, сўрашга жуда ҳам қариллик қилади. Ҳа, у сўрамоқчи ҳам эмас, у жияни Гельмутнинг келажаги порлоқ мансаб эгаси бўлганидан Потсдамда севиниб ўтиради.

У қалтирай бошлади, сув совуб қолди. У, чўмилиб чиққандан кейин, артинадиган чойшабни олиб келиб беришни унутган деншчикни жаҳл билан чақирди.

## УН ОЛТИНЧИ БОБ

### I

Венцловнинг катта қизи Аннелиза мактаб бошлиғининг олдига рўзгоршунослик китобини қўйди, мактаб бошлиғи бу китобдан бир ҳафталик калькуляцияни ўрганиб чиқарди. Яхши ном чиқарган бу мактабда қизлар майда-чуйда рўзгор ишларидан тортиб то катта ер-мулкни қандай бошқаришни ўрганишарди. Тарбияланувчи қизларнинг шўх кулгиси, гангир-гунгури ошхонага эшитилиб турарди, бу ерда, стол устига калькуляциялар тегиб қўйилганди.

Кастрюллар, мисдан ясалган жиҳозлар, печлар, ҳатто кошиндан қилинган поллар тозалигидан ярақларди,



ошхона худди операция залига ўхшаб кетарди. Эгнига оқ ҳалат кийиб олган Фрау Фон Уленгаутни кўрган одам старший ҳамширами дерди. Унинг сабр-тоқати, меҳрибон аёл эканлиги чиройидан кўриниб турарди, лекин унинг силлиқ юзидан ёшини билиб бўлмасди. Бўйнига сиртига қора бахмал қопланган медальонни осиб олганди. Узун бармоқларининг тирноғи калта қилиб олинган эди. Битта бармоғига бевалигининг ифодаси сифатида никоҳ-вақтида тақиладиган узукдан иккитасини тақиб олганди. Бошқасида эса — геммали<sup>1</sup> йўғон узук бор эди, узук бармоғини сиқиб турарди. Аннелиза у ўтирган стулнинг орқасида туриб, буларнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечирди. Мустақил равишда калькуляция тузиб чиқиш имтиҳон топширишдай жиддий бир синов ҳисобланарди. Фрау Фон Уленгаут ўз кайфиятини сездирмасди, у доим меҳрибон ва хушмуомала эди. Қиз бўлса бошлиғи унинг ишига қандай баҳо берганлигини юзидан билиб олишга ҳаракат қиларди. Унинг отаси ҳам ўз доклади бошлиқда қандай таассурот қолдирганини юзидан уқиб олишга уринарди. Бироқ қизи мақтов ёки танбеҳни бутунлай бошқача ҳис билан кутарди, отаси эса ўзидан катталарнинг фикрини бутунлай бошқача ҳис билан кутарди.

Мактабга янги ўқитувчи келганда Аннелиза: «Қани кўрамиз ҳали, унинг кўзига яхши одам бўлиб кўринишга арзийдими-йўқми!» деб ўйларди. Фрау Уленгаутнинг ҳам қанақа одамлигини у ҳали яхши билмасди, унга яхши кўринишга арзийдими-йўқми, буни ҳам билмасди. Ҳозир у калькуляция тўғри тузилганми-йўқми, шуни билмоқчи эди, холос.

Қиз ўзининг бемаъни ишлари билан уйдагиларга қанчалик иснод келтирмасин, онаси ҳар минут юрагини ҳовучлаб, титраб-қақшаб ўтирмаслик учун, уни шаҳардан жўнатиб юборди. Германиянинг келажаги аслзодаларнинг қизлари, офицерларнинг қайлиқлари, асл фарзандларнинг оналари яхши таълим олишларини талаб қиларди.

Гарчи Аннелиза бошланғич синфда ўқиса ҳам унга юқори синф ўқувчиларига бериладиган вазифани беришарди. Бу ҳафтада унга имениенинг ҳамма ходимлари

<sup>1</sup> Г е м м а — сиртига хат ўйилган ёки нақш солинган қиммат-баҳо тош.

учун асосан ўз озиқ-овқатлари ва яқинроқдаги шаҳарчадан озгина қўшимча харид қилиш ҳисобидан калькуляция тузиб чиқишни топширишди. Аннелиза бу мактабда аввалига кўнгил қўймай, истар-истамас ўқиди, лекин кўп ўтмай уйдан кўра бу ерда мустақил, эркин бўлиши унчалик қийин эмаслигини, онаси унинг йўлига қўрмоқчи бўлган тўсиқлардан бу ерда осон ўтишини, ҳар ҳил тоифадаги одамларни учратиш мумкинлигини, сира кутилмаган ҳодисаларнинг рўй беришини билиб қолди. Фрау фон Уленгаут унга бир варақ қоғоз берди; у бурчакдаги нақшдор скамейкага бориб ўтирди. Плита олдида турган қизлар, ўз синфдошлари Аннелизанинг раҳбар билан бир стол атрофида шунчалик узоқ ўтирганга ҳаваслари келиб, бир-бирларига гапирарди.

Уленгаут, қаламининг учини тишлаб турган қизга аҳён-аҳёнда қараб қўярди. Аннелизанинг онаси, Венцловнинг, қизимиз бутун оилага иснод келтиради, деган гапининг тўғрилигига шубҳа ҳам қилмаганди. Ҳатто шу мактабга кириб ўқиш учун ҳам бошқа ҳамма ҳужжатлардан ташқари гитлерюгенд раҳбарларининг тавсияномаси ҳам талаб қилинарди. Бу тавсиянома конвертда юборилганди. Унда Фрау Уленгаутга бўлиб ўтган машҳур воқеа тўғрисида маълумот берилиб, қизга алоҳида эътибор бериш кераклиги таъкидланган эди.

Фрау Уленгаут биринчи кундаёқ қизга алоҳида эътибор бера бошлади. У ўз имениесидан бирор фойда олиш учун эри ўлгандан кейин кўп ўтмаёқ мактаб очганди. Дўстларидан биттасининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан Уленгаут ҳатто ҳозирги ҳукуматнинг ҳам мақтов ва мукофотига сазовор бўлди. Унинг ёши олтмишларга бориб қолганди, шунинг учун у ўзича энди мактабни ёпсам ҳам бўлар, деб ўйларди. У пухта ўйлаб тузилган план асосида йилдан-йилга қанчадан-қанча билим берган ўша ўсмир қизлар курсни тамомлашганларидан кейин қаёққа кетишди? Ўз уйларига, ота-оналарининг олди-га қайтиб кетишдими? Илгариги муҳитгами? Дардан ташқари вақтларда у ўзининг кўп нарсаларни, ҳар хил қонун-қоидаларни билиши, уларга усталик билан чап беришидан фахрланар эди; эндиги урушда унинг билими жуда камлик қилиб қолди. Шу ерга келганда у гитлерюгенд раҳбарлари тавсия қилгандай, янги талабасига алоҳида эътибор бериб қолди. Кўрдикки, бир шу қиз деб жонига теккан бу ишини ташламаса арзиркан; у қиз

булардан биттасига ҳам турмушга чиқмайди. Уленгаут ҳатто керакли фикрни хаёлидан ўтказди — энг муҳими уларга ўшаганларни туғмайди.

— Қаламни оғзингга тикма,— гап орасида сезиб қолди фрау фон Уленгаут.

Бу қиз рождество байрамида уйига кетганида Уленгаут унга ачинди. У мактабда ҳам, имениеда ҳам байрам олди тайёргарлик ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, гўё биров унинг қизи ёки синглисини тортиб олгандай, кўнгли сира ёришмас, ўзини худди бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдай ҳис этарди. Аннелиза уни соғинишаётганларига шубҳа ҳам қилмасди. Лекин уни уйдагилар у ўйлагандай хурсандлик билан кутиб олишмади. Аннелиза буни дарров сизди, ҳолбуки ўзи ҳам уйини мутлақо ўйламасди. Лекин шунга қарамай, у ҳар сафар уйга келганда, унда «Эҳтимол менинг ҳам чинакам уйим бордир?» — деган умид пайдо бўларди. Уйдагилар ҳам, шаҳар ҳам бу сафар унга жуда бегона бўлиб кўринди. Ҳамма нарса Аннелиза билан бирга ўзгармай, ўша ўша эскилигича қолганди, бор янгилик фақат шу эди. Онаси эски хизматида эди, иши бошидан ошиб-тошиб ётарди. Офицерларнинг хотинлари эр ва ўғилларидан келган хатни илгаригидай бир-бирларига ўқиб беришарди. Ошхонадаги катта картадаги байроқчалар ҳарбий маълумотлар асосида бурунгидай бир жойдан иккинчи жойга кўчириб туриларди. Свастикали узун тўғнағич отасининг тахминан турган жойини кўрсатиб турарди, бу отани эслаш билан баровар деб қараларди. Қизнинг йўқлигида у уйга отпускага келиб-кетди; у орден билан мукофотланиб яна юқори мансабга кўтарилганди. Қишдаги муваффақиятсизликлар, гўё сўнги муваффақиятлар, жуда катта территорияни босиб олишга қарагандан анча енгилдек бўлиб туюларди. Онаси отасининг шкафидан Осие, Ҳиндистон ва Хитойнинг эски карталарини олмоқчи эди, улар ҳа демай, отаси Сувайш каналига чиқиб, Африка армиясига қўшилиши билан керак бўлиб қоларди. Ҳар кун эрталаб картадаги байроқчаларнинг жойланишини газета ва радиодан олинган хабарларга солиштириб кўраркан, онаси Ленинград, Москва, Волга тепасида қизил байроқчаларнинг ҳали ҳам ҳилпираб турганини кўриб қазаби тошарди. Бу байроқчалар унинг кўзига ўт пуркаётгандай бўлиб туюларди. Гарчи у бу хатонинг яқин кунларда тузатилиши-

га кўзи етса ҳам, лекин тез-тез оғир хўрсиниб қўярди: сўнги хатига қараганда отасининг Украинанинг жанубида эканлиги қандай бахт-а, у ерда ҳамма иш жойида, қиши ҳам унчалик совуқ бўлмайди. Эри посилка қилиб юборган қизил гулли қалин оқ украин бўзини у худди рождество байрамига қилинган совғадай арча тагига ёпиб қўйганди. Бу бўз қизларга жуда яхши қўйлақлик бўларди. Улар бўзни эгниларидаги байрамга кийган қўйлақлари устидан арча шамларининг ёруғида ўлчаб кўришди. «Ер юзида тинчлик ва инсон муруввати...» Агар отаси посилкага қўшиб юборган хатида бўзни икки қизимга совға қилиб юбордим, деб таъкидламаганда, агар посилкани адолат юзасидан эмас, балки уларнинг ташқи кўринишига қараб тақсим қилиш мумкин бўлганда, онаси Украинадан келган посилкани фақат кичкина қизига берган бўларди.

Марианна пакана опасидан бир қарич ўсиб кетганди, у ҳамма кутгандай жуда ажойиб, гўзал бир қиз бўлиб етишди. У кечқурун ўрнида ётиб, одати бўйича опаси Аннелизага бутун юрак сирини, севги можароларини очиқ гапиришга ҳаракат қилди. У, буларникига келиб кетган аммаваччаси Гельмут фон Клемм ҳақида жуда кўп гапирарди. У таниш эсэсчи Буркгарт билан йўл устида тушиб ўтганди. Буркгарт Марианнанинг қалбидан ўчмас из қолдирган эди.

Опаси синглисининг шунчалик ўзгариб қолганига жуда ҳайрон бўларди. Аннелиза оиланинг бошқа аъзолари қатори картадаги байроқчаларнинг Сталинграддан Волганинг нариёғига, узоқ-узоқларга силжиб кетишини истарди, албатта. У ҳам бошқалар каби Африкадаги байроқчаларнинг бора-бора ниҳоят, Россиядаги байроқчаларга қўшилиб кетишини хоҳларди. Ўйласа кишининг юраги орқасига тортиб кетадиган шундай алғов-далғов вақтда, шундай катта, оламшумул воқеалар содир бўлаётганда Аннелиза, онасининг совға-салом, синглисининг ишқ-муҳаббати ҳақида ўйлашларига ҳайрон бўларди. Россиянинг айрим районларида қиш шу қадар совуқ эдики, солдатлар муздек қотиб қолишарди. Агар борди-ю бу совуқлар пасайиб, бу оламшумул воқеалар яхшилик билан тугаган тақдирда ҳам барибир, Буркгартнинг аскиялари тўғрисида ўйлаб бўладими, бу даҳшатли оламда, бу расвогарчиликлар орасида ҳамма нарсаларнинг эскилигича қолиши мумкинми, ахир?

Энг кенжа укаларини онаси ҳам, синглиси ҳам бурун-гидай жуда эркалатишарди, ҳурпайган сочини меҳри-бонлик билан силаб-сийпашарди, у бўлса оппоқ тиш-ларини кўрсатиб илжаярди. Ҳатто мана шу тишлари ялтироқ, сочи жингалак бола ҳам Аннелизанинг кўзига бутунлай бошқача, одамзод эмас, аллақандай бир те-мир асбобдай бўлиб кўринарди. Бир куни Аннелиза уй-дан ҳеч кимга билдирмай чиқиб кетиб, кекса ўқитувчиси Ленертнинг олдига борди. Бир вақтлар Ленерт билан ҳукумат бошлиқлари, энг муҳими «немис христианлари» деб ном олган одамлар ўртасида анча кўнгилсизликлар бўлган эди. Фрейлен Ленерт ўзининг собиқ ўқувчисини очиқ чеҳра билан қарши олди. Аннелизанинг уни жуда ҳурмат қилиши билан фрейлен Ленерт фахрланар эди. Ҳозир бутун миллатни бир-бирига бирлаштирган нарса олдидан бир вақтлардаги жанжал-низолар нима деган гап? Бутун Европага таҳдид солаётган ноинсоф душман олдидан «немис христианлари»нинг янглишиши нима деган гап? Қиз ўқитувчисининг гапини индамай тинглаб ўтирарди: у нима деб жавоб беришини, нимани сўраши-ни билмасди. У нимага эътироз билдиришни, нимага қў-шилишни билмасди. Ниҳоят, у қўрқа-писа мактаб руҳо-нийси Шрёдерни сўради. Ленерт у ҳақда ҳеч нарса бил-майман, деб қизни ишонтирди.

Қизнинг энди савол берадиган одами йўқ эди, фақат ўзидан сўраши мумкин эди. У уйи томон секин борарди. Назарида бутун шаҳар унга: «Сен бутунлай ёлғизсан!» деб қичқираётгандай эди. Мактаб руҳонийси ҳозир қаер-да? Гўрдами? Штраф батальонидами? Концлагердами? Эҳтимол у ҳам Ленерт сингари илгариги йилларнинг их-тилофларини аллақачон унитиб, армияга кўнгилли бўлиб кетгандир? Кечаси, ўрнида ётиб у фақат бир нарса ҳақи-да: синглим эсэсчи лейтенант Буркгартни гапириб жоним-га тегмаса эди, ўз ўй-фикрларимга берилиб уйқуга кет-сам, деб ўйларди. Аннелиза ҳозир ўлимни тез-тез ўйлар-ди. У бирдан бутун вужуди билан ҳис этган нарсани нима деб атаса бўлади? Бу йўқ нарсани ёки теварак-атрофидаги ҳамма нарсаларми? Бу бирор нарсанинг шарпасими ёки мангуликнинг ўзими?

Фақат бир нарса қизга жуда ғалати туюларди. Одам-лар ўлим ҳақида жуда кам билардилар, бу ҳақда ҳеч нарса дейишолмасди, ўлим тўғрисида мутлақо ўйлаш-масди, ҳолбуки онаси агар сал хат кечикса, кечаси би-

лан мишжа қоқмай ўйланиб чиқарди. Ҳатто кўзига ўлимдан бошқа нарса кўринмайдиган отаси ҳам қаёқ-даги арзимас, майда-чуйда бемаъни нарсаларни ёзарди-ю, ўлимдан оғиз очмасди. Тўғри, хатида ўлди деган сўз кўп учрарди, бу ҳақда жуда кўп мулоҳаза юритарди, ле-кин ўлим тўғрисида қандай фикрда экан?

Одам ўлди дейиши билан ҳамма иш тамомми ёки кейин яна худонинг ҳукми ҳам борми? Танклар гулду-раб, бомбалар портлаганда ҳам, шунчаки, одам ўлди, одам тамом бўлди деб қўя қолинадими? Жасади-чи? Қули-чи? Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ҳамма гап шунда-да, лекин бу ҳақда ҳеч ким гапирмаган ҳам, ёзмаган ҳам.

Аннелизанинг назарида, ҳамма байроқлар тушириб қўйилган, ҳамма қора кийиниб, ҳамманинг кўриниши қайғули, ғамгин бўлган вақтларда ҳам одамлар ўлим тўғрисида ўйламайдиган эди. Сталинград остонасида не-мис қўшинларининг тор-мор қилиниши муносабати билан эълон қилинган миллий мотам куни олдидан Аннелиза ўз мактабига қайтиб келди. У ўз синфдошлари ва имение ходимлари билан бирга мактаб ва национал-социалист-лар ҳокимияти раҳбарларининг нутқини берилиб тинг-лади. Улар ўз нутқларида, бундай даҳшатли урушда сўзсиз юз берадиган бахтсизлик мусибатларига қан-дай чидаш кераклигини тушунтириб беришарди. Чунки миллат руҳи ғалаба қилган вақтдагига қараганда, мағ-лубиятга учраган пайтда ёрқинроқ кўринади. Бундан кейин урушнинг кетиши кўпроқ миллатнинг мағлубия-тини қандай тушунишга боғлиқ. Аннелиза миллатнинг келажаги учун сира иккиланмай ўз жонини қурбон қилган одамлар ҳақидаги мақтов гапларни бошқалар сингари индамай жиддий эшитди. Ўз ҳаётини қурбон қилганлар мисолида мағлубиятга қандай чидаш керак-лигини бутун миллатга кўрсатиб берди. Мағлубият? Мағлубиятга чидаш керак? Ўз жонини қурбон қилиш керак? Миллатнинг келажаги? Мотам маршлари, ғам-гин чеҳралар, нотиқларнинг йиғи аралаш товушлари — хўш, ўлганлар-чи, ўлганларга нима бўлади? Миллий мо-там улар билан бирга фақат ўлим остонасигача ҳамроҳ бўлиб боради. Ўлим дегани нима ўзи? Ҳақиқат қани-ю, ёлғон қани?

Синглиси Марианна бўлса кечаси ўз ўрнида тинч-гина ётиб, ўзининг Буркгартини ўйларди. Аннелизанинг

эса мотам маршидан юраги тарс ёрилгудай бўларди. У хавф-хатардан дарак берувчи бу маршни тишини-тишига қўйиб тингларди. Лекин у ўзини шундай жиддий, шундай мағрур тутардики, залдагилардан ҳеч ким унга эътибор бермади.

Мотам эълон қилинганига қадар ҳам оқ халат тагидан доим қора кийим кийиб юрган Уленгаут қиздан кўзини узмасди. У Аннелизанинг рангпар чеҳрасини, иккита қилиб ўрилган сочини, тишини-тишига қўйиб ўтирганини кўриб турарди. Уленгаут қизнинг ҳозир нималар тўғрисида ўйлаётганлигини билиш учун ҳамма нарсани беришга ҳам тайёр эди. Доимо кулиб, вақти чоғ бўлиб юрадиган, бугун эса жиддийлашиб қолишган бошқа қизлар қарийб бутунлай забт этилган оламдаги юзлаб шаҳарлар ҳақида хаёл суришарди, уларнинг бу шаҳарларда кимларнидир севишлари, бола кўришлари мумкин бўларди. Уленгаутнинг ўзи ҳам қолган умрини шу оламда ўтказмоқчи эди, гарчи бу олам унда нафрат уйғотса ҳам, лекин у ғалаба қиларди. Бирдан у ўзининг мағлубиятига чидаши кераклигини тушуниб қолди. Мотам марши садолари унда ҳам гуноҳкорлик, ҳам ўкиниш, ачиниш ҳиссини уйғотади, чунки унинг тарбиясига берилган шу қизлар бутун жаҳонни забт қилиб олши керак деган, бир бемаъни ғоя таъсирида тарбияланган эди. Энди бўлса қизларга: «Бундай урушларда шубҳасиз тасодифлар бўлиб туради» деб тушунтиришга, уларни сал бўлса ҳам тараддудлантиришга унинг юраги дов бермасди. Ҳозир у тўсатдан бунинг сабабини очиқ-ойдин, тўла тушуниб етди. Чунки биринчидан бу давлат ҳозир ҳам кучли эди, иккинчидан ўйламай бир оғиз гапириб қўйиб бошимга бир бало орттирмай деб қўрқарди. Сочи иккита қилиб ўрилган, паст бўйли, бошқалардан кўра кўнглига яқинроқ бўлган бу қизчани қўлига яхши ололмаганидан ўзини яна ҳам гуноҳкор деб билди ва бадтар ўкинди.

## II

Бундан кейин яна қанча йил умр кўришидан қатъи назар, Ганс то сўнгги нафасигача: «Мен ростдан ҳам уларга қарши ўқ уздимми-а!» деб ҳайрон бўлиб юрарди. Шарқий фронтда икки йилдан буён жанг қилаётга-

нига қарамай Ганс ҳамон: «Мен ростдан ҳам уларга қарши ўқ уздимми-а!» деб ажабланарди. У сира ўйламаган, ақлга сиғмайдиган нарса юз берди. У милтиқни бир мартагина отиб қолмай, кейин ҳам жуда кўп марта отди. У фақат бўшликка отибгина қолмай, отаётган одамни ҳам ўз кўзи билан кўрди. У ўроқ билан болгани кўрди-ю, лекин барибир отаверди. Ўроқ ва болга шаклини у болалигидан шаҳарнинг жуда кўп, ҳар хил жойларидан учратган, уйда ҳам, кўчада ҳам, трамвайда ҳам, дафтарда ҳам кўрган, қор ва қурумда чизилган шаклини ҳам кўрган. Энди бўлса, уни ўққа тутяпти. Чунки унга қарши ҳамма ўқ узяпти. Нега ҳамма отяпти? Илгарилари у ўқиб, муқаррар яна уруш бўлишига, одамларнинг бу қармоққа яна илинишига, яна бир-бирларини отишларига ва хоинлик қилишларига ишонмасди. Буни бир вақтлар ўзи ҳам ўқиганди: «Ичингиздан биттангиз менга хиёнат қиласиз...», Ушанда бу унга сира ақлга сиғмайдиган нарсадай бўлиб туюларди. Агар буни олдиндан билиб турсанг, қандай қилиб хоинлик қилиш мумкин? Нега энди, ўша биттангиз, дегани, у бўлар экан? Шунақалардан бир неча миллион бўлгани билан нима фойда. Ун минг бўлса ҳам, миллион бўлса ҳам, лекин ўшанақа одамлардан битта-яримта бўлади.

Душман пулемёти тўғри унинг пулемётига қарши қаратилган эди. Икки томон ҳам одатдагича пулемётларига ўқ жойлашар, бир-бирини мўлжалга олишар, отишарди. Якка тўлқин умумий оқимдан ажраб чиқолмагани сингари у ҳам умумий қатордан чиқиб кетолмасди. Агар у томон бир секунд олдин ўт очиб қолса, вассалом, унинг ҳам, бошқаларнинг ҳам куни битади.

Хўш, нима бўбди? Наҳотки, жони шунчалик ширин бўлса? Урушда ҳам, тинч даврларда ҳам у ҳаётини неча марталаб хавф остига қўйган. У ўзини довюррак ҳисобларди, чунки юрагининг урушдан тўхташини у сира ҳам тасаввур этолмасди. Ҳар сафар у: «Бир амаллаб ўтиб кетаман, қўрқма оёи, хавотир олма!» деб ўйларди. Бироқ у уйдагилигида: «Агар гестапонинг қўлига тушсам иш тамом»,— деб ўйлаганда ҳаётидан маҳрум бўлишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Кўпчиликнинг хаёлига бу нарса келарди-ю, лекин унинг хаёлига келмасди. Усиз ёки у билан ҳаёт дарёдай тинмай тўлқинланиб оқади. Энди ҳаёт унинг бир ўзи. У қизил аскарга эмас, қизил аскар пулемётдан унга ўқ узса, шундагина ҳаёт тўхтади.

У шундай нарсани ўлдирар эдики, бу нарса учун минг марталаб жон беришга тайёр эди.

У тўсатдан ўзига келиб:

— Циммеринг қани, Циммеринг?— деб қичқирди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳозир қайтиб келади. Эт-бети сал тирналибди.

Улар дар баракка тиқилишиб олишганди. Қоронғи тун, ҳаво дим, пулемётлар тинмай тариллайди, зенит тўплари гумбурайди.

— Оғзингни юм,— деб тўнғиллади кимдир, гўё тунги жимликни биргина Ганснинг овози бузгандай. Ҳамма донг қотиб ухларди, биргина Ганс уйғоқ эди. Циммерингнинг эртага қайтиб келишидан у жуда хурсанд эди. Циммеринг ҳам отган—демак биргина у эмас. Йўқ, ҳарҳолда унинг ўзи; агар ўқ текканда эди—бу унинг ўқи бўларди. Шу секунднинг ўзида икки ярим минг одам ўқ узган. Ерда ўлиб ётган ким бўлмасин, барибир, унинг жонини олган Ганснинг ўқи. Мурданинг танаси ўқлардан қанчалик илма-тешик бўлиб кетмасин, барибир, унинг юрагини урушдан тўхтатган фақат битта ўқ. Уша ўққа Ганс деб ёзиб қўйилган.

Бунга жуда кўп вақт бўлган. Энди минг-минглаб ўқларга Ганс деб ёзиб қўйилган. У ҳатто медаль ҳам олди. Нима учун? Бу мукофот унга жуда қимматга тушди: у қаерда бўлмасин, худди ўлимтик устида учиб юрган йиртқич қушлардай тепасида беҳисоб соялар айланиб юрди. Тушида унга уларнинг қанот қоққани эшитилади, йиртқич қушлар унга ташналик билан ташланади, чўқишади уни. Ўлган одамнинг қанотли руҳлари тирик одамларга сира раҳм-шафқат қилмаганидан, қушлар ҳам унга сира раҳм-шафқат қилишмайди. Улар чўқишар ва: «Биз билан бирга уч!» деб қағиллашарди. У бўлса, жуда оз умр кўрди, ҳеч кимни узоқ севгани йўқ; фақат онасини чинакам севган бўлса керак, Эммини ҳам сал-пал яхши кўрган; Эмми унга ҳар замонда хат ёзиб турарди.

Поляклар қишлоғида эртадан-кечгача мазах қилишадиган деҳқон кампирнинг буришган юзини Ганс тез-тез эслаб турарди. Унинг сўник кўзларида: «Энди кунингиз битди, аблаҳлар!»— дегандай ғазаб ўти чақнарди.

Лекин ҳечам кампирнинг айтганича бўлгани йўқ. Улар Россияга бостириб киришди; ўз молларини шарққа қараб ҳайдаб қочиб кетаётган одамларнинг оёғи тагидан осмонга чанг тўзони кўтаришарди. Олдинда таук-

лар, машиналарга тушиб олишган эсэсчилар ёш болаларни ва мол-қўйларни ўққа тутишарди. Қочиб уларга устига самолётлар бомба ёғдирарди. Бу бўлаётган нарсалар кампирнинг кутганига сира ҳам ўхшамасди. Ганс, кампирнинг кўзидаги учқуннинг сўнганини гўё ўзи кўргандай бўлди. Кампирнинг худди кўрларга ўхшаб йиғлаганини кўрди. Кампирнинг кўзлари қишда Гансга ора-сира қорда милтиллаб кўришиб қоларди. Лейтенант Шельман яраланди-да, отдан қор устига йиқилиб тушиб музлаб қолди. Уни қўлидан, бармоғидаги ажойиб узугидан таниб қолишди, бу узук ҳамманинг эсида қолганди. Қор тагидан фақат отнинг нимталанмаган гўшти билан, узук тақилган бир неча бармоқ чиқиб турарди. Поляклар қишлоғида Шельман ҳам ўша кампирдан кулган эди: «Қани, тез-тез қимирла, кампир! Шошмай тур ҳали, кўзингни мошдай очиб қўяман!» Кампир гўё унинг қорли гўри устида ўйинга тушаётгандай эди. Унинг кўзи яна чақнади: «Энди кунингиз битди, аблаҳлар». Лекин ҳали ҳам ҳеч нарсадан дарак йўқ. Кампирнинг кўзларидаги учқунлар учинчи марта сўнди. Офицерлар ўзаро шундай дейишарди: «Бизнинг қўмондонлигимиз енгил-таклик қилиб, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Москвани оламиз деб, ўз бошини ўзи еган Наполеоннинг хатосини қайтаришни истамади. Мамлакатнинг асосий бойлиги — нон билан нефть — барибир бизнинг қўлимизда.

Ярасини бойлатгани кетган Циммеринг Гансга жуда ҳам керак эди. Циммеринг ҳар қандай шароитда ҳам нимани қилиш керак-у, нимани қилмаслик кераклигини жуда яхши биларди. У ўзининг кичкина дўстига, сен алдовга учмагин, партизанларга бир ўзинг ўтмагин, деб кўндирди. Ўтган йили партизанлар уларнинг фронт орқасига мустақкам ўрнашиб олишганда, ёлғиз ўтишнинг иложи бор эди. Унда, Ганс бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиб турган Черское қишлоғида қолиб, кейин русларга қўшилиб кетиши мумкин эди. «Сен фақат ўзингни ўйлайсан. Бу ерда ҳали қиладиган ишимиз кўп. Фақат биз эмас, кўпчилик шундай қилсин, биз шунга эришишимиз керак». Ганс ўзича: Циммеринг иккиланиш нималигини билмаса керак, деб ўйларди. Бировнинг молхонасидан энг охириги сигирини етаклаб чиқиб кетиш, унинг қолган-қутганини ҳам олиб кетиш, бутун бир оилани ҳайдаб кетишдай кишининг юрак-бағрини эзиб юборадиган буйруқларни бажараётганда, унинг бадани жимир

ҳам этмасди; Циммеринг бу ишларни шундай вазмин, шундай хотиржам бажарар эдики, Ганс юраги сиқилиб ўзича: «Балки унинг юраги жиз этмас? Эҳтимол бу унинг учун бир эрмакдир?» деб ўйларди. Ганс оилани, қишлоқни энг сўнги мулкидан маҳрум қилувчи буйруқларни мумкин қадар чала-чулпа бажаришга ҳаракат қиларди. Бироқ у агар сут топшириш, пийма, жун одеял тўплаш ишини кузатиб туришни эсидан чиқариб қўйгандай бўлса, агар сигирларни яширинча соғишаётганларини тегишли жойга ўз вақтида хабар қилмаса, дарров бошқа бир одам пайдо бўларди-да, Ганс жўрттага қилмай, қолдириб кетган ишларни охирига етказарди. Агар бу нарса икки марта такрорланса, Гансга чап бериш анча қийин бўларди.

— Узинг айбдорсан,— дерди Циммеринг.— Бошқаларни ҳам худди шундай қилишга кўндирмаганингга ротада сендан бошқа ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмайди, бундан фақат ўзингга фойда, бу билан урушни тугатишга ёрдам беролмайсан-ку.

Тинч даврларда иккиюзламачилик қилиш, у ёғини ҳам, бу ёғини ҳам тўғрилаб юриш қийин эмасди. Яширин ишлаш маккорликни, ҳийла-найрангни, довюракликни талаб қиларди. Бир неча киши, яна айнан сен учун керак бўлган кишилар, сенинг асл башарангни биларди. Урушда сен миллионлар ичида битта ўзинг. Ҳақиқатан ҳам Циммеринг билан яна бир неча кишигина биларди, лекин улар ҳақиқатнинг бир заррачасини биларди, холос. Улар ўзлари ҳақида лом-мим демасди. Циммеринг: «Мен ўзимни энг муҳим нарса учун асраб юрибман»— деганида, бир кун эмас, бир кун ўласан кетасан, сенинг ким бўлганингни дунёда ҳеч ким билмай қолади, деган ўй кишини даҳшатга соларди. Штраф батальонда бўлиб, «Эгаси йўқ ерда» мина қидириш осонга ўхшаб қолди. У ерда ҳаммаси ўзингнинг одамларинг, у ерда ҳамма билан барабар яшайсан, ўлсанг ҳам бир ўзинг эмас, ҳамма қатори ўласан.

Хужум пайтида у Циммерингга суянарди.

— Ростингни айт, кеча кечқурун биринчи марта «ўт очилсин» деб команда берилганда, сен ҳам қўрқиб кетдинг-а,— деди Гансга қўшни Берндт деган одам. Унинг саволидан ҳам, қараши Гансга ёқмади.

— Қўрқдинг, нега энди қўрқарканман?— деб сўради Ганс ҳам ундан. Лекин шу пайт Берндт чап томонидан

ўтиб кетаётган Циммеринг бу саволни илиб олди-да, бундай ҳолларда қандай жавоб қилиш кераклигини кўрсатди:— Бўлмасам-чи, албатта қўрқасан-да.— Ҳушёр тортиб қолган Берндтнинг сур юзи сал буришди, кўзлари эса чап томонга қийшайиб кетди.— Тўғри,— деб хотиржам сўзида давом этди Циммеринг,— сафсата, ғалағовур, дипломатик қий-чувлардан устун чиққан вақтда ниҳоят буйруқни эшитиб, милтиқдан ўқ узаётганда, ҳар ким ҳам қўрқади.

Гарчи жосус, хабар қилишга арзигулик бирор гап эшитмаслигига ақли етиб, ҳафсаласи пир бўлиб, диққати ошиб, анчадан бери олисга тикилиб ўтирган бўлса ҳам, Циммеринг тобора қизишиб завқ-шавқ билан гапирар эди.

Душман тўхтовсиз контратака қиларди, унинг қаршилигини бугун бўлмаса ҳам лекин уни бир-икки кундан кейин даф қилишди. Улар Днепрни кечиб ўтишиб, ҳозир шундай шиддат билан бостириб келишардики, бу гўё ҳар қандай қурол ҳам, мардлик ҳам бас келолмайдиган бир жодугарликка ўхшарди, лекин уларнинг ўз қисмлари ҳам талофот кўрар, ҳатто жодугарнинг ўзи ҳам ўлимдан қочиб қутулолмаслиги ана шунинг ўзидан яққол кўриниб турарди. Улар, мана бир неча ҳафта бўлди, серуним ерларни, экинзорларни босиб келишарди, кичкина қишлоқлар узоқ-узоқларда худди оролчадай қорайиб кўринарди. Бу ажойиб, бебаҳо ўлкаларнинг ерларини Ганс ҳозиргача ер деб ҳисоблаган Браденбургнинг кам ҳосил битадиган қумли ерлари билан сира тенглаштириб бўлармиди. Олтин ва қоратупроқдан иборат бу афсонавий ўлка — Советлар диёри эди. Бу мамлакатда бой ва камбағал йўқ, бу ерда ҳамма тўқ. Немис солдатларининг кетидан бу ерга янги помешчиклар келишарди, босиб олинган ерлар улар ўртасида тақсим қилинарди. Қишлоқ ёшларини янги хўжайинларнинг экинини ўриб-йиғиб, ерини ҳайдаб беришга мажбур қилишарди ёки вагонларга тиқиб Германияга жўнатишарди. Ганс бундай серҳосил ерларнинг кўплигидан маст бўлишган солдатларнинг гап-сўзларига қулоқ соларди. Улар ерга очкўзлик билан ёпишар эди.

— Мен илгари ҳаёт абадий бўлади деб ўйлардим,— дерди Ганс Циммерингга,— арши-аълода эмас, ерда ҳаёт қанча кўп чўзилса, шунча яхши. Мана энди баъзан, мени ўлдириб қўйишади, кейин ҳеч нарса бўлмайди, деб қўрқаман. Мана, Кетлерни ол: ахир, унда аллақандай бир

учқун бор эди-ку, мана энди ўша учқун ҳам сўнди. У оғир посилкаларни жуда завқ билан тайёрлаб, уйдаги кампирига жўнатади; у уйда шунчаки қўл учиди иш қиларди, бу ерда ҳар қандай хизматга тайёр.

— Биз то енгилмагунимизча у шундай кучининг борича тиришади. Дўппи тор келиб қолса яна ақли кириб қолади.

— Дўпписи тор келиб қолишини қаёқдан биласан? Осиёгача етиб боролмаслигимизни қаёқдан биласан?

— Мен бунга ишонишни истамайман, ишонмайман ҳам. Ишонишинг билан галаба қилишга ёрдам берасан, ишонмасанг — ҳужумга ўтишга халақит берган бўласан, Мана, руслар ишонишни истамайди, ишонмайди.

— Агар ёлғиз бўлсак, ўзимизни нима учун асраямиз? Энг муҳим нарса учун дейсан сен. Уни қачонгача кутамиз? Қишлоқни таланглар, деб буйруқ қилишганда, бундан бош тортсам, майли, калламни олишсин.

— Кетлерда энг сўнгги учқун ҳам сўнди, деб нотўғри гапиряпсан; сен ўзинг уни алангалантирмай қўйдинг. Агар каллангни олишса, унда бу ишни мутлақо йиғиштириб қўясан. Мурдаларгина ҳеч нарсани алангалантиролмайди...

Ганс Берндтнинг ҳушёр тортганини сезди; улар жим бўлиб қолишди.

Кечаси Ганс Циммерингдан:— Сен солдатларнинг ҳаммаси ҳам нацистларга ишонади, деб ўйлайсанми?— деб сўради.— Мана, масалан Биндерни ол. У бир вақтлар мен билан бирга ўқиган, иккаламизнинг ҳам ўқитувчиларимиз бир эди, отаси қизил эди, акаси эҳтимол, концлагерда бўлса керак. Сен-чи? Мен-чи? Агар мен сенга кўп гапириб берган ўша Мартин билан учрашмаганимда, қани айт-чи, мен нимага ишонган бўлардим? Сенин-чи, Биндер бунга қаттиқ ишонадимми?

— Ишонади ҳам, ишонмайди ҳам. Эҳтимол у, кўнглининг бир жойида тўла ишонмаслиги мумкин. Лекин ҳеч ким кўнглининг ўша жойига назар ташлай олмайди. Энди-чи, жанг қизигида, у албатта ишониши керак. Акс ҳолда ҳаётининг сариқ чақачалик қадри қолмаган бўларди. У тирик мурда бўларди, холос. Ўз ҳаёти катта бир бойлик эканлигини ўйлаш унга ҳузур беради. Хўш, биз иккимиз-чи, деб сўрайсан сен. Агар сен ўша Мартин билан учрашмаганимда, худди шунга ўхшаган бошқа бир одам билан учрашган бўлардинг. Ахир, сен ўзинг

ҳам бир вақтлар қаттиқ ўйланиб юрардинг-ку. Ҳақиқатни қидира бошладинг. Энди сени буйруқ билан ҳам, пора билан ҳам, орден билан ҳам, мансаб билан ҳам тийишолмайди.

Ҳозир Мартин қаерда экан, деб Ганс ўзига-ўзи кўп савол берарди. Балким, нариги томондадир? Эҳтимол мен уни ўз қўлим билан ўлдиргандирман. Балким, аллақачонлар Испанияда ўлиб кетгандир. Ҳозир Циммеринг билан мураса қилиш керак.

Улар жанубга қараб юра бошлади. Суҳбатларда қора денгиз тилга олинган бўлиб қолди. Унинг ранги қанақа экан — қорамикан ё кўкмикан? Ундан нарида янги ўлкалар, янги дарёлар, янги шаҳарлар бор, булар уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган. Энди улар Африканинг аллақаерида туриб қолишган дўст-биродарлари, ака-укалари билан учрашиши мумкин эди. Илгари улар жуда ҳам узоқда эди, энди эса худди қўл чўзса етадигандай яқин. Кўплари ўрталаридаги масофани картада ўлчаб ҳам чиқишганди. Куз кириб, дарахтларнинг япроқлари сап-сариг сарғайиб кетганди, олтинсимон япроқларнинг айланиб учиб юришига киши ишонмасди. Душман солдатларига қараб турган деҳқонларнинг чеҳрасида янги ифода пайдо бўлди, балким бу ифода уларнинг соч ва рўмолчаларини тўзғитаётган шамолдандир, лекин қалин солдат шинеллари шамолда қимир этмасди. Бир куни кечга яқин, ердан кенг, бепоев осмон одатдагидан кўра барвақт қорайди. Қуёш ҳали-вери ботмоқчи эмасди, улар буни кейинроқ фаҳмлаб қолишди. Ҳарбда осмон ярқирарди, қуёш нури тушиб турган ерлар одатдагича олтиндай товланар эди. Шу вақтгача қиш унга бас келолмаётгандай бўлиб туюларди. Энди бўлса, назарида улар сира олдинга силжимаётгандай, бир ерда туриб қолгандек эди; қорли булутлар аста-секин улар устига бостириб келарди. Аввалига қор худди ундай майда эди, у дала ва ўрмонларни чап-тўзондай қоплади.

Деҳқонлар тишини-тишига қўйиб, калтак остида мажбурий хизматга бораётганларида, нималарни кутганини Ганс бирдан тушуниб қолди. Ҳаммалари осмонга қарашади, ҳатто қишлоқ ўртасида дорга осилган ўша ўжар хотин ҳам дорга бир неча қадам қолганда осмонга қара-

ди: унинг охиратдан умид қилмаслиги юзидан билиниб турарди. «У,— деб ўйлади Ганс,— дор тагида туриб, ҳозир тепамизда йиғилаётган қора булутларни кўряпти шекилли».

Улар Одессага кириб келишди. Бир вақтлар у мана шу кенг зинадан энгашиб югурган эди, оғир этиклар уни топтаб ўтишганди, ўшанда Мартин унинг елкасидан кучоқлаган эди. Эҳтимол, ҳозир гердаиб пастга, портга тушиб келишаётган йигитлардан кўплари ўз вақтида экранда «Броненосец Потёмкин» фильмини кўришган бўлса керак. Ўз кечинмаларинг хотирада узоқ сақланмагандан кейин, бировларники сақланармиди, худди тутин сингари бирпасда учиб кетади. Лекин уники эмас. У этиги билан ҳамма жонли нарсани эзиб-янчиб, зинадан пастга гурс-гурс қилиб тушганини ҳис этарди, шу билан бирга ўзининг суяги ҳам забардаст этигининг зарби остида қирсилларди. Циммеринг унга: — Итоат қил, бўлмаса отиб ташлашади, курашчилар сафидан чиқиб кетишининг нима кераги бор? Унда сен у томонга бошқа ҳеч кимни тортолмайсан,— деб юз марталаб гапирарди.— Кимни? Қачон? Қандай қилиб?— Бу икки хил ҳаёт унинг жонига тегиб кетганди, ўз билганимни қилсам, ўзимга ўзим хўжайин бўлсам дерди. Дўстининг, шундай пайт келадики, бу икки хил ҳаёт тўсатдан бирлашиб кетади, деган гапларига, у энди ишонмай қўйганди. Францияда у биринчи жаҳон урушида бўлгани сингари бутун бир отряднинг қўзғолон кўтаришига эришаман деб, умид қиларди. Бу ерда у ёлғиз эди; у бир ўзи исён кўтаролмас эди; Ганснинг назарида қарши турган кучни енгиш, довул ва қор бўрони келтираётган кучни енгиш осон эмасдек туюлади. Бу куч одамларни қандай қилиб таъсирига олди экан? Бу ричагни ким босди экан? Буларни шарққа қараб жўнатиш кимга керак бўлиб қолдйкин? Агар ричагни сал босиб қўйилса бас, кишининг қанчалик ҳайвонлашиб кетишини кутмаган эди. У бирга тош ўйнашиб юрган Биндердан буни сира ҳам кутмаган эди. Бироқ у буни олдиндан кўра билиши, Биндерни яхшироқ билиши керак эди.

У энди тулкига ўхшамасди, илгарилари кўзларига чарақлаган учқун ҳам сўнганди.

Шаҳар учун бўлган жанг суронлари аллақачонлар тинган эди, агар ҳамма нарса ёниб, кул бўлган жойга умуман кўникиш мумкин бўлса, немис солдатлари бу

жойда туришга анча кўникиб қолишганди. Саккизинчи докда тўсатдан юз берган портлаш уларга забт этилган шаҳарда ҳали ҳамма нарса бўйсундирилмаганини эсла-тиб қўйди. Бир неча киши қамоққа олинди, бир қанчаси отилди. Орадан кўп ўтмай яна бир облава қилишди. Ертўла ва харобазорларга яширинган кишилар қанча одамнинг ўлдирилиши олдиндан ҳал қилиб қўйилишини билишарди. Облава ўтказиш топширилган солдатлар, биз бир муъжиза билан ўлимдан қутулиб қолдик, деб ҳисоблашарди. Душман шаҳрида яшовчи ҳар бир киши уларга душман эканлигига, ҳар бир душманини эса йўқ қилиб ташлаш кераклигига улар сира ҳам шубҳаланмасди. Буни амалга ошириб бўлмасди, демак тўла бўлмаса ҳам қисман бажариш керак. Қанча одамни қириб ташлаш кераклигини бошлиқларнинг кайфиятига қараб белгиларди, кейин солдатлар худди ана шу буйруқни бажарарди. Гансга маълум квартални ўраб олган команда қарарди. Бир одам қамоқдан қочган, лекин бу кварталдан узоққа қочиб кетолмайди. Уни қанчалик синчиклаб қидиришмасин, уни қўлга тушириш шунча оғирлашарди, у ҳақда шунча кўп гапиришарди. Уни қанчалик кўп қидиришса, уни қидириш зарурлиги шунчалик ортар, унинг йирик подполчи ва диверсант эканлиги яна ҳам аниқ бўларди. Унинг ҳавода эриб кетиши мумкин эмас, демак, у жойини тез-тез ўзгартириб туради. Дўқ-пўписалар ҳеч қандай натижа бермади. Қварталда турувчиларга, агар уни кечгача топиб беришмаса, ҳамма отилади, деб эълон қилишди. Шундан кейин ертўла ва хароба зорларда писиб ётишган одамлар, гўё қотиб қолишгандай, ҳар қандай ҳаракат, ҳар қандай фаолиятни тўхтатдилар, изқуварлар бизга ёрдам беришади деб, сира ҳам ўйлашмасин дегандай қилиб, сездириб қўйдилар. Ҳатто мункиллаб қолган чоллар ҳам, ҳатто чарчаш нималигини билмайдиган энг эпчил, серҳаракат хотинлар ҳам, ҳатто ҳеч нарсага ақли етмайдиган болалар ҳам изқуварларга ёрдам беряпти, деб ўйлашмасин дейишиб жим бўлиб қолишганди. Улар фақат бир нарсадан: бу дўқ-пўписалар ва зўр бериб қидиришлар аҳолининг дод-войи, фарёд чекиши билан тамом бўлмасмикин, деб қўрқишарди.

Берилган муҳлат соат еттида тугар эди. Соат олтида ҳамма ерни сўнги марта қидириб чиқишди. Лейтенантнинг қаттиқ газабланиши унинг командасини яна ҳам қистовга соларди, қидирув ишларининг ҳеч қандай на-



тижа бермагани гўё команда аъзоларининг иродасизлигини кўрсатаётгандай бўлиб туюларди. Уларнинг қидирмаган жойлари қолмади, бегуноҳ аҳолини калтаклашди, тегишди, милтиқ қўндоғи билан солишди. Команданинг бошда квартални ўраб олган, кейин алмашинган қисми ҳам қидиришга тушди. Ганс сира туриб бўлмайдиган, фақат иккита девори қолган, томи йўқ хонага тушиб қолди, эшик олдида печка синиқлари уюлиб ётарди, ичкарига кириш амри-маҳол эди, уй эгалари ё ҳовлига ҳайдаб чиқарилган, ёки аллақачон қамоққа олинган эди, уйдаги майда-чуйда жиҳозларга аралашиб, хона билан бир бўлиб ётган тапаннинг айрим бўлақлари ҳисобга олинмаса, мурдалар чиқариб ташланганди. Солдатлар уюлиб ётган печка синиқларини титкилаб, пол тахтасини кўтариб кўрдилар, Гансга мўрини бузишни буюришди. У туйнукда иккита этикка кўзи тушиб қолди. Мўрига яширинган одам қанчалик гўжанақ бўлиб олмасин, торлигидан Ганс мўрини бузаётганда, тиззасини яна ҳам юқори кўтаролмади. Бу жойда мутлақо ҳаво етишмасида, яширинган одам ҳали ҳам тирик эди. Ганс буни ўз кўзи билан кўрди. Фельдфебель ғазаб билан ичкарига қаради; ҳамма сингари у ҳам қочоқни худди унинг секторидан топишларига умид қиларди; Ганс туйнукни тўсиб туриб, мўрининг гишталарини қайтадан териб чиқди. Яширинган одам, мана ҳозир оёғидан тортиб чиқаришларини кутиб, бошидан қандай ҳис-туйғуларни кечирганини Ганс билмасди. Уни топишларини қочоқнинг ўзи сездими-йўқми, Ганс буни ҳам билмасди. Ганс фақат унинг этигини кўрди, шунда ҳам тўпиғидан нарғини кўролмади. Бу одам қарими, ёшми билмасди. Ганс бу одамни ўзи отиб ўлдирган одамлардан ортиқ билмасди. У бошқалар билан яна қочоқни қидира бошлади, лекин энди уни топиб бўлмаслигига ишончи комил эди. Қидирув тўхтатилди.

Тўсатдан уларни бошқа жойга кўчиришди. Ҳозирча, то қатъий бир кўрсатма бўлгунча улар Сталинградда бўлиши керак дейишарди. Олдинга юрган сайин қор қалинлашар, қиш қаҳрига олиб, ҳар хил миш-мишлар тобора кўп тарқаларди, улар яна ҳам шафқатсиз бўлабордилар. Аллақачон ишғол қилинган шаҳарларни яна нега тилга олишаётганларини тушуниб бўлмасди. Жанглар

аллақачонларда, узоқ-узоқларда бўлса ҳам ер янада кучли титрарди, гўё бу жанглар ер тагида бўлаётгандай эди. Ҳолбуки Сталинградгача улар ҳали узоқ йўл босишлари керак. Сталинград остонасида немис қўшинларини ўраб турган ҳалқани четдан узиш учун офицерларни ишга солишаётганларини уларнинг ўзлари биринчи бўлиб билишди. Қизиллар жануби ғарбдан ёриб кирмоқчи бўлган немисларни ўтказмай қўйганди. Энди немислар ёғли, ширин ноз-неъматлар ўрнига муз тишлашарди. Баъзида қишлоқдан шундай тез чекинишга тўғри келардики, ҳамма нарсани ёндириб кетишга улгуришолмасди. Энди Кетлернинг қўлига уйга посилка қилиб юборарлик ҳеч нарса тушмасди. Унинг юзи кўкариб-қизариб кетганди, ҳарсиллаб нафас оларди, атрофга беҳудага аланглаб қарарди.

Ганс яна Циммерингга мумкин қадар яқин юрди. Улар бир-бирини сал имо-ишорадан тушуниб олишарди. Ганс қаёққа қарамасин, унинг кўз ўнгида онасига ўхшаган кампир «Яшаб бўлдингиз, энди кунингиз битди»,— деб тургандай бўларди.

Лекин урушнинг ҳали охири кўриная демасди. Бўрон қуруқ баргин учириб юргандай, кечикиб қолган буйруқлар уларнинг қисмини тез ҳайдаб келарди. Немислар ёриб ўтишмоқчи бўлишди-ю, лекин уддасидан чиқишолмади. Уларнинг бу тўхтаб қолиши бўрон учириб юрган япроқ тўсатдан бир жойда туриб қолганига ўхшамай, балки йўлда пайдо бўлган қояга урилиб, ундан у ёғига ўтолмаган бўронга ўхшар эди.

Энди Циммеринг, қулай пайт келса, нариги тарафга ўтиш тўғрисида ўзи биринчи бўлиб гап очди. Демак, ўзи билан бирга бошқаларни ҳам олиб ўтишга энди Циммерингнинг кўзи етмайди, деб ўйларди Ганс. Циммеринг энди, ўзимни энг муҳим нарсага асраб қўйишим керак, деб ҳисобламайди.

Дастлабки пайтда, ёриб ўтиш мумкин эмаслиги маълум бўлган вақтда, Циммеринг баъзи бировларни ўтса керак деб ўйлаб юрди. Ҳаммадан бурун у Кетлерга орқа қилди, Кетлер ҳақида Циммеринг бир вақтлар у ишнинг пачаваси чиққанини кўргандан кейин, ақл-хушини йиғиб олади, деганди. Аввалига Кетлер миқ этмай юрди, саросима бўлиб қолди, кейин бирдан очикдан-очиқ сўкишадиган, кўнглидагини дангал гапирадиган бўлди. Циммеринг ўз ниятларини фақат Гансга гапирди. Кетлердан ҳафса-

ласи пир бўлганди. Бу ишда унга сира ишониб бўлмасди. Албатта оғзи бўшлик қилиб айтиб қўяди. Болапақир жуда гангиб қолди.

Бу орада Кетлерни чақиришганини Циммеринг ҳатто билмай ҳам қолди. Кетлер Циммерингнинг ниятларини аниқ билмаса ҳам, авваллари унга қўшилишга йўқ демасди. Улар ўзаро бир-икки оғиз гаплашган ҳам эди. Кейин Берндт Кетлерни бир четга тортди. Циммеринг ишчан, тиришқоқ бўлишига қарамай Берндт унинг нимасидандир шубҳаланар эди, лекин нималигини ўзи ҳам билмасди. Кетлер муғомбирликни билмайдиган, бефаҳм, табиатан қўпол одам эди. Кетлер Циммеринг билан нима тўғрисида гаплашганини Берндт оқизмай-томизмай айтиб берди, ҳолбуки Берндт, улар палон нарса тўғрисида гаплашган бўлсалар керак, деб ўзича шубҳа қилиб юрарди-ю, лекин ҳаммасини тахминан Кетлерга тўнкади. Ушандан кейин Кетлер, Берндтдан ҳеч нарса қочиб қутулолмас экан, деб қаттиқ ишонч ҳосил қилди. Улим барибир ҳар қадамда таҳдид солиб туришига қарамай, у ўлим хавфидан кўрқиб, Берндтнинг буйруғини адо этишни, Циммерингдан ҳамма нарсани сўраб-билиб олишга розилик берди. Гарчи у ҳеч нарсага эришолмаса ҳам Берндт ўз шубҳаларининг асосли эканлигига қаноат ҳосил қилди, у бошқа қўшимча исботларсиз, Циммерингнинг назардан қочирмасликка қарор қилди.

Ганс онасига, агар мендан узоқ вақт хат-хабар бўлмаса қайғурма, деб ёзиб юборди. Утган урушда ҳам одамлар баъзида дом-дараксиз йўқолиб кетаркан, орадан кўп вақт ўтгандан кейингина хабар келаркан.

У дўстидан бир қадам ҳам ажралмасликка ҳаракат қиларди. Утган йили бир йўлини қилиб нариги томонга ўтиб кетиш анча осон эди, масалан, душман жойни ораб чикқунча, қаердадир ўликдай чўзилиб ётиш ёки партизанларга қўшилиб кетиш мумкин эди. Энди бўлса ҳар ким алоҳида-алоҳида тузоққа тушиб қолганди. Энди уларни душмандан ажал ёғдираётган танклар ажратиб турарди. Жойингдан сал жилсанг бас, ўз тўпларининг ўқиға дуч келасан. Узларининг орқага чекинаётган танклари ўз солдатларини янчиб ўтарди. Жодугарлик тугади. Куршовни ёриб чиқиш тўғрисидаги буйруқнинг ҳам фалокатни орқага суртиш умидида берилган буйруқлардай ожиз эканлиги маълум бўлди. Кўплар бажариб бўлмайдиган буйруқларни билдиришга мажбур қилган-

ларидан саросима бўлиб қолардилар. Агар дунёда мўъжизавий куч бор бўлса, бу куч кўзга кўринмайдиган, лекин ҳар ерда ҳозир-у нозир фюрердан чиқмай, балки паст, кул ранг осмондан қор бўлиб тўхтовсиз ёғилар эди. Берндт револьверини Циммерингнинг орқасига тираб туриб, тепкисини босганини Ганс ўз кўзи билан кўрди. Шу дақиқанинг ўзида Ганснинг кучли бир туртки итқитиб юборди, бу туртки юқоридан бўлдими, пастдан бўлдими, маълум эмасди. У у ёғ-бу ёғини ушлаб кўрди. Суяклари бутун эди, лекин ёнидаги ўртоқлари мажақланиб кетганди. Улардан биттаси бутун қолган қўли билан қўшнисининг бошидан маҳкам ушлади, ўзи бошсиз эди. Берндт ўзи ҳозиргина отиб ўлдирган Циммерингнинг устига йиқилиб тушди. Унинг боши пачақланиб кетганди, лекин Берндтнинг юзида шундай ифода акс этардики, гўё у нариги дунёда ҳам ҳозир атрофида ўлиб ётган бешта одамнинг гўштига ҳам чанг соладигандай эди. Тирик қолганлар Ганс ўқдан ўлди, деб гапиришарди. У аста-секин ўзига келди; ўлган одамни эсга олиш, унда умидсизлик эмас, кўпроқ гина-кудурат уйғотди. Шу кундан бошлаб у мутлақо ёлғиз, сўққабош бўлиб қолди, у одам шунчалик яккаю ёлғиз бўлиб қолади, деб сира ҳам ўйламаган эди. Бундан буён у фақат ўз юрагига қулоқ солишга, ўз айтганини қилишга қарор қилди.

Эртаси кун Ганс онасига, яна бир неча оғир кунларни бошдан кечиршига тўғри келганлиги: энг яқин дўсти ўлганлиги, ўзининг эса жангдан соппо-соғ чиққанлиги тўғрисида ёзиб юборди. Унинг соғ-саломат қайтиб боришига онаси сира ҳам шубҳаланмасин.

### III

Гешке энди ҳарбий заводда ишларди — сал иложи бўлса, ишламайман деб бўйин товларди. Аввалига унинг мойнаси бурунгида кам эди. Мария бунга ҳам турмушнинг бошқа машаққатлари сингари эътибор бермади. Углининг ташвиши олдида, бошқа ҳамма кўнгилсизликлар худди арзимас бир нарсасдек бўлиб туюларди. Олдинлари нормани бажариш Гешкега қийин бўларди. Бутун умри очиқ ҳавода ишлаб ўрганиб қолган эҳтиёткор, эпчил Гешке дим хонадаги, жонга тегувчи бир хил ишдан қаттиқ қийналарди. Шунга қарамай, у ишнинг ҳадисини олволди, уни бир разряд юқорига кўтаришди.

Унинг цехида, дастлаблари ундан ҳам ёмон, имиллаб ишлайдиган бир неча одам бор эди. Уларнинг ўрганишга, билишга ҳаракат қилмаётганликлари шундай очиқ-ойдин кўриниб турарди, айниқса Берингер дегани жудаям ишқемас эди. Гешке у билан кўп йиллардан буён от-арава паркида, ҳатто социал-демократик партиянинг мажлисларида учрашиб турарди. Берингер ҳамма билан ҳам жуда яхши муносабатда эди, чунки унинг ҳазил-ҳузул гапларга, аскияга суяги йўқ эди. Гитлер ҳокимият тепасига келиши билан Берингер дарров нацистларга ён босди. Нима ҳам қилардинг, бу иш жуда узоққа чўзилади, дерди у.

Гешке Берингерни ёқтирмасди, иложи бўлса кўрмасам дерди, у бўлса бурунгидай ҳазилини, аскиясини қўймасди, ҳолбуки у ўзининг майна бўлиб қолаётганига тушунмасди. Гешке Берингернинг нормани бажаришга қодир эмаслигини, шундай кам мойна билан жўжабирдай жонни — болалари, невараларини боқолмаслигини биларди. Тайёрланаётган деталь унинг қўлига тушдимми бўлди, у имиллаб бутун конвейернинг ишини тўхтатиб қўярди. Унинг бу ишидан нормасини бажаролмай, орқада қолаётган ишчиларгина мамнун эдилар. Бошқалар пўнғиллагани пўнғиллаган эди, чунки бу ишҳақини камайтириб юборди. Мастер сўкинар, бош инженер бўлса сусткашликни соботаж деб ҳисоблар эди.

Гешкенинг нацистлар талаб қилган суръатда ишлашга ҳечам майли йўқ эди. Берингерни ўлгудай ёмон кўришига қарамай, Гешке энди унга тенглашишга ҳаракат қиларди. Гешкега эса аста-секин бошқа ишчилар эргаша бошлашди. Берингер Гешкедан миннатдор эди, чунки унинг ёрдами тегаётганини сезиб турарди. Бош инженер, айрим цехларда, ҳамкорликнинг эски шарпаси ҳали ҳам яшамокда, деб қаттиқ ғазабланарди. Энг-илғор, энг моҳир ишчиларга тенглашиш ўрнига, баъзи бир немис ишчилари бу эскирган, қабиҳ шиор таъсирига берилиб, энг ярамас, энг виждонсиз ишчилар билан тенглашишга журъат этишади. Шунинг натижасида кўп цехлар орқада судралиб юради. Фюрер бутун миллатдан, ҳар бир заводдан, ҳар бир кишидан мумкин қадар тез ишлаш ва кўп маҳсулот беришни талаб қилади. Ҳамкорлик энг қолоқ, энг виждонсиз ишчиларга бўлган мана шу талаб билан алмашинади, умуман ҳамкорлик дегани — бу бир

сарқит яҳудий христианлардан чиққан бемаза гаплар омухтаси.

Бундай мажлисларда одатда зерикиб, диққинафас бўлиб ўтирадиган Гешке, тўсатдан ҳушёр тортиб қолди. Сурбет нотик кўнглининг нозик жойига тегадиган гап қилди. Гешке қанчалик кам ўқиган, қанчалик кам ўйлаган, хаёл сурган бўлмасин, бу ерда ўртага ташланган фикр аллақачон унинг миясини чулғаб олган эди. Ҳамкорлик нималигини уқиб олиш учун, унинг Маркс ёки Бебель асарларини ўқиши шарт эмасди. Нотик Гешкенинг кўпдан буён хаёлига келиб юрган нарсга ҳақида гапириб қолди, энди бу нарсани сири Гешкега очиқ-ойдин маълум бўлди. У шундай қаттиқ ҳаяжонландики, тўғри уйга кетмай, кекса ишчи Дипольднинг бир оз айланайлик деган таклифига рози бўлди. Унча яхши танимаган Дипольднинг таклифига нима учун бунчалик бажонидил кўнганини ўзи ҳам билмасди. Дипольднинг уни зимдан кузатиб юрганини Гешке хаёлига ҳам келтирмасди. Умри бино бўлиб Гешке ёр-дўст ҳам керак деб бирон марта кўнгли жиз этмаганди. Мана энди кутилмаганда дўстлик туғилди.

Мария ҳафталаб фронтдан хат олмасди. У ошхонада, ойна олдида ўтириб, Эмилия хола тез-тез бериб турадиган ишни қиларди. Бель-Альянс-Плацдан пастга қараб тушаётган одамлар оқими унинг кўзига яхлит бир қора нарсга бўлиб кўринарди, Мария улар орасидан фақат бир кишини — хат ташувчини қидирарди. У кўриниши билан Мария қилаётган ишини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳозир эшик очилиб хат ташувчи кириб келармикан, деб қулоқ солиб турарди. У хат ташувчи ҳамма уйлари айланиб келиши учун зарур бўлган минутларни ўзича ҳисоблаб ўтирарди. Яна келмади. Фронтнинг айрим қисмларида почта алоқаси узилиб қолганлиги тўғрисида босилган хабар унга ҳечам таскин беролмади. Бу фронтларда шиддатли жанглар бораётганидан далолат берарди. Бир куни одатдагидай иш тикиб ўтириб Мария эшикларнинг тарақлаб очилиб-ёпилганини, одамларнинг шовқин-суронини эшитиб қолди. Иккинчи қаватдаги хотиннинг ҳам катта ўғлидан кўпдан буён хат-хабар йўқ эди. Мана хабар келди, урушда ўлибди.

Қўшнилар бахтсиз, шўрпешона хотинни каравотга ёт-қизишди, бир вақтлар ўзининг йиғиси билан Гешкенинг уйқусига халақит берган қизи онасининг бошида ўтириб. уни юпатар, меҳрибонлик қиларди, қизнинг озғин чеҳраси жиддийлашган эди. Кейинчалик маълум бўлишича эри национал-социалистлар партиясининг кекса аъзоси, «кекса курашчилардан» экан. Ҳатто Гитлер ҳокимият тепасига келгандан кейин ҳам, у бу ҳақда узоқ вақт лом-мим демаган, чунки қўшнилари янги эътиқодни зўр-базўр қабул қилишарди. Кечқурун эри билан қайнэгачиси ғам-ғусса ўтида адойи тамом бўлган она ёнида ўтиришганда, у ўзини тутолмай: «Ҳаммасига айбдор сенинг ўша азиз, мўътабар Гитлеринг» ва яна алланималар деб қичқирди. Эртасига уни тўсатдан судга чақириб қолишди. Қўни-қўшнилари, бу эрининг опаси, қайнэгачисидан келган иш, бир-бирларига нафрат билан гапиришарди, унинг оила аъзолари азалдан ашаддий нацистлар эди. Эрининг катта обрўсини инobatга олиб бўлса керак, хотинни оқлашди. Қўни-қўшнилари бир оғиздан: «Қани энди, ўша ифлос хотин, қайнэгачиси уйимиз остонасига қадам босиб кўрсинчи!» дейишди. Лекин у хотиржам, кўкрагини кериб, ноз-карашмалар билан кириб келганда, уни даб-дала қилишмоқчи бўлган эркаклардан биттаси ҳам ҳатто лом-мим деёлмади. Тўғри, аввалига у билан кўришишмади, лекин у қаҳрини сочиши билан дарров ўз хатоларини тузатишга шошилдилар. Кечқурун эса: «Ўша эски курашчининг» хотини деб бошимизга бир бало ортиришининг нима кераги бор?» дейишди. Ҳамма эри-хотин қайнэгачисини уйларидан қувиб чиқаришса керак, деб кутишган эди; қаёқда, гўё ҳеч гап бўлмагандай, уни овқатлангани стол ёнига ўтқазиб қўйишди. Эри, хотинига, аччиқ устида ўйламай гапириб юбординг, бу гапларга ўзинг ҳам ишонмайсан, деб уқдирди. Қайнэгачиси эса фақат ўз бурчини адо этди. Агар ҳар ким ҳам умидсизликка тушаверса, миллатнинг ҳоли нима кечадди? Тўғри, эрини аввалги масъулиятли вазифасидан озод қилишди; лекин кўп ўтмай бошқа заводга ишга тайинлашди. «Ажралиш» сўзи тилга олингандан буён, қўйдан ҳам ювош бўлиб қолди. У доим ўз тақдирдан, рус ва яҳудийларнинг ишидан нолиб гапирадиган бўлиб қолди.

Бу ишларнинг ҳаммаси Мария фронтдан хат-хабар кутаётган вақтда содир бўлди. Кутавериб чўпдай қуриб

кетди. Гешке хат-хабар йўқлигини ҳар куни кечқурун унинг авзойига қараб биларди.

— У тирик, бунга ишончим комил,— дерди у.

— Қаёқдан биласан?

— Ишончим комил, вассалом,— у елкасини қисарди.

Гешке ўзи ҳам ишонмас эдию, шунчаки хотинига тасалли бермоқчи бўларди. Марияни зинага чақиритишди: дала почтаси. Яна унинг ҳафсаласи пир бўлди: хат Францдан келган экан. Унинг ҳамма иши жойида эди. У фақат, ҳали ҳам Прагада қаққайиб турибмиз, ҳолбуки Россияга ҳозир жуда ҳам одам керак, ўша ерда жанг қилиш энг юксак орзум деб, нолиб ёзибди. Праганинг яқинидаги катта бир заводда инспектор бўлиб ишлаётганини гап орасида қистириб ўтибди.

— У нега бунча керилади?— деди Гешке кечқурун уйга келиб, хатни ўқиб чиққандан кейин ўғлининг нолишларига у фақат кулиб қўя қолди.— Ахир, у ўша ерда ҳам, уйда қиладиган ишини қиляпти-да. Бу ерда, заводда жосуслик билан шуғулланар эди, у ерда ҳам уни заводга жосуслик қилиш учун қўйиб қўйишган эди. Биздан қандай талаб қилса, ундан ҳам шундай талаб қилишади, уни ҳам бизлардай бомбардимон қилишади.

— У доимо бошқалардан ажралиб туришни истарди, мана энди ниятига етди. У бировларни чақириб, гийбатчилик қилиб юради, шунинг учун у ўзини, мен бутунлай бошқа одамман, деб ўйлайди,— деди Мария.

— Ҳар тўқисда бир айб деганларидай, ҳар бир йигитда ҳам ярамас одат бўлади, албатта, фақат илгарилари бундай одатларни йўқотишга ҳаракат қилишарди. Энди бўлса аксинча, ҳар қандай қабиҳ иши учун уни кўкларга кўтариб мақташади,— деб жавоб берди Гешке.

Бир куни кечқурун Мария эрини қарши олгани метро станциясига чиқди; унинг юзига қараб Гешке хат келганини дарров фахмлади. Кун совуқ бўлишига қарамай, улар япроқлари тўкилган яйдоқ дарахтлар тагидаги скамейкага ўтиришди. Мария хатни ўқиб йиғлади. Ганс хатида, агар мабодо бедарак йўқолиб кетсам, ғам чекма деб ёзганди. Гешке хатни икки марта диққат билан ўқиб чиқди-да, ваҳима ва совуқдан дир-дир қалтираётган хотинини юпата бошлади!

— Бола ҳақ: у бир амаллаб қутулиб кетади.— Кейин хатни яна бир карра ўқиб чиқиб қўшимча қилди:— Эҳтимол, у ерда ҳам ўтган урушдаги сингари ҳамма нарса

чалкашиб кетгандир. Ушанда ҳам кўпчилик билдирмай қочиб кетган, зора Ганснинг ҳам бахти кулиб қолса.

Мария бош чайқаб қўйди.

— Ахир унинг ҳақида ҳеч нарса билмай қандай яшашим мумкин? Ахир унинг тўсатдан йўқолиб кетиши мумкин эмас-ку?

Қўни-қўшнилари, Мариядан нега йиғлаяпсиз, деб сўрашарди. Хат келибди, шунга йиғлаяпти! Хат қўлдан-қўлга ўтиб кетди.

Франц унга иссиқ кийимлардан посилка юборганди. Хотинлар ҳаммасини ушлаб-ушлаб кўришди; посилкада бир жуфт пайпоқ билан кофта бор эди.

— Буларни улар чех аёлларидан тортиб олишган,— деди Мельцерша.— Бу ерда ҳам совуқ, асқотиб қолади.

Мария Мельцершага хотиржам бир қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демади. У ҳам Марияга синчиклаб қаради, унинг пешонаси тиришиб кетганди. Уйнинг эски, вайсақи, ўзгармас руҳи яна ҳамма бурчакларидан чиқиб келди. У зинада чопиб юрар, юмшоқ жунни силаган бармоқларни кўздан кечирар, тиришган пешоналарга тикилиб қарарди.

Уша кеча Мария Францга хат ёзиб юборди. «Чиройли, иссиқ кийимлар юборганинг учун миннатдорман. Мен дарров ҳаммасининг ипини чуватиб юбордим, уларнинг жунидан сенга свитер тўқиб бераман. Тўғри бу ерда ҳам кун совуқ, лекин мен уларни кийишни истамайман. Ўзинг кийиб юр». Одатда келган ва ёзилган хатларнинг ҳаммасини битта қўймай ўқийдиган Гешке кулиб туриб деди:

— Ўз онаси бўлса шунақа деб ёзарди.— Мария эридан ҳеч қачон бундай мақтовни эшитмаган эди. Орадан икки ҳафта ўтгандан кейин, у эрини яна метрода кутиб турди. Тўғри, у бу сафар йиғлагани йўғ-у, лекин шу билан бирга янги хат уни айтарли хурсанд қилгани ҳам йўқ. Гешке хатни ўқиб чиқиб:

— У бир иложини қилмоқчи бўлибди-ю, лекин ҳеч иш чиқара олмабди,— деди қуруққина қилиб.

#### IV

Венцлов ёзув столига қўйган ўнг қўлини кўтариб, гитлерчасига табриклаш билан ҳайронлик аломати ўртасидаги аллақандай бир имо-ишорани қилди. Остонада сира кутилмаганда Фаренберг пайдо бўлди: унинг бо-

ши бойланган бўлиб, гипсланган корсет кийиб олганидан гавдаси жудаям қаққайиб қолганди.

— Ие, тушимми ё ўнгимми бу? Қандай қилиб чиқиб олдингиз, дўстим?

— Қайтадан тирилдим, жаноб майор.

Деншчик икки кишилик қилиб нонушта тайёрлади. Улар қуёш нурига кўмилган майдонга қараган ойна олдида бир-бирига қарама-қарши ўтирди. Комендатура ён томонда, дарахтлар орқасига жойлашган эди. Соқчи ҳар сафар ўтганда чумчуқлар галаси гур этиб кўтариларди, кейин яна ерга қўнишарди. Соқчи бинонинг атрофини айланиб, орқасига қайтганида чумчуқлар галаси яна учиб кетишарди. Қаршида, ҳеч шикаст емаган уйнинг ҳовлисида галати бир бино қад кўтариб турарди. Фаренберг унга кўзи тушиши билан беихтиёр ижир-ғаланди. Бироқ бу дор эмас, аллақандай бир гимнастика асбоби эди. Қаршидаги уйга мактаб жойлашганди, худди шу пайт майдондан бутун бир синф ўқувчилари саф тортиб ўтишди, уларга кўз-қулоқ бўлиб бораётган хотин, болаларнинг комендатура олдидаги соқчини қоидага мувофиқ табриклашлари учун, немисчалаб йўғон овозда команда берди.

Фаренберг, то қувватга кириб дам олгани уйимга эмас, балки шу ерга юборишларини қаттиқ туриб талаб қила олишим учун, ёлғон-яшиқ гаплар билан госпиталда яна бир оз вақт даволанишга муваффақ бўлдим, деб ўз майорига ахборот берди. Венцлов бир кулимсираб қўйди. У, ҳа бу йигитга ҳар қанча яхшилик, меҳрибонлик қилсанг, арзир экан, деб ўзича хурсанд бўлиб қўйди. Машаққатли оғир қиш ойларида Венцлов Фаренбергга яна ҳам кўпроқ кўнгил қўйди. Чекиниш пайтида уларнинг зиммасига душманнинг кўзини чалғитиш вазифаси юклатилган эди. Ҳозир эса улар, ўзлари ўтган йилги ҳужумда ишғол қилган шаҳарчада дам олишарди. Биринчи рус қишида, жанглардан кейин ҳордиқ чиқарган қишлоқ атиги бир неча километр нарида, ғарброқда эди. Ушанда Венцлов билан аллақандай бир Рэннеке исмли одам — эсэсчи ўртасида кўнгилсиз бир гап бўлиб ўтган эди. Бу гап Рэннекенинг ўзи сингари абадий унитилди. Фаренберг қишда ўз хоҳиши билан хавфли бир ишга тайинланди, бу иш унга қизиқарли туюлди. Венцлов уни ўзига яқин кўргани, унинг майлини яхши билганидан Фаренберг учун ўзи ҳаракат қилди. Фаренберг чекина-

ётганларни ҳимоя қилиб, русларни иложи борича тўхта-тиб турган полкка командировка қилинган эди. Полкнинг йўли кесиб қўйилган эди. Ёрдам ва озиқ-овқат, қурол етказиб бериш тўғрисида келишиб олиш учун Фаренберг икки солдат ва иккита эсэсчи билан бирга душман позициясини ёриб ўтди. Фаренберг манзилга етиб келди-ю, лекин у кўп еридан яраланган эди. Венцлов уни ўлдирга чиқариб, худди ўз фарзандидай қайғурди.

Энди бўлса Фаренберг Венцловнинг олдига қайтиб боришни истарди. Бу мушкул эмасди. Унинг ўрнига Венцловга адъютант бўлиб келган киши хизмат жойини ўзгартиришга эътироз билдирмади. Венцлов аллақачон бундан хабардор бўлган эди, Фаренбергнинг сира отпускага чиққим йўқ, уйга ҳечам боргим йўқ, дейишдан Венцлов шубҳаланарди. Эҳтимол, Фаренберг учун ҳам Венцлов сингари уйини ўйлашнинг ўзи ҳам даҳшатли эди. Венцлов уни уйда нималар кутаётгани: сўраб-суриштиришлар, ишқилиб оиланинг ғурурига тегмай, уни қизиқтирган нарсаларга жавоб бериш учун ўтган қиш тўғрисида бир-икки оғиз бўлса ҳам гапириб бериш мажбурияти — шулар ҳақида ўйласа, унинг аъзойи-бадани титраб кетарди.

Денщик понушта олиб келиб қўйди, иккаласи ҳам овқатни индамай, зўр иштаҳа билан ея бошлашди, чунки овқатни ўз вақтида мунтазам еб туриш нималигини улар аллақачон эсларидан чиқариб юборганлар.

— Ниҳоят, хабар келди, — деди Фаренберг, — ўтган кун кечаси Краузе қайтиб келди. Бизнинг ротамиз йўқ қилиб юборилибди. — Венцлов савол назари билан қошларини чимириб қўйди. Госпиталга ётишдан аввал Фаренберг йўли кесиб қўйилган отрядга қандай қилиб ёрдам бериш кераклиги тўғрисида ўз вақтида кўрсатма берган эди, ҳозирча эса, ёрдамчи куч юборганга қадар, унга самолёт билан озиқ-овқат ва қурол етказиб бериш керак эди. Унинг айтганини эмас, улар билан бирга қочган эсэсчиларнинг айтганини қилишганини Фаренберг жуда кеч билиб қолди. Агар кўрсатилган жойга озиқ-овқат ва қурол ташлашган тақдирда ҳам, йўли кесиб қўйилган рота бардош бериши гумон дейишди улар. Ротанинг аҳволи шунчалик оғир эдики, агар вазият сал ёмонлашса, у жангсиз таслим бўларди.

Кўрсатилган жойга чиндан ҳам самолётлар юборишди, лекин бу самолётларни уларга ёрдам бериш, қўллаб-

қувватлаш ниятида эмас, балки улар ўзларича таслим бўлмасидан олдин ҳаммасини қириб ташлаш ниятида юборишди. Фаренберг гап нимадалигини аста-секин, соғайган сайин аниқ билиб олди. Дўсти Альтмейернинг ҳам ўша ерда қурбон бўлганлиги маълум бўлди. У яқиндагина бу нарсаларни ипидан-ипнасиғача тушуниб оладиган бўлиб аранг тузалди, мана энди умидсизликка тушиб ўтирибди. Лекин бу нарсанинг тагига етиш, калаванинг учини топиш иштиёқи ҳали унда сўнмаган эди. Бу нарса масалан, унинг яшириқча, ора-сира дўстлари билан қилган суҳбатидан сезилиб турарди. Альтмейер ҳам жангсиз таслим бўламан деганларни қўллаб-қувватлаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Фаренбергнинг марҳум дўсти хотираларидан айрим жойлари бунинг тўғрилигини кўрсатиб турарди. Ахир, Фаренбергнинг бир ўзи неча еридан яраланган бўлишига қарамай, душман позициясини ёриб ўтди-ку; у ҳамма ваҳима ва азоб-уқубатларга бардош берди, ташлаб кетган дўсти бўлса бу мусибатларни беҳуда нарса деб ҳисоблаб, уни шарманда қилди. Альтмейер, афтидан ҳаммани хатдан ўчириб ташламоқчи бўлган, ҳар қандай шароитда тириклайин қўлга тушмасликни тақоза қилувчи офицерлик бурчини унутган; душман қуршовидан чиққан дўстининг қаҳрамонлигига у нариги дунёдан туриб туфлаган.

Венцлов олисга тикилиб ўтирарди.

— Қўмондонлик жуда тўғри иш қилган, — деди Фаренберг.

Венцлов «тўғри» дегандек бош қимирлатиб қўйди.

— Бу ерда яхшилаб дезинфекция ўтказиш учун, — деб сўзида давом этди Фаренберг, — танафус вақтидан фойдаланиш керак. Юқимли касал тарқатувчи одамларни бирга олиб юришнинг нима кераги бор? Айниш, бузилишнинг ҳамма ўчоғини бомба билан йўқ қилиб бўлмайди-ку, ахир. Ҳаммасини битталаб текшириб чиқиш керак.

Венцлов яна бош силкади. Бундан бир-икки йил бурун Фаренберг, гарчи қатъий бўлмаса ҳам, ўз шубҳаларини шунчаки билдириши мумкин эди; лекин ҳозир у етарлича қурбон бергани учун, жанговар дўстларидан ҳар қандай шубҳаси бўлса очиқ айтишни талаб қила оларди. Душман кучли, талофот катта. Уларнинг миллати душманлар қуршовида қолганди. Миллатимиз нега душманлар қуршовида қолди, деган саволни Фаренберг

кўпдан буён ўзига бермасди. У яраланган эди, у изтироб чекарди. Бошқалардан ҳам шуни, яъни ярадор бўлишни ва изтироб чекишни талаб қиларди. Венцлов ёшлик ва шафқатсизлик тимсоли деб билган меҳмонининг қандай хулосаларга келганини жуда яхши биларди.

У, Фаренбергдан уйингиздан қандай қилиб хабар олдингиз, деб сўради. Фаренбергнинг чеҳрасини ҳам босди. Кельндаги ота-онасининг уйини бомба ташлаб вайрон қилишибди. Лекин Фаренбергнинг кўнглини ғаш қилган нарса ота-онасининг тақдири эмас, балки қайлигининг: «Сенга ваъда бериб янглишган эканман», деб ёзган хати эди. У бу қизни вафодорлик тимсоли деб биларди, қиз эса бу билан бир ёстиққа бош қўйишдан кўра, учувчи билан ҳаёт кечиришни афзал кўрибди. У, Венцловдан оиласи қандай яшаётганлигини сўради. Венцлов, Потсдамдаги холамиз жияним билан учрашимизга доим умид қилади, Украинага бостириб киришни ўзича Юнгфернзе атрофида сайр қилишдай бир нарса деб тасаввур этади, деб кулимсираб жавоб берди.

Венцлов қарилик, калтафаҳмлиқ, нодонлиқ аломати деб ҳисоблаган Амалия холанинг умидлари тўсатдан рўёбга чиқди. Генерал-лейтенант Браунс ундан аввалига биргаликда бир жойни бориб текшириб, кейин муҳим бир кенгашда иштирок этишини таклиф қилганда, Венцловнинг оғзи қулогига етиб жуда талтайиб кетди. У ҳамон, мени битта-яримтаси ранжитиб қўймасмикин, ҳамма ҳам қадримга етармикин, деган васваслик касалидан қутулмаган эди. Браунснинг ҳаммага ҳам муруват кўрсатавермаслигини Венцлов кўпдан бери биларди, унинг қаҳратон қишда мурданикига ўхшаб музлаб қотиб қолган совуқ юзини ўз кўзи билан кўрган эди.

Рост, бошлиқ таклиф қилибдими, демак Браунс мени ҳурмат қилади, қадрлайди, деб қўйди ўзича Венцлов. Текширишдан кейин иккаласи Л. шаҳрида бўладиган кенгашга кетди. Бу ерда у қутулмаганда жияни Гельмут фон Клемми учратиб қолди.

— Фриц тоға! Мажлис қарориди фамилиянгни кўриб, сенлигингни дарров билдим. Иккита Фриц фон Венцлов бўлиши мумкин эмас-ку, ахир!

Кенгашдан кейин у ғалати маркали бир шиша қрим виноси, ароқ ва закуска кўтариб келди. Венцлов уни бо-

лалигида қай тариқа кўрган бўлса, у ҳозир ҳам худди ўшандагидай бақувват, кўзлари ўйнаб турарди, кулганда эса, худди қизил олмани қандай тишласа, ҳаётга ҳам ана шундай тиш-тирноғи билан ёпишиб олишга тайёр тургандай бўлиб кетарди. Кўп йиллар бурун Потсдамда, уларнинг уйида, Гельмутнинг гитлерюгенд кўйлагиди ўтиришини ҳар қандай йиғин вақтида ўзига хос бир эҳтиёткорлик чораси деб ҳисоблашарди. Мана энди урушда, ярим харобага айланган Л. шаҳрида, ибратли эсэсчи офицерлардан ҳисобланган шундай жиянинг билан учрашиш қандай яхши. Гельмут мезбонлик вазифасини бажарарди: у тоғасини меҳмон қилар, рюмкаларга ароқ қуяр, рюмкаларни уруштирар эди. У жуда норғул йиғит бўлганди. Юзи ҳечам ўзгармаган эди, фақат ундан нимадир йўқолган эди. «Ёшлиқ асари,— деб ўйлади Венцлов,— ҳа, бу ерда ёшлиқ асари бир зумда йўқолиб кетади». Илгарилари Гельмут баъзида уятчанлик билан, баъзида эса муғомбирона боқарди, энди эса кўз қарашлари ҳам бутунлай ўзгарибди. У бир вақтлар ҳар бир нарсага жиддий эътибор берар, узоқдан келган меҳрибон тоғасининг айтган ҳамма гапларини яхшилаб уқиб олишга ҳаракат қиларди. Энди эса ўша фазилатларидан нишони ҳам қолмаганди. Гельмут ҳозир, тоғам нима дер экан, деб кутиб ўтирмасди, албатта. У тоғасидан кўп ичар, кетма-кет қадаҳ кўтарарди. Гельмут гапираётиб ўрнидан сапчиб турди-да, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошлади — бу ҳам табиий эди. Ахир, улар бир-бирига бегона эмас-ку. Шундай ойдин эдики, дарахтлардаги барглари санаб чиқиш мумкин эди. Гельмут ойна олдиға бориб, ҳовлиға қаради.

— Ой нури бутун табиатни аллақандай жонсиз, кўримсиз қилиб юборади; қуёш кишининг ғайратини ошириб юборади, ой эса ҳиссиёт уйғотади,— деди у.

— Тўғри,— деб кулимсиради Венцлов.

— Шунинг учун ҳам франсузча қуёш сўзининг мужской родда le soleil дейилиши, ой сўзининг женский родда la lune дейилиши бежиз эмас.

Гельмут яна стулга ўтирди-да, ичиб эзмалик қилаверди.

— Франциядан бу ерга келишни ҳечам истамагандим.

Венцлов Гельмутнинг очиқ гапираётганига ҳам ҳайрон бўлар, ҳам хурсанд бўларди, чунки Гельмут илгарилари кўп нарсани тоғасидан сир тутарди.

— Бирмунча вақт бутун Франция оккупация қилин-маса ҳам бўларди, деб ўйлашди. Шунинг учун ҳам мен бу ерда кўпроқ керак эдим. Энди бу ерда, ҳамма ишдан хабардор бўлиб олганимдан кейин, жўда керакли одам бўлиб қолдим.

Венцлов бу бўйчанг, келишган, чиройли йигитга кулимсираб қараб қўйди, у яна қўлида қадаҳ ушлаб дераза тоқчасига суяниб турарди.

Гельмут уй деразасидан кўриниб турган офицерлар жойлашган манзарани мақтади. Деразалари комендатура ҳовлисига қарарди, ундан у ёғида эса госпиталь боғи кўриниб турарди. Гельмут ҳарбий госпиталь ҳақида гапириб берди, бу госпиталь шундай имконият ва илмий ходимларга эга эдики, унга Берлиннинг энг яхши клиникаси ҳам ҳавас қилган бўларди. У ерда, Берлинда тажриба ўтказиш учун қуёнлар, итлар, жуда нари борса маймунлардан фойдаланишарди. У оғир ярадор бўлган бир оғайниси тўғрисида гапириб берди. Уни шундай яхшилаб ремонт қилишдики, учта украиналик йигит нариги дунёга бекор кетгани йўқ.

Венцлов ҳушёр тортди.

— Нариги дунёга кетди деганинг нимаси?— деб қайтариб сўради у.

— Ҳа-ҳа, улардан яшаш учун энг зарур бўлган аъзоларини олишди-да, бўлмаса оғайним ўлиб кетарди.

— Хўш, кейин уларни нима қилишди?

— Айтарли ҳеч нарса қилингани йўқ. Одатда энг ўжарларини лагерга жўнатишади. Бунда эса бензин ҳам сарф қилинмади.

У дудуқланиб қолди. Венцлов бу бир дақиқа жимликнинг нимани англатишини дарров фаҳмлади: иккидан бири: балким; сен, тоға, «кўнгли бўш қарилар» тоифасига кирарсан ёки, мен ортиқроқ ичиб қўйиб, гапириш мумкин бўлмаган нарсани айтиб қўйдим.

Венцлов уни тинчитишга шошилди.

— Ҳа, ҳа тушунаман.

— Биз халоскор армия эмасмиз-ку, қашшоқлар учун ошхона очмоқчимасмиз-ку. Майор Бец олдимга келиб, йўлда ҳарбий асирларга кам овқат берилаётганидан нолиб гапирди, шунинг учун биласанми, вагонларнинг эшикларини очиб қарашса, улардан бир қанчаси ўлиб қолибди. Мен унинг юзига тўппа-тўғри шундай дедим: «Нима, сиз немис болаларининг ўлишини афзал кўра-

сизми?» Бу ялқов, ишёқмаслар, ишга ярамаслигидан у ерда, уйда, бизни шундай ҳам зулукдай сўришяпти, ишга яроқли бўлиш учун эса кўп-кўп овқат ейиш керак; демак биз оч-яланғоч мамлакатимизга беҳисоб қузғунларни олиб боряпмиз.

Гарчи Венцлов унга бир оғиз эътироз билдирмаса ҳам Гельмут энди жаҳл билан гапирарди. Уша номаълум майор Беца ҳам виждон ичкада бўлармиш, у ичкада гамирлаб кўнгилни айнитармиш, деган ҳис бўлса керак. Венцлов, бундан кўп йиллар бурун ўзи гапирган сўзларни ҳозир яна аниқ эшитгандай бўлди; ҳозир бу сўзларни гўё иккинчи Венцлов гапираётгандай эди:

«У ёқда, чет мамлакатда ҳар сафар газета саҳифаларида немис ёшларимизнинг ҳозирги қиёфасини кўрган вақтимда, беихтиёр расмдан шу боланинг юзини қидирдим».

Гельмут бўлса ҳамон завқ-шавқ билан гапирар эди:

— Ҳа, айтмоқчи, Фриц тоға, украиналик йигитнинг алақандай аъзоларини олиб қўйишган ўша оғайним, бир одам тўғрисида гапиравериш қулоқ-миямни еди, биласанми ким тўғрисида?

— Қаёқдан билай?

Қизинг Марианна ҳақида. Нимасини айтасан, у жуда яхши қиз бўлган; биз отпускамизда сеникига тушиб ўтгандик.

Кейин у Венцлов оиласи, энг сўнги отпускази, ўз севги-муҳаббати тўғрисида гапира кетди. Яна ҳамма нарса қоидага мувофиқ бўлди, ҳатто, тоғасига, сизлар томонда хотинлар масаласи қандай, деб нозик савол ҳам берди. Бу ерда хавф-хатарсиз бемалол кўнгил очиш учун айрим имкониятлар бор эди. Венцлов кулимсираб, йўқ дегандай бош чайқади. Бу ҳам нисбатан тўғри эди. Ярадорларнинг ёнида ўтириб Венцлов, одамларнинг оддий темаларда узундан-узоқ жуда оқилона гапиришларини, кейин иссиғи чиқиб жазаваси туткандан кейин эса, тўсатдан алаҳсираб, тингловчиларнинг эти жимиралиши кетадиган даражада қаёқдаги бемаъни нарсалар тўғрисида гапиришларини жуда кўп кузатган эди.

Мана ҳозир Гельмут ҳам ҳовридан тушиб, туппа-тузук гапира бошлади: Марианнанинг фазилатлари, госпиталь боғи тепасидаги ой тўғрисида гапирди. Жияни, ўз тенг-қурларидай оғизга келганини гапираверарди.— Ойдин кечада соялар жуда ғалати бўлади-да! Кўмирга айлан-



ган мана бу эман дарахтига қара, унга худди яшин текканга ўхшайди. Қизиқ, нега бугун ҳаводан ҳужум қилиш-маяптийкин?

Тўсатдан у яна қизишиб кетди:— Кенгашларингни келиб-келиб худди ўша Л. шаҳарчасида ўтказишга қарор қилингандан кейин озмунча меҳнат қилдикми.— Унинг кайфи ошганлиги ҳатто гап оҳангидан ҳам билиниб турарди.

— Биз ҳаш-паш дегунча шаҳарни ортиқча нарсадан тозалаб ташладик. Бу нарсаларни сортларга ажратишга вақтимиз бўлгани йўқ. Ҳатто уйга бир гуруҳ ишчи кучи ҳам юборолмадик. Ҳаммасини ёппасига Б. шаҳрига жўнатиб юбордик. Майли ўша ерда уларни таъзирини беришсин. Ҳа, айтмоқчи, бу ёғидан кўнглим тўқ. У ерда ҳаммаси бўлиб икки минг кишига етарли озиқ-овқат бор, уларни бекорга ушлаб ўтиришмайди.

Венцлов беихтиёр қимирлаб қўйди. У ўзини билмай, алаҳсираб ётган касал олдидан туриб кетмоқчи бўлган одамдай, ўрнидан туриб кетишни истарди. Гельмут гўё унинг кўнглидагини билиб тургандай Венцловга тикилиб қарарди. Венцлов савол берай-берай деди-ю, лекин, ке қўй, деб индамади, чунки бу суҳбат одатдаги оддий бир бемор билан бўладиган суҳбатга мутлақо ўхшамасди: бу одамга, ўзининг инжиқ, эзма, ўлардай хира меҳмонидан қутулиш учун кнопкани бир босиши кифоя эди.

Венцлов ҳеч нарса демоқчи эмаслигини: ҳа, гапинг тўғри деб, маъқулламаслигини ҳам, нотўғри гапиряпсан, деб койимаслигини ҳам Гельмут сезган эди. У тўсатдан тоғасига жуда яқин келди, ҳатто унинг кўзларига тик боқиш учун стол билан стул ўртасига қисилиб кириб олди.

— Биласанми, азизим, хайрлашиш олдидан мен сенга шуни айтмоқчиман. Ҳозир нималарни ўйлаётганимни Гельмут билмайди деб ўйлаяпсан, тўғримми; йўқ, янглишасан, биламан. Мен сендан шуни сўрамоқчиман: қани айт-чи, Кельн ва бошқа шаҳарларнинг ҳаводан туриб қанчалик кучли бомбардимон қилинганлигини радиодан бир неча бор эшитгансан-ку, ахир. Шунда сен, бутун бир шаҳарни бомбардимон қилиш, хотин-халаж, болачақаларга раҳм-шафқат қилмаслик, бу ахир, ўтакетган қабихлик-ку, деб ҳам ўйлагансан, албатта! Шуни яхши билиб қўйки, бу ҳали муқаддимаси, тажриба қилиб қў-

риши, агар биз тезроқ ғалаба қозонмасак, кейин бундан ҳам зўрлари бўлади. Хўш, қайси бири маъқул: сени парча-парча қилиб юборганларими ёки сени электр токи ёхуд газ ёрдамида ўлдиришганларими, балки бизнинг ғалаба қилишимизни сен умуман истамассан, сенга барибирдир.

У тоғасига тикилиб қаради. Жиянининг совуқ, мудҳиш назари тоғасида ҳам ёқимсиз ҳис уйғотди: «Ахир мен ҳам у келган хулосага келяпман-да; иккаламизнинг температурамиз бир хил. Биз бир хилда касалмиз ёки соғмиз».

— Бўлмаса-чи, албатта!— деди у қатъий.

— Ана шуни билиб қўй!— деди жияни.

Гапни бошқа ёққа буриш ниятида Венцлов, Гельмутнинг онаси, опаси Леноранинг аҳволини сўраб-суриштирди.

— Госпиталда ишлаяпти. У биринчи жаҳон урушида ҳам худди шунга ўхшаган бир хизматда ишлаган шекилли. Аввалига ёши тўғри келмай, ишга ўрнашиши анча қийин бўлди шекилли — деб жавоб берди Гельмут, кейин:— Энди бизга ҳар қанақаси ҳам тўғри келаверади,— деб қўшиб қўйди бепарволик билан.

Иссиғи яна тушди, у одатдагича бепарволик билан гапирарди. Агар Венцлов ўзининг таққослашини давом эттирса, бу энди нормадан ҳам паст, деб ҳисоблаган бўларди. «Қизиқ,— деб ўйларди Венцлов,— бу йигитчада ёшлик ҳарорати барқ уриб турибди, шу билан бирга унда қариларга хос нимадир бор — бу унинг катта кучга эга бўлганлигидан, агар истамаса мендан бир кнопка босиш билан қутула олишдан эмас, бунинг бошқа сабаблари бор. Унинг ёқимли, тоза чехраси хотинларга хуш келади, бу шубҳасиз. Лекин унинг чехрасида узоқ умр, кўп одамлар умрининг, хилма-хил кечинмалар ва иллатларнинг изи бор». Деншчик эшикни тақиллатиб, ўн минутдан кейин жўнаймиз деганда, Венцлов жуда хурсанд бўлди.

У Л. шаҳридан кечга яқин қайтиб келди. Одатда у ҳар хил шафагарчиликлардан кейин Фаренберг билан учрашишни хуш кўрарди. Энди бўлса, улар фақат иш юзасидангина гаплашишар эди. Гўё бир-бирларига айтадиган гаплари қолмагандай эди, чунки улар миқ этмай ўтиришга, ҳатто ўзларича ҳам сукут сақлашга кўникиб кетган эдилар. Венцлов кечаси ухлаёлмади. Гельмут билан очиқ-

часига гаплашмагани учун, энди ўзини-ўзи койир эди. Ахир, минг қилса ҳам опасининг ўғли-ку. Уни ваҳимага солиб юрган нарса, ҳозир энди унга унча қўрқинчли эмасдек туюла бошлади. Хўш, борди-ю унинг бунчалик ваҳимага тушиши ўринли ҳам дейлик? Амалия холанинг совуқ кўзлари унга: «Тақдирнинг ўзи сизларни учраш-тирди, энди фурсат қўлдан бой берилди»— деяётгандай эди.— «Азизим Амалия хола, барибир бундан бир иш чиқ-масди»,— деб ўзини оқларди у. — Сенингча шундай,— эътироз билдирди Амалия хола.— «Сен, биз учрашолмай-миз дегандинг, мен эса бошқача фикрда эдим».

Кейинги кунларда у тумшайиб юрадиган камган бўлиб қолган эди. Эрталаб соқолини олаётганда ойнага қараб, у сочи оқариб кетганини, таъқиқланган сўзларни айтмаслик учун ҳадеб қимтийверганидан бўлса керак, лабларининг юпқа бўлиб кетганини кўрди.

Энди у. Амалия холага ўхшаб кетарди: Унинг кўзлари ҳам мовий ва совуқ эди.

Лекин уни шу вақтгача бошқалар сингари асосан ҳарбий муваффақиятсизликлар ташвишга соларди. Тақ-дир унга қарши ҳозирлаётган зарба ҳали олдинда эди. Уйдан хат олди. Қизиқ, хатни қизи ёзибди, хотини бир оғиз сўз ёзмабди.

*«Дадажон, ойм хат ёзишга ожиз, кўрта-ёстиқ қилиб ётибди, шунинг учун ҳам хатни мен ёздим. Ботишимизга тушган мусибатдан ойм сира ўзига келолмаяпти: севи-кли укамиз ҳалок бўлди. Хужум вақтида биз уни бомба-дан сақланадиган жойнинг энг ичкари хонасига олиб бордик, ҳамма жойдан ҳам ўша ер хатарсиздек туюлди. Ундан ташқари у ерга уйимиздаги капитан Франценнинг иккита кичкина ўғилчасини, фрау фон Равицни чақалоғи билан, швейцарнинг болаларини юборишди. Лекин бом-ба уйнинг орқасида портлаб, орқа девори қулаб тушди. Укамни бизлар билан катталар олдида қолдирмагани учун ойм ўзини сира кечиролмайди. Доктор, оймга кўп-роқ йиғланг, бунинг фойдаси бор, деяпти! Доктор унинг ҳаёти ҳар ҳолда хавф остида эмас деяпти. Дадажон, биз мард бўлишимиз, ҳеч нарсадан қўрқмаслигимиз, ҳар қан-дай қийинчиликларни енгишимиз керак; гарчи у жуда ёш бўлса ҳам, лекин катталардай ор-номус майдонида қур-бон бўлди. Дадажон бундай машғум хабарни сенга ёзиш мен учун жуда оғир. Сен оймга, ҳамма ҳам ўлимга тай-*

*ёр туриши керак, деб хат ёзсанг, бу хатинг унга анча тасалли, берган бўларди, ҳа, нима деб ёзишни ўзинг биласан. Сени қучоқлаб, ўпиб қоламан, сени сеувчи қиз-инг Марианна».*

Венцлов қизи айтгандай қилиб хат ёзди; у қизининг гапи билан хотинига, ватан, ҳозир ҳаммадан қаттиқ из-тироб чекишни талаб қилади, деган сўзлар билан тасалли берди... Ўзи бўлса кечаси билан ухламай, бу фикридан кўнгли ҳечам таскин топмасди. У ўз уруғининг бирдан-бир избосари бўлган ўғли билан фахрланар эди. Энди қизлари ўғил кўришади-ю, лекин уларнинг номлари бош-қа бўлади, унинг ўз ўғли эса ўлди, энди унинг вориси йўқ.

У ўғлининг ўлганини Фаренбергга шунчаки гап ора-сида гапириб қўйди. Венцлов юрагидаги дардини тўкиб солишни истамасди, айниқса ҳозир, ҳамма ҳужум олди-дан жиддий, кескин бир ҳолатда турганда, кўнгли бўш-лик қилиш унинг хаёлига ҳам келмасди. Фаренберг ҳу-жум олдидан фронт орқасини тозалаш бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди. Шаҳар аҳолисини яхшилаб, синчиклаб текширишди, кўпчилик қисмини турли томонга жўнатиб юборишди. Шаҳар ҳарбийларга тўлиб кетганди. Ҳамманинг юзида, хатти-ҳаракатида бир хил жиддийлик сезилиб турарди. Майдондаги да-рахтлар аллақачон кесиб ташланган эди. Чумчуқлар бўл-са, гўё уларга ҳозир соя солиб турган заранг дарахтла-ри эмас, батарея эканлигини сезишмагандай, ўша эски жойларида дикирлаб юришарди. Мактабни солдатлар эгаллаб олишганди. Соғлом, бақувват болаларни дала ишларига жўнатишди, камқувват, нимжонларни эса:— Фаренберг бу ҳақда гапириб туриб, имо-ишоралар билан «Л» лагери томонни кўрсатди.

Венцлов Фаренбергнинг гапларига, Браунс унинг ўз ахборатларини хотиржам туриб тинглагани каби, хотир-жам қулоқ солди, унинг назарида ҳам ҳушёрлик, шу би-лан бирга ҳам бепарволик ифодаси бор эди. Улар ўзла-рини яна шу ўтган йиллар ичидаги сингари, биз бир-би-римизга жуда қаттиқ боғлиқмиз, деб ҳис қилишарди. Улар яна бир-бирларининг кўнглини тушунадиган бў-лишди. Улар ўзларига биркитилган районни тозалаш вазифаси бу ишни ким қилиш керак деган масаладаги келишмовчилик натижасида, ўз вақтида бажарилмага-

нидан барабар ғазабландилар. Бундай тадбирларни амалга ошириш ҳечам уларнинг иши эмас эди. Уларнинг вазифаси ишни ўз муддатида бажариб бериш, лекин ишни қандай усулда бажаришнинг уларга дахли йўқ. Венцлов жияни Гельмут билан учрашганини қисқа қилиб гапириб берди. Ўша ойдin кечадаги ваҳимадан асар ҳам қолмаганди. У шу ердаги ҳар бир киши сингари, бўлажак зарба учун бор кучини тўплаши керак эди. Агар иккаласидан биттаси, каттасими, кичигими, шубҳаланса, демак у бу билан шеригининг ҳам сал иккиланаётганини тасдиқлаган бўларди. Йўқ, ўйлаб қўйилган операциянинг ҳар қандай шароитда ҳам муваффақиятли тугашига улар иккаласи ҳам қаттиқ ишоншарди. Бошқача фикр бўлишини улар хаёлларига ҳам келтирмасди. Уларнинг ички дунёси ҳам теварак-атрофдаги жой сингари бўм-бўш эди. Бошлиқларнинг хоҳиши билан ўз номуслари ўртасида ҳеч қандай келишимовчилик бўлиши мумкин эмасди. Заррача ҳам иккиланиш бўлиши мумкин эмасди. Фақат Венцлов Фаренбергнинг титраб-қақшаб юришидан, яраси унга ҳали ҳам азоб бераётганини кўриб турарди.

## V

Вильгельмнинг ўлганига бир йилдан ошиб кетганди; дам олиш кунларининг бирида Христиан ўзининг содиқ ити билан Лиза ва унинг қизини черков олдида кутиб турди, кейин уларни уйларигача қузатиб қўйди. Христиан кўп вақтдан бери қузатмай қўйган эди. Лиза ҳатто ўзича, нега у мендан ўзини олиб қочади, деб ўйларди: бунинг учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Ё айниб қолдимикан-а? Бу вақт ичида кичик ўғлининг бўйи қанчалик ўсди-ю, ўзи эса қанчалик тўлишди; унинг бир вақтлар чўпдай ингичка бўлган оёқлари энди араванинг гупчагидай йўғонлашиб кетганди. Кўк кўзлари билан шолғом уруғидай майда-майда сепкилларигина ўзгармаган эди. Христианнинг ўзи кам ўзгарганди; у илгаригидай оқсоқланиб юрарди; сочига оқ оралаганди; Лиза Христианни ўйлаганда — нега уни ўйламас экан?— ўнинг қалбида чуқур из қолдирган, қаттиқ таъсир этган нарсасини эсидан чиқариб юборишини сира ақлига сиғдира олмасди. Йўқ, у бундай одамлардан эмас! Гарчи кўринишдан унга ҳеч

наrsa таъсир қилмаётган бўлса ҳам, Лиза ҳар ҳолда унга ишонарди.

Шунинг учун Христиан ундan қизини чиқариб юборишни илтимос қилганда, Лиза унинг нима мақсадда келганини дарров тушунди. Лизанинг юзи ҳам Христианники сингари жиддийлашди. Кўзларининг атрофини сон-саноқсиз ажин босди, лекин кўзлари ҳали ҳам мовий эди. Уларни на ор-номус, на ғам-ғусса хиралаштира оларди. Кулганида кўзларининг айёрона, шўх боқиши, ўтган шу йигирма беш йил давомида ҳам ўзларининг мафтун этувчи кучини йўқотмабди. Гитлер даврида осмоннинг ложувард туси кетмаганидай, Лизадаги бу жозибадорликни на иш, на муҳаббат, на оилавий турмуш, на вақт сўндирилганди. Христиан ниҳоят башанг кийиниб, тантанали бир қиёфада совчи бўлиб келганда, эгнига қора кўйлак кийиб олган Лиза лабини қимтиб, қўлини қовуштириб турди.

У ҳамма ишни маҳаллий урф-одат бўйича, унчамунча арзигулик ишни қилгандагидай жуда ўринлатиб бажарди. У ҳатто бир оз хижолат ҳам бўлди. Лекин ити стол тагидан унга тиниқ кўзлари билан қараганда, у ўзини тутиб олди. У Лизага ўзининг илгариги қайиқ сақланадиган саройига кўчиб боришни таклиф қилди, ҳа айтмоқчи, у ердан экинзорларга яқин; эр қилиб дарровгина эридан ҳам жудо бўлган қизи уйда хўжайка бўлиб қолади. Ушандан кейин, у, онасига иккинчи марта эр қилипсан деб вайсашга юраги бетламай қолса керак. Лиза ўша олча паливкасини олиб келди, у руҳонийни доим шу билан меҳмон қиларди; улар қадаҳ уриштиришди — шу билан иш жўнашиб кетди.

Ақлни ҳам, жонни ҳам сақлаб қолиш қийин бўлган бу тўс-тўполонли, изтиробли дунёда иккаласи учун ҳам кутиб юрган соат келди. Христиан ҳуштак чалиб итини чақирди.

— Мана кўрдингми, Виду,— деди Христиан,— биз ниятимизга етдик.

Лекин ҳамма наrsa, у бу дам олиш куни бўлади, деб кутгандай, тез, осон бўлгани йўқ. Лиза кўп ўтмай катта ўғли ўлганлиги тўғрисида хабар олди. У йиғлаганича устахонасида ишлаётган Христианнинг олдига югуриб келди. У Лизанинг ўзини ўзи айблаб, ўкиниб қилган ноласини индамай ўтириб тинглади.

— Бунинг бўлиши сира ҳам мумкин эмас, бу биз

тасаввур қилганча, ўйлаганча осон гап эмас. Мана энди бўлса кўз ёши тўкиб ўтирибмиз. Барибир бунинг охири вой бўлади; нега энди тангри, бу ярамас, ифлос ишларимиз учун бизга ҳиммат қиларкан. Ахир, адолат деган нарса борми-йўқми дунёда?

Христиан бирдан дарғазаб бўлиб кетди.

— Нималар деб валдирияпсан? Худойим биздан бошқа яна кимларга жазо беришни жуда яхши билади. Дунёда бизникидан ҳам ёмон, разил ишлар бўляпти. Бизнинг гуноҳимиз бу гуноҳлар олдида мисоли қилдай гап.

Лекин тўйни бир оз кечиктиришга у рози бўлди. Лиза кетгандан кейин у итига деди:— Қўрдингми, нималар бўляпти. Ҳар сафар бирор янги гап тўқишга, сувилондай чап бериб қутулиб кетишга тўғри келади. Боламни ҳар томонлама таъмин этай, қаттаси уни алдаб кетмасин, деб қанчалик ўлиб-тирилиб ҳаракат қилдим, нималарни ўйлаб топмадим. Мана шундай биз елиб-югурамиз, мерос, келажак ва яна қаёқдаги бўлмағур нарсаларни ўйлаб, куйиб-пишиб ташвиш тортамиз, мана энди буларнинг кимга кераклигини кўриб турибсан. Виду, сен билан бизнинг ҳозир битта ташвишимиз бор— ўғлимиз қайтиб келсин. Хўш, бу соҳада биз нима ҳам қилишимиз мумкин? Қўлимиздан ҳеч нарса келмаслигини бир умр эсимиздан чиқармасак бўларди.

## VI

Ливен Берлинда атиги бир-икки кун бўлгандан кейин уни Прагага командировкага жўнатишди; натижада у кўнглини ғаш қилиб юрган нарсаси: хотинини ҳомиладорлигида кўриш ва боланинг туғилишида иштирок этишдан қутулди. Энди у Курфюрстендамдаги, Элизабет ўрнашиб олган уйига ҳар замонда бирров келиб кетарди.

У протекторатдан уйига биринчи бор келганда, юзи кип-қизил, дўмбоққина ўғилчаси беланчакда ётарди. Элизабетнинг ҳали ҳам сути бор эди, бу Ливенга жуда ғалати туюлди.

— Сенинча қалай, кўкрагим нима билан тўлган бўлиши керак? Нима, ароқ биланми?

Элизабет яна ҳам очилиб, яна ҳам чиройли бўлиб кетганди; лекин болага унинг йўқлигида, марҳум ама-

киваччасининг номини қўйишганидан Ливен қаттиқ ранжиди; Элизабет, бу болага ҳам, унинг амалига ҳам ҳеч қандай зарар етказмайди, деб кулди.

Элизабет Ливенни ҳар сафар ҳам илгаригидай хушмуомалалик билан қарши олар, ҳазиллашар эди. У Элизабет билан қанча вақт кўришмаганини ўғилчасининг бўйига қараб биларди. Ливен Берлинга иккинчи бор келганда ўғилчаси тетапоя бўлиб қолганди, у шубҳасиз отасига ўхшарди; бу сафар у Финляндияга кетаётиб тушиб ўтган эди. Ливен у ерга иттифоқдош финларга оккупация қилинган шаҳардаги иш тажрибаларини ўртоқлашиш учун бир гуруҳ эсэсчилар билан бирга командировка қилинган эди, чунки яна янги мамлакатларни оккупация қилишга тайёргарлик кўриларди. Элизабет ҳечам ўзгармаган эди, кичкина кўкрагида сутдан асар ҳам қолмаганди, оёқлари эса жуда ингичкалашиб кетганди.

— Болани шунча вақт кўтариб юрганинга одамнинг негадир ишонгиси келмайди,— деди у.

— Бўлмасам-чи,— деб жавоб берди Элизабет.— Хўжайкамиз. Фрау Габернинг буни табиат муъжизаси дейиши бежиз эмас.

Ливен ўзи билан бирга эски ошнаси Лютгенсни бошлаб келди; улар Прагада учрашиб қолишиб, энди Финляндияга бирга кетишаётганди. У мартабаси жиҳатдан эмас, бўйи жиҳатдан ўша кичкина, пакана Лютгенслигича қолганидан жуда хафа бўларди. У кичкина, нимжон бўлгани учун Ливен билан бирга бир турдаги қўшинда хизмат қилиш имкониятидан маҳрум эди. У маъмурий бошқармага командировка қилинган эди; шундай бўлса ҳам улар иш юзасидан бир-бирлари билан учрашиб қолишди. Лютгенснинг ҳикоялари Элизабетга завқ-шавқ бағишларди. Уларнинг маъмурияти билан қизилларнинг яширин комитети ўртасида ахири ғалати, ўзига хос бир мусобақа бошланди. Улар ҳам, булар ҳам ўз мутахассисларига қисқа муддат ичида снарядларнинг янги моделларини ўрганиш вазифасини топширишган, бундан мақсад снарядларнинг таъсир қилиш кучини қандай усуллар билан камайтириш мумкин эканлигини аниқлаш эди. Кейин маъмурият завод назоратчиларига зараркунандаликнинг хилма-хил усулларини аниқ таърифлаб маълумот бериб туришди. Чех саботажчилари, айни вақтда, ўзларининг яширин мутахассислари ишлаб чиққан тегишли қўлланма билан завод коллективини.

таъминлаб турдилар. Бу мутахассисларни қўлга тушириш осон иш эмасди; кўпинча шаҳар аҳолисини жуда синчиклаб, оператив равишда текшириб чиқилгандан кейингина, бу хил билимлар қаердан, кимдан чиқаётганини аниқлашга муваффақ бўлинарди. Масалан, айтайлик, беозор, ювош музикачилар ёки шунга ўхшаш, шу тоифадаги одамларни химиядан жуда яхши хабари бор, деб шубҳаланиб бўладими, ахир? Шунга қарамай, яқинда, агар смена алмашилиши олдидан қатъий чоралар кўрилмаганда эди, бутун заводнинг кули кўкка совурилиб кетарди. Ливен Штеглицдаги хўжайкаси хайрлашиш олдидан тақдим этган совғаси — свастика солинган ёстиқни сақлаб қолдимикин? Бу воқеани эслашиб иккаласи роса қотиб-қотиб кулишди. Лютгенс ўшанда, ёстиққа тикилган эмблемалар билан иш битмайди барибир, деб дўстига тасалли берганди.

Руслар билан бўлаётган уруш тобора чўзиларди. Бу орада Ливен учинчи марта отпускага келди. Вақт шундай тез ўтардики, гўё у жуда тез айланаётган филдирак сингари бир жойда тўхтаб қолгандай бўлиб туюларди. Бу орада тиши чиқиб, гапирадиган бўлиб қолган ўғилчасига қараб эмас, Ленинграднинг кучли, лекин фойдасиз қамал қилинишига қараб вақтнинг қанчалик тез ўтаётганлиги тўғрисида фикр юритиш анча қийин эди.

Ливен ярим кечада, тўсатдан уйга кириб келганда Элизабет уни чўпиллатиб ўпа кетди, Габерша бўлса кўнгли бузилиб ҳатто йиғлаб юборди.

— Утир, бир оз овқат еб ол,— деди Элизабет, иккаласи унинг хонасига киришгандан кейин.— Габершанинг, бизни тасодифан учрашишди деган хаёлга бориши учун, менимча, биз қўлимиздан келган ҳамма нарсани қилдик.

— Ахир, менинг келишим сенинг учун чинакам тасодиф-ку.

— Мен сени қачон бўлса ҳам, ярим кечада тасодифан келиб қоласан, деб доим кутиб юрардим. Мана, тасодифий келиб қолдинг.

Элизабет эгнига тўқ яшил, майин матодан тикилган кўйлак кийиб олганди; бу кўйлак Ливенга кишининг ҳавасини келтирадигандай бўлиб туюлди.— Сенинг чиройли хотин эканлигингни ҳар сафар эсимдан чиқариб юбораман,— деди у.

— Сенинг чиройли, келишган киши эканлигингни

эса, мен ҳеч қачон унутмайман, сен ҳечам ўзгармайсан.

Ливен Элизабетни елкасидан қучоқлади. Элизабет беихтиёр ўзини четга тортди, лекин Ливеннинг кўксига бошини қўйиб, уни ўпиши кераклиги бирдан эсига келиб қолди.

Элизабет уни боланинг каравоти ёнига олиб келди. Ливен ўғли борлигига аллақачон кўникиб қолганди. Шунинг учун у ҳозир ўғлига қовоғини солиб эмас, кулиб қаради:

— Ие, катта йигит бўлиб қолибди-ю. Мен, ўзим билишимча сира ўзгармаганман. Сен илгаригидай дилбарсан. Учаламиздан фақат биргина у ўзгарибди.

— Кел, бир ичайлик Эрнст.

Элизабет бир шиша ароқ билан икки рюмка олиб келди. Элизабет ароқни қуяркан, кўзини ердан узмасди, Эрнст бўлса сўзида давом этди:

— Менга унинг фақат бир нарсаси — исми ёқмаяптида, унга бошқа бирор исм ўйлаб топаман, бўлмаса ҳамма ёқни Отто деган ном босиб кетади.

— Акам билан дўст эдинглар шекилли,— деди Элизабет ва рюмкани унинг олдига суриб қўйди. Гарчи шубҳаланаётгани юзидан билиниб турса ҳам, Элизабет хотиржам ва бепарво гапирарди.

— Келганинг учун, ўғилчамизнинг келажаги учун ичайлик.

Элизабет рюмкасига тўлдириб ароқ қўйди.

— Яна бир хушxabар учун: уйга қайтаётганинг учун!— деб гапни илиб кетди Эрнст.

Элизабет унга тикилиб қаради.

— Ҳа, узоқ кутилган дам келди! Сен билан болани олиб кетгани келдим. Сенинг эзгу орзунг ушалди. Биз ўз имениемизга қайтиб кетяпмиз — бунини сен тушунасанми?

Бу янги хабар Элизабетга Эрнст кутгандан ҳам кучли таъсир этди. Элизабет стол устидаги рюмкасини ағдариб юборди. Столни артиш ўрнига у тўкилган ароқни бошмолдоғи билан ёйиб юборди.

— Эсимда, қайси ҳам хатимда сенга хўжайинимизни биринчи бўлиб Ригага қайтариб юборишди, деб ёзгандим,— деб сўзида давом этди Ливен:— у ерда бизнинг ишимизга худди ўзининг ишидай астойдил киришди. У, асосий бино ҳар ҳолда ўз эгаларини кутиб олишга тайёр деб ёзибди, Немис ҳукумати большевиклар

борида майда-майда участкаларга бўлиниб, деҳқонлар ўртасида исроф қилинган ҳамма ерларни яна именнега қўшиб юбориш тўғрисида буйруқ берди. Энди кўл бўйидаги, қўшни қишлоқдаги одамларга солдатларимиз назоратида ер-мулкни қайтадан тиклаш учун бир оз тер тўкишга тўғри келади. Жўнашга ҳозирлик кўришинг учун сенга қанча вақт керак?

— Истасанг, ҳозироқ жўнаб кетишимиз мумкин, — деди Элизабет. «Уйга кетяпмиз» деган сўзлардан кейин, унинг қулоғига бошқа ҳеч гап кирмасди. У рюмкасини Эрнстники билан уриштириб, озгина ичди-да: — Бориб бу гапни болага айтмай, — деб қўшиб қўйди.

Ливен хохлаб кулиб юборди.

— Сўнги отпускамдан буён, у бу гапни тушунадиган даражада ақли кириб қолмагандир дейман?

— У худди менинг ўзим, ҳар бир нарсани бир айтишда илиб олади, буни сизларга қараганда кўпроқ тушунади, — деди Элизабет жуда жиддий.

Ливен ярим очиқ эшикдан унинг орқасидан қараб қолди. У «Унга жуда кучли таъсир қилдимиз» деб ўйларди! Элизабет қайтиб келиб унинг ёнига ўтирди. Унинг юзи хотиржам эди.

— Ниҳоят, Ливенлардан биттаси, яна Отто исмлиси, ота мерос мулкига эга бўлади, — деди у.

— Агар акангнинг гапига қулоқ солсак, Элизабет, биз у ерга ҳеч қачон қайтиб кетмаган бўлардик, эшитяпсанми, ҳеч қачон! — деб эътироз билдирди Ливен. — Бу мухлис, хаёлпараст билан биз узоққа боролмасдик. Бизга тегишли нарсани фақат қуроқ кучи билангина қўлга киритолган бўлардик. Бечора акангнинг идеали жуда галати эди: у ҳам Бисмаркдай, ҳам Шлагетердай, ҳам Исо пайғамбардай бўлишни орзу қиларди. Бу телбалик-ку. Бизнинг хўжайин эса жуда ақлли гапларни ёзади. Бизнинг мулкимизни зулукдай сўраётган аблаҳлардан қилган ҳамма ўлжаларини битта қўймай сиқиб олишимиз керак; улар ерни чопишсин, юмшатишсин, ўзбошимчалик билан тортиб олган ерларимизни пешона терини тўкиб суғоришсин. Сенга тегишли нарсаларни сен фақат шу йўл билангина қўлга кирита оласан. Фақат шу йўл билан уйга қайтишинг мумкин.

— Мендан кўнглинг тўқ бўлсин, сира ҳам қўлингни тутмайман, — деди Элизабет. — Бугун кечаси кетишни истамасанг, эртага эрталаб кетамиз.

Эрнст кулиб қўйди.

— Сен унчалик ҳовлиқма, менинг Берлинда бир оз қиладиган ишларим бор, сен ҳозирча ҳамма нарсани тайёрлаб қўй, ҳа, айтмоқчи, болани яхшилаб ўра, совуқ еб қолмасин.

Эрта уйга жўнаб кетамиз деган кун кечаси Элизабет ухламай чикди. У лампа ёруғида тўр тўқиб, ароқ ичиб ўтирди. Элизабет Ливенга, хўжайка Габерша мени чекишди мана шундай қилиб қайтарди, у менга бичиб-тўқишнинг шунча кўп хилини кўрсатдики, тўқилган кофтлар то қиёматгача бутун бир авлодга етиб ортади, деб тушунтирди. Бола қаттиқ ухлаб ётарди. Ливен ҳам Элизабетнинг каравотида данг қотиб ухлаб ётарди. Элизабет: «Уйга қайтиб келиш унинг учун бирор кўнгилли воқеа эмас. Унинг учун уй йўқ. Барибир қаерда бўлса ухлайверади. Қанча кўп жойда тунаса, шунча яхши. Шунга қарамай у мени уйга олиб кетяпти, у ваъдасининг устидан чиқди. У ҳар қандай мақтовга лойиқ. Мен, ниҳоят болам билан ўша ерда, шимолда, кўлим бўйида, ўрмонларим, булутларим ўртасида бўлсам бўлди, менга бошқа ҳеч нарса керакмас», — деб ўйларди. Онаси билан акасининг ўлиmidан кейин у одамлар билан мутлақо гаплашмай, ҳисоблашмай қўйганди. Унга фақат уйи бўлса бас эди. Уйининг тўрт девори ичига кириши билан иши юришиб кетишига Элизабет жуда қаттиқ ишонарди.

Унинг орзу хаёлларини ҳаво тревогаси тарқатиб юборди; у боласининг каравотига ташланди, уни йўлга тайёрлаб қўйилган иссиқ нарсаларга шоша-пиша ўради. У: «Ким билади, кетолмай қоламизми ҳали»... деб ўйларди.

У Ливендан бир қадам нари кетмасди, чунки у болани зинадан олиб тушарди. Ливен буни ҳам, қўл урган бошқа ишлари сингари енгил ва чаққон қиларди.

Ертўла дим ва тор эди. Бомбадан сақланадиган жойнинг комендант катталики билан бақириб-чақириб тартиб ўрнатарди. Лекин сиренанинг охириги сигнали билан бомбанинг биринчи портлаши оралигида у паст овозда буйруқ берарди, унга бир нарсани маъқул қилиш қийин эди.

Элизабет пальтосининг этаги билан ўғилчасининг бошини беркитди. Одамлар терлаб-пишиб, қалтирашиб худди вагонда ўтиришгандай бир-бирларининг пинжи-

га кириб кетишганди. Унга, Элизабетга ҳам, бу ертўла нариги дунёга шамолдай тез учиб кетаётган поездга ўхшаб кетарди. Сирена ғувиллаб, зенит тўпларидан гумбурлаб ўқ узилганда, гўё дўзахга олиб борадиган йўлдаги станцияларда шайтонлар сигнал бераётгандай бўлиб туюларди. Ҳар сафар гумбурлаган товуш эшитилганда Элизабет, поезд ҳозир изидан чиқиб кетади, деб ўйларди; лекин жасур, шўх, номаълум машинист ўз вақтида чаққон буриб юборар, поезд шамолдай олдинга интилар эди, гўё унинг ўз манзилига бут-бутун, бешикаст етиб бориши тайинланган эди.

Кейин бир оз жимлик чўкди, лекин сиреналарнинг увиллаши хавф-хатар борлигидан далолат бериб турарди. Одамлар нафасларини сал ростлаб олишди. Элизабетнинг қулоғига ҳар томондан гангур-гунгур гап эшитиларди; йўлда кетаётганинда шундай бўлади, бунда биров билан дўстлашишга ҳам, уришишга ҳам вақт бўлмайди. У: «Болам ёнимда, бошқаси билан нима ишим бор», деб ўйларди. Тўсатдан у сочлари тўзғиган, эндигина уйқудан турган хўжайкаси Габершани кўриб қолди.

— Бу бандитлар бизни қўрқитамиз деб ўйламай қўя қолсинлар,— деди Габерша, кўпчилик бақириб-чақириб унинг гапини шоша-пиша маъқуллашди. Бир гўдак тинмай йиғларди. Гўё онаси бундай йиғлоқи болани туққанидан уялаётгандай, уни доимо алдаб-сулдаб юпатишарди, бу боланинг онаси тўртинчи қаватдаги ҳаммага қовоғини солиб қараётган майорнинг хотини эди. Аллақандай бир қиз жинни одамларга ўхшаб куларди, уни ҳечам тўхтатиша олмасди.

— Шароитларинг ёмон эмас-ку,— деди кимдир. «Ҳа, бу Ливен,— деб ўйлади Элизабет,— у ҳам шу ерда». У билан анча яқин алоқада бўлганини Элизабет шунчаки бир эслаб қўйди. У боласи билан бу ҳавоси оғир вагондан чиқиб кетишни жуда ҳам истарди. У: «Яна йўл юришининг нима кераги бор? У дунёга қачон борсанг ҳам, юк билан борасанми, юксиз борасанми, барибир эмасми?» Шунда ёнларида яна бомба портлади, Элизабет: «Биз уйга етолмаймиз», деб ўйлади. Иккинчи марта портлаганда: «Улар уйни бекорга саранжом-саришта қилдилар, деҳқонлар немис солдатларининг назоратида ерни бекорга ҳайдашди. Ҳаммаси беҳуда», деб ўйлади у яна. Бола энтикиб-энтикиб йиғларди. «Ке, бўлди, кўп чўзаверма, болакай, етиб қолдик».

— Элизабет!— деб чақирди Ливен.

— Нима?

— Қалай, соғмисан?

— Ҳа, соғга ўхшаймиз.

Ниҳоят, уларни эрталаб ташқарига чиқаришди. Ҳа-во тоза, салқин шабада эсарди. Нариги дунёга, энг охириги станцияга сира ҳам ўхшамайди. Уша одатдаги таниш кўча, фақат бурчакдаги уй йўқ. Бутун квартал ўраб олинганди. Уларни вақтинча қўшни ҳовли флигеллига жойлаштириб қўйишди. Элизабет, йиғлайвериб кўзлари қизариб кетган болани овқатлангирди-да, ухлагани ётқизди. Ливен, қуршовдаги уй ичидан чамадонларни ташқарига олиб чиқишга бир йўлини қилиб рухсат олди. Буларнинг ҳаммаси ер бетида, одатда қилинадиган ишлар эди. Элизабет: «Демак, ҳар ҳолда бугун эрталаб жўнаб кетарканмиз-да»,— деб ўйлади. Элизабет бутун атрофда ўша-ўша одатдаги қўрқув, ғазаб, адоватни кўрарди. У ҳатто Габерша билан яна учрашиб ҳам қолди, унинг икки юзи қип-қизил эди. Демак, у ҳам нариги дунёга боролмабди; у нариги дунёга боришни хаёлига ҳам келтирмабди, у оғзига келган сўзлар билан қарганар эди. У бундан бир неча соат бурун тепасидга қанот қоқиб юрган ажалга лаънат ўқирди.

Орадан сал вақт ўтмай Элизабет ўз боласи билан махсус поезд вагонидан ўтирарди. Бу поездни бошқариб бораётган киши бояги номаълум машинист эмасди, лекин бунда вагон-ресторан бор эди, чунки поезд штабга қарарди. Инглизларнинг қасос олиш учун уришишлари йўловчиларнинг ғазабини қўзгатарди, уларнинг бу иши кулгидан бошқага арзимасди. Қани, кўрамиз, ким кўп чидаш бераркан. Бола вагонда кечаги уйқусиз ўтказган туннинг ҳиссасини ҳам чиқариб ухламоқда эди. Ливенлар вагон-ресторанда иккита таниш эр-хотинларни кўриб қолишди. Эркаклардан бири бир вақтлар Элизабетнинг кўнглини овлаб юрган Рецлов эди. У ўзича Элизабетни кўримсиз, тортинчоқ хотини билан солиштирарди. Ливен зийраклиги, гапда, юриш-туришда чаққонлиги билан дарров кўпчиликнинг диққатига сазовор бўла олган Элизабетдан фахрланар эди. Поезд Берлинга яқин жойда, катта темир йўл станциясида тўхтади. Энг четдаги изда турган вагонларнинг бирида тўс-тўполон эди.

— Яхудийларни жўнатишяпти,— деб тушунтирди Рецлов.

Ҳамма қизиқиб ойнадан қаради. Соқчилар моллар учун мўлжалланган вагонга хотин ва болаларни, чол ва ёшларни устма-уст тиқишарди.

— Уларни нима қилишади?— деб сўради Элизабет.

— Бу ерда бизларга халақит бермаслиги учун уларни Польшага олиб бориб ташлашади.

— Уларнинг жойи ўша ер,— деб маъқуллади Рецловнинг кўримсиз, уятчан хотини.

Элизабет, вагонга итариб киритишаётган ҳомиладор хотинга кўзини узмай қараб турарди. Ниҳоятда тиқилинч бўлишига қарамай, у хотинга йўл беришга ҳаракат қилишар, ҳатто вагонга чиқиб олишига юқоридан ҳам, пастдан ҳам ёрдам беришарди.

— Уларга овқат беришадими?— деб сўради Элизабет.

— Ҳа, лекин улар ўрганганчалик ёғли эмас,— деб жавоб берди Рецлов.

— Ушанда ҳам агар ўзимиздан ортса, берамиз!— деб қўшиб қўйди, кал бир киши.

— Эрнст, ҳомиладор хотинни кўрдингми?— деб сўради Элизабет.

— Хўш, нима бўлибди?

— Борди-ю, вагонда тугиб қўйса-чи.

— Яхудийлардан врач шундай кўпки, ўша вагонда ҳам албатта битта-яримтаси топилади.

Хотинининг бу саволи ва ошналариининг бу саволни эшитиб ҳайрон бўлиб қараб туришлари Эрнстнинг жаҳлини чиқарди.

Шунинг учун ҳам Элизабет шошилиб бошқа нарсадан гап очди:

— Рост чой бўптими, хитой чойи-да.— У чойга қанд солиб аралаштирди. Официант куйган нон келтириб қўйди ва ҳаммадан хушмуомалалик билан нон қарточкасини сўради, у гўё озик-овқатларнинг кам сотилаётгани учун узр сўраётгандай эди.

«Ҳозирча ўзимизга етиб турибди,— деб ўйлади Элизабет.— Яхшиси, ҳа демай уйга етиб боришлигимизни ўйлаш керак. Ўтмишни ўйлагандан кўра, яхшиси келажакни ўйлаш керак, уйдан қочиб кетганимизни яхшиси эсламаслик керак: биринчи марта, бундан кўп йиллар бурун, иккинчи марта, аҳвол анча яхшиланиб қолганда.

Даҳшатли сигнал, жинни, эсипаст машинист билан нариги дунёга қилинган тунги саёҳатни, катта темир йўл станциясидаги вагонни яхшиси эсга олмаслик керак; буларнинг ҳаммасини ўтмишга супуриб ташлаш керак».

Элизабет, немис оккупацион ҳукуматининг буйруғи билан унинг учун уюштирилган қабул маросимига мутлақо эътибор бергани йўқ. Бу ерда ҳамма нарса: гуллар, байроқлар, ҳатто музыка ҳам бор эди. Маҳаллий эсэсчи йигитлардан фахрий қоровул қўйилганди. Бу ерда энди ким хўжайин эканлигини кўрсатиш учун қулай фурсатдан фойдаланиш керак эди. Элизабет учун эса бу дабдабали қабул маросими бир тўсиқ эди: у уйга мумкин қадар тезроқ кирсам дерди. У нафас олганда, ўз ўрмонининг, кўлининг, болалигидан билган, кўрган ҳамма пок, гўзал нарсаларининг ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олаётгандай бўларди. Қишлоқ кишиларининг ғазаб ва нафрат билан боқишлари ҳам унинг кайфиятини бузолмади. Ҳаммадан олдинда уйқуга қонган, соғлом боласининг қўлидан етаклаб олган Элизабет уйга кираверишдаги зинапоёга биринчи бўлиб тантанали қиёфада қадам қўйди. Устунлари таниш пештоқ уларнинг келишига шошилиш равишда цементланиб, суваб қўйилган эди. Кимдир унга эски одат бўйича туз билан нон тутди.

Ливен, яқин кунларда Берлинга борганимда немис аёлларидан яхши бир оқсоч топиб бераман, деб ваъда берди. Элизабет, бола энди ўз ота ерида ўсади, шаҳардагидан кўра у бу ерда тезроқ вояга етади, деб хурсанд бўларди. Эрталаб уйқудан туриб, у деразадан гўзал табиат манзарасини томоша қилиб, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганда ўзини бахтиёр ҳис этарди. Ёлғизликдан у сира ҳам сиқилмасди, ҳатто Ливен яна фронтга кетганда ҳам Элизабет ўзини жуда яхши ҳис этди. Ливеннинг келиб-кейтиб туришлари унинг жонига тегарди, чунки эри ёр-биродарлари билан келиб кайф-сафо қилар, югур-югурлар бошланар эди.

Элизабет, бу атрофларда ёлғиз юриш хавfli деганларини эшитиб ҳайрон бўлди, ҳатто кулиб ҳам юборди. Бу одамлар шахсан унга қарши нималар қилиши мумкин? Ахир у ҳеч кимга ёмонлик қилгани йўқ-ку. Бу ерда Советлар келиб кетгандан кейин, ҳамма одамлар бу-



тунай ўзгариб қолишган, деб уни ишонтирмоқчи бўлишарди. Энг итоаткор, қобил одамлар ҳам фитначи, ғаламус бўлиб кетганмиш. Тўғри, энг ашаддий исёнчиларни йўқотиш учун айрим тадбирлар кўрилди. Именида Элизабет ҳам илгариги одамларни учратмасди. Фақат кампир — экономка ўз ўрнига қайтиб келди, у ҳам ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, уйдан яширинча қочиб кетиб, ота-оналарини ўз ҳолига ташлаб қўйган ўғил ва неваралари ҳақида деяри ҳар кунни ғазаб билан гапирарди.

## УН ЕТТИНЧИ БОБ

### I

Элизабет ўғлини ўз ота ерида тарбиялаб вояга етказишни орзу қилиб келарди: мана энди шу орзуси ушалди. Ботаётган қуёшнинг кўлга тушиб турган қия нурлари ҳам, қушларнинг чуғур-чуғури ҳам, меваларнинг таъми ҳам — ҳаммаси унинг яна уйда эканлигидан далолат бериб турарди. Бир вақтлар уни бу ердан қувиб чиқаришганди, у бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга, бир хушторининг олдидан иккинчисига санқиб юрганди. У ўзича ватанини дунёда энг бирдан-бир тинч, осойишта жой деб тасаввур қиларди. Ўз жонажон юртининг осойишталиги шу қадар буюк эдики, энди уни ҳеч нарса — узоқлардаги тўпларнинг гумбур-гумбури билан ҳам, якка милтиқ овозлари ҳам, шаҳарни бомбардимон қилишларидан дарак берувчи сиреналар ҳам безовта қилолмасди. Элизабет гўё ўзини ҳаётдан баланд девор билан тўсиб олгандай эди, у ватани ҳақида унга болалигидан азиз ва мўътабар бўлган нарсалар — ўт-ўланлар ҳиди, майин шабадаси ва деҳқон аёлларининг ранг-баранг, гулдор кўйлақларидан бошқа ҳеч нарсени билишни истамасди. Ёзда меҳмон бўлган дўст-биродарлари ички ҳовлида ёки катта залда юришганларида, уларнинг суҳбати қулоғига аранг чалинган эди. Ҳатто улар таъби хира бўлиб келишиб, руслар ҳужум қилишпти, улар Харьковни қайтариб олишди, иттифоқчилар Тунисда ғалаба қозонишди, деб тинмай унинг қулоғига қуйишлари ҳам, кучли қаҳри ғазаблари ҳам назарида ватанининг ажралмас хусусияти бўлган тинчликни буза олмайдигандай бўлиб туюларди.

Рецлов ўзининг кўримсиз, тортинчоқ хотинининг олдидан қаёққадир кетиб дам олишга ҳозир ҳам илгаригидай жон деб рози бўларди. Элизабет, унинг назарида, илгаригидан ҳам ёшариб, яна ҳам очилиб, гўзаллашиб кетгандай эди. Унда уятчанликдан асар ҳам йўқ эди, тўғри, шўхлиги, ҳазилкашлиги ҳам йўқолганди. Рецлов боланинг онаси ёнида кўпроқ ўтириш ниятида ўғлига ҳуштак ясашга киришди. Бошқа ҳамма дўстлари шаҳарга қайтиб кетишди. Улар фронтдан олинган хабарларни эшитиб, анча хафа бўлишди ва ташвишга тушиб қолишди. Катта умидлар билан бошланган Орёл остонасидаги ҳужум — у ерга жуда кўп танк ташланганди — аллақачон тўхтатилиб қўйилганди.

— Бошимизга тушган ташвишлардан фақат шу ерда, сизларникида бемалол дам оласан, киши,— деди Рецлов.

— Шундай денг-а,— деди Элизабет.— Рецлов унга ажабланиб қараб қўйди.— Лекин мен учинчи марта бу ердан кетмайман,— деб қўшиб қўйди бир оздан кейин.

— Бу сафар мен сизни қўриқламаган бўлардим. Сизга маслаҳатим шу: агар ишлар пачавалашиб кетса, барвақт кетганингиз маъқул.

— Мен бу ердан ҳечам кетмайман. Сизларнинг шаҳарларингда сайр қилиб юргандан кўра, шу ерда ер тагида ётган афзал,— деди у кулимсираб.

— Қани энди, бизнинг ҳамма ер эгаларимиз билан кўчиб келган кишилар мана шундай ўйлашса, жуда саз бўларди-я. Лекин бола-чи, бола? У нима бўлади?

Элизабет елкасини қисиб қўя қолди.

— Болага ким оначалик ғамхўрлик қилади? Мен ҳеч қачон ундан ажралмайман. Сизга нима бўлди ўзи Рецлов? Хўш, агар аллақерда, юқорида бирор ишнинг мазаси бўлмаса, шунга нима бўпти.

Элизабет янги ҳуштакни чалиб кўраётган ўғлининг қалин сочини силади. Ўғли жуда жажжи, сал эрка эди. Элизабет тўсатдан гап оҳангини ўзгартирди. Унинг жиддий бўлиб туриб, бирдан бепарво бўлиб олиш одатлари Рецловга жуда ёқарди.

— Бир кунни шайтоннинг бир бегуноҳ қизни йўлдан урганлиги тўғрисидаги эртаски биласизми? Қиз фарзанд кўрганда, худо, у отасининг фақат энг яхши фазилатларини қабул қилсин деб буюрибди. Бола чиройли, довюрак ва ақлли йигит бўлиб етишибди.

Энди Рецлов кулиб юборди.

— Биринчи эшитишим — жуда соз! Фақат, бир нарсани аниқлаб олиш керак, шайтон ким-у, бегуноҳ қиз ким?

Иккаласи ҳам хохолаб кулишди, Рецлов уйига анча хурсанд бўлиб кетди.

Элизабет эса ёлғиз қолганидан хурсанд эди.

Қўшимча қурилган иморатларга солдатлар жойлаштирилди. Бу хўжайинларни ва хўжаликни қўриқлаб туриш учун керак, дейишди Элизабетга, чунки бурунги вақтлардагидай, яна ҳужум қилишлари мумкин эди. Ҳармонларда яшириниб юрган кичик-кичик шайкалар тез кунларда батамом қириб ташланади, албатта; мунтазам армиялар учун буларнинг ҳеч хавfli жойи йўқ эди, лекин гарчи бир иш чиқишига кўзлари етмаса ҳам, ишқилиб бирорта ҳужум қилишга қодир.

Элизабет хавф-хатарни мутлақо ўйламасди; аксинча ўз уйидалигидан бу хавф-хатар унга бир гўзал нарса бўлиб кўринарди. Акаси унга бир вақтлар узоқ ўтмишда Элизабетга ўхшаган хотинларнинг қандай яшаганлигини гапириб берганди. Улар болаларини тарбия қилганлар ва деҳқончилик қилганлар, эркаклар эса қўлига қурол олиб, уларни ҳимоя қилганлар.

Тош йўлдан ўтиб кетаётган моторлаштирилган қисмлар, дала ишларига чиқаётган матюс деҳқонлар — буларнинг ҳаммаси помешчик уйининг баланд девори ёнидан ўтишарди. Бу ернинг ҳавоси шундай энгил ва тоза эдики, гўё бу ҳаво деворнинг нариги томонига лаънат ва нолишлардан тозаланган ҳолда ўтаётгандай бўлиб туюларди.

Эрнст Ливен узоқ муддатга командировка қилинган эди. Латиш эсэсчи отрядларни тузиш унинг вазифасига кирарди. Баъзида у уйга тўсатдан бирталай ошналарини эргаштириб келарди. Қўнгилли корпуслар бор вақтда ҳам, унга бошпана беришган имениеда ҳам шундай бўларди. Энди бўлса у ўзининг шахсий имениесида бошқаларга бошпана берарди. Энди у ҳеч нарсани яширмас, ҳар бир ишни очиқ ва дангал қиларди. У ўзининг гўзал хотини ва ўғилчаси билан фахрланар эди. Ёмон, совуқ ҳис-туйғулардан асар ҳам қолмаганди, эҳтимол, Элизабет ўзини калака қилиш одати билан бундай ҳисни унга бекорга тўнкагандир.

— Нацистлар фарзанд кўринглар деб биздан беҳуда

талаб қилишаётгани йўқ. Бизга айниқса керак. Мамлакатимизни қўлимизда ушлаб туришимиз учун азамат ўғиллар керак, — деди у бир куни гапдан-гап чиқиб.

Элизабет кулиб юборди, лекин кўзлари совуқ ва ғазабли боқарди.

— Гўё ўзинг эсэсчилар мундирини кийиб юрмагандай, нацистлар тўғри қилишяпти дейсан-а.

У Элизабетни елкасидан ушлаб энгилгина силтаб қўйди. У Рецлов атрофингда илгаригидай гирди капалак бўлиб юрибди, лекин ҳамон бир иш чиқаролмаяпти, деб мамнун бўлиб гапирди. Элизабет уни писанд қилмасди. У ҳамма нарсага нафрат билан қарарди. Унинг ўзи, Ливен ҳам у билан зерикадиган бўлиб қолди. Уйда у ошналари билан бирга кўнгилхушлик қилишни афзал кўрарди. Бир куни Элизабет улар учун қўшни хонада чой тайёрлаётган эди, ўғилчаси оёғи тагида ўралашиб юрарди. У қия очиқ эшикдан Рецловнинг сўзларини эшитиб қолди:— Мен бу муттаҳамларнинг нима қилаётганларига сира тушунмайман. Шахсан мен учун бу манзара монастирга кетишга ундовчи сабаб бўлган бўларди. Агар игумен бўлганимда эди, ваъда қилишдан аввал ҳамма монахларни шунга ўхшаш кўргазмани кўришлари учун лагерга жўнатган бўлардим. Шундан кейин улар кечгача ўз ваъдаларига амал қилган бўлишарди.

Ҳамма хохолаб кулиб юборди.

— Жуда тўғри, мен бу қадар расвогарчиликни умримда кўрган эмасдим, — деди Ливен, — кўкрак, қоринларини айтмайсанми...

— Бир вақтлар мен ҳам бир яҳудий аёл билан айланишган эдим, — деб бўйнига олди Рецлов. — Бунга кўп вақт бўлган, албатта, у вақтда ҳали ирқий жиҳатдан ўзимизни англаб етмаган эдик. Мана энди мен тушунмай ўтирибман: ё бу ерга қаланғи-қасанғиларни жўрттага ҳайдаб келишган, ё менинг эндигина кўзим очилиб, оқ-қорани ажрата оладиган бўлдим.

— Мен уларга ҳеч қачон қизиққан эмасман, — деди Ливен, — менга бутунлай бошқа тоифадагилари учрашган. Лекин бунчалик бадбуришлик, бу, бир тасодифий ҳол бўлиши мумкин эмас. Ахир, уларнинг икки мингга яқинини кўз олдимизда ҳайдаб кетишди-ку.

Гапни бошқа биттаси илиб кетди. Бу Шульце эди. Элизабет уни овозидан таниди.

— Ахир улар ўзларини нималар кутаётганини биларди-ку, ахир бу тўйда юриш эмас-ку! Бундай сайр битта қизга ҳам зеб бермайди.

— Бўлмаган гап,— яна Рецловнинг овози янгради,— мен уларнинг юзи тўғрисида гапирганим ҳам йўқ-ку; мен кўкраклари билан қоринларини гапиряпман; қўрқувдан шишиб кетишлари мумкин эмас-ку.

Элизабет чой билан чой идишларини ҳозирлаб қўйди. У, ҳадеб ёпишаверган ўғилчасини қаттиқроқ итариб юборди. Бола унга ҳайрон бўлиб қаради. Элизабет столгача бир неча қадам босиши керак эди. Бу ҳам тўйда юриш эмас, деб ўйларди у. Лагерь тўғрисида унинг олдида илгарилари ҳам гапиришар эди; аввалига шунчаки гап орасида айтиб қўйишарди, кейинчалик эса бутунлай очиқ гапиришадиган бўлишди.

Эрнст Ливен бир кун унинг саволига шундай деб жавоб берди:

— Берлинда, магазинларда навбатда турган немис болаларини, бозордаги тиқилинччи бир кўрсанг эди. Биз, болаларимизни совуқ ейишга, оч қолишига сира ҳам йўл қўймаймиз, деб қасам ичдик. Ўз ўғлинг бир бурда нонга зор бўлиб ўтирганда сен бировнинг боласига сира ҳам овқат бермасдинг. Биз халоскор армиядан ибрат олиб, кўзбўямачилик билан шугулланиш зарур, деб ҳеч қачон ҳисоблаган эмасмиз: улар у ерда, биз катта бир шаҳарда йигирмага яқин болани овқатлантирдик, деб мақтанишадими, шундай ёнларида икки минг бола очидан ўлишяпти. Биз эса, шунчаси ўлади, шунчаси тирик қолади, деб аниқ ҳисоблаб чиқамиз.

Ушанда Элизабет нима деб жавоб беришини билмади. Энди эса у: бундай танлаб ўтириш йўқ, бўлиши ҳам керак эмас, деб ўйларди. Бу нарса фақат қадимги афсоналарда бўларди, унда асроил: ё болангни ўлдираман, ёки жонингни оламан, икковидан бирини танла дерди.

Қулоғи сал оғир одам атрофидагиларнинг гапини чала чулпа эшитгани сингари, Элизабет ҳам мана бир йилдан буён шунга ўхшаш гап-сўзларни эшитиб юрарди: қулоғи оғир одам дам бехосдан қаттиқ айтилган бир сўзни эшитиб қолади, дам бунинг қанақа сўзлигини одамларнинг лаб ҳаракатидан билиб олади, одамларнинг юз ифодасига қараб сўзларнинг маъносини баъзида тўғри, баъзида нотўғри топади, жуда бўлмаса битта-яримта унинг олдида ўтириб олиб, унинг билиши

зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасини тушунтириб беради. Лекин Элизабетнинг ёнига ҳеч ким ўтирмас, ҳеч ким тушунтириб беришга ҳаракат қилмас эди. Ҳозир эса тўсатдан у залдан қўшни хонага эшитилиб турган сўзларга қараб, гап нима устида кетаётганлигини ипидан-игнасигача билиб олди. У Рецловга чой қўйиб берди, Ливен эса, Рецловнинг миннатдорчилик билдириб, хотинининг қўлидан ўпишларини синчиклаб кузатиб борди. Элизабет қўлини деярли қўпол равишда тортиб олгани Ливенга жуда ёқиб кетди.

Лекин кечаси, иккаласи ёлғиз қолишиб, Ливен унинг олдида борганда Элизабет уни ҳам шундай қўполлик билан итариб юборди. Ливен унга кўзини қисиб қаради: Элизабетнинг ниятини у билмасди. Элизабет буни шунчаки қўполлик қилиш, унинг шаштини қайтариш учун қилдими ёки ундан қутулиш учун қилдими, билмасди. Элизабет ҳушёр тортиб қолган Ливеннинг таранг юзида дўқ ифодаси борлигини сизди. У ўзини қўлга олди-да:

— Азизим Эрнст, хафа бўлма, ўлгудек чарчаганман,— деди.

Бошқа кунлари у жуда эпчил, чаққон, ҳазил-ҳузул билан елиб-югуриб хизмат қиладиган бўлиб қолди. Унинг бу ҳазилкашлиги Ливенга ёқарди.

Баъзида у ўзи ёлғиз бўлишни, хотиржам ўйлашни истаб қоларди. Унга қабиҳликдай туюлган нарсага йўл қўйиб бўладими, ахир. Унинг атрофидаги эркаклар йўл қўйса бўлади, дейишарди. Герман миллати ҳамма нарсадан юқори, азиз — демак ҳамма ишни қилаверса бўлади. Агар қилиш мумкин бўлмаса, агар ҳамма нарсага ҳам йўл қўйилмаслигини, у тўсатдан тушуниб қолса, демак миллат ҳам ҳамма нарсадан юқори, азиз эмас экан-да? Элизабет баъзида ярим кечада уйғониб: «Болани яхшилаб ўраб-чирмаб, у билан узоқ-узоқларга кетсам ёмон бўлмасди...» деб ўйларди. Қаерга? Энди борадиган жой йўқ эди. Бирор нарса — мактабми, хушторимй кўнглига урган вақтда у «Бошим оққан томонга кетаман», деб кўп ўйларди; лекин у вақтларда Элизабет: «Фақат уйимга қайтиб келсам бўлгани!» деб ўйлаши мумкин эди. Энди у шубҳасиз ўз уйида: унинг ўз уйи, ўғли бор. Энди бошқа борадиган жойи қолмаганди.

Бир куни у ярим кечада ўрнидан турди, чунки боласининг тоби сал қочиб қолганди. Биринчи қор ҳар хил ўйин-кулги, эрмаклар учун баҳона бўларди, булар ҳақи-

да болалигидан ёрқин хотира қолганди. Бола қорда агнаб ётарди, деншчик уни ва болани бутун қўра атрофида ченада тортиб юрарди. Ҳозир у боланинг устига тивит кўрпа ёпиб ухлаб қолишини кутиб ўтирди.

Унинг қулоғига аллақадан узоқдан отишма товуши эшитилди-ю, лекин у бунга унчалик эътибор бермади. Кейин унинг қулоғига одам товушлари, эшикларнинг тақиллаши, баланд овозда берилган буйруқлар, оёқ товушлари чалинди. Аввал Ливен, унинг кетидан изма-из Рецлов кириб келди. Улар Элизабетнинг олдига мўйнадан қилинган жикет, аллақандай кийим, одеялни ташлашди. Элизабет уларга, секинроқ, болани уйғотиб юборасизлар, дегандай ишора қилди. Лекин Ливен овозининг борича гапирди.

— Болани тезроқ ўра, ўзинг ҳам кийиниб ол; кийишга улгуролмаган ҳамма уст-бошларни автомобилга ортиб оламиз. Сизлар шу машинада, албатта кетишларинг керак.

— Нима, эсингни едингми, — деди у, — ўзи нима гап?

— Эсим жойида, — деб шартта жавоб берди Ливен, — бу бандитлар устимизга тўсатдан бостириб келиб қолди. Улар тош йўлни кесиб ўтишиб, ҳамма симларни узиб ташлашди. Сизлар тош йўлдан сал пастга тушиб, кейин чапга бурилиб, қишлоқ аро йўлдан бориб, тош йўлни айланиб ўтишларинг керак. Ундан нариёғига бемалол кетса бўлади. Улар қишлоқнинг ён-верида. Биз уларни ҳаш-паш дегунча бир ёқли қилиб ташлаймиз, лекин ҳар ҳолда сен бола билан бу ердан кетганинг тузук.

Бу гап Элизабетни ҳечам ташвишлантиргани йўқ, фақат қизиқтирди.

Рецлов бандитлар биз тахмин қилганимиздан кўп, деб тушунтирди. Афтидан, ўрмонларда тарқалиб юрган майда-чуйда, арзимас босқинчилар шайқаси, бирикканга ўхшайди. Бандитлар қўшни имениени қўлга киритишга ҳам улгурдилар, хойнаҳой деҳқонлар ҳам ёрдам беришган бўлса керак; улар телефон билан радиони олдиндан ишдан чиқариб қўйишган эди. Улар соқчиларни кириб ташлашиб, дала ишларига юборилган бир тўда асирларни қуроллантиришди; шундай қилиб улар бу ерга ҳам бостириб кела оладиган даражада куч тўплашди. Уларни ёрдамчи кучсиз ҳам йўқ қилиб ташласа бўлади-ку, албатта, лекин нима деб бўлади, ёрдамчи куч етиб келгунча яна бир бало бўлиши ҳам мумкин.

да, ҳали ким билади, улар тез ёрдам бергани шошиладими ёки бу бандитлардан бир йўла қутулиш учун аввалига бутун қишлоқни ўраб олишадими. Агар шундай бўлса, бу чақирилмаган меҳмонларни кутиб олишга тайёр туришимиз керак.

— Ҳаммасини билишнинг сенга нима кераги бор, — деб унинг сўзини бўлди Ливен, — тезроқ жўна. Майли, бу ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик бўлсин, шунда биз сени эртага қайтариб олиб келамиз. Қишлоқнинг орқасидаги тош йўл ҳали ҳам бўш, қишлоқ аро йўлдан ўтилса, ҳам бўлади — қор қалин эмас.

Ливен бола билан бошқа нарсаларни кўтариб олди-да, хонадан чопиб чиқиб кетди, у Элизабетнинг изма-из чиқишига шубҳаланмасди.

Элизабет машинанинг рулига ўтирди, чунки болани аллақачон машинага ётқизиб қўйишганди. Рецлов ниманидир тўғрилаб, одеялни итариб қўйди.

— Қани ҳайда! — деб қичқирди Ливен ва машинанинг орқасидан қараб қолди.

— Ажойиб хотин! — деди Рецлов.

— Қани кўрамиз! — деди Ливен. У қўлидаги сигаретани улоқтириб юбориб, ўз соқчиларини чақирди. Солдатлардан бир қисмини имениени ҳимоя қилдиргани қолдирди. Бошқалари қишлоққа жўнатилди. У ерда чий ёнидаги ғарамга яширинган, шубҳали кўринган бир аёл билан иккита эркакни отиб ташлашибди. Кўп ўтмай, патруль қора бир ёш йигитчани ушлаб олишганини хабар қилишди, хойнаҳой разведкачи бўлса керак. Чунки қор у қадар қалин бўлмаганидан у яхши яширишолмаган, уни топишлари биланоқ, шу ернинг ўзида отиб ўлдиршибди. У, партизанлар ёрдамга келиб қутқаришгунча қор-бобо бўлиб оламан, ҳеч ким сезмайди, деб ўйлаган бўлса керак.

Ливен энг муҳим пунктга, қишлоқнинг ғарб томонига қараб йўл олди. Дозорчи черковнинг қўнғироқхонасидаги кузатув постидан пастга тушди. У, бандитлар уч отрядга бўлиниб кетди, деб хабар қилди. Биринчиси қўшни имениени ишғол қилди. Элликка яқин киши кўл ёқалаб бу ерга келишяпти; соқчилар уларни тўхтатиб қўяди, деб умид қилса бўлади. Майда-майда группаларга бўлиниб кетган учинчи отряд далалардан юриб келишяпти; шаҳар билан алоқа ўрнатишнинг сира иложи йўқ; ҳамма телефон симлари узиб ташланган.

Бир соатдан кейин, шаҳардан юборилган полк кўл бўйидаги районларни қуршаяпти, деган хабар келди. Шундай қилиб уларга ёрдамчи куч келгунча, қуршовдаги районда ҳар бало бўлиши мумкин. Қўлнинг бу қирғоғидан эшитилаётган отишмаларга қараганда, ҳужум қилувчиларнинг кучи олдида соқчилар жуда ожизга ўхшарди. Рецлов келди, Ливен унга қиттак отиб олишни таклиф қилди. Солдатларга ҳам тез-тез ва кўп-кўп ичириб туришни буюрган эди. Ливенга аҳвол чатоқ туюлаётганини Рецлов ошнасининг авзойидан билди. Лекин, аҳволнинг бошқаларга жуда қўрқинчли туюлиши бу иблис Ливенни хурсанд қилади шекилли.

— Хотининг билан ўғлингнинг бу ерда бўлмагани жуда яхши бўлди,— деди у.

Кузатув постидан берилган сўнгги хабарда учта отряднинг бирлашгани айниланди. Тонг отди. Тонг ёришганини ҳам сезмай қолишди, чунки ярим кечада қор ёға бошлади.

— Хотининг «Б» шаҳрига етиб олгандир дейман,— деди Рецлов.

— Эҳтимол улгургандир, — деб унинг гапини маъқуллади Ливен. Рецлов: «Ливен хотинини яхши кўрадим-йўқми? У умуман кимни яхши кўради? Нега у доимо мийиғида кулиб қўяди? Бу ерда қандай кулгили нарса кўрди? Бизни қишлоқдан ажратиб турган йўлнинг ўққа тутулиши кулгилими? унинг кўзлари нега чақнайди» — деб ўйларди. Ливен энди буйруқ берар экан, қичқирмас, балки кўпроқ минғир-минғир қилар эди. Улар даражада яраланган лейтенант Шульцени олиб келишди. У инг-раш ўрнига хириллар эди. Ливен тишларини ғижирларди — худди у кулаётгандай бўлиб туюларди. Отишма шу қадар зўрайдики, Рецлов Ливеннинг қўлидан ушлаб тортди.

— Улар тўсиқдан ошиб ўтишяпти. Энди нима қиламиз, Ливен?

Ливен елкасини қисиб қўйди.

— Нима қилардик, тамом бўлдик,— деди у. Кейин: — Менинг орқамдан юр, ҳовлидан ўтиб кетса бўлади. Балки сездирмай чиқиб кета олармиз,— деб қўшиб қўйди.

Ливен сўнгги дақиқада сездирмай чиқиб кетолган орқа ҳовлилардаги ҳамма тешик-туйнукларни бир-ма-бир хаёлидан ўтказди. Қизиллар қанча марта унинг

изидан қувишган. Қанча марта у қизилларнинг худди бурни тагидан қочиб қутулиб кетган.

Энди вақти ўтганди. Снаряд парчалари залга худди ёмғирдай ёғиларди. Ҳужумчилар эшикларни синдиришни лозим кўришмади. Улар девор устига чиқишиб, тўппа-тўғри ён томондаги катта-катта ойналарга сакраб тушишарди. Кейин эшиклардан ҳам ёпирилиб киришди. Энди у қўлга тушди. Нима ҳам қила оларди. Уйин тугади, энди тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмаганди.

У ўзи томон бостириб келаётган одамларнинг юзига қараб турарди, ғазабдан уларнинг кўзи, бурни, оғизлари ҳам ўз ўрнида эмасдек туюларди. Кимдир милтиқ қўндоғи билан солмоқчи бўлди. Шу заҳоти қаттиқ ҳайқирик эшитилди. Бошқа бирови — уларнинг бошлиғи бўлса керак — олдинга чиқди; милтиқ қўндоғи дарров пастга туширилди. Ҳамма четланди, бошлиқ эса унга жуда яқин келди; у қадди-баста келишган ёш йигит эди; фақат эгнидаги гимнастёркасининг ҳамма ёғи лой эди.

«Бизнинг душманамиз инглизлар бундай пайтларда нима дейишади-а?— деб ўйлади Ливен.— Take it easy! У чўнтагидан сигарета олиб қизил аскарга узатди-да, русчалаб:— Марҳамат, ўртоқ!— деди. Қизил аскар сигаретани унинг қўлидан бир уриб тушириб юборди.

— Олиб кетинг!— деб буюрди у.

Ливен бир оёғини чиқариб олдинга энгашди; уни чап томонидан ҳам, ўнг томонидан ҳам қўлтиғидан олишди. Ҳовлида деворгача босиб ўтилиши лозим бўлган бир неча қадам жойини у мумкин қадар бепарво ва эркин юриб ўтишга ҳаракат қилди.

Қор бутунлай топталган эди. Одамларнинг юзи девор фонида кишининг нафратини қўзғатадиган даражада кўк бўлиб туюларди! Ҳойнаҳой унинг юзи кўк бўлмаса керак. Ошнаси Рецлов шу ерда эди. Энг кичик ўйинда ютқизса ҳам у ўзини тутини билмасди. «Бир вақтлар мени шу ерда, Болтиқ бўйида, ҳалиги, ким эди, ҳа, Кожевниковнинг қўлида отиб ўлдиришларига сал қолганди. Лекин энг сўнгги дақиқада ҳам қутулиб кетганман. Йигирма етти йил диққат бўлишга арзийдими! Қанчалик алам қилмасин, лекин биз ютқаздик.

Take it easy! Уйин тугади!»

<sup>1</sup> Хотиржам (инглиз).

Элизабет тош йўлдан бурилиб, қишлоқ йўлига чиқиб олди. Орқасидан ўқ узишганда, у беихтиёр энгашарди. У ўйлагандан кўра анча узоқдан отишса ҳам, Элизабетга худди унга қарата ўқ узишаётгандай бўлиб туюларди. Агар унга теккизишса, тивит кўрпада тинч ухлаб ётган бола ҳам ўларди.

Яна тош йўлга чиқиб олиш учун Элизабет далаларни айланиб ўтди. Осмоннинг бир четида чақмоқ чақилгандай, энди отишма фақат ўнг тарафдан эшитиларди. Қор ёғарди, кеча жим-жит эди. Машинанинг мотори гўр-гўр қила бошлади; Ливен кеча бензин ёмон, деб сўкинганди. Лекин Элизабет машинани қишлоқ йўлидан ишонч билан ҳайдаб борарди. У Рецлов тушунтиргандай тош йўлга бурилишдан кейин чиқиб олди. Ростини айтганда Рецлов Ливенга қараганда Элизабетга кўпроқ меҳрибонлик қилди. Кета туриб Элизабет, тош йўлнинг мана шу қисмидан ўтиб олсам, нарёғи хавfli эмас, деб ўйларди. Мотор ўчиб қолди. У қўлқопини ечди; карбюраторга пуфлади; шоферларнинг иссиқ қўлқопини яна кийиб олди; фарб томонга қараб бир неча минут юрди; мотор яна гўр-гўр қила бошлади. Кейин бутунлай ўчиб қолди. У: «Бир оз кутиб турамиз, бошқа илож йўқ, иккаламизнинг ҳам уст-бошимиз иссиқ»,— деб ўйлади. Яқин орадаги қишлоқнинг чироқлари ўрмон орқасидан милтиллаб кўринарди. «В» қишлоғининг патруллари билан «Л» қишлоғининг патруллари кундузи ҳам, кечаси ҳам бир-бирлари билан учрашиб туришарди. Ҳадемай унинг машинасини сезиб қолишади. Бир оз сабр қилиш керак. Бола қаттиқ уйқуда эди; тобора қалин ёғаётган қорни у сезмасди! Балки, болани уйғотиб, у билан қишлоққача пиёда боргани тузукдир? У бу ерларни яхши биларди, адашиб қоламанми, деб кўрқмасди. Элизабет ўғлини уйғотди, у ҳайрон бўлди-ю, лекин индамай ўрнидан турди. Улар иккала тепаликдан ошиб ўтишлари керак эди, нарёғида эса йўл то қишлоққа етгунча кафтдек текис эди. Бу ерда ўрмонда қор унчлик қалин эмасди. Аввалига қордан юриш болага бир эрмак бўлди, лекин кўп ўтмай у чарчаб қолди. Уни кўтариб юриш Элизабетга анча оғир эди. У ҳатто терлаб кетди; лекин у анча бақувват эди, қишлоққача эса кўпи билан бир соатлик йўл қолганди. Биринчи тепаликдан кейин қишлоқдаги чироқлар яна ҳам яқин, яна ҳам ёруғ кўрина бошлади. Иккинчи тепаликдан эса, Элизабет бу милтиллаб кўринаётган чироқлар эмас, бал-

ки ойнинг кичкина кўлдаги шуъласи эканини кўрди. Ярим кечада қишлоқда чироқ нима қилсин? Бунинг устига чироқ ёқиш ман қилинган-ку, ахир. У болани қайтадан машинага олиб бориб ётқизиб қўймоқчи бўлди. Сабр-чидам билан кутиш керак. У яна бир тепачадан ошиб ўтди, иккинчисига аранг кўтарилди; қор юзига уриб турарди; тепалик устида бадтар қийналиб кетди. У боласини ерга туширди, у финший бошлади, шундан кейин Элизабет уни елкасига ўтқазиб олди, бу ёқди шекилли, бола жуда хурсанд бўлиб кетди. Афтидан у адашиб, бошқа томонга кетиб қолди, шекилли. Тош йўл кўринмасди; у ўғилчасини ерга қўйди; бола кўтариб ол, деб йиғлай бошлади; Элизабет уни яна елкасига ўтқазиб олди, лекин кўп юрмай яна туширди, чунки уни кўтариб юрадиган ҳоли қолмаганди.

Улар қордан сийрак буталар орқасига яширинди. Элизабет туришга интилди, ке, яна бир оз дам олса, нима бўбди? Патруль унинг машинасига дуч келганда, албатта сигнал беради. Элизабет шу ердан туриб ҳам жавоб бериши мумкин. Имение тарафдан эшитилаётган отишма энди тинганди; узоқ-узоқлардан якка ўқ овозлари эшитиларди, деярли ҳар кеча шундай бўларди. У соати билан билагузугини уйда эсидан чиқариб қолдирганди. «Ҳозир соатнинг қанча бўлганини билишнинг нима аҳамияти бор, барибир эмасми?» деб ўйлади у. Бирдан ҳамма нарса унинг учун аҳамиятсиз бўлиб қолди. Қор қуюни ичида аллақачон унутилиб юборган суратлар милтиллаб кўринарди, улар унинг кўзи олдида айланиб юришар, кейин яна ғойиб бўлишар эди. У: «Мен буни қаерда ўқиган эканман, буни менга ким ўқиб берган экан:— Биз, одамлар ҳисоблаймиз; у ҳеч нарсани ҳисобламайди. У фақат ўтган ёзнинг баргларини, бўлажак қишнинг қор учқунларини ва сенинг юрагингни урушини ҳисоблаб чиқди»— деб ўйларди.

У ўғилчасининг бошини тиззасига қўйди, бола кўрпа тагида худди типратикандай гужанак бўлиб ётарди. Унинг кўзлари юмилди. Қор энди буталар орасидан ҳам ўтарди. Қор ҳузури жонда! У гумбурламайди, кишини ярадор қилмайди, озор бермайди, фақат беҳуш қилади, холос. У боласини кўрпанинг тагидан ушлаб кўриш учун қўлқопини бир азобда кийди. Бола тинч ухлаб ётарди. Элизабет, ўғлининг бадани ўзининг қўли сингари иссиқ ёки совуқ бўлганми йўқми, билмасди. У: «Биз биргамиз!

Қани энди мен иккаламиз учун ҳам ибодат қила оясам!  
Қўлқопни кийиш ҳам ҳушимга келмаяпти. Қўлқопимни таги шундаям иссиқ. Э, тангрим агар сен самода бўлсанг эди, сенинг номинг нур сочиб турарди, уларнинг ҳукми, бадном, империяси эмас, сенинг ҳукминг қарор топарди. Ерда ҳам, кўкда ҳам уларнинг фюрерининг айтгани эмас, сенинг айтганинг бўларди. Уларнинг бомбардимончи самолётлари осмонда вангиллаб учиб, фугаслари ерда портламасди. Ризқи-рўзимизни ўзинг берардинг, ҳеч нарсадан кам бўлмасдим, руҳим тетик, таним соғ бўларди. Сен бизларни тўғри келган нарсага, хушторларга, пулга, мол-дунёга, совға-саломларга, ҳатто аллақачон жонимга теккан Ливендан бўлган шу болага кўнгил қўйишга йўл қўймасдинг. Сен қарзимизни ўзимизга қолдирган бўлардинг, орқа-олдимга қарамай, фақат ўз ҳузур-ҳаловатимни ўйлаб, бебош ҳаёт кечирганим учун мени ҳам авф этардинг. Биз ўз қарздорларимизга қолдирамиз, фақат Ливен, Рецлов ва Шульцелар олдида худди молдай қилиб, қип яланғоч ҳайдаган одамлар ўз қарздорларини кечиришга қодир бўлмасалар керак. Бундай ҳийла қилиш биргина сенинг қўлингдан келади. Олам ҳам худди уйимиздай тинч бўларди.

Уйимиз доим, ҳатто ҳозир ҳам тинч.— Майдалаб қор ёғяпти; сенинг ҳукминг бўлгандан кейин, куч, шон-шуҳрат ҳам бўлади, омин!»

## II

Зенит тўпларининг гумбур-гумбуридан уйғониб кетган Христиан, яна ухлаб кетармиканман, деган умидда чорак соат ўрнида ётди. Одатда у ёстиққа бош қўйиши билан ухлаб кетарди. Ҳозир унга фақат Берлин эмас, бутун дунёнинг кули кўкка совуриладигандай бўлиб туюларди. У кўпинча ўзига: нега энди мен шу бир парча ерга боғланиб қолганман?— деб савол берарди. Бу ерни танлаган эмас, ҳолбуки худди ўша ерда ўлишга тўғри келади. Утган урушда, лазаретда оғриқдан инграниб ётаркан, ўзича: қандай сабабларга кўра мен шундай мушкул аҳволга тушиб қолдим?— деб ўйларди. Бугун кечаси бомбаларнинг портлашини, соҳилдан ва кўлда изғиб юришган катерлардан отилаётган зенит тўпларининг даҳшатли гумбурашини, кўл атрофидаги патрулларнинг

қулоқни қар қилувчи ҳуштакларини эшитиб ётиб, нега энди мен келиб-келиб шу ерга тушиб қолдим, деб ўйларди. Бутун ер юзи энди унинг кўнглига ёқмай қолганди. Ахир, унинг саройи ҳам хавф-хатарли жой эди-ку. Гарчи бомбардимон вақтида очиқ ҳавога чиқиб рухсат этилмас ҳам, лекин у ўзининг супачасига судралиб чиқиб олса, ҳатто патруль ҳам унча эътибор бермасди. Шундай қилиб, у тўшагидан секин сирпаниб тушди-да, ташқарига чиқди. Проекторларнинг нурлари осмонда бир-бирларига қўшилиб, худди бир тўрга ўхшаб кетганди. У нурлардан айримлари душман самолётини тутуш учун бир жойдан иккинчи жойга тез-тез кўчиб турарди. Баъзан эса ёнаётган самолёт пастга, бир қанча ерда ёнғин кўтарилган шаҳар устига ўқдай учиб тушарди. Христианнинг руҳи энди анча кўтарилди. Энди уни ваҳима босмасди. Ёниб пастга тушаётган самолётлар унга метеорлар — «учар юлдузлар» сингари жуда ғалати, ақлга сиғмайдиган бир ҳодисадек бўлиб туюларди. Шаҳар марказидаги ва унинг чеккаларидаги ловиллаб ёнаётган жойлар унинг назабини ҳам қўзғамасди, юрагини ҳам ачитмасди. У буларни ёниб, кул бўлган одам мурдалари, ўлим олдидаги дод-войлар, тул хотинлар, етим-есирлар билан тенглаштирмасди. Ҳатто прожекторларнинг кесишган нурлари илмоғига тушиб қолган икки учувчининг жангини ҳам, худди табиат ўйинидай совуққонлик билан кузатарди; самолётлардан бири ўзи уриб туширган душман самолёти билан деярли бир вақтда ерга тушганда ҳам Христиан сира ташвиш тортгани йўқ.

Христиан бошини орқага ташлаб қараган эди, тўрдай чатишиб кетган прожектор нурлари устида тунги осмонни кўрди. Осмонда Христианга болалигидан таниш бўлган юлдузлар чарақлаб турарди: у айвонининг чап томонида Орион борлигини, ундан сал чапроқда ва баландда — Жавзо жойлашганини биларди. У Орионнинг бурчак-бурчагидаги ва ичкарасидаги юлдузларни ҳам топиб, ҳа, улар ҳозирча бутун экан, деб қўйди ўзича. Юлдузлар прожектор нурларининг нариги томонида чарақлаб турарди. Уларни ушлаб бўлмасди. Бунинг ҳайратда қолдирадиган жойи нимада-ю, тасалли берадиган жойи нимада. У бунинг ўйлаб кўрмаганди. У, самолётлар прожекторлар нурида у ёқдан-бу ёққа изгишиб, ўқ отишаётган, ёниб кули кўкка совуриладиган шаҳарга яна бир бор қаради. У, юлдузлар прожектор нурларининг нариги то-

монида эканлигини яна бир бор таъкидлади. Проектор нурлари, ёндирувчи бомбалар ва ёнғинларга нисбатан юлдузлар худди хира осмон ёриткичларига ўшаб кетарди. У яна бир самолётнинг ёниб, пастга, шаҳарнинг ёнғин ичида қолган қисмига худди ракетадай учиб тушаётганини кўрди, афтидан бу самолёт ўша ерга ҳозиргина бомба ташлаган бўлса керак. Лекин Христиан ловиллаб ёнаётган биноларнинг баландлигини, самолётнинг ерга қанча баландликдан қулаб тушгани билан, проектор нурларининг баландлиги билан, буни проектор нурларининг тўрига тушмаган юлдузларнинг баландлиги билан солиштириб кўргандан кейин кўнгли анча ўрнига тушди. Унинг тинмай отаётган зенит тўпларининг гумбурлашига жўр бўлиб тепаётган юраги, гўё Христиан қайтариб бўлмайдиган даҳшатнинг олдини олгандай секин ура бошлади.

Туннинг ярмини у, ўз каравотида қўлини бошининг тагига қилиб ётган ҳолда ўтказди. У, биринчи урушдаги яраларим, иккинчи урушда мени ўлимдан қутқариб қолди, деб ўйларди. Лизанинг ҳали кўчиб келмаганига Христиан шу кеча ҳатто хурсанд ҳам бўлди. Одамлар олдида ҳам, худо олдида ҳам бир ёстиққа абадий бош қўйган Лиза билан бирга ҳаёт кечиршига тўла ишонч ҳосил қилгандан кейин, у ўз орзу-умидларининг ушалишини бахтининг жуда кулиб боққанига йўя олмасди. Илгарилари у ёлғизлигидан нолир эди, энди-чи, икки киши бўлиб яшашини била туриб, ўзининг ҳеч кимга керак бўлмаган ғалати, чалкаш ўй-фикрларига берила оладиган шундай кечада у имкони борича ёлғиз ўзи бўлишни истарди. У хаёлга берилиб кетганидан фақат тонгга яқин кўзи илинди.

Лиза уни уйғотди, лекин у Христиандан кечани қандай ўтказдинг деб сўрамоқчи эмасди. Йиғлайверганидан Лизанинг кўзлари қизариб кетганди, аввалига у бир оғиз ҳам гапиролмади. Унинг фақат зўрга «Карл!» деганини эшитиб, Христиан ўрнидан сапчиб турди, Лиза:

— Энди у ўлган билан баровар: у русларга асир тушибди,— деганидан кейин яна қўлини бошининг тагига қилиб чўзилиб ётиб олди.

— Ҳайронман, нега бунча йиғлайсан, энди сен уни албатта кўрасан,— деди Христиан.

— Уларнинг асирларни не кунга солишаётганини

ўзинг эшитдинг-ку, ахир. Йўқ, мен уни соғ кўролмасам керак. Гуноҳни қилган ота-оналари-ю, жазосини у тортяпти. Ахир, бу адолатдан эмас-да,— деди Лиза. Христиан чидаёлмай ўрнидан туриб ўтирди.

— Хўш, нега энди Карл жазосини тортар экан, бу ерда адолат нима қилиб юрибди!

Шундан кейин Лиза шу вақтгача сира тилга олмаган нарсани гапириб қолди:— Карл бизнинг ўғлимиз эканлигини тангрининг билиши қийин эмас. Шунинг учун ҳам у бошқаларники ўлиб, бизнинг ўз ўғлимиздан хурсанд бўлишимизга йўл қўймайди. Йўқ, биз бунга арзигулик иш қилганимиз йўқ.

— Менга қара, худони тинч қўй,— деб тўнғиллади Христиан,— у ҳеч айбдор эмас. Бизнинг ишимизнинг унга сира даҳли йўқ. Бир нарсани сенга неча марталаб тушунтириш мумкин. Тангри адолатли бўламан деб бошига ташвиш орттирмайди. Карл энди, албатта, қайтиб келади. Унинг бир омади келиб қолибди-да.

Янги хабар унинг бутун вужудини титратиб юборди; Лизанинг кетганидан у жуда хурсанд бўлди. Ит олдинги оёқларини аввалига каравотнинг четига, кейин хўжайинининг қимир этмаганини кўриб, унинг кўкрагига қўйди. Христиан итининг тиниқ, сариқ кўзларига тикилиб туриб гапирди:

— Менга қара, тирик одам тўғрисида, э, у барибир ўлган ҳисоб, деб бўладими, ахир? Менимча бундай дейиш гуноҳ.

Виду ҳўл тушмуғи билан уш бир-икки туртиб қўйди, лекин Христиан уни силаб эркаламади, қўлини бошининг тагидан олишга эринди. Лекин унинг юзи шу қадар хотиржам эдики, ит унинг ҳамма ажинларини шошилмай ялаб чиқиши мумкин эди.

— Ким нима деса деяверсин-ку, лекин биз иккаламиз, Виду, ўғлимизни соппа-соғ кўрамиз. Кел, энди, нонушта қилиб олайлик, бор, аввал тўрвани олиб кел.— Ит хўжайинининг айтганларини қилди. Христиан эринмай ҳар нарсани унга ўргатган эди. Христиан итининг ишидан фахрланар эди: Виду нон билан бир банка эритилган ёғ солинган тўрвани оғзида тишлаб олиб келди-да, очкўзлигидан дир-дир қалтираса ҳам, лекин Христианнинг ёғ суртилган нонни тенг бўлишини қимир этмай кутиб турди.



Венцловнинг қизи Аннелиза посилка жўнатгани энг яқин шаҳарчага кетди. Йўлда у ёш жувонни учратди. Аннелиза уни бошлиғининг уйида бир неча бор кўрган эди. Имениедаги ернинг бир қисмини илгарилари доимо батрақлар ишлаб берарди, энди бу батрақларнинг ўрнини шарқдан ҳайдаб келинган хотинлар эгаллаган эдилар. Ҳарбий форма кийиб, даража белгиларини тақиб олган, қадди-қомати келишган, эпчил, анча танноз, жингалак сочлари калта қилиб қирқилган бу ёш жувон имение территориясидаги баракларга жойлашган бир гуруҳ украин хотин-қизларига бошчилик қиларди. Аннелиза ҳам бошқалар сингари, мағлуб бўлган ва оккупация қилинган мамлакатдан келтирилган аёлларни Германияда ўз кучлари етишмаган зарур ишларда фойдаланишни жуда тўғри, деб ҳисобларди. Сочи жингалак, шўх назоратчи аёл ҳам Аннелизани мутлақо қизиқтирмасди. У бегона қиз ва аёлларга яқинроқ бориб қарашга қизиқарди. Тўғри, у лагерь деворининг олдига бориб, янги келтирилган асирларга қандай овқат беришларини бир неча бор кўрган эди; улар берилган атала ва бурда нонларга очкўзлик билан ташланишар эди.

Унинг мактабдош дугоналари шарқдан ҳайдаб келиниб обшчиналарга бўлиб берилган хотин-қизлар билан ўз уйларида ва қўшни хуторларда тез-тез учрашиб туришарди. Уларга бирор нарсани буюришса, бу хотинлар сира ўринларидан қимирлашни истамасди, уларни фақат қўрқитув ва қатъий чоралар ёрдами билангина ишлатиш мумкин эди.

Аннелиза, яқин таниш-билишлари миясига сингирган диний эътиқодлардан ва ўз маҳсус қонун-қоидаларининг таъсирида болалигидан ўзида бир ишонч ҳосил қилган эди; қабилалар ҳам мужмал, ноаниқ ривоят ва турли уйдирмалардан ўзларига хос, мустақил қонунлар яратиб олишади. Ҳамманикида бўлгани сингари Аннелизанинг қалбида ҳам икки истак курашарди: ўз тенгқурлари ичида якка-ю ягона бўлиш, бошқалардан бутунлай ажралиб туриш, шу билан бирга бошқалар билан, атрофдаги олам, муҳит билан яқин алоқада бўлиш, чунки ёлғизликнинг охири вой бўлади. Бир вақтлар у бадном руҳоний Шрёдер миясига қўйган: «Худо олдида ҳамма ҳам барабар» деган фикрга ҳам қаттиқ ишонган эди.

Энди бўлса, у атрофини ўраб олган одамлардан — туғишганларидан, мактабдошларидан, ўқитувчиларидан эшитганларини руҳонийнинг ўша айтганлари билан қандай қилиб мослаштириб бўларкин, деб бош қоғирарди. Нихоят, у йўлини топди, бу йўл уни атрофдаги оламдан ажратиб қўймас, шу билан бирга унинг ишончларига зид келмас эди. Агар бу руслар чиндан ҳам одам бўлишмаса, демак улар худо олдида ҳам одам эмас, чунки уларда юрак йўқ. Сим тўсиқ орқасида сасиган балиқ билан пўпанак босган нонга ташланишган рус асирлари, милтиқ қўндоғи билан туртишгандан кейингина ўринларидан туришадиган, кўзларида ғазаб ўти чақнаган хотинларнинг чиндан ҳам одам сиеқи йўқ эди. Шунга қарамай Аннелиза уларни яқиндан кўришни истарди. У, жингалак сочи билан кўкраги демаса, кўриниши чинакам солдатларга ўхшаган назоратчи аёлдан рухсат сўради. У «йўқ, мумкин эмас» дегандай бош чайқади. У Аннелизанинг кўнглини огритишни сира ҳам истамасди, ҳатто уни ёқтирарди; бу тўладан келган, пакана қиз ҳеч қачон унинг йўлига ғов бўлмасди, лекин асирларни яқиндан бориб кўришга рухсат этилмасди.

Фақат ҳафтанинг охирига бориб, Аннелиза учун қулай фурсат топилди. У томорқаларидаги полизда ловияларга тирговичлар қандай қўйилиши, помидорнинг қандай кесилиши тўғрисида ёш назоратчи аёлга гапириб бермоқчи бўлди.

— Асосий навда билан ён томонида япа битта новда қолдириб, бошқаларини кесиб ташлаш керак.— Назоратчи аёл ўзининг ёрдамчисига иш буюрди. Асирлардан бир нечасини дарров чақириб олди. Аннелиза ҳам ишга тушди, у ёнида ишлаётган қизга ўқтин-ўқтин кўз қирини ташлаб кўярди.

Юзи офтобдан қорайиб, лаблари қовжираб, оқариб кетган бу бегона қиз ҳам Аннелизага кўз қирини ташлаб қўйди; унинг ич-ичига ботиб кетган қовоқлари салқинган мовий кўзларида қизиқиш ва умидсизлик акс этарди. Кейин улар энгашиб, бир-бирларидан сал узоқлашишди, кейин яна кўз уриштириб олишди-да, иккаласи ҳам уялиб кетишди. Аннелиза уйга чуқур ўйга толиб қайтди. Унинг боши зирқираб оғир, гўё миясига қўрғошин қуйилгандай эди. У фрау Уленгаутнинг олдига борди, лабларини қимирлатиб, оғзини жуфтлаган бўлди-ю, лекин гапиролмади. У бир оз қаққайиб турди-да, кейин

қайтиб чиқиб кетди, бошлиғи унинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди.

Аннелиза узоқ Потсдамда яшовчи, яқинда йиқилиб оёғини синдириб олган Амалия холанинг олдига бир неча кунлик каникул вақтида бориб келиш учун пул ғамларди. Лекин ҳар қандай руҳий ва жисмоний ожизликдан уялувчи кампир ўзининг беқувватлигини яшириб, энди қўлтиқтаёқда юрарди, бу уни кекса Фрицга яна ҳам ўхшаш қилиб юборарди. Аннелиза аммаси Леноранинг Амалия холанинг (у қўлтиқтаёқда юрганга қадар) худди ўзгинаси бўлганини кўрди. Фақат Леноранинг кўзлари баъзида жудаям қоп-қора, баъзида кул ранг бўларди, баъзида эса мулойим кулиб боқарди. Ким билади, эҳтимол Буюк Фридрихнинг кўзлари ҳам баъзида мулойим, баъзида ғамгин боққандир?

Германия хавф-хатар остида қолгандан буён Амалия хола гарчи бориб келиш осон бўлмаса ҳам, ўз қиролининг қабрига тез-тез бориб турарди. Эски авлод вакилларининг кўпчилиги ҳам шундай қилишарди; улар яшириниб, хижолат бўлишиб боришарди, чунки бундай зиёрат қилиш ўзларининг саросимага тушиб қолганликларига иқрор бўлиш деган гап, буни улар жуда яхши тушунишарди.

Амалия хола, севимли қариндоши, ҳурматли жиянининг катта қизи уни вақтинча уйнинг оғир ишларидан қутқариб қўйганидан ичида жуда хурсанд бўларди. Бундан ташқари, қиз полизда эгат олиб, ўз мактабида нималарни ўрганганини очиқдан-очиқ кўрсатиб берди. Ленора Клемм уйда жуда кам бўларди. Унинг орзуси ушалди. Ярадорлар шу қадар кўп эдики, унинг ёрдам бериши жуда зарур бўлиб қолди. Леноранинг ҳаётида муҳим роль ўйнаган китоб жавонини титкилаб ўтириб, Аннелиза сира қўлига тушмаган китобларни кўриб қолди. Бир куни ярим кечада Ленора қизнинг хонасига кирди, чироқ ҳамон ёниб турарди. Ленора, қизнинг қизариб кетган юзидан, саросима бўлиб қарашларидан унинг ҳам бир вақтлар ўзи сингари ғалати ҳис-туйғуларни кечираётганини тушунди. Аннелиза китобда ҳаётда сира учратмаган ғалати кишилар ва ҳис-туйғуларни учратди; аммасининг келиши гўё уни ғафлатда қолдиргандай, танишиш ман қилинган одамлар билан танишаётганининг устига келиб қолгандай бўлиб туюлди.

— Қандай китоб ўқияпсан?— деб кулимсираб сўради Ленора.

— Еш йигит бир судхўр хотинни талаш учун уни ўлдиради. Кейин ўша судхўр аёлнинг дугонаси, ахир одам бу пашша эмас деганидан кейин, йигит ўз қилмишидан пушаймон бўлади,— деб жавоб берди Аннелиза.

Ленора аввалагига бир чўчиб тушди-ю, лекин кейин ўзини босиб олди.

— Ҳе, худо хайрингни берсин, китобни жавонга ҳеч ким тополмайдиган қилиб яшириб қўй. Унинг автори рус,— деди у.

— Рус дедингми?— деб ҳайрон бўлиб сўради Аннелиза.

— Ҳа, шунинг учун ҳам ичкарига яшириб қўй,— деб такрорлади аммаси Ленора.

Потсдамда дам олиш куни ҳам худди ўтмишдаги ҳамма дам олиш кунлари сингари ўтди: Мальцанлар оиласида биргаликда нонушта қилинди. Уша куни бўш бўлган Ленора шафқат ҳамширасининг кийимида келди. Ўрта ер денгизи ҳақида Швилловзегга ўхшаш эскидан таниш бир жой тўғрисида гапираётгандай гапиришди. Италиянча номларни, ҳам худди русча номлардан аниқ талаффуз этишарди. Стол атрофида ўтиришганлар италиянча номларни завқ билан гапиришар эди, улар бу билан ўзларининг бутун оламдаги гаплардан хабари бор эканликларини кўрсатмоқчи бўлишарди. Меҳмонга келганлар ўша-ўша одамлар эди; масалан, капитан Штахвиц, одати бўйича ўзининг бу келишини Леноранинг бўш кунига тўғрилаган бўлса ҳам, ичида: «Мана энди Ленора ўз ота-онасига жуда ўхшаб кетибди, айниқса қуш бурни билан няғи», деб ўйларди. Штахвиц эса кўксидagi орденларига, чакка сочлари оқараб кетганига, оғир ярадор бўлганига қарамай, унинг юзи ҳали ҳам худди еш болаларникидай эди. У оғир яралангани учун узоқ муддатли отпуска олганди. Унинг бемаъни гаплари одамларда бир неча бор порозилик туғдирганди, бу унинг мансаб зинасидан кўтарилишини шу қадар секинлатиб юбордики, шундан кейин ўзи ҳам анча шаштидан тушиб қолди. Сўхбат қизимади, у ҳар сафаргидай ўз мулоҳазаларини айтмади, унинг мулоҳазаларига одамлар ё эътироз билдиришар ёки кулишар эди. Унинг мундиридан сал-пал иодоформ ҳиди келарди, ўтган йилдаги муваффақиятсизларни эсга олиш ва аллақандай овозлар тар-

қалганмиш, деган гапни эшитиши билан унинг юзи қотиб қоларди. «Сталинград» сўзи стол атрофида бир марта ҳам тилга олинмади, лекин Амалия хола бу ҳақда гапирмай туролмади.

— Мен ҳеч бир урушда овозаларга ишонган эмасман. Қўмондоннинг таслим бўлишига ҳаққи йўқ, таслим бўлмади,— деди у.

— У нима қилиши керак эди?— деб сўради Штахвиц, ниҳоят гапга аралашиб.

— Ўзини-ўзи отиб ўлдириши керак эди, у худди шундай қилди,— деди Амалия хола. Штахвиц унинг газаб акс этган юзига бир зум ўйчан тикилиб қолди. Аннелиза дам Штахвицга, дам Амалия холага қарар эди.

— Эҳ, Фрейлен фон Венцлов, бу сиз айтганчалик осон эмас!— деди ниҳоят, Штахвиц.

— Хўш, нега энди? Нимаси қийин экан, тўппончани чаккангга тираб туриб, тепкисини боссанг бас.— Бу шубҳали ташаббус унга оддий бир ишдай туюларди. У ўз айтганларига қаттиқ ишонарди. Штахвиц кулимсираб қўйди.

— Ҳал қилувчи дамларда, бу осон эмас.

— Э, бунга жуда кўплаб мисол келтириш мумкин,— деди Мальцан. Ҳамма ҳар хил ходисаларни эслай бошлашди, таниш-билишларнинг ҳатто номларини ҳам аташди. Ленора ҳозирча тирик меҳмонларнинг пиёласига чой қуярди.

— Уларнинг номлари, — деди Амалия хола,— олтин тахтага бир умрга ёзиб қўйилди. Бу одам тўғрисида эса доимо, у душманга таслим бўлган эди, деб гапиришган бўларди.

— Унинг армияси-чи, минг-минглаб одамларчи?— деб секин сўради Ленора.

— Улар таслим бўлишмаган,— деди Мальцан,— улар битта киши қолгунча жанг қилишган, буйруқ шундай эди.

— Қимнинг буйруғи?— деб одатдагидай баландроқ овозда сўради Штахвиц. Унинг овози катталарга савол берган ёш боланинг овозига ўхшарди.

— Фюреримизнинг буйруғи.

— Э, фюрерники денг, ҳа, бу бошқа гап!

Аннелиза унга тикилиб қаради. У энди кўп нарсага шубҳа билан қарар, бошқаларни ҳам шубҳаланяпти, деб эшитар эди, лекин у эсини танигандан буён фюрер фюрерлигича қолганди. Унинг олдида фюрердан ҳеч

ким шубҳаланган эмасди. Одамларнинг фюрер ҳақида шубҳа билан гапиришларини Аннелиза бугун биринчи марта эшитди, фюрердан шубҳаланаётганлари уларнинг сўзидангина эмас, ҳатто гап оҳангидан ҳам сезилиб турарди. Аннелизанинг қути ўчди; унда шундай бир ҳис пайдо бўлдики, бундай ҳис эҳтимол «Ер ростдан бир жойда турмайди, балки чиндан ҳам айланиб турар?» деган гапни биринчи бор эшитган одамда бўлиши мумкин. У, стол атрофида ўтирганларнинг чуқур сукунат сақлашига ҳам, иодоформнинг сезилар-сезилмас ҳидида ҳам ўлимнинг яқинлигини ҳар қачонгидан кучлироқ ҳис этди.

Эртасига у яна ўз мактабига қайтиб кетди. У бу ерда именининг каникулдан олдин, шарқдан ҳайдаб келинган хотин-қизлар ишлаган қисми давлат ихтиёрига ўтиб кетганлигини билди. У, сочи жингалак ёш назоратчи аёлнинг бир гуруҳ украин аёллари билан бирга бошқа ерга жўнатилганлигини эшитди. Қўшни шаҳарчанинг вокзали унинг йўқлигида бомбардимон қилинганди, шунинг учун ҳам поездлар вақтинча қилинган платформага келиб туришарди. Шаҳарчанинг бошпанасиз қолган аҳолиси учун именининг худди ўзида бараклар қурилганди. Мактаб ёпилган эди. Уленгаут эса шахсан ўзига қарашли участка ерини ишлатиш учун ўқувчи қизларидан бир нечтасини олиб қолганди. Аннелиза бу имтиёзли қизлар қаторига тушиб қолганидан сира хурсанд эмасди. Уни, бориш таъқиқланган, лекин уруш вақтида илгарига қараганда бориш анча осон бўлиб қолган узоқ-узоқлардаги, номаълум ўлкалар ўзига чорларди. У ҳали ҳеч ким билмаган, қўл урмаган ишни қилиш, ўзи ҳам танимаган одамлар билан бирга бўлиш иштиёқида ёнарди.

#### IV

Гарчи отпуска беришлар бекор қилинган бўлса ҳам, Ганс бир иложини қилиб уйига бориб келди. Унга ҳарбий асирлар олиб кетилаётган эшелонни кўриқлаб бориш вазифаси топширилганди. Ҳарбий асирларга мол-ҳолларни ташийдиган қоронғи вагондан бошини чиқариб қараш амри-маҳол эди, лекин ҳар сафар Ганс асирлардан битта-яримтасининг вагондан бошини чиқариб қараб турганини кўриб қоларди; асирнинг кўз қараши-

дан унинг, шундай иблисларни ўстирган бу мамлакатни кўришга қизиққани аниқ сезилиб турарди. Лекин улар қанчалик қарамасин, Ганс вагон зинапоясида туриб, ўз ватанига қанчалик тикилмасин, барибир пишиб етилган жавдари, дунёнинг ҳамма жойидаги жавдари қандай товланса, шундай товланиб турарди; оқ тош йўл худди текис лентадай чўзилиб кетганди; темир йўл қоровулининг будкаси иккита қора қайин дарахтининг орқасидан худди кичкина қутичадай бўлиб кўринарди.

— Агар бомбардимон қилганларини ҳисобга олмасак, ватанимизнинг уруш даҳшатларидан зарар кўрмаганлиги қанчалик катта бахт эканлигини мана энди тушуна бошладик,— деди эшелон бошлиғи Қольб.

У уруш даҳшатларидан бири — ўзи эканлигини эсидан чиқариб қўйганди. Гансда ҳам баъзида уйига, ўтмишга қайтиш истаги туғилиб қоларди. Лекин бу ўтмиш боши ва охири кўринмайдиган чексиз, узоқ ўтмишга айланиб қолганди. Эшелонни жойига олиб бориб ташлагандан кейин Ганс Берлинга оддий вагонда жўнаб кетди. Вагон уруш ҳар томонга сочиб ташлаган турли ёшдаги, ҳар хил касбдаги кишилар билан лиқ тўла эди. Ганс ўзини она шахрига эмас, балки бутунлай бошқа бир планетага кириб бораётгандай ҳис этарди. Унинг ҳамроҳлари унга жуда кўп бемаъни ёки чалкаш саволлар беришарди; уй паррандаси солинган сават кўтариб олган кампир, уруш тез тугайдими, деб сўради; аллақандай бир йўловчи, ўзининг фюрерга содиқ эканлигини кўрсатишни лозим топди; бошқаси эса бу алғовдалғовларнинг нима билан тугаши мен учун ҳечам сир эмас, деди. Лекин улар қўлларига нима кўтариб олишган бўлмасин, нималар дейишмасин, нималарни такидлашмасин — улардан ҳеч бири Ганс бир дақиқа ҳам эсидан чиқармаган нарсанинг нималигини билишмасди. Наҳотки ўша кампир, паррандаси билан бекорга санқиб юрганини тушунмаса? Наҳотки кўзойнакли киши, ўзининг фюрерга содиқлигини яна бир бор кўрсатишга беҳуда уринаётганини тушунмаса? Наҳотки анави мўйловдор киши, ўзининг сезги ва шубҳалари унга ҳечам ёрдам бермаслигига ақли етмаса? Ганснинг шундай ёнгинасида, унинг эскирган мундирига яширинган ўлим шарпаси бу ҳамма калтабин аҳмоқларни бирма-бир ҳидлаб юрарди. Нега улар бунчалик тиришиб-тирмашади? Поезд Ангальтс вокзалига яқинлашганда Ганс: «Мен бу жойни жу-

да яхши биладман-ку, қизиқ, бу ерга яна келиб қолибман-а»,— деб ўйлади. У бомбадан хонавайрон бўлган кўчадан юрди, Ганс бу кўчани ундаги бутун қолган ажойиб фронтондан таниб олди. Кейин у соғ қолган бир неча кўчани кесиб ўтди, улар гўё Гансга унинг ўз уйида эканлигини ишонтирмоқчи бўлаётгандай туюларди. Ундан сал наридаги майдондан асар ҳам қолмаганди; Ганс унинг майдонлигини, номи ёзилган тахтачадан билиб олди, агар шағал уюмларидан юриб кетаётиб, шу тахтачани босиб олмаганда майдонлигини умуман билолмасди. Бир неча бола бомбадан ҳосил бўлган чуқурчада ўйнаб ўтиришарди. Улар чуқурча устига қулаб тушган симёғочда ўтиришарди. Ганс, ўзини худди бир фалокат, вайронлик олиб келаётган одамдек ҳис этди, гўё унгача бу ерда ҳеч гап бўлмагандек эди.

Газетчилар, кўча болалари, метрополитендаги «У» ҳаммаси унинг асабига тегар, гашини келтирарди. Улар: «ҳеч бўлмаса энди ўлимни кўнглингдан чиқариб ташла, ўйлама уни, бизларни тан ол, ниҳоят!» деётгандай бўларди. Поездаёқ у уйига кирмасдан, опасининг олдига жўнашга жазм қилиб қўйганди. Унинг ўй-фикрлари икки издан борарди: Биттасида ҳеч қандай бирор мақсад йўқ, иккинчиси эса Александриненштрассега олиб борарди, чунки у ўзининг қисқа отпускасини Бергер чолнинг ёрдамида жуда ҳам яхши ўтказиши мумкин эди. У Еленани кўчада учратиб қолди. Бадний тўрлаш устахонаси ёпилган эди. Опаси энди заводда ишларди, уйдан заводгача бир соатлик йўл эди. Елена укасини кўрганда унинг қалбидан кулгуми, йиғими, ишқилиб шунга ўхшаш бир товуш отилиб чиқди. Еленининг хушук, лекин меҳрибон, азиз чеҳрасини кўриши билан уйига қайтиб келгани бир оз бўлса ҳам, Ганснинг онгига етиб борди.

Бергер, хотини термосни тўлдириб беришни кутиб турарди. Невараси мактабга қатнарди. Жиянининг лента тақиб ўрилган сочлари, уйнинг таниш ҳиди, Фрау Бергернинг узун бўйидаги кекирдаги — ҳаммаси қўшилиб Гансни ўз уйидалигига тўла ишонтирди. Бергерлар яшаган уй бутун эди, шунинг учун уйдаги ҳамма жиҳозлар ҳам бутун қолганди. Улим бу мустаҳкам бирлашган одамларга бас келолмай чекинган эди. «Мен яна шу ердаман,— деб ўйлади Ганс,— йўқ, бу туш эмас, чунки тушда кофенинг ҳиди ва сопи отам замонда синган чойнак бўлмайди.»

Ганс Бергерни метро станциясигача кузатиб қўйди. Чол, Ганснинг назарида сўнгги марта келиб кетганидаги қараганда ёшариб қолгандай эди.

— Сизлар Москва остоналарида туриб қолган кундан бошлаб мен ёшара бошладим, Ленинградда тишларингни синдириб олганларингдан кейин эса теримга сиғмай кетдим. Хўш, адои тамом бўлишингизнинг нишонаси — Сталинградда мажақланганингиздан кейин миллий мотам эълон қилинганини эшитиб-ку, ўйин тушиб кетишимга сал қолди. Кейин бутун бир йил чекиндигиз, аввалига секин, бора-бора шаталоқ отиб қочдингиз, еган-ичганларингизни аста-секин: Украинанинг бир бўлагини, янаги сафар Қримнинг бир қисмини қусиб ташлаган пайтларингизда мен оппоқ сочим яна тилла ранг, жингалак бўлмаяптимикин деб ҳар кун ойнага қарардим. Америка уруш эълон қилганда, одамлар фақат кулишди: ҳамма нарса — фронт линияларининг қисқартирилиши, тўғриланиши ҳақидаги ҳарбий маълумотлар биринчи урушда қандай берилган бўлса, бу урушда худди ўшандай айнан такрорланди, хуллас, бу гаплар бизга эскидан таниш. Энди фақат Оскаримнинг бирор дарагини билсам дейман, менга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Фронт линияси қисқарган жойда оёғини чўзиб қолмаганикин, ишқилиб?

«У ҳақ-да,— деб ўйлади Ганс,— тинчлик бўлганда, урушдан олдингидай соф ва покиза бўлиш учун қани энди устингдаги барча ўша ифлосликларни иргитиб ташласанг». Бергер бўлса яна гапида давом этди:

— Улар Францияга десант туширишганда эса, мен ашула айта бошладим. Унинг устига июлда Гитлер ўзи асфаласофилга кетишига сал қолди; тўғри, мен бу муттаҳамга бомбадан кўра сиртмоқни афзал кўрардим, лекин унинг омон қолишига сабаб бўлган нарса бу эмас — фитначи жаноблар ишга жуда кеч киришишди, вақтида бизлардан ёрдам сўрашмади. Бизникилар ҳам доим қойил қилишолмади, лекин бу сафар бўш келмасдик.. Халқ учун, халқнинг ўзисиз бир нарса қилиб бўлмайди.

У оломон орасидан текилиб ўтарди. Ганс у билан ёнма-ён борарди. Бирдан Гансга, чолнинг гаплари танкларнинг гуриллашидан ҳам, битта киши қолгунча олишинглар, деган буйруқлардан ҳам кучлироқ жаранглагандай бўлди. Улим чекинди. У энди Гансга яқин келолмасди. Чунки бу ерда, уйда, ҳеч нарса тўхтаб қолмаганиди, ҳамма нарса олға интиларди, фақат шу

қошлари оппоқ айёр чол шундай ўйласа ҳам, майли... Хайрлашаётганда Бергер шундай деди:

— Олдинга опангни юбораман, у сенга бир уйнинг адресини беради, ўша жойда бемалол, бафуржа гаплаш-сак бўлади; сендан баъзи нарсаларни билишни истаган кишилардан бир нечтасини йиғамиз, ҳеч бўлмаса ҳақиқий ҳарбий маълумотларни билиб оламиз-ку.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас Ганс уйининг зинасидан чопиб чиқиб келарди. У ҳеч таниёлмаган бир тўда болаларга ўзини сал бўлмаса уриб олай деди. Зинапоя панжараси ўша-ўша эскилигича турибди, янгиланмаган эди.

Иккинчи қаватда турган юмолоқ юзли Фрау Биндер ҳайрон бўлиб қараб қолди. Эшиклар тарақлаб очилди: «Ганс!» Мария зинапоя майдончасида турарди; у сал кулимсираб қўйди; у қўлларини чўзди; лекин ўғли юқорига чопиб чиққунча унинг жонсиз қўллари шалвираб тушди. Ганс уни қучоқлаб, бошини бағрига босди. Урушда юрган вақтларида бирор гап бўлса, Ганс: «Яхшиси онам мени туғмаса бўларди?!» деб ўйларди. Мария иккала қўли билан ўғлининг елкасидан панжаларигача силади, кейин қўлларини қисди. Унинг чеҳрасида узоқ ўтмишдаги ёшликнинг шуъласи бор эди.

— Нега бирдан қош-қовоғинг осилиб қолди?— деб сўради у.

— Ўзим шундай!— деди Ганс. Бирдан унинг эсига ёш аёл тушди: фельдфебель Гансга аёлнинг қўлидан боласини олишни буюрганди; у болани олди; уни фельдфебелга узатди. Фельдфебель болани зинапояда кутиб турган солдатга узатди, солдат бўлса болани пастда, эшик олдида турган машинага ташлади; боланинг онаси дод солмади. У худди нафаси текилаётгандай буришиб-тиришди. Нега ўшанда у фельдфебелнинг гапига кирди? Боланинг бошига не кулфатлар тушишини ҳали билмаганмиди? Хўш, билганда нима бўларди? Афтидан, ҳар ким бу мисли кўрилмаган қабиҳликнинг бир заррачасини билса керак. Қабиҳликни бутунлигича, тўла англаш учун, унинг ҳамма заррачаларини бир ерга йиғиш керак. Бўлмаса ҳар ким: «Мен болани бошқа одамга узатиб юбордим, холос», дейиши мумкин. Ганс уйда ҳамма нарсанинг ўз ўрнида эканлигича ишонч ҳосил қилди, плита устида ўша-ўша эски кострюллар, тоқчада онаси учун копилка вазифасини ўтайдиган ўша кўк ҳошияли коса турарди.

Бу қандай қилиб бутун қолдийкин? Қандай бемаъни, хунук, эски нарсаларга тўла бу ҳаёт! У бошини онасининг тиззасига қўйиб:

— Эҳ, ойи, олдинга қайтиб келишни қанчалик истаганимни билсанг эди!— деди у. Онаси ўғлининг бошини силади, илгарилари Ганс, ўзининг севимли майда тошларини йўқотиб қўганини нолиб гапирса, у ўғлининг бошини мана шундай қилиб силар эди. у: «Нега иккаламиз шу ишни қилдик?» деб ўйлади. Уни бирдан ваҳим босди: «Бу балки тушдир? у умуман келмагандир?» у, Ганснинг ҳаяжон билан қўллари қалтираб шўрва ичишига қараб ўтирди. У аҳён-аҳёнда онасини қўлтиқларди. Ганс: «Ахир мен унинг ичидан тушганман-ку, демак, ҳозир мен ўз уйимдаман-да». Эшик бир очилиб, бир ёпиларди. Аввал Мельцерша, кейин Биндерша келди. Қайинэгачисининг чақимчилиги билан Биндерша сал бўлмаса бошига бало орттираёзди. Ганс саволларга шартта-шартта жавоб берди. Ниҳоят, Гешке келди. У ўғлининг келганини кўчадаёқ билган эди. Улар бир-бирларига узоқ тикилишиб туришди. Ҳамма кетгандан кейин:

— Сенинг русларинг — азамат экан-ку, қойил қилишибди-ку!

— Бу ёғини ҳам қотиришади.

Елена кечқурун келди. У укаси билан, улар гўё ҳали кўришмагандай, саломлашди. Елена унинг қўлига бир уйнинг адреси ёзилган қоғозни тутқазди. Гансни у ерда дам олиш куни кутиб туришади. Эртасига Эмми келди. Ганс сўнгги отпускасидан буён ўнгида ҳам, тушида ҳам, шу қизни кўрадиган бўлиб қолганди. Мария: «Эмми ҳам кутди; Ганснинг кутишга арзийдиган йигит эканлигини энди унинг ўзи ҳам биларди», деб ўйлади. Улар бир-бирларини ҳаддан зиёд кўп ўйлашарди, шунинг учун ҳам бир-бирларини ҳақиқатда эмас, балки, хаёлда севиб юришларини ҳатто сезишмасди. Улар гўё илгаридан ўпишиб юришгандай индамай ўпишишди. Ота-оналар кулишмай, ёшларга жиддий қараб туришарди. Энди эски урф-одатларга риоя қилиш, сир сақлаш, қўрқа-писа учрашувларнинг вақти эмаслигини уларнинг ўзлари ҳам тушиниб қолишганди.

Гешке қаттиқ чарчашига қарамай, сўнгги пайтларда дам олиш кунларда бир-икки соат вақтини Дипольд билан ўтказишга ўрганиб қолганди. Уларни дўстлашиб кетишган дейиш мумкин эди. Бир вақтлар завод мажли-

сида хўжайинлар иккаласига, сизлар ишەқмас, нормасини сира бажармайдиган Берингерга тенглашаяпсизлар, деб таъна қилишган эди. Гешке Дипольдга ана ўша мажлисдан кейин яқин бўлиб олган эди.

Ўша кундан кейин Гешке Дипольдни ёқтириб қолди. У биринчи жаҳон урушида ҳам, юк ташувчи бўлиб ишлаган тинч вақтларда ҳам ҳеч ким билан сирдош бўлган эмасди. Мана энди, яшаш, ҳатто нафас олиш ҳам бурунгига қараганда оғир бўлиб қолганда, Дипольд билан баъзи-баъзида бир-икки оғиз бўлса ҳам гаплашолганидан кўнгли кўтариларди. Дипольд ҳам унинг ўзига ўхшаб бадқовоқ эди. Шунинг учун ҳам бу икки кекса одамнинг бир-бирлари билан ҳангомалашишга, биргаликда бир озиндамай ўтиришга майллари борлиги кишини ҳайратда қолдирарди.

Дипольднинг ўғиллари фронтда эди, қизи эса заводда ишларди. Хотини бўлса бир тўда невараларига қараш билан овора эди. Гешке ҳатто бу ўз аро дўстликдан фахрланар эди. Гешке ўз саргузаштларидан ҳикоя қилса, Дипольд диққат билан эшитарди. Гешке ўзининг узоқ йиллар умрида жуда кўп нарсаларга бошқача кўз билан қарайдиган бўлиб қолганини кўрсатишга уринарди. У, бир вақт мажлисларда бўлган гапларни, корхонада содир бўлган қатор ҳодисаларни Дипольддан кўра яхшироқ эслашга, уларни мисол ва ўз фикрларининг исботи тариқасида келтира олганига Гешкенинг ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Дипольднинг унинг гапларини берилиб тинглаши Гешкега завқ-шавқ бағишлар, кўнглини кўтарар эди. Гешке Ганс келган куни Дипольднинг олдига борганда, Дипольд унга бир қўшнисипикига бирга боришни таклиф қилди. У жойга Гешке билан ҳамфикр одамлар тўпланарди.

Дипольд Гешкега тўла ишонсам, уни бу хил мажлисларга олиб борсам бўлармикин, деб узоқ ўйлади. У Гешкега кўпдан буён разм солиб юрарди. Унинг фикрлари тўғри, фақат тилини тия олармикин? Борди-ю, уларнинг иши барбод бўлса-чи? Бу иш хавфли, деб Гешкени огоҳлантириб қўйсамикин-йўқмикин?

— Менга, қара, у ерда эшитганларимизни хотинингга ҳам, менинг хотинимга ҳам айта кўрма,— деб тайинлади у.

— Хўп,— деб бош силкитди Гешке. Бир зумда у ҳаммасини тушуниб олди. Унинг дўсти кам гап одам, лекин

дам олиш кунлари гапирган бир-икки оғиз гапи билан унинг гапи тугаб қолмасди. Гешке Дипольд менинг гапларимга диққат билан қулоқ солади, деб фахрланмаса ҳам бўларди. У, шунчаки, Гешкени синаб кўрмоқчи эди. Унинг бирдан-бир яқин дўсти Гешкегина эмас, албатта; Дипольднинг ошна-оғайнилари кўп. Лекин нима бўлса ҳам Дипольд Гешкени ўзи билан бирга олиб бормоқчи бўлди-ку, бундан Гешкенинг кўнгли фахрланиш ҳисси билан шу қадар тўлиб-тошдики, у ўзининг ҳалигина умидсизликка тушганини ҳам унитиб юборди.

Ганс Бергернинг кетидан зинадан кўтарилар экан, юрагини кўрқув босди. Нотаниш хонада бир неча эркак, хотин ўтирарди; уларнинг овозини босиб кетсин, деб радиони гапиртириб қўйишганди. Уларга нимани гапириб бериш мумкин. Унга ҳам оғир, ҳам кўрқинчли эди. У ўз фикрини айтишни аллақачон унутиб қўйганди, Ганс бу одамларга нима ҳақда, қандай қилиб гапириб беришни ҳали ўйлаб кўрганича йўғ-у, улар унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни ташналик билан илиб оларди. У жим бўлиши билан одамлар уни саволга кўмиб ташлашди. Агар шундай аниқ ифодадай олса, у бу саволларни ўзига-ўзи берган бўларди. Агар у ўз олдига шундай саволларни қўйишга ҳадди сизса, уларга ўзи жавоб топган бўларди. Улардан провардигача қаршилик кўрсатиши талаб қилишяпти, улар қаршилик кўрсатишяпти, лекин ҳар қайси проварди нима бўлишини сезиб турибди, баъзилари эса зориқиб кутишяпти, лекин ўзларича уни орқага чўзишяпти, чунки, тинчликка етолмай, энг сўнгги дақиқада ўлиб кетишдан кўрқишади. Буларнинг ҳаммасини бундан ўн йил муқаддам юз берган даҳшат бошлаб берган эди; энди бўлса ҳамма нарса даҳшат билан тугаяпти. Қўрқувдан буйруқ беришяпти. Қўрқувдан бўйсунтиришяпти, урушларнинг ичидаги энг разил, энг шармандалиси бўлган бу урушнинг ҳар бир куни ҳар кимнинг виждони учун катта бир азоб бўлади, охири яшаш ҳам уятли бўлиб қолади. Гарчи Ганс бу ердагилардан ҳеч бирини танимаса ҳам унга, шармандаларча хонавайрон қилинган шаҳардаги бу нотаниш уйда ўтиришган бир неча киши ўша кун уни кутиб туришгандай туюларди; миллионлаб кишилар ичида шу ўнтача киши ўша куни уни кутиб туришарди. Шунинг учун ҳам у бу ерга келди.

Гансдан кейин кўп ўтмай уйга икки киши кириб келди; улардан бири пакана, сочига оқ оралаган, иккинчиси қорачадан келган барваста эди. Улар қоронғи бурчакка ўтириб олишди, Гансга, барваста одам отасига, Гешкега ўхшашдай туюлди. У гапириб туриб нотаниш кишига назар ташлади, шунда у бу одам отаси эканлигини билди. Бир вақтлар Франц жаҳлимни чиқариш учун: «Менинг отам сенга ҳечам ота бўла олмайди» деганлари бўлмағур гап экан. Уйда бўлса, шивир-шивир қилишарди, гўё онам илгари бошқа одам билан турганмиш. Мана энди иккаламиз ҳам нотаниш уйда, шу бир тўда одамлар орасида ўтирибмиз. Бизнинг ота-ўғил эканлигимиз энди жуда аниқ бўлди, ҳамма миш-миш гаплар бошдан-оёқ ёлғон! Гешке бурчакда ўтириб, кўзини йигитчадан узмасди. У Гансни дарров таниди. Илгарилари у фақат ўзи, ўзининг ҳаётини ўйларди. У Ганс менга бошқа болалардан кўра яқинроқ, деб ўйларди. У болани хижолатга қўядиган ёки ўзини бундан олиб қочадиган бирор нш қилмай жуда тўғри қилди. Бу йигит, Гешке ҳатто яхшилаб ўйлаб кўролмайдиган фикрларни жуда силлиқ, яхши ифода қилипти, ҳолбуки бу фикрлар кеча-ю кундуз Гешкега тинчлик бермасди. Ҳатто унинг дўсти Дипольд ҳам Ганснинг гапига диққат билан қулоқ соларди. Биз бу нарсага қандай қилиб йўл қўйдик? Айбимиз нимада? Бу айб нимадан бошланди, қачон у танамизга қичимадай ёпишиб олди, нега уни ўз вақтида даволамадик? Биз доим тепамизда турган одамга итоат қилишни яхши кўрамиз, у одам кўп билгани учун эмас, балки биздан юқори тургани учун бўйсинамиз. Бизга доимо ҳокимият ёқарди, биз бировларни, бировлар бизни бошқаришини ёқтирардик. Биз ўзимизни жуда яхши ҳис этардик. Биз ўзимиздан фахрланар эдик, биз ҳозир, шу уйда ўтирганлар, яна кўпчиликдан устун туришлигимиз билан, бошқалардан кўра кўпроқ тушинишимиз билан, бизни алдашолмаслиги билан ҳам фахрланамиз. Лекин биз бошқаларни ўзгартиролмадик. Шунинг учун ҳам ҳокимият мустақиллигича, бизнинг тўдамиз эса яккаликча қолди.

Гешке дўсти, доим маъюс юрадиган, кам гап Дипольднинг ҳам бирдан бутунлай бошқача бўлиб қолганини кўриб энди ажабланмади. Гешке бошқаларнинг назаридан уларнинг ҳам ўзи сингари Дипольднинг одатдаги маъюс, ғазабли чехрасига кўникиб қолганликларини тушунди. Гешке, бир оғиз гапиртириш ўлимдан

ҳам қийин бўлган бу одамнинг гапга шунчалик чечанлигига ҳеч қачон ишонмаган бўларди.

— Бизнинг мамлакатда бир тўда одамлар, сизларда бир тўда одамлар бор, уларни бир-бирига боғлаб турган иш шу қадар ингичкаки, у ҳар дақиқа узилиб кетиши мумкин.

У, Гешке етти ухлаб турса тушига кирмайдиган нарсалар тўғрисида гапирарди, гапни ҳам чертиб-чертиб гапирарди.

— Ҳоя халқ онгига синггандан кейин, унинг моддий кучга айланишини биз жуда яхши билардик. Лекин биз бу даҳшатли ёлғоннинг кучга айланишини, унинг оммага таъсир қилишини олдиндан кўролмаган эдик. Қутилмаганда тарқалинглари деб қолишди, Гешке уйга ёлғиз ўзи қайтди, унинг кайфи чоғ эди. Дипольд зинадан тушиб келаётгандаёқ одатдагидай қош-қовоғини уюб олди.

Гешке уйда, ошхонада ўғли билан учрашди, улар гўё бошқа-бошқа жойдан келгандай эди. Отпусокага чиққан Гансни кўришгани бирин-кетин меҳмонлар кела бошлади. Уларнинг кварталдаги ҳамма одамларнинг омади юрган эди; уй ва жиҳозлари бутун қолгани сингари ақл-хушлари ҳам жойида эди. Жуда ҳаяжонланган Эмилия хола чопиб келди; у одатича яна кўз ёши қилиб олди. Уни йигирма йил боққан ҳовлисидаги устахона ёпиқ эди. У гўё ҳатто игна ушлашни ҳам билмайдигандек фабрикага оддий ишчи бўлиб кирди. Устахона бошлигини бошқа жойга ишга тайинлашганда, Эмилия хола аввалига, у мени ҳам ўзи билан олиб кетар, деб умид қилиб юрди. Қаёқда! У, мен қўл остимдаги ҳар бир тикувчи аёлни ишга олинглари, деб илтимос қилолмайман, у замонлар ўтиб кетган, деб тушинтирди, қуруққина қилиб. Эмилия хола ўзича, мени устахона бошлиғи билан боғлаб турган муносабатлар бутунлай бошқа, деб ҳисобларди. Эмилия хола унинг учун ҳечам оддий бир тикувчи аёл эмас-ку, ахир. Ганс, озғин, кийимлари тўзган Эмилия холага кулимсираб қараб турарди; илгариги латофатидан фақат бир вақтлар кўксига тақиб юрадиган бинафша ранг бантдан бошқа ҳеч нима қолмаганди.

Эр-хотин Мельцерлар ҳам келишганди, Мельцер хоним, Ганс билан Эмми бир-бирларини қўлини ушлаб туришибди, деди гап орасида. Шундай алғов-далғовда майда-чуйда нарсаларни кавлаштириб ўтириш арзима-

ганлиги учун Мельцер хонимнинг назарида ҳаётнинг заррача қадри қолмаган эди. Заводдаги ишидан кўнгли тўқ эмасди: узун бурунли бу хотинга конвейр лентаси бирор қизиқ, галати нарсани келтирмасди. Қизлар унинг катталигини яхши кўришмасди, чунки у жуда қаттиқ қўл бўлиб, ҳеч қандай хатога йўл қўймади. Унинг эри жуда жонланиб, қизишиб кетганди. У тинимсиз гапирарди, унинг кўзида ўзига хос бир жилва бор эди; бу кўпдан буён сирли воқеалар дунёси билан яқиндан таниш бўлганининг натижаси эди. Оддий бир ефрейторнинг Германия армиясига қўмондон бўлиши бежиз эмас-ку, ахир, деди у. Воқеаларнинг бундай кетишида, кишига жуда катта умид бағишловчи чуқур бир фикр яширинган.

Ганс тўсатдан Трибелнинг хотинини сўраб қолди: Ганс уни кўрмаган, ҳатто у ҳақда илгари ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Лекин ҳозир, шу сафсатани эшитиб туриб, бу хотиннинг меҳрибон, хотиржам боқилишини, болалигида унинг ошхонасида неча марта яширинганини эслади. Мария биринчи бўлиб гапирди.

— Уни бундан икки ойча бурун, кечаси олиб кетишди.

Гарчи у бирор ноҳўя қилиқ, ман қилинган бирор иш қилмаган, беадаб гап гапирмаган бўлса ҳам, мен унга сира ишонмасдим,— деб гапни илиб кетди Мельцер хоним. Лекин одамларни ҳеч гуноҳи бўлмаса ҳам биргина шубҳа билан тутиб кетаверишларини Мельцер хоним жуда қўллаб-қувватларди.— Ҳар қанча бекинмачоқ ўйнама, барибир қўлга тушасан,— деб гапни тугатди Мельцер хоним.

Ганс бўлса, бу ҳокимият ифлослик, разилликнинг ҳар қандай хилидан ҳам фойдаланишга тайёр, ҳатто аллақандай бир Мельцер хонимнинг синчковлигидан фойдаланишга ҳам йўқ демайди, деб ўйларди.

Эмми Гансларникида ётиб қолди. Мельцер хоним бу ҳақда завқ-шавқ билан гапирди. Гарчи унинг бошқалар сингари, эрталабдан оғир ишга бориши керак бўлса, ҳам, бошқалар қатори унинг ҳаёти ҳужум хавфи остида бўлса ҳам бу ҳол унинг учун чинакам бир мўжиза эди. Кейинчалик бориб унинг синчковлиги ростга чиқди. Эмми Ганс жўнаб кетгандан кейин Гешкеникига кўчиб келди. Эмми шу ерда, севгилиси Ганс ўсиб катта бўлган уйда яшашигидан бахтиёр эди; Ганс шу ерда ҳозирги даражага етди.



Ганс борлигида вазият қандай бўлса, у кетгандан кейин ҳам шундайлигича қолаверди. Мария йиғламади; ахир у ҳали йўлда эди. Поезд уни тобора шарққа олиб кетаётганди. Мана у, жанг майдонига яқинлашиб қолди. Мария соатларни ҳисоблаб ўтирарди, Гансни мана ҳозир ўлдириб қўйишлари мумкинлигини у бутун вужуди билан ҳис этарди.

#### IV

Венцловнинг кўкси орденларга тўлиб кетганди, у буни болалигидан орзу қиларди. Мукофот билан орден бошқа нарса-ю, орзу-ҳавас бутунлай бошқа эканлигини Венцлов сўнги пайтларда тушуниб қолди. Уни муддати тўлмаса ҳам ҳадеб мансабга кўтаришарди. Ўлдирилган Леркенинг полк штабидаги ўрнини олишга унинг асослари бор эди. Буни Браунснинг ўзи тавсия қилди. Ҳозирги вазиятда тасдиқлашларини анча вақт кутишга тўғри келарди; Венцлов ёшлиқда орзу қилганларим рўёбга чиқавермас экан, деб ҳафсаласи пир бўлгандан буён, у бу мансабга эришишни хаёлига келтирмасди; лекин унинг ёшлик орзуларидан баъзилари ушалди, воқелик унинг орзуларидан қанчалик фарқ қилмасин, бу воқеликни фақат унинг орзулари билан тенглаштириш мумкин эди; у ўзининг нималарга қодир эканлигини жуда яхши биларди, отасига ўхшаб айбни фитна ёки ёвуз тақдирга тўнкамасди. Энди бўлса, қанча сув ичса ҳам чанқоғини босолмайдиган касалдай у кутилмаган бу янги мансабдан ҳам кўнгли ором топмаслигини сезиб қолди. Лекин Браунс, афтидан уни бундай лавозимга муносиб деб топибди, демак, муносиб бўлишдан бошқа чора йўқ. Улар шу вақтгача, ўз позицияларини қандай қилиб бўлмасин сақлаб қолиш тўғрисидаги буйруқни бажариб, душманнинг ҳамма ҳужумларини қайтариб келдилар. Браунс уни ўлган Леркенинг ўрнига ҳамма кенгашларга чақирибгина қолмасдан, ўзининг энг яқин ошналари билан бирга олиб юрарди, кейинги вақтларда эса у билан юзма-юз ўтириб гаплашди. Уларнинг шахсий составидан учдан бир қисми қисқарди. Душман истеҳкомнинг сиртқи қисми халқасини ҳеч ерда ёриб ўтолмади. Душман Вислага икки жойдан ёриб ўтган бўлса ҳам қуршовдан, П. шаҳрига олиб борадиган тош

йўлга чиқиб олса бўларди. Тош йўлда улар бир марта ёрдамчи куч олдилар, энди йўл кесиб қўйилмасидан, иккинчи марта ёрдамчи куч беришларини соат сайин кутишарди.

Уларнинг ихтиёрида — Польшадаги икки тепалик орасида кичкина бир шаҳарча бор эди, у ерда бир неча бино билан бетонланган блиндаждан бошқа ҳамма нарса вайрон бўлганди. Шаҳарча мудофаага халақит бериб, қўшинларнинг озиқ-овқатига шерик бўлган аҳолининг қолган-қутганидан ҳам тозаланган эди; Венцлов Браунснинг олдига ахборат бергани келди. Браунс, Венцловнинг гапини тингларкан, диққат бўлганиданми ёки одатими, бошмолдоғи билан столни чертиб ўтирарди. Ертўлани ёритиб турган абажурсиз электр чироқлари кўзни қамаштирарди. Браунснинг юзи хотиржам бўлиб, ўсиқ қошлари учиб-учиб қўярди. Браунс ичишни таклиф қилганда Венцлов хурсанд бўлиб кетди. Унинг доим ўзи билан олиб юрадиган спирти соб бўлганди; ёрдамчи куч келиш шарафига солдатларга яна қўшимча порция берилганди. Венцлов ахборат беришда давом этди: Нильс, аҳолининг қолганини соқчилар назоратида П. шаҳарчасига олиб борадиган тош йўлга олиб чиқиш тўғрисида буйруқ олди. — Венцлов беихтиёр Браунснинг столни тақиллатиш оҳангига мослаб гапира бошлади. — У бўлса буйруққа хилоф равишда ва Венцловнинг қаршичилигига парво қилмай, аҳолининг қолганини пулемёт ўқлари остида олиб чиқиб кетди, ҳолбуки пулемёт ленталари шундай ҳам кам.

Браунснинг бармоқ уруши секинлашди, у Венцловнинг берган ахборати устида бош қотирарди.

— Буйруғимизда ҳечам бунақа гап йўқ эди, — деди у ниҳоят.

— Ҳамма гап шунда-да, — деб унинг гапини маъқуллади Венцлов. Браунс бош қимирлатиб қўйди. Бу унинг ҳа, шу билан гапни тамом қилсак бўлади деганини, қаттиқ безовталанганини кўрсатиб турарди.

У эсэсчи Нильс билан жуда кўп марта жанжаллашиб қолганди. Нильс докладларида ҳам, оғзаки гапирганда ҳам Браунс ҳақидаги фикрини сира яширмай: у эски хурофатлар ботқоғига ботиб қолган, ўз табақасига хос бўлган нотўғри тушунчалардан воз кечишга қодир эмас, деб очиқ айтар эди. Нильс, урушнинг оқибати яхши бўлишлиги учун ўзи зарур деб ҳисоблаган тадбирларни амалга оширгани ўжар генералнинг розилигини

олиш мақсадида Браунс билан жуда ўзоқ вақт олишганди.

Ахийри Браунс барибир қўл қўйиб берарди.

Нильсга эса фақат шу керак, қўл қўйса бас, бу ёғини ўзи тўғриларди. Илгарилари у, бирор иш қилишга чолни ишонтирмоқчи бўлиб вақтим беқор ўтяпти, деб пичинг қилиб юрарди. Энди маълум бўлдики, унинг меҳнатлари зое кетмабди. Энди унинг ҳамма иш икки томоннинг розилиги билан қилинди, дейишини исботловчи далиллари бор эди.

Браунснинг яхши томонга ўзгариш бўлишини кутмаётганини, қуршовдан қутулиб кетишга кўзи етмаётганини Венцлов аниқ билиб турарди. Браунс энди П. шаҳри томондан ёриб ўтишларига ҳам ишонмасди: душманни Висладан ўтказиб юбормаслик учун у ерга ҳамма кучни тўплаш керак бўларди; Браунс ҳозирча ақлга сизмайдиган бирор нарса юз бериши мумкин, деган фикрни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди: у фақат бир нарса — қоғозлар, ўзи қўл қўйган буйруқлар, эсэсчилар архиви тўғрисида ўйларди. У, бутун уруш давомида жуда ҳам қалин алоқада бўлган одамларимдан қандай қилиб бутунлай ажралсам бўларкин, деб ўйларди. Ихтиёрий равишда. Йўқ, ихтиёрий эмас. Қиёматда буни тушуниб олиш жуда қийин бўлади, дарвоқе, у ерда бунинг аҳамияти ҳам бўлмаса керак. Нильс ўрталаридаги ўша алоқани рўқач қилиб олганди.

Браунс билан Венцлов жим бўлиб қолишди: нима ҳам дейсан, жуда ҳам иноқ, ажралиб кетишни ўйламаса ҳам бўлади, вақт ўтган. Нильс газетадан қирқиб олинган парчани уларга ўзи кўрсатди. У гўё ўтган йил Харьковда осиб ўлдирилган немисларнинг хира расмини кўрсатаётгандай маъноли бир ишора қилиб қўйди. Расм тагига «Қани, таслим бўлиб кўрингларчи» деб ёзиб қўйилганди. Браунс бошмолдоғи билан столни чертарди: Венцлов ҳар ҳолда анча виждонли одам. Ўтган урушда Браунс унинг отасини кўрган эди. Марҳум отаси дилкаш одамлардан эмасди, айтарлик истеъдоли ҳам эмасди, лекин худди ўғлига ўхшаб жуда тўғри, виждонли одам эди. Нильсга ўхшаган одамнинг бу билан неча пуллик иши бор? Ватан унга шайқасининг қутуриши учун бир баҳона. Лекин бирга ўғирлик қилишди-ю, бирга қўлга тушишди.

Венцлов қўшинларни озиқ-овқат билан таъмин қи-

лишнинг янги нормаси ҳақида ахборот берди. Уларга озиқ-овқатдан ёрдам беришмаган тақдирда ҳам, бор овқат уч ҳафтага бемалол етиши керак. Зенит тўплари яна авжига чиқди. Снаряд шундай яқин жойда портладики, стаканлар, ёзув асбоблари ва Венцловнинг ёноқ суяклари қалтираб кетди. Чироқ ўчиб қолди. Браунс электр фонарчасини ёқиб, уни Венцловга тўғрилагач, ўзининг юзи сояда қолиб, Венцловнинг юзи эса, ёп-ёруғ бўлиб кетди. Фонарь қоронғи ертўлани худди кундузгидай ёритиб турарди, Венцловга шу вақтгача ерда ҳеч бир чироқ шу қадар ёруғ ёнмагандек бўлиб туюларди. Портлашдан кейин атрофга сув сепгандай жимлик чўкди, фақат Браунс бошмолдоғи билан столни секунд стрелкасидай тик-тик қилиб чёртиб ўтирарди.

— Давом этинг,— деди Браунс. Венцлов юзини ёруғдан буриб, ҳисоботини такрорлади. Қоровул эшик орқасида ким биландир тортишарди. Фаренбергнинг овози қатъий жарангларди. Қоровул Фаренберг келганлигини хабар қилди. Электрни тузатишди, Браунс фонарини ўчириб қўйди. Венцлов юзига фонарь ёруғи эмас, кўзини қамаштирадиган бўлса ҳам шифтдан оддий ёруғлик тушиб турганидан кўнгли анча енгил тортди. Браунс қайрилиб қарамади, фақат кирган одамга кўз қирини ташлади. Фаренберг худди мурдадай кўкариб кетганди. У, Венцлов турган уй бомбадан ер билан яксон бўлганини хабар қилди. Кўча майдонга етгунча бузилибди. Браунс икковининг кетишига рухсат берди. Доклад қилиш учун Браунснинг олдига чақиртирганлари Венцлов учун ҳақиқий бахт эканини у кейинроқ тушуниб қолди. Лекин ҳақиқат деганда нимани тушуниш керак? Бахт деганда нимани тушуниш керак? У ўрнидан турганда Браунс ундан бир минут тўхтаб туринг деб илтимос қилди. Генерал, таслим бўлиш ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмаслигини ҳар бир буйруқда, ҳар бир фармойишда, ҳатто ҳар бир шахсий суҳбатда ҳам таъкидлаш зарурлигини Венцловга яна бир уқдириб қўймоқчи эди. Кейин у гап тамом дегандай ишора қилди. Унинг бошмолдоғи неча секунд, неча минут столни чертиб турди экан?

VI

Мария эрталабдан ярим кечгача заводда банд эканлигидан, ўйлашга вақти йўқлигидан ҳатто хурсанд ҳам

бўларди. Кечқурун ёстиққа бош қўйиши билан дарров ухлаб қоларди. Лекин ярим кечада, илгаригидай чўчиб уйғонарди. Эски одати бўйича у: «Ганс ҳали қайтиб келгани йўқ», деб ўйларди. Уйқу аралаш бу сафар унга бир гап бўлмадимкин, деб қўрқарди. У энг охири автобус овозига, дераза тагида эшитилган оёқ товушларига қулоқ соларди. Агар у ҳозир келмаса, демак қўлга тушган. Лекин ундан дарак йўқ эди, кейин бутушлай ўзига келиб, Ганснинг келолмаслигига ақли етарди.

Баъзи кунлари у тонгга яқин будильник жаранглаши олдидан ухлаб қоларди. У ишга бўшашиб, беҳол бўлиб тушарди, қўллари, гўё ҳолдан тойган танасига ҳеч қандай алоқаси йўқдай, беихтиёр ҳаракат қиларди.

Кечқурун шўрвани тарелкага аранг қуяр экан, Гешкега деди:

— Ҳайронман, одамлар қандай чидайди. Бундай яшагандан кўра, гўрга кирган минг марта афзал эмасми.

— Биз ҳаммамиз чидаймиз,— деб жавоб берарди Гешке.

— Мен ҳам чидайман, чунки Ганс қайтиб келса, мени тирик кўриши керак, деб ўйлайман.

— Ҳа, ҳамма ҳам шуни ўйласа керак,— деди Гешке.— Ҳар ким ҳам ўз севган одамини яна бир кўрсам дейди. Шунинг учун ҳам ҳеч ким ғинг деёлмайди.

Улар кўпдан бери бундай узоқ суҳбатлашган эмасди. Уйда шовқин-сурон бўлса ҳам улар одатда бир-бирининг рўпарасида индамай ўтиришаверарди. Мелер чол, невараларини вақтинча сизникида туришсин, деб илтимос қилгандан буён уларнинг уйига файз кириб қолганди. Мелер чолни неваралари билан шаҳар чеккасида бомбардимон қилишганди; онаси аллақердаги касалхонада ётарди, кенжаси буваси билан бир тўшакда ухларди.

Гешке жим бўлиб қолди. Мария, у одатига хаёлга чўмди ёки ўтирганича мудрапти, деб ўйлади.

— Агар билсанг, бу фикрларинг билан унга фақат зараринг тегади,— деб яна тўсатдан гапириб кетди у, бир зум жим турди-да, кейин қўшиб қўйди:— Борди-ю, ана Ганс ўлди, деб фараз қилайлик, унда нима қилардинг? Ўзингга мутлақо қарамай қўярмидинг?

— Агар уни кўрмаслигимини аниқ билсам, ўзимни сира ўйламасдим, менга икки дунё бир қадам бўлиб қоларди. Ўзим ҳам ўлишни истаган бўлардим. Мен унда ҳаммага: «Шунча азаб чекканингиз, ўлиб-тирилиб ишла-

ганингиз етар, энди ўзингизни қийнаманг!» дердим. Ҳа, худди шундай деган бўлардим. Яна: «Секинроқ ишланг, ёмонроқ ишланг, қўлингизга тушган нарсани бузинг»,— деган бўлардим. Гестапога тушсам ҳам майли, Гансни кўрмаганимдан кейин барибир эмасми?

Гешке унга ҳайрон бўлиб қаради. Унинг малла, сал оқ оралаган сочида, дўнг пешонасида илгариги хурсандчиликнинг акси бор эди.

— Агар у ўлса сен шундай қилмоқчимисан-а,— деди Гешке.— Мен эса кўпинча шундай деб ўйлайман, шундай қилиш керакки у соппа-соғ келсин. У, бизни кўролмайди деб қўрқиш керак эмас, чақимчилардан ҳам, гестаподан ҳам қўрқмаслик керак.

Мария унга ҳайрон бўлиб, тикилиб қаради. Юзида ғамгинликдан асар ҳам йўқ эди; унинг сўниқ ҳорғин кўзларида тўсатдан ғалати бир ифода кўринди, Мария буни энди турмуш қурган вақтларида икки-уч марта кўрган эди, гўё бўш, роса тўзиган парда тагида унга нотаниш бир одам яширингандай бўлиб туюларди. Мелер чолнинг неваралари, овқатдан бизга ҳам унча-мунча тегармикин, деган умидда меҳмонхонадан мўралашарди. Мария овқатдан ҳар бирига бўлиб берарди, кейин ҳаммаси бир бўлиб костюлнинг тагида қолганини қириб-қиртишлаб олишарди.

Мария ўзини одатдагидан кўра анча тетик сезарди, тўғри, сал кечроқ ухлади-ю, лекин будильник жириглагунча бир марта ҳам уйғонмай, туш кўрмай, мириқиб ухлади.

Гешкенинг ҳамкасабалари, завод жосусларининг ундан шубҳаланганликларини: фақат ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уни қамашмаганларини Марияга кейинроқ айтишди.

Эртасига Мария ўн бир соат эмас, ўн икки соат ишлаши керак эди. Ишдан уйига қайтиб келаётганда бирдан ҳаво тревогаси бўлиб қолди. У кечани бировнинг бомбадан сақланадиган пана жойида ўтказди. Тонг отиши билан Мария уйига отланаётиб, шу ерда бўлган мишмиш гапларнинг тўғри чиққанлигини билди: бомбалар уларнинг районига тушган эди. Майдон ҳам, кўча ҳам ўраб олинган эди. Тутун тарқагандан кейин Мария кўчадаги вайрона орасида фасаднинг бир қисмини кўриб қолди, болохона ҳали ҳам унга ёпишиб турарди: у бир-бирига қовушмаган тушга ўшарди. Полиция уни тўсиб

қўйилган жойдан бир чеккага суриб қўйди. У, худди тушидагидай, шу бизнинг болохонамикин, деб билишга беҳуда уринарди. Ниҳоят, у, бу болохона уйларнинг қиясидаги болохона эканлигига фаҳми етди — ўтган ёзда унда Трибелнинг хотини иш тикиб ўтирганди. У анча ҳушини йиғиб олиб, бир куни кечаси фрау Трибелни полиция олиб кетганлигини эслади. «Ҳеч қандай ҳийланайранглр уни қутқариб қололмади», деганди ўшанда Мельцерша. «Ким билади,— деб ўйлади Мария,— эҳтимол у ҳали тирикдир, бирон жойда турмада ётгандир?» у қаттиқ саросимага тушиб ўзича «Яхшиям Ганс бу ерда эмас, фронтда, бу ҳам бўлса менинг бахтим» деб ўйлади. Кейин унга, бирдан фрау Трибель бутун қолган болохонасида хотиржам иш тикиб ўтиргандай туюлиб кетди. Узининг гул экадиган яшиклари қаерда қолди? Ахир; у яқиндагина янги уруғ экканди-ку. Уруғлардан ташвиш тортмаса ҳам бўлади, улар шағал орасидан ҳам униб чиқади.

— Гешке!— деб қичқириб юборди, у тўсатдан; Полициячи бирданига икки ишни қилишга уринарди: ҳам аёлни тўсиб қўйилган жойдан ҳайдамоқчи, ҳам унга ёрдам бермоқчи бўлди. Мария унинг қўлидан қутулиб чиқиб кетишга уринарди; Гешкенинг заводдан ундан анча илгари келганлиги Мариянинг эсига энди келди. Бир хотин унинг елкасидан қучоқлади-да, бир четга, тош устига авайлаб ўтқазди. Мария иккинчи қаватда турувчи фрау Биндернинг қайинэгачисини таниди-ю, ўзини дарров қўлга олди. «Нега у бу ерда яна айланишиб юрибди? Нега келиб-келиб менга ёпишади? Эҳтимол у мени алаmidан Гитлерни қарғар, буни тегишли жойга етказиб, яна бир орден оламан деб ўйлар?» Лекин бу разил ниятига етолмади: истараси иссиқ, янги блузка кийиб олган бу қиз ўзининг туриш-турмуши билан Марияни ҳайратда қолдирди ва уни ҳушига келтирди. Йўқ,— у Гитлерни қарғамайди: Йўқ, Гитлер оппо-осон қутулиб кетолмайди. Мария унинг учун бефойда қарғашлардан кўра бир оғирроқ жазо ўйлаб топади. Фақат уйи эмас Гешке ҳам йўқ эди, у аллақерда, қуршовдаги кўчада кулга айланиб ётганди. У қўрқувни ҳам унитди. Гешке ўтган куни шу ҳақда гапирган эди. У яхши одам эди. Мария унинг олдига бир сабаб билан келиб қолди, чунки ўша вақтда унинг бошқа борадиган жойи йўқ эди, чунки Гешке Марияга боласини уникида туғишига йўқ демади. Бу

билан у жуда катта мурувват кўрсатди. У Гансни доим ўз болам дерди, сира камситмасди, ўкситмасди; бу ҳам катта ҳиммат. Мария тўсатдан, пол тагига, ошхонадаги шкаф тагига яшириб қўйилган милтиқни эслаб қолди. Гешке кутилмаганда ўша жойдан милтиқни олганда Мария жуда ҳайрон бўлган эди; бу Ганс туғилгандан кейин кўп ўтмай, 1920 йилнинг мартада, капчилар фитнаси вақтида бўлганди; Ганс шу пайтда ҳали бешикда эди; бешик ва милтиқ, бу уйдаги икки сир эди, хотинининг сир билан эрининг сир эди. Уйнинг ништ кесакларини йиғштиришганда милтиқни топиб олишлари мумкин. Бу милтиқнинг кулга айланган аянчли жасадга тегишли бўлганлигини тушунишлари гумон; жасадни ҳам милтиқ билан бирга кавлаб олишлари мумкин. Мария қуршаб олинган жойда ҳеч таниб бўлмайдиган, пачағи чиқиб кетган қумли яшикни кўриб қолди. Гешкенинг биринчи хотинидан бўлган болалари шу ерда ўйнашарди, хотини ўтган урушда гриппдан ўлган эди; у ўлгандан кейин болаларни Мельцерша тарбия қилган эди; Мария унинг гапи билан болаларга қараб турарди. Балки, Мельцерша ҳам ёниб кул бўлаётган уй хароблари орасида қолиб кетгандир. Гешкенинг севикли катта ўғли Паулнинг ўлганига анча вақт бўлди. Ушанда иккаласига, бундан ҳам оғир мусибат йўқдай туюлган эди. Мария Еле-нага чин кўнгилдан меҳр қўйганди. Франц бўлса ўзининг эсэсчилар андозасига тўғри келмагани учун бундан ўн йил бурун отасига жаҳл қилиб юарди. Мана энди ёниб кул бўлган суякларни кўриб жаҳлнинг чиқсин, сенинг андозанг маша шу!

Мария олдинга шундай шиддат билан ташландики, Биндер хонимнинг қайнэгачиси уни ушлолмай қолди. Полициячи Марияни қўлидан ушлаб қолди. У полициячи билан роса олишди, Мария фақат яшикдаги қолган қумни қўлига олиб кўрмоқчи эканлигини полициячига сира тушунтиролмади.

Тўсатдан у Мелернинг катта неварасини кўриб қолди. Мария уни чақирди; бола йиғлаб туриб унинг пинжигига тикилди.

— Гешке амаким Линани кўтариб олганди, бомба иккаласини ҳам ўлдирди,

Амалия хола Мальцанлар билан қўшни бўлиб турганида уларникига тез-тез чиқиб турарди. Лекин уй-жой камайиб борган сари иккита онлага икки уйдан фақат биттаси қолдирилиб, Мальцанлар Венцловнинг уйига кўчиб ўтишгандан кейин Амалия хола биринчи қаватга сира ҳам қадам босмайдиган бўлиб қолди. Бошқалар кулишиб, аччиғланишиб унинг қатъий буйруғига бўйсинишди, унинг остонасини ҳатлаб киришга ҳеч кимнинг ҳадди йўқ. Овқатни унга ташқаридаги стол устида қолдиришлари керак. Қасал оёғи билан юқорига чиқиш қанчалик оғир бўлмасин, иккинчи қаватни унинг ўзи танлаб олди, чунки у ўзининг севикли уйларидан сира ажралишни истамасди. У одатда хат ташувчи ёки битта-яримта меҳмон келяптими, деб ойналари рангдор деразаси олдига ўтириб олиб, Шарнхорстштрассе кўчасига қарарди. Эшикка деярли чиқолмасди; сочини тараш, кийиниши, уйни супириб-сидириш унинг учун амримаҳол эди; бу ишлардан кейин бутунлай тинкаси қуриб, у ҳар ҳил рангдаги, кўк ва қизил рангдаги дераза олдида ўтирарди; қош қорайиб кўчада ҳеч нарса кўринмай қолгандан кейин у ўзи учун азиз ва мўътабар бўлган одамларни, тарихдаги, ўз шахсий ҳаётидаги таниш образларни эслаб бошлади. У бошини ҳар томонга қимирлатиб ўша хаёлий шахслар билан завқланиб гаплашар, баъзида эса заҳарханда билан кулиб қўярди. У ҳатто, эркаклардан эшитган қалтис ҳазилларни ҳам эсларди. У ўзини жуда яхши, кўнгли севган ўз одамлари орасида ўтиргандай ҳис этарди. Улфатлари ҳам буюк курфюрстдан<sup>1</sup> тортиб ўзининг жиянига қадар жуда танланган мумтоз кишилар эди. Бегоналарни у жуда камдан-кам қабул қиларди, қабул қилганда ҳам уззукун госпиталда бўладиган жияни Ленора ёки бутунлай назардан қолган невараси Аннелиза сингари жуда синалган, миридан-сиригача маълум одамларнигина қабул қиларди. У бошқа қариндошларини кўришни истамасди, уларни ҳатто эсидан ҳам чиқариб юборганди.

Бир куни Мальцанларникига сира қартаймайдиган

<sup>1</sup> Курфюрст — қадимги Германияда император сайлаш ҳуқуқига эга бўлган князь.

Штахвиц келиб қолди. Унга, фрау Венцлов сал эсидан оғиб қолди, унга айниқса Венцловнинг яккаю ягона ўғли, неварасининг ўлими жуда қаттиқ таъсир қилган бўлса керак, неварасининг ўлимини унга анчагача айтишмади, унга айтишга қўрқишди, дейишди. Кампир ҳеч кимни қўймайди, деб ишонтиришларига қарамай, Штахвиц барибир иккинчи қаватга кўтарилиб, унинг эшигини қоқди.

— Амалия хола, бу менман, Штахвицман,— деди у ладил.

Штахвиц унинг типирчилаб қолганини эшитди. Кампир жиянининг дўстини бутунлай эсидан чиқариб юборган эди; энди унинг овозини эшитиб, Амалия хола анча хижолат бўлди. Штахвиц қўполлиги, сурбетлиги, шўхлиги билан доим ажралиб турарди, албатта, умуман ёмон йигит эмас, у кампирнинг азиз меҳмони бўла оларди.

Улар ойналари рангдор дераза олдида ёнма-ён ўтиришди. Амалия хола бирор нимани чалкаштириб юборишдан ва зеҳни ўтмаслашиб қолганини сездиришдан қўрқиб, эҳтиётлик билан Штахвицдан унинг бутун оиласини сўраб суриштирди. Штахвиц, бемор ёки кексалардан кўпгил сўрагани келганда ўз хижолатини яшириш учун ясама қувноқлик билан ҳамма нарсани ипидан-игнасигача батафсил гапириб берадиган одамларга ўхшаб жавоб берарди. У Амалия холанинг гапиришга қийналаётганини сезд; лекин Мальцанлар айтгандай унда ақли камликдан асар ҳам топмади. У Штахвицга, Фрицнинг шарқдан нималар ёзаётганини гапириб берди. Гап Фриц ўғлининг ўлими тўғрисида ҳам борди. Лекин кампирнинг шуни деб ақли озганлигига Штахвицнинг ишонгуси келмасди. У, боланинг ўлими билан уларнинг насл-насаби бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин, деб очикдан-очиқ гапирди. Қим билади, бу урушдан кейин унинг жияни яна ўғил кўрадимиз йўқми? У шу заҳоти бу мусибат кўпчилик немис оилаларининг бошида бор, деб қўшиб қўйди. Кейин у Штахвицнинг ўз ишлари, ҳарбий воқеалар тўғрисида одатича инжиқлик билан сўрай бошлади. Штахвиц ўзи қизиқарли ва гапирса бўлади, деб ҳисоблаган ҳамма нарсани батафсил гапириб берди. Амалия хола унинг гапларини диққат билан тингларди. Рангдор ойналардан тушиб турган ёруғда Штахвиц Амалия холанинг юз ифодасини ажратиб олиши анча қийин эди. Амалия хола унинг очигини айтмай, гапни чала қолдир-

ганини сезиб қолиш мумкинлиги Штахвицнинг сира ақлига сифмасди. Амалия хола, гўё эшитганларини бир зум ўйлагандай, жим бўлди-ю, кейин:

— Қани айт-чи, жонгинам! Германия бутунлай хароб бўлдими?— деб сўраб қолди.

У «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Нима қиласан, ёлгон гапириб, жонгинам,— деб унинг сўзини бўлди,— Амалия холани алдаб бўладими.

Штахвиц болалигида безорилиги учун Амалия холадан гап эшитгандаги сингари, бошини қуйи солди, кейин шундай секин жавоб қайтардики, унинг бу гапини, ҳатто рангдор ойнали деразанинг қўрғошинли панжаралари орасига яшириниб олган жосус ҳам эшитолмаган бўларди.

— Шундай бўлса керак, деб қўрқаман азизим Амалия хола.

У бошини бир қимирлатди-да, қизишиб гапира кетди:— Мен кўпдан бери қўрқаман: Ахир мен бу одамга, сизнинг фюрерингизга сира чин юракдан ишонган эмасман. Гарчи у ирқ ҳақида оғиз кўпиртириб гапирса ҳам, лекин ўзи паст ирқдан. У ёмон тарбия кўрган, ярамас одам, ор-номуссиз, эътиқодсиз одам.

Штахвиц энгашиб, Амалия холанинг иккала қўлини ушлади-да, аввал силади, кейин бир неча бор ўпди; у ўз туққан онасига ҳам бунчалик илтифот кўрсатмаган эди.

У биринчи қаватга тушиб, Мальцанлар ундан:— Хўп, яхши меҳмон қилдими? Кампир анча ҳориб қолгандир?— деб сўрашганда у:— Ҳечам, аксинча ҳали жуда бақувват, мен шу қадар кўп нарсани бошимдан кечирдимки, ўзимни худди юз яшар чолдай ҳис этаяпман. Биз ҳаммамиз кексайиб қолдик, биргина Амалия хола сира ўзгармаган,— деб жавоб берди.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Амалия хола иложи борича барвақт туришга ҳаракат қилди. Хат ташувчининг қўлидан хатни ўзи олиши керак эди. Бу Мальцан ўзининг мағрурлиги билан мана эллик йил бўптики, унинг кимсасиз, гариб ҳаётини заҳарлаб келди, энди бу хонимнинг Фрицнинг хатидаги адресни биринчи кўришидан Амалия хола қаттиқ газабланарди.

Кўчиб ўтишларида иккала хотин ўз аро зинани фрау

фон Мальцан супириб-сидириб тозалайди, деб келишиб олишганди, лекин унинг супириб-сидириши фрейлен фон Венцловга ёқмади. Уруш бўлаётганига, устма-уст бомбалар ёғилаётганига қарамай у, уйимдаги зинапоё ҳеч қачон кўнгилдагидай қилиб артилмайди, деб чидай олмасди. Унда пол артадиган мумдан бир оз сақланиб қолганди, у ўтган кеча туни билан ухламай, боши бир неча марта айланса ҳамки уйининг олдидаги зинапоё майдончасини ялтиратиб артиб чиқди. Бугун эса шошганидан, қўлтиқтаёғи сирпаниб кетди, кейин ўзи ҳам қочилиб кетиб, зинадан пастга юмалаб тушди. Фрау фон Мальцан хатни олгани чиқиб, фрейлен фон Венцловнинг ерда ҳушсиз, инграб ётганини кўриб қолди-да, эрини ёрдамга чақирди. Фрау фон Мальцан одам бўлмаслиги дарров аниқ бўлган касалга қараб турди, у Венцловдан хат келгандан кейин аввал беморни ташқи жиҳатдан, унинг ҳушига келмаслиги аниқ бўлгач, ички томондан ҳам текшириб, ўрганди.

Ленора эртасига Потсдамдаги госпиталдан таниш ҳарбий врачини олиб келди. У марҳумнинг уйига кириб ичидан бекитиб олди. Амалия холанинг мурдаси гўё унга таъна қилаётгандай бўлди:

— Сенга нима бўлди, болагинам! Киши шунчаликам бўшашадими! Бошга ҳар қандай ғам-ғусса тушса ҳам, киши ўзини қўлга ола билиши керак.

Ленора ниҳоят, кўз ёшларини артиб, бурнига упа сурди.

Штахвиц, гарчи отпускасининг тамом бўлишига бир неча соат қолган бўлса ҳам, у фрейлен фон Венцловни яна бир марта кўриб чиқмоқчи бўлди. Унга эшикни Ленора очди. Ғира-ширада бошида ҳамширалар тақадиган косинка бўлмагани учун унинг раиғпар, озғин юзи холасининг юзига шу қадар ўхшар эдики, Штахвиц иккиланиб:

— Фрейлен фон Венцловмисиз?— деб сўради.

— Бу мен, Ленораман,— деб жавоб берди қаттиқ ранжиган ҳолда,— Амалия хола кеча ўлди.

## II

Мария энди иккита хизматчи аёл билан турарди. Биттасининг мактабда ўқийдиган иккита қизи бор эди. Бузилган уйларнинг ўрнига қурилган бараклар, завод-

га шундай яқин эдики, аёллар ишга атиги чорак соатда етиб боришарди; бу заводга анча қулай эди.

— Биз учун-ку турган гап,— дерди Мариянинг баракдаги қўшниси фрау Клебер. Унинг болалари ўқийдиган мактаб худди ўша кварталда эди, катта қизи бўш вақтларида баъзан ўша заводда ишлаб унча-мунча пул топиб турарди. Онаси тайёрловчи бўлиб ишларди. У жудаям ориқ эди, лекин тоза кийиниши, сочини яхшилаб тараб юриши, порлаб турган тиниқ кўзларининг тик боқиши кишида ҳеч қачон, бу қашшоқ ёки бузилган хотин деган таассурот қолдирмасди. Иккала қизи ҳам худди онасига ўхшарди: улар доим саранжом-саришта эди. Баракда ҳам, мактабда ҳам, ишда ҳам ювиниб-тараниб, топ-тоза бўлиб юришарди, ҳар бир нарсани қунт билан қилишарди; уларнинг бундай саришта-саранжом бўлишига ҳеч нарса халақит беролмасди. Фрау Клебер баракдаги дугоналарига ва қизларига шундай дерди:

— Ҳамма нарса бизга ўхшаган хотинларга боғлиқ; бизга ўхшаган хотин-қизлари бор халқ ҳеч қаерда йўқ. Унинг бу гапига фрау Гюбнер:— Сен қаёқдан биласан? Бошқалар устига биз ўзимиз оз мунча бомба ташладикми, лекин улар таслим бўлишмаяпти,— деб жавоб берарди.

Одатда фрау Гюбнер кўпинча жим ўтирарди. Сўнгги ойларда юзини ажин босиб, сочи шу қадар оқариб кетдики, кўрган одам кампир дерди. Мария бўлса доим индамай ўтирарди. Иккаласини бир-бирига яқин қилган нарса ҳам шу кам гаплик эди.

Мария ишга бир минут ҳам кечикмай, ўз вақтида келарди. У белгиланган миқдордаги пластинкага белгиланган миқдорга тешик қиларди, қўшни станокда эса ёриқдан сим чиқиб турарди. Унинг учун қаерда яшаш, қанча тешик қилишнинг сира аҳамияти қолмаганди. Унга, конвейер лентаси билан бирга кўз олдидан хотирасида сақланиб қолган айрим лавҳалар ҳам бирин-кетин ўтаётгандай бўлиб туюларди. Баъзида Гешке энг сўнгги кечадаги сингари ўйчан ёки эзма бўлиб унинг кўз олдида гавдаланарди; баъзида Эмилия холани гулдор кўйлакда кўргандай бўларди; баъзида унинг кўз олдида бурун тешиклари катта ўгай қизи Елена келарди. У назарида ҳамма нарсани ва ҳаммани штамповка қилаётгандай туюларди. У фақат Гансни

ўйламасликка ҳаракат қиларди; айланиб турган лента унинг устидан ўтмаслиги керак эди, уни тешиб ўтиш, мумкин эмасди. Мария Гансни фақат дам олиш кунлари, иш тикиб ўтирган вақтларидагина эсларди; Гансни ўйлаганда унинг юраги шундай эзилиб кетардики, гўё ичига ўт тушгандай эди. Лекин шунга қарамай, ўша дамлар унга завқ-шавқ бағишлар эди.

У бошига тушган мусибатларини аста-секин унитиб, энди ўзига кела бошлади. Бир куни заводга келиб у ҳам бошқалар қатори, хотинлар минутига илгарига қараганда икки баравар кўп тешик қилиши керак, деган бўйруқдан қаттиқ ғазабланди. У қўлидан келганча жанжаллашди, лекин фойдаси бўлмади. Уйга келаётганларида фрау Гюбнер унга:

— Сенга нима бўлди, Мария? Жанжал кўтаришнинг нима кераги бор?— деб сўради.

— Майли, мени қамашсин,— деб жавоб берди Мария,— энди барибир эмасми?

— Ахир фронтда ўғлинг бор-ку,— деди Гюбнер.— У уйга келганда, сен бўлмасанг, қандай бўлади?

Мария кулиб юборди-да:— У яшасин онам дейди, «Урушгин, курашгин», деган бўларди.

— Агар у чиндан ҳам фахрланса — деб эътироз билдирди Гюбнер,— демак у хойнахой бутунлай бошқача гапиради. У: «Ойи қарғишдан кўра ақллироқ бир иш топмадингми? Ойижон, сен жанжаллашганинг билан иш секинлашиб қолмайди, барибир. Яхшиси икки тешик кам штамповка қил: шундай қилгинки, бошқалар ҳам икки тешик кам штамповка қилишсин, сизлар штамповка қилган нарсалар қўлимизга тушганда ишласин. Булар қанчалик ёмон ишласа, мен уйга шунча тез бораман, ойижон», дерди. Ҳа, у ана шундай дерди.— Мария индамади, у ўзига яқин дўст тоганини ҳис этди. Маълум бўлдики бу машаққатли, оғир ҳаётда, у ҳеч кимни танимайдиган улкан шаҳар атрофидаги зах, илма-тешик бўлиб кетган баракда ёлғиз эмас экан.

Эртасига заводда алғов-далғов бўлди. Ишчи хотинларни озиқ-овқат карточкаларидан маҳрум қиламиз, кўшимча ишлаб берасизлар, деб кўрқитишди. Лекин кўпчилик хотинлар, минг ўлиб-тирилишса ҳам кўрсатилган вақтда белгиланган миқдордаги тешикни штамповка қилолмасликларини айтишди.

— Сен ҳам жазо тортганингга чин кўнглимдан ачи-

наман, Мария,— деди унга Клебер хоним кечқурун,— лекин буни жазосиз қолдириб бўлмасди.

— Хафа бўлма,— деб жавоб берди Мария,— қўлим бот бўлса нима қилай.

Клебер хоним унга совуқ кўзларини тикиб туриб деди:

— Мария сен ялқовлигиндан ишлагинг келмагани йўқ, мен буни жуда яхши биламан. Бу ўринда, бу ишларнинг ҳаммаси кўпчиликнинг бахт-саодати учун қилинаётганлигини тушунмаган хотинларни назарда тутишяпти, афсуски орамизда шундайлар бор. Ўзимни ҳам қўлларимда қувват қолмади. Ҳатто ямаб-яқашга ҳам, тикиб-чатишга ҳам мадор йўқ. Лекин ҳозир энг муҳими ўзинг учун ямаб-яқаш, тикиш эмас, балки корхонада ишлаб, фронт учун зарур бўлган нарсаларни ясаш.

Кечаси ҳаводан ҳужум қилишди. Улар бомбадан яширинадиган жойлардан баракка қайтиб келишаётганларида кўчанинг охиридаги уйларнинг вайрон қилинганлигини кўришди. Енғинни тўхтатиб қолиш учун баракларнинг бир қисмини бузиб ташлашди. Уйлари вайрон қилиниб, бошпанасиз қолган одамларни яқин ўртадаги баракларга бир амаллаб жойлаштиришди. Уч хотин болалари билан турган баракка яна икки кишини— чол билан чўлоқ солдатни жойлаштиришди. Солдатнинг бу ерга қандай қилиб келиб қолгани маълум эмасди.

Клебер хоним одатдагидай ўзини йўқотмай, бу тўс-тўполонда эринмай сочини таради. Унинг кўзлари чарақларди. Болалари онасининг тетик, лекин қаҳрли овозини эшитишиб, унга биринчи марта қўрқа-писа қарашди, назарларида оналари тирик одам эмас, балки арвоҳдек туюларди. Мария дир-дир титрашаётган қизларнинг бошларини силади. Илгари турганлар ҳам, янги келганлар ҳам унинг шу ердалигига жуда хурсанд бўлишди. Одамлар бомбадан қочиб, пана жойда ўтиришганларида ораларида Мария бўлса, ўзларини анча енгил ҳис қилишарди. Ҳатто заводда ҳам одамлар унинг малла сочини кўришиб хурсанд бўлишарди. Авваллари унга ҳеч эътибор беришмади; ғам-аламдан изтироб чекиб яшаган, машинадай тез ишлаган вақтларида унинг бор-йўқлигини деярли сезишмасди. Мана, тўсатдан у яна илгаригидай жонланиб, чаққон бўлиб кетди, гўё уни ҳаётга алоҳида мустаҳкам иплар боғлаб тургандай

эди; бошқалар ҳам унинг борлигидан ўзларини дадил тутишарди, кема ҳалокатга учрагандан кейин одамлар, чўкиб кетмасликлари учун тахталарга ёпишиб олишганларидай, булар ҳам Марияга мумкин қадар яқин бўлишга ҳаракат қилишарди.

Унинг цехида эски нормага қайтишга тўғри келди; янги нормадан ҳеч иш чиқмади! Лекин хотинлар шу қадар қийналишган, чарчашган эдики, энди уларга икки дунё бир қадам бўлиб қолганди.— Уч тешик кам қилдик нима-ю кўп қилдик нима, энди буни нима фойдаси бор?— дейишарди баъзилари.— Эҳтимол бу бир секунд бўлса ҳам урушни қисқартирар,— деди Мария.— Шу бир секунд ичида ё менинг боламини, ё сенинг эрингини ўлдиришлари мумкин.

Фрау Гюбнер фақат ҳайрон бўларди: қўшнисини бутунлай ўзгариб кетганди, индамай юрса ҳам, лекин ўзи анча довиорак бўлиб қолганди, унинг бу довиораклиги фақат гап-сўзда эмас, ишда ҳам кўринди. Дим баракда истиқомат қилувчи, битта-яримтаси келмай қолса хурсанд бўладиган одамлар Мария келса, жуда хурсанд бўлиб кетишарди. Ҳатто доимо хомуш юрадиган, янги келган сўққабош чолнинг ҳам вақти чоғ бўларди. Чўлоқ солдат уни ойна дерди. Ўзининг туққан онаси қаердалигини билмасди. Қизчалар бўлса-ку, севинганларидан дик-дик сакрашарди; ҳатто Клебер хоним ҳам унча тунд эмасдай, кўзлари ҳам хирароқдай, овози ҳам сўникроқдай бўлиб қолганди. Булар Клебер хонимни ҳовридан тушириб, Марианинг олдида инсоннинг изтироб чекишга ҳақи борлигини тушина бошлагандай қилиб кўрсатарди.

Бир куни Мария фрау Гюбнерни Гешкенинг қизини турадиган районга олиб борди. Тўғри, Елена дам олиш кунлари ҳам ишларди; чол ҳам узоқдаги заводга кетибди, лекин фрау Бергер билан невараси уйда экан. Шу кунларда уйга меҳмон келиши кутилмаган ҳол эди. Мезмоннинг уйига бомба тушмай омон қолгани, уйдаги эски ашқол-дашқолларнинг жой-жойидалиги эса меҳмонлар назарида ҳам кутилмаган ҳодиса эди. Кампир ўғли Оскар асирга тушганидан хурсанд эди. Ҳеч бўлмаса тирик қолади-ку; демак, дунёга бекор келмаган экан. Кампирнинг бу сўзларидан Марианинг юраги сиқилиб кетди. Унинг кампирга жуда ҳаваси келди, Бергер кампирнинг гапи билан айтганда дунёга бекор кел-



маган ўглини ўйлаб, юрагини ғам босди. Мария олдинга тикилиб ўтирди-ю, лекин ҳеч нарсани кўрмади. Гюбнер бир қўли билан уни қучоқлади, тўсатдан улар учаласи бир-бирига чамбарчас боғланган эканини ҳис қилишди. Тинкаси қуриган, бевақт қариган хотинлар учун бу дўстлик шундай алғов-далғовли кунларда бирдан-бир мустаҳкам таянч эди. Яралган ва ҳалок бўлган ҳамма нарса, шунингдек ҳозир ҳам ҳаёт билан ўлим ўртасида бориб келиб турган ҳамма нарса гўё буларнинг бир-бирига энгашган бошлари ўртасида тургандек эди.

Уйга қайтишларида улар Эмилия холаникига кириб чиқишди. Бомбадан хонавайрон бўлган уйнинг қолдиқлари ҳали ҳам йиғиштириб олинмаганди. Бир вақтлар бу ерда катта, ҳашаматли бир уй қад кўтариб турарди. Мария бегона шаҳарга келиб қолганда, шу уйдаги бошпана топган эди. Эмилия хола турган уй ҳам зарар кўрганди; кўчага чиқадиган корпус қулаб тушганди, илгари устахона бўлган орқа ҳовли очилиб қолганди. Эмилия хола уларни кўриб эсанкираб қолди, у ниҳоят ориқлаб кетганди. Мария уни юзидан эмас, чиройли гулдор кўйлагидан таниб олди. Энди унинг уйи бузилган корпусда турган одамлар ва уларнинг тасодифан бутун қолган ноёб жиҳозлари билан тўлиб кетганди. Мария Эмилия холанинг биринчи жаҳон урушида ўлган марҳум эрини расмини кўрди, у илгариги жойида турарди. Эмилия хола ўз эрига содиқ қолганини айтарди.

Қайтиб келишаётганда Мария фрау Гюбнерга ўзининг ёшлиги, ҳатто ўз севгилисини орзиқиб кутган кеча ҳақида, эсон-омон кўзи ёриши, фарзандининг тирик қолишини қанчалик истаганлиги тўғрисида гапириб берди. У вақтларда фарзанди ўзи билан бирга эди, энди бўлса жуда узоқда. У шу вақтгача гапириш мумкин бўлмаган нарсаларни ҳозир бемалол, очиқ гапирарди. Гўё қулаб тушган уйларнинг деворлари билан бирга унинг сирли қалб эшиги очилиб кетгандай эди. Кунлар бирин-кетин ўтаверди; хотинлар ишга шошишар, орачора мизғиб олишмаса, тўйиб ухлаш нималигини билишмасди, гўё ўзлари ҳам бор кучни ишга солишни талаб қилувчи конвейернинг бир қисмига айланиб кетгандай эди. Уларнинг тинкаси қуриб йиқилгунча ишлашар, бор кучларини худди зулукдай сўриб олишарди. Агар, бу кунлар ёнғинлар, бомбардимон қилишлар, ўлим даҳшати ва ўлим, ёрдам сўраб қичқаришлар, бурда-

бурда қилинган таналар билан тўлиб-тошган бўлмаса, уларни бир зайлда ўтяпти, дейиш мумкин эди. Лекин конвейер ҳаёт, ўлимдан ҳам матонатли эди: у кундузги смена ухлагани ётганда, тунги сменани қабул қиларди, у соҳилида одамлар азоб чекиб ва хурсандчилик қиладиган, ёруғ дунёга келадиган ва ўладиган, секин ҳам эмас, тез ҳам эмас, ўртача оқадиган дарёга ўхшарди. Радио карнайлари, газетчилар фронтдан олинган хабарларни айтиб жар солишарди; агар илгарилари, душман немис ерига қадам босолмайди дейилса, энди душман Берлин остонасига қадам қўёлмайди, дейишарди. Лекин баъзан хотинлар ҳар бомба гумбирлаганида кўрққанларидан ўзларини йўқотиб қўйишарди. Душман ҳали узоқда, деб уларга тасалли берган бўлишарди. Лекин бу таскин берувчи гапларга аллақачон «ҳали» деган сўз аралашиб қолганди.

Кечқурун Мария ўзини шундай ҳорғин ҳис этдики, фрау Гюбнер билан ёнма-ён ётганда, унга бирор савол бериш ҳам кўнглига сиғмади, кундузи билан бу саволларни ўйлаб қўйишга унинг на кучи, на вақти бор эди. Эрининг саккиз соатлик иш куни жорий қилинганидан фахрланиб юргани Мариянинг ҳали ҳам эсида эди. Бунинг учун биздан миннатдор бўлишларинг керак,— деганди у ўшанда. Энди бўлса, унинг ўзи ҳам йўқ, ўша гапни айтган жой — ошхона ҳам йўқ, унинг бу гапларини эшитган Трибель ҳам йўқ. Ишчи куни ҳозир ўн икки соатга, ҳатто ўн тўрт соатга етган. Ишқилиб йиртқиқ ҳайвонни тўйдиришлари, унинг кучли бўлиши ва ҳаммани ейиши учун қўлларидан келганча хизмат қилишлари керак. Ҳатто икки-уч ҳафта бурун, уруш ҳадемай тугайди, бундан бадтар бўлиши мумкин эмас, деб рўй-рост гапирганлар ҳам энди, русларни Берлинга қўйиш керак эмас, деб қичқаришарди. Улар шунчалик кўрқиб, иродалари шунчалик бўшашиб кетган эдики, энди улар ўз жонимизни ҳам қурбон қилсак арзийдиган улуғ мақсадлар, ўз мамлакатимизнинг, ўз миллатимизнинг бундан кейин ҳам мавжуд бўлиши учун шунчалик қурбон бўлаемиз, дейишиб ўзларига тасалли бера бошладилар. Улар ҳамма нарсанинг қадр-қимматини, тутган ўрнини тортган жафоларга қараб ўлчашарди. Бу ўлчов уларнинг назарида энг тўғри ва энг адолатли ўлчов бўлиб туюларди. Улар бирор мақсадга эришса, унинг қадр-қимматини ўшани деб тортган азоб-уқубатлари билан ўлчашарди.

Улар ҳозирги аҳволга қандай сабаблар билан тушиб қолишган бўлмасин — аҳмоқлик қилибми, қўрқоқлик қилибми, жиноят қилибми, ўз айблари биланми, бировларнинг айблари биланми, барибир аҳволлари мушқил эди. Улар ўзларича ҳеч ким бизчалик жафо тортаётгани йўқ, деб ўйлашарди.

Фрау Гюбнер Марияни қучоқлади: ким билади, балким уруш ҳадемай тугар, янги ҳаёт бошланар. Тўғри, бу янги ҳаёт дунёда ҳеч кими йўқ, ҳаётга зеб бериб турадиган барча нарсаларидан маҳрум бўлган бу сўққабош кампирга нималар беришини тасаввур этиши қийин эди, унинг эри туникачи эди, яхши пул топарди; ўғли ҳам отасининг хунарини ўрганиб олганди; уни ҳамма, худди отасининг ўзи-я, отасига ўхшаб ўз ишининг миришкори, ҳазилкаш дейишарди. Дам олиш кунини улар поллизда ўтказишарди. Бу улар учун чинакам байрам бўларди. Мана энди иккаласи ҳам — отаси ҳам, ўғли ҳам ўлди, ҳолбуки улар доим қувноқ, хафа бўлиш нималигини билишмасди. Утмишни, қувноқ ёшлигини эслаб, кампир кўзига ёш олди. Унинг юзини шу қадар ажин босиб кетган эдики, кўз ёшлари улар орасида йўқолиб кетарди, Бошқалир, русларнинг келишини тасаввур этолмагани сингари, у ҳам бу янги ҳаётни тасаввур этолмасди. Барак шундай тиқилинч эдики, фрау Гюбнер энди Мария билан бир койкада ётарди ва ўзини анча хотиржам ҳис этарди. У ўзидан сал ёш, ўғлининг келиши даргумон бўлган Мария ҳар ҳолда янги ҳаётни ўзинча тасаввур этса керак, деб ўйларди. Гюбнер хоним буни жуда билгиси келарди; лекин қаттиқ чарчаганидан сўрамади.

Лекин фрау Гюбнер учун энг катта муаммо бу унинг ўзи эди. Нега энди у ҳалиям бўлса заводга бориб, ўша мажбур қилишган ишни бажаряпти? Нега энди у ҳамма яқинларининг ўлимдан кейин ўз ҳаёти кўзига заррача ҳам кўринмай, шамол учириб юрган кузги япроқдай сарғайиб, сўлиб қолган бўлишига қарамай, ҳалиям уларга итоат қилади? Тангри сингари ҳаммани ётқизиб-турғизадиган, ҳаммасини тақдирини ҳал қиладиган бу давлат деганлари қанақа куч ўзи? Давлат қандай қилиб шундай қудратли кучга айланди? Шулар ҳақида ўйласа, фрау Гюбнернинг боши шундай зирқираб оғрир эдики, у дарров Марияни қучоқлаганча уйкуга кетарди.

Савдо-сотиқ маслаҳатчиси Кастрициус, бир вақтлар, тинч замонларда жаноб фон Клеммга қайната бўлишни мўлжаллаган эди, лекин бунга Рейн дарёси кўпригидаги автомобиль ҳалокати халақит берган эди. Уша Кастрициус гўзал қизи ва унинг эри, «Ўлик калла» дивизиясининг эсэсчиси, Клеммнинг ўринбосари билан бирга Таунусдаги «И.Г. Фарбениндустри»нинг директори Шлютебокка қарашли катта, ҳашаматли меҳмонхонанинг гаражига келиб тўхташди. Марҳум Клемм Шлютебок билан бир вақтлар жуда катта ишлар қилган эди.

Чекиш хонасида кутиб туришган уч киши қизи билан келган Кастрициусни, айниқса ёнидаги куёви — эсэсчини кўришиб, жуда энсалари қотди-ю, лекин ўзларини зўрға тийдилар; айниқса куёви креслода ялпайиб ўтириб, ҳамма нав ароқлардан бир-бир татиб кўриб, иттифоқчи — мадъярларнинг қаршилиқ кўрсатишга қанчалик қодир эканлиги тўғрисида ваъзхонлик қилганда ҳаммасининг тепа сочи тикка бўлди. Хотини келишиб қўйилган учрашувни эслатиб, уни ўрнидан зўрға турғизди. Ҳа, айтмоқчи, шофер ҳам отажонини олиб келиш учун ўз вақтида қайтиши керак эди.

Ниҳоят эр-хотин чиқиб кетди, Кастрициус сунбул гуллар қўйилган ойнадан қуёшнинг заррин нурида гўзал кўринган қиш манзарасига қараб туриб:

— Ёш йигитга бу ернинг ёқиб қолиши бежиз эмас. Бу, Европа деб ном олган ҳарбий қалъанинг энг чиройли, энг шинам бурчаги, бунга шак-шубҳа йўқ.

Тўрт эркак — Кастрициус, Клеммнинг амакиваччаси, марҳум жаноб фон Клеммнинг меросхўри, меҳмонхона эгаси, директор Шлютебок ва Берлиндан келган, доимо сўзининг устидан чиқадиған одам, юстиция маслаҳатчиси Шпрангер креслоларга бамайлихотир ўтиришди.

Кастрициус ҳаммага бир-бир айёрона қараб чиқди-да, кейин: — Жаноблар, «Элликда бўш келмагин, олтмишда мен ёшман демагин, етмишда қариликни бўйнингга олгин», деган болалар шеъри эсингиздами? Сиз Клемм, «ҳали бўш келманг», сиз, Шлютебок, энди «ёшман деманг», Шпрангер-чи? Мен-чи? Биз ҳадемай етмишни урамиз. «Етмишда қариликни бўйнингга олсан»... Қариликни! Жуда алам қилади-да. Етмиш ёш-

дан кейин кишининг нима бўлиши тўғрисидаги шеърлар қайтага анча тузук: «Саксонда саккиз букиласан, тўқсонда худонинг кўрсатганини кўрасан».

Ўтирганлар хижолат бўлишиб, йўталиб қўйишди, Шпрангер бўлса мен бу эзма Кастрициусдан ўлсам ўлим ортиғ-у, деб ўйлаб қўйди ўзича. У, Шпрангер худди симобдай, унга бало ҳам урмайди, тегирмонга тушса бутун чиқади, унинг силлиқ қилиб қирилган юзи сира ҳам қаримайди. Бир вақтлар швед гўзали бўлган хотинининг ўлими ҳам унга таъсир қилмади. Хотини шу йил қишда, бомбадан эмас, рак касалидан ўлди.

— Ростини айтсам, сизга ҳайрон қолдим Кастрициус,— деди Шлютебок,— нега бу жанобни ўзингиз билан бирга олиб келдингиз. Мен квартетимизга ҳеч кимни қўшмасак керак, деб қаттиқ ишонган эдим.

— Э, азизим, наҳотки тушунмасангиз,— деди Кастрициус.— У ҳатто қариликка хос бўлган камчиликлардан ҳам усталлик билан фойдаланар эди. Эзмалиги уни бошқалар олдида беғам соддадил қилиб кўрсатишини ҳам жуда яхши биларди,— аксинча, мени бу ерга олиб келиб ташлашини куёвимдан ялиниб сўрадим. Агар квартетимиздан ташқари бу ерда бегона одамлар бўлса яна ҳам яхши, акс ҳолда бизни фитначиликда айблашлари мумкин. Жуда эҳтиёт бўлишимиз керак. Қандай аянчли ҳодисалар бўлаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз-ку. Сиз мендан, чолдан хафа бўлманг. Адольф Гитлер режимининг ўн икки йилдан буён ҳукм суриб келаётгани сизга ҳали ҳам камлик қилаётган кўринади. Ниҳоят, ақл-фаросатли бўлиб олишимиз учун нацизмнинг яна бир оз вақт яшаши керак бўлиб қолди.

Бир минут ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Ичларида энг зийраги Шпрангер бу айёр, эзма чол ҳар сафаргидай тўғри гапиряпти, деб қўйди ичида. Кейин эшиттириб:— Кастрициус, сиз ҳам Клемм, яъни амакиваччангиз, марҳум Клемм бир вақтлар ўша сиз айтгандай ақл-фаросатли бўлиб олишга шошилишган эди.

Кастрициус ҳазил қилиб кўллари ишқалаб қўйди:— Мен жинларни чақирдим-у, лекин уларни ром қилишга ожизман. Ким шундай деган? Агар Шиллер айтмаган бўлса, демак Гёте айтган. Ҳар ҳолда шу икки жанобнинг биттаси. Ҳаётда бўладиган ҳар қандай ҳодисага уларда цитата топилди. Куёвимнинг бошқа жиҳатлари мени ташвишга соляпти... Ялта кенгаши нима билан

тугади экан, шуни билишни истардим... Биласизми, куёвимни бу ердан мумкин қадар узоққа жўнатсам дегандим. Руслар яқинда ишғол қиладиган территорияга эмас, албатта, худо сақласин. Менимча, душманамиз — инглизлар шимолда ўзлари учун бир парча ерни эҳтиётдан сақлаб қўйишган. Шунинг учун ҳам мана бу йигитчани ўша ерга барвақт жўнатиш ниятидаман. Агар Рундштедт шухратпарастлигини ўз вақтида ташлаганда эди, биз бу ишни аллақачон тўғрилаган бўлардик. Душман устига бостириб бориш ва албатта ғалаба қилиш унга одат бўлиб қолган, мана энди, оқибатда бизга Ғарбда ғолибона генераллар сира керак бўлмаган вақтда, руслар таҳликага солувчи тезлик билан, ғарбдаги қўшнимиз эса хавф тугдирувчи секинлик билан бостириб келишяпти.

Бошқалар унинг сафсатасини одоб билан, лекин тоқатлари тоқ бўлиб эшитишарди. У бўлса тинмай гапирарди:— Гап шундаки, куёвим афсуски бу ерда ёмон ном чиқарган, бу ерда мумкин қадар узоққа, уни ҳеч ким танимайдиган жойга кетсин. Тўғри, у қизимни жуда яхши кўради, ибратли эрлардан, жуда вафодор. Хотинлар уни шунчаки иш юзасидан қизиқтирарди: айтишлик, хотинлар концлагери ва бошқалар. Бу ерлик кишилар, у эркакларгагина эмас, баъзи ўжар қизларга ҳам кескин чора қўллайди, деб айблашди. Мен, албатта асирларни, шунингдек сиёсий маҳбусларни назарда тутяпман. Уйда у ҳали айтиб ўтганимдай жуда яхши, ибратли оила отаси. Лекин у ўзининг қора шахсий соқчилари билан қишлоққа келганида одамларнинг юзига қарабоқ нима гап бўлганлигини дарров билса бўлади. Шунинг учун ҳам йигитчанинг бу ердан узоққа, узоқроққа кетгани маъқул; қизим-ку севги масаласида бир марта куйган.

Клемм: «Борди-ю жияним Гельмут ҳам — дунёда нималар бўлмайди, бирдан Шарқдан Ғарбга ўтиб кетса нима бўлади? Мана, бир неча ой бўлди, ундан хат-хабар йўқ, борди-ю, тўсатдан шу ердан лип этиб чиқиб қолса-ю, ўз ҳақ-ҳуқуқларини айтса, унда нима бўлади?»— деб ўйлади.

— Менимча асосий масалага кўчсак бўларди, ахир ҳаммамиз шу ерга шуни деб келиб ўтирибмиз,— деди Шпрангер қатъий.— Вақтимиз зиқ.

— Ҳа, айтмоқчи, сизларни ўз уйимда кўрганим-

дан жуда хурсандман,— деб қўшиб қўйди Шлютебок.

Шпрангер гапида давом этди:— Мен ҳозир, жаноб директор биз учун яна бажонидил ажратмоқчи бўлган вақт ҳақида эмас, балки жаноб иттифоқчиларимиз бизга бажонудил ажратмоқчи бўлишган вақт тўғрисида гапиряпман. Афтидан, бу жаноблар ҳам, бизни вақтдан фойдаланади, деб ўйласалар керак. Улар ўзларининг ҳаво ҳужумларида Европанинг келажакда иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши учун муҳим бўлган маълум пунктларга қўл теккизмаётганлари бежиз бўлмаса керак, деб ўйлайман... Ҳатто баъзи бировлар билан юзма-юз ўтириб гаплашиш имконига эга бўлганимга қадар, чет элда ҳам бизга ўхшаган кишиларга, жаноблар, ҳа, бизга ўхшаган кишиларга, жаноблар маълум даражада умид боғлашади, деб далил айта олам.

Шпрангернинг Берлинда ҳали ҳам обрўси яхши эди, Бундан ташқари унинг Швед элчихонаси билан алоқаси яхши эди, шунинг учун ҳам у кутилмаганда Стокгольмда бўладиган кенгашларнинг бирида қатнашишга рухсат олди. Унинг Стокгольмга бориши фақат ўзи учун эмас, дўст-биродарлари учун ҳам катта ютуқ эди. Баъзи бировлар у чет элга бориб, кўпдан бери узилиб қолган энг муҳим алоқаларни тиклайди, ҳарбий оккупация қадимги эски муносабатларни янгиллаштириш жудаям мушкуллаштириб ёки бутунлай мумкин бўлмайдиган қилиб қўйгунга қадар у ўзининг эпчиллиги билан буларнинг ҳаммасини тўғрилайди, деб умид қилишарди. Бу хил музокаралар учун Шлютебок Шпрангерга чексиз ваколат берганди. Урушдан олдин чет эл фирмалари билан биргаликда олинган патентлар ҳали ҳам бор эди. Ихтирочилар ўлиб, эсдан чиқариб юборилган, заводларнинг бир қисми бомбадан бузилиб кетган бўлса ҳам патентлар бутун қолган, улар битта ҳам самолёт нишонга олмаган Таунуснинг ён бағридаги ҳашаматли уйининг сейфида бемалол сақланарди. Шпрангер сон-саноксиз топшириқларни ён дафтарига ёзиб қўярди. Йўлда буларни ёдлаб оларди, унинг хотираси чиройли, бежирим юзи сингари яхши эди. Стокгольмда уни кўришиб, дўстлари ҳам, душманлари ҳам:

«Эҳ-а, Шпрангер яна шу ерда экан-да» дейишади, албатта.

#### IV

Ганс хизмат қилаётган моторлаштирилган қисмнинг автомашиналари душман ўққа тутаётган тош йўлнинг бурилишидан шундай тез чиқиб келишдики, тош йўлни кесиб ўтишаётган бир гуруҳ асира аёллар йўлнинг нариги томониغا ўтиб олишга улгуришолмади.

Ганс тош йўлда, машина орқасида қон, қор, кийим парчаларининг қорилиб ётганини, машина ғилдираклари тагидан қум ва лойга қўшилиб учиб кетган кимнингдир оёғини кўролди, холос. Лекин у буларни кўраётганда, янчиб ташланган аёллар устидан бешинчи машина ғизиллаб ўтиб кетди. Ганс ёнида ўтирган Шиллингга бир нарсаси деёлмади ҳам, бирор нарсани ўйлолмади ҳам, лекин у энди ҳамма нарсадан хабардор эди, гўё унга биров: «Қон ва қордан ҳосил бўлган торт ҳам, бурда-бурда бўлиб кетган одам танаси ҳам — ҳаммаси ҳисибга олинади», деб уқдириб қўйгандай эди.

Машина яна бирдан кескин бурилди, Ганс Шиллингнинг устига йиқилиб тушди. Бошлари устидан ўқ ғизиллаб учиб ўтарди. Агар Ганс ўтирганда, ҳойнаҳой унга теккан бўларди, Шиллинг Ганснинг қаердалигини ажратиб ололмади, ёки Гансни ўқдан сақлаб қолмоқчи бўлди, ишқилиб беихтиёр уни полга босди. Улар атиги икки кун бурун қуршовга тушиб қолган қисмларга ёрдамга юбориш учун рота тузишаётганда танишишган эди. Шиллинг Ганс ҳаётини ҳам худди ўз ҳаётидай сақлаб қолишни истарди у билан сирлашарди, борини ўртада баҳам кўрарди. Улим шарпаси олдида ҳамма нарсаси ҳам жуда тез содир бўларди.

«Тушилсан» деган буйруқ келди. Машиналар нарига боролмасди, бўш юк машиналари орқаларига қайтиб кетишди, одамлар олдинга кетишди; улар майда-чуйда группаларга бўлинишиб, қуршовдаги қисмлар билан ўзлари ўртасидаги дарахтзорга кириб боришди. Бошлари устида яна ўқлар виз-визлади, қайин дарахтларига тасир-тусир қилиб тегарди. Ёмғирдай ёғдирилаётган ўқ ҳаммасини ётишга мажбур қилди. Генкелнинг чийиллаган овози эшитилди:— Ҳой, нега қолиб кетдиларинг?— резинадан қилинган ажина ўйинчоқнинг жирканч овозига ўхшаш бу овоз Гансни доим таъқиб қиларди. Тормор қилинган қисмларнинг қолган-қутганларидан тузилган янги ротада ҳам Генкель яна Ганс билан бирга бў-

либ қолди. Икки йилдан буён шу чийилдоқ овоз Гансга азоб берарди, ниҳоят Генкелдан қутулдим-а, деб бир неча бор ўзини-ўзи ишонтирган ҳам эди. Генкель ўлган Берндтнинг ўрнини эгаллади; бу иккинчи Берндт эди, бу яна ҳам тиришқоқ, ғайратли эди. Солдатлардан битта-яримтаси сал ҳаяллаб қолса, Генкель дарров ҳозир у нозир бўларди. У гўё кўпроқ жосуслик қилиб қолишни истагандай ҳамма ишга аралашар эди. Гўё иблиснинг ўзи унга ҳаммани тўппа-тўғри дўзахга соғ-саломат, бешикаст олиб бориб топширасан, деб буюриб қўйгандай эди.

Икки солдат, оёғидан яраланган учинчи солдатни қўлтиқлаб келишарди. Ротага келганига икки кун бўлган Штрикерт ҳам қулаб тушган дарахт тагида ётарди; унинг юзи қўрқув ва оғриқдан бўзариб кетганди. Дарахтни кўтаришди, Штрикертнинг мажақланган кўрагидан хириллаган товуш чиқди. Унинг овози бир зумгина эшитилди: Штрикерт Генкелдан кўзини олмай, ёрдам беришни ялиниб-ёлвориб сўради. Лекин нима ҳам қилиш мумкин? Қайтадан олиб бориб ташлаш мумкин эмас, бирга олиб кетишни ҳам иложи йўқ.

Ганс Шиллинг билан ёнма-ён ётарди, у: «Генкель энди мендан олдинда, энди мен орқада қолишим мумкин, мени олдинга ҳайдайдиган ҳеч ким йўқ, ариққа яшири-ниб оламан; мени руслар топиб олишади»,— деб ўйларди. Шиллинг: «Ҳозир иложи йўқ» дегандай унга бир қараб қўйди. Ганс Шиллинг кўрсатган томонга қаради: лаънати Генкель яна уларнинг орқасига ўтиб олибди, дам унисига, дам бунисига ўқрайиб қарарди.

Пулемётларнинг тариллашига қараганда уларнинг нишонга олинганлиги аниқ эди. Олдинда буталар орасидан даҳшатли қийқириқ кўтарилди. Кейин команда, ўқ товуши эшитилди. Асира хотинлардан биттасини ушлаб олишди, у машиналардан қутулиб, буталар орасига яшириниб олган экан. Хотинни отиб ўлдиришди, лекин унинг танаси гўё йиртқич ҳайвонлар тилка-пора қилиб ташлагандай эди. Оёқлари қайрилган, сони мажақла-ниб кетганди, елкасида бир тутам сочи қолганди, юзини ажратиб бўлмасди.

Улар энг охирги жарликдан югуриб ўтишди; ўқлар қаергадир, орқага бориб тушарди, ўлим сал бўлса ҳам узоқлашгандай эди.

Ниҳоят, мўлжалланган жойга етиб келишди, гўё

улар қуршовдаги солдатлар билан бирга ўлишга эмас, асирларни ўлимдан қутқаргани келишгандай уларни шод-хуррамлик билан кутиб олишди. Уларни сийлаб бир неча соат ухлаб олишга рухсат беришди. Ганс шундай қийналган эдики, ҳадеганда уйқуси келмади, у Шиллингни чақирди. Гарчи Ганснинг у билан танишганига атиги икки кун бўлса ҳам у Шиллингга саволлар бериш мумкинлигини дарҳол сизди. Гўё Шиллингнинг сочи ҳурпайган думалоқ бошида алоҳида бир белги бордай эди. Ганс бир неча кундан, ҳатто бир неча ҳафтадан буён таниш бўлган одамларидан сўрашга юраги бетламаган нарсаларни Шиллингдан шартта-шартта сўрай бош-лади. Ц, қишлоғида ўзларининг пунктида Ганс Шиллингга зимдан разм солиб юриб, унинг юз ифодаларини қандай ўзгаришини пайқади. Тўғри, эсэсчилар ҳам, ҳар хил жосуслар ҳам унинг юмалоқ юзидан ҳеч нарсани уқиб олишолмасди. Лекин Ганс унинг юзидан ўзига керакли нарсани билиб оларди. Энди Ганс бошқа битта-яримта билан бирга ўлгандан кўра, Шиллинг билан бирга ўлишни афзал кўрарди.

— Генкель олдинда ётганида нега уни шартта отиб ташламадинг?— деб сўради Ганс.

Эҳтимол бу савол Шиллингни ҳайратда қолдирган-дир. Лекин у пинагини ҳам бузгани йўқ, у ўша-ўша юмалоқ ва қувноқ эди. Агар Ганснинг юзи баъзида жиддий ва гўё у охири энг ашаддий душманларини, ҳатто ўлимни ҳам алдай олишга кўзи етадигандек, айёрона тус олса, Шиллингнинг юзида эса ҳар галгидай севинч акс этарди.

— Чунки мени барибир ҳеч ким қўллаб-қувватламас эди,— деб жавоб берди у,— улар мени ҳам ҳалиги бахтсиз аёлдай тилка-пора қилиб ташлаган бўларди. Уларнинг шодликдан қандай ўкирганини ўзинг ҳам эшитдинг-ку.

— Биз ҳеч нарсага журъат этолмаяпмиз: бизни ҳеч ким қўллаб-қувватламайди, деб қўрққанимиз-қўрққан. Аввал бир нарсани бошлаш керак-да, ана ундан кейин қўллашади,— деди Ганс.

— Агар мен лаънати Генкелни ер тишлатганимда,— деди Шиллинг,— ҳозир мен ёнингда бўлмас эдим, бировларга орқа қилганим, ишонганим бекор бўлиб чиқарди. Мен ҳеч кимга ишонмадим, шунинг учун мана ҳали ҳам тирикман. Мен кучимни шу ифлос, разил Ген-

келга сарф қилгандан кўра, яхшиси бирор тузукроқ нарсага сақлаб қўяман.

— Биз Россияга бостириб келганимизда менинг бир Циммеринг деган дўстим бор эди,— деди Ганс.— Мен уни кўпдан бери танирдим. У ҳам мени доим тийиб турарди, сенга ўхшаб яланг: «Мен ўз кучимни бирор тузукроқ нарсага сақлаб қўймоқчиман»,— дерди. Аввалига ҳадеб пайсалга солаверди, кейин эса кеч бўлди.

Шиллинг Ганснинг белидаги камар ҳалқасини айлантириб ўтирарди. Қўлида доим бирор нарсани айлантириб ўтириш унга одат бўлиб қолганди, гўё худди ўша нарса унинг диққат-эътиборини тортаётгандай эди.

— Ўша ярамас билан унинг бандаси тарғиб қилган миллат бирлиги ғояси одамлар онгига шу қадар чуқур сингиб кетганки, ўлгандан кейин ҳам, бу ғоя узоқ яшайди.

Снарядлар шундай яқинда портлар эдики, дўстлар бир-бирларига яқинроқ келиб туришди. Биттаси ёнидагисининг кўзига тикилиб қарарди. Кимдир ўрнидан сапчиб турди, кимдир безовта бўлиб типирчилар эди, яна биттаси хуррак отиб ухларди. Улим шарпаси яна узоқлашгандан кейин Ганс ўртоғининг бошини илгаригидан ҳам аниқроқ кўрди, у анча катта бўлиб кўринди. Шиллинг унга шивирлаб деди:

— Биз ҳаётимизни хавф остида қолдириб бўлса ҳам каламуш инига кириб олдик, энди ўша жойда бошқа каламушлар билан бирга ҳалок бўламиз. Хўш, нега сен ҳам итоат қилдинг? Ҳаммаси ўша ғоянинг оқибати. Чунки бўйин товласанг, шу заҳоти йўқ қилиб юборишларини сен яхши билардинг. Сен эса узоқроқ умр кўришни истардинг.— У жим бўлиб қолди-да, кейин.— Ухлаясанми?— деб сўради.

— Йўқ, уйғоқман,— деди Ганс. Уйқуни қочириш жудаям оғир эди. Лекин ҳозир гаплашиб олмаса, кейин гаплашолмасди.

— Одамлар, биз халқимиз учун жонимизни қурбон қиляпмиз, деб ўйлашсин учун, уларнинг миясига ўша миллат бирлиги деган гапларни мана ўн йилдан, йўғе, ўн беш йилдан буён қўйиб келишади. Рост, иш охирига яқинлашиб қолган экан, демак ўша бирдамлик дегани ҳозир айниқса зарур. Битта немисни оситиш мумкин, лекин бутун халқни осолмайди. Эшитяпсанми?

У Гансни қучоқлади, гўё шу билан унинг уйқусини қочирмоқчи эди.

— Ганс ухлама, бардам бўл, бўшашма. Биз фақат ҳозир бир нарса қилишимиз мумкин! Генкель ҳам ўлгудек чарчаган, донг қотиб ухлаяпти.

— Қаёқдан билдинг?

— У сендан сал нарида, уч кишидан кейин ётибди; у ҳийла қилаётгани йўқ, чиндан ҳам ухлаяпти. Сен ишни бошидан эмас, охиридан бошламоқчисан: Генкелни отиб ўлдирмоқчисан. Биз эса ҳаммасини яна бошидан бошлашга мажбурмиз, ўнг томони қаёқда, чап томони қаёқда, дўст қаерда, душман қаердалигини одамларнинг миясига қўйишимиз керак, бу бир неча йилга ҳўзилади-ган иш!

— Ахир биз шунча йил кутолмаймиз-ку,— деди Ганс.

— Тўғри, кутолмаймиз,— деб унинг гапига қўшилди Шиллинг,— биз бу ишни бир неча соатда битирамиз. Одамларнинг ақлини жойига тушириб қўйиш учун даставвал уларнинг боши омон қолиши керак. Улар, елкасидаги бошини қандай қилиб сақлаб қолиш йўлини ўргатган одамларгагина қулоқ солишади. Биз «ўл!» деб буйруқ қилганларида ўлишни истамаган одамларнинг кимлигини ўсмоқчилаб пайқаб олишимиз керак. Ахир, сен менинг кимлигимни икки кунда билиб олдинг-ку. Уларни ҳам мана шундай қилиб билиб олишимиз керак. Мана менга Брауневельтни қўйиб бер.

— Мен Редернинг пайдидан бўламан,— деди Ганс,— биз бирга хизмат қилганмиз, уни танийман.

— Кейин бу нарсалардан безор бўлган одамларни ҳам топишимиз керак. Кейин русларга қандай қилиб қўшилиш мумкинлигини аниқлаб олиш керак. «Шу ердан ўтасизлар»,— деб русларга қандай хабар қилса бўлади. Агар биз ўшангача тирик бўлсак...

— Генкель ухламаяпти-ку,— деди Ганс.— У бизларга қараб-қараб қўяпти.

— Қараса қарайверсин,— деди Шиллинг, кейин секин ўгирилди-да, бошини Ганснинг кўкрагига қўйди. У кўзини юмиб олиб яна алланималар тўғрисида гапирди, кейин Ганснинг ҳам уйқуга кетганини сезиб қолди. У қўлини унинг тагидан суғириб олди. Шиллинг мўйнадўз эди. Хотини унга ёрдамлашиб турарди. Баъзида Шиллинг: «Мана энди болаларни бир ўзи катта қилиши керак...» деб ўйларди. Лекин у уйга қайтиб келишга жуда ишонарди. Энди эса, тирик қолишига, болаларнинг олдига қайтиб боришига кўзи етмасди.

Ганс уйқуга кетаркан, яхши кўрган одамларини бир-ма-бир эслади. Унинг хотирасида Мартиннинг сочи қир-қилган юмалоқ бошидан бўлак ҳеч нарса қолмаганди; ўсиқ қошлари оппоқ Бергер чолни у анча аниқ тасаввур қилди; Эммининг эса бўйи кичкиналиги, қоп-қора кўзларининг газабли боқиши, пешонасининг дўнглиги, ойнисининг эса пешонасининг кенглиги, ҳатто сочининг ялтираши эсида қолганди, холос. Нега Генкель тўсатдан Бергерлар уйига келиб қолди? «Ухла, бундан ташвиш тортма,— деди опаси Елена,— қараса қарайверсин».

## V

Гарчи Уленгаут кўпдан бери ўз мактабини тарқатиб юборишни ўйлаб юрса ҳам, лекин мактабни унинг ихтиёрсиз ёпиб қўйишганларида у қаттиқ хафа бўлди. Унинг имениеси билан паррандачилик фермасида давлат чиновниклари хўжайинлик қилишарди; унинг ўқувчи қизлари янги қонун-қоидаларга асосан заводларга ишга юборилган эди. У касалманд бўлгани учун битта қизни ўзи билан олиб қолишга рухсат беришди. У Аннелиза Венцловни танлади; бир вақтлар гитлерюгенд раҳбарлари Уленгаут хонимга ёзган ёпиқ илова қоғозларида Аннелизанинг айрим фазилат ва хусусиятлари тўғрисида гапириб, уни огоҳлантириб қўйишганди. Энди у қиздаги ўша фазилатларнинг ҳали ҳам борлигини кўрди. У, мактабдаги ҳамма қизлар ҳам бир-у бу қиз ҳам бир. Бу қиз бутун мактабдаги қизларнинг ўрнини босади, деб ўйларди кўпинча. Уленгаут хоним ҳукм сураётган тартибга қаршилиқ кўрсатишга қодир эмас эди. Қаршилиқ кўрсатиб, нафратланиб яшаш деган сўз оғир ҳаёт кечириш демакдир, лекин у бу нарсага журъат этолмасди.

У Аннелизага мен сени ёнимда олиб қолмоқчиман, деганида унинг ҳафсаласи пир бўлди. Қиз қуруққина қилиб:

— Бошқалар билан бирга заводда ишлаганим маъқул эди,— деди.

Уленгаут индамади. У ўзича, мен Аннелизанинг ўз бебаҳо ёшлигини давлатга хизмат қилишга бағишлаш ниятида эканини билдим, деб ўйлади. Уленгаут, ёш умрларни бири кетин емириб, хазон қилаётган давлат ўз ҳаётини чўзишга беҳуда уринади, деб ўзича қаттиқ

ишонарди; лекин уруш тугаши билан унинг ҳаёти ҳам тугайди.

Мактаб ёпилгандан кейин, у қизни, ётоқхонаси билан ёнма-ён тушган меҳмонхонасига жойлаштириб қўйди. Аннелиза кечалари билан йиғлаб чиқарди, илгарилари у йиги нималигини билмасди. Яна бир умиди пучга чиқди: у ўзини қуршаб турган муҳитдан яна ажралиб чиқолмади, илгаригисига сира ўхшамаган бутунлай бошқа муҳитга қўшиллолмади. Тўғри, у оғир ҳаёт кечириши, қўполлик, ифлосликка дуч келиши мумкин эди; лекин бу мажбурий меҳнат унга бир қадар бўлса ҳам эркинлик берарди. Ҳозир у озодликда эмас, Уленгаутнинг меҳмонхонасида қамалиб қолганди. У кекса бошлигининг яширин ҳис-туйғуларини сезмасди. У Уленгаутнинг ҳозирги ҳокимият тўғрисида сал-пал нафрати, ижирғаниш билан гапиришига эътибор бермасди. Аннелиза бурунгидай руҳоний Шрёдерни тез-тез эслаб турарди, бир вақтлар шуни деб уйда ва мактабда қанча-қанча гап эшитганди. Руҳоний пичинг қилиш билан чекланиб қолмасди; у ўз диний қарашларини очиқ ҳикоя қиларди. Бироқ у оғир мусибатлардан қочиб қутулолмади. Уленгаутнинг минг хил ҳийла-найранглар билан бу мусибатларидан қутулиб келганини қиз яхши биларди. Аннелиза ўзини ёлғиз ҳис этарди: илгариги меҳр-муҳаббатдан, завқ-шавқдан асар ҳам қолмаганди. У ҳеч кимни чинакам севмасди, уни ҳам ҳеч ким астойдил яхши кўрмасди. Амалия хола қазо қилди; онаси гўё ўз онаси эмасдек туюларди; отаси жуда узоқда, у худди етимдай бўлиб қолганди.

Лекин у бу ердан ўзи ўйлагандан кўра илгарироқ кетди. Бир куни ярим кечада уни фрау фон Уленгаут уйғотди, унинг чехраси заъфарондай саргайиб кетганди, оғир-оғир инграр эди. Касаллигини рўкач қилиб, у Штутгартга кетишга рухсат олди. Аннелиза уни, Уленгаутнинг укаси бошқарадиган клиникага олиб бориши керак эди.

Автомобилнинг силкинишидан қаттиқ азоб чеккан Уленгаут ўз имениеси билан бир умрга хайрлашди. У тинмай нолир, бировлар юртида, касалхонада ўлиб кетаманми, деб қўрқарди. Қиз тасалли бергани сўз тополмасди. Амалия холага ўхшаб, у зорланишни, ўлим хавфи олдида титраб-қақшашни жуда ёмон кўрарди. Оғриқдан инграниб ётган бу хотиннинг бўйнида ҳозир

кичкина бут осилиб тургани. Аннелизанинг нафратини кўзгарди. Ҳолбуки соғ пайтида бирор кўнгилсизлик бўлмасин, деб ё свастика, ё медальон тақиб юарди.

Махсус рухсатлар билангина тушириладиган поезд одамларга лиқ тўла эди. Аннелиза Уленгаут учун бир амаллаб жой олди, ўзи эса жой йўқлигидан полга ўтирди. Самолётлар ҳужум қилиб қолишмасмикин деган хавфдан одамлар ухлашолмасди, диққат бўлиб бир-бирларига гал бермай вайсашарди, Уленгаут ухлаяптими, беҳуш ётибдими, билиб бўлмасди. Аннелиза устида чақалоқ ухлаб ётган тугун билан ёнма-ён қисилиб ўтиришган икки ҳарбий ўртасига жойлашди. Бирининг боши билан елкаси боғланган эди, ениги эса бўш осилиб турарди. Аннелиза унинг юзига тикилди; бир кўришда-ёқ уни дарров ёқтириб қолди, айниқса кўзлари уни жазм қилди: улар аввал шунчаки бепарво қараётгандай туюлар, кейин битта-яримтанинг юзига худди еб қўйгудек бўлиб тикилиб қоларди. Ёнидаги шериги сал баланд ва тўлароқ эди; у одамларга гўё гап чиройда эмас деяётгандай тикилмай, хотиржам қарарди. Улар жуда ҳаяжон билан, гарчи бу говур-ғувурда, тикилинчда уларга ҳеч ким эътибор бермаса ҳам атрофга аланглаб, шивирлашиб гаплашишарди.

Говур-ғувур сал тингандан кейин Аннелизанинг қулоғига уларнинг суҳбати аранг эшитилди.

— Бирибир мен тугилган аср мен учун азиз ва мўътабар,— дерди бир қўлли ҳарбий.— Менга, дунёнинг мен туғилган қисми азиз ва мўътабар. Бу ерда қадим замонлардан буён жуда катта ҳодисалар юз берган. Бу ерда икки буюк революция — Француз ва Октябрь революцияси рўй берди.— У гўё қўлини силтаёлмаслигини эсидан чиқаргандай, чап елкасини бир учириб қўйди.

— Дунёнинг биз яшаган қисмида хаворий Павел дайдиб юрган,— деди иккинчи ҳарбий.— Уни яҳудийлар билан маъжусийлар таъқиб қилишган, турмаларга қамашган, азоб беришган, ёлғон шоҳидлар унга бўхтон қилишган, шундан кейин у денгиз тагига уч марта тушган.— Поезд қоронғи кечада ўқдай учиб борар, одамлар бошларини чамадонларга уриб оларди.

— Бу ерда одамлар ҳеч қачон қувноқ ҳаёт кечирмаган. Улар, инсон қўли етган ҳамма нарсага ёпишаришган, кейин яна ҳамма нарсалардан шубҳалан-

ганлар. Бу ерда мумкин бўлган ҳамма нарсани барпо қилишган, кейин яна қайтадан барпо қилиш учун ҳаммасини таг-томири билан бузишган.— У қизнинг қараб турганини кўриб, бирдан жим бўлиб қолди. Қиз дарров ғужанак бўлиб олди-да, кўзларини юмди. Поезд филдиракларнинг тақиллаши орасидан у ҳар бир сўзга диққат билан қулоқ соларди. У бундай гапларни сира эшитмаган эди.

— Одамнинг ҳайвоний ҳисларини шундай юпқа парда беркитиб туради-я: Одамлар сал кам икки минг йил ўқиган нарсаларнинг замини жуда бўш! Жуда юзаки! Биз-чи, биз бўлсак баъзида, бу нарсалар одамларнинг суяк-суягига сингиб кетган, деб ўйлаймиз. Энди бўлса ҳаммасини бир бошдан бошлашимиз керак. Ўғирлама, ўлдирма... деган ўнта диний таълимотдан бошлаймиз. Ўқитувчиларимиз бизга ўқитган, ёзувчиларимиз ижод қилган, руҳонийларимиз ўргатган нарсалар жуда бўш, жуда заиф эди. Ҳалиги пардадан ҳам заиф. Дала госпиталида ётган эдим, қўлимни ўша ерда кесишган, мен билан ёнма-ён ётган битта одам, поп келиб бизга диндан бир оз таълим берсин, деб талаб қилди. Мен бу одамнинг бир ҳафта бурун нималар қилганини ўз кўзим билан кўрдим. У ўз вақтида жонга тегувчи бу ўнта диний таълимотни мумкин қадар тезроқ унитиб юбориш, уни халақит берувчи бир тўсиқ сингари улоқтириб ташлашга шошилган кишиларнинг бири эди.

Қиз ўзини ухлаганга солиб ётди. У, қўлсиз одам орасини бериб ўтирган дўстига гапирган гапларни зўрға илиб оларди.

— Биз одамларни ҳеч қачон алдаган эмасмиз, биз ўз асримизда нималар бўлаётганини доим тушунтириб келганмиз. Биз халқлар ўртасида бўлган урушларнинг қанчасини, қанчадан-қанча граждандар урушини бошимиздан кечирдик, ўтган авлодларнинг ҳаммаси ҳам шунча кўп урушни кўрмаган эди.— Уларнинг вагондаги оналар, унинг гап орасида соғ қўли билан болаларни кулдириш учун қилаётган турли қилиқларини завқ билан томоша қилишарди. Ошнаси унга ўғирилди:

— Биз ҳам ердаги ҳаёт мисоли бир жаннат деб ҳеч қачон ҳеч кимга исбот қилмоқчи бўлган эмасмиз, сизларга ўхшаб, ердаги ҳаётни жаннатга айлантирса бўлади, деб гапирган ҳам эмасмиз.



Одамни одам қиладиган нарсалар шу қадар паймол қилинганки, энди, юрагида сал ўти бор одамларнинг ҳаммаси бир-бирининг этагини ушлаши керак.

— Биз сен билан илгари бундан кейинги ҳаёт қандай бўларкин, деб баҳслашар эдик. Энди ҳаёт яна ўз тараққиётини давом этдириши мумкин бўлган ўша бошланғич нуқтага етиб олишимиз керак.

«Саватли семиз аёл-чи,— деб ўйларди Аннелиза,— у ҳам одам бўлмайдиган жойдамикин? Уленгаутнинг ёнида ўтирган ўша соқолли кишининг юрагида ҳали ҳам ўти бормикин? Мен-чи? Қимман мен?»

— Польшада бир деҳқон, ўлимга маҳкум қилинганлар поезддан ўзини қип яланғоч ташлаган бир яҳудийни қаерга яширинганини ҳукуматга айтиб беришдан бош тортган. Деҳқон мен худога ишонаман, шунинг учун бу ишни қилмайман, деган.

— Бизда баъзилар худога ишонишмаса ҳам бу ишни қилганлари йўқ. Улар христиан бўлишмаса ҳам, худди биринчи христианлар сингари ўз бошларидан қўрқмаганлар. Уларни на ҳокимиятни қўлга олиш иштиёқи, на ҳокимият васвасаси, на буйруқлар, на ўлим хавфи ҳаяжонга соловган.

Поезд олға қараб учиб борарди, гўё хавф-хатар унинг тепасида эмас, балки орқасидан қувиб келаётгандай, у ҳатто бурилишда ҳам юришини секинлатмади. Болалар бир-бирларининг устига йиқилиб тушишди. Қандайдир бир кампир, қизим Бреславдан тортиб Кельнгача бутун Германияни кезиб чиқиб, Кельнга келадиган кун кечаси бутун бола-чақаси билан ҳалок бўлди, деб ҳикоя қиларди. Ёни веридагилар унинг гапига бир зум қулоқ солишди. Ҳарбийлар энди бир-бирларининг қулоқларига пичирлашиб гаплашишарди, шунинг учун Аннелиза деярли ҳеч нарсани эшитмасди. У кўпгина бошқа нарсаларга аралашолмагани сингари, уларнинг суҳбатига ҳам аралашолмасди, ҳаммасининг сабаби бир эди. Кампир бир танишининг ўғли, бутун уруш давомида бир марта ҳам яраланмай, отпусмага келганида, Берлинда бомбардимон вақтида ўлганини гапириб берди. Қиз бўлса қулоғини динг қилиб, икки ҳарбийнинг гапини илиб олишга уринарди.

— Сенинг гуноҳинг, сенга сира дахли бўлмаган ишларга тўқнашиб, ўша ишларга аралашган вақтингдан бошланади, уларга шерик бўлиб қоласан. Виждонсиз-

лик қиласанми, қилмайсанми бу ўзингга боғлиқ. Оғир мусибатли ҳаётга чидаб, охиригача курашасанми ёки сенга тавсия қилган нарсаларни олиб, бўйин эгасанми — бу сенинг ишинг. Ушанда ўлжадан зора сенга ҳам унча-мунча тегиб қолса, кўп бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда тегади-ку.

«Қани энди мен ҳам улар нимани гаплашаётганини билиб олсам,— деб ўйларди Аннелиза,— эҳтимол улар мени ҳам гаплашаётгандир. Менга дахли бўлмаган ишлар учун қачон, қандай шароитда жавоб беришим керак, ўша ишларга аралашганимда эса қандай жавоб беришим керак?»

— Ҳар ким яхшилик билан ёмонликни, кимдир бадном дарахтдан бадном олмани еган вақтдан бошлаб ажрата бошлагани тўғрисидаги жуда эски гап-ку.

Бир неча йўловчи болаларини, лаш-лушларини йиғиштира бошлашди. Аннелиза яна бирон гапни эшитишни жуда ҳам истарди.

Поезд Д. станциясига келиб тўхтади. Ҳарбийлардан бири итариб-суриб эшик олдига келарди. Иккинчиси, қўли йўғи бўйинини чўзиб, унинг орқасидан:

— Штутгартга борганингда эсингдан чиқмасин, биз ўша-ўша Бисмарк-плацда тураимиз,— деди. Энди бир қўлли ҳарбий болалар билан бўлиб қолганди. Аннелиза, у билан қандай қилиб гаплашсам экан, деб бош қотирарди. У ўйлаб қўйган саволини бермоқчи бўлди-ю, кейин яна йўқ, бу савол тўғри келмайди, деб нидамай қўя қолди. Нотаниш одам унга мутлақо эътибор бермасди. Вагон ҳам, ташқари ҳам қоронғи эди; одамлар совуқдан бир-бирларининг пинжига қисилишиб олишди. Энди улар ўлганлар, ярадор бўлганлар, бедарак йўқолганлар, бомбардимон қилишлар, йўлдаги хавф-хатарлар, ўзларининг ният ва орзулари тўғрисида шивирлашиб гаплашишарди. Улар гўё дам ўнгида гапирётгандек, дам ёмон туш кўриб алахсираётгандек туюларди. Поезд манзилга яқинлашиб қолганди, Аннелизанинг эса бир қўлли ҳарбий билан гаплашишга ҳали ҳам юраги бетламасди. У ҳарбийдан нимани сўрашини ҳали ҳам билмасди.

Эрталаб у Уленгаутни клиникага элтиб қўйди, бир қўлли ҳарбийдан нимани сўраш иштиёқи унга ҳамон тинчлик бермасди. У касал ёнида стулда бир неча соат ухлаб олиб, эртасига шаҳарга кетди; қуёш чарақлаб

турарди, у бегона кўчалардан бораркан ўзича: «Мен бу ерда ҳеч кимни танимайман; бир ўзимман, мен уларнинг ҳаммасидан қутулдим», деб ўйларди. Шу пайт у бир қўлли ҳарбий оғайниси кетаётганда унга айтган майдоннинг номини эслаб қолди. У тортинчоқликни йиғиштириб қўйиб, уйма-уй юриб, кечагина уйга қайтиб келган бир қўлли ҳарбийни суриштирди. Ҳаётда жуда кўп эшик тақиллатганинг билан ҳеч ким сенга эшик очмаслигини у билмасди. Шунинг учун ҳам жуда кўп тақиллатишлардан сўнг ниҳоят, эшикни бир қўлли, бегона одамнинг ўзи очганлигига ҳайрон бўлмади. У қизни танимади, Аннелиза бир вагонда келганликларини айтганда, бир қўлли одам бошимга бир баало орттирмадиммикин, деб қўрқиб кетди. У қизнинг бошидан-оёғигача синчиклаб разм солиб чиқди. Ичкаридан кимдир, нима гап деб сўради. Қиз ейишга бирор нарса беришларини қўрқа-писа сўради; касалхонада уни овқатлантириш эсларидан чиқиб кетибди, ҳозир унинг очликдан боши айланарди. У уйга киришга, бир оз ҳордиқ чиқариб тамадди қилиб олишга рухсат беришларини сабрсизлик билан кутарди, кейин у сал енгил тортади, шундан сўнг балким кўнглини эзаётган нарсани гапиришга юраги бетлар, эҳтимол сўрамоқчи бўлган нарсасини ўзи ҳам тушуниб қолар. У ўз саволига тўғри жавоб топишни ҳозирча хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳозирча у тўғри, оқилона савол топиши керак эди. У ҳали яхши ёмонни кам кўрган; киши қидирган нарсасини тополмаслиги унинг хаёлига ҳам келмасди. Нотаниш одам елкасини қисиб қўйди, унга ҳайрон бўлиб қаради-да, уйга таклиф қилди, хотинидан эса Аннелизанинг олдига ейдиган бирор нарса қўйишни илтимос қилди.

## VI

Венцлов шу ҳафта ичида аҳвол анча енгиллашди, деб ўз докладада ахборот берди. Уларга озиқ-овқатни етказиб беришди. Бир марта ҳатто хат ҳам ташлашди, бу солдатларни жуда руҳлантириб юборди. Блиндажнинг ярми ёғоч билан тўсилган эди; нариги томони умумий хона эди. Фаренберг кириб келганда Венцлов хат ўқиб ўтирган эди.

— Хўш, нима хабарлар бор?— деб сўради Фаренберг.

— Совуқ хабар,— деб жавоб берди Венцлов. Фаренберг индамай тушунтириб беришини кутиб турди. Ёғоч билан бўлинган блиндаж шунчаки номига алоҳида-алоҳида хона ҳисобланмаса, аслида ҳамма нарса эшитилиб турарди. Шунинг учун ҳам Венцлов овозини пасайтириб:

— Амалия холам ўлибди,— деди.

Фаренберг унга ажабланиб қаради. Агар у ойга учиб чиқиб, ўша жойда, ерда кекса холаси ўлиб қолгани учун дод-вой кўтариб йиғлаётган хизматдошини учратиб қолса ҳам бунчалик ажабланмаган бўларди.

У индамади; ташқи дунёнинг қаеридадир, қайси бир ҳам планетада, кимнингдир ўлгани Фаренбергга ҳеч қандай ҳис уйғотмади, у бу хил нарсалардан маҳрум эди. У бундан икки йил муқаддам Венцлов билан ёлғиз қолганларида, унинг она ўрнида она бўлган, аллақандай, бир кампир тўғрисида гапирганини сал-пал эслади. Қизиқ, Венцловдай одам кампир холасини ҳали-ҳали эслаб ўтирса-я!

Венцлов опасининг хатини иккинчи бор ўқиб чиққанда, хатнинг бир жойи уни ҳайратда қолдирди: биринчи бор ўқиганида у қаттиқ ҳаяжонланганидан ўша жойига эътибор бермаган экан. Хатда шундай дейилганди: «Штахвиц ҳам оламдан ўтди. Яхшиям у хайрлашиш олдидан Амалия холани кўрган экан. Холам унга қанчалик кўнгили қўйганлигини яхши билардингку. Агар кўролмайд қолганда холамиз ҳам қаттиқ қайғурган бўларди». Нега Ленора болалигидан бирга ўсган қалин дўстининг ўлими тўғрисида бундай ғалати қилиб ёзади? Нега у соддагина қилиб «ўлди» деб ёзмайди? «Шундай ҳалок бўлди» дегани нимаси? «Қаттиқ қайғурган бўларди» дегани нимаси?

Амалия холанинг ўлими тўғрисидаги хабардан кейин Венцлов ҳеч нарса билан мутлақо қизиқмай қўйди, бирор нарсадан хафа бўлиш, қайғуриш деган гапларни унитди. Шунинг учун ҳам у қолган ҳамма нарса тўғрисида анча чуқур ва хотиржам фикр юритди: Штахвиц оғзи бўшлиқ қилиб, яна бемаъни гапларни гапирган бўлса керак. Тўғри, кейинги вақтларда у ўзини анча тийиб юрадиган бўлиб қолганди. Бўлмаса ёшлигидан

ўз ҳузур-ҳаловати учун бўлар-бўлмасга галаён қилаверар эди.

Гитлер ҳаётига суиқасд қилган офицерлар устидан чиқарилган ўлим ҳукми катта галаёнга сабаб бўлди. Венцлов ўшанда Фаренберг билан очикчасига гаплашди. Асосий масалада уларнинг фикри бир жойдан чиқди. Агар душман немис тупроғига қадам қўйса, ҳамма бош штаб атрофига жипслашиши керак.

Лекин Штахвиц, бечора Штахвиц, у доим ҳар қандай авантюрага аралашаверар эди. У илгарилари ҳамма нарсага бурнини тикаверар эди, ҳатто офицерларнинг Ульм процессига ҳам иштирок этган. У қиёматда ҳам бир нима деб ортиқча гапириб юборади, бу шўринг қурғур Штахвиц тузалмайдиган шум йигитлардан.

Уша ҳафтадаёқ Венцловга, ҳалигина ёрдамга юборилган роталарнинг биридан уч кишининг оёқ олишлари шубҳали: улар тез-тез бошқалардан ажралиб кетишади, ўзаро нималарнидир шивирлашиб гаплашишади, битта-яримта олдиларига келиши билан дарров жим бўлишади, деб хабар қилишган эди. Қуршовдагиларни озод этиш учун ҳайдаб келинган ротанинг аслаҳа-анжомлари билан бирга дала полициясининг ҳужжатларига қўшиб, ҳар бир солдат тўғрисида алоҳида маълумот юборишди. Қамоққа олишаётганларида уччаласидан биттаси, Эрман дегани, собиқ бошлиқлари қўлида ҳам шубҳа туғдириб юргани аниқланди.

Утган кеча рус қўшинлари мудофаанинг биринчи линиясини ёриб ўтишди. Шу ерда улар тўхтаб қолди. Лекин ҳадемай русларнинг, ўз муваффақиятларини мустаҳкамлаш учун қатъий ҳужумга ўтишларига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Энди уларни тамомила ўраб олгуларича етиб келган иккинчи ёрдамчи куч ҳам тўхтатолмасди. Венцловни бир кечанинг ўзида Браунснинг олдига икки марта чақиришди. У ўз ахборотига қўшимча қилиб, сўнгги ёрдамчилар ичидаги бир группа кишиларнинг оёқ олиши шубҳали эканлигини билдирди. Уларнинг пайига тушиб кузатиб юрган одам, улар русларга ёрдам бермоқчи бўлишаётганини хабар қилди.

Браунс кўрсатма беришни ортиқча деб билди, чунки Венцлов бундай ишлар учун тегишли йўл-йўриқларни олган ва аллақачон уларни амалга ошираётган эди.

Венцлов ўз хонасига келиши билан, уни Браунснинг олдига учинчи марта чақиришди. Браунснинг дастёри уни йўлакда кутиб турарди. У Венцловни эшиккача кузатиб қўйди. Браунс койкада ётарди. Венцлов кириб, эшикни ёпди. У койка олдидаги стулдан жой кўрсатишларини кутиб турди. Лекин Браунс қимир этмади, Венцлов ўзи яқинроқ келди. Браунс бошидан ўқ еган эди: у дастёрини Венцловни кутиб олгани юбориб, пешонасига ўқ узган эди.

Венцлов қийин аҳволга тушиб қолганликларини ўзи ҳам биларди. Душман уларни бутунлай ўраб олганди. Гарчи иккинчи ёрдам куч келган бўлса ҳам, қуршовдан чиқиб кетишга ҳеч қандай умид йўқ эди. Таслим бўлмасликларини ҳам биларди. Бунинг учун унга битта солдатинг қолгунча кураш, деган фюрернинг буйруқлари керак эмасди. У, Нильснинг Браунс ўзини отиб ўлдиргани тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирганини нафрат билан тинглади. Буни уят ва шармандалик дейишга Нильснинг нима ҳақи бор? Ор-номуснинг нималигини Венцлов Нильсдан кўра тузукроқ билади. Браунснинг Венцловга ибрат кўрсатишининг ҳожати йўқ эди. Бунга жуда кўплаб мисол келтириш мумкин, кишилик тарихида айрим шахсларни, бутун уруғларни эслаш мумкин. Агар ўлим муқаррар бўлса, муҳтожликда азоб чекиб, тирик мурда бўлиб яшамай, дадил туриб, шараф билан жон бериш керак. Лекин Нильсга ўхшаганлар бутунлай бошқа нарсадан қўрқарди: Нильс ва унга ўхшаш одамларнинг кўзига мағлубият бу ўт пуркаётган тагсиз чуқур эмас, шамолда силкиниб турган дор сиртмоғи бўлиб кўринарди. Шунинг учун ҳам у, фюрер ўз-ўзини ўлдиришни қатъий ман қилди, деб сафсата сотарди. Бу масалада улуғ қиролнинг кундалик дафтариди жуда яхши насихатлар топилади. Унинг ўзи бир вақтлар узил-кесил мағлубиятга дош беролмасам керак, деб ўйлаганди. Жуда қийин аҳволга тушиб қолдик, ҳеч нажот йўли қолмади, деб қўрққан одам ўз-ўзини ўлдиради, дерди Нильс. Нильснинг ўзи аҳволнинг қанчалик мушкуллигини, қутулишнинг ҳеч иложи қолмаганини тасаввур этишга юраги бетламасди. Венцловга унинг бемаза, тумтароқли гапларини эшитиш жонига теккан эди, у ортиқ тоқат қилолмай, ўрнидан сапчиб турди-да, эшикни тақ этиб ёпиб, чиқиб кетди. Эшик қаттиқ тақилламади, чунки улар яқинда бомбар-

димон қилингандан сўнг кўчиб ўтишган тўртинчи ертўлада ҳамма нарса наридан-бери қилинган эди, ўртадаги ёғоч девор зўрға турарди. Венцлов тор йўлакда у ёқдан-бу ёққа юриб турарди, боши шифтга тегиб-тегиб кетарди.

Браунснинг эшиги олдидаги соқчи алмашинди. Мурдани энди Кульмай фамилияли одам кўриқлаб турарди. Венцловнинг назари унинг ялпоқ юзига тушди. У сира ўзгармаган эди. Кульмайни яшашга, ҳаёт учун курашишга нима мажбур қилди экан? Эҳтимол, у ҳам Нильс гапирган мўъжизага ишонар? Улар мўъжиза қаёқда? Улимга маҳкум этилган қуршовдан қутулиб чиқиб кетишга ҳеч қандай умид қолмаган эди. Ўқ-дори шу ҳафтанинг охиригача етиши мумкин. Улар совет кўшинларининг ҳужумини сира ҳам тўхтата олмас эдилар. Эҳтимол, Кульмай бунини Венцловчалик аниқ билмас.

Кульмай, йўлакда у ёқдан-бу ёққа юриб турган Венцлов ҳақида ҳам худди шундай фикрда эди. Нега бу Венцлов ҳаётга шунчалик тиш-тирноғи билан ёпишиб олган? Ахир, у Браунс учун жонини ҳам аямасди-ку; ҳар бир нарсада унга тақлид қиларди. Ўз жонига қасд қилишда ундан ибрат олишни истамайди, шекилли. Эҳтимол, у ҳали уйига, хотинининг олдига қайтиб боргуси келар. Ҳа, у ёмон одам эмас, лекин тузук одам деб ҳам бўлмайди.

Венцлов умумий хонага қайтиб келди; у ўзини анча босиб олганди. Нильс вайсашини ташлаганди. Қизғин ва дабдабали нутқлардан кейин у бир нуқтага узоқ тикилиб ўтирадиган бўлиб қолди. Кульмай, Венцлов орқасидан ёпилган эшик олдида туриб: «Қизиқ, у Браунснинг йўлини тутармикин йўқмикан? Улар: бир одам қолгунча курашиш керак, дейишади. Хўш, бунга қандай қилиб эришиш мумкин? Биринчи одам, мендан кейинги одам нима қилиптийкин, деб қайрилиб қарамайди. Нима бўлса ҳам худодан кўрдим, энг охирида ўзим қоламан», деб ўйларди.

Ун минутдан кейин Кульмай Венцлов олдида ғоз турарди. Айни вақтда йўлакда Фаренберг ҳам кўригди. У Венцловга ниманидир шошиб-пишиб гапира бошлади. Унинг ёноқ суяқлари учиб-учиб турарди. Кульмай: «Бу ерда қандай янгилик бўлиши мумкин?» деб ўйлади. Фаренберг тўсиқнинг нариги томонига ўтди-да, иккита офицерни бошлаб келди. Улар бир-бирларини гапини

бўлишиб, бараварига гапиришди. «Яна битта-яримтаси ўзини отиб қўйибди»,— деб ўйлади Кульмай. Лекин қулоғига эшитилган айрим сўзлардан ҳеч ким ўзини отмаганини билди. Аксинча, Нильс узоқ ўйлаб ўтирмай, шартта қочиб қолибди Нильс йигирма минут олдин ҳамма нарса жойидами, деб текширгани чиққани йўқ эди. Бунини Кульмай ҳам, бошқалар ҳам билган эди. У охириги самолётга ўтирибди-ю, бир зумда ғойиб бўлиб қолибди. У фронт линиясидан учиб ўтгунча бир балога гирифтор бўлиши ҳам мумкин, албатта, балки, ҳеч гап ҳам бўлмас; Кульмай Фаренберг Венцловнинг саволларидан бирига шундай деб жавоб берганини эшитди: — Отасининг Бреманда универсаль магазини бўлса керак.

«Э, ҳа, ҳамшаҳар экан-ку!— деб ўйлади Кульмай.— Демак, агар омадим келиб, қутулиб кетсам, унинг магазинидан тугма сотиб оларканман-да».

Венцлов стол ёнига келди, Браунс уни ўтган куни кечқурун худди шу стол ёнида ўтириб, қабул қилган эди. Браунснинг ўринбосари Фидлер худди ўша жойда ўтирарди. Фидлернинг юзи Браунсники сингари қотиб қолган эмасди, у тинмай кўзини учирай, қисар, қошларини чимирай эди. Венцловдан икки минут олдин Нильснинг ўринбосари Гармс деган бир кимса кирди. У ҳозир кўкларда парвоз қилиб юрган Нильс ерда қолдириб кетган қоғозларни Браунснинг ўринбосари олди-га ёйиб қўйди. Фидлер уларга қўл қўйди; Венцлов ҳам ўзига тегишли қоғозларга қўл қўйиб берди. Шу қоғозлар ичида қамоққа олинган олти киши устидан чиқарилган ўлим ҳукми ҳам бор эди.

Ниҳоят, Венцлов бир ўзи қолди. «Мағлубият,— деди у ўзига-ўзи,— ҳар хил одамларни ҳар хил оқибатларга олиб боради. Қора халқ бунга дарров кўникади-ю, душманга таслим бўлади. Браунсга ўхшаганлар бунга бардош беролмайди, аблаҳ Нильс бўлса, Браунс бир оз шошилди-да, деб бошимизни қотирди. Браунс нимани ҳам кутиши керак эди? Мўъжизаними? Самолётга ўтириб, шартта учиб кетиш — мўъжизаси шуми энди!»

Венцлов олдинги позицияларга чиқиб кетди. Пулемётчилар, ўқ-дори энг ками бир ҳафтага етади, деб ўйлашарди. Ўқ-дорининг жуда оз қолганини, кўпи билан икки кунга етишини жуда кам одам биларди. Ун-қир-чўнқирларда машина сакраб-сакраб кетарди. Бун-

дан атиги бир неча соат олдин йўл бўлган жойда, снаряддан пайдо бўлган чуқур олдида машинани тўхта-тишга тўғри келди.

Венцлов кутилаётган ҳужум бошлангунча қайтиб келарман, деб ишонган эди, тўхтаб қолганлари учун жон-жаҳди билан сўкинар эди. Олдиларидан қуролсиз, белгисиз олти киши ўтиб кетди. Конвойлар честь беришди.

— Уларни қаёққа олиб кетяпсиз? Тез бўлинг!— деб қичқирди Венцлов.

Булар, отишга олиб кетишаётган ўша олти киши эди. Қийналиб ўтиришнинг нима кераги бор? Машинани, чуқурни айланиб ўтиб, аллақандай, бир девор ёнига боришнинг нима ҳожати бор? Ҳаммасининг ҳам: конвойларнинг ҳам, машинанинг ҳам, ўлимга маҳрум этилганларнинг ҳам ҳар дақиқа кули кўкка совурилиши мумкин. Шунинг учун ҳукми мумкин қадар тезроқ бажариш керак: бу олтитаси бошқаларга ўхшаб ўлмасин. Венцлов машинадан бошини чиқариб, уларнинг юзига тикилди. Уларнинг ранглари ўчиб кетганди, ҳозир уларни ўлим кутади.— деб ўйлади Венцлов.— Улар бугун, бошқалар эртага ўлади. Улар ўз ўлимини бошқалардай узоқ кутиб қийналмайди»,— деган фикр келди унинг миясига.

Венцловдан атиги бир неча қадам нарида, сафда иккинчи бўлиб турган одам лабларини қимирлатиб, унга алланима деб қичқирди, ёки қичқирмоқчи бўлди. Конвой уни бир четга итариб юборди. Машина уларни босиб кетишига сал қолди.

Чорак соатдан кейин янги ҳужумдан дарак бериб биринчи снарядлар қулоқни тешадиган даражада чўзиб-чўзиб ғувиллай бошлади. Машина борган йўлидан орқасига омон-эсон, бешикаст қайтди. «Менга жин ҳам урмайди,— деб ўйлади Венцлов,— ўзимни-ўзим ўлдиришим керак. Мана Браунс шундай қилди-ку». Улар чуқур ёнидан ўтиб кетишди. Бу ёққа келишаётганларида йўлда, ўша чуқур ёнида олти кишини учратишган эди. Уларни қаерга олиб бориб отишлари маълум эмасди. Эҳтимол, уларни шу ернинг ўзида отиб ташлашгандир. Ахир унинг ўзи: «Тезроқ йўқотинг!» деб қичқирди-ку. Снарядларнинг ғувиллашида у гўё ўзининг «Тезроқ йўқотинг! Тезроқ йўқотинг!» деган товушини эшитаёт-

гандай бўлди. Товушлар худди акс садодай бир-бирига қўшилиб кетарди. Унинг ўз овози ҳам унга акс садодай туюлди. Биринчи қичқирган ким экан? Қаердан келди овоз? Тоннинг қайси горидан эшитилди? Ҳалиги олтига одамнинг биттаси, ўнгдан иккинчиси унга эски танишдек туюлди. Уни бир вақтлар кўргандай эди. Лекин қачон ва қаерда? Юзидан жасорат барқ уради, бошини мағрур тутади, одамларга еб юборгудек тикилиб қарайди. «Кимлигини энди билдим»...— деб ўйлади Венцлов. Лекин ўйининг охиригача етолмади: шундай орқаларида снаряд портлади. Машина икки марта сакраб тушди, тупроқ ва тошлар унинг устига ёмғирдек қуюлди. Снаряд олдинга тушди. Машина орқасига ташланди-ю, шартта бурилиб, чуқурга тушиб кетди. Эпчил, моҳир совуққон шофер ўлимга усталик билан чап бериб ўтарди, гўё у ўзини шунчаки бир тўсиқларга чап бериб ўтаётгандай ҳис этарди. Унинг бурни пу-чуқ эди, у Венцловга юзланиб:

— Жаноб майор, яхшиси пиёда борганингиз тузук,— деди.

Венцлов машинадан сакраб тушди. У етиб бориши керак бўлган бинонинг қолдиқларини дарров ажратди; энди шу қолдиқда ҳам ёриқ бор эди, ёриқ орасидан ёнғин алангаси кўринарди; қоровулхона эски жойида, бинога кираверишда турарди; у шикаст емаган эди, мўрисидан кўтарилаётган тутун унинг соқчилик қилаётганидан далолат бериб турарди. Шу орадан ўтаётган отряд Венцловни йўлини тўсди. У чуқурдан ҳатлаб ўтди, шағалларни йиғаетган солдатлар ўзларини четга олдилар. Венцлов устма-уст ётган икки мурда ёнидан ўтиб, зинадан шоша-пиша тушди. У Браунснинг эшиги олдида турган соқчи ёнидан ўтди-да, ўз хонасига ўтди. Уша соқчи Кульмай: «Сен яна қайтиб келдингми! Бу юришларни бас қилсанг-чи энди!» деб ўйлади. Кейин яна: «Асирга тушишни истамасанг, демак Браунсга ўхшаб ўзингни отишинг керак. Лекин бундай ишга қодир эканлигинг ҳозирча кўринмаяпти»,— деб ўйлади ичида.

Венцлов ўз хонасида икки офицерни учратди. Улар Венцловга, алланималарни ҳаяжон билан куйиб-пишиб гапира бошлашди. У ҳеч нарса тушунмасди, тушунишни истамасди, шунинг учун уларни Фидлернинг олдига жўнатди.

Энди ертўланинг поли кучли портлашлардан ларзага келса ҳам Венцлов бу ерда ўзини анча хотиржам ҳис этарди; у бир зум бўлса ҳам ёлғиз бўлишни истарди. Кульмай эшик тагидан ёруғ кўринмайди, деб қўйди ўзича. У: «Мана ҳозир ўзини ўлдирарди, тўғри, енгил иш эмас. Ҳар ким бирор нарсадан умид қилади»,— деб ўйлади.

Венцлов тўппончасини олиб стол устига қўйди: балки ёлғиз бўлишдай ҳузур-ҳаловатидан сал бўлса ҳам ўзини баҳраманд қилар? Қоронғида аввал оқчил доғлар милтиллаб кўринди, кейин қизил ва кўк доғлар пайдо бўлди. Инсон бутун ер юзидан очкўзлик билан қидирадиган энг муқаддас ранглар; у бу рангларни дала-ларда ҳам, ўтлоқларда ҳам, черковнинг ҳар хил суратлар солинган ойналарида ҳам, Хитойда ҳам тополмади; у бу рангларни фақат дераза ойнасидан топди, ҳар сафар уйига каникулга келганида уларни завқ билан томоша қиларди. У кўчадаги чироғлар ёниб турганида яширинча дераза ичига кириб оларди, рангли ойналар сирли жимирлар эди.

— Қоронғида нима қилиб ўтирибсан?— Амалия холанинг товуши эшитилди. У, гўё ўзи деразада яширинча маза қилиб ўтиришни ёқтирмайдиган одамдай жаҳл билан гапирарди.

— Ҳозир тугатаман!— деди у қўрқа-писа.

Ғазабланган Амалия хола унга қия бўлиб турди, унинг бурни ва ияги кўзига балодай кўринарди.

— Қани, тезроқ бўл!

Венцлов кўзини юмди, чунки ярқираган ранглар кўзни қамаштирарди. «Тезроқ бир ёқли қилинг!»— унга бу буйруқни биринчи марта берган ким эди? У ҳаммасини эслади. Ниҳоят, бугун отишга олиб кетишаётган малла соч, дадил боқувчи йигитни қаерда кўрганлиги ҳам ёдига тушди.

Унинг марҳум почаси, капитан Клемм ўшанда: «Бир ёқли қилинг» деб буйруқ берганди. Ўшанда ёнида яна ким бор эди? Клеммнинг шофери бор эди. Унинг ҳам бурни бугунги шоферникига ўхшаб пучуқ эди. Маҳбусни олиб кетаётган конвойнинг қўполлиги шундай юздан билиниб турарди, уни худди ҳозир кўргандай эди. У Ливенни ҳам кўрди, Венцловнинг унга бир вақтлар жуда ҳаваси келганди, чунки Клемм уни мақтаб гапирарди. Нега Клемм маҳбусларни отишни арзандаси

Ливенга эмас, унга, Венцловга буюрди? Улар йигитни чуқурга кўмиб, устига тупроқ тортишди. Кейин, Ливен Венцловнинг ҳадиксираб, мурдани топиб олишади, деган гапидан кулиб юрди. Венцловнинг қанчалик қийналиб отганини ўшанда ҳеч ким сезмаган эди, бу ҳақда ўзи ҳам ўйлаб кўрмаганди. Улар гарбий фронтдан қайтиб келгандан кейин Берлин кўчаларида жанг қилишган вақтларида, унинг миясига бу хил ўй-фикрлар сира ҳам келмаган эди. Фақат улар Груневальддан кетишаётганларида ва маҳбус унинг олдида ўтирганида Венцловнинг миясига: «Ахир, биз иккаламиз тенгмиз-ку, у ҳатто менга ўхшаб ҳам кетади!» деган фикр келди. Лекин улар шу заҳоти машинадан тушишди, Клемм унга от дегандай ишора қилди.

Улар маҳбусни бир четга олиб чиқиб отишди, кейин кўмишди. Лекин у жуда ёш кетди-я! Отишда иштирок этганларнинг ҳаммаси, аллақачон ўлиб кетган бўлса керак. Машаққатли турмуш юкини елкасида кўтариб бориш мункиллаб қолган чолга қараганда унга қийин эди. Унг томондан иккинчи бўлиб турган йигит худди тойдай бошини баланд кўтарди. Гўё ўлим унинг олдида ожиздек туюларди. Уларнинг ҳаммаси, носкечилар ҳам, лихтшлагчилар ҳам, каппчилар ҳам, люттвицлар ҳам, унинг кўкрагида тиззаси билан турдилар. Лекин у навқирон ёшлигича қолди! Нацистлар худди шу йигитга мол-дунё, фароғатли турмуш ваъда қилишди, лекин у ёлғон-яшиқ гапларга учмади. Улар уни минг хил азобга солишди, калтак зарбидан йигитнинг суяклари қирсиллар эди; уни урушга жўнатишди, бир жанг майдонидан иккинчи жанг майдонига ташлашарди, лекин уни ўлдирарди олмдилар; ёшлигича қолди; мана ҳозир ҳамма нарса барбод бўлганда у яна ҳамма ишга тайёр турибди.

Очиқ ранглар унинг қовоғини куйдирарди, у кўзларини очди. Атрофида ойналари рангли дераза йўқ, ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди; у ҳатто Амалия холанинг юзини ҳам кўрмади. Унинг фақат:— Тезроқ бир ёқли қил!— деган даҳшатли овозини эшитарди, холос.

Кульмай кўпдан буён кутаётган ўқ товушини эшитди, у фақат бош қимирлатиб қўя қолди. У бошқаларнинг ҳар томондан югуриб келишига, дод-вой кўтаришига қимирламай қулоқ соларди.

Шанба кунларининг бирида Мария ишдан келса, барагида бир нотаниш хотин ўтирибди. Уни кўриши билан нотаниш аёл ўрнидан сапчиб турди. Мария, ўглининг севгилиси Эммини дарров таниди-ю... юзлари севинчдан порлаб кетди. Қиз унинг кўксига бошини қўйди. Узоқ вақт кўрмаган бу аёлнинг ёнида кишининг қанчалик энгил нафас олишини, ҳатто шу қиз ҳам ҳис қилган эди. Қиз Марияни қидириб топиш, уни кўриш учун қанчалик қийналганини гапириб берди. У, бир неча ойдан бери Гансдан ҳеч хат-хабар олмабди. Унга нима гап бўлганини Мария билмасмикин? Мария ғамгин бош чайқади. У ҳам Гансдан кўпдан бери хат-хабар олмас экан. Мария Эмми ўзи айтмасданоқ унинг ҳомиладорлигини пайқади. Мария мамнун бўлиб бошини қимирлатиб қўйди, ўзида йўқ хурсанд бўлди. Буни кўриб Эммининг жаҳли чиқиб кетди.

— Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, мен нимага хурсанд бўлай? Боламни итга ўхшаб кўча-кўйда туғиб кетишимга хурсанд бўламанми?— Унинг озгин юзи қаҳрли бўлиб, кўзлари ғазабдан ёнар эди.

— Мен ҳали ҳам уни қайтиб келади, деб умид қиламан,— деди Мария.

— Билмадим,— деб сўзида давом этди қиз,— ҳомиладорман деб ёзган хатимни олдим-йўқми, барибир, бу хабар уни ўлимдан сақлаб қололмасди.

— Албатта,— деб унинг гапини маъқуллади Мария. Мария, Эмми менга қараганда ақлли, жаҳли тез экан, бир вақтлар мен ҳам шундай эдим, деб ўйлади. У бефаҳмлигидан, мен ҳадемай фарзанд кўраман, шунинг учун севгим, албатта келади, деб ўйларди. Мария ўз севгилисини, қандай севган бўлса, Эмми ҳам Гансни ана шундай севарди, албатта.

Фрау Гюбнер ишдан келди. Улар чой қўйишиб ичишди. Кечаси улар бир койкада ётишди. Гюбнер билан Эмми четда, Мария эса ўрталарида ётди.

Улар ҳаво тревогасидан уйғониб кетишди. Эмми куни билан ҳам хўмрайиб юрди, ҳозир у ҳеч нарсага парво қилмасди, бомбаларнинг шундай яқинда портлашини, атрофда одамларнинг қўрқувдан дағ-дағ титрашиб, дод-вой кўтаришини, саросимада у ёқдан-бу ёққа чопишини кўриб туриб ҳам пинагини бузмади.

Икки соатдан кейин Мария билан Эмми яна ётди. Фрау Гюбнер Клебернинг қизлари билан ётди, чунки кичкинаси тишмай йиғларди. Чол ётиши билан хуррак ота бошлади. Солдат билан Клебер хоним гўё кўпчилики олдида нутқ сўзлаётган одамлардай эди: дам унисидунёдаги ҳамма нарсага лаънат ўқир, дам буниси тانتанали оҳангда, баланд руҳ билан узундан-узоқ гапириб, бошқаларга далда берган бўлар эди. Мария Эммининг кўзини очиб ётишини кўриб, унинг ҳаливери ухламаслигини билди; Эмми ёстиққа ёнбошлаб ётарди. Ташқаридан ҳамон қийқириқ, оёқ товуши, юк машиналарнинг гуриллагани эшитилиб турарди.

— Ҳамма нарса жонимга тегди,— деди Эмми.— Бошқа яшашни истамайман.

— Кўзинг ёришгунча эҳтимол уруш тугаб, ҳамма ёқ тинчиб кетар,— деб эътироз билдирди Мария.

— Хўш, тугаса нима бўпди? Унинг, албатта, соғсаломат қайтишини билсам майли эди. Руслар ўглингни суякларини халтада сенга олиб келиб беришмайди. Агар у қайтиб келмаса, яхшиси боланинг туғилмагани маъқул. Хатимни олса, албатта қайтиб келса керак, деб юрардим ўзимча.

«Менга ҳам шундай туюларди,— деб ўйлади Мария.— У ҳамма нарсадан хабардор бўлса, албатта қайтиб келади, деб ўйлагандим». Эмми алам билан гапирди:

— Дунёда ҳеч ким бизчалик бир-бирига яқин, меҳрибон эмасди. Мен уни жонимдан ортиқ севардим, қанчалик севганимни сенга сўз билан таъриф қилолмайман. Биз кучоқлашиб ётардик. Бир-биримизнинг дардимизни оғиз очишимиздан билиб олардик.

— Шуларнинг ҳаммаси бирдан йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас,— деди Мария,— булардан маҳрум бўлишни ўзинг ҳам истамайсан.

Мария, Эммини то ухлаб қолгунча яна бир оз юпатди. У қизнинг қўлларини боши остидан олди, унинг нафратли кўзлари юмилганда, юзи хотиржамдек туюларди. Мария унинг бошини силаб ётди, ҳадемай ўзи ҳам ухлаб қолди. Аста-секин хонага жимлик чўкди. Туннинг сўнгги соатларида улар бир-бирларига қараганда хотиржам ётдилар, эркин нафас олдилар, уларнинг ўртасида ҳали ёруғ дунёни кўрмаган гўдак ётарди.

## МУНДАРИЖА

Ф. Сулаймонова. Анна Зегерс ва  
Унинг „Барҳаёт ўликлар“ романи . . . . . 3

### *Абдулахад Абдуллаев таржимаси*

Биринчи боб . . . . .	15
Иккинчи боб . . . . .	44
Учинчи боб . . . . .	77
Тўртинчи боб . . . . .	109
Бешинчи боб . . . . .	147
Олтинчи боб . . . . .	181
Еттинчи боб . . . . .	221
Саккизинчи боб . . . . .	265
Тўққизинчи боб . . . . .	295
Унинчи боб . . . . .	349
Ун биринчи боб . . . . .	355

### *Ҳусан Рўзиматов таржимаси*

Ун иккинчи боб . . . . .	385
Ун учинчи боб . . . . .	417
Ун тўртинчи боб . . . . .	451
Ун бешинчи боб . . . . .	496
Ун олтинчи боб . . . . .	535
Ун еттинчи боб . . . . .	584
Ун саккизинчи боб . . . . .	624

*На узбекском языке*

Анна Зегерс

МЕРТВЫЕ ОСТАЮТСЯ МОЛОДЫМИ  
*Роман*

*Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1962*

„Июстрашная литература“ нашриётининг 1951 йил нашридан  
таржима қилинди.

Редактор *С. Раҳимов*  
Расм В. И. Евенко  
Расмлар редактори *Г. Н. Остапенко*  
Техн. редактор *М. Парпихўжаев*  
Корректорлар *М. Мансурова, А. Сулаймонов*